Э.А.Бегматов

# ЎЗБЕК ИСМЛАРИ МАЪНОСИ

2-нашри

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ

81.2 Ўз
Б 45

Бегматов Э.А.
**Ўзбек исмлари маъноси:** (Изоҳли луғат). – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007 – 608 б.

Ўзбек исмлари ниҳоятда ранг-баранг. Улар мазмунан бой ва тарихийдир. Ушбу китобда халқимиз орасида қўйилиб келинаётган 14600 га яқин исм жамланган. Асосий мақсад бу исмларнинг маъносини кўрсатиш ҳамда ота-оналарга янги туғилган фарзандлари учун ўзларига маъқул бўлган исмларни танлашга ёрдам беришдир.

Айни вақтда китоб ўзбек исмларининг кириллица ва лотин ёзувида ёзилишида ҳар бир кишига, қолаверса, расмий идораларга кўмак бериб, бу борада қўлланма вазифасини ўтайди.

**ББК 81.2 Ўз**

Б $\frac{5001000000}{358-2007}$

ISBN 978-9943-07-003-5

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007

# НАШРИЁТДАН

Ўзбек исмлари ҳақида ҳар ҳолда анча-мунча китоблар ёзилган. Уларнинг аксарияти ушбу китоб муаллифи — филология фанлари доктори, профессор Эрнст Азимович Бегматов қаламига мансубдир[1].

Ўзбек исмлари маъносини излаб мавжуд китобларни яна бир бор ўрганиб чиқдик. Лекин бу борада кўнгилдагидек маълумот ололмадик.

Нега?! Ўзбек исмларининг мазмуни йўқми?! Луғатларни, энциклопедияларни қарадик. Тополмадик.

Муҳтарам муаллифимиз ушбу китобда бизнинг саволимизга илмий асосда жавоб беришга ҳаракат қилади.

Бир гуруҳ тилшунослар атоқли отларни, жумладан одам номларининг маъносини инкор этганлар. Улар фикрича, исмлар кишиларнинг шунчаки атамаси, номи, этикеткасидир. Бу қараш тарафдорлари атоқли отлар маъносининг мавжуд эмаслигини учта далил билан исботлашга интилишади. Биринчидан, атоқли отлар мустақил сўзлар эмас. Чунки уларнинг ўзига хос, мустақил лисоний материали йўқ. Шу сабабли атоқли отлар тилдаги мавжуд турдош (оддий) сўзлар, яъни апеллятив лексикадан ясалади. Чунончи, **Темирбой** исми асосида **темир** сўзи, **Худойберган** исми асосида **худой берган** (бола) сўз бирикмаси ётади. Иккинчидан, атоқли отлар маъноси турдош отлар каби умумлаштирилган тушунчани ифодаламайди. Шу туфайли от маъноси луғавий маъно эмас. Учинчидан, атоқли от тушунча билан боғлиқ луғавий маъно ифодаламагани учун оддий сўзлар каби барчага тушунарли бўлавермайди. Шу сабабли ҳам атоқли отларни турдош сўзлар каби луғатларда изоҳлаб бўлмайди. Дарҳақиқат, атоқли отлар икки тилли, изоҳли луғатларга бош сўзлар сифатида киритилмайди ва маъноси изоҳланмайди, балки оддий сўзнинг маъноси талқин қилинганида унинг атоқли от вазифасида ҳам келиши таъкидланади, холос. Чунончи: "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да **султон** сўзининг лексема сифатидаги луғавий маънолари изоҳлангач, "Султон" (эркаклар ва хотин-қизлар исми) изоҳи келтирилган (II жилд, 1981, 84-бет). Исм вазифасида келадиган бошқа сўзларга ҳам мана шундай изоҳлар берилган. Демак, луғатларда исмлар маъноси оддий сўзлар маъноси каби изоҳланмайди. Чунки уларни маълум тушунча билан боғлиқ маънога эга деб ҳисобланмайди.

Лекин баъзи олимлар, тилда маъносиз сўз бўлиши мумкин эмас, деган фикрни илгари суришади. Уларнинг қарашича, исмлар маъноси исм учун асос сўз (апеллятив)нинг, иккинчидан эса, исмнинг юзага келиши ва қўйилиши учун асос бўлган сабаб, ҳолатнинг моҳиятидан иборатдир. Бу қарашга кўра, масалан, **Тўхтасин** исмининг маъноси **тўхтасин** феъли англатадиган маъно ва ота-онасининг ўз фарзанди яшаб кетишини ният қилганлиги орзусини ифода этадиган тушунчани англатувчи маънодан иборатдир. Атоқли отлар маъносини мана шундай тушуниш ва талқин қилиш номшуносликда кенг тарқалган бўлиб, исмларнинг махсус изоҳли луғатларида киши исмлари маъноси мана шу нуқтаи на-

---

[1] "Киши номлари имлоси", Т., 1970; "Ўзбек исмлари имлоси", Т., 1972; "Ўзбек исмлари", Т., 1991; "Исм чиройи", Т., 1991 ва б.

зардан ёригилади. Демак, исмлар маъноси деганда этнографик маъно тушунилади...

Хуп, этнографик маъноми ёки бошқа маъноми, биз -- ўзбеклар ўз исмларимиз мазмунини билишни истаймиз. Шундай бир луғат бўлсаки, истаган ўзбек ўз исмининг маъносини топа олса. Нега шундай мукаммал луғат йўқ?!

Олим бу саволга ҳам қониқарли жавоб берди. Ўзбек исмларининг аксарияти ислом дини тушунчалари билан боғлиқ. Динимиз таъқиб остига олинган шўролар тузуми даврида бу ҳақда ўйлашиб ёзар ва гапирар эдик...

Миллий истиқлол бу борада ҳам кенг имкониятлар очди. Ушбу китоб бу имкониятдан фойдаланиб, муаллиф билан нашриётнинг олиб борган ҳамкорликдаги фаолиятлари натижасида юзага келди.

"Ўзбек исмлари маъноси" деб аталган ушбу луғат исмларнинг этнографик маъноларини изоҳлашга бағишланган. Луғатда исмларнинг яратилиши ва болага атоқли от сифатида қўйилиши билан боғлиқ маънолар талқин қилинади. Номлар маъносини изоҳлаш жараёни изоҳларнинг баъзи ҳолларда анъанавий филологик изоҳли луғатлар усулида, кўпчилик ҳолларда эса энциклопедик талқинлар характерида бўлишини кўрсатади. Бунга сабаб кўпчилик исмларнинг энциклопедик маъноси бир неча омиллар орқали шаклланиши ва кўпқиррали хусусиятларга эгалигидир.

Исмларнинг ушбу луғатда изоҳланган маъноларини тўлиқ ва тўғри тушуниш учун номлар маъносини изоҳлаш билан боғлиқ баъзи илмий-назарий фикрлар луғат сўнгида берилган "Ўзбек исмлари этнографияси" да қайд этилди.

Ўзбек исмлари изоҳли луғатининг бош қисмида Қуръони каримда тилган олинган Аллоҳнинг "Гўзал исмлар" (арабча "ал-Асмо ал-Ҳусно") ини беришни жоиз кўрдик (Абдулазиз Мансур тайёрлаган.). Зеро, ўзбек исмларининг ҳам кўпчилиги мусулмон илоҳиётида муҳим ўрин тутган шу "исмлар" га тақалади.

Китобнинг асосий қисми — "Ўзбек исмларининг изоҳли луғати" муаллиф узоқ йиллар мобайнида тўплаган ва синчиклаб ўрганган 14 минг 600 га яқин исмларни ўз ичига олади.

Китобнинг асосий мақсади ўзбек исмларининг бутун бойлигини бир жойга тўплаб, маъносини изоҳлаб бериш орқали келажак авлодга бу борада катта бир маънавий мерос қолдиришдир. Бу билан ҳар бир ўзбек шахси ўз исмининг маъносини англаб олибгина қолмай, ота-оналарга янги туғилган фарзандлари учун ўзларига маъқул бўлган исмларни танлашга ҳам ёрдам беради.

Ушбу китоб, айни вақтда, ўзбек исмларининг кириллица ва лотин ёзувида тўғри ёзилишида ҳар бир кишига, қолаверса расмий идораларга кўмак бериб, бу борада муайян даражада қўлланма вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

Пировардида шуни таъкидлаш жоизки, муаллиф луғатда исмлар маъносини ўзига маълум бўлган маълумотлар, илмий имкониятлар доирасида талқин қилди. Шу сабабли бу талқинларда баъзи нуқсонлар, етишмовчиликлар, очилмай қолган ёки умуман ҳисобга олинмаган маънолар, маъно қирралари бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан ушбу луғат ижодкори жамоатчиликнинг, китобхонларнинг қимматли маслаҳатлари, кўмагига муҳтождир. Муаллиф холисона билдирилган фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

# ЛУҒАТНИНГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ

Исмларнинг изоҳли луғатига кирган номларнинг луғавий таркиби ҳақида қуйидагиларни таъкидлаш лозим.

Биринчидан, луғатда изоҳланган исмлар кишиларнинг ҳаётий (реал) атоқли отлари бўлиб, ҳозирда яшаётган ёки яқин ўтмишда яшаб ўтган шахсларнинг исмлари, фамилиялари ёки ота исмларини ташкил қилади. Баъзи тарихий номлар, тахаллуслар (Беҳзод, Улуғбек, Навоий, Машраб, Фурқат), бадиий образларнинг номлари (Мажнун, Лайли, Фарҳод), фольклор қаҳрамонлари номлари (Барчин, Алпомиш) ва бошқалар луғатга ҳаётда мавжуд бўлган аниқ шахсларнинг исми сифатида учрагани учун киритилган.

Иккинчидан, луғатда изоҳланаётган бир қатор исмлар бошқа қардош туркий тилларда, шунингдек тожик тилида ҳам деярли ўша шакл ва маънода учрайди. Бундай исмий параллелларнинг **ўзбекча исм** деб изоҳланаётгани бу номларнинг бошқа тилларнинг ҳам лисоний мулки эканини инкор қилмайди.

Учинчидан, ушбу луғатнинг асосий мақсади исмларнинг маъносини талқин қилиш бўлгани учун унда баъзи исмларнинг ноадабий ёки лаҳжавий ва оғзаки талаффузи шакллари ҳам келтирилган. Чунончи, **Жарқиной, Жарқул, Жовбўри, Улбиби, Улой, Улбўлсин** ва бошқалар.

Тўртинчидан, луғат сўзлигига исмларни киритиш, улар маъносини изоҳлашда номларни баҳолаш, яъни "яхши исм" – "ёмон исм", "хосиятсиз исм", "чиройли исм" — "хунук исм", "маданий ном" — "номаданий ном", "эскича ном"— "янгича ном", "замонавий ном" сингари нуқтаи назардан иш тутилгани йўқ. Аслида номларни юқоридаги тарзда баҳолашнинг ўзи кишиларнинг субъектив майлларига боғлиқ бўлиб, исмларга моҳиятан бундай ёндашиш нотабиий, ғайриилмийдир. Тилда аслида "хунук", "ёмон" исмлар йўқ. Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига бундай ном қўйишни истамайди. Одатда мана шундай "хунук" исмларнинг яратилиши ва берилиши кишиларнинг ўз фарзандига бўлган эзгу орзулари, тилак ва армонлари билан боғлиқдир. Шу сабабли ушбу луғатда **Ёмонбола, Итолмас, Итемас, Касофат, Қизларбас, Қизтумас (Қизтуғмас)** каби исмлар изоҳланган. Чақалоқни қандай номлаш ҳар доим аниқ шароит тақозоси, ота-оналарнинг истак ва ҳоҳишлари, ишонч ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган ва шундай бўлиб қолаверади.

Бешинчидан, ушбу луғат ўзбек тилидаги барча исмлар ва исм шаклларини қамраб ололган эмас. Бу табиий ҳолдир. Чунки номларнинг бой материаллари ҳали тўлиқ ва мукаммал тўпланганича йўқ. Шу билан бирга, ушбу китоб муаллифига маълум бўлган баъзи исмлар, исм шакллари онгли равишда луғатга киритилмади. Бунга ушбу номларнинг маъноси ҳозирча номаълум ёки исм маъносини тўғри изоҳлаш имконининг йўқлиги сабаб бўлди.

Луғатнинг тузилиши, унда исмларнинг берилиш хусусиятлари юзасидан қуйидагиларни эслатиб ўтиш ўринлидир:

— Луғатда исмлар қатъий алифбо тартибида жойлаштирилган.

— Исмларнинг ёзилиш шакли кириллица ва лотин алифбосига асосланган ўзбек имлосида берилди. Китобхонларга ўзбек исмларининг лотин ёзувида ҳам ёзилишини ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида шундай қилинди.

— Эркак ва аёлларнинг исмлари ажратилмаган ҳолда бир рўйхатда жойлаштирилган.

— Фақат аёлларга берилувчи исмлар рўйхатда ◊ (ромба) белгиси билан ажратиб кўрсатилди. Махсус белги билан ажратилмаган исмлар фақат эркакларга қўйиладиган ёки эркак ва аёллар учун баравар қўйилаверадиган исмлардир. Чунончи, **Турсун, Ортиқ, Орзу, Эргаш** каби.

— Луғатда исмларнинг асли қайси тилга мансублиги, этимологик манбалари кўрсатиб борилди. Масалан, (ар.) – арабча, (фт.) – форс-тожикча, (қад. яҳ.) – қадимий яҳудийча каби. Исмларнинг асл манбаини таъкидлашда номлар таркибида келувчи **бой, хон, ой, зода, биби, буви, жон, той** каби шакллар ҳам ҳисобга олинди.

Баъзан исмларнинг асл манбаи — этимологик белгиси кўрсатилмади. Икки ҳолатда шундай қилинди:

а) исмларнинг қисқарган шакллари (**Шомир, Жумат, Жумаш, Маман, Мамай**) берилганда. Чунки номларнинг бундай шакллари ўзбек тилида юзага келган бўлиб, ўша тилнинг маҳсули ҳисобланади;

б) номнинг асли қайси тилга мансублиги муаллиф учун номаълум бўлган ҳолларда. Чунончи, **Сакбой, Жайҳун, Санжар** исмлари.

Қўшма исмларни ташкил қилувчи қисмлар этимологик жиҳатдан бошқа-бошқа манбага мансуб бўлса ҳар қайсиси ҳам таъкидланди: **Муҳаммадисо** (*ар.+қад. яҳ.*), **Турдиали** (*ўз.+ар.*) каби. Борди-ю, қўшма исм қисмлари бир манба тилга мансуб бўлса ўша манба белгиси қўйилди: **Ойтуғди** (*ўз.*), **Эшкелди** (*ўз.*), **Обидали** (*ар.*), **Бахтинисо** (*ар.*), **Барногул** (фт.) каби.

Луғатда битта исмнинг турли шакллари, қўшма исм билан уни ташкил қилган қисмлар орасидаги муносабатлар *қар.* (қаранг), *сол.* (солиштиринг) ёки *эҳт.* (эҳтимол), *асли* каби белгилар ёрдамида таъкидланган. Чунончи, *қар.* (қаранг) белгиси исм қисқарган шаклининг тўлиқ ёки адабий шаклини кўрсатишга [**Ёрмат** (*ар.*) - *қар.* **Ёрмуҳаммад; Зайни** (*ар.*) -*қар.* **Зайниддин**], қўшма исмни ташкил қилган қисмларни таъкидлашга [**Гулойша** -*қар.* **Гул** ва **Ойша**; **Дилмуҳаммад** -*қар.* **Дил** ва **Муҳаммад**], исмнинг бошқа бирор шаклдан келиб чиққани, туғилганини қайд қилишга [масалан, **Мамажума** -*қар.* **Муҳаммаджума, Гулнур** -*қар.* **Гулнура**] хизмат қилади. Шунингдек эҳт. (эҳтимол) белгиси исмнинг изоҳланган маъноси қатъий эмас, фараз қилинаётганини ёки бу исмнинг бошқа бирор исмдан юзага келгани таҳмин қилинишини ифодалайди ва б.

Баъзи ҳолларда бирор исм шаклининг аслида қайси номдан юзага келганини кўрсатиш мақсадида < ёки > белгисидан фойдаланилди: **Мир<Амир** каби.

## АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

(ас) — алайҳис-салом (ҳамма пайғамбарларга, жумладан Муҳаммад пайғамбарга нисбатан қўлланади).

б-н — билан

ва б. — ва бошқа (лар)

ва ш.к. — ва шу каби (лар)

(сав) — саллоллоҳу алайҳу васаллам (фақат Муҳаммад пайғамбарга нисбатан қўлланади).

сол. — солиштиринг

тахм. — тахминан, тахминий

эҳт. — эҳтимол

эқ. — исмнинг эркалаш-қисқариш шакли

қар. — қаранг.

### Этимологик маълумотларда

ар. — арабча

лот. — лотинча

мўғ. — мўғулча

паҳл. — паҳлавийча

рус. — русча

рус. -байн. — русча-байналминал

санс. — санскритча

сур. — сурёнийча

суғ. — суғдча

фт. — форс-тожикча

хит. —хитойча

юн. — юнонча

яҳ. — яҳудийча

ўз. — ўзбекча

қад. т. — қадимий туркийча

қад. яҳ. — қадимий яҳудийча

ҳинд. — ҳиндча.

### Шартли белгилар

// — исмнинг шаклий тенг вариантлари

> — шундан келиб чиққан

◇ — қизлар исми

# АЛЛОҲ ИСМЛАРИ

## (Ал-Асмо ал-Ҳусно — Гўзал исмлар)

Қуръонда Аллоҳ исмлари ҳақида шундай дейилади: "Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар б-н чорланглар (ёд этинглар), Унинг исмларида ҳақдан оғиб (ноўрин жойларда уларни қўллайдиган мушрик) кимсаларни тарк қилинглар" ("Аъроф" сураси, 180-оят); "Аллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон — Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизларда (жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир" ("Ал-исро" сураси, 110-оят). Бу исмлар — 99 та. Улар мусулмон илоҳиётида муҳим ўрин тутади. Аллоҳ исмлари кўп дуоларда қўшиб айтилади. Суфийлар ўз зикрларида ҳам бу исмларни камолотга эришишнинг тимсоли сифатида ишлатадилар. Аллоҳни ва унинг исмларини иложи борича кўпроқ эслаб туриш тақводорлик намунаси ҳисобланади. Одатда тасбиҳ доналари сони Аллоҳ исмлари сони б-н тенгдир. Аллоҳ исмларидан дуохонлар туморлар сифатида фойдаланишади.

Қуръон Каримнинг "Ҳашр" сурасида (22—24-оятлар) "Аллоҳ гўзал исмлари"нинг қисқа рўйхати бор: ар-Раҳмон, ар-Раҳим, ал-Малик, ал-Қуддус, ас-Салом, ал-Мўмин, ал-Муҳаймин, ал-Азиз, ал-Жаббор, ал-Мутакаббир, ал-Холиқ, ал-Бориъ, ал-Мусаввир. Бошқа ҳамма исмлар Қуръоннинг турли жойларида учрайдиган Аллоҳ сифатларидан келиб чиқади ва улар б-н боғланган феъллардан ҳосил бўлган. 99 та исм рўйхати Абу Ҳурайра (601—679) ривоят қилган ҳадисда бор. Ана шу ҳадисга кўра, Муҳаммад (сав) 99 рақамини келтирганлар ва ҳар ким Аллоҳ таолонинг мазкур исмларини бирма-бир айтиб чиқса, албатта жаннатдан жой ато қилинади, деганлар. Бошқа Ҳадис тўпламларида ҳам Аллоҳ исмлари рўйхати келтирилади.

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Аллоҳ** | — Тангри, Маъбуди — бир ҳақ. |
| 2. | **ар-Раҳмон** | — Ўта меҳрибон. |
| 3. | **ар-Раҳим** | — жуда раҳмли. |
| 4. | **ал-Малик** | — подшоҳ. |
| 5. | **ал-Қуддус** | — нуқсонлардан ҳоли. |
| 6. | **ас-Салом** | — офат ва балолардан саломат. |
| 7. | **ал-Муъмин** | — омонли ва омон берувчи. |
| 8. | **ал-Муҳаймин** | — эгаллаб, қоплаб олувчи. |
| 9. | **ал-Азиз** | — иззат ва қудрат соҳиби. |
| 10. | **ал-Жаббор** | — бандалари ишини ислоҳ этувчи. |
| 11. | **ал-Мутакаббир** | — катталик ярашувчи зот. |
| 12. | **ал-Холиқ** | — яратувчи, вужудга келтирувчи. |
| 13. | **ал-Бориъ** | — яратувчи. |
| 14. | **ал-Мусаввир** | — махлуқот ва мавжудотларга сурат ва шакл берувчи. |
| 15. | **ал-Ғаффор** | — бандаларнинг айбу нуқсонлари ва гуноҳу маъсиятларини фош қилмай ёпиб турувчи, кечирувчи. |
| 16. | **ал-Қаҳҳор** | — барчани бўйсундирувчи, ғолиб. |
| 17. | **ал-Ваҳҳоб** | — Ўз неъматларини текин ато этувчи. |
| 18. | **ар-Раззоқ** | — барча тирик мавжудот ризқини етказиб берувчи. |
| 19. | **ал-Фаттоҳ** | — ҳукм этувчи, раҳмат хазиналарини очувчи. |
| 20. | **ал-Алийм** | — билувчи, доно, илм соҳиби. |
| 21. | **ал-Қобиз** | — кимларнингдир ризқини қийувчи, руҳларни қабз этувчи (олувчи). |
| 22. | **ал-Босит** | — кимларгадир кенг ризқ берувчи, руҳ бахш этувчи. |
| 23. | **ал-Хофиз** | — кофирлар мартабасини туширувчи. |
| 24. | **ар-Рофиъ** | — мўминлар мартабасини кўтарувчи. |
| 25. | **ал-Муизз** | — кимларнидир азиз, қадрли этувчи. |
| 26. | **ал-Музилл** | — кимларнидир хору залил қилувчи. |
| 27. | **ас-Самиъ** | — махфий ва ошкора гап ва шарпаларни, ҳатто дилдан ўтганини ҳам эшитувчи. |

28. **ал-Басир** — ҳамма махфий ва ошкора нарсаларни кўрувчи.
29. **ал-Ҳакам** — қатъий ҳукм этувчи.
30. **ал-Адл** — ўта адолатли.
31. **ал-Латиф** — бандаларига сездирмай ўз лутфу эҳсонини етказиб берувчи.
32. **ал-Хабир** — ҳамма махфий ва ошкора ишлардан хабардор.
33. **ал-Ҳалим** — жазолашга шошмайдиган, ҳилм б-н яхшилик қилиб турувчи.
34. **ал-Азим** — улуғ, буюк, катта.
35. **ал-Ғафур** — гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчи.
36. **аш-Шакур** — оз ишга кўп мукофот берувчи
37. **ал-Алий** — улуғ мартабали, буюк.
38. **ал-Кабир** — катта, ҳамма соҳада юқори.
39. **ал-Ҳафиз** — сақлагувчи (ўз паноҳида).
40. **ал-Муқит** — моддий ва маънавий ғизо берувчи.
41. **ал-Ҳасиб** — ҳар бир ишга ўзи кифоя қилувчи.
42. **ал-Жалил** — барча сифатлари мукаммал, улуғ зот.
43. **ал-Карим** — карамли, саховатли, кечиримли.
44. **ар-Рақиб** — ҳамма нарсани кузатиб, назорат остига олиб турувчи.
45. **ал-Мужиб** — дуоларни қабул этувчи.
46. **ал-Восиъ** — мулки, раҳмати ва қудрати кенг зот.
47. **ал-Ҳаким** — ҳикмат соҳиби. Дақиқ ва нозик илмларни билувчи.
48. **ал-Вадуд** — дўст, хайрхоҳ, маҳбуб.
49. **ал-Мажид** — неъмати ва эҳсони бепоён.
50. **ал-Боис** — пайғамбарлар юборувчи, ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи.
51. **аш-Шаҳид** — ҳамма нарсани билиб, кўриб турувчи, гувоҳ.
52. **ал-Ҳақ** — ҳақиқатан мавжуд зот.
53. **ал-Вакил** — ҳамма ишларни ўз зиммасига, кафолатига олувчи.

54. **ал-Қавий** — ҳақиқий қувват ва қудрат эгаси.
55. **ал-Матин** — қувватли, матонатли.
56. **ал-Валий** — дўстларига дўст, мададкор.
57. **ал-Ҳамид** — ҳамду санога, мақтовга лойиқ зот.
58. **ал-Муҳсий** — барча махлуқот ва мавжудотларнинг ҳисоб-китобини яхши билувчи.
59. **ал-Мубдиъ** — йўқдан бор қилувчи, яратувчи.
60. **ал-Муид** — ҳаётдан ўлимга, ўлимдан яна ҳаётга қайтарувчи.
61. **ал-Муҳйий** — тирилтирувчи.
62. **ал-Мумит** — ўлдирувчи.
63. **ал-Ҳай** — тирик.
64. **ал-Қаюм** — ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғузувчи.
65. **ал-Вожид** — хоҳлаган нарсасини топувчи.
66. **ал-Можид** — карамли ва шарафли зот.
67. **ал-Воҳид** — ягона, бир (худо — бир).
68. **ас-Самад** — баҳожат, ҳожатбарор.
69. **ал-Қодир** — қудратли.
70. **ал-Муқтадир** — қудратли, қодир.
71. **ал-Муқаддим** — ўзига яқин қилувчи.
72. **ал-Муаххир** — ўзидан узоқ этувчи.
73. **ал-Аввал** — ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чегарасиз.
74. **ал-Охир** — ҳамма нарсадан боқий, охири чексиз.
75. **аз-Зоҳир** — борлиги ҳамма томонлама аён бўлмиш зот.
76. **ал-Ботин** — ўзи мавжуд, лекин сезги воситаларимиздан махфий зот.
77. **ал-Волий** — барча ишларни тасарруф этувчи ҳоким.
78. **ал-Мутаолий** — улуғ, олий мартабали.
79. **ал-Барр** — яхшилик ва эҳсон соҳиби.
80. **ат-Таввоб** — тавбаларни қабул этувчи.
81. **ал-Мунтақим** — гуноҳкор бандаларидан ўч олувчи, жазоловчи.
82. **ал-Афув** — гуноҳларни афв этувчи.
83. **ар-Рауф** — ўта меҳрибон, раҳмати кенг.

84. **Моликул-мулк** — мулк, салтанат, ҳукм соҳиби.
85. **Зул-жалоли вал-икром** — шарафли ва карамли.
86. **ал- Муқсит** — адолатли, одил.
87. **ал-Жомиъ** — тўпловчи, қиёмат куни халойиқни маҳшаргоҳга жам этувчи.
88. **ал-Ғаний** — бой, эҳтиёжсиз.
89. **ал-Муғний** — бой этувчи, кифоя қилувчи.
90. **ал-Мониъ** — дўстларини ҳимоя этувчи, нолойиқларга ўз неъматларини ман этувчи.
91. **аз-Зорр** — ҳоҳлаган бандаларига офат, зарар ва мусибат етказувчи.
92. **ан-Нофиъ** — ҳоҳлаган бандаларига манфаат ва фойда етказувчи.
93. **ан-Нур** — ўз-ўзидан борлиги аён ва борлиқни ҳам аён этувчи.
94. **ал-Ҳодий** — йўл кўрсатувчи.
95. **ал-Бадиъ** — яратувчи (ихтиро ила).
96. **ал-Боқий** — доимий, абадий мавжуд.
97. **ал-Ворис** — борлиқни мерос қилиб олувчи.
98. **ар-Рашид** — барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи.
99. **ас-Сабур** — гуноҳкор — исёнкорларга жазо беришга шошилмайдиган зот.

(Мазкур исмлар бир мунча эркин таржима қилинган. Уларнинг мазмунларини уламолар бироз бошқача ҳам талқин этадилар).

# А

**Абаджон, Abadjon** (*ар.*) — мангу, чексиз, абадий, умри узоқ.

**Абай, Abay** (*ўз.*) — ҳушёр, эҳтиёткор ёки ҳимоя, муҳофаза қилинган.

**Аббос, Abbos** (*ар.*) — айнан: қовоғи солиқ, баджаҳл, бешафқат ёки довюрак, жанговар. Муҳаммад пайғамбар тоғасининг номи.

**Абди, Abdi (Абду)** (*ар.*) — қул, банда. Шу сўз б-н бошланадиган кўпгина қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Абдол, Abdol** (*ар.*) — тоат-ибодат қилувчи; авлиёлар, валилар, қаландар, девона ёки абдол уруғига мансуб бола.

**Абдолниёз, Abdolniyoz** (*ар-фт.*) — авлиёлар, валилар совғаси, туҳфаси.

**Абдуазиз, Abduaziz** (*ар.*) — иззат ва эъзоз соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуазим, Abduazim** (*ар.*) — улуғ, буюкнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуали, Abduali** (*ар.*) — олий мартабали, буюкнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуалим, Abdualim** (*ар.*) — билим ва донолик соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуаҳад, Abduahad** (*ар.*) — ёлғизнинг, яккаю-ягонанинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдубашар, Abdubashar** (*ар.*) — инсонлар (инсоният)нинг хизматкори қули.

**Абдубоис, Abdubois** (*ар.*) — қайтадан ҳаёт бахш эта олувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуборий, Abduboriy** (*ар.*) — яратувчи, ҳал этувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдубосит, Abdubosit** (*ар.*) — ризқ ато этувчининг, руҳ бахш этувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуботир, Abdubotir** (*ар.+ўз.*) — қўрқмас, довюракнинг қули.

**Абдубоқи, Abduboqi** (*ар.*) — доимий ва абадий мавжуднинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдувакил, Abduvakil** (*ар.*) — ишонч эгаси, вакил қилинганнинг қули. Муҳаммад пайғамбарнинг сифатларидан бири.

**Абдували, Abduvali** (*ар.*) — мададкор ва ҳомийнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдувафо, Abduvafo** (*ар.*) — садоқатли ва итоатлининг, содиқнинг қули.

**Абдуваққос, Abduvaqqos** (*ар.*) — итоаткорнинг қули.

**Абдуваҳҳоб, Abduvahhob** (*ар.*) — ўз неъматларини текин ато этувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуворис, Abduvoris** (*ар.*) — барча шунинг олдига борувчининг, борлиқни мерос қилиб олувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдувоси, Abduvosi // Абдувосиқ, Abduvosiq** (*ар.*) — мулки, раҳмати ва қудрати кенгнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдувосид, Abduvosid** (*ар.*) — ҳамма нарсанинг маркази, негизида турувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдувосил, Abduvosil** (*ар.*) —айнан: Аллоҳнинг розилиги ва дийдорига етиштирувчининг қули. Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири (*қар. Восил*).

**Абдувоҳид, Abduvohid** (*ар.*) — яккаю ягонанинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдужаббор, Abdujabbor** (*ар.*) — бандалари ишини ислоҳ қилиб жабрловчининг қули, куч-қудрат соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдужалил, Abdujalil** (*ар.*) — мукаммал ва улуғ зотнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдужалол, Abdujalol** (*ар.*) — буюк ва улуғвор, шону шуҳратлининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдужамил, Abdujamil** (*ар.*) — борлиқ эгасининг, меҳру мурувватли, сахий, гўзаллик ва камолот соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдужамол, Abdujamol** (*ар.*) — гўзаллик, нафосат соҳибининг қули.

**Абдузафар, Abduzafar** (*ар.*) — енгилмас, ғолибнинг қули.

**Абдузоир, Abduzoir** (*ар.*) — қар. Абдузоҳир.

**Абдузоҳид, Abduzohid** (*ар.*) — художўй, тақводорнинг, алиёнинг қули.

**Абдузоҳир, Abduzohir** (*ар.*) — мавжудлиги ҳар томонлама аниқ ва аён бўлган зотнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдузуннун, Abduzunnun** (*ар.*) — айнан: "балиқ эгаси". Юнус пайғамбарнинг лақаби (*қар. Юнус*)

**Абдукабир, Abdukabir** (*ар.*) — барча соҳада улуғ ва тенгсизнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдукамол, Abdukamol** (*ар.*) — етуклик, камолот соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдукарим, Abdukarim** (*ар.*) — карамли, саховатли, кечиримлининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдукомил, Abdukomil** (*ар.*) — етуклик, камолот эгасининг қули. Комил — Муҳаммад пайғамбарнинг сифатларидан бири (*қар Комил*).

**Абдулазал, Abdulazal** (*ар.*) — ўта қадимий, чексизнинг қули.

**Абдулазиз, Abdulaziz** (*ар.*) — *қар. Абдуазиз.*

**Абдулали, Abdulali** (*ар.*) — *қар. Абдуали.*

**Абдуламин, Abdulamin** (*ар.*) — ишонганнинг, муҳофазакорнинг, эътиқодлининг қули.

**Абдулатиф, Abdulatif** (*ар.*) — марҳаматли, илтифотли ва меҳрибоннинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулаҳад, Abdulahad** (*ар.*) — *қар. Абдуаҳад.*

**Абдулбасир, Abdulbasir** (*ар.*) — сезгир, зийрак, нигоҳи ўткирнинг, яъни ҳамма махфий ва ошкора нарсаларни кўрувчи Аллоҳнинг қули.

**Абдулбори, Abdulbori** (*ар.*) — *қар. Абдубори.*

**Абдулбосит, Abdulbosit** (*ар.*) — *қар. Абдубосит.*

**Абдулбоқи, Abdulboqi** (*ар.*) — *қар. Абдубоқи.*

**Абдулвожид, Abdulvojid** (*ар.*) — хоҳлаган нарсани топувчи ва яратувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулжавод, Abduljavod** (*ар.*) — ўта муруввatли, марҳаматлининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулжами, Abduljami** (*ар.*) — барча нарсадан хабардор ва барчани бир жойга тўпловчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулкарим, Abdulkarim** (*ар.*) — *қар. Абдукарим.*

**Абдулла, Abdulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Абдулманнон, Abdulmannon** (*ар.*) — *қар. Абдуманнон.*

**Абдулмаҳмуд, Abdulmahmyd** (*ар.*) — мақталган, мадҳ қилинганнинг қули. Маҳмуд — Муҳаммад пайғамбарнинг сифатларидан бири. *Қар. Маҳмуд.*

**Абдулнур, Abdulnur** (*ар.*) — ўз-ўзидан борлиги аён, борлиқни ҳам аён этувчининг, яъни Аллоҳнинг қули. Нур (ёғду, ёруғлик) — Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам сифатларидан бири (*қар. Нур*)

**Абдултоҳир, Abdultohir** (*ар.*) — нуқсонсиз, покнинг қули. Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири (*қар. Тоҳир*).

**Абдулфайз, Abdulfayz** (*ар.*)— лутфу карамнинг қули.

**Абдулфаттоҳ, Abdulfattoh** (*ар.*)— раҳмат хазиналарини очувчи ва унга йўл кўрсатувчининг, ҳукм этувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулфорих, Abdulforix** (*ар.*) — нурли, нурафшоннинг қули.

**Абдухабир, Abduxabir** (*ар.*) — барча ошкора ва махфий ишлардан хабардорнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулхайр, Abdulxayr** (*ар.*) — эзгулик ва саховат соҳибининг, яхшиликлар қилувчининг қули.

**Абдулқаҳҳор, Abdulqahhor** (*ар.*) — *қар. Абдуқаҳҳор.*

**Абдулқодир, Abdulqodir** (*ар.*) — *қар. Абдуқодир.*

**Абдулқосим, Abdulqosim** (*ар.*) — *қар. Абдуқосим.*

**Абдулқуддус, Abdulquddus** (*ар.*) — нуқсонлардан ҳолининг, мислсиз муқаддаснинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулғафур, Abdulg'afur** (*ар.*) — *қар. Абдуғафур.*

**Абдулғиёс, Abdulg'iyos** (*ар.*) — кўмак берувчининг қули.

**Абдулғози, Abdulg'ozi** (*ар.*) — дин йўлида курашувчи ва ғолиб чиқувчининг қули.

**Абдулҳай, Abdulhay** (*ар.*) — абадий тирик, барҳаётнинг қули.

**Абдулҳайит, Abdulhayit** (*ар.*) — айнан: байрам (ҳайит)нинг қули, ҳайит куни туғилган бола.

**Абдулҳаким, Abdulhakim** (*ар.*) — *қар. Абдуҳаким.*

**Абдулҳамид, Abdulhamid** (*ар.*) — мақтов ва олқишларга сазоворнинг қули. Бу ном "Аллоҳга ҳамду сано айтувчи" маъносида Муҳаммад (сав) сифати ҳамдир.

**Абдулҳафиз, Abdulhafiz** (*ар.*) — ўз паноҳида сақловчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулҳақ, Abdulhaq** (*ар.*) — ҳақиқатда мавжуд зот, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуҳоди, Abduhodi** (*ар.*) — тўғри йўлдан бошловчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдулҳужжат, Abdulhujjat** (*ар.*) — вакил қилинганнинг, ваколат берилганнинг қули.

**Абдумавлон, Abdumavlon** (*ар.*) — яратувчининг, дунёга келтирувчининг қули.

**Абдумажид, Abdumajid** (*ар.*) неъмати ва шарафи бепоённинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдумалик, Abdumalik** (*ар.*) — подшоҳнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдумамад, Abdumamad** (*ар.*) — *қар. Абдумуҳаммад.*

**Абдуманнон, Abdumannon** (*ар.*) — барча учун сахий ва саховатлининг қули.

**Абдуманноф, Abdumannof** (*ар.*) — аслзода, оқсуяк зотнинг қули.

**Абдумасиҳ, Abdumasih** (*ар.<қад.яҳ.*) — айнан: "ёғ (упа) суртилган"нинг қули, яъни Исо пайғамбарнинг қули. *Масиҳ* номи Исо (ас)нинг лақаби бўлган (*қар. Масиҳ*).

**Абдуматин, Абдуметин, Abdumetin** (*ар.*) — қувват, матонатлининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдумужиб, Abdumujib** (*ар.*) — дуо ва тавбаларни қабул қилувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдумулк, Абдулмулук, Abdumulk** (*ар.*) — ҳукмдорнинг, подшоҳнинг қули.

**Абдумурод, Abdumurod** (*ар.*) — муроду мақсадга интилувчи қул.

**Абдумусо, Abdumuso** (*ар.<қад.яҳ*) — Мусо (ас)нинг қули (*қар. Мусо*)

**Абдумуталлиб, Abdumutallib** (*ар.*) — Муталлибга садоқатли, Муталлибга қарамнинг қули (*қар. Муталлиб*).

**Абдумухтор, Abdumuxtor** (*ар.*) — танлаб, сайлаб олинганнинг қули. Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири (*қар. Мухтор*).

**Абдумуқтадир, Abdumuqtadir** (*ар.*) — кучли, қудратлининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдумуҳаммад, Abdumuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг қули (*қар.Муҳаммад*).

**Абдумуҳид, Abdumuhid** (*ар.*) — моддий ва маънавий озиқ берувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдумўмин, Abdumo'min** (*ар.*) — омонлик ва нажот берувчининг, ҳимоя қилувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдунаби, Abdunabi** (*ар.*) — пайғамбарнинг, яъни Муҳаммад (сав) нинг қули. Наби — Муҳаммад (сав) нинг сифатларидан бири.

**Абдуназар, Abdunazar** (*ар.*) — меҳру илтифотлининг, эзгуликнинг қули.

**Абдуназир, Abdunazir** (*ар.*) — азоблардан огоҳлантирувчининг, яъни Муҳаммад (сав)нинг қули. Назир — Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири (*қар. Назир*).

**Абдунаим, Abdunaim** (*ар.*) — омадлининг, муваффақият эгасининг қули.

**Абдунасим, Abdunasim** (*ар.*) — *қар. Абду* ва *Насим.*

**Абдунақиб, Abdunaqib** (*ар.*) — пайғамбарлар сардорининг, яъни Муҳаммад (сав)нинг қули.

**Абдуниёз, Abduniyoz** (*ар.*) — Аллоҳдан ўтиниб, ёлвориб олинган қул (бола) ёки туҳфа, совға қилинган қул.

**Абдунозир, Abdunozir** (*ар.*) — *қар. Абдуназир.*

**Абдуносир, Abdunosir** (*ар.*) — ёрдам берувчининг қули. Носир Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири. (*қар. Носир*).

**Абдунур, Abdunur** (*ар.*) — ўз-ўзини ва борлиқни аён этиб, равшан қилиб турувчининг, яъни Аллоҳнинг қули. Нур "ёғду, ёруғлик" маъносида Муҳаммад (сав)нинг ҳам сифатларидан бири (*қар. Нур*).

**Абдунуъмон, Abdunu'mon** (*ар.<қад.яҳ.*) — эзгулик, меҳру мурувватнинг қули.

**Абдуомил, Abduomil** (*ар.*) — ҳукмдорнинг, мансабдорнинг, меросхўрнинг қули.

**Абдупошша, Abduposhsha** (◊., *ар.-ф.т.*) — ҳукмдорнинг, ноибнинг қули.

**Абдураззоқ, Abdurazzoq** (*ар.*) — барчанинг насибаси, ризқу рўзини етказиб берувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдурасул, Abduracul** (*ар.*) — Аллоҳнинг элчиси, пайғамбарнинг қули. Расул — Муҳаммад (сав)нинг унвони, сифатларидан бири.

**Абдурауф, Abdurauf** (*ар.*) — ўта меҳрибон, мурувватни чексизнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдурафи, Abdurafi, // Абдурофиъ** (*ар.*) — мўминлар мартабасини кўтарувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдурафиқ, Abdurafiq** (*ар.-ф.т.*) — дўст, ўртоқнинг қули

**Абдурашид, Abdurashid** (*ар.*) — барча иш ва тадбирларда тўғри йўл кўрсатувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдурақиб, Abduraqib** (*ар.*) — барча нарсани кузатиб, назорат остига олиб турувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдураҳим, Abdurahim** (*ар.*) — раҳм-шафқатли, кечирувчининг яъни Аллоҳнинг қули. Раҳим — "раҳмдил, марҳаматли" маъносида Муҳаммад (сав)нинг ҳам сифати.

**Абдураҳмат, Abdurahmat** (*ар.*) — меҳру шафқатли ва мурувватлининг қули.

**Абдураҳмон, Abdurahmon** (*ар.*) — ўта меҳрибон ва меҳрлининг қули, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуризо, Abdurizo** (*ар.*) — айнан: Имом Ризонинг қули ёки Ризо-танланган, сайланганнинг қули (*қар. Ризо*).

**Абдурозиқ, Abduroziq** (*ар.*) — ризқу рўз берувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдусадр, Abdusadr** (*ар.*) — бошлиқнинг, диний сардорнинг қули.

**Абдусаид, Abdusaid** (*ар.*) — бахтли, саодатлининг қули ёки Аллоҳнинг бахтли бандаси.

**Абдусайид, Abducayid** (*ар.*) — йўлбошчининг, диний раҳбарнинг, ҳокимнинг (бу ўринда Аллоҳ кўзда тутилади) қули. Сайид номи "хожа" маъносида Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири.

**Абдусайфи, Abdusayfi** (*ар.*) — айнан: қиличнинг, ханжарнинг, яъни жасур, довюракнинг қули (*сол. Сайфуддин*)

**Абдусалим, Abdusalim** (*ар.*) — соғломнинг, хавфу хатардан йироқнинг қули.

**Абдусалом, Abdusalom** (*ар.*) — бало-офатлардан саломатнинг ёки бало-қазолардан саломат сақловчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдусамад, Abdusamad** (*ар.*) — ҳожатбарорнинг қули, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдусами, Abdusami** (*ар.*) — барча нарсалардан хабардор, эшитувчи ва воқиф бўлувчининг қули, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдусаттор, Abdusattor** (*ар.*) — кечирувчининг ва ҳимоя қилувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдусиддиқ, Abdusiddiq** (*ар.*) — ростгўйнинг, адолатлининг қули. Сиддиқ — Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири.

**Абдусоат, Abdusoat** (*ар.*) — омадли, бахтли соатда туғилган қул (бола).

**Абдусобир, Abdusobir** (*ар.*) — жазо беришга шошилмайдиган сабр-тоқатли зотнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдусолиҳ, Abdusolih** (*ар.*) — Аллоҳнинг буйруғини адо этиб яхши ишлар қилувчининг қули. Солиҳ — Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири.

**Абдусоҳат, Abdusohat** (*ар.*) — *қар. Абдусоат.*

**Абдусоҳиб, Abdusohib** (*ар.*) — ҳокимнинг, бошлиқнинг қули. Бу ўринда Аллоҳ кўзда тутилади.

**Абдусуннат, Abdusunnat** (*ар.*) — Аллоҳнинг йўл-йўриқларини адо этувчи, қул ёки Аллоҳнинг суннат қилинганга ўхшаб туғилган бандаси. *Сол: Суннат, Суннатулла.*

**Абдутолиб, Abdutolib** (*ар.*) — Толибнинг қули (*қар. Абутолиб, Толиб*)

**Абдутоҳир, Abdutohir** (*ар.*) — тоза, пок, покизанинг қули. Тоҳир — Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири.

**Абдуумар, Abduumar** (*ар.*) — халиф Умарнинг қули (*қар. Умар*).

**Абдуусмон, Abduusmon** (*ар.*) — халиф Усмонинг қули (*қар. Усмон*).

**Абдуфадил, Abdufadil** (*ар.*) — ўта аъло ва юксак бўлганнинг қули.

**Абдуфайёд, Abdufayyod** (*ар.*) — ўта сахий ва саховатлининг қули.

**Абдуфайз, Abdufayz** (*ар.*) — нозу неъматлари мўл ва сахийнинг қули.

**Абдуфармон, Abdufarmon** (*ар.*) — фалакдан келувчи буйруқларнинг содиқ ижрочиси (қули). Бу ўринда Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси кўзда тутилади.

**Абдуфаттоҳ, Abdufattoh** (*ар.*) — ҳукм этувчининг ёки раҳмат хазиналарини очувчи ва унга йўл кўрсатувчининг, яъни Аллоҳнинг қули; доимо ғолиб ва музаффарнинг қули.

**Абдуфозил, Abdufozil** (*ар.*) — баркамол, мукаммал ва бекаму кўстнинг қули. Фозил — "фозлу каромат соҳиби" маъносида Муҳаммад (сав)нинг ҳам сифатларидан бири (*қар. Фозил*).

**Абдухабар, Abduxabar** (*ар.*) — барча нарсани билувчи ва хабардорнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдухайр, Abduxayr** (*ар.*) — эзгулик ва саховат соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдухалил, Abduxalil** (*ар.*) — садоқатли дўстнинг қули (Сол. Халилулла).

**Абдухаллоқ, Abduxalloq** (*ар.*) — яратувчи, дунёга келтирувчининг, яъни Аллоҳнинг қули. *Сол. Абдухолиқ.*

**Абдуханнон, Abduxannon** (*ар.*) — раҳмдил ва шафқатлининг қули.

**Абдухол, Abduxol** (*ар.*) — *қар. Абдухолиқ.*

**Абдухолис, Abduxolis** (*ар.*) — тўғри, пок, адолатлининг қули.

**Абдухолиқ, Abduxoliq** (*ар.*) — яратувчининг, дунёга келтирувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдухорис, Abduxoris** (*ар.*) — асровчининг, қўриқловчининг қули.

**Абдухорун, Abduxopun** (*ар.*) — Хоруннинг қули (*қар. Хорун*).

**Абдушайх, Abdushayx** (*ар.*) — диний йўлбошчи, сардорнинг қули.

**Абдушамс, Abdushams** (*ар.*) — қуёшнинг қули, қуёшнинг мафтуни.

**Абдушараф, Abdusharaf** (*ар.*) — шону шавкатлининг, обрў-эътиборлининг қули.

**Абдушариф, Abdusharif** (*ар.*) — улуғ ва мурувватлининг қули.

**Абдушер, Abdusher** (*ар.-ф.т.*) — жасур ва қудратлининг қули.

**Абдушокир, Abdushokir** (*ар.*) — Аллоҳга шукрлар айтувчи, шукур қилувчи қул, банда.

**Абдушоҳид, Abdushohid** (*ар.*) — ҳамма нарсани кўриб турувчи ва унга гувоҳнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдушукур, Abdushukur** (*ар.*) — ҳар кимга ўз ҳақини, улушини ажратиб берувчининг қули.

**Абдуюсуф, Abduyusuf** (*ар.+қад. яҳ.*) — Юсуф (ас)нинг қули (*қар. Юсуф*).

**Абдуяҳё, Abduyahyo** (*ар.+қад. яҳ.*) — Яҳё (ас)нинг қули (*қар. Яҳё*).

**Абдуқайюм, Abduqayyum // Абдуқаюм** (*ар.*) — абадий мавжуд бўлиб турувчининг қули, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуқаҳҳор, Abduqahhor** (*ар.*) — барчани бўйсиндирувчи ғолибнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуқобил, Abduqobil** (*ар.*) — уддабуроннинг, қобилиятлининг, қудратлининг қули.

**Абдуқодир, Abduqodir** (*ар.*) — мислсиз куч-қудрат эгасининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуқосим, Abduqosim** (*ар.*) — ризқу рўз тақсимловчи, насиба улашувчининг қули.

**Абдуқуддус, Abduquddus** (*ар.*) — нуқсонлардан ҳолининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуқундуз, Abduqunduz** (*ар.*) — ноёб ва нодирнинг қули (*қар. Қундуз*).

**Абдуғани, Abdug'ani** (*ар.*) — бой, эҳтиёжсизнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуғафур, Abdug'afur** (*ар.*) — гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуғаффор, Abdug'affor** (*ар.*) — айбу нуқсонларини фош қилмай ёпиб турувчи, кечирувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуғози, Abdug'ozi** (*ар.*) — дин йўлида курашувчининг, дин ҳимоячисининг қули.

**Абдуғойиб, Abdug'oyib** (*ар.*) — яширганнинг, пинҳоннинг қули.

**Абдуғулом, Abdug'ulom** (*ар.*) — қулнинг ўғли, фарзанди.

**Абдуҳаёт, Abduhayot** (*ар.*) — ҳаёт ошиғи, ҳаётнинг содиқ хизматчиси.

**Абдуҳаким, Abduhakim** (*ар.*) — тенгсиз ақл ва ҳикмат соҳибининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуҳалим, Abduhalim** (*ар.*) — жазолашга шошмайдиган, яхшилик қилиб турувчи, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуҳамид, Abduhamid** (*ар.*) — ҳамду санога, мақтовга сазовор зотнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуҳаниф, Abduhanif** (*ар.*) — ғамхўр ва меҳрибоннинг қули.

**Абдуҳасан, Abduhasan** (*ар.*) — имом Ҳасаннинг қули (*қар. Ҳасан*).

**Абдуҳафиз, Abduhafiz** (*ар.*) — ўз паноҳида сақлагувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуҳоди, Abduhodi** (*ар.*) — йўл кўрсатувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Абдуҳошим, Abduhoshim** (*ар.*) — айнан: нон синдирувчининг қули, яъни ризқу рўз улашувчининг қули.

**Абдуҳусайн, Abduhusayn** (*ар.*) — имом Ҳусайннинг қули (*қар. Ҳусайн*).

**Абжир, Abjir** (*ўз.*) — чаққон, моҳир, эпчил.

**Абзал, Abzal** (*ар.*) — *қар. Афзал.*

**Абир, Abir** (*ар.*) **Абира, Abira** — ( ◇ ) — хушбўй, ёқимли, ёқимтой.

**Абирали, Abirali** (*ар.*) — *қар. Абир ва Али.*

**Абирқул, Abirqul** (*ар.-ўз.*) — яхши, ёқимтой қул.

**Абобакир, Abobakir** (*ар.*) — айнан: бўталоқнинг отаси ёки ҳеч жойи шикаст топмаган, гуноҳсизнинг отаси.

**Абобашир, Abobashir** (*ар.*) — хушхабар келтирувчининг отаси. *Сол: Башир, Баширулла.*

**Аброр, Abror** (*ар.*) — покдомон, солиҳ, тақводор; яхши хулқ эгаси.

**Абуали, Abuali** (*ар.*) — Алининг отаси, падари бузруквори (*қар. Али*).

**Абубакр, Abubakr // Абубакир** (*ар.*) — айнан: "бўталоқнинг отаси" ёки айбсиз, гуноҳсизнинг, ростгўйнинг отаси. Баъзилар Абубакр исми "Тонг отаси" деб изоҳлайди. Муҳаммад(сав) б-н бирга намоз ўқигани учун Бакр шу лақабни олган. *Сол. Бакир, Бакирулла.*

**Абузайд, Abuzayd** (*ар.*) — Зайднинг отаси (*қар. Зайд*).

**Абузар, Abuzar** (*ар.*) — айнан: ушоқлар, чумолиларнинг отаси, яъни кўпчиликнинг, жамоанинг отаси.

**Абулаббос, Abulabbos** (*ар.*) — Аббоснинг отаси. *Қар. Аббос.* Бу исм кўчма маънода арслон, яъни кучли, қудратли маъноларини ҳам англатади.

**Абулаъло, Abula'lo** (*ар.*) — ўта яхшининг, тенгсизнинг отаси.

**Абулкалом, Abulkalom** (*ар.*) — Каломнинг отаси (*қар. Калом, Каломулла*).

**Абулмакорим, Abulmakorim** (*ар.*) — ҳимматли, олижаноблининг отаси.

**Абулмалик, Abulmalik** (*ар.*) — подшоҳнинг, ҳукмроннинг отаси.

**Абулмалиҳ, Abulmalih** (*ар.*) — чиройли, соҳибжамолнинг отаси.

**Абулмузаффар, Abulmuzaffar** (*ар.*) — енгилмас, ғолибнинг отаси.

**Абулмуҳаммад, Abulmuhammad** (*ар.*) — мақтов ва олқишларга сазоворнинг отаси.

**Абулмуҳсин, Abulmuhsin** (*ар.*) — мурувватли, саҳоватлинииг отаси.

**Абулсаид, Abulsaid** (*ар.*) — бахтли, саодатманднинг отаси.

**Абулфаворис, Abulfavoris** (*ар.*) — ботир, довюракнинг отаси.

**Абулфадл, Abulfadl** (*ар.*) — жуда яхши, аъло даражалининг отаси.

**Абулфазл, Abulfazl** (*ар.*) — ўта яхши, аълонинг отаси.

**Абулфайд, Abulfayd** (*ар.*) — олижаноб, олиҳиммат, мурувватлининг отаси

**Абулфайз, Abulfayz** (*ар.*) — олижаноб, олиҳиммат, ўта мурувватлининг отаси.

**Абулфараж, Abulfaraj** (*ар.*) — қутқарувчининг, ножаткорнинг отаси.

**Абулфаттоҳ, Abulfattoh** (*ар.*) — енгилмас, ғолиб, доимо музаффарнинг отаси.

**Абулфатҳ, Abulfath** (*ар.*) — ғолиб ва музаффарнинг отаси.

**Абулфидо, Abulfido** (*ар.*) — ўзини бахшида этувчининг, вафодорнинг отаси.

**Абулхайр, Abulxayr** (*ар.*) — яхшилик, эзгулик қилувчининг отаси ёки эзгуликнинг отаси.

**Абулхорис, Abulxoris** (*ар.*) — моҳир, уддабурон, меҳнаткашнинг отаси ёки қўриқловчи, асровчининг отаси. Бу исм кўчма маънода "арслон", яъни "кучли, қудратли" маъносини ҳам англатади.

**Абулқосим, Abulqosim** (*ар.*) — Қосимнинг отаси (*қар. Қосим*) Абулқосим номи Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир.

**Абулғози, Abulg'ozi** (*ар.*) — дин учун курашувчи ва дин душманлари устидан ғолиб чиқувчининг қули (*қар. Ғози, Ғозиддин*).

**Абулҳаким, Abulhakim** (*ар.*) — доно, донишманднинг отаси.

**Абулҳамид, Abulhamid** (*ар.*) — Аллоҳга ҳамду сано айтувчининг отаси ёки олқишга сазоворнинг, хушфельнинг отаси.

**Абулҳасан, Abulhasan** (*ар.*) — имом Ҳасаннинг отаси (*қар. Ҳасан).*

**Абдулҳафиз, Abdulhafiz** (*ар.*) — ҳимоя қилувчи, асровчининг, муҳофазакорнинг отаси.

**Абулҳоди, Abulhodi** (*ар.*) — Ҳодининг отаси (*қар. Ҳоди*).

**Абулҳошим, Abulhoshim** (*ар.*) — Ҳошимнинг отаси (*қар. Ҳошим*).

**Абулҳусайн, Abulhusayn** (*ар.*) — имом Ҳусайннинг отаси (*қар. Ҳусайн*).

**Абумансур, Abumansur** (*ар.*) — енгилмас, ғолибнинг отаси (*қар. Мансур*).

**Абумузаффар, Abumuzaffar** (*ар.*) — енгувчи, ғолиб келувчининг, зафар қучувчининг отаси.

**Абумуслим, Abumuslim** (*ар.*) — ислом динига эътиқод қилувчининг, художўйнинг отаси.

**Абумухтор, Abumuxtor** (*ар.*) — танлаб, сайлаб олинганнинг; суюклининг отаси.

**Абумуҳаммад, Abumuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг отаси (*қар. Муҳаммад*).

**Абунасим, Abunasim** (*ар.*) — Насимнинг отаси (*қар. Насим*).

**Абунаср, Abunasr** (*ар.*) — кўмак берувчининг, ғолибнинг отаси.

**Абуризо, Aburizo** (*ар.*) — рози ва мамнун бўлганнинг ёки танланган, сайланганнинг, суюклининг отаси.

**Абусаид, Abusaid** (*ар.*) — бахтли, саодатлининг отаси.

**Абусаодат, Abusaodat** (*ар.*) — бахтли, бахтиёр, толеи баланднинг отаси.

**Абусафо, Abusafo** (*ар.*) — пок, очиққўнгил, самимийнинг отаси ёки роҳат-фароғатлининг, хуррамнинг отаси.

**Абусобит, Abusobit** (*ар.*) — турғун, мустаҳкам, саботлининг отаси.

**Абутолиб, Abutolib** (*ар.*) — интилувчи, қидирувчи, талабкорнинг отаси.

**Абутуроб, Abuturob** (*ар.*) — Туробнинг отаси (*қар. Туроб*).

**Абушижо, Abushijo** (*ар.*) — қўрқмас, жасур, шижоатлининг отаси.

**Абуюсуф, Abuyusuf** (*ар.-қад. яҳ.*) — Юсуфнинг отаси (*қар. Юсуф*)

**Абуязид, Abuyazid** (*ар.*) — туҳфа қилинганнинг отаси ёки улғайиб ўсиб-унувчининг отаси.

**Абуҳанифа, Abuhanifa** (*ар.*) — ғамхўр, меҳрибоннинг отаси.

**Абуҳасан, Abuhasan** (*ар.*) — имом Ҳасаннинг отаси (*қар. Ҳасан*).

**Абуҳафиз, Abuhafiz** (*ар.*) — асровчининг, муҳофазакорнинг отаси.

**Абҳар, Abhar** (*ар.*) — бўтакўз, бўтакўздек гўзал, зебо.

**Аваз, Avaz** (*ўз.*) — олдинги турмаган болаларнинг ўрнига, эвазига келган бола. Шакллари: Авазбой, Авазжон, Авазгул, Авазбек.

**Авазали, Avazali** (*ўз.-ар.*) — аввалги турмаган болалар ўрнига берилган ва Али қўлловчи бола.

**Авазбадал, Avazbadal** (*ўз.-ар.*) — аввалги турмаган болаларнинг бадалига берилган бола.

**Авазбакир, Avazbakir** (*ўз.-ар.*) — *қар. Аваз* ва *Бакир*.

**Авазберди, Avazberdi** (*ўз.*) — турмаган фарзандлар ўрнига берилган бола.

**Авазмамат, Avazmamat, Авазмат** (*ўз.-ар.*) — *қар. Авазмуҳаммад.*

**Авазменгли, Avazmengli** (*ўз.*) — турмаган фарзандлар эвазига келган холдор бола.

**Авазмурод, Avazmurad** (*ўз.-ар.*) — марҳум фарзандлар эвазига келган, орзу қилинган бола.

**Авазмуҳаммад, Avazmuhammad** (*ўз.-ар.*) — турмаган фарзандлар эвазига берилган ва Муҳаммад (сав) қўлловчи бола.

**Авазнафас, Avaznafas** (*ўз.-ар.*) – *қар. Аваз* ва *Нафас.*

**Авазниёз, Avazniyoz** (*ўз.-фт.*) – марҳум фарзандлар ўрнига ўтиниб сўраб олинган бола ёки марҳум фарзандлар эвазига берилган туҳфа, эҳсон.

**Авазой, Avazoy** (*ўз.*) – марҳум фарзандлар эвазига туғилган ойдек сулув қиз.

**Авазомон, Avazomon** (*ўз.-ар.*) – турмаган фарзандлар эвазига келган бола соғ бўлсин маъносида.

**Авазсафар, Avazsafar** (*ўз.-ар.*) – марҳум фарзанд(лар) эвазига берилган сафар ойида ёки сафар вақтида туғилган бола.

**Авазсултон, Avazsulton** (*ўз.-ар.*) – турмаган фарзанд(лар) эвазига келган бола улғайиб юксак мартабалар эгаси бўлсин маъносида.

**Авазтурди, Avazturdi** (*ўз.*) – марҳум фарзандлар эвазига келган бола турсин, яшасин маъносида.

**Авазхон, Avazxon** (*ўз.*) – турмаган фарзанд(лар) эвазига келган бола улуғ мартабалар соҳиби бўлсин маъносида.

**Авазқурбон, Avazqurbon** (*ўз.-ар.*) – турмаган фарзанд(лар) эвазига берилган ва қурбон ойида туғилган бола.

**Аввал, Avval** (*ар.*) – Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чегарасиз деган маънони билдиради.

**Аввалиддин, Avvaliddin** (*ар.*) – оламнинг бошланиши бўлган зотнинг дини, эътиқоди, яъни Аллоҳнинг дини.

**Аввалмомо, Avvalmomo** (*ар.-фт.*) – *қар. Аввал* ва *Момо.*

**Аввалмурод, Avvalmurod** (*ар.*) – оламнинг бошланиши бўлмиш зот, яъни Аллоҳ эриштирган орзу, мақсад ёки эришилган илк орзу.

**Авжия, Avjiya** (*ар.*) – шўх ва омадли қиз.

**Авлиё, Avliyo** (*ар.*) – азиз, табаррук, муқаддас ёки эътиқодли диндор, художўй.

**Авлиёзода, Avliyozoda** (*ар.-фт.*) – авлиёнинг фарзанди, табаррук кишилар наслига мансуб бола (*қар. Авлиё*).

**Авлиёниёз, Avliyoniyoz** (*ар.-фт.*) – авлиёдан илтижолар қилиб сўраб олинган бола ёки авлиёнинг эҳсони, туҳфаси.

**Авлиёқул, Avliyoqul** (*ар.+ўз.*) – авлиёга, муқаддас жойларга сиғиниб топилган бола ёки табаррук кишиларнинг содиқ хизматкори.

**Адабия, Adabiya** (◊ ., *ар.*) – адабиёт, гўзаллик (нафосат) фарзанди (қизи).

**Адаш, Adash** (*ўз.*) – адаштирилган, алмаштирилган бола. Чақалоқни ёвуз кучлардан асраш, уларни чалғитиш учун бериладиган исм. Адашнинг – дўст, ҳамдам, ўртоқ маъноси ҳам бор.

**Адашали, Adashali** (*ўз.-ар.*) – *қар. Адаш* ва *Али.*

**Адашмурод, Adashmurod** (*ўз-ар.*) – адаштирилган, алмаштирилган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин маъносида.

**Адашхол, Adashxol** (*ўз-фт.*) – адаштирилган, холли бола.

**Адиб, Adib** (*ар.*) – ёзувчи; устоз, мураббий, тарбиячи.

**Адиба, Adiba** (◊., *ар.*) – ёзувчи қиз; назокатли, тарбияли қиз.

**Адида, Adida** (◊., *ар.*) – ўсувчи, улғаювчи, ўсиб-унувчи.

**Адир, Adir** (*ўз.*) – юксак, баланд; улуғ мартабали.

**Адирали, Adirali** (*ўз.-ар.*) – *қар. Адир* ва *Али.*

**Адл // Адил, Adl** (*ар.*) – тўғрисўз, ҳақгўй, адолатли.

**Адолат, Adolat** (*ар.*) – адолатли, ҳақгўй; тўғрилик, одиллик.

**Адҳам, Adham** (*ар.*) – айнан: қора, қора от; баданида қора белгиси (хол) билан туғилган бола ёки қимматли, ноёб.

**Аёз, Ayoz** (*ўз.*) – аччиқ совуқ, изғиринли кунда, аёзда туғилган бола.

**Аён // Аёна, Ayon** (◊., *ар.*) – аслзода, зодагонлар наслига мансуб ёки очиқ, равшан, оққўнгил, жозибали.

**Ажаб, Ajab** (*ар.*) – ажойиб, ғаройиб. Баданида ғайритабиий белги билан туғилган бола.

**Ажабали, Ajabali** (*ар.*) – *қар. Ажаб* ва *Али.*

**Ажар, Ajar** (*ар.*) – гўзал, кўркам, ёқимтой ёки *Ҳожар* (*қар.*) исмининг ўзгарган шакли.

**Ажмол, Ajmol** (◊., *ар.*) – жуда чиройли, энг гўзал, тенгсиз ҳусн соҳибаси.

**Ажмулла, Ajmulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг энг гўзал бандаси.

**Ажойиб, Ajoyib** (◊., *ар.*) – ҳайрон қоларли, тенгсиз гўзал.

**Азалбиби, Azalbibi** (◊., *ар. ўз.*) – биринчи, олдинги фарзанд ёки кучли, бақувват, чиройли қиз.

**Азалбой, Azalboy** (*ар.-ўз.*) – кучли, чидамли, бақувват ўғил.

**Азамат, Azamat** (*ар.*) – улуғ, улуғвор, буюк ёки довюрак, мақтовга сазовор.

**Азаматулла, Azamatulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг мард, жасоратли бандаси.

**Азиз, Азиза, Aziz, Aziza** (◊., *ар.*) – қадрли, қимматли, табаррук, ҳурматли ёки қудратли, қимматли, ноёб.

**Азизали, Azizali** (*ар.*) – қадрли, суюкли ўғилга Али ёр бўлсин маъносида.

**Азизбегим, Azizbegim** (◊., *ар.-ўз.*) – беклар наслидан бўлган қадрли, суюкли қиз.

**Азизбека, Azizbeka** (◊., *ар.-ўз.*) – беклар авлодининг эъзозли қизи.

**Азизберган, Azizbergan** (*ар.-ўз.*) – Азиз, яъни Аллоҳ берган бола. *Сол. Абдуазиз.*

**Азизберди, Azizberdi** (*ар.-ўз.*) – Азиз, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Азизиддин, Aziziddin** (*ар.*) — динни мустаҳкамловчи ёки диннинг қадрли фарзанди.

**Азизкелди, Azizkeldi** (*ар.-ўз.*) — қадрли, орзу қилинган ўғил дунёга келди маъносида.

**Азизмурод, Azizmurod** (*ар.*) — Азиз, яъни Аллоҳ эриштирган орзу ёки ҳам эъзозли, ҳам мурод мақсадли бола.

**Азизнисо, Azizniso** (◊ .,*ар.*) — қадрли, суюкли аёл.

**Азизпошша, Azizposhsha** (◊ .,*ар.-фт.*) — эъзозли ва баланд мартабали қиз.

**Азизтой, Aziztoy** (*ар.-ўз.*) — қадрли, эъзозли, суюкли.

**Азизтурди, Azizturdi** (*ар.-ўз.*) — қадрли, суюкли ўғил турсин, яшасин маъносида.

**Азизулислом, Azizulislom** (*ар.*) — исломни қадрловчи, эъзоз қилувчи, динни мустаҳкамловчи.

**Азизулла, Azizulla** (*ар.*) — Аллоҳ улуғ, муаззамдир ёки Аллоҳнинг қадрли, эъзозлиси.

**Азизхол, Azizxol** (*ар.-фт.*) — хол билан туғилган суюкли бола.

**Азим, Azim** (*ар.*) — улуғвор, улкан; қудратли, машҳур.

**Азима, Azima** (◊ .,*ар*) — мағрур қиз ёки оиладаги биринчи фарзанд маъносида.

**Азимат, Azimat** (*ар.*) — улуғлик, буюклик; машҳурлик.

**Азимбек, Azimbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб улуғ, қудратли бола.

**Азимберди, Azimberdi** (*ар.-ўз.*) — Азим, яъни Аллоҳ берган бола. *Сол. Абдуазим.*

**Азимбой, Azimboy** (*ар.-ўз.*) — улуғвор, қудратли; эъзозли.

**Азимгул, Azimgul** (◊ .,*ар.-фт.*) — улуғвор, мағрур ҳамда гулдек гўзал қиз.

**Азимиддин, Azimiddin** (*ар.*) — динни улуғловчи, ҳурмат қилувчи.

**Азимшон, Azimshon // Азимушшон** (*ар.-фт.*) — улуғлар, олий мансабдорлар наслига мансуб бола.

**Азимхон, Azimxon** (*ар.-ўз.*) — улуғ, эъзозли ўғил баланд мартаба эгаси бўлсин.

**Азимқул, Azimqul** (*ар.-ўз.*) — Азимнинг, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси. *Қар. Абдуазим.*

**Азмиддин, Azmiddin** (*ар.*) — диннинг улуғвор, юксак, эъзозли кишиси ёки диннинг забардаст хизматкори. *Сол: Азимиддин.*

**Азмия, Azmiya** (*ар.*) — эзгу ниятли, улуғ мақсадли; кучли, иродали.

**Азмуда, Azmuda** (*фт.*) — чидамли, иродали; синалган.

**Азнабой, Aznaboy** (*фт.-ўз.*) — **Азна** < **Адна** < **Адина** — жума, жума куни туғилган бола ёки азнабой уруғига мансуб бола.

**Азнақул, Aznaqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Одинақул* ёки *Жумақул.*

**Азонбой, Azonboy** (*ар.-ўз.*) — азон айтилаётган пайтда (эрталаб) туғилган бола.

**Азро, Azro** (◊., *ар.*) — иффатли, номусли, бокира ёки чиройли, гўзал, зебо.

**Азфар, Azfar** (◊.,*ар.*) — соф, покиза; хушбўй, ёқимтой.

**Азҳар, Azhar** (*ар.*) — равшан, ёруғ, нурафшон; гўзал, зебо; гулмонанд.

**Айлар, Aylar** (◊.,*ўз.*) — Ойлар — қизлар, гўзаллар ёки луччак шафтоли пишганда туғилган қиз.

**Айна, Ayna** (◊., *фт.*) — Ойна-кўзгу, ойдек кўркам, покиза қиз ёки Ойна. Айна ~ Анна ~ Одина — жума куни туғилган қиз. *Сол: Одина.*

**Айнаш, Aynash** — дўст, жўра, ўртоқ ёки *Айниддин* (*қар.*) исмининг эркалаш, қисқариш шакли.

**Айни, Ayni** (*ар.*) — *Айниддин (қар.), Айнижамол (қар.)* исмларининг эркалаш-қисқариш шакли.

**Айниддин, Ayniddin** (*ар.*) — диннинг моҳияти, мазмуни.

**Айнижамол, Aynijamol** (◊.,*ар.*) — кўркамлик ва нафосатнинг моҳияти, мужассами, ғоят гўзал, зебо қиз.

**Айнижаҳон, Aynijahon** (*ар.-фт.*) — оламнинг зилол, покиза булоғи ёки оламнинг мазмуни, моҳияти.

**Айникамол, Aynikamol** (◊.,*ар.*) — етуклик, камолот тимсоли; етук, толеи баланд қиз.

**Айния, Ayniya** (*ар.*) — зийрак, ўткир зеҳнли, ақлли.

**Айнулла, Aynulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг моҳияти ёки Аллоҳнинг нури, чашмаси ёки ўткир зеҳнлиси.

**Айюб, Ayyub** (*қад. яҳ.*) — ўкинувчи, афсусланувчи, пушаймон қилувчи. Бу исм Айюб пайғамбарнинг номидир. Баъзи адабиётларда Айюб — сабрли, чидамли; ҳурматли ёки тавба қилувчи, ибодат қилувчи деб ҳам изоҳланади.

**Айқинбой, Ayqinboy** (*ўз.*) — аниқ, белгили, машҳур, донгдор.

**Ака, Акабой, Aka** (*ўз.*) — марҳум акаси ёки отасининг исмини олган бола ёки соғ улғайиб укаларига ака, оға бўлиб юрсин маъносида.

**Акбар, Akbar** (*ар.*) — улуғ, улкан; ҳурматли, мўътабар.

**Акбарали, Akbarali** (*ар.*) — айнан: Али (халиф) улуғдир ёки соғ улғайиб улуғ одам бўлсин ва Али қўллаб юрсин маъносида.

**Акиф, Akif** (*ар.*) — ғайратли, тиришқоқ ёки зоҳид, дарвеш, таркидунёчи. Баъзи адабиётларда "турғун барқарор, маҳкам" деб изоҳлангани ҳам учрайди.

**Акифа, Akifa** (◊.,*ар.*) — ғайратли, шижоатли, художўй қиз.

**Акмал, Akmal** (*ар.*) — энг етук, энг баркамол, мукаммал; бенуқсон.

**Акобир, Akobir** (*ар.*) — айнан: энг улуғлар, энг катталар, мансабдорлар ёки улуғлар наслига мансуб бола.

**Акрам, Akram** (*ар.*) — энг сахий, ўта карамли, жўмард, меҳрибон.

**Акрама, Akrama** (*ар.*) — энг сахий, мурувватли, меҳрибон қиз.

**Алавий, Alaviy** (*ар.*) — халиф *Али (қар.)*нинг наслига мансуб; тоза насабли, оқсуяк, зодагон.

**Алавия, Alaviya** (◊.,*ар.*) — тоза насабли, *Али* (*қар.*) наслига мансуб қиз.

**Алвонбой, Alvonboy** (*ар.*) — қизил, ол рангли мато; қизил байроқ, туғ.

**Алда, Alda // Алдабой // Алдабек** (*ўз.*) — ёвуз кучлар "алдансин", "адашсин" маъносида берилувчи исм. Алда-Алла-Алло > Аллоберди, Олломурод исмларининг қисқарган шакли бўлиши мумкин.

**Алдан, Aldan // Алданбой** (*ўз.*) — ёвуз кучлар "алдансин, енгилишсин, болани топиша олмасин" маъносида берилувчи исм ёки Алданиёз // Оллониёз (*қар.*) исмларининг эркалаш-қисқартиш шакли бўлиши мумкин.

**Алданмурод, Aldanmurad** (*ўз.-ар.*) — ёвуз кучлар алданиб, енгилишиб тополмасин соғ улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Али, Ali** (*ар.*) — энг юксак, энг улуғ, юқори мартабали. Бу ном Муҳаммад пайғамбарнинг куёви, тўртинчи халифанинг исмидир.

**Алиаббос, Aliabbos** (*ар.*) — *қар. Али* ва *Аббос.*

**Алиакбар, Aliakbar** (*ар.*) — *қар. Али* ва *Акбар.*

**Алиасад, Aliasad** (*ар.*) — айнан: *Али* (*қар.*) — арслондир, шердир; жасур, довюракдир ёки Асад ойида туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин маъносида.

**Алиасқар, Aliasqar** (*ар.*) — кичик, кенжатойни Али ўз паноҳида асрасин. Эҳтимол: *Алиасҳар* — Али-нурли, равшан, кўркамдир. *Қар. Азҳар.*

**Алиашур, Aliashur** (*ар.*) — муҳаррам ойининг ўнинчи куни (ашур)да туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Алиаҳрор, Aliahror** (*ар.*) — *Али* (*қар.*) олий ҳимматлиларнинг сардоридир ёки *қар. Али* ва *Аҳрор.*

**Алибахш, Alibaxsh** (*ар.фт.*) — Али (*қар.*) ато қилган (берган) бола ёки Алига бахшида, назир қилинган бола.

**Алибек, Alibek** (*ар.-ўз.*) — *қар. Али.*

**Алибой, Aliboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Али+бой.*

**Алибўта, Alibo'ta** (*ар.-ўз.*) — бўталоқдак яйраб ўссин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Алигавҳар, Aligavhar** (*ар.-фт.*) — гавҳардек азиз болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Алидарвеш, Alidarvesh** (*ар.*) — Али-тақводор, художўйдир ёки Али фақир ва бечорадир.

**Алидиёр,** (*ар.*) — ўлканинг, юртнинг Али исмли, Али қулловчи фарзанди.

**Алидод,** (*ар.фт.*) — Али берган бола; Алининг совғаси, эҳсони.

**Алидоно, Alidono** (*ар.-фт.*) — ақлли, доно бола бўлиб ўссин ва Али қуллаб юрсин.

**Алидўст, Alido'st** (*ар.-фт.*) — Али қулласин, ёр бўлиб юрсин. *Сол: Алиёр.*

**Алиёр, Aliyor** (*ар.-фт.*) — Али ёр бўлиб, асраб юрсин. *Сол: Алидўст.*

**Алижон, Alijon** (*ар.-фт.*) — *қар. Али.*

**Ализод, Alizod** (*ар.-фт.*) — Алининг авлодига мансуб бола ёки олий насаблилар авлодига мансуб бола.

**Ализода, Alizoda** (*ар.фт.*) — айнан: Алининг фарзанди ёки олий насаблилар фарзанди.

**Аликабир. Alikabir** (*ар.*) — Али улуғ ва муқаддасдир.

**Алим, Alim** (*ар.*) — билимдон, ақлли, заковатли. Бу ном ўтмишда мусулмон ҳукмдорларининг сифат (эпитет)и ҳам бўлган.

**Алима, Alima** (◊ *.,ар.*) — билимли, ақл-заковатли қиз.

**Алимазид, Alimazid** (*ар.-фт.*) — кўпаювчи, ўсиб-унувчи ва Али қўлловчи бола.

**Алимамат, Alimamat** (*ар.*) — *қар. Алимуҳаммад.*

**Алимат** (*ар.*) — *қар. Алимуҳаммад.*

**Алимарди, Alimardi** (*ар.-фт.*) — мард, баҳодир болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Алимардон, Alimardon** (*ар.-фт.*) — Али мардлар, жасурларнинг бошлиғи, сардори ёки довюракларнинг энг олийси, юксаги.

**Алимберди, Alimberdi** (*ар.-ўз.*) — билим ва донолик соҳиби, яъни Аллоҳ берган бола. *Сол: Абдуалим.*

**Алимёр, Alimyor** (*ар.-фт.*) — Алим-билим ва донолик соҳиби, яъни Аллоҳ қўлловчи, ёр бўлувчи бола.

**Алимирза, Alimirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Али* ва *Мирза.*

**Алимназар, Alimnazar** (*ар.*) — билимдон ва дононинг, яъни Аллоҳнинг назари тушган бола.

**Алимтош, Alimtosh** (*ар.-ўз.*) — билимдон, доно бола тошдек мустаҳкам бўлиб ўссин.

**Алимулла, Alimulla** (*ар.*) — Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи, барча нарсадан хабардор, воқифдир.

**Алимурод, Alimurod** (*ар.*) — Али етказган орзу, мақсад ёки Али қўлловчи бола улғайиб мурод-мақсадга етсин.

**Алимуҳаммад, Alimuhammad** (*ар.*) — *қар. Али* ва *Муҳаммад.*

**Алимқул, Alimqul** (*ар.-ўз.*) — барча нарсани билувчи, билимдон ва дононинг, яъни Аллоҳнинг қули. *Сол: Абдуалим* ёки Аллоҳнинг билимдон, доно бандаси, қули.

**Алиназар, Alinazar** (*ар.*) — Алининг назари тушган, Алининг илтифоти бўлган бола.

**Алиниёз, Aliniyoz** (*ар.-фр.*) — Алидан ўтиниб, сўраб олинган бола ёки Алининг туҳфаси, эҳсони.

**Алинур, Alinur** (*ар.*) — Али қўллаб юрсин ва ҳаёти нурли, равшан бўлсин ёки Алининг нури, зиёси, яъни муруввати.

**Алиризо, Alirizo** (*ар.*) — Али Аллоҳнинг танлагани, суюклисидир ёки Али рози бўлиб берган бола.

**Алисаид, Alisaid** (*ар.*) — саодатли Али ёки саодатли, бахтли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Алитилла, Alitilla** (*ар.-фт.*) — Али қўлловчи тилладек қадрли, азиз бола.

**Алиулла, Aliulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг буюк, мартабаси улуғ кишиси.

**Алиумар, Aliumar** (*ар.*) — *қар. Али* ва *Умар.*

**Алифайзи, Alifayzi** (*ар.*) — *қар. Али* ва *Файзи.*

**Алихол, Alixol** (*ар.-фт.*) — хол билан туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Алихўжа, Alixo'ja** (*ар.фт.*) — Али исмли ва хўжалар наслига мансуб бола.

**Алишер, Alisher** (*ар.-фт.*) — шердек жасур, довюрак бўлиб ўссин ва Али қўллаб юрсин.

**Алишон, Alishon** (*ар.*) — энг олий фазилат, хислат эгаси.

**Алияздон, Aliyazdon** (*ар.-муғ.*) — *қар. Али* ва *Яздон.*

**Алиқобил, Aliqobil** (*ар.*) — ақлли, қобилиятли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Алиқосим, Aliqosim** (*ар.*) — *қар. Али* ва *Қосим.*

**Алиқул, Aliqul** (*ар.-ўз.*) — айнан: Алининг қули; улуғ, юксак мартабалининг қули, хизматкори.

**Алиқўзи, Aliqo'zi** (*ар.ўз.*) — қўзичоқдек яйраб ўссин ва Али ўзи қўллаб юрсин.

**Алиҳайдар, Alihaydar** (*ар.*) — Али-шердир; жасур, довюракдир. Ҳайдар шер, арслон маъносида келади. Алининг лақаби бўлган. *Қар. Ҳайдар.*

**Аллома, Alloma** (*ар.*) — олим, билимдон, доно.

**Алоб // Аллоф, Alob** (*ар.*) — ғаллафуруш, озиқ-овқат сотувчиси.

**Алоиддин, Aloiddin** (*ар.*) — диннинг улуғлиги, буюклиги. *Қар. Алоуддин.*

**Аломат, Alomat** (*ар.*) — баданида қандайдир белги (тамға) — аломат билан туғилган бола ёки зўр, ғайратли, ҳайрон қоларли.

**Алоуддин, Alouddin** (*ар.*) — диннинг улуғлиги, буюклиги, шукуҳи ёки диннинг мўътабар фарзанди.

**Алоҳида, Alohida** ( ◊ .,*ар.*) — ўзгалардан ажралиб турувчи, ўзгача.

**Алоҳиддин, Alohiddin** (*ар.*) — айнан: диннинг ўзига хослиги ёки динга берилган, дин билан яшовчи.

**Алпон, Alpon** (*ўз.*) — довюрак, жасур, ботир.

**Алфия, Alfiya** (*ар*; ◇.) — минг йиллик; яшовчан, умри узоқ.

**Алқос, Alqos // Алқосид** (*ар*.) — даракчи, хабар берувчи ёки воиз, қиссагўй. *Эҳт. Абулқосим* (*қар*.) исмининг қисқарган шакли.

**Амал, Amal** (*ар*.) — умид, ишонч, таваккал. Боланинг соғ-омон яшаб кетиши билан боғлиқ орзу.

**Амалой, Amaloy** (◇., *ар.-ўз*.) — умид, ишончимиз бўлган ойдек сулув қиз.

**Амбар, Ambar, Амбарой** (◇) — *қар. Анбар.*

**Амин, Amin** (*ар*.) — ишончли, ваколатли, хавфсиз, тинч, осойишта , адолатли; амин — хон саройидаги юқори мансаблардан бирининг номи ҳамдир.

**Амина, Amina** (◇.,*ар*.) — айнан: омонликда сақланувчи, яъни муҳофаза қилинган, ишончли равишда қўриқланган, бехатар, дахлсиз ёки ростгўй, вафодор. Амина — Муҳаммад (сав) онасининг исми бўлган.

**Аминиддин, Aminiddin** (*ар*.) — диннинг қўриқчиси, халоскори; дин соқчиси.

**Аминулла, Aminulla** (*ар*.) — Аллоҳ-субутли, собитқадамдир ёки Аллоҳ ростгўй, мустаҳкам ва пойдордир ёҳуд Аллоҳнинг ишончли, эътиқодли бандаси.

**Аминулмулк** (*ар*.) — давлатнинг, подшоликнинг қўриқчиси, соқчиси.

**Аминқул, Aminqul** (*ар.-ўз*.) — Аллоҳнинг эътиқодли; ростгўй бандаси, қули.

**Амир, Amir** (*ар*.) — ҳоким, ҳукмрон, йўлбошчи ёки Амр — ҳаёт, тириклик. Амириддин, Амирулла исмларининг қисқарган шакли.

**Амира, Amira** (◇., *ар.-ўз*.) — ҳукмрон, йўлбошчи, фармонбардор аёл.

**Амирали, Amirali** (*ар*.) — Али йўлбошчи, сардордир. *Қар. Амир* ва *Али.*

**Амирзода, Amirzoda** (*ар.-фт*.) — амирнинг фарзанди, шаҳзода; амир авлодига мансуб бола.

**Амириддин, Amiriddin** (*ар*.) — диннинг бошлиғи, раҳнамоси.

**Амирназар, Amirnazar** (*ар*.) — ҳукмдорнинг муруввати, лутфу эҳсони ёки улуғ мартаба эгасининг назари тушган бола.

**Амирсаид, Amirsaid** (*ар*.) — мартабаси улуғ ва бахтли бўлсин.

**Амиртош, Amirtosh** (*ар.-уз*.) — мартабаси улуғ ва тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Амирулла, Amirulla** (*ар*.) — Аллоҳнинг хоҳиши, иродаси ёки Аллоҳнинг узоқ умрли бандаси.

**Амирхол, Amirxol** (*ар.-фт*.) — баданида хол билан туғилган боланинг мартабаси улуғ бўлсин.

**Амиршоҳ, Amirshoh** (*ар.фт*) — мартабаси амир ва шоҳлардек улуғ, юксак бўлсин.

**Амирқул, Amirqul** (*ар.ўз*) — Аллоҳнинг улуғ мартабали бандаси, қули. Баъзан бу исм Муҳаммад ёки Алининг қули деб ҳам изоҳланади.

**Амма, Аммажон, Amma** (◊., *ар.*) — марҳум аммасининг исми билан аталган ёки аммасининг уйида туғилган қиз.

**Аммахол, Ammaxol** (◊., *ар.-фт.*) — марҳум аммасининг исми билан аталган холдор қиз.

**Аммача, Ammacha** (◊., *ар.*) — аммасининг номи билан аталган ёки аммасининг уйида туғилган қизча.

**Аммақиз, Ammaqiz** (◊., *ар.-ўз.*) — марҳум аммаси исми билан аталган ёки аммасининг уйида туғилган қиз.

**Амриддин, Amriddin** (*ар.*) — *қар. Амириддин.*

**Амрия, Amriya** (*ар.*) — ҳукмронлар наслига мансуб қиз. *Сол: Амира.*

**Амроҳ, Amroh** (*ар.*) — шодон, фараҳли, бахтиёр.

**Амрулла, Amrulla** (*ар.*) — *қар. Амирулла.*

**Анас, Anas** (*ар.*) — дўст, йўлдош, ҳамроҳ ёки шодлик, қувонч. Бу ном Муҳаммад (савр)нинг саҳобаларидан бирининг номи бўлган. *Қар. Анис.*

**Анбар, Anbar** (◊., *ар.*) — хушбўй, ёқимли, муаттар, мушкбўй ёки қалқон, ғов, тўсиқ.

**Анбарнисо, Anbarniso** (◊., *ар.*) — ёқимтой, дилкаш аёл ёки тўсилган, ҳимояланган аёл.

**Анвар, Anvar** (*ар.*) — ёруғ, нурли; толеи порлоқ.

**Анвара, Anvara** (◊., *ар.*) — нурли, жозибали, зебо қиз; толеи баланд қиз.

**Анварҳақ, Анварулҳақ, Anvarhaq** (*ар.*) — ҳаққоният нури, ҳақиқатнинг нурли йўли.

**Анда, Андабой, Anda** (*фт.*) — жажжи, кенжа бола ёки анда-анна — жума куни туғилган бола. Сол: *Одина.*

**Андагул, Andagul** (◊., *фт.*) — жажжи, кенжа қиз ёки анна-жума куни туғилган қиз.

**Андалиб, Andalib** (*ар.*) — булбул: ширин тилли, ширинсухан бола.

**Андам, Андомой, Andam** (◊, *фт.-ўз.*) — келишган, гўзал қадли ва ойдек сулув қиз.

**Андахол, Andaxol** (◊., *фт.*) — кичик, жажжигина холли қиз ёки анда-анна жума куни туғилган холдор қиз. Сол: *Анда, Аннахол.*

**Анжир, Anjir** (◊., *фт.*) — анжир пишганда туғилган қиз ёки ширин, суюкли қиз.

**Анжирман,** (◊., *ар.*) — анжум — юлдузлардек порлоқ ёки дурлардек қимматли қиз.

**Анжирой, Anjiroy** (◊., *фт.-ўз*) — анжир пишганда туғилган ойдек сулув қиз.

**Анжонбой, Anjonboy** — Андижонда туғилган бола ёки Андижон фарзанди.

**Анзир, Анзира, Anzira** (◊., *ар*) — Анзира ~ Анзират ~ Анзурат исмининг қисқарган шакли ёки анзур — пиёз, пиёздек аччиқ, ёмон қиз. Ёмон кўзлардан асраш учун бериладиган исм.

**Анзират, Anzirat** (◊., *фт.*) — тенгсиз, беназир, нодир, ноёб ёки доривор ўсимликлардан бирининг номи.

**Анзор, Anzor** (◊., *фт.*) — орзу, умид қилинган қиз ёки қараш, назар, эътибор.

**Анзура, Anzura** (◊., *фт.*) — Анзира~Анзират~Анзурат исмининг қисқарган шакли ёки анзур — пиёз, пиёздек аччиқ ёмон қиз. Кўз тегишдан асраш учун шундай исм берилади.

**Анис, Anis,** (*ар.*) — яқин дўст, улфат, ҳамдам, ҳамсуҳбат.

**Аниса, Anisa** (◊., *ар.*) — дўст, ўртоқ, дугона, суюкли.

**Анна, Anna** (*фт.*) — Одина исмининг шевавий шакли. *Қар. Одина.* "Анна" сўзи билан бошланган қўшма исмлар (*Аннамурод, Аннаниёз*)ларнинг қисқарган шакли.

**Аннаали, Annaali** (*фт.-ар.*) — жума (одина) куни туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Аннааҳмад, Annaahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Анна ва Аҳмад.*

**Аннабека, Annabeka** (◊., *фт.-ўз*) — жума кун туғилган беклар авлодига мансуб қиз.

**Аннаберди, Annaberdi,** (*фт.-ўз*) — Аллоҳ жума (одина) куни ато қилган бола.

**Аннабиби, Annabibi** (◊., *фт.-ўз.*) — жума куни туғилган мартабали қиз.

**Аннагелди** (*фт.-ўз.*) — жума куни дунёга келган (туғилган бола).

**Аннагул, Annagul** (◊., *фт.*) — жума куни туғилган гулдай гўзал қиз.

**Аннагўзал, Annago'zal** (◊., *фт.*) — жума куни туғилган зебо қиз.

**Аннадурди** (*фт.-ўз*) — *қар. Аннатурди.*

**Аннак, Annak** — *Аннақурбон, Аннақул* (*қар.*) каби қўшма исмларнинг эқ.

**Аннакелди, Annakeldi** (*фт.-ўз.*) — жума куни туғилган бола.

**Аннамамат, Annamamat** (*фт.-ар*) — *қар. Аннамуҳаммад, Одинамуҳаммад.*

**Аннамат, Annamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Аннамуҳаммад.*

**Аннамурод, Annamurod** (*фт.-ар.*) — жума куни туғилган ўғил улғайиб муродига етсин.

**Аннамуҳаммад, Annamuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Одинамуҳаммад.*

**Аннаназар, Annanazar** (*фт.-ар.*) — жума куни қилинган илтифот, мурувват.

**Аннаниёз, Annanijoz** (*фт.*) — жума куни ато қилинган (берилган) совға, эҳсон.

**Аннапўлат, Annapo‘lat** (*фт.*) – жума куни туғилган ўғил пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Аннасаид, Annasaid** (*фт.-ар.*) – жума куни туғилган ўғил бахтли-саодатли бўлсин ёки жума куни эришилган бахт, қут.

**Аннасиҳат, Annasihat** (*фт.*) – жума куни туғилган ўғил сиҳат-саломат ўссин.

**Аннасулув, Annasuluv** (*фт.-ўз.*) – жума куни туғилган гўзал қиз.

**Аннасуюн, Annasuyun** (*фт.-ўз.*) – жума куни туғилиб бизни хурсанд, шодон қилган бола. Сол: *Суюн*, *Суюкдик*.

**Аннатожи, Annatoji** (◊ ., *фт.*) – жума куни баданида тож (хол) билан туғилган бола.

**Аннатурди, Annaturdi** (*фт.-ўз.*) – жума (одина) куни туғилган, туриб, яшаб кетадиган бола.

**Аннатурсун, Annatursun** (*фт.-ўз.*) – жума куни туғилган ўғил соғ-омон бўлсин, турсин.

**Аннатўғон, Annato‘g‘on** (*фт.-ўз.*) – жума куни туғилган ўғил бургут (тўғон)дек жасур, зийрак бўлсин ёки жума куни туғилган тўғон (тўсиқ)дек мустаҳкам бола.

**Аннахол, Annaxol** (◊ ., *фт.*) – жума куни туғилган холли бола.

**Аннахон, Annaxon** (◊ ., *фт.-ўз.*) – жума куни туғилган қизнинг мартабаси баланд бўлсин.

**Аннаш, Annash** (*фт.*) – анна сўзи билан бошланадиган қўшма исмлар (*Аннамурод, Аннасулув, Аннатурди*)нинг эқ.

**Аннашакар, Annashakar** (◊ ., *фт.*) – жума куни туғилган ёқимтой, суюкли бола.

**Аннаширин, Annashirin** (◊ ., *фт.*) – жума куни туғилган ёқимтой, суюкли қиз.

**Аннақилич, Annaqilich** (*фт.-ўз.*) – жума куни туғилган ўғил қиличдек ўткир ва мустаҳкам бўлсин.

**Аннақул, Annaqul** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳнинг жума куни таваллуд топган бандаси.

**Аннақурбон, Annaqurbon** (*фт.-ар.*) – қурбон ойининг жума кунида туғилган бола.

**Анор, Anor** (*фт.*) – баданида қизил хол, тамға билан туғилган.

**Анора, Anora** (◊ ., *фт.*) – қизил холли, норли қиз.

**Анорбиби, Anorbibi** (◊ ., *фт.-ўз.*) – қизил холли, аслзода қиз.

**Аноргул, Anorgul** (◊ ., *фт.*) – қизил холли, гулдек гўзал қиз ёки анорнинг гулидек чиройли қиз.

**Анориддин, Anoriddin** (*фт.-ар.*) – қизил хол билан туғилган дин ихлосманди ёки диннинг қизил холли ихлосманди.

**Анормуҳаммад, Anormuhammad** (*фт.-ар.*) – қизил холли (норли) болани Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Анортой, Anortoy** (*фт.-ўз.*) – қизил холли ва эркатой, суюкли бола.

**Анортош, Anortosh** (◊ ., *фт.-ўз.*) – қизил холли қиз тошдек мустаҳкам, умри узоқ бўлсин.

**Анорхол, Anorxol** (◊ ., *фт.*) – қизил холли ва норли қиз.

**Ансор, Ansor** (*ар.*) – ёрдамчи, маслакдош. Бу ерда пайғамбарга кўмакдош бўлганлар кўзда тутилади.

**Ансора, Ansora** (◊ ., *ар.*) – ёрдамчи, кўмакдош, суянч, мададкор.

**Ансориддин, Ansoriddin** (*ар.*) – диннинг таянчи, мададкори, художўй, тақводор.

**Антиқа, Antiqa** (◊ ., *ар.*) – топилмас, ноёб, тенгсиз.

**Ануш, Anush** (*фт.*) – абадий барҳаёт ёки бахтиёр, хуррам.

**Анқобой, Anqoboy** (*ар.-ўз.*) – нодир, ноёб, топилмас, ўта қадрли. Анқо-Қоф тоғида яшайди деб ҳисобланувчи афсонавий қуш номи.

**Анқоберди, Anqoberdi** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳ ато қилган ноёб, тенгсиз бола.

**Анқогул, Anqogul** (◊ ., *ар.-фт.*) – ноёб, топилмас, бебаҳо ҳамда гулдек гўзал қиз.

**Анҳорали, Anhorali** (*ар.*) – умри анҳордек оқиб турсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Араб, Arab** (*ар.*) – араблар номи (этноним)га нисбат берилган исм ёки қора бола.

**Арабали, Arabali** (*ар.*) – *қар. Араб* ва *Али.*

**Арабгул, Arabgul** (◊ ., *ар.-фт.*) – гулдек кўркам ва арабга ўхшаш қиз.

**Арабиддин, Arabiddin** (*ар.*) – диннинг араб ҳомийси; художўй, диндор араб.

**Арабшо, Арабшоҳ, Arabsho** (*ар.-фт.*) – араблар шоҳи, араб ҳукмдори.

**Аран, Аранбой, Aran** (*ўз.*) – тирсак, таянч, ёрдамчи, кўмакчи ёки занжир (илгак, зулфинжа)дек маҳкам, мустаҳкам бўлсин.

**Арбоб, Arbob** (*ар.*) – жаноб, эга, соҳиб ёки мартабаси, мансаби улуг киши бўлсин.

**Ардавон, Ardavon** (*фт.*) – баракали, барака келтирувчи.

**Ардашер, Ardasher** (*фт. қад. ф.*) – эзгу ҳокимият; мурувватли шоҳ, ҳоким ёки арда-имонли, эътиқодли ва қудратли.

**Ардоқ, Ardoq** (*ўзб.*) – ҳурмат, эъзоз, иззат-икромга сазовор.

**Арзанда, Arzanda** (*фт.*) – суюкли, эрка, эркатой ёки муносиб, лойиқ.

**Арзимат, Arzimat** (*фт.-ар.*) – *қар. Орзимат, Орзумуҳаммад.*

**Арзия, Arziya** (*ар.*) – лойиқ, арзанда; қадрли, азиз.

**Арзубека, Arzubeka** (◊ ., *ар.-ўз.*) – орзу қилинган қиз, қизалоқ ёки баҳор чечакларидек гўзал қиз.

**Аркона, Arkona** (◊ ., *ар.*) – улғайиб ота-онасига суянч, мададкор бўлсин.

**Армонбой, Armonboy** (*ар.-ўз.*) – орзу, армон қилиб кутилган бола.

**Армонгул, Armongul** (◊ ., *ар.-фт.*) – арзиқиб, армон қилиб, кутилган гулдек гўзал қиз.

**Армуғон, Armug'on** (◊., *фт.*) — туҳфа, совға, ҳадья.

**Арна, Арнабой** — (*қар.*) *Анна,* Аннабой ёки умри улкан каналдек оқиб турсин.

**Арон, Аронбой** — *қар. Аран.*

**Аронқул** — *қар. Аран* (*Аранқул*).

**Арофат, Arofat** (◊., *ар.*) — Маккаю Мадина оралиғидаги тоғ (тепалик) номи, ҳажга борганлар тўпланувчи жой. Арофат — муқаддас тоғ ҳисобланади.

**Арпа, Arpa** (*ўзб.*) — арпага алмашиб, арпа эвазига сотиб олинган бола (сотиб олиш одатига кўра) ёки арпа пишиғида туғилган бола.

**Арслон, Arslon** (*ўз.*) — шер, йўлбарс; кучли, қудратли, довюрак.

**Арслонбек, Arslonbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган довюрак бола.

**Арслонқул, Arslonqul** (*уз.*) — Аллоҳнинг жасур, довюрак бандаси, қули.

**Арча, Archa** (*ўз.*) — арча дарахтидек мустаҳкам бўлсин.

**Арши** (◊., *ар.*) — *қар. Аршинисо.*

**Аршим** — *қар. Аршимуҳаммад.*

**Аршимуҳаммад, Arshimuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг юксаклиги, улуғворлиги.

**Аршинисо, Arshiniso** (◊., *ар.*) — айнан: аёллар тахти; аёллар ҳукмдори, подшоҳи

**Аршод, Arshod** (*ар.*) — катта ёшли, кекса ёки ақлли, доно, етук, баркамол.

**Арқабой (Орқабой), Arqaboy** (*ўз.*) — ота-онасига орқа, суянчиқ бўлсин.

**Арқон, Arq'on** (*ўз.*) — боғланган, мустаҳкам, яъни яшовчи, умри узоқ бола.

**Арғин, Арғинбой, Arg'in** (*ўз.*) — арғин қабиласига мансуб бола; арғин-дурагай; чопқир, пойгачи от маъноларига ҳам эга.

**Арғувон, Arg'uvon** (◊., *фт.*) — баҳорда очиладиган қизил гулли дарахт арғувондек гўзал, зебо қиз.

**Асабой, Asaboy** — *Асадулла, Асомиддин* исмларининг қисқарган шакли.

**Асад, Asad** (*ар.*) — асад ойида (шамсия йил ҳисоби билан бешинчи ойнинг номи, июнь-август ойларига тўғри келади) туғилган бола ёки асад-шер, арслон, яъни қўрқмас, довюрак, қудратли.

**Асадулла, Asadulla** (*ар.*) — айнан: Аллоҳнинг шери, арслони ёки Аллоҳнинг жасур, довюрак бандаси.

**Асадқул, Asadqul** (*ар. ўз.*) — Аллоҳнинг асад ойида туғилган бандаси, қули.

**Асал, Asal** (◊., *ар.*) — бол, ширин, яъни ёқимтой, суюкли қиз.

**Асалбиби, Asalbibi** (◊., *ар.-ўз.*) — ёқимтой, суюкли ва аслзода қиз.

**Асалбека (Асалбика), Asalbeka** (◊., *ар. ўз*) — беклар авлодидан бўлганболдек ширин қиз.

**Асалбону, Asalbonu** (*ар.-фт.*) — болдек ширин, ёқимтой ва баланд мартабали қиз.

**Асалгул, Asalgul** (*ар.-фт.*) — болдек ширин, гулдек зебо қиз.

**Асаф, Asaf** (*ар.*) — Аллоҳ ҳукм қилган, маъқуллаган. Бу ном Сулаймон пайғамбар вазирининг исми бўлган.

**Асида, Asida** (◊., *ар.*) — ҳалводек ширин қиз; азиз, суюкли қиз.

**Асил//Асл, Asul** (*ар.*) — аслзода, таг-тугли; маълум, машҳур.

**Асила, Asila** (◊., *ар.*) — аслзода, насли тоза қиз; соф покиза қиз.

**Асилбек, Asilbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб аслзода бола.

**Асилзода, Asilzoda** (*ар.-фт.*) — тоза насл фарзанди, олий табақага мансуб бола.

**Асилиддин, Asiliddin** (*ар.*) — диннинг илдизи; насли динга боғланган; диндор, худойжўйлар фарзанди.

**Асилмирза, Asilmirza** (*ар.-фт.*) — қар. Асил ва Мирза.

**Асилмурод, Asilmurod** (*ар.*) — аслзода ўғил соғ улғайиб мурод — мақсадига етсин.

**Асилпошша, Asilposhsha** (◊., *ар.-фт.*) — тоза насл фарзанди баланд мартабали бўлсин.

**Асилтой Asiltoy** (*ар.-ўз*) — олий наслнинг эркатой, суюкли фарзанди.

**Асилтош, Asiitosh** (◊., *ар.-ўз*) — тоза насл фарзанди тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Асилхон, Asilxon** (*ар.-ўз.*) -- аслзода фарзанд улғайиб, улуғ мартабали бўлсин.

**Асилхўжа, Asilxo'ja** (*ар.-ўз.*) — хўжалар наслига мансуб аслзода бола.

**Асилюк, Asilyuk** (◊., *ар.-ўз*) — улуғ насл фарзанди.

**Асир, Asir** (*ар.*) — асир-бол, шира ёки асир (қд.ях.) — бахтли, саодатли ёҳуд қар. Асириддин.

**Асирали Asirali** (*ар.*) — Алига сиғинувчи, Алининг содиқ хизматкори.

**Асириддин, Asiriddin** (*ар.*) — динга сиғинувчи, динга бўйсинган; диндор, художўй.

**Аскар, Askar** (*ар.*) — отаси ёки қариндошларидан бири армияга кетган пайтда туғилган бола ёки жангчи, курашчи. Эҳт.: *Асқар* (*қар.*) — исмининг ўзгарган шакли.

**Аскарали, Askarali** (*ар.*) — Али учун курашувчи, Алининг жангчиси. Эҳт.: Асқарали (қар.)

**Аслам, Aslam** (*ар.*) — жуда соғлом, эсон-омон; бақувват, чидамли.

**Асли, Asliddin** (*ар.*) — диннинг асоси, таянчи; диннинг моҳияти.

**Аслия, Asliya** (◊., *ар.*) — соф, покиза, тоза; аслзода.

**Аслият, Asliyat** (◊., *ар.*) — асллик, ҳақиқийлик; соф, бенуқсон.

**Аслом** (*ар.*) — қар. Аслам.

**Асма//Асмо, Asma** (◊., *ар.*) — жуда юксак, ўта буюк, пурвиқор.

**Асмогул, Asmoqul** (*ар.-ўз.*) — жуда юксак, виқорли ва гулдек гўзал қиз ёки мағрурлик, юксаклик гули.

**Асо, Асобой, Aso** (*ар.-ўз.*) — ҳасса, тиргак, суянч.

**Асобиддин, Asobiddin** (*ар.*) — диннинг заҳмати ёки дин йўлида заҳмат чекувчи, зоҳид, диндор.

**Асов, Асовбой,** (*ўз.*) — тутқич бермовчи, эркин, ҳур.

**Асовиддин,** (*ар.*) — қар. Асобиддин.

**Асолат, Asolat** (◇., *ар.*) — асллик, аслзода, зоти пок ёки пухта, мустаҳкам.

**Асом, Asom** (*ар.*) — қар. Асомиддин.

**Асомиддин//Асомуддин, Asomiddin** (*ар.*) — диннинг тутқичи, таянчи ёки диннинг кўмаги, мадади.

**Асра, Asra** (*ўз.*) — асрагин, сақлагин ёки асраъ (ар.) — чаққон, илдам.

**Асран//Асрон, Asran** (*ўз.*) — асралган, сақланган, ҳимояланган.

**Асранқул, Asranqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг соғ-омон бўлувчи, асралувчи бандаси.

**Асри, Asri** (*ар.*) — Асириддин исмининг қисқарган шакли.

**Асрия, Asriya** (◇., *ар.*) — давр қизи, замон фарзанди.

**Асрор, Asror** (*ар.*) — сир, яширин, махфий ёки кўп нарсадан хабардор, пурҳикмат.

**Асрора, Asrora** (◇., *ар.*) — сир сақловчи, ўзида яширин тутувчи ёки сирдош.

**Асрорали, Asrorali** (*ар.*) — айнан: Алининг сирлари ёки Алининг яширин туҳфаси, эҳсони.

**Асрорқул, Asrorqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг сирли бандаси.

**Астарқул, Astarqul** (*фт.-ўз.*) — хачир, яъни Аллоҳнинг чидамли, бақувват бандаси.

**Асфанди, Asfandi** (*фт.*) — қар. Асфандиёр.

**Асфандиёр, Asfandiyor** (*фт.*) — муқаддас руҳнинг, яъни Аллоҳнинг туҳфаси ёки испанд — доривор ўсимлик (садаф) номидан. Сол: Исфандиёр.

**Асқад, Asqad** (*ар.*) — ўта бахтиёр, бахтли, саодатманд бола.

**Асқар//Асғар, Asqar** (*ар.*) — кенжа, кичик; эрка, эркатой. Эҳтимол: Азҳар (қар.)

**Асқарали, Asqarali** (*ар.*) — кенжатой ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Асқартой, Asqartoy** (*ар.-ўз.*) — кенжатой, эркатой, суюкли.

**Асқарқул, Asqarqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг кенжатой, жажжи бандаси.

**Атаман, Ataman** (*ўз.*) — аскарбоши, бошлиқ, сардор; жасур, довюрак.

**Атан, Атанча, Atan** (*ўз.*) — танилсин, машҳур бўлсин ёки Отаназар исмининг эк. Эҳт. атан (ар)-бадбўй, сассиқ, ёмон. Кўз тегмасин деган маънода берилган исм.

**Атир, Atir** (◊., *ар.*) — ёқимли, ёқимтой; ҳавас қиларли.

**Атира, Atira** (◊., *ар.*) — қар. Атир ёки Атиргул.

**Атиргул, Atirgul** (◊., *ар. -фт.*) — қизил атир гулдек гўзал, ёқимли қиз.

**Атиф, Atif** (*ар.*) — меҳрибон, оққўнгил; мурувватли, шафқатли.

**Атифа, Atifa** (◊., *ар.*) — оққўнгил, кўнгилчак, меҳрибон, олижаноб қиз.

**Атия, Atiya** (◊., *ар.*) — ҳадъя, совға, туҳфа.

**Атиқа, Atiqa** (◊., *ар.*) — хушбўй, муаттар, ёқимтой ёки камёб, нодир, кўҳна.

**Атлас, Atlas** (◊., *ўз.*) — нафис, мулойим, нодир; ёқимли.

**Ато, Ato** (*ар.*) — инъом, совға қилинган; Атоулла, Отамурод исмларининг эқ.

**Атомуҳаммад, Atomuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг туҳфаси, эҳсони.

**Атонбой, Atonboy** (*ўз.*) — маълум, машҳур, донгдор ёки қар. Атан.

**Аторахмон,** (*ар.*) — Раҳмон (қар.), яъни Аллоҳ бахш этган, берган бола.

**Атоулла, Atoulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган ҳадъя, туҳфа (фарзанд).

**Атохон, Atoxon** — Аллоҳнинг инъоми, совғаси бўлган бола баланд мартабали бўлсин ёки қар. Отахон.

**Атоқ, Atoq** — Отақурбон, Отақул, Отақўзи каби исмларнинг эқ.

**Атоқул Atoqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг совға қилинган бандаси ёки қар. Отақул.

**Атқиё, Atqiyo** (◊., *ар.*) — айнан: художўйлар, тақводорлар яъни тақводор, диндор аёл.

**Афанди, Афандихон, Afandi** (*юн.*) — яратувчи, бунёд этувчи ёки ўқитувчи, муаллим.

**Афзал, Afzal** (*ар.*) — устун турувчи, муносиб, лойиқ; қадрли, ҳурматли.

**Афзалиддин, Afzaliddin** (*ар.*) — диннинг энг яхши, энг афзал фарзанди.

**Афзалулла, Afzalulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг энг қадрли, устун турувчи, эъзозли бандаси.

**Афзун, Afzun** (*фт.*) — ортиқ, зиёда баланд мартабали; кўпайиб, ортиб борувчи.

**Афзуна, Afzuna** (◊., *фт.*) — зиёда, ортиқ, юксак турувчи; қадрли, мартабали.

**Афифа, Afifa** (◊., *ар.*) — иффатли, бокира; покиза, ор-номусли.

**Афлотун, Aflotun** (*ар.-юн.*) — ақлли, донишманд ёки кучли, ғайратли. Қадимий юнон мутафаккири Платон номининг арабча шакли.

**Афридун, Afridun** (*фт.*) — уч ҳисса қудратли; жасур, довюрак, енгилмас.

**Афрўз, Afro'z** ( ◊ ., *фт.*) — ёруғ, равшан, нурли, мунаввар; куйдирувчи.

**Афрўза, Afro'za** ( ◊ ., *фт.*) — равшан, мунаввар, шуъладор; куйдирувчи.

**Афсаҳ, Afsah** ( ◊ ., *ар.*) — ширинтил, хушзабон, нотиқа; сўзамол.

**Афтондил, Aftondil** (*фт.*) — қуёшмонанд; дилни мафтун қилувчи, дилрабо.

**Аффон, Affon** (*ар.*) — айнан: бадбўй; ярамас, ёмон. Болани ёмон кўздан асраш учун қўйилади.

**Афғонбой, Afg'ndil** (*фт.*) — ўтиниб, ёлвориб, фиғонлар қилиб топилган бола ёки афғонлик, афғон бола.

**Афҳамулла, Afhamulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг заковати, зийраклиги ёки Аллоҳнинг ўткир, зийрак боласи (бандаси).

**Ахбор, Axbor** (*ар.*) — хабарлар, маълумотлар, билимлар эгаси.

**Ахиб//Аҳиб, Ahib** (*ар.*) — дўст, ҳамдам, йўлдош.

**Ахий, Axiy** (*ар.*) — дўст, биродар; юсак меҳр, саховат, мурувват эгаси.

**Ахтар, Ахтарбой, Axtar** (*фт.*) — юлдуз, ситора; яъни бахтли, саодатли.

**Ача, Acha** ( ◊ ., *ўз.*) — ачасининг (онаси ёки бувиси) номи б-н аталган қиз. Эҳтимол ача ~ оғача — катта, улкан, бошлиқ.

**Ачагул, Achagul** ( ◊ ., *ўз. фт.*) — ачасининг (онаси ёки бувиси) исми б-н аталган гулдек гўзал қиз.

**Ачамастон, Achamaston** ( ◊ ., *ўз.-фт.*) — ачаси номи б-н аталган аёл (қиз).

**Ачанисо, Achaniso** ( ◊ ., *ўз.*) — ачаси номи б-н аталган қиз.

**Ачасанам, Achasanam** ( ◊ .,*ўз. -ар.*) — ачаси исми берилган кўркам, гўзал қиз.

**Ачақиз, Achaqiz** ( ◊ ., *ўз.*) — ачасининг исми берилган қиз ёки ачасининг қизи.

**Ачақизлар, Achaqizlar** ( ◊ ., *ўз.*) — Ачақиз ёки ачасининг исми берилган қизлар ёки гул (лолақизғалтоқ) дек кўркам қиз.

**Ашраф, Ashraf** (*ар.*) — энг шарафли, энг ҳурматли; олий зот ёки аслзода, авлиё, олий табақа фарзанди.

**Ашрафиддин, Ashrafiddin** (*ар.*) — диннинг олий мартабали фарзанди ёки диннинг улуғ мартабали ихлосманди.

**Ашрафулла, Ashrafulla** (*ар.*) — Аллоҳ улуғ мартабали, эъзозлидир ёки Аллоҳнинг олий мартабали фарзанди.

**Ашур, Ashur** (*ар.*) — айнан; ашура-ўнинчи; муҳаррам ойининг ўнинчи кунида туғилган бола. Бу ой ва бу кун мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланади.

**Ашура, Ashura** ( ◊ ., *ар.*) — муҳаррам ойининг ўнинчи куни (ашур, ашура) — муқаддас кунда туғилган қиз. Баъзан Ашир, Ашира — "бахтиёр" деб ҳам изоҳланади.

**Ашурали, Ashurali** (*ар.*) — муҳаррам ойининг ўнинчи куни — муқаддас кунда туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Ашураҳмад, Ashurahmad** (*ар.*) — Муқаддас кунда туғилган ўғилни Аҳмад (қар.) ўз наноҳида асрасин.

**Ашурберди, Ashurberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ муқаддас кунда ато қилган бола.

**Ашурбоқи, Ashurboqi** (*ар.*) — муқаддас кунда туғилган ва умри узоқ, боқий бўлсин.

**Ашургул, Ashurgul** (◇., *ар.-фт.*) — муқаддас кунда туғилган гулдек кўркам, зебо қиз.

**Ашурмамат, Ashurmamat** (*ар.*) — қар. Ашурмуҳаммад.

**Ашурмат, Ashurmat** (*ар.*) — қар. Ашурмуҳаммад.

**Ашурмурод, Ashurmurod** (*ар.*) — муқаддас кунда эришилган орзу, тилак.

**Ашурмуҳаммад, Ashurmuhammad** (*ар.*) — муқаддас кун-муҳаррам ойининг ўнинчи куни (ашура)да туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Ашурназар, Ashurmazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг муқаддас кунда қилган илтифоти, муруввати (назари).

**Ашурниёз, Ashurniyoz** (*ар. фт.*) — муқаддас кунда берилган туҳфа, совға ёки орзу ва илтижоларимиз қабул қилиниб муқаддас кунда туғилган бола.

**Ашурпўлат, Ashurpo'lat** (*ар.-фт.*) — муқаддас кунда туғилган ўғилнинг жони пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Ашуртош, Ashurtosh** (◇., *ар.-ўз.*) — муқаддас (ашура) кунида туғилган боланинг жони тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Ашурхол, Ashurxol** (◇., *ар.-фт.*) — муқаддас кунда туғилган холли қиз.

**Ашурқул, Ashurqul** (*ар. ўз.*) — Аллоҳнинг муқаддас кунда туғилган бандаси.

**Аъзам, A'zam** (*ар.*) — энг улуғ, энг буюк.

**Аъзамиддин, A'zamiddin** (*ар.*) — диннинг улуғ, содиқ ихлосманди; зоҳид, тақводор ёки диннинг мўътабар вакили, кишиси.

**Аъзамқул, A'zamqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг эъзозли, ҳурматли бандаси.

**Аълам, A'lam** (*ар.*) — барчадан кўп билувчи, ўта билимдон, донишманд, ислом қонуншуноси.

**Аъло, A'lo** (*ар.*) — юксак, ўта яхши, устун турувчи; қимматли, қадрли.

**Аълоиддин, A'loiddin** (*ар.*) — диннинг улуғ хизматкори ёки диннинг қадрли, юксак турувчи кишиси.

**Аълохон, A'loxon** (◇., *ар.-ўз.*) — юксак, олий; ўзгалардан устун турувчи; қадрли, эъзозли.

**Аълоқул, A'loqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг юксак, қадрли, эъзозли бандаси.

**Аюб,** (*қад. яҳ.*) — *қар. Айюб.*

**Аяжон, Ayajon** (◇., *ўз.-фт.*) — онаси ёки бувисининг исми берилган қадрли, азиз қиз.

**Аяз,** — *қар. Аёз* ёки *Аязим.*

**Аязимхон** — *қар. Ойазимхон.*

**Аякўз, Ayako'z** (◊., *ўз.*) — онасининг кўзи, яъни марҳум онасидан қолган ёдгор.

**Ақида, Aqida** (◊., *ар.*) — қатъий ишонч, ихлос; қизни яшаб кетади деб қатъий умид қилиш.

**Ақиқа, Aqiqa** (◊., *ар.*) — қизил рангли қимматбаҳо тош; Ақиқа-бола туғилиши муносабати билан оилада уюштирилувчи зиёфат (тўйча)ни ҳам англатади.

**Ақл, Aql** (*ар.*) — зеҳнли, идрокли, билимдон, доно. Асли: **Ақлиддин** (*қар.*) ёки **Оқил.**

**Ақлиддин, Aqliddin** (*ар.*) — диннинг идроки, диний донолик ёки диннинг идрокли, билимдон фарзанди. Эҳт. **Аҳлиддин** (*қар.*)

**Ақлия, Aqliya** (◊., *ар.*) — идрокли, зеҳнли; ақлли, фаросатли қиз.

**Ақлой, Aqloy** (◊., *ар.-ўз.*) — ақл-идрокли ва ойдек сулув қиз.

**Ақраб, Ақрабхон, Aqrab** (*ар.*) — айнан: Чиён, шу номли юлдузнинг номи. Шамсия йил ҳисобининг акраб (22 октябрь — 21 ноябрга тўғри келади) ойида туғилган бола.

**Ақча, Ақчабой, Aqcha** (*ўз.*) — пул, кумуш танга. Бой бўлсин деган ният билан берилувчи исм. Эҳт. (*қар.*) Оғача (*қар.*) исмининг ўзгарган шакли.

**Ақчагул, Aqchagul** (◊., *ўз.-фт.*) — гулдек гўзал қиз бой ва бадавлат бўлсин.

**Ақчанисо, Aqchanico** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг бадавлати.

**Аҳад, Ahad** (*ар.*) — *қар. Аҳадулла.*

**Аҳадулла, Ahadulla** (*ар.*) — Аллоҳ ёлғиз, яккаю ягонадир.

**Аҳадқул, Ahadqul** (*ар. ўз.*) — яккаю ягонанинг, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Аҳдия, Ahdiya** (◊., *ар.*) — аҳдида, қарорида турувчи, бир сўзли қиз; содиқ вафодор.

**Аҳил, Ahil** (*ар.*) — дўст, иноқ, бирдам; тинч-тотув яшовчи.

**Аҳилулла, Ahililla** (*ар.*) — Аллоҳ билан бирдам, худога содиқ, итоаткор.

**Аҳкам, Ahkam** (*ар.*) — айнан: кўрсатма, йўл-йўриқ. Бу ўринда диний йўл-йўриқлар кўзда тутилади.

**Аҳлиддин, Ahliddin** (*ар.*) — динга итоат қилувчилар, художўйлар, диндорлар.

**Аҳлилулла//Аҳлулла, Ahlilulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг яқинлари, иноқлари, бандалари; мўмин — мусулмонлар.

**Аҳлия, Ahliya** (*ар.*) — аёл, оила ёки лойиқ, муносиб, арзийдиган; дўст, иноқ.

**Аҳмад, Ahmad** (*ар.*) — Аллоҳга кўп ҳамду санолар айтувчи киши ёки мақтовга, олқишга сазовор. Бу ном Муҳаммад (сав) сифатларидан биридир.

**Аҳмадали, Ahmadali** (*ар.*) — *қар. Аҳмад* ва *Али.*

**Аҳмадбахш, Ahmadbaxsh** (*ар.-фт.*) — Аҳмад — Муҳаммад (сав) берган, ато қилган бола.

**Аҳмадвали, Ahmadvali** (*ар.*) — Аҳмад — Муҳаммад (сав) Аллоҳга яқин кишидир, авлиё, муқаддасдир.

**Аҳмадёр, Ahmadyor** (*ар.-фт.*) — Аҳмад — Муҳаммад (сав) ёр бўлсин, қўлласин.

**Аҳмаддиёр, Ahmaddiyor** (*ар.*) — *қар. Аҳмад* ва *Диёр.*

**Аҳмадназар, Ahmadnazar** (*ар.*) — Аҳмад — Муҳаммад (сав)нинг илтифоти, муруввати, эътибори бўлган бола.

**Аҳмаднор, Ahmadnor** (*ар.*) — мақтовга, олқишга сазовор ва қизил хол (белги) б-н туғилган бола.

**Аҳмаднур, Ahmadnur** (*ар.*) — Аҳмад — Муҳаммад (сав)нинг меҳри, муруввати бўлган бола ёки мақтовга лойиқ ва нурли, истиқболи порлоқ, саодатманд бола. *Нур* (*қар.*) номи — Аллоҳ Таоло ва Муҳаммад (сав) сифатларидан биридир.

**Аҳмадулла, Ahmadulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мақталган, мадҳга, олқишга сазовор кишиси. Бу ном Муҳаммад (сав) сифатларидан биридир.

**Аҳмадшер, Ahmadsher** (*ар.+фт.*) — мақтовга лойиқ ва жасур, довюрак, қудратли.

**Аҳмадқобил, Ahmadqobil** (*ар.*) — мақтовга, олқишга муносиб ҳамда уддабурон, зеҳнли ёки Аллоҳнинг мақтовга сазовор ва итоаткор, қобил бандаси.

**Аҳмадқул, Ahmadqul** (*ар.+ўз.*) — Аҳмаднинг, яъни Муҳаммад (сав)нинг қули, сиғинувчиси, итоаткор ихлосманди.

**Аҳмар, Ahmar** (*ар.*) — қизил ранг; қимматбаҳо ёки қизил нор (холли) бола.

**Аҳмариддин, Ahmariddin** (*ар.*) — диннинг ҳақиқий, сидқидил ихлосманди.

**Аҳрор, Ahror** (*ар.*) — олижаноб, ҳимматли, мурувватли. Бу ном "хўжаи аҳрор" — олижаноблар, олийҳимматлилар бошлиғи иборасининг қисқарган қисми.

**Аҳрора, Ahrora** (◇., *ар.*) — ҳимматли, меҳрли, меҳрибон қиз.

**Аҳрориддин, Ahroriddin** (*ар.*) — диннинг олийҳиммат, олижаноб фарзанди.

**Аҳрорқул, Ahrorqul** (*ар.-ўз.*) — олийҳимматлининг қули, яъни хўжа Аҳрорнинг қули ёки Аллоҳнинг олийҳиммат бандаси.

**Аҳсан, Ahsan** (◇., -*ар.*) — энг яхши, энг аъло; мақтовга сазовор; энг гўзал. Эҳт: Эҳсон (*қар.*) исмининг шакли.

**Аҳсанат, Ahsanat** (◇., *ар.*) — аҳсант — марҳабо, хуш келдингиз; мумтоз.

**Аҳтам, Ahtam** (*ар.*) — Адҳам (*қар*) исмининг ўзгарган шакли ёки аҳтам-машҳур, ардоқли.

# Б

**Бадал, Badal** (*ар.*) — олдинги турмаган болалар эвазига берилган бола ёки бадал — чакалакзор, бутазор.

**Бадалбиби, Badalbibi** (◊., *ар.-ўз.*) — олдинги турмаган болалар эвазига берилган баланд мартабали, аслзода қиз.

**Бадалжамол, Badaljamol** (◊., *ар*) — аввал вафот этган фарзандлар эвазига берилган чиройли, соҳибжамол қиз.

**Бадалмурод, Badalmurod** (*ар.*) — турмаган фарзандлар, эвазига эришилган орзу, армон.

**Бадалғози, Badalg'ozi** (*ар.*) — аввалги турмаган болалар эвазига берилган ва дин учун курашувчи бола.

**Бадиа, Badia** (◊., *ар.*) — ноёб, нодир; тоза, беназир.

**Бадиабиби, Badiabibi** (◊., *ар.-ўз. <ҳинд.*) — аслзодалар авлодига мансуб нодира, покиза қиз.

**Бадиагул, Badiagul** (◊., *-ар.-фт.*) — аслзодалар наслига мансуб гулдек гўзал.

**Бадиапари, Badiapari** (◊., *-ар.-фт.*) — тенгсиз, беназир гўзал; тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Бадир, Badir** (*ар.*) — *қар. Бадр, Бадриддин.*

**Бадира, Badira** (◊., *ар.*) — тўлин ой, тўлин ой кечаси туғилган қиз ёки тўлин ойдек гўзал, соҳибжамол.

**Бадиуззамон, Badiuzzamon** (*ар.*) — даври, замонасининг энг яхши, беназир фарзанди.

**Бадиулжамол, Badiuljamol** (◊., *ар.*) — энг чиройли, энг кўҳлик қиз, тенгсиз ҳусн соҳибаси.

**Бадиулла, Badiulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг энг гўзал, энг кўҳлик бандаси.

**Бадиға** (◊.) — *қар. Бадиҳа.*

**Бадиҳа, Badiha** (◊., *ар.*) — топқир, зукко, ақли ўткир, зеҳнли қиз.

**Бадр, Badr** (*ар.*) — айнан: ўн тўрт кунли тўлин ой. Ой тўлишган кечада туғилган бола ёки бахтли, саодатманд.

**Бадриддин, Badriddin** (*ар.*) — айнан: диннинг тўлин ойи ёки дин нури, машъали, диннинг гўзал фарзанди.

**Бадрижамол, Badrijamol** (◊., *ар.*) — тўлин ойдек кўҳлик, зебо қиз.

**Бадрижаҳон, Badrijahon** (◊., *ар.*) — оламнинг тўлин ойи, энг гўзал қиз.

**Бадрикамол, Badrikamol** (◊., *ар.*) — камолот, юксакликнинг тўлин ойи, яъни тенгсиз ҳусн ва камолот соҳиби.

**Бадримомо, Badrimomo** (◊., *ар.+ўз*) — бувисининг номи берилган тўлин ойдек гўзал қиз.

**Бадринисо, Badriniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг тўлин ойдек гўзали.

**Бадрия, Badriya** (◊., *ар.*) — тўлин ойдек кўҳлик қиз.

**Бадрулла, Badrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг бенуқсон етук, кўҳлик фарзанди.

**Бадрулҳаёт, Badrulhayot** (◊., *ар.*) — айнан: ҳаётнинг тўлин ойи, яъни ҳаёти, умри тўлин ойдек бутун ва гўзал бўлсин.

**Бадршо, Badrsho** (*ар.-фт.*) — баркамол, моҳир ҳукмрон, шоҳ.

**Бадрқул, Badrqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг баркамол, кўҳлик бандаси. Асли **Бадриддин** исмининг қисқарган шакли.

**Баёз, Bayoz** (*ар.*) — оқ; тоза, беғубор, покиза ёки баёз-тонг ёришган пайтда туғилган бола. Эҳтимол: Баязид исмининг ўзгарган шакли.

**Баён, Bayon** (*ўз.*) — бой, бадавлат, бахтли ёки нозик фикрли, нозик табиатли.

**Баёнгул, Bayongul** (*ўз.-фт.*) — бадавлат, бахтли қиз ёки нозик фаҳмли, фаросатли қиз; очиқ юзли қиз.

**Баёнмирза, Bayonmirza** (*ар. фт.*) — бой-бадавлат ва саводхон, ўқимишли, нозик дидли бола.

**Баёнқул, Bayonqul** — Аллоҳнинг бадавлат, бахтли бандаси.

**Баёт, Bayot** (*ўз.*) — тангри, худо ёки бахтли, олижаноб. Асли: *Баётқул* (*қар.*)

**Баётқул, Bayotqul** (*ўз.*) — тангрининг, Аллоҳнинг қули.

**Бажит//Бажид, Bajit** (*ар.*) — астойдил, сидқидил, самимий; жиддий, содиқ.

**Баззи, Bazzi** (◊., *ар.*) — силлиқ, кўркам мато; ўша матодек мулойим, чиройли қиз.

**Баззоз, Bazzoz** (*ар.*) — чарм буюмлар, газламалар билан савдо қилувчи, савдогар ёки баззоз фарзанди.

**Байзо, Bayzo** (*фт.*) — айнан: оқ, оқлик; ёки қуёш, офтоб ёҳуд олтин доналар; пок. равшан, соф.

**Байзоқ, Bayzoq** (*ўз.*) — **Бойузоқ** исмининг эқ.

**Байир, Bayir** (*ўз.*) — оддий, содда, жайдари ёки мулойим, тарбияли, одобли.

**Байираҳрор, Bayirahror** (*ўз.-ар.*) — соддадил, оддий, камтарин инсон. *Қар. Байир* ва *Аҳрор*.

**Байирқул, Bayirqul** (*ўз.*) — *қар. Байир.* (Байир+қул).

**Байна, Bayna** (◊., *ўз.*) — эркин, озод, ҳур; роҳат-фароғатли. *Қар.* **Байнахол.**

**Байнахол, Baynaxol** (◊., *ўз.-фт.*) — хол билан туғилган қиз ҳур, озод, бахтиёр бўлсин.

**Байрам, Bayram** (*ўз.*) — байрам (ҳайит) куни туғилган бола ёки ҳаёти шодлик, тантанага тўлиқ бўлсин. Шакллари: Байрамбой, Байрамбек, Байрамбека, Байрамжон.

**Байрамали, Bayramali** (*ўз. ар.*) — байрам куни туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Байрамбахт, Bayrambaxt** (◊., *ўз.-ар.*) — байрам куни ато қилинган саодат ёки ҳаёти қувончларга тўла бўлсин.

**Байрамбиби, Bayrambibi** (◇., *ўз*) — байрам куни таваллуд топган улуғ мартабали қиз.

**Байрамгул, Bayramgul** (◇., *ўз.-фт.*) — байрам куни таваллуд топган гулдек зебо қиз.

**Байрамзоҳид, Bayramzohid** (*ўз.-ар*) — ҳайит куни туғилган художўй, тақводор.

**Байраммамат, Bayrammamat** (*ўз.-ар.*) — *қар.* **Байраммуҳаммад.**

**Байраммурод, Bayrammurod** (*ар.*) — байрам куни эришилган орзу, армон.

**Байрамуҳаммад, Bayrammuhammad** (*ўз.-ар.*) — байрам куни туғилган ўғилни Муҳаммад (сав). ўз паноҳида асрасин.

**Байрамназар, Bayramnazar** (*ўз.-ар.*) — байрам куни туғилган ва Аллоҳнинг назари, илтифоти бўлган бола.

**Байрамниёз, Bayramnijoя** (*ўз.-фт.*) — байрам куни берилган туҳфа, совға.

**Байрамнур, Bayramnyr** (*ўз.-ар.*) — байрам (ҳайит) куни эришилган бахт, саодат ёки байрам куни туғилган ўғилнинг ҳаёти нурли, саодатли бўлсин.

**Байрамсаид, Bayramsaid** (*ўз.-ар.*) — байрамда туғилган бахтли бола.

**Байрамсоат, Bayramsoat** (*ўз.-ар.*) — саодатли, қутли кунда туғилган бола.

**Байрамтурди, Bayramtyrdi** (*ўз.*) — байрам (ҳайит) кунда туғилган бола турсин, яшасин.

**Байрамтурсун, Bayramtursun** (*ўз.*) — байрам, шодлик кунда туғилган ўғил, яшасин, турсин.

**Байрамхўжа, Bayramxo'ja** (*ўз.-фт.*) — байрам куни туғилган хўжалар наслига мансуб бола.

**Байрамқилич, Bayramqilich** (*ўз.*) — байрам (ҳайит)да туғилган ўғил қиличдек кескир ва мустаҳкам бўлсин.

**Байрамқул, Bayramqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг байрам (ҳайит) кунида туғилган бандаси.

**Байри, Bayri** (*ўз.*) — мулойим, содда, жайдари; соддадил; оқкўнгил.

**Байринисо, Bay**riniso (◇., *ўз.-ар.*) — мулойим, соддадил; тартибли, тарбияли аёл (қиз).

**Байтулла, Baytylla** (*ар.*) — айнан: Байтуллоҳ — Аллоҳнинг уйи. Макка шаҳаридаги Каъба зиёратгоҳининг номи.

**Бакир, Bakir** (*ар.*) — ўрганувчи, изланувчи, тадқиқ қилувчи ёки бакр-бўталоқ. Бакир — шиитлар имоми Муҳаммад ибн Алихоннинг лақаби бўлган, *қар. Абубакр.*

**Бакира, Bakira** (◇., *ар.*) — *қар. Бокира* ёки *Бакира* — бўталоқ, эркатой, суюкли қиз.

**Бакирулла, Bakirulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ўрганувчан, изланувчи, мақсад сари интилувчи бандаси.

**Бакр, Bakr** (*ар.*) – буталоқ. Шу сўз билан бошланган қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Баланд, Baland** (◊., *ар.*) – юқори, улуғ мартабали, баланд толели.

**Балиқ, Baliq** (*ўз.*) – соф, тоза, покиза ёки балиғ – сўзамол, нотиқ, фасоҳатли нутқ эгаси.

**Баллибой, Balliboy** (*ўз.*) – қойил, тасанно, мақтовга сазовор ёки ширин, суюкли.

**Балиқул, Baliqul** (*ўз.*) – балли – тасанно, мақтовга лойиқ ёки равшан, нурли ёхуд болли – тотли, суюкли, ширин.

**Балликул, Balliqul** (*ўз.*) – Аллоҳнинг ширин, суюкли бандаси.

**Балоғат, Balog'at** (◊., *фт.*) – етуклик, баркамоллик; билимдонлик, нотиқлик. *Эх. Балоҳат – оддий, соддадил.*

**Балоғиддин, Balog'iddin** (*ар.*) – диннинг етук, баркамол кишиси; диннинг сўзамол, фасоҳатли фарзанди.

**Балхия, Balxiya** (◊., *ар.*) – балхлик қиз ёки балх тут пишганда туғилган қиз.

**Балқи, Balqi** (◊., *ўз.*) – барқ урган, яшнаган, чақнаган, жилвадор.

**Балқин, Balqin** (◊., *ўзб.*) – ярқираган, чақнаган, жилвадор.

**Балқия, Balqiya** (◊., *ўзб.*) – бахтли, толеи порлоқ ёки *қар. Балхия.*

**Балқон, Balqon** – *қар. Балхон* ёки *Болхон.* бол (*фт.*) – қанот; бол (*ар.*) – жон, кўнгил, хотира.

**Банд, Band** (◊., *фт.*) – боғланган, яъни маҳкамланган, ўлмайдиган қиз.

**Банда, Banda** (*ар.*) – қул, қарам, тобе, чокар. Бу ўринда Аллоҳнинг қули, мусулмон маъносида.

**Бандаали, Bandaali** (*ар.*) – халифа Алининг хизматкори, қули.

**Бандазот, Bandazot** (*ар.-фт.*) – қулнинг боласи, фарзанди.

**Банно, Banno** (*ар.*) – бинокор, меъмор, қурувчи уста. Эҳт.: *Барно* (*қар.*)

**Банноф, Bannof** – *қар. Манноф.*

**Баноат, Banoat** (◊., *ар.*) – айнан – юлдуз(лар); келажаги юлдуздек порлоқ қиз.

**Банон, Банона, Banon** (◊., *фт.*) – бармоқ, бармоқнинг учи; азиз, эзгу.

**Банот, Banot** (◊., *ар.*) – айнан: қизлар; ғамхўр, қизлар қалби ва банот – бахмал, бахмалдек мулойим, чиройли.

**Барак, Barak** (◊., *ар.*) – *қар. Баракат* ёки фотиҳа, ризолик, ёхуд яхши ҳунар соҳиби, чевар.

**Барака, Baraka** (*ар.*) – мўллик, фаровонлик ёки болаларимиз янада кўпайсин, баракали бўлсин.

**Баракат, Barakat** (*ар.*) — мўллик — кўплик, фаровонлик. *Қар. Баракатулла.*

**Баракатулла, Barakatulla** (*ар.*) – Аллоҳ берган мўллик, барака, давлат ёки Аллоҳнинг бениҳоя ҳиммати, муруввати.

**Барги, Bargi** (◊ ., *фт.*) – *қар. Баргинисо.*

**Баргигул, Bargigul** (◊ ., *фт.*) – гул барги; яшнаган, гўзал, зебо.

**Баргин, Bargin** (◊ ., *фт.*) – *қар. Баргинисо.*

**Баргинисо, Barginiso** (◊ ., *фт. ар.*) – яшнаган; гўзал, зебо.

**Баргихол, Bargixol** (◊ ., *фт.*) – чиройли, гўзал холли қиз.

**Бардош, Bardosh** *(фт.)* – чидамли, тўзимли, сабр-тоқатли.

**Барзан, Barzan** (*фт.*) – юқори, юксак; юксак мартабали.

**Барзия, Barziya** (◊ ., *фт.*) – барз – экин; барзия – деҳқон қиз, ғаллакор ёки деҳқон қизи.

**Барзу, Barzu** (◊ ., *суғ.*) – юқори, юксак, баланд; узун бўйли; баланд мартабали.

**Барин, Баринбой, Barinboy** (*фт.*) – юқори, энг олий, энг юксак.

**Барина, Barina** (◊ ., *фт.*) – олий мартабали; юксак турувчи, тенгсиз, беназир.

**Баркашбой, Barkashboy** (*фт.*) – ўлчаб, тарозида тортиб олинган, яъни сотиб олинган бола ёки суянч, асос, ёхуд мис идиш (баркаш)дек мустаҳкам.

**Барлос, Barlos** (*ўз.*) – мард, ботир; саркарда. Барлос – ўзбек халқи таркибига кирган қабила номи.

**Барманбой//Борманбой, Barmanboy** (*ўз.*) – бор бўлувчи, яшовчи, умри узоқ бола ёки эҳт. *Фармонбой (қар.)*

**Бармоқбой, Barmoqboy** *(фт. < қад. ҳинд)* – бошлиқ, сардор, саркарда ёки олийҳиммат, саховатли.

**Барно, Barno** (◊ ., *фт.*) – айнан: ёш, навжувон; чиройли, хушбичим, хушқад.

**Барнобиби, Barnobibi** (◊ ., *фт. ўз.*) – аслзодалар наслига мансуб кўҳлик, зебо қиз.

**Барногул, Barnogul** (◊ ., *фт.*) – *қар. (Барно + гул).*

**Барот, Barot** (*ар.*) – барот куни (шаъбон ойининг ўртасидаги кун) – диний байрам кунида туғилган бола ёки айбсиз, бенуқсон, покиза, ёхуд озод, ҳур, эркин.

**Баротали, Barotali** (*ар.*) – барот – байрам куни туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Баротулла, Barotulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг бегуноҳ, покиза бандаси.

**Бароқ, Baroq** (*ўз.*) – тиниқ, равшан, порлоқ. Ўзбек халқининг қўнғирот ва қатағон қабилалари таркибига кирган уруғ номи. Демак бароқ уруғи фарзанди.

**Барпи//Барфи, Barpi** (*фт.*) – айнан: барф – биринчи қор; биринчи қор ёққан куни туғилган қиз.

**Барпигул, Barpigul** (◊ ., *фт.*) – биринчи қор ёққан куни туғилган гулдек гўзал қиз.

**Барра, Barra** (*фт.*) — одобли, ахлоқли, хушфеъл ёки навқирон, ёш, ўсувчан.

**Баррагул, Barragul** (◊., *фт.*) — одобли, ахлоқли, хушфеъл ва гулдек чиройли қиз ёки ёш чечак(майсалар)дек яшнаган, гўзал, мулойим қиз.

**Барри, Barri** (*ар.*) — саҳро, даштда туғилган бола, саҳро фарзанди.

**Барфи, Barfi** (*фт.*) — айнан: қор, биринчи қор, биринчи қор ёққанда туғилган бола. *Сол: Барпи.*

**Барфина, Barfina** (◊., *фт.*) — қорли; биринчи қор ёққан куни туғилган қиз қор қизи.

**Барфинисо, Barfiniso** (◊., *фт.-ар.*) — биринчи қор ёққанда туғилган қиз (аёл).

**Барфия, Barfiya** (◊., *фт.*) — қорқиз, қорли қиз, қор қизи.

**Барчабой, Barchaboy** (*фт.*) — барқарор, турғун, осойишта; мақбул, дуруст, яхши.

**Барчин, Barchin** (◊., *ўз.*) — шойи мато, ипак мато, парчин ёки балчин ~ барчин — гўзал, зебо қиз.

**Барчинбуви, Barchinbuvi** (◊., *ўз.*) — Барчинойдек гўзал ва қадрли, қимматли.

**Барчинсулув, Barchinsuluv** (◊., *ўз.*) — Барчиндек чиройли, гўзал қиз.

**Басанда, Basanda** (◊., *фт.*) — айнан: етарли, етади. Оилада ҳадеб қизлар туғилаверса, "энди қиз етар" маъносида берилади. Сол: *Қизларбас, Басгул, Қизетар.*

**Басар, Basar** (◊., *ар.*) — айнан: кўз, кўзнинг кўриш қуввати, яъни зийрак, зеҳнли қиз.

**Басбиби, Basbibi** (◊., *фт.*) — айнан: биби (қиз)ларнинг туғилиши етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Басбуви, Basbuvi** (◊., *фт.-ўз.*) — қиз туғилиши етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Басгул, Basgul** (◊., *фт.*) — қар. Басбиби.

**Басида** (◊., *фт.*) — *эҳт.* Босит+а — улуғ, буюк, юксак, мўл.

**Басилат** (◊., *ар.*) — *қар. Басират* ёки *Фазилат.*

**Басир, Basir** (*ар.*) — кўзи ўткир, зийрак, сезгир, зеҳнли.

**Басира, Basira** (◊., *ар.*) — *қар. Басир.*

**Басират, Basirat** (◊., *ар.*) — ўткир кўзли, ўткир зеҳнли, идрокли; зийрак, сезгир.

**Басит, Basit** (*ар.*) — содда, жайдари, камтарин. *Эҳт.: Босит, Боситулла.*

**Басия, Basiya** (◊., *фт.*) — етар, қизлар туғилиши етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Басият** (◊., *ар.*) — *эҳт.: Васият* (*қар*).

**Басоат, Basoat** (◊., *фт.-ар.*) — ўз вақтида, бахтли соатда туғилган, толеи баланд. *Эҳт. Басорат* < *Башорат* (*қар.*)

**Басой Basoy** (◊., *фт.-ўз.*) — **Баст**-ой, яъни "ойлар" (қизлар) туғилиши етар, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Баста, Basta** (◊., *фт.*) — айнан: банд, боғ, яъни боғланган, маҳкамланган; яшовчи, умри узоқ ёки хурсандлик, шодлик, қувонч.

**Бастам, Bastam** (*фт.*) — бастан — боғланган, маҳкамланган, яшовчи, ўлмайдиган бола.

**Бастан, Bastan** (◊., *фт.*) — боғланган, маҳкамланган, яъни яшайдиган бола ёки қадимий, кўҳна.

**Басти, Basti** (◊., *фт.*) — баст, етади, яъни қизлар туғилиши етар.

**Бастихон, Bastixon** (◊., *фт.*) — *қар. Басти* (*Басти+хон*).

**Бастмо, Bastmo** (◊., *фт.*) — Баст — момо, яъни момо (қиз)лар туғилиши етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Баттол, Battol** (*ар.*) — бемаъни, зарарли, ёмон, ярамас бола. Болани ёмон кўзлардан асраш учун шундай исм берилади. Баттол исми баъзи манбаларда дангалчи, чаққон, ботир, жасур деб изоҳланган. Баттол — қипчоқ қабиласи таркибига кирувчи уруғлардан бирининг номи ҳамдир.

**Баттолғози** (*ар.*) — *қар. Баттол* ва *Ғози.*

**Бафо, Bafo** (*ар.*) — *қар. Вафо.*

**Бахир, Бахирбой, Baxir** (*ар.*) — нурли, жилвали, серҳашам, яъни чиройли, гўзал.

**Бахия, Baxiya** (◊., *ар.*) — гўзал, кўркам, соҳибжамол.

**Бахмал, Baxmal** (◊., *фт.*) — айнан: духоба; мулойим, майин, қимматли.

**Бахман, Baxman** (*фт.*) — эзгу фикрли, яхши ниятли ёки эскича қуёш (шамсия) йил ҳисобининг ўнбиринчи ойи, бахман ойида (қиш ойи январда) туғилган бола.

**Бахсан, Baxsan** (◊., *фт.*) — бўш, бўшанган, лапашанг; мулойим.

**Бахт, Baxt** (*ар.*) — бахтли, саодатли, толеи баланд. Шакллари: *Бахтбой, Бахтжон.*

**Бахтжон, Baxtjon** (*ар.-фт.*) — саодатманд, бахтиёр, хуррам.

**Бахти, Baxti** (*ар.*) — биринчи қисмида "бахт" сўзи келган қўшма исмлар (*Бахтиазим, Бахтинисо*)нинг қисқарган шакли.

**Бахтиазим, Baxtiazim** (*ар.*) — улуғ саодат, истиқбол эгаси, толеи порлоқ.

**Бахтибор, Baxtibor** (*ар.-ўз.*) — омадли, саодатли, иқболи баланд бола.

**Бахтигул, Baxtigul** (◊., *ар.-фт.*) — гулдек чиройли, саодатли қиз.

**Бахтиёр, Baxtiyor** (*ар.-фт.*) — саодат, қут, истиқбол ёр бўлган бола ёки шодон, қувноқ.

**Бахтимурод, Baxtimurod** (*ар.*) — бахт-саодатли ва мурод-мақсадли бола.

**Бахтин, Baxtin** (◊., *ар.*) — *қар. Бахтинисо.*

**Бахтиниёз, Baxtiniyoz** (*ар.-фт.*) — саодатманд; совға, туҳфа ёки ёлвориб сўраб олинган саодат, давлат.

**Бахтинисо, Baxtiniso** (*ар.*) — аёлларнинг бахтлиси, энг саодатлиси.

**Бахтинур, Baxtinur** (*ар.*) — нурли, бахтли, порлоқ толе соҳиби ёки *Нур* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган саодат.

**Бахтишод, Baxtishod** (*ад.-фт.*) — саодатли ва қувноқ, хуррам бола ёки бахти кулган бола.

**Бахтия, Baxtiya** (◊., *ар.*) — бахт қизи, толеи баланд қиз.

**Бахтиқиз, Baxtiqiz** (◊., *ар.-ўз*) — бахтли, саодатли қиз.

**Бахтиқул, Baxtiqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бахтли, саодатманд бандаси, қули.

**Бахтли//Бахтлик, Baxtli** (*ар.-ўз*) — саодатли, иқболли, қутли қиз.

**Бахтлиман, Baxtliman** (◊., *ар.-ўз.*) — айнан: бахтли, саодатлиман.

**Бахшан, Baxshan** (◊., *фт.*) — *қар. Бахшанда.*

**Бахшанда, Baxshanda** (◊., *фт.*) — айнан: берувчи, бахш этувчи, мурувватли, саховатли.

**Бахши, Baxshi** (*фт.*) — совға, туҳфа, инъом ёки бахш (ўз. < қад. хитой) — ўқитувчи, муаллим, устоз.

**Бахшиш, Baxshish** (◊., *фт.*) — совға, инъом, туҳфа ёки инъом, назир қилинган.

**Бахшиқул Baxshiqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг инъоми, туҳфаси бўлган қул.

**Бахшулла//Бахшиулло, Baxshulla** (*фт.-ар.*) — Аллоҳга бағишланган, бахшида (назир) қилинган бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, инъоми.

**Башар, Bashar** (*ар.*) — киши, одам, инсон; одамзод, инсоният.

**Башарали, Basharali** (*ар.*) — *қар. Башар* ва *Али.*

**Башир, Bashir** (*ар.*) — хушхабар келтирувчи; бахт-саодат элчиси. Башир — Муҳаммад (сав.)нинг сифатидан биридир.

**Башира, Bashira** (*ар.*) — хушхабар, яхшиликлар, бахт-саодат элчиси.

**Башируллa, Bashirulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг хушхабар тарқатувчи кишиси ёки башорат қилувчи.

**Баширқул, Bashirqul** (*ар.-ўз.*) — Башир (*қар.*), яъни Муҳаммад (сав)нинг қули.

**Башор, Bashor** (◊., *ар.*) — *қар. Башорат* ёки *Башошат.*

**Башорат, Bashorat** (◊., *ар.*) — хушхабар, қувончли дарак, мужда; бахт-саодат даракчиси.

**Баязит//Боязид, Bayazit** (*ар.*) — туҳфа, совға қилинган ёки жуда яхши, устун турувчи. Баъзи манбаларда "Абуязид" (Язиднинг отаси) исмининг қисқарган шакли деб изоҳланади.

**Баян, Баянгул, Bayan** (◊., *ўз.*) — покиза, тоза, соф; ёрқин, тиниқ ёки боён+гул — бой, бадавлат.

**Бақир, Бақирбой, Baqir** (*ўз.*) — мис, қизил металл, яъни мисдек мустаҳкам бўлсин. Эҳт. *Бакр, Бакир* (*қар*) исмининг бузилган шакли.

**Бақо, Baqo** (*ар.*) — доимий, абадий, мангу. Асли *Бақоулла* (*қар.*)

**Бақоулла, Baqoulla** (*ар.*) — Аллоҳ абадий, мангудир, яъни боқийдир ёки Аллоҳнинг узоқ умрли бандаси.

**Бақош//Бақоч** — *Баҳодир* (*қар*) исмининг эқ.

**Бақоқул, Baqoqul** (*ар. ўз.*) — Аллоҳнинг узоқ умрли бандаси.

**Бағир, Bag'ir** (*ўз.*) — юракка, қалбга яқин, азиз ёки билимдон, донишманд бола. Эҳт. *Бахир* (*қар.*)

**Бағиш,** (*ўз.*) — *эҳт. Бағич, Боғич-ип,* арқон, яъни боғланган, маҳкам, узоқ умрли бола.

**Баҳия, Bahiya** (◇., *ар.*) — нурли, равшан; гўзал, зебо.

**Баҳлул, Bahlul** (*ар.*) — ҳазилкаш, шўх, қизиқчи.

**Баҳман, Bahman** (*фт.*) — яхши, эзгу фикрли, яхши ниятли ёки эскича қуёш (шамсия) йили ҳисоби билан ўн биринчи ой — баҳман (22 январь — 22 февраль) да туғилган бола.

**Баҳманёр, Bahmanyor** (*фт.*) — эзгу ниятли, яхши мақсадли ёки баҳман ойида туғилган бола (*қар. Баҳман*).

**Баҳоваддин, Bahovaddin** (*ар.*) — диннинг улуғворлиги, кўрки; муруввати, нури.

**Баҳовуддин, Bahovuddin** (*ар.*) — *қар. Баҳоваддин.*

**Баҳодир, Bahodir** (*ўз. муғ.*) — ботир, паҳлавон; довюрак.

**Баҳодира, Bahodira** (◇., *ўзб<муғ.-ар.*) — жасур, довюрак қиз.

**Баҳодиршо, Bahodirsho** (*муғ.-фт.*) — айнан: жасур, довюрак шоҳ ёки ботир, паҳлавонлар сардори.

**Баҳоли, Baholi** (*ар.-ўз*) — ҳурматли, қадрлашга арзийдиган; беназир ёки нурли, равшан.

**Баҳор, Bahor** (*фт.*) — кўкламда туғилган бола ёки ҳаёти баҳордек гуллаган, яшноқ бўлсин.

**Баҳора, Bahora** (◇., *фт.*) — кўкламда туғилган қиз ёки баҳордек гўзал, кўркам қиз.

**Баҳоржамол, Bahorjamol** (◇., *фт.*) — баҳордек кўркам, кўҳлик қиз.

**Баҳорниёз, Bahornijoz** (◇., *фт.*) — кўкламда берилган туҳфа, совға.

**Баҳоулла, Bahoulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг улуғворлиги, буюклиги ёки Аллоҳнинг нури, муруввати.

**Баҳра, Bahra** (◇., *ар.*) — роҳат, фароғат; насибали, улушли ёки сахий, олижаноб.

**Баҳрагул, Bahragul** (◇., *ар.-фт.*) — роҳатли, насибали ёки яшнаб турган гул, яъни гўзал, соҳибжамол.

**Баҳраман, Bahraman** (◇., *фт.*) — айнан: қизил зумрад, яъни қимматли, бебаҳо қиз ёки товланувчи, чиройли матодек гўзал қиз. Эҳт. *Баҳраманд* (*қар.*).

**Баҳраманд, Bahramand** (*фт.*) — ризқ-рўзли, насибали, омадли.

**Баҳри, Bahri** (*ар.*) — *қар. Баҳриддин, Баҳринисо.*

**Баҳриддин, Bahriddin** (*ар.*) — диннинг нури, ёғдуси; диннинг виқори, шукуҳи ёки диннинг нурли, саодатманд кишиси.

**Баҳридил, Bahridil** (*ар., -фт.*) — нурли, равшан қалбли, яъни меҳрли, меҳрибон, олижаноб.

**Баҳрин, Bahrin** (◇., *фт.*) — (*қар.*) *Баҳринисо* ёки баҳрин (турклашган муғул қабиласи) қабиласига мансуб қиз.

**Баҳринисо, Bahriniso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг энг нурлиси, гўзали, шукуҳли ва дилкаши.

**Баҳрия, Bahriya** (◇., *фт.*) — нурли, кўркам; бахтли, омадли қиз.

**Баҳром, Bahrom** (*фт.*) — Миррих (Марс) сайёрасининг номидан. У бахт-саодат тимсоли ҳисобланади ёки *Баҳром* (қадимги Эрон шоҳларидан бири)дек мард, жасур бўлсин.

**Баҳромали, Bahromali** (*фт.-ар*) — *қар. Баҳром* ва *Али.*

**Баҳромиддин, Bahromiddin** (*фт.-ар.*) — диннинг порлоқ юлдузи ёки диннинг Баҳромсифат ҳимоячиси, таянчи.

**Баҳромқул, Bahromqul** (*фт.-ӯз.*) — *қар. Баҳром* (Баҳромқул).

**Баҳрон,** — эҳт. *Баҳром.* (*қар.*).

**Баҳронқул** (*фт.-ӯз.*) — эҳт: *Баҳромқул* (қар.)

**Баҳруз, Bahruz** (*фт.*) — ҳосиятли, саодатли кунда туғилган бола; бахтли, омадли. *Қар. Беҳруз*

**Баҳрулла, Bahrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг нури, шуъласи, яъни туҳфаси, совғаси, ёки тангрининг севимли фарзанди.

**Бегали, Begali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бекали.*

**Беган-Бекназар** (*қар.*) исмининг эқ.

**Бегана, Begana** (*фт.*) — бегона, ёт, ўзга, "бу бизнинг боламиз эмас" маъносида. Чақалоқни ёмон кўз, "ёвуз куч"лардан асраш учун бериладиган исм.

**Беганжи-Беганж//Беганч, Beganji** (*ўз.*) — шод, хуррам, шодон; бахтли, бахтиёр.

**Бегжон, Begjon** (*ўз.-фт.*) — қар. *Бекжон.*

**Бегзод, Begzod** (*ўз.-фт.*) — беклар наслига мансуб бола ёки Беҳзод (*қар.*)

**Беги, Begi** (*ўз.*) — ботир, қаҳрамон ёки қўшма исмлар (Бегинисо, Бегимурод)нинг эқ. шакли.

**Бегим, Begim** (*ўз.*) — хоним, бека, ойим, яъни подшоҳ ёки бекнинг оиласи фарзанди; малика, бекзода; 2) бек ёки шоҳнинг ўғли, фарзанди; шоҳзода, бекзода.

**Бегима, Begima** (◇., *ўзб.*) — *қар. Бегим (Бегим+а)*

**Бегиммурод, Begimmurod** (*ўз. ар.*) — *қар. Бегим* ва *Мурод.*

**Бегимой, Begimoy** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув, аслзода қиз; улуғ мартабали қиз.

**Бегимтой, Begimtoy** (*ўз.*) — беклар наслидан бўлган эркатой, суюкли бола.

**Бегинисо, Beginiso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг улуғи, аслзодаси ёки аёлларнинг бошлиғи, сардори.

**Бегимқул, Begimqul** — *қар. Бегим* (Бегим+қул).

**Бегиш, Begish** — "бег" сўзи билан бошланган қўшма исмлар (*Бегиммурод, Бегинисо*)нинг эқ.

**Бегия, Begiya** (◊., *ўз.-ар.*) — беклар авлодига мансуб қиз; аслзода, баланд мартабали қиз.

**Беглар, Beglar** (◊., *ўзб.*) — беклар, улуғлар авлодига мансуб бола.

**Бегларой, Beglaroy** (◊., *ўзб.*) — беклар наслидан бўлган ойдек сулув қиз.

**Бегли, Begli** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб ёки эҳт. бегли уруғи фарзанди.

**Бегliқул, Begliqul** (*ўзб.*) — *қар. Бегли* (Бегли+қул).

**Бегмамат, Begmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бекмуҳаммад.*

**Бегман//Бегмон, Begman** — "бег" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмлар *(Бекназар, Бекниёз)* эқ.

**Бегмат** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бекмуҳаммад.*

**Бегмурод, Begmurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бекмурод.*

**Бегна, Begna** (*ўз.-ар.*) — "бег, бек" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмлар *(Бекназар, Бекниёз)*нинг эқ.

**Бегниёз Begniyoz** (*ўз.-фт.*) — *қар. Бекниёз.*

**Бегнор, Begnor** (*ўз.-фт.*) — *қар. Бекнор.*

**Бегойим, Begoyim** (◊., *ўзб.*) — беклар, аслзодалар авлодига мансуб қиз.

**Бедил, Bedil** (*фт.*) — айнан: дардли, қайғули; мафтун бўлган. Бу исм машҳур шоир Бедилнинг номига нисбат берилган.

**Бежам, Bejam** (◊., *ўзб.*) — безанган, ороланган, келишган, гўзал.

**Бежамой, Bejamoy** (◊., *ўзб.*) — безанган, ороланган ойдек сулув қиз.

**Бежирим, Bejirim** (◊., *ўзб.*) — озода, покиза гуноҳсиз; чиройли, гўзал.

**Бек, Bek** (*ўзб.*) — ҳукмдор, ҳоким; бошқарувчи; ўтмишда мўътабар мансаблардан бири бўлган ёки бек — берк — мустаҳкам, маҳкакам, хавфсиз.

**Бека, Beka** (◊., *ўзб.*) — беклар авлодига мансуб қиз, аёл. шакллари: Бекбиби, Бекажон, Бекой.

**Бекали, Bekali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бек* ва *Али.*

**Бекам, Bekam** (*ўзб.*) — "бек" сўзи билан бошланадиган қўшма исмларнинг (*Бекмурод, Бекмуҳаммад, Бекойим*) эқ.

**Бекамин, Bekamin** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бек* ва *Амин.*

**Бекан, Bekan** — бекан//беган — ёқимтой, мақбул бола ёки *Бекназар, Бекниёз* (*қар.*) исмларининг эқ.

**Бекач, Bekach** (◊., *ўз.*) — бекнинг қизи, беклар авлодига мансуб қиз.

**Бекберган, Bekbergan** (*ўз.*) — берк, яъни мустаҳкам, чидамли қилиб берилган бола.

**Бекберди, Bekberdi** (*ўз.*) — берк, яъни мустаҳкам, жони қаттиқ қилиб берилган, яшайдиган бола.

**Бекботир, Bekbotir** (*ўз.*) — маҳкам, мустаҳкам ботир ёки беклар авлодига мансуб довюрак бола.

**Бекбўл, Bekbo'l** (*ўз.*) — берк, мустаҳкам, маҳкам бўлсин, яшасин, ўлмасин ёки бек-ҳоким, амалдор бўлсин.

**Бекбўлди, Bekbo'ldi** (*ўз.*) — берк, мустаҳкам бўлади, яшайди, ўлмайди.

**Бекбўта, Bekbo'ta** (*ўз.*) — *қар. Бек* ва *Бўта.*

**Бекдавлат, Bekdavlat** (*ўз.-ар.*) — маҳкам мустаҳкам ҳамда бой, бадавлат, бўлсин.

**Бекдувол, Bekduvol** (*ўз.-фт.*) — айнан: берк (мустаҳкам) девор, яъни жони қаттиқ, яшовчи бола.

**Бекдурди, Bekdurdi —** *қар. Бектурди.*

**Бекжон, Bekjon** (*ўз.-фт.*) — беклар наслига мансуб, жон каби азиз бола.

**Бекжонтой, Bekjontoy** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб азиз ва суюкли бола.

**Бекжўра, Bekjo'ra** (*ўз.-фт.*) — беклар наслига мансуб ўғил ёки отаси ва ўзидан олдинги болаларга эш, ўртоқ бўлиб ўссин.

**Бекзод, Bekzod** (*ўз.-фт.*) — бек фарзанди, беклар авлодига мансуб бола.

**Бекзода, Bekzoda** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Бекзод.*

**Беки//Бекки, Beki** (*ўзб.*) — "бек" сўзи б-н бошланадиган қўшма исмларнинг эқ.

**Бекил, Bekil** (*ўзб.*) — беклангин, маҳкамлангин, яъни тўхтагин, ўлмагин.

**Бекинбой, Bekinboy** (*ўзб.*) — *қар. Беркин, Беркинбой.*

**Бекиш, Bekish** (*ўзб.*) — "бек" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Бекйигит, Bekyigit** (*ўзб.*) — беклар наслига мансуб ўғил улғайиб йигит бўлсин ёки берк-мустаҳкам, яшовчи йигит.

**Беккел, Bekkel —** *қар. Беккелди.*

**Беккелди, Bekkeldi** (*ўз.*) — баланд мартабали ўғил туғилди ёки бек — ҳоким, амалдор, сардор бўлувчи бола туғилди, ёҳуд берк-маҳкам, яшовчи ўғил туғилди.

**Беклар, Beklar** (*ўз.*) — айнан: ҳокимлар, амалдорлар ёки беклар авлодига мансуб бола.

**Бекли, Bekli** (*ўз.*) — ҳоким, мансабдор ёки беркли — маҳкам, мустаҳкам.

**Бекмамат, Bekmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бекмуҳаммад.*

**Бегман//Бегмон, Begman** — "бек" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмларнинг *(Бекмурод, Бекмуҳаммад)* эқ. ёки беркман — маҳкам, мустаҳкамман.

**Бекмат, Bekmat** — *қар. Бегмат, Бекмуҳаммад.*

**Бекмир, Bekmir** — *қар. Бекмирза.*

**Бекмирза, Bekmirza** (*ўз.-фт.*) — мирзалар, мансабдорлар бошлиғи, сардори ёки "берк" — маҳкам, мустаҳкам ҳамда саодатманд бола.

**Бекмурод, Bekmurod** (*ўз.-ар.*) — беклар авлодига мансуб мурод — мақсадли бола берк (мустаҳкам) бўлсин ва улғайиб мурод — мақсадига етсин.

**Бекмуҳаммад, Bekmuhammad** (*ўз.-ар.*) — беклар наслига мансуб Муҳаммад исмли бола ёки маҳкам, мустаҳкам ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Бекназар, Beknazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, илтифоти бўлган мустаҳкам бола.

**Бекниёз, Bekniyoz** (*ўз.-фт.*) — беклар наслига мансуб Аллоҳдан ёлвориб сўраб олинган бола ёки Аллоҳнинг мустаҳкам қилиб берилган туҳфаси, совғаси.

**Бекноз, Beknoz** ( ◊ ., *ўз.-фт.*) — беклар наслидан бўлган нозли, ёқимтой қиз.

**Бекнор, Beknor** (*ўз.-фт.*) — беклар авлодидан бўлган қизил холли бола.

**Бекой, Bekoy** ( ◊ ., *ўз.*) — беклар авлодига мансуб ойдек сулув қиз ёки қизларнинг раҳбари, бошлиғи. Эҳт. *Бекойим* (*қар*) исмининг қисқарган шакли.

**Бекойим, Bekoyim** ( ◊ ., *ўз.*) — улуғ мансабдорлар авлодига мансуб қиз, бек қизи ёки маҳкам, мустаҳкам қиз.

**Бекпошша, Bekposhsha** ( ◊ ., *ўз.-фт.*) — беклар наслидан бўлган мағрур, виқорли, баланд мартабали қиз ёки эрка, ҳур қиз.

**Бекпўлат, Bekpo'lat** (*ўз.-фт.*) — пўлатдек берк, мустаҳкам бўлсин ёки балланд мартабали бола, пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Бексаид, Beksaid** (*ўз.-ар.*) — баланд мартабали ва саодатманд бола.

**Бексафар, Beksafar** (*ўз.-ар.*) — сафар чоғида ёки отаси сафарга кетганда туғилган мустаҳкам, яшовчи бола ёҳуд қамарий йил ҳисоби б-н иккинчи ой — сафар ойида туғилган, маҳкам бола.

**Бексоли, Beqsoli** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бек* ва *Соли*

**Бексултон, Beksulton** (*ўз.-ар.*) — мустаҳкам, маҳкам ва мартабаси улуғ бўлсин ёки султонларнинг сардори, раҳбари.

**Бектемир, Bektemir** (*ўз.*) — темирдек маҳкам, мустаҳкам бола.

**Бектилла, Bektilla** (*ўз.-фт.*) — мансабдор (беклар)ларнинг энг афзали, улуғи, яхшиси ёки беклар авлодига мансуб ажойиб йигит. Эҳт. тиллодек мустаҳкам бола.

**Бектилов, Bektilov** (*ўз.*) — тилаб, сўраб олинган, маҳкам, мустаҳкам бола.

**Бектой, Bektoy** (*ўз.*) — эркатой, суюкли (тойчоқ) ўғилнинг умри узоқ, мустаҳкам бўлсин.

**Бектош, Bektosh** (*ўз.*) — тошдек берк, мустаҳкам, яъни умри узоқ, яшовчи бола.

**Бектоҳир, Bektohir** (*ўз.-ар.*) – *қар. Бек* ва *Тоҳир.*

**Бектур, Bektur** (*ўз.*) – маҳкам, мустаҳкам бўлиб тургин, ўлмагин, яшагин.

**Бектурди, Bekturdi** (*ўз.*) – маҳкам, мустаҳкам бўлиб турадиган, яъни яшайдиган бола.

**Бектурсун, Bektursun** (*ўз.*) – маҳкам, мустаҳкам бўлиб турсин, яшасин.

**Бектурғон, Bekturg'on** (*ўз.*) – маҳкам, мустаҳкам бўлиб туриб қолувчи, яшаб кетадиган бола.

**Бектурғун, Bekturg'un** (*ўз.*) – мустаҳкам, барқарор, яъни яшайдиган, узоқ умрли бола.

**Бектуғди // Берктуғди, Bektug'di** (*ўз.*) – маҳкам, мустаҳкам қилиб берилган узоқ умрли бола.

**Бектўра, Bekto'ra** (*ўзб.*) – узоқ умрли мансабдор, ҳукмдор, шоҳ ёки *қар. Бек* ва *Тўра.*

**Бекхўжа, Bekxo'ja** (*ўз.-фт.*) – хўжалар авлодига мансуб улуғ мартабали бола ёки хўжалар наслидан бўлган жони қаттиқ, яшовчи бола.

**Бекча, Bekcha** (*ўз.*) – бек фарзанди, кенжа, кичик бек.

**Бекчон, Bekchon** (*ўз.-фт.*) – *қар. Бегжон, Бекжон.*

**Бекшод, Bekshod** (*ўз.-фт.*) – улуғ мартабали боланинг умри қувончларга тўла бўлсин.

**Беққора, Bekqora** (*ўз.*) – мустаҳкам, маҳкам ва кучли, қудратли, довюрак бола.

**Белқувват, Belquvvat** (*ўз.-ар.*) – ота-онасига мададкор, кўмакчи бўлсин.

**Беққул, Bekqul** (*ўз.*) – Аллоҳнинг мустаҳкам, маҳкам, узоқ умрли бандаси.

**Беққўзи, Bekqo'zi** (*ўз.*) – беклар авлодига мансуб эркатой, суюкли бола ёки қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган жони қаттиқ, мустаҳкам бола.

**Беназир, Benazir** (◊ .. *фт.-ар.*) – тенгсиз, тенги йўқ; ҳуснда ягона; энг гўзал.

**Берган, Bergan** (*ўзб.*) – иккинчи қисми «берган» сўзи билан туговчи қўшма исмлар (Тангриберган, Худойберган, Оллоберган)нинг эқ.

**Бердан // Бердон, Berdan** – эҳт. *Бердиназар, Бердиниёз* каби исмларнинг қисқарган шакли.

**Бердақ, Berdaq** (*ўз.-ар.*) – Бердимуҳаммад исмининг эркалаш-қисқартиш шакли.

**Берди, Berdi** (*ўз.*) – иккинчи қисми «берди» сўзи билан тугайдиган баъзи қўшма исмлар (*Худойберди, Тангриберди, Оллоберди*)нинг қисқарган шакли.

**Бердиали, Berdiali** (*ўз.-ар.*) – Али ато қилган бола ёки Алининг тухфаси, совғаси.

**Бердибек, Berdibek** (*ўзб.*) – маҳкам, мустаҳкам қилиб берилган, яшайдиган бола.

**Бердибой, Berdiboy** (*ўз.*) — *қар. Берди* (*Берди+бой*).

**Бердиёр, Berdiyor** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ берган бола ўзгаларга ҳамдам, ҳамроҳ бўлиб ўссин ёки берганнинг ўзи (Аллоҳ) ёр бўлиб, қўллаб юрсин.

**Бердимавлон, Berdimavlon** (*ўз.-ар.*) — жаноб, донишманд, доно берган бола. Мавлон сўзи Аллоҳнинг (*қар. Абдумавлон*) ва Муҳаммад (сав) (*Мавлонулла, Мавлониддин*) ҳамда ўтмишда Шарқ олим ва уламоларнинг сифатларидан биридир. *Қар. Мавлон.*

**Бердималик, Berdimalik** (*ўз.-ар.*) — подшоҳ, ҳоким, ҳукмдор, яъни Аллоҳ (*қар. Малик*) ато қилган бола.

**Бердимамат, Berdimamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бердимуҳаммад.*

**Бердимат, Berdimat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бердимуҳаммад.*

**Бердимурод, Berdimurod** (*ўз.-ар.*) — тангри берган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин ёки Аллоҳ етказган, эриштирган орзу, истак.

**Бердимуҳаммад, Berdimuhammad** (*ўз.-ар.*) — пайғамбар ато қилган бола ёки Муҳаммад (сав)нинг туҳфаси, эҳсон ёҳуд Аллоҳ берган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳига олсин.

**Бердинаби, Berdinabi** (*ўз.-ар.*) — пайғамбар ато қилган бола. *Сол: Бердимуҳаммад, Бердирасул, Расулберди.*

**Бердиназар, Berdinazar** (*ўз.-ар.*) — *Назар* (*қар.*) — барчани кузатиб, кўриб турувчи, яъни Аллоҳ бахш этган бола ёки Аллоҳнинг эҳсони, туҳфаси. *Сол. Абдуназар.*

**Бердиназир, Berdinazir** (*ўз.-ар*) — *Назир* (*қар.*) азоблардан огоҳлантирувчи, яъни Муҳаммад (сав) бахш этган бола. Назир номи пайғамбарнинг сифатларидан биридир.

**Бердиниёз, Berdiniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ берган туҳфа, совға ёки Аллоҳдан ўтиниб олинган бола.

**Бердинур, Berdinur** (*ўз.-ар.*) — Нур — ўз-ўзидан борлиғи аён бўлиб турган, яъни Аллоҳ ато қилган бола. *Қар. Абдунур, Нурулла,* ёки Аллоҳ ато қилган бахтли, омадли ўғил.

**Бердиолим, Berdiolim** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ берган билимдон, доно ўғил.

**Бердирасул, Berdirasul** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг элчиси — Расули, яъни Муҳаммад(сав) ато қилган бола. *Сол: Расулберди.*

**Бердираҳим, Berdirahim** (*ўз.-ар.*) — раҳмдил, марҳаматли, яъни Аллоҳ берган бола.

**Бердитош, Berditosh** (*ўз.*) — Аллоҳ тошдек мустаҳкам ўғил ато қилди.

**Бердихол, Berdixol** (*ўз.-фт.*) — Тангри берган холли бола.

**Бердихўжа, Berdixo'ja** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ ато қилган хўжалар наслига мансуб бола.

**Бердишукур, Berdishukur** (*ўз.-ар.*) — фарзанд бергани учун Аллоҳга шукур.

**Бердиқилич, Berdiqilich** (*ўз.*) — Тангри ато қилган қиличдек мустаҳкам, соғлом бола.

**Бердиқобил, Berdiqobil** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ берган кучли, қудратли ёки ақлли, зеҳнли; одобли бола.

**Бердиқосим, Berdiqosim** (*ўз.-ар.*) — ризқу рўз тақсимловчи, насиба улашувчи, яъни Тангри берган бола.

**Бердиқул, Berdiqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг ўзи ато қилган қули, бандаси. *Сол: Бердиғулом.*

**Бердиқурбон, Berdiqurbon** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ қурбон ойида ато қилган (туғилган) бола.

**Бердиқўзи, Berdiqo'zi** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилган суюкли, эркатой бола ёки Аллоҳ қўйлар қўзилаган пайтда берган бола.

**Бердиғулом, Berdig'ulom** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг ўзи ато қилган (яратган) қули ёки Аллоҳ берган фарзанд. *Сол: Бердиқул.*

**Берка, Berka** (◊ ., *ўз.*) — берк-маҳкам, мустаҳкам ёки яширилган, пинҳон тутилувчи қиз.

**Беркали, Berkali** (*ўз.-ар.*) — маҳкам, мустаҳкам ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Беркбой, Berkboy** (*ўз.*) — мустаҳкам, жони қаттиқ ёки беркитилган, пинҳон тутилган бола.

**Беркин, Беркинбой, Berkin** (*ўз.*) — беркинган, яширинган, ҳимоя остига олинган бола.

**Беркли, Berkli** (*ўз.*) — мустаҳкам, беркитилган, яширинган бола.

**Берун, Berun** (*фт.*) — бегона, ёт, яъни бу бола бизники эмас. Чақалоқни ёвуз кучлардан асраш учун берилувчи исм.

**Бетиқанд, Betiqand** ( ◊ ., *ўз. фт.*) — ёқимтой, жозибали; кўҳлик, келишган қиз.

**Бетлар, Betlar** (*ўз.*) — бетини, юзини яхшилик томон бурар, яъни ўлим чекинар, яшаб кетар.

**Беш//Бешбой, Besh** (*ўз.*) — бешинчи ўғил, оиладаги бешинчи бола ёки "беш" сўзи билан бошланадиган қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Бешбола, Beshbola** (*ўз.*) — оиладаги бешинчи фарзанд ёки зиёда бўлувчи, кўпаювчи.

**Бешбўлди, Beshbo'ldi** (*ўз.*) — ортди, кўпайди ёки бешинчи бола туғилди.

**Бешим, Beshim** (*ўз.*) — "беш" сўзи билан бошланадиган баъзи исмлар (*Бешмурод, Бешмуҳаммад*)нинг эқ.

**Бешимқул, Beshimqul** (*ўз.*) — *қар. Бешим* (*Бешим+қул*).

**Бешмурод, Beshmurod** (*ўз.-ар.*) — бешинчи фарзанд соғ улғайтиб мурод-мақсадига етсин ёки орзуимиз бўлган бешинчи ўғил.

**Бешмуҳаммад, Beshmuhammad** (*ўз.-ар.*) — бешинчи фарзандимизни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Бешназар, Beshnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти, мурувват бўлган бешинчи фарзанд.

**Бешқул, Beshqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси бўлган бешинчи фарзанд.

**Бешқўзи, Beshqo'zi** (*ўз.*) — эркатой, суюкли бўлган бешинчи бола ёки қўйлар қўзилаганда туғилган бешинчи ўғил.

**Беғам, Beg'am** (*фт.-ар.*) — қайғусиз, шодон бўлиб улғайсин.

**Беғамгул, Beg'amgul** (◇., *ар.-фт.*) — гулдек чиройли қиз ғамсиз, қайғусиз, шодон бўлиб ўссин.

**Беғамой, Beg'amoy** (◇., *фт.-ар.-ўз.*) — ғамсиз, қайғусиз ва ойдек сулув қиз.

**Беғамқул, Beg'amqul** (*фт.-ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг ғамсиз, қайғусиз, бахтиёр бандаси.

**Беҳбуд, Behbud** (*фт.*) — тинч, осойишта, роҳат-фароғатда яшовчи, бахтли.

**Беҳзод, Behzod** (*фр.*) — хосиятли, саодатли кунда туғилган; аслзода ёки олижаноб, олийҳиммат бола.

**Беҳи, Behi** (◇., *фт.*) — биҳи//беҳи — соғлиқ, саломатлик; яхшилик ёки мақбул, ёқимтой қиз.

**Беҳрўз, Behro'z** (*фр.*) —айнан: бахтли кунлар, яъни бахтли, саодатли кунда туғилган.

**Биби, Bibi** (◇.,*ўз.< ҳинд*) хоним, бека, ойим; юқори табақага мансуб аёл. Бу сўз ўтмишда машҳур турк аёлларининг фахрий унвони бўлган ва "хоним, бека, уй соҳибаси" маъноларини англатган. Ўзбек шеваларида биби — буви, она, қайнона, маъноларини англатади, қизлар исмининг биринчи, иккинчи қисмида келиб ҳурмат, эркалаш муносабатларини ҳамда "қиз", "қиз бола" маъносини англатади.

**Бибиазиз, Bibiaziz** (◇., *ўз.-ар.*) — қадрли, ҳурматли, мўътабар қиз.

**Бибиайна, Bibiayna** (◇., *ўз.*) — гўзал, кўркам қиз.

**Бибиахтар, Bibiaxtar** (◇., *ўз.-фт.*) — порлоқ юлдузли, яъни бахтли, саодатманд қиз.

**Бибигул, Bibigul** (◇., *ўз.-фт.*) — улуғ мартабали ва гулдек гўзал қиз.

**Бибигулшод, Bibigulshod** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Биби* ва *Гулшод.*

**Бибидур, Bibidur** (◇., *ўз.-фт.*) — марварид, дурдек азиз, қимматли ва улуғ мартабали қиз.

**Бибижамол, Bibijamol** (◇., *ўз.-ар.*) — мўътабар ва гўзал, соҳибжамол қиз.

**Бибижаҳон, Bibijaxon** (◇., *ўз.-фт.*) — оламдаги энг мўътабар қиз; тенгсиз, беназир қиз.

**Бибижон, Bibijon** (◇., *ўз.-фт.*) — улуғ мартабали, жондан азиз қиз.

**Бибизайнаб, Bibizaynab** (◇., *ўз.-ар.*) — тўлиқ, барваста, кучли қиз. *Қар. Биби* ва *Зайнаб.*

**Бибизар, Bibizar** (◇., *ўз.-фт.*) — тиллодек қимматли, мўътабар, баланд мартабали қиз.

**Бибизилол, Bibizilol** (◇., *ўз.-ар.*) — мусаффо, покиза, озода, покдомон қиз.

**Бибизода, Bibizoda** (◊., *ўз.-фт.*) — аслзода аёллар наслига мансуб қиз ёки аслзода аёл фарзанди.

**Бибизор, Bibizor** (◊., *ўз.-фт.*) — зор бўлиб, интиқ бўлиб юриб эришилган қиз ёки *Бибизар* (*қар.*)

**Бибикамол, Bibikamol** (◊., *ўз.-ар.*) — мўътабар, аслзода аёлларнинг етуги, баркамоли.

**Бибимайрам//Бибимарям, Bibimayram** (◊., *ўз.-қад. яҳ.*) — айнан: ачиқ ёки Аллоҳнинг хоҳлагани, ёқтиргани, суюклиси.

**Бибинабот//Бибиноввот, Bibinabot** (◊., *ўз.-фт.*) — улуғ мартабали, ёқимтой, ширин қиз.

**Бибиниёз, Bibiniyoz** (◊., *ўз.-фт.*) — ёлвориб, илтижолар қилиб тилаб олинган мўътабар қиз.

**Бибинисо, Bibiniso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг мўътабари, улуғи ёки аслзода аёл.

**Бибиноз, Bibinoz** (◊., *ўз.-фт.*) — нафис, мулойим, нозли, нафосатли. *Эҳт. Бибинозик, Бибиниёз* (*қар.*) исмларининг шакли.

**Бибинозик, Bibinozik** (◊., *ўз.-фт.*) — баланд мартабали, мулойим, нафис, нафосатли қиз.

**Бибинор, Bibinor** (◊., *ўз.-фт.*) — баданида қизил хол (белги) билан туғилган мартабаси баланд қиз.

**Бибинора, Bibinora** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Бибинор* (*Бибинор+а*).

**Бибинур, Bibinur** (◊., *ўз.-ар.*) — аслзодалар наслидан бўлган бахтли, саодатманд қиз ёки баланд мартабали қизнинг ҳаёти равшан, нурли бўлсин.

**Бибиой, Bibioy** (◊., ўз.) — ойдек сулув, аслзода қиз.

**Бибиойша, Bibioysha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Биби ва Ойша* ёки Ойша онамиз, мусулмон аёлларнинг онаси.

**Бибиражаб, Bibirajab** (◊., *ўз.-ар.*) — ражаб ойида (Қамарий йил ҳисоби билан еттинчи ой) туғилган баланд мартабали қиз.

**Бибирайҳон, Bibirayhon** (◊., *ўз.-ар.*) — райҳон каби ёқимли, хушбўй, дилбар қиз.

**Бибиробия, Bibirobiya** (◊., *ўз.-ар.*) — оиладаги тўртинчи фарзанд, тўртинчи қиз ёки қоя, чўққидек мустаҳкам, юксак қиз.

**Бибирўзи, Bibiro'zi** (◊., *ўз.-фт.*) — улуғ мартабали қиз, ризқрўзли, насибали бўлсин.

**Бибисаида, Bibisaida** (◊., *ўз.-ар.*) — баланд мартабали саодатманд, бахтли қиз.

**Бибисалима, Bibisalima** (◊., *ўз.-ар.*) — муҳтарама ва соғлом қиз ёки мулойим, дилкаш, олижаноб қиз.

**Бибисанам, Bibisanam** (◊., *ўз.-фт.*) — аслзода дилбар, баланд мартабали гўзал қиз.

**Бибисанъат, Bibisan'at** (◊., *ўз.-ар.*) — моҳир, маҳоратли ва мўътабар қиз.

**Бибисора, Bibisora** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Биби* ва *Сора*.

**Бибисоҳиба, Bibisohiba** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг энг етук, баркамоли, комила қиз ёки *қар. Биби* ва *Соҳиба.*

**Бибисафар, Bibisafar** (◊., *ўз.-ар.*) — сафар чоғида ёки сафар ойида (қамарий йил ҳисобининг иккинчи ойи) туғилган қиз.

**Бибисултон, Bibisulton** (◊., *ўз.-ар.*) — султонлар наслига мансуб қиз ёки аёлларнинг улуғи, саркори, султони.

**Бибисулув, Bibisuluv** (◊., *ўз.*) — қизларнинг гўзали, зебоси.

**Бибисуман, Bibisuman** (◊., *фт.*) — суман (жасмин) монанд зебо, гўзал қиз.

**Бибитож, Bibitoj** (◊., *ўз.-фт.*) — тож (хол) билан туғилган мўътабар қиз ёки аёлларнинг энг афзали, энг юксаги.

**Бибитош, Bibitosh** (◊., *ўз.*) — тошдек мустаҳкам қиз.

**Бибихол, Bibixol** (◊., *ўз.-фт.*) — хол билан туғилган муҳтарама, аслзода қиз.

**Бибихоним, Bibixonim** (◊., *ўз.*) — хонлар, хукмронлар наслига мансуб аёл; мўътабар, мумтоз қиз.

**Бибихотима, Bibixotima** (◊., *ўз.-ар.*) — қизлар туғилишининг чегараси, хотимаси; кейингиси ўғил бўлсин.

**Бибича, Bibicha** (◊., *ўз.*) — жажжи, кенжа қиз.

**Бибичевар, Bibichevar** (◊., *ўз.*) — эпчил, чаққон, моҳир қиз.

**Бибиш, Bibish** (◊., *ўзб.*) — "биби" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг (*Бибисора, Бибинисо*) эқ.

**Бибишакар, Bibishakar** (◊., *ўз.-фт.*) — улуғ мартабали, ширин, ёқимтой қиз.

**Бибишамсия, Bibishamsiya** (◊., *ўз.-ар.*) — қуёш қизи, қуёшдек порлоқ, бахтли қиз.

**Бибишаҳар, Bibishahar** (◊., *ўз.-фт.*) — шаҳарда туғилган қиз, шаҳар қизи. Эҳт. *Бибишакар* (*қар.*)

**Бибиқамар, Bibiqamar** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув, баланд мартабали қиз.

**Бибиқанд, Bibiqand** (◊., *ўз.-фт.*) — ширин, дилкаш, ёқимтой қиз.

**Бибиқиз, Bibiqiz** (◊., *ўз.*) — улуғ мартабали, эъзозли, аслзода қиз ёки бувиси ёки онаси исми билан аталган қиз.

**Бибиҳадича, Bibihadicha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Биби* ва *Ҳадича.*

**Бибиҳаёт, Bibihayot** (◊., *ўз.-ар.*) — яшовчи, барҳаёт бўлувчи эъзозли қиз.

**Бибиҳалича, Bibihalicha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Биби* ва *Ҳалича.*

**Бибиҳожар, Bibihojar** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Биби* ва *Ҳожар.*

**Бийбола, Biybola** (◊., *ўз.*) — бошлиқ, сардор қиз ёки бой-бадавлат қиз.

**Биймирза, Biymirza** (*ўз.-фт.*) — ўқимишлилар, билимлиларнинг раҳбари, сардори.

**Бийнор, Biynor** (◊., *ўз.-фт.*) — қизил холли йўлбошчи, раҳнамо қиз.

**Бийпари, Biypari** (◇., *ўз.-фт.*) — гўзалларнинг, зеболарнинг сардори.

**Бийражаб, Biyrajab** (◇., *ўз.-фт.*) — ражаб ойида туғилган йўлбошчи, сардор қиз ёки бой-бадавлат қиз.

**Бийрон, Biyron** (◇., *ўз.-фт.*) — ўткир тилли, чечан, покиза қиз. Эҳт: **Бибинор** (*қар.*)

**Бийронбу, Бийронбуви, Biyronbu** (◇., *ўз.*) — қар. *Бийрон* (*Бийрон + буви*).

**Бийтемир, Biytemir** (*ўзб.*) — темирдек мустаҳкам, йўлбошчи, сардор.

**Бийтўра, Biyto'ra** (*ўзб.*) — *тўра* (*қар.*) ларнинг йўлбошчиси, сардори.

**Бийхалфа, Biyxalfa** (◇., *ўзб.-ар.*) — отинлар ёки оқинларнинг бошлиғи, сардори.

**Бийча, Biycha** (◇., *ўз.*) — кенжатой бошлиқ; кенжа қиз ёки *бий* фарзанди. Эҳт. *Бойбича* (*қар.*)

**Бийқўзи, Biyqo'zi** (*ўзб.*) — суюкли, эркатой бошлиқ, сардор ёки қўйлар қўзилаётганда туғилган бадавлат ўғил.

**Бика, Bika** (◇.,) — *қар. Бека.*

**Бикабу, Bikabu** (◇., *ўз.*) — *қар. Бекабу, Бекабуви.*

**Бикач, Bikach** (◇., *ўз.*) — *қар. Бекач.*

**Бикир, Bikir** (◇., *ар.*) — қиз бола, иффатли, номусли, бокира, ёки баъзи ўзбек шеваларида мустаҳкам, маҳкам маъносида.

**Билга, Bilga** (*ўз.*) — ақлли, доно, зукко, билимдон.

**Биллур, Billur** (◇., *ўз.*) — соф, тоза, беғубор, беназир.

**Билол, Bilol** (*ар.*) — уч кунлик ой, янги туққан ой (Ҳилол) ёки соғлом бола.

**Билолиддин, Biloliddin** (*ар.*) — диннинг уч кунлик (янги туққан) ойи. *Ҳилолиддинга* ўхшатма исм ёки динни сақловчи, соғломлаштирувчи.

**Билолхон, Bilolxon** (◇., *ар.*) — уч кунлик ой каби зебо қиз ёки соғ, соғлом қиз.

**Билор//Билар, Bilor** (◇., *фт.*) — билагузук.

**Билорхон** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Билор.*

**Билқиз, Bilqiz** (◇., *ар.*) — **Билқис** — Сулаймон пайғамбар маъшуқасининг номи. Маъноси номаълум. Баъзилар "пари" деб изоҳлайди.

**Бинажон, Binajon** (◇., *фт.*) — ўткир кўзли, зийрак ёки *қар. Бинобар.*

**Бинафша, Binafsha** (◇., *ўз.*) — бинафша гулдек кўркам, нафис қиз.

**Бино, Bino** (◇., *фт.*) — зийрак, ўткир зеҳнли, оташнигоҳ бола.

**Бинобар, Binobar** (◇., *фт.*) — асос, замин ёки қурувчи, яратувчи, бунёдкор. Баъзи манбаларда бу исм *Санобарга* тақлидан ясалган деб кўрсатилади.

**Бинобиби, Binobibi** (◊ ., *фт.-ўз.*) – зийрак, ўткир зеҳнли ҳамда баланд мартабали қиз.

**Бинойи, Binoyi** (*фт.*) – ўткир кўзли, зийрак, гийрак ёки яхши, маъқул, кўнгилга ёқадиган.

**Бинокул, Binoqul** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳнинг зийрак, ўткир зеҳнли бандаси.

**Бирдона, Birdona** (◊ ., *ўз.-фт.*) – ёлғиз, тенгсиз, беназир.

**Биржон, Birjon** (*ўз.-фт.*) – биттагина, биргина бола, яъни соғ бўлсин, ўлмасин ёки бир(*ар.*) яхшилик, саховат.

**Бирлаш, Birlash** (*ўз.*) – ўзидан олдинги болаларга (оила аъзоларига) қўшилсин, бирлашсин.

**Бирoдар, Birodar** (*фт.*) – дўст, ўртоқ, эш ёки кейинги болаларга ака бўлиб юрсин.

**Бисёр, Bisyor** (*фт.*) – болалар сони кўпайсин, ортсин.

**Бобак, Bobak** (*фт.*) – тарбиячи, ҳомий. Хуррамийлар ҳаракатига бошчилик қилган ва араб босқинчиларига қарши кураш олиб борган халқ қаҳрамони (IX аср)нинг номидан.

**Бобил, Bobil** (*ар.*) – қалдирғоч ёки қадимги даврларда Ироқ мамлакатида машҳур бўлган шаҳар номи.

**Бобир // Бобур, Bobir** (*ўз.*) – маъноси номаълум. Баъзи манбаларда: 1) йўлбарс, арслон; 2) улуғ, улкан, буюк; 3) тез гапирадиган одам маъноларида талқин қилинган.

**Бобира // Бобура, Bobira** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Бобир* (*Бобир+а*).

**Бобо, Bobo** (*фт.*) – марҳум бувасн, бобосининг исми берилган бола. Баъзи манбаларда *Бобо* (*ар.*) – ота, диний раҳнамо, улуғ шайх.

**Бобоали, Boboali** (*фт.-ар.*) – бобосининг исмини олган ўғилга Али ёр бўлсин.

**Бобоаҳмад, Boboahmad** (*фт.-ар.*) – *қар. Бобо* ва *Аҳмад.*

**Бобобадал, Bobobadal** (*фт.-ар.*) – турмаган фарзандлар ўрнига берилган ва бобосининг исмини олган бола.

**Бобобек, Bobobek** (*фт.-ўз.*) – *қар. Бобо* (*Бобо+бек*).

**Бободавлат, Bobodavlat** (*фт.-ар.*) – бобосининг исми берилган бой, бадавлат бола.

**Бободўст, Bobodo‘st** (*фт.*) – бобосига ҳамдам бўлиб, унинг орқасида эргашиб юрсин ёки *қар. Бобо* ва *Дўст.*

**Бобоёр, Boboyor** (*фт.*) – муқаддас бува, авлиёлар қўлласин.

**Бобожалол, Bobojalol** (*фт.-ар.*) – *қар. Бобо* ва *Жалол.*

**Бобожон, Bobojon** (*фт.*) – бобоси (буваси) исми билан номланган бола. Боланинг ҳақиқий исмини айтишмасдан «Бобожон» деб чақиришган ва бу ном боланинг исмига айланиб кетган.

**Бобозариф, Bobozarif** (*фт.-ар.*) – бобоси исми берилган ақлли, зеҳнли бола.

**Бобокатта, Bobokatta** (*фт.*) – улкан буваси исми билан аталган бола.

**Бобокелди, Bobokeldi** (*фт.-ўз.*) — марҳум бувасининг ўрнига келган бола ёки бобоси келган куни туғилган бола.

**Бобокиши, Bobokishi** (*фт.*) — бобоси ўрнини босувчи бола.

**Бобоколон, Bobokolon** (*фт.*) — катта бувасининг ўрнини босувчи, унинг номи билан аталган бола.

**Боболи, —** *қар. Бобоали.*

**Бобомамат, Bobomamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобомуҳаммад.*

**Бобомат, Bobomat** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобомуҳаммад.*

**Бобомирза, Bobomirza** (*фт.*) — буваси исмини олган бола улғайиб ўқимишли, келишган йигит бўлсин.

**Бобомулла, Bobomulla** (*фт.*) — бувасининг исмини олган саводхон, дуохон бола.

**Бобомурод, Bobomurod** (*фт.-ар.*) — бобоси исмини олган ўғил улғайиб муроду мақсадига етсин ёки муқаддас бобо (авлиёлар) эриштирган орзу, мақсад.

**Бобон, Bobon** — *қар. Бобоназар, Бобониёз.*

**Бобоназар, Bobonazar** (*фт.-ар.*) — муқаддас бобо (авлиё)нинг муруввати, назари туфайли эришилган бола.

**Бобониёз, Boboniyoz** (*фт.*) — бувасининг исми берилган ва Аллоҳдан ёлвориб сўраб олинган бола ёки муқаддас бобо (авлиё)нинг туҳфаси, мурувввати.

**Бобонор, Bobonor** (*фт.*) — бувасининг исми берилган қизил холли (белгили) бола.

**Бобонтой, Bobontoy** — *қар. Бобон* (*Бобон + той*).

**Бобонқозоқ, Bobonqozoq** (*фт.-ўз.*) — *қар. Бобон* ва *Қозоқ.*

**Бобоолим** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобо* ва *Олим.*

**Бобоочил, Boboochil** (*фт.-ўз.*) — *қар. Бобо* ва *Очил.*

**БобоThere равшан, Boboravshan** (*фт.*) — буваси исмини олган ўғилнинг ҳаёти нурли, саодатли бўлсин.

**Боборажаб, Boborajab** (*фт.-ар.*) — буваси исми б-н аталган ва муқаддас ражаб ойида туғилган бола.

**Боборасул, Boborasul** (*фр.-ар.*) — *қар. Бобо* ва *Расул.*

**Бобораҳим, Boborahim** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобо* ва *Раҳим.*

**Бобораҳмат, Boboraxmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобо* ва *Раҳмат.*

**Бобосаид, Bobosaid** (*фт.-ар.*) — буваси исми берилган бахтли бола.

**Бобосафар, Bobosafar** (*фт.-ар.*) — бувасининг исми берилган ва сафар ойида туғилган бола.

**Бобосодиқ, Bobosodiq** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобо* ва *Содиқ.*

**Боботилла, Bobotilla** (*фт.*) — *қар. Бобо* ва *Тилла.*

**Боботой, Bobotoy** (*фт.-ўз.*) — буваси исмини олган суюкли, эркатой ўғил.

**Боботўра, Boboto'ra** (*фт.-ўз*) — буваси номини олган баланд мартабали бола.

**Бобохол, Boboxol** (*фт.*) — буваси исми б-н аталган холли бола.

**Бобохон, Boboxon** (*фт.-ўз.*) — бобоси исми б-н номланган ўғил соғ-саломат улғайсин.

**Бобохўжа, Boboxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ва бобоси исми б-н номланган бола ёки муқаддас бобо (авлиё) ато қилган хўжа бола.

**Бобочол, Bobochol** (*фт.*) — *қар. Бобо* ва *Чол.*

**Бобош, Bobosh** — *"бобо"* сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Бобошариф, Бобошер)нинг қисқарган шакли.

**Бобошариф, Bobosharif** (*фт.-ар.*) — улуғ мурувватли бобо (авлиё) ато қилган бола.

**Бобошер, Bobosher** (*фт.*) — бобосининг исмини олган жасур, қудратли бола.

**Бобошо, Bobosho** (*фт.*) — бобоси исми берилган улуғ мартабали бола.

**Бобоқамбар, Boboqambar** (*фт.*) — *қар. Бобо* ва *Қамбар.*

**Бобоқанд, Boboqand** (*фт.+ар.*) — буваси исми б-н юритилган ёқимтой, ширин бола.

**Бобоқари, Boboqari** (*фт.-ўз.*) — бувасидек умри узоқ бўлсин, қаригунча яшасин ёки *қар. Бобоқори.*

**Бобоқодир, Boboqodir** (*фт.*) — *қар. Бобо* ва *Қодир.*

**Бобоқора, Boboqora** (*фт.-ўз.*) — буваси исмини олган, кучли, қудратли бола ёки улуғ баҳодир.

**Бобоқори** (*фт. +ар.*) — *қар. Бобо* ва *Қори.*

**Бобоқул Boboqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Бобо* (*Бобо+қул.*)

**Бобоқурбон, Boboqurbon** (*фт.-ар.*) — азиз, муқаддас бобо (авлиё)га назир қилинган бола ёки бобоси исмини олган ва қурбон ойида туғилган бола.

**Бобоқўзи, Boboqo'zi** (*фт.-ўз.*) — буваси исми берилган суюкли, эркатой бола.

**Бобоғози, Bobog'ozi** (*фт.-ар.*) — *қар. Бобо* ва *Ғози.*

**Бобоҳаёт, Bobohayot** (◇., *фт.-ар.*) — муқаддас, азиз бобо (авлиё) берган қиз барҳаёт, умри узоқ бўлсин.

**Бобур, Bobur** — *қар. Бобир.*

**Боди, Бодий, Bodi** (*ар.*) — чўл, дашт фарзанди ёки манман, бўйсунмас, саркаш.

**Бодия, Bodiya** (◇., *ар.*) — чўл, дашт, саҳро қизи; чўлда туғилган қиз ёки мағрур, улуғвор қиз, ёҳуд мис косадек мустаҳкам бўлсин.

**Бодом, Bodom** (*фт.*) — бодом гуллаганда туғилган бола ёки бодом каби мустаҳкам, маҳкам.

**Бодомгул,** (◇., *фт.*) — бодом гулидек гўзал, зебо қиз ёки бодом гуллаганда туғилган қиз.

**Бодомча, Bodomcha** (*фт.-ўз.*) — Бодом исмли жажжи, кенжа қиз. *Қар. Бодом.*

**Бодомқул, Bodomqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Бодом* (*Бодом+қул.*)

**Бозгул, Бозигул, Bozgul** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал раққоса.

**Бози, Бозибек, Bozi** (*фт. +ўз.*) — боз — лочин, лочинсифат; жасур, зийрак ёки бози, бозий — ўйинчи, раққос.

**Бозор, Bozor** (*фт.*) — бозор куни туғилган бола ёки уйимиз бозор каби болаларга тўлсин.

**Бозорали, Bozorali** (*фт.-ар.*) — бозор куни туғилган ўғилни Али ўзи қўллаб юрсин.

**Бозорбека, Бозорбика, Bozorbeka** (◊., *фт.-ўз.*) — бозор куни туғилган олий насаб қиз.

**Бозорбиби, Bozorbibi** (◊., *фт.-ўз.*) — бозор куни туғилган баланд мартабали қиз.

**Бозоргул, Bozorgul** (◊., *фт.*) — бозор куни туғилган гулдек гўзал қиз.

**Бозормурод, Bozormurod** (*фт.-ар.*) — бозор куни эришилган орзу, мақсад ёки бозор куни туғилган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Бозорхол, Bozorxol** (◊., *фт.*) — бозор куни туғилган холли қиз.

**Бозорхўжа, Bozorxo'ja** (*фт.*) — бозор куни туғилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Бозорқул, Bozorqul** (*фт.-ўз.*) — Тангрининг бозор куни ато қилган бандаси.

**Боис, Боисбой, Bois** (*ар.*) — зарур, керак, даркор; кутилган, орзу қилинган бола.

**Боисой, Boisoy** (◊., *ар.-ўз.*) — зарур; кутилган, орзу қилинган қиз.

**Бой, Boy** (*ўз.*) — давлатли, бадавлат ёки ҳукмрон, ҳоким. "Бой" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг (*Боймурод, Боймуҳаммад, Бойназар*) қисқарган шакли.

**Бойали, Boyali** (*ўз.-ар.*) — бой, бадавлат бўлсин ва Али қўллаб юрсин.

**Бойаҳмад, Boyahmad** (*ўз.-ар.*) — бадавлат бўлсин ва Аҳмад — Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Бойбек, Boybek** (*ўз.*) — беклар авлодидан бўлган бадавлат бола.

**Бойбека, Boybeka** (◊., *ўз.*) — бойнинг қизи; бойлар наслидан бўлган олий мартабали қиз.

**Бойберди, Boyberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилган бадавлат, ризқу рўзли бола.

**Бойбиби, Boybibi** (◊., *ўз.*) — бойнинг қизи, бойлар авлодига мансуб қиз.

**Бойбич, Boybich** (◊., *ўз.*) — *қар. Бойвучча.*

**Бойбичча, Boybichcha** (◊., *ўз.*) — *қар. Бойвучча.*

**Бойбобо, Boybobo** (*ўз. — фт.*) — бой бувасининг исми берилган бола.

**Бойбола, Boybola** (*ўз.*) — ризқ-рўзли, бадавлат бола.

**Бойботир, Boybotir** (*ўз.*) — бадавлат ва довюрак ўғил бўлсин.

**Бойбува, Boybuwa** (*ўз.*) — бой бобоси (буваси) исми б-н аталган бола.

**Бойбўл, Boybo'l** (*ўз.*) — *қар. Бойбўлсин.*

**Бойбўлди, Boybo'ldi** (*ўз.*) — бой, бадавлат бўлсин ёки оиламиз фарзанд туфайли давлатли бўлди.

**Бойбўлсин, Boybo'lsin** (*ўз.*) — улғайиб бадавлат одам бўлсин.

**Бойбўри, Boybo'ri** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Бўри.*

**Бойбўта, Boybo'ta** (*ўз.*) — бўталоқдек яйраб ўссин ва улғайиб давлатли киши бўлсин ёки бўталари мўл, бадавлат бўлсин.

**Бойгул, Boygul** (◊. *ўз.-фт.*) — гулдек чиройли қиз улғайиб бадавлат аёл бўлсин.

**Бойдавлат, Boydavlat** (*ўз.-ар.*) — соғ улғайиб молу дунёси мўл, давлатли бўлсин.

**Бойдада, Boydada** (*ўз.*) — бой буваси ёки отасининг исми б-н аталган бола.

**Бойёр, Boyyor** (*ўз.-фт.*) — бойлик, давлат ёр бўлсин.

**Бойжигит, Boyjigit** (*ўз.*) — ризқу-рўзли, бадавлат йигит. *Қар. Боййигит.*

**Бойжон, Boyjon** (*ўз.-фт.*) — суюкли, эркатой бола бадавлат, ризқу рўзли бўлсин.

**Бойжуман, Boyjuman** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бой* ва *Жуманазар* ёки *Жуман* (*ар.*) — хазина.

**Бойжўра, Boyjo'ra** (*ўз.-фт.*) — *қар. Бой* ва *Жўра.*

**Бойим, Boyim** (*ўз.*) — бой сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар *Боймуҳаммад, Боймуроднинг* эқ. шакли.

**Боййигит, Boyyigit** (*ўз.*)— улғайиб бадавлат йигит бўлсин.

**Бойкелди, Boykeldi** (*ўз.*) — ризқу рўзи, насибаси, давлати б-н келган (берилган) бола.

**Бойкиши, Boykishi** (*ўз.*) — насибали, бадавлат киши бўлсин.

**Бойколон, Boykolon** (*ўз.-фт.*) — улкан, улуғ бой; бадавлатлиларнинг улуғи.

**Бойлар, Boylar** (*ўз.*) — бойлар уруғига мансуб бола ёки бойларнинг энг улуғи.

**Бойли, Boyli** (*ўз.*) — бадавлат, ризқу рўзли, насибаси мўл.

**Боймамат, Boymamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Боймуҳаммад.*

**Бойман, Боймон, Boyman** (*ўз.*) — қаҳрамон, ботир ёки "бой" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (*Боймуҳаммад*) эқ.

**Боймат, Boymat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Боймуҳаммад.*

**Боймақом, Boymaqom** (*ўз.-ар.*) — олий мартабали, мансабли; иззат-обрўли.

**Боймир, Boymir** (*ўз.-фт.*) — *қар. Боймирза.*

**Боймирза, Boymirza** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Мирза.*

**Боймоқ, Boymoq** (*ўз.*) — боймоқли уруғига мансуб бола, боймоқли фарзанди ёки *Боймақом, Бойқурбон* каби исмларнинг эқ.

**Боймулла, Boymulla** (*ўз.-ар.*) — бой, бадавлат ва ўқимишли, саводхон, дин, шариат билимдони.

**Боймурод, Boymurod** (*ўз.-ар.*) — давлатли бола улғайиб муродига етсин.

**Боймуҳаммад, Boymuhammad** (*ўз.-ар.*) — давлатли, ризқ-рўзли ўғилни Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Боймўмин, Boymo'min** (*ўз.-ар.*) — диндор, художўй бола бадавлат бўлсин.

**Бойназар, Boynazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, илтифоти бўлган бадавлат бола ёки Аллоҳнинг назари тушган бадавлат бола.

**Бойнафас, Boynafas** (*ўз.-фт.*) — *қар. Бой* ва *Нафас.*

**Бойниёз, Boyniyoz** (*ўз.-фт.*) -- Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бадавлат бола ёки Аллоҳ берган тенгсиз совға.

**Бойнур, Boynur** (*ўз.-ар.*) — бадавлат ва ҳаёти нурли, бахтли, саодатли бўлсин.

**Бойодил, Boyodil** (*ўз.-ар.*) — бой ҳамда ҳақгўй, адолатли ўғил бўлсин.

**Бойпарда, Boyparda** (*ўз.-фт.*) — пардали бўлиб туғилган бола улғайиб бодавлат бўлсин.

**Бойполвон, Boypolvon** (*ўз.-фт.*) — бадавлат ҳамда паҳлавон йигит бўлсин.

**Бойпўлат, Boypo'lat** (*ўз.-фт.*) — бадавлат ва мустаҳкам, маҳкам бўлсин, яъни умри б-н берилган бўлсин.

**Бойсаид, Boysaid** (*ўз.-ар.*) — бадавлат ҳамда бахтли-саодатли бола.

**Бойсара, Boysara** (*ўз.*) — бойларнинг энг сараси, энг обрўлиси.

**Бойсари, Boysari** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Сари.*

**Бойсариқ, Boysariq** (*ўз.*) — сариқ сочли ўғил улғайиб бадавлат бўлсин.

**Бойсафар, Boysafar** (*ўз.-ар.*) — сафарда ёки сафар ойида туғилган бадавлат бола.

**Бойсиҳат, Boysihat** (*ўз.-ар.*) — бой-бадавлат ва соғ-саломат бўлсин.

**Бойсоат, Boysoat** (*ўз.-ар.*) — бахтли, саодатли пайтда туғилган давлатли бола.

**Бойсултон, Boysulton** (*ўз.-ар.*) — бадавлат ҳамда улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Бойсулув, Boysuluv** (◇ .,*ўз.*) — тенгсиз гўзал, энг гўзал қиз; гўзалларнинг гўзали.

**Бойсун, Boysun** (*ўз.*) — Бойсунда туғилган бола, Бойсун фарзанди; улуғ, юксак, улуғвор.

**Бойсунғур, Boysung'ur // Бойсунқур** (*ўз.*) — бадавлат ва шунқордек жасур, зийрак бола.

**Бойсуюн, Boysuyun** (*ўз.*) — бадавлат ва ҳаёти севинч, қувончларга тўла бўлсин.

**Бойсўфи, Boyso'fi** (*ўз.-ар.*) — бадавлат ҳамда диндор, художўй бола.

**Бойтемир, Boytemir** (*ўз.*) — давлатли ҳамда темирдек мустаҳкам бола.

**Бойтерак, Boyterak** (*ўз.*) — давлатли ҳамда теракдек басавлат, ўсувчан бола.

**Бойтилла, Boytilla** (*ўз.-фт.*) — давлатли ҳамда қадрли, қимматли бола.

**Бойтой, Boytoy** (*ўз.*) — давлатманд ҳамда суюкли бола ёки той (йилқи) лари мўл, давлатманд бўлсин.

**Бойтош, Boytosh** (*ўз.*) — давлатманд ҳамда тошдек мустаҳкам, яшовчан бола.

**Бойтулла, Boytulla** (*ўз.-ар.*) — *қар. Байтулла.*

**Бойтуман, Boytuman** (*ўз.*) — бойликлари, давлати беҳисоб бола ёки туман пайти туғилган давлатманд бола.

**Бойтур, Boytur** (*ўз.*) — *қар. Бойтурди, Бойтурсун.*

**Бойтурди, Boyturdi** (*ўз.*) — турувчи, яшайдиган давлатманд бола.

**Бойтурсун, Boytursun** (*ўз.*) — ўлмасин, туриб қолсин, яшасин ва давлатманд бўлсин.

**Бойтўла, Boyto'la** (*ўз.*) — тугал, тўла қилиб берилган, ризқу рўзли, давлатманд бола.

**Бойтўра, Boyto'ra** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Тўра.*

**Бойтўхта, Boyto'xta** (*ўз.*) — тўхтасин, яшасин ва давлатманд бўлсин.

**Бойтўғон, Boyto'g'on** (*ўз.*) — бой, бадавлат ҳамда тўғон (лочин)дек довюрак бўлсин.

**Бойузоқ, Boyuzoq** (*ўз.*) — бой, бадавлат бўлсин ва умри узоқ бўлсин.

**Бойхон, Boyxon** (*ўз.*) — бой, бадавлат бўлсин.

**Бойхўжа, Boyxo'ja** (*ўз.*) — хўжа авлодига мансуб бола бадавлат, бой бўлсин.

**Бойхўроз, Boyxo'roz** (*ўз.-фт.*) — қизил холли (тожли) бола бойбадавлат бўлсин.

**Бойча, Boycha** (*ўз.*) — кенжа, кичик бой; бойвачча.

**Бойчечак, Boychechak** (◇., *ўз.*) — бойчечак очилган пайтда туғилган қиз ёки бойчечакдек нафис, гўзал бўлсин.

**Бойшунқор, Boyshunqor** (*ўз.*) — шунқордек кучли, жасур ҳамда бадавлат бўлсин.

**Бойўғли, Boyo'g'li** (*ўз.*) — бойнинг фарзанди; бойўғли уруғига мансуб бола ёки бойўғли (қуш) дек узоқ яшовчи бўлсин.

**Бойқадам, Boyqadam** (*ўз.-ар.*) — қадами қутлуғ, хосиятли, оилага бойлик, давлат келтирувчи бола.

**Бойқараш, Boyqarash** (*ўз.*) — Аллоҳ ўзи қўлласин, қарашсин ва соғ улғайиб бадавлат бўлсин.

**Бойқарши, Boyqarshi** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Қарши.*

**Бойқиз, Boyqiz** (*ўз.*) — бой, бадавлат қиз; покиза, иффатли, мавсума ёки саҳройилар фарзанди.

**Бойқилич, Boyqilich** (*ўз.*) — қиличдек ўткир, кескир ҳамда мустаҳкам бўлсин.

**Бойқобил, Boyqobil** (*ўз.-ар.*) — ақлли-одобли, мўмин-қобил бўлиб ўссин ва улғайиб бадавлат бўлсин.

**Бойқозоқ, Boyqozoq** (*ўз.*) — қозоқларга ўхшаш ёки қозоқлар юртида туғилган бола бадавлат бўлсин.

**Бойқол, Boyqol** (*ўз.*) — ўлмасин, қолсин, яшасин ва давлатли бўлсин.

**Бойқора, Boyqora** (*ўз.*) — кучли, қудратли ва давлатли бўлсин.

**Бойқувват, Boyquvvat** (*ўз.-ар.*) — кучли, қудратли ва давлатли бўлсин ёки соғ улғайиб ота-онасига мададкор бўлсин.

**Бойқул, Бойқули, Boyqul** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Қул*. Ёки бойнинг хизматкори, қули маъносидаги лақабдан ясалган бўлиши мумкин.

**Бойқуш, Boyqush** (*ўз.*) — бойқуш (бойўғли)дек яшовчан бўлсин, кўз тегмасин.

**Бойқўзи, Boyqo'zi** (*ўз.*) — қўй-қўзилари мўл, бадавлат бўлсин ёки қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган бола.

**Бойқўчқор, Boyqo'chqor** (*ўз.*) — қўчқордек кучли, бадавлат бола ёки дўнг пешонали ўғил давлатли бўлсин. Яна *қар. Қўчқор.*

**Бойқўнғир, Boyuqo'ng'ir** (*ўз.*) — қўнғирот қабиласининг қўнғир уруғига мансуб бола бадавлат бўлсин.

**Бойғози, Boyg'ozi** (*ўз.-ар.*) — совға (инъом, эҳсон) қилиб берилган бола ёки диннинг муҳофазакори, дин учун курашувчи ўғил улғайиб бадавлат бўлсин.

**Бойғон, Boyg'on** (*ўз.*) — соқчи, қўриқловчи, асровчи ёки *қар. Бойхон.*

**Бойғўч, Boyg'o'ch** (*ўз.*) — *қар. Бой* ва *Ғўччи.*

**Бокира, Bokira** (◇ .,*ар.*) — иффатли, маъсума; покиза қиз.

**Болабек, Bolabek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб бола. *Шакллари: Болабой, Болаёр, Болажон, Болатой, Боланисо* (а.), *Болақиз* (а.), *Болахон* (а.), *Болахоним* (а.).

**Боламурод, Bolamurod** (*ўз.-ар.*) — мурод-мақсадли бола ёки муродимиз ҳосил бўлган бола.

**Болатўқ, Bolato'q** (*ўз.*) — муҳтожсиз, тўқ, насибаси бутун бўлиб ўтсин.

**Болбек, Bolbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб, асалдек ширин, суюкли.

**Болбиби, Bolbibi** (◇ ., *ўз.*) — болдек ширин, қадрли, мўътабар қиз.

**Болбува, Bolbuva** (*ўз.*) — бува (бобо) си исми берилган ширин, азиз бола.

**Болбуви, Bolbuvi** (◇ ., *ўз.*) —бувисининг исми берилган, ширин қиз.

**Болбўлар, Bolbo'lar** (*ўз.*) — болдек ширин ўғил омон бўлсин ёки эҳтимол *Борбўлар* (*қар.*).

**Болда // Балда, Bolda** (◇ ., *ар.*) — ўлка (она ер, она тупроқ) фарзанди.

**Болёр, Bolyor** (◊., *ўз.-фт.*) — гулнинг болидек ширин, ёқимтой қиз ёки болдек ширин ва гулдек кўркам қиз.

**Болгул, Bolgul** (◊., *ўз.-фт.*) — гулнинг болидек ширин, ёқимтой қиз ёки болдек ширин ва гулдек кўркам қиз.

**Болдоно, Boldono** (◊., *ўз.-фт.*) — болдек ширин, ақлли, доно қиз.

**Болзид, Болзидбой, Bolzid** (*ўз.*) — эҳтимол: *Боязид* (*қар.*).

**Болжаҳон, Boljahon** (◊., *ўз-фт.*) — болдек ширин ва жаҳонга татувчи қиз ёки оламдаги энг қадрли, ширин қиз.

**Болжон, Boljon** (◊., *ўз.-фт.*) — асалдек ширин, қадрли қиз.

**Боли // Болли, Boli** (*фт.*) — ўсувчи, улғаювчи, яшовчи бола.

**Болида, Bolida** (◊., *фт.*) — ўсиб-унувчи, улғаювчи; ўлмайдиган қиз.

**Болиш, Болишбой, Bolish** (*фт.*) — хурсанд, шодон бола; олтин, тилло (8 мисқолга тенг) дек қимматли, қадрли ёки ёстиқ (болиш)дек уйда турсин, яшасин.

**Болиғ // Болиғбой, Bolig'** (*ар.*) — балоғатга етсин, улғайсин.

**Болиға, Bolig'a** (◊,*ар.*) — соғ улғайиб баркамол қиз бўлсин.

**Болли, Bolli** (*ўз.*) — асал каби тотли, суюкли; ширин тилли бола ёки *қар. Боли.* Шакллари: *Боллибой, Боллибика.*

**Болмат, Bolmat** (*ўз.-ар.*) — болдек ширин ўғилни Муҳаммад (сав) паноҳида асрасин.

**Болмурод, Bolmurod** (*ўз.-ар.*) — болдек ширин, суюкли ва мурод-мақсадли бола.

**Боллитурди, Bolliturdi** (*ўз.*) — ширинтой, суюкли бола соғ бўлсин, турсин ёки соғ униб-ўссин.

**Болой, Boloy** (◊., *ўз.*) — болдек ширин ва ойдек кўркам қиз ёки суюкли қиз камолотга эришсин.

**Болниёз, Bolniyoz** (*ўз.-фт.*) — ширин, суюкли ҳамда Аллоҳнинг инъоми бўлган бола ёки Тангридан ёлвориб сўраб олинган суюкли бола.

**Болсаид, Bolsaid** (*ўз.-ар.*) — ширин, суюкли ўғил бахтли, саодатли бўлсин.

**Болсиҳат, Bolsihat** (*ўз.-ар.*) — болдек тотли, ёқимтой бола сиҳат-саломат улғайсин.

**Болта, Bolta** (*ўз.*) — болтадек мустаҳкам бўлсин, киндиги болта б-н кесилган, мустаҳкам бола. Шакллари: *Болтабой, Болтабек, Болтақул.*

**Болтагул, Boltagul** (◊., *ўз.*) — болтадек мустаҳкам ва гулдек чиройли қиз. Шакллари: *Болтабека, Болташ.*

**Болтабош, Boltabosh** (*ўз.*) — боши болта каби мустаҳкам бўлсин, ўлмасин.

**Болтаёз, Boltayoz** (*ўз.-фт.*) — *қар. Болтаниёз.*

**Болтамамат, Boltamamat** (*ўз.-ар.*) — болтадек мустаҳкам ўғилни Муҳаммад пайғамбар ўз паноҳида асрасин.

**Болтамат, Boltamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Болтамуҳаммад.*

**Болтамурод, Boltamurod** (*ўз.-ар.*) — болтадек мустаҳкам, мурод-мақсадли бола ёки киндиги болта билан кесилган бола соғ улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Болтаназар, Boltanazar** (*ўз.-ар.*) — болтадек мустаҳкам ва Аллоҳ ҳиммат, назар қилиб берган бола.

**Болтаниёз, Boltaniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан сўраб, илтижо қилиб олинган боланинг умри болтадек мустаҳкам бўлсин ёки киндиги болта билан кесилган бола. Оилада болалар турмаса шундай исм қўйишади.

**Болтапўлат, Boltapo'lat** (*ўз.-фт.*) — болта ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Болтатош, Boltatosh** (◊ ., *ўз.*) — болта ва тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Болтатурди, Boltaturdi** (*ўз.*) — болтадек мустаҳкам бўлсин ва яшаб кетсин.

**Болташ, Boltash** (*ўз.*) — таркибида «болта» сўзи бўлган қўшма исмларнинг (Болтабой, Болтанисо) қисқарган шакли ёки Болташ // Болтач-болтачи, ўтинчи.

**Болтақурбон, Boltaqurbon** (*ўз.-ар.*) — қурбон ойида туғилган болтадек мустаҳкам, узоқ умрли бола.

**Болтақўзи, Boltaqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Болта* ва *Қўзи.*

**Болтурди, Bolturdi** (*ўз.*) — болдек ширин ўғил турсин, яшасин.

**Болтўра, Bolto'ra** (*ўз.*) — болдек ширин, аслзода бола ёки оиладаги тўртинчи фарзанд ёхуд олий насаб авлодга мансуб ёқимтой бола.

**Болхон, Bolxon** (*ўз.*) — болдек суюкли бола улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Болхўжа, Bolxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган болдек ширин бола.

**Болчин, Bolchin** (◊ ., *ўз.*) — чиройли, гўзал. Эҳт. *Барчин* (*қар.*) исмининг ўзгарган шакли.

**Болчучук, Bolchuchuk** (◊ ., *ўз.*) — болдек ширин, суюкли қиз.

**Болшакар, Bolshakar** (◊ ., *ўз.-фт.*) — асал ва шакардек ширин, суюкли қиз.

**Болқи, Болқиш, Bolqi** (◊ ., *ўз.*) — балқиб турувчи, нурафшон қиз ёки Балхи, Балхия — балх тутидек ширин, ёқимли қиз.

**Болқиз, Bolqiz** (◊ ., *ўз.*) — асалдек ширин, ёқимтой қиз.

**Болқизил, Bolqizil** (◊ ., *ўз.*) — баданида қизил хол (белғи) билан туғилган ширин, ёқимтой қиз.

**Болқора, Bolqora** (*ўз.*) — болдек ширин ҳамда кучли, қудратли бола.

**Болқул, Bolqul** (*ўз.*) — болдек ширин, суюкли ўғил.

**Болқўзи, Bolqo'zi** (*ўз.*) — болдек ширин, эркак, суюкли бола.

**Болға, Болғабой, Bolg'a** (*ўз.*) — болғадек маҳкам, мустаҳкам бола ёки акаси *Болтабой*нинг укаси *Болғабой* бўлсин.

**Болғали, Bolg'ali** (*ўз.*) — болғали уруғига (қўнғирот ва қорахитойюз қабилалари таркибига киради) мансуб бола.

**Бомдод, Bomdod** (◊., *фт.*) — бомдод намози пайтида, тонг саҳарда туғилган қиз.

**Бони, Боний, Boni** (*ар.*) — бинокор, қурувчи ёки асровчи, қўриқловчи, посбон.

**Бону, Bonu** (◊., *фт.*) — шоҳ (султон)лар, аслзодалар наслига мансуб қиз; бека, хоним, бегим.

**Бонугул, Bonugul** (◊., *фт.*) — аслзодалар наслига мансуб гўзал, кўркли қиз.

**Борий, Boriy** (*ар.*) — яратувчи, борлиққа келтирувчи, яъни Аллоҳ, Тангри ёки тоза, пок, айбсиз, яъни гуноҳдан холи.

**Бория, Boriya** (◊., *ар.*) — *қар. Борий* (Бория+я).

**Бориқ, Boriq** (*ар.*) — яшнаган, гуллаган, барқ урган; нурли, нур сочувчи.

**Бориқа, Boriqa** (◊., *ар.*) — нур, нурли, шуъладор, яшиндек равшан.

**Борман, Borman** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бормуҳаммад.*

**Бормат, Bormat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бормуҳаммад.*

**Бормуҳаммад, Bormuhammad** (*ўз.-ар.*) — яшасин, бор бўлсин ва Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Босар, Босарбой, Bosar** (*ўз.*) — *Ёвбосар, Ўринбосар, Ўтбосар* (*қар.*) каби исмларнинг эқ.

**Босим, Bosim** (*ўз.*) — мулойим, табассумли, шодон; жозибадор.

**Босима, Bosima** (◊., *ўз.*) — мулойим, шодон, кўркам қиз.

**Босит, Bosit** (*ар.*) — улуғ, улкан, азим ёким ризқ берувчи, руҳ ато этувчи, яъни Аллоҳ, *қар. Абдубосит.*

**Боситдин, Bositdin** (*ар.*) — диннинг улуғлиги, азимкорлиги ёки ризқ берувчи (Аллоҳ) динига мансуб.

**Боситулла, Bositulla** (*ар.*)— Аллоҳнинг ризқу рўзлик бандаси ёки Аллоҳ руҳ бахш этган бола.

**Боситқул, Bositqul** (*ар.-ўз.*) — ризқ тарқатувчининг, руҳ бахш этувчининг (Аллоҳнинг) қули.

**Босиқ, Bosiq** (*ўз.*) — босиқ, вазмин, салобатли.

**Ботий, Botiy** (*муғ.*) — қимматли, нодир; асл тош ёки ғолиб, енгувчи, яъни ботир.

**Ботир, Botir** (*ўз. муғ.*) — мард, паҳлавон, довюрак, жасур. Шакллари: *Ботирбек, Ботирбой, Ботирхон, Ботиржон, Ботирқул, Ботиршо.*

**Ботирали, Botirali** (*муғ.-ар.*) — довюрак, мард бўсин ҳамда халиф Али қўллаб юрсин.

**Ботиркелди, Botirkeldi** (*муғ.-ўз.*) — довюрак, ботир ўғил туғилди.

**Ботирпўлат, Botirpo'lat** (*муғ.-фт.*) — довюрак ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Ботирхўжа, Botirxo'ja** (*муғ-фт.*) — хўжалар наслига мансуб довюрак, жасур бола.

**Ботмон, Botmon** (*фт.*) — оғир, вазмин, босиқ ёки ботмонга (9 пудга тенг бўлган оғирлик ўлчови)тенг қилиб сотиб олинган бола. Шакллари: *Ботмонбой, Ботмонқул.*

**Боту, Botu** (*муғ.*) — асл, тоза, ишончли; аслзода.

**Ботул, Botul** (◇., *фт.*) — бокира, номусли, покиза.

**Ботунисо, Botuniso** (◇., *муғ.-ар.*) — тоза, покиза қиз; аслзода қиз.

**Бохир // Бахир, Bohir** (*ар.*) — нурли, равшан, порловчи.

**Бошбек, Boshbek** (*ўз.*) — бош бола, биринчи фарзанд; бошлиқ, беклар сардори.

**Бошбола, Boshbola** (*ўз.*) — оиладаги биринчи, бошбола.

**Бошман, Boshman** (*ўз.*) — таркибида "бош" сўзи мавжуд қўшма исмларнинг эқ.

**Бошод, Boshod** (*фт.*) — қувноқ, шодмон, бахтиёр.

**Бошоқ, Бошоқбой, Boshoq** (*ўз.*) — экин бошоқлаган пайтда туғилган бола ёки бошоқдек (ёй асбоби ўқи учидаги ўткир учли темир) маҳкам бўлсин.

**Бошпўлат, Boshpo'lat** (*ўз.-фт.*) — боши пўлатдек мустаҳкам бўлиб, узоқ яшасин.

**Бошқирбой, Boshqirboy** (*ўз.*) — бошқирдлар юртида туғилган бола. Эҳт. *Қашқирбой.*

**Бошқора, Boshqora** (*ўз.*) — оиланинг биринчи ва довюрак боласи.

**Бошқул, Boshqul** (*ўз.*) — оиладаги бош фарзанд, қул-эркалаш маъносида.

**Боқар, Boqar** (*ўз.*) — Қўйбоқар каби исмларнинг қисқарган шакли.

**Боқбой, Boqboy** (*ўз.*) — Боқибой исмининг ёки эҳт. Хушбоқ, Қўшбоқ каби исмларнинг ўзгарган шакли.

**Боқи, Boqi** (*ар.*) — умри боқий, узоқ бўлсин ёки пойдор, устувор турсин, яшасин. Абдубоқи, Боқиулла исмларининг эқ. Шакллари: *Боқибек, Боқибой, Боқижон, Боқихон.*

**Боқибулла, Boqibulla** (*ар.*) — *қар. Боқиулла.*

**Боқиддин, Boqiddin** (*ар.*) — динни асровчи, сақловчи ёки диннинг абадийлиги, барҳақлиги.

**Боқизод, Боқизода, Boqizod,** (*ар.-фт.*) — боқий умрлилар, узоқ яшовчилар наслига мансуб бола.

**Боқижон, Boqiжон** (*ар.+фт.*) — *қар. Боқи* (*Боқи+жон.*).

**Боқий, Boqiy** (*ар.*) — доимий, абадий, мангу.

**Боқимат, Boqimat** (*ар.*) — *қар. Боқимуҳаммад.*

**Боқимирза, Boqimirza** (*ар.-фт.*) — умри узоқ ва ўқимишли, донишманд бўлсин.

**Боқимуҳаммад, Boqimuhammat** (*ар.*) — Муҳаммад (сав) абадий, мангудир ёки умри узоқ, боқий умрли болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Боқитўра, Boqito'ra** (*ар.-ўз.*) — умри боқий бўлиб, тўралардек обрўли йигит бўлсин.

**Боқиулла, Boqiulla** (*ар.*) — Аллоҳ мангудир, яъни боқийдир ёки Аллоҳнинг абадийлиги мангулиги.

**Боқиш, Boqish** (*ар.*) — *Боқиулла, Боқизода, Боқимуҳаммад* каби исмларнинг эқ шакли.

**Боқия, Boqiya** (◇., *ар.*) — *Боқи* номининг қизлар исми шакли. *Қар. Боқи.*

**Боқча, Боқчагул, Boqcha** (◇., *фт.*) — боғда ўсган гулдек кўркам қиз.

**Боғали, Bog'ali** (*ўз.*) — боғли, турмакланган, маҳкамланган, яъни яшайдиган ҳамда халиф Али мададкор бола.

**Боғбек, Bog'bek** (*фт.-ўз.*) — ҳаёти боғдек яшноқ бўлсин ёки боғичли, боғланган, яъни яшовчи бола.

**Боғбон, Bog'bon** (*фт.*) — соғ-саломат улғайиб, боғбон бўлсин.

**Боғбўстон, Bog'bo'ston** (◇., *фт.*) — ҳаёти боғу-бўстондек яшноқ ва кўркам бўлсин.

**Боғгул, Bog'gul** (◇., *фт.*) — *қар. Боғдагул.*

**Боғгули, Bog'quli** (◇., *фт.*) — боғда ўсган гулдек кўркам қиз.

**Боғда, Bog'da** (◇., *фт.*) — *қар. Боғдагул.*

**Боғдагул, Bog'dagul** (◇., *фт.*) — боғда ўсган гулдек зебо ёки нурли, бахтиёр, нурафшон гул ёҳуд тоғдан пастликка, боғзорга кўчилганда туғилган қиз.

**Боғдод, Bog'dod** (◇., *ар.*) — *қар. Бағдод.*

**Боғжон, Bog'jon** (◇., *ар.*) — *қар. Боғда.*

**Боғзағон, Bog'zag'on** (◇., *фт.*) — Боғзағонда (Самарқанд вилоятида) туғилган қиз.

**Боғзод, Боғзода, Bog'zod** (◇., *фт.*) — боғ фарзанди, боғсифат, боғдек кўркам қиз.

**Боғи, Bog'i** (*ар.*) — ўсувчи, улғаювчи ёки боғли, боғланган, яъни яшовчи қиз.

**Боғибек, Bog'ibek** (*фт.-ўз.*) — ўсувчи, улғаювчи ёки боғли, маҳкамланган, яъни яшайдиган бола.

**Боғигул, Bog'igul** (◇., *фт.*) — *қар. Боғи.*

**Боғий, Bog'iy** (*фт.*) — шаддод, исёнкор, довюрак ёки сол. *Боғи.*

**Боғиш, Bog'ish** (*фт.*) — боғланган, чодир ёки ўтовнинг остонасида турувчи, яъни яшовчи бола.

**Боғишали, Bog'ishali** (*фт.-ар.*) — боғланган, яшовчи ва халиф Али қуллайдиган бола.

**Боғия, Bog'iya** (◇., *ар.*) — ўсувчи, улғаювчи ёки боғдек яшовчи, хуррам қиз ёҳуд шаддод, исёнкор қиз.

**Боғлан//Боғлон, Bog'lan** (*ўз.*) — улкан, улуғ ёки ота-онасига ёки олдинги фарзандларга боғланиб қолсин, ўлмасин.

**Боғмат, Bog'mat** (*фт.-ар.*) — *қар. Боғмуҳаммад.*

**Боғмуҳаммад, Bog'muhammad** (*фт.-ар.*) — боғлансин, яъни яшасин ва Муҳаммад (*сав*) ёр бўлсин.

**Боғомон, Bog'omon** (*фт.*) – боғлансин, маҳкам бўлсин ҳамда омон-эсон ўссин.

**Бува, Buva** (*ўз.*) – бувасининг ёки катта бобосининг исми берилган бола. Шакллари: *Бувабек, Буватой, Бувақул.*

**Бувайда, Buvayda** (◊) – Бувайдада туғилган бола, Бувайда фарзанди.

**Бувак, Buvak** (*фт.*) – чақалоқ, гўдак, норасида.

**Бувамат, Buvamat** (*ўз.-фт.*) – *қар. Бувамуҳаммад.*

**Бувамирза, Buvamirza** (*ўз.-фт.*) – буваси (бобоси)нинг номи берилган бола ўқимишли, билимли йигит бўлсин.

**Бувамуҳаммад, Buvamuhammad** (*ўз.-ар.*) – бобосининг исми берилган ўғилни Муҳаммад (сав) қўлласин.

**Буваназар, Buvanazar** (*ўз.-ар.*) – бувасининг исмини олган, Аллоҳнинг назари, илтифоти бўлган бола.

**Буваражаб, Buvarajab** (*ўз.-ар.*) – бувасининг исми берилган ва ражаб ойида туғилган бола. *Қар. Бува* ва *Ражаб.*

**Буваҳим, Buvarahim** (*ўз.-ар.*) – бувасининг исми берилган ва Аллоҳнинг илтифоти, марҳамати бўлган бола.

**Бувасал, Buvasal** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувасининг номи берилган ёқимтой қиз.

**Бувасл, Buvasl** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувисининг номи берилган асл, покиза қиз.

**Бувачол, Buvachol** (*ўз.-фт.*) – бувасининг исмини олган боланинг умри узоқ бўлсин.

**Бувашер, Buvasher** (*ўз.-фт.*) – бувасининг исми қўйилган бола шердек довюрак бўлсин.

**Бувжамол, Buvjamol** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувиси исми берилган кўркам, зебо қиз.

**Бувзавлон, Buvzavlon** (*ўз.-фт.*) – темир кишандек мустаҳкам бола.

**Бувзаифа, Buvzaifa** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувисининг исми берилган нозик қиз.

**Бувзайнаб, Buvzaynab** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Буви* ва *Зайнаб.*

**Бувзамира, Buvzamira** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Буви* ва *Замира.*

**Бувзаҳро, Buvzahro** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Буви* ва *Заҳро.*

**Бувзиёд, Buvziyod** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Бувзиёда.*

**Бувзиёда, Buvziyoda** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувисининг исми берилган ва танасида ортиқча белги билан тугилган қиз ёки қизлар старли бўлди, эндигиси ўгил бўлсин.

**Бувзилол, Buvzilol** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувисининг исми берилган покиза, озода қиз.

**Бувзиннат, Buvzinnat** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бувисининг исмини олган безанган, яъни кўркам қиз.

**Бувзор, Buvzor** (◊., *ўз.-фт.*) — бувисининг номи билан аталган, зорланиб кутилган бола.

**Бувзоҳида, Buvzohida** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг номи берилган художўй, диндор қиз.

**Бувзубайда, Buvzubayda** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Зубайда.*

**Бувзулайҳо, Buvzulayho** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Зулайҳо.*

**Бувзулон, Buvzulon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Бувзавлон.*

**Бувзуҳра, Buvzuhra** (◊., *ўз.-ар.*) — бувиси исмини олган ва Зуҳро юлдузидек нурли, кўркам қиз.

**Бувиайна, Buviayna** (◊., *ўз.-фт.*) — бувисининг исми берилган покиза қиз.

**Бувианбар, Buvianbar** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Анбар.*

**Бувизаҳро, Buvizahro** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Заҳро.*

**Бувизиёда, Buviziyoda** (◊., *ўз.-ар.*) — қизлар етарли бўлди, кейингиси ўғил бўлсин ёки баданида ортиқча белгиси бор қиз.

**Бувизор, Buvizor** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Бувзор.*

**Бувимой, Buvimoy** (◊., *ўз.*) — бувиси исмини олган ойдек кўркам қиз.

**Бувинисо, Buviniso** (◊., *ўз.-ар.*) — бувиси исми б-н аталган аёл (*қиз*).

**Бувинор, Buvinor** (◊., *ўз.-фт.*) — бувисининг исми берилган ва баданида қизил холи (*нори*) бор қиз.

**Бувинора, Buvinora** (◊., *ўз.-фт.-ар.*) — *қар. Бувинор (Бувинор+а).*

**Бувиойша, Buvioysha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Ойша.*

**Бувиражаб, Buvirajab** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг исми берилган ва Ражаб ойида туғилган қиз.

**Бувисора, Buvisora** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Буви* ва *Сора.*

**Бувисулув, Buvisuluv** (◊., *ўз.*) — бувисининг исми б-н юритилган гўзал қиз.

**Бувитой, Buvitoy** (◊., *ўз.*) — бувисининг исмини олган, суюкли эркатой, қиз.

**Бувича, Buvicha** (◊., *ўз.*) — бувисининг исми берилган жажжи қиз ёки опасининг исми билан аталган қиз.

**Бувиш, Buvish** (◊.) — бека, хоним ёки таркибида *буви* сўзи бўлган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Бувиқанд, Buviqand** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг исмини олган ёқимтой, ширин қиз.

**Бувиқиз, Buviqiz** (◊., *ўз.*) — бувисининг номи билан аталган қиз.

**Бувиҳалима, Buvihalima** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Ҳалима.*

**Бувиҳалича, Buvihalicha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва Ҳалича.

**Бувниёз, Buvniyoz** (◊., *ўз.-фт.*) — бувисининг номи берилган ва туҳфа, инъом қилинган қиз.

**Бувнисо, Buvniso** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг номини олган аёл (қиз).

**Бувнор, Buvnor** (◊., *ўз.-фт.*) — бувисининг исми берилган қизил холли (норли) қиз.

**Бувойша, Buvoysha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Ойша.*

**Буволима, Buvolima** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг номи берилган қиз билимдон, олима бўлсин.

**Буволия, Buvoliya** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг исми б-н аталган олий насаб фарзанд, аслзода қиз.

**Бувпотма, Buvpotma** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Фотима.*

**Буврайҳон, Buvrayhon** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва Райҳон.

**Бувраста, Buvrasta** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Буви* ва *Расида.*

**Бувракия, Buvraqiya** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Роқия.*

**Буврозия, Buvroziya** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Розия.*

**Буврохила, Buvrohila** (◊., ўз.-ар.) — *Буви* ва *Роҳила.*

**Бувсаида, Buvsaida** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг номи билан аталган бахтли қиз.

**Бувсамар, Buvsamar** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Самара.*

**Бувсанам, Buvsanam** (◊., *ўз.-ар.*) — бувисининг исми берилган гўзал қиз.

**Бувсаодат, Buvsaodat** (◊., *ўз.-ар.*) — бувиси исмини олган бахтли қиз.

**Бувсаъди, Buvsa'di** (◊., *ўз.-ар.*) — бахтли, саодатманд қиз.

**Бувсожида, Buvsojida** (◊.) — *қар. Буви* ва *Сожида.*

**Бувсолия, Buvsolija** (◊.) — *қар. Буви* ва *Солия.*

**Бувсора, Buvsora** (◊.) — *қар. Буви* ва *Сора.*

**Бувсоч, Buvsoch** (◊.) — *эҳт. Бувисож ~ Бувисожида, қар. Сожида.*

**Бувтилла, Buvtilla** (◊, *ўз.-фт.*) — бувиси исмини олган қимматли, азиз қиз.

**Бувтож, Buvtoj** (◊., *ўз.-фт.*) — бувиси исми берилган қиз тошдек маҳкам бўлсин, яъни ўлмасин.

**Бувхол, Buvxol** (◊., *ўз.-фт.*) — бувисининг исми берилган холли қиз.

**Бувчеҳра, Buvchehra** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Буви* ва *Чеҳра.*

**Бувчирой, Buvchiroy** (◊., *ўз.*) — бувисининг исми берилган кўркам, соҳибжамол қиз.

**Бувшараф, Buvsharaf** (◊., *ўз.-фт.*) — бувиси исмини олган ёқимтой, тотли қиз.

**Бувширин, Buvshirin** (◊., *ўз.-фт.*) — бувиси исми берилган ёқимтой, тотли қиз.

**Бувўроз, Buvo'roz** (◊., *ўз.*) — бувисининг номи берилган бахтли қиз.

**Бувқора, Buvqora** (◊., *ўз.*) — бувисининг исми билан аталган кучли, жасур қиз.

**Бузрук // Бузруг, Buzruk** (*фт.*) — улуғвор, ҳурматли, эҳтиромга сазовор ёки тақводор, зоҳид. Шакллари: *Бузрукхон, Бузрукшо.*

**Бузруксзода, Buzrukzoda** (*фт.*) — аслзода, авлиёлар наслига мансуб бола.

**Бука//Бўка, Buka** (*қад.тур.*) — кучли, қудратли, жасур, қаҳрамон, баҳодир.

**Булбашар, Bulbashar** (*ар.*) — Одам-ота, ҳазрати Одамнинг сафати.

**Булбул, Bulbul** (◊., *фт.*) — ширин тилли, сўзга чечан, нотиқ. Шакллари: *Булбулой, Булбулхон.*

**Булбулнисо, Bulbulniso** (◊., *фт.-ар.*) — ширин тилли аёл, кўркам, хушовоз қиз.

**Булоқ, Buloq** (◊., *ўз.*) — ҳаёти чашмадек тиниқ ва давомли бўлсин.

**Булутбек, Bulutbek** (*ўз.*) — булутли кунда туғилган ёки булут (болут, дуб) дарахтидек мустаҳкам бўлсин.

**Бумалика, Bumalika** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Малика.*

**Бумарям, Bumaryam** (◊., *ўз.-қад. яҳ.*) — *қар. Буви* ва *Марям.*

**Бунёд, Bunyod** (*фт.*) — асос, тамом, ушалган орзу.

**Буойша, Buoysha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Бувиойша*

**Бураҳима, Burahima** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Раҳима*

**Бургут, Burgut** (*ўз.*) — бургутдек кучли, олғир ва чаққон бўлсин ёки бурқут қабиласига мансуб бола.

**Бургутали, Burgutali** (*ўз.+ар.*) — бургутдек кучли, олғир бўлсин ёки халиф Али қўллаб юрсин ёки Али довюрак, жасурдир.

**Бургутой, Burgutoy** (◊., *ўз.*) — кучли, жасур қиз бўлсин ёки бурқут қабиласига мансуб қиз.

**Бурил, Buril** (◊., *ўз.*) — бурилган, яъни оилада қиз туғилаверишдан ўғил бола туғилишига томон бурилсин, кейингиси ўғил бўлсин. Шакллари: *Бурилой, Бурилхон, Бурилча.*

**Бурма, Burma** (◊., *ўз.*) — кокилли, тождор қиз ёки бурма (бинафша) дек кўркам қиз. Шакли: *Бурмахон.*

**Бурноқ, Burnoq** (*ўз.*) — ёш, навқирон ёки ўғил туғилмаган оилаларда кейинчалик туғилган ўғилни "бурни оқ" отга ўтқазиб ўтказилувчи маросимдан кейин берилувчи ном.

**Буробия, Burobija** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Робия.*

**Буроқ // Буроқбой, Buroq** (*ўз.*) — буроқ отдек кучли, тўзимли бўлсин.

**Бурохила, Burohila** (◊., *ўз.-қад. яҳ.*) — *қар. Буви* ва *Роҳила.*

**Бурсин, Bursin** (◊., *ўз.*) — қиз туғилгани етар, энди ўғил туғилиши томон бурилсин.

**Бурузвон, Buruzvon** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Ризвон.*

**Бурул // Бурил, Burul** (◊., *ўз.*) — бурул (кўкиш, холдор от) отдек кучли тўзимли бўлсин ёки *қар. Бурил.*

**Бурулиш//Бурилиш, Burulish** (◊., *ўз.*) — ўғил томон бурилсин, эндигиси ўғил бўлсин.

**Бурундиқ, Burundiq** (*ўз.*) — бурундиқ билан маҳкамланган, боғланган, яъни мустаҳкамланган, яшайдиган.

**Бурчоқ, Burchoq** (*ўз.*) — ёввойи нўхот (бурчоқ) дек маҳкам, жони қаттиқ бўлсин, яъни соғ ўссин, ўлмасин.

**Бурғун, Burg'un** (*ўз.*) — бурғин // бургин, яъни қиз туғилишидан ўғил бола туғилишига қараб бурилсин деган тилак билан берилган.

**Бурҳон, Burhon** (*ар.*) — Бурҳониддин исмининг қисқарган шакли. *Қар. Бурҳониддин.*

**Бурҳонали, Burhonali** (*ар.*) — халиф Али муҳофаза қилувчи, асровчи бола.

**Бурҳониддин, Burhoniddin** (*ар.*) — диннинг далили, асоси, шаҳодати ёки дин қўриқчиси, динни далилловчи. Ўрта аср ҳукмдорлари ўзларини бурҳониддин — диннинг ҳимоячиси, динни асровчи деб юритишган ва бу сўз уларнинг фахрий унвони бўлган.

**Бусабо, Busabo** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Сабо.*

**Бусалом, Busalom** (◊., *ўз.-ар.*) — Бувиси исмини олган қиз саломат бўлсин.

**Бусамар, Busamar** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Самар.*

**Бусобира, Busobira** (◊., *ўз.-ар.*) — бувиси исми билан номланган қиз чидамли, сабрли бўлсин.

**Бусожида, Busojida** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Сожида.*

**Бусолиҳа, Busoliha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Солиҳа.*

**Бусора, Busora** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Бувисора* ва *Бибисора.*

**Бутоқ, Butoq** (*ўз.*) — дарахт буталаридек ўссин, улғайсин ёки фарзандларимиз дарахт бутоқларидек кўпайсин.

**Бутун, Бутунбой, Butun** (*ўз.*) — умри тўла, бутун қилиб берилган бўлсин; яшасин, ўлмасин.

**Бухор, Buxor** (*қад. санс.*) — Бухоро шаҳрида туғилган ёки таваллуди қандайдир ўша шаҳар билан алоқадор бўлган бола. Шакллари: *Бухорбой, Бухорбек*, Бухоржон.

**Бухориддин, Buxoriddin** (*санс.-ар.*) — айнан: диннинг Бухороси, яъни дин шаҳри, дин шаҳри Бухорода туғилган бола.

**Бухормат, Buxormat** — *қар. Бухормуҳаммад.*

**Бухормуҳаммад, Buxormuhammad** — Бухорода туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) қўллаб, асраб юрсин.

**Бушарифа, Busharifa** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Шарифа.*

**Буюк, Буюкбой, Buyuk** (*ўз.*) — улуғ мартабали ҳамда машҳур киши бўлсин.

**Буюкхон, Buyukxon** (◊., *ўз.*) — улуғ мартабали, таниқли қиз бўлсин.

**Буқа, Буқабой, Buqa** (*ўз.*) — буқа (ҳўкиз) каби бақувват, кучли, чидамли бўлсин.

**Буғибой, Bug'iboy** (*ўз.*) — буғидек эпчил, чаққон бўлсин.

**Буғро, Bug'ro** (*ўз.*) — икки ўркачли туя (буғро)дек кучли, қудратли бўлсин.

**Буғрохон, Bug'roxon** (*ўз.*) — *қар. Буғро.* (Бухро+хон).

**Буҳадича, Buhadicha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Буви* ва *Ҳадича.*

**Буҳожар, Buhojar** (◊., *ўз.-ар.-қад.-яҳ.*) — *қар. Буви* ва *Ҳожар.*

**Бўжман, Bo'jman** (*ар.*) — эҳт. божмон // божбон — солиқ йиғувчи бек ёки тўқай қоровули.

**Бўзан, Bo'zan** (*ўз.*) — бўз — бўй-баст, яъни бўйига етсин, ўссин, улғайсин.

**Бўзарган, Bo'zargan** (*ўз.*) — ўсган, улғайган, камолотга эришган.

**Бўзжон, Bo'zjon** (*ўз.*) — ўспирин, навқирон, бўзбола.

**Бўзи, Бўзижон, Bo'zi** (*ўз.*) — навқирон, камолотга эришган.

**Бўзйигит, Bo'zyigit** (*ўз.*) — улғайган, балоғатга етган йигит.

**Бўзлоқ, Bo'zloq** (*ўз.*) — тўрғай, сўфи тўрғай ёки улғайган, ўсган, ўспирин.

**Бўзомон, Bo'zomon** (*ўз.-ар.*) — бўйли, ҳайбатли, хушқад йигит омон-эсон ўссин.

**Бўзоқ, Bo'zoq** (*ўз.*) — таркибида "бўз" сўзи бўлган исмларнинг қисқарган шакли.

**Бўзтемир, Bo'ztemir** (*ўз.*) — бўйи-басти келишган ва темирдек маҳкам бола.

**Бўзтерак, Bo'zterak** (*ўз.*) — теракдек узун, салобатли йигит бўлсин.

**Бўзча, Bo'zsha** (*ўз.*) — таркибида "бўз" сўзи келган исмларнинг эқ. шакли.

**Бўзўғлон, Bo'zo'g'lon** (*ўз.*) — салобатли, кучли, паҳлавон ўғил бўлсин.

**Бўка, Бўкабой, Bo'ka** (*ўз.*) — кучли, қудратли, паҳлавон ёки қатағон қабиласининг бўка уруғига мансуб бола.

**Бўкай, Bo'kay** (*ўз.*) — ботир, мард, қаҳрамон.

**Бўкайхон, Bo'kayxon** (*ўз.*) — қудратли, улуғ хон.

**Бўкан, Бўканбой, Bokan** (*ўз.*) — таркибида "бўка" сўзи келган баъзи исмларнинг эқ. шакли.

**Бўлак, Bo'lak** (*ўз.*) — совға, эҳсон, ҳадъя ёки бу бошқа бола. Чақалоқнинг душманларини чалғитиш учун бериладиган исм.

**Бўлакбека, Bo'lakbeka** (◊., *ўз.*) — туҳфа, совға қилинган қиз ёки бу олдингилардан бошқа, ўлмайдиган, яшайдиган қиз.

**Бўлакберди, Bo'lakberdi** (*ўз.*) — Аллоҳнинг совғаси, эҳсони ёки буниси бошқа, яъни буниси ўлмайди, яшайди.

**Бўлакбой, Bo'lakboy** (*ўз.*) — туҳфа, совға қилиб берилган бола бой, бадавлат бўлсин.

**Бўлакқул, Bo'lakqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг яшовчи, барҳаёт бўлувчи бандаси.

**Бўлар, Bo'lar** (*ўз.*) — таркибида "бўлар" сўзи келган исмларнинг қисқарган шакли ёки "бўлар, етар" маъноларида ота-оналарнинг фарзандли бўлишдан қониққанлигини ифода этади.

**Бўлбек, Bo'lbek** (*ўз.*) — омон бўлсин, турсин, яшасин ёки омон бўлувчи ва берк, маҳкам бола.

**Бўлди, Bo'ldi** (◊., *ўз.*) — таркибида "бўлди" сўзи мавжуд исмларнинг қисқарган шакли ёки ота-оналарнинг "қиз етарли бўлди" деган фикрини ифодалайди. Шакллари: *Бўлдибой, Бўлдижон, Бўлдихон.*

**Бўлис, Бўлисбек, Bo'lis** (*рус.*) — "волость" сўзидан, ҳоким, бошлиқ, вилоят ҳокими.

**Бўлиш, Bo'lish** (*ўз.*) — бўлишгин, кўмаклашгин, ёрдам қилгин (Аллоҳга мурожаатни англатади), яъни боланинг соғ яшаб кетишига кўмак бергин маъносида.

**Бўлиқбой, Bo'liqboy** (*ўз.*) — бўладиган, мукаммал бола, яъни умрини тўлиқ қилиб берилган бола.

**Бўлмурод, Bo'lmurod** (*ўз.*) — омон соғ бўлсин ва улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Бўлсин, Бўлсинбой, Bo'lsin** (*ўз.*) — омон, бўлсин, яшасин ёки таркибида "бўлсин" сўзи мавжуд номларнинг қисқарган шакли.

**Бўлсултон, Bo'lsulton** (*ўз.-ар.*) — улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин, Сол: Султонбўл.

**Бўлтак, Бўлтакбой, Bo'ltak** (*ўз.*) — ота-онасининг бўлаги, парчаси.

**Бўлтой, Bo'ltoy** (*ўз.*) — суюкли, эркатой (той, тойлоқ) бола омон бўлсин, яшасин.

**Бўлтош, Bo'ltosh** (*ўз.*) — бўлсин, яшасин ва тошдек маҳкам бўлсин ёки Тошбўл (қар.) исмининг тескари шакли.

**Бўлғон, Бўлғонбой, Bo'lg'on** (*ўз.*) — дунёга келган, собит бўлган, яъни яшайдиган бола ёки таркибида "бўлган", "бўлғон" сўзлари мавжуд исмларнинг қисқарган шакли.

**Бўри, Bo'ri** (*ўз.*) — қадимий одатга кўра соғ бўлсин, маҳкам бўлсин деб бўрининг жағидан (терисидан) ўтказиб олинган бола ёки тиш б-н туғилган бола. Шакллари: *Бўрибой, Бўрижон, Бўрибек, Бўритой, Бўриқул.*

**Бўриберди, Bo'riberdi** (*ўз.*) — бўри инъом қилган бола, яъни яшовчи, ўлмайдиган бола.

**Бўригул, Bo'rigul** (◊., *ўз.*) — *Бўри* (*қар.*) номининг аёллар исми шакли. Шакллари: *Бўринисо, Бўрия, Бўрихон.*

**Бўрижамол, Bo'rijamol** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Бўри* ва *Жамол.*

**Бўрик, Borik** (◊., *ўз.*) — йўлдош, рафиқ ёки қундуз телпак (бўрк)дек чиройли, қимматли қиз.

**Бўримат, Bo'rimat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Бўримуҳаммад.*

**Бўринисо, Bo'riniso** (*ўз.-ар.*) — бўри териси ёки жағидан ўткариб олинган, узоқ яшайдиган аёл (*қиз*).

**Бўритожи, Bo'ritoji** (◊., *ўз.-фт.*) — бўри териси ёки жағидан ўтказилган ва тожли (қизил холли) қиз.

**Бўритош, Boritosh** (◊., *ўз.*) — бўри жағи (териси)дан ўтказилган ва тошдек маҳкам қиз.

**Бўрихол, Bo'rixol** (◊., *ўз.-фт.*) — бўри жағи (териси)дан ўтказилган ва хол билан туғилган қиз.

**Бурикул, Bo'riqul** (*ўз.*) — *қар. Бури* (Бури+қул)

**Бўрк, Бўркбой** (*ўз.*) — бўркли, омадли, иқболли бола.

**Бўрон, Бўронбой, Bo'ron** (*ўз.*) — бўрон пайти туғилган ўғил ёки бўронбой уруғига мансуб бола. Шакллари: *Бўронбой, Бўронқул, Бўроной.*

**Бўронали, Bo'ronali** (*ўз.-ар.*) — Бўрон пайти туғилган ёки бўронбой уруғига мансуб ўғилни Али ўзи қўллаб юрсин.

**Бўронберди, Bo'ronberdi** (*ўз.*) — бўрон куни Аллоҳ ато қилган, инъом қилинган бола ёки бўронбой уруғига мансуб бола.

**Бўронгул, Bo'rongul** (◇., *ўз.-фт.*) — бўрон пайти туғилган, гулдек кўркам қиз.

**Бўронкелди, Bo'ronkeldi** (*ўз.*) — бўрон куни туғилган бола.

**Бўронмирза, Bo'ronmirza** (*ўз.-фт.*) — бўрон пайти туғилган бола билимдон, донишманд бўлсин ёки бўрон куни туғилган ҳамда мирзалар наслига мансуб бола.

**Бўронниёз, Bo'ronniyoz** (*ўз.-фт.*) — бўрон куни берилган туҳфа, бўрон пайтда ато қилинган ўғил.

**Бўрончи, Bo'ronchi** (*ўз.*) — бўрон эгаси, яъни бўрон куни таваллуд топган бола.

**Бўроншо, Bo'ronsho** (*ўз.-фт.*) — бўрон куни туғилган ва шоҳлар наслига мансуб бола ёки бўрон куни туғилган бола улуғ мартаба эгаси бўлсин.

**Бўстон, Boston** (◇., *фт.*) — умри бўстон (гулистондек) кўркам ва обод бўлсин, бўстондек яшнаб ўссин ёки бўстон уруғига мансуб бола.

**Бўстонбиби, Bo'stonbibi** (◇., *ўз.*) — бўстон каби кўркам, яшноқ қиз.

**Бўстонгул, Bo'stongul** (◇., *ўз.-фт.*) — бўстонга мансуб гул; чиройли, зебо қиз.

**Бўстонгўзал, Bo'stongozal** (◇., *фт.*) — бўстондек кўркам, гўзал қиз.

**Бўстонтож, Bo'stontoj** (◇., *фт.*) — бўстондек кўркам, тожли (холли) қиз.

**Бўстонқул, Bo'stonqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг бўстондек кўркам бандаси ёки бўстон уруғига мансуб бола.

**Бўта, Bo'ta** (*ўз.*) — айнан: бўталоқ; суюкли ёки эркатой бола. Шакллари: *Бўтабой, Бўтаёр, Бўтақул.*

**Бўтаали, Bo'taali** (*ўз.-ар.*) — суюкли, эркатой ўғилни Али қўллаб юрсин ёки қар. *Бўта* ва *Али.*

**Бўтагул, Bo'tagul** (◇., *ўз.-фт.*) — бўталоқ, эрка, суюкли қиз ёки бўтагулдек чиройли қиз.

**Бўтакўз, Botako'z** (◇., *ўз.*) — кўзлари катта ва қора кўзли қиз, бўтакўз гулидек гўзал қиз.

**Бўтақора, Bo'taqora** (◇., *ўз.*) — бўтадек чиройли, қорача қиз ёки бўтақора уруғига мансуб қиз.

**Бўғрахон** (*ўз.*) — *қар. Буғро, Буғрохон.*

# В

**Вадан, Vadan** (*ар.*) — эҳт.: *Вадиуддин.*

**Вадиа // Вадиа, Vadia** (◇., *ар.*) — сабр-тоқатли, чидамли ёки омонат, омонатга берилган, меҳр-мурувватга муҳтож қиз.

**Вадиуддин, Vadiuddin** (*ар.*) — диннинг сабр-тоқатли, одобли ихлосманди.

**Вадиулла, Vadiulla** (*ар.*) — Аллоҳ сабрли, тоқатлидир ёки Аллоҳнинг сабрли, тоқатли бандаси.

**Вадуд, Водуд, Vadud** (*ар.*) — меҳрибон, ғамхўр, шафқатли; севувчи, дўст. Аллоҳнинг сифатларидан бири. *Қар, Абдуводуд.*

**Вадуда, Водуда Vaduda** (◇, *ар.*) — *қар. Вадуд (Вадуд+а).*

**Важида, Vajida** (◇., *ар.*) — шодон, бахтиёр, хуррам.

**Важия, Vajiya** (◇., *ар.*) — қувноқ, мағрур, шодон.

**Важиулла, Vajiulla** (◇., *ар.*) — Аллоҳнинг гўзал, кўркам кишиси ёки Аллоҳнинг бахтиёр бандаси.

**Важиҳа, Vajiha** (◇., *ар.*) — гўзал, дилбар қиз.

**Важҳия, Vajhiya** (◇., *ар.*) — чиройли, ойюзли.

**Вазила, Vazila** (◇., *ар.*) — эҳт: *Васила (қар.)*

**Вазина, Vazina** (◇., *ар.*) — сабрли, тоқатли, чидамли.

**Вазир, Vazir** (*ар.*) — ёрдамчи, кўмакчи, олий мансабдор ёки соғ улғайиб вазирларнинг обрў-мартабасига эга бўлсин.

**Вазира, Vazira** (◇.,*ар.*) — улғайиб вазира, яъни мансабдор бўлсин.

**Вазирали, Vazirali** (*ар.*) — халиф Алининг кўмакчиси, ёрдамчиси.

**Вазифа, Vazifa** (◇., *ар.*) — бурч, хизмат ёки соф, тоза, кўркам.

**Вазиқ, Возиқ Vaziq** (*ар.*) — аниқ, равшан, ойдин, порлоқ ёки сабр-тоқатли, вазмин.

**Вайс, Vays** (*ар.*) — кўпчиликнинг вакили, ишончли одам ёки Увайс исмининг шакли, ёҳуд, куч, қудрат. Баъзи манбаларда, "бўрининг боласи" ёки устод (шайх) нинг руҳи орқали тарбия топган шогирд (бола). Шакллари: *Вайсхон, Вайсқул.*

**Вайсал, Vaysal** (*ар.*) — *қар. Вайс* ёки *Вайсали* — Алининг кучи, қудрати.

**Вайсниёз, Vaysniyoz** (*ар-фт.*) — кучли, қудратли қилиб берилган бола ёки тилаб олинган, туҳфа қилинган қудратли бола.

**Вакил, Vakil** (*ар.*) — кафиллик қилувчи, кафолатли, ишончли. Асли: *Абдувакил (қар.).*

**Вакила, Vakila** (◇., *ар.*) — кафолатли, ишончли, Вакил (қар.) исмининг аёллар исми шакли.

**Валат, Valat** (*ар.*) — валат // валад — бола-чақа, фарзандлар, авлодларнинг давоми.

**Вали, Vali** (*ар.*) — энг яқин дўст; авлиё тақводор. Тўғрироғи. *Абдували, Валиулла* исмларининг эқ. Шакллари: *Валибек, Валибой, Валижон, Валихон.*

**Валиакбар, Valiakbar** (*ар.*) – улуғларнинг улуғи, муқаддас тақводор зотларнинг дўсти.

**Валиакрам, Valiakram** (*ар.*) – марҳаматли, саховатлининг, сахийнинг дўсти ёки саховатли авлиё, художўй.

**Валиамин, Valiamin** (*ар.*) – ишончлининг, асровчининг дўсти ёки муътабар авлиё, художўй.

**Валиаҳд, Valiahd** (*ар.*) – ҳукмдорнинг, подшоҳнинг, хоннинг ўрнини босувчи, меросхўр.

**Валиаҳмад, Valiahmad** (*ар.*) – *Аҳмад* (*қар.*), яъни Муҳаммад (сав) улуғ дўст, муқаддас авлиёдир ёки Муҳаммаднинг улуғ авлиё дўсти.

**Валид, Valid** (*ар.*) – бола, ўғлон; насл, авлод ёки йўлдош, дўст, ўртоқ.

**Валида, Valida** (◊ ., *ар.*) – Валид исмининг аёлларга мосланган шакли: Валид+а; эҳт *Волида* (*қар.*).

**Валидулла, Validulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг энг яқини, дўсти ёки тақводор, художўй.

**Валиёр, Valiyor** (*ар.-фт.*) – вали-улуг авлиёлар ёр бўлсин ёки тақводор, художўйнинг ҳамроҳи, йўлдоши.

**Валий, Valiy** (*ар.*) – азиз, муқаддас авлиё ёки каромат, башорат қилувчи.

**Валикарам, Valikaram** (*ар.*) – сахийнинг, жўмард ва саховатлининг, яъни Аллоҳнинг дўсти, яқини.

**Валикарим, Valikarim** (*ар.*) – саховатлининг, карамлининг, яъни Аллоҳнинг дўсти, ҳамроҳи.

**Валикелди, Valikeldi** (*ар.-ўз.*) – ота-онасига дўст, йўлдош бўлувчи бола дунёга келди ёки муқаддас, азиз бола тугилди.

**Валим, Valim** (*ар.*) – таркибида *Вали* сўзи бор қўшма исмлар (*Валикарим*, *Валимуҳаммад*)нинг эқ.

**Валимамат, Valimamat** (*ар.*) – *Валимуҳаммад* исмининг қисқарган шакли.

**Валимардон, Valimardon** (*ар.-фт.*) – жасур, довюрак, эркакларнинг дўсти, ҳамдами.

**Валимат, Valimat** (*ар.*) – *Валимуҳаммад* (*қар.*) исмининг эқ. *Сол.*: *Матвали.*

**Валимирза, Valimirza** (*ар.-фт.*) – ўқимишли, донишманд бола бўлсин. *Сол. Мирзавали.*

**Валимулла, Valimulla** (*ар.*) – донолар, ўқимишли, донишмандларнинг дўсти, ҳамдами бўлсин.

**Валимурод, Valimurod** (*ар.*) – меҳрибон дўст, яъни Аллоҳ етказган орзу, мурод.

**Валимуҳаммад, Valimuhammad** (*ар.*) – айнан: Муҳаммад (сав) азиз, муқаддасдир ёки Муҳаммаднинг энг яқин, севимли дўсти.

**Валиназар, Valinazar** (*ар.*) – Аллоҳ (Вали) назар қилган, илтифоти бўлган бола.

**Валинафас, Valinafas** (*ар.*) – Аллоҳ (Вали)нинг илтифоти, нафаси билан туғилган бола.

**Валиниёз, Valiniyoz** (*ар.-фт.*) – Вали (Аллоҳ)нинг туҳфаси ёки Вали (Аллоҳ)дан ёлвориб сўраб олинган бола.

**Валинур, Valinur** (*ар.*) – Вали (Аллоҳ)нинг нури, меҳри тушган бола. *Қар. Нур.*

**Валирасул, Valirasul** (*ар.*) – Аллоҳнинг элчиси. Муҳаммад (сав)-нинг садоқатли дўсти. *қар. Расул.*

**Валираҳим, Valirahim** (*ар.*) – раҳм қилувчининг, шафқатли ва кечирувчининг, яъни Аллоҳнинг содиқ дўсти. *Қар. Раҳим.*

**Валираҳмон, Valirahmon** (*ар.*) – ўга меҳрли, меҳрибоннинг, яъни Аллоҳнинг яқин, содиқ дўсти, *қар. Раҳмон.*

**Валитурди, Valiturdi** (*ар.-ўз.*) – содиқ, вафодор дўст турсин, яшасин.

**Валиуддин, Valiuddin** (*ар.*) – диннинг содиқ дўсти, ҳомийси, хизматкори.

**Валиулла, Valiulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг энг яқин, қадрдони. Аллоҳнинг яқин сирдоши, тақводор, авлиё. Бу ном халифа Алининг лақаб (сифат)ларидан бири бўлган.

**Валиш, Valish** (*ар.*) – таркибида Вали сўзи бўлган қўшма номларнинг эқ.

**Валишер, Valisher** (*ар.-фт.*) – Аллоҳ (Вали)нинг шердек довюрак, жасур бандаси ёки Вали (Аллоҳ) қўллаб юрсин ва шердек довюрак бўлсин.

**Валия, Valiya** (◊ ., *ар.*) – тақводор, художўй аёл.

**Валиқул, Valiqul** (*ар.-ўз.*) – содиқ дўст Вали (Аллоҳнинг) қули, бандаси ёки муқаддас авлиёларнинг, тақводорларнинг қули, хизматкори.

**Валиқурбон, Valiqurbon** (*ар.*) – Вали (Аллоҳ) қурбон ойида берган, ато қилган бола.

**Валламат, Vallamat** (*ар.*) – йўлбошчи, бошлиқ, етакчи ёки ҳимматли, сахий, саховатли.

**Валомат, Valomat** (*ар.*) – *Валламат* ёки *Валимуҳаммад* исмининг ўзгарган шакли.

**Варақа, Varaqa** (◊ ., *ар.*) – варақа – гул баргидек чиройли, яшнаган қиз.

**Вардия, Vardiya** (◊ ., *ар.*) – атиргулдек кўркам, чиройли қиз.

**Васийулла, Vasiyulla** (*ар.*) – Аллоҳ асрайдиган, сақлайдиган, яъни Аллоҳ паноҳида бўлган бола. Бу ном халифа Алининг лақаби бўлган.

**Васила, Vasila** (◊ ., *ар.*) – яқин, ажралмас дўст ёки туҳфа, инъом.

**Василат, Vasilat** (*ар.*) – келишган, кўркам.

**Васима, Vasima** (◊ ., *ар.*) – гўзал, чиройли.

**Васифа, Vasifa** (◊., *ар.*) – мақталган, мадҳ этилган, мақтовга, эъзозга сазовор.

**Васиҳ, Vasih** (*ар.*) – оғир, вазмин, босиқ.

**Васиқа, Vasiqa** (◊., *ар.*) – устувор; вафодор, садоқатли.

**Васли, Vasli** (*ар.*) – *қар. Васлиддин, Васлия.*

**Васлиддин, Vasliddin** (*ар.*) – диннинг жамоли, диннинг камолоти ёки диннинг висолига, диний муродга интилувчи бола.

**Васлия, Vasliya** (◊., *ар.*) – висолга, мурод-мақсадга интилувчи, эришувчи қиз.

**Васолат, Висолат, Vasolat** (◊., *ар.*) – мақсадга, муродига етувчи қиз.

**Вассоф, Vassof** (*ар.*) – мақтовчи, мадҳ этувчи, тасанно айтувчи. Бу ўринда Аллоҳга шукроналар айтиш кўзда тутилади.

**Васфижамол, Vasfijamol** (◊., *ар.*) – мақташга, таърифлашга лойиқ, гўзал қиз.

**Васфижаҳон, Vasfijahon** (◊., *ар.*) – мадҳи, таърифи, оламга татирли қиз.

**Васфиулла, Vasfiulla** (*ар.*) – Аллоҳни мадҳ қилувчи ёки Аллоҳнинг мадҳи, шону шуҳрати.

**Васфия, Vasfiya** (◊., *ар.*) – мақташга, таъриф қилишга муносиб қиз.

**Вафир, Vafir** (*ар.*) – сахий, очиққўл, очиққўнгил.

**Вафо, Vafo** (*ар.*) – вафоли, садоқатли; ота-онасини қадрлайдиган. *Шакллари: Вафожон, Вафоқул.*

**Вафодор, Vafodor** (◊., *ар.*) – садоқатли, содиқ қиз.

**Вафоли, Vafoli** (◊., *ар.*) – садоқатли, сўзида, аҳдида турадиган қиз.

**Вафомуҳаммад, Vafomuhammad** (*ар.*) – *қар. Вафо* ва *Муҳаммад.*

**Вафоулла, Vafoulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг ўз аҳдида турадиган, вафоли бандаси.

**Вафохон, Vafoxon** (◊., *ар.*) – *Вафо* (*қар.*) исмининг аёллари номи шакли. (*Вафохон*).

**Ваққос, Vaqqos** (*ар.*) – итоаткор, бўйсунувчи, тобе. Асли: *Абдуваққос* (*қар.*).

**Вағиз, Vag'iz** (*ар.*) – ваъз айтувчи, насиҳатлар қилувчи, одоб ўргатувчи.

**Вағиза, Vag'iza** (◊., *ар.*) – насиҳатгўй қиз, оқила, доно қиз.

**Ваҳҳоб, Vahhob** (*ар.*) – сахий, жўмард, саховатли, барча нозу неъматларни ато этувчи, яъни Аллоҳи таоло. Асли: *Абдуваҳҳоб* (*қар.*).

**Ваҳҳобиддин, Vahhobiddin** (*ар.*) – барча нозу неъматларни муҳайё қилиб, текин берувчининг эътиқоди, дини ёки Аллоҳ берган дин ихлосманди.

**Вежа (Вижа), Veja** (◊., *фт.*) – пок, тоза, покдомон ёки тамом, тугасин, яъни ҳадеб қиз туғилиши тўхтасин. *Шакллари: Вежахон, Вежаой.*

**Вилоят, Viloyat** (◊ ., *ар.*) – муқаддас, табаррук, яъни валийлик, азизлик ёки улка, эл қизи.

**Висола, Visola** (◊ ., *ар.*) – тилаб, сураб юриб эришилган, етишилган қиз ёки хуснижамол, гузал қиз.

**Виқор, Viqor** (*ар.*) – келишган; ҳайбатли.

**Водилбой, Vodilboy** (*ўз.*) – Водилда таваллуд топган бола, Водил фарзанди.

**Водуд, Vodud** (*ар.*) – меҳрибон, меҳрли, шафқатли ёки дуст, хайрихоҳ, Водуд номи Аллоҳнинг сифатларидан биридир. *Сол.: Абдуводуд.*

**Вожиб, Вожиббой, Vojib** (*ар.*) – Исломнинг фарз булмиш талабларини адо этувчи, бажарувчи, художуй, тақводор.

**Вожиба, Vojiba** (◊ ., *ар.*) – мусулмон, тақводор, художуй қиз.

**Вожид, Vojid** (*ар.*) – хоҳлаган нарсасини топувчи, яратувчи. Вожид номи Аллоҳнинг сифатларидан бири. *Сол.: Абдулвожид, Абдувожид.*

**Вожида, Vojida** (◊ ., *ар.*) – *Вожид* (*қар.*) исмининг аёллар номи шакли (*Вожида*).

**Вожиҳ, Vojih** (*ар.*) – келишган, гузал, куркам.

**Вожиҳа, Vojiha** (◊ ., *ар.*) – гузал, чиройли қиз.

**Вожиҳулла, Vojihulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг гузал, куркам бандаси ёки Аллоҳнинг гузаллиги, нафосати.

**Возид, Vozid** (*ар.*) – очиқ, ошкор, равшан, нурли.

**Возиҳа, Voziha** (◊ ., *ар.*) – нурли, равшан, яъни гузал, зебо қиз.

**Воиз, Voiz** (*ар.*) – ваъз айтувчи, ваъзгуй, диний тариқат тарғиботчиси, нотиқ. Шакллари: *Воизхон, Воизқул.*

**Войсиддин, Voysiddin** (*ар.*) – *қар. Вайсиддин.*

**Вола, Воло, Vola** (*ар.*) – улуғ мартабали, олийнасаб.

**Волида, Volida** (*ар.*) – она, фарзандларга бой аёл ёки марҳум онасининг исмини олган қиз.

**Волий, Voliy** (*ар.*) – ҳукмдор, подшоҳ, ҳоким.

**Вомиқ, Vomiq** (*ар.*) – севгувчи, ошиқ, меҳр-муҳаббат соҳиби.

**Вораста, Vorasta** (◊ ., *ар.*) – озод, эркин, халос булган.

**Ворис, Voris** (*ар.*) – уринбосар, меросхур; отаси урнини босувчи.

**Ворисали, Vorisali** (*ар.*) – Алига эргашувчи, Алининг изидан борувчи ёки Алининг ишини давом эттирувчи, Алининг издоши.

**Вориса, Vorisa** (◊ ., *ар.*) – меросхур ёки ота-онасининг издоши, улар урнини босувчи.

**Восиъ, Vosi'** (*ар.*) – мулки, раҳмати, қудрати беҳисоб зот, яъни Аллоҳ васийлик қилувчи, паноҳига олувчи бола. Бу ном халифа Алининг ҳам сифатларидан бири булган. Асли *Абдувосиъ.*

**Восид, Vosid** (*ар.*) – *Абдувосид* (*қар.*) исмининг эқ.

**Восил, Vosil** (*ар.*) – айрилмас, ажралмас, субутли дуст ёки орзу қилиб эришилган фарзанд.

**Восим (Васим), Vosim** (*ар.*) – келишган, кўркам. *Шакллари: Восимжон, Восимхон.*

**Восима, Vosima** (◊ ., *ар.*) – гўзал, чиройли, зебо.

**Восит, Vosit** (*ар.*) – ўртада турувчи, воситачи ёки чора топувчи, сабабкор. Асли: *Абдувосит* (*қар.*).

**Воситмирза, Vositmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Восит* ва *Мирза.*

**Восиф, Vosif** (*ар.*) – таърифловчи, мадҳ этувчи. Бу ўринда Аллоҳга шукрона айтиш, уни зикр қилиш маъносида.

**Восиқ, Vosiq** (*ар.*) – умидланиб, орзу қилиб топилган бола ёки ишончли, имони комил; эътиқоди маҳкам.

**Вофи, Vofi** (*фт.*) – сўзида, аҳдида турувчи, садоқатли, вафо қилувчи бола.

**Вофир, Vofir** (*ар.*) – бой, бадавлат; сахий, жўмард, карамли.

**Вофира, Vofira** (*ар.*) – сахий, карамли, меҳрибон қиз.

**Вофиулла, Vofiulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг садоқатли, эътиқодли бандаси.

**Воқеахон, Voqeaxon** (*ар.*) – юзага чиққан, чиндан яшайдиган қилиб берилган қиз.

**Воқи, Voqi** (*ар.*) – маҳкам, мустаҳкам, яъни яшайдиган бола.

**Воқиф, Voqif** (*ар.*) – ҳамма нарсадан хабардор, воқиф, яъни билимдон, донишманд.

**Воҳиб, Vohib** (*ар.*) – инъом, совға, қилинган, бахш этилган бола ёки ризқу рўз, насиба улашувчи.

**Воҳид, Vohid** (*ар.*) – якка, ёлғиз, яккаю ягона. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан бири. Асли *Абдувоҳид*, *Воҳидулла* (*қар.*)

**Воҳида, Vohida** (◊ ., *ар.*) – якка, ягона, тенгсиз. *Воҳид* исмининг аёллар номи шакли.

**Воҳидулла, Vohidulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг яккаю ягоналиги ёки Аллоҳнинг ягона, тенгсиз бандаси.

# Г

**Гавҳар, Gavhar** (◊ ., *фт.*) – дур, марвариддек бебаҳо қиз ёки асл, аслзода. Қадимда кишилар гавҳар чақалоқни бало-қазодан асрайди деб ҳам ишонишган. Шакллари: *Гавҳаргул, Гавҳарой, Гавҳархон.*

**Гавҳара, Gavhara** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гавҳар* (Гавҳар+а).

**Гавҳарбону, Gavharbonu** (◊ ., *фт.*) – инжу, гавҳардек бебаҳо, қадрли ва аслзода қиз.

**Гавҳарбиби, Gavharbibi** (◊ ., *фт.-ҳинд*) – инжу, гавҳардек қимматли, қадрли ва мўътабар қиз.

**Гавҳаргул, Gavhargul** (◊ ., *фт.*) – инжу, гавҳардек қимматли ва гулдек чиройли қиз.

**Гавҳарзод, Gavharzod** (◊ ., *фт.*) – аслзода, оқсуяклар наслига мансуб қиз.

**Гавҳарнигор, Gavharnigor** (◊ ., *фт.*) – гавҳар билан безанган, ороланган қиз.

**Гавҳармомо, Gavharmomo** (◊ ., *фт.-ўз.*) – *қар. Гавҳар* ва *Момо*

**Гавҳарнисо, Gavharniso** (◊ ., *фт.-ар.*) – аёлларнинг энг қимматлиси, бебаҳоси.

**Гавҳароро, Gavharoro** (◊ ., *фт.*) – гавҳар билан безанган, яъни қимматли, бебаҳо қиз.

**Гавҳарпошша, Gavharposhsha** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гавҳар* ва *Пошша.*

**Гавҳартош, Gavhartosh** (◊ ., *фт.-ўз.*) – инжу тошдек бебаҳо ёки гавҳардек бебаҳо ва тождек маҳкам қиз.

**Гавҳаршод, Gavharshod** (◊ ., *фт.*) – жилваланувчи, товланувчи гавҳар ёки гавҳардек бебаҳо; шодон, бахтиёр қиз.

**Гадо (Гадой), Gado** (*фт.*) – фарзандга интизор, яъни гадо бўлиб, эришилган бола ёки тилаб олинган бола. Шакллари: *Гадойхон, Гадойқул.*

**Гадоали, Gadoali** (*фт.-ар.*) – Аллоҳдан тилаб олинган бола ёки тилаб олинган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Гадойбегим, Gadoybegim** (◊ ., *фт.-ўз.*) – тилаб олинган ва беклар наслига мансуб қиз.

**Гадойгул, Gadoygul** (◊ ., *фт.*) – фарзандга гадо бўлиб юриб эришилган чиройли қиз.

**Гадоймурод, Gadoymurod** (*фт.-ар.*) – тилаб олинган бола муроду мақсадига етсин ёки орзиқиб юриб эришилган мақсад, орзу.

**Гадоймуҳаммад, Gadoymuhammad** (*фт.-ар.*) – *Муҳаммад* (сав)дан тилаб олинган бола ёки тилаб олинган ўғилга *Муҳаммад* ўзи ёр бўлсин, қўллаб юрсин.

**Гадойниёз, Gadoyniyoz** (*фт.-ўз.*) – илтижолар қилиб эришилган туҳфа, инъом.

**Гадойтурди, Gadoyturdi** (*фт.-ўз.*) – тилаб олинган бола турсин, яшасин.

**Гадойқул, Gadoyqul** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳнинг тилаб олинган бандаси.

**Гадом, Gadom** (*фт.-ар.*) – *Гадоймурод, Гадоймуҳаммад* (*қар.*) каби исмларнинг эқ.

**Гажак, Gajak** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гажакгул.*

**Гажакгул, Gajakgul** (◊ ., *фт.*) – сочлари гажакдор, жингалак соч қиз.

**Гажир, Гажирбой, Gajir** (*ўз.*) – мард, довюрак, қайтмас ёки гажар-гажир уруғига (туркий уруғлардан бири) мансуб бола.

**Газанфар, Gazanfar** (*ар.*) – арслон, шер; шерюрак, довюрак, жасур.

**Газима, Gazima** (◊ ., *ар.*) – газина (болғача)дек маҳкам қиз ёки *Азима* исмининг шевавий, талаффуз шакли.

**Ганай, Ганайжон, Ganay** (*фт.*) – ганай-туршак, туршакдек маҳкам, мустаҳкам бола.

**Гандум, Gandum** (*фт.*) – буғдой ўроғи пайтида туғилган бола.

**Ганжи, Ganji** (◊ ., *фт.*) – ганж, хазина эгаси; бой, бадавлат бўлсин ёки тенгсиз, бебаҳо қиз.

**Ганжа, Ganja** (◊ ., *фт.*) – *қар. Кенжа*, эҳт: *Ганж+а, қар. Ганжина.*

**Ганжали, Ganjali** (*ўз.-ар.*) – Али ато қилган хазина, бойлик, яъни фарзанд.

**Ганжатой, Ganjatoy** (*фт.-ўз.*) – *қар. Кенжатой.*

**Ганжим, Ganjim** (*ўз.*) – таркибида ганж (хазина) сўзи мавжуд исмларнинг эқ. шакли.

**Ганжина, Ganjina** (*фт.*) – хазина, бойлик, хазина эгаси ёки тенгсиз, бебаҳо қиз.

**Ганжур, Ганжурбой, Ganjur** (*фт.*) – хазиначи, хазина эгаси ёки бой-бадавлат.

**Гарай, Garay** (*фт.*) – орзу қилинган, тилаб олинган бола.

**Гаранфил, Garanfil** (◊ ., *ар., юн.*) – қаранфил-чиннигул, чиннигулдек куркам қиз.

**Гардан, Gardan** (*фт.*) – қўзи, қўзичоқ ёки гарданадек (довон) юксак мартабали бўлсин.

**Гардигул, Gardigul** (◊ ., *фт.*) – гулнинг чанги, чақалоққа кўз тегмасин деб, ёмон назардан асраш учун бериладиган исм.

**Гарзан, Garzan** (*фт.*) – тож, гултож, гулчамбар; улғайиб баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Гарон, Гаронбой, Garon** (*фт.*) – оғир, вазмин, босиқ ёки қадрли, эъзозли.

**Гашан, Gashan** (◊ ., *фт.*) – гўзал, дилбар, чиройли ёки хушхон, фаровон.

**Гилос, Gilos** (◊ ., *фт.*) – ширин, ёқимтой, дилкаш ёки гилос пишганда туғилган қиз.

**Говдил, Govdil** (*фт.*) – жасур, довюрак, жасоратли.

**Гударбой, Gudarboy** (*фт.*) – орзу қилинган қўмсалган бола.

**Гужум, Gujum** (*ўз.*) – сада қайрағочдек мустаҳкам, чидамли бўлсин, узоқ яшасин.

**Гужурбой, Gujurboy** (*ўз.*) – кучли, қудратли, гайратли. *Сол.: Гажир.*

**Гузар, Guzar** (◊ ., *фт.*) – ҳаёти гузар (улкан йўл)дек равон бўлсин; толеи порлоқ.

**Гузида, Guzida** (◊ ., *фт.*) – яхши, мақбул, мумтоз.

**Гул, Gul** (◊ ., *фт.*) – гулдек чиройли, гўзал ёки умри гулдек яшноқ бўлсин. Таркибида гул сўзи мавжуд исмларнинг эқ.

**Гулабза, Gulabza** (◊., *фт.*) — гулга ўхшаш, гулчеҳра; гўзал, зебо.

**Гулай, Gulay** (◊., *фт.-ўз.*) — *Гулой, Гулойим, Гулафзо* исмининг қисқарган шакли ёки гулдек яшноқ ва ой каби кўркам бўлсин.

**Гулали, Gulali** (*фт.-ар.*) — ҳаёти гулдек яшнаган бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Гуламбар, Gulambar** (◊., *фт.-ар.*) — нафис, ёқимли ҳамда гулдек гўзал қиз. Асли: *Гуланбар* (*қар.*)

**Гуламза, Gulamza** (◊., *фт.*) — гул каби гўзал, гулчеҳрали қиз. эҳт. *Гулафзо*

**Гулан, Gulan** (◊., *фт.*) — *қар. Гуландом, Гуланбар.*

**Гуланбар, Gulanbar** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал.

**Гуланвар, Gulanvar** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам ва нурли, ёқимтой қиз.

**Гуланда, Gulanda** (◊., *фт.*) — қар. *Гулдандом.*

**Гуландоз, Gulandoz** (◊., *фт.*) — гул каби безанган, гулмонанд, гулчеҳра.

**Гуландом, Gulandom** (◊., *фт.*) — гулбадан, гулқад, гулбичим, хушбичим, нозик бадан, нозанин, гўзал, латофатли.

**Гуланор, Gulanor** (◊., *фт.*) — анор гулидек чиройли ёки баданида қизил нор хол билан туғилган қиз.

**Гуларо, Gularo** (◊., *фт.*) — гулларга безанган, ороланган, чечакларга кўмилган. *Сол: Гулоро.*

**Гуласал, Gulasal** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва болдек ширин, ёқимтой суюкли қиз.

**Гуласар, Gulasar** (◊., *фт.*) — эҳт. *Гуласал* ёки *Гулассар* (*қар.*)

**Гуласир Gulasir** (◊., *фт.-ар.*) — гул тоти, ширасидек ширин, ёқимтой қиз.

**Гуласма, Gulasma** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам ва юксак, улуғ, эъзозли қиз.

**Гулассар, Gulassar** (◊., *фт.*) — гулдек таъсирли, жозибали; мафтункор.

**Гулафзо, Gulafzo** (◊., фт.) — гул эгаси, гуллар ошиғи.

**Гулафшон, Gulafshon** (◊., *фт.*) — айнан: гул сочувчи, гул тўкувчи; гулларга бурканган, безанган ёки нурли, шодон қиз.

**Гулафрўз, Gulafro'z** (◊., *фт.*) — гулдек кўркам, зебо ҳамда нурли, ёрқин қиз.

**Гулаъзам, Gula'zam** (◊., *фт.-ар.*) — *Аъзам* (*қар.*) исмининг аёлларга мосланган шакли. Қар. Гул ва Аъзам.

**Гулаш,** (◊.,) — "гул" сўзи билан бошланадиган қизлар исмларининг (*Гуландом, Гулсара* ва б.) эқ. шакли.

**Гулаҳмад, Gulahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Аҳмад* ёки мақтовга, олқишга сазовор гўзал қиз.

**Гулбадан, Gulbadan** (◊., *фт.-ар.*) — зебо, латиф қадли, хушандом.

**Гулбаёз, Gulbayoz** (◊., *фт.-ар.*) — оқгул, оқгулдек кўркам қиз.

**Гулбайна, Gulbayna** (◊., *фт.-ар.*) — ўртанча қиз ва гул каби гўзал қиз.

**Гулбаён, Gulbayon** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам ва бахтиёр, бахтли қиз.

**Гулбанот, Gulbanot** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам ҳамда меҳрли, меҳрибон қиз.

**Гулбар, Gulbar** (◊., *фт.*) — *қар. Гулбор.*

**Гулбарг, Gulbarg** (◊., *фт.*) — қизилгул барги, япроғи; кўркам, чиройли дилбар.

**Гулбарно, Gulbarno** (◊., *фт.*) — гулдек навқирон, навжувон, гулдек яшнаган, гўзал, зебо.

**Гулбарчин, Gulbarchin** (◊., *ўз.*) — гул ва *Барчиндек* (*қар.*) дилбар, гўзал қиз.

**Гулбасар, Gulbasar** (◊., *фт.*) — гулга бурканган, гулдек яшнаган, ҳаётбахш.

**Гулбастон, Gulbaston** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал ва маҳкамланган, яшовчи қиз ёки *Гулбўстон* (*қар.*) исмининг бузилган шакли.

**Гулбахмал, Gulbahmal** (◊.,) — гулхайридек чиройли қиз ёки бахмал (мато)дек мулойим, кўркам қиз.

**Гулбахт, Gulbaht** (◊., *фт.*) — гулдек дилбар қиз бахтли бўлсин.

**Гулбачча, Gulbachcha** (*фт.*) — гулдек чиройли бола.

**Гулбашира, Gulbashira** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек дилбар ва шодлик келтирувчи, хосиятли қиз.

**Гулбаҳор, Gulbahor** (◊., *фт.*) — баҳор гули, кўклам чечагидек дилбар қиз, баҳорда туғилган қиз.

**Гулбаҳра, Gulbahra** (◊., *фт.*) — гулдек кўркам ва бахтли, хушҳол қиз ёки барра (шойи матодек мулойим) қиз.

**Гулбаҳром, Gulbahrom** (◊., *фт.*) — *қар. Гул* ва *Баҳром.*

**Гулбегим, Gulbegim** (◊., *фт.-ўз.*) — гулдек дилбар малика, бек қизи.

**Гулбезак, Gulbezak** (◊., *фт.-ўз.*) — гуллар билан безанган, гул билан нақшланган.

**Гулбезар, Gulbezar** (◊., *фт.-ўз.*) — гулларга бурканувчи, гуллар безаб турувчи, гулчеҳра.

**Гулбек, Gulbek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслига мансуб, гулдек чиройли бола.

**Гулбека, Gulbeka** (◊., *фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган гулдек гўзал қиз.

**Гулбиби, Gulbibi** (◊., *фт.-ўз.*) — юксак мартабали гулдек гўзал қиз.

**Гулбиёз, Gulbiyoz** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гулбаёз.*

**Гулбика, Gulbika** (◊., *фт.*) — *қар. Гулбека.*

**Гулбин, Gulbin** (◊., *фт.*) — эҳт: *Гулбиноз* (*қар.*)

**Гулбиноз, Gulbinoz** (◊., *фт.*) — гулдек нозик, нозли қиз.

**Гулбодом, Gulbodom** (◊., *фт.*) — бодом гулидек дилбар, бодом қовоқ қиз; бодом гуллаганда туғилган қиз.

**Гулбоз, Gulboz** (◇., *фт.*) — гулни яхши кўрувчи, гуллар ошиғи; гуллар билан ўйновчи ёки гулчи қиз.

**Гулбоза, Gulboza** (◇.,*фт.-ар.*) — *қар. Гулбоз (Гулбоз+а).*

**Гулбозор, Gulbozor** (◇., *фт.*) — бозор куни туғилган гулдек гўзал қиз.

**Гулбой, Gulboy** (*фт.-уз.*) — гулдек гўзал йигит бўлсин, улғайсин.

**Гулбола, Gulbola** (*фт.-ўз.*) — гулдек гўзал, кўркам бола.

**Гулбон, Gulbon** (◇., *фт.*) — гулчи, гулни севувчи.

**Гулбонг, Gulbong** (◇., *фт.*) — ёқимли, хушовоз эгаси.

**Гулбону, Gulbonu** (◇., *фт.*) — баланд мартабали гулдек дилбар қиз.

**Гулбор, Gulbor** (◇., *фт.*) — гул сочувчи, гулларга бурканган, яъни чиройли, соҳибжамол.

**Гулбоғ, Gulbog‘** (◇., *фт.*) — гуллар боғи, гулшан, гулзор ёки *Гулбоғда* исмининг эқ. шакли.

**Гулбоғда, Gulbog‘da** (◇., *фт.*) — боғда ўсган гул, боғ гули ёки сўнгги, охирги, кенжа қиз.

**Гулбуви, Gulbuvi** (◇., *фт.-ўз.*) — бувисининг исми берилган гулдек гўзал қиз.

**Гулбўбак, Gulbo‘bak** (◇., *фт.-ўз.*) — гул каби гўзал.

**Гулбўстон, Gulbo‘ston** (◇., *фт.*) — ҳаёти бўстон гули, гуллар боғидек яшнаган бўлсин.

**Гулбўта, Gulbo‘ta** (◇., *фт.-ўз.*) — гул ғунчаси ёки бўтагулдек дилбар қиз. *Сол.*: *Бўтагул.*

**Гулвафо, Gulvafo** (◇., *фт.-ар.*) — аҳдида турувчи, субутли, гулдек гўзал қиз.

**Гулвоҳида, Gulvohida** (◇., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам, ягона, тенгсиз қиз ёки қар. *Гул* ва *Воҳида.*

**Гулгавҳар, Gulgavhar** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал ва инжудек бебаҳо, қадрли қиз.

**Гулгаз, Gulgaz** (◇., *фт.*) — кўкимтир товланувчи қизил ранг ёки юлғун гул.

**Гулгина, Gulgina** (◇., *фт.*) — қар. *Гулгуна.*

**Гулгинам, Gulginam** (◇., *фт.*) — гулдекгинам, гулдек нозик ва дилбар қизгинам.

**Гулгун, Guldun** (◇., *фт.*) — гул рангидек кўркам ёки хушчақчақ, гулдек хандон қилувчи.

**Гулгуна, Gulguna** (◇., *фт.*) — гул ранги монанд, гулдек гўзал ёки хушчақчақ, гулдек хандон қилувчи.

**Гулгўзал, Gulgo‘zal** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал қиз, гулчеҳра.

**Гулдавлат, Guldavlat** (◇., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам қиз бой, давлатли бўлсин ёки ота-онасининг давлати бўлган гулдек кўркам қиз.

**Гулдай, Gulday** (*фт.-ўз.*) — гулдек, чиройли йигит бўлсин.

**Гулдаст, Guldast** (◇., *фт.*) — моҳир қўлли чевар қиз, ҳунарманд қиз ёки қар. *Гулдаста*

**Гулдаста, Guldasta** (◊., *фт.*) — гуллар дастаси, ўрамидек зебо қиз ёки бахтли, саодатманд қиз.

**Гулдек, Guldek** (◊., *фт.-ўз.*) — қар. *Гулдай.*

**Гулдиёр, Guldiyor** (◊., *фт.*) — ўлканинг гулдек гўзал қизи.

**Гулдом, Guldom** (◊., *фт.*) — гулнафасли, гулдек мафтункор; яшовчи, барқ урувчи.

**Гулдон, Guldon** (◊., *фт.*) — гул идиши, гулшан ёки қар. *Гулдоно.*

**Гулдоно, Guldono** (◊., *фт.*) — гулдек кўркам ва ақлли, билимдон қиз ёки гул донаси, ягона, тенгсиз гул.

**Гулдор, Guldor** (◊., *фт.*) — гулли, гул билан бурканган гулларга ўхшаш, яъни гўзал, зебо.

**Гулдостон, Guldoston** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал ҳамда донгдор, шону шавкатли.

**Гулдош, Guldosh** (◊., *фт.*) — таркибида гул сўзи мавжуд баъзи исмларнинг қисқарган шакли.

**Гулёз, Gulyoz** (◊., *фт.*) — ёз (баҳор) чечагидек, гўзал ёки қар. *Гулниёз.*

**Гулёноқ, Gulyonoq** (◊., *фт.-ўз.*) — ёноқлари гул каби, лаъли лаб қиз.

**Гулёра, Gulyora** (◊., *фт.*) — гул, чечак, каби кўркам ёки гул кааби гўзал дўст, ҳамдам ёҳуд гулнинг ҳамдами, гул ошиғи.

**Гулжабин, Guljabin** (◊., *фт.*) — айнан: гулдай, гулмонанд пешона, гулдек сўлим, дилбар қиз.

**Гулжавҳар, Guijavhar** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва гавҳардек бебаҳо, тенгсиз қиз. *Сол.*: *Гулгавҳар.*

**Гулжайрон, Guljayzon** (◊., *фт.-ўз.*) — гулдек ва жайрондек гўзал қиз ёки гулдек зебо ва жайрондек сергак, ҳуркак қиз.

**Гулжамил, Guljamil** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гулжамила.*

**Гулжамила, Guljamila** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек зебо, соҳибжамол қиз. *Қар. Гул* ва *Жамила.*

**Гулжамол, Guljamol** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ҳусн соҳиби.

**Гулжаннат, Guljannat** (◊., *фт.-ар.*) — жаннат гули, тенгсиз гўзал қиз. *Қар. Гул* ва *Жаннат.*

**Гулжаҳон, Guljahon** (◊., *фт.*) — айнан: олам гули, оламдаги энг гўзал қиз ёки гулдек гўзал қизнинг ҳаёти жаҳондек кенг ва фаровон бўлсин.

**Гулжон, Guljon** (◊., *фт.*) — гулдек кўркам ва жондек азиз, суюкли қиз.

**Гулжўра, Guljora** (◊., *фт.*) — гуллар ҳамдами ёки гўзал дўст, улфат.

**Гулза,** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гулзайнаб* ёки *Гулафзо.*

**Гулзайнаб, Gulzaynab** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва соғлом, мукаммал қиз. *Қар. Гул* ва *Зайнаб.*

**Гулзайра**, (◊., *фт.-ар.*) — қар. *Гулзаҳро, Гулзоҳира.*

**Гулзайтуна, Gulzaytuna** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Зайтуна.*

**Гулзамина, Gulzamina** (◊., *фт.-ар.*) — она ер (юрт)нинг гулдек гўзал фарзанди

**Гулзамира, Gulzamira** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Замира.*

**Гулзамон, Gulzamon** (◊., *фт.-ар.*) — даврининг гулдек зебо қизи.

**Гулзарифа, Gulzarifa** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва ақлли, зукко қиз.

**Гулзафар, Gulzafar** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Зафар.*

**Гулзеб, Gulzeb** (◊., *фт.*) — *қар. Гулзебо.*

**Гулзебо, Gulzebo** (◊., *фт.*) — гулдек чиройли, соҳибжамол қиз.

**Гулзиё, Gulziyo** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек чиройли, нурли, равшан қиз.

**Гулзийнат, Gulziynat** (◊., *фт.-ар.*) — гулларга безанган, бурканган қиз.

**Гулзира, Gulzira** (◊., *фт.*) — зира гулидек ёқимтой қиз.

**Гулзифа, Gulzifa** (◊., *фт.*) — *Гулзебо* исмининг бузилган шакли.

**Гулзия, Gulziya** (◊., *фт.-ар.*) — қар. *Гулзиё.*

**Гулзод, Gulzod** (◊., *фт.*) — *қар. Гулзода.*

**Гулзода, Gulzoda** (◊., *фт.*) — гўзаллар наслига мансуб қиз.

**Гулзор, Gulzor** (◊., *фт.*) — умри гулзор, чамандек обод, яшнаган бўлсин.

**Гулзора, Gulzora** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Гулзор.*

**Гулзорали, Gulzorali** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек кўркам бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Гулзоҳида, Gulzohida** (◊., *фт.-ар.*) — кўркам, хандон гулдек зебо қиз.

**Гулзуҳро, Gulzuhro** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва *Зуҳродек* нурли, толеи порлоқ қиз.

**Гули, Guli** (◊., *фт.*) — "гул" сўзи билан бошланадиган баъзи қўшма исмларнинг (*Гулинисо, Гулираъно*) эқ. шакли.

**Гулбаҳром, Gulbahrom** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал ва *Баҳром* юлдузидек толеи порлоқ қиз.

**Гулжўра, Guljo'ra** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал қиз ўзидан катталарга ўртоқ, ҳамдам бўлиб ўссин.

**Гулибек, Gulibek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган гулдек гўзал бола ёки "гул" сўзи билан бошланадиган баъзи исмларнинг (*Гулмурод, Гулмамат, Гулмуҳаммад*) эқ.

**Гулизар, Gulizar** (◊., *фт.*) — қар. *Гулзор.*

**Гулизора, Gulizora** (◊., *фт.*) — қар. *Гулзора.*

**Гулим, Gulim** (*фт.*) — "гул" сўзи билан бошланадиган баъзи қўшма исмларнинг эқ. Шакллари: *Гулимбой, Гулимжон.*

**Гулимдона, Gulimdona** (*фт.*) — қар. *Гулдоно.*

**Гулимжон, Gulimjon** (*фт.*) — гулдек дилбар ва жондек азиз, суюкли қиз

**Гулиммат, Gulimmat** (*фт.-ар.*) — *қар Гулмуҳаммад.*

**Гулин, Gulin** (◇., *фт.-ар.*) -- *Гулнисо, Гулинисо* исмларининг қисқарган шакли ёки гулдан яралган, гулга бурканган.

**Гулина, Gulina** (◇., *фт.*) — *қар. Гулин.*

**Гулинисо, Guliniso** (◇., *фт.-ар.*) — аёлларнинг гули, гўзали.

**Гулинор, Gulinor** (◇., *фт.*) — анорнинг гули, анор гулидек гўзал қиз ёки қизил холли қиз.

**Гулинора, Gulnora** (◇., *фт.*) — *қар. Гулнор.*

**Гулиой, Gulioy** (◇., *фт.*) — *қар. Гулой.*

**Гулирайҳон, Gulirayhon** (◇., *фт.-ар.*) — райҳон гулидек гўзал ва райҳондек ёқимтой қиз.

**Гулкай, Gulkay** (◇., *фт.*) — юксакликка интилувчи, улғаювчи, ўсувчи қиз.

**Гулкабира, Gulkabira** (◇., *фт.-ар*) — гулдек гўзал ва олий мартабали қиз.

**Гулкар, Gulkar** (◇., *фт.*) — эҳт. гилкор, нақш солувчи ёки *Ҳулкар* (*қар.*)

**Гулла, Gulla** (◇., *ўз.*) — гуллаб-яшнасин, соғ, умри узоқ бўлсин.

**Гуллар, Gullar** (◇., *фт.-ўз.*) — кўкарар (гуллар) деб умид қиламиз, яъни ўлмайди, яшайди ёки қар. Гулларбас.

**Гулларбас, Gullarbas** (◇., *фт.*) — ҳадеб қиз туғилиши етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Гулли, Gulli** (◇., *фт.-ўз.*) — "гул" сўзи б-н бошланадиган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли ёки баданида қандайдир белгиси ("гули") бўлган бола.

**Гулистон, Guliston** (◇., *фт.*) — ҳаёти гулзордек яшнаган, фаровон бўлсин ёки иноятли, ҳимматли, саҳоватли қиз бўлсин.

**Гулихандон, Gulixandon** (◇., *фт.*) — барқ урган гул каби кўркам қиз.

**Гулихол, Gulixol** (◇., *фт.*) — гулдек чиройли холли қиз.

**Гулихон, Gulixon** (◇., *фт.*) — қар. *Гулхон* ёки *Гулихандон.*

**Гулича, Gulicha** (◇., *фт.*) — жажжи, нозик гул, ғунчадек зебо қиз.

**Гулишайдо, Gulishaydo** (◇., *фт.*) — мафтун қилувчи, асир қилувчи гул.

**Гулйигит, Gulyigit** (◇., *фт.-ўз.*) — гулдек гўзал йигит ёки шодон, бахтиёр йигит бўлсин.

**Гуллола, Gullola** (◇., *фт.*) — лоладек, лолагулдек чиройли қиз лолалар очилганда туғилган қиз.

**Гулмайса, Gulmaysa** (◇., *фт.-ўз.*) — гул ва майсадек яшнаган, кўркам қиз ёки навниҳол.

**Гулмамат, Gulmamat** (*фт.-ар.*) — қар. *Гулмуҳаммад.*

**Гулман, Gulman** (*фт.-ар.*) — "гул" сўзи б-н бошланадиган эркаклар қўшма исмларининг (*Гулмирза, Гулмуҳаммад*) эқ. шакли.

**Гулмаржон, Gulmarjon** (◇., *фт.*) — гулдек сулув, маржондек қимматли қиз.

**Гулмастон, Gulmaston** (◊ ., *фт.*) – гул ошиғи, гуллар мафтуни.

**Гулмат, Gulmat** (*фт.-ар.*) – *қар. Гулмуҳаммад.*

**Гулменгиз, Gulmengiz** (◊ ., *фт.-ўз.*) – гулдек гўзал холли қиз ёки гулёнғоқ, гулчеҳра.

**Гулменгли, Gulmengli** (◊ ., *фт.-ўз.*) – гулдек кўркам холли қиз.

**Гулмеҳр, Gulmehr** (◊ ., *фт.*) – гулдек гўзал ва меҳрли, меҳрибон қиз ёки гулни севувчи, гуллар мафтуни.

**Гулмиддин, Gulmiddin** (*фт.-ар.*) – диннинг гулдек кўркам ихлосманди.

**Гулминур, Gulminur** (◊ ., *фт.-ар.*) – гўзал ва нурли, равшан қиз.

**Гулмир, Gulmir** (*фт.*) – *қар. Гулмирза.*

**Гулмирза, Gulmirza** (*фт.*) – гулдек кўркам ва ўқимишли йигит бўлсин.

**Гулмомо, Gulmomo** (◊ ., *фт.*) – бувисининг исми берилган гулдек чиройли қиз.

**Гулмоҳ, Gulmoh** (◊ ., *фт.*) – гулдек кўркам ва ойдек гўзал, ёрқин, равшан қиз ёки гулмоҳи (гул)дек чиройли қиз.

**Гулмоҳида, Gulmohida** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гул* ва *Моҳида.*

**Гулмоҳира, Gulmohira** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулдек чиройли ва чевар, уддабурон қиз.

**Гулмоҳия, Gulmohiya** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гулмоҳ* (*Гулмоҳи+я*).

**Гулмурод, Gulmurod** (*фт.-ар.*) – *қар. Гул* ва *Мурод.*

**Гулмушкин, Gulmushkin** (◊ ., *фт.*) – гулдек чиройли ва қора кўзли қиз.

**Гулмуҳаммад, Gulmuhammad** (*фт.-ар.*) – гулдек кўркам болани *Муҳаммад* (сав) қўллаб юрсин.

**Гулнабот, Gulnabot** (◊ ., *фт.*) – гулдек гўзал ва ёқимтой, суюкли қиз.

**Гулнавоз, Gulnavoz** (◊ ., *фт.*) – гуллар билан ўйновчи, гулни севувчи, гул ошиғи.

**Гулназар, Gulnazar** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулдек гўзал ва Аллоҳ илтифот, назар қилиб берган қиз.

**Гулназира, Gulnazira** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулдек гўзал ва назир қилинган (авлиёга, шайхга, муқаддас қадамжойларга) қиз.

**Гулнамо, Gulnamo** (◊ ., *фт.*) – гулдек, гулмонанд, гулсифат қиз, яъни гўзал, чиройли қиз.

**Гулнасаб, Gulnasab** (◊ ., *фт.-ар.*) – гул наслидан бўлган хушрўй, зебо қиз; оқсуяклар, аслзодалар наслига мансуб қиз.

**Гулнафиса, Gulnafisa** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулдек кўркам, нозик қиз.

**Гулнаҳор, Gulnahor** (◊ ., *фт.-ар.*) – наҳор (тонг) пайти туғилган гўзал қиз ёки тонг, саҳарда очилувчи гул.

**Гулнигор, Gulnigor** (◊ ., *фт.*) – суюкли, кўркам гул; орзиқиб кутилган қиз.

**Гилниёз, Gilniyoz** (◊ ., *фт.*) – Аллоҳдан тилаб, ёлвориб олинган дилбар қиз ёки Аллоҳнинг гулдек гўзал туҳфаси.

**Гулнисо, Gulniso** (◇., *фт.-ар.*) — аёлларнинг гули, гўзали, аёлларнинг энг кўрками.

**Гулнишон, Gulnichon** (◇., *фт.*) — баданида нишони (ортиқча белгиси) бор қиз, гулдек чиройли қиз.

**Гулниҳол, Gulnihol** (а. *фт.*) — гулдек нозик, гултаъб қиз; ниҳол каби ўссин, улғайсин.

**Гулноз, Gulnoz** (◇., *фт.*) — гул каби нафис, нозик ёки нозли, жилвали гул, ёҳуд гўзал ва нозли қиз.

**Гулноза, Gulnoza** (◇., *фт.*) — қар. *Гулноз* (*Гулноз+а*).

**Гулнозик, Gulnozik** (◇., *фт.*) — нафис, нозик гул ёки гулдек кўркам, нозик таъб қиз.

**Гулнома, Gulnoma** (◇., *фт.*) — асли *Гулнамо,* яъни каби, гул, гулмонанд, гўзал, зебо қиз.

**Гулнор, Gulnor** (◇., *фт.*) — анор гулидек зебо, гул чеҳрали қиз ёки анор гуллаганда туғилган қиз.

**Гулнора, Gulnora** (◇., *фт.*) — *қар. Гулнор.*

**Гулнур, Gulnur** (◇., *фт.-ар.*) — нурли, нур сочувчи гул ёки гулдек гўзал қизнинг умри бахтли, нурли бўлсин.

**Гулнура, Gulnura** (◇., *фт.+ар.*) — *қар. Гулнур (Гулнур+а).*

**Гулоб, Gulob** (◇., *фт.*) — гул суви, атир, гулобдек ёқимли, хушбўй.

**Гулоба, Guloba** (◇., *фт.*) — *қар. Гулоб* (*Гулоб+а*).

**Гулобар, Gulobar, Гуловар** (◇., *фт.*) — гул келтирувчи, гул таркатувчи қиз яъни шодлик, бахт келтирувчи қиз.

**Гулобат, Gulobat** (◇., *фт.*) — эҳт: *Гулобод.*

**Гулоббиби, Gulobbibi** (◇., *фт.*) — гулдек чиройли ва мўътабар, суюкли қиз.

**Гулоббой, Gulobboy** (*фт.-ўз.*) — хушрўй, чиройли, ёқимтой бола.

**Гулоббу, Gulobbu** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Гулоб* (*Гулоб+буви*).

**Гулоббува, Gulobbuva** (*фт.-ўз.*) — *қар. Гулоб* (*Гулоб+бува*).

**Гулобод, Gulobod** (◇., *фт.*) — умри гуллардек обод, гўзал бўлсин.

**Гулобхон, Gulobxon** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Гулоб* (*Гулоб-хон*)

**Гуловар, Gulovar** (◇., *фт.*) — гуллар эгаси, гул келтирувчи, бахтли қиз.

**Гулозод, Gulozod** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал ва ҳур, бахтли қиз.

**Гулой, Guloy** (◇., *фт.-ўз.*) — гул ва ойдек зебо қиз ёки гулдек яшнаган ва ойдек нурли, кўркам қиз.

**Гулойим, Guloyim** (◇., *фт.-ўз.*) — гулдек зебо ва мўътабар, қадрли қиз.

**Гулойна, Guloyna** (◇., *фт.*) — гул ҳамда ойдек зебо қиз.

**Гулойша, Guloysha** (◇., *фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Ойша.*

**Гулоро, Guloro** (◇., *фт.*) — гуллар билан безанган, гулларга бурканган.

**Гулором, Gulorom** (◊., *фт.*) — сокинлик, осойишталик гули, умри гулдек гўзал, тинч, осойишта ўтсин.

**Гулофат, Gulofat** (◊., *фт.-ар.*) — гўзал, офатижон қиз; тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Гулпари, Gulpari** (◊., *фт.*) — гул ва парилардек зебо қиз ёки париларнинг гўзали.

**Гулпарчин, Gulparchin** (◊., *фт.*) — гулларга ёпинган, гуллар билан безанган ёки қар. *Гулбарчин.*

**Гулпок, Gulpok** (◊., *фт.*) — гулларнинг тозаси, покизаси, яъни гўзал, озода қиз.

**Гулпора, Gulpora** (◊., *фт.*) — ягона, тенгсиз гул ёки гуллар боғбони, гулчи.

**Гулпош,** (◊., *фт.*) — *Гулпошша* (*қар.*) исмининг эқ. ёки гуллар сочувчи, гуллар инъоми қилувчи қиз.

**Гулпошша, Gulposhsha** (◊., *фт.*) — гулдек зебо ва мўътабар, эътиборли қиз.

**Гулравшан, Gulravshan** (◊., *фт.* < *суғ.*) — гулдек кўркам ва нурли, бахтли қиз.

**Гуррайҳон, Gulrayhon** (◊., *фт.-ар.*) — гул ва райҳондек зебо ёки гулдек зебо, райҳондек ёқимтой қиз.

**Гулранг, Gulrang** (◊., *фт.*) — гулга ўхшаш, гулмонанд, гулдек зебо қиз.

**Гулрафтор, Gulraftor** (◊., *фт.*) — гул юзли, гулчеҳра қиз.

**Гулраъно, Gulra'no** (◊., *фт.-ар.*) — қизил гулдек кўркам қиз.

**Гулрух, Gulrux** (◊., *фт.*) — гулюзли, чеҳраси гулдек гўзал қиз.

**Гулрухсор, Gulruxsor** (◊., *фт.*) — гулюзли, гулчеҳрали, яъни чиройли, соҳибжмол қиз.

**Гулрўй, Gulro'y** (◊., *фт.*) — гулюзли, гулдек жилва қилувчи зебо қиз.

**Гулсабо, Gulsabo** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва тонг елидек мусаффо қиз ёки қар. Гулсабоҳ.

**Гулсабоҳ, Gulsaboh** (◊., *ар.*) — тонг гули, саҳар чоғи очилган гул, тонгги чечак ёки тонгда туғилган гўзал.

**Гулсадаф, Gulsadaf** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал, садафдек покиза, қимматли қиз.

**Гулсамо, Gulsamo** (◊., *фт.-ар.*) — юксакдаги, осмондаги гул; толеи баланд, гулдек гўзал қиз.

**Гулсана, Гулсано, Gulsana** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек гўзал ва мақтовга сазовор қиз ёки қар. Гулсанам.

**Гулсанам, Gulsanam** (◊., *фт.-ар.*) — зеболарнинг, гўзалларнинг гули, яъни тенгсиз гўзал.

**Гулсапсар, Gulsapsar** (◊., *фт.*) — гулларнинг сараси, аълоси, яъни қизларнинг энг чиройлиси.

**Гулсарвар, Gulsarvar** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал қиз улғайиб, раҳнамо, йўлбошчи бўлсин

**Гулсафар, Gulsafar** (◊ ., *фт-ар.*) – сафар ойида ёки сафарда туғилган гулдек гўзал қиз.

**Гулсафо, Gulsafo** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулдек зебо қизнинг умри осойишта ва сафоли бўлсин ёки гулдек покиза қиз.

**Гулсаят, Gulsayat** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гул* ва *Саят* ёки *Сайёд.*

**Гулсаҳар, Gulsahar** (◊ ., *фт.-ар.*) – тонг гули, саҳар (субҳидам) чоғида очилган гул ёки саҳар чоги бомдодда туғилган гулдек гўзал қиз.

**Гулсаҳро, Gulsahro** (◊ ., *фт.-ар.*) – дашт, саҳро гули, яъни чидамли, маҳкам, иродали, яшовчан қиз.

**Гулсевар, Gulsevar** (◊ ., *фт.-ар.*) – гул сочувчи, гул шайдоси.

**Гулсима, Gulsima** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гулсума* ёки *Гулсиймо*, яъни чеҳраси гулдек зебо қиз.

**Гулсимо, Gulsimo** (◊ ., *фт.-ар.*) – қадди-қомати гул каби келишган қиз.

**Гулсин, Gulsin** (◊ ., *фт.*) – *қар. Гулсун.*

**Гулсина, Gulsina** (◊ ., *фт.-ар.*) – *Гулсийна*, кўкраги гулга тўла, яъни шодон, бахтиёр ёки *қар. Гулсуна.*

**Гилсифат, Gilsifat** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулмонанд, гулга ўхшаш қиз, гулдек гўзал қиз.

**Гулсоат, Gulsoat** (◊ ., *фт.-ар.*) – бахтли соатда туғилган гулдек чиройли қиз.

**Гулсовур, Gulsovur** (◊ ., *фт.-ар.*) – шамсия йил ҳисобида иккинчи ой (савр ойида 22 апрель – 21 май)да туғилган гулдек гўзал қиз. *қар. Гулсавр.*

**Гулсоз, Gulsoz** (◊ ., *фт.*) – гулчи, гулларни парвариш қилувчи қиз.

**Гулсора, Gulsora** (◊ ., *фт.*) – сараланган, танланган гул, гулларнинг сараси, аълоси, энг яхши қиз.

**Гулсултон, Gulsulton** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулларнинг энг аълоси. гўзал қизларнинг султони.

**Гулсулув, Gulsuluv** (◊ ., *фт.-ўз.*) – гулларнинг энг гўзали ёки гулдек чиройли қиз.

**Гулсум, Gulsum** (◊ ., *ар.*) – асли: *Уммагулсум.* (Муҳаммад (сав) пайғамбар қизининг исмидан. *Қар. Кулсум.*

**Гулсуман, Gulsuman** (◊ ., *фт.*) – гулсуман ўсимлиги (жасмин)нинг гулидек гўзал ёки *Гулсимон* – гулдек, гулмонанд қиз.

**Гулсуна, Gulsuna** (◊ ., *фт.-ўз.*) – гул ва сўна (қуш ёки ёввойи ўрдак) каби гўзал қиз. *Сол.*: *Сўнагул.*

**Гулсунбуви, Gulsunbuvi** (◊ ., *фт.-ўз.*) – баланд мартабали ва гулдек зебо қиз.

**Гулсурур, Gulsurur** (◊ ., *фт.-ар.*) – гулдек гўзал қизнинг умри шодликлар, сурурларга тўла бўлсин.

**Гулсуяр, Gulsuyar** (◊ ., *фт.-ўз.*) – гулни севувчи, гуллар мафтуни, яъни гўзаллик, нафосат ошиғи.

**Гултамом, Gultamom** (◇., *фт.-ар.*) — гул, яъни қизлар етарли бўлди. кейингиси ўғил бўлсин.

**Гултан, Gultan** (◇., *фт.*) – гавдаси (танаси) гул каби кўркам, хушбичим қиз. *Сол.: Гулбадан, Гултана.*

**Гултана, Gultana** (◇., *фт.*) — қадди гулдек кўркам. хушбичим қиз. *Сол.:* **Гулбадан**.

**Гултер, Gulter** (◇., *фт.-ўз.*) — гул терувчи, гулчи қиз шодон. бахтиёр қиз.

**Гултовус, Gultovus** (◇., *фт.-ар.*) — гулдек чиройли ва товусдек товланувчи зебо қиз.

**Гултожи, Gultoji** (◇., *фт.*) –-гулдек гўзал қиз ва тожи (холи) билан туғилган қиз. *Сол.: Тожигул.*

**Гултой, Gultoy** (*фт.-ўз.*) — улғайиб гулдек чиройли, келишган, суюкли йигит бўлсин.

**Гулумой, Gulumoy** (◇., *фт.-ўз.*) — ой каби гўзал қиз ёки "гул" сўзи б-н бошланадиган баъзи исмларнинг (*Гулнисо, Гулойим*) эқ. шакли. *Гулим-ой.*

**Гулумхон, Gulumxon** (◇., *фт.*) — *қар. Гулумой.*

**Гулферуз, Gulferuz** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал ва бахтиёр, саодатли қиз, гулдек чиройли ва бахтли, бахтиёр қиз.

**Гулферуза, Gulferuza** (◇., *фт.*) — *қар. Гулферуз* (*Гулферуз+а*).

**Гулфидо, Gulfido** (◇., *фт.-ар.*) — нафосат, яхшилик, эзгулик фидоиси бўлган қиз.

**Гулфизо, Gulfizo** (◇., *фт.-ар.*) — гулдек зебо ва кумушдек (физо, физза) қимматли қиз.

**Гулфом, Gulfom** (◇., *фт.*) — қизил гулга ўхшаган, гулранг, гулчин, яъни чиройли, зебо.

**Гулхабира, Gulhabira** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал ҳамда билимдон, доно қиз.

**Гулхад, Gulxad** (◇., *фт.*) — гулсурат, ёноғи гулдек гўзал, яъни жозибадор, дилбар қиз.

**Гулхайри, Gulxayri** (◇., *фт.*) — гулдек очилган, чиройли, ханда қилувчи қиз, яъни қувноқ, бахтиёр, хушчақчақ қиз.

**Гулханда, Gulxanda** (◇., *фт.*) — гулдек очилган, чиройли қиз, яъни қувноқ, бахтиёр қиз.

**Гулханий,** (*фт.*) — ўт ёқувчи, олов ёқувчи, ёндирувчи; гадо бечораҳол.

**Гулхирож, Gulxiroj** (◇., *фт.-ар.*) -- илтифот қилиб қарзга берилган гулдек гўзал қиз ёки она ернинг гулдек гўзал фарзанди.

**Гулхол, Gulxol** (◇., *фт.*) — баданида хол билан туғилган гўзал қиз.

**Гулхон, Gulxon** (◇., *фт.-ўз.*) — гулдек чиройли, баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Гулхоним, Gulxonim** (◇., *фт.-ўз.*) — хонлар наслидан бўлмиш гулдек гўзал қиз.

**Гулхумор, Gulxumor** (◇., *фт.-ар.*) — ўзига тортувчи, ўзига мафтун этувчи.

**Гулхўжа, Gulxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб гулдек гўзал бола.

**Гулча, Gulcha** (◇., *фт.*) — кенжа қиз ёки жажжи, нозли гул (қиз).

**Гулчаман, Gulchaman** (◇., *фт.*) — гулзорга ўхшаш қиз, зебо ва бахтиёр қиз ёки умри гулзордек гўзал ва обод бўлсин.

**Гулчевар, Gulchevar** — (◇., *фт.-ўз.*) — гулдек гўзал ҳамда моҳир, устамон қиз.

**Гулчечак, Gulchechak** (◇., *фт.-ўз.*) — чечак (гуллар)нинг энг сараси ёки чечаклардек гўзал қиз.

**Гулчеҳра, Gulchehra** (◇., *фт.*) — гулюзли, хушрўй, соҳибжамол қиз.

**Гулчи, Gulchi** (◇., *фт.-ар.*) — гул экувчи ёки гул сотувчи қиз.

**Гулчин, Gulchin** (◇., *фт.*) — гуллар тўпловчи, йиғувчи, гулчи, гуллар боғбони.

**Гулчина, Gulchina** (◇., *фт.*) — *қар. Гулчин* (*Гулчин+а*).

**Гулчинор, Gulchinor** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал қиз чинордек узоқ умр кўрсин ёки умри гул каби кўркам ва чинор умридек узун бўлсин.

**Гулчирой, Gulchiroy** (◇., *фт.-ўз.*) — гулдек кўркам, гулюзли қиз.

**Гулшайдо, Gulshaydo** (◇., *фт.*) — гулни севувчи, гуллар ошиғи ёки кишини мафтун қилувчи, гулдек зебо қиз бўлсин.

**Гулшакар, Gulshakar** (◇., *фт.*) — гулшакар — гулнинг барги ва шакардан тайёрланган мураббо, ширинликдек, ширин, ёқимтой қиз ёки гулдек гўзал ва ёқимтой, ширин қиз.

**Гулшан, Gulshan** (◇., *фт.*) — умри гулзордек обод, зийнатли, бўлсин; шод, хуррам бўлиб ўссин.

**Гулшана, Gulshana** (◇., *фт.*) — *қар. Гулшан* (*Гулшан+а*).

**Гулшанча, Gulshancha** (◇., *фт.*) — *қар. Гулшан* (*Гулшан+ча*).

**Гулшараф, Gulsharaf** (◇., *фт.*) — гулдек кўҳлик ва мўътабар, шодон қиз.

**Гулшарифа, Gulsharifa** (◇., *фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Шарифа.*

**Гулшаҳар, Gulshahar** (◇., *фт.*) — *қар. Гул* ва *Шаҳар.*

**Гулшаҳноз, Gulshahnoz** (◇., *фт.*) — *қар. Гул* ва *Шаҳноз.*

**Гулшаҳноза, Gulshahnoza** (◇., *фт.*) — *қар. Гул* ва *Шаҳноз.*

**Гулшаҳри, Gulshahri** (◇., *фт.*) — *қар. Гул* ва *Шаҳрибону.*

**Гулшира, Gulshira** (◇., *фт.*) — гулнинг ширасидек ширин, ёқимтой, дилкаш қиз.

**Гулширин, Gulshirin** (◇., *фт.*) — гулдек чиройли ва мақбул ёқимтой қиз.

**Гулшод, Gulshod** (◇., *фт.*) — гулдек кўҳлик ва қувноқ, бахтиёр қиз.

**Гулшода, Gulshoda** (◊., *фт.*) — *қар. Гулшод* (*Гулшод+а*).

**Гулшоён, Gulshoyon** (◊., *фт.*) — гулдек кўҳлик ва мақбул, муносиб қиз.

**Гулшона, Gulshona** (◊., *фт.*) — гул ғунчасидек гўзал қиз.

**Гулшоҳ, Gulshoh** (◊., *фт.*) — гулларнинг энг аълоси ва зебо қиз.

**Гулюз, Gulyuz** (◊., *фт.-ўз.*) — чеҳраси гулдек, чиройли қиз. *Сол.: Гулчеҳра, Гулруй.*

**Гулюзим, Gulyuzim** (◊., *фт.-ўз.*) — гул юзлигим, яъни *Гулюз* исмининг эқ. шакли.

**Гулқавс, Gulqavs** (◊., *фт.-ар.*) — қавс гули, яъни қавс ойида (22 ноябрь — 21 декабрь) туғилган, гулдек кўркам қиз.

**Гулқадам**, (◊., *фт.-ар.*) — қадамига гуллар битсин, бахтли бўлсин ёки қадами қутлуғ, гулдек зебо қиз.

**Гулқайт, Gulqayt** (◊., *фт.-ўз.*) — гул, яъни қизлар туғилиши тўхтасин, қайтсин, яъни бундан кейингиси ўғил бўлсин.

**Гулқамар, Gulqamar** (◊., *фт.-ар.*) — гул ва ойдек гўзал қиз.

**Гулқанд, Gulqand** (◊., *фт.-ар.*) — гулқанд (атиргул япроғи ва шакардан тайёрлаб пиширилган ҳалво)дек ширин қиз ёки гулдек зебо ва қанддек ширин, ёқимли қиз.

**Гулқаҳқаҳ, Gulqahqah** (◊., *фт.*) — гулқаҳқаҳ (гул) каби гўзал, кўҳлик қиз бўлсин.

**Гулқиз, Gulqiz** (◊., *фт.-ўз.*) — гулдек зебо қиз.

**Гулғунча, Gulg'uncha** (◊., *фт.*) — гул ғунчасидек гўзал, дилбар қиз.

**Гулҳаё, Gulhayo** (◊., *фт.-ар.*) — гулдек кўҳлик ҳамда одобли, ҳаёли қиз.

**Гулҳаёт, Gulhayot** (◊., *фт.-ар.*) — ҳаёт гули ёки қар. *Гул* ва *Ҳаёт*.

**Гулҳайдар, Gulhaydar** (*фт.-ар.*) — *қар. Гул* ва *Ҳайдар.*

**Гунаш, Gunash** (◊., *ўз.*) — умри гунаш (кунаш), яъни қуёшдек порлоқ бўлсин; қуёш фарзанди.

**Гупрон, Гуфрон, Gupron** ( *ар.*) — кечирилган, гуноҳидан ўтилган, яъни умри узоқ, яшовчи бола.

**Гупронқул, Gupronqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бегуноҳ, кечирилган бандаси.

**Гурдибой, Gurdiboy** (*фт.*) — довюрак, баҳодир, ботир.

**Гурлан, Gurlan** (◊., *фт.*) — Гурлан шаҳарида туғилган қиз ёки гурлан уруғига мансуб қиз.

**Гуртбой, Gurtboy** (*фт.*) — гурт (қашқир, бўри)нинг териси ёки жағидан ўтказиб олинган; ёҳуд тиш билан туғилган бола.

**Гуҳарбоқи, Guharboqi** (*фт.-ар.*) — гавҳар, инжудек қимматли ва умри узоқ бола.

**Гўёхон, Go'yoxon** (◊., *фт* ) — сўзга чечан, нотиқа, сўзамол қиз.

**Гўжибой, Go'jiboy** (*ўз.*) — гўжи — довюрак, қўрқмас, жасур.

**Гўзал, Go‘zal** (◊., *ўз.*) — кўркам, чиройли, зебо. Шакллари: *Гўзалой, Гўзалхон, Гўзалбека.*

**Гўзалбека, Гўзалбика, Go‘zalbeka** (◊., *ўз.*) — беклар наслига мансуб кўркли қиз.

**Гўзалбону, Go‘zalbonu** (◊., *ўз.-фт.*) – аслзодалар, ҳукмдорлар наслига мансуб зебо қиз.

**Гўзалгул, Go‘zalgul** (◊., *ўз.-фт.*) – чиройли, соҳибжамол қиз, қизларнинг энг кўрклиси.

**Гўзалжон, Go‘zaljon** (◊., *ўз.-фт.*) — жондан азиз кўркам қиз.

**Гўзалой, Go‘zaloy** (◊., *ўз.*) — ой каби соҳибжамол қиз.

**Гўзалпошша, Go‘zalposhsha** (◊., *ўз.-фт.*) — обрўли, мартабали зебо қиз ёки гўзал қизлар сардори.

**Гўзалтож, Go‘zaltoj** (◊., *ўз.*) — баданида хол, тожи билан туғилган кўркам қиз.

**Гўзалхон, Go‘zalxon** (◊., *ўз.*) — қар. Гўзал (Гўзал+хон).

**Гўрўғли, Go‘ro‘g‘li** (*фт.-ўз.*) — айнан: "Гўрда туғилган бола". Бу исм ўзбек халқ достонлари қаҳрамони *Гўрўғли* номига нисбат бериб қўйилади. Қад. туркий тилда гўр // кўр-ботир, довюрак, паҳлавон маъноларини билдирган.

# Д

**Дабир, Дабирбой, Dabir** (*фт.*) – подшоҳ хазинасининг ҳисобчиси, мирзо, мунший; устоз, мураббий, йўлбошчи.

**Давбека, Davbeka** (◊., *ўз.*) — улуғ бека, бекнинг улуғ қизи.

**Давбой, Davboy** (*ўз.*) — ўткир, бақувват, давлатманд.

**Давбоқ, Davboq** (◊., *ўз.-ар.*) — асли Давбахт, яъни улкан, улуғ бахт эгаси. *Сол.*: *Хушбоқ, Қўшбоқ.*

**Давжон, Davjon** (*ўз.*) — улкан ва суюкли, азиз ўғил.

**Давкан, Davkan** (*ўз.*) — эҳт. *Давкан ~Давқон ~ Давхон* — улуғ хон ёки улкан, суюкли ўғил.

**Давкар, Davkar** (*ўз.-фт.*) — полвон, паҳлавон, баҳодир.

**Давлат, Davlat** (*ар.*) — бой, бадавлат, бахтли, саодатли. Таркибида давлат сўзи мавжуд *(Давлатали, Давлатмурод)* қўшма исмларнинг эқ. *Шакллари*: *Давлатбек, Давлатбой, Давлатжон* ва б.

**Давлатали, Davlatali** (*ар.*) — бой, бадавлат бўлсин ва Али қўллаб юрсин ёки Али ато қилган давлат, бахт (фарзанд).

**Давлатафзо, Davlatafzo** (*ар.-фт.*) — давлат соҳиби, бахтли, бахтиёр.

**Давлатбахт, Davlatbaxt** (◊., *ар.*) — бой ва бахтиёр бола ёки давлатимиз бўлган ўғил бахтли бўлсин.

**Давлатбегим, Davlatbegim** (◊., *ар.-ўз.*) – *қар. Давлат* ва *Бегим.*

**Давлатберди, Davlatberdi** (*фт.-ўз.*) — орзу қилган давлатимиз ёки Аллоҳ давлатли ўғил ато қилди.

**Давлатбиби, Davlatbibi** (◊., *ар.ўз.*< *ҳинд.*) — бадавлат, бахтли ва улуғ мартабали қиз.

**Давлатбика, Davlatbika** (◊., *ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган, бой, бадавлат қиз.

**Давлатбоқди, Davlatboqdi** (*ар.-ўз.*) — бизга бахт кулиб боқди, яъни ўғилли (давлатли) бўлдик.

**Давлатгул, Davlatgul** (◊., *ар.-фт.*) — бадавлат ва гулдек гўзал қиз.

**Давлатдиёр, Dvlatdiyor** (*ар.*) — эл бойлиги, эл фарзанди.

**Давлатёз, Davlatyoz** (*ар.-фт.*) — қар. *Давлатниёз.*

**Давлатёр, Davlatyor** (*ар.- фт.*) — бойлик, қут ёр бўлсин.

**Давлатжамол, Davlatjamol** (◊., *ар.*) — давлатли ҳамда чиройли, зебо қиз.

**Давлатжаҳон, Davlatjahon** (◊., *ар.*) — *қар. Давлат* ва *Жаҳон* ёки бутун оламга татирли қиз.

**Давлатжон, Davlatjon** (*ар.-фт.*) — бой-бадавлат ҳамда азиз, суюкли ўғил.

**Давлаткарим, Davlatkarim** (*ар.*) — карим (Аллоҳ) берган бойлик, саодат.

**Давлаткелди, Davlatkeldi** (*ар.+ўз.*) — кутган бойлик (давлатга) эришдик, яъни ўғилли бўлдик ёки давлатли ўғил туғилди.

**Давлатмамат, Davlatmamat** ( *ар.*) — *қар. Давлатмуҳаммад.*

**Давлатманд, Davlatmand** (*ар.- фт.*) — бой, давлатли, бахтиёр, хушбахт.

**Давлатмирза, Davlatmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Давлат* ва *Мирза.*

**Давлатмомо, Davlatmomo** (◊., *ар.-ўз.*) — бувисининг исми берилган бадавлат қиз.

**Давлатмурод, Davlatmurod** (*ар.*) — бой, давлатли бўлиб, муродмақсадига етсин.

**Давлатмуҳаммад, Davlatmuhammad** (*ар.*) — бой, бадавлат бўлсин ва Муҳаммад (сав) қўллаб, асраб юрсин.

**Давлатназар, Davlatnazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти б-н эришилган бой, давлатли бола,

**Давлатнафас, Davlatnafas** (*ар.*) — Аллоҳнинг қудрати, нафаси туфайли эришилган давлатманд бола.

**Давлатниёз, Davlatniyoz** (*ар.-фт.*) — туҳфа қилинган бойлик, давлат, яъни фарзанд.

**Давлатнисо, Davlatniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг бой, бадавлати, яъни бахтли, бахтиёр қиз.

**Давлатнур, Davlatnur** (◊., *ар.*) — Нур (Аллоҳ) ато этган бойлик, бахт ёки давлатманд бўлиб ҳаёти нурли бўлсин.

**Давлатой, Davlatoy** (◊., *ар.-ўз.*) — бадавлат ҳамда ойдек сулув қиз.

**Давлатомон, Davlatomon** (*ар.*) — бой, давлатли ўғил соғу саломат ўссин.

**Давлатпошша, Davlatposhsha** (◇., *ар.-фт.*) – бой, давлатли ҳамда суюкли, эъзозли қиз.

**Давлатсафар, Davlatsafar** (◇., *ар.*) – сафар ойида ёки сафар чоғида таваллуд топган давлатли қиз.

**Давлатсиҳат, Davlatsihat** (*ар.*) – бадавлат ўғил соғ, омон бўлсин.

**Давлаттурди, Davlatturdi** (*ар.-ўз.*) – бой-бадавлат ўғилнинг умри узоқ бўлсин яшасин, турсин.

**Давлатхон, Davlatxon** (*ар.-ўз.*) – *қар. Давлат* (*Давлат+хон*).

**Давлатхўжа, Davlatxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган бадавлат бола.

**Давлатшо, Davlatsho** (*ар.-фт.*) – соғ улғайиб, давлатнинг шоҳи (подшоҳи) бўлсин.

**Давлатшоҳ, Davlatshoh** (*ар.-фт.*) – бойлик, давлат соҳиби.

**Давлатюсуф, Davlatyusuf** (*ар.-қад. яҳ.*) – *қар. Давлат* ва *Юсуф.*

**Давлатўроз, Davlato'roz** (*ар.-ўз.*) – бой, бадавлат ҳамда бахтли ўғил ёки ўроза (рўза) ойида таваллуд бадавлат бола.

**Давлатқадам, Davlatqadam** (*ар.*) – қадами қутлуғ, бахт келтирувчи ўғил.

**Давлатқилич, Davlatqilich** (*ар.-ўз.*) – бадавлат ва қиличдек ўткир, маҳкам бола.

**Давлатқул, Davlatqul** (*ар.-ўз.*) – *қар. Давлат.* (*Давлат+қул*) ёки Аллоҳнинг бадавлат, маъмур бандаси.

**Давлатқурбон, Davlatqurbon** (*ар.*) – қурбон ойи (зулҳижжа) да туғилган бадавлат, бахтли бола.

**Даврбой, Davrboy** (*ар.-ўз.*) – давр, замон фарзанди. Шакллари: *Давржон, Даврбек.*

**Даврия, Davriya** (◇., *ар.*) – давр, фарзанди, замон қизи.

**Даврон, Davron** (*ар.*) – давр сурсин, умри шодон, бахтиёр ўтсин.

**Давронали, Davronali** (*ар.*) – давр сурсин, бахтли бўлсин ва Али қўллаб, асраб юрсин.

**Даврongул, Davrongul** (◇., *ар.-ўз.*) – гулдек сулув қизнинг умри шодликларга тўла бўлсин.

**Давронкелди, Davronkeldi** (*ар.-ўз.*) – бахтли, саодатли ўғил туғилди.

**Давроной, Davronoy** (◇., *ар.-ўз.*) – ойдек сулув қизнинг ҳаёти, бахтиёр, шодон бўлсин.

**Давронхўжа, Davronxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар авлодига мансуб бахтиёр, саодатманд бола.

**Давронқул, Davronqul** (*ар.-ўз.*) – даврга содиқ фарзанд бўлсин.

**Даврхон, Davrxon** (◇., *ар.-ўз.*) – *қар. Давр.* (*Давр+хон*).

**Даврқул, Davrqul** (*ар.-ўз.*) – даврнинг содиқ фарзанди, хизматкори.

**Давхон, Davxon** (*ўз.*) – айнан: катта, улуғ хон, яъни улғайиб, улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Давқора, Davqora** (*ўз.*) – катта жасорат эгаси, мард, жасур бола ёки тунғич қора бола.

**Дагар, Dagar** (*ўз.*) — қўзи, қўзичоқ (8-10 ойлик эркак қўзи), яъни суюкли, эркатой ўғил. Эҳт. *Дигар* (қар.)

**Дада, Dada** (*ўз.*) — марҳум дадаси (отаси) ёки бобосининг исми берилган бола, ёхуд соғ улғайиб отасидек киши бўлсин.

**Дадаали, Dadaali** (*ўз.-ар.*) — дадаси ёки бобоси исми б-н аталган болани Али қўллаб юрсин ёки Алининг ҳадъяси, туҳфаси.

**Дадаасал, Dadaasal** (*ўз.-ар.*) — дадаси номини олган суюкли, ёқимтой бола.

**Дадааҳмад, Dadaahmad** (*ўз.-ар.*) — дадаси ёки бобоси исми б-н аталган ўғилни *Аҳмад* (*қар.*) қўллаб юрсин ёки *Аҳмаднинг* (пайғамбар)нинг эҳсони, ҳадъяси.

**Дадаберди, Dadaberdi** (*ўз.*) — худо берган ва отаси ёки бобоси исми б-н номланган бола ёхуд марҳум отасининг ўрнига берилган бола.

**Дадабой, Dadaboy** (*ўз.*) — қар. *Дада* (*Дада+бой*) ёки совға, туҳфа қилинган ўғил.

**Дадажон, Dadajon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Дада* (*Дада+жон*).

**Дадавали, Dadavali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Дада* ва *Вали.*

**Дадайўлдош, Dadayo'ldosh** (*ўз.*) — дадасига ҳамроҳ, йўлдош бўлиб ўссин.

**Дадакелди, Dadakeldi** (*ўз.*) — марҳум дадасининг ўрнига берилган бола.

**Дадамат, Dadamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Дадамуҳаммад.*

**Дадамирза, Dadamirza** (*ўз.-фт.*) — дадасининг исми берилган бола ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Дадамурод, Dadamurod** (*ўз.-ар.*) — дадаси ўрнини боссин ва соғ улғайсин, муроду мақсадига етсин.

**Дадамуҳаммад, Dadamuhammad** (*ўз.-ар.*) — дадасининг (отаси ёки бобоси) исми берилган ўғилни *Муҳаммад* (сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад (сав)нинг совғаси, эҳсони.

**Дадан, Dadan** (*фт.*) — дадан — туҳфа қилинган бола ёки қар. *Даданазар.*

**Даданазар, Dadanazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти, назари б-н эришилган бола.

**Дадаортиқ, Dadaortiq** (*ўз.*) — дадасининг номи берилган ва баданидан бирор ортиқ белги билан туғилган бола.

**Дадасардор, Dadasardor** (*ўз.-фт.*) — *қар. Дада* ва *Сардор.*

**Дадафарид, Dadafarid** (*ўз.-ар.*) — дадаси номини олган, тенгсиз, ягона, беназир бола.

**Дадахол, Dadaxol** (*ўз.-фт.*) — дадаси номи берилган ва хол билан туғилган ўғил.

**Дадахон, Dadaxon** (*ўз.*) — дадасининг номи берилган улуғ мартабали бола.

**Дадахўжа, Dadaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — дадаси номини олган, хўжалар наслига мансуб бола.

**Дадаш, Dadash** (*ўз.*) — "Дада" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Дадашариф) эқ. шакли.

**Дадашайдо, Dadashaydo** (*ўз.-фт.*) — қар. *Дада* ва *Шайдо*

**Дадашайх, Dadashayx** (*ўз.-ар.*) — дадасининг номи берилган ва руҳонийлар наслига мансуб бола ёки азиз-авлиё ато қилган бола, шайхнинг туҳфаси.

**Дадашариф, Dadasharif** (*ўз.-ар.*) — *қар. Дада* ва *Шариф*.

**Дадақобил, Dadaqobil** (*ўз.-ар.*) — дадасининг исми берилган одобли, мўмин-қобил бола.

**Дадақул, Dadaqul** (*ўз.*) — *қар. Дада* (*Дада+қул*) ёки соғ улғайиб отасига кўмакдош бўлсин.

**Дадақурбон, Dadaqurbon** (*ўз.-ар.*) — дадасининг номи берилган ва қурбон ойида таваллуд топган бола ёки қурбон ойида берилган туҳфа, эҳсон.

**Дадақўзи, Dadaqo'zi** (*ўз.*) — дадасининг исмини олган, суюкли, эрка бола.

**Дадил, Дадилбой, Dadil** (*ўз.*) — жасур, довюрак, чаққон, эпчил.

**Дадила, Dadila** (◇., *ўз.*) — чаққон, эпчил, жасур қиз.

**Даёвбой, Dayovboy** (*ўз.*) — эҳт. баёв-бой, бақувват, қудратли ёки баёв — маҳкам, мустаҳкам.

**Дайёр, Dayyor** (*фт.*) — турғун, муҳим, яъни яшайдиган бола ёки қабила, уруғ бошлиғи, саид, пир.

**Дала, Далабой, Dala** (*ўз.*) — эҳт. далада туғилган бола ёки улғайиб далалар, ерларнинг эгаси бўлсин.

**Далан, Даланбой, Dalan** (*ўз.*) — далан, дўлан, коридор, яъни йўлкада қолсин, яшасин ёки йўлакда ётган арзимас бола. Болага кўз тегмасин ва у яшаб кетсин деган маънода берилади.

**Далахон, Dalaxon** (◇., *ўз.*) — *Дала* (*Дала+хон*) ёки Дал (л)-анозу ишвали, гўзал қиз.

**Далбой, Dalboy** (*ўз.*) — маҳкам, ишонч билан турувчи ёки нозик, хушбичим, чиройли. Эҳт. дал // дел-ёт, ўзга, яъни бизнинг ўғлимиз эмас, гўдакнинг душмани-ёвуз кучларни чалғитиш учун бериладиган исм.

**Дали, Далибой, Dali** (*ўз.*) — шўх, жўшқин, ҳаракатчан, довюрак.

**Далир, Dalir** (*фт.*) — қўрқмас, довюрак, ботир.

**Далли, Даллибой** — эҳт: *Дали, Далибой* (*қар.*).

**Далғин, Dalg'in** (*ўз.*) — ўткир фикрли, ўта мушоҳадали, ақлли, доно.

**Дам, Дамбой, Dam** (*ўз.*) — ваъзгўй, динга сидқидилдан ишониш ва амал қилишга чорловчи, хатиб.

**Дамавбой, Дамовбой, Damovboy** (*ўз.*) — ота-онасига кўмакчи, ёрдамчи, суянч бўлсин.

**Дамин, Damin** (*ар.*) — саботли, қунт-тоқатли, мустаҳкам. Шакллари: *Даминбек, Даминбой, Даминжон.*

**Дамина, Damina** (◇., *ар.*) — сабр-тоқатли, иродали қиз.

**Дамир, Damir** (*ўз.*) — *қар. Темир*, яъни мустаҳкам, яшовчи, ёки *Дамир* — русча: "Даздравствует мир" иборасининг қисқармаси.

**Дамира, Damira** (◊., *ўз. ар.*) — *қар. Дамир* (*Дамир+а*).

**Дамирали, Damirali** (*ўз. ар.*) — темир (дамир)дек мустаҳкам ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Данак, Danak** (*фт.*) — данакдек маҳкам бўлсин.

**Дангал, Dangal** (*ўз.*) — саботли, шижоатли, қайтмас, иродали.

**Дарбой, Darboy** (*фт.-ўз.*) — қопқа, дарвоза, қопқадек мустаҳкам бўлсин ёки мустаҳкам қалъа ва манзилларнинг эгаси бўлсин.

**Дарвеш, Darvesh** (*фт.*) — фарзандга муҳтож (гадо) бўлиб юрганда эришилган бола ёки дарвеш-қаландар, зоҳид.

**Дарвешали, Darveshali** (◊., *фт.-ўз.-ар.*) — фарзандга муҳтож (гадо) бўлиб юрганда эришилган болани Али қуллаб юрсин ёки ўзини Алининг йўлига бағишлайдиган бола.

**Дарвешмирза, Darveshmirza** (*фт.*) — *қар. Дарвеш* ва *Мирза*.

**Дарвешмуҳаммад, Darveshmuhhammad** (*фт.-ар.*) — муҳтож (гадо) бўлиб, юриб эришилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад (сав) динига ўзини бахшида этувчи.

**Дарёбой, Daryoboy** (*фт.-ўз.*) — умри дарёдек давомли, узун бўлсин ёки дария – ғолиб, музаффар, омадли.

**Дарёгул, Daryogul** (◊., *фт.*) — умри дарёдек давомли, узун, ҳамда гулдек гўзал қиз.

**Дарёхон, Daryoxon** (◊., *фт.-ўз.*) — умри дарёдек узун ва мўътабар, суюкли қиз.

**Дарёқул, Daryoqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Дарё.* (Дарё+қул).

**Дариқа, Dariqa** (◊., *ўз.*) — ақлли, идрокли қиз ёки қар. *Дариғ.*

**Дариғ, Darig'** (*ар.*) — афсус, надомат. Оилада болалар ўлавергач, ота-она Аллоҳга шундай илтижо қилиб берилган исм.

**Даркор, Darkor** (*фт.*) — лозим бўлган, кутилган, орзу қилиб эришилган бола.

**Даржон, Darjon, Дармонжон** (*фт.*) — ота-онасига куч, қувват, суянч бўлсин. Шакллари: *Дармонжон, Дармонтой, Дармонхон.*

**Дармонқул, Darmonqul** (*фт.-ўз.*) — қар. *Дармон* (*Дармон+қул*).

**Даромад, Daromad** (◊., *фт.*) — бойлигимиз, давлатимиз бўлган қиз ёки омадли бахтли қиз бўлсин.

**Даросат, Darosat** (*ар.*) — илм соҳиби, билимларни эгалловчи.

**Дарров, Darrov** (*фт.*) — чаққон, эпчил, шижоатли бола.

**Дархон, Darxon** (*ўз.-муғ.*) — эркин, озод, дахлсиз. Ўтмишда махсус унвон, мансаб номи бўлиб, у хон саройига эркин кириб чиқувчиларни англатган. Демак, Дархон-дархон унвонига сазоворлар наслига мансуб бола.

**Дархонмирза, Darxonmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Дархон* ва *Мирза.*

**Дархонхўжа, Darxonxo'ja** (*ўз.*) — *Дархон ва Хўжа.*

**Даста, Dasta** (◊., *фт.*) — *қар. Дастагул.*

**Дастагул, Dastagul** (◊., *фт.*) — гул ўрамидек зебо қиз ёки фарзандларимиз гул дастасидек кўпайсин.

**Дастёр, Dastyor** (*фт.*) — ота-онасига ёрдамчи, кўмакчи.

**Дастурбой, Dasturboy** (*фт.-ўз.*) — маслаҳатчи, раҳнамо, бошлиқ ёки куч, қудрат соҳиби.

**Дашна, Дашнабой, Dashna** (*ўз.*) — ўткир учли пичоқ (ханжар)-дек мустаҳкам, ўткир бўлсин.

**Даштбой, Dashtboy** (*фт.*) — чўлда, даштда туғилган бола ёки ҳисорлар, далалар эгаси (посбони) бўлсин.

**Дақиқа, Daqiqa** (◊., *ар.*) — ширинсўз, нозик, латиф сўз эгаси, нотиқа; нафосатли дилбар қиз.

**Даҳабой, Dahaboy** (*фт.*) — маҳалла фарзанди ёки Даҳобой (ар.-ўз.) — юксак зеҳн ва заковат соҳиби.

**Даҳрибой, Dahriboy** (*ар.-ўз.*) — узоқ, боқий умрли бола.

**Дебохон, Дебоҳхон, Deboxon** (◊., *фт.*) — дебо-юпқа, нафис ипак мато, ҳарир-кийим, яъни мулойим, нафосатли қиз.

**Девдил, Devdil** (*фт.*) — девюрак, жасур, кучли, довюрак.

**Девлоҳ, Devloh** (*фт.*) — айнан: яйлов, саҳро; яйлов, саҳро; яйловда туғилган ўғил ёки ҳаёти яйловдек кенг ва равон бўлсин.

**Девлоҳчи, Devlohchi** (*фт.*) — яйлов, далалар эгаси, яйловда таваллуд топган бола.

**Девман, Devman** (*фт.*) — кучли, қудратли, баҳодир.

**Девон, Devon** (*фт.*) —хон идораси, маҳкамаси бошлиғи бўлсин ёки қаср, кўшк эгаси. Эҳт: *Девона* (*қар.*)

**Девона, Devona** (*фт.*) — фарзандга зор, гадо бўлиб юрганда эришилган ўғил ёки болани ёмон кўздан асраш учун *Девона* деб номланади.

**Девонбой, Devonboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Девон* (*Девон+бой*).

**Девонмамат, Devonmamat** (*фт.-ар.*) — қар. *Девонмуҳаммад.*

**Девонмуҳаммад, Devonmuhammad** (*фт.-ар.*) — улғайиб мансабдор бўлсин ва Муҳаммад (сав) қўллаб, асраб юрсин.

**Девонхўжа. Devonxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола улуғ мансаблар эгаси бўлсин.

**Девонқул, Devonqul** (*фт.-ўз.*) — хон идораси, саройи хизматкори. *Қар. Девон* (*Девон+қул*).

**Девор, Devor** (*фт.*) — муҳофоза қилинган, ҳимояланган ёки девордек мустаҳкам бола.

**Денгиз, Dengiz** (*ўз.*) — умри денгиз каби кенг ва бепоён бўлсин.

**Денгизбой, Dengizboy** (*ўз.*) — умри денгиздек бепоён бўлсин ёки денгиздек чексиз бойликлар эгаси бўлсин.

**Денов, Denov** (*фт.*) — Деновда (Сурхондарё вилоятидаги туман) туғилган бола, Денов фарзанди.

**Деҳқон, Dehqon** (*фт.*) — улғайиб деҳқон бўлсин ёки бой, бадавлат (ер эгаси) бўлсин.

**Деҳқонали, Dehqonali** (*фт.-ар.*) — улғайиб деҳқон бўлсин ва Али қўллаб-қувватлаб юрсин.

**Деҳқонбола, Dehqonbola** (*фт.-уз.*) — улғайиб деҳқон бўлсин, деҳқон фарзанди.

**Деҳқонбу, Деҳқонбуви, Dehqonbu** (*фт.-ўз.*) — деҳқон, соҳибкор қиз.

**Деҳқонбўл, Dehqonbo'l** (*фт.-ўз.*) — улғайиб деҳқон, меҳнаткаш, меҳнатсевар бўлсин.

**Деҳқонхўжа, Dehqonxo'ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган бола улғайиб меҳнаткаш, деҳқон бўлсин.

**Деҳқонкул, Dehqonqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Деҳқон* ёки Аллоҳнинг меҳнаткаш (деҳқон) бандаси.

**Дигар, Digar** (*фт.*) — ўзга, бошқа, ўзгача бола, яъни аввалги турмаган болалардан фарқли бола, яъни яшайдиган, умри узоқ бола, *Сол: Дагар.*

**Диёнат, Diyonat** (*ар.*) — субутли, диёнатли бўлиб ўссин.

**Диёр, Диёрбек, Diyor** (◇., *ар.*) — ўлка, она юрт фарзанди.

**Диёра, Diyora** (◇., *ар.*) — ўлка, она юрт фарзанди.

**Дил, Dil** (*фт.*) — қалб, юрак, тириклик, яъни виждонли, саховатли қалб эгаси ёки мард, жасур. *Шакллари: Дилбек, Дилбой, Дилжон.*

**Дилафза, Dilafza** (◇., *фт.*) — *қар. Дилафрўз.*

**Дилафрўз, Dilafro'z** (◇., *фт.*) — дилни қувонтирувчи, шодлантирувчи; дилни яйратувчи.

**Дилафрўза, Dilafro'za** (◇., *фт.*) — дилни очувчи, яйратувчи, кўнгилга ҳузур, шодлик бахш этувчи.

**Дилаш, Dilash** (◇., *фт.*) — "дил" сўзи билан бошланувчи қўшма исмларнинг эқ.

**Дилбанд, Dilband** (◇., *фт.*) — дилга яқин, жигарбанд, азиз; жозибали, мафтункор, гўзал.

**Дилбар, Dilbar** (◇., *фт.*) — ёқимли, ёқимтой, кўнгилни олувчи, мафтун қилувчи; гўзал, зебо; суюкли.

**Дилбарали, Dilbarali** (*фт.-ар.*) — келишган, чиройли йигит бўлиб ўссин ва Али қўллаб юрсин.

**Дилбарбек, Dilbarbek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган гўзал, чиройли ўғил.

**Дилбарнисо, Dilbarniso** (◇., *фт.-ар.*) — аёлларнинг ёқимлиси, энг гўзали зебоси, суюклиси.

**Дилбашир, Dilbashir** (*фт.-ар.*) — кўнгилга шодлик, қувонч келтирувчи ўғил.

**Дилбашира, Dilbashira** (◇., *фт.-ар.*) — кўнгилга қувонч, шодлик келтирувчи қиз.

**Дилбоз, Дилбоза, Dilboz** (◇., *фт.*) — кўнгилни мафтун этувчи, кўнгилни овловчи, суюкли.

**Дилда, Dilda** (◇., *фт.*) — соф олтин, олтин тангадек қадрли, азиз қиз.

**Дилдагул, Dildagul** (◇., *ар.-фт.*) — соф олтин (олтин танга)-дек қадрли, бебаҳо қиз.

**Дилдода, Dildoda** (◊., *фт.*) — суюкли, содиқ, вафодор.

**Дилдор, Dildor** (◊., *фт.*) — дилдан севилган, чин муҳаббат соҳибаси, дилни ром қилувчи ёки раҳмдил, жасур, довюрак. Шакллари: *Дилдоржон, Дилдорой, Дилдорхон.*

**Дилдора, Dildora** (◊., *фт.*) — қар. Дилдор (Дилдор+а).

**Дилдорали, Dildorali** (*фт.-ар.*) — суюкли, меҳрибон, ғамхўр бола бўлсин ва Али қўллаб юрсин.

**Дилдорбек, Dildorbek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган суюкли бола.

**Дилёр, Dilyor** (◊., *фт.*) — кўнгил ҳамроҳи, қалб ҳамдами ёки меҳр, шафқат эгаси.

**Дилзода, Dilzoda** (◊., *фт.*) — юракдан, дилдан топилган суюкли қиз ёки меҳр, садоқат фарзанди.

**Дилзор, Dilzor** (◊., *фт.*) — дилдан зор бўлиб, орзиқиб юриб эришилган қиз.

**Дилиш,** (◊., *фт.*) — "Дил" сўзи билан бошланадиган қўшма исмларнинг эқ.

**Дилкаш, Dilkash** (◊., *фт.*) — кўнгилни, ром қилувчи, ёқимтой, суюкли қиз.

**Дилкушо, Dilkusho** (◊., *фт.*) — кўнгли очиқ, дилкаш, дилрабо, дилни яйратувчи, одамсевар, инсонпарвар.

**Дилли, Диллибой, Dilli** (*фт.*) — "Дил" сўзи б-н бошланган эркаклар қўшма исмларининг эқ.

**Дилмон, Dilmon** (*фт.*) — *қар. Дилмуҳаммад, Дилмурод.*

**Дилмурод, Dilmurod** (*фт.-ар.*) — кўнглимиздаги истак, орзу (мурод) бўлган бола; дилга таскин берган ўғил.

**Дилнавоз, Dilnavoz** (◊., *фт.*) — юракка қувонч бахш этувчи; қалбга яқин, суюкли, қадрли.

**Дилназар, Dilnazar** (*фт.-ар.*) — кўнглимиз хоҳишига илтифот (назар) қилиб берилган ўғил.

**Дилназир, Dilnazir** (*фт.-ар.*) — илтифот қилиб берилган суюкли бола ёки қар. *Дил* ва *Назир.*

**Дилнаҳор, Dilnahor** (◊., *фт.-ар.*) — қалби саҳардек мусаффо қиз ёки наҳор пайти туғилган суюкли қиз.

**Дилнигор, Dilnigor** (◊., *фт.*) — интизор, умидвор бўлиб, дилдан кўмсаб, интиқ бўлиб эришилган қиз.

**Дилниёз, Dilniyoz** (*фт.*) — дилдан истаб, кўмсаб эришилган инъом, совға (фарзанд).

**Дилноз, Dilnoz** (*фт.*) — ишвали, нозли қалб эгаси, нозик, нафис, дил соҳиби.

**Дилноза, Dilnoza** (◊., *фт.*) — *қар. Дилноз (Дилноз+а).*

**Дилнозик, Dilnozik** (◊., *фт.*) — нозик дилли, кўнгилчан, дилкаш.

**Дилнора, Dilnora** (◊., *фт.*) — соф кўнгилли, меҳрибон ва Нор (қизил хол) билан туғилган қиз.

**Дилнур, Dilnur** (◊ ., *фт.-ар.*) – равшан, нурли қалб эгаси, меҳру шафқат соҳибаси.

**Диловар, Dilovar** (◊ ., *фт.*) – жасур, қўрқмас, довюрак; паҳлавон, қаҳрамон.

**Диловархўжа, Dilovarxo'ja** (*фт.*) – хўжалар авлодидан бўлган жасур бола.

**Диловоз, Dilovoz** (◊ ., *фр.*) – дилни тортувчи, сеҳрловчи; мафтункор қиз.

**Дилор, Dilor** (◊ ., *фт.*) – *Дилором, Дилоро* исмларининг қисқарган шакли.

**Дилоро, Diloro** (◊ ., *фт.*) – мафтункор, мафтун қилувчи суюкли ёки дилга аро берувчи, қалб зийнати.

**Дилором, Dilorom** (◊ ., *фт.*) – кўнгилга таскин, ором берувчи; суюкли қиз.

**Дилосо, Diloso** (◊ ., *фт.*) – ёқимли, ёқимтой, кўнгилга хуш келувчи.

**Дилрабо, Dilrabo** (◊ ., *фт.*) – дилни тортувчи, қалбни мафтун этувчи, жозибали.

**Дилруҳ, Dilruh** (◊ ., *фт.*) – дилга жон, руҳ бахш этувчи, қалб мадори.

**Дилсоз, Дилсозбиби, Dilsoz** (◊ ., *фт.*) – кўнгил, қалб малҳами.

**Дилсора, Dilsora** (◊ ., *фт.*) – соф, тоза қалб эгаси; меҳрли, меҳрибон.

**Дилсўз, Dilso'z** (◊ ., *фт.*) – жонкуяр, меҳрибон, мушфиқ.

**Дилфариб, Dilfarib** (◊ ., *фт.*) – дилбар, дилрабо; зебо, гўзал.

**Дилфикр, Dilfikr** (◊ ., *фт.-ар.*) – самимий, дилдан фикрловчи, тўғри сўз.

**Дилфируза, Dilfiruza** (◊ ., *фт.*) – дилни ёритувчи, кўнгилга шодлик, шавқ бағишловчи; тенгсиз, кўркам.

**Дилфуза, Dilfuza** (◊ ., *фт.*) – *Дилфируза* исмининг ўзгарган шакли.

**Дилхон, Dilxon** (*фт.-ўз.*) – қалб эгаси, мурувватли қалб соҳиби.

**Дилхоҳ, Dilxoh** (◊ ., *фт.*) – кўнгил истаги, хоҳиши, дилдан тилаб олинган қиз; дилни тортувчи, кўнгилга яқин, суюкли.

**Дилхумор, Dilxumor** (◊ ., *фт.-ар.*) – дилни мафтун этувчи, кўнгилни элитувчи, яъни зебо, дилкаш қиз.

**Дилхуш, Dilxush** (◊ ., *фт.*) – дилдан хуш кўрилган, дилдан исталган, қалб орзуси бўлган қиз.

**Дилшод, Dilshod** (*фт.*) – қувноқ, бахтиёр, шодон ёки кўнглимизнинг қувончи бўлган фарзанд.

**Дилшода, Dilshoda** (◊ ., *фт.*) – *қар. Дилшод.*

**Диляйра, Dilyayra** (◊ ., *фт.-ўз.*) – кўнгли яйраб, бахтиёр бўлиб ўссин ёки кўнгилни яйратувчи, дилкаш қиз.

**Дилқиз, Dilqiz** (◊ ., *фт.-ўз.*) – дилкаш, юксак қалб соҳиби бўлган қиз ёки меҳрибон, ғамхўр қиз.

**Дилҳавас, Dilhavas** (◊ ., *фт.-ар.*) – қалбимизнинг армони, орзуси бўлган қиз.

**Динали, Dinali** (*ар.*) – Али мансуб бўлган дин фарзанди, мусулмон.

**Динасл, Dinasl** (*ар.*) – диннинг асл фарзанди, мусулмон, мўмин.

**Динаҳмад, Dinahmad** (*ар.*) – Муҳаммад (сав)нинг дини (ислом) фарзанди. Аҳмад Муҳаммад пайғамбарнинг сифатларидан биридир.

**Диндор, Диндорхон, Dindor** (◊ ., *ар.-фт.*) – динни, мусулмончиликни маҳкам тутувчи, художўй.

**Динмамат, Dinmamat** (*ар.*) – *қар. Динмуҳаммад.*

**Динмат, Dinmat** (*ар.*) – *қар. Динмуҳаммад.*

**Динислом, Dinislom** (*ар.*) – ислом дини фарзанди, мусулмон.

**Динмурод, Dinmurod** (*ар.*) – динга илтижо қилиб эришилган орзу, мурод, ўғил.

**Динмуҳаммад, Dinmuhammad** (*ар.*) – мусулмон, художўй бола ёки Муҳаммад (сав) динига мансуб бола.

**Диновар, Dinovar** (◊ ., *ар.-фт.*) – диндор, художўй, тақводор.

**Динор, Динорбой, Dinor** (*ар.-юн.*) – динор (тилло танга) каби қадрли, қимматли ўғил ёки улғайиб бой, бадавлат бўлсин.

**Динора, Dinora** (◊., *ар.-юн.*) – тилло тангадек қимматли, қадрли, яъни азиз, мўътабар қиз. *Шакллари: Динорой, Динорхон.*

**Динулла, Dinulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг динига эргашувчи, бўйсинувчи бола.

**Диншо, Dinsho** (*ар.-фт.*) – диннинг шоҳи, ҳукмдори, динни улуғловчи, дин ҳимоячиси.

**Довар, Dovar** (*фт.*) – адолатпарвар, ҳақиқат, ҳаққоният тарафдори; подшоҳ, ҳоким.

**Довон, Довонбой, Dovon** (*ўз.*) – довондан ошсин, яъни ўлмасин ёки довонда туғилган бола. Эҳт: *Девон (қар.).*

**Довонмирза, Dovonmirza** (*фт.*) – эҳт: Девонмирза – шоҳ идораси, саройининг котиби, мирзаси.

**Довуд, Dovud** (*қад. яҳ.*) – меҳрли, меҳрибон, дилдан севувчи, суюкли, чин дўст ёки шифо берувчи, соғайтувчи. Довуд пайғамбар темирчиларнинг пири ҳисобланади.

**Довудқул, Dovudqul** (*қад. яҳ.-ўз.*) – Довуд (ас)нинг хизматкори, қули.

**Довул, Довулбой, Dovul** (*ўз.*) – довулли-довул (бўрон) пайти туғилган ўғил.

**Довулли, Dovulli** (*ўз.*) – довулли (бўронли) кунда туғилган бола.

**Додбой, Dodboy** (*фт.*) – адолатли, ҳақиқатпарвар ёки илтижолар қилиб эришилган бола.

**Додали, Dodali** (*фт.-ар.*) – Алидан илтижолар қилиб олинган туҳфа. Али эҳсон қилган фарзанд.

**Додар, Dodar** (*фт.*) – адолатли; раҳмдил, меҳрибон.

**Додбахш, Dodbaxsh** (*фт.*) – адолат ва ҳаққоният эгасининг (Аллоҳ) туҳфаси, эҳсони.

**Додванд, Dodvand** (*фт.*) – одил, адолатли, тўғри фикрловчи.

**Додвор, Dodvor** (*фт.*) – одил, адолатли, тўғри йўл кўрсатувчи.

**Додгар, Dodgar** (*фт.*) – адолатпеша, одил ҳукм юритувчи.

**Додмеҳр, Dodmehr** (◊ ., *фт.*) – қуёш туҳфаси, қуёш ато қилган бола ёки меҳр ойи (шамсия йил ҳисобининг 7 ой)да тугилган, туҳфа қилинган қиз.

**Додмуҳаммад, Dodmuhammad** (*фт.-ар.*) – Муҳаммад (сав) туҳфаси, Муҳаммад (сав) ато қилган бола.

**Додхудо, Dodxudo** (*фт.*) – Аллоҳ берган, ато қилган бола, Аллоҳнинг туҳфаси.

**Додҳо, Dodho** (*фт.*) – адолатпарвар; ҳаққоният ва тўғрилик соҳиби. Додҳо – ўтмишда Бухоро хонлигида юқори мансаблардан бири бўлган ва у хон олдига кирувчиларни қабул қилувчи шахс ҳисобланган.

**Долибой, Doliboy** (*ар.*) – дол-тўғри; долу-ўсувчи, улғаювчи.

**Долим, Dolim** (*ар.*) – ўсувчи, улгаювчи, кўпаювчи.

**Долчин, Dolchin** (*фт.*) – долчиндек ёқимли, қадрли бола.

**Доман, Домон, Doman** (◊ ., *фт.*) – номусли, иффатли, покиза, покдомон.

**Домлажон, Домуллажон, Domlajon** (*ар.*) – улғайиб муаллим, ўқитувчи, устоз бўлсин ёки домланинг (эшон) дуоси билан эришилган фарзанд.

**Донаш, Донашхон, Donash** (◊ ., *фт.*) – ёмон, ифлос қиз. Гудакка кўз тегмасин деб берилувчи исм.

**Дони, Донижон, Doni** (*фт.*) – уқувли, эпчил; ботир, қаҳрамон.

**Дониёр, Doniyor** (*фт.*) – яқинлар, дўстлар ёки билимли, доно ёки (қад. яҳ.) Аллоҳнинг эҳсони, совғаси, марҳамати.

**Дониислом, Doniislom** (*фт.-ар.*) – ислом дини билимдони, донишманди.

**Дониш, Donish** (*фт.*) – билимли, доно, олим.

**Донишманд, Donishmand** (*фт.*) – билимдон, ақлли, доно.

**Дониқул, Doniqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Дони* (*Дони+қул*).

**Доно, Донобек, Dono** (*фт.*) – билимли, ақлли, зукко.

**Доноберди, Donoberdi** (*фт.-ўз.*) – доно ўғил ато қилди, ақлли, фаросатли ўғил туғилди.

**Донобиби, Donobibi** (◊ .; *фт. ҳинд.*) – ақлли, доно ва баланд мартабали қиз бўлсин.

**Доногул, Donogul** (◊ ., *фт.*) – ақлли, зукко ва гулдек кўркам қиз.

**Доногўзал, Donogo'zal** (◊ ., *фт.-ўз.*) – ақлли, фаросатли ва зебо қиз.

**Доножамол, Donojamol** (◊ ., *фт.-ар.*) – ақлли, фаросатли ва чиройли, дилбар қиз.

**Доножон, Donojon** (◊ ., *фт.*) – ақл-фаросатли ҳамда суюкли қиз.

**Донокелди, Donokeldi** (*фт.-ўз.*) — ақл-фаросатли, билимдон ўғил дунёга келди.

**Дономамад, Donomamad** (*фт.-ар.*) — *қар. Дономуҳаммад.*

**Дономурод, Donomurod** (*фт.-ар.*) — ақлли, фаросатли ўғил бўлсин ва улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Донохол, Donoxol** (◊., *фт.*) — билимли, доно ва хол билан туғилган қиз.

**Донохон, Donoxon** (◊., *фт.-ўз.*) — ақл-фаросатли ва улуғ мартабали, эъзозли қиз.

**Донохўжа, Donoxo'ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган доно бола.

**Доноқул, Donoqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Доно* (*Доно+қул*).

**Доноқурбон, Donoqurbon**(*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган ақлфаросатли бола.

**Доро,** (*фт.*) — ҳоким, подшоҳ; эзгулик, яхшилик соҳиби.

**Доробек, Dorobek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган эзгулик, яхшилик истовчи бола.

**Дороб, Дароб, Dorob** (*фт.*) — нозу неъмат, мўл-кўлчилик, соҳиби. Шакллари: *Дароббек, Даробхон, Даробшо.*

**Достон, Doston** (*фт.*) — довруқли, таниқли, машҳур. Бу ном Рустамнинг отаси Золнинг (Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достони қаҳрамони) лақаби бўлган.

**Достонбўл, Dostonbo'l** (*фт.-ўз.*) — довруқли, машҳур, шон-шуҳрат соҳиби.

**Достонқул, Dostonqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Достон* (*Достон+қул*).

**Дохунда, Doxunda** (*фт.*) — қишлоқда ўсган, қишлоқ фарзанди.

**Доҳий, Dohiy** (*ар.*) — ақлли, доно, улуғ мутафаккир, улуғ йўлбошчи.

**Доҳия, Dohiya** (◊., *ар.*) — ўта ақлли, доно, улуғ мутафаккир қиз бўлсин.

**Дувлон, Duvlon** (*фт.*) — қишнинг аёзли, қорасовуқ куни (январь ойи)да туғилган бола.

**Дувлонқул, Duvlonqul** (*фт.*) — *қар. Дувлон* (*Дувлон+қул*).

**Дуймат, Duymat** (*фт.-ар.*) — *қар. Дуйшанмуҳаммад.*

**Дуйшан, Duyshan** (*фт.*) — дуйшанба куни таваллуд топган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Дуйшанмуҳаммад Duyshanmuhammad** (*фт.ар.*) — душанба куни туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Дулдулбек, Duldulbek** (*ар.-ўз.*) — дулдул отдек чаққон, тезкор ёки улғайиб дулдулотлар эгаси бўлсин. Бу ном халиф Али минган отнинг лақаби бўлган.

**Дунбой, Dunboy** (*ар.*) — ёмон, арзимас, тубан, пасткаш бола. Болага кўз тегмасин деб чақалоқнинг "душман"ларини алдаш, чалғитиш учун бериладиган исм. *Сол.*: *Ёмонбой, Жаманбой.*

**Дунё, Dunyo** (◊., *ар.*) — таркибида "дунё" сўзи мавжуд исмларнинг эқ. қисми.

**Дунёбегим, Dunyobegim** (◊ ., *ар.-ўз.*) – оламнинг тенгсиз бекаси, дунёдаги улуғ мартабали аёл.

**Дунёгул, Dunyogul** (◊ ., *ар.-фт.*) – оламдаги энг сара гул, яъни оламдаги тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Дунёгўзал, Dunyogo'zal** (◊ ., *ар.-ўз.*) – оламдаги энг зебо қиз, тенгсиз гўзал.

**Дунёдор, Dunyodor** (*ар.-фт.*) – бой, бадавлат, бойлик, давлат соҳиби.

**Дунёнур, Dunyonur** (◊ ., *ар.*) – оламдаги энг нурли, яъни энг гўзал қиз, оламга нур сочувчи, дунёни нурга тўлдирувчи қиз.

**Дунёхол, Dunyoxol** (◊ ., *ар.-фт.*) – хол билан туғилган қизнинг умри дунёдек кенг ва фаровон бўлсин.

**Дунёхон, Dunyoxon** (◊ ., *ар.-ўз.*) – *қар. Дунё* (*Дунё + хон*).

**Дуохон, Duoxon** (◊ ., *ар.-фт.*) – азойимхон, дилгўй, дуохон ёки азойимхон олқишлаган қиз.

**Дурахшон, Duraxshon** (◊ ., *ар.*) – нурли, нурафшон, инжу сочувчи, шукуҳли, шонли, савлатли.

**Дурбек, Durbek** (*ар.-ўз.*) – инжу, марварид донасидек азиз, бекларнинг энг асили ёки узоқ яшасин, умри узоқ бўлсин. Баъзан бу исм «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи шоир Дурбекнинг тахаллусига нисбат бериб ҳам қўйилади. Шакли: *Дурбой, Дуржон.*

**Дурбека, Durbeka** (◊ ., *ар.-ўз.*) – беклар наслига мансуб бўлган инжудек бебаҳо қиз ёки дурдек азиз, улуғ мартабали қиз.

**Дурбиби, Durbibi** (◊ ., *ар.-ўз.*) – инжудай қимматли, бебаҳо ва кўркам қиз ёки қимматли, улуг мартабали қиз.

**Дурбон, Durbon** (*фт.*) – зеҳнли, фаросатли, узоқни кўра олувчи, доно.

**Дурбор, Durbor** (◊ ., *ар.-фт.*) – инжу сочувчи, ёғду сочувчи, нурафшон ёки маъноли сўзлар эгаси, сўзамол нотиқа.

**Дурботир, Durbotir** (*ар.-фт.<муғ.*) – инжудек бебаҳо, қимматли, ҳамда ботир, мард йигит бўлсин.

**Дургул, Durgul** (◊ ., *ар.-фт.*) – инжудек азиз, қимматли ва гулдек зебо қиз.

**Дургўзал, Durgo'zal** (◊ ., *ар.-ўз.*) – инжудек қимматли, азиз ва зебо қиз.

**Дурдигул, Durdigul** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Турдигул.*

**Дурдижон, Durdijon** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Турдижон.*

**Дурдинор, Durdinor** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Турдинор.*

**Дурдипошша, Durdiposhsha** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Турдипошша.*

**Дурдихол, Durdixol** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Турдихол.*

**Дурдона, Durdona** (◊ ., *ар.-фт.*) – инжу донаси, аъло марварид; энг азиз, қадрли қиз.

**Дуржамол, Durjamol** (◊ ., *ар.*) – дур янглиғ ҳусн соҳибаси, гўзал қиз.

**Дуржаҳон, Durjahon** (◊ ., *ар.*) – олам инжуси, тенгсиз, беназир қиз ёки инжудек қимматли қизнинг умри жаҳон каби кенг, мунаввар бўлсин.

**Дуржон, Durjon** (*ар.-фт.*) – дурдек азиз ва суюкли бола.

**Дурзода, Durzoda** (◊ ., *ар.-фт.*) – аслзодалар авлоди, наслидан бўлган қиз.

**Дури, Дурихон, Duri** (◊ ., *фт.*) – озода, покиза, иффатли қиз ёки зилол сувдек тиниқ, покиза қиз.

**Дурия, Duriya** (◊ ., *фт.*) – нафис, ялтироқ; қимматли, бебаҳо.

**Дуркуной, Durkunoy** (◊ ., *ўз.*) – савлатли, салобатли (дуркун) қиз бўлиб ўссин.

**Дурмамат, Durmamat** (*ар.*) – *қар. Дурмуҳаммад.*

**Дурман, Durman** (*ар.*) – *қар. Дурназар, Дурмуҳаммад* каби исмларнинг эқ.

**Дурмат, Durmat** (*ар.*) – *қар. Дурмуҳаммад.*

**Дурмирза, Durmirza** (*ар.-фт.*) – ўқимишли, мирзо йигитларнинг энг аълоси. *Қар. Дур* ва *Мирза.*

**Дурмомо, Durmomo** (◊ ., *ар.-ўз.*) – *Қар. Дур* ва *Момо.*

**Дурмурод, Durmurod** (*ар.*) – дурдек азиз ўғил улғайиб муродмақсадига етсин ёки муроду-мақсадимиз бўлган фарзанд.

**Дурмуҳаммад, Durmuhammad** (*ар.*) – инжудек бебаҳо, қимматли ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида сақласин.

**Дурнабот, Durnabot** (◊ ., *ар.-фт.*) – инжудек азиз, қимматли ва ширин, суюкли қиз.

**Дурназар, Durnazar** (*ар.*) – Аллоҳнинг назари, илтифоти туфайли эришилган қимматли ўғил.

**Дурниёз, Durniyoz** (*ар.-фт.*) – тилаб, илтижо қилиб эришилган қимматли ўғил ёки *қар. Турниёз.*

**Дурнисо, Durniso** (◊ ., *ар.*) – аёлларнинг бебаҳоси, энг азизаси.

**Дурпош, Durposh** (◊ ., *ар.-фт.*) – инжу донасидек сочилган, зебо, соҳибжамол қиз ёки *қар. Дурпоша.*

**Дурпошша, Durposhsha** (◊ ., *ар.-фт.*) – инжудек бебаҳо, қадрли, ҳамда баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Дурпўлат, Durpo'lat** (*ар.-фт.*) – дурдек азиз ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Дурсабоҳ, Dursaboh** (◊ ., *ар.*) – саҳар, тонг чоғида таваллуд топган дурдек азиз, қадрли қиз ёки қимматли ва саҳардек мусаффо қиз.

**Дурсадаф, Dursadaf** (◊ ., *ар.*) – дур ва садафдек қимматли, бебаҳо қиз ёки тиш билан тугилган қиз.

**Дурсанам, Dursanam** (◊ ., *ар.*) – дурдек гўзал, зебо қиз.

**Дурсиҳат, Dursihat** (◊ ., *ар.*) – дурдек азиз қиз соғу саломат бўлсин.

**Дурсоат, Dursoat** (◊ ., *ар.*) – бахтли, хосиятли соатда тугилган инжудек бебаҳо қиз.

**Дурсултон, Dursulton** (◊ ., *ар.*) – дурларнинг, яъни энг гўзал қизларнинг шоҳи, гўзалларнинг гўзали.

**Дурустбой, Durustboy** (*фт.*) – маъқул, мукаммал; самимий.

**Дурустхон, Durustxon** (◊ ., *ар.-фт.-ўз.*) – маъқул, баркамол, мукаммал.

**Дурустмуҳаммад, Durustmuhammad** (*ўз.-ар.*) – *қар. Дуруст* ва *Муҳаммад.*

**Дурустқул, Durustqul** (*ўз.*) – тўғрилик, адолат йўлида хизмат қилувчи бола.

**Дурхол, Durxol** (◊ ., *ар.-фт.*) – холи билан туғилган инжудек бебаҳо қиз.

**Дурхон, Durxon** (◊ ., *ар.-ўз.*) – инжудек қимматли, азиз қиз ёки тенгсиз, беназир қиз.

**Дурхоним, Durxonim** (◊ ., *ар.-ўз.*) – инжудек бебаҳо ва баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Дурхўжа, Durxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслига мансуб бўлган бебаҳо, эъзозли ўғил.

**Душан, Dushan** (*фт.*) – душанба куни таваллуд топган ўғил.

**Душанали, Dushanali** (*фт.-ар.*) – душанба куни туғилган ўғилни Али қўллаб, асраб юрсин.

**Душанбой, Dushanboy** (*фт.-ўз.*) – *қар. Душан* (*Душан+бой*).

**Душанхўжа, Dushanxo'ja** (*фт.*) – душанба куни туғилган ва хўжалар авлодига мансуб бола.

**Душанқул, Dushanqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Душан* (*Душан+қул*).

**Дўланбой, Do'lanboy** (*ўз.*) – улгайиб улкан мартабалар эгаси бўлсин эҳт.: *Тўлан* < *Тўлаган* (*қар.*).

**Дўлбой, Do'lboy** (*ўз.*) – дўл ёққан куни туғилган бола ёки ирис-насабали бўлсин.

**Дўлбор, Do'lbor** (*фт.*) – содда, оддий, дилкаш ёки улкан, бўйчан, катта гавдали.

**Дўли, Do'li** (*ўз.*) – таркибида «дўл» сўзи мавжуд исмларнинг эқ. Шакллари: *Дўлибой, Дўлижон.*

**Дўлинисо, Do'liniso** (◊ ., *фт.*) – оддий, содда, дилкаш аёл (қиз).

**Дўлмон, Do'lmon** (*фт.*) – *қар. Дўлбой.*

**Дўлоб, Do'lob** (*фт.*) – адаштирилган, алмашиб кетган, ўзга, бошқа бола. Чақалоқнинг душмани-ёзув кучларни чалғитиш учун бериладиган исм ёки дўлон-кўпайсин, унсин.

**Дўлта, Дўлтабой, Do'lta** (*ўз.*) – афсонавий маҳлуқдек (бўрига ўхшаш йиртқич) довюрак ва қудратли бўлсин.

**Дўлтой, Do'ltoy** (*ўз.*) – дўл ёққан куни туғилган суюкли бола.

**Дўлчи, Do'lchi** (*ўз.*) – дўл ёққан куни туғилган бола.

**Дўнажон, Do'najon** (◊ ., *ўз.-мўғ.*) – тўрт яшар бия ёки умуман урғочи моллар.

**Дўнгбой, Do'ngboy** (*ўз.*) – дўнг (тепа)дек баланд мартабали бўлсин ёки тепадек мустаҳкам турсин.

**Дўнди, Do'ndi** (◇., *ўз.*) — шу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Дўндигул, Do'digul** (◇., *ўз.*) — *қар. Дўнди* (*Дўнди+гул*).

**Дўндиқ, Do'ndiq** (◇., *ўз.*) — чиройли, ёқимтой қиз.

**Дўндиқча, Do'ndiqcha** (◇., *ўз.*) — гўзал, ёқимтой қизча.

**Дўнмас, Do'nmas** (*ўз.*) — қайтмас, орқага юрмас, яъни ўлмас, умри узоқ бола.

**Дўнон, Do'non** (*ўз.-муғ.*) — тўрт яшар от ёки туя каби кучли, қудратли бўлсин ёки моли (чорваси) мўл, бадавлат бўлсин.

**Дўнонмирза, Do'nonmirza** (*муғ.-фт.*) — *қар. Дўнон* ва *Мирза.*

**Дўрмон, Дўрман, Do'rmon** (*муғ.*) — дўрмон қабиласига мансуб бола; дўрмон фарзанди. *Шакллари: Дўрмонбек, Дўрмонбой, Дўрмонча.*

**Дўрмонхўжа, Do'rmonxo'ja** (*муғ.-фт.*) — дўрмон қабиласидан бўлган хўжалар наслига мансуб бола.

**Дўсан, Дўсанжон, Do'san** (*фт.*) — "дўст" сўзи билан бошланадиган қўшма исмлар (*Дўстназар, Дўсниёз*)нинг эқ.

**Дўсат, Дўсатбой, Do'sat** (*фт.*) — "Дўст" сўзи билан бошланган баъзи исмларнинг (*Дўсттурди, Дўсттурғун*) эқ. шакли.

**Дўсбой, Do'sboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Дўстбой* ёки дўс — ўрик пишган пайтда туғилган бола.

**Дўсим, Do'sim** (*фт.-ўз.*) — "Дўст" сўзи б-н бошланган баъзи исмлар (*Дўстмурод, Дўстмуҳаммад*)нинг эқ.шакли Шакллари: *Дўсимбой, Дўсимжон, Дўсиммирза, Дўсимхўжа.*

**Дўсмат, Do'smat** (*фт.-ар.*) — *қар. Дўстмуҳаммад.*

**Дўст, Do'st** (*фт.*) — отасига ёки ўзидан олдинги ака ва опаларига йўлдош, эш бўлиб юрсин. Шакллари: *Дўстбек, Дўстжон, Дўстхўжа.*

**Дўстали, Do'stali** (*фт.-ар.*) — халиф Али йўлдош, дўст бўлиб қўлласин ёки Алининг дўсти, ҳамдами.

**Дўстберди, Do'stberdi** (*фт.-ўз.*) — отаси ёки ўзидан олдинги фарзандларга дўст қилиб берди.

**Дўстбўл, Do'stbo'l** (*фт.-ўз.*) — отасига ёки ўзидан олдинги ака ва опаларига эргашсин, уларга йўлдош бўлиб юрсин.

**Дўстдор, Do'stdor** (*фт.*) — суюкли, азиз; дўстлари кўп бола.

**Дўстёр, Do'styor** (*фт.*) — дўстларига эш, ўртоқ бўлиб юрсин.

**Дўсти, Do'sti** (*фт.*) — дўст сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Дустиёр, Do'stiyor** (*фт.*) — *қар. Дўстёр.*

**Дўстим, Do'stim** (*фт.-ар.*) — "Дўст" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Дўсмуҳаммад, Дўстмурод*) эқ. шакли

**Дўсткелди, Do'stkeldi** (*фт.-ўз.*) — отаси (ёки олдинги фарзандларга) ўртоқ, эш келди, туғилди.

**Дўстмамат, Do'stmamat** (*фт.-ўз.*) — *қар. Дўстмуҳаммад.*

**Дўстмир, Do'stmir** (*фт.*) — *қар. Дўстмирза.*

**Дўстмирза, Do'stmirza** (*фт.*) — оиладагиларга (отаси ва олдинги фарзандларга) дўст, ҳамдам бўлиб юрсин ва ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Дўстмулла, Do'stmulla** (*фт.*) — отасига йўлдош, ҳамдам, ўқимишли, мулло йигит бўлсин.

**Дўстмурод, Do'stmurod** (*фт.-ар.*) — оиладагиларнинг дўсти, ҳамдами бўлган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Дўстмуҳаммад, Do'stmuhammad** (*фт.-ар.*) — Муҳаммад (сав)-нинг дўсти, уни эъзозловчи бола.

**Дўстназар, Do'stnazar** (*фт.-ар.*) — *қар. Дўст* ва *Назар.*

**Дўстниёз, Do'stniyoz** (*фт.*) — ўтиниб, ёлвориб олинган дўст, ҳамдам.

**Дўстноз, Do'stnoz** (*фт.*) — эҳт: *Дўстёз, Дўстниёз.*

**Дўстқобил, Do'stqobil** (*фт.-ар.*) — отасига дўст, ҳамдам ва мўмин-қобил, одобли бола бўлсин.

**Дўстқор, Do'stqor** (*фт.-ўз.*) — эҳт: *Дўстқора* (*қар.*).

**Дўстқора, Do'stqora** (*фт.-ўз.*) — оиланинг кучли, қудратли дўсти, йўлдоши.

**Дўстқувват, Do'stquvvat** (*фт.-ўз.*) — отасига дўст, ҳамдам, уларга мададкор бўлсин.

**Дўстқул, Do'stqul** (*фт.-ўз.*) — ота-онасига хизматкор, кўмакчи бўлсин.

**Дўғма, Do'g'ma** (*ўз.*) — тунғич ўғил ёки чўридан туғилган бола.

**Дўғматой, Do'g'matoy** (*ўз.*) — тўнғич, суюкли, эркатой бола.

**Дўғмача, Do'g'macha** (*ўз.*) — тўнғич ўғилча, чўридан туғилган ўғилча.

# Е

**Елбой, Yelboy** (*ўз.*) — улғайиб, елиб-югуриб кетсин.

**Елдирим, Yeldirim** (*ўз.*) — чақмоқ (яшин, момақалдироқ) пайти туғилган бола ёки ҳаёти чақмоқдек ёрқин ва нурли бўлсин.

**Енгади, Yengadi** (*ўз.*) — касалликларни енгиб, омон-эсон улғаяди ёки Иккинчи жаҳон уруши даврида халқимиз "фашистларни енгади" маъносида.

**Енгилди, Yengildi** (*ўз.*) — касал енгилди, энди соғайиб кетади маъносида.

**Енгилмас, Yengilmas** (*ўз.*) — маҳкам, мустаҳкам, касалга енгилмас, соғайиб кетадиган ёки субутли, иродали.

**Енгилчи, Yengilchi** (*ўз.*) — касалликнинг енгилиши, қайтиши орзу қилиб берилган исм.

**Енгиш, Yengish** (*ўз.*) — 1941-45 йиллардаги урушдаги ғалаба шаънига берилган исм.

**Етар, Yetar** (*ўз.*) — ҳадеб қиз туғилаверган оилаларда, энди "қиз туғилиши етар", "кейингиси ўғил бўлсин" деган маънода берилади.

**Етаргул, Yetarqul** (*ўз.*) — гул, яъни қизлар туғилиши етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Етарой, Yetaroy** (*ўз.*) — ой, яъни қизлар туғилавериши етар, навбатдагиси ўғил бўлсин. *қар. Етар* (Етар+ой).

**Етим, Етимбой, Yetim** (*ўз.*) — ёлғиз, ягона, яъни укаларига қўшилсин маъносида.

**Еткарган, Yetkargan** (*ўз.*) — худо эриштирган, етказган бола.

**Етмиш, Етмишбой, Yetmish** (*ўз.*) — отаси етмиш ёшлигида туғилган бола.

**Етмишой, Yetmishoy** (◊.,*ўз.*) — отаси етмиш яшарлиги пайтида туғилган қиз.

**Етмишхон, Yetmishxon** (◊.,*ўз.*) — отаси етмиш ёшлигида туғилган қадрли, эъзозли қиз.

**Етти, Еттибой, Yetti** (*ўз.*) — оиладаги еттинчи ўғил (фарзанд) ёки "фарзандларимиз етарли бўлди, қониқдик, бошқа туғмайман" маъносидаги ном.

**Еттиназар, Yettinazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ илтифот қилиб берган еттинчи бола.

**Еттовқул, Yettovqul** (*ўз.*) — *қар. Етти, Еттибой.*

**Еттовқўзи, Yettovqo‘zi** (*ўз.*) — оиладаги еттинчи ва қадрли, эъзозли бола ёки еттинчи ўғлимиз улғайиб бой-бадавлат бўлсин.

# Ё

**Ёбоной, Yobonoy** (◊.,*фт.*) — чўлда (ёвонда) туғилган қиз ёки муродимиз ҳосил бўлган бола.

**Ёвар, Ёварбой, Yovar** (*фт.*) — ота-онасига ёрдамчи, кўмакдош бола.

**Ёвбосар, Yovbosar** (*ўз.*) — ёвларни енгувчи, яъни касалликларни енгувчи бола.

**Ёвбосди, Yovbosdi** (*ўз.*) — ёвини (душманини) босди, енгди, яъни энди соғайиб кетади.

**Ёввош, Yovvosh** (*ўз.*) — мўмин-қобил, интизомли, одобли бола.

**Ёвжон, Yovjon** (*ўз.-фт.*) — *Ёвбосар, Ёвбосди* исмларининг эқ. шакли.

**Ёвмуд, Ёвмутбой, Yovmud** (*ўз.*) — ёвмудлар орасида (туркман уруғи) туғилган бола.

**Ёвмурод, Yovmurod** (*ўз.-ар.*) — Ёвини (касалликларни) енгиб муродига етувчи бола.

**Ёвон, Ёбон, Yovon** (*фт.*) — чўлда, даштда туғилган бола ёки саҳро фарзанди. *Қар. Ёбон.*

**Ёвшан, Ёвшанбой, Yovshan** (*ўз.*) — ёвшандек маҳкам, чидамли бўлсин ёки ёвшандек кўпайсин, ўссин.

**Ёвшанкелди, Yovshankeldi** (*ўз.*) — ёвшандек маҳкам, чидамли бола туғилди.

**Ёвқайтар, Yovqaytar** (*ўз.*) — ёв (касал) қайтади, ўлмайди, яшайди.

**Ёвқилич, Yovqilich** (*ўз.*) — ёвни (касални) қайтарувчи, қирувчи қилич, тиғ.

**Ёвқон // Жавқон, Yovqon** (*ўз.*) — буғдой бошоқлаганда туғилган бола.

**Ёвқоч, Yovqoch** (*ўз.*) — *қар. Ёвқочар.*

**Ёвқочар, Yovqochar** (*ўз.*) — ёв (касаллик) қочади, чекинади, бола ўлмайди, яшайди.

**Ёвқочди, Yovqochdi** (*ўз.*) — ёв (касаллик) қочди, чекинди, боламиз яшайди.

**Ёвқур, Yovqur** (*ўз.*) — мард, жасур, қўрқмас, довюрак.

**Ёдгор, Yodgor** (*фт.*) — туғилгандан кейин ота (ёки онаси) вафот этган, улардан эсдалик, ёдгор бўлиб қолган фарзанд.

**Ёдгора, Yodgora** (◇.,*фт.*) — туғилгандан кейин ота (ёки онаси) вафот этган, улардан ёдгор бўлиб қолган қиз.

**Ёдгорали, Yodgorali** (*фт.-ар.*) — ота-онасидан ёдгор бўлиб қолган болани Али ўзи паноҳида асрасин.

**Ёдгорбиби, Yodgorbibi** (◇.,*фт.ўз.<ҳинд.*) — онасидан ёдгор бўлиб қолган қиз, улғайиб, баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Ёдгоргул, Yodgorgul** (◇.,*фт.*) — онасидан ёдгор бўлиб қолган, гўзал, зебо қиз.

**Ёдгормирза, Yodgormirza** (*фт.*) — *қар. Ёдгор* ва *Мирза.*

**Ёдгорой, Yodgoroy** (◇., *фт.-ўз.*) — онасидан ёдгор бўлиб қолган ойдек сулув қиз.

**Ёдгорхон, Yodgorxon** (◇.,*фт.-ўз.*) — онасидан ёдгор бўлиб қолган, қадрли, эъзозли қиз.

**Ёдгорхўжа, Yodgorxo'ja** (*фт.*) — вафот этган отасидан ёдгор бўлиб қолган ва хўжалар авлодига мансуб бола.

**Ёдгорқиз, Yodgorqiz** (*фт.+ўз.*) — вафот этган онасидан ёдгор бўлган, онасининг кўзи бўлмиш қиз.

**Ёдгорқул, Yodgorqul** (*фт.-ўз.*) — вафот этган отасидан ёдгор бўлиб қолган бола (Ёдгор+қул).

**Ёдихон, Yodixon** (*фт.-ўз.*) — *эҳт: Ёдгорхон* (*қар.*)

**Ёдулла, Yodulla** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг кучи, қудрати ёки Аллоҳни ёд этувчи.

**Ёз, Ёзбой, Yoz** (*ўз.*) — Ёзда ёки баҳорда (қад. туркий тилда "ёз" — баҳор, кўкламни англатган) туғилган бола.

**Ёзали, Yozali** (*ўз.-ар.*) — ёз фасли туғилган болани Али қўллаб юрсин.

**Ёзбека, Yozbeka** (◊ ., ўз.) – ёзда туғилган ва беклар авлодига мансуб қиз.

**Ёзберди, Yozberdi** (ўз.) – ёз (кўклам)да ато қилинган бола ёки эҳт: *Ниёзберди* (*қар.*).

**Ёзбиби, Yozbibi** (◊ ., *ўз.-ҳинд.*) – ёз (баҳор)да туғилган мартабали, эъзозли қиз.

**Ёзбика, Yozbika** (◊ ., *ўз.-ҳинд.*) – *қар. Ёзбека.*

**Ёзбой, Yozboy** (ўз.) – ёз (баҳор)да туғилган ўғил (*Ёз+бой*).

**Ёзвали, Yozvali** (*ўз.-ар.*) – ёз (кўклам)да таваллуд топган донишманд, авлиё, валий.

**Ёзгул, Yozgul** (◊ ., *ўз.+фт.*) – ёз (кўклам)да туғилган гўзал қиз ёки кўклам чечаги.

**Ёздавлат, Yozdavlat** (*ўз.-ар.*) – ёз (кўклам)да туғилган бадавлат ўғил.

**Ёздон, Yozdon** (*ўз.-мўғ.*) – Аллоҳ, тангри, худо. *Қар. Ёздонқул.*

**Ёздонқул, Yozdonqul** (*мўғ.-ўз.*) – тангрининг, худонинг бандаси, қули.

**Ёзжамол, Yozjamol** (*ўз.-ар.*) – ёзда туғилган соҳибжамол қиз.

**Ёзжаннат, Yozjannat** (*ўз.-ар.*) – ёзда таваллуд топган ва жаннатга мансуб қиз.

**Ёзжон, Yozjon** (*ўз.-фт.*) – ёз (кўклам)да туғилган азиз, эъзозли қиз.

**Ёзжума, Yozjuma** (*ўз.-фт.*) – ёзнинг жума куни туғилган бола ёки эҳт: *Ниёзжума* (*қар.*)

**Ёзи, Ёзибой, Yozi** (*фт.*) – даштда, чўлда туғилган бола ёки таркибида «ёз» сўзи бўлган қўшма исмларнинг эқ. *Эҳт. Язид* (*қар.*).

**Ёзил, Yozil** (ўз.) – касалдан соғайгин, соғайиб кетгин.

**Ёзим, Yozim** (ўз.) – *Ёзмурод, Ёзмуҳаммад, Ёзмирза* исмларининг эқ шакли.

**Ёзкелди, Yozkeldi** (ўз.) – ёз (кўклам)да туғилган бола ёки *эҳт*: *Ниёзкелди* (*қар.*).

**Ёзли, Yozli** (ўз.) – муҳтож бўлиб юриб эришилган бола.

**Ёзлоқ, Yozloq** (ўз.) – яйлоқ (яйлов)да туғилган бола ёки ҳаёти яйлоқдек ҳадсиз бўлсин.

**Ёзмамат, Yozmamat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Ёзмуҳаммад.*

**Ёзмат, Yozmat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Ёзмуҳаммад.*

**Ёзменгли, Yozmengli** (ўз.) – ёзда туғилган холли (холдор) бола.

**Ёзмирза, Yozmirza** (*ўз.-ар.*) – ёз (кўклам)да таваллуд топган бола ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Ёзмурод, Yozmurod** (*ўз.-ар.*) – ёзда туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин ёки ёз пайти эришилган орзу (тилак).

**Ёзмуҳаммад, Yozmuhammad** (*ўз.-ар.*) – ёзда таваллуд топган ва Муҳаммад (сав) қўлловчи бола ёки эҳт: *Ниёзмуҳаммад* (*қар.*).

**Ёзнур, Yoznur** (*ўз.+ар.*) – ёзда туғилган ўғилнинг умри равшан, нурли бўлсин.

**Ёзпулат, Yozpo'lat** (*ўз.-фт.*) — ёзда туғилган ўғил пўлатдек маҳкам, чидамли бўлсин.

**Ёзтурди, Yozturdi** (*ўз.*) — ёзда туғилган бола "турди", яшайди деб умид қиламиз.

**Ёзтурсин, Yozturusn** (*фт.+ўз.*) — ёзда туғилган бола турсин, яъни яшасин, соғ улғайсин.

**Ёзхон, Yozxon** (*ўз.*) — ёзда туғилган, юксак мартабали ўғил.

**Ёзчечак, Yozchechak** (◇.,*ўз.*) — кўклам, баҳорда очилган гул, яъни баҳор гулидек кўркам қиз.

**Ёзқилич, Yozqilich** (*ўз.*) — ёзда туғилган ўғил қиличдек ўткир ва мустаҳкам бўлсин ёки *қар. Ниёзқилич.*

**Ёзқул, Yozqul** (*ўз.*) — ёзда туғилган бола ёки *қар. Ниёзқул.*

**Ёзқурбон, Yozqurbon** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ниёзқурбон.*

**Ёлдорбой, Yoldorboy** (*ўз.*) — ёл-йўлли; йўли очиқ, йўли равон; толеи баланд, "истиқболли бола".

**Ёлчин, Yolchin** (*ўз.*) — сайр, саёҳат чоғида, йўлда туғилган бола ёки ёлли, ёлдор, яъни довюрак бола.

**Ёлқин, Yolqin** (*ўз.*) — ўт ёлқини каби нурли, равшан, оташин.

**Ёлқина, Yolqina** (◇.,*ўз.*) — нурли, ёлқинли, оташин қиз.

**Ёлқинхўжа, Yolqinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган нурли, ёлқинли бола.

**Ёлғоч, Ёлғошбой, Yolg'och** (*ўз.*) — отасига (олдинги болаларга) улансин, ёлғашсин.

**Ёмбихон, Yombixon** (◇.,*ўз.*) — ёмби (тилла ёки кумуш қуйилмаси) каби қимматли, бебаҳо қиз.

**Ёмон, Ёмонбой, Yomon** (*ўз.*) — чақалоқни ёмон кўзлардан асраш учун унга кўз тегмасин деб шундай исм берилади. Шакллари: *Ёмонтой, Ёмонқора, Ёмонқул.*

**Ёмонбола, Yomonbola** (*ўз.*) — чақалоқни ёмон кўзлардан асраш усун бериладиган исм.

**Ёмғир, Yomg'ir** (*ўз.*) — ёмғирли кунда туғилган бола. Шакллари: *Ёмғирбой, Ёмғиржон.*

**Ёмғирой, Yomg'iroy** (◇.,*ўз.*) — ёмғир ёққан куни туғилган ойдек сулув қиз ёки ёмғирдек сероб бўлсин (Ёмғир+ой).

**Ёмғирали, Yomg'irali** (*ўз.-ар.*) — Ёмғир ёққан пайтда таваллуд топган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Ёмғирберди, Yomg'irberdi** (*ўз.*) — ёмғир ёғаётган пайтда ато қилинган, туғилган бола.

**Ёмғиркелди, Yomg'irkeldi** (*ўз.*) — ёмғир ёғаётган куни туғилган бола.

**Ёмғиртурди, Yomg'irturdi** (*ўз.*) — ёмғирли куни туғилган бола турсин, умри узоқ бўлсин.

**Ёмғирчи, Yomg'irchi** (*ўз.*) — ёмғирга зор бўлиб кутилганда ёхуд кутилмаган пайтда ёмғир ёққанида туғилган бола.

**Ёнар, Yonar** (*ўз.*) – ёндашар, ёндош бўлар, яъни ота-онасига (ўзидан олдинги ака-опаларига) йўлдош, ёндош бўлиб ўссин. Сол.: *Ёндош, Ёндошбой.* Шакллари: *Ёнарбой, Ёнаржон.*

**Ёндош, Ёндошбой, Yondosh** (*ўз.*) – ота-онасига (ўзидан олдинги фарзандларга) ёндош, ҳамроҳ бўлиб юрсин.

**Ёндошали, Yondoshali** (*ўз.-ар.*) – ота-онаси (ўзидан олдинги ака-опаларига) ҳамроҳ бўлиб ўссин ва мададкор бўлсин.

**Ёндошмирза, Yondoshmirza** (*ўз.-фт.*) – *қар. Ёндош* ва *Мирза.*

**Ёнтоқ, Yontoq** (*ўз.*) – ёнтоқдек аччиқ ва игнали бола. Чақалоқ душмани – жин, ажиналарни чалғитиш учун берилувчи исм.

**Ёнғин, Yong'in** (*ўз.*) – умри оловдек ёрқин, равшан бўлсин.

**Ёр, Yor** (*фт.*) – дўст, ҳамроҳ, йўлдош ёки таркибида «ёр» сўзи мавжуд исмларнинг (*Ёрмуҳаммад, Муҳаммадёр* каби) эқ. шакли. Шакллари: *Ёрбек, Ёрбой, Ёржон, Ёртой.*

**Ёра, Yora** (◊ ., *фт.*) – билагузук, яъни билагузукдек маҳкам ва эътиборли қиз.

**Ёрали, Yorali** (*фт.-ар.*) – Алининг ҳамдами, Алига содиқ бола.

**Ёраҳмад, Yorahmad** (*фт.-ар.*) – оиладагиларнинг ҳамроҳи, йўлдоши бўлсин ва Аҳмад Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин ёки Аҳмаднинг (*қар.*) дўсти, ҳамроҳи.

**Ёрбахт, Yorbaxt** (*фт.-ар.*) – бахт, толе йўлдоши, ҳамроҳи; омад, саодат ёр бўладиган бола.

**Ёрбек, Yorbek** (*фт.-ўз.*) – беклар наслига мансуб бола. Оиладагиларга ҳамроҳ, йўлдош бўлиб ўссин.

**Ёрбозор, Yorbozor** (*фт.*) – бозор куни ато қилинган дўст, йўлдош.

**Ёрбой, Yorboy** (*фт.-ўз.*) – улфат, дўст, ҳамдам, эш.

**Ёрбўлди, Yorbo'ldi** (*фт.-ўз.*) – аввалги фарзандларга (отасига) ҳамроҳ, йўлдош бўлиб ўссин.

**Ёрдам, Yordam** (*фт.*) – ота-онасига кўмакчи, суянч, таянч бўлсин.

**Ёри, Yori** (*фт.*) – ёрдам, кўмак; кўмаклош, ўртоқ.

**Ёрий, Yoriy** (*фт.*) – кўмак, ёрдам; таянч, суянч; қўлдош.

**Ёриқул, Yoriqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Ёрқул.*

**Ёрқул, Yorqul** (*фт.-ўз.*) – дўстларнинг хизматкори, содиқ дўст ёки Аллоҳнинг бандаси.

**Ёркелди, Yorkeldi** (*фт.-ўз.*) – оилага ёрдамчи, суянч келди.

**Ёрлақ, Yorlaq** (*ўз.*) – *Ёрлақаб, Ёрлиқолган* исмларининг эқ. шакли.

**Ёрлақаб, Ёрлиқаб, Yorlaqab** (*ўз.*) – Аллоҳ ярлақаб, раҳм-шафқат қилиб берган фарзанд. *Сол: Ёрлиқоб.*

**Ёрли, Yorli** (*ўз.*) – *Ёрлақаб, Ёрлиқолиб* исмларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Ёрлибек, Ёрлибой, Ёрлитой.*

**Ёрлимурод, Yorlimurod** (*ўз.-ар.*) – ёрлиқолиб берган бола мурод-мақсадига етсин.

**Ёрлиқбой, Yorliqboy** (*ўз.*) – Аллоҳнинг ёрдами, кўмаги ёки баданида қандайдир белги (тамға) билан туғилган бола.

**Ёрлиқоб, Yorliqob** (*ўз.*) – Аллоҳ раҳм қилиб, ёрлиқоб ато қилган бола.

**Ёрлиқобберди, Yorliqobberdi** (*ўз.*) – Аллоҳ ёрлиқолиб, илтифот қилиб ато қилган бола.

**Ёрмамат, Yormamat** (*фт.-ар.*) – *қар. Ёрмуҳаммад.*

**Ёрманд, Yormand** (*фт.*) – ёрдамчи, кўмаклошга эга бўлдик.

**Ёрмат, Yormat** (*фт.-ар.*) – *қар. Ёрмуҳаммад.*

**Ёрмурод, Yormurod** (*фт.-ар.*) – оиладагиларга ҳамроҳ, йўлдош бўлиб туғилган бола мурод-мақсадига етсин ёки биз орзу қилган бола.

**Ёрмуҳаммад, Yormuhammad** (*фт.-ар.*) – Муҳаммад (сав)нинг ҳамроҳи, дўсти ёки Муҳаммад (сав) ёр бўлсин, қўллаб юрсин.

**Ёрназар, Yornazar** (*фт.-ар.*) – Аллоҳнинг илтифоти (назари) туфайли эришилган ҳамроҳ, кўмаклош.

**Ёрнафас, Yornafas** (*фт.-ар.*) – Аллоҳнинг нафаси, қудрати туфайли эришилган ўғил.

**Ёрон, Ёронбой, Yoron** (*фт.*) – дўст, ҳамроҳ, йўлдош.

**Ёрсаид, Yorsaid** (*фт.-ар.*) – бахтли-саодатманд дўст ёки бахт-саодат ёр бўлсин.

**Ёрсоат, Yorsoat** (*фт.-ар.*) – яхши фурсатда тугилган дўст, ҳамроҳ.

**Ёрсултон, Yorsulton** (*фт.-ар.*) – *қар. Ёр* ва *Султон.*

**Ёрулла, Yorulla** (*фт.-ар.*) – Аллоҳ ҳамроҳ бўлиб қўлласин ёки Аллоҳнинг содиқ дусти, ҳамроҳи.

**Ёрхол, Yorxol** (*фт.*) – хол билан туғилган бола.

**Ёрюсуф, Yoryusuf** (*фт.-қад.яҳ.*) – *Юсуф*нинг дўсти, ҳамроҳи ёки гўзаллик, нафосат йўлдоши.

**Ёрқин, Yorqin** (*ўз.*) – ҳаёти (келажаги) равшан, нурли бўлсин ёки меҳрли, шафқатли бола. Шакллари: *Ёрқинбой, Ёрқинжон, Ёрқинхон, Ёрқинтой.*

**Ёрқиной, Yorqinoy** (◊ ., *ўз.*) – ҳаёти нурли ва ойдек сулув қиз ёки ойдек сулув, меҳрибон, дилкаш қиз.

**Ёрқори, Yorqori** (*фт.-ар.*) – *қар. Ёр* ва *Қори.*

**Ёрқувват, Yorquvvat** (*фт.-ар.*) – куч, қудрат ёр бўлсин ёки қудратли дўст ҳамроҳ.

**Ёрқул, Yorqul** (*фт.-ўз.*) – дўстларнинг хизматкори ёки Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Ёрқучи, Yorquchi** (*фт.-ўз.*) – *қар. Ёрғучи.*

**Ёсуман, Yosuman** (◊ .. *фт.*) – ёсуман гулдек чиройли, зебо қиз.

**Ёстиқали, Yostiqali** (*ўз.-ар.*) – ота-онасига суянч, таянч бўлсин ва Али қўллаб юрсин. Сол.: *Болишбой.*

**Ёшузоқ, Yoshuzoq** (*ўз.*) – умри узоқ бўлсин, яшасин.

**Ёшюрак, Yoshyurak** (*ўз.*) — маъсум гўдак, гуноҳсиз, покиза боланинг умри узоқ бўлсин.

**Ёшяшар, Yoshyashar** (*ўз.*) — ёш, маъсум гўдак яшайди деб умид қиламиз.

**Ёқуб, Yoqub** (*қад.яҳ.*) — айнан: "изидан борувчи"; саботли, матонатли, тиришқоқ; қайтмас, жасур. *Қар. Яъқуб.* Шакллари: *Ёқуббек, Ёқуббой, Ёқубхўжа, Ёқубхон, Ёқубча.*

**Ёқубберди, Yoqubberdi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Ёқуб (ас)нинг мурувvати, илтифоти бўлган бола.

**Ёқубкелди, Yoqubkeldi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Ёқуб (ас) илтифот қилган бола туғилди (келди).

**Ёқут, Yoqut** (◊ *.,ар. -қад.яҳ.*) — қизил рангли қимматбаҳо тош, ёқут (рубин). Туркий халқлар ёқут кишини турли касалликлардан асрайди, даво бўлади деб ҳисоблашган.

**Ёқутбиби, Yoqutbibi** (◊ *.,ар.<қад.яҳ.-ўз*) — ёқутдек бебаҳо, нодир қиз, ёқутдек чиройли қиз.

**Ёқутой, Yoqutoy** (◊ *.,ар.<қад.яҳ.-ўз.*) — ёқутдек сулув, бебаҳо, нодир ва ойдек қиз.

**Ёқутхон, Yoqutxon** (◊ *.,ар.< қад.яҳ.*) — ёқутдек нодир ва баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Ёғди, Ёғдибой, Yog'di** (*ўз.*) — умри ёғду (шуъла, нур)га тўла бўлсин, яъни бахтли, толели баланд бўлсин.

**Ёғи, Ёғибой, Yog'i** (*ўз.*) — ҳаракатчан, тинмас; жасур, шижоатли.

**Ёғинбой, Yog'inboy** (*ўз.*) — ёғин-чочин сероб пайтда туғилган бола.

# Ж

**Жаббор, Jabbor** (*ар.*) — мислсиз қудратли, бандаларининг ишини ислоҳ этувчи, уларни гуноҳлари учун жазоловчи. Жаббор номи Аллоҳнинг сифатларидан бири. Асли *Абдужаббор (қар.).*

**Жабборали, Jabborali** (*ар.*) — *қар. Жаббор* ва *Али.*

**Жабборберган, Jabborbergan** (*ар.-ўз*) — *Жаббор (қар.)*, яъни Аллоҳ таоло берган, ато қилган бола.

**Жабборберди, Jabborberdi** (*ар.ўз.*) — *Жаббор (қар)*, яъни Аллоҳ таоло ато қилди, берди.

**Жаббормирза, Jabbormirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Жаббор* ва *Мирза.*

**Жабборсодиқ, Jabborsodiq** (*ар.*) — *қар. Жаббор* ва *Содиқ.*

**Жабборсолиҳ, Jabborsolih** (*ар.*) – *Жаббор* (*қар.*) — Аллоҳи таоло ва *Солиҳ* (эзгу ишлар қилувчи, Аллоҳнинг иродасини бажо келтирувчи), яъни Муҳаммад (сав) ато этган бола.

**Жабборхон, Jabborxon** (*ар.*) — *Жаббор, (қар.)* яъни Аллоҳ ато қилган мартабали, эъзозли ўғил.

**Жабборқул, Jabborqul** (*ар.-ўз*) — Жабборнинг, яъни Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Жабин, Jabin** (*ар.*) — айнан: пешона, манглай, яъни саодатли, бахту-толели бола ёки тубан, паст бола. Исм кейинги маънода чақалоқ ёмон кўздан йироқ бўлсин, кўз тегмасин деган мақсадда берилади.

**Жаброил,** (*ар.*) — Аллоҳдан пайғамбарга ваҳий келтирувчи, воситачи фаришта; Аллоҳнинг аскари, жангчиси. Баъзан Аллоҳнинг кучи, қудрати деб ҳам талқин қилинади.

**Жавдат, Javdat** (*ар.*) — мурувват, ҳиммат, сахийлик; меҳр-шафқат эгаси.

**Жавдон, Жавдонбой, Javdon** (*ар.*) — жаводон-мангу, доимий, яъни умри узоқ ва боқий бўлсин.

**Жавзо, Жавзобой, Javzo** (*ар.*) — жавзода, яъни эронча шамсий йил ҳисобининг 3-ойи (22 май—2 июнга тўғри келади) да туғилган бола.

**Жавли, Javli** (*ўз.*) — охирги, кенжа ўғил жавли // чавли — лочин, шунқор.

**Жавлон, Javlon** (*ар.*) — чиройли ва шаҳдам қадамлар ташловчи; ҳаракатчан, чаққон. Шакллари: *Жавлонбек, Жавлонбой.*

**Жавлонхўжа, Javlonxo'ja** (*ар.*) — хўжалар наслига мансуб чаққон ва гўзал бола.

**Жавлонқул, Javlonqul** (*ар.*) — ҳаракатчан ва кўркам бола ёки одобли, ахлоқли.

**Жавман, Javman** (*ар.*) — "жав" сўзи билан бошланган баъзи исмларнинг қисқарган шакли.

**Жавод, Жаводхон, Javod** (*ар.*) — мурувватли, ҳимматли, саховатли.

**Жавонбахт, Javonbaxt** (*фт.-ар.*) — бахтли, бахтиёр, хушбахт.

**Жавонбой, Javonboy** (*фт.-ўз.*) — навқирон, кўркам йигит бўлсин.

**Жавонгар, Javongar** (*фт.*) — бой, бадавлат; кучли, қудратли.

**Жавоншер, Javonsher** (*фт.*) — арслон боласидек жасур, довюрак бўлсин.

**Жавоҳир, Javohir** (*ар.*) — қимматбаҳо тошлар, зебу зийнатлар эгаси, бой-бадавлат бўлсин ёки бебаҳо, қимматли.

**Жавоҳира, Javohira** (◇.,*ар.*) — *қар. Жавоҳир* (Жавоҳир+а).

**Жавшан // Жавшон, Javshan** (*ар.*) — қалқон (зирҳ, совутдек) мустаҳкам бола ёки *қар. Ёвшан, Ёвшанбой.*

**Жавқа, Javqa** (*ўз.*) — *эҳт.: Жавқон, Жавқора.*

**Жавқирон, Javqiron** (*фт.*) — *қар. Навқирон.*

**Жавқон, Javqon** (*ўз.*) — жав — шуҳратли, шавкатли; машҳур; улуғ ҳукмрон.

**Жавқоч, Javqoch** (*ўз.*) — гўдакнинг ёви, яъни инсу жинслар қочсин, боланинг умри узоқ бўлсин.

**Жавқош, Javqosh** (*ўз.*) — *қар. Жавқоч.*

**Жавҳар, Javhar** (*ар.*) — гавҳардек қимматли, бебаҳо бола ёки асл, насаб, фарзанд, ёҳуд кучли, қудратли, жасур.

**Жавҳарали, Javharali** (*ар.*) — *қар. Жавҳар* ва *Али.*

**Жавҳариддин, Javhariddin** (*ар.*) — диннинг қадрли, бебаҳо фарзанди ёки диннинг жасур, довюрак посбони.

**Жавҳария, Javhariya** (◊.,*ар.*) — *қар. Жавҳар* (Жавҳар+ия).

**Жадалбой, Jadalboy** (*ар.+ўз*) — ғайратли, тезкор, меҳнаткаш.

**Жадид, Jadid** (*ар.*) — ёш, навқирон; янги, тоза, покиза.

**Жадра, Jadra** (*ўз.*) — яйрасин, қувнасин, очилиб-сочилиб юрсин.

**Жазбия, Jazbiya** (◊.,*фт.*) — дилрабо, ёқимтой, дилкаш қиз.

**Жазил, Jazil** (*ар.*) — мақбул, дуруст, муқаддас ёки маҳкам, иродали, мустаҳкам.

**Жазилбой,** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жазил.*

**Жазира, Jazira** (◊.,*ар.*) — чўлда, даштда туғилган қиз ёки оролда, кўркам жойда туғилган қиз.

**Жазо, Jazo** (*ар.*) — олдинги турмаган болалар эвазига (бадалига) берилган совға ёки илтижо қилиб, тилаб олинган бола.

**Жазолат, Jazolat** (◊.,*ар.*) — дилкаш, сўзга чечан, ширин сўз, нотиқа.

**Жайлов, Жайловбой, Jaylov** (*ўз.*) — яйловда (ўтлоқда) туғилган бола ёки умри яйлов каби бебоён, обод бўлсин.

**Жайнар, Jaynar** (◊.,*ўз.*) — яйраб, яшнаб ўссин.

**Жайноқ, Jaynoq** (*ўз.*) — яйраган, яшнаган, қувноқ умр кечирсин.

**Жайноқмирза, Jaynoqmirza** (*ўз.-фт.*) — ҳаёти қувноқ ва билимли, келишган йигит бўлсин.

**Жайрахон, Jayraxon** (◊.,*ўз.*) — оҳу, ёввойи кийикдек гўзал, нафис қиз.

**Жайрон, Жайронбой, Jayron** (*ўз.*) — жайрон (оҳу, кийикдек) эпчил ва чаққон йигит бўлсин.

**Жайхун, Jayxun** (*ар.*) — умри жайхун дарёдек оқиб турсин, жўшқин, фаровон бўлсин.

**Жайхуна, Jauxuna** (◊.,*ар.*) — *қар. Жайхун* (Жайхун+а).

**Жакбар, Jakbar** (*ар.*) — *қар. Акбар.*

**Жакбарали, Jakbarali** (*ар.*) — *қар. Акбарали.*

**Жакия, Jakiya** (*ар.*) — узоқ умрли қиз.

**Жала, Jala** (*ўз.*) — кучли жала ёққан пайти туғилган бола ёки умри жаладек сероб бўлсин.

**Жалид, Jalid** (*ар.*) — пухта, чидамли, собит, турғун.

**Жалил, Jalil** (*ар.*) — юксак, улуғвор; донгдор, машҳур. Асли: *Абдужалил* (*қар.*)

**Жалила, Jalila** (◊.,*ар.*) — улуғвор, машҳур, донгдор қиз.

**Жалис, Jalis** (*ар.*) – отасига ҳамсуҳбат; йўлдош, ҳамроҳ бўлиб юрсин.

**Жалиш, Jalish** (*ар.*) – хушруй, гўзал, кўркам ёки Жалолиддин, Абдужалил исмларининг эқ. шакли.

**Жалодат, Jalodat** (◊ ., *ар.*) – чаққон, довюрак қиз.

**Жалойир, Jaloyir** (*ўз.*) – жалоир қабиласига мансуб бола, жалойир фарзанди.

**Жалол, Jalol** (*ар.*) – буюк, юксак мартабали; гўзал, кўркам.

**Жалола, Jalola** (◊ ., *ар.*) – улуғ, кўркам қиз.

**Жалолат, Jalolat** (◊ ., *ар.*) – мағрур, виқорли қиз.

**Жалолиддин, Jaloliddin** (*ар.*) – диннинг улуғворлиги, шавкати, шукуҳи; диннинг буюклиги, мукаммаллиги ёки диннинг улуғ, шавкатли фарзанди.

**Жалолмирза, Jalolmirza** (*ар.-фт.*) – улғайиб улуғвор, шавкатли ҳамда салобатли, ўқимишли йигит бўлсин.

**Жалолхўжа, Jalolxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар авлодидан бўлган, шавкатли, шукуҳли бола.

**Жалонбой, Jalonboy** (*ар.*) – *эҳт.: Жавлонбой.*

**Жалғасин, Jalg'asin** (*ўз.*) – улансин, боғлансин, яъни олдинги болаларга қўшилсин, умри узоқ бўлсин.

**Жалғаш, Жалғашбой, Jalg'ash** (*ўз.*) – улансин, боғлансин, яъни олдинги болаларга қўшилсин.

**Жамал, Jamal** (*ар.*) – туя, эркак туя, нортуя. *Эҳт.: Жамол* (*қар.*) исмининг шакли.

**Жаман, Жаманбой, Jaman** (*ўз.*) – ёмон, ярамас бола. Чақалоққа жину ажиналар эътибор қилмасин, кўз тегмасин деб шундай исм берилади. Шакллари: *Жамантой, Жаманшо.*

**Жаманқора, Jamanqora** (*ўз.*) – *қар. Жаман* ва *Қора.*

**Жаманқул, Jamanqul** (*ўз.*) – *қар. Жаман* (Жаман+қул).

**Жамаш, Jamash** (*фт.*) – қувноқ, хушчақчақ; бахтиёр.

**Жамбил // Жанбула, Jambil** (◊ ., *ўз.*) – жанбил (хушҳид ўсимлик)дек ёқимтой суюкли қиз.

**Жамбилой, Jambiloy** (◊ ., *ўз.*) – жамбилдек ёқимли ва ойдек гўзал қиз.

**Жамбул, Jambul** (*муғ.*) – қўрғон, қалъа (қаср), яъни қалъадек маҳкам, мустаҳкам бола.

**Жамил, Jamil** (*ар.*) – чиройли, хушсурат; ёқимтой.

**Жамила, Jamila** (◊ ., *ар.*) – гўзал, соҳибжамол, мафтункор қиз.

**Жамиятхон, Jamiyatxon** (◊ ., *ар.-ўз.*) – жамиятга, халққа хизмат қилувчи; суюкли қиз.

**Жамоат, Jamoat** (◊ ., *ар.*) – улғайиб кўпчиликнинг хизматкори бўлсин, кўпчиликнинг дуосини олсин.

**Жамод, Jamod** (*ар.*) – тошдек, маъдандек мустаҳкам бола. *Қар. Жамоддин.*

**Жамоддин, Jamoddin** (*ар.*) – диннинг мустаҳкам, маҳкам боласи ёки диннинг собитқадам, содиқ фарзанди.

**Жамол, Jamol** (*ар.*) – чиройли, нафосатли, хушрўй бола. *Эҳт.:* Жаммол – туякаш, туяларни еткаловчи. *Асли.: Жамолиддин (қар.)*

**Жамола, Jamola** (◊.,*ар.*) – *қар. Жамол* (Жамол+а).

**Жамолбиби, Jamolbibi** (◊.,*ар.-ҳинд.*) – чиройли, зебо ва юксак мартабали қиз.

**Жамолиддин, Jamoliddin** (*ар.*) – диннинг равнақи, баркамоллиги, мукаммаллиги ёки диннинг баркамол, содиқ хизматкори.

**Жамолой, Jamoloy** (◊.,*ар.-ўз*) – ойюзли, соҳибжамол қиз.

**Жамолхон, Jamolxon** (*ар.-ўз.*) – гўзал, келишган ўғил улуғ мартабали бўлсин.

**Жамшид, Jamshid** (*фт.*) – улуғ, улкан, муаззам. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридаги афсонавий подшоҳнинг номи.

**Жамғир, Жамғирбой, Jamg'ir** (*ўз.*) – ёмғир қаттиқ ёққан кунда туғилган бола. *Сол.: Ёмғир, Ёмғирбой.*

**Жанбил, Janbil** (◊.,*ўз.*) – хушбўй ўсимлик жамбилдек ёқимтой, кўркам қиз.

**Жанил, Жангил, Janil** (*ўз.*) – янглишгин, адашгин. Чақалоқнинг душманларини чалғитиш, уни ўлимдан асраш учун берилган исм.

**Жанги, Jangi** (*фт.*) – уруш йилларида туғилган бола.

**Жанговар, Jangovar** (*фт.*) – жасур, мард, қайтмас, урушга шай.

**Жанглиш, Janglish** (◊.,*ўз.*) – янглишгин, адашгин, яъни бола бало-қазодан омон бўлсин ёки алмашгин, адашгин, яъни кейингиси ўғил бўлсин.

**Жанд** (*ар.*) – улуғвор, бузургвор, муқаддас авлиё ёки жандал (ҳарсанг тош) сўзининг қисқарган шакли.

**Жаниш,** (*фт.*) – таркибида "жон" сўзи келган номларнинг қисқарган шакли. *Эҳт.: Жанглиш (қар.)*

**Жанишали,** (*ўз.-ар.*) – *қар. Жаниш* ва *Али.*

**Жаниқул,** (*фт.-ўз.*) – *қар. Жониқул.*

**Жаннат, Jannat** (◊.,*ар.*) – беҳишт, учмоқ, яьни жаннат қизи. Шакллари: *Жаннатбиби, Жаннатой, Жаннатхон.*

**Жаннатбу, Jannatbu** (◊.,*ар.-ўз.*) – *қар. Жаннат.*

**Жаннатқули, Jannatquli** (*ар.-ўз.*) – беҳиштда бўлувчи, жаннатга интилувчи, жаннатга мансуб.

**Жаноб, Janob** (*ар.*) – остона, бўсағада қолсин; қаср, саройдек мустаҳкам бўлсин ёки *Жанобиддин (қар.).*

**Жанобиддин, Janobiddin** (*ар.*) – диннинг эътиборли, эъзозли ихлосманди.

**Жаноқ, Janoq** (*ар.ёки ўз.*) – жаноҳ-парвоз қилувчи, қанотли ёки жаноқ уруғига мансуб бола.

**Жарас, Jaras** (*ўз.*) – ярашган, муносиб, мақбул. *Эҳт.: Яраш (қар.).*

**Жарид, Jarid** (*ўз.*) – кучли, қудратли, танҳо, ягона.

**Жарида, Jarida** (◊.,*ўз.*) — танҳо, ягона; тенгсиз, беқиёс, ноёб.

**Жарилқасин, Jarilqasin** (*ўз.*) — *қар. Ёрлақасин, Ярлақасин.*

**Жарир, Jarir** (*ар.*) — эпчил, чаққон, тезкор ёки теридан эшиб ишланган арқондек маҳкам, чидамли.

**Жарира, Jarira** (◊.,*ар.*) — теридан ясалган арқондек чидамли, яшовчи.

**Жария, Jariya** (◊.,*ар.*) — мард, ботир, қўрқмас ёки *қар. Жория.*

**Жарроҳ, Jarroh** (*ар.*) — соғ улғайиб моҳир жарроҳ, табиб бўлсин.

**Жарулла, Jarulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг яқини, эъзозли бандаси.

**Жарқин, Jarqin** (◊.,*ўз.*) — ҳаёти ёрқин, нурли, равшан бўлсин.

**Жарқиной, Jarqinoy** (◊.,*ўз.*) — нурли, чароғон ой каби гўзал қиз.

**Жасорат, Jasorat** (*ар.*) — мардлик, жасорат соҳиби.

**Жасур, Jasur** (*ар.*) — қайтмас, мард, журъатли, жасоратли.

**Жасура, Jasura** (◊.,*ар.*) — жасоратли, мард, саботли қиз.

**Жаъфар, Ja'far** (*ар.*) — жаннат ариғи, анҳори ёки сариқ рангли хушбўй гул. Шакллари: *Жаъфарбой, Жаъфархон, Жаъфарқул.*

**Жаъфарали, Ja'farali** (*ар.*) — умри жаннат ариғидек мусаффо бўлсин ҳамда Алининг руҳи мададкор бўлиб юрсин.

**Жаъфарсодиқ, Ja'farsodiq** (*ар.*) — умри жаннат ариғидек мусаффо бўлсин ва Содиқ — Муҳаммад (сав) мададкор бўлсин.

**Жаъфарқул, Ja'farqul** (*ар.+ўз.*) — жаннатга мансуб ёки имом Жаъфарнинг (шиитлар мазҳабининг олтинчи имоми) қули.

**Жағалбой, Jag'alboy** (*ўз.*) — жағалтой уруғига мансуб бола. Жағал-учиб, парвоз қилиб кетаётган қуш.

**Жағалой, Jag'aloy** (◊.,*ўз.*) — Жағалтой // Жиғалтой уруғига мансуб қиз ёки толеи парвоз қилаётган қушдек юксак бўлсин.

**Жаҳон, Jahon** (*фт.*) — умри оламдек кенг ва ёруғликка тўла бўлсин. Шакллари: *Жаҳонбек, Жаҳонбой, Жаҳонбиби, Жаҳонбу, Жаҳонбуви, Жаҳоной, Жаҳонхон.*

**Жаҳонаро, Jahonaro** (◊.,*фт.-ўз.*) — оламга зийнат, оройиш берувчи, яъни дунёдаги энг гўзал қиз.

**Жаҳонбахт, Jahonbaxt** (◊., *фт.-ар.*) — толеи оламдек чексиз бўлсин ёки оламдаги энг бахтли қиз.

**Жаҳонбахш, Jahonbaxsh** (*фт.*) — оламнинг ҳокими ёки оламда энг сахий, ҳотамтой бола.

**Жаҳонбин, Jahonbin** (*фт.*) — оламдаги барча нарсаларни кўра ва била олувчи; ақлли, доно, зукко.

**Жаҳонбон, Jahonbon** (*фт.*) — оламнинг эгаси, ҳокими; жаҳонгир.

**Жаҳонбону, Jahonbonu** (◊.,*фт.*) — оламдаги энг машҳур қиз; тенгсиз малика.

**Жаҳонгир, Jahongir** (*фт.*) — оламни бўйсиндирувчи, фатҳ этувчи; ғолиб, музаффар.

**Жаҳондагул, Jahondagul** (◊*.,фт.*) — оламдаги гўзалларнинг аълоси, зеболарнинг зебоси.

**Жаҳондор, Jahondor** (*фт.*) — оламни эгаллаган, дунё ҳукмдори; улуғ, қудратли шоҳ.

**Жаҳонзеб, Jahonzeb** (◊*.,фт.*) — оламнинг безаги, кўрки, зийнати.

**Жаҳоннисо, Jahonniso** (◊*., фт-ар.*) — оламга татийдиган аёл, дунёдаги энг машҳур қиз.

**Жаҳоннур, Jahonnur** (◊*.,фт.-ар.*) — оламнинг нури, бахтли қиз, мислсиз бахту саодат соҳиби.

**Жаҳоной, Jahonoy** (◊*.,фт.-ўз.*) — оламнинг оймонанд гўзали.

**Жаҳонсўз, Jahonso'z** (◊*.,фт.*) — оламни куйдирувчи, мафтун этувчи қиз.

**Жаҳонтож, Jahontoj** (◊*.,фт.*) — оламнинг безаги, тожи ёки тож (хол) билан туғилган, оламга татувчи қиз.

**Жаҳоншо, Jahonsho** (*фт.*) — оламнинг подшоҳи, дунё ҳукмдори.

**Жаҳонқул, Jahonqul** (*фт.-ўз.*) — оламдаги энг одобли, мўминқобил бола.

**Жиба, Jiba** (*ўз.*) — жибадек (металдан тўқиб ясалган ҳарбий кийим) мустаҳкам, ҳимояланган бола.

**Жибачи, Jibachi** (*ўз.*) — жиба (металдан тўқиб ясалган ҳарбий кийим, совут) ясовчи ёки ўтмишда Бухоро амири саройидаги қуйи масаблардан бирининг номи.

**Жибак, Jibak** (◊*.,ўз.*) — *қар. Ипак.*

**Жигар, Jigar** (*ўз.*) — қариндош, туғишган, қадрдон ёки куч, ғайрат, шижоат.

**Жигардон, Jigardon** (*фт.*) — қўрқмас, жасур, довюрак.

**Жигит, Jigit** (*ўз.*) — отлиқ, суворий, чавандоз. *Қар. Йигит.*

**Жийронбой, Jiyronboy** (*ўз.*) — жиран—тўриқ от, малла ранг от. *Эҳт.: Жайрон (қар).*

**Жилан // Челан, Jilan** (*фт.*) — маймунжон ёки чиланжийда, игналари кўп дарахт.

**Жилвонбой, Jilvonboy** (*ар.-ўз.*) — ёруғ, равшан, нурли; жилвагар.

**Жилов, Жиловбой, Jilov** (*ўз.*) — илғор, пешқадам, олдинги сафда борувчи ёки жиловланган, яъни маҳкам, узоқ умрли.

**Жиловдор, Jilovdor** (*ўз.*) — отбоқар, отли ёки ҳоким, ҳукмрон.

**Жинғилбой, Jing'ilboy** (*ўз.*) — жинғил ўсимлигидек (юлғундек) маҳкам бола. Эҳт.: жингул-наъматак, итбурун.

**Жиян, Jiyan** (*ўз.*) — тоғасига жиян бўлиб юрсин ёки тоғасининг уйида туғилган бола. Шакллари: *Жиянбек, Жиянбой, Жиянгул, Жиянхон, Жиянбека, Жиянқул.*

**Жиянали, Jiyanali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Жиян* ва *Али.*

**Жияндавлат, Jiyandavlat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Жиян* ва *Давлат.*

**Жиянмурод, Jiyanmurod** (*ўз.-ар.*) — тоғасининг жияни муродига етсин.

**Жиянмамат, Jiyanmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар.Жиян* ва *Муҳаммад.*

**Жиянмуҳаммад, Jiyanmuhammad** (*ўз.-ар.*) — тоғасига жиян, суянч бўлиб ўссин ёки тоғасининг уйида туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Жиянназар, Jiyannazar** (*ўз.-ар*) — Аллоҳ илтифот (назар) қилиб берган жиян бола.

**Жиянниёз, Jiyanniyoz** (*ўз.-фт.*) — *қар. Жиян* ва *Ниёз.*

**Жиянтурди, Jiyanturdi** (*ўз.*) — тоғасининг жияни бўлган ёки тоғаси уйида туғилган боланинг умри узоқ бўлсин.

**Жияншо, Jiyansho** (*фт.*) — *қар. Жиян* ва *Шоҳ.*

**Жиянқиз, Jiyanqiz** (◊.,*ўз.*) — тоғасининг жияни ёки тоғасининг уйида туғилган қиз.

**Жиянқилич, Jiyanqilich** (*ўз.*) — тоғасига жиян бўлган ёки тоғаси уйида туғилган ўғил қиличдек ўткир ва мустаҳкам бўлсин.

**Жиға, Жиғабой, Jig'a** (*фт.*) — жиға (тож)дек мўътабар бола ёки бошида қандайдир белги билан туғилган бола.

**Жиғагул, Jig'agul** (*ўз.-фт.*) — жиғадек мўътабар ва гулдек зебо қиз.

**Жиғали, Jig'ali** (*ўз.*) — бошида қандайдир белги билан туғилган бола.

**Жобир, Jobir** (*ар.*) — синиқчи, шикастбанд, синиқчи табиб. Баъзи манбаларда жабрловчи, золим

**Жовид, Jovid** (*ар.*) — умри узоқ бўлсин, абадий, мангу турсин.

**Жовида, Jovida** (◊.,*ар.*) — умри узоқ ва боқий бўлсин.

**Жовли // Жавли, Jovli** (*ўз.*) — умри тўла-тўкис, мукаммал бўлсин ёки охирги, кенжа ўғил.

**Жовмард, Jovmard** (*фт.*) — *қар. Жўмард.*

**Жовун, Jovun** (*ўз.*) — қаттиқ ёғингарчилик пайтида туғилган бола. Сол.: *Ёмғир, Ёмғирбой.*

**Жовқа, Jovqa** (*ўз.*) — *қар. Жовқаш, Ёвқоч* ёки *Новқа.*

**Жовқаш, Jovqash** (*ўз.*) — ёв (жов), яъни бало-қазолар боладан йироқ бўлсин, норасиданинг умри узоқ бўлсин.

**Жозиб, Jozib** (*ар.*) — мафтун этувчи, ўзига тортувчи; жозибали, гўзал бола.

**Жозиба, Joziba** (◊.,*ар.*) — дилрабо, дилкаш, мафтункор қиз.

**Жозилбой, Jozilboy** (*ўз.*) — турмуши тўкин-сочин, фаровон бўлсин.

**Жола, Jola** (◊.,*фт.*) — дўл ёққан кунда туғилган қиз.

**Жолис, Jolis** (*ар.*) — дўст, улфат, фикрдош, ҳамфикр.

**Жомбой, Jomboy** (*фт.*) — Жомбойда (Самарқанд вилояти) туғилган бола ёки жомбой уруғига мансуб фарзанд.

**Жомиддин, Jomiddin** (*ар.*) — диннинг собитқадам, содиқ хизматчиси, таянчи.

**Жомир, Jomir** (*ўз.+фт.*) — *эҳт.: Жонмир* ёки *Жомурод.*

**Жомия, Jomiya** (◊*.,ар.*) — пок, мусаффо, тоза, покиза.

**Жонали, Jonali** (*фт.-ар.*) — суюкли, ёқимтой ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Жонас // Жанас, Jonas** (*ўз.*) — яқинлашгин, ёндошгин, яъни отаси (олдинги ака-опаларига) ёндошиб ҳамроҳ бўлиб ўссин.

**Жонафрўз, Jonafro'z** (◊*.,фт.*) — қалбга нур элтувчи, юракни яйратувчи, жонга ҳузур бағишловчи қиз.

**Жонаш, Jonash** (*фт.*) — ёқимтой, қадрли, азиз; "жон" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Жонниёз, Жонкелди, Жонйигит*) эқ. шакли.

**Жонбарс, Jonbars** (*ўз.*) — ўғилжонимиз (йўлбарс)дек кучли, қудратли бўлсин.

**Жонбахш, Jonbaxsh** (*фт.*) — ҳаётбахш, тиришқоқ ёки содиқ, вафодор.

**Жонбек, Jonbek** (*фт.-ўз*) — беклар наслидан бўлган қадрли, эъзозли ўғил.

**Жонбека, Jonbeka** (◊*.,фт.-ўз.*) — беклар наслига мансуб суюкли қиз.

**Жонберди, Jonberdi** (◊*.,фт.-ўз.*) — Аллоҳ қадрли, азиз қиз ато қилди.

**Жонбиби, Jonbibi** (◊*.,фт.+ҳинд.*) — *қар. Бибижон.*

**Жонбой, Jonboy** (*фт.-ўз.*) — умри узоқ ва давлатли ўғил бўлсин.

**Жонбоз, Jonboz** (*фт.*) — ботир, жасур, фидойи бола.

**Жонбосим, Jonbosim** (*фт.-ўз.*) — *қар. Босим, Босимжон.*

**Жонбуви, Jonbuvi** (◊*.,фт.-ўз*) — бувисининг номи берилган суюкли қиз.

**Жонбўл, Jonbo'l** (*фт.-ўз.*) — азиз, суюкли бўлиб юрсин ёки соғу омон бўлсин. *Қар. Жонбўлсин.*

**Жонбўлсин, Jonbo'lsin** (*фт.-ўз*) — суюкли, эркатой бола бўлиб улғайсин, жони соғ бўлсин.

**Жонбўта, Jonbo'ta** (*фт.-ўз*) — *қар. Бўта, Бўтажон.*

**Жонвафо, Jonvafo** (*фт.-ар.*) — *қар. Вафо, Вафожон.*

**Жонвор, Jonvor** (*фт.*) — жонли, тирик, яшовчи, умри узоқ.

**Жондада, Jondada** (*фт.-ўз.*) — *қар. Дада, Дадажон* ёки *Жондода*-жонини аямайдиган жанговар, шиддаткор.

**Жондароз, Jondaroz** (*фт.*) — шижоатли, жасур, диловар.

**Жондор, Jondor** (*фт.*) — жони соғ, берк бўлсин ёки жондор-*бўри. Қар. Бўри, Бўрибой.*

**Жондулла, Jondulla** (*фт.-ар*) — Аллоҳнинг қўшини, лашкари.

**Жондўст, Jondo'st** (*фт.*) — *қар. Дўст, Дўстжон.*

**Жонжўра, Jonjo'ra** (*фт.*) — суюкли, азиз, содиқ дўст. *Қар. Жўра, Жўражон.*

**Жонзамон, Jonzamon** (*фт.-ар.*) — замонаси, даврининг содиқ фарзанди.

**Жонибек, Jonibek** (*фт.-ўз.*) — жони берк (маҳкам, мустаҳкам) умри узоқ бола.

**Жоним, Jonim** (*фт.*) — "жон" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Жонмурод, Жонмуҳаммад)* қисқарган шакли.

**Жонимқул, Jonimqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Жоним.*

**Жонифа, Jonifa** (◇*.,фт.*) — мулойим, ёввош, камтарин; одобли.

**Жония, Joniya** (◇*.,фт.*) — суюкли, азиз қиз.

**Жониқиз, Joniqiz** (◇*.,фт.-ўз.*) -- *қар. Жонқиз.*

**Жониқул, Joniqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Жонқул.*

**Жониқурбон, Joniqurbon** (*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган суюкли ўғил.

**Жонйигит, Jonyigit** (*фт.-ўз.*) — суюкли, йигит, ажойиб, қадрли йигит.

**Жонкелди, Jonkeldi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Келди, Келдижон.*

**Жонкумуш, Jonkumush** (◇*.,фт.-ўз.*) — кумушдек бебаҳо, кўркам ва суюкли, эъзозли қиз.

**Жонлар, Jonlar** (*фт.-ўз.*) — тириклик, руҳ, ҳаётбахшлик.

**Жонмамат, Jonmamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Жонмуҳаммад.*

**Жонмат, Jonmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Жонмуҳаммад.*

**Жонмирза, Jonmirza** (*фт.*) — *қар. Мирза, Мирзажон.*

**Жонмурод, Jonmurod** (*фт.-ар.*) — *қар. Мурод, Муроджон.*

**Жонмуҳаммад, Jonmuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Муҳаммад, Муҳаммаджон.*

**Жонназар, Jonnazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг назари, илтифоти туфайли эришилган суюкли ўғил.

**Жонниёз, Jonniyoz** (*фт.*) — илтижолар қилиб Аллоҳдан тилаб олинган ўғилнинг жони маҳкам бўлсин ёки тилаб олинга суюкли бола.

**Жоннисор, Jonnisor** (*фт.-ар.*) — жонини фидо қилувчи, содиқ, садоқатли.

**Жонодил, Jonodil** (*фт.-ар.*) — *қар. Одил, Одилжон.*

**Жоной, Jonoy** (◇*.,фт.-ўз.*) — *қар. Ойжон.*

**Жономон, Jonomon** (*фт.-ар.*) — жони соғ, умри узоқ бўлсин. *Қар. Омон, Омонжон.*

**Жонон, Jonon** (◇*.,фт.*) — суюкли, азиз ёки кўркам соҳибжамол, мафтункор қиз. Шакллари: *Жононбиби, Жононой, Жононгул, Жононбой, Жононхон.*

**Жонона, Jonona** (◇*.,фт.*) — суюкли; дилбар, мафтункор қиз.

**Жононпари, Jononpari** (◇*.,фт.*) — суюкли ва парилардек кўркам қиз.

**Жононпошша, Jononposhsha** (◇*.,фт.*) — суюкли ва эъзозга сазовор, юксак мартабали қиз.

**Жононқул, Jononqul** (*фт.-ўз.*) — жондек азиз, суюкли ўғил ёки Аллоҳнинг суюкли бандаси.

**Жонпарвар, Jonparvar** (*фт.*) — қувват, кўмак берувчи, жонга оро кирувчи бола.

**Жонпошша, Jonposhsha** (◊ *.,фт.*) — жондек азиз, қадрли эъзозга лойиқ қиз.

**Жонпўлат, Jonpo'lat** (◊ *.,фт.*) — жони пўлатдек берк, маҳкам бола. Сол.: *Пўлат, Пўлатжон.*

**Жонсаид, Jonsaid** (*фт.-ар.*) — *қар. Саиджон.*

**Жонсевар, Jonsevar** (*фт.-ўз.*) — жондек азиз, суюкли ўғил.

**Жонсиҳат, Jonsihat** (*фт.-ар.*) — жони соғ, умри узоқ бўлсин.

**Жонсувор, Jonsuvor** (*фт.*) — фидокор, содиқ ёки келишган, кўркам ҳамда суюкли бола.

**Жонсулув, Jonsuluv** (◊ *.,фт.-ўз.*) — жондек азиз, кўркам, зебо қиз.

**Жонсуяр, Jonsuyar** (*фт.-ўз.*) — *қар. Суяр, Суяржон.*

**Жонтемир, Jontemir** (*фт.-ўз.*) — жони темирдек мустаҳкам, яъни умри узоқ бола.

**Жонтой, Jontoy** (*фт.-ўз.*) — тойчоқ каби эркатой, суюкли ўғил, *қар. Тойжон.*

**Жонтош, Jontosh** (*фт.ўз.*) — жони тошдек берк, маҳкам бола.

**Жонтур, Jontur** (*фт.-ўз.*) — суюкли, азиз ўғил турсин, яшасин. *Қар.: Турсун, Турсинжон.*

**Жонтурди, Jonturdi** (*фт.-ўз.*) — суюкли ўғил яшайди, туради.

**Жонтўра, Jonto'ra** (*фт.-ўз.*) — *қар. Тўра, Тўражон.*

**Жонузоқ, Jonuzoq** (*фт.-ўз.*) — умри узоқ бўлсин, узоқ яшасин.

**Жонфайз, Jonfayz** (*фт.-ар.*) — суюкли ўғил насибали бўлсин, файзли ҳаёт кечирсин.

**Жонхўроз, Jonxo'roz** (*фт.-ар.*) — қизил хол (белги) билан туғилган суюкли ўғил.

**Жоншо, Jonsho** (*фт.*) — *қар. Жон* ва *Шоҳ*. Сол.: *Шожон.*

**Жонқараш, Jonqarash** (*фт.-ўз.*) — суюкли ўғилга Аллоҳнинг ўзи қарашсин, мададкор бўлсин, яъни умрини узоқ қилсин.

**Жонқобил, Jonqobil** (*фт.-ар.*) — суюкли ҳамда одобли, мусулмон-қобил бола. Сол.: *Қобилжон.*

**Жонқора, Jonqora** (*фт.-ўз.*) — суюкли, кучли, қудратли бола. Сол.: *Қоражон.*

**Жонқори, Jonqori** (*фт.-ар.*) — *қар. Жон* ва *Қори.*

**Жонқувват, Jonquvvat** (*фт.-ар.*) — азиз, суюкли ўғил кучли, қудратли бўлсин.

**Жонқул, Jonqul** (*фт.-ўз.*) — суюкли ва ёввош, қобил бола.

**Жонқўзи, Jonqo'zi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Қўзи, Қўзижон.*

**Жонғил, Jong'il** (◊ *.,ўз.*) — янглишсин, яъни ёмонликлар узоқлашсин, адашсин. *Эҳт. Жонқул (қар).*

**Жонғози, Jong'ozi** (*фт.-ар.*) — *қар. Жон* ва *Ғози* ёки дину ислом йўлида курашувчи суюкли ўғил.

**Жонҳайдар, Jonhaydar** (*фт.-ар.*) — жондек азиз, суюкли ўғилни *Ҳайдар (қар.)*, яъни Али қўлласин, паноҳига олсин ёки арслон (*Ҳайдар*) дек довюрак ҳамда суюкли бола.

**Жория, Joriya** (◊.,*ар.*) — чўри, хизматкор қиз, қул ёки ҳаёти тўғри, равон қиз.

**Жоҳид, Johid** (*ар.*) — ҳаракатчан, тиришқоқ; собитқадам.

**Жубан, Juban** (*фт.*) — ёш, навқирон ёки юпанч. Боласи турмаган оилаларда бу бола бизга юпанч, далда бўлсин маъносида.

**Жувона // Жугона, Juvona** (◊.,*фт.*) — кабутар боласи; жувон, аёл.

**Жувонбахт, Juvonbaxt** (*фт.-ар.*) — бахтли, бахтиёр, омадли.

**Жувонмарди, Juvonmardi** (*фт.*) — жасур, довюрак, шижоатли ёки сахий, олижаноб, меҳрибон.

**Жувоншер // Жавоншер, Juvonsher** (*фт.*) — ёш шер, шер боласи, шербачча.

**Жума, Juma** (*ар.*) — жума куни, яъни хосиятли кунда туғилган бола. Шакллари: *Жумабой, Жумақул, Жуматой.*

**Жумаали, Jumaali** (*ар.*) — хосиятли кун — жумада туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Жумабахт, Jumabaxt** (*ар.*) — жума куни берилган бахт, саодат ёки жума куни туғилган қиз бахтли бўлсин.

**Жумабека, Jumabeka** (◊.,*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Жумаберди, Jumaberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ жума куни ато қилган ўғил.

**Жумавали, Jumavali** (*ар.*) — жумада туғилган ва художўй бола ёки жума куни туғилган болага Вали (Аллоҳ) ёр бўлсин. *Қар. Вали (й), Абдували.*

**Жумагул, Jumagul** (◊.,*ар.-фт.*) — жума куни туғилган гулдек зебо қиз.

**Жумадавлат,** (*ар.*) — жума куни туғилган ўғил давлатманд бўлсин ёки жума куни эришган давлатимиз (фарзанд).

**Жумадулла, Jumadulla** (*ар.*) — Аллоҳ жума куни берган туҳфа, эҳсон.

**Жумадурди, Jumadurdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жуматурди.*

**Жумаёр, Jumayor** (*ар.-фт.*) — жума куни туғилган ўртоқ, ҳамдам.

**Жумакелди, Jumakeldi** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган (келган) бола.

**Жумаменгли, Jumamengli** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган холли бола.

**Жумамурод, Jumamurod** (*ар.*) — жума куни эришилган орзу, мурод ёки жума куни туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Жуман, Жуманбой, Juman** (*ар.*) — жуман — марварид, гавҳар (инжу, дур) ёки *Жуманазар, Жуманиёз (қар.)* исмларининг эқ. шакли.

**Жуманазар, Jumanazar** (*ар.*) — жума куни берилган инъом, совға.

**Жуманали, Jumanali** (*ар.*) — *қар. Жуман* ва *Али.*

**Жуманафас, Jumanafas** (*ар.*) — Аллоҳ нафаси, қудрати туфайли жума куни туғилган бола.

**Жуманиёз, Jumaniyoz** (*ар.-фт.*) — жума куни кўрсатилган илтифот, марҳамат ёки жума куни берилган инъом, эҳсон.

**Жуманиёр, Jumaniyor** (*ар.-фт.*) — жума куни келган дўст, ҳамдам.

**Жуманкелди, Jumankeldi** (*ар.-ўз.*) -- гавҳардек азиз, бебаҳо ўғил туғилди (келди).

**Жуманор, Jumanor** ( ◊ *.,ар.-фт.*) — жума куни туғилган ва қизил холли (норли) қиз.

**Жумантой, Jumantoy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Жуман (Жуман+той).*

**Жуманқул, Jumanqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жуман (Жуман+қул).*

**Жумаражаб, Jumarajab** (*ар.*) — ражаб ойининг жума куни — хосиятли кунда туғилган бола.

**Жумарасул, Jumarasul** (*ар.*) — жума куни туғилган болани Расул — худонинг элчиси (пайғамбар) ўз паноҳида асрасин.

**Жумасафар, Jumasafar** (*ар.*) — сафар ойининг жума кунида, хосиятли кунда туғилган ўғил.

**Жумасаид, Jumasaid** (*ар.*) — жума куни, хосиятли кунда туғилган ўғил бахтли, омадли бўлсин.

**Жумасоат, Jumasoat** (*ар.*) — жума куни — хосиятли, қутлуғ соатда туғилган бола.

**Жумасултон, Jumasulton** (◊ *.,ар.*) — жума куни туғилган ва қизларнинг аълоси, сараси (султони) бўлган қиз.

**Жумат, Jumat** (*ар.*) — "жума" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма номларнинг (*Жуматурди, Жуматурсун)* эқ. шакли.

**Жуматож, Jumatoj** ( ◊ *.,ар.-фт.*) — жума куни туғилган ва баданида тожи, холи бор қиз.

**Жуматой, Jumatoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жума* (Жума+той), жума куни туғилган суюкли, эрка ўғил.

**Жуматош, Jumatosh** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган, тошдек маҳкам бола.

**Жуматурди, Jumaturdi** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган бола турди, яшайди

**Жуматурсун, Jumatursun** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган ўғил яшасин, турсин.

**Жумахалил, Jumaxalil** (*ар.*) — жума куни туғилган, содиқ, вафодор дўст. Сол.: *Абдухалил, Халилулла* (Халил номи Иброҳим пайғамбарнинг сифати (лақаби) бўлган.

**Жумахол, Jumaxol** (◊ .,*ар.-фт.*) — жума куни дунёга келган ва холли қиз.

**Жумахон, Jumaxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жума* (Жума+хон) ёки жума — хосиятли кунда туғилган, эъзозли бола.

**Жумахўжа, Jumaxo'ja** (*ар.-фт.*) — жума куни туғилган хўжалар (оқсуяклар) авлодига мансуб бола.

**Жумаш, Jumash** (*ар.*) — "жума" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Жумақора, Жумақурбон*) эқ. шакли.

**Жумақиз, Jumaqiz** (◊ .,*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган қиз.

**Жумақилич, Jumaqilich** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган ва қиличдек ўткир, мустаҳкам бола.

**Жумақора, Jumaqora** (*ар.-ўз.*) — жума куни туғилган ва кучли, қудратли ўғил.

**Жумақул, Jumaqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жума (Жума+қул)*, Аллоҳнинг жума — хосиятли кунда туғилган бандаси.

**Жумақурбон, Jumaqurbon** (*ар.*) — қурбон ойининг жума кунида туғилган бола.

**Жумақўзи, Jumaqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Жума* ва *Қўзи* ёки жума куни туғилган суюкли, эркатой бола.

**Жунайд, Junayd** (*ар.*) — кесак (гувала)дек арзимас бола. Чақалоққа кўз тегмасин деб шундай исм берилади. Асли *Жунайдулла (қар.)*. Баъзи манбаларда: машҳур, улуғ, пир.

**Жунайдулла, Junaydulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг хоксор, содда бандаси.

**Жунайиддин, Junayiddin** (*ар.*) — диннинг хоксор, содиқ хизматкори; содда, одми художўй.

**Жупар, Jupar** (◊ .,*фт.*) — хушбўй, муаттар ҳидли ўсимлик (жупар)дек ёқимтой қиз. *Эҳт.: Жаъфарой* исмининг эқ. *сол.: Жуфар.*

**Журъат, Jur'at** (*ар.*) — жасоратли, матонатли, шижоатли.

**Жуфар, Жуфарой, Jufar** (◊ .,*фт.*) — *қар. Жупар.* Эҳт.: *Жаъфар, Жаъфарой (қар.).*

**Жўжагул, Jo'jagul** (◊ .,*фт.*) — жўжадек нозик, кичкинтой ва гулдек кўркам қиз.

**Жўжи, Jo'ji** (*муғ.*) — кутилган бола, меҳмон.

**Жўйбор, Jo'ybor** (*фт.*) — умри сувга сероб ва булоқ сувидек узун бўлсин.

**Жўлли, Жўллибой, Jo'lli** (*ўз.*) — йўлли, йўли очиқ, яъни умри узоқ, ўлмайдиган, яшайдиган бола. Эҳт.: *Чўли, Чўлибой.*

**Жўлмамат, Jo'lmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Жўлмуҳаммад.*

**Жўлмирза, Jo'lmirza** (*ўз.-фт.*) — йўли очиқ, умри узоқ ва ўқимишли мирзо йигит бўлсин.

**Жўлмуҳаммад, Jo'lmuhammad** (*ўз.-ар.*) — йўли очиқ, толе баланд болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳига олсин.

**Жўмард, Jo'mard** (*фт.*) — сахий, қўли очиқ, саховатли, мард, дангалчи.

**Жўмардберди, Jo'mardberdi** (*фт.+ўз.*) — Аллоҳ ато қилган сахий, саховатли бола.

**Жўмардтурди, Jo'mardturdi** (*фт.-ўз.*) — сахий, саховатли бола турсин, умри узоқ бўлсин.

**Жўмардқул, Jo'mardqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг сахий, меҳрибон бандаси ёки сахий ва саховатлининг қули, яъни Аллоҳнинг қули.

**Жўна, Jo'na** (◇ .,*ар.*) — гавҳар, инжу ёки жўнна — умри узоқлик, боқийлик.

**Жўнтой, Jo'ntoy** (*ўз.*) — содда, камтарин ҳамда суюкли, эрка ўғил.

**Жўра, Jo'ra** (*фт.*) — отаси ёки ўзидан олдинги болаларга ўртоқ, ҳамдам, ҳамроҳ бўлиб ўссин. Шакллари: *Жўрабек, Жўрабой, Жўрақул, Жўрахон.*

**Жўраберди, Jo'raberdi** (*фт.+ўз.*) — Аллоҳ отасига (ака-опаларига) ҳамроҳ, дўст бўлиб юрувчи ўғил берди.

**Жўрагул, Jo'ragul** (◇ .,*фт.*) — онасига ва ўзидан олдинги болаларга ҳамдам (ҳамроҳ) бўлиб юрсин ва улғайиб гулдек сулув қиз бўлсин. Шакллари: *Жўра, Жўраой, Жўрахон.*

**Жўражон, Jo'rajon** (*фт.*) — суюкли дўст, ўртоқ.

**Жўракелди, Jo'rakeldi** (*фт.-ўз.*) — отаси (ака, опаларига) ҳамроҳ, дўст бўлиб юрувчи бола туғилди.

**Жўрамирза, Jo'ramirza** (*фт.*) — ўқимишли, мартабали дўст, ҳамроҳ.

**Жўрамурод, Jo'ramurod** (*фт.-ар.*) — мақсад, орзу қилинган дўст, йўлдош.

**Жўраназар, Jo'ranazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳи таоло назар қилиб берган дўст, ҳамроҳ.

**Жўраниёз, Jo'raniyoz** (*фт.*) — ёлвориб, илтижолар қилиб олинган дўст, йўлдош ёки инъом, туҳфа қилиб берилган бола.

**Жўрапошша, Jo'raposhsha** (◇ .,*фт.*) — муҳтарама, ҳурматли дўст, йўлдош.

**Жўрасултон, Jo'rasulton** (*фт.-ар.*) — улуғ мартабали, муҳтарам дўст, йўлдош; дўстларнинг сардори, султони.

**Жўратой, Jo'ratoy** (*фт.-ўз.*) — қадрли ва эркатой дўст, йўлдош.

**Жўратурди, Jo'raturdi** (*фт.-ўз.*) — отаси ёки акасига ҳамроҳ, йўлдош бўлувчи бола яшайди, туради.

**Жўрахол, Jo'raxol** (*фт.*) — холли, холи б-н туғилган йўлдош, дўст.

**Жўрахон, Jo'raxon** (◇ .,*фт.-ўз.*) — қадрли, муҳтарама дўст, йўлдош.

**Жўрақобил, Jo'raqobil** (*фт.-ар.*) — ёввош, одобли, дўст, садоқатли дўст.

**Жўрақул, Jo'raqul** (*фт.-ўз.*) — садоқатли дўст, ҳамдам.

**Жўрақўзи, Jo'raqo'zi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Жўра* ва *Қўзи.*

**Жўшқин, Jo'shqin, Жўшқинбой** (*ўз.*) — ғайратли, шижоатли бола.

**Жўшқиной, Jo'shqinoy** (◊ .,*ўз.*) — ғайратли, шижоатли, шўхчан қиз.

**Жўя, Jo'ya** (*фт.*) — изловчи, ахтарувчи, қидирувчи.

**Жўянда, Jo'yanda** (*фт.*) — изловчи, қидирувчи; муштоқ.

# З

**Забар, Забарбой, Zabar** (*фт.*) — баланд, юқори турувчи, баланд мартабали.

**Забарой, Zabaroy** (◊ .,*фт.-ўз.*) — баланд мартабали, олийнасаб қиз.

**Забардаст, Zabardast** (*фт.*) — кучли, қудратли; моҳир, уддабурон.

**Забаржад, Zabarjad** (◊ .,*ар.*) — асл, қимматбаҳо тош забаржаддек бебаҳо, қадрли қиз.

**Забармаро,** (◊ .,*фт.*) — машҳур, атоқли, тенгсиз, мислсиз.

**Забиба, Zabiba** (◊ .,*ар.*) — майиздек ширин, дилхоҳ қиз.

**Забида, Zabida** (◊ .,*фт.*) — безанган, гўзал, чиройли.

**Забий, Zabiy** (*ар.*) — оҳу, эркак оҳу.

**Забир, Zabir** (*ар.*) — маҳкам, мустаҳкам; тўсилган ҳимоя қилинган; кучли, қудратли.

**Забира, Zabira** (◊ .,*ар.*) — *қар. Забир. (Забир+а)*

**Забирулла, Zabirulla** (*ар.*) — Аллоҳ ўзи паноҳига олган бола ёки Аллоҳнинг кучли, қудратли бандаси.

**Забиҳ, Zabih** (*ар.*) — *қар. Забиҳулла.*

**Забиҳа, Zabiha** (◊ .,*ар.*) — Аллоҳ йўлига қурбонлик қилувчи қиз ёки Аллоҳ йўлига бахшида қилинган қиз.

**Забиҳулла, Zabihulla** (*ар.*) — Аллоҳга аталган, садақа қилинган ўғил. Аллоҳга ўзини бағишлаган бола.

**Забонбиби, Zabonbibi** (◊ .,*фт.-ўз.*) — бийрон тилли, нотиқа қиз ёки ёлқинли, оташли қиз.

**Забона, Zabona** (◊ .,*фт.*) — ёлқинли, равшан, нурли қиз.

**Забонбой, Zabonboy** (*фт.-ўз.*) — бийрон, сўзга чечан ўғил ёки ёлқинли, нурли бола.

**Забриддин, Zabriddin** (*ар.*) — диннинг ҳимоячиси ёки динни сақловчи, асровчи бола.

**Завра, Заврахон, Zavra** (◊ .,*фт.*) — *қар. Заҳро, Заҳрохон* ёки *Зуҳра, Зуҳрахон.*

**Забунбой, Zabunboy** (*фт.*) — арзимас, ожиз, бечораҳол бола. Чақалоққа кўз тегмасин, у эътиборсиз бўлсин деб берилган исм.

**Забур, Zabur** (*ар.*) — ёзилган, битилган. Довуд пайғамбарнинг диний китоби номи.

**Завурбой, Zavurboy** (*ар.*) — *қар. Забур. (Забур+бой)*

**Завқи, Zavqi** (*ар.*) — хурсанд, шодон, бахтиёр. *Завқиддин* (*қар.*) исмининг эқ. Шакллари: *Завқибек, Завқижон.*

**Завқиддин, Zavqiddin** (*ар.*) — дин берувчи шавқ, лаззат, шодлик ёки диннинг ҳузур-ҳаловатли фарзанди.

**Завқия, Zavqiya** (◇ .,*ар.*) — хурсанд, шодон, бахтиёр қиз.

**Завқли, Завқлибек, Zavqli** (*ар.-ўз.*) — шодлик, қувонч ҳамроҳ бўлган бола

**Задагул, Zadagul** (◇ .,*фт.*) — ҳадеб қиз туғилаверишидан зада бўлиб берилган исм.

**Заима, Zaima** (◇ .,*ар.*) — бошлиқ, сарвар бўлувчи, раҳнамолик қилувчи қиз.

**Зайд, Зайид, Zayd** (*ар.*) — туҳфа, инъом ёки кўпайиш, қўшилиш; *қар. Зайдулла.*

**Зайдали, Zaydali** (*ар.*) — Али инъом, эҳсон қилган ўғил.

**Зайдалим, Zaydalim** (*ар.*) — *Алим (қар.)*, яъни билувчи, доно (Аллоҳ) берган эҳсон, туҳфа.

**Зайдбек, Zaydbek** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган ва беклар наслига мансуб бола.

**Зайди, Zaydi** (*ар.*) — "Зайд" сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Зайдулла, Zaydulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг инъоми, эҳсони, ҳиммати.

**Зайлоб, Zaylob** (*ар.*) — *қар. Зайлобиддин. Сол.: Зайнаб.*

**Зайлобиддин, Zaylobiddin** (*ар.*) — *қар.* Зайнулобиддин. Сол.: *Зайнобиддин.*

**Займиддин, Займуддин, Zaymiddin** (*ар.*) — диннинг йўлбошчиси, раҳнамоси, дин сардори.

**Зайнаб, Zaynab** (*ар.*) — тўлиқдан келган, семиз; келишган, гўзал. Зайнаб номи Муҳаммад (сав) қизининг исми бўлган.

**Зайнаббека, Zaynabbeka** (◇ .,*ар.-ўз.*) — *қар. Зайнаб (Зайнаб+бека).*

**Зайнаббону, Zaynabbonu** (◇ .,*ар.-фт.*) — гўзал ва юксак мартабали, муҳтарама қиз.

**Зайнабгул, Zaynabqul** (◇ .,*ар.-фт.*) — гулдек кўркам, келишган қиз.

**Зайнабиддин, Zaynabiddin** (*ар.*) — диннинг гўзаллиги, диний нафосат ёки диннинг кўркли фарзанди.

**Зайнабмирза, Zaynabmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Зайнаб* ва *Мирза.*

**Зайнабхўжа, Zaynabxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган кўркам бола.

**Зайнал, Zaynal** (*ар.*) — **Зайнулобиддин** (*қар.*) исмининг эқ. шакли

**Зайни, Зайнижон, Zayni** (*ар.*) — *Зайниддин (қар.)* исмининг эқ. шакли.

**Зайниали, Zayniali** (*ар.*) — Али ато қилган кўркам ўғил ёки кўркам ўғилни Али паноҳида асрасин.

**Зайнибашар, Zaynibashar** (*ар.*) — кишиларнинг, инсонларнинг энг кўрками, гўзали.

**Зайнигул, Zaynigul** (◊ .,*ар.-фт.*) — гулга бурканган нафосат, гулдек кўркам қиз.

**Зайниддин, Zaynuddin** (◊ .,*ар.*) — диннинг кўрки, безаги, диний нафосат ёки диннинг кўрки бўлувчи бола.

**Зайния, Zayniya** (◊ .,*ар.*) — безанган, ароланган қиз.

**Зайниқул, Zayniqul** (*ўз.-ар.*) — *қар. Зайни (Зайни+қул).*

**Зайнулислом, Zaynulislom** (*ар.*) — исломнинг безаги, кўрки.

**Зайнулла, Zaynulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг гўзал, кўҳлик бандаси.

**Зайнулобиддин, Zaynulobiddin** (*ар.*) — динга сиғинувчилар (художўйлар) нинг энг аълоси, гўзали. Бу ном имом Алининг фахрий унвони бўлган ва олдин шиитлар, кейинчалик эса суннийлар орасида киши исми сифатида тарқалган.

**Зайнура, Zaynura** (◊ .,*ар.*) — гўзал, зебо қиз.

**Зайриддин, Zayriddin** (*ар.*) — *асли Зайниддин (қар.)* бўлса керак, Эҳт.: *Зоҳириддин (қар).*

**Зайтуна, Zaytuna** (◊ .,*ар.*) — ҳаёти зайтун дарахтидек доимо яшнаб, гуллаб турсин ёки зайтундек маҳкам, мустаҳкам бўлсин

**Зайтунгул, Zaytungul** (◊ .,*ар.-фт.*) — зайтун гулидек зебо қиз.

**Зайфулла, Zayfulla** (*ар.*) — Аллоҳ юборган меҳмон, Аллоҳ ато қилган бола.

**Закария, Zakariya** (*ар.-қад.яҳ.*) — Захария — Аллоҳни ёдда тутувчи, Аллоҳнинг хотираси ёки эр, мард, жасур.

**Заки, Закибой, Zaki** (*ар.*) — *қар. Закий, Закиулла.*

**Закий, Zakiy** (*ар.*) — ақлли, зукко, тезфаҳм, сезгир, зийрак.

**Закиулла, Zakiulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг сезгир, зукко бандаси ёки Аллоҳнинг озода, покиза бандаси.

**Закия, Закияхон, Zakiya** (◊ .,*ар.*) — зийрак, сезгир, тезфаҳм қиз.

**Закоулла, Zakoulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг топқирлиги, заковати, донолиги ёки Аллоҳнинг ақлли, доно бандаси.

**Залил, Zalil** (*ар.*) — тубан, паст; бечора, фақир, гадой. Ота-она ўзларининг фарзандга муҳтож бўлганини шундай ифодалайди.

**Залифа, Zalifa** (◊ .,*ар.*) — жингалак сочли қиз ёки тиришқоқ, ғайратли қиз.

**Залиқа, Zaliqa** (◊ .,*ар.*) — сўзамол, гўзал нутқ соҳиби, нотиқ.

**Замзам, Zamzam** (◊ .,*ар.*) — Макка шаҳрида Каъба яқинидаги булоқ; муқаддас сув. Умри Замзамдек боқий ва зилол бўлсин.

**Замзамбека, Zamzambeka** (◊ .,*ар.*) — Замзамдек тиниқ, покиза ва беклар наслидан бўлган қиз.

**Замзамгул, Zamzamgul** (◊ .,*ар.-фт.*) — Замзам сувидек тиниқ, покиза ҳамда гулдек зебо қиз.

**Замзамали, Zamzamali** (*ар.*) — *қар. Замзам* ва *Али.*

**Замзамхон, Zamzamxon** (◊ .,*ар.-ўз.*) — *қар. Замзам (Замам+хон).*

**Замина, Zamina** (◊ .,*ар.*) — она ер (она замин) фарзанди.

**Замир, Zamir** (*ар.*) — юрак, қалб, виждон. Асли: *Замириддин* (*қар.*)

**Замира, Zamira** (◊ .,*ар.*) — олижаноб, виждонли, покдомон қиз.

**Замириддин, Zamiriddin** (*ар.*) — диннинг юраги, қалби; динга содиқлик билан виждонан сиғинувчи.

**Замирхон, Zamirxon** (◊ .,*ар.*) — *қар. Замир (Замира+хон).*

**Замон, Zamon** (*ар.*) — даври, замонасининг муносиб фарзанди. Шакллари: *Замонбек, Замонбой, Замонқул.*

**Замона, Zamona** (◊ .,*ар.*) — даврининг, замоннинг муносиб қизи.

**Замонали, Zamonali** (*ар.*) — *қар. Замон* ва *Али* ёки даврининг муносиб фарзандини имом Али қўллаб юрсин.

**Замонберди, Zamonberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ даврига, замонасига муносиб ўғил ато қилди.

**Замонбиби, Zamonbibi** (◊ .,*ар.-ҳинд.*) — замонасининг муҳтарама қизи.

**Замонгул, Zamongul** (◊ .,*ар.-фт.*) — даврнинг гулдек сулув қизи.

**Замонкелди, Zamonkeldi** (*ар.-ўз.*) — замонаси, даврига муносиб ўғил туғилди.

**Замонмирза, Zamonmirza** (*ар.-фт.*) — даврининг ўқимишли, мартабали ўғли.

**Замонмурод, Zamonmurod** (*ар.*) — даври, замонасининг мурод-мақсадли фарзанди.

**Замонтой, Zamontoy** (*ар.-ўз.*) — замонасининг муносиб ва суюкли ҳурматли фарзанди.

**Замонхўжа, Zamonxo'ja** (*ар.-фт.*) — даврнинг хўжалар наслига мансуб бўлган муносиб фарзанди.

**Замонқиз, Zamonqiz** (◊ .,*ар.-ўз.*) — давр, замон қизи.

**Замонқул, Zamonqul** (*ар.-ўз.*) — давр, замонасининг муносиб, садоқатли хизматкори бўлсин.

**Замча, Zamcha** (*фт.*) — замча (қовун) пишганда туғилган бола.

**Занбур, Zanbur** (*фт.*) — ари, қовоқари. Боласи турмаган оилаларда шундай исм беришади. Эҳт.: *Забур (қар.)*

**Занги, Zangi** (*фт.*) — қорача, қора бола ёки кўтарилувчи, юксалувчи; маҳкам, мустаҳкам.

**Зангор, Zangor** (◊ .,*фт.*) — юқори, улуғ мартабали қиз ёки кўзлари кўк, кўк кўзли қиз.

**Занжир, Занжирбой, Zanjir** (*фт.*) — занжирдек маҳкам, мустаҳкам ёки отаси, акаларига занжирдек боғланиб қолсин, яшасин.

**Занжира, Zanjira** (◇ .,*фт.*) — зийнатли, безанган, кўркам ёки занжирдек маҳкам, мустаҳкам.

**Занжирали, Zanjirali** (*фт.-ар.*) — *қар. Занжир* ва *Али.*

**Зарангул, Zarangul** (◇ .,*фт.*) — заранг дарахти гулидек кўркам, мустаҳкам қиз. Эҳт.: *Зарандуз* исмининг қисқарган шакли.

**Зарандуз, Zaranduz** (◇ .,*фт.*) — зарланган, зар, тилладек ярқироқ, кўркам, гўзал.

**Заранқиз, Zarangiz** (◇ .,*фт.*) — заран дарахтидек маҳкам, мустаҳкам. Эҳт.: *Зарандуз.*

**Зарасп** (*фт.*) — оқ от эгаси, чавандоз, доро.

**Зарафшон, Zarafshon** (◇ .,*фт.*) — зар сочувчи, олтинли; нурли, нурафшон.

**Зарбат, Зарбатбек, Zarbat** (*фт.*) — эҳт.: *Зарбафт, Зарбоф.*

**Зарбдор, Zarbdor** (*фт.*) — илғор, пешқадам, янги даврда ижод қилинган исм.

**Зарбегим, Zarbegim** (◇.,*фт.-ўз.*) — олтин, зардек қимматли, қадрли ва беклар наслига мансуб қиз.

**Зарбиби, Zarbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — қадрли, қимматли, бебаҳо қиз, тилло қиз.

**Зарбону, Zarbonu** (◇., *фт.*) — тилло қиз, олтин сочли қиз.

**Зарбоф, Zarbof** (◇ .,*фт.*) — зарбофтдек чиройли, кўркам, бойбадавлат, мартабали.

**Зарбуви, Zarbuvi** (◇., *фт.-ўз.*) — тилло қиз.

**Зарбувиш, Zarbuvish** (◇., *фт.*) — *қар. Зарбуви.*

**Заргар, Zargar, Заргаржон** (*фт.*) — тилло буюмлар устаси.

**Заргархўжа, Zargarxo‘ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган бола улғайиб тиллакор уста бўлсин.

**Заргул, Zargul** (◇., *фт.*) — олтиндек қимматли ва гулдек кўркам қиз.

**Заргуна, Zarguna** (◇., *фт.*) — сариқ, олтин рангли; олтинсоч қиз.

**Зард, Zard** (◇., *фт.*) — сариқ рангли, сариқ сочли қиз.

**Зардак, Zardak** (◇., *фт.*) — сап-сариқ, сариқ соч, тилло сочли қиз.

**Зардон, Зардона, Zardon** (◇., *фт.*) — ўта сариқ, сап-сариқ соч, тилло соч қиз.

**Заржибан, Zarjiban** (◇., *фт.-ўз.*) — зарли ипакдек мулойим, кўркам қиз.

**Зариддин, Zariddin** (*фт.-ар.*) — диннинг тиллодек бебаҳо, аъло боласи; диннинг содиқ хизматкори, содиқ художўй.

**Зарима // Зарема, Zarima** (◇ ., *рус.* ва *фт.*) — "За революцию мира" ("Жаҳон инқилоби учун") иборасининг қисқартмаси ёки паст, тубан, ёмон қиз. Ёмон кўзлардан асраш учун шундай аталади.

**Зарина, Zarina** (◇., *фт.*) — зарли, олтинли, зарланган

**Заринжамол, Zarinjamol** (◊ ., *фт.-ар.*) – тилласимон, чеҳраси нурли, соҳибжамол.

**Заринтож, Zarintoj** (◊ ., *фт.*) – олтин тож эгаси, гулжигали, гултожли қиз.

**Зарир, Zarir** (◊ ., *ар.*) – тилла сувли, серҳашам кийимлар, анжомлар ёки кўр, кўзи ожиз. Зарир – «Шоҳнома» асари қаҳрамонларидан бирининг номи. *Эҳт.*: зарур, керак, лозим.

**Зарира, Zarira** (◊ ., *ар.*) – *қар. Зарир* ёки ёвшан, дармандек мустаҳкам, чидамли.

**Зарирхўжа, Zarirxo'ja** (*ар.-фт.*) – *қар. Зарир* ва *Хўжа.*

**Зариф, Zarif** (*ар.*) – пок, тоза, покиза, нозикфаҳм, зийрак; ақлли, доно. Шакллари: *Зарифбой, Зарифжон.*

**Зарифа, Zarifa** (◊ ., *ар.*) – покиза, маъсума қиз; ақлли, хушфаҳм қиз.

**Зарифиддин, Zarifiddin** (*ар.*) – диннинг покиза, зукко фарзанди.

**Зарифулла, Zarifulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг чиройли ёки ақл-заковатли бандаси.

**Зарифхўжа, Zarifxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган покиза ёки зукко бола.

**Зарифқул, Zarifqul** (*ар.-фт.*) – *қар. Зариф* (*Зариф+қул*).

**Заркелди, Zarkeldi** (*фт.-ўз.*) – қимматли, қадрли ўғил туғилди.

**Заркумуш, Zarkumush** (◊ ., *фт.-ўз.*) – зар ва кумушдек бебаҳо, қадрли қиз.

**Зарли, Zarli** (◊ ., *фт.-ўз.*) – қадрли, қимматли; зар (тилло) б-н безанган қиз.

**Зармамат, Zarmamat** (*фт.-ар.*) – *қар. Зармуҳаммад.*

**Зарнигор, Zarnigor** (◊ ., *фт.*) – тиллога безанган ёки сочлари тиллодек қиз.

**Зарнишон, Zarnishon** (◊ ., *фт.*) – зарли, олтинли; тиллага безанган қиз.

**Зарофа, Zarofa** (◊ ., *фт.*) – ажойиб, кўркам, гўзал қиз. Сол.: *Зурафо* ёки *Зарофат* (*қар.*)

**Зарофат, Zarofat** (◊ ., *ар.*) – нафис, нозик, назокатли; зукко, заковатли қиз.

**Зароҳат, Zarohat** (◊ ., *ар.*) – эҳт.: Зироат (*қар.*).

**Зеррагул, Zarragul** (◊ ., *ар.-фт.*) – кичик, жажжи гул; гулдек гўзал, жажжи қиз ёки кундошдан туғилган қиз.

**Заррин, Заррина, Zarrin** (◊ ., *фт.*) – тиллага, олтинга безанган; олтинга кўмилган.

**Зарсулув, Zarsuluv** (◊ ., *фт.-ўз.*) – тилладек бебаҳо, кўркам қиз.

**Зархол, Zarxol** (◊ ., *фт.*) – чиройли холли қиз. Эҳт. *Зарҳал.*

**Зархон, Zarxon** (◊ ., *фт.-ўз.*) – тилладек қимматли ва баланд мартабали қиз.

**Зархоним, Zarxonim** (◊ ., *фт.-ўз.*) – *қар. Зар* ва *Ҳоним.*

**Зарчечак, Zarchechak** (*фт.-ўз.*) – қизил гулдек кўркам қиз.

**Зарқалам, Zarqalam** (*фт.-ар.*) – қизил қалам, тилла қалам.

**Зарқора, Zarqora** (*фт.-ўз.*) – зардек қимматли ва жасур, қудратли бола.

**Зарқори, Zarqori** (*фт.-ар.*) – *қар. Зар* ва *Қори.*

**Зарқул, Zarqul** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳнинг қадрли, эъзозли бандаси, қули.

**Зарғам, Zarg'am** (*фт.*) – зирғам – арслон, шер; жасур, қўрқмас, довюрак.

**Зарҳал, Зарҳалой, Zarhal** (◊ ., *фт.-ўз.*) – тиллага безанган, зар безакли, зебо, гўзал қиз. Эҳт.: *Зархол* (*қар.*).

**Зафар, Zafar** (*ар.*) – ғолиб, музаффар; бахтли, саодатли. *Шакллари*: *Зафарбек*, *Зафаржон.*

**Зафариддин, Zafariddin** (*ар.*) – диннинг зафари, ғолиблиги; диннинг иқболи, истиқболи.

**Зафарой, Zafaroy** (*ар.-ўз.*) – ғолиб, енгилмас ва ойдек кўркам қиз.

**Заъфарон, Za'faron** (*ар.*) – заъфарон гулдек кўркам ёки ёқут тошдек қимматли, нурли.

**Зафархўжа, Zafarxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган бахтли, толели баланд бола.

**Зафир, Zafir** (*ар.*) – ғолиб келувчи, енгувчи.

**Заҳина // Зеҳина, Zahina** (◊ ., *ар.*) – ақлли, зукко, нозик ақл соҳиби; фаҳм-фаросатли.

**Заҳириддин, Zahiriddin** (*ар.*) – нурли, равшан, чеҳрасидан нур ёғилувчи ёки диннинг посбони, ҳимоячиси.

**Заҳирулла, Zahirulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг нури, ёғдуси ёки Аллоҳнинг паноҳида бўлган бола.

**Заҳоб // Заҳаб, Zahob** (*фт.*) – тилладек бебаҳо, қадрли (олтин).

**Заҳро, Zahro** (◊ ., *ар.*) – ёрқин, равшан, оқ юзли, нурли ёки интилувчи, ҳавас қилувчи.

**Зебар, Zebar** (◊ ., *фт.*) – *қар. Зевар* ёки устун турувчи, улуғвор.

**Зеби, Zebi** (◊ ., *фт.*) – гўзал, хушрўй, зебо. Асли: *Зебинисо.* Шакллари: *Зебихон*, *Зебиой*, *Зебигул.*

**Зебигул, Zebigul** (◊ ., *фт.*) – гул каби кўркам, гўзал қиз.

**Зебидахон, Zebidaxon** (◊ ., *ар.*) – безанган, оролаңган; гўзал, соҳибжамол.

**Зебинисо, Zebiniso** (◊ ., *фт.-ар.*) – аёлларнинг энг гўзали, зебоси.

**Зебихол, Zebixol** (◊ ., *фт.*) – чиройли холли қиз; холи ўзига ярашиб турган қиз.

**Зебиш, Zebish** (◊ ., *фт.*) – латофатли, жозибали қиз; малоҳат соҳиби ёки *Зеби*, *Зебо* б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Зебо, Zebo** (◊ ., *фт.*) – кўркам, чиройли; гўзал ҳусн соҳиби. *Қар. Зебонисо.*

**Зебобиби, Zebobibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) — хушрўй ва баланд мартабали қиз.

**Зебогул, Zebogul** (◊., *фт.*) — гулдек гўзал, малоҳатли қиз.

**Зебогўзал, Zebogo'zal** (◊., *фт.-ўз.*) — гўзалларнинг гўзали, тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Зебожамол, Zebojamol** (◊., *фт.-ар.*) — гўзал ҳуснли, соҳибжамол қиз.

**Зебонисо, Zeboniso** (◊., *фт.-ар.*) — аёлларнинг энг гўзали, кўрками.

**Зебонур, Zebonur** (◊., *фт.-ар.*) — гўзал ва нурли, яъни бахтли, иқболли қиз.

**Зеботож, Zebotoj** (◊., *фт.*) — чиройли ва тожи (холли) б-н туғилган қиз ёки чиройли холли қиз. Сол.: *Зебохол.*

**Зебохол, Zeboxol** (◊., *фт.*) — чиройли, хосиятли холли қиз, яъни бахтли, иқболли қиз.

**Зебочеҳра, Zebochehra** (◊., *фт.*) — чиройли юзли, хушрўй қиз, малоҳат соҳибаси

**Зевар, Зеваржон, Zevar** (◊., *фт.*) — безанган, зебу зийнатларга бурканган, гўзал қиз.

**Зеро, Zero** (◊., *фт.*) — тубан, паст, ярамас; ёмон бола. Чақалоққа кўз тегмасин деб бериладиган исм. Эҳт.: *Заро* < *Заҳро* (*қар.*)

**Зерхон, Zerxon** (◊., *фт.*) — Эҳт.: *Зархон* (*қар.*)

**Зеҳний, Zehniy** (*ар.*) — ўткир фикрли, зеҳнли, ақлли, доно.

**Зеҳния, Zehniya** (◊., *ар.*) — ақлли, фаросатли, доно қиз.

**Зиё, Ziyo** (*ар.*) — нурли, равшан, ёрқин ёки бахтли, толеи баланд ёки "Зиё" сўзи б-н бошланадиган қўшма исмлар (*Зиёвуддин, Зиёали, Зиёдулла*) эқ. шакли.

**Зиёаҳмад, Ziyoahmad** (*ар.*) — Аҳмаднинг (Муҳаммад (сав)) нури, зиёси. Сол.: *Зиёмуҳаммад* ёки *Муҳаммаднинг* муруввати, туҳфаси.

**Зиёали, Ziyoali** (*ар.*) — Алининг меҳри, муруввати туфайли эришилган ўғил ёки Алининг туҳфаси, инъоми.

**Зиёбуви, Ziyobuvi** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Зиё* ва *Буви.*

**Зиёвуддин, Ziyovuddin** (*ар.*) — диннинг нури, ёғдуси, дин машъали ёки диннинг муруввати, кўмаги туфайли эришилган бола.

**Зиёд, Ziyod** (*ар.*) — умри зиёда, фаровон бўлсин ёки баданида қандайдир ортиқча белгиси билан туғилган бола. Шакллари: *Зиёдбек, Зиёджон.*

**Зиёда, Ziyoda** (◊., *ар.*) — қизлар етарли (зиёда) бўлди, эндигиси ўғил бўлсин ёки умри зиёда, узун бўлсин, бахтли бўлсин.

**Зиёдагул, Ziyodagul** (◊., *ар.-фт.*) — умри зиёда ва гулдек гўзал қиз бўлсин.

**Зиёдат, Ziyodat** (◊., *фт.*) — улғаювчи, юксалувчи, юксак турувчи қиз ёки баданида ортиқча белги б-н туғилган қиз.

**Зиёдатулла, Ziyodatulla** (*ар.*) — Аллоҳ умрини зиёда, ортиқ қилиб берган фарзанд.

**Зиёдахон, Ziyodaxon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Зиёда* (*Зиёда+хон*).

**Зиёджон, Ziyodjon** (◇., *ар.-фт.*) — нурли, ёркин, яъни саодатли, иқболли бола.

**Зиёдулла, Ziyodulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган эҳсон, туҳфа. Аллоҳ умрини узоқ қилиб берган бола.

**Зиёдой, Ziyodoy** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Зиёда* (*Зиёд+ой*).

**Зиёдхол, Ziyodxol** (*ар.-фт.*) — узоқ умрли ҳамда хосиятли хол б-н туғилган бола.

**Зиёдқўзи, Ziyod** (*ар.-ўз.*) — *қар. Зиёд* ва *Қўзи.*

**Зиёиддин, Зиёвиддин,** (*ар.*) — *қар. Зиёвуддин.*

**Зиём, Зиёмбой, Ziyom** (*ар.*) — *қар. Зиёмиддин.*

**Зиёмат, Ziyomat** (*ар.*) — *қар. Зиёмуҳаммад.*

**Зиёмиддин, Ziyomiddin** (*ар.*) — диннинг бойлиги, давлати ёки диннинг бой, бадавлат кишиси.

**Зиёмхўжа, Ziyomxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган, бой, бадавлат бола.

**Зиёр, Ziyor** (*ар.*) — зиёратчи, муқаддас жойлар, авлиёларга сиғинувчи ёки ҳожи.

**Зиёрат, Ziyorat** (*ар.*) — муқаддас жойларга сиғиниб, зиёрат қилиб эришилган бола.

**Зиёратмомо, Ziyorotmomo** (◇., *ар.-ўз.*) — зиёрат қилиб, тилаб олинган қиз.

**Зиёратхон, Ziyoratxon** (◇., *ар.-ўз.*) — зиёрат қилиб сўраб олинган қиз.

**Зиёриддин, Ziyoriddin, Зиёратдин,** (*ар.*) — динга амал қилувчи, сиғинувчи; ҳожи.

**Зиёуддин, Ziyouddin** (*ар.*) — диннинг нури, машъали. Бу ном ўрта асрларда баъзи ҳукмрон ва руҳонийларнинг фахрий лақаби бўлган. *Сол.*: *Зиёвуддин.*

**Зиёфат, Ziyofat** (◇., *ар.*) — тўқ, фаровон яшасин ёки зиёфат, тўй куни, ёхуд меҳмондорчиликка борилган куни туғилган қиз.

**Зиёхон, Ziyoxon** (◇., *ар.-ўз.*) — ёруғ, нурли; бахту иқболли қиз.

**Зиёхўжа, Ziyoxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган нурли, бахту иқболли бола.

**Зиёқул, Ziyoqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Зиё* (*Зиё+қул*).

**Зиёқўзи, Ziyoqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Зиё* ва *Қўзи.*

**Зиёҳиддин, Ziyohiddin** (*ар.*) — *эҳт.*: *Зиёвуддин* (*қар.*).

**Зийнат, Ziynat** (*ар.*) — безанган, ороланган гўзал, чиройли. Шакллари: *Зийнатбу, Зийнатой, Зийнатхон.*

**Зийнатулла, Ziynatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг чиройли, яхши бандаси; Аллоҳнинг яхши хислатларга эга кишиси.

**Зийракхон, Ziyrakxon** (◇., *фт.*) — хушёр, топқир, сезгир, ақлли.

**Зикир, Zikir** (*ар.*) — ёдлаш, хотирлаш. Суфийлар, дарвешларнинг Аллоҳни ёдга олиб зикр тутиши. *Асли Зикирулла* (*қар.*)

**Зикирали, Zikirali** (*ар.*) — Алини ёдга олувчи, хотирловчи ёки художўй болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Зикриё, Zikriyo // Зикириё** (*ар.*) — Аллоҳни эсловчи, хотирловчи, улуғловчи; дарвеш, қаландар.

**Зикриёқул, Zikriyoqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳни хотирловчи, Аллоҳ ёди б-н яшовчи.

**Зикринисо, Zikriniso** (◇., *ар.*) — Аллоҳни ёдга олувчи, художўй аёл.

**Зикрулла, Zikrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ёди, хотираси; Аллоҳни эсловчи, ёд этувчи киши; художўй.

**Зилзила, Zilzila** (◇., *ар.*) — қаттиқ совуқ (аёз, қаҳрагон қиш)да туғилган қиз ёки зилзила пайти туғилган қиз.

**Зилол, Zilol** (◇., *ар.*) — тиниқ сувдек покиза ёки ҳимоя остига олинган, муҳофаза қилинган қиз.

**Зилола, Zilola** (◇., *ар.*) — тиниқ сувдек покиза, тоза қиз.

**Зилолбой, Zilolboy** (*ар.-ўз.*) — покиза, ҳалол бола ёки муҳофаза қилинган, ҳимояланган бола.

**Зилулла, Zilulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг сояси, кўланкаси. Бу ном ўтмишда мусулмон ҳукмдорларининг ўзига хос лақаби бўлган.

**Зинда, Zinda** (*ар.*) — жонли, тирик; ўлмаган, барҳаёт. Асли: *Шоҳизинда* (*қар.*)

**Зиндаали, Zindaali** (*ар.*) — Али тирик, барҳаётдир ёки ўлмайдиган, умри узоқ болани Али ўз паноҳига олсин.

**Зиндадил, Zindadil** (*фт.*) — хушчақчақ, қувноқ, доимо шодон.

**Зиннат, Zinnat** (*ар.*) — зийнатланган, зебу зийнатларга бурканган; гўзал, келишган. Сол.: *Зийнат.*

**Зиннатбека, Zinnatbeka** (◇., *ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган чиройли, оролангап қиз.

**Зиннатбу, Zinnatbu** (◇., *ар.-ўз.*) — гўзал, кўркам қиз.

**Зиннатжон, Zinnatjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Зиннат* (*Зиннат+жон*).

**Зиннатнисо, Zinnatniso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг энг безангани, энг гўзали.

**Зиннатнур, Zinnatnur** (◇., *ар.*) — нурга бурканган, нурли, зебо ёки *Нур* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган гўзал қиз.

**Зиннатулла, Zinnatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг кўркам, безанган кишиси ёки Аллоҳга муносиб, унинг кўркам, суюкли бандаси.

**Зиннатхон, Zinnatxon** (◇., *ар.-ўз.*) — оролангап, зебу зийнатларга бурканган олий насаб қиз.

**Зиннатхўжа, Zinnatxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган чиройли йигит.

**Зиннатшо, Zinnatsho** (*ар.-фт.*) — гўзал йигитлар сардори, султони.

**Зиннур, Zinnur** (◊., *ар.*) — нурли, равшан; чиройли, дилбар қиз.

**Зиннура, Zinnura** (◊., *ар.*) — *қар. Зиннур* (*Зиннур+а*).

**Зира, Zira** (◊., *фт.*) — зирадек хушбўй, ёқимтой қиз. Сол.: *Гулзира.* Шакллари: *Зираой, Зирахон, Гулзира.*

**Зирагул, Ziragul** (◊., *фт.*) — зира гулидек гўзал, ёқимтой қиз ёки зирадек ёқимтой ва гулдек гўзал қиз.

**Зираой, Ziraoy** (◊., *фт.-ўз.*) — зирадек ёқимтой ва ойдек сулув қиз.

**Зирахол, Ziraxol** (◊., *фт.*) — зира каби ёқимли ҳамда хол б-н туғилган қиз ёки зирадек дона хол б-н туғилган қиз.

**Зироат, Ziroat** (◊., *ар.*) — деҳқон ёки ҳосил, ҳосила.

**Зифа // Зифо, Zifa** (◊., *фт.*) — келишган, хушбичим, хушқад. Сол.: *Зебо.*

**Зифан, Zifan** (◊., *ар.*) — олим, олима; билимдон, доно. Асли: *Зуфунун,* яъни фан соҳиби.

**Зиҳинисо, Zihiniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг ёқимлиси, кўрками.

**Зобир, Zobir** (*ар.*) — чидамли, тоқатли; кучли ёки ҳимояланган, асраладиган бола.

**Зобирулла, Zobirulla** (*ар.*) — Аллоҳ асрайдиган, Аллоҳнинг паноҳида бўлган бола ёки Аллоҳнинг қудратли, иродали бандаси.

**Зобит, Зобитжон, Zobit** (*ар.*) — забт этувчи, бошқарувчи; ҳоким, ҳукмдор ёки хушёр, сергак бола.

**Зобита, Zobita** (◊., *ар.*) — тартибли, интизомли; одобли қиз.

**Зобия, Zobiya** (◊., *ар.*) — кўпаювчи, ўсувчи, улғаювчи.

**Зовар, Zovar** (◊., *ар.*) — кучли, қудратли, жасур қиз ёки Зуҳро юлдузидек гўзал, ёрқин қиз.

**Зовур, Zovur, Зовурбой** (*ар.*) — зиёрат қилувчи (даввар) ёки *Зоҳир* исмининг бузилган шакли.

**Зовура, Zovura** (◊., *ар.*) — зиёратчи қиз, сиғинувчи аёл.

**Зоиба, Zoiba** (◊., *ар.*) — кўпаювчи, ўсувчи, узоқ умрли.

**Зоид, Zoid** (*ар.*) — устувор, буюк, юксак турувчи ёки умри зиёда, узун бўлсин. Эҳт: *Зоҳид* (*қар.*)

**Зоида, Zoida** (◊., *ар.*) — юксак, улуғ мартабали ёки ортиқча, зиёда. Ҳадеб қиз туғилаверган оилаларда шундай исм қўйилади. Эҳт.: *Зоҳида* (*қар.*)

**Зоим, Zoim** (*ар.*) — бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи ёки оиладаги биринчи, бош бола.

**Зоима, Zoima** (◊., *ар.*) — бошлиқ, саркор ёки оиладаги биринчи, бош бола.

**Зоир // Зойир, Zoir** (*ар.*) — зиёратчи, муқаддас (илоҳий) жойларга сиғинувчи. Эҳт.: *Зоҳир* (*қар.*) исмининг ўзгарган шакли.

**Зоира // Зойира, Zoira** (◊., *ар.*) — зиёратдан кейин, илоҳий жойларга сиғингач туғилган қиз ёки зиёратчи, тоат-ибодат қилувчи, сиғинувчи қиз.

**Зокир, Zokir** (*ар.*) — ёдга олувчи, эсловчи, хотирловчи, яъни Аллоҳга сиғинувчи. Асли: *Зокирулла* (*қар.*). Шакллари: *Зокирбой, Зокиржон, Зокирхон.*

**Зокира, Zokira** (◊., *ар.*) — Аллоҳни ёдга олувчи, унга мадҳу сано айтувчи қиз; художўй қиз.

**Зокириё, Zokiriyo** (*ар.*) — Аллоҳни ёдга олувчи, унинг зикри (ёди) б-н яшовчи бола.

**Зокириддин, Zokiriddin** (*ар.*) — динни мадҳ қилувчи, диннинг ёди б-н яшовчи; художўй бола.

**Зокирмат, Zokirmat** (*ар.*) — *қар. Зокирмуҳаммад.*

**Зокирмуҳаммад, Zokirmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)ни ёд этувчи, эсловчи бола ёки художўй ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Зокирулла, Zokirulla** (*ар.*) — Аллоҳни эсловчи, уни мадҳ қилувчи бола.

**Зокирхўжа, Zokirxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган художўй, диндор бола.

**Зол, Zol** (*фт.*) — кекса, қари, чол ёки ақлли, доно, зийрак. Бу ном Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари қаҳрамони Рустамнинг отаси исми.

**Золия, Zoliya** (◊., *фт.*) — қари, кампир. Кампир каби умри узоқ бўлсин ёки оқсочли қиз.

**Зомир, Zomir** (*ар.*) — найза санчувчи, найзабоз, қиличбоз.

**Зорбиби, Zorbibi** (◊., *фт.-ҳанд.*) — зорланиб, қумсаб, тилаб олинган қиз. Эҳт.: *Зарбиби* (*қар.*)

**Зорбой, Zorboy** (*фт.-ўз.*) — зор бўлиб, қумсаб юриб, эришилган бола. Эҳт.: *Зарбой* (*қар.*)

**Зорбуви, Zorbuvi** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Зорбиби* (*Зор+биби*). Эҳт.: *Зарбиби* (*қар.*)

**Зоркумуш, Zorkumush** (◊., *фт.-ўз.*) — фарзандга зор бўлиб эришилган ва кумушдек қимматли, кўркам қиз. Эҳт.: *Заркумуш* (*қар.*)

**Зорлиқ, Zorliq** (*фт.-ўз.*) — фарзандга муҳтож бўлиб юриб тилаб олинган ўғил.

**Зорман, Zorman** (*фт.*) — Зорманд (муҳтож) бўлиб эришилган фарзанд ёки Зормуҳаммад (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Зормамат, Zormamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Зормуҳаммад.*

**Зормас, Zormas** (◊., *фт.-ўз.*) — бу болага ҳеч ким зор эмас, унинг ҳеч кимга кераги йўқ. Боласи турмасдан ўлаверган оилаларда бериладиган исм.

**Зормуҳаммад, Zormuhammad** (*фт.-ар.*) — зорланиб, тилаб олинган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳига олсин.

**Зорхол, Zorxol** (◊., *фт.*) — зор бўлиб юриб топилган холли қиз ёки *қар. Зархол.*

**Зокир, Zokir** (*ар.*) — тўлқинланган; ҳаяжонланган; қувноқ, бахтиёр ёки *қар. Зоҳир.*

**Зоҳид, Zohid** (*ар.*) — диндор, художўй, тақводор; тарки дунё қилган; Асли: *Зоҳидулла, Зоҳиддин.* Шакллари: *Зоҳидбой, Зоҳиджон.*

**Зоҳида Zohida** (◊., *ар.*) — диндор, художўй, мўмина аёл.

**Зоҳиддин, Zohiddin** (*ар.*) — диннинг ҳақиқий, содиқ мухлиси; авлиё, тақводор.

**Зоҳиднур, Zohidnur** (*ар.*) — муқаддас, эзгу нур; Аллоҳнинг меҳри, муруввати.

**Зоҳидулла, Zohidulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг тақводор, диндор кишиси.

**Зоҳир, Zohir** (*ар.*) — нурли, равшан, ёрқин ёки кўмакчи, ёрдамчи, мададкор. Бу ном Муҳаммад (сав) сифати (лақаби) бўлган.

**Зоҳира, Zohira** (◊., *ар.*) — очиқ, ойдин, нурли, равшан қиз ёки онасига кўмакдош, суянч бўлувчи қиз.

**Зоҳирбек, Zohirbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган кўмакдош ва саодатманд бола.

**Зоҳириддин, Zohiriddin** (*ар.*) — диннинг кўмакчиси, ёрдамчиси, дин ҳомийси. Сод.: *Заҳириддин.*

**Зоҳирий, Zohiriy** (*ар.*) — равшан, очиқ-ойдин бўлиб турувчи.

**Зоҳирмирза, Zohirmirza** (*ар.-фт.*) — нурли, очиқ чеҳрали ва ўқимишли, мартабали бола.

**Зоҳирулла, Zohirulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг нури, муруввати б-н топилган бола ва Аллоҳнинг нурли, меҳр-муруввятли бандаси.

**Зоҳирхўжа, Zohirxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб, бахтли, иқболли бола.

**Зубай, Zubay** (*ар.*) — *Зубайд* (*қар.*) исмининг эқ. шакли. Шакллари: *Зубайтой, Зубайжон, Зубайхон.*

**Зубайберди, Zubayberdi** (*ар.*) — Аллоҳ берган туҳфа, совға.

**Зубайд, Zubayd** (*ар.*) — сараланган, танланган, одамларнинг энг яхшиси ёки совға, туҳфа. Асли: *Зубайдулла* (*қар.*)

**Забайда, Zubayda** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг яхшиси, аълоси.

**Зубайдулла, Zubaydulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг энг яхши кўрган, танланган бандаси; Аллоҳнинг марҳамати, муруввати, туҳфаси. Бу ном ўрта асрда мусулмонлар томонидан Муҳаммад (сав)га берилган лақаб-сифатдир.

**Зубайр, Zubayr** (*ар.*) — кучли, қудратли, ақлли, доно.

**Зубайра, Zubayra** (◊., *ар.*) — оқила, доно қиз.

**Зубайқул, Zubayqul** (*ар.-ўз*) — *қар. Зубайр* (*Зубайр +қул*).

**Зубаржат, Zubarjat** (◊., *ар.*) — забаржад-зангори тусли асил тош (изумруд)дек бебаҳо, қимматли қиз.

**Зулайна, Zulayna** (◊ .. *ар.< ях.*) – жуссадор, гавдали. Мусулмонлар адабиётида Юсуф, «Библия»да Иосифнинг севгилиси, маъшуқаси исми.

**Зулайҳо, Zulayho** (◊ .., *ар.*) – гахминан: кичик, кенжа қиз (исм маъноси тамоман аниқланган эмас). Баъзилар сирганчиқ, силлиқ, мулойим, деб талқин қилишган.

**Зулбаҳор, Zulbahor** (◊ .., *ар.-фт.*) – баҳордек кўркам; кўклам қизи.

**Зулбиби, Zulbibi** (◊ .., *ар.*) – «Зул» сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Зулжалол, Zuljalol** (*ар.*) – буюк мартаба, шараф эгаси.

**Зулжамол, Zuljamol** (◊ .., *ар.*) – улуг, қадрли, эътиборли; нафосат соҳиби.

**Зулкабир, Zulkabir** (*ар.*) – салобатли, келишган.

**Зулкабира, Zulkabira** (◊ .. ар.) – хушбичим, хушқад; келишган қиз.

**Зулкамол, Zulkamol** (◊ .., *ар.*) – камолат, етуклик соҳиби; баркамол қиз.

**Зулкарам, Zulkaram** (◊ .., *ар.*) – сахий, марҳаматли, муруввагли; гамхўр.

**Зулмат, Zulmat** (◊ .., *ар.*) – эхт.: тунда, қоронгуда туғилган бола (исм маъноси тамоман аниқланган эмас).

**Зулпан // Зулфан, Zulpan** (*ар.*) – билимдон, донишманд.

**Зулфали, Zulfali** (*фт.-ар.*) – Алининг сочи; Алининг қудрати.

**Зулфи, Zulfi** (◊ .., *фт.*) – Зулфинисса, Зулфиддин исмларининг эқ. шакли.

**Зулфибек, Zulfibek** (*фт.-ўз.*) – беклар наслидан бўлган жингалак сочли бола. Асли: *Зулфиддин*, *Зулфиқор* (*қар.*).

**Зулфиддин, Zulfiddin** (*фт.-ар.*) – диннинг жингалак сочли, художўй фарзанди.

**Зулфизар, Zulfizar** (◊ .. *фт.*) – тилла сочли, сариқ сочли қиз.

**Зулфикамол, Zulfikamol** (◊ .., *фт.-ар.*) – *қар. Зулфи* ва *Камол.*

**Зулфин, Zulfin** (◊ .., *фт.*) – темир занжир-зулфинжадек маҳкам, мустаҳкам ёки *қар. Зулфинисо.*

**Зулфина, Zulfina** (◊ .. *фт.*) – темир занжир (эшик халқаси, зулфинжа)дек мустаҳкам қиз.

**Зулфинисо, Zulfiniso** (◊ .., *фт.-ар.*) – жингалак (қўнгироқ) сочли аёл.

**Зулфиноз, Zulfinoz** (◊ .., *фт.*) – жингалак сочли ва нозли, нафосатли қиз ёки қора сочли қиз.

**Зулфиной, Zulfinoy** (◊ .., *фт.-ўз.*) – зулфи (занжир)дек маҳкам ва ойдек сулув қиз.

**Зулфинор, Zulfinor** (*фт.*) – жингалак сочли ва қизил хол (нор) б-н туғилган бола.

**Зулфинур, Zulfinur** (◊ ., *фт.-ар.*) – товланиб турувчи кўркам сочли қиз.

**Зулфинхон, Zulfinxon** (◊ ., *фт.*) – *қар. Зулфин* (*Зулфин* + *хон*).

**Зулфира, Zulfira** (◊ ., *фт.*) – ажойиб, чиройли сочли қиз.

**Зулфитилла, Zulfitilla** (*фт.*) – тилла сочли, жингалак, чиройли сочли бола.

**Зулфихабира, Zulfixabira** (◊ ., *фт.-ар.*) – жингалак сочли, билимдон, доно қиз; Сод: *Зулхабира.*

**Зулфихон, Zulfixon** (◊ ., *фт.-ўз.*) – жингалак сочли, ҳурматли қиз.

**Зулфия, Zulfiya** (◊ ., *фт.*) – сочи ўралиб туғилган, жингалак сочли қиз.

**Зулфиқор, Zulfiqor** (*ар.*) – айнан: тешиб ўтувчи, ҳароб қилувчи: халифа Алининг икки дамли, афсонавий қиличининг номи; ўткир, кескир, кучли, қудратли.

**Зулфиқора, Zulfiqora** (◊ ., *фт.-ўз.*) – қора сочли, зебо қиз.

**Зулфиҳайдар, Zulfihaydar** (*фт.-ар.*) – *қар. Зулфи* ва *Ҳайдар.*

**Зулфулла, Zulfulla** (*фт.-ар.*) – Аллоҳнинг жингалак сочли фарзанди.

**Зулхабира, Zulxabira** (◊ ., *ар.*) – яхши хабар, воқеалар даракчиси ёки билим ва ақл соҳиби.

**Зулхайр, Zulxayr** (*ар.*) – меҳр, мурувват, хайру саҳоват эгаси.

**Зулхиджа, Zulxidja** (*ар.*) – *қар. Зулҳижжа.*

**Зулхия, Zulxiya** (◊ ., *ар.*) – эҳт. *Зулфия* (*қар.*).

**Зулхумор, Zulxumor** (◊ ., *ар.*) – хуморли, қумсалган, орзиқиб кутилган қиз ёки дилбар мафтункор, жозибали.

**Зулқадар, Zulqadar** (*ар.*) – бахтли, саодатли, бахтиёр.

**Зулқайнар, Зулқарнайн, Zulqaynar** (*ар.*) – айнан: қўш мугузли. Бу ном македониялик Искандарнинг лақаби бўлган ёки икки шоҳли тож кийган, яъни Ғарб ва Шарқ ҳукмдори.

**Зулқамар, Zulqamar** (◊ ., *ар.*) – оймонанд, ойюзли, гўзал, зебо.

**Зулқаъда, Zulqa'da** (◊ ., *ар.*) – ҳижрий йил ҳисоби б-н ўн биринчи ой номи. Ўша ойда туғилган бола.

**Зулҳаёт, Zulhayot** (◊ ., *ар.*) – тириклик эгаси, яъни яшовчи, умри узоқ бола.

**Зулҳижжа, Zulhijja** (◊ ., *ар.*) – ҳижрий йил ҳисобининг ўн иккинчи ойи, ўша ойда туғилган қиз.

**Зумрад, Zumrad** (◊ ., *фт.*) – яшил тусли қимматбаҳо тош: зумраддек қимматли, бебаҳо қиз ёки кўк кўзли қиз.

**Зуннор, Zunnor** (*ар.*) – жундан тўқилган дағал белбоғча, ин, яъни зуннор каби маҳкам, мустаҳкам бўлсин.

**Зуннун, Zunnun** (*ар.*) – айнан улкан балиқ эгаси. Ақидага кўра, Юнус пайғамбар уч кун улкан балиқ (кит)нинг ичида яшаган.

Шу сабаб унга ушбу лақаб берилган ва кейинчалик бу ном кишилар исмига айланган.

**Зуннуна, Zunnuna** (◊., *ар.*) — *қар. Зуннун* (*Зуннун+а*).

**Зуннунхўжа, Zunnunxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Зуннун* (*Зуннун+хўжа*).

**Зурафо, Zurafo** (◊., *ар.*) — нозик дид, зариф фикр эгаси; гўзал, зебо қиз.

**Зурриёт, Zurriyot** (◊., *ар.*) — пуштипаноҳ, фарзанд, яъни зурриёт бўлиб орқамизда қолсин.

**Зуфар, Зуфарбек, Zufar** (*ар.*) — ғолиб, музаффар, енгилмас; йўлбошчи, саркор.

**Зуфархон, Zufarxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Зуфар* (*Зуфар+хон*).

**Зуфархўжа, Zufarxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган қудратли, ғолиб бола.

**Зуҳриддин, Зуҳуриддин, Zuhriddin** (*ар.*) — диннинг ғолиблиги ёки диннинг ғолиб кишиси.

**Зуҳро, Zuhro** (◊., *ар.*) — айнан: нур, ёрқин, равшан. Чўлпон юлдузи. Зуҳродек нурли, кўркам; бахт-саодат соҳиби. Зуҳро Муҳаммад (сав)нинг қизи Фотиманинг сифати (лақаби) бўлган.

**Зуҳробиби, Zuhrobibi** (*ар.< ҳинд.*) — *қар. Зуҳро* ва *Биби.*

**Зуҳробуви // Зуҳробу, Zuhrobuvi** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Зуҳро* ва *Буви.*

**Зуҳрожамол, Zuhrojamol** (◊., *ар.*) — Зуҳро юлдузидек нурли, порлоқ, гўзал чеҳрали қиз.

**Зуҳротож, Zuhrotoj** (◊., *ар.-фт.*) — Зуҳро юлдузидек порлоқ, толеи баланд ва хол б-н туғилган қиз. Сол.: *Зуҳрохол.*

**Зуҳрохол, Zuhroxol** (◊., *ар.-фт.*) — Зуҳродек нурли, порлоқ, саодатманд ва хол билан туғилган қиз.

**Зуҳрулла // Зуҳурулла, Zuhrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг аниқ намоён бўлиши; Аллоҳ қудратининг намоён бўлиши.

**Зуҳур, Zuhur** (*ар.*) — пайдо бўлиш, юзага келиш. Асли: *Зуҳурулла, Зуҳуриддин, Зуҳриддин.* Шакллари: *Зуҳурбой, Зуҳуржон.*

**Зўрали, Zo'rali** (*фт.-ар.*) — *қар. Зўр* ва *Али* ёки кучли, қудратли ўғилни Али қўллаб юрсин.

**Зўрбой, Zo'rboy** (*фт.-ўз.*) — кучли, қудратли, ғолиб, музаффар.

**Зўрмат, Zo'rmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Зўрмуҳаммад.*

**Зўрмуҳаммад, Zo'rmuhammad** (*фт.-ар.*) — кучли, қудратли бўлиб ўссин ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад (сав)-нинг қудрати, иродаси бўлган бола.

**Зўрхўжа, Zo'rxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бола қудратли, жасур бўлиб ўссин.

**Зўрқул, Zo'rqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг кучли, жасур бандаси ёки *қар. Зўрбой.*

# И

**Ибниабад, Ibniabad** (*ар.*) — мангу ўғил, боқийлик фарзанди, мангу умр кўрувчи.

**Ибниали, Ibniali** (*ар.*) — Алининг ўғли, фарзанди.

**Ибниамин, Ibniamin** (*ар.*) — Аминнинг ўғли, фарзанди.

**Ибниислом, Ibniislom** (*ар.*) — ислом фарзанди, дин фарзанди.

**Ибнисоат, Ibnisoat** (*ар.*) — саодатли, қутли пайтда туғилганнинг ўғли.

**Ибниумар, Ibniumar** (*ар.*) — Умарнинг ўғли, фарзанди.

**Ибниямин, Ibniyamin** (*ар.*) — Яминнинг ўғли, фарзанди.

**Ибо, Ibo** (◇., *ар.*) — андишали, уят-иболи; одобли, ахлоқли қиз.

**Ибобат,** (*ар.*) — ибо, одоб соҳиби.

**Ибобуви, Ibobuvi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — иболи, андишали, ақлли-хушли қиз.

**Ибогул, Iboqul** (◇., *ар.-фт.*) — ибо-андишали ва гулдек кўркам қиз.

**Ибод, Ibod** (*ар.*) — айнан: қуллар; бандалар, мўминлар; "абд"— қул сўзининг кўплик шакли. Асли: *Ибодулла* (*қар.*)

**Ибода, Iboda** (◇., *ар.*) — қул, чўри қиз ёки қулнинг қизи. *Ибод (Ибод+а)*

**Ибодали, Ibodali** (*ар.*) — Алининг қули, хизматкори.

**Ибодат, Ibodat** (◇., *ар.*) — Аллоҳга сиғиниш, қуллуқ қилиш, яъни Аллоҳга сиғинувчи, художўй.

**Ибоддин, Iboddin** (*ар.*) — *қар. Ибодиддин.*

**Ибодиддин, Ibodiddin** (*ар.*) — диннинг бандалари, қуллари; динга сиғинувчилар, мўмин-мусулмонлар.

**Ибодулла, Ibodulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг қуллари, бандалари, мўминлари.

**Ибодхўжа, Ibodxo'ja** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг хўжалар авлодига мансуб бандаси, қули.

**Иборат, Iborat** (◇., *ар.*) — хабар берувчи; сўзловчи, нотиқа.

**Ибоча, Ibocha** (◇., *ар.*) — уятли, андишали, жажжи, кенжа қиз.

**Ибрай, Ibray** (*қад.яҳ.*) — *Иброҳим* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Ибрат, Ibrat** (*ар.*) — барчага намуна, ўрнак бўлувчи, ахлоқли бола ёки насиҳатни қабул қилувчи бола. *Шакли: Ибратжон.*

**Ибратмирза, Ibratmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ибрат* ва *Мирза.*

**Иброҳим, Ibrohim** (*қад.-яҳ.*) — "Библия"даги Абраам исмининг арабча шакли бўлиб, "халқлар отаси" маъносини англатади. Ривоятларга кўра, Иброҳимнинг Исҳоқ ва Исмоил деган ўғиллари бўлган. Исҳоқдан яҳудий халқи, Исмоилдан эса араблар тарқалган.

**Иброҳиммирза, Ibrohimmirza** (*қад. яҳ.-фт.*) — *қар. Иброҳим* ва *Мирза.*

**Иброҳимхалил, Ibrohimxalil** (*қад. яҳ.-ар.*) — Иброҳим Аллоҳнинг дўстидир ёки *қар. Иброҳим* ва *Халил.*

**Иброҳимхўжа, Ibrohimxo'ja** (*қад. яҳ.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб *Иброҳим* (*қар.*) исмли бола.

**Иброҳимча, Ibrohimcha** (*қад. яҳ.*) — *Иброҳим* (*қар.*) исмли жажжи, кенжа ўғил.

**Иброҳимқул, Ibrohimqul** (*қад. яҳ.-ўз.*) — Иброҳим пайғамбарнинг қули, содиқ хизматкори.

**Иди, Idi** (*ар.*) — "ийд" байрам (ҳайит) куни туғилган бола.

**Идибек, Idibek** (*ар.*) — ҳайит куни туғилган ва беклар авлодига мансуб бола.

**Идигул, Idiqul** (◇., *ар.-фт.*) — ҳайит (байрам) куни туғилган, гулдек кўркам қиз.

**Идимуҳаммад, Idimuhammad** (*ар.*) — ҳайит куни туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳига олсин.

**Идрис, Idris** (*қад.яҳ.*) — айнан: "ўқувчи, ўрганувчи", тиришқоқ, билимдон. Идрис пайғамбар ўқишда тиришқоқлиги туфайли мана шундай ном (лақаб) олган. Демак, Идрис — тиришқоқ, ғайратли бола.

**Идрисали, Idrisali** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қад. Идрис* ва *Али.*

**Идрисмирза, Ibrismirza** (*қад.яҳ.-фт.*) — *қар. Идрис* ва *Мирза.*

**Идрисхон, Ibrisxon** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Идрис* (*Идрис+хон*).

**Идрисқул, Idrisqul** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Идрис (ас)нинг қули, содиқ хизматкори.

**Идрок, Idrok** (*ар.*) — ақлли, билимдон, фаҳм-фаросатли.

**Ижобат, Ijobat** (*ар.*) — орзумизнинг, илтижомизнинг қабул қилиниши, амалга ошиши. Боласиз оилаларда фарзанд кўришса, шундай ном беришади.

**Ижоза, Ijora** (◇., *ар.*) — ижоз — мўъжиза, каромат. Чақалоқнинг баданида қандайдир ортиқча белгилар бўлганида шундай исм берилади. Сол.: *Каромат, Кароматулла.*

**Ижозали, Ijozali** (*ар.*) — Алининг мўъжизаси, каромати.

**Ижозат, Ijozat** (◇., *ар.*) — мўъжизалар, кароматлар. *Қар. Ижоза* ёки ато қилинган, насиб қилинган фарзанд.

**Избой, Izboy** (*ўз.*) — из-куч, қудрат ёки қадам, ёҳуд азизлик иззатлилик; қадр-қиммат. Асли: *Избосар, Избости* (*қар.*)

**Избос, Izbos** (*ўз.*) — Избосар, Избосди исмларининг қисқарган шакли.

**Избосар, Izbosar** (*ўз.*) — отасининг ёки олдинги акаларининг изини (ўрнини) босувчи бола.

**Избосди, Izbosdi** (*ўз.*) — отасининг ёки олдинги акаларининг ўрнини босади, эгаллайди.

**Избоскан, Izboskan** (*ўз.*) — отасининг ёки ўзидан олдинги фарзандларнинг изини (ўрнини) босадиган бола.

**Избўта, Izbo'ta** (◇., *ар.*) — иззат-икромли, шон-шуҳратли бола.

**Иззат, Izzat** (*ар.*) — ҳурмат, икром; қадр-қиммат соҳиби.

**Иззатали, Izzatali** (*ар.*) — Алининг қадр-қиммати, шарафи, иззат-икроми ёки иззатли-икромли одам бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Иззатбанот, Izzatbanot** (◇., *ар.*) — қизларнинг ҳурматлиси, иззатлиси.

**Иззатбек, Izzatbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб, иззат-икромли, эъзозли бола.

**Иззатбека, Izzatbeka** (◇., *ар.-ўз.*) — беклар наслига мансуб эъзозли қиз.

**Иззатгул, Izzatgul** (◇., *ар.-фт.*) — қадр-қимматли ва гулдек кўркам қиз.

**Иззатжамол, Izzatjamol** (◇., *ар.*) — иззатли, эътиборли, зебо қиз.

**Иззатжон, Izzatjon** (◇., *ар.-фт.*) — иззат-эҳтиромга лойиқ суюкли, ширин бола.

**Иззатмирза, Izzatmirza** (*ар.-фт.*) — иззат-икромли ва ўқимишли, билимли йигит бўлсин.

**Иззатой, Izzatoy** (◇., *ар.-ўз.*) — қадрли, эъзозга сазовор бўлган ойдек сулув қиз.

**Иззатулла, Izzatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг кучи, қудрати, шону-шавкати ёки Аллоҳнинг ҳурматли бандаси.

**Иззатхон, Izzatxon** (◇., *ар.-ўз.*) — иззат-икромга сазовар баланд мартабали қиз.

**Иззатхўжа, Izzatxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган ҳурмат-эҳтиромга лойиқ бола.

**Иззатшо, Izzatsho** (*ар.-фт.*) — энг мўътабар, энг ҳурматли бола.

**Изолат, Izolat** (◇., *ар.*) — ҳимоя қилинган; маҳкам; мустаҳкам.

**Изом, Izom** (*ар.*) — улуғлар, буюклар, яъни улуғлар, аслзодалар наслига мансуб бола. Асли: *Изомиддин* (*қар.*)

**Изомиддин, Izomiddin** (*ар.*) — диннинг улуғворлиги; буюклиги; кучи, қудрати.

**Изоммирза, Izommirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Изом* ва *Мирза.*

**Изомхўжа, Izomxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган улуғ, мўътабар бола.

**Изомқул, Izomqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Изом* ва (*Изом+қул*).

**Изора, Izora** (◇., *ар.*) — қўрғошин, қўрғошиндек маҳкам бола ёки шоҳи мато, рўмол каби мулойим ойюзли, гулчеҳра қиз.

**Изофат, Izofat** (◇., *ар.*) — қўшилиш, кўпайиш, яъни, олдинги болаларга қўшилсин, кўпайишсин.

**Изоҳ, Izoh** (*ар.*) — *қар. Изоҳиддин.*

**Изоҳиддин, Izohiddin** (*ар.*) — динни шарҳловчи, тушинтирувчи, талқин қилувчи.

**Изҳор, Izhor** (*ар.*) — *қар. Изҳориддин.*

**Изҳориддин, Izhoriddin** (*ар.*) — диннинг ошкоралиги; диннинг намоён ва равшанлиги.

**Ийманжон, Iymanjon** (*ўз.-фт.*) — иболи, уятчан; одобли бола ёки кутиб, интизор бўлиб эришилган бола.

**Икмол, Ikmol** (*ар.*) — камолотга етган, мукаммал бола.

**Икром, Ikrom** (*ар.*) — иззат, эҳтиром, обрў, мартаба ёки совға, туҳфа. *Қар. Икромиддин. Шакллари: Икромжон, Икромхон.*

**Икрома, Ikroma** (◊., *ар.*) — иззат-эҳтиромли, обрўли қиз ёки Аллоҳнинг мурувввати, туҳфаси.

**Икромали, Ikromali** (*ар.*) — *қар. Икром* ва *Али.*

**Икромбу, Ikromlu** (◊., *ар.-ўз.*) — иззат-икромли, баланд мартабали қиз.

**Икромбувиш, Irkombuvish** (◊., *ар.-ўз.*) — иззат-эҳтиромга лойиқ; қадрли қиз.

**Икромиддин, Ikromiddin** (*ар.*) — диннинг юксаклиги, улуғворлиги, диннинг мўътабарлиги, эъзози.

**Икроммирза, Ikrommirza** *(ар.-фт.)* — *қар. Икром* ва *Мирза.*

**Икромой, Ikromoy** (*ар.-ўз.*) — иззат-эътиборга лойиқ ва ойдек кўркам қиз.

**Икромхон, Ikromxon** (◊., *ар.-ўз.*) — эҳтиромга, иззатга сазовор, баланд мартабали қиз.

**Икромхўжа, Ikromxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган иззат-эътиборга лойиқ бола.

**Икромча, Ikromcha** (*ар.-ўз.*) — иззату эъзозли ўғилча.

**Илаш, Ilash** (*ўз.*) — отасига (ўзидан олдинги ака-опасига) эргашиб (илашиб) улғайсин. Шакллари: *Илашбой, Илашжон.*

**Илашхон, Ilashxon** (◊., *ўз.*) — онасига ўзидан олдинги ака — опаларига илашиб, эргашиб юрсин.

**Илашқул, Ilashgul** (*ўз.*) — *қар. Илаш (Илаш+қул).*

**Илдам, Ildam** (*ўз.*) — чаққон, ғайратли бола.

**Илдиз, Ildiz** (*ўз.*) — илдизи мустаҳкам, умри узоқ бўлсин.

**Илдирим, Ildirim** (*ўз.*) — чақмоқ, яшин; нур, шуъла, ёғду. Чақмоқ чаққанда туғилган бола. *Сол.: Елдирим.*

**Илёс, Ilyos** (*қад. яҳ.*) — айнан: "Менинг тангрим Елияхин (Яхьё)" Аллоҳнинг кучи, қудрати ёки халқларнинг севимлиси, кишилар қадрловчи, эъзозловчи одам. Обиҳаёт ичиб Хизр каби мангу тирик деб фараз қилинадиган пайғамбарнинг номи. Қуруқда Хизр бўлса, сувликда Илёс кишиларнинг мададкори, ҳамроҳи деб ҳисобланади.

**Илёсали, Ilyosali** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қар. Илёс* ва *Али.*

**Илёсиддин, Ilyosiddin** (*қад. яҳ.-ар.*) — Илёснинг дини, имони, эътиқоди.

**Илёсхон, Ilyosxon** (*қад. яҳ.-ўз.*) – *қар. Илёс.*

**Илёсхўжа, Ilyosxo'ja** (*қад. яҳ.-ўз.*) – *қар. Илёс* (*Илёс+хўжа*).

**Илёсқул, Ilyosqul** (*қад. яҳ.-ўз.*) – Илёс пайғамбарнинг қули, хизматкори.

**Илим, Ilim** (*ар.*) – илимли, билимдон. *Сол: Илмиддин.* Шакллари: *Илимбек, Илимбой, Илимжон.*

**Илимбек, Ilimbek** (*ар.-ўз.*) – беклар наслидан бўлган, билимли, доно бола.

**Илимбека, Ilimbeka** (◊., *ар.-ўз.*) – беклар наслидан бўлган билимли, доно қиз.

**Илимдор, Ilimdor** (*ар.-фт.*) – билимдон, донишманд.

**Илич, Ilich** (◊., *фт.*) – яйловда, ўтлоқда туғилган қиз.

**Илкин, Ilkin** (*фт.*) – тўнгич бола ёки эл фарзанди.

**Илми, Ilmi** (*ар.*) – *қар. Илмиддин.*

**Илмиддин, Ilmiddin** (*ар.*) – дин илми, диний маърифат; дин илми билимдони.

**Илмиёр, Ilmiyor** (*ар.-фт.*) – билимли, ўқимишли, илму маърифат ёр бўлсин.

**Илмижамол, Ilmijamol** (◊., *ар.*) – нафосат, гўзал илм соҳиби.

**Илмижаҳон, Ilmijahon** (◊., *ар.-фт.*) – дунё билимларини эгаллаган; доно, донишманд қиз.

**Илмижон, Ilmijon** (*ар.-фт.*) – *қар. Илми* (*Илми+жон*).

**Илмий, Ilmiy** (*ар.*) – илмга мансуб, билимлар соҳиби.

**Илмикамол, Ilmikamol** (◊., *ар.*) – илмда камолотга етган, пухта билимлар соҳиби; донишманд.

**Илминисо, Ilminiso** (*ар.*) – билимли қиз; аёлларнинг билимдони, доноси.

**Илминоз, Ilminoz** (◊., *ар.-фт.*) – гўзаллик, нафосат, назокат илми соҳибаси.

**Илминоза, Ilminoza** (◊., *ар.-фт.*) – *қар. Илминоз* (*Илминоз+а*).

**Илминур, Ilminur** (◊., *ар.*) – илм нури, илм зиёси, илм берувчи, илм бахш этувчи бахт.

**Илмираҳим, Ilmirahim** (*ар.*) – Аллоҳнинг илми; раҳм-шафқат, мурувват илми.

**Илмираҳмон, Ilmirahmon** (*ар.*) – *Раҳмон*нинг (*қар.*), яъни Аллоҳ илми; меҳру шафқат, мурувват илми.

**Илмисулув, Ilmisuluv** (*ар.-ўз.*) – гўзаллик, нафосат илми.

**Илмия, Ilmiya** (◊., *ар.*) – илм соҳиби, билимли, маърифатли қиз.

**Илмияздон, Ilmiyazdon** (*ар.-муғ.*) – Аллоҳ илми; Аллоҳнинг кучи, қудрати, мўъжизаси.

**Илмият, Ilmiyat** (*ар.*) – билимлар соҳиби, маърифатли, доно.

**Илмиҳаёт, Ilmihayot** (*ар.*) – ҳаёт, тириклик илми; бахту саодат илми.

**Илмулла, Ilmulla** (*ар.*) – *қар. Илимулла.*

**Иложбой, Ilojboy** (*ар.-ўз.*) – даъво, шифо. Асли: *Иложиддин.*

**Иложиддин, Ilojiddin** (*ар.*) – диннинг кўмаги, ёрдами; диннинг халоскорлиги.

**Илоҳа, Iloha** (◊ ., *ар.*) – Аллоҳга бахш этилган қиз.

**Илоҳбахш, Ilohbaxsh** (*ар.-фт.*) – Аллоҳ бахш этган, ато қилган бола.

**Илоҳдод, Ilohdod** (*ат.-фт.*) – Аллоҳ берган, Аллоҳ туҳфа қилган бола.

**Илоҳёр, Ilohyor** (*ар.-фт.*) – Аллоҳ қўлловчи, паноҳига олувчи бола.

**Илоҳий, Ilohiy** (◊ ., *ар.*) – художўй, тақводор; севимли, суюкли.

**Илтижохон, Iltijoxon** (◊ ., *ар.-ўз.*) – ўтиниб, илтижо қилиб эришилган.

**Илтимос, Iltimos** (◊ ., *ар.*) – Аллоҳдан сўраб олинган бола.

**Илтифот, Iltifot** (◊ ., *ар.*) – лутф, яхшилик; меҳру шафқат, марҳамат.

**Илғор, Ilg'or** (*ўз.*) – олдинда борувчи, етакчи; тезкор, илдам ёки ваъда, аҳду паймон.

**Илҳом, Ilhom** (*ар.*) – руҳланиш, жўш уриш; интилиш, ҳаётни севиш.

**Илҳома, Ilhoma** (◊ ., *ар.*) – *қар. Илҳом* (*Илҳом+а*).

**Илҳомали, Ilhomali** (*ар.*) – *қар. Илҳом* ва *Али.*

**Илҳомиддин, Ilhomiddin** (*ар.*) – диндан руҳланувчи, илҳомланувчи.

**Илҳомия, Ilhomiya** (◊ ., *ар.*) – руҳланувчи, илҳомланувчи ёки илҳом париси.

**Илҳоммирза, Ilhommirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Илҳом* ва *Мирза.*

**Илҳомхўжа, Ilhomxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган руҳланиб, ғайрати жўш уриб юрувчи бола.

**Имдод, Imdod** (*ар.*) – кўмак, мадад, ёрдам. *Қар. Имдодулла.*

**Имдодулла, Imdodulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг кўмаги, ёрдами, марҳамати.

**Имин, Imin** (*ар.*) – хавфсиз, бехатар. *Қар. Эмин.* Шакллари: *Иминжон, Иминтой, Иминча.*

**Имод, Имонбой, Imod** (*ар.*) – таянч, суянчиқ, тиргак, мадад, ёрдам.

**Имодали, Imodali** (*ар.*) – Али ато қилган суянч, мадад; Алининг кўмаги туфайли эришилган бола.

**Имодиддин, Imodiddin** (*ар.*) – диннинг таянчи, асоси ёки диннинг бош ҳомийси, диннинг содиқ хизматкори.

**Имодулла, Imodulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг кўмаги, илтифоти ёки Аллоҳ ато қилган таянч, суянч.

**Имом, Imom** (*ар.*) – айнан: олдинда турувчи, пешво; масжидда олдинда туриб намозни бошқарувчи; мусулмонларнинг диний раҳбари, пешвоси. *Имом* сўзи Алининг авлодлари ҳисобланувчи

ва шиитлар мазҳабига мансуб кишиларнинг VII—X асрлардан удум бўлиб келган унвонидир ва у ушбу унвонга сазовор шахснинг исмига қўшиб айтилган: *Имом Али* каби.

**Имомали, Imomali** (*ар.*) — Али олдинда турувчи, раҳбар, пешводир. Муҳаммад (сав)нинг тоғаси шиитларнинг биринчи имоми ҳисобланади. Шу сабабли у Имомали деб юритилган ва бу ном кишилар исмига ҳам ўтган.

**Имомбахш, Imombaxsh** (*ар.-фт.*) — Имом ато қилган, берган бола.

**Имомбек, Imombek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган диний пешво, диний раҳбар.

**Имомберган, Imombergan** (*ар.-ўз.*) — диний бошлиқ (пешво) ато қилган, эриштирган бола. Бу исм бирор муқаддас қадамжойга зиёрат қилингач туғилган болага берилади.

**Имомберди, Imomberdi** (*ар.-ўз.*) — диний пешво, муқаддас авлиё ато қилган бола.

**Имомбой, Imomboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Имом (Имом+бой).*

**Имомёр, Imomyor** (*ар.-фт.*) — имом (диний пешвонинг) дўсти, ҳамроҳи, йўлдоши ёки имом ҳамроҳ, йўлдош бўлувчи, паноҳига олувчи бола.

**Имомзода, Imomzoda** (*ар.-фт.*) — имомнинг фарзанди, ўғли ёки имомлар авлодига мансуб бола.

**Имомиддин, Imomiddin** (*ар.*) — дин бошлиғи, дин ҳомийси; дин пешвоси; диннинг содиқ хизматкори.

**Имоммирза, Imommirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Имом* ва *Мирза.*

**Имоммурод, Imommuzod** (*ар.*) — имом кўмаги туфайли эришилган орзу ёки имом ато қилган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Имоммуҳаммад, Imommuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)диннинг пешвоси, сардоридир.

**Имомназар, Imomnazar** (*ар.*) — дин пешвосининг марҳамати, илтифоти туфайли эришилган бола; имомнинг эҳсони, туҳфаси.

**Имомнафас, Imomnafas** (*ар.*) — имомнинг қудрати (нафаси) тегиб эришилган бола.

**Имомниёз, Imomniyoz** (*ар.-фт.*) — имомдан ўтиниб, тилаб, олинган бола ёки имом берган туҳфа, эҳсон.

**Имомрасул, Imomrasul** (*ар.*) — *қар. Имом* ва *Расул*

**Имомсаид, Imomsaid** (*ар.*) — имом эриштирган бахтли, толеи баланд бола.

**Имомхол, Imomxol** (*ар.-фт.*) — диннинг холли пешвоси, бошлиғи.

**Имомхўжа, Imomxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган дин пешвоси.

**Имомча, Imomcha** (*ар.-ўз.*) — мадраса талабаси, келгусида имом бўлувчи бола ёки имомларнинг кичиги, кенжаси.

**Имомқул, Imomqul** (*ар.-ўз.*) — дин пешвоси (имом)нинг қули, имомга содиқ бола.

**Имон, Imon** (*ар.*) — ишонч, эътиқод, ишониш, сиғиниш. Имон Ислом динининг асосий шартларидан бири бўлиб, бунда Аллоҳга, ислом дини ва Муҳаммадга ишонч, эътиқод кўзда тутилади. Демак, имон, эътиқодли бола. Шакллари: *Имонбек, Имонбой, Имонжон.*

**Имонали, Imonali** (*ар.*) — Алига эътиқод қилувчи, сиғинувчи бола ёки имон-эътиқодли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Имонберди, Imonberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ берган имон-эътиқодли бола.

**Имонкелди, Imonkeldi** (*ар.-ўз.*) — имон-эътиқодли, мусулмонқобил бола туғилди.

**Имонтилла, Imontilla** (*ар.-фт.*) — динга эътиқодли тилладек азиз, бебаҳо бола.

**Имонқул, Imonqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Имон (Имон+қул).*

**Имрон, Imron** (*ар.*) — тириклик, барҳаётлик, узоқ умр кўрувчи.

**Имроҳ, Imroh** (*ар.*) — дўстлик, биродарлик, ўртоқлик.

**Имтиёз, Imtiyoz** (*ар.*) — ўзгалардан сарбаланд, фарқли (имтиёзли) қилиб берилган бола.

**Имямин, Imyamin** (*ар.*) — *қар. Ибниямин.*

**Инар, Inar** (*ўз.*) — инар (туянинг бир хил зоти) каби кучли, қудратли бола.

**Инаркелди, Inarkeldi** (*ўз.*) — *Инар (қар.)* дек кучли, бақувват бола туғилди.

**Индира, Indira** (◇., *ҳинд.*) — инду — ой демакдир. Индира веда динидаги илоҳа (худо)лардан бири ва у момақалдироқ, ёмғир худоси ҳисобланади.

**Инжа, Inja** (◇., *ўз.*) — зариф, нозик; нафис, одобли, назокатли, хушмуомала қиз.

**Инжагул, Injagul** (◇., *ўз.-фт.*) — нозик, зебо гул.

**Инжи, Inji** (◇., *ўз.*) — нозли, ишвали, назокатли ёки тортиқ, ҳадья, инъом.

**Инжу, Inju** (◇., *ўз.*) — марварид, дур, жавоҳир ёки хизматчи, малай, чўри.

**Инжубека, Injubeka** (◇., *ўз.*) — беклар наслидан бўлган дурдек бебаҳо қиз ёки дур (марвариддек) бебаҳо аёл.

**Инимча, Inimcha** (◇., *ўз.*) — укача, инича; олдинги болаларга укача бўлиб юрсин.

**Инимчахон,** (◇., *ўз.*) — *қар. Инимча (Инимча+хон.)*

**Инкор, Inkor** (*ар.*) — тавба қилувчи, Аллоҳи таолло йўлига ўтувчи бола. Шакли: *Инкорбек, Инкорбой.*

**Инкорой, Inkoroy** (◇., *ар.-ўз.*) — Аллоҳга сиғинувчи, художўй, тақводор аёл.

**Иноб, Inob** (*ар.*) — *Инобат, Инобиддин (қар.)* исмларининг эқ. шакллари: *Иноббой, Инобжон, Инобхон.*

**Инобат, Inobat** (◇., *ар.*) — Аллоҳ мақбул топиб берган бола; Аллоҳнинг марҳамати, ҳиммати.

**Инобиддин, Inobiddin** (*ар.*) — диннинг марҳамати, ҳиммати, инобати.

**Инобхон, Inobxon** (◊., *ар.*) — *Инобатхон (қар.)* исмининг эқ. шакли.

**Инод, Inod** (*ар.*) — ўжар, қайтмас, саркаш бола.

**Инол, Inol** (*ўз.*) — ҳоким, ҳукмрон, подшоҳ ёки ялиниб, ёлвориб эришилган бола.

**Инон, Инонжон, Inon** (*ўз.*) — умид қилиш, ишониш, инониш, яъни бола яшаб кетади деб умид қилинади.

**Инонч, Inonch** (*ўз.*) — ишониш, умидланиш, яъни боланинг яшаб кетишига умид боғлаш.

**Иноят, Inoyat** (*ар.*) — хайрихоҳлик, кўмак, эҳсон, илтифот. Асли *Иноятулла (қар.)*

**Иноятали, Inoyatali** (*ар.*) — Алининг ҳиммати, эҳсони, кўмаги.

**Иноятбиби, Inoyatbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — Аллоҳнинг эҳсони, марҳами бўлган баланд мартабали қиз.

**Иноятрасул, Inoyatrasul** (*ар.*) — пайғамбарнинг лутфу карами, кўмаги б-н эришилган бола.

**Иноятулла, Inoyatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг марҳамати, лутфу карами ёки Аллоҳнинг фикри, ёди. Ушбу ном Муҳаммад (сав)нинг сифати (лақаб)ларидан бири бўлган.

**Иноятхол, Inoyatxol** (◊., *ар.-фр.*) — Аллоҳнинг муруввати, лутфу карами туфайли эришилган холли қиз.

**Иноятқул, Inoyatqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Иноят (Иноят+қул).*

**Иноқ, Inoq** (*ўз.*) — дўст, ўртоқ, йўлдош ёки ўзига мустақил бўлган шахс. Бухоро хонлигида энг юқори мансаблардан бири ҳам иноқ деб юритилган.

**Иноқмирза, Inoqmirza** (*ўз.*) — *қар. Иноқ* ва *Мирза.*

**Иноғом, Inog'om** (*ар.*) — инъом, совға, туҳфа, ҳадья.

**Инсон, Inson** (*ар.*) — одам, киши; одамшаванда бола.

**Инсоф, Инсофбой, Insof** (*ар.*) — покиза, адолатли.Шакллари: *Инсофбой, Инсофжон.*

**Инсофали, Insofali** (*ар.*) — покиза, адолатпеша болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Инсофиддин, Insofiddin** (*ар.*) — диннинг инсофли, сабр-қаноатли фарзанди.

**Интизом, Intizom** (*ар.*) — тартибли, саришта, одобли.

**Интизор, Intizor** (*ар.*) — интиқ бўлиб, орзиқиб кутилган.

**Интиқ, Интиқжон, Intiq** (*ўз.*) — орзиқиб, интиқ бўлиб кутилган.

**Интиқом, Intiqom** (*ар.*) — олдинги вафот этган фарзандлар эвазига берилган бола.

**Инъом, In'om** (*ар.*) — туҳфа, тортиқ қилиб берилган. Шакллари: *Инъомбой, Инъомжон.*

**Инъома, In'oma** (◊., *ар.*) — ҳадья, совға қилиб берилган қиз.

**Инъомали, In'omali** *(ар.)* — Алининг совғаси, туҳфаси.

**Инъомиддин, In'omiddin** (*ар.*) — диннинг туҳфаси, совғаси; тортиғи.

**Инъоммирза, In'ommirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Инъом* ва *Мирза.*

**Инъомулла, In'omulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Инъоммуҳаммад, In'ommuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг туҳфаси, эҳсони, марҳамати.

**Инъомназар, In'omnazar** (*ар.*) — Аллоҳ эътибор, мурувват қилиб берган совға, эҳсон.

**Инъомтўра, In'omto'ra** (*ар.-фт.*) — Аллоҳ совға, туҳфа қилиб берган бола баланд мартабали бўлсин.

**Инъомхон, In'omxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Инъом (Инъом+хон).*

**Инъомқул, In'omqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Инъом (Инъом+қул).*

**Инқилоб, Inqilob** (*ар.*) — айнан: ўзгариш, тўнтариш. Инқилоб фарзанди. Янги даврда пайдо бўлган исм.

**Инқилобия, Inqilobiya** (◊., *ар.*) — инқилоб, янгиланиш қизи.

**Ипак, Ипакхон, Ipak** (◊., *ўз.*) — ипакдек мулойим, ёқимли қиз.

**Ипакгул, Ipakgul** (◊., *ўз.-фт.*) — ипак каби мулойим ва гулдек кўркам қиз.

**Ипаксулув, Ipaksuluv** (◊., *ўз.*) — ипакдек кўркам, зебо қиз.

**Ипакчи, Ipakchi** (*ўз.*) — ипак матолар тўқувчи ҳунарманд, чевар қиз.

**Ипоргул, Iporgul** (◊.,*фт.*) — ипор гули (мушк)дек ёқимли қиз.

**Ирис, Ирисбой, Iris** (*ар.*) — ирис — насибали, фаровон, бахтиёр ёки ота-онасининг насибаси, омади бўлган бола.

**Ириса, Irisa** (◊., *ар.*) — ирис — насибали, бахтли қиз ёки ота-онасининг насибаси бўлган қиз.

**Ирисали, Irisali** (*ар.*) — насибали, ризқ-рўзли, омадли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Ирисбека, Irisbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган ризқ-рўзли, насибаси бутун қиз.

**Ирисбиби, Irisbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — ризқ-насибали қиз.

**Ирисбу, Ирисбуви, Irisbu** (◊., *ар.-ўз.*) — ризқ-рўзли, насибали қиз.

**Ирисдавлат, Irisdavlat** (◊., *ар.*) — насибаси бутун ва давлатманд қиз.

**Ирисжон, Irisjon** (◊., *ар.-фт.*) — насибаси бутун ва жондек азиз, ширин қиз.

**Ирисли, Irisli** (*ар.-ўз.*) — ирис — насибали, бахтли бола. *Сол: Ирис.*

**Ирисмат, Irismat** (*ар.*) — *қар. Ирисмуҳаммад.*

**Ирисмурод, Irismurod** (*ар.*) — орзу қилинган насибали бола ёки насибаси бутун бола улғайиб муроду мақсадига етсин.

**Иристой, Iristoy** (*ар.-ўз.*) — ризқу рўзли, насибаси бутун, омадли бола.

**Ирисхол, Irisxol** (◊., *ар.-фт.*) — ризқу рўзли, насибали ва хол билан туғилган қиз.

**Ирисхўжа, Irisxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган ризқу насибаси бутун бола.

**Ирисқул, Irisqul** (*ар.-ўз.*) – *қар. Ирис* (*Ирис+қул*).

**Ирода, Iroda** (♀., *ар.*) – истаб, орзу қилиб эришилган қиз ёки Аллоҳнинг иродаси, мурувввати бўлган қиз, ёхуд иродали чидамли қиз.

**Иродат, Irodat** (♀., *ар.*) – тилаб, орзу қилиб олинган қиз ёки иродали, чидамли, сабру тоқатли қиз.

**Ироқ, Ироқбой, Iroq** (*ўз.*) – айнан: йироқ, яъни умри узоқ бўлсин.

**Иршод, Irshod** (*ар.*) – тўгри йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга ундовчи бошлиқ, раҳбар.

**Искандар, Iskandar** (*юн.*) – мард, қўрқмас, довюрак, жасурларнинг сардори ёки ҳимоя қилувчи, муҳофазакор.

**Искандарбек, Iskandarbek** (*юн.-ўз.*) – беклар авлодидан бўлган бола. *Искандар* (*қар.*)дек жасур бўлсин.

**Искандаршо, Iskandarsho** (*юн.-фт.*) – Искандар шоҳдек жасур, довюрак.

**Искандарқул, Iskandarqul** (*юн.-ўз.*) – *қар. Искандар* (*Искандар+қул*).

**Ислимиддин, Islimiddin** (*ар.*) – диннинг безаги, кўрки ёки динга ривож берувчи, юксалтирувчи.

**Ислом, Islom** (*ар.*) – айнан: «ўзини Аллоҳнинг ихтиёрига топшириш»; итоаткор, исломга бўйсунган. Мусулмонлар, Муҳаммад (сав) динининг номи. Шакллари: *Исломбой, Исломбек, Исломжон.*

**Исломали, Islomali** (*ар.*) – исломга итоат қилувчи, мусулмон болани Али ўз паноҳига олсин.

**Исломбек, Islombek** (*ар.-ўз.*) – беклар авлодидан бўлган, мусулмонлар динига бўйсунган бола.

**Исломберди, Islomberdi** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳ ато қилган мусулмон бола ёки Аллоҳ мусулмон бола ато қилди.

**Исломбоқи, Islomboqi** (*ар.*) – мусулмонлар дини (ислом) абадий, боқийдир ёки Муҳаммад динига итоат қилувчи боланинг умри узоқ бўлсин.

**Исломиддин, Islomiddin** (*ар.*) – динга содиқ бола, художўй, зоҳид.

**Исломия, Islomiya** (♀., *ар.*) – Аллоҳга бўйсунувчи, сигинувчи қиз ёки ислом дини мухлиси.

**Исломмирза, Islommirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Ислом* ва *Мирза.*

**Исломмурод, Islommurod** (*ар.*) – ислом эриштирган орзу, мурод ёки Аллоҳга бўйсунган бола улғайиб муродига етсин.

**Исломнур, Islomnur** (*ар.*) – мусулмонлар дини (ислом)нинг нури, ёғдуси; ислом ато қилган бахт, омад.

**Исломхон, Islomxon** (*ар.-фт.*) – *қар. Ислом* (*Ислом+хон*)

**Исломхўжа, Islomxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган мусулмон бола.

**Исломшо, Islomsho** (*ар.-фт.*) – *қар. Ислом* ва *Шо*(*ҳ.*)

**Исломқул, Islomqul** (*ар.-ўз.*) – Исломнинг содиқ хизматкори, қули.

**Исломғози, Islomg'ozi** (*ар.*) – ислом йўлида курашувчи ва ғолиб чиқувчи бола.

**Исломҳожи, Islomhoji** (*ар.*) – *қар. Ислом* ва *Ҳожи* ёки Каъбани зиёрат қилган мусулмон.

**Ислоҳот, Islohot** (*ар.*) – ўзгариш, тузатиш (ислоҳот) йиллари туғилган бола.

**Исман, Isman** (*ар.*) – *Исматулла* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли. эҳт. *Исфан* (*қар.*).

**Исманали, Ismanali** (*ар.*) – *қар. Исман* ва *Али* ёки *Исфанали.*

**Исмандиёр, Ismandiyor** (*ар.-фт.*) – *қар. Исфандиёр.*

**Исманжон, Ismanjon** (*ар.-фт.*) – *қар. Исфан* (*Исфан+жон*) ёки *Исматулла.*

**Исмантой, Ismantoy** (*ар.-ўз.*) – *қар. Исфан* (*Исфан+той*) ёки *Исматулла.*

**Исмонхўжа, Ismonxo'ja** (*ар.-ўз.*) – *қар. Исфан* (*Исфан+хўжа*) ёки *Исматулла.*

**Исманча, Ismancha** (*ар.-ўз.*) – кенжа, жажжи. *Исфан* (*қар.*) ёки *Исматулла.*

**Исманқул, Ismanqul** (*ар.-ўз.*) – *қар. Исман* (*Исман+қул*) ёки *Исматулла.*

**Исмат, Ismat** (*ар.*) – покиза, озода, гуноҳсиз; тақводор, порсо. Шакллари: *Исматжон, Исматхон.*

**Исматёр, Ismatyor** (*ар.-фт.*) – софлик, покизалик; яхши фазилатлар ҳамдами.

**Исматмирза, Ismatmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Исмат* ва *Мирза.*

**Исматулла, Ismatulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг бегуноҳ, покиза, яхши хислатлар соҳиби бўлмиш бандаси. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг сифати (лақаби) бўлган.

**Исматқул, Ismatqul** (*ар.-ўз.*) – покиза, бегуноҳ бола. *Қар. Исмат* (*Исмат+қул*).

**Исмигул, Ismigul** (◊ ., *ар.-фт.*) – гул исмли қиз, номи гулдек зебо қиз.

**Исмизар, Ismizar** (◊ ., *ар.-фт.*) – тилло (яхши) исм соҳиби, энг гўзал исмли қиз.

**Исминоз, Isminoz** (◊ ., *ар.-фт.*) – нозик ва нафис исмли қиз.

**Исмоил, Ismoil** (*қад. яҳ.*) – айнан: «Худо эшитди» ёки Аллоҳдан сўраб олинган, Аллоҳ туҳфа қилган бола. «Таврот»даги ривоятга кўра, Иброҳим пайғамбарнинг хотини Ҳожар Аллоҳдан фарзанд сўраб илтижо қилган. Шу туфайли туғилган болага Ишмаел

*(Исмоил)* деб исм беришган. Бу ном Муҳаммад (сав) ўғлининг исми ҳам бўлган. *Шакллари: Исмоилжон, Исмоилхон.*

**Исмоилхўжа, Ismoilxo'ja** (*қад. яҳ.-фт.*) — *қар. Исмоил* ва *Хўжа.*

**Исмоилшо, Ismoilsho** (*қад. яҳ.-фт.*) — *қар. Исмоил* ва *Шо(ҳ).*

**Исмоилқул, Ismoilqul** (*қад. яҳ.-ўз.*) — Исмоилнинг қули, Исмоилга бўйсунувчи.

**Исо, Iso** (*қад. яҳ.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони; лутфу карами; Аллоҳнинг кўмаги ёки Аллоҳнинг яқини. *Исо — қад. яҳ.* Jexogua, Иисус (Христос) номининг арабча шаклидир.

**Исобат, Isobat** (◊., *ар.*) — тўғрилик, ростлик, адолат соҳибаси.

**Исоберди, Isoberdi** (◊., *яҳ. ўз.*) — Исо (пайғамбар) берган, ато қилган бола.

**Исобой, Isoboy** (*қад. яҳ.-ўз.*) — *қар. Исо (Исо+бой).*

**Исоёр, Isoyor** (*қад. яҳ.-фт.*) — Исо (пайғамбар) ўз паноҳига олувчи, қўлловчи бола.

**Исолат, Isolat** (◊., *ар.*) — маҳкам, мустаҳкам, умри узоқ қиз.

**Исом, Isom** (*ар.*) — таянч, суянч, яъни ота-онасига суянчиқ, кўмакчи бўлувчи бола.

**Исомамат, Isomamat** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қар. Исомуҳаммад.*

**Исомат, Isomat** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қар. Исомуҳаммад.*

**Исомиддин, Isomiddin** (*ар.*) — диннинг тутқичи, суянчи; динга мадад берувчи, кўмакдош.

**Исомурод, Isomurod** (*қад. яҳ.-ар.*) — Исо етказган орзу, тилак, Исонинг мурувввати, туҳфаси.

**Исомуҳаммад, Isomuhammad** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қар. Исо* ва *Муҳаммад.*

**Исомхон, Isomxon** (*ар.*) — *қар. Исом (Ислом+хон).*

**Исомхўжа, Isomxo'ja** (*ар.-ўз.*) — ота-онасининг суянчиғи, мададкори бўлган, хўжалар авлодига мансуб бола.

**Исонафас, Isonafas** (*қад. яҳ.-ар.*) — Исо (пайғамбар)нинг нафаси, кўмаги туфайли эришилган бола ёки Исо нафасли; зукко, зеҳнли бола.

**Исотилла, Isotilla** (*қад. яҳ.-фт.*) — *қар. Исо* ва *Тилла.*

**Исотой, Isotoy** (*қад. яҳ.-ўз.*) — Исо пайғамбар исми берилган азиз, суюкли бола ёки *қар. Исо (Исо+той)*

**Исохон, Isoxon** (*қад. яҳ.-ўз.*) — *қар. исо (Исо+хон).*

**Исохўжа, Isoxo'ja** (*қад. яҳ.-фт.*) — Исо пайғамбар номи берилган ва хўжалар авлодига мансуб бола.

**Исоқ, Isoq** (*қад. яҳ.*) — *қар. Исҳоқ.* Шакллари: *Исоқжон, Исоқбой.*

**Исоқали, Isoqali** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қар. Исҳоқ+али*

**Исоқул, Isoqul** (*қад. яҳ.-ўз.*) — Исо (ас)нинг қули.

**Испан, Ispan** (*фт.*) — **Исманд**//Исфанд — исириқ, ҳазратиспанд. Халқ бу ўсимлик, унинг ҳиди кишини бало-қазодан, кўз тегишдан асрайди деб ҳисоблайди. Шу туфайли унинг номи чақалоқларга исм сифатида қўйилади.

**Исроил, Isroil** (*қад. яҳ.*) — Аллоҳ йўлида курашувчи.

**Исрофил, Isrofil** (*қад. яҳ.-ар.*) — айнан: "Худонинг хизматкори, Аллоҳнинг ҳукмини адо этувчи". *Қад. яҳ. Сараф* исмининг арабча шакли. Ривоятга кўра, у қиёмат куни най чалиб ўликларни тирилтириб бир ерга тўплайдиган, одамларни огоҳлантирадиган фариштадир. Баъзи манбаларда "ёндирувчи, алангалантирувчи" деб изоҳланади.

**Истад, Istad** (*фт.-ўз.*) — турсун, яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Истадой, Istadoy** (◊., *фт.*) — турсин, яшасин ва ойдек сулув қиз бўлсин.

**Истак, Истакбой, Istak** (*ўз.*) — хоҳлаб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Истакгул, Istakgul** (◊., *ўз.-фт.*) — хоҳланган, орзу қилинган ва гулдек кўркам қиз.

**Истакой, Istakoy** (◊., *ўз.*) — қўмсаб, орзу қилиб олинган ойдек гўзал қиз.

**Истакхон, Istakxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Истак (Истак+хон).*

**Истам, Istam** (*фт.*) — айнан: "турсин, қолсин", яъни умри узоқ бўлсин, ўлмасин. Шакллари: Истамбой, Истамжон, Истамхон.

**Истамас, Istamas** (*ўз.*) — чақалоқнинг душмани бўлмиш ёвуз кучлар "болани истамайди, менсимайди, кўзга илмайди", демак бола соғу омон бўлади дейилган маънода. Сол.: *Итолмас, Итемас.*

**Истамбоқи, Istamboqi** (*фт.-ар.*) — боқий турувчи, умри узоқ бўлувчи бола.

**Истамқул, Istamqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Истам (Истам+қул).*

**Истар, Istar** (◊., *ўз.*) — эҳт. *Истара (қар.).* Шакллари: *Истарой.*

**Истара, Istara** (◊., *фт.*) — истараси иссиқ, ёқимтой, жозибали. Ситора юлдузи номидан. Шакллари: *Истарахон.*

**Истарам, Istaram** (◊., *ар.*) — *Мустарам.*

**Истат, Istat** (◊., *фт.*) — турсин, қолсин, яъни ўлмасин, умри узоқ бўлсин. Асли *Истад, Истод.*

**Истатой, Istatoy** (◊., *фт.*) — *қар. Истат (Истат+ой);* ойдек кўркам қиз турсин, яшасин.

**Истатпўлат, Istatpo'lat** (*фт.*) — турсин, яшасин ва пўлатдек маҳкам, мустаҳкам бўлсин.

**Истатулла, Istatylla** (*фт.-ар.*) — Аллоҳ ато қилган бола турсин, яшасин ёки Аллоҳ умрини узоқ қилиб берган бола.

**Истеъдод, Iste'dod** (*ар.*) — қобилиятли, эпчил, уддабурон.

**Истода, Istoda** (◊., *фт.*) — турғун, саботли, яъни яшайдиган бола.

**Исфан, Isfan** (*фт.*) — *Муқаддас,* яъни Аллоҳ. Асли: *Исфандиёр (қар.)*

**Исфандиёр, Isfandiyor** (*фт.*) — "Муқаддаснинг, яъни Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони, муқаддас туҳфа". Қадимги Эрон достонларида тасвирланган, ўз душманларига тутқич бермайдиган қаҳрамонлардан бирининг номи. Сол.: *Асфандиёр (қар.)*

**Исфаҳон, Isfahon** (*фт.*) — Исфаҳон (қилич) дек кескир ва маҳкам. Бу Эроннинг машҳур шаҳзодаларидан бирининг номи ҳамдир.

**Исҳоқ, Исҳоқжон, Is'hoq** (*қад. яҳ.*) — *айнан* кулги, хандон, кулувчи, кулаётган. Исҳоқ пайғамбарнинг ҳам исмидир.

**Исҳоқали, Is'hoqali** (*қад. яҳ.-ар.*) — *қар. Исҳоқ* ва *Али.*

**Исҳоқназар, Is'hoqnazar** (*қад. яҳ.+ар.*) — Исҳоқ пайғамбарнинг марҳамати, илтифоти, назар қилиши туфайли эришилган ўғил; Исҳоқ пайғамбарнинг назари, меҳри тушган бола.

**Исҳоқтўра, Ishoqto'ra** (*қад. яҳ.-ўз.*) — *қар. Исҳоқ* ва *Тўра.*

**Исҳоқхўжа, Is'hoqxo'ja** (*қад. яҳ.-фт.*) — Исҳоқ пайғамбар исми берилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Исҳоққул, Is'hoqqul** (*қад. яҳ.-ўз.*) — Исҳоқ (ас)нинг қули, содиқ хизматкори.

**Итбой, Itboy** (*ўз.*) — итдек арзимас бола. Бу исм чақалоққа у ёмон кўзлардан узоқ бўлсин, унга кўз тегмасин деб берилади.

**Итемас, Itemas** (*ўз.*) — "бу болани ташласанг, ит ҳам емайди, у шунчалик ёмон, жирканч" деган маънода берилувчи исм. Бу б-н чақалоқни ўлимдан асраш кўзда тутилади.

**Итжон, Itjon** (*ўз.*) — итдек арзимас бола. Болага кўз тегмасин деган маънода қўйилади.

**Итоат, Итоатхон, Itoat** (◊., *ар.*) — итоаткор, мўмин-қобил, одобли қиз.

**Итолмас, Itolmas** (*ўз.*) — "бу болани ҳаттоки ит ҳам олмайди, унинг ҳеч кимга кераги йўқ", дейилган маънода қўйилади. Бу билан болани кўз тегишдан, бевақт ўлимдан асрамоқчи бўлишади.

**Иттифоқ, Ittifoq** (*ар.*) — олдинги фарзандларга қўшилиб кетсин ва иттифоқ бўлиб яшасин.

**Ифофат, Ifofat** (◊., *ар.*) — поклик, покизалик, тозалик.

**Ифоғат, Ifog'at** (◊., *ар.*) — соғайиш, тузалиш, соғайиб кетиш.

**Ифрат, Ifrat** (◊., *ар.*) — зиёда, ортиқча, керагидан ортиқ. Ҳадеб қиз туғилаверган оилаларда ўғил кўришни орзу қилиб бериладиган исм.

**Ифтихор, Iftixor** (*ар.*) — фахр, ғурур; шону шавкат, улғайиб элининг ғурури, ифтихори бўлсин.

**Ифтихориддин, Iftixoriddin** (*ар.*) — диннинг улуғворлиги, шону шарафи, шуҳрати ёки диннинг ифтихори.

**Иффат. Iffat** (◊., *ар.*) — покиза, маъсума, бокира қиз.

**Иффатбиби, Iffatbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — ор-номусли, покиза қиз.

**Иффатбону, Iffatbony** (◊., *ар.-фт.*) — покиза, ор-номусли, аслзода қиз.

**Иффатжамол, Iffatjamol** (◊., *ар.*) — покиза ва ойдек кўркам қиз.

**Иффатой, Iffatoy** (◊., *ар.-ўз.*) — покиза ва ойдек кўркам қиз.

**Иффатулла, Iffatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг одобли, покдомон бандаси.

**Ихлос, Ixlos** (*ар.*) — самимий, софдил, садоқатли бола. Шакллари: *Ихлосбой, Ихлосжон.*

**Ихлоса, Ixlosa** (◇., *ар.*) — софдил, покдомон, садоқатли ва холис қиз.

**Ихлосбону, Ixlosbonu** (◇., *ар.-фт.*) — софдил, покдомон, аслзода қиз.

**Ихлосиддин, Ixlosiddin** (*ар.*) — динга ихлос қўйган, динга садоқатли бола.

**Ихлосия, Ixlosiya** (◇., *ар.*) — софлик, самимият, садоқат соҳибаси.

**Ихлосхон, Ixlosxon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Ихлос (Ихлос+хон).*

**Ихлосхўжа, Ixlosxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган софдил, садоқатли бола.

**Ихтиёр, Ixtiyor** (*ар.*) — эрки ўзида, озод, ҳур бола.

**Ихтиёриддин, Ixtiyoriddin** (*ар.*) — диннинг сараланган кишиси, диннинг мумтоз фарзанди ёки диннинг иродаси, хоҳиши.

**Ихтиёрхўжа, Ixtiyorxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган эркли, озод бола.

**Ихшид, Ixshid** (*суғд.*) — ҳоким, амир; султон, шоҳ; ҳукмрон.

**Ишиқ, Ishiq** (*ўз.*) — шуъла, ёғду, равшанлик, ёруғлик.

**Ишора, Ishora** (◇., *ар.*) — баданида қандайдир белги билан туғилган қиз ёки Аллоҳнинг хоҳиши, иродаси.

**Ишорат, Ishorat** (◇., *ар.*) — *қар. Ишора.* Шакли: *Ишоратхон.*

**Ишрат, Ishrat** (*ар.*) — лаззат, қувноқлик; бахтиёр, шодон.

**Ишратхон, Ishratxon** (*ар.-фт.*) — шодлик, қувноқлик, бахтиёлик.

**Ишчанбой, Ishchanboy** (*ўз.-фт.*) — меҳнаткаш, ғайратли. Эҳт.: *Эшжонбой (қар.)*

**Ишқия, Ishqiya** (◇., *ар.*) — муҳаббат, меҳру мурувват соҳибаси.

**Иқбол, Iqbol** (*ар.*) — бахт, саодат; омад, порлоқ келажак. Шакллари: *Иқболой, Иқболхон.*

**Иқболиддин, Iqboliddin** (*ар.*) — диннинг бахту саодатли, келажаги порлоқ фарзанди ёки дин берган омадли, бахтли бола.

**Иқболмирза, Iqbolmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Иқбол* ва *Мирза.*

**Иқболой, Iqboloy** (◇., *ар.-ўз.*) — бахту саодатли, ойдек кўркам қиз.

**Иқболхўжа, Iqbolxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган бахтиёр, саодатманд бола.

**Иқлим, Iqlim** (◇., *ар.*) — истараси иссиқ, жозибали қиз ёки эл, ўлка фарзанди. Шакллари: *Иқлимой, Иқлимхон, Иқлима.*

**Иқлима, Iqlima** (◇., *ар.*) — *қар. Иқлим (Иқлим+а).*

**Иқлимбиби, Iqlimbibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Иқлим (Иқлим+биби).*

**Иқлимбувиш, Iqlimbuvish** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Иқлим (Иқлимбувиш).*

**Иқрор, Iqror** (*ар.*) — *қар. Иқрориддин.*

**Иқрориддин, Iqroriddin** (*ар.*) — динга бўйсунган, мусулмончиликни бўйнига олган.

# Й

**Йигит, Йигитбой, Yigit** (*ўз.*) — айнан: ўсмир, навқирон; соғ улғайиб катта йигит бўлсин.

**Йигитали, Yigitali** (*ўз.-ар.*) — улғайиб навқирон йигит бўлсин ва Али ўз паноҳида асраб юрсин.

**Йигитой, Yigitoy** (◇., *ўз.*) — йигитлардек жасур, мард қиз бўлиб ўссин ёки кейинги бола ўғил бўлсин.

**Йилдирим, Yildirim** (*ўз.*) — яшин, чақмоқ, момақалдироқ пайти туғилган бола.

**Йилқибой, Yilqiboy** (*ўз.*) — йилқилари, моли кўп; бой-бадавлат бўлсин ёки "йилқи" (от) йили туғилган бола.

**Йилқичи, Yilqichi** (*ўз.*) — айнан: от боқувчи, яъни отлари сероб, бой-бадавлат бўлсин.

**Йўлбарс, Yo'lbars** (*ўз.*) — йўлбарс (арслон)дек кучли, қудратли.

**Йўлбек, Yo'lbek** (*ўз.*) — йўли очиқ бўлсин, Аллоҳ келажагини берсин ёки йўлда туғилган бола.

**Йўлберди, Yo'lberdi** (*ўз.*) — йўлда (сафарда) туғилган бола.

**Йўлбос, Yo'lbos** (*ўз.*) — улғайиб, ерни босиб кетсин. Асли: *Йўлбосар (қар.)*

**Йўлбосар, Yo'lbosar** (*ўз.*) — улғайиб юриб кетсин ёки олдинги болалар изини босиб юрсин.

**Йўлбуви, Yo'lbuvi** (◇., *ўз.*) — йўл (сафар)да туғилган қиз.

**Йўлбўлди, Yo'lbo'ldi** (*ўз.*) — отасига (олдинги акаларига) ҳамроҳ, йўлдош бўлиб юрсин.

**Йўлдон, Yo'ldon** (*ўз.*) — "Йўлдош" сўзи билан бошланган исмларнинг эқ.

**Йўлдош, Yo'ldosh** (*ўз.*) — отаси ёки акаларига эш, ҳамроҳ бўлиб юрсин. Шакллари: *Йўлдошбек, Йўлдошбой, Йўлдошжон.*

**Йўлдошали, Yo'ldoshali** (*ўз.-ар.*) — ота-онасига ҳамроҳ, эш бўлиб юрсин ва Али ўз паноҳига олсин ёки Алининг ҳамроҳи, йўлдоши, Алининг ҳимояси, паноҳидаги бола.

**Йўлдошбу, Йўлдошбуви Yo'ldoshbu** (◇., *ўз.*) — отасига (олдинги ака-опаларига) дўст, ҳамроҳ бўлиб юрсин.

**Йўлдошмат, Yo'ldosmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Йўлдошмуҳаммад.*

**Йўлдошмирза, Yo'ldoshmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Йўлдош* ва *Мирза.*

**Йўлдошмурод, Yo'ldoshmyrod** (*ўз.-ар.*) — ота-онаси (ака-укаларига) ҳамроҳ бўлсин ва улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Йўлдошмуҳаммад, Yo'ldoshmuhammad** (*ўз.-ар.*) — ота-онасига ҳамроҳ бўлиб юрсин ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммаднинг ҳамроҳи йўлдоши бўлган бола.

**Йўлдошой, Yo'ldoshoy** (◇., *ўз.*) — ота-онасига ҳамроҳ, эш бўлиб юрувчи ва ойдек кўркам қиз.

**Йўлдошхон, Yo'ldoshxon** (◇., *ўз.*) — ота-онасига ҳамроҳ, эш бўлиб юрувчи, қадрли, баланд мартабали қиз.

**Йўлдошхўжа, Yo'ldoshxo'ja** (*ўз.-фт.*) — ота-онасининг ҳамроҳи, суянчи бўлган хўжа авлодига мансуб бола.

**Йўлдошқори, Yo'ldoshqori** (*ўз.-ар.*) — *қар. Йўлдош* ва *Қори.*

**Йўлли, Йўллибой, Yo'lli** (*ўз.*) — "йўл" сўзи билан бошланган қўшма исмларнинг эқ. ёки худо йўлини берсин, яъни умри узоқ бўлсин.

**Йўлкелди, Yo'lkeldi** (*ўз.*) — йўлда туғилган бола. Эҳт.: *Йўлдошкелди.*

**Йўлим, Yo'lim** (*ўз.*) — "йўл" сўзи билан бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли

**Йўллибека, Yo'llibeka** (◇., *ўз.*) — йўлда (сафарда) туғилган қиз.

**Йўлмат, Yo'lmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Йўлдошмуҳаммад.*

**Йўлмирза, Yo'lmirza** (◇., (*ўз.-фт.*) — *қар. Йўлли* ва *Мирза.*

**Йўлмуҳаммад, Yo'lmuhammad** (*ўз.-ар.*) — йўлда (сафарда) туғилган болага Муҳаммад (сав) ёр бўлсин.

**Йўломон, Yo'lomon** (*ўз.*) — худо йўлини бериб эсон-омон улғайсин ёки йўлда туғилган боланинг умри узоқ бўлсин.

**Йўлтемир, Yo'ltemir** (*ўз.*) — худо йўлини (умрини) бериб, темирдек маҳкам, мустаҳкам бўлсин ёки йўлда (сафарда) туғилган ва темирдек чидамли, маҳкам.

**Йўлтой, Yo'ltoy** (*ўз.*) — йўли бор, умри узоқ бола ёки бахтли ҳамда суюкли бола.

**Йўлтурди, Yo'ltyrdi** (*ўз.*) — йўлда туғилган ўғил турсин, умри узоқ бўлсин.

**Йўлчи, Yo'lchi** (*ўз.*) — ҳамроҳ, дўст, эш ёки йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга бошловчи; бошлиқ, саркор. Шакллари: *Йўлчибой, Йўлчи+қул.*

**Йўлчиқул, Yolchiqul** (*ўз.*) — *қар. Йўлчи (Йўлчи+қул.)*

**Йўлқутли, Yo'lqutli** (*ўз.*) — йўли (умри) қутлуғ, бахтли бола.

# К

**Кабир, Кабиржон, Kabir** (*ар.*) — улуғ, улкан; кучли, қудратли.

**Кабира, Kabira** (◇., *ар.*) — улуғ, буюк; аёлларнинг улуғи, муҳтарама аёл.

**Кабиса, Kabisa** (◇., *ар.*) — кабиса йили (тўрт йилда бир келувчи 366 кунлик йил, бунда февраль ойи 28 эмас, 29 кун бўлади)да туғилган қиз.

**Кабутар, Kabutar** (◇., *фт.*) — каптардек парвоз қилсин, умри узоқ бўлсин.

**Кабирали, Kabirali** (*ар.*) — улуғ, муътабар, қадрли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Кабирулла, Kabirulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг улуғ ва муътабар бандаси.

**Кавкаб, Kavkab** (*ар.*) — юлдуз, сайёра; нур, ёғду, яъни бахтли, толеи баланд.

**Кавкаба, Kavkaba** (◊., *ар.*) — юлдуздек равшан, порлоқ, яъни бахтли, саодатли қиз.

**Кавсар, Kavsar** (◊., *ар.*) — жаннатдаги булоқдан оқувчи сув; обиҳаёт, ҳаёт суви; мўл, фаровон ҳаёт. Шакллари: *Кавсарой, Кавсархон.*

**Кадбону, Kadbony** (◊., *фт.*) — хўжалар наслидан бўлган аёл, бека, аслзода.

**Кадхудо, Kadxudo** (*фт.*) — оқсоқол, бошлиқ, раҳбар, сардор.

**Кайбону, Kaybonu** (◊., *фт.*) — улуғ мартабали аёл, шоҳлар наслининг фарзанди; хоним, бека.

**Кайвон, Kayvon** (◊., *фт.*) — улуғ мартабали аёл; раҳбар, бошлиқ, сардор тўй ва зиёфатларни бошқарувчи, дастурхончи аёл.

**Каймир, Kaymir** (*фт.*) — олам, дунё ҳукмдори; жасур, қаҳрамон.

**Каймирберди, Kaymirberdi** (*фт.-ўз.*) — оламнинг, ҳукмдори, яъни Аллоҳ берган бола.

**Каймиркелди, Kaymirkeldi** (*фт.-ўз.*) — жаҳонга эга, ҳукмрон бўлувчи бола дунёга келди ёки жасур, қаҳрамон бола туғилди.

**Каймиртурди, Kaymirturdi** (*фт.-ўз.*) — оламнинг подшоҳи бўлувчи бола турсин, яшасин.

**Кака, Kaka** (*ўз.*) — отасининг ёки бувисининг исми берилган бола ёки ширин, ёқимтой бола. Шакллари: *Какабой, Какажон, Какатой.*

**Какаберди, Kakaberdi** (*ўз.*) — вафот этган отасининг ўрнига берилган бола.

**Какакелди, Kakakeldi** (*ўз.*) — марҳум отасининг ўрнига келган бола.

**Какали//Какаали, Kakali** (*ўз.-ар.*) — марҳум ота ўрнига келган ўғилни Али ўз паноҳига олсин.

**Какамамат, Kakamamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Какамуҳаммад.*

**Какамурод, Kakamyrod** (*ўз.-ар.*) — оламдан ўтган отаси ўрнига берилган бола мурод-мақсадига етсин.

**Какамуҳаммад, Kakamuhammad** (*ўз.-ар.*) — отаси ўрнига ато қилинган болани Муҳаммаднинг ўзи қўллаб юрсин.

**Какатурди, Kakaturdi** (*ўз.*) — отаси ўрнига берилган бола турсин, яшасин деб умид қилинади.

**Какаэсон, Kakaeson** (*ўз.*) — отаси ўрнига келган ўғилнинг умри узоқ бўлсин.

**Какиш, Kakish** (ўз.) — “Кака” сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Каклик, Kaklik** (◇., *ўз.*) — каклик, чўл қушидек эркин ва чиройли қиз.

**Калим, Kalim** (*ар.*) — ҳамсуҳбат, суҳбатдош. Бу ном Мусо пайғамбарнинг лақаби бўлган. Асли *Калимуллоҳ (қар.)*. Ривоятга кўра, Мусо пайғамбар Тур тоғига чиқиб Аллоҳ билан суҳбатлашган. Шу сабабли уни Калимуллоҳ деб аташган.

**Калимулла//Калимуллоҳ, Kalimulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг суҳбатдоши, Аллоҳ билан сўзлашган. Мусо (ас)нинг лақаби.

**Калом, Kalom** (*ар.*) — сўз, гап; сўзга чечан; нотиқ.

**Калон, Kalon** (*фт.*) — катта, улкан; тўнғич бола ёки оқсоқол, бошлиқ. *қар. Колон.*

**Калонтар, Kalontar** (*фт.*) — бошлиқ, оқсоқол, раҳбар; бирор бир ҳунармандчилик соҳасининг бошлиғи.

**Калтатой, Kaltatoy** (*ўз.*) — айнан: уч яшарли от; думи кесилган ёш тойчоқ, ёки калтатой уруғига мансуб бола, калтатой фарзанди.

**Камина, Kamina** (◇., *фт.*) — камтарин, хоксор; одобли, муниса. Шакли: *Каминахон.*

**Камкор, Kamkor** (*фт.*) — кучли, қудратли.

**Камол, Kamol** (*ар.*) — етук, мукаммал, нуқсонсиз, бекаму кўст, Асли: *Камолиддин (қар.)* Шакли: *Камолбек, Камолжон, Камолхон.*

**Камола, Kamola** (◇., *ар.*) — етук, баркамол; зебо, кўркам қиз.

**Камолиддин, Kamoliddin** (*ар.*) — диннинг равнақи, камолоти ёки диннинг камолга етган, етук фарзанди.

**Камолия, Kamoliya** (◇., *ар.*) — етуклик, камолотга етган, баркамол қиз.

**Камолмирза, Kamolmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Камол* ва *Мирза.*

**Камолтой, Kamoltoy** (*ар.-ўз.*) — етук, баркамол ҳамда суюкли бола.

**Камолтурди, Kamolturdi** (*ар.-ўз.*) — етук, баркамол боланинг умри узоқ бўлсин.

**Камолтўра, Kamolto'ra** (*ар.-ўз.*) — тўралар, аслзодалар наслига мансуб, баркамол бола.

**Камолхўжа, Kamolxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган етук, баркамол бола.

**Камолқул, Kamolqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг етук, баркамол бандаси.

**Камон, Камонбой, Kamon** (*фт.*) — камондай маҳкам, узоқ яшовчи бола. Инсу жинсларни чўчитиш, ҳайдаш учун шундай исм берилади.

**Кампир, Kampir** (◇., *фт.*) — умри кампир умридек узоқ бўлсин. Болалари турмаган оилаларда қўйилувчи исм.

**Камтар, Kamtar** (*фт.*) — ўзини кичик олувчи, кичик феъл, одобли.

**Каналбой, Kanalboy** (*рус<лот.+ўз.*) — умри каналдек оқиб турсин, умри узоқ бўлсин ёки канал қазилаётган пайтда туғилган бола.

**Каналхон, Kanalxon** (◊., *рус.-лот.-ўз.*) — умри каналдек оқиб турсин, умри узоқ бўлсин ёки канал қазилаётган пайтда туғилган қиз.

**Канизак, Kanizak** (◊., *фт.*) — қул, чўри, хизматкор аёл; итоатли, итоаткор аёл.

**Канора, Kanora** (◊., *фт.*) — соҳил; қирғоқ; мўлжал, мақсадга етмоқ.

**Канъон,** (*ар.*) — Нуҳ пайғамбар ўғлининг исми. У тўфонда ҳалок бўлган.

**Карам//Каром, Karom** (*ар.*) — сахий, қўли очиқ, мурувватли. Асли: *Каромулла (қар.)*

**Карамали, Karamali** (*ар.*) — Алининг мурувватй, кўмаги, туҳфаси.

**Карамхон, Karamxon** (◊., *ар.-ўз.*) — сахий, қўли очиқ, мурувватли, меҳрибон қиз.

**Карамхудо, Karamxudo** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг мурувватй, туҳфаси, эҳсони бўлган бола.

**Карвон, Karvon** (*фт.*) — фарзандларимиз карвондек тизилишиб юрсин, улғайиб карвонлар эгаси бўлсин.

**Карвонмирза, Karvonmirza** (*фт.*) — *қар. Карвон* ва *Мирза.*

**Карим, Karim** (*ар.*) — карамли, сахий, саховатли. Асли: *Абдукарим (қар.).* Шакллари: *Каримбек, Каримбой, Каримжон, Каримхон, Каримтой.*

**Карима, Karima** (◊., *ар.*) — саховатли, сахий, қўли очиқ; меҳрибон қиз.

**Каримали, Karimali** (*ар.*) — *қар. Карим* ва *Али.*

**Каримбек, Karimbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган сахий, жўмард бола.

**Каримбека, Karimbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб саховатли, сахий қиз.

**Каримберган, Karimbergan** (*ар.-ўз.*) — карамли, саховатли, яъни Аллоҳ берган бола.

**Каримберди, Karimberdi** (*ар.-ўз.*) — саховатли, жўмард, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Каримдод, Karimdod** (*ар.-фт.*) — сахий, саховатлининг, яъни Аллоҳнинг мурувватй, туҳфаси.

**Каримиддин, Karimiddin** (*ар.*) — диннинг марҳамати ёки диннинг туҳфаси, ҳадяси ёки динни қадрловчи, эъзозловчи бола.

**Каримамат, Karimmamat** (*ар.*) — *қар. Каримmуҳаммад.*

**Каримирза, Karimmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Карим* ва *Мирза.*

**Каримназар, Karimnazar** (*ар.*) — сахий ва саховатлининг, яъни Аллоҳнинг мурувватй, марҳамати туфайли эришилган бола.

**Каримнафас, Karimnafas** (*ар.*) — сахий, саховатлининг (Аллоҳнинг) қудрати, нафаси туфайли эришилган бола.

**Каримниёз, Karimniyoz** (*ар.-фт.*) — саховатлининг, яъни Аллоҳнинг тухфаси, ҳадъяси ёки Карим (Аллоҳ)дан илтижолар қилиб сўраб олинган бола.

**Каримулла, Karimulla** (*ар.*) — карамли, саховатлининг, яъни Аллоҳнинг муруввати, карами ёки Аллоҳ сахий ва муруввватлидир.

**Каримхўжа, Karimxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бўлган жўмард бола.

**Каримча, Karimcha** (*ар.-ўз.*) — *қар. Карим (Карим+ча).*

**Каримшо, Karimsho** (*ар+фт.*) — шафқатли, муруввватли, мард шоҳ (ҳукмдор).

**Каримшер, Karimsher** (*ар.-фт.*) — карамли, саховатли ва шердек кучли, қудратли бола.

**Каримқул, Karimqul** (*ар.-ўз.*) — сахий, саховатлининг қули, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Карom, Karom** (*ар.*) — саховат, ҳиммат, олижаноблик.

**Карома, Karoma** (◊., *ар.*) — саховатли, ҳимматли, қўли очиқ қиз.

**Каромали, Karomali** (*ар.*) — Алининг муруввати, саховати; тухфаси.

**Каромат, Karomat** (◊., *ар.*) — олижаноблик, сахийлик, саховат ёки мўъжиза, мўъжизали бола. Каромат исми кейинги маънода баданида бирорта ғайри табиий белги билан туғилган болаларга қўйилади.

**Кароматали, Karomatali** (*ар.*) — Алининг сахийлиги; муруввати; тухфаси.

**Кароматулла, Karomatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг муруввват, саховати; тухфаси, эҳсони ёки Аллоҳнинг мўъжизаси, қудрати.

**Каромиддин, Karomiddin** (*ар.*) — диннинг тухфаси, эҳсони ёки диннинг қадрли фарзанди.

**Каромнисо, Karomniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг сахий ва саховатлиси.

**Каромулла, Karomulla** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг муруввати, олиҳимматлиги ёки Аллоҳнинг қадрли, эъзозли бандаси.

**Каромшо, Karomsho** (*ар.-фт.*) — олиҳиммат, сахий, жўмард шоҳ.

**Каримхўжа, Karimxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган олиҳиммат бола.

**Касир, Касира, Kasir** (◊., *ар.*) — кўп, беҳисоб. Фарзандларимиз кўп бўлсин деган ниятда берилади ёки қизлар кўпайиб кетди кейингиси ўғил бўлсин.

**Касофат, Kasofat** (◊., *ар.*) — ифлос, ёмон, жирканч. Болалари турмаган, ўлаверган ёки ҳадеб қиз туғилаверса навбатдагиси ўғил бўлсин деган маънода қўйиладиган ном.

**Катиба, Katiba** (◇., *ар.*) — тошга ўйиб ёзилган нақш, ёзув; лавҳа ёки маҳкам, мустаҳкам. Эҳт.: *Котиба (қар.)*

**Катта, Katta** (*ўз.*) — улкан, улуғ. Оиладаги биринчи фарзанд. Шакллари: *Каттабек, Каттабой, Каттажон.*

**Каттабек, Kattabek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб бўлган тўнғич бола.

**Каттагул, Kattagul** (◇., *ўз.-фт.*) — улуғ, улкан ва гулдек гўзал қиз. Шакли: *Каттаой, Каттахон.*

**Каттабиби, Kattabibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — улуғ мартабали қиз.

**Каттабуви, Kattabuvi** (◇., *ўз.*) — бувисининг (катта энасининг) номи билан аталган қиз. Шакли: *Каттабу.*

**Каттамурод, Kattamurod** (*ўз.-ар.*) — улуғ, улкан бола мурод — мақсадли бўлсин ёки чексиз орзуимиз бўлган бола.

**Каттахўжа, Kattaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган улуғ, улкан бола.

**Каттақул, Kattaqul** (*ўз.*) — *қар. Катта (Катта+қул.)*

**Кафила, Kafila** (◇., *фт.*) — кафилга олинган, яшайдиган, умри узоқ қиз.

**Кафолат, Kafolat** (◇., *ар.*) — кафолатланган, ҳимояга олинган, яшовчи.

**Кафтар//Каптар, Kaftar** (◇., *фт.*) — каптардек парвоз қилсин, эмин-эркин яшасин.

**Каъба, Ka'ba** (*ар.*) — Маккадаги муқаддас даргоҳ, Аллоҳнинг уйи (Каъбатуллоҳ).

**Каъбагул, Ka'bagul** (◇., *ар.*) — *қар. Каъба (Каъба+гул).*

**Кашшофбой, Kashshofboy** (*ар.*) — очувчи, кашф қилувчи; олдинда борувчи.

**Кашшофиддин, Kashshofiddin** (*ар.*) — динни шарҳловчи, динни изоҳлаб берувчи ёки мусулмонлар пешвоси.

**Каҳрабо, Kahrabo** (◇., *фт.*) — сариқ рангли тош; сариқ сочли қиз.

**Келар, Келархон, Kelar** (◇., *ўз.*) — келади, яшайди деб умид қиламиз ёки бирор сафар (армияга) кетган акасининг соғ-омон келишига умидланиб берилган исм.

**Келган, Келганой, Kelgan** (◇., *ўз.*) — олдинги марҳум фарзандлар ўрнига берилган, келган қиз.

**Келгинбой, Kelginboy** (*ўз.*) — келгин, яшагин.

**Келди, Keldi** (*ўз.*) — таркибида "келди" сўзи бўлган қўшма номларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Келдибек, Келдибой, Келдихон, Келдигул.*

**Келдиёр, Keldiyor** (*ўз.-фт.*) — оилага дўст, ҳамдам келди.

**Келдимамат, Keldimamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Келдимуҳаммад.*

**Келдимат, Keldimat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Келдимуҳаммад.*

**Келдимирза, Keldimirza** (*ўз.-фт.*) — оилага ўқимишли, мирзо йигит келди ёки *қар. Келди* ва *Мирза.*

**Келдимурод, Keldimurod** (*ўз.-ар.*) — оилага кириб келган (туғилган) бола улғайиб мурод — мақсадига етсин.

**Келдимуҳаммад, Keldimuhammad** (*ўз.-ар.*) — оилага кириб келган (туғилган) болани *Муҳаммад* (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Келдиназар, Keldinazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли туғилган (келган) бола.

**Келдинафас, Keldinafas** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг қудрати, иродаси (нафаси) билан туғилган бола.

**Келдиниёз, Keldiniyoz** (*ўз.-фт.*) — илтижолар қилиб, ёлвориб эришилган бола.

**Келдисаид, Keldisaid** (*ўз.-ар.*) — бахтли, толели, саодатманд ўғил туғилди (келди).

**Келдисафар, Keldisafar** (*ўз.-ар.*) — сафар ойи (мусулмон йил ҳисобининг иккинчи ойи)да туғилган бола ёки сафар чоғида туғилган бола.

**Келдихон, Keldixon** (◇., *ўз.*) — мартабаси баланд, эъзозли қиз туғилди (келди).

**Келдихўжа, Keldixo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бола туғилди.

**Келдиўроз, Keldio'roz** (*ўз.*) — бахтли, саодатманд бола туғилди (келди).

**Келдиқиз, Keldiqiz** (◇., *ўз.*) — оилага қиз қўшилди.

**Келдиқилич, Keldiqilish** (*ўз.*) — оилага келган бола қиличдек кескир ва мустаҳкам бўлсин.

**Келдиқул, Keldiqul** (*ўз.*) — итоатли, мўмин-қобил бола туғилди.

**Келдиқурбон, Keldiqurbon** (*ўз.-ар.*) — қурбон ойи (зулҳижжа — қамария йил ҳисобида 12 ой)да туғилган бола.

**Келмуҳаммад, Kelmuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Келдимуҳаммад.*

**Келсин, Kelsin** (*ўз.*) — орамизга келсин, турсин, яшасин, умри узоқ бўлсин. Шакллари: *Келсинбой, Келсинхон.*

**Келсиной, Kelsinoy** (◇., *ўз.*) — орамизга келсин, турсин, яшасин, умри узоқ бўлсин. Шакли: *Келсинхон.*

**Келсинхўжа, Kelsinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган бола орамизга келсин, яшасин.

**Келсинқул, Kelsinqul** (*ўз.*) — *қар. Келсин (Келсин+қул).*

**Келтош, Keltosh** (*ўз.*) — орамизга келсин, яшасин ва тошдек мустаҳкам бўлсин ёки тошдек маҳкам, яъни ўлмас бўлиб келсин.

**Кенагасхон, Kenagasxon** (◇., *ўз.*) — кенагас уруғига мансуб қиз, кенагас фарзанди.

**Кенгаш, Кенгашбой, Kengash** (*ўз.*) — турмуши кенг, фаровон бўлсин ёки отаси кенгашга (мажлисга) кетганида туғилган бола.

**Кенгашой, Kengashoy** (◇., *ўз.*) — *Кенгаш (Кенгаш+ой).*

**Кенгашмирза, Kengashmirza** (*ўз.+фт.*) — *қар. Кенгаш (Кенгаш-Мирза).*

**Кенгашхўжа, Kengashxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кенгаш* ва *Хўжа.*

**Кенгашқул, Kengashqul** (*ўз.*) — *қар. Кенгаш (Кенгаш+қул).*

**Кенгбой, Kengboy** (*ўз.*) — кўнгилчан, сахий, бағри кенг бола ёки озод, бемалол ва фаровон умр кечирсин.

**Кенжа, Kenja** (*ўз.*) — кекса ёшдаги ота-онанинг охирги боласи, охирги, кичик бола.

**Кенжаали, Kenjaali** (*ўз.-ар.*) — сўнгги, охирги болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Кенжабек, Kenjabek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб сўнгги, кичкинтой бола.

**Кенжабека, Kenjabeka** (◊., *ўз.*) — оиладаги сўнгги кичик ҳам эъзозли қиз.

**Кенжабиби, Kenjabibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — оиланинг эъзозли, жажжи, кенжатой қизи.

**Кенжабой, Kenjaboy** (*ўз.*) — охирги, кенжатой ўғил улғайиб бой-бадавлат бўлсин.

**Кенжабону, Kenjabonu** (◊., *ўз.-фт.*) — оиланинг сўнгги ва улуғ мартабали фарзанди.

**Кенжагул, Kenjagul** (◊., *ўз.-фт.*) — оиланинг гулдек кўркам кенжатой қизи.

**Кенжабуви, Kenjabuvi** (◊., *ўз.*) — бувисининг исми берилган ва оиладаги охирги фарзанд.

**Кенжам, Kenjam** (*ўз.*) — "кенжа" сўзи билан бошланган (*Кенжамурод, Кенжамуҳаммад*) исмларнинг эқ.шакли.

**Кенжамамат, Kenjamamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Кенжамуҳаммад*

**Кенжамирза, Kenjamirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кенжа* ва *Мирза.*

**Кенжамурод, Kenjamurod** (*ўз.-ар.*) — кичкинтой, кенжатой ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Кенжанур, Kenjanur** (*ўз.-ар.*) — кенжатой ўғилнинг умри нурли, бўлсин ёки *Нур (қар.),* яъни Аллоҳ ато қилган кенжатой бола.

**Кенжапўлат, Kenjapo'lat** (*ўз.-фт.*) — кенжатой, сўнгги фарзанд пўлатдек маҳкам бўлсин.

**Кенжасори, Kengasori** (*ўз.*) — сари (сариқ) уруғига мансуб бўлган кенжатой фарзанд ёки сариқ сочли кенжатой ўғил.

**Кенжасулув, Kenjasuluv** (◊., *ўз.*) — оиланинг сўнгги, кенжатой, зебо қизи.

**Кенжатой, Kenjatoy** (*ўз.*) — кичик (кенжа) ва суюкли, эрка бола.

**Кенжатўра, Kenjato'ra** (*ўз.*) — *қар. Кенжа* ва *Тўра.*

**Кенжахон, Kenjaxon** (◊., *ўз.*) — оиладаги кичик эрка қиз.

**Кенжахўжа, Kenjaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган охирги, кенжатой бола.

**Кенжақиз, Kenjaqiz** (*ўз.*) — оиланинг сўнгги, кенжатой фарзанди бўлган қиз.

**Кенжақул, Kenjaqul** (*ўз.*) — *қар. Кенжа (Кенжа+қул).*

**Кер//Кар, Ker** (*ўз.*) — улуғвор, кучли, қудратли, мустаҳкам, жасур, довюрак.

**Керай, Keray** (*ўз.*) — кучли, қудратли.

**Керак, Kerak** (*ўз.*) — Ўғилкерак исмининг қисқарган шакли ёки кераклп, кутилган фарзанд.

**Керакгул, Kerakgul** (◊., *ўз.+фт.*) — кутилган, лозим бўлган гулдек кўркам қиз.

**Керакмас, Kerakmas** (◊., *ўз.*) — қизлар туғилиши етар, эндигиси ўғил бўлсин. Оилада ҳадеб қиз туғилаверганда бериладиган исм.

**Кертак, Kertak** (*ўз.*) — баданида (кўпроқ лабида) кертиги билан туғилган бола.

**Кескин, Keskin** (*ўз.*) — ўткир, тезкор, шиддатли.

**Кетмон, Кетмонбой, Ketmon** (*ўз.*) — кетмондек мустаҳкам бўлиб умри узоқ бўлсин.

**Кетмоной, Ketmonoy** (◊., *ўз.*) — кетмондек мустаҳкам бўлиб умри узоқ бўлсин. Шакли: *Кетмонхон.*

**Кетмонқул, Ketmonqul** (*ўз.*) — *қар. Кетмон (Кетмон+қул).*

**Кечбой, Kechboy** (*ўз.*) — вақтидан ўтиб (кеч) туғилган бола.

**Кечин, Kechin** (*ўз.*) — ўжар, қайсар бола ёки вақтидан ўтиб (кеч) туғилган бола.

**Кечкелди, Kechkeldi** (*ўз.*) — вақтидан ўтиб (кечроқ) туғилган бола.

**Кечомон, Kechomon** (*ўз.*) — вақтидан ўтиб туғилган бола бехатар ўссин.

**Кешбека, Keshbeka** (◊., *ўз.*) — беклар наслидан бўлган сувсардек кўркам, зебо қиз. Эҳт.: *Кечбека (қар.)*

**Кешбой, Keshboy** (*ўз.*) — кеш — сувсардек гўзал, қимматбаҳо ўғил ёки икки яшар туя, бўталоқ. Эҳт.: *Кечбой (қар.)*

**Кибор, Kibor** (*ар.*) — улғайиб катталар, улуғлар сафига қўшилсин ёки улуғлар, аслзодалар наслига мансуб бола.

**Кибора, Kibora** (◊., *ар.*) — улуғлар, аслзодалар наслига мансуб қиз.

**Киборали, Kiborali** (*ар.*) — улуғлар, киборлар наслидан бўлган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Кибормирза, Kibormirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Кибор* ва *Мирза.*

**Киборхўжа, Kiborxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган баланд мартабали бола.

**Киборқул, Kiborqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Кибор (Кибор+қул).*

**Кибриё, Kibriyo** (*ар.*) — мағрурлик, улуғлик, буюклик.

**Кибриёнисо, Kibriyoniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг улуғи, буюги; мағрур, виқорли аёл.

**Кийикбой, Kiyikboy** (*ўз.*) — ёввойи эчки, сайгак, умуман ёввойи ҳайвон ёки кийикдек эркин, озод ва чиройли бўлсин.

**Кийикбека, Kiyikbeka** (◊., *ўз.*) — кийикдек эркин ва зебо ҳамда баланд мартабали қиз.

**Кийикбиби, Kiyikbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Кийик* ва *Биби.*

**Кийикмирза, Kiyikmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кийик* ва *Мирза.*

**Кийикхон, Kiyikxon** (◊., *ўз.*) — кийикдек зебо ва қадрли, эъзозли қиз.

**Кийикгул, Kiyikgul** (◊., *ўз.-фт.*) — кийикдек чиройли ва гулдек гўзал қиз.

**Кийикгўзал, Kiyikgo'zal** (◊., *ўз.*) — кийик каби зебо қиз.

**Кийикжамол, Kiyikjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — кийикдек кўркам, зебо қиз.

**Кимё, Kimyo** (◊., *ар.*) — *айнан:* қимматбаҳо нарсалар, жавоҳирлар; камёб, тенгсиз, нодир. Шакллари: *Кимёхон, Кимёой.*

**Кимёбиби, Kimyobibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Кимё ва Биби.*

**Кимёгар, Kimyogar** (*ар.-фт.*) — жавоҳирлар, нодир металларни ўрганувчи; кимё олими.

**Кимёназар, Kimyonazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли эришилган азиз, нодир бола.

**Кимсан, Kimsan** (*ўз.*) — олтин билан зийнатланган, чиройли, гўзал ёки, "кимсан ўзи", яъни яшайдиган (умри узоқ) боламисан маъносида. Шакли: *Кимсанбой.*

**Кимсаной, Kimsanoy** (◊., *ўз.*) — зар, тиллога беланган ва ойдек кўркам қиз. Шакли: *Кимсанхон.*

**Кимсанмирза, Kimsanmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кимсан* ва *Мирза.*

**Кимсанхўжа, Kimsanxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган чиройли йигит.

**Кимсанқул, Kimsanqul** (*ўз.*) — *қар. Кимсан (Кимсан+қул).*

**Кимсанқўзи, Kimsanqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Кимсан* ва *Қўзи.*

**Киноят, Kinoyat** (◊., *ар.*) — белги, ишорали бўлиб туғилган қиз. Шакли: *Киноятой, Киноятхон.*

**Кирли, Kirli** (*ўз.*) — ёмон, ифлос. Чақалоққа кўз тегмасин деб бериладиган исм.

**Кирмон, Кирмонбой, Kirmon** (*ўз.*) — кир, ифлос, ёмон бола. Кўз тегмасин ва ўлмасин деб берилувчи ном ёки қалъа, қўрғондек мустаҳкам бўлсин.

**Кирмонхўжа, Kirmonxo'ja** (*ўз.*) — *қар. Кирмон (Кирмон+хўжа).*

**Кирмонқул, Kirmonqul** (*ўз.*) — *қар. Кирмон (Кирмон+қул).*

**Киром, Kirom** (◊., *ар.*) — сахий, саховандманд, карамли ёки ҳурматли, азиз.

**Киромиддин, Kiromiddin** (*ар.*) — диннинг саховати, карами ёки диннинг сахий жўмард фарзанди.

**Киромулла, Kiromulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг саховати, мурувввати бўлган бола.

**Киршан, Kirshan** (*ўз.*) — бўронли, бўрон — тўзонли куни туғилган бола.

**Кифоя, Kifoya** (◊., *ар.*) — қизлар етарли бўлди, эндигиси ўғил бўлсин ёки болаларимиз етарли бўлди, қониқдик.

**Кифоят, Kifoyat** (◊., *ар.*) — қизлар етарли бўлди, эндигиси ўғил бўлсин ёки фарзандларимиз етарли бўлди, қониқдик. Шакллари: *Кифоятбиби, Кифоятхон.*

**Кичик, Kichik** (*ўз.*) — болаларнинг кенжаси, кичиги. Шакллари: *Кичикбек, Кичикбой, Кичикхон.*

**Кичикгул, Kichikgul** (◊., *ўз.-фт.*) — болаларнинг энг кичиги, кенжаси бўлган гулдек кўркам қиз.

**Кичикхон, Kichikxon** (*ўз.*) — болаларнинг энг кенжаси бўлган баланд мартабали ўғил.

**Кичикмирза, Kichikmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кичик* ва *Мирза.*

**Кичиктой, Kichiktoy** (*ўз.*) — болаларнинг энг кенжаси бўлган эркатой, суюкли ўғил.

**Кичикхўжа, Kichikxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган кенжатой фарзанд.

**Кичикқиз, Kichikqiz** (◊., *ўз.*) — кичик, кенжа қиз.

**Кичикқул, Kichikqul** (*ўз.*) — *қар. Кичик (Кичик+қул).*

**Кишвар, Kishvar** (*фт.*) — мамлакат, ўлка, эл ёки эл, ўлка фарзанди. Шакллари: *Кишварбой, Кишваржон.*

**Кишвара, Kishvara** (◊., *фт.-ар.*) — ўлка қизи, эл фарзанди. Шакллари: *Кишварой, Кишвархон.*

**Кишвармирза, Kishvarmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кишвар+Мирза.*

**Кишвархўжа, Kishvarxo'ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган ўлка қизи, эл фарзанди.

**Киши, Kishi** (*ўз.*) — эркак, саховатли одам.

**Кишмишой, Kishmishoy** (◊., *ўз.*) — кишмишдек ширин, ёқимтой қиз.

**Ковус, Kovus** (*фт.*) — Қавс ойида туғилган бола. Қавс ўн икки буржнинг бири бўлиб, Ақраб ва Жадй буржлари оралиғида жойлашган ёки Ковус шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 22 ноябрь — 21 декабрь оралиғидаги даврга тўғри келади. Эҳт. *Қавус (қар.)*

**Ковускелди, Kovuskeldi** (*фт.-ўз.*) — Қавс ойида туғилган (келган) бола.

**Ковусмамат, Kovusmamat** (*фт.-ар.*) — Қавс ойида туғилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳига асрасин.

**Ковусқул, Kovusqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Ковус (Ковус+қул).*

**Козим, Kozim** (*ар.*) — сабрли, тоқатли, вазмин; ғазабдан ўзини тутиб тура олувчи. Бу ном шиитлар имоми Мусонинг лақаби ҳам бўлган.

**Козимали, Kozimali** (*ар.*) — сабр-тоқатли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Козимбек, Kozimbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансаб сабртоқатли бола.

**Козимберди, Kozimberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ берган тоқатли, сабрли бола.

**Кокил, Kokil** (◊., *фт.*) — бошнинг тепасидан қолдириладиган соч тўплами, ўрами. Бу ўрам (кокил) иккинчи бола туғилгунча олинмаган, кейинги бола туғилганда қирқилган. Боласи турмасдан ўлаверган оилаларда бу исм удум бўлган.

**Кокила, Kokila** (◇., *фт.-ар.*) — сочли, кокилли қиз. *Қар. Кокил (Кокил+а).*

**Колон, Kolon** (*фт.*) — улуғ, улкан, катта. Оиладаги тўнғич, биринчи бола.

**Колонбека, Kolonbeka** (◇., *фт.-ўз.*) — улкан, тўнғич қиз.

**Колонтўра, Kolonto'ra** (*фт.*) — *қар. Колон* ва *Тўра.*

**Колонхўжа, Kolonxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган тўнғич бола. *Қар. Калонхўжа.*

**Колхозбек, Kolxozbek** (*рус.+ўз.*) — қишлоқни колхозлаштириш йилларида туғилган бола.

**Комбахт, Kombaxt** (*фт.-ар.*) — бахтли, бахтиёр.

**Комбахш, Kombaxsh** (*фт.*) — бахт келтирувчи.

**Комёр, Komyor** (*фт.*) — бахтли, бахтиёр.

**Комил, Komil** (*ар.*) — етук, баркамол, кам-кўстсиз, нуқсонсиз; донишманд. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири бўлган. Шакллари: *Комилжон, Комилхон, Комилбек, Комилбой.*

**Комила, Komila** (◇., *ар.*) — нуқсонсиз, баркамол, етук қиз.

**Комилёр, Komilyor** (*ар.-фт.*) — нуқсонсиз, баркамол дўст ёки Комил — Муҳаммад (сав) ёр бўлсин, қўллаб юрсин.

**Комилмирза, Komilmirza** (*ар.-фт.*) — етук, баркамол ҳамда келишган (мирза) йигит бўлсин.

**Комилтўра, Komilto'ra** (*ар.-ўз.*) — улуғ мартабалар соҳиби ва баркамол бўлсин.

**Комилхўжа, Komilxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб етук, баркамол бола.

**Комилшер, Komilsher** (*ар. -фт.*) — етук, баркамол ҳамда шердек кучли, қудратли бола.

**Комрон, Komron** (*фт.*) — бахтли, саодатли; мақсадига эришувчи; кучли, қудратли.

**Конзафар, Konzafar** (*фт.-ар.*) — *қар. Хонзафар.*

**Конигул, Konigul** (◇., *фт.*) — эҳт. *Хонигул, Хонгул (қар.)*

**Кориз, Koriz** (фт.) — ҳаёти ер ости ариғи (кориз) дек оқиб турсин, умри узоқ бўлсин.

**Коризмурод, Korizmurod** (*фт.-ар.*) — ҳаёти кориздек оқиб турсин ва улғайиб муродига етсин.

**Косонхон, Kosonxon** (◇., *фт.*) — Косон туманида туғилган қиз.

**Котиб, Kotib** (*ар.*) — ўқимишли, саводхон.

**Котиба, Kotiba** (◇., *ар.*) — ўқимишли, саводхон қиз.

**Кофия, Kofiya** (◇., *ар.*) — қизлар етарли, кифоя қилади, кейингиси ўғил бўлсин ёки *Кофиъ* — лойиқ, муносиб.

**Кофура, Kofura** (◇., *ар.*<*юн.*) — айнан: ғоятда оппоқ ва хушбой модда, яъни оқ, оппоқ, покиза, тоза ёки кофур (сариқ, хушбўй модда) дек ёқимли.

**Кошиф, Koshif** (*ар.*) — кашф этувчи, янгилик ижодкори ёки топиб олинган бола. Шакллари: *Кошифбой, Кошифхон.*

**Кошифа, Koshifa** (◊., *ар.*) — кашф қилинган, топиб олинган қиз. Сол.: Топиболди.

**Кошифиддин, Koshifiddin** (*ар.*) — динни кашф қилувчи, талқин этувчи ёки дин туҳфаси, эҳсони.

**Кошифулла, Koshifulla** (*ар.*) — Аллоҳни танувчи, тан олувчи ёки Аллоҳ яратган, ато қилган бола.

**Кубаро, Кубарро, Kubaro** (◊., *ар.*) — улуғ, улкан, энг буюк.

**Кубад, Kubad** (*фт.*) — ҳукмрон, подшоҳ.

**Кубай, Kubay** (*ўз.*) — *қар. Кўпай.*

**Кубро, Kubro** (◊., *ар.*) — энг улуғ, улуғвор, мағрур аёл.

**Кузан, Кузанбой, Kuzan** (*ўз.*) — ёмон, эътиборсиз бола.

**Кузаҳмад, Kuzahmad** (*ўз.-ар.*) — кузда туғилган ўғилни Аҳмад — Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Кузбой, Kuzboy** (*ўз.*) — куз каби сероб, насибали бўлсин ёки кузда туғилган бола.

**Кузкелди, Kuzkeldi** (*ўз.*) — кузда туғилган (келган) бола.

**Кузмамат, Kuzmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Кузмуҳаммад.*

**Кузмурод, Kuzmyrod** (*ўз.-ар.*) — кузда эришилган орзу, мақсад.

**Кузмуҳаммад, Kuzmuhammad** (*ўз.-ар.*) — кузда туғилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Куйчи, Kuychi** (*ўз.*) — ашулачи, созанда. Эҳт.: *Қуйчи (қар.)*

**Кулаган, Kulagan** (*ўз.*) — кулувчи, шодон ёки эҳт. *Тўлаган (қар.)*

**Кулар, Куларбой, Kular** (*ўз.*) — кулувчи, қувноқ, шодон.

**Кулбек, Kulbek** (*фт.-ўз.*) — *қар. Гулбек, Гулбой.* Шакллари: *Кулбой, Кулжон.*

**Кулмон, Kulmon** (*фт.-ар.*) — *қар. Гулмон.*

**Кулола, Kulola** (◊., *фт.*) — жингалак сочли қиз.

**Кулувхон, Kuluvxon** (◊., *ўз.*) — эҳт.: *Сулувхон.*

**Кулур, Кулурбой, Kulur** (*ўз.*) — *қар. Кулар, Куларбой.*

**Кулуч, Kuluch** (◊., *ўз.*) — кулги, қувноқ, шодон.

**Кулчабой, Kulchaboy** (*ўз.*) — ризқ-насибали, нони бутун бўлсин.

**Кулчахон, Kulchaxon** (◊., *ўз.*) — ризқ-насибали, нони бутун бўлсин.

**Кумуш, Kumush** (◊., *ўз.*) — кумушдек қадрли, қимматбаҳо қиз ёки оқ юзли, оқбадан қиз. Шакли: *Кумушой, Кумушхон.*

**Кумушали, Kumushali** (*ўз.-ар.*) — қадрли, қимматбаҳо, нодир болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Кумушбека, Kumushbeka** (◊., *ўз.*) — беклар наслига мансуб кумушдек қимматли, қадрли қиз.

**Кумушбиби, Kumushbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — кумушдек азиз ва баланд мартабали қиз.

**Кумушбой, Kumushboy** (*ўз.*) — кумушдек қадрли ва сулув бола.

**Кумушбону, Kumushbonu** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кумуш* ва *Бону.*

**Кумушгул, Kumushgul** (◊., *ўз.-фт.*) — кумушдек қимматли ва гулдек зебо.

**Кумушгўзал, Kumushgo'zal** (◊., *ўз.*) — кумуш каби сулув, қиз, кумушдек қимматли.

**Кумушжамол, Kumushjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — кумушдек оқ юзли, оққуба, зебо қиз.

**Кумушой, Kumushoy** (◊., *ўз.*) — кумушдек қадрли, қимматли ва ойдек гўзал.

**Кумушсоч, Kumushsoch** (◊., *ўз.*) — кумушдек товланувчи, чиройли сочли қиз.

**Кумушсулув, Kumushsuluv** (◊., *ўз.*) — кумушдек кўркам, зебо қиз.

**Кумуштегин, Kumushtegin** (*ўз.*) — мўътабар, беназир ҳукмрон, подшоҳ.

**Кумуштож, Kumushtoj** (◊., *ўз.-фт.*) — кумушдек қимматли ва баданида хол билан туғилган бола.

**Кумуштой, Kumushtoy** (*ўз.*) — кумушдек азиз ва қимматли эркатой, суюкли бола.

**Кумуштурсун, Kumushtyrsyn** (◊., *ўз.*) — кумушдек қадрли, азиз қиз, ўлмасин, яшасин.

**Кун, Kun** (*ўз.*) — қуёш, нурли, равшан, умри қуёшдек порлоқ бўлсин.

**Кунаш, Kunash** (◊., *ўз.*) — қуёш, кун. Сол.: *Офтоб, Шамсия.*

**Кунберди, Kunberdi** (*ўз.*) — қуёшдек порлоқ қилиб берилган бола.

**Кунбека, Kunbeka** (◊., *ўз.*) — беклар наслига мансуб бўлган қуёшдек порлоқ, нурли қиз.

**Кундуз, Kunduz** (*ўз.*) — равшан, ёруғ, нурли; бахтли, толеи баланд.

**Кундузхон, Kunduzxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Кундуз (Кундуз+хон).*

**Кунжамол, Kunjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — қуёшдек гўзал, зебо қиз.

**Кунйигит, Kunyigit** (*ўз.*) — қуёшдек порлоқ йигит; бахтли, толеи баланд.

**Кунмурод, Kunmurod** (*ўз.-ар.*) — қуёшдек нурли бола улғайиб мурод — мақсадига етсин.

**Кунназар, Kunnazar** (*ўз.-ар.*) — боқишлари нурли, қуёшдек ўткир, жозибали ёки Аллоҳнинг назари, муруввати туфайли эришилган нурли бола.

**Куннур, Kunnur** (*ўз.-ар.*) — қуёшнинг нури, ёғду; бахтли, иқболли.

**Кунохун, Kunoxun** (*ўз.-фт.*) — қуёшга сиғинувчи, топинувчи ёки қуёшдек нурли муаллим, устоз.

**Кунсултон, Kunsulton** (◊., *ўз.-ар.*) — султонларнинг меҳрли, мурувватлиси ёки қизларнинг энг нурлиси, султони.

**Кунсулув, Kunsuluv** (◊., *ўз.*) — қуёшдек кўркам, зебо қиз.

**Кунтемир, Kuntemir** (*ўз.*) — ҳаёти нурдек равшан, порлоқ ва темирдек мустаҳкам бўлсин.

**Кунтуққан, Kuntuqqan** (*ўз.*) — қуёшдан туғилган, толеи порлоқ, бахтиёр бола ёки қуёш чиқаётган пайтда туғилган бола; қуёш фарзанди.

**Кунтуғди, Kuntug'di** (*ўз.*) – қуёш чиқаётган пайтда дунёга келган (туғилган) бола ёки қуёш фарзанди.

**Кунтуғмиш, Kuntug'mish** (*ўз.*) – қуёшдан туғилган, умри қуёшдек равшан бола, қуёш фарзанди.

**Кунузоқ, Kunuzoq** (*ўз.*) – *қар. Кун* ва *Узоқ.*

**Кунумхон, Kunumxon** (◊ ., *ўз.*) – «кун» сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Курсия, Kursiya** (◊ ., *ар.*) – осмон, само қизи; илоҳий, маъбуда.

**Куруш, Kurush** (*ўз.*) – бола, ўғил бола ёки қуруш – пўлат, пўлатдек мустаҳкам.

**Куч, Kuch** (*ўз.*) – кучли, қудратли бола ёки ота-онасига қувват бўлсин. Эҳ. *Кўч* (*қар.*).

**Кучак Kuchak** (*ўз.*) – бўта, бўталоқ.

**Кучбек, Kuchbek** (*ўз.*) – беклар наслидан бўлган кучли, қудратли бола. Эҳ.: *Кўчбек* (*қар.*).

**Кучберди, Kuchberdi** (*ўз.*) – кучли, қудратли қилиб берилган бола ёки ота-онасига қувват, мададкор бола.

**Кучботир, Kuchbotir** (*ўз.*) – қудратли, довюрак бола; ботирларнинг кучлиси, бақуввати.

**Кучикбой, Кучукбой, Kuchikboy** (*ўз.*) – кучук (ит)дек яшовчан бўлсин; кучукдек эътиборсиз, арзимас бола. Боласи турмаган оилаларда удум бўлган исм.

**Кучкелди, Kuchkeldi** (*ўз.*) – кучли, қудратли, мададкор бола туғилди. Эҳт.: *Кўчкелди* (*қар.*).

**Кучмон, Kuchmon** (*ўз.*) – «куч» сўзи б-н бошланган баъзи исмларнинг эқ. шакли.

**Кучмурод, Kuchmurod** (*ўз.-ар.*) – кучли ва бақувват бўлиб ўссин ва улғайиб муроду мақсадига етсин.

**Кучназар, Kuchnazar** (*ўз.-ар.*) – Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли эришилган қудратли бола ёки Аллоҳнинг назари тушган кучли бола.

**Кучтирак, Kuchtirak** (*ўз.*) – қудратли ўғил ота-онасига суянч, мададкор бўлсин.

**Кучқувват, Kuchquvvat** (*ўз.-ар.*) – ота-онасига қувват, мададкор бўладиган бола.

**Кушанбой, Kushanboy** (*фт.-ўз.*) – ҳаракатчан, тиришқоқ, собитқадам.

**Кўбач, Ko'bach** (*ўз.*) – туси оппоқ, оқиш юзли.

**Кўгай, Ko'gay** (*ўз. қад.-турк*) – кўк//кўг (осмон) каби буюк ёки кўк кўзли бола.

**Кўганак, Ko'ganak** (*ўз.*) — муқаддас ит боласи.

**Кўгарчин, Ko'garchin** (*ўз.*) — қуш номи, кабутар тури.

**Кўжак//Кўжик, Ko'jak** (*ўз. < қад. турк.*) — улкан, улуғ, катта.

**Кўжбон,** (ўз. < қад. турк.) — гавдали, дев қомат; баҳодир.

**Кўза, Кўзахон, Ko'za** (◊., *фт.*) — умри кўзадек лиммо-лим, сероб, бўлсин ёки қовурғадан "пайдо бўлган" қиз.

**Кўзабуви, Ko'zabyvi** (◊., *фт.*) — *қар. Кўза* ва *Буви.*

**Кўзан//Кузан, Ko'zan** (*ўз.*) — сассиқ кузандек бола, яъни ёмон бола. Ёмон кўздан узоқ бўлсин, кўз тегмасин деб шундай исм берилади.

**Кўйнак//Кўйлак, Ko'ynak** (*ўз.*) — кўйлакли, пардали бўлиб туғилган бола. Сол.: *Парда, Пардабой.*

**Кўйчак, Ko'ychak** (*ўз.*) — гўзал, хушбичим, чиройли қоматли.

**Кўкалтош, Ko'kaltosh** (*ўз. <қад. турк.*) — эмукдош, бир онани эмишган болалар, қариндош.

**Кўкан, Ko'kan** (*ўз.*) — кўканланиб, боғланиб қолсин, ўлмасин, умри узоқ бўлсин ёки Кўкан (той) қуёшдек зийрак, жасур.

**Кўканмурод, Ko'kanmurod** (*ўз.-ар.*) — кўканланиб, боғланиб қолсин, яшасин ва мурод — мақсадига етсин.

**Кўканой, Ko'kanoy** (◊., *ўз.*) — кўканланиб, боғланиб қолсин ва умри узоқ бўлсин.

**Кўкар, Ko'kar** (*ўз.*) — кўкарсин, ўсиб унсин, умри узоқ бўлсин. *Қар. Кўкарсин.* Шакллари: *Кўкарбек, Кўкаржон.*

**Кўкарсин, Ko'karsin** (*ўз.*) — ўсиб-унсин, умри узоқ бўлсин.

**Кўкарчин//Кўгарчин, Ko'karchin** (◊., *ўз.*) — каптар, кўгарчиндек узоқ умр кўрсин.

**Кўки, Кўкибой, Ko'ki** (*ўз.*) — кўк (осмон) фарзанди ёки авлоднинг давомчиси, илдизи бўлган бола. Эҳт.: Кўк кўзли бола.

**Кўким, Кўкимбой, Ko'kim** (*ўз.*) — таркибида "кўк" сўзи мавжуд баъзи исмларнинг эқ.шакли.

**Кўкиммирза, Ko'kimmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўким* ва *Мирза.*

**Кўкихон, Ko'kixon** (◊., *ўз.*) — кўк, само фарзанди ёки кўк кўзли қиз.

**Кўккўз, Ko'kko'z** (*ўз.*) — кўк кўзли бола.

**Кўклам, Ko'klam** (*ўз.*) — кўкламда туғилган бола ёки умри кўкламдек яшноқ, обод бўлсин. Шакли. *Кўкламбой, Кўкламой.*

**Кўкламой, Ko'klamoy** (◊., *ўз.*) — умри баҳордек яшноқ ва ойдек кўркам қиз.

**Кўкламхон, Ko'klamxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Кўклам (Кўклам+хон).*

**Кўкли, Ko'kli** (*ўз.*) — кўк (само) фарзанди, тангри қўлласин, кўп яшовчи бола.

**Кўкмирза, Ko'kmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўк* ва *Мирза.*

**Кўктемир, Ko'ktemir** (*ўз.*) — *қар. Кўк* ва *Темир.*

**Кўктой, Ko'ktoy** (ўз.) — кўк кўзли болажон ёки кўк тусли той каби бақувват бўлсин.

**Кўкча, Ko‘kcha** (◇., *ўз.*) — чиройли, гўзал қиз.

**Кўкчак, Ko‘kchak** (◇., *ўз.*) — чиройли, гўзал, ёқимли қиз.

**Кўлбой, Ko‘lboy** (*ўз.*) — кўл ёки дарё ёқасида туғилган бола ёки умри кўлдек сероб бўлсин, ёҳуд кўл — юксак улуғвор. Шакллари: *Кўлбек, Кўлтой, Кўлмирза.*

**Кўлли, Ko‘lli** (*ўз.*) — кўл ёқасида туғилган бола.

**Кўмак, Ko‘mak** (*ўз.*) — ота-онасига ёрдамчи, кўмакдош бўлсин. Шакллари: *Кўмакбой, Кўмакхон.*

**Кўмакберди, Ko‘makberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ ота-онасига ёрдамчи, мададкор, кўмакчи ўғил берди.

**Кўмаккелди, Ko‘makkeldi** (*ўз.*) — ота-онасига ёрдамчи, суянчиқ бўлувчи бола туғилди.

**Кўмакмурод, Ko‘makmurod** (*ўз.-ар.*) — ота-онасига мададкор, кўмакчи бола улғайиб мурод — мақсадига етсин.

**Кўмакхўжа, Ko‘makxo‘ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўмак* ва *Хўжа.*

**Кўмачбой, Ko‘machboy** (*ўз.*) — нон-насибали, ризқу рўзли бўлсин.

**Кўмачхон, Ko‘machxon** (◇., *ўз.*) — нон-насибали, ризқу рўзли қиз.

**Кўпай, Ko‘pay** (◇., *ўз.*) — соғ бўлиб, болалар сафига қўшилсин, фарзандларимиз сафи ортаверсин. Шакллари: *Кўпайжон, Кўпайхон.*

**Кўпаймирза, Ko‘paymirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўпай* ва *Мирза.*

**Кўпайнисо, Ko‘payniso** (*ўз.-ар.*) — ўсиб-унувчи, кўпаювчи қиз.

**Кўпайсин, Ko‘paysin** (◇., *ўз.*) — фарзандларимиз сафига қўшилсин, болаларимиз яна ҳам кўпайсин.

**Кўпайхол, Ko‘payxol** (◇., *ўз.-фт.*) — болалар сафини кўпайтирувчи ва хол б-н туғилган қиз.

**Кўпайқул, Ko‘payqul** (*ўз.*) — *қар. Кўпай (Кўпай+қул.)*

**Кўпал //Кўпалбой, Ko‘pal** (*фт.*) — айнан: таянч, суянч, яъни мададкор, куч-қудрат.

**Кўпбой, Ko‘pboy** (*ўз.*) — болаларимиз сафи кўпайсин, ортаверсин.

**Кўпбўлсин, Ko‘pbo‘lsin** (*ўз.*) — болалар сафи янада кўпайсин.

**Кўпжасар, Ko‘pjasar** (*ўз.*) — узоқ умр кўрувчи, узоқ яшовчи.

**Кўпжон, Ko‘pjon** (*ўз.*) — болалар сафи ортаверсин ёки кўпчиликни ёқтирувчи, одамшаванда бўлсин.

**Кўпмирза, Ko‘pmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўп* ва *Мирза.*

**Кўппак, Ko‘ppak** (*ўз.*) — кўппак (ит) дек эътиборсиз бўлсин, яшасин. Ёмон кўздан узоқ бўлсин деб берилувчи исм.

**Кўрик, Кўрикбой, Ko‘rik** (*ўз.*) — кўркли, гўзал, ҳуснли.

**Кўрикмирза, Ko‘rikmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўрик* ва *Мирза.*

**Кўркабой, Ko‘rkaboy** (*ўз.*) — жуда чиройли, ўта зебо.

**Кўркам, Ko‘rkam** (◇., *ўз.*) — чиройли, кўҳлик қиз.

**Кўркамбой, Ko‘rkamboy** (*ўз.*) — келишган, чиройли йигит.

**Кўркамгул, Ko‘rkamgul** (◇., *ўз.-фт.*) — гулдек чиройли қиз.

**Кўркамой, Ko'rkamoy** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув, зебо қиз.

**Кўрмана, Ko'rmana** (◊., *ўз.*) — совға, туҳфа.

**Кўрпа, Ko'rpa** (*ўз.*) — кенжатой, болаларнинг энг кичиги, охиргиси ёки қўзичоқ, суюкли, арзанда.

**Кўрпаали, Ko'rpaali** (*ўз.-ар.*) — кенжатой ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Кўрпабека, Ko'rpabeka** (◊., *ўз.*) — *қар. Кўрпа ва Бека.*

**Кўрпабиби, Ko'rpabibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Кўрпа ва Биби.*

**Кўрпагул, Ko'rpagul** (◊., *ўз.+фт.*) — гулдек кўркам кенжатой қиз.

**Кўрпагўзал, Ko'rpago'zal** (◊., *ўз.*) — болаларнинг кенжатойи бўлган сулув қиз.

**Кўрпажамол, Ko'rpajamol** (◊., *ўз.-ар.*) — кенжатой, соҳибжамол қиз.

**Кўрўғли//Гўрўғли,** (*ўз.*) — маъноси ноаниқ, "Гўрўғли" достонининг бош қаҳрамони номи: ботир, довюрак, енгилмас.

**Кўса, Ko'sa** (*ўз.*) — кўсса — қилич, қиличдек маҳкам ва ўткир ёки кўса уруғига (юз, турманюз, қўнғирот қабилалари таркибида) мансуб бола ёхуд кусаб — орзу қилиб, интизор бўлиб эришилган бола.

**Кўсак, Ko'sak** (*ўз.*) — тушовланган, боғланган бола, яъни қолувчи, ўлмайдиган бола ёки *қар. Кўшак.*

**Кўсамиш, Ko'samish** (*ўз.*) — кусаб (кутиб), орзу қилиб, интизор бўлиб эришилган бола.

**Кўсанак, Ko'sanak** (*ўз.*) — интизорлик б-н кутиб эришилган, суюкли бола.

**Кўсанқул, Ko'sanqul** (*ўз.*) — интизорлик б-н кутилган, тилаб олинган бола.

**Кўссак, Ko'ssak** (*ўз.*) — *қар. Кўсак.*

**Кўтак, Ko'tak** (*ўз.*) — интизор бўлиб, сўраб олинган бола.

**Кўҳзод, Ko'xzod** (*фт.*) — қадимий уруғлар давомчиси; аждодларнинг давомчиси.

**Кўчак//Кўшак, Ko'chak** (*ўз.*) — жажжи, кичкинтой; онасини эмишдан тўхтаган бола ёки гўзал, чиройли. *Сол.: Кўшак, Кўшакбой.*

**Кўчали, Ko'chali** (*ўз.-ар.*) — кўчиб кетилаётганда, кўч пайтида туғилган бола.

**Кўчар, Кўчарбой, Ko'char** (*ўз.*) — кўчиб юрувчи, кўчманчи.

**Кўчарли, Ko'charli** (*ўз.-ар.*) — кўчманчи, кўчиб юрувчи.

**Кўчармирза, Ko'charmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўчар* ва *Мирза.*

**Кўчартой, Ko'chartoy** (*ўз.*) — *қар. Кўчар (Кўчар+той).*

**Кўчарқул, Ko'charqul** (*ўз.*) — *қар. Кўчар (Кўчар+қул).*

**Кўчбека, Ko'chbeka** (◊., *ўз.*) — кўч, яъни кўчиш пайтида туғилган қиз.

**Кўчим, Ko'chim** (*ўз.*) — "Кўч" сўзи б-н бошланадиган баъзи исмларнинг эқ.шакли.

**Кўчиммирза, Ko'chimmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўчим+Мирза.*

**Кўчиммурод, Ko'chimmurod** (*ўз.-ар.*) — кўчиш (кўч) пайтида туғилган ўғил улғайиб муроду мақсадига етсин.

**Кўчимқул, Ko'chimqul** (*ўз.*) — *қар. Кўчим (Кўчим+қул).*

**Кўчкелди, Ko'chkeldi** (*ўз.*) — кўч келганда туғилган бола.

**Кўчкин, Ko'chkin** (*ўз.*) — кўчсин, яхшилик томон бурилсин, яъни умри узоқ бўлсин. Боласи турмаган ҳолларда қўйилувчи исм. Шакллари: *Кўчкинбек, Кўчкинжон.*

**Кўчкиной, Ko'chkinoy** (◇., *ўз.*) — *қар. Кўчкин (Кўчкин+ой).*

**Кўчкинхўжа, Ko'chkinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Кўчкин* ва *Хўжа.*

**Кўчкинқул, Ko'chkinqul** (*ўз.*) — *қар. Кўчкин* ва *Қул.*

**Кўчмирза, Ko'chmirza** (*ўз.*) — *қар. Кўч* ва *Мирза.*

**Кўчмурод, Ko'chmurod** (*ўз.-ар.*) — кўчкин (кўч) пайтида туғилган бола улғайиб мурод-мақсадли бўлсин.

**Кўчхўжа, Ko'chxo'ja** (*ўз.-фт.*) — кўчиш пайтида туғилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Кўшак, Кўшакбой, Ko'shak** (*ўз.*) — бўта, бўталоқдек яйраб ўссин.

# Л

**Лабиба, Labiba** (◇., *ар.*) — зийрак, ақлли, доно.

**Лабшакар, Labshakar** (◇., *фт.*) — ширин тилли, хушмуомала, дилкаш.

**Ладон, Ladon** (◇., *фт.*) — хушбўй, муаттар, ёқимтой.

**Лаззат, Lazzat** (◇., *ар.*) — ширин, ёқимтой қиз ёки ҳаёти ҳузур-ҳаловатли бўлсин.

**Лазиз, Laziz** (*ар.*) — ёқимли, ёқимтой, ширин бола.

**Лазиза, Laziza** (◇., *ар.*) — ёқимли, ёқимтой, ширин қиз.

**Лазокат, Lazokat** (◇., *ар.*) — *қар. Назокат.*

**Лайлак, Laylak** (*фт.*) — лайлаклар келганда, эрта баҳорда туғилган бола.

**Лайли, Лайлихон, Layli** (◇., *ар.*) — тунда туғилган қиз ёки нилуфар (савсан)дек гўзал қиз. Қад. яҳ. тилида: лилия — савсангул.

**Лайлибанот, Laylibanot** (◇., *ар.*) — савсандек чиройли қиз ёки Лайлидек зебо қиз.

**Лайлижамол, Laylijamol** (◇., *ар.*) — нилуфардек зебо, Лайли каби соҳибжамол, қиз.

**Лайлиқамар, Layliqamar** (◇., *ар.*) — савсангулдек гўзал, ойдек сулув қиз ёки *қар. Лайли* ва *Қамар.*

**Лайлинисо, Layliniso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг энг кўрками, зебоси.

**Лайли, Лайлихон, Layli** (◇., *ар.*) — савсангул, оқшом гулидек барно қиз ёки тун гўзали, тунги ёғду

**Лайло** (◇.,) — *қар. Лайли.*

**Лайлобу, Laylobu** (◊ ., *ар.-ўз.*) – *қар. Лайло* ва *Буви.*

**Лайлогул, Laylogul** (◊ ., *ар.-фт.*) – савсангулдек кўркам қиз.

**Лайложаҳон, Laylojahon** (◊ ., *ар.*) – оламдаги энг гўзал қиз.

**Лайлон // Лайсон // Найсон, Laylon** (◊ ., *сур.*) – баҳор пайтида, апрелда туғилган қиз.

**Лайс, Lays** (*ар.*) – арслон, шер; кучли, қудратли.

**Лайсон, Layson** (◊ ., *ар.*) – *қар. Найсон.*

**Ламиға, Lamig'a** (◊ ., *ар.*) – нур сочувчи, нурли; бахтли, толеи баланд.

**Лапар, Lapar** (*ўз.*) – катта, улкан; қулоғи катта бўлиб туғилган бола.

**Лапас // Лаппос, Lapas** (*ўз.*) – вазмин, босиқ, улкан, улуғ. Эҳт. *Нафас.*

**Лапасой, Lapasoy** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Лапас* (*Лапас+ой*).

**Латиф, Latif** (*ар.*) – мулойим, пок, покиза; хушрўй ёки раҳмдил, меҳрибон. Латиф – Аллоҳнинг сифатларидан бири. *қар. Абдулатиф.*

**Латифа, Latifa** (◊ ., *ар.*) – меҳрибон, ғамхўр қиз ёки мулойим, нафис, покиза қиз.

**Латифиддин, Latifiddin** (*ар.*) – диннинг сахий, меҳрибон кишиси.

**Латифжамол, Latifjamol** (◊ ., *ар.*) – *қар. Латиф* ва *Жамол*; мулойим, покиза, гўзал чеҳрали.

**Латифмирза, Latifmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Латиф* ва *Мирза.*

**Латифтўра, Latifto'ra** (*ар.-ўз.*) – *Латиф* ва *Тўра.*

**Латифраҳмон // Латифулраҳмон, Latifrahmon** (*ар.*) – ўта мурувватли, раҳмдилнинг (Аллоҳнинг) туҳфаси, эҳсони.

**Латифулла, Latifulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг марҳамати, ҳиммати, эҳсони.

**Латифхон, Latifxon** (*ар.-ўз.*) – *қар. Латиф* (*Латиф+хон*).

**Латифхўжа, Latifxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар наслидан бўлган меҳрибон, мурувватли бола.

**Латофат, Latofat** (◊ ., *ар.*) – назокатли, меҳрибон.

**Лафас, Lafas** (*ўз.*) – қ. *Лапас.*

**Лаъли, La'li** (*ар.*) – лаъл каби қимматли, қадрли, бебаҳо бола.

**Лаълихон, La'lixon** (◊ ., *ар.*) – *қар. Лаъли* (*Лаъли + хон*).

**Лашкар, Lashkar** (*фт.*) – айнан: қўшин; отаси ёки акаларидан бири армияга ёки урушга кетган (ёки қайтиб келган) пайтда туғилган бола.

**Лақай, Laqay** (*ўз.*) – ўзбекларнинг лақай уруғига мансуб бола; лақайлар фарзанди.

**Лақайгул, Laqaygul** (◊ ., *ўз.*) – лақай уруғига мансуб, гулдек кўркам қиз.

**Либосхон, Libocxon** (◊., *ар.-ўз.*) — ҳаёти либосларга, зебу зийнатларга буркансин, бой-бадавлат бўлсин ёки совға, тортиқ.

**Лобар, Lobar** (◊., *ар.*) — гўзал, кўркам, келишган, ёқимтой. Шакллари: *Лобаржон, Лобархон, Лобарой.*

**Ложувард, Lojuvard** (◊., *фт.*) — тўқ кўк рангли қимматбаҳо тош, қимматли, жилваланувчи, яъни гўзал қиз.

**Лозим, Lozim** (*ар.*) — керак, зарур; кутилган, орзу қилинган бола.

**Лозима, Lozima** (◊., *ар.*) — керак, зарур; кутилган, исталган қиз.

**Лойиқ, Лойиқбой, Loyiq** (*ўз.*) — муносиб, мувофиқ, арзийдиган; орзу қилинган бола.

**Лола, Лолахон**, Lola (◊., фт.) — лоладек яшнаган, гўзал қиз ёки лолалар очилган пайтда туғилган қиз.

**Лолабек, Lolabek** (*фт.-ўз.*) — лолалар очилганда туғилган бола.

**Лолабув, Lolabuv** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Лола* ва *Буви.*

**Лолагул, Lolagul** (◊., *фт.*) — лолагулдек гўзал, зебо қиз.

**Лолагун, Lolagyn** (◊., *фт.*) — лолага ўхшаш, лола каби гўзал қиз.

**Лолазор, Lolazor** (◊., *фт.*) — ҳаёти лолазордек яшнасин, обод бўлсин, назокатли, покиза қиз.

**Лоланисо, Lolaniso** (◊., *фт.-ар.*) — лоладек чиройли аёл, аёлларнинг энг кўрками, зебоси.

**Ломиа//Ломия, Lomiya** (◊., *ар.*) — нурли, равшан, яшнаб турувчи; бахтли, саодатманд.

**Лоларух, Lolarux** (◊., *фт.*) — лола юзли, лоладек зебо, соҳибжамол қиз.

**Лоларўй, Lolaro'y** (◊., *фт.*) — лола юзли, қизил юзли; зебо, гўзал.

**Лолахон, Lolaxon** (◊., *фт.-ўз.*) — лоладек кўркам ва баланд мартабали қиз.

**Лолақиз, Lolaqiz** (◊., *фт.-ўз.*) — лола каби сулув қиз; лола очилганда туғилган қиз.

**Лочин, Lochin** (*ўз.*) — лочиндек зийрак, довюрак бола ёки лочин уруғига мансуб бола.

**Лочинбек, Lochinbek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб ва лочиндек зийрак, довюрак бола.

**Лочинбу, Lochinbu** (◊., *ўз.*) — лочиндек зийрак, жасур қиз.

**Лочиной, Lochinoy** (◊., *ўз.*) — лочиндек зийрак ва ойдек кўркам қиз.

**Лочинхон, Lochinxon** (◊., *ўз.*) — лочиндек зийрак ва баланд мартабали, суюкли қиз.

**Лутфи, Lutfi** (*ар.*) — илтифот, меҳрибонлик; назокат, нафосат. *Лутфиддин, Лутфулла, Лутфинисо* каби (*қар.*) исмларнинг эҳ.

**Лутфиали, Lutfiali** (*ар.*) — Алининг марҳамати, илтифоти, эҳсони.

**Лутфиддин, Lutfiddin** (*ар.*) — диннинг илтифоти, марҳамати; диннинг совғаси, эҳсони.

**Лутфиёр, Lytfiyor** (*ар.-фт.*) — лутфу карамнинг, эзгулик ва яхшиликнинг ўртоғи.

**Лутфий, Lutfiy** (*ар.*) — лутфу карам соҳиби ёки фарзандликка олинган, боқиб олинган бола.

**Лутфинисо, Lutfiniso** (*ар.*) — аёлларнинг яхшиси, эзгу ниятлиси ёки аёлларнинг энг сахийси, меҳрибони.

**Лутфираҳмон, Lutfirahmon** (*ўз.-ар.*) — Раҳмон(Аллоҳ)нинг ўта меҳрибон ва мурувватли туҳфаси, эҳсони.

**Лутфихўжа, Lutfixo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига, авлодига мансуб бўлган меҳру мурувватли бола.

**Лутфия, Lutfiya** (◇., *ар.*) — меҳру мурувват соҳибаси, меҳрибон, дилкаш қиз.

**Лутфиҳақ//Лутфулҳақ, Lutfihaq** (*ар.*) — Ҳақ (Аллоҳ)нинг шафқати, мурувватй, эҳсони.

**Лутфулла, Lutfulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мурувватй, саховати; туҳфаси, эҳсони. Бу ном халиф Алининг сифатларидан бири бўлган.

**Луқмон, Luqmon** (*ар<юн.*) — доно, билимдон; қадимда ўтган араб табибининг номи. У билимдонлик, донишмандлик рамзидир.

**Луқмоной, Lyqmonoy** (◇., *ар.-ўз.*) — билимдон, донишманд қиз.

**Луқмонхўжа, Luqmonxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб, билимдон, донишманд, бола.

**Лўъбат, Лўъбатой, Lo'bat** (◇., *ар.*) — айнан — қўғирчоқ; гўзал, соҳибжамол, зебо қиз.

# M

**Мабрук, Mabruk** (*ар.*) — кўнгилга яқин, хайрихоҳ.

**Мавдуд, Mavdud** (*ар.*) — қадрли, суюкли.

**Мавжи, Mavji** (◇., *ар.*) — мавжланган, яшнаган; шукуҳли. *қар. Мавжинисо.*

**Мавжигул, Mavjigul** (◇., *ар.-фт.*) — гуллар денгизи; мавж урган гулзор.

**Мавжинисо, Mavjiniso** (◇., *ар.*) — жўшқин, шўхчан қиз.

**Мавжуд, Mavjud** (*ар.*) — бор бўлувчи, барҳаёт, яшовчи.

**Мавжуда, Mavjuda** (◇., *ар.*) — бор бўлувчи, барҳаёт, яшовчи.

**Мавжуддин, Mavjuddin** (*ар.*) — диннинг барҳаётлиги, диннинг ривожи.

**Мавзуна, Mavzuna** (◇., *ар.*) — келишган, хушбичим; зебо.

**Мавлавий, Mavlaviy** (*ар.*) — олим, билимдон, донишманд; тақводор, художўй.

**Мавлон, Mavlon** (*ар.*) — устоз, валинеъмат, мурувват, яхшилик қилувчи. Мавлон — Аллоҳнинг сифатларидан бири. *Қар. Абдумавлон.* Шакллари: *Мавлонбой, Мавлонбек, Мавлонхон.*

**Мавлонберган, Mavlonbergan** (*ар.-ӯз.*) — Мавлон, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Мавлонберди, Mavlonberdi** (*ар.-ӯз.*) — Мавлон, яъни (Аллоҳ) ато қилди, Аллоҳнинг туҳфаси.

**Мавлонмирза, Mavlonmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Мавлон* ва *Мирза.*

**Мавлонмурод, Mavlonmurod** (*ар.*) — Мавлон, яъни Аллоҳ етказган орзу, мақсад.

**Мавлонназар, Mavlonnazar** (*ар.*) — Мавлон (Аллоҳ)нинг илтифоти (назар қилганлиги) туфайли эришилган фарзанд.

**Мавлоннафас, Mavlonnafas** (*ар.*) — Мавлон (Аллоҳ)нинг нафаси, қудрати туфайли эришилган бола.

**Мавлоннур, Mavlonnur** (*ар.*) — Мавлон (Аллоҳ)нинг меҳри, мурувлати туфайли эришилган бола.

**Мавлоно, Mavlono** (*ар.*) — айнан: "хўжайиним, бизнинг эгамиз, хўжайинимиз". Бу ном ўтмишда мусулмон олимлари ва дин пешволарининг фахрли унвони бўлган. Мавлоно — Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир.

**Мавлонхўжа, Mavlonxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бўлган билимдон, донишманд бола.

**Мавлонқул, Mavlonqul** (*ар.-ӯз.*) — Мавлон (Аллоҳ)нинг қули, бандаси.

**Мавлоқул, Mavloqul** (*ар.-ӯз.*) — олим, донишманднинг хизматкори; художўй, тақводорнинг қули.

**Мавлуд, Mavlud** (*ар.*) — айнан: болалар, фарзандлар; ўғил. Муқаддас кунда (Муҳаммад пайғамбар туғилган Раби ул-аввал ойининг 12-куни) туғилган бола. Шакллари: *Мавлудбой, Мавлуджон.*

**Мавлуда, Mavluda** (◊., *ар.*) — Муқаддас кунда туғилган қиз.

**Мавлудали, Mavludali** (*ар.*) — муқаддас, хосиятли кунда туғилган болани Али ўз паноҳига олсин.

**Мавлудбек, Mavludbek** (*ар.-ӯз.*) — хосиятли кунда туғилган ва беклар наслига мансуб бола.

**Мавлудбека, Mavlydbeka** (◊., *ар.-ӯз.*) — хосиятли кунда туғилган баланд мартабали қиз.

**Мавлудберди, Mavlydberdi** (*ар.-ӯз.*) — Аллоҳ хосиятли, муқаддас кунда берган бола.

**Мавлуддин, Mavluddin** (*ар.*) — диннинг хосиятли кунида туғилган ихлосманди.

**Мавлудёр, Mavludyor** (*ар.-фт.*) — муқаддас, хосиятли кунга ҳамроҳ бўлган бола.

**Мавлуджон, Mavludjon** (*ар.-фт.*) — хосиятли кунда таваллуд топган суюкли, эркатой ўғил.

**Мавлудхон, Mavludxon** (◊., *ар.-ӯз.*) — хосиятли кунда таваллуд топган қадрли, мартабали қиз.

**Мавлудқул, Mavludqul** (*ар.-ӯз.*) — Аллоҳнинг қутлуғ кунда туғилган бандаси ёки *қар. Мавлуд (Мавлуд+қул).*

**Мавохон, Mavoxon** (◊., *ар.*) — турувчи, яшаб кетувчи қиз. *Асли: Маъво (қар.).*

**Мавриддин, Mavriddin** (*ар.*) — динга мос фурсатда, хосиятли кунда туғилган бола.

**Мавруза, Mavruza** (◊., *ар.*) — мерос бўлиб қолган, ёдгор бўлган қиз.

**Мавсала, Mavsala** (◊., *ар.*) — дийдор кўришишга муяссар бўлинган, орзиқиб кутилган қиз.

**Мавсума, Mavsuma** (◊., *ар.*) — белгили, таниқли, номдор қиз.

**Мавсумбой, Mavsymboy** (◊., *ар.-ўз.*) — таниқли, номдор.

**Мавҳида, Mavhida** (◊., *ар.*) — ёлғиз, ягона; тенгсиз, беназар.

**Мавҳуба//Мавҳиба, Mavhuba** (◊., *ар.*) — бахш этилган, туҳфа қилинган.

**Мадабдулла, Madabdulla** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Абдулла.*

**Мадад, Madad** (*ар.*) — ота-онасига мададкор, суянч, кўмакдош. Шакллари: Мададбой, Мададжон.

**Мадазим, Madazim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадазим.*

**Мадайюб, Madayyub** (*ар.<қад.яҳ.*) — *қар. Муҳаммадайюб.*

**Мадал//Модал, Madal** (муғ.) — онг, ақл, фикр ёки *қар. Мадали.*

**Мадали, Madali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадали.*

**Мадалим, Мадалимхон, Madalim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадалим.*

**Мадамин, Madamin** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадамин.*

**Маданбой, Madanboy** (*ар.-ўз.*) — *Муҳаммадамин* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Маданият, Madaniyat** (◊., *ар.*) — маданиятли, оқила қиз бўлсин.

**Мадариқ, Madarik** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ариқ//Ариғ.*

**Мадаҳмад, Madahmad** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадаҳмад.*

**Мадбой, Madboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадбой.*

**Мадвали, Madvali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадвали.*

**Маддоҳ, Maddoh** (*ар.*) — мадҳ қилувчи, мақтовчи (Аллоҳнинг мадҳи кўзда тутилади); оқин, бахши, қасидагўй.

**Мадёр//Мадиёр, Madiyor** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадёр* ёки *Муҳаммадиёр.*

**Мадзиё, Madziyo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзиё.*

**Мадзокир, Madzokir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзокир.*

**Мади, Madi** (*ар.*) — *қар. Маҳди* ёки *Муҳаммади.*

**Мадид, Madid** (*ар.*) — узоқ яшовчи, умри узоқ.

**Мадиёр, Madiyor** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадёр.*

**Мадикром, Madikrom** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадикром.*

**Мадина, Madina** (◊., *ар.*) — муқаддас шаҳар, зиёратгоҳ Мадина (Арабистонида) номидан олинган исм.

**Мадисман, Madisman** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадусмон, Муҳаммадисмон, Муҳаммадисмат.*

**Мадисроил, Madisroil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадисроил* ёки *қар. Муҳаммад* ва *Исроил.*

**Мадиҳа, Madiha** (а., *ар.*) — мадҳ қилувчи, мақтовчи.

**Мадиҳшо, Madihsho** (*ар.-фт.*) — мақтовга сазовор, шоҳ ҳукмрон.

**Мадкомил, Madkomil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадкомил.*

**Мадназар, Madnazar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадназар.*

**Мадниёз, Madniyoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадниёз.*

**Мадолим, Madolim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадолим.*

**Мадомон, Madomon** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадомон.*

**Мадор, Mador** (*ар.*) — ота-онасига қувват, ёрдамчи, суянчиқ бўлсин.

**Мадрасо, Madraso** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрасо.*

**Мадрасул, Madrasul** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрасул.*

**Мадраҳим, Madrahim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадраҳим.*

**Мадризо, Madrizo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадризо.*

**Мадрозиқ, Madroziq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрозиқ.*

**Мадумар, Madumar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадумар.*

**Мадусмон, Madusmon** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадусмон.*

**Мадфайзи, Madfayzi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадфайзи.*

**Мадфозил, Madfozil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадфозил.*

**Мадхол, Madxol** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадхол.*

**Мадэсон, Madeson** (*ар.-ўз.*) — *Муҳаммадэсон* ёки *Муҳаммадэҳсон.*

**Мадюнус, Madyunus** (*ар.< қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадюнус.*

**Мадўроз, Mado'roz** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадўроз.*

**Мадқобил, Madqobil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқобил.*

**Мадғафур, Madgo'fur** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғафур.*

**Мадғози, Madgo'zi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғози.*

**Мадғойиб, Madgo'yib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғойиб.*

**Мадғулом, Madg'ulom** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғулом.*

**Мадҳия, Madhiya** (◇., *ар.*) — мақтовга сазовор, мадҳга арзийдиган, шонли қиз.

**Мадҳиябиби, Madhiyabibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Мадҳия* (*Мадҳия-биби*).

**Мадҳияхон, Madhiyaxon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Мадҳия* (Мадҳия+хон).

**Мажду́д, Majdud** (*ар.*) — хушбахт, саодатманд.

**Мажид, Majid** (*ар.*) — неъмати ва эҳсони бепоён; мурувватли; атоқли, донгдор, шуҳратли. Мажид — Аллоҳнинг сифатларидан бири. Асли: *Абдумажид* (*қар.*). Шакллари: *Мажидбой, Мажидхон* ва б.

**Мажида, Majida** (◇., *ар.*) — меҳрибон, мурувватли қиз ёки неъмати ва эҳсони бепоён (Аллоҳнинг) бандаси, ёҳуд унинг туҳфаси.

**Мажидали, Majidali** (*ар.*) — Алининг шону шуҳрати, фахри ёки *қар. Мажид ва Али.*

**Мажидиддин, Majididdin** (*ар.*) — диннинг шуҳрати, шону шавкати ёки диннинг қадри, шарафи.

**Мажидмирза, Majidmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Мажид* ва *Мирза.*

**Мажидулла, Majidulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг шони, шуҳрати, шукуҳи ёки Аллоҳнинг шонли, шавкатли бандаси.

**Мажидқул, Majidqul** (*ар.-ўз.*) — неъмати чексиз, бепоённинг, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Мажлис, Majlis** (*ар.*) — йиғин, базм, мажлис пайтида туғилган бола.

**Мажлум, Мажлумбой, Majlum** (*ар.*) — эҳт: *Мазлум.*

**Мажнун, Majnun** (*ар.*) — телба, девона, ақлдан озган; муҳаббат гадоси."Лайли ва Мажнун" достонининг бош қаҳрамони — Мажнун номидан олинган исм.

**Мазаҳ, Мазаҳбой, Mazah** (*ўз.*) — мазақбой уруғига мансуб бола ёки ғалат, арзимас бола. Чақалоқни ёмон кўзлардан асраш учун бериладиган исм.

**Мазбут, Mazbut** (*ар.*) — маҳкам, мустаҳкам, ҳимоя остига олинган.

**Мазда, Mazda** (*фт.*) — яратувчи, бунёд этувчи, яъни Аллоҳнинг инояти, муруввати, карами.

**Маззахон, Mazzaxon** (◇., *фт.-ўз.*) — ҳаёти ширин, фаровон бўлсин.

**Мазид, Mazid** (*ар.*) — кўпайсин, ўсиб-унсин. Сол.: *Мажид.*

**Мазия, Maziya** (◇., *ар.*) — мазият: баланд, юксак турувчи; шонли, шукуҳли, эҳт: *Марзия (қар.)*

**Мазкура, Mazkura** (◇., *ар.*) — ёдда турувчи, машҳур, зиёда.

**Мазлума, Mazluma** (◇., *ар.*) — ожиз, нотовон, ғамгин, эзилган.

**Мазоҳир, Mazohir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзоҳир.*

**Мазуна, Mazuna** (◇., *ар.*) — рухсат этилган; Аллоҳнинг иродаси билан берилган.

**Мазҳар, Mazhar** (*ар.*) — юзага чиқиш, намоён бўлиш; эришиш, етишиш ёки намуна, нишона ёҳуд нафосат, кўркамлик. *Қар. Мазҳариддин.*

**Мазҳариддин, Mazhariddin** (*ар.*) — диннинг фаоллашуви, диннинг намоён бўлиши ёки диннинг кучи, қудрати.

**Майгул, Maygul** (◇., *рус.-фт.*) — май ойида туғилган ёки майда очилган гул каби чиройли қиз.

**Майда, Mayda** (◇., *фт.*) — кичик, жажжи, кенжа. *Қар. Майдагул.*

**Майдагул, Maydagul** (◇., *фт.*) — гулдек гўзал, жажжи қиз.

**Майдон, Maydon** (*ар.*) — жасур, довюрак ёки *қар. Мардон.*

**Майдонгул, Maydongul** (◇., *ар.-фт.*) — *қар. Майдон* (*Майдон + гул*).

**Майдонмуҳаммад, Maydonmuhammad** (*ар.*) — мард, жасур ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Майзилол, Mayzilol** (◇., *рус. ар.*) — май ойида туғилган, тиниқ, покиза қиз.

**Майизхон, Mayizxon** (◇., *ўз.*) — майиздек ёқимтой, ширин қиз.

**Майин, Mayin** (◇., *ўз.*) — мулойим, ёввош, ёқимтой қиз.

**Майинча, Mayincha** (◇., *ўз.*) — мулойим, ёқимтой жажжи қиз.

**Майиса, Mayisa** (◇., *рус.*) — май ойида туғилган қиз.

**Майлибой, Mayliboy** (*ўз.*) — *қар. Манглибой, Менглибой.*

**Майлижон, Maylijon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менглижон.*

**Майлинор, Maylinor** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Менглинор.*

**Майлихол, Maylixol** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Менглихол.*

**Майлихон, Maylixon** (◇., *ўз.*) — *қар. Менглихон.*

**Майлон, Maylon** (◇., *ар.*) — орзу қилиб, орзиқиб юриб эришилган фарзанд.

**Майманот, Maymanot** (*ар.*) — худо сийлаган, Аллоҳнинг марҳамати бўлган қиз ёки бахтли, ҳузур-ҳаловатли қиз.

**Маймуна, Maymuna** (◇., *ар.*) — бахтли, бахтиёр, қутлуғ қиз.

**Маймунахон, Maymunaxon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Маймуна* (*Маймуна+хон*).

**Майна, Майнахон, Mayna** (◇., *ўз.*) — майна (қуш), ҳинд чумчуғи ёки майна (мия), яъни ақлли, доно.

**Майнахол, Maynaxol** (◇., *ўз.-фт.*) — майнадек мулойим ва холдор (холи билан туғилган) қиз.

**Майнисо, Mayniso** (◇., *рус. ар.*) — май ойида туғилган қиз ёки кўклам қизи.

**Майнури, Maynuri** (◇., *рус. ар.*) — май ойида туғилган нурли, бахтли қиз.

**Майрам, Mayram** (◇., *ўз.*) — байрам (ҳайит) куни туғилган қиз ёки *қар. Марям.*

**Майрамбиби, Mayrambibi** (◇., *ўз. ҳинд.*) — байрам, ҳайит куни туғилган баланд мартабали қиз ёки *қар. Марямбиби.*

**Майрамбу, Mayrambu** (◇., *ўз.*) — *қар. Майрам* (Майрам+буви) ёки *қар. Марямбу.*

**Майрамча, Mayramcha** (◇., *ўз.*) — байрам куни туғилган жажжи қиз.

**Майса, Майсахон, Maysa** (◇., *фт.*) — майсалар кўкарганда, кўклам чоғи туғилган қиз ёки *қар. Майнисо.*

**Майсабека, Maysabeka** (◇., *фт.*) — кўкламда туғилган мартабали қиз ёки беклар наслига мансуб зебо қиз.

**Майсабиби, Maysabibi** (◇., *фт.*) — кўкламда туғилган баланд мартабали қиз ёки қар. *Майнисо* ва *Биби.*

**Майсагул, Maysagul** (◇., *фт.*) — кўклам майсасидек мулойим ва гулдек кўркам қиз.

**Майсагўзал, Maysago'zal** (◇., *фт.-ўз.*) — майсалар кўкарганда туғилган зебо, соҳибжамол қиз.

**Майсажамол, Maysajamol** (◊., *фт.-ар.*) — ўтлар кўкарганда туғилган соҳибжамол, зебо қиз.

**Майсара, Maysara** (◊., *ар.*) — моҳисора-мулойим, нозанин ёки бой, маъмур қиз.

**Майсатож, Maysatoj** (◊., *ўз.фт.*) — майсалар кўкарганда туғилган қизил холли қиз.

**Майсахон, Maysaxon** (◊., *ўз.*) — кўкламда таваллуд топган баланд мартабали қиз.

**Майсура, Maysura** (◊., *ар.*) — эришилган, муяссар бўлинган, орзу қилинган қиз.

**Майхон, Mayxon** (◊., *рус.*) — май, кўклам қизи.

**Майшакар, Mayshakar** (◊., *фт.*) — май ойида туғилган ширин қиз ёки *қар. Моҳишакар.*

**Маккабой, Makkaboy** (*ар.*) — Арабистондаги муқаддас Макка шаҳари номидан олинган исм.

**Маккахон, Makkaxon** (◊., *ар.*) — *қар. Маккабой.*

**Макнуна, Maknuna** (◊., *ар.*) — яшириш, беркинган, махфий ёки гавҳар.

**Макон //Макан, Makon** (*ар.*) — маконли, уйли-жойли бўлсин ёки *Муҳаммадназар (қар.)* исмининг эқ.

**Макон гул, Makongul** (◊., *ар.*) — гулдек гўзал қиз улғайиб уйли-жойли (маконли) бўлсин.

**Макорим, Makorim** (*ар.*) — яхши, гўзал; иззатли, ҳурматли; сахий.

**Мактаб, Maktab** (*ар.*) — соғ улғайиб мактабга борсин, ўқимишли, билимли бўлсин.

**Мактабхон, Maktabxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Мактаб.*

**Мактуб, Maktub** (◊., *ар.*) — *қар. Мактуба.*

**Мактуба, Maktuba** (◊., *ар.*) — исмлик маъноси ноаниқ; эҳт. хат, нома.

**Мактубжон, Maktubjon** (*ар.-фт.*) — исмлик маъноси ноаниқ; эҳт. хат. нома.

**Малак, Malak** (◊., *ар.*) — фаришта, яъни чиройли, сулув, соҳибжамол.

**Малакахон, Malakaxon** (◊., *ар.-ўз.*) — эпчил, маҳоратли, чевар.

**Малаҳ // Малиҳ, Malah** (*ар.*) — чиройли, келишган, ёқимтой.

**Малик, Malik** (*ар.*) — подшоҳ; шоҳ, ҳоким, қирол, яъни соғ улғайиб обрўли, давлатманд бўлсин.

**Малика, Malika** (◊., *ар.*) — қиролича; подшоҳнинг авлодига мансуб аёл; улуғ мартабали аёл.

**Маликберди, Malikberdi** (*ар.-ўз.*) — ҳукмрон, улуғ мартабали, яъни Аллоҳ берган бола. Малик — Аллоҳнинг сифатларидан бири. *Қар. Абдумалик.*

**Маликабону, Malikabonu** (◊., *ар.-фт.*) — шоҳзодалар авлодига мансуб қиз, баланд мартабали қиз

**Маликиддин, Malikiddin** (*ар.*) — диннинг обрў-эътиборли, мансабдор кишиси.

**Маликмамат, Malikmamat** (*ар.*) — *қар. Маликмуҳаммад.*

**Маликмурод, Malikmurod** (*ар.*) — улуғ ҳукмрон, яъни Аллоҳ етказган орзу, тилак.

**Маликмуҳаммад, Malikmuhammad** (*ар.*) — *қар. Малик* ва *Муҳаммад.*

**Маликтурди, Malikturdi** (*ар -уз.*) — обрў-эътиборли бола турадн, яшайди ёки қар. *Малик* ва *Турди.*

**Маликшер, Maliksher** (*ар.-фт.*) — шердек довюрак ёки обрўли, улуғ мартабали бўлсин.

**Маликқул, Malikqul** (*ар.- ўз.*) — улуғ ҳукмроннинг, яъни Аллоҳнинг бандаси, қули. *Сол.* : *Абдумалик.*

**Маликҳайдар, Malikhaydar** (*ар.*) — шердек шижоатли ва улуғ мартабали бўлсин ёки *қар. Малик* ва *Ҳайдар.*

**Малиҳа, Maliha** (◇., *ар.*) — жуда ёқимтой, суюкли; сулув, латофатли.

**Малла, Malla** (*ўз.*) — малла, буғдойранг бола; сариқ сочли бола. Шакллари: *Маллабой, Маллажон, Маллахон.*

**Маллабека, Mallabeka** (◇., *ўз.*) — сариқ сочли аслзода қиз.

**Маллабиби, Mallabibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — сариқ сочли қиз.

**Маллагул, Mallagul** (◇., *ўз.-фт.*) — сариқ сочли ва гулдек гўзал қиз.

**Малламирза, Mallamirza** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Малла* ва *Мирза.*

**Малламурод, Mallamurod** (*ўз.-ар.*) — буғдой рангли ёки сариқ малла сочли бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Маллаохун, Mallaoxun** (*фт.*) — *қар. Малла* ва *Охун.*

**Маллатой, Mallatoy** (*ўз.*) — малла сочли суюкли бола.

**Маллахон, Mallaxon** (◇., *ўз.*) — малла сочли, эъзозли қиз.

**Маллахўжа, Mallaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб малла сочли бола.

**Маллақиз, Mallaqiz** (◇., *ўз.*) — сариқ (малла) сочли қиз.

**Маллақул,Mallaqul** (*ўз.*) — *қар. Малла* (*Малла+қул*).

**Малоҳат, Malohat** (◇., *ар.*) — сулув, гўзал, нафосатли, ёқимли дилкаш.

**Малуса, Malusa** (◇., *ар.*) — чиройли, зебо.

**Малҳам, Malham** (*ар.*) — ота-онасига, уларнинг орзуси (армони)га малҳам бўлсин. Шакллари: *Малҳамбек, Малҳамжон.*

**Малҳама, Malhama** (◇., *ар.*) — *қар. Малҳам* (*Малҳам+а*).

**Малҳамиддин, Malhamiddin** (*ар.*) — диннинг нажоти, фойдаси ёки динга фойда келтирувчи, динга хизмат қилувчи бола.

**Малҳамхўжа, Malhanxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Малҳам* ва *Хўжа.*

**Мама, Mama** (◇., *ўз.*) — бувисининг номи берилган қиз; ёдгор қиз ёки *қар. Момо.*

**Мамад, Mamad** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад.*

**Мамадазиз, Mamadaziz** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадазиз.*
**Мамадазим, Mamadazim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадазим.*
**Мамадали, Mamadali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадали.*
**Мамадамин, Mamadamin** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадамин.*
**Мамади, Mamadi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммади.*
**Мамадиёр, Mamadiyor** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадёр.*
**Мамадисо, Mamadiso** (*ар.< қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадисо.*
**Мамадкабир, Mamadkabir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадкабир.*
**Мамадлатиф, Mamadlatif** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадлатиф.*
**Мамадмирза, Mamadmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадмирза.*
**Мамадмурод, Mamadmurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*
**Мамадмусо, Mamadmuso** (*ар.< қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадмусо.*
**Мамадмўмин, Mamadmo'min** (*ар.*) — қар. *Муҳаммадмўмин.*
**Мамадолим, Mamadolim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадолим.*
**Мамадориф, Mamadorif** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадориф.*
**Мамадулла, Mamadulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мақтовга сазовор кишиси, *қар. Муҳаммадулла.*
**Мамадқодир, Mamadqodir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқодир.*
**Мамадқул, Mamadqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқул.*
**Мамадғулом, Mamadg'ulom** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғулом.*
**Мамажон, Mamajon** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммаджон.*
**Мамажума, Mamajuma** (*ар.*) — *қар. Муҳаммаджума.*
**Мамазариф, Mamarazif** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзариф.*
**Мамазиё, Mamaziyo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзиё.*
**Мамазиёд, Mamaziyod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзиёд.*
**Мамазоид, Mamazoid** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзоҳид.*
**Мамазокир, Mamazokir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзокир.*
**Мамазоҳид, Mamazohid** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзоҳид.*
**Мамазулун, Mamazulun** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзулун.*
**Мамазуҳир, Mamazuhur** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадзуҳур.*
**Мамаисо, Mamaiso** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадисо.*
**Мамай, Mamay** (*ар.*) — Муҳаммад номи билан бошланган баъзи исмларнинг эқ.
**Мамалатиф, Mamalatif** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадлатиф.*
**Маман, Maman** (*ар.*) — *Маманазар, Маманиёз* (*қар.*) каби қўшма исмларнинг эқ. шакли.
**Маманаби, Mamanabi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммаднаби.*
**Маманазар, Mamanazar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадназар.*
**Маманберди, Mamanberdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадберди.*
**Маманбой, Mamanboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Маман,* (*Маман+бой*). *Асли: Муҳаммадназар* ёки *Муҳаммадниёз.*
**Маманиёз, Mamaniyoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадниёз.*
**Маманосир, Mamanosir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадносир.*
**Мамантой, Mamantoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Маман* (*Маман+той*).
**Маманқул, Mamanqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқул.*

**Мамаодил, Mamaodil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадодил.*
**Мамараззоқ, Mamarazzoq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадраззоқ.*
**Мамарайим, Mamarayim** (*ар.*) — *қар. Мамараҳим, Муҳаммадраҳим.*
**Мамарасул, Mamarasul** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрасул.*
**Мамарафиқ, Mamarafiq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрафиқ.*
**Мамарашид, Mamarashid** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрашид.*
**Мамараҳим, Mamarahim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадраҳим.*
**Мамараҳмат, Mamarahmat** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадраҳмат.*
**Мамаризо, Mamarizo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадризо.*
**Мамарозиқ, Mamaroziq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрозиқ.*
**Мамарўзи, Mamaro'zi** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадрўзи.*
**Мамасаид, Mamasaid** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсаид.*
**Мамасалим, Mamasalim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсалим.*
**Мамасафар, Mamasafar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсафар.*
**Мамасиддиқ, Mamasiddiq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсиддиқ.*
**Мамасоат, Mamasoat** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсоат.*
**Мамасобир, Mamasobir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсобир.*
**Мамасобит, Mamasobit** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсобит.*
**Мамасовур, Mamasovur** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсовур.*
**Мамасодиқ, Mamasodiq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсодиқ.*
**Мамасоиб, Mamasoib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсоиб.*
**Мамасоли, Mamasoli** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсоли.*
**Мамасолиҳ, Mamasolih** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсолиҳ.*
**Мамасултон, Mamasulton** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсултон.*
**Мамат, Mamat** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад.*
**Маматазиз, Mamataziz** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадазиз.*
**Маматазим, Mamatazim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадазим.*
**Маматали, Mamatali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадали.*
**Маматалим, Mamatalim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадалим.*
**Маматбек, Mamatbek** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадбек.*
**Маматбўри, Mamatbo'ri** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадбўри.*
**Маматвали, Mamatvali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадвали.*
**Маматжума, Mamatjuma** (*ар.*) — *қар. Муҳаммаджума.*
**Маматисо, Mamatiso** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадисо.*
**Маматйўлдош, Mamatyo'ldosh** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадйўлдош.*
**Маматкарим, Mamatkarim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадкарим.*
**Маматмирза, Mamatmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадмирзо.*
**Маматмурод, Mamatmurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*
**Маматмусо, Mamatmuso** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадмусо.*
**Маматмўмин, Mamatmo'min** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмўмин.*
**Маматтожи, Mamattoji** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадтожи.*
**Маматолиб, Mamatolib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадтолиб.*
**Маматолим, Mamatolim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадолим.*
**Маматош, Mamatosh** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтош.*

**Маматтоҳир. Mamattohir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадтоҳир.*
**Маматтурди, Mamatturdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтурди.*
**Маматтурсун, Mamattursun** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтурсун.*
**Маматтурғун, Mamatturg'un** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтурғун.*
**Маматхалил, Mamatxalil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадхалил.*
**Маматхол, Mamatxol** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадхол.*
**Маматхолиқ, Mamatxoliq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадхолиқ.*
**Маматхон, Mamatxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадхон.*
**Маматшо, Mamatsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадшо.*
**Маматэмин, Mamatemin**(*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадэмин.*
**Маматҳодиқ, Mamathodiq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳодиқ.*
**Маматҳошим, Mamathoshim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳошим.*
**Мамаусмон, Mamausmon** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадусмон.*
**Мамахалил, Mamaxalil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадхалил.*
**Маматўра, Mamato'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтўра.*
**Маматўхта, Mamato'xta** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтўхта.*
**Маматқул, Mamatqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқул.*
**Маматқўзи, Mamatqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқўзи.*
**Маматғани, Mamatq'ani** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғани.*
**Мамадғози, Mamadg'ozi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғози.*
**Маматҳаким, Mamathakim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳаким.*
**Мамашариф, Mamasharif** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадшариф.*
**Мамашо, Mamasho** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадшо.*
**Мамашокир, Mamashokir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадшокир.*
**Мамашоҳ, Mamashoh** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадшоҳ.*
**Мамашукур, Mamashukur** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадшукур.*
**Мамаюнус, Mamayunus** (*ар. қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадюнус.*
**Мамаюсуф, Mamayusuf** (*ар. қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадюсуф.*
**Мамаяъқуб, Mamaya'qub** (*ар. қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадяъқуб.*
**Мамақўзи, Mamaqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқўзи.*
**Мамағани, Mamag'ani** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғани.*
**Мамдуд, Mamdud** (*ар.*) — узоқ умрли бола.
**Мамдуда, Mamduda** (◊., *ар.*) — умри узоқ қиз.
**Мамдуҳа, Mamduha** (◊., *ар.*) — мақтовга, таҳсинга сазовор.
**Мамлакат, Mamlakat** (◊., *ар.*) — ўлка, диёр; она юрт фарзанди.
**Мамнуна, Mamnuna** (◊., *ар.*) — қаноатли; қаноат ҳосил қилган; шодон, бахтиёр.

**Мамун, Mamun** (*ар.*) — ҳимоя остига олинган, асраладиган, муҳофазали, яъни яшовчан, умри узоқ.

**Манат, Manat** (◊., *ўз.*) — кумуш танга, ақча пул ёки қизил рангли мато.

**Мангу, Mangu** (*ўз.*) — умри узоқ, абадий турувчи. Асли: *Мангуберди* (*қар.*)

**Мангуберди, Manduberdi** (*ўз.*) — умрини узоқ қилиб берилган бола, мангуга берилган бўлсин.

**Манзалат, Manzalat** (◊., *ар.*) — лаёқатли, уддабурон, эпчил.

**Манзар, Manzar** (*ар.*) — юз, чеҳра ёки назар қилинган бола.

**Манзара, Manzara** (◊., *ар.*) — *қар. Манзар* (*Манзар+а*).

**Манзарат, Manzarat** (◊., *ар.*) — илтифот, эътибор қилиб берилган.

**Манзил, Manzil** (*ар.*) — турғин, яшовчи; соғ бўлиб манзилига етсин, узоқ умр кўрсин ёки мартабали, обрўли бўлсин.

**Манзилой, Manziloy** (◊., *ар.-ўз.*) — туриб кетадиган, яшайдиган ҳамда ойдек кўркам қиз.

**Манзилулла, Manzilulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг умри узоқ, яшовчи ёки баланд мартабали бандаси.

**Манзилхон, Manzilxon** (*ар.-ўз.*) — яшайдиган ва баланд мартабали қиз.

**Манзира, Manzira** (◊., *ар.*) — *қар. Манзират* ёки *Манзура.*

**Манзират, Manzirat** (◊., *ар.*) — кутилган, орзу қилинган бола.

**Манзума, Manzuma** (◊., *ар.*) — тартибли, интизомли; келишган, зебо қиз.

**Манзур, Manzur** (*ар.*) — кутилган, ният қилинган; мақбул, арзийдиган бола.

**Манзура, Manzura** (◊., *ар.*) — орзу қилиб кутилган қиз.

**Манзурали, Manzurali** (*ар.*) — кутилган, орзу қилинган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Маниш, Manish** (*фт.*) — хуштабиат, жавонмард, яхши феълхўйли.

**Манишвор, Manishvor** (*фт.*) — сахий, олижаноб, қўли очиқ; меҳрибон, шафқатли.

**Маниқиз, Maniqiz** (◊., *фт.*) — яхши хулқли, саховатли, ҳимматли қиз ёки қалъа каби мустаҳкам.

**Маннон, Mannon** (*ар.*) — барчага хайрихоҳ, меҳру марҳаматли, карамли. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан бири. Асли: *Абдуманнон (қар.)*

**Маннона, Mannona** (◊., *ар.*) — меҳрли, меҳрибон; сахий, саховатли.

**Маннонмирза, Mannonamirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Маннон* ва *Мирза.*

**Маннонтўра, Mannonto‘ra** (◊., *ўз.-ар.-фт.*) — қар. *Маннон* ва *Тўра.*

**Маннонхўжа, Mannonxo‘ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Маннон* ва *Хўжа.*

**Маннонқул, Mannonqul** (*ар.-ўз.*) — барчага илтифотли, сахий ва олижанобнинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Манноф, Mannof** (*ар.*) — олибжаноб, ҳимматли. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан бири. *Қар. Абдуманноф.*

**Маннофмирза, Mannofmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Манноф* ва *Мирза.*

**Маннофтўра, Mannobto‘ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Манноф* ва *Тўра.*

**Мансаф, Mansaf** (*ар.*) – тартибли, инсофли, адолатли.

**Мансуба, Mansuba** (◊ ., *ар.*) – муносиб, арзийдиган, кутилган.

**Мансур, Mansur** (*ар.*) – устун турувчи, голиб, музаффар. *Шакллари: Мансурбой, Мансуржон, Мансурхон.*

**Мансура, Mansura** (◊ ., *ар.*) – омадли, ғолиб, музаффар, енгилмас қиз.

**Мансурали, Mansurali** (*ар.*) – *қар. Мансур* ва *Али.*

**Мансурмирза, Mansurmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Мансур* ва *Мирза.*

**Мантиқа, Mantiqa** (◊ ., *ар.*) – маъноли, мазмунли, сўзловчи; фасоҳатли, ўткир фикрли.

**Манфаат, Manfaat** (◊ ., *ар.*) – фойдага қолган, туҳфа қилинган қиз.

**Манғит, Манғитбой, Mang'it** (*ўз.*) – айнан: минг, манғит уруғига мансуб бола ёки уйга манғит уругига мансуб бўлган меҳмон келганда ёхуд чақалоқ киндигини кесган доя хотин манғит аёл бўлганида берилган исм.

**Манғитой, Mang'itoy** (◊ ., *ўз.*) – мангит уруғига мансуб қиз.

**Манғиттўра, Mang'itto'ra** (*ўз.*) – *қар. Манғит* ва *Тўра.*

**Манғитқиз, Mang'itqiz** (◊ ., *ўз.*) – манғит уруғига мансуб қиз.

**Маориф, Maorif** (*ар.*) – маърифатли ва ўқимишли бола бўлсин.

**Марал, Maral** (◊ ., *ўз.*) – марал (буғисифат ҳайвон), кийикдек гўзал, зебо қиз.

**Маралбиби, Maralbibi** (◊ ., *ўз.*) – маралдек гўзал, чиройли қиз.

**Маралбека, Maralbeka** (◊ ., *ўз.*) – беклар наслига мансуб ва маралдек дилбар, сулув қиз.

**Маралжамол, Maraljamol** (◊ ., *ўз.-ар.*) – маралдек сулув қиз.

**Марва, Marva** (◊ ., *фт.*) – билимдон, зукко ёки *қар. Марварид.*

**Марвад, Marvad** (◊ ., *фт.*) – *қар. Марварид.*

**Марван, Marvan** (◊ ., ўз.) – чақмоқтошдек маҳкам, иродали, яъни яшовчи бола.

**Марвар, Marvar** (◊ ., *фт.*) – *қар. Марварид.*

**Марварид, Marvarid** (◊ ., *фт.*) – дур, инжу; қимматли, бебаҳо қиз.

**Мардали, Mardali** (*фт.-ар.*) – мард, довюрак, қўрқмас ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Марди, Мардибой, Mardi** (*фт.*) – ботир, мард, довюрак. Шакллари: *Мардибек, Мардижон.*

**Мардивор, Mardivor** (*фт.*) – мардлик, жасурлик, ботирлик соҳиби.

**Мардигул, Mardigul** (◊ ., *фт.*) – довюрак, жасур ва гулдек гўзал қиз.

**Мардида, Mardida** (◊ ., *фт.*) – жозибали, жилвагар, ўзига ром қилувчи қиз.

**Мардижон, Mardijon** (*фт.*) — *қар. Марди* (*Марди +жон*).

**Мардиислом, Mardiislom** (*фт.-ар.*) — исломнинг мард, жасур фарзанди.

**Мардиой, Mardioy** (*фт.-ўз.)* — жасур, довюрак ва ойдек гўзал қиз.

**Мардиолим, Mardiolim** (*фт.-ар.*) — қўрқмас, жасур ва билимдон, донишманд бола.

**Мардихол, Mardixol** ( ◊ ., *фт.*) — жасур, довюрак ва хол билан туғилган қиз.

**Мардихон, Mardixon** ( ◊ ., *фт.*) — довюрак, қўрқмас ва баланд мартабали қиз.

**Мардой, Mardoy** ( ◊ ., *фт.-ўз.*) — *қар. Мардиой.*

**Мардон, Mardon** (*фт.*) — ботир, довюрак, эркакларнинг энг жасури. Шакллари: *Мардонбек, Мардонбой, Мардонқул.*

**Мардона, Mardona** ( ◊ ., *фт.*) — жасур, довюрак қиз.

**Мардонали, Mardonali** (*фт.-ар.*) — жасур, қўрқмас болани Али ўз паноҳида асраб юрсин.

**Мардонберди, Mardonberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ жасур, мард, довюрак ўғил ато қилди.

**Мардонкелди, Mardonkeldi** (*фт.-ўз.*) — довюрак, баҳодир ўғил туғилди, дунёга келди.

**Мардоншо, Mardonsho** (*фт.*) — шоҳларнинг энг жасури, ғолиби ёки довюрак, ботир эрларнинг сардори, шоҳи.

**Мардонқул, Mardonqul** (*фт.-ўз.*) — мардларнинг қули, мардлар учун хизмат қилувчи; баҳодирларнинг дўсти, ҳамдами.

**Мардума, Marduma** ( ◊ ., *фт.*) — кўз қорачиғи, кўз қорачиғидек азиз, қадрли қиз.

**Маржон, Маржона, Marjona** ( ◊ ., *фт.*) — дур, инжу, марваридлар тизими, қизил рангли йирик мунчоқ, маржондек қимматбаҳо, сулув қиз. Шакллари: *Маржоной, Маржонхон. Маржона.*

**Маржонбека, Marjonbeka** ( ◊ ., *фт.-ўз.*) — беклар наслига мансуб маржондек қимматли, азиз қиз.

**Маржонбиби, Marjonbibi** ( ◊ ., *фт.-ҳинд.*) — дур, инжудек қимматли баланд мартабали қиз.

**Маржонгул, Marjongul** ( ◊ ., *фт.*) — маржондек қимматли, азиз ҳамда гулдек зебо қиз.

**Маржонқиз, Marjonqiz** ( ◊ ., *фт.-ўз.*) — инжудек (дурлар тизими) қимматли, қадрли қиз.

**Марзбон, Marzbon** (*ар.-фт.*) — чегарачи, чегара соқчиси ёки ҳоким, ҳукмрон, подшоҳ.

**Марзия, Marziya** ( ◊ ., *ар.*) — мақбул, эътиборга лойиқ, арзийдиган; суюкли, ёқимтой.

**Мария, Mariya** ( ◊ ., *қад.яҳ.*) — аччиқ ёки устунлик, юксак турувчи.

**Мариға, Marig'a** (◊ ., *фт.*) – кўкаламзор, яшноқ, бахтиёр қиз.

**Мармар, Мармарой, Marmar** (◊ ., *ар.*) – мармартошдек маҳкам, мустаҳкам.

**Маромхон, Maromxon** (◊ ., *ар.*) – ўйлаб иш тутувчи, хушёр, оқила қиз ёки орзу қилинган қиз.

**Марсума, Marsuma** (◊ ., *ар.*) – расм, одат ёки маош, яъни ризқу рўзли, насибали.

**Мартаба, Martaba** (◊ ., *ар.*) – юқори даражали, иззат-обрўли, баланд мартабали.

**Марфуъа, Marfu'a** (◊ ., *ар.*) – юксаклик, чўққи, яъни мартабали, обрўли.

**Марям, Maryam** (◊ ., *қад. яҳ.*) – айнан: жуда аччиқ, заҳар-заққум ёки Аллоҳ қадрлаган, севган қиз ёхуд номусли, покдомон қиз. Исо пайғамбар онасининг исми.

**Марямча, Maryamcha** (◊ ., *қад. яҳ.*) – жажжигина, кенжа Марям; ёқимтой, суюкли *Марям* (*қар.*).

**Марқа, Marqa** (*ўз.*) – қўзичоқ, яъни қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган бола; марқа – ботир, паҳлавон. Эҳт: марқаюз уруғига мансуб бола. Шакли: *Марқабой*, *Марқатой*.

**Марқабиби, Marqabibi** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Марқа* ва *Биби*.

**Марғуб, Marg'ub** (*ар.*) – исталган, орзу қилинган, азиз, суюкли.

**Марғуба, Marg'uba** (◊ ., *ар.*) – қўмсалган, исталган; суюкли, қадрли.

**Марғула, Marg'ula** (◊ ., *ар.*) – жингалак (қўнғироқ) сочли қиз.

**Марҳабиддин, Marhabiddin** (*ар.*) – диннинг мурувват, саховати.

**Марҳабо, Marhabo** (*ар.*) – кутилган, орзу қилинган бола.

**Марҳабулла, Marhabulla** (◊ ., *ар.*) – Аллоҳнинг кенг кўнгиллиги, саховати, муруввати.

**Марҳамат, Marhamat** (◊ ., *ар.*) – Аллоҳнинг лутфи, илтифоти; шафқати.

**Масаид, Masaid** (*ар.*) – *қар. Муҳаммадсаид.*

**Масалбек, Masalbek** (*ар.-ўз.*) – ибратли, намунали; ақлли, одобли.

**Масалом, Masalom** (*ар.*) – тинч, осойишта, вазмин бола ёки *қар. Муҳаммад* ва *Салим*.

**Масар, Masar** (*ар.*) – виқорли; бахтиёр, шодон.

**Масира, Masira** (◊ ., *ар.*) – айнан: оралиқ, ўрталик; ўртанча бола ёки сайр чоғида туғилган бола.

**Масариддин, Masariddin** (*ар.*) – диннинг шодон, бахтиёр фарзанди.

**Масбут, Masbut** (*ар.*) – турғун, чидамли, пухта, пишиқ.

**Масита, Masita** (◊ ., *ар.*) – улуғ, мўътабар, яхши, аъло қиз.

**Масиҳ, Masih** (*ар.*) — нурли, равшан, товланувчи. Бу ном даъволовчи, ҳаёт бахш этувчи маъносида Исо пайғамбарнинг лақаби бўлган.

**Маска, Maska** (◊., *ўз.*) — йирик узумнинг майизидек ширин қиз.

**Маслама, Maslama** (◊., *ар.*) — уйли-жойли, бошпаноҳли; бойу бадавлат.

**Маслаҳат, Maslahat** (◊., *ар.*) — кенгаш пайтида туғилган қиз ёки фойдали, манфаатли.

**Маслаҳиддин, Maslahiddin** (*ар.*) — асли Маслакиддин — динга бўйсунган, диндор, художўй.

**Маснад, Masnad** (*ар.*) — юксак мансаблар (даргоҳлар) эгаси.

**Маснун, Masnun** (*ар.*) — ҳаёти тўғри, текис, равон бўлсин ёки тўғрилиқ, адолат соҳиби.

**Масобат, Masobat** (◊., *ар.*) — юксак мартаба, шону шуҳратлар соҳиби.

**Масрура, Masrura** (◊., *ар.*) — қувноқ, шодон, бахтли.

**Мастон, Maston** (*фт.*) — мафтункор, жозибали, дилкаш.

**Мастона, Mastona** (◊., *фт.-ар.*) — гўзал қарашлар қилувчи; сулув, зебо.

**Мастонбиби, Mastonbibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) — *қар. Мастон* (*Мастон+биби*).

**Мастонча, Mastoncha** (◊., *фт.*) — *қар. Мастон* (*Мастон+ча*)

**Мастура, Mastura** (◊., *ар.*) — айнан: беркитилган, ёпиқ юзли, ҳалол, пок, иффатли.

**Масуба, Masuba** (◊., *ар.*) — яхшиликка интилувчи, яхшилик қилувчи; мурувватли.

**Масъуд, Mas'ud** (◊., *ар.*) — бахтли, бахтиёр, саодатманд.

**Масъудбахт,** Mas'udbaxt (*ар.*) — ўта бахтли, энг бахтиёр ёки худо сийлаган.

**Масқар,** (*ар.*) — *қар. Масқариддин.*

**Масқариддин, Масхариддин, Masqariddin** (*ар.*) — диннинг ғайрати, фаоллашуви, диннинг намоён бўлиши; диннинг кучи, қудрати.

**Масҳуб, Machub** (*ар.*) — ҳамроҳ, ҳамдам, йўлдош.

**Масҳур, Mashur** (*ар.*) — сеҳрловчи, мафтункор, жозибали.

**Матазим, Matazim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадазим.*

**Матали, Matali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадали.*

**Матбобо, Matbobo** (*ар.*) — *Муҳаммадбобо.*

**Матбоқи, Matboqi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадбоқи.*

**Матбуъа, Matbu'a** (◊., *ар.*) — маъқул кўрилган, манзур бўлган қиз.

**Матвали, Matvali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадвали.*

**Матвафо, Matvafo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадвафо*

**Матёқуб, Matyoqub** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Муҳаммадёқуб.*

**Матжон, Matjon** (*ар.-фт.*) — *Муҳаммаджон.*

**Матжума, Matjuma** (*ар.*) — *Муҳаммаджума.*

**Матиброҳим, Matibrohim** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Иброҳим.*

**Матин, Метин, Matin** (*ар.*) — маҳкам, мустаҳкам, туйғун, устувор.

**Матислом, Matislom** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадусмон.*

**Матисмоил, Matismoil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Исмоил.*

**Матисо, Matiso** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Муҳаммадисо.*

**Матисоқ, Matishoq** (*ар.-қад.яҳ*) — *қар. Муҳаммадисҳоқ.*

**Маткарим, Matkarim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадкарим.*

**Маткозим, Matkozim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадкозим.*

**Маткомил, Matkomil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадкомил.*

**Матлаб, Matlab** (*ар.*) — хоҳланган, тилаб олинган; орзу қилинган бола.

**Матлабжон, Matlabjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Матлаб* (*Матлаб+—жон*).

**Матлабиддин, Matlabiddin** (*ар.*) — диннинг сўраб, тилаб олинган фарзанди.

**Матлабхўжа, Matlabxoja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб ва тилаб олинган бола.

**Матлуб, Matlub** (*ар.*) — талаб қилиб (сўраб) олинган, хоҳланган, орзу қилинган.

**Матлуба, Matluba** (◊., *ар.*) — сўраб, илтижо қилиб эришилган; хоҳланган, орзу қилинган қиз.

**Матмирза, Matmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадмирза.*

**Матмурод, Marmurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*

**Матмусо, Matmuso** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Муҳаммадмусо.*

**Матмўмин, Matmo'min** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмўмин.*

**Матназар, Matnazar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадназар.*

**Матнисо, Matniso** (◊., *ар.*) — мақталган, мақтовга сазовор аёл; Муҳаммад (сав)нинг қизи, фарзанди.

**Матолиб, Matolib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадтолиб.*

**Матонат, Matonat** (◊., *ар.*) — мустаҳкам, саботли, иродали қиз.

**Матора, Matora** (◊., *ар.*) — пари, париваш ёки матор-ёмғирли кунда туғилган қиз.

**Матоф, Matof** (◊., *ар.*) — муқаддас қадам жойларга зиёрат қилингандан кейин туғилган қиз; сиғиниб, ўтиниб олинган қиз.

**Матофжон, Matofjon** (*ар.*) — муқаддас даргоҳларни зиёрат қилингач, туғилган бола; сиғиниб, ўтиниб олинган бола.

**Матпаноҳ, Matpanoh** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадпаноҳ.*

**Матрасул, Matrasul** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрасул.*

**Матризо, Matrizo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадризо.*

**Матсано ,Matsano** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсано.*

**Матсафар, Matsafar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсафар.*

**Матсафо**, **Matsafo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсафо.*

**Маттурди**, **Matturdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтурди.*

**Матусмон**, **Matusmon** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадусмон.*

**Матфозил**, **Matfozil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадфозил.*

**Матхолиқ**, **Matxoliq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадхолиқ.*

**Матчон**, **Matchon** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммаджон.*

**Матэмин**, **Matemin** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадэмин.*

**Матюсуф**, **Matyusuf** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадюсуф.*

**Матяъқуб**, **Matya'qub** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Муҳаммадяъқуб.*

**Матўроз**, **Mato'roz** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадўроз.*

**Матқобил**, **Matqobil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқобил.*

**Матқодир**, **Matqodir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқодир.*

**Матқосим**, **Matqosim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқосим.*

**Матқул**, **Matqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқул.*

**Матқурбон**, **Matqurbon** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқурбон.*

**Матғози**, **Matgo'zi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғози.*

**Матғойиб**, **Matg'oyib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадғойиб.*

**Матҳошим**, **Mathoshim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳошим.*

**Мафкурахон**, **Mafkuraxon** (◇., *ар.*) — ғоя, мақсад, тилак, орзу.

**Мафруза**, **Mafruza** (◇., *ар.*) — танлаб, сайлаб олинган.

**Мафсуф**, **Mafsuf** (◇., *ар.*) — тенгсиз, ягона, ноёб.

**Мафтун**, **Maftun** (◇., *ар.*) — завқлантирувчи, мафтун этувчи; чиройли.

**Мафтуна**, **Maftuna** (◇., *ар.*) — завқлантирувчи, мафтун этувчи, чиройли.

**Мафтуҳа**, **Maftuha** (◇., *ар.*) — очиқ, равшан, жозибали, ёқимтой.

**Махдум**, **Maxdum** (*ар.*) — дин йўлида хизмат қилувчи; баланд мартабали, ҳурматга сазовор.

**Махдума**, **Maxduma** (◇., *ар.*) — дин хизматкори ёки муҳтарама аёл, бека, ойим.

**Махзан**, **Maxzan** (*ар.*) — бойлик, хазина, ғазна, ганж.

**Махзум**, **Maxzum** (*ар.*) — *қар. Махдум.*

**Махзун**, **Maxzun** (*ар.*) — хазина сақланадиган идиш; ғазна.

**Махмал**, **Maxmal** (◇., *ар.*) — нафис, гулдор матодек мулойим, чиройли қиз. *Қар. Бахмал.*

**Махмур**, **Махмуржон**, **Maxmur** (*ар.*) — саркаш, мафтункор; шодон, бахтиёр.

**Махмура**, **Maxmura** (◇., *ар.*) — шодон, қувноқ, бахтиёр.

**Махнуна**, **Maxnuna** (◇., *ар.*) — мулойим, ёқимли, эрка, нозли-ишвали. *Эҳт.: Макнуна.*

**Махсум**, **Maxsuma** (◇., *ар.*) — соф, покиза, гуноҳсиз.

**Махсумхўжа**, **Maxsumxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар, аслзодалар наслига мансуб покиза бола.

**Махсумқул, Maxsumqul** (*ар.-ўз.*) – дин пешвоси (авлиё)нинг хизматкори, қули.

**Махсус, Махсусбой, Maxsus** (*ар.-ўз.*) – тикланган, алоҳида сайлаб олинган.

**Махсусулла, Maxsusulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг алоҳида танланган, сайланган, эътиборли бандаси.

**Махтуба, Maxtuba** (◊ ., *ар.*) – *қар. Мактуба.*

**Махтум, Maxtum** (*ар.*) – муҳрланган, маҳкамланган, мустаҳкам, яъни яшайдиган бола.

**Махтума, Maxtuma** (◊ ., *ар.*) – муҳрланган, мустаҳкамланган, яшайдиган бола.

**Махтумберди, Maxtumberdi** (*ар.-ўз.*) – муҳрлаб, яъни жонини қаттиқ қилиб берилган.

**Махтумкелди, Maxtumkeldi** (*ар.-ўз.*) – маҳкам, мустаҳкам, яъни умри узоқ бола туғилди, келди.

**Махтумқилич, Maxtumqilich** (*ар.-ўз.*) – мустаҳкам ва қиличдек ўткир бола, яъни узоқ умрли.

**Махфират, Maxfirat** (◊ ., *ар.*) – раҳмдил, шафқатли, марҳаматли, ҳимматли.

**Махфия, Maxfiya** (◊ ., *ар.*) – яширин, пинҳон қиз.

**Маъбуд, Ma'bud** (*ар.*) – оташпарастлар тангриси, бут, санам ёки олим, файласуф.

**Маъбуда, Ma'buda** (◊ ., *ар.*) – айнан: аёл тангри, илоҳа; суюкли, саодатманд, хушбахт.

**Маъвохон, Ma'voxon** (◊ ., *ар.*) – уй-жойли, бошпанали; бой, бадавлат.

**Маъдан, Ma'dan** (*ар.*) – металл, аслтош; кон, хазина.

**Маъданой, Ma'danoy** (◊ ., *ар.-ўз.*) – бой-бадавлат ва ойдек кўркам қиз.

**Маъди, Маъдихон, Ma'di** (*ар.*) – тўғри йўлда турувчи; адолатли.

**Маъзур, Ma'zur** (*ар.*) – кечирилган, гуноҳсиз, покиза.

**Маълум, Ma'lum** (*ар.*) – белгили, таниқли, аён, ошкор.

**Маълума, Ma'luma** (◊ ., *ар.*) – белгили, таниқли; жонгдор, шуҳратли.

**Маъман, Ma'man** (*ар.*) – тинч, осойишта.

**Маъмур, Ma'mur** (*ар.*) – фаровон, бехавф ҳаёт кечирувчи.

**Маъмура, Ma'mura** (*ар.*) – бахтли, насибали, фаровон яшовчи.

**Маъмурали, Ma'murali** (*ар.*) – ҳаёти обод ва фаровон бўлиб, Али ўз паноҳида асрасин.

**Маъмурбека, Ma'murbeka** (◊ ., *ар.-ўз.*) – беклар наслига мансуб қизнинг ҳаёти фаровон бўлсин.

**Маъмурбиби, Ma'murbibi** (◊ ., *ар.-ҳинд.*) – баланд мартабали қизнинг ҳаёти фаровон бўлсин.

**Маъмургул, Ma'murgul** (◊., *ар.-фт.*) — гулдек сулув қизнинг умри фаровон бўлсин.

**Маъмуржамол, Ma'murjamol** (◊., *ар.*) — соҳибжамол, гўзал қиз.

**Маъмурой, Ma'muroy** (◊., *ар.*) — фаровон ҳаёт кечирувчи ва ойдек сулув қиз.

**Маъмуртой, Ma'murtoy** (*ар.-ўз.*) — қадрли, суюкли ўғил обод ва фаровон яшасин.

**Маъмурхол, Ma'murxol** (◊., *ар.-фт.*) — қутли, хосиятли хол билан туғилган қиз ёки *қар*:. *Маъмура* ва *Хол*.

**Маъмурхон, Ma'murxon** (◊., *ар.-ўз.*) — юксак эъзозга сазовор ва ҳаёти обод, фаровон қиз.

**Маъмурхўжа, Ma'murxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бахтиёр бола.

**Маъмурча, Ma'murcha** (*ар.-ўз.*) — обод, фаровон ҳаёт кечирувчи кенжа, жажжи қиз.

**Маъмурқул, Ma'murqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Маъмур* (*Маъмур +қул*).

**Маънихон, Ma'nixon** (◊., *ар.-ўз.*) — маъноли, мазмунли фикрловчи, билимдон доно.

**Маънохон, Ma'noxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Маънихон.*

**Маърака, Ma'raka** (*ар.*) — тўй, маърака пайтида туғилган бола.

**Маърифа, Ma'rifa** (◊., *ар.*) — ўқимишли, саводхон, билимли; билим-маърифат тарқатувчи. *Эҳт: Маъруфа* (*қар*).

**Маърифат, Ma'rifat** (◊., *ар.*) — билимли, идрокли.

**Маъруза, Ma'ruza** (◊., *ар.*) — тақдим қилинган; хабар берувчи.

**Маъруф, Ma'ruf** (*ар.*) — таниқли, машҳур, атоқли ёки кунботар пайтида туғилган бола. Шакллари: *Маъруф, Маъруфжон, Маъруфхон.*

**Маъруфа, Ma'rufa** (◊., *ар.*) — таниқли, машҳур.

**Маъруфали, Ma'rufali** (*ар.*) — таниқли, обрўли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Маъруфжамол, Ma'rufjamol** (◊., *ар.*) — таниқли, машҳур ва гўзал қиз.

**Маъруфжон, Ma'rufjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Маъруф* (*Маъруф +жон*).

**Маъруфкамол, Ma'rufkamol** (*ар.-фт.*) — *қар. Маъруф* ва *Камол.*

**Маъруфхўжа, Ma'rufxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб машҳур, шуҳратли бола.

**Маъсуд, Ma'sud** (*ар.*) — бахтли, хушбахт, бахтиёр.

**Маъсуда, Ma'suda** (◊., *ар.*) — бахтли, саодатли қиз.

**Маъсум, Ma'sum** (*ар.*) — пок, тоза, гуноҳсиз, покиза; ораста, сақланувчи, ўзини тутган, сабр-қаноатли. Шакллари: *Маъсумжон, Маъсумхон.*

**Маъсума, Ma'suma** (◊., *ар.*) — покиза, гуноҳсиз, бокира.

**Маъсумали, Ma'sumali** (*ар.*) — покиза, гуноҳсиз болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Маъсумхон, Ma'sumxon** (◇., *ар.-ўз.*) — покиза, ораста, гуноҳсиз. Шакли: *Маъсумжон.*

**Маъсумхўжа, Ma'sumxoja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб соф, покиза бола.

**Маъсумқул, Ma'sumqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Маъсум* (*Маъсум+қул*).

**Маъфират, Махфират, Ma'firat** (◇., *ар.*) — гуноҳлари кечирилган, авф қилинган; гуноҳсиз, покдомон.

**Маъфура, Ma'fura** (◇., *ар.*) — кечирилган, афв этилган; гуноҳсиз, покиза, маъсума.

**Маъқул, Ma'qul** (*ар.*) — арзийдиган, маъқул бўлган, орзу қилинган бола ёки олижаноб, олиҳиммат. Шакллари: *Маъқулбек, Маъқулжон.*

**Маъқула, Ma'qula** (◇., *ар.*) — орзу қилинган, маъқул бўлган ёки олиҳиммат, мурувватли, покдомон қиз.

**Маъқулой, Ma'quloy** (◇., *ар.-ўз.*) — орзу қилинган ва ойдек сулув қиз.

**Машади, Машҳадий, Mashadi** (*ар.*) — Машҳад (шаҳидлар қони тўкилган жой) шаҳарини зиёрат қилган киши ёки машат // машад уруғига мансуб бола.

**Машалла, Mashalla** (*ар.*) — Аллоҳнинг хоҳиши, иродаси.

**Машариф, Masharif** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадшариф.*

**Машат, Mashat** (*ар.-ўз.*) — Машҳад шаҳри номидан олинган ёки машад уруғига мансуб бола.

**Машатбека, Mashatbeka** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Машат* (*Машат+ +бека*).

**Машатбиби, Mashatbibi** (◇., *ар.*) — *қар. Машат* (*Машат+ +биби*).

**Машатгул, Mashatgul** (◇., *ар.*) — *қар. Машат* (*Машат+гул*).

**Машатқул, Mashatgul** (*ар.*) — *қар. Машат* (*Машат+қул*).

**Машид, Mashid** (*ар.*) — маҳкам, мустаҳкам; барқарор, яъни яшайдиган.

**Машкура, Mashkura** (◇., *ар.*) — шукур қилувчи; шукуроналар айтувчи, арзийдиган мақташга сазовор.

**Машокир, Mashokir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадшокир.*

**Машоҳ // Башоқ, Mashoh** (◇., *ўз.*) — буғдой бошоқлаганда туғилган қиз ёки насибали, ризқ-рўзли бўлсин.

**Машраб, Mashrab** (*ар.*) — хосият, табиат, хулқ, одат, хислат, майл. Шоир Бобораҳим Машрабнинг номи б-н ҳам боғлиқ. Шакллари: *Машраббой, Машраббек.*

**Машраббу, Mashrabbu** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Машраб* (*Машраб+ +Буви*).

**Машрабой, Mashraboy** (◇., *ар.-ўз.*) — хосиятли, яхши хулқли ва ойдек сулув қиз.

**Машраббону, Mashrabbonu** (◇., *ар.-фт.*) — ахлоқли ва улуғ мартабали қиз.

**Машрабхон, Mashrabxon** (*ар.-уз.*) — *қар. Машраб* (*Машраб + хон*) ёки мадҳ қилувчи, қасидагўй.

**Машриқ, Mashriq** (*ар.*) — кунчиқар; ҳаёти равшан, нурли бўлсин.

**Машруба // Машруфа, Mashrufa** (◇., *ар.*) — шариатга маъқул тушган, шариат йўл қўювчи ёки ҳурматли, эътиборли.

**Маъшуқали, Ma'shuqali** (*ар.*)— Алини дилидан севган, Алининг ихлосманди.

**Машъал, Mash'al** (*ар.*) — машъала, маёқ, ҳаёти нурли, равшан бўлсин ёки баданида қандайдир белги билан туғилган бола.

**Машшота, Mashshota** (◇., *ар.*) — пардозчи, аёлларни безовчи; тароқчи, зийнатгар, нафосат устаси.

**Машқул //Машғул, Mashqul** (*ар.*) — *қар. Машғулот* ёки бирор исмнинг қисқарган шакли.

**Машғулот, Mashg'ulot** (*ар.*) — иш билан банд бўлувчи, меҳнаткаш.

**Машҳад, Mashhad** (*ар.*) — айнан: шаҳидлар қони тўкилган ва улар кўмилган жой; зиёратгоҳ. Эрондаги шаҳар ва вилоят номи.

**Машҳур, Mashhur** (*ар.*) — таниқли, донгдор, шуҳратли; бахтли.

**Машҳура, Mashhura** (*ар.*) — таниқли, обрў-эътиборли қиз.

**Мая, Maya** (◇., *ўз.-фт.*) — май ойида туғилган қиз ёки моядек (туядек) яввош, мулойим қиз, ёҳуд наслимиз (авлодимиз) асоси бўлган қиз.

**Маябиби, Mayabibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Мая* (*Мая+биби*).

**Маягул, Mayagul** (◇., *ўз.-фт.*) — май ойида таваллуд топган гулдек гўзал қиз.

**Маяжон, Mayajon** (◇., *ўз.-рус.*) — *қар. Мая* (*Мая+жон*).

**Маъқил //Маъқул, Maqil** (*ар.*) — бошпана ёки ҳимояланган. *Эҳт: Маъқул.*

**Мақобил, Maqobil** (*ар.*) — маъқулланган, маъқул тушган ёки *қар. Муҳаммадқобил.*

**Мақбул, Maqbul** (◇., *ар.*) — маъқул кўрилган, кўнгилга яқин, орзу қилинган қиз.

**Мақиш, Maqish** (*ар.*) — Муҳаммад номи билан боғланган баъзи қўшма номларнинг эқ. шакли.

**Мақом, Maqom** (*ар.*) — унвонли, мансабли, юксак мартабали, обрўли, эътиборли.

**Мақосим, Maqosim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадқосим.*

**Мақсад, Maqsad** (*ар.*) — исталган, орзу қилинган ёки мақсадмуродли бола.

**Мақсадали, Maqsadali** (*ар.*) — орзу қилиб топилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Мақсадгул, Maqsadgul** (*ар.-фт.*) — орзу-армон қилиб эришилган гулдек гўзал қиз.

**Мақсаджон, Maqsadjon** (◇., *ар.-ўз.*) — истагимиз, орзумиз бўлган қадрли, суюкли қиз.

**Мақсадмурод, Maqsadmurod** (*ар.*) — мақсад-муродли бола.

**Мақсадой, Mqsadoy** (◇., *ар.-ўз.*) — орзу, армон қилиб эришилган ойдек сулув қиз.

**Мақсадхон, Maqsadxon** (◇., *ар.-ўз.*) — орзу, армон билан эришилган баланд мартабали қиз.

**Мақсадқул, Maqsadqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мақсад* (*Мақсад+қул*).

**Мақсим, Maqsim** (*ар.*) — *қар. Махсум.*

**Мақсуд, Maqsud** (*ар.*) — хоҳланган, орзу қилинган бола. Шакллари: *Мақсуджон, Мақсудхон.*

**Мақсуда, Maqsuda** (◇., *ар.*) — орзу қилинган, орзиқиб кутилган қиз.

**Мақсудали, Maqsudali** (*ар.*) — мақсадимиз, умидимиз бўлган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Мақсуддин, Maqsuddin** (*ар.*) — диннинг мақсади, муроди.

**Мақсудмирза, Maqsudmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Мақсуд* (*Мақсуд +қул*).

**Мақсум, Maqsum** (*ар.*) — берилган, тақдим қилинган, туҳфа, совға ёки *қар. Махсум, Максим.*

**Мақсур, Maqsur** (*ар.*) — художўй, энг муқаддас; руҳан осойишта.

**Мақсура, Maqsura** (◇., *ар.*) — ўта художўй аёл, руҳан осойишта, осуда қиз.

**Мақсурахон, Maqsuraxon** (◇., *ар.-ўз.*) — қироатхон, қори қиз.

**Мағафур, Mag'afur** (*ар.*) — кечирилган, афв этилган, гуноҳсиз ёки *қар. Муҳаммадғафур.*

**Мағоз, Mag'oz** (*ар.*) — суянч, таянч, мадад.

**Мағоза, Mag'oza** (◇., *ар.*) — ота-онасига суянчиқ, мададкор қиз.

**Мағриб, Мағрибжон, Mag'rib** (*ар.*) — қуёш ботган пайтда туғилган бола.

**Мағрифа, Mag'rufa** (◇., *ар.*) — кечирилган, афв этилган, гуноҳсиз, покдомон.

**Мағрур, Мағрурбой** (*ар.*) — виқорли, мағрур, саркаш.

**Мағфира, Mag'fira** (◇., *ар.*) — *қар. Мағфират.*

**Мағфират, Mag'firat** (◇., *ар.*) — кечирилган, гуноҳидан ўтилган, бегуноҳ, покиза.

**Маҳ //Моҳ, Mah** (◇., *фт.*) — ой, ёғду, равшан, ойдек сулув.

**Маҳабат, Mahabat** (◇., *ар.*) — *қар. Маҳобат* ёки *Муҳаббат.*

**Маҳакгул, Mahakgul** (◇., *фт.*) — маҳак-олтин ва кумушлар сифатини белгилаш учун ишлатиладиган тош, яъни яхши-ёмонни фарқлаб олувчи ва гулдек сулув қиз.

**Маҳаматтўра, Mahamatto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадтўра.*

**Маҳаматюсуф, Mahamatyusuf** (*ар.-яҳ.*) — *қар. Муҳаммадюсуф*

**Маҳаматҳаким, Mahamathakim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳаким.*

**Маҳаматҳожи, Mahamathoji** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳожи.*

**Маҳан, Mahan** (*ар.*) — энг гўзал, энг сулув, тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Маҳаннисо, Mahanniso** (◊., *ар.-фт.*) — соф, тоза, покиза; ёлғиз, яъни тенгсиз.

**Маҳаной, Mahanoy** (◊., *ар.-фт.*) — энг гўзал, тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Маҳатжон, Mahatjon** (*ар.*) — эҳт.: *Муҳаммад* исмининг эқ. шакли.

**Маҳатҳожи, Mahathoji** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадҳожи.*

**Маҳбуб, Mahbub** (*ар.*) — дўст, йўлдош, суюкли ўртоқ. Асли: *Маҳбубулла, Маҳбубали* (*қар*).

**Маҳбуба, Mahbuba** (◊., *ар.*) — суюкли, азиз дўст, дилбар, дилкаш.

**Маҳбубали, Mahbubali** (*ар.*) — Алининг азиз дўсти, ҳамроҳи.

**Маҳбуббека, Mahbubbeka** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб суюкли дўст, ҳамдам.

**Маҳбубжамол, Mahbubjamol** (◊., *ар.*) — суюкли ва кўркам қиз ёки ўта гўзал, кўзни қувонтирувчи.

**Маҳбубжаҳон, Mahbubjahon** (◊., *ар.*) — оламдаги энг қадрли, эъзозли дўст.

**Маҳбубнисо, Mahbubniso** (◊., *ар.*) — қадрли, суюкли аёл; аёлларнинг меҳрибон дўсти ёҳуд аёлларнинг энг ҳурматли, эъзозлиси.

**Маҳбубулла, Mahbubulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг суюкли бандаси.

**Маҳбуда, Mahbuda** (◊., *ар.*) — *эҳт: Маҳмуда* (*қар.*)

**Маҳбулла, Mahbulla** (*ар.*) — *қар. Маҳбубулла.*

**Маҳвар //Моҳвор, Mahvah** (◊., *фт.*) — ойдек, ойсифат, ойдек сулув қиз.

**Маҳваш, Mahvash** (◊., *фт.*) — ойга ўхшаш, оймонанд, ой юзли.

**Маҳди, Mahdi** (*ар.*) — тўғри йўл. Аллоҳ йўлига етакловчи ёки Аллоҳ юборган, йўллаган. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири.

**Маҳдий, Mahdiy** (*ар.*) — Аллоҳнинг йўли, тўғри йўлга бошловчи; қиёмат куни тирилиб келиб Дажжол билан курашувчи ва ерда адолат ўрнатувчи пайғамбар номи.

**Маҳдимирза, Mahdimirza** (◊., *ар. -фт.*) — *қар. Маҳди* ва *Мирза.*

**Маҳдихўжа, Mahdixoja** (*ар.-фт.*) — *қар. Маҳди* ва *Хўжа.*

**Маҳдия, Mahdiya** (◊., *ар.*) — тўғри йўл, Аллоҳ йўлига бошловчининг қули, яъни Маҳдининг қули.

**Маҳдод //Моҳдод, Mahdod** (◊., *фт.*) — ой туҳфа қилган қиз.

**Маҳдуда, Mahduda** (◊., *ар.*) — сўнгги, кенжа қиз.

**Маҳдум, Маҳдумбой, Mahdum** (*ар.*) — жаноб, хўжа, аслзода, дин илмининг билимдони, диний пешво.

**Маҳдумқули, Mahdumquli** (*ар.-ўз.*) — дин пешвосининг содиқ хизматкори, қули.

**Маҳжуба, Mahjuba** (◊., *ар.*) — пардаланган, беркинган, уятчанг, одобли қиз ёки пардага ўралиб туғилган қиз.

**Маҳзамон, Mahzamon** (◊., *фт.-ар.*) — замонасининг гўзал ойи, яъни энг гўзал, зебо қиз.

**Маҳзар, Mahzar** (*ар.*) — ҳузургоҳ, барча тўпланадиган жой ёки ҳукмнома, фармон.

**Маҳзун, Mahzun** (*ар.*) — дардли, ғамли; қайғули.

**Маҳзуна, Mahzuna** (◊., *ар.*) — *қар. Маҳзун* (*Маҳзун+а*).

**Маҳина, Моҳина,** (◊., *фт.*) — ойдек сулув қиз.

**Маҳинбону, Mahinbonu** (◊., *фт.*) — ойдек чиройли ва аслзода, улуғ мартабали қиз.

**Маҳингул, Mahingul** (◊., *фт.*) — ойдек кўркам ва гулдек зебо қиз.

**Маҳинора, Mahinora** (◊., *фт.*) — ой каби ороланган, безанган сулув қиз.

**Маҳкам, Mahkam** (*ар.*) — мустаҳкам, яъни умри узоқ бўлувчи бола. Шакллари: *Маҳкамжон, Маҳкамхон.*

**Маҳкама, Mahkama** (◊., *ар.*) — мустаҳкам, пухта, чидамли қиз, яъни умри узоқ қиз.

**Маҳкамали, Mahkamali** (*ар.*) — мустаҳкам, чидамли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Маҳкамбу, Mahkambu** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Маҳкам* ва *Буви.*

**Маҳкампўлат, Mahkampo'lat** (*ар.-фт.*) — мустаҳкам ва жони пўлатдек қаттиқ бола.

**Маҳкамтош, Mahkamtosh** (◊., *ар.-ўз.*) — пухта-пишиқ ва тошдек мустаҳкам қиз.

**Маҳкамқул, Mahkamqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Маҳкам* (*Маҳкам+қул*).

**Маҳлиё, Mahliyo** (◊., *ар.*) — сеҳрловчи, жозибали, ёқимтой қиз.

**Маҳлиқо, Mahliqo** (◊., *фт.*) — ойюзли, ойчеҳра, ойдек сулув қиз.

**Маҳмадали, Mahmadali** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадали.*

**Маҳамадамин, Mahamadamin** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадамин.*

**Маҳмадиёр, Mahmadiyor** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадёр.*

**Маҳмадмурод, Mahmadmurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*

**Маҳмадражаб, Mahmadrajab** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадражаб.*

**Маҳмадрасул, Mahmadrasul** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрасул.*

**Маҳмадулла, Mahmadulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мақталган, мақтовга сазовор кишиси.

**Маҳмадумар, Mahmadumar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадумар.*

**Маҳмадшо, Mahmadsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммадшо.*

**Маҳмадўст, Mahmado'st** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммаддўст.*

**Маҳман // Маҳмон, Mahman** (◊., *фт.*) — ой юзли гўзал, чеҳраси ойдек сулув қиз.

**Маҳманаби, Mahmanabi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммаднаби.*

**Маҳманазар, Mahmanazar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадназар.*

**Маҳмамурод, Mahmamurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*

**Маҳмарасул, Mahmarasul** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадрасул.*

**Маҳматмурод, Mahmatmurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*

**Маҳматқул, Mahmatqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммадқул.*

**Маҳмаша, Mahmasha** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадшо.*

**Маҳмаюсуф, Mahmayusuf** (*ар.яҳ.*) — *қар. Муҳаммадюсуф.*

**Маҳмирза, Mahmirza** (*ар.-фт.*) — ойдек сулув йигит ёки *қар. Муҳаммадмирза.*

**Маҳмуд, Mahmud** (*ар.*) — мақталган, мақтовга сазовор, донгдор, атоқли, Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан бири. Шакллари: *Маҳмуджон, Маҳмудхон.*

**Маҳмуда, Mahmuda** (◇., *ар.*) — мақташга арзийдиган, эъзозга лойиқ.

**Маҳмудали, Mahmudali** (*ар.*) — *қар. Маҳмуд* ва *Али.*

**Маҳмудмирза, Mahmudmirza** (*ар.-фт.*) — *Маҳмуд* ва *Мирза.*

**Маҳмудмурод, Mahmudmurod** (*ар.*) — Маҳмуд — Муҳаммад (сав) эриштирган орзу; Муҳаммаднинг туҳфаси, эҳсони.

**Маҳмудназар, Mahmudnazar** (*ар.*) — Маҳмуд — Муҳаммад (сав)нинг илтифоти, мурувтвати туфайли эришилган бола.

**Маҳмудулла, Mahmudulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мақталган, олқишга сазовор кишиси, яъни Муҳаммад (сав).

**Маҳмудхўжа, Mahmudxoja** (*ар.-фт.*) — *қар. Маҳмуд* ва *Хўжа.*

**Маҳмудшо, Mahmudsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Маҳмуд* ва *Шо* (х).

**Маҳмудқул, Mahmudqul** (*ар.-ўз.*) — Маҳмуднинг, яъни Муҳаммад (сав)нинг қули.

**Маҳмудҳошим, Mahmudhoshim** (*ар.*) — *қар. Маҳмуд* ва *Ҳошим.*

**Маҳмуза, Mahmuza** (◇., *ар.*) — мақташга, олқишга сазовор.

**Маҳмурод, Mahmurod** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадмурод.*

**Маҳобат, Mahobat** (◇., *ар.*) — буюк, улуғвор, шукуҳли.

**Маҳозод, Mahozod** (*фт.*) — сахий, саховатли, ҳимматли.

**Маҳорат, Mahorat** (◇., *ар.*) — эпчил, устакор; қобилиятли, маҳоратли.

**Маҳосиба, Mahosiba** (◇., *ар.*) — суюкли, азиз, эъзозли.

**Маҳрам, Mahram** (*ар.*) — сирдош, ҳамдам, меҳрибон дўст. Маҳрам ўтмишда Бухоро ва Хива хонликларида ёзишма ишларини олиб борувчи мансабдорнинг номини ҳам билдирган. Эҳт: *Муҳаррам* (*қар.*) исмининг эқ

**Маҳрамой, Mahramoy** (◇., *ар.-ўз.*) — ойдек гўзал ва содиқ, меҳрибон дўст.

**Маҳрамхон, Mahramxon** (◇., *ар.-ўз.*) — дўст, ҳамдам бўлган юксак мартабали қиз.

**Маҳрамқул, Mahramqul** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Маҳрам* (*Маҳрам +қул*).

**Маҳроҳ, Mahroh** (◊ ., *фт.*) – *қар. Моҳруҳ.*

**Маҳрус, Mahrus** (*ар.*) – сақланувчи, ҳимоя қилинувчи, ҳимоя остига олинган.

**Маҳруса, Mahrusa** (◊ ., *ар.*) – *қар. Маҳрус* (*Маҳрус+а*).

**Маҳруҳ // Моҳруҳ, Mahruh** (◊ ., *фт.*) – ой юзли, ойдек сулув юзли.

**Маҳрўй, Mahro'y** (◊ ., *фт.*) – ой юзли, ойдек сулув юзли қиз.

**Маҳсуба, Mahsuba** (◊ ., *ар.*) – шерик, йўлдош, бир қаторда турувчи.

**Маҳсуд, Mahsud** (*ар.*) – ҳавас қилса арзийдиган, орзу қилинган.

**Маҳсун, Mahsun** (*ар.*) – мустаҳкамланган, маҳкамланган; берк, ҳимояланган.

**Маҳсуна, Mahsuna** (◊ ., *ар.*) – маҳкам, мустаҳкам қиз.

**Маҳсура, Mahsura** (◊ ., *ар.*) – тўсилган, ҳимоя остига олинган қиз.

**Маҳтал, Mahtal** (*ар.*) – сабрсизлик билан, интизор бўлиб кутилган бола.

**Маҳтоб, Mahtob** (◊ ., *фт.*) – ой нури, ойдин, тўлин ой.

**Маҳтума, Mahtuma** (◊ ., *ар.*) – муҳрланган ёки белгили, нишонли.

**Маҳфир, Mahfir** (◊ ., *ар.*) – *қар. Маҳфират, Магфират.*

**Маҳфира, Mahfira** (◊ ., *ар.*) – *қар. Маҳфират.*

**Маҳфирали, Mahfirali** (*ар.*) – *қар. Маҳфират* ва *Али.*

**Маҳфират, Mahfirat** (◊ ., *ар.*) – гуноҳи кечирилган, бегуноҳ, озод, ҳур.

**Маҳфуза, Mahfuza** (◊ ., *ар.*) – ҳимоя, муҳофазага олинган ёки қўрғон, қасрдек мустаҳкам.

**Маҳфузулла, Mahfuzulla** (*ар.*) – Аллоҳ ҳимоя қиладиган, ўз паноҳида асрайдиган бола.

**Маҳшар, Mahshar** (*ар.*) – қиёмат куни ўликлар тирилиб тўпланадиган жой ёки мажлис, йиғин.

**Маҳшарой, Mahsharoy** (◊ ., *ар.-ўз.*) – *қар. Маҳшар* (*Маҳшар+ой*).

**Мева, Meva** (◊ ., *фт.*) – самара, хосият, мевадек сероб бўлсин. Шакллари: Мевагул, Мевахон, Мевахон.

**Мевабека, Mevabeka** (◊ ., *фт.*) – мевадек сероб бўлсин ёки чучук тилли, эъзозга сазовор қиз.

**Мевагул, Mevagul** (◊ ., *фт.*) – гулдек кўркам, мевадек сероб ёки чучук тилли қиз.

**Мевали, Mevali** (*фт.-ўз.*) – мезон ойи (шамсия йилининг 22 сентябрь ва 21 октябрь оралиғига тўғри келади)да туғилган бола.

**Мели, Meli** (*ўз.*) – *қар. Менгли.*

**Мелибиби, Melibibi** (◊ ., *ўз.-қ.-х.*) – *қар. Менглибиби.*

**Мелибу, Melibu** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Менглибуви.*

**Мелибўри, Melibo'ri** (*ўз.*) – *қар. Менглибўри.*

**Мелизиё, Meliziyo** (*ўз.-фт.*) – *қар. Менглизиё, Менгзиё.*

**Мелимамад, Melimamad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менглимаҳмад.*

**Мелимирза, Melimirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менглимирза.*

**Мелимурод, Melimurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менглимурод.*

**Мелимуҳаммад, Melimuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менглимуҳаммад.*

**Мелинисо, Meliniso** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менглинисо.*

**Мелиой, Melioy** (◊., *ўз.*) — *қар. Менглиой.* Шакллари: *Мелижон, Мелихон.*

**Мелитожи, Melitoji** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Менглитожи.*

**Мелитош, Melitosh** (*ўз.*) — *қар. Менглитош.*

**Мелихол, Melixol** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менглихол.*

**Мелихуррам, Melixurram** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менглихуррам.*

**Мелихўжа, Melixo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менглихўжа.*

**Меликул, Meliqul** (*ўз.*) — *қар. Менгликул.*

**Меликўзи, Meliqozi** (*ўз.*) — *қар. Менгликўзи.*

**Меликўчқор, Meliqo'chqor** (*ўз.*) — *қар. Менгликўчқор.*

**Менг, Meng** (*ўз.*) — хол б-н туғилган ёки манг // менг-тошлоқ, қумлоқли ер, мустаҳкам.

**Менгазим** (*ўз.-ар.*) — катта холли бола ёки Азим (қар.) — Аллоҳ берган холдор бола.

**Менганор, Menganor** (◊., *ўз.-фт.*) — қизил холли қиз.

**Менгали, Mengali** (*ўз.-ар.*) — холли болани Али ўз паноҳига олсин.

**Менгберди, Mengberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ берган холли бола.

**Менгбека, Mengbeka** (◊., *ўз.*) — беклар авлодига мансуб холли қиз.

**Менгбону, Mengbonu** (◊., *ўз.-фт.*) — холли бўлиб туғилган мартабали аслзода қиз.

**Менгботир, Mengbotir** (*ўз.*) — холли ва жасур, довюрак бола.

**Менгбуви, Mengbuvi** (*ўз.*) — хол б-н туғилган қиз.

**Менгбўта, Mengbo'ta** (*ўз.*) — хол б-н туғилган бўтадек чиройли, суюкли бола.

**Менггул, Menggul** (*ўз.-фт.*) — гул каби чиройли, холдор қиз.

**Менггулчи, Menggulchi** (◊., *ўз.-фт.*) — гул экувчи ёки гул сотувчи холли қиз.

**Менгдобил, Mengdobil** (*ўз.*) — *қар. Менг* ва *Добил* ёки *Менгдовул* (*қар.*)

**Менгдовул, Mengdovul** (*ўз.*) — қаттиқ, довул (бўронли) кунда туғилган холлик бола.

**Менгдона, Mengdona** (◊., *ўз.-фт.*) — холи бор доно, билимдон бола, дона холли қиз.

**Менгжамол, Mengjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — чиройли, холли қиз.

**Менгжаҳон, Mengjahon** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Менг* ва *Жаҳон.*

**Менгжигит, Mengjigit** (*ўз.*) — холлик бола улғайиб йигит бўлсин ёки тошлоқ, қумлоқ ердек маҳкам бола.

**Менгзиё, Mengziyo** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган, нурли, равшан бола.

**Менгзиёд, Mengziyod** (*ўз.-ар.*) – *қар. Менг* ва *Зиёд.*

**Менгзиёда, Mengziyoda** (◊., *ўз.-ар.*) – *қар. Менг* ва *Зиёда.*

**Менгзифо, Mengzifo** (*ўз.-фт.*) – чиройли холли қиз.

**Менгзода, Mengzoda** (◊., *ўз.-фт.*) – холлилар авлодига мансуб қиз.

**Менгисман, Mengisman** (*ўз.-ар.*) – *қар. Менг* ва *Исман.*

**Менглар, Menglar** (◊., *ўз.*) – *қар. Минглар.*

**Менгли, Mengli** (*ўз.*) – холли, хол б-н туғилган бола. Шакллари: *Менглибек, Менглибой.*

**Менглиазиз, Mengliaziz** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган қадрли, бола.

**Менглиазим, Mengliazim** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган, улуғ, муаззам бола.

**Менглиали, Mehgliali** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Менглибанот, Menglibanot** (◊., *ўз.-ар.*) – холли ва ғамхўр, меҳрибон қиз.

**Менглибасир, Menglibasir** (◊., *ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган зийрак, зукко қиз.

**Менглибахт, Menglibaxt** (◊., *ўз.-ар.*) – холли қиз омадли, бахтли бўлсин,

**Менглибаҳор, Menglibahor** (◊., *ўз.-фт.*) – кўклам пайти туғилган холдор қиз.

**Менглибек, Menglibek** (*ўз.*) – беклар наслига мансуб бўлган холли бола ёки холли боланинг жони мустаҳкам (берк) бўлсин.

**Менглибека, Menglibeka** (◊., *ўз.*) – беклар наслига мансуб холли қиз.

**Менглиберди, Mengliberdi** (*ўз.*) – Аллоҳ берган холли ўғил.

**Менглибиби, Menglibibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) – хол б-н туғилган обрўли, иззатли қиз.

**Менгливали, Menglivali** (*ўз.-ар.*) – холли бўлиб туғилган художўй, эъзозли бола. *Қар. Менгли* ва *Вали.*

**Менгливафо, Menglivafo** (*ўз.-ар.*) – холли бўлиб туғилган содиқ бола ёки *қар. Менгли* ва *Вафо.*

**Менгливоҳид, Menglivohid** (*ўз.-ар.*) – Аллоҳнинг холли бўлиб туғилган бандаси ёки *қар. Менгли* ва *Воҳид.*

**Менглигул, Mengligul** (◊., *ўз.-фт.*) – гулдек кўркам, холли қиз.

**Менглидавлат, Menglidavlat** (*ўз.-ар.*) – холдор ўғил улғайиб бойбадавлат бўлсин.

**Менглиёр, Mengliyor** (*ўз.-фт.*) – холли дўст, ҳамдам ёки хол йўлдош бўлиб туғилган бола.

**Менглижамол, Menglijamol** (◊., *ўз.-ар.*) – холли, зебо қиз.

**Менглижаннат, Menglijannat** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менгли* ва *Жаннат.*

**Менглижаҳон, Menglijahon** (◊., *ўз.-фт.*) – холли қизнинг умри узоқ бўлсин.

**Менглижон, Menglijon** (◊., *ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган азиз, суюкли қиз.

**Менглизиё, Mengliziyo** (◊., *ўз.-ар.*) — хол б-н туғилган нурли, яъни саодатманд қиз.

**Менлизода, Menglizoda** (*ўз.-фт.*) — холлилар авлодига мансуб бола.

**Менглимамат, Menglimamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менглимуҳаммад.*

**Менглимат, Menglimat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менглимуҳаммад.*

**Менглимирза, Menglimirza** (*ўз.-фт.*) — холли бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Менглимурод, Menglimurod** (*ўз.-ар.*) — холли бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Менглимуҳаммад, Menglimuhammad** (*ўз.-ар.*) — холли болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Менглиназар, Menglinazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, назари туфайли эришилган холдор бола.

**Менглинафас, Menglinafas** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг қудрати, (нафаси) туфайли эришилган холли бола.

**Менглиниёз, Mengliniyoz** (*ўз.-фт.*) — сўраб, тилаб олинган холдор бола.

**Менглинисо, Mengliniso** (◊., *ўз.-ар.*) — хол б-н туғилган аёл.

**Менглиноз, Menglinoz** (◊., *ўз.-фт.*) — *Менглинозик* ёки *Менглиниёз* (*қар.*) исмларнинг эқ.шакли.

**Менглинозик, Menglinozik** (◊., *ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган мулойим, нозиктаб қиз.

**Менглинор, Menglinor** (◊., *ўз.-фт.*) — қизил хол б-н туғилган қиз.

**Менглинур, Menglinur** (◊., *ўз.-ар.*) — холли қизнинг ҳаёти нурга, яъни бахтга тўлиқ бўлсин.

**Менглиой, Menglioy** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув, холли қиз.

**Менглиойша, Menglioysha** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менгли* ва *Ойша.*

**Менглиомон, Mengliomon** (◊., *ўз.-ар.*) — холли қиз соғу саломат бўлсин.

**Менглипўлат, Menglipo'lat** (*ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган ва пўлатдек мустаҳкам бола.

**Менглирўй, Mengliro'y** (◊., *ўз.-фт.*) — юзида холи бор сулув қиз.

**Менглисайид, Menglisayid** (*ўз.-ар.*) – холли ва бахтли-саодатли бола.

**Менглисаид, Menglisaid** (*ўз.-ар.*) — Саййидлар (Муҳаммад (сав)-нинг авлодлари) наслига мансуб бўлган холли бола.

**Менглисафо, Menglisafo** (*ўз.-ар.*) — холи б-н туғилган ўғил осуда ва фаровон яшасин ёки *қар. Менгли* ва *Сафо*.

**Менглисиҳат, Menglisihat** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган бола соғу саломат бўлсин.

**Менглисора, Menglisora** (◇., *ўз.-қ.яҳ.*) — қизларнинг сараси бўлган холли қиз ёки қар. *Менгли* ва *Сора*.

**Менглисултон, Menglisulton** (◇., *ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган улуғ мартабали қиз.

**Менглисулув, Menglisuluv** (◇., *ўз.*) — холи ўзига ярашган, кўркам қиз.

**Менглитемир, Menglitemir** (◇., *ўз.*) — холи б-н туғилган, жони темирдек мустаҳкам қиз.

**Менглитош, Menglitosh** (◇., *ўз.*) -- хол б-н туғилган, жони тошдек мустаҳкам қиз.

**Менглитурди, Mengliturdi** (*ўз.*) — холдор бола туради, яшайди деб умид қиламиз.

**Менглитурсун, Menglitursun** (*ўз.*) — холли бола ўлмасин, турсин.

**Менглихол, Menglixol** (◇., *ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган бола.

**Менглихон, Menglixon** (◇., *ўз.*) — баланд мартабали, холли қиз.

**Менглихўжа, Menglixo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган холли бола.

**Менглиш, Menglish** (◇., *ўз.*) – "менг" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ.

**Менглишайх, Menglishayx** (*ўз.-ар.*) — шайхлар наслига мансуб бўлган холли бола.

**Менглишо, Menglisho** (*ўз.-фт.*) — холли ўғил улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Менглиэш, Mengliesh** (*ўз.*) – холли бола, ота-онасига (ўзидан олдинги болаларга) йўлдош, ҳамдам бўлиб улғайсин.

**Менглиюз, Mengliyuz** (◇., *ўз.*) — юзида холи бор бола ёки хол б-н туғилган юз уруғига мансуб бола.

**Менглияздон, Mengliyazdon** (*ўз.-муғ.*) – Аллоҳ (Яздон) берган холли бола ёки Аллоҳнинг бахтли бандаси.

**Менглиўроз, Menglio'roz** (*ўз.*) — холи б-н туғилган бахтли бола ёки хосиятли хол б-н туғилган бола.

**Менглиқамар, Mengliqamar** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув холдор қиз.

**Менглиқилич, Mengliqilich** (*ўз.*) — хол б-н туғилган бола қиличдек ўткир, мустаҳкам бўлсин.

**Менглиқора, Mengliqora** (*ўз.*) — холли ва кучли, қудратли бола.

**Менглиқул, Mengliqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг холли бандаси ёки *қар. Менгли* (*Менгли+қул*).

**Менглиқурбон, Mengliqurbon** (*ўз.-ар.*) - қурбон ойида туғилган холли бола.

**Менглиғози, Mengligo‘zi** (*ўз.-ар.*) – диннинг холли жангчиси, ҳимоячиси.

**Менглиҳабиб, Menglihabib** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган содиқ дўст, ўртоқ ёки холли ўғилни *Ҳабиб* (*қар.*), яъни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

**Менглиҳай, Menglihay** (*ўз.-ар.*) – барҳаёт, яшайдиган холли бола ёки холли болани *Ҳай* (*қар.*), яъни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

**Менглиҳайдар, Menglihaydar** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган шер каби кучли, қудратли бола ёки холли болани *Ҳайдар* (*қар.*) яъни Али ўз паноҳида асрасин.

**Менглиҳақ, Menglihaq** (*ўз.-ар.*) – холли болани Ҳақ, яъни (Аллоҳ) ўз паноҳида асрасин.

**Менглиҳоди, Menglihodi** (*ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган болани *Ҳоди* (*қар.*), яъни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

**Менглиҳожар, Menglihojar** ( ◊ ., *қад. яҳ.*) – холли бола улғайиб оламни кезсин. *Қар. Ҳожар.*

**Менглиҳожи, Menglihoji** (*ўз.-ар.*) – холли бола улғайиб зиёратчи, ҳожи бўлсин ёки ҳожилар оиласига мансуб холли бола.

**Менгназар, Mengnazar** (*ўз.-ар.*) – Аллоҳнинг илтифоти, муруввати туфайли эришилган холли бола.

**Менгниёз, Mengniyoz** (*ўз.-фт.*) – сўраб, ўтиниб олинган холли бола.

**Менгнисо, Mengniso** (*ўз.-ар.*) – чиройли хол б-н туғилган қиз.

**Менгнор, Mengnor** (*ўз.-фт.*) – қизил хол б-н туғилган бола.

**Менгнур, Mengnur** ( ◊ ., *ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган қизнинг ҳаёти нурли, бахтга тўла бўлсин.

**Менгойим, Mengoyim** ( ◊ ., *ўз.*) – хол б-н туғилган азиз қиз ёки художўй, тақводор аёл.

**Менгортиқ, Mengortiq** (*ўз.*) – холлари бор бола ёки холи ёки бошқа бирор белгиси бор бола.

**Менгпўлат, Mengpo‘lat** (*ўз.-фт.*) – пўлатдек мустаҳкам холли бола.

**Менгсора, Mengsora** ( ◊ ., *ўз.-қад.яҳ.*) – чиройли холли қиз ёки *қар. Менг* ва *Сора.*

**Менгсултон, Mengsulton** ( ◊ ., *ўз.-ар.*) – хол б-н туғилган баланд мартабали қиз.

**Менгсулув, Mengsuluv** ( ◊ ., *ўз.*) – чиройли холли қиз ёки холи бор зебо қиз.

**Менгтой, Mengtoy** (*ўз.*) – холли ва азиз, суюкли бола.

**Менгтош, Mengtosh** ( ◊ ., *ўз.*) – холли ва тошдек мустаҳкам бола.

**Менгтўра, Mengto‘ra** (*ўз.*) – аслзодалар наслига мансуб холли бола.

**Менгчори, Mengchori** (*ўз.-фт.*) – оиладаги тўртинчи ва холли фарзанд.

**Менгқобил, Mengqobil** (*уз.-ар.*) — холли ва ақлли, одобли, мулойим бола ёки холли ва кучли, қудратли бола.

**Менгқўзи, Mengqo'zi** (*уз.*) — холли ҳамда қадрли, суюкли ўғил.

**Мерган, Mergan** (*муғ.*) — улғайиб уста ўқчи, мерган бўлсин ёки қўнғирот уруғининг мерганча уруғига мансуб бола.

**Мерганбўл, Merganbo'l** (*муғ.-уз.*) — улғайиб яхши ўқ отувчи, мерган бўлсин.

**Мерганкелди, Mergankeldi** (*муғ.-уз.*) — мерган бола туғилди, дунёга келди.

**Мерганмирза, Merganmirza** (*муғ.-фт.*) — *қар. Мерган* ва *Мирза.*

**Мерос, Meros** (*ар.*) — орқада қолган, ота-онадан қолган ёдгорлик.

**Меросиддин, Merosiddin** (◇., *ар.*) — диннинг мероси; давлати, бойлиги.

**Меросхон, Merosxon** (◇., *ар.*) — *қар. Мерос* (*Мерос+хон*).

**Метин, Metin** (*ар.*) — метиндек маҳкам, мустаҳкам, яъни яшайдиган бола. Шакллари: *Метинбой, Метинжон.*

**Метиниддин, Metiniddin** (*ар.*) — динни маҳкам ушловчи; динда қаттиқ турувчи; содиқ художўй.

**Метиной, Metinoy** (◇., *ар.-уз.*) — метиндек мустаҳкам, яшовчи ва ойдек сулув қиз.

**Меърож, Me'roj** (*ар.*) — Муҳаммад пайғамбар Арши аълога кўтарилган кечаси (куни) туғилган бола.

**Меърожхон, Me'rojxon** (◇., *ар.*) — *қар. Меърож* (*Меърож+хон*).

**Меҳинбону, Mehinbonу** (◇., *фт.*) — юксак мартабали қиз ёки *қар. Маҳинбону.*

**Меҳмон, Mehmon** (*фт.*) — меҳмон келганда туғилган ёки уйимизга янги меҳмон (фарзанд) келди. Шакллари: *Меҳмонбек, Меҳмонжон, Меҳмонбой.*

**Меҳмона, Mehmona** (◇., *фт.-ар.*) — қар. *Меҳмон (Меҳмон+а).*

**Меҳмонали, Mehmonali** (*фт.-ар.*) — янги меҳмон бўлиб келган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Меҳмонбек, Mehmonbek** (*фт.-уз.*) — қар. *Меҳмон (Меҳмон+бек).*

**Меҳмонгул, Mehmongul** (◇., *фт.*) — меҳмон бўлиб келган гулдек сулув қиз.

**Меҳмондор, Mehmondor** (*фт.*) — меҳмондўст, меҳмонсевар; сахий, мард.

**Меҳмонкелди, Mehmonkeldi** (*фт.-уз.*) — меҳмон келганда туғилган ёки уйимизга янги меҳмон (фарзанд) келди.

**Меҳмонмурод, Mehmonmurod** (*фт.-ар*) — меҳмон келганда туғилган ёки янги меҳмон бўлиб келган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Меҳмоной, Mehmonoy** (◇., *фт.-уз.*) — меҳмон келганда туғилган ёки оилага меҳмон бўлиб келган ойдек сулув қиз.

**Меҳмонтой, Mehmontoy** (*фт.-ўз.*) — меҳмон келганда туғилган ёки меҳмон бўлиб келган қадрли, суюкли бола.

**Меҳмонтўра, Mehmonto'ra** (*ар.-ўз.*) — меҳмон келганда туғилган ёки меҳмон бўлиб келган бола улғайиб тўралардек йигит бўлсин.

**Меҳмонхон, Mehmonxon** (◇., *фт.*) — меҳмон бўлиб келган обрўли, эъзозли қиз.

**Меҳмонхўжа, Mehmonxo'ja** (*фт.*) — меҳмон келганда туғилган хўжалар наслига мансуб бола.

**Меҳмонча, Mehmoncha** (◇., *фт.*) — меҳмон бўлиб келган жажжи, кенжа қиз.

**Меҳмонқўзи, Mehmonqo'zi** (*фт.-ўз.*) — меҳмон келганда туғилган, суюкли эрка ўғил.

**Меҳнат, Mehnat** (*ар.*) — меҳнаткаш бола бўлсин.

**Меҳрали, Mehrali** (*фт.-ар.*) — Алининг муруввати, илтифоти ёки меҳр ойида (шамсия йилининг 7 ойида) туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Меҳран, Mehran** (◇., *фт.*) — суюкли, қадрли, азиз, ёҳуд қуёш парчаси ёки *қар. Меҳрангиз.*

**Меҳрангиз, Mehrangiz** (◇., *фт.*) — суюкли, азиз; ёқимтой.

**Меҳрбон, Mehrbon** (◇., *фт.*) — *қар. Меҳрибон.*

**Меҳрбону, Mehrbony** (◇., *фт.*) — *қар. Меҳрибону.*

**Меҳрбор, Mehrbor** (*фт.*) — меҳрибон, раҳмдил.

**Меҳрвафо, Mehrvafo** (◇., *фт.-ар.*) — меҳрибон, ғамхўр ҳамда вафодор, ўз аҳдида турувчи.

**Меҳри, Mehri** (◇., *фт.*) — Меҳринисо исмининг қисқарган шакли. Шакллари: *Меҳригул, Меҳрижон, Меҳрихон.*

**Меҳриали, Mehriali** (*фт.-ар.*) — Алининг муруввати, илтифоти туфайли эришилган бола.

**Меҳрибек, Mehribek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслига мансуб меҳрибон, ғамхўр бола.

**Меҳрибон, Mehribon** (*фт.*) — ғамхўр, жонкуяр, мушфиқ, илтифотли.

**Меҳрибону, Mehribonu** (◇., *фт.*) — қуёшга ўхшаш, қуёшга қиёс қилгулик.

**Меҳригул, Mehrigul** (◇., *фт.*) — гулдек чиройли ва раҳмдил меҳрибон қиз.

**Меҳригўзал, Mehrigo'zal** (◇., *фт.-ўз.*) — меҳрли, меҳрибон ва сулув, зебо қиз.

**Меҳрдил, Mehrdil** (◇., *фт.*) — меҳрибон, ғамхўр, қайғирувчан.

**Меҳрдод, Mehrdod** (◇., *фт.*) — қуёшнинг эҳсони, муруввати, қуёш бахш этган бола. *Сол. Меҳрдохт.*

**Меҳрдохт, Mehrdoxt** (◇., *фт.*) — қуёш қизи, қуёш фарзанди.

**Меҳржон, Mehrjon** (◇., *фт.*) — меҳрли, муруvvатли, ҳимматли ёки Меҳржон (куз фаслининг ўртаси)да туғилган қиз.

**Меҳрзод, Mehrzod** (◊., *фт.*) — қуёшдан туғилган, қуёш фарзанди.

**Меҳриддин, Mehriddin** (*ар.*) — диннинг меҳри, шафқати, дин нури, диннинг қуёши, мурувват, шафқати туфайли эришилган бола.

**Меҳриёна, Mehriyona** (◊., *фт.*) — меҳрли, мурувватли ва меҳрижон ойида (кузнинг ўрталарида) туғилган қиз.

**Меҳриёр, Mehriyor** (◊., *фт.*) — қуёшнинг туҳфаси, инъоми.

**Меҳрижамол, Mehrijamol** (◊., *фт.-ар.*) — меҳрибон ва соҳибжамол қиз.

**Меҳризода, Mehrizoda** (◊., *фт.*) — қуёш қизи, қуёш фарзанди.

**Меҳрикамол, Mehrikamol** (◊., *фт.-ар.*) — меҳрибонлик ва ғамхўрликда, камолотга эришган, ўта олижаноб қиз.

**Меҳринигор, Mehrinigor** (◊., *фт.*) — қуёшдек кўркам; нурли, саодатли.

**Меҳринисо, Mehriniso** (◊., *фт.-ар.*) — аёлларнинг қуёши ёки аёлларнинг энг меҳрибони, шафқатлиси. Бу исм ўтмишда олинасаб авлодларга мансуб аёлларнинг ўзига хос унвони бўлган.

**Меҳрирўй, Mehriro'y** (◊., *фт.*) — жозибали, ёқимтой.

**Меҳрисулув, Mehrisuluv** (◊., *фт.-ўз.*) — меҳрибон, мурувватли ва гўзал қиз.

**Меҳрисултон, Mehrisulton** (◊., *фт.-ар.*) — меҳрибон, ғамхўр ва баланд мартабали қиз ёки энг меҳрибон, шафқатли аёллар сардори ёхуд тенгсиз меҳр, мурувват соҳиби.

**Меҳрия, Mehriya** (◊., *фт.*) — меҳр-мурувват соҳиби.

**Меҳрнисо, Mehrniso** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Меҳринисо.*

**Меҳрноз, Mehrnoz** (◊., *фт.*) — қуёш жилвасидек жозибали, кўркам қиз.

**Меҳрнок, Mehrnok** (◊., *фт.*) — қадрлашни, меҳрибонлик қилишни билувчи.

**Меҳрнўш, Mehrno'sh** (◊., *фт.*) — ҳаёт суви, обиҳаёт; гул шираси.

**Меҳроб, Mehrob** (*ар.*) — қуёш нури, ёғду, шуъла; мачит меҳроби .

**Меҳроба, Mehroba** (◊., *ар.*) — *қар. Меҳроб.*

**Меҳрож, Mehroj** (*ҳинд.*) — юксак, улуғ мартаба соҳиби.

**Меҳрон, Mehron** (*фт.*) — қуёшнинг эҳсони, туҳфаси; нурли, бахтли.

**Меҳтар, Mehtar** (*фт.*) — улуғ, катта; бошлиқ, раҳбар ёки отбоқар (ўтмишдаги махсус мансаб номи) ёки ўтмишда Бухоро хонлигида мусулмонлардан солиқ (закот) олувчи мансабдорнинг номидан.

**Миад //Миъад //Меод, Miad** (*ар.*) — ваъдалашган жой, ваъдагоҳ; висол, мулоқот ёки эришилган орзу.

**Мидҳад //Мидҳат, Midhad** (*ар.*) — айнан: мадор; мақтовга сазовор, олқишга арзийдиган.

**Миён, Miyon** (*фт.*) — ўртанча бола ёки белбоғ, камар; мадад, қувват, суянч.

**Мижжа, Mijja** (◊., *фт.*) — киприкдек, кўз қорасидек азиз, қадрли; кўзимизнинг оқу қораси.

**Мизон //Мезон, Mizon** (*ар.*) — шамсия йилининг мизон ойида (22 сентябрь — 21 октябрь) туғилган бола.

**Мизроб, Мизробжон, Mizrob** (*фт.*) — мусиқа асбоби; танбур чертиладиган нохурнак, тирноқ (медиатор). Эҳт: *Музроб* (*қар.*)

**Мизробхон, Mizrobxon** (◊., *фт.*) — *қар. Мизроб (Мизроб+хон).*

**Мизробшоҳ, Mizrobshoh** (*ўз.-фт.*) — *қар. Мизроб* ва *Шоҳ.*

**Мина, Mina** (*фт.*) — ширин, шакар, ёқимтой бола ёки гўзал, безанган.

**Мингали, Mingali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менгали* ёки минг қабиласига мансуб ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Мингбека, Mingbeka** (◊., *ўз.*) — холли бўлиб туғилган, улуғ мартабали қиз ёки *қар. Менгбека.*

**Мингали, Mingali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менгали* ёки минг қабиласига мансуб ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Мингбой, Mingboy** (*ўз.*) — ҳадсиз бойлик эгаси, бой-бадавлат ёки минг қабиласига мансуб бола. Эҳт: *Менгбой (қар.)*

**Мингазим, Mingazim** (*ўз.-ар.*) — катта холли қиз ёки *Азим (қар)*, яъни Аллоҳ берган холли бола. *Қар. Минг* ва *Азим.*

**Мингбону, Mingbonu** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Менгбону.*

**Мингбуви, Mingbuvi** (◊., *ўз.*) — *қар. Менгбуви.*

**Мингбўлсин, Mingbo'lsin** (*ўз.*) — ҳадсиз бойликлар эгаси, бадавлат бўлсин.

**Мингбўта, Mingbo'ta** (*ўз.*) — *қар. Менгбўта.*

**Мингдона, Mingdona** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Менгдоно.*

**Мингжамол, Mingjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менгжамол.*

**Мингжасар, Mingjasar** (*ўз.*) — умри узоқ бола.

**Мингжаҳон, Mingjahon** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Менгжаҳон.*

**Мингжигит, Mingjigit** (*ўз.*) — бой-бадавлат, беҳад бойликлар эгаси ёки минг қабиласи фарзанди.

**Мингзиёд, Mingziyod** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менгзиёд.*

**Мингзиёда, Mingziyoda** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менгзиёда.*

**Мингйигит, Mingyigit** (*ўз.*) — бой-бадавлат, беҳад бойликлар эгаси ёки минг қабиласи фарзанди.

**Минглар, Minglar** (*ўз.*) — минг (минглар) қабиласи (уруғи)га мансуб бола.

**Мингназар, Mingnazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менгназар.*

**Мингнор, Mingnor** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менгнор.*

**Мингойим, Mingoyim** (◊., *ўз.*) — *қар. Менгойим.*

**Мингортиқ, Mingortiq** (*ўз.*) — *қар. Менгортиқ.*

**Мингпўлат, Mingpo'lat** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менгпўлат.*

**Мингсултон, Mingsulton** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Менгсултон.*

**Мингсулув, Mingsuluv** (◊., *ўз.*) — *қар. Менгсулув.*

**Мингтилла, Mingtilla** (*ўз.-фт.*) — *қар. Минг* ва *Тилла.*

**Мингтой, Mingtoy** (*ўз.*) — *қар. Менгтой* ёки минг қабиласига мансуб қадрли, эрка ўғил.

**Мингтош, Mingtosh** (*ўз.*) — *қар. Менгтош.*

**Мингтўра, Mingto'ra** (*ўз.*) — *қар. Менгтўра* ёки минг қабиласига мансуб баланд мартабали, аслзода бола.

**Мингқобил, Mingqobil** (*ўз.-ар.*) — *қар. Менгқобил* ёки минг қабиласига мансуб ёввош, мўмин-қобил бола.

**Мингқул, Mingqul** (*ўз.*) — *қар. Менг* (*Менг+қул*) ёки минг қабиласига мансуб бола.

**Мингқўзи, Mingqo'zi** (*ўз.*) — бой-бадавлат, беҳисоб бойликлар эгаси ёки *қар. Менгқўзи.*

**Миннар, Minnar** (◊., *ар.*) — Аллоҳдан ёлвориб, ўтиниб олинган бола.

**Миннат, Minnat** (*ар.*) — яхшилик, инъом, эҳсон.

**Мино, Mino** (*фт.*) — кўкранг, нилранг; баланд минора, юксаклик, улуғлик.

**Минобиддин, Minobiddin** (*ар.*) — диннинг раҳбари, дин оқсоқоли.

**Минож, Миножбой,** (*ар.*) — *Минҳожиддин* (*қар.*) исмининг эқ.

**Минор, Минорбой, Minor** (*ар.*) — мартабаси минордек юксак ва умри мустаҳкам бўлсин.

**Минора, Minora** (◊., *ар.*) — *қар. Минор* (*Минор+а*).

**Минхўжа, Minxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Менгхўжа* ёки *Мингхўжа.*

**Минҳожи, Minhoji** (*ар.*) — *қар. Минҳожиддин* (*қар.*)

**Минҳожиддин, Minhojiddin** (*ар.*) — диннинг кенг, нурли йўли.

**Мир, Mir** (*ар.*) — "амир" сўзининг қисқарган шакли. Маъноси раис, сайид, бошлиқ. "Мир" сўзи халифа Алининг авлодларидан бўлган саркардаларнинг фахрий унвони бўлган.

**Мира, Mira** (◊., *ар.*) — улуғ; ҳожа, бузург ёки рус: Мир+а-тинчлик, осойишталик.

**Мираббос, Mirabbos** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Аббос.*

**Мирабдулла, Mirabdulla** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Абдулла.*

**Мираброр, Mirabror** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Аброр.*

**Мирадл, Miradl** (*ар.*) — адолатли, ҳақгўй, адолат посбони.

**Миразиз, Miraziz** (*ар.*) — қадрли, эъзозли, амир ёки *қар. Мир* ва *Азиз.*

**Миразим, Mirazim** (*ар.*) — улуғ, қудратли, амир ёки қар. *Мир* ва *Азим.*

**Мирайюб, Mirayyub** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Айюб.*

**Мирак, Mirak** (*фт.*) — Мир (Амир) исмининг эқ.

**Миракбар, Mirakbar** (*ар.*) — улуғ амир ёки *қар. Мир* ва *Акбар.*

**Миракмал, Mirakmal** (*ар.*) — мукаммал, баркамол амир ёки *қар. Мир* ва *Акмал.*

**Миракрам, Mirakram** (*ар.*) — сахий, саховатли амир ёки *қар. Мир* ва *Акрам.*

**Мирали, Mirali** (*ар.*) – олий мартабали ҳоким ёки Али мусулмонларнинг саркори, бошлиғидир.

**Миралим, Miralim** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Алим.*

**Миралишер, Miralisher** (*фт.-ар.*) — Амир Алишер (Алишер Навоий) шарафига қўйилган исм.

**Мирамин, Miramin** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Амин.*

**Миран //Мирон, Miran** (*ар.*) — амирлар бошлиғи. яъни шоҳ. хон.

**Миранвар, Miranbar** (*ўз.-ар.*) — нурли, равшан, яъни саодатли, бахтли амир.

**Мирарслон, Mirarslon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мир* ва *Арслон* ёки баланд, улуғ мартабали ва арслондек довюрак бўлсин.

**Мирасил, Mirasil** (*ар.*) — амирларнинг энг аълоси. яхшиси.

**Мирасрор, Mirasror** (*ар.*) — *қар. Мир* (Амир) ва *Асрор.*

**Мирафзал, Mirafzal** (*ар.*) — амирларни энг яхшиси, аълоси.

**Мирашур, Mirashur** (*ар.*) — ашур ойида (муҳаррам ойи-қамарий йил ҳисобининг биринчи ойи) туғилган баланд мартабали бола.

**Мираъзам, Mira'zam** (*ар.*) — *қар. Мир* (Амир) ва *Аъзам.*

**Мираҳмад, Mirahmad** (*ар.*) — баланд мартабали ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Мираҳрор, Mirahror** (*ар.*) — *қар. Мир* (Амир) ва *Аҳрор.*

**Мирбадал, Mirbadal** (*ар.*) — олдинги вафот этган фарзандлар ўрнига берилган юксак мартабали бола.

**Марбарот, Mirbarot** (*ар.*) — қамарий йил ҳисобида саккизинчи ой (шаъбон) да туғилган баланд мартабали бола.

**Мирбаттол, Mirbattol** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Баттол.*

**Мирбашар, Mirbashar** (*ар.*) — кишиларнинг (инсониятнинг) раҳбари, сардори.

**Мирбашир, Mirbashir** (*ар.*) — яхши, хосиятли дараклар келтирувчи, юксак мартабали бола.

**Мирбақо, Mirbaqo** (*ар.*) — юксак мартабали боланинг умри узоқ бўлсин.

**Мирбаҳор, Mirbahor** (*ар.-фт.*) — кўкламда туғилган, олий мартабали бола.

**Мирбаҳром, Mirbahrom** (*ар.-фт.*) — юксак мартабали ўғил Баҳромдек жасур. довюрак бўлсин ёки толеи Миррих сайёрасидек юксак бўлсин.

**Мирбобо, Mirbobo** (*ар.-ўз.*) — бобосининг исми берилган юксак мартабали бола.

**Мирбозор, Mirbozor** (*ар.-фт.*) — бозор куни туғилган юксак мартабали бола.

**Мирболта, Mirbolta** (*ар.-ўт.*) — баланд мартабали ва болтадек мустаҳкам.

**Мирбону, Mirbonu** (◊., *ар.-фт.*) — баланд мартабали, аслзода, оқсуяк аёл.

**Мирботир, Mirbotir** (*ар.-ўз.*) — баланд мартабали ва жасур, довюрак бола.

**Мирбоқи, Mirboqi** (*ар.*) — баланд мартабали ўғилнинг умри узоқ, боқий бўлсин.

**Мирбува, Mirbuva** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мир* (*Амир*) ва *Бува.*

**Мирбўта, Mirbo'ta** (*ар.-ўз.*) — суюкли, эрка ўғил баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Мирвали, Mirvali** (*ар.*) — *қар. Мир* (*Амир*) ва *Вали.*

**Мирвафо, Mirvabo** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Вафо.*

**Мирваққос, Mirvaqqos** (*ар.*) — *қар. Мир* (Амир) ва *Ваққос.*

**Мирваҳҳоб, Mirvahhob** (*ар.*) — *қар. Мир (Амир)* ва *Ваҳҳоб.*

**Мирвосил, Mirvosil** (*ар.*) — *қар. Мир* (*Амир*) ва *Восил.*

**Мирвосиқ, Mirvosiq** (*ар.*) — *қар. Мир* (*Амир*) ва *Восиқ.*

**Мирвоҳид, Mirvohid** (*ар.*) — *қар. Мир* (*Амир*) ва *Воҳид.*

**Мирдавлат, Mirdavlat** (*ар.*) — баланд мартабали ва давлатманд бўлсин.

**Мирдада, Mirdada** (*ар.-ўз.*) — дадасининг исми берилган бола юксак мартаба эгаси бўлсин.

**Мирдас, Mirdas** (*ар.-ўз.*) — баланд мартабали ва тошдек мустаҳкам.

**Мирдовуд, Mirdovud** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Довуд.*

**Мирёқуб, Miryoqub** (*ар.-қад. яҳ.*) — *қар. Мир* (*Амир*) ва *Ёқуб.*

**Миржавод, Mirjavod** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда сахий, мурувватли.

**Миржалил, Mirjalil** (*ар.*) — обрўли, мукаммал ўғил ёки *қар. Мир* ва *Жалил.*

**Миржалол, Mirjalol** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда шону-шуҳратли.

**Миржамол, Mirjamol** (*ар.*) — баланд мартабали ва гўзал, чиройли.

**Миржаҳон, Mirjaxon** (*ар.-фт.*) — оламнинг ҳокими, амири.

**Миржон, Mirjon** (*ар.-фт.*) — баланд мартабали, қадрли, суюкли бола.

**Миржўра, Mirjo'ra** (*ар.-фт.*) — баланд мартабали ўғил ака-опаларига ўртоқ, эш бўлиб улғайсин.

**Мирза, Mirza** (*фт.*) — улғайиб ўқимишли, саводхон йигит бўлсин. Шакллари: *Мирзабек, Мирзабой, Мирзажон, Мирзахон.*

**Мирзаабдал, Mirzaabdal** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Абдал.*

**Мирзаазиз, Mirzaaziz** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Азиз.*

**Мирзаакбар, Mirzaakbar** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Акбар.*

**Мирзаакрам, Mirzaakram** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Акрам.*

**Мирзаали, Mirzaali** (*фт.-ар.*) — ўқимишли йигит бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин ёки *қар. Мирза* ва *Али.*

**Мирзааълам, Mirzaa'lam** (*фт -ар.*) — ўқимишли ва билимдон, олим йигит бўлсин.

**Мирзааҳрор, Mirzaahror** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Аҳрор.*

**Мирзаамин, Mirzaamin** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Амин.*

**Мирзааҳмад, Mirzaahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Аҳмад.*

**Мирзабадал, Mirzabadal** (*фт.-ар.*) — турмаган болалар эвазига берилган ўғил соғ улғайиб ўқимишли, мирзалардек йигит бўлсин.

**Мирзабағир, Mirzabag'ir** (*фт.-ўз.*) — қадрли, азиз, суюкли ўғил улғайиб мирзалардек йигит бўлсин.

**Мирзабаҳром, Mirzabahrom** (*фт.*) — ўқимишли, саводхон ҳамда *Баҳром* (*қар.*)дек довюрак йигит бўлсин ёки толеи Миррайх-Баҳром сайёрасидек юксак бўлсин.

**Мирзабек, Mirzabek** (*фт.-ўз.*) — саводхон, ўқимишли ва баланд мартабали ёки беклар наслига мансуб ўқимишли бола.

**Мирзаберди, Mirzaberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ўқимишли, билимдон ўғил ато қилди.

**Мирзабобо, Mirzabobo** (*фт.*) — бобосининг исми берилган бола ўқимишли (мирза) йигит бўлсин.

**Мирзабува, Mirzabuva** (*фт.-ўз.*) — бува (бобо)сининг исми берилган ўқимишли билимдон бола.

**Мирзавали, Mirzavali** (*фт.-ар.*) — *Мирза* ва *Вали.*

**Мирзавоҳид, Mirzavohid** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Воҳид.*

**Мирзадавлат, Mirzadavlat** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва давлатманд бўлсин.

**Мирзаёр, Mirzayor** (*фт.*) — баланд мартабали, аслзода дўст, ҳамдам.

**Мирзаёқуб, Mirzayaqub** (*фт.-қад. яҳ.*) — *қар. Мирза* ва *Ёқуб.*

**Мирзажамол, Mirzajamol** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва гўзал (зебо) йигит бўлсин.

**Мирзажон, Mirzajon** (*фт.*) — *қар. Мирза* (*Мирза+жон*).

**Мирзайўлдош, Mirzayo'ldosh** (*фт.-ўз.*) — отасига (ака-опаларига) эргашиб, эш бўлиб юрсин ва ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мирзакамол, Mirzakamol** (*фт.-ар.*) — ўқимишли ва комил бола.

**Мирзакарим, Mirzakarim** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Карим.*

**Мирзакелди, Mirzakeldi** (*фт.-ўз.*) — билимли, доно ўғил туғилди.

**Мирзаколон, Mirzakolon** (*фт.*) — ўқимишли, билимдонларнинг улуғи ёки оиладаги бош бола.

**Мирзакомил, Mirzakomil** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Комил.*

**Мирзали, Mirzali** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирзаали.*

**Мирзамақсуд, Mirzamaqsud** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Мақсуд.*

**Мирзамаҳмуд, Mirzamahmud** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Маҳмуд.*

**Мирзамиддин, Mirzamiddin** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, саводхон; дин ихлосманди, дин илми, шариат билимдони.

**Мирзамир, Mirzamir** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Амир.*

**Мирзамурод, Mirzamurod** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва мурод-мақсадли бола.

**Мирзамуҳаммад, Mirzamuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Муҳаммад.*

**Мирзанаби, Mirzanabi** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Муҳаммад.*

**Мирзаназар, Mirzanazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти (назари) туфайли эришилган ўғил улғайиб ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мирзанақиб, Mirzanaqib** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ҳамда йўлбошчи, саркор бўлсин ёки билимдонлар саркори.

**Мирзанеъмат, Mirzane'mat** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва ризқу рўзли бола.

**Мирзаниёз, Mirzaniyoz** (*фт.*) — ўгиниб, илтифотлар қилиб, эришилган ўғил билимли, маърифатли бўлсин.

**Мирзанодир, Mirzanodir** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Нодир.*

**Мирзанозим, Mirzanozim** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Нозим.*

**Мирзанор, Mirzanor** (*фт.-ар.*) — қизил холли бола ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мирзанур, Mirzanur** (*фт.*) — ўқимишли, билимдон ҳамда бахтли бола.

**Мирзаобид, Mirzaobid** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Обид.*

**Мирзаодил, Mirzaodil** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва тўғри, ҳақгўй бола.

**Мирзаой, Mirzaoy** (◇., *фт.-ўз.*) — ўқимишли, билимли ҳамда ойдек, сулув қиз ёки аслзодалар авлодига мансуб, баланд мартабали қиз.

**Мирзаойим, Mirzaoyim** (◇., *фт.-ўз.*) — ўқимишли, ҳурматли, эътиборли қиз ёки аслзодалар наслига мансуб қиз.

**Мирзаолим, Mirzaolim** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон йигит бўлсин.

**Мирзапўлат, Mirzapo'lat** (*фт.*) — ўқимишли, билимдон ва пўлатдек мустаҳкам.

**Мирзарасул, Mirzarasul** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғилни Расул (сав) (пайғамбар) ўз паноҳида асрасин.

**Мирзараҳим, Mirzarahim** (*фт.-ар.*) — ўқимишли билимдон ҳамда меҳру шафқатли, мурувватли ўғил, ёки ўқимишли, билимдон ўғилни *Раҳим* (*қар.*), яъни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

**Мирзараҳмат, Mirzarahmat** (*фт.-ар.*) — ўқимишли ва меҳру шафқатли бола ёки қар. *Мирза* ва *Раҳим.*

**Мирзараҳмон, Mirzarahmon** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Раҳмон.*

**Мирзасаид, Mirzasaid** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон бола, бахтли бўлсин.

**Мирзасалим, Mirzasalim** (*фт.-ар.*) — ўқимишли бола хавф-хатардан холи ва соғлом ўссин.

**Мирзасоат, Mirzasoat** (*фт.-ар.*) — қутлуғ, бахтли дақиқада туғилган бола улғайиб ўқимишли, билимли йигит бўлсин.

**Мирзасобир, Mirzasobir** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимли ҳамда сабрли, тоқатли бола ёки *қар. Мирза* ва *Собир.*

**Мирзасолиҳ, Mirzasolih** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимли ҳамда эзгу ишлар қилувчи бола.

**Мирзасоҳиб, Mirzasohib** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғил баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирзатбой, Mirzatboy** (*фт.-ар.*) — *Мирзатоҳир, Мирзатилла, Мирзатолиб* каби исмларнинг қисқарган шакли.

**Мирзатилла, Mirzatilla** (*фт.*) — ўқимишли, доно ва қадрли, қимматли бола.

**Мирзатой, Mirzatoy** (*фт.-ўз.*) — билимдон ҳамда суюкли, эрка бола.

**Мирзатолиб, Mirzatolib** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Толиб.*

**Мирзатош, Mirzatosh** (*фт.-ўз.*) — билимдон, доно ва тошдек мустаҳкам.

**Мирзатоҳир, Mirzatohir** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, доно ва покиза ўғил ёки *қар. Мирза* ва *Тоҳир.*

**Мирзаулуғ, Mirzaulug'** (*фт.-ўз.*) — билимдон ва эъзозли, мўътабар бола ёки оиладаги бош фарзанд улғайиб ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мирзаумар, Mirzaumar** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Умар.*

**Мирзаумид, Mirzaumid** (*фт.-ар.*) — орзу қилиб, орзиқиб юриб эришилган ўқимишли, билимдон бола.

**Мирзафайёз, Mirzafayyoz** (*фт.-ар.*) — билимдон ҳамда сахий, саховатли бола.

**Мирзафозил, Mirzafozil** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, доно ва муносиб, фахрланиб юришга арзийдиган бола ёки билимдон, олимларнинг саркори.

**Мирзафотиҳ, Mirzafotih** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Фотиҳ.*

**Мирзахалил, Mirzaxalil** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Халил.*

**Мирзахол, Mirzaxol** (*фт.*) — холи билан туғилган ўқимишли, билимдон ўғил.

**Мирзахолиқ, Mirzaxoliq** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Холиқ.*

**Мирзахолмат, Mirzaxolmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Холмат.*

**Мирзахон, Mirzaxon** (*фт.-ўз.*) — *қар. Мирза* (*Мирза+хон*).

**Мирзахўжа, Mirzaxo'ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган билимли, саводхон бола.

**Мирзашамол, Mirzashamol** (*фт.-ўз.*) — қаттиқ бўрон (шамол) пайти туғилган бадавлат, билимдон бола ёки Мирзашамхол (шамхол-қадимги пилта милтиқ). Сол.: *Милтиқбой.*

**Мирзашамси, Mirzashamsi** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Шамси.*

**Мирзашариф, Mirzasharif** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, доно ҳамда меҳру мурувватли, олижаноб бола.

**Мирзаширин, Mirzashirin** (*фт.*) — *қар. Мирза* ва *Ширин.*

**Мирзашо, Mirzasho** (*фт.*) — ўқимишли ва улуғ мартаба эгаси.

**Мирзаюнус, Mirzayunus** (*фт.-қад. яҳ.*) — *қар. Мирза* ва *Юнус.*

**Мирзаюсуф, Mirzayusuf** (*фт.-қад. яҳ.*) — *қар. Мирза* ва *Юсуф.*

**Мирзаяъқуб, Mirzaya'qub** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Мирза* ва *Ёқуб.*

**Мирзақамбар, Mirzaqambar** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Қамбар.*

**Мирзақанд, Mirzaqand** (*фт.*) — *қар. Мирзақанд.*

**Мирзақиз, Mirzaqiz** (*фт.-ўз*) — ўқимишли, билимдон қиз ёки мирзолар авлодига мансуб қиз.

**Мирзақобил, Mirzaqobil** (*фт.-ар*) — ўқимишли, доно ва қудратли бола.

**Мирзақодир, Mirzaqodir** (*фт.-ар*) — *қар. Мирза* ва *Қодир.*

**Мирзақосим, Mirzaqosim** (*фт.-ар*) — *қар. Мирза* ва *Қосим.*

**Мирзақул, Mirzaqul** (*фт.-ўз*) — *қар. Мирза* (Мирза+қул).

**Мирзақўзи, Mirzaqo'zi** (*фт.-ўз*) — суюкли, эрка ўғил ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мирзағани, Mirzag'ani** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ҳамда бой-бадавлат бўлсин.

**Мирзағулом, Mirzag'ulom** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Ғулом.*

**Мирзаҳабиб, Mirzahabib** (*фт.-ар.*) — *қар. Мирза* ва *Ҳабиб* ёки ўқимишли ва суякли дўст, ўртоқ.

**Мирзаҳайдар, Mirzahaydar** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва шердек довюрак бўлсин ёки ўқимишли, билимдон ўғилни Ҳайдар (Али) ўз паноҳида асрасин.

**Мирзаҳаким, Mirzahakim** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғилни *Ҳаким (қар.)*, яъни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин. Сол.: *Абдуҳаким.*

**Мирзаҳамдам, Mirzahamdam** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғил отасига яқин эш, ўртоқ бўлиб ўссин.

**Мирзаҳамид, Mirzahamid** (*фт.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва олқишга сазовор инсон бўлсин ёки билимдон болани *Ҳамид (қар.)* — Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

**Мирзаҳамро, Mirzahamro** (*фт.-ар.*) — ўқимишли билимдон ўғил отасига эш, йўлдош бўлиб ўссин.

**Мирзаҳаниф, Mirzahanif** (*фт.-ар.*) — ўқимишли ҳамда очиқ кўнгилли, адолатли, одил ўғил.

**Мирзаҳасан, Mirzahasan** (*фт.-ар.*) — билимли, ўқимишли, ҳамда меҳрибон ва гўзал ўғил.

**Мирзаҳусан, Mirzahusan** (*фт.-ар.*) — билимли ва меҳру мурувватли, яхши инсон бўлсин.

**Мирзиё, Mirziyo** (*ар.*) — улуғ мартабали ўғилнинг умри нурга (бахтга) тўла бўлсин.

**Мирзиёд, Mirziyod** (*ар.*) — юксак, мартабали ўғилнинг умри зиёда, кўркам бўлсин ёки баданида бирор ортиқча белги (нишона) си бор бола улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирзода, Mirzoda** (*фт.*) — айнан: амирнинг ўғли, фарзанди; аслзодалар наслига мансуб бола.

**Мирзоид, Mirzoid** (*ар.*) — болаларимиз сафига қўшилган ўғил билимдон бўлсин. Эҳт. *Мирзоҳид (қар.)*

**Мирзоир, Mirzoir** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Зоҳир.*

**Мирзокир, Mirzokir** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Зокир.*

**Мирзоҳид, Mirzohid** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Зоҳид.*

**Мирзоҳиддин, Mirzohiddin** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Зоҳиддин.*

**Мирилёс, Mirilyos** (*ар.қад.яҳ.*) — *қар. Мир* (Амир) ва *Илёс.*

**Мирислом, Mirislom** (*ар.*) — ислом, шариатнинг юксак мартабали фарзанди.

**Мирисман, Mirisman** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Исман.*

**Мирисҳоқ, Mirishoq** (*ар.қад.яҳ*) — *қар. Мир* ва *Исҳоқ.*

**Мирйўлдош, Miryo'ldosh** (*ар.-ўз.*) — ота-онасига йўлдош, эш бўлиб юрсин ва юксак мартабали бўлсин.

**Миркамол, Mirkamol** (*ар.*) — юксак мартабали бўлиб, улғайсин, камолотга эришсин.

**Миркарим, Mirkarim** (*ар.*) — *қар. Мирзакарим.*

**Миркелди, Mirkeldi** (*ар.-ўз*) — юксак мартабали, обрўли ўғил туғилди (келди).

**Мирколон, Mirkolon** (*ар.-фт.*) — *Мир* ва *Калон.*

**Миркомил, Mirkomil** (*ар.*) — юксак мартабали ўғил баркамол бўлсин.

**Мирмавжуд, Mirmavjyd** (*ар.*) — юксак мартабали ва яшовчи, умри узоқ бола.

**Мирмамад, Mirmamad** (*ар.*) — *қар. Мирмуҳаммад.*

**Мирмат, Mirmat** (*ар.*) — *қар. Мирмуҳаммад.*

**Мирмашриқ, Mirmashriq** (*ар.*) — кун чиқар пайти туғилган ўғил баланд мартабали бўлсин.

**Мирмаъди, Mirma'di** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Маъди.*

**Мирмақсуд, Mirmaqsud** (*ар.*) — орзу қилиб, хоҳлаб олинган ўғил юксак мартабали бўлсин.

**Мирмақсум, Mirmaqsum** (*ар.*) — юксак обрў, мартаба эгаси бўлсин ёки *қар.* Маҳдум.

**Мирмаҳмуд, Mirmahmud** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Маҳмуд.*

**Мирмулла, Mirmulla** (*ар.*) — юксак мартабали ва шариат билимдони бўлсин.

**Мирмурод, Mirmurod** (*ар.*) — мақсадимиз, орзуимиз бўлган бола юксак мартабали бўлсин.

**Мирмусо, Mirmuso** (*ар.-қад.яҳ*) — *Мир* ва *Мусо.*

**Мирмуҳаммад, Mirmuhammad** (*ар.*) — *Мир* ва *Муҳаммад.*

**Мирмуҳсин, Mirmuhsin** (*фт.+ар.*) — юксак мартабали ҳамда мурувватли, саховатли бола.

**Мирмўмин, Mirmo'min** (*ар.*) — юксак мартабали ҳамда художўй, мусулмон бола.

**Мирназар, Mirnazar** (*ар.*) — яратганнинг илтифоти (назари) б-н топилган бола юксак мартабалар соҳиби бўлсин.

**Мирнеъмат, Mirne'mat** (*ар.*) — юксак мартабали ва ризқу-рўзли бўлсин ёки Аллоҳнинг туҳфаси, инъоми бўлмиш ўғил юксак мартабалар соҳиби бўлсин.

**Мирносир, Mirnosir** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Носир* ёки ота-онасининг кўмакчиси, суянчиғи бўлган ўғил юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Мироббой, Миробжон, Mirobboy** (*ар.-фт.+ўз.*) — соғ улғайиб, сувни тақсимловчи, сув қўриқчиси бўлсин.

**Миробид, Mirobid** (*ар.*) — обрўли, мартабали ҳамда художўй, мусулмон бола.

**Миробиддин, Mirobiddin** (*ар.*) — динга ибодат қилувчи, сиғинувчи, художўй.

**Миробод, Mirobod** (*ар.*) — обрўли, мартабали ва турмуши фаровон ва обод бўлсин.

**Миродил, Mirodil** (*ар.*) — юксак мартабали, адолатли инсон бўлсин.

**Мирожиддин//Мерожиддин, Mirojiddin** (*ар.*) — диннинг арши аълоси; диннинг юксаклиги, улуғворлиги.

**Миролим, Mirolim** (*ар.*) — улуғ мартабали, обрўли ва билимдон, олим бўлсин.

**Миролмос, Mirolmos** (*ар.-ўз.*) — обрўли, мартабали ва олмосдек мустаҳкам бўлсин.

**Миромил, Miromil** (*ар.*) — юксак мартабали ва моҳир, омилкор бола.

**Миромон, Miromon** (*ар.*) — юксак мартабали ўғил омон-эсон улғайсин.

**Мирон, Миран, Miron** (*ар.*) — амирларнинг сардори, раҳбари.

**Мироншо, Mironsho** (*ар.-фт.*) — амирлар шоҳи, амирларнинг сардори.

**Мирориф, Mirorif** (*ар.*) — юксак мартабали ўғил улғайиб билимдон бўлсин.

**Мирортиқ, Mirortiq** (*ар.-ўз.*) — баданида ортиқ белгиси (нишони) бор бола улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Миросим, Mirosim** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Осим.*

**Мироқбой, Miroqboy** (*ар.*) — *қар. Мироқил.*

**Мироқил, Miroqil** (*ар.*) — юксак мартабали ва ақлли, фаросатли бола.

**Мирпошша, Mirposhsha** (*ар.-фт.*) — амирларнинг сардори, улуғ мартабалар соҳиби.

**Мирпўлат, Mirpo'lat** (*ар.-фт.*) — улуғ мартабали ва пўлатдек мустаҳкам.

**Мирработи, Mirrabbi** (*ар.-қад.яҳ.*) — улуғ мартабали жаноб; эъзоз ва ҳурмат эгаси.

**Мирражаб, Mirrajab** (*ар.*) — ражаб ойида туғилган, обрўли, мартабали бола.

**Миррасул, Mirrasul** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Расул.*

**Мирраҳим, Mirrahim** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Раҳим.*

**Мирраҳмат, Mirrahmat** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Раҳмат.*

**Мирраҳмон, Mirrahmon** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Раҳмон.*

**Миррозиқ, Mirroziq** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Розиқ.*

**Мирсаид, Mirsaid** (*ар.*) — юксак мартаба эгаси, йўлбошчи ҳамда бахтли бўлсин.

**Мирсаиддин, Mirsaiddin** (*ар.*) — диннинг юксак мартабали, бахтли, саодатманд фарзанди.

**Мирсайёд, Mirsayyod** (*ар.*) — оламни кезувчи юксак мартабали бола.

**Мирсайид, Mirsayid** (*ар.*) — юксак мартабали бошлиқ, сардор ёки сайидлар авлодидан (Муҳаммад ва Али наслидан) бўлган бола.

**Мирсалим, Mirsalim** (*ар.*) — соғу саломат улғайиб юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирсалмон, Mirsalmon** (*фт.+қад.яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Салмон.*

**Мирсалоҳ, Mirsaloh** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Салоҳ, Салоҳиддин.*

**Мирсами, Mirsami** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Сами //Самиъ.*

**Мирсангин, Mirsangin** (*ар.-фт.*) — тошдек мустаҳкам ва улуғ мартаба соҳиби бўлсин.

**Мирсафар, Mirsafar** (*ар.*) — сафар чоғида ёки сафар ойида (қамария йил ҳисобида иккинчи ой) туғилган бола улуғ мансаб эгаси бўлсин.

**Мирсафо, Mirsafo** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Сафо.*

**Мирсаъдий, Mirsa'diy** (*ар.*) — бахтли, омадли ва улуғ мансаб эгаси.

**Мирсаъдулла, Mirsa'dulla** (*ар.*) — *Мир* ва *Саъдулла.*

**Мирсиддиқ, Mirsiddiq** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда ростгўй, тўғри сўз, содиқ, вафодор бола.

**Мирсиҳат, Mirsihat** (*ар.*) — соғу-саломат улғайиб баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирсоат, Mirsoat** (*ар.*) — бахтли фурсат (соат)да туғилган ўғил улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирсобир, Mirsobir** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Собир.*

**Мирсобит, Mirsobit** (*ар.*) — чиройли қоматли, келишган ҳамда баланд мартабали йигит бўлсин.

**Мирсодир, Mirsodir** (*ар.*) — баланд мартабали бошлиқ, йўлбошчи бўлсин.

**Мирсодиқ, Mirsodiq** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Содиқ.*

**Мирсоли, Mirsoli** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Солиҳ.*

**Мирсултон, Mirsulton** (*ар.*) — айнан: султоннинг вазири ёки амирларнинг саркори.

**Миртемир, Mirtemir** (*ар.-ўз.*) — баланд мартабали ва темирдек мустаҳкам.

**Миртилла, Mirtilla** (*ар.-фт.*) — қадрли, қимматли ҳамда юксак мартабали бола.

**Миртожи, Mirtoji** (*ар.-фт.*) — тож (хол) б-н туғилган бола баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Миртолиб, Mirtolib** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Толиб.*

**Миртоҳир, Mirtohir** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Тоҳир.*

**Миртурди, Mirturdi** (*ар.-ўз.*) — умри узоқ бўлиб, баланд мартаба эгаси бўлсин.

**Миртурсун, Mirtursun** (*ар.-ўз.*) — умри узоқ бўлиб, мартабали йигит бўлсин.

**Миртўра, Mirto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мир* ва *Тўра.*

**Мирумар, Mirumar** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Умар.*

**Мирусман, Mirusman** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Усмон.*

**Мирфайёз, Mirfayyoz** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда ўта сахий, жўмард бола.

**Мирфайз, Mirfayz** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда меҳрибон, олижаноб инсон бўлсин.

**Мирфайзи, Mirfayzi** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Файзи.*

**Мирфайзулла, Mirfayzulla** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Файзулла*

**Мирфариз, Mirfariz** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Фариз.*

**Мирфозил, Mirfozil** (*ар.*) — билимдонлар, олимлар сардори.

**Мирфотиҳ, Mirfotih** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Фотиҳ.*

**Мирхалил, Mirxalil** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Халил.*

**Мирхатиф, Mirxatif** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Хатиф.*

**Мирхожа, Mirxoja** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Хожа.*

**Мирхолдор, Mirxoldor** (*ар.-фт.*) — хол б-н туғилган бола юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирхолиқ, Mirxoliq** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Холиқ.*

**Мирхон, Mirxon** (*ар.*) — баланд мартабалар, эҳтиром ва обрўлар эгаси. *Қар. Амирхон.*

**Мирхонд, Mirxond** (*ар.-фт.*) — *қар. Мирхудованд.*

**Мирхудованд, Mirxudovand** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг юксак мартабали бандаси.

**Мирхўжа, Mirxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган баланд мартабали бола.

**Миршаб, Mirshab** (*ар.-фт.*) — амирнинг қўриқчилари, қоровуллари, тунги соқчилар бошлиғи.

**Миршайх, Mirshayx** (*ар.*) — шайхлар наслига мансуб бўлган баланд мартабали бола.

**Миршакар, Mirshakar** (*ар.-фт.*) — овчилар бошлиғи, овга раҳбарлик қилувчи ёки қадрли ва суюкли ўғил улғайиб баланд мартабали бўлсин.

**Миршамси, Mirshamsi** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Шамси.*

**Миршараф, Mirsharaf** (*ар.*) — баланд мартабали ва шону шуҳратларга сазовор.

**Миршариф, Mirsharif** (*ар.*) — соғ улғайиб буюк мартабалар эгаси бўлсин.

**Миршамил, Mirshamil** (*ар.-қад.яҳ.*) — Шамуил //Самуил — Аллоҳ эшитган, Аллоҳ хабар топган, Аллоҳ назар қилган. *Қар. Мир* ва *Шамил.*

**Миршо, Mirsho** (*ар.-фт.*) — амирларнинг раҳбари, саркори, султони.

**Миршоҳид, Mirshohid** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Шоҳид.*

**Миршуҳрат, Mirshuhrat** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда донгдор, шонли-шуҳратли.

**Мирэсон, Mireson** (*ар.-ўз.*) — соғ улғайиб юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирюнус, Miryunus** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Юнус.*

**Мирюсуф, Miryusuf** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Юсуф.*

**Миряъқуб, Miryaʻqub** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Яъқуб.*

**Миряҳё, Miryahyo** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Мир* ва *Яҳё.*

**Мирқайюм, Mirqayyum** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Қайюм.*

**Мирқобил, Mirqobil** (*ар.*) — баланд мартабали ҳамда кучли, ҳар нарсага қобил ёки одобли, мўмин-қобил бола баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Мирқодир, Mirqodir** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Қодир.*

**Мирқосим, Mirqosim** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Қосим.*

**Мирқул, Mirqul** (*ар.-ўз.*) — амирнинг содиқ хизматкори, қули.

**Мирқундуз, Mirqunduz** (*фт.+ўз.*) — *қар. Мир* ва *Қундуз.*

**Мирқурбон, Mirqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган баланд мартабали ўғил.

**Мирқўзи, Mirqoʻzi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мир* ва *Қўзи.*

**Мирғани, Mirgʻani** (*ар.*) — баланд мартабали ва бадавлат бола.

**Мирғиёс, Mirgʻiyos** (*ар.*) — ота-онасига кўмакчи, суянчиқ бола баланд мартабали бўлсин.

**Мирғози, Mirgʻozi** (*ар.*) — диннинг юксак мартабали, ғолиб жангчиси.

**Мирғулом, Mirgʻulom** (*ар.*) — амирнинг содиқ хизматкори, қули.

**Мирҳабиб, Mirhabib** (*ар.*) — баланд мартабали ва барчага суюкли ёки *қар. Мир* ва *Ҳабиб.*

**Мирҳаёт, Mirhayot** (*ар.*) — баланд мартабали ўғилнинг умри узоқ бўлсин.

**Мирҳайдар, Mirhaydar** (*ар.*) — баланд мартабали ва шердек довюрак ёки *қар. Мир* ва *Ҳайдар.*

**Мирҳайит, Mirhayit** (*ар.*) — ҳайит (байрам) куни туғилган баланд мартабали бола.

**Мирҳаким, Mirhakim** (*ар.*) — баланд мартабали донишманд ўғил.

**Мирҳамза, Mirhamza** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳамза.*

**Мирҳамид, Mirhamid** (*ар.*) — баланд мартабали, мақтовга сазовор бола ёки *қар. Мир* ва *Ҳамид.*

**Мирҳасан, Mirhasan** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳасан.*

**Мирҳафиз, Mirhafiz** (*ар.*) — *Мир* ва *Ҳафиз.*

**Мирҳидоят, Mirhidoyat** (*ар.*) — тўғри йўлдан юрувчи, тўғри йўлга бошловчи бола баланд мартабалар соҳиби бўлсин ёки *қар. Мир* ва *Ҳидоят.*

**Мирҳикмат, Mirhikmat** (*ар.*) — баланд мартабали ва доно бола ёки донишмандлар сардори.

**Мирҳикоя, Mirhikoya** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳикоя* (т).

**Мирҳоди, Mirhodi** (*ар.*) — олдинда юрувчи, йўлбошчи, раҳбар.

**Мирҳожи, Mirhoji** (*ар.*) — ҳожилар наслига мансуб ўғил улғайиб баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Мирҳожиддин, Mirhojiddin** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳожиддин.*

**Мирҳомид, Mirhomid** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳомид.*

**Мирҳосил, Mirhosil** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳосил.*

**Мирҳотам, Mirhotam** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳотам.*

**Мирҳошим, Mirhoshim** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳошим.*

**Мирҳусайн, Mirhusayn** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳусайн.*

**Мирҳусан, Mirhusan** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳусан.*

**Мирҳусн, Mirhusn** (*ар.*) — *қар. Мир* ва *Ҳусниддин.*

**Мисбиби, Misbibi** (◊ .,*фт.-ҳинд.*) — мисдек мустаҳкам ёки эҳт. *Мисқолбиби, Мисирбиби (қар.)*

**Мисбоҳ, Misboh** (*ар.*) — чироқ, ёруғ, ёғду. *Қар. Мисбоҳиддин.*

**Мисбоҳиддин,** Misbohiddin (*ар.*) — диннинг нури, ёғдуси, машъали.

**Мисир, Misir** (*ар.*) — бой, бадавлат. Шакллари: *Мисирбой, Мисржон.*

**Мисирали, Misirali** (*ар.*) — бой, бадавлат ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Мисиргул, Misirgul** (*ар.-фт.*) — бадавлат, обрўли ва гулдек сулув қиз.

**Мисириддин, Misiriddin** (*ар.*) — диннинг улуғлиги, бойлиги, ёки диннинг бадавлат фарзанди.

**Мисирой, Misiroy** (◊ .,*ар.-ўз.*) — бадавлат, обрўли ва ойдек сулув қиз.

**Мисирсулув, Misirsuluv** (◊ .,*ар.-ўз.*) — бадавлат ва зебо қиз.

**Мисирхон, Misirxon** (◊ .,*ар.-ўз.*) — бой-бадавлат ва эъзозга сазовор қиз.

**Миска, Miska** (◊.,*ўз.*) – миска (мускат) узумдек ёқимтой, ширин қиз.

**Мискин, Miskin** (*ар.*) – камбағал, фақир, муҳтож, яъни ота-онанинг фарзандга муҳтожлиги кўзда тутилади.

**Мискинали, Miskinali** (*ар.*) – фарзандга муҳтож бўлиб юрилганда эришилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Мискиной, Miskinoy** (◊.,*ар.-ўз.*) – фарзандга муҳтож бўлиб юрилганда топилган ойдек сулув қиз.

**Мисол, Мисолой,** Misol (◊.,*ар.*) – *қар. Мисқол, Мисқолой* ёки ўрнак, намунали қиз.

**Мисқол, Misqol** (◊.,*ар.*) – хушбичим, зебо ёки қимматли, нодир, тенгсиз.

**Мисқолбиби, Misqolbibi** (◊.,*ар.-ҳинд.*) – *қар. Мисқол (Мисқол + биби).*

**Мисқолой, Misqoloy** (◊.,*ар.-ўз.*) – қимматли, нодир ва ойдек сулув қиз.

**Митанбой, Mitanboy** (*ўз.*) – ўзбекларнинг митан уруғига мансуб бола.

**Митаной, Mitanoy** (◊.,*ўз.*) – ўзбекларнинг митан уруғига мансуб қиз.

**Митти, Mitti** (*ўз.*) – жажжи, кичкина, кенжатой бола.

**Миттигул, Mittigul** (◊.,*ўз.*) – жажжи, кенжатой ва гулдек гўзал қиз.

**Миттихол, Mittixol** (◊.,*ўз.-фт.*) – кичкина хол б-н туғилган қиз ёки хол б-н туғилган жажжи қиз.

**Миттихон, Mittixon** (◊.,*ўз.*) – жажжи, кенжа қиз, улғайиб обрўли, эътиборли бўлсин.

**Мифтоҳ, Miftoh** (*ар.*) – айнан: калит, очқич. Асли: *Мифтоҳиддин (қар.)*

**Мифтоҳидин, Miftohiddin** (*ар.*) – диннинг калити, очқичи, динга олиб борувчи йўл.

**Мифтоҳулла, Miftohulla** (*ар.*) – айнан: Аллоҳнинг калити, очқичи, яъни Аллоҳ барча сирлардан воқифдир.

**Михли, Mixli** (*ўз.*) – миқли, кучли, қудратли.

**Миқдор, Miqdor** (*ар.*) – фарзандлар сафи кўпайсин, ошсин.

**Миқроз, Miqroz** (*ар.*) – қайчи, санчқич, яъни қайчидек мустаҳкам.

**Миқрозиддин, Miqroziddin** (*ар.*) – диннинг санчқич, қайчидек мустаҳкам боласи.

**Миқли, Миқлибой** Miqli (*ўз.*) – кучли, забардаст, мустаҳкам.

**Миқтибой, Miqtiboy** (*ўз.*) – *қар. Миқли.*

**Моби, Mobi** (*ар.*) – сотилган, сотиб олинган. Сол.: *Сотиболди.*

**Мовий, Moviy** (*ар.*) – кўк, мовий кўзли.

**Мовия, Moviya** (◊.,*ар.*) – кўк, мовий кўзли қиз.

**Мовагар, Movagar** (◇.,*фт.*) — қадрли, эъзозли, ҳурматга сазовор.

**Мозадахон, Mozadaxon** (◇.,*фт.*) — *қар. Моҳизода.*

**Мозор,** Mozor (*ар.*) — айнан: қабр, гўр, муқаддас жой, яъни мозорни зиёрат қилингач туғилган бола.

**Мозори, Mozori** (*ар.*) — мозор (муқаддас жой) ато қилган ўғил ёки муқаддас жой, авлиёга назр қилинган бола.

**Моил, Moil** (*ар.*) — орзу, армон қилинган бола.

**Моила, Moila** (◇.,*ар.*) — орзу, армон қилиб юриб эришилган қиз.

**Моилбек,** (◇.,*ар.*) — беклар наслига мансуб бўлган ва орзу қилиб юриб эришилган бола.

**Мойгул//Майгул, Moygul** (◇.,*рус.*) — май ойида туғилган гулдек кўркам қиз ёки *қар. Моҳигул.*

**Мойли, Мойлибой, Moyli** (*ўз.*) — ризқ-рўзли, бой-бадавлат бўлсин.

**Мойлихон, Moylixon** (◇.,*ўз.*) — ризқу насибали, бой-бадавлат бўлсин.

**Мойназар, Moynazar** (*рус.-ар.*) — май ойида таваллуд топган ва Аллоҳнинг илтифоти, муруввати бўлмиш бола.

**Мойтўра, Moyto'ra** (◇.,*фт.-ўз.*) — эҳт. *Моҳитўра (қар.)*

**Мойшакар, Moyshakar** (◇.,*фт.*) — эҳт. *Моҳишакар (қар.)*

**Молахон, Molaxon** (◇.,*фт.*) — мола босилаётган пайтда туғилган ёки моладек мустаҳкам, чидамли.

**Молбой, Molboy** (*ар.-ўз.*) — моли (бойлиги) кўп, бадавлат бўлсин.

**Молик, Molik** (*ар.*) — эга, соҳиб, ҳукмронлик қилувчи. Бу сўз дўзах эшигининг эгаси бўлган фариштанинг номи ҳамдир.

**Молтопар, Moltopar** (*ар.-ўз.*) — уддабурон, молтопар бола.

**Момо, Momo** (◇.,*ўз.*) — бувисининг исми қўйилган қиз. Шакллари: *Момобу, Момобиби, Момогул, Моможон, Момохон.*

**Момобека, Momobeka** (◇.,*ўз.*) — бувисининг исмини олган беклар наслига мансуб қиз.

**Момобуви, Momobuvi** (◇.,*ўз.*) — *қар. Момо* (Момо+буви).

**Момогул, Momogul** (◇.,*ўз.-фт.*) — бувисининг ўрнига келган ва унинг исмини олган гулдек гўзал қиз.

**Момогўзал, Momogo'zal** (◇.,*ўз.*) — бувисининг ўрнини босувчи ва унинг номи берилган чиройли қиз.

**Момодавлат, Momodavlat** (◇.,*ўз.-ар.*) — бувисининг ўрнига келган бадавлат қиз.

**Момодол, Momodol** (◇.,*ўз.*) — бувиси ўрнига келган қиз соғомон улғайсин.

**Моможамол, Momojamol** (◇.,*ўз.-ар.*) — бувисининг исми берилган гўзал чеҳрали қиз.

**Моможон, Momojon** (◇.,*ўз.*) — *қар. Момо* (Момо+жон).

**Момокийик, Momokiyik** (◊ *.,ўз.*) — бувисининг исми берилган кийикдек чиройли, нозик қиз.

**Момоколон, Momokolon** (◊ *.,ўз.-фт.*) — бувисининг ўрнига келган ва унинг номи берилган қиз.

**Момосоч, Momosoch** (◊ *.,ўз.*) — эҳт. *Момосож~Момосожида (қар.)*

**Момосултон, Momosulton** (◊ *.,ўз.-ар.*) — бувисининг ўрнига келган қиз улғайиб баланд мартабали бўлсин.

**Момосулув, Momosuluv** (◊ *.,ўз.*) — марҳум бувиси ўрнига келган гўзал қиз.

**Момотож, Momotoj** (◊ *.,ўз.-фт.*) — марҳум бувиси ўрнига берилган холли қиз.

**Момохол, Momoxol** (◊ *.,ўз.-фт.*) — марҳум бувисининг ўрнига келган холли қиз.

**Момочучук, Momochuchuk** (◊ *.,ўз.*) — марҳум бувисининг исми берилган ширин, суюкли қиз.

**Момоқиз, Momoqiz** (◊ *.,ўз.*) — марҳум бувиси ўрнига берилган қиз.

**Момоҳаво, Momohavo** (◊ *.,ўз.-қад.яҳ.*) — "Библия"да ёзилишича, ер юзидаги биринчи аёл, Одаматонинг хотини, инсон зотининг онаси Ҳаво — ҳаёт манбаи. *Қар. Ҳаво.*

**Моний, Moniy** (*ар.*) — ақлли, донишманд. Шопур 1 замонида ўтган афсонавий ва машҳур наққошнинг номи.

**Мошхол, Moshxol** (◊ *.,фт.*) — мошдек хол билан туғилган қиз.

**Моя, Moya** (◊ *.,фт.*) — айнан: асл, асос, негиз ёки истеъдодли, лаёқатли.

**Моҳ, Moh** (◊ *.,фт.*) — ой, ойдек сулув қиз.

**Моҳак, Mohak** (◊ *.,фт.*) — жажжи, кичкина ой, янги чиққан ой.

**Моҳасал, Mohasal** (◊ *.,фт.-ар.*) — ойдек гўзал ва асалдек ширин, ёқимтой қиз.

**Моҳбегим, Mohbegim** (◊ *.,фт.-ўз.*) — аслзодалар наслидан бўлган ойдек сулув қиз.

**Моҳбону, Mohbonu** (◊ *.,фт.*) — *қар. Моҳ* ва *Бону.*

**Моҳбуви, Mohbuvi** (◊ *.,фт.*) — ойманан, ойюзли қиз.

**Моҳжон, Mohjon** (◊ *.,фт.*) — ойдек гўзал ва қадрли, эъзозли қиз.

**Моҳжуба, Mohjuba** (◊ *.,ар.*) — яширин, пинҳон, сирли.

**Моҳибону, Mohibonu** (◊ *.,фт.*) — *қар. Моҳбону.*

**Моҳигавҳар, Mohigavhar** (◊ *.,фт.*) — оймонанд гўзалларнинг энг асили, гавҳари.

**Моҳигул, Mohigul** (◊ *.,фт.*) — ойдек сулув ва гул каби кўркам қиз.

**Моҳида, Mohida** (◊ *.,фт.*) — ойдек сулув қиз.

**Моҳидил, Mohidil** (◊ *.,фт.*) — ойдек сулув, дилкаш қиз.

**Моҳижамол, Mohijamol** (◊ *.,фт.-ар.*) — ойдек гўзал ҳуснли қиз.

**Моҳижаҳон, Mohjahon** (◊.,*фт.*) — оламдаги энг гўзал ва ойдек сулув қиз.

**Моҳизамон, Mohizamon** (◊.,*фт.-ар.*) — даврининг (замонасининг) энг гўзал фарзанди.

**Моҳи, Mohi** (◊.,*фт.*) — ойдек, оймонанд, гўзаллик, нафосатга мансуб. *Асли Моҳинисо (қар.).*

**Моҳиасма, Mohiasma** (◊.,*фт.-ар.*) — ойдек кўркам, улуғ мартабали қиз. *қар. Моҳи* ва *Асмо//Асма.*

**Моҳибанот, Mohibanot** (◊.,*фт.-ар.*) — ой фарзанди, оймонанд, ойдек сулув қиз.

**Моҳибегим, Mohibegim** (◊.,*фт.-ўз.*) — *қар. Моҳбегим.*

**Моҳижон, Mohijon** (◊.,*фт.*) — *қар. Моҳжон* (Моҳи+жон).

**Моҳизевар, Mohizevar** (◊.,*фт.*) — безанган, зеболанган, кўркам ой.

**Моҳизода, Mohizoda** (◊.,*фт.*) — ой фарзанди, гўзаллар наслига мансуб қиз.

**Моҳикамол, Mohikamol** (◊.,*фт.-ар.*) — етук, баркамол ва ойдек гўзал қиз.

**Моҳила, Mohila** (◊., *ар.*) — моҳила-лойиқ, муносиб ёки бирор белги (нишона) б-н туғилган бола.

**Моҳилиқо, Mohiliqo** (◊.,*фт.*) — ойюзли, ойчеҳра.

**Моҳим, Mohim** (◊.,*фт.*) — моҳ сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Моҳина, Моҳинахон, Mohina** (◊.,*фт.*) — ойга ўхшаш, оймонанд, нафис, нозик ёки янги ой чиққан пайтда туғилган ёки янги ойдек сулув қиз.

**Моҳинабону, Mohinabonu** (◊.,*фт.*) — *Моҳина+бону.*

**Моҳинисо, Mohiniso** (◊.,*фт.-ар.*) — айнан: аёлларнинг ойи, яъни аёлларнинг энг кўрками, гўзали.

**Моҳинур, Mohinur** (◊.,*фт.-ар.*) — ойнинг нури, ойдин, ойдиндек покиза, сулув қиз.

**Моҳинура, Mohinura** (◊.,*фт.-ар.*) — *қар. Моҳинур* (*Моҳинур+а*).

**Моҳипари, Mohipari** (◊.,*фт.*) — ойдек пари, парилар (гўзаллар)нинг энг гўзали.

**Моҳипора, Mohipora** (◊.,*фт.*) — ой парчаси; оймонанд сулув.

**Моҳир, Mohir** (*ар.*) — устамон, билағон, қобилиятли, ўз ишининг устаси.

**Моҳира, Mohira** (◊.,*ар.*) — маҳоратли, устамон, пухта, пишиқ қиз.

**Моҳирабиби, Mohirabibi** (◊.,*ар.-ҳинд.*) — *қар. Моҳира (Моҳира+биби).*

**Моҳиранисо, Mohiraniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг маҳоратлиси, устамон, пухтаси.

**Моҳиражаб, Mohirajab** (◊.,*фт.-ар.*) — ражаб ойида туғилган ойдек сулув қиз.

**Моҳиршо, Mohirsho** (*ар.фт.) — қар. Моҳир* ва *Шо(ҳ).*

**Моҳирўй, Mohiro'y** (◊.,*фт.*) — ойюзли, ойдек чиройли чеҳрали қиз.

**Моҳисарвар, Mohisarvar** (◊.,*фт.*) — ойдек кўркам йўлбошчи, сардор қиз.

**Моҳисара, Mohisara** (◊.,*фт.-ар.)* — тенгсиз ой, яъни гўзалларнинг гўзали.

**Моҳисафо, Mohisafo** (◊.,*фт.-ар.*) — ёрқин, нурли ой ёки ой каби сулув қизнинг умри осойишта бўлсин.

**Моҳистара, Mohistara** (◊.,*фт.*) — *эҳт. Моҳиситора. Қар. Моҳи* ва *Ситора* ёки истараси иссиқ, жозибали, мафтункор қиз.

**Моҳисултон, Mohisulton** (◊.,*фт.-ар.*) — ойдек гўзал қизларнинг саркори, султони.

**Моҳисулув, Mohisuluv** (◊.,*фт.-ўз.*) — ойдек гўзал, зебо.

**Моҳитоб, Mohitob** (◊.,*фт.*) — ойнури, ой ёғдусидек мусаффо.

**Моҳитобон, Mohitobon** (◊.,*фт.*) — кўзни қамаштирувчи, нурли ой, яъни тенгсиз гўзал.

**Моҳитўра, Mohito'ra** (◊.,*фт.-ўз.*) — ойдек сулув ва баланд мартабали қиз.

'**Моҳича, Mohicha** (◊.,*фт.*) — янги туғилган, жажжи ой ёки кенжа қиз.

**Моҳичеҳра, Mohichehra** (◊.,*фт.*) — ой юзли, ойдек нурли, ойчеҳра қиз.

**Моҳишакар, Mohishakar** (◊.,*фт.*) — ойларнинг (қизларнинг) энг ширини, ёқимлиси.

**Моҳишараф, Mohisharaf** (◊.,*фт.-ар.*) — ойдек сулув, шону шуҳратли қиз.

**Моҳия, Mohiya** (◊.,*фт.*) — оймонанд, ой юзли; ой фарзанди.

**Моҳлар, Mohlar** (◊.,*фт.-ўз.*) — ойлар, яъни гўзалларнинг сардори. Шакллари: *Моҳларой, Моҳлархон.*

**Моҳларбону, Mohlarbonu** (◊.,*фт.*) — энг ёрқин ой ва аслзода қиз ёки *қар. Моҳлар* ва *Бону.*

**Моҳларбу, Mohlarbu** (◊.,*фт.-ўз.*) — энг равшан, нурли ойдек гўзал қиз ёки *қар. Моҳлар* ва *Буви.*

**Моҳларойим, Mohlaroyim** (◊.,*фт.-ўз.) — қар. Моҳлар* ва *Ойим.*

**Моҳлиқо, Mohliqo** (◊.,*фт.*) — ойюзли, чеҳраси ойдек сулув, мусаффо.

**Моҳмирза, Mohmirza** (◊.,*фт.*) — аслзодалар (мирзолар) наслидан бўлган ойдек гўзал қиз.

**Моҳнигор, Mohnigor** (◊.,*фт.*) — ойдек сулув ва суюкли, қадрли қиз.

**Моҳнисо, Mohniso** (◊.,*фт.-ар.*) — оймонанд, ойдек сулув аёл (қиз).

**Моҳнур, Mohnur** (◊.,*фт.-ар.*) — ой нуридек мусаффо, равшан қиз. Сол. *Моҳинур.*

**Моҳпайкар, Mohpaykar** (◊ ., *фт.*) – оймонанд, ойсуратли гўзал.

**Моҳпари, Mohpari** (◊ ., *фт.*) – ойдек сулув қиз, ойдек ва паридек гўзал қиз ёки париларнинг зебоси.

**Моҳражаб, Mohrajab** (◊ ., *фт.-ар.*) – *қар. Моҳиражаб.*

**Моҳрух, Mohrux** (◊ ., *фт.*) – *қар.* Моҳрухсор.

**Моҳрухсор, Mohruxsor** (◊ ., *фт.*) – ойюзли, оймонанд гўзал.

**Моҳрўй, Mohro'y** (◊ ., *фт.*) – ойюзли, хушандом, қоши ойдек эгилган қиз. *Қар. Моҳирўй.*

**Моҳсанам, Mohsanam** (◊ ., *фт.-ар.*) – ойдек кўркам, зебо қиз.

**Моҳсафар, Mohsafar** (◊ ., *фт.-ар.*) – сафар ойида туғилган ойдек кўркам қиз.

**Моҳсимо, Mohsimo** (◊ ., *фт.*) – кўриниши ой каби гўзал қиз.

**Моҳталъат, Mohtal'at** (◊ ., *фт.-ар.*) – оймонанд, ойюзли гўзал.

**Моҳтоб, Mohtob** (◊ ., *фт.*) – нурли, нур сочувчи ой ёки ойдинда туғилган қиз.

**Моҳтобон, Mohtobon** (◊ ., *фт.*) – *қар. Моҳитобон.*

**Моҳфира, Маҳфира, Mohfira** (◊ ., *ар.*) – эҳт. *Мағфират.*

**Моҳчеҳра, Mohchehra** (◊ ., *фт.*) – *қар. Моҳичеҳра.*

**Моҳчучук, Mohchuchuk** (◊ ., *фт.-уз.*) – ойдек кўркам ва ёқимтой, ширин қиз.

**Моҳшод, Mohshod** (◊ ., *фт.*) – ойдек кўркам ва шодон, бахтиёр қиз.

**Моҳқул, Mohqul** (*фт.-уз.*) – Аллоҳнинг ой каби гўзал бандаси ёки *қар. Моҳ* (Моҳ+қул).

**Муаззаз, Muazzaz** (*ар.*) – иззатли, обрўли, ҳурматга сазовор.

**Муаззам, Muazzam** (◊ ., *ар.*) – улуғ, азим; ҳурматли, эъзозли.

**Муаззама, Muazzama** (◊ ., *ар.*) – улуғ ва қадрли қиз ёки *қар. Муаззам* (Муаззам+а).

**Муайййид, Muayyid** (*ар.*) – улуғ, азим; ҳурматли, эъзозли.

**Муайййиддин, Muayyiddin** (*ар.*) – диннинг мададкори, диннинг таянчи, динни мустаҳкамловчи.

**Муайййяд, Muayyad** (*ар.*) – қувватланган, мадад берилган; қўллаб-қувватланган.

**Муайййяна, Muayyana** (◊ ., *ар.*) – аниқ, равшан; ўзига хос фазилатлар соҳибаси.

**Муаллам, Muallam** (*ар.*) – ўқимишли, билимдон, ақлли, фаросатли.

**Муаллама, Muallama** (◊ ., *ар.*) – ақлли, доно, фаросатли.

**Муаллим, Muallim** (*ар.*) – ўргатувчи, ўқитувчи, устоз.

**Муаллима, Muallima** (◊ ., *ар.*) – ўқитувчи, ўргатувчи аёл; устоз аёл.

**Муанбар, Muanbar** (*ар.*) – анбар суртилган; хушбўй, муаттар.

**Муаттар, Muattar** (◊ ., *ар.*) – хушбўй, ёқимли ҳид тарқатувчи, атир сочувчи.

**Мубайяна, Mubayyana** (◊ ., *ар.*) – очиқ, равшан, очиққўнгил.

**Мубарра, Mubarra** (◊ ., *ар.*) – тоза, покиза; гуноҳсиз.

**Мубашшира, Mubashshira** (◊.,*ар.*) — башорат қилувчи; билимдон, доно.

**Мубила, Мубилахон, Mubila** (◊.,*ар.*) — соф, мусаффо қиз.

**Мубин, Mubin** (*ар.*) — очиқ, равшан; очиқ чеҳрали.

**Мубина, Mubina** (◊.,*ар.*) — жозибали, истараси иссиқ, зебо қиз.

**Мубора, Mubora** (◊.,*ар.*) — эҳт. *Мубарра (қар.)* ёки *Муборак (қар.)*

**Муборак, Muborak** (◊.,*ар.*) — дуо олган, омадли, бахтли.

**Мубораштой, Muboraktoy** (*ар.-ўз.*) — омадли, қутли ва суюкли бола ёки *қар.* Муборак (Муборак+той).

**Муборакулла, Muborakulla** (*ар.*) — Аллоҳ улуғлаган, Аллоҳнинг ҳурмати, эътиборига сазовор бўлган.

**Муборакхон, Muborakhon** (◊.,*ар.-ўз.*) — *қар. Муборак* (Муборак+хон).

**Мубаракшо, Mubaraksho** (*ар.-фт.*) — дуо олган, омадлиларнинг пешвоси ёки *қар. Муборак+Шо (ҳ).*

**Муборакқадам, Muborakqadam** (◊.,*ар.*) — қадами қутлуғ бола.

**Мубориз, Muboriz** *(ар.)* — жанговар; ботир, довюрак; жангчи, паҳлавон.

**Муборхон, Muborxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — *қар. Муборак, Муборакхон.*

**Муборчахон, Muborchahon** (◊.,*ар+ўз.*) — *қар. Муборхон.*

**Мубошир, Muboshir** (*ар.*) — йўлбошчи, йўл кўрсатувчи;

**Мубошира, Muboshira** (◊.,*ар.*) — *қар. Мубошир (Мубошир+а).*

**Муваррада, Muvarrada** (◊.,*ар.*) — гулғунча, гулгун; яшнаган, барқ урган.

**Муваффар, Muvaffar** (◊.,*ар.*) — улуғ, буюк; фаровон, бахтиёр.

**Муваффақ, Muvaffaq** (*ар.*) — омадли, муваффақиятлар эгаси.

**Мувашшаҳ, Muvashshah** (◊.,*ар.*) — безанган, ороланган; гўзал.

**Мувофиқ, Muvofiq** *(◊.,ар.)* — орзу, армон қилинган, кутилган қиз.

**Мугис, Mugis** (*ар.*) — ёрдам берувчи, кўмакдош.

**Мудар, Mudar** (*ар.*) — қаттиқ, мустаҳкам ёки аччиқ, ёқимсиз. Болани ёмон кўзлардан асраш учун берилувчи исм.

**Мударрис, Mudarris** (*ар.*) — мадраса муаллими; илоҳиёт ўқитувчиси; устоз, мураббий.

**Мудрик, Mudrik** (*ар.*) — фаҳмли, фаросатли, зийрак.

**Мужаввир, Mujavvir** (*ар.*) — ўқувчи, шогирд.

**Мужаҳид, Mujahid** (*ар.*) — сабрли, матонатли, жанговар.

**Мужгон, Mujgon** (◊.,*ар.*) — киприк.

**Муждабой, Mujdaboy** (*ар.ўз.*) — қувончли хабар, хушхабар.

**Мужиба, Mujiba** (*ар.*) — сабаб, боис, асос; лозим, кутилган.

**Мужириддин, Mujiriddin** (*ар.*) — диннинг таянчи, мададкори.

**Мужиррулмулк, Mujirrulmulk** (*ар.*) — давлатнинг, подшоҳликнинг таянчи.

**Мужовир, Mujovir** (*ар.*) — айнан: қўшни, ёндош яшовчи; ҳамдам, ҳамроҳ.

**Мужовира, Mujovira** (◊.,*ар.*) — ёндош, йўлдош, ҳамдам, эш. *қар. Мужовир (Мужовир+а).*

**Мужоҳид, Mujohid** (*ар.*) — сабрли, иродали; дин йўлида курашувчи, диннинг ҳимоячиси.

**Мужрим, Mujrim** (*ар.*) — гуноҳкор; айбдор.

**Мужтаба, Mujtaba** (◊.,*ар.*) — сараланган, танланган; суюкли, ҳурматли.

**Музайяба, Muzayyaba** (◊.,*ар.*) — зебо, хушрўй.

**Музайян, Muzayyan** (*ар.*) — безанган, ораста, гўзал.

**Музайяна, Muzayyana** (◊.,*ар.*) — безанган, зийнатланган, ораста.

**Музаллам, Muzallam** (*ар.*) — эҳт. *Мусаллам (қар.)*

**Музаффар, Muzaffar** (*ар.*) — енгувчи, ғолиб; шуҳратли; хушбахт.

**Музаффара, Muzaffara** (◊.,*ар.*) — шуҳратли, довюрак қиз ёки *қар. Музаффар (Музаффар+а).*

**Музаффарали, Muzaffarali** (*ар.*) — енгувчи, ғолиб ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Музаффариддин, Muzaffariddin** (*ар.*) — дин учун курашувчи ва бу йўлда ғолиб чиқувчи ёки диннинг енгувчи, музаффар фарзанди.

**Музаффарулла, Muzaffarulla** (*ар.*) — Аллоҳ енгувчи, ғолибдир ёки Аллоҳнинг ғолибона кишиси.

**Музаҳҳаб, Muzahhab** (*ар.*) — зар б-н безанган, зийнатланган; равшан, покиза.

**Музир, Muzir** (*ар.*) — зарур, лозим; кутилган, орзу қилинган; огоҳлантирувчи, эҳтиёт қилувчи ёки *қар. Мунзир.*

**Музира, Muzira** (◊.,*ар.*) — кутилган, орзу қилинган қиз ёки *қар. Музир (Музир+а).*

**Музофат, Muzofat** (◊.,*ар.*) — вилоят ёки қўшилган, ортиб борувчи. Сол. *Вилоят, Вилоятхон.*

**Музоҳир, Muzohir** (*ар.*) — ҳимоячи, қўриқловчи, асровчи.

**Музоҳирулҳақ, Muzohirulhaq** *(ар.)* — ҳақиқат, адолат посбони, ҳақиқат учун курашувчи.

**Музроб, Музроббек, Muzrob** (*фт.*) — мизроб — нохунак; мусиқа асбоби торини қўзгатувчи асбобча.

**Музробшо, Muzrobsho** (*ар.*) — мизроб — мусиқа асбобининг торини қўзғатувчи асбобча, нохунак. *Қар. Музроб.*

**Музтабар, Muztabar** (◊.,*ар.*) — эҳт.: *Муҳтабар (қар.)*

**Муиз, Muiz** (*ар.*) — *қар. Муиздин.*

**Муиздин, Muiziddin** (*ар.*) — динни муҳофаза қилувчи, динни мустаҳкамловчи; динни эъзозловчи.

**Муин, Муинжон, Muin** (*ар.*) — кўмакчи, ёрдамчи; суянч. Асли: *Муиниддин (қар.)*

**Муина, Muina** (◊.,*ар.*) — кўмакчи, хизматкор, ходима, суянч, таянч.

**Муиниддин, Muiniddin** (*ар.*) — динга кўмак берувчи, динни ҳимоя қилувчи. Бу ном ўтмишда баъзи Шарқдаги ҳукмдорларнинг фахрий унвони бўлган.

**Муинулҳақ, Muinulhaq** (*ар.*) — адолат, ҳақиқат тантанаси учун курашувчи.

**Муйиба, Muyiba** (◇.,*ар.*) — *қар. Муҳиба.*

**Муйибжон, Muyibjon** (*ар.*) — *қар. Муҳиб, Муҳибжон.*

**Мукаммал, Mukammal** (*ар.*) — етук, камолатга етган, бенуқсон.

**Мукаррам, Mukarram** (*ар.*) — ҳурматли, эъзозли, азиз.

**Мукаррама, Mukarrama** (◇.,*ар.*) — ҳурматга, эъзозга сазовор.

**Мукарча, Mukarcha** (◇.,*ар.*) — *қар. Мукаррам.*

**Муқдадил, Mukdadil** (*ар.*) — кучли, қудратли; довюрак.

**Мулкберди, Mulkberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ улуғ давлат, бойлик, яъни фарзанд ато қилди.

**Мулкижаҳон, Mulkijahon** (◇.,*ар.+фт.*) — жаҳоннинг бойлиги ёки подшоҳлар наслига мансуб қиз.

**Мулкия, Mulkiya** (◇.,*ар.*) — бойлик, (мулк) эгаси ёки подшоҳлар авлодига мансуб қиз.

**Мулккелди, Mulkkeldi** (*ар.-ўз.*) — давлат келди, яъни фарзандга эга бўлдик.

**Мулкомон, Mulkomon** (*ар.*) — бой-бадавлат бўлсин ва яшасин турсин.

**Мулкоро, Mulkoro** (◇.,*ар.+фт.*) — мамлакатнинг, давлатнинг безаги, фахри, ғурури.

**Мулла, Mulla** (*ар.*) — асли: мавло сўзидан, яъни дин хизматкори, билимдон, ўқимишли.

**Муллаали, Mullaali** (*ар.*) — ўқимишли, билимдон болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Муллаанор, Mullaanor** (*ар.-фт.*) — қизил хол б-н туғилган билимдон, доно бола.

**Муллабек, Mullabek** (*ар.*) — беклар наслига мансуб ўқимишли, билимдон бола.

**Муллаберди, Mullaberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ берган бола ёки Аллоҳ ато қилган ўқимишли, билимдон бола.

**Муллабой, Mullaboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мулла* (*Мулла+бой*).

**Муллаёр, Mullayor** (*ар.-фт.*) — мулланинг дўсти, ҳамдами ёки мулла (эшон) ёр бўлиб, қўллаб юрсин.

**Муллажон, Mullajon** (*ар.-фт.*) — *қар. Мулла (Мулла+жон).*

**Муллазода, Mullazoda** (*ар.-фт.*) — мулланинг ўғли, фарзанди

**Муллайўлдош, Mullayo'ldosh** (*ар.-ўз.*) — отасига эш, йўлдош бўлиб юрсин ва ўқимишли, саводхон бўлсин.

**Муллакарим, Mullakarim** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Карим.*

**Муллакелди, Mullakeldi** (*ар.-ўз.*) — ўқимишли, билимдон ўғил туғилди.

**Мулламамад, Mullamamad** (*ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғилни Муҳаммад(сав) қўллаб юрсин.

**Мулламурод, Mullamurod** (*ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғил улғайиб, мурод-мақсадига етсин.

**Мулламаҳмуд, Mullamahmud** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Маҳмуд.*

**Муллмуҳаммад, Mullamuhammad** (*ар.*) — ўқимишли, билимдон ўғилни Муҳаммад(сав) паноҳида асрасин.

**Мулланафас, Mullanafas** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Нафас* ёки мулланинг нафаси (дуоси) ёрдам бериб эришилган бола.

**Мулланиёз, Mullaniyoz** (*ар.-фт.*) — мулладан сўраб, тилаб олинган.

**Мулланур, Mullanur** (*ар.*) — мулланинг илтифоти туфайли эришилган бола ёки *қар. Мулла* ва *Нур.*

**Муллапарда, Mullaparda** (*ар.-фт.*) — пардали бўлиб туғилган бола ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мулласалим, Mullasalim** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Салим.*

**Мулласафо, Mullasafo** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Сафо.*

**Муллатой, Mullatoy** (*ар.-ўз.*) — азиз, суюкли, ўғил ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Муллатурди, Mullaturdi** (*ар.-ўз.*) — ўлмасин, яшасин ва улғайиб ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Муллаусмон, Mullausmon** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Усмон.*

**Муллахон, Mullaxon** (*ар.+ўз.*) — *қар. Мулла (Мулла+хон).*

**Муллахўжа, Mullaxo‘ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб ўқимишли, билимдон бола.

**Муллашер, Mullasher** (*ар.-фт.*) — ўқимишли, билимдон ва шердек довюрак, жасур бола.

**Муллашоҳ, Mullashoh** (*ар.-фт.*) — *қар. Мулла* ва *Шоҳ.*

**Муллаэш, Mullaesh** (*ар.-ўз.*) — ўқимишли, билимдон бола отасига ўртоқ, эш бўлиб улғайсин.

**Муллаўрмон, Mullao‘rmon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мулла* ва *Ўрмон.*

**Муллаўроз, Mullao‘roz** (*ар.-ўз.*) — бахтли ўғил улғайиб ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Муллаўтаб, Mullao‘tab** (*ар.-ўз.*) — аввалги турмаган фарзандлар ўрнига берилган ўқимишли, билимдон бола.

**Муллақанд, Mullaqand** (*ар.*) — ширин, суюкли ўғил улғайиб ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Муллақаҳҳор, Mullaqahhor** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Қаҳҳор.*

**Муллақилич, Mullaqilich** (*ар.-ўз.*) — ўқимишли, билимли ҳамда қиличдек ўткир, мустаҳкам бўлсин.

**Муллақодир, Mullaqodir** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Қодир.*

**Муллақул, Mullaqul** (*ар.-ўз.*) — улғайиб ўқимишли ва доноларга хизматкор бўлсин ёки Аллоҳнинг ўқимишли бандаси.

**Муллақурбон, Mullaqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ўқимишли, билимли бола.

**Муллақўчқор, Mullaqo'chqor** (*ар.-ўз.*) — пешонаси дўнг ёки жинсий аъзоси каттароқ бўлиб туғилган бола улғайиб билимли, доно бўлсин.

**Муллақўшмат, Mullaqo'shmat** (*ар. +ўз.ар.*) — *қар. Мулла* ва *Қўшмуҳаммад.*

**Муллағани, Mullag'ani** (*ар.*) — ўқимишли, билимли ва бой-бадавлат бола.

**Муллағози, Mullag'ozi** (*ар.*) — дин учун курашувчиларнинг билимдони ёки *қар. Мулла* ва *Ғози.*

**Муллағулом, Mullag'ulom** (*ар.*) — мулланинг содиқ хизматкори, қули ёки *қар. Мулла* ва *Ғулом.*

**Муллаҳасан, Mullahasan** (*ар.*) — *қар. Мулла* ва *Ҳасан.*

**Мулойим, Muloyim** (*ар.*) — юмшоқ, ёввош, одобли.

**Мултажиба, Multajiba** (◇.,*ар.*) — нурли, ёлқин, равшан.

**Мумтоз, Mumtoz** (*ар.*) — танланган, сарбаланд, машҳур.

**Мунаввар, Munavvar** (*ар.*) — нурли, равшан, ёрқин.

**Мунаввара, Munavvara** (◇.,*ар.*) — нурли, равшан, жозибали, ёқимтой.

**Мунажжим, Munajjim** (*ар.*) — юлдузшунос, астроном.

**Мунажжимхон, Munajjimxon** (◇.,*ар.*) — *қар. Мунажжим (Мунажжим +хон).*

**Муназзам, Munazzam** (◇.,*ар.*) — тартибли, интизомли, одобли.

**Муназзама, Munazzama** (◇.,*ар.*) — тартибли, интизомли, одобли қиз.

**Муназзаф, Munazzaf** (*ар.*) — покланган, покиза, гуноҳсиз.

**Муназзафа, Munazzafa** (◇.,*ар.*) — покиза, озода, бегуноҳ қиз ёки *қар. Муназзаф.*

**Муназзах,** Munazzax (◇.,*ар.*) — тоза, покиза, гуноҳсиз.

**Мунафасса, Munafassa** (◇.,*ар.*) — осуда, осойишта, ғамсиз, бахтиёр.

**Мунаққаш, Munaqqash** (◇.,*ар.*) — безанган, ўзига оро берган, безакларга бурканган.

**Мунжиҳа, Munjiha** (◇.,*ар.*) — омадли, ғолиб, саодатманд.

**Мунзир, Munzir** (*ар.*) — огоҳлантирувчи; нариги дунёда азоб борлигидан огоҳ этувчи. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан бири бўлган.

**Муниб, Munib** (*ар.*) — *қар. Мунибулла.*

**Мунибa, Muniba** (◇.,*ар.*) — тўғри йўл(дин йўли)га кирувчи; художўй.

**Мунибулла, Munibulla** (*ар.*) — Аллоҳдан ўз гуноҳларини кечиришни сўровчи, Аллоҳга илтижо қилувчи; тўғри йўл(дин йўли)дан юрувчи.

**Муним, Munim** (*ар.*) — яхшиликлар қилувчи; мурувватли, раҳмдил.

**Мунир, Munir** (*ар.*) — нурли, равшан; бахтли, саодатманд.

**Мунира, Munira** (◇.,*ар.*) — нурли, равшан; гўзал, зебо; бахтли, саодатманд.

**Мунирхўжа, Munirxo‘ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Мунир (Мунир+хўжа).*

**Мунис, Munis** (*ар.*) — дўст, ўртоқ, сирдош; содиқ дўст.

**Муниса, Munisa** (◇.,*ар.*) — *қар. Мунис (Мунис+а).*

**Муниф, Munif** (*ар.*) — баланд, мартабали, бахтли, толеи баланд.

**Мунож, Munoj** (*ар.*) — *қар. Муножиддин.*

**Муножат, Munojat** (◇.,*ар.*) — ялиниб, ёлвориб юриб эришилган бола ёки дуохон, ибодатлар қилувчи.

**Муножиддин, Munojiddin** (*ар.*) — *Минҳожиддин, қар.* исмининг ўзгарган шакли.

**Муносиб, Munosib** (*ар.*) — лойиқ, арзийдиган; биз орзу қилган бола.

**Муносиба, Munosiba** (◇.,*ар.*) — биз кутган, орзу қилган қиз.

**Муносиф, Munosif** (*ар.*) — инсофли, адолатли, ҳақгўй, одил.

**Мунтажибиддин, Muntajibiddin** (*ар.*) — диннинг сайланган, танланган ихлосманди; истеъдодли.

**Мунтазам, Muntazam** (◇.,*ар.*) — режали, тартибли, саришта ёки доимий, турғун.

**Мунтазир, Muntazir** (*ар.*) — интизор бўлиб кутилган, орзу қилиб эришилган бола.

**Мунтасир, Muntasir** (*ар.*) — енгилмас, ғолиб, омадли, толеи баланд.

**Мунъим, Mun’im** (*ар.*) — неъмат, ризқу-рўз берувчи, совғалар улашувчи ёки бой, бадавлат, ҳотамтой.

**Мунчоқ, Munchoq** (◇.,*ар.*) — мунжоқ, тақинчоқдек азиз, қадрли.

**Мурасса, Murassa** (◇.,*ар.*) — қимматбаҳо тошлар б-н безанган, ороланган; гўзал, зебо.

**Мурод, Murod** (*ар.*) — мурод-мақсадли ёки орзу қилинган, қўмсалган бола. Шакллари: *Муродбек, Муродбой, Муроджон, Муродхон.*

**Муродали, Murodali** (*ар.*) — улғайиб мурод-мақсадига етсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Муродасил, Murodasil** (*ар.*) — аслзодалар наслидан бўлган мурод-мақсадли бола.

**Муродбахш, Murodbaxsh** (*ар.-фт.*) — мақсадга эришувчи, толеи баланд.

**Муродбек, Murodbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслига мансуб мурод-мақсадли бола.

**Муродбой, Murodboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мурод (Мурод+бой).*

**Муроджон, Murodjon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мурод (Мурод+жон).*

**Муродисо, Murodiso** (*ар.-қад.яҳ.*) — Исо(ас) эриштирган орзу ёки *қар. Мурод* ва *Исо.*

**Муродкелди, Murodkeldi** (*ар.-ўз.*) — орзу қилинган, орзиқиб кутилган бола туғилди.

**Муродли, Murodli** (*ар.-ўз.*) — мурод-мақсадли, толеи баланд.

**Муродмамат, Murodmamat** (*ар.*) — *қар. Муродмуҳаммад.*

**Муродмусо, Murodmuso** (*ар.-қад.яҳ.*) — Мусо эриштирган орзу, муродимиз, орзумиз бўлган ўғилни Мусо(ас) ўз паноҳида асрасин.

**Муродмуҳаммад, Murodmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) эриштирган орзу, мақсад.

**Муроднаби, Murodnabi** (*ар.*) — пайғамбар эриштирган орзу, мақсад.

**Муродназар, Murodnazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, назари туфайли берилган, мурод-мақсадли бола.

**Муроднафас, Murodnafas** (*ар.*) — Аллоҳнинг (ёки сиғинилган, илтижо қилинган муқаддас жойнинг) қудрати б-н дунёга келган бола.

**Муродниёз, Murodniyoz** (*ар.-фт.*) — илтижо қилиб, ялиниб, ёлвориб юриб топилган бола.

**Муродсултон, Murodsulton** (*ар.*) — *қар. Мурод* ва *Султон.*

**Муродтой, Murodtoy** (*ар.-ўз.*) — мурод-мақсадимиз, орзуимиз бўлган азиз, суюкли бола.

**Муродтурди, Murodturdi** (*ар.-ўз.*) — мурод-мақсадли бола турсин, яшасин ёки *қар. Мурод* ва *Турди.*

**Муродулла, Murodulla** (*ар.*) — Аллоҳ етказган орзу, армон ёки Аллоҳнинг хоҳиши, иродасига бўйсинувчи, художўй.

**Муродхон, Murodxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мурод (Мурод+хон).*

**Муродхўжа, Murodxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб саодатманд бола.

**Муродшо, Murodsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Мурод (Мурод+шо).*

**Муродқилич, Murodqilich** (*ар.-ўз.*) — орзуимиз, муродимиз бўлган бола қиличдек мустаҳкам бўлсин.

**Муродқобил, Murodqobil** (*ар.*) — орзумиз, муродимиз бўлган бола одобли, мусулмони-қобил бўлсин.

**Муродқосим, Murodqosim** (*ар.*) — *қар. Мурод* ва *Қосим.*

**Муродқул, Murodqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мурод (Мурод+қул).*

**Муродқурбон, Murodqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида эришилган орзу (бола) ёки қурбон ойида туғилган мурод-мақсадли бола.

**Мурсал, Mursal** (*ар.*) — элчи, пайғамбар. Аллоҳнинг расули, элчиси ёки марвариддек қадрли. Сол: *Мурсола.*

**Мурсала, Mursala** (◇.,*ар.*) — маржон, шода; марваридлар тизими ёки пайғамбарнинг фарзанди, пайғамбарнинг назари тушган бола.

**Муртазо, Murtazo** (*ар.*) — танланган, сайланган, суюкли, қадрли. Бу ном халиф Алининг сифатларидан бири бўлган.

**Муртазоқул, Murtazoqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ танлаган, сийлаганнинг, яъни Алининг содиқ хизматкори.

**Муртоз, Murtoz** (*ар.*) — нафсини тийган, ўзини тута олувчи, қийноқларга бардошли.

**Муртозали, Murtozali** (*ар.*) — Аллоҳ танлаган, сийлаган, яъни Аллоҳнинг суюклиси.

**Мурувват, Muruvvat** (◇ .,*ар.*) — лутфу эҳсон, сахийлик; меҳру шафқатли.

**Муршид, Murshid** (*ар.*) — раҳбар, йўлбошчи, тўғри, йўлга бошловчи; диний раҳнамо, пир.

**Муршида, Murshida** (*ар.*) — тўғри, ҳақ йўлдан борувчи; художўй аёл.

**Муршидбек, Murshidbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган диний раҳнамо, бошлиқ.

**Муршиддин, Murshiddin** (*ар.*) — дин раҳнамоси; шариат сари тўғри йўл кўрсатувчи.

**Муршиджон, Murshidjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Муршид (Муршид+жон).*

**Мусабиҳа, Musabiha** (◇ .,*ар.*) — беҳисоб мақтов, олқишларга сазовор қиз.

**Мусаввар, Musavvar** (*ар.*) — тасвирлашга, таърифлашга арзийдиган; мақтовларга лойиқ.

**Мусаввара, Musavvara** (◇ .,*ар.*) — *қар. Мусаввар (Мусаввар+а).*

**Мусаввир, Мусаввур, Musavvir** (◇ .,*ар.*) — рассом, наққош, сураткаш.

**Мусаввира, Musavvira** (◇ .,*ар.*) — рассом, сураткаш қиз.

**Мусавиҳ, Musavih** (*ар.*) — олдинга бошловчи, келажак сари рағбатлантирувчи.

**Мусаддин, Musaddin** (*ар.*) — диннинг мустаҳкам фарзанди ёки дин, шариат йўлида мустаҳкам турувчи.

**Мусаинна, Musainna** (*ар.*) — мадҳ қилинган, улуғланган; шуҳрат, шарафларга бурканган.

**Мусайяб, Musayyab** (*ар.*) — эҳтиёткор, хушёр ёки қаровсиз қолдирилган, эътиборсиз.

**Мусаллам, Musallam** (*ар.*) — сидқидил, итоаткор, ёввош; бегуноҳ.

**Мусаллама, Musallama** (◇ .,*ар.*) — итоаткор, ёввош, мулойим.

**Мусаллас, Musallas** (◇ .,*ар.*) — мушку анбардек хушбўй, ёқимли.

**Мусаллим, Musallim** (*ар.*) — кичикфеъл, камтар, тинч, осойишта, вазмин ёки намозхон, намозгўй, художўй.

**Мусаллима, Musallima** (◇ .,*ар.*) — камтар, хоксор; одобли, хулқли.

**Мусаллоҳ, Musalloh** (◇ .,*ар.*) — жойнамоз; намозгоҳ.

**Мусаммо, Musammo** (*ар.*) — исм берилган; исми билан туғилган.

**Мусарраҳ, Musarrah** (◇ .,*ар.*) — равшан, очиқ, ошкор.

**Мусаттар, Musattar** (◇ .,*ар.*) — яширин, пинҳон; ҳимояланган, яширинган.

**Мусаффо, Musaffo** (*ар.*) — покиза, тоза, тиниқ; бегуноҳ

**Мусин, Musin** (*ар.*) — ёши улуғ, кекса, пири бадавлат.

**Мусина, Musina** (◇.,*ар.*) — кексалардек узоқ яшасин.

**Мусир, Musir** (*ар.*) — қатъий сўзли, сўзида турувчи ёки *қар. Мисир.*

**Мусиф, Musif** (*ар.*) — *қар. Мусифулла.*

**Мусифулла, Musifulla** (*ар.*) — Аллоҳни сифатловчи, таърифловчи; Аллоҳни мадҳ қилувчи; Аллоҳ йўлига ундовчи.

**Муслиддин, Musliddin** (*ар.*) — *қар. Муслиҳиддин.*

**Муслим, Muslim** (*ар.*) — ислом динига бўйсинган, мусулмон; художўй.

**Муслима, Muslima** (◇.,*ар.*) — мусулмон, художўй аёл.

**Муслимхон, Muslimxon** (◇.,*ар.*) — художўй, тақводор; покиза аёл ёки *қар. Муслим* (*Муслим+хон*).

**Муслиҳ, Muslih** (*ар.*) — *қар. Муслиҳиддин.*

**Муслиҳа, Musliha** (◇.,*ар.*) — динга хайрихоҳ, динни яхшилаш ва эъзозлашга хизмат қилувчи.

**Муслиҳиддин, Muslihiddin** (*ар.*) — динни ислоҳ қилувчи, динни янгиловчи, Муслиҳ номи Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан биридир.

**Муслиҳулла, Muslihulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг эзгу ишлар қилувчи бандаси.

**Мусо, Muso** (*қад.яҳ.*) — яҳудийлар пайғамбари Моше номидан олинган бўлиб, маъноси турлича изоҳланади: 1) қадимий мисрча: бола, чақалоқ; 2) *қад.яҳ.*: сувдан тортиб, чиқариб олинган; 3) *ар.*: устара, поки. Шакллари: *Мусобек, Мусобой, Мусожон, Мусохон.*

**Мусоали, Musoali** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Мусо* ва *Али.*

**Мусобек, Musobek** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Мусо* (*Мусо+бек*).

**Мусоберди, Musoberdi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган болани Мусо(ас) ўз паноҳида асрасин.

**Мусобиби, Musobibi** (*қад.яҳ.-ҳинд.*) — *қар. Мусо* ва *Биби.*

**Мусобой, Musoboy** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Мусо* (*Мусо+бой*).

**Мусоёр, Musoyor** (*қад.яҳ.-фт.*) — Мусо(ас) ёр бўлиб, қўллаб юрувчи бола.

**Мусожон, Musojon** (*қад.яҳ.-фт.*) — *Қар. Мусо (Мусо+жон).*

**Мусойиб, Musoyib** (*ар.*) — тилаганига, орзу қилганига эришувчи; мурод-мақсадига етувчи.

**Мусомамат, Musomamat** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Мусомуҳаммад.*

**Мусомат, Musomat** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Мусомуҳаммад.*

**Мусомирза, Musomirza** (*қад.яҳ.-фт.*) — *қар. Мусо* ва *Мирза.*

**Мусомурод, Musomurod** (*қад.яҳ.-ар.*) — Мусо(ас) эриштирган орзу, мурод ёки Мусо пайғамбар қўлласин ва улғайиб муродига етсин.

**Мусомуҳаммад, Musomuhammad** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Мусо* ва *Муҳаммад.*

**Мусотой, Musotoy** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Мусо(ас) номи берилган азиз, суюкли ўғил.

**Мусофир, Musofir** (*ар.*) — бегона, ғурбатда яшовчи, бошқа жойдан келган. Чақалоқ "душманлари"ни чалғитиш учун шундай исм берилади.

**Мусофира, Musofira** (◊ *.,ар.*) — *қар. Мусофир* (*Мусофир+а*).

**Мусохон, Musoxon** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Мусо* (*Мусо+хон*).

**Мусохўжа, Musoxo'ja** (*қад.яҳ.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб болани Мусо(ас) қўллаб юрсин.

**Мусошайх, Musoshayx** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Мусо* ва *Шайх.*

**Мусоқора, Musoqora** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Мусо* ва *Қора.*

**Мусоқул, Musoqul** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Мусо(ас)га тобе, пайғамбарга содиқ ёки Аллоҳнинг Мусо исмли бандаси.

**Мусоқўзи, Musoqo'zi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Мусо* ва *Қўзи.*

**Мусрап, Musrap** (*ар.*) — ёғочга ишлов берувчи; ўймакор уста.

**Мустарам, Mustaram** (*ар.*) — интилувчи, ўрганувчи.

**Мустарама, Mustarama** (*ар.*) — интилувчи, ўрганувчи қиз.

**Мустафо, Mustafo** (*ар.*) — танланган, саралаб олинган. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан биридир.

**Мустафоқул, Mustafoqul** (*ар.-ўз.*) — танлаб, саралаб олинганнинг (Муҳаммаднинг) қули.

**Мустак, Mustak** (*ар.*) — Мустафоқул ва Мустақим исмларининг эқ. шакли.

**Мустақил, Mustaqil** (*ар.*) — эркин, ўз эрки ўзида ёки сўзида турувчи, вафоли.

**Мустақим, Mustaqim** (*ар.*) — тўғри, ҳалол, покиза, ростгўй.

**Мустақима, Mustaqima** (◊ *.,ар.*) — покиза, ҳалол, ҳақгўй қиз.

**Мусулмон, Musulmon** (*ар.*) — ислом динига эътиқод қилувчи; ислом динига бўйсинувчи; художўй.

**Мусулмонбек, Musulmonbek** (*ар.ўз.*) — беклар авлодига мансуб художўй бола ёки *қар. Мусулмон* (Мусулмон+бек).

**Мусулмонқул, Musulmonqul** (*ар.-ўз.*) — ислом динининг содиқ, сидқидил ихлосманди ёки *қар. Мусулмон* (Мусулмон+қул).

**Мутаваккал //Мутаваккил, Mutavakkal** (*ар.*) — умид, истак; орзу қилинган.

**Мутавалли, Mutavalli** (*ар.*) — мадраса, масжидларга тегишли мулклар (вақф)ни идора қилувчи, уларга оид кирим-чиқимларни бошқарувчи.

**Мутаз, Mutaz** (*ар.*) — кучли, қудратли, забардаст.

**Мутал, Mutal** (*ар.*) — мутал//мутали — улуғ, олий ёки *Абдумуталлиб (қар.)* исмининг эқ. шакли.

**Муталлиб, Mutallib** (*ар.*) — изловчи, ахтарувчи; талабчан, юксак идли ёки сўралган, талаб этилган.

**Муталлим, Mutallim** (*ар.*) — билим ўрганувчи, таълим олувчи; талаба, шогирд.

**Мутарра, Мутарро, Mutarra** (*ар.*) — тоза, покиза; безанган, чиройли.

**Мутасим, Mutasim** (*ар.*) — Аллоҳ асрайдиган, Аллоҳнинг паноҳида бўлган бола.

**Мутаҳҳар, Mutahhar** (*ар.*) — покиза, гуноҳсиз; эзгу, муқаддас.

**Мутаҳҳара, Mutahhara** (◊ .,*ар.*) — покиза, озода, бегуноҳ қиз.

**Мутий //Muti, Mutiy** (*ар.*) — Аллоҳга бўйсинувчи, эътиқод қилувчи. *Қар. Мутийулла.*

**Мутийулла, Mutiyulla** (*ар.*) — Аллоҳга бўйсинувчи, унга итоат қилувчи.

**Мутти, Mutti** (*ўз.*) — чаққон, эпчил.

**Муфаддал, Mufaддал** (*ар.*) — суюкли, қадрли, ҳурматли.

**Муфаззал, Mufazzal** (*ар.*) — суюкли, ҳурматли, эъзозга сазовор.

**Муфарраҳ, Mufarrah** (◊ .,*ар.*) — шодлик, хурсандлик келтирувчи; хосиятли, қутли; шодон, бахтиёр.

**Муфассал, Mufassal** (*ар.*) — тўлиқ, расо; узоқ умр кўрувчи.

**Муфассалхон, Mufassalxon** (◊ .,*ар.*) — тўлиқ, расо қилиб берилган; узоқ умр кўрувчи, яшовчи.

**Муфзила, Mufzila** (◊ .,*ар.*) — меҳрибон, яхшиликлар қилувчи, мурувватли.

**Муфид, Mufid** (*ар.*) — фойда, яхшилик келтирувчи, яхши ишлар қилувчи.

**Муфиз, Mufiz** (*ар.*) — файз, барака ато этувчи.

**Муфлис, Muflis** (*ар.*) — айнан: камбағал, бечора, ночор, яъни муҳтож бўлиб, тилаб олинган бола.

**Муфлиҳ, Muflih** (*ар.*) — ўсиб-унувчи, умри узоқ.

**Муфлиҳиддин, Muflihiddin** (*ар.*) — диннинг узоқ яшовчи фарзанди.

**Муфлиҳулла, Muflihulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг узоқ яшайдиган бандаси.

**Муфти, Mufti** (*ар.*) — шариат қоидаларини яхши билувчи; шариат қонуншуноси; диний раҳбар.

**Муфтиодил, Muftiodil** (*ар.*) — *қар. Муфти* ва *Одил.*

**Муфтулла, Muftulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг дин(шариат) қоидаларини шарҳловчи, шариатшунос бандаси.

**Мухбира, Muxbira** (◊ .,*ар.*) — матбуотчи (журналист) қиз.

**Мухбиржон, Muxbirjon** (*ар.-фт.*) — матбуотчи (журналист) бола.

**Мухлис, Muxlis** (*ар.*) — самимий, оққўнгил, содиқ ёки сиғинувчи, сажда қилувчи.

**Мухлиса, Muxlisa** (◊ .,*ар.*) — оққўнгил қиз; художўй қиз. Шакллари: *Мухлисой, Мухлисхон.*

**Мухлисали, Muxlisali** (*ар.*) — *қар. Мухлис* ва *Али.*

**Мухлисиддин, Muxlisiddin** (*ар.*) — диннинг ихлосманди, динга содиқ; тақводор, художўй.

**Мухлисулла, Muxlisulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг софдил ва содиқ ихлоскори; Аллоҳ йўлида ихлос билан хизмат қилувчи.

**Мухсора, Muxsora** (◊.,*фт.*) — *эҳт. Рухсора.*

**Мухтабар, Muxtabar** (◊.,*ар.*) — *қар. Муътабар.*

**Мухтасар, Muxtasar** (*ар.*) — айнан: қисқа, охири; болалар туғилгани етади; бошқа туғмайман, қаноатландим маъносида.

**Мухтор, Muxtor** (*ар.*) — танланган, сайланган ёки ўз эрки ўзида бўлган, мустақил, эркин.

**Мухтора, Muxtora** (*ар.*) — танланган, устун турувчи ёки эркин, ҳур қиз.

**Мухторали, Muxtorali** (*ар.*) — эркин, озод ўғилни Али ўз паноҳида асрасин ёки Алининг танланган, сайлаб олинган фарзанди.

**Мухториддин, Muxtoriddin** (*ар.*) — диннинг ишончли, танланган, мустақил кишиси.

**Мухторият, Muxtoriyat** (◊.,*ар.*) — эркин, мустақил.

**Мухторулла, Muxtorulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг танланган, сайланган, ўз эрки ўзида бўлган кишиси.

**Муъин, Mu'in** (*ар.*) — ёрдамчи, кўмакчи, суянч.

**Муъина, Mu'ina** (◊.,*ар.*) — кўмакчи, онасига ёрдамчи, суянч.

**Мушарраф, Musharraf** (*ар.*) — шарафли, ҳурматли, иззат топган.

**Муширбой, Mushirboy** (*ар.*) — қаноат қилувчи; ризқ-рўзли, насибаси бут ёки ҳамсуҳбат, маслаҳатчи, маслакдош. Шакллари: *Муширбек, Муширжон.*

**Мушки, Mushki** (◊.,*фт.*) — мушк ҳидли, ёқимтой; қорасоч қиз. Сол: *Мушкноз, Мушкиноз.*

**Мушкина, Mushkina** (◊.,*фт.*) — мушк ҳидли, мушк суриб оролланган.

**Мушкноз, Мушкиноз, Mushknoz** (◊.,*фт.*) — мушк суриб нозланувчи; мушкли, қора соч, гўзал қиз.

**Мушовир, Mushovir** (*ар.*) — маслаҳат берувчи; ақлли.

**Мушоира, Mushoira** (◊.,*ар.*) — шеър ўқиб мусобақа қилувчи; шеърий санъат соҳибаси.

**Мушриф, Mushrif** (*ар.*) — яхши хислатлар эгаси ёки ўтмишда амир девонидаги бошқарувчи; солиқ йиғувчи амалдор.

**Мушрифиддин, Mushrifiddin** (*ар.*) — диннинг бошлиғи, раҳбари, раҳнамоси.

**Муштарий, Mushtariy** (◊.,*ар.*) — Юпитер сайёрасининг номи ёки сотиб олувчи, харидор.

**Муштоқ, Mushtoq** (*ар.*) — интизор бўлиб, орзу қилиб кутилган бола.

**Мушфиқ, Mushfiq** (*ар.*) — меҳрли, меҳрибон, шафқатли, раҳмдил.

**Мушфиқа, Mushfiqa** (◊.,*ар.*) — меҳрибон, шафқатли қиз.

**Муяссар, Muyassar** (*ар.*) — орзу қилиб юриб эришилган бола; Аллоҳ эриштирган, совға қилган бола.

**Муяссарқул, Muyassarqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муяссар* (*Муяссар+қул*).

**Муқаддам, Muqaddam** (◊.,*ар.*) — олдинда борувчи, пешво ёки оиладаги илк, биринчи бола.

**Муқаддар, Muqaddar** (*ар.*) — олдиндан белгилаб қўювчи, олдиндан билувчи. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан бири бўлган.

**Муқаддара, Muqaddara** (◊.,*ар.*) — *қар. Муқаддар* (*Муқаддар+а*).

**Муқаддас, Muqaddas** (◊.,*ар.*) — табаррук, азиз, қадрли ёки покиза, озода.

**Муқанна, Muqanna** (*ар.*) — юзига парда тутган, ниқобланган. Машҳур Ҳаким ибн Атонинг лақаби.

**Муқарраб, Muqarrab** (*ар.*) — яқин турувчи, ҳамсуҳбат, сирдош.

**Муқаррар, Muqarrar** (*ар.*) — турғин, собит, мустаҳкам, яъни яшовчи, ўлмайдиган.

**Муқат, Muqat** (◊.,*ар.*) — *Муқаддас* ёки *Муқаддам* исмининг эқ. шакли.

**Муқаш, Muqash** (*ар.*) — *Муҳаммад* ёки *Муҳаммадшариф* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Муқбил, Muqbil** (*ар.*) — бахтли, иқболли, саодатли, олдинга етакловчи, сардор.

**Муқим, Muqim** (*ар.*) — турғин, сабаб, маҳкам, яъни яшайдиган, ўлмайдиган. Шакллари: *Муқимбой, Муқимжон.*

**Муқима, Muqima** (◊.,*ар.*) — турувчи, яшовчи, умри узоқ қиз.

**Муқимбиби, Muqimbibi** (◊.,*ар.-ҳинд.*) — баланд мартабали умри узоқ қиз.

**Муқимиддин, Muqimiddin** (*ар.*) — динни мустаҳкамловчи, диннинг собитқадам ҳимоячиси, шариат йўлида қатъий турувчи.

**Муқимтош, Muqimtosh** (*ар.-ўз.*) — турғин, собит ва тошдек маҳкам, яъни умри узоқ қиз.

**Муқрим, Muqrim** (*ар.*) — мурувватли, яхшиликлар қилувчи, сахий, қўли очиқ.

**Муқтадир, Muqtadir** (*ар.*) — кучли, қудратли ва иқтидорли, маҳоратли.

**Муқтазо, Muqtazo** (*ар.*) — сўраб олинган, зарур бўлган, мақсад, тилак. *қар. Муртазо.*

**Муғтафи, Mug'tafi** (*ар.*) — тақдирланган; хурсанд, шодон.

**Муғамин, Mug'amin** (◊.,*ар.*) — гўзал, зебо, қорачадан келган гўзал қиз.

**Муғанний, Mug'anniy** (*ар.*) — куйчи, ашулачи, созанда, чолғучи.

**Муғлоной, Mug'lonoy** (◊ .,*фт.*) — оташпараст, мажусий ёки устоз, мураббий.

**Муғча //Муғжа, Mug'cha** (◊ .,*фт.*) — гул ғунчаси, ғунчадек ёш, зебо қиз.

**Муҳаббат, Muhabbat** (◊ .,*ар.*) — дўстлик, яқинлик, суюкли, меҳрибон қиз.

**Муҳаддара, Muhaddara** (◊ .,*ар.*) — покиза, иффатли, маъсума.

**Муҳайё, Muhayyo** (◊ .,*ар.*) — ҳозир бўлган, бор бўлувчи, яшовчи қиз.

**Муҳаллаб, Muhallab** (◊ .,*ар.*) — мафтункор, жозибали.

**Муҳаммад, Muhammad** (*ар.*) — мақтовга, олқишларга сазовор. Муҳаммад пайғамбар (Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, 570 ёки 571 Макка — 632, Мадина)нинг исми. Шакллари: *Муҳаммаджон, Муҳаммадхон* ва б.

**Муҳаммадазиз, Muhammadaziz** (*ар.*) — қадрли, эъзозга сазовор. Муҳаммад(сав) муқаддасдир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Азиз.*

**Муҳаммадазим, Muhammadazim** (*ар.*) — улуғ, буюк Муҳаммад ёки *қар. Муҳаммад* ва *Азим.*

**Муҳаммадайюб, Muhammadayyub** (*ар.*) — *Муҳаммад* ва *Айюб.*

**Муҳаммадакбар, Muhammadakbar** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) маҳобатли, буюк, улуғдир, ёки *қар. Муҳаммад* ва *Акбар.*

**Муҳаммадали, Muhammadali** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) олий мартабали, юксалган, улуғвордир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Али.*

**Муҳаммадамин, Muhammadamin** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) содиқ, ишончли, садоқатлидир. Амин — Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан бири.

**Муҳаммаданвар, Muhammadanvar** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) нурли, ёрқиндир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Анвар.*

**Муҳаммадато, Muhammadato** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) бахш этган, инъом қилган бола.

**Муҳаммадафзал, Muhammadafzal** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) баркамол, бекаму кўстдир; барчадан устун турувчидир.

**Муҳаммадасад, Muhammadasad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг иқболи баланд, бахтлидир ёки Асад ойида туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Муҳаммадаъзам, Muhammada'zam** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) улуғвор, маҳобатлидир.

**Муҳаммадаъло, Muhammada'lo** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) буюк, олижаноб, юксакликка эришгандир.

**Муҳаммадаълам, Muhammada'lam** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) доно, донишмандир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Аълам.*

**Муҳаммадшариф, Muhammadsharif** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) олижаноб, мурувватлидир ёки Муҳаммад(сав) аслзодадир.

**Муҳаммадаҳмад, Muhammadahmad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) Аллоҳга тинимсиз ҳамду санолар айтувчидир.

**Муҳаммадбакир, Muhammadbakir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Бакир.*

**Муҳаммадбек, Muhammadbek** (*ар. +ўз.*) — *қар. Муҳаммад* (*Муҳаммад +бек*)

**Муҳаммадберди, Muhammadberdi** (*ар.ўз.*) — Муҳаммад пайғамбар ато қилган бола.

**Муҳаммадбобо, Muhammadbobo** (*ар. +фт.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Бобо.*

**Муҳаммадбоқий, Muhammadboqiy** (*ар.*) — *Муҳаммад* абадий, мангудир; ҳамиша барҳаётдир.

**Муҳаммадбўри, Muhammadbo'ri** (*ар. +ўз.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Бўри.*

**Муҳаммадбобур, Muhammadbobur** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Бобур.*

**Муҳаммадбой, Muhammadboy** (*ар. +ўз.*) — *қар. Муҳаммад* (*Муҳаммад +бой*).

**Муҳаммадвали, Muhammadvali** (*ар.*) — Муҳаммад (Аллоҳга) содиқ дўстдир ёки Муҳаммад табаррук, муқаддасдир; покиза зотдир.

**Муҳаммадвафо, Muhammadvafo** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) садоқатли, вафолидир, собит қадамдир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Вафо.*

**Муҳаммадгадо, Muhammadgado** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Гадо.*

**Муҳаммаддарвеш, Muhammaddarvesh** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Дарвеш.*

**Муҳаммаддин, Muhammaddin** (*ар.*) — диннинг мақтовга, олқишга сазовор фарзанди.

**Муҳаммаддия, Muhammaddiya** (◊ *.,ар.*) — *Муҳаммад* (*қар.*) исмининг аёллар номи шакли ёки Муҳаммадга сиғинувчи қиз.

**Муҳаммаддўст, Muhammaddo'st** (*ар.-фт.*) — Муҳаммад(сав)нинг содиқ дўсти ёки Муҳаммад дўст бўлиб, қўллаб юрсин.

**Муҳаммадёр, Muhammadyor** (*ар.-фт.*) — Муҳаммад(сав)нинг дўсти, ҳамдами ёки Муҳаммад(сав) ёр бўлиб, қўллаб юрсин.

**Муҳаммадёқуб, Muhammadyoqub** — *қар. Муҳаммад* ва *Ёқуб.*

**Муҳаммаджалил, Muhammadjalil** (*ар.*) — ҳар томонлама мукаммал, улуғ зотнинг (Аллоҳнинг) Муҳаммади(сав) ёки *қар. Муҳаммад* ва *Жалил.*

**Муҳаммаджамил, Muhammadjamil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Жамил.*

**Муҳаммаджон, Muhammadjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммад* (*Муҳаммад +жон*).

**Муҳаммаджума, Muhammadjuma** (*ар.*) — табаррук жума куни таваллуд топган болани Муҳаммад ўз паноҳида асрасин.

**Муҳаммадзакий, Muhammadzakiy** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) заковатли, ақлли, донодир.

**Муҳаммадзамон, Muhammadzamon** (*ар.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Замон.*

**Муҳаммадзариф, Muhammadzarif** (*ар.*) – Муҳаммад гўзал, нурли, нозиктаъб, донодир.

**Муҳаммадзиё, Muhammadziyo** (*ар.*) – Муҳаммад(сав) нур, ёғду; бахт соҳибидир.

**Муҳаммадзиёд, Muhammadziyod** (*ар.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Зиёд.*

**Муҳаммадзикир, Muhammadzikir** (*ар.*) – Муҳаммад(сав)нинг ёди, хотираси.

**Муҳаммадзикриё, Muhammadzikriyo** (*ар.*) – қар. *Муҳаммад* ва *Зикириё.*

**Муҳаммадзокир, Muhammadzokir** (*ар.*) – Муҳаммад(сав) Аллоҳни ёдга олувчи, доимо эсловчидир.

**Муҳаммадзоҳид, Muhammadzohid** (*ар.*) – Муҳаммад(сав) муқаддас авлиё, художўйдир.

**Муҳаммадзоҳир, Muhammadzohir** (*ар.*) – Муҳаммад(сав) доимо намоён бўлувчи, ёрдамга ҳозирдир ёки Муҳаммад(сав) музаффар, ғолибдир.

**Муҳаммадзулун, Muhammadzulun** (*ар.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Зуннун.*

**Муҳаммадзуннун, Muhammadzunnun** (*ар.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Зуннун.*

**Муҳаммадзуҳур, Muhammadzuhur** (*ар.*) – Муҳаммад(сав) ўзини намоён қилувчидир, ғолибдир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Зуҳур.*

**Муҳаммади, Muhammadi** (*ар.*) – Муҳаммад(сав)нинг йўлидан борувчи, унга эргашувчи, мусулмон.

**Муҳаммадиброҳим, Muhammadibrohim** (*ар.+қад.яҳ.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Иброҳим.*

**Муҳаммадикром, Muhammadikrom** (*ар.*) – Муҳаммад улуғ ва эъзозлидир.

**Муҳаммадислом, Muhammadislom** (*ар.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Ислом.*

**Муҳаммадисмоил, Muhammadismoil** (*ар.+қад.яҳ.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Исмоил.*

**Муҳаммадисо, Muhammadiso** (*ар.-қад.яҳ.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Исо.*

**Муҳаммадисроил, Muhammadisroil** (*ар.+қад.яҳ.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Исроил.*

**Муҳаммадисҳоқ, Muhammadishoq** (*ар.-яҳ.*) – *қар. Муҳаммад* ва *Исҳоқ.*

**Муҳаммадйўлдош, Muhammadyo'ldosh** (*ар.+ўз.*) – пайғамбар йўлдош бўлиб, қўллаб юрсин.

**Муҳаммадкабир, Muhammadkabir** (*ар.*) – Муҳаммад(сав) улуғдир, буюкдир ёки тўнғич фарзандни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Муҳаммадкамол, Muhammadkamol** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Камол.*

**Муҳаммадкарим, Muhammadkarim** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) олиҳиммат, саховатли, ғамхўрдир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Карим.*

**Муҳаммадкозим, Muhammadkozim** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) чидамли, сабр-тоқатлидир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Козим.*

**Муҳаммадкомил, Muhammadkomil** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) баркамол, етук, бекаму кўстдир. Комил — пайғамбарнинг сифатларидан бири.

**Муҳаммадлабиб, Muhammadlabib** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) оқил, доно, донишманддир.

**Муҳаммадлатиф, Muhammadlatif** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) меҳрибон, ҳимматли, мурувватлидир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Латиф.*

**Муҳаммадмажид, Muhammadmajid** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Мажид.*

**Муҳаммадмазид, Muhammadmazid** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) улғаювчи, юксалувчи, улуғвордир.

**Муҳаммадмансур, Muhammadmansur** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) енгилмас, ғолибдир.

**Муҳаммадмахдум, Muhammadmaxdum** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Махдум.*

**Муҳаммадмахсум, Muhammadmaxsum** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Махсум.*

**Муҳаммадмаъсум, Muhammadma'sum** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) покиза, озода, муқаддас зотдир.

**Муҳаммадмуаззам, Muhammadmuazzam** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) юксакликка, камолатга етган, баркамол зотдир.

**Муҳаммадмубин, Muhammadmubin** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) равшан, нурли, муқаддасдир ёки Муҳаммад меҳр-мурувватга тўладир.

**Муҳаммадмирза, Muhammadmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Мирза.*

**Муҳаммадмурод, Muhammadmurod** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) эриштирган орзу, Муҳаммад(сав)нинг эҳсони ёки *қар. Муҳаммад* ва *Мурод.*

**Муҳаммадмусо, Muhammadmuso** (*ар.-яҳ.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Мусо.*

**Муҳаммадмустафо, Muhammadmustafo** (*ар.*) — Муҳаммад — Аллоҳнинг танлагани, Аллоҳнинг эъзозлаган бандаси. Мустафо — Муҳаммад(сав) сифатларидан бири.

**Муҳаммадмуҳсин, Muhammadmuhsin** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ҳимматли, мурувватли, олижанобдир.

**Муҳаммадмўмин, Muhammadmo'min** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) диндор, художўйдир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Мўмин.*

**Муҳаммаднаби, Muhammadnabi** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) Аллоҳнинг элчисидир.

**Муҳаммадназар, Muhammadnazar** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг илтифоти, кўмаги, назари туфайли эришилган бола.

**Муҳаммадназир, Muhammadnazir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) хабарчи, даракчи, олдиндан хабар берувчи, огоҳлантирувчидир. Ушбу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан бири.

**Муҳаммаднақий, Muhammadnaqiy** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) покиза, бегуноҳ ва муқаддасдир.

**Муҳаммадниёз, Muhammadniyoz** (*ар.-фт.*) — Муҳаммад(сав)дан ўтиниб, сўраб олинган бола ёки Муҳаммаднинг туҳфаси, эҳсони.

**Муҳаммаднодир, Muhammadnodir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ноёб, бебаҳо, тенгсиздир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Нодир.*

**Муҳаммаднозим, Muhammadnozim** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) тартибга, интизомга солувчидир.

**Муҳаммадносир, Muhammadnosir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ғолиб, музаффардир.

**Муҳаммаднур, Muhammadnur** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) нурли, равшан, саодатмандлир.

**Муҳаммадодил, Muhammadodil** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) адолатли, ҳақгўйдир.

**Муҳаммадолим, Muhammadolim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Олим.*

**Муҳаммадориф, Muhammadorif** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) доно, оқил, барча нарсаларни билувчи донишманддир.

**Муҳаммадосим, Muhammadosim** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) кишиларни ўзини тийишга ундовчи, гуноҳлардан асровчи, сақловчидир.

**Муҳаммадота, Muhammadota** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ота* ёки Муҳаммад(сав) инъом қилган бола.

**Муҳаммадоқил, Muhammadoqil** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ақлли, доно, донишманддир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Оқил.*

**Муҳаммадпаноҳ, Muhammadpanoh** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ғамхўрлик қилувчи ва ўз паноҳига олувчи бола.

**Муҳаммадражаб, Muhammadrajab** (*ар.*) — ражаб ойида туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Муҳаммадраззоқ, Muhammadrazzoq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Раззоқ.*

**Муҳаммадрасо, Muhammadraso** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) интилувчи ва мақсадга етувчидир.

**Муҳаммадрасул, Muhammadrasul** (*ар.*) — Муҳаммад пайғамбар, Аллоҳнинг элчисидир.

**Муҳаммадрауф, Muhammadrauf** (*ар.*) — Муҳаммад раҳмдил, шафқатли, мурувватлидир. Бу ном пайғамбарнинг сифатларидан бири бўлган.

**Муҳаммадрафиқ, Muhammadrafiq** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) дўст, ҳамдам; қўлловчи, асровчидир.

**Муҳаммадрашид, Muhammadrashid** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) тўғри йўлдан борувчи; йўлбошчи, сардордир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Рашид.*

**Муҳаммадраҳим, Muhammadrahim** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) раҳмдил, меҳрибон, мурувватлидир.

**Муҳаммадризо, Muhammadrizo** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) танланган, сайлаб олинган зотдир.

**Муҳаммадрозиқ, Muhammadroziq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Розиқ.*

**Муҳаммадрост, Muhammadrost** (*ар.+фт.*) — Муҳаммад(сав) одил, ростгўй; тўғри, холис турувчидир.

**Муҳаммадрўзи, Muhammadro'zi** (*ар.*) — ризқу насибали болани Муҳаммад(сав) қўлласин ёки *қар. Муҳаммад* ва *Рўзи.*

**Муҳаммадсаид, Muhammadsaid** (*ар.*) — Муҳаммад бахтли, саодатманддир ёки бахтли болани Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Муҳаммадсайид, Muhammadsayid** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) исломнинг йўлбошчиси, муқаддас раҳномасидир.

**Муҳаммадсалим, Muhammadsalim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад(сав)* ва *Салим.*

**Муҳаммадсано, Muhammadsano** (*ар.*) — Муҳаммад Аллоҳни улуғловчи, унга мадҳу сано айтувчидир.

**Муҳаммадсарвар, Muhammadsarvar** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) йўлбошчи, раҳбар, сардордир.

**Муҳаммадсаттор, Muhammadsattor** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Саттор.*

**Муҳаммадсафо, Muhammadsafo** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Сафо.*

**Муҳаммадсиддиқ, Muhammadsiddiq** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) вафодор, содиқ, собитқадамдир.

**Муҳаммадсоат, Muhammadsoat** (*ар.*) — қутли пайтда туғилган болани пайғамбар қўлласин.

**Муҳаммадсобир, Muhammadsobir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Собир.*

**Муҳаммадсобит, Muhammadsobit** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) қатъий, собитқадамдир ёки Муҳаммад келишган, чиройли, гўзалдир.

**Муҳаммадсовур, Muhammadsovur** (*ар.*) — савр ойида туғилган ўғилни Муҳаммад қўлласин ёки эҳт.: *Муҳаммадсобир* (*қар.*).

**Муҳаммадсодир, Muhammadsodir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) йўлбошчи, сардордир ёки *қар. Муҳаммад* ва *Содир.*

**Муҳаммадсодиқ, Muhammadsodiq** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) садоқатли, содиқ дўстдир. Содиқ номи пайғамбарнинг сифатларидан бири.

**Муҳаммадсоиб, Muhammadsoib** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) саховатли, сахийдир.

**Муҳаммадсоли, Muhammadsoli** (*ар.*) — *қар. Муҳаммадсолиҳ.*

**Муҳаммадсолиҳ, Muhammadsolih** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) саховатли, ҳимматли, мурувватлидир ёки Муҳаммад тақволи, тақводор; одил, адолатлидир. Солиҳ номи пайғамбарнинг сифатларидан бири.

**Муҳаммадсултон, Muhammadsulton** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Султон.*

**Муҳаммадтожи, Muhammadtoji** (*ар.+фт.*) — холли бўлиб туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) қўлласин.

**Муҳаммадтойиб, Muhammadtoyib** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) раҳмдил, меҳрибон, мурувватлидир ёки Муҳаммад(сав) софдил, покиза, хуштабиатдир. Тойиб//Тоййиб — пайғамбарнинг сифатларидан бири.

**Муҳаммадтолиб, Muhammadtolib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Толиб.*

**Муҳаммадтош, Muhammadtosh** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Тош.*

**Муҳаммадтоҳир, Muhammadtohir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) покиза, тақводор, авлиёдир.

**Муҳаммадтурди, Muhammadturdi** (*ар.-ўз.*) — турсин, яшасин ва Муҳаммад(сав) қўллаб юрсин.

**Муҳаммадтурсун, Muhammadtursun** (*ар.+ўз.*) — яшаб кетсин, ўлмасин ва пайғамбар қўлласин.

**Муҳаммадтурғун, Muhammadturg'un** (*ар.+ўз.*) — собит турсин, яшасин ва пайғамбар ўз паноҳига олсин.

**Муҳаммадтўра, Muhammadto'ra** (*ар.-ўз.*) — улғайиб мартабали, тўралардек йигит бўлсин ва пайғамбар қўллаб юрсин.

**Муҳаммадтўхта, Muhammadto'xta** (*ар.+ўз.*) — яшасин, ўлмасин ва пайғамбар қўллаб юрсин.

**Муҳаммадулла, Muhammadulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мақтовга сазовор бандаси, Аллоҳнинг Муҳаммади (пайғамбари).

**Муҳаммадумар, Muhammadumar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Умар.*

**Муҳаммадусмон, Muhammadusmon** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Усмон.*

**Муҳаммадфаёз //Муҳаммадфайёз, Muhammadfayoz** (*ар.*) — Муҳаммад ўта сахий, ҳимматли, ўта мурувватлидир.

**Муҳаммадфайзи, Muhammadfayzi** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Файзи.*

**Муҳаммадфасиқ, Muhammadfasiq** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) фасоҳат соҳиби, кўркам нутқ эгаси, нотиқдир.

**Муҳаммадфахир, Muhammadfaxir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) юксак мартабали, эъзоз соҳибидир.

**Муҳаммадфозил, Muhammadfozil** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) мукаммал, бекаму кўст, баркамолдир.

**Муҳаммадфотиҳ, Muhammadfotih** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) юксак турувчи, барчадан устун ва афзалдир.

**Муҳаммадфоруҳ, Muhammadforuh** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) яхшилик ва ёмонликни тез фаҳмловчидир, дўсту душманни ажрата олувчидир.

**Муҳаммадфотиҳ, Muhammadfotih** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) енгилмас, ғолиб, музаффардир. Фотиҳ номи пайғамбарнинг сифатларидан бири.

**Муҳаммадхабар, Muhammadxabar** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) билувчи, доно, оқилдир.

**Муҳаммадхалил, Muhammadxalil** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) содиқ, вафодор дўстдир.

**Муҳаммадхол, Muhammadxol** (*ар.-фт.*) — холли, хол б-н туғилган ўғилни пайғамбар қўллаб юрсин.

**Муҳаммадхолиқ, Muhammadxoliq** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Холиқ.*

**Муҳаммадхон, Muhammadxon** (*ар.+ўз.*) — *қар. Муҳаммад* (Муҳаммад+хон).

**Муҳаммадхорис, Muhammadxoris** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) асровчи, қўриқловчи, паноҳида сақловчидир.

**Муҳаммадхўжа, Muhammadxo'ja** (*ар.+фт.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Хўжа.*

**Муҳаммадшайх, Muhammadshayx** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Шайх.*

**Муҳаммадшараф, Muhammadsharaf** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) шонли, шуҳратлидир.

**Муҳаммадшариф, Muhammadsharif** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) улуғ, юксак, муқаддас; азиз ва табаррукдир.

**Муҳаммадшафи, Muhammadshafi** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) инсонларни ёқловчи, ҳимоя қилувчи, ҳомийдир.

**Муҳаммадшаҳин, Muhammadshahin** (*ар.-фт.*) — Муҳаммад(сав) лочиндир, довюрак, жасурдир, *қар. Муҳаммад* ва *Шаҳин* (лочин).

**Муҳаммадшер, Muhammadsher** (*ар.-фт.*) — шердек довюрак, жасур бўлиб ўссин ва Муҳаммад ўз паноҳида асрасин.

**Муҳаммадшо, Muhammadsho** (*ар.-фт.*) — *Муҳаммад* ва *Шо(ҳ).*

**Муҳаммадшокир, Muhammadshokir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) яхшиликлар қилувчи, мақсадга етказувчидир; эзгу ишлар соҳибидир.

**Муҳаммадшоҳ, Muhammadshoh** (*ар.+фт.*) — Муҳаммад улуғ ҳукмрон, раҳнамодир.

**Муҳаммадшукур, Muhammadshukur** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Шукур.*

**Муҳаммадэмин, Muhammademin** (*ар.*) — эркин, ҳур бўлиб улғайсин ёки *қар. Муҳаммадамин.*

**Муҳаммадэсон, Muhammadeson** (*ар.*) — соғу омон улғайсин ва пайғамбар қўллаб юрсин.

**Муҳаммадэш, Muhammadesh** (*ар.-ўз.*) — Муҳаммад(сав) ёр бўлсин, қўлласин ёки отасига эш, ҳамдам бўлиб юрсин.

**Муҳаммадэҳсон, Muhammadehson** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг туҳфаси, эҳсони.

**Муҳаммадюнус, Muhammadyunus** (*ар.-яҳ.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Юнус.*

**Муҳаммадюсуф, Muhammadyusuf** (*ар.-яҳ.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Юсуф.*

**Муҳаммадясир, Muhammadyasir** (*ар.*) — кичик, кенжатой ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳига олсин.

**Муҳаммадяъқуб, Muhammadya'qub** (*ар.-яҳ.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Яъқуб.*

**Муҳаммадўрин, Muhammado'rin** (*ар.-ўз.*) — отаси ёки вафот этган ака-опалари ўрнига келган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳига олсин.

**Муҳаммадўроз, Muhammado'roz** (*ар.-ўз.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ўроз.*

**Муҳаммадқобил, Muhammadqobil** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Қобил.*

**Муҳаммадқодир, Muhammadqodir** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Қодир.*

**Муҳаммадқози, Muhammadqozi** (*ар.*) — *Муҳаммад* ва *Қози.*

**Муҳаммадқосим, Muhammadqosim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Қосим.*

**Муҳаммадқул, Muhammadqul** (*ар.-ўз.*) — Муҳаммад(сав)га содиқ, пайғамбарнинг қули, итоаткори.

**Муҳаммадқурбон, Muhammadqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ўзилни Муҳаммад ўз паноҳида асраб юрсин.

**Муҳаммадқўзи, Muhammadqo'zi** (*ар.+ўз.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Қўзи.*

**Муҳаммадғавс, Muhammadg'avs** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) мададкор, ғамхўрдир ёки Муҳаммад(сав) фасоҳатли, донодир.

**Муҳаммадғани, Muhammadg'ani** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ғани.*

**Муҳаммадғариб, Muhammadg'arib** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ўзига хос, мислсиз тенгсиздир.

**Муҳаммадғафур, Muhammadg'afur** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ғафур.*

**Муҳаммадғози, Muhammadg'ozi** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) дин учун курашувчи, енгилмас ва музаффардир.

**Муҳаммадғойиб, Muhammadg'oyib** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ғойиб.*

**Муҳаммадғолиб, Muhammadg'olib** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) енгилмас, музаффардир.

**Муҳаммадғулом, Muhammadg‘ulom** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг қули, содиқ ихлосманди.

**Муҳаммадҳабиб, Muhammadhabib** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) суюкли, азиз дўстдир.

**Муҳаммадҳаёт, Muhammadhayot** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) барҳаётдир, боқийдир.

**Муҳаммадҳайдар, Muhammadhaydar** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ҳайдар.*

**Муҳаммадҳаким, Muhammadhakim** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) доно ёки *қар. Муҳаммад* ва *Ҳаким.*

**Муҳаммадҳасан, Muhammadhasan** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ҳасан.*

**Муҳаммадҳафиз, Muhammadhafiz** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ҳафиз.*

**Муҳаммадҳоди, Muhammadhodi** (*ар.*) — Муҳаммад бошлиқ, раҳбар, раҳнамодир.

**Муҳаммадҳожи, Muhammadhoji** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ҳожи.*

**Муҳаммадҳошим, Muhammadhoshim** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ҳошим.*

**Муҳаммадҳошир, Muhammadhoshir** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) қиёмат куни ўз умматларини машҳаргоҳга йиғувчи, тўпловчидир. Ҳошир номи — Муҳаммад(сав) сифатларидан бири.

**Муҳаммадҳусан, Muhammadhusan** (*ар.*) — *қар. Муҳаммад* ва *Ҳусан.*

**Муҳаррам, Muharram** (*ар.*) — муҳаррам ойида (ҳижрий йил ҳисобида биринчи ой) туғилган бола.

**Муҳаррама, Muharrama** (◊ .,*ар.*) — муҳаррам ойида, муқаддас ойда туғилган қиз.

**Муҳбил, Muhbil** (*ар.*) — *қар. Муқбил.*

**Муҳиб, Muhib** (*ар.*) — дўст, йўлдош, суюкли, меҳрли, меҳрибон.

**Муҳиба, Muhiba** (◊ .,*ар.*) — дўст, қадрли, суюкли қиз ёки раҳмдил, меҳрибон қиз.

**Муҳибали, Muhibali** (*ар.*) — Алининг йўлдоши, Алининг суюкли дўсти.

**Муҳиббиби, Muhibbibi** (◊ .,*ар.-ҳинд.*) — юксак мартабали, суюкли дўст.

**Муҳибжамол, Muhibjamol** (◊ .,*ар.*) — чиройли, соҳибжамол қиз.

**Муҳибжаҳон, Muhibjahon** (◊ .,*ар.*) — дунёдаги энг суюкли, барча эъзозловчи қиз.

**Муҳибжон, Muhibjon** (*ар.-фт.*) — суюкли, қадрли, эркатой ўғил.

**Муҳибзода, Muhibzoda** (*ар.-фт.*) — суюклилар, қадрдон кишилар наслининг фарзанди.

**Муҳибиддин, Muhibiddin** (*ар.*) — диннинг суюкли, яқин, қадрдон дўсти; динни қадрловчи.

**Муҳибкамол, Muhibkamol** (*ар.*) — *қар. Муҳиб* ва *Камол.*

**Муҳибмирза, Muhibmirza** (*ар.-фт.*) — суюкли дўст ва ўқимишли йигит бўлсин.

**Муҳибнисо, Muhibniso** (*ар.*) — аёлларнинг энг суюклиси, мўътабари.

**Муҳибулла, Muhibulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг суюкли, яхши кўрган бандаси ёки Аллоҳни севувчи, эъзозловчи бола.

**Муҳид, Muhid** (*ар.*) — *қар. Муҳиддин.*

**Муҳида, Муҳидахон, Muhida** ( ◇ .,*ар.*) — гўзал, нафосатли, ёқимтой қиз.

**Муҳиддин, Muhiddin** (*ар.*) — динни қўлловчи, жонлантирувчи, динга гўзаллик, нафосат бахш этувчи.

**Муҳиддина, Muhiddina** (*ар.*) — диннинг гўзал, покиза фарзанди, динни қадрловчи зебо қиз.

**Муҳиддинқори, Muhiddinqori** (*ар.*) — *қар. Муҳиддин* ва *Қори.*

**Муҳим, Muhim** (*ар.*) — керак, зарур; кутилган, орзу қилинган ўғил.

**Муҳима, Muhima** ( ◇ .,*ар.*) — зарур, муштоқ бўлиб, орзу қилиб кутилган қиз.

**Муҳин, Muhin** ( ◇ .,*ар.*) — зориқиб кутилган қиз ёки *қар. Муҳинисо.*

**Муҳинисо, Muhiniso** ( ◇ .,*ар.*) — эҳт.: *Муҳибнисо.*

**Муҳир, Муҳирой, Muhiroy** ( ◇ .,*ар.*) — баданида бирор белги билан туғилган қиз.

**Муҳит, Muhit** (*ар.*) — умри денгиздек кенг, бепоён бўлсин ёки *қар. Муҳиддин.* Шакллари: *Муҳитбек, Муҳитжон.*

**Муҳожир, Muhojir** (*ар.*) — муҳожирликда бўлганда туғилган ўғил ёки бу ўзга, бошқа бола. Болани ўлимдан асраш учун қўйилади.

**Муҳожира, Muhojira** ( ◇ .,*ар.*) — муҳожирликда туғилган қиз ёки бу ёт, бегона қиз. Боланинг душманлари(ёвуз кучлар)ни чалғитиш учун қўйилади.

**Муҳрбой, Muhrboy** (*ар.*) — *қар. Муҳир.* (Муҳир+бой).

**Муҳриз, Muhriz** (*ар.*) — ўз мақсадига сабот билан интилувчи, собибқадам ғолиб чиқувчи, енгилмас.

**Муҳринисо, Muhriniso** ( ◇ .,*ар.*) — баданида бирор белги б-н туғилган қиз, тамғали, нишонли аёл.

**Муҳсиддин, Muhsiddin** (*ар.*) — *қар. Муҳсиниддин.*

**Муҳсин, Muhsin** (*ар.*) — карамли, марҳаматли, меҳрибон.

**Муҳсина, Muhsina** (*ар.*) — меҳрибон, яхшиликлар қилувчи раҳмдил қиз.

**Муҳсинали, Muhsinali** (*ар.*) — Алининг саховати, мурувватн, эҳсони бўлган бола.

**Муҳсиниддин, Muhsiniddin** (*ар.*) — диннинг карамли, хайру саховатли фарзанди.

**Муҳсинтой, Muhsintoy** (*ар.-ўз.*) — карамли, яхшиликлар қилувчи, қадрли, эркатой ўғил.

**Муҳтарам, Muhtaram** (*ар.*) — ҳурматли, қадрли, юксак эъзозга сазовор.

**Муҳтарама, Muhtarama** (◊.,*ар.*) — ҳурматли, эъзозли қиз.

**Муҳтасам, Muhtasam** (◊.,*ар.*) — ўзини тутувчи, сақланувчи, покиза, художўй ёки *қар. Муҳташам.*

**Муҳташам, Muhtasham** (◊.,*ар.*) — кўркам, улуғвор ёки ҳурматли қадрли.

**Муҳтож, Muhtoj** (*ар.*) — интиқлик б-н, муҳтож бўлиб кутилган бола ёки *қар. Муҳтожиддин.*

**Муҳтожиддин, Muhtojiddin** (*ар.*) — диннинг эҳтиёжини қондирувчи, дин учун меҳнат қилувчи бола.

**Муҳур, Muhur** (*ар.*) — *қар. Муҳир.* Шакллари: *Муҳурбек, Муҳурбой.*

**Мўмин, Mo'min** (*ар.*) — динга ишонувчи, динга содиқлигини тил ва иқрор б-н ҳамда қалбан тасдиқловчи, имонли, художўй. Мўмин номи Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, бандаларини асровчи, улар хавфсизлигини таъминловчи маъноларини англатади. Сол.: *Абдумўмин.*

**Мўмина, Mo'mina** (◊.,*ар.*) — шариатга эътиқодли, мусулмон қиз; тақводор аёл.

**Мўминали, Mo'minali** (*ар.*) — *қар. Мўмин* ва *Али.*

**Мўминмирза, Mo'minmirza** (*ар.-фт.*) — художўй ҳамда ўқимишли, билимдон бўлсин.

**Мўминнисо, Mo'minniso** (◊., *ар.*) — мусулмон, художўй аёл.

**Мўминтой, Mo'mintoy** (*ар.-ўз.*) — мусулмон-қобил, камтарин ҳамда эрка ўғил.

**Мўминча, Mo'mincha** (*ар.-ўз.*) — *қар. Мўмин* (Мўмин+ча).

**Мўминқул, Mo'minqul** (*ар.-ўз.*) — исломга, мусулмончиликка содиқ бола.

**Мўътабар, Mo''tabar** (◊.,*ар.*) — ҳурматли, азиз, эъзозга лойиқ. *Эҳт. Мўътабархон.*

**Мўътила//Мўтила, Mo'tila** (◊.,*ар.*) — туҳфа, ато қилинган, бахшанда.

**Мўччи, Mo'chchi** (◊.,*ўз.*) — нозик, нафосатли, зебо қиз.

**Мўғулхон//Мўғилхон, Mo'g'ulxon** (*ўз.*) — мўғилга ўхшаш ёки мўғил уруғига мансуб бола.

# Н

**Наби, Nabi** (*ар.*) — пайғамбар, Аллоҳнинг элчиси, илоҳий хабарлар келтирувчи, башорат қилувчи. Асли: *Набиулла, Абдунаби* (*қар.*). Шакллари: *Набижон, Набихон.*

**Набиаҳмад, Nabiahmad** (*ар.*) — Аллоҳга чексиз ҳамду сано айтувчи пайғамбар, Аллоҳни таъриф қилувчи, мадҳ қилувчи.

**Набиб, Nabib** (*ар.*) — *қар. Набиулла, Набибулла* ёки билимли, доно.

**Набиба, Nabiba** (◊.,*ар.*) — ақлли, зийрак қиз ёки пайғамбар наслидан бўлган қиз.

**Набибулла, Nabibulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг элчиси, хабарчиси.

**Набиддин, Nabiddin** (*ар.*) — диннинг бахтли, бахтиёр, шодон кишиси ёки диннинг пайғамбари, бошлиғи, раҳнамоси.

**Набиёр, Nabiyor** (*ар.-фт.*) — пайғамбар ҳамдам (ёр) бўлиб, қўллаб юрсин.

**Набира, Nabira** (◊.,*ар.*) — невара, невара бола.

**Набираҳмон, Nabirahmon** (*ар.*) — меҳрибон, шафқатлининг, яъни Аллоҳнинг элчиси, пайғамбари.

**Набириддин, Nabiriddin** (*ар.*) — *қар. Набиддин.*

**Набиулла, Nabiulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг элчиси, пайғамбари.

**Набихон, Nabixon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Наби* (Наби+хон).

**Набихўжа, Nabixo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Наби* (Наби+хўжа).

**Набиш, Nabish** (*ар.*) — Абдунаби, Набиулла каби исмларининг эқ. шакли.

**Набиқул, Nabiqul** (*ар.-ўз.*) — пайғамбарнинг содиқ хизматкори, қули.

**Набиқўзи, Nabiqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Наби* ва *Қўзи.*

**Набиҳ, Nabih** (*ар.*) — хушёр, сергак.

**Набиҳа, Nabiha** (◊.,*ар.*) — сергак, хушёр, чаққон қиз.

**Нобот, Nabot** (*ар.*) — ширин, ёқимтой, суюкли бола.

**Наботали, Nabotali** (*ар.*) — ширин, суюкли ўғилни Али қўлласин ёки *қар. Набот* ва *Али.*

**Наботбегим, Nabotbegim** (*ар.ўз.*) — аслзода, беклар наслига мансуб ширин, суюкли қиз.

**Набоҳат, Nabohat** (◊.,*ар.*) — покиза, озода, аслзода; улуғ мартабали.

**Навбат, Navbat** (*ар.*) — ўз навбати билан, ўз ўрни билан туғилган бола.

**Навбатхон, Navbatxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — ўз навбати, ўрни билан туғилган қиз. Эхт.: *Инобатхон* ёки *Наботхон.*

**Навбаткелди, Navbatkeldi** (*ар.-ўз.*) — ўз навбати, ўрни билан туғилган (келган) бола.

**Навбатмурод, Navbatmurod** (*ар.*) — ўз навбати билан туғилган ва орзуимиз, армонимиз бўлган бола.

**Навбатниёз, Navbatniyoz** (*ар.-фт.*) — ўз ўрни, навбат билан туғилган ва илтижо қилиб, сўраб олинган ёки Аллоҳ туҳфа қилган бола.

**Навбатқул, Navbatqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Навбат* (Навбат+қул).

**Навбаҳор, Navbahor** (*фт.*) — кўклам бошида туғилган қиз ёки ҳаёти илк баҳордек яшноқ ва обод бўлсин.

**Наввот, Navvot** (*ар.*) — амалдор, мансабдор; ўринбосар

**Навгул, Navgul** (◊.,*фт.*) — янгигина очилган, нозик гул, гулдек гўзал, зебо қиз.

**Навда, Navda** (◊.,*фт.*) — навда, яъни ўсувчи, улғаювчи ёки набира.

**Навдагул, Navdagul** (◊.,*фт.*) — *қар. Навда* (Навда+гул).

**Навдил, Navdil** (◊.,*фт.*) — ёш юрак, норасида; жажжи бола.

**Навдор, Navdor** (*фт.*) — ноёб тухфа, эҳсон.

**Навид, Navid** (*фт.*) — хушхабар, севинч, хушбахтлик

**Навкар, Navkar** (*фт.*) — дўст, ўртоқ ёки қўриқчи, аскар, хизматкор. Шакллари: *Навкарбой, Навкаржон.*

**Навмуҳаммад, Navmuhammad** (*фт.-ар.*) — *эҳт.:* Навкармуҳаммад — Муҳаммаднинг аскари, ёки Навмуҳаммад — ёш, навқирон Муҳаммад.

**Навниёз, Navniyoz** (*фт.*) — тилаб, сўраб олинган бола, ёш, норасида ёки *Эҳт.: Навкарниёз.*

**Навниҳол, Navnihol** (◊.,*фт.*) — ёш ниҳолдек ўсувчи, улғаювчи.

**Навоз, Navoz** (◊.,*фт.*) — *қар. Навозиш* ёки *Навниҳол.*

**Навозиш, Navozish** (◊.,*фт.*) — қадрли, азиз, эрка қиз ёки меҳрли, меҳрибон қиз.

**Навоий, Navoiy** (*фт.*) — куйга, қўшиққа мансуб. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг тахаллусига нисбат берилган исм. Буюк шоир Навоийга ўхшасин, Навоийдек шуҳрат топсин деб орзу қилинади.

**Навол, Navol** (*ар.*) — совға, эҳсон.

**Навола, Navola** (◊.,*ар.*) — туҳфа, эҳсон қилинган қиз.

**Навот, Navot** (*фт.*) — *қар. Наввот.*

**Наврўз, Navro'z** (*ар.*) — Наврўз — янги йил куни (ойи)да туғилган бола. Шакллари: *Наврўзбой, Наврўзжон, Наврўзхон.*

**Наврўзали, Navro'zali** (*фт.-ар.*) — Наврўз (янги йил) куни туғилган болани Али ўз паноҳига олсин.

**Наврўзбек, Navro'zbek** (*фт.-ўз.*) — наврўз (янги йил) куни туғилган беклар наслига мансуб бола.

**Наврўзбека, Navro'zbeka** (◊., *фт.-ўз.*) — янги йил (наврўз)да туғилган беклар авлодига мансуб қиз.

**Наврўзберди, Navro'zberdi** (*фт.-ўз.*) — наврўз куни ато қилинган бола.

**Наврўзбой, Navro'zboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Наврўз* (Наврўз+бой).

**Наврўзгул, Navro'zgul** (◊., *фт.*) — янги йил — Наврўз куни туғилган гулдек зебо қиз.

**Наврўзкелди, Navro'zkeldi** (*фт.-ўз.*) — янги йил (Наврўзда) туғилган, келган бола.

**Наврўзмомо, Navro'zmomo** (*фт.-ўз.*) — *қар. Наврўз* ва *Момо.*

**Наврўзмуҳаммад, Navro'zmuhammad** (*фт.-ар.*) — янги йил (Наврўз)да туғилган болани Муҳаммад ўз паноҳига олсин.

**Наврўзой, Navro'zoy** (◊ .,*фт.-ўз.*) — наврўз (янги йил)да туғилган ойдек сулув қиз.

**Наврўзхон, Navro'zxon** (◊ .,*фт.-ўз.*) — янги йил (Наврўз)да туғилган эъзозли қиз.

**Наврўзхўжа, Navro'zxo'ja** (*фт.*) — Наврўзда туғилган оксуяклар наслига мансуб бола.

**Наврўзқул, Navro'zqul** (*фт.-ўз.*) — Наврўз куни туғилган бола.

**Навфал, Navfal** (*ар.*) — тортиқ, совға, эҳсон.

**Навқирон, Navqiron** (*фт.*) — ўспирин, бўз бола, йигит.

**Навқон, Navqon** (*фт.*) — буғдой бошоғи; неъмат, ризқу рўзли, насибали.

**Навша, Navsha** (*фт.*) — янги, навқирон, ўспирин, бўз бола.

**Навшод, Navshod** (◊ .,*фт.*) — гўзал, зебо, нозанин. Бу сўз афсонавий гўзал ўлканинг номи ҳамдир.

**Надида, Nadida** (◊ .,*ар.*) — сахий, очиққўл; муносиб, монанд.

**Надим, Nadim** (*ар.*) — яқин дўст, суҳбатдош, сирдош.

**Надима, Nadima** (◊ .,*ар.*) — *қар. Надим* (Надим+а).

**Надимой, Nadimoy** (◊ .,*ар.-ўз.*) — ойдек сулув ва садоқатли дўст.

**Надимхўжа, Nadimxo'ja** (◊ .,*ар.-фт.*) — *қар. Надим* ва *Хўжа.*

**Нажаб, Najab** (*ар.*) — халиф Али кўмилган жой (шаҳар) номидан олинган исм. Шиа мазҳабига мансуб мусулмонлар бу жойни муқаддас деб биладилар ва унга сиғинадилар.

**Нажабали, Najabali** (*ар.*) — Алининг кўмилган жойи, муқаддас жой. *Қар. Нажиб.*

**Нажабқул, Najabqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нажаф* (Нажаф+қул).

**Наждат, Najdat** (*ар.*) — жасур, мард, қўрқмас.

**Нажжор, Najjor** (*ар.*) — дурадгор; ёғоч устаси; бинокор.

**Нажи//Нажий, Naji** (*ар.*) — яқин дўст, қадрдон ўртоқ, сирдош.

**Нажиб, Najib** (*ар.*) — олижаноб; олийҳиммат; пок, виждонли; атоқли, машҳур; аслзода.

**Нажиба, Najiba** (◊ .,*ар.*) — покиза; ҳурматли; аслзода қиз, олий насаб қиз.

**Нажибали, Najibali** (*ар.*) — *қар. Нажиб* ва *Али.*

**Нажибиддин//Нажибуддин, Najibiddin** (*ар.*) — диннинг танланган, кўзга кўринган вакили; диннинг мўътабар фарзанди.

**Нажибулла, Najibulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг суюкли дўсти, сирдоши ёки Аллоҳнинг таниқли дўсти. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан биридир.

**Нажим, Najim** (*ар.*) — айнан: юлдуз. *Нажимиддин, Нажимулла* (*қар.*)

**Нажима, Najima** (◊ .,*ар.*) — юлдуз. Сол.: *Нажминисо.*

**Нажимой, Najimoy** (◊ .,*ар.-ўз.*) — юлдуздек юксак ва ойдек кўркам қиз.

**Нажимхон, Najimxon** (*ар.-ўз.*) — юлдуздек кўркам ва эъзозли қиз.

**Нажимхўжа, Najimxo‘ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар авлодидан бўлган толеи улуғ бола.

**Нажия, Najiya** (◊ ., *ар.*) – энг яқин, қадрдон дўст, сирдош ёки кутилган, орзу қилинган қиз.

**Нажми, Najmi** (*ар.*) – *қар. Нажмиддин.*

**Нажмиддин, Najmiddin** (*ар.*) – дин юлдузи; диннинг иқболи, истиқболи ёки диннинг толеи баланд кишиси.

**Нажминисо, Najminiso** (◊ ., *ар.*) – аёллар юлдузи, яъни аёлларнинг энг юксаги, толеи баланд аёл.

**Нажмиой, Najmioy** (◊ ., *ар.-ўз.*) – толеи юлдуздек баланд ва ойдек гўзал қиз.

**Нажмираҳмон, Najmirahmon** (*ар.*) – ўта меҳрибон (Раҳмон-Аллоҳ)нинг юлдузи ёки Аллоҳнинг толеи баланд кишиси.

**Нажмихон, Najmixon** (◊ ., *ар.*) – юлдуздек юксак мартабали қиз.

**Нажмулла // Нажимулла, Najmulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг юлдузи; Аллоҳнинг суюкли толеи баланд бандаси.

**Нажобат, Najobat** (◊ ., *ар.*) – пок, покиза; авлиёзода, оқсуяклар наслига мансуб қиз.

**Нажот, Najot** (*ар.*) – ёрдам, кўмак қилиб, нажот қилиб берилган бола ёки боламиз турсин, яшасин деб Аллоҳдан нажот тилаймиз.

**Нажотбиби, Najotbibi** (◊ ., *ар. ҳинд.*) – нажот топувчи, яшовчи, умри узоқ қиз.

**Нажотхон, Najotxon** (◊ ., *ар.-ўз.*) – нажот топувчи, яшовчи, умри узоқ қиз.

**Назалой // Наззалой, Nazaloy** (◊ ., *ар.*) – ҳадя, эҳсон, туҳфа.

**Назар, Nazar** (*ар.*) – Аллоҳнинг ёки авлиёларнинг назари, мурувватли б-н туғилган бола, Аллоҳ назар қилган бола. Шакллари: *Назарбек, Назарбой, Назаржон, Назархон.*

**Назарбек, Nazarbek** (*ар.-ўз.*) – беклар наслидан бўлган Аллоҳ назар қилган бола.

**Назарали, Nazarali** (*ар.*) – Алининг назари, илтифоти туфайли эришилган бола.

**Назарберди, Nazarberdi** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли топилган бола.

**Назаргул, Nazargul** (◊ ., *ар.-фт.*) – Аллоҳнинг илтифоти, назари бўлган гулдек зебо қиз.

**Назармамат, Nazarmamat** (*ар.*) – *қар. Назармуҳаммад.*

**Назармат, Nazarmat** (*ар.*) – *қар. Назармуҳаммад.*

**Назармаҳмуд, Nazarmahmud** (*ар.*) – мақталганнинг назари тушиб эришилган бола. Маҳмуд номи Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир.

**Назармаҳрам, Nazarmahram** (*ар.*) – *қар. Назар* ва *Маҳрам.*

**Назармурод, Nazarmurod** (*ар.*) – Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли эришилган орзу, мурод.

**Назармуҳаммад, Nazarmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг илтифоти, шафқати туфайли эришилган бола.

**Назортож, Nazartoj** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли туғилган қизил холли бола.

**Назархол, Nazarxol** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли туғилган холли бола.

**Назархон, Nazarxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Назар* (Назар+хон).

**Назархўжа, Nazarxo'ja** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг назари туфайли туғилган ва оқсуяклар наслига мансуб бола.

**Назарқилич, Nazarqilich** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг назари б-н туғилган ва қиличдек ўткир, мустаҳкам бола.

**Назарқосим, Nazarqosim** (*ар.-ўз.*) — одамлар ризқу-рўзини, насибасини тақсимловчи, уларни боқувчининг (Аллоҳнинг) илтифоти, туҳфаси.

**Назарқул, Nazarqul** (*ар.-ўз.*) — назарга олувчи, меҳрибонлик қилувчининг, яъни Аллоҳ қули.

**Назарқурбон, Nazarqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида қилинган илтифот, марҳамат, яъни Аллоҳ қурбон ойида ато қилган бола.

**Назарҳожи, Nazarhoji** (ар.) — *қар. Назар* ва *Ҳожи.*

**Назарҳошим, Nazarhoshim** (*ар.*) — нон ушатувчининг, нону насиба тарқатувчининг (Аллоҳнинг) илтифоти бўлган бола. *Сол.: Абдуҳошим.*

**Наззора, Nazzora** (◊., *ар.*) — қараш, эътибор; эътиборли, эъзозли қиз.

**Назиб, Nazib** (◊., *ар.*)— назокатли, латофатли, соҳибжамол.

**Назиба // Назифа, Naziba // Nazifa** (◊., *ар.*) — покиза, озода, бегуноҳ. *Қар. Назифа.*

**Назибжон, Nazibjon** (*ар.*) — соф, покиза, бегуноҳ. *Қар. Назиф.*

**Назим, Nazim** (*ар.*) — *қар. Нозим.*

**Назима, Nazima** (*ар.*) — *қар. Нозима.*

**Назимжон, Nazimjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Нозимжон.*

**Назимқул, Nazimqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нозимқул.*

**Назир, Nazir** (*ар.*) — огоҳ қилувчи, азоблардан огоҳлантирувчи. Назир номи Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир. Шакллари: *Назиржон, Назирхон.*

**Назира, Nazira** (◊., *ар.*) — ваъда қилинган, бағишланган; совға қилинган, авлиёларга назир қилинган қиз.

**Назирали, Nazirali** (*ар.*) — Алига бағишланган, назир қилинган бола.

**Назиргул, Nazirgul** (*ар.-фт.*) — назир қилинган ва гулдек зебо қиз.

**Назиржон, Nazirjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Назир* (Назир+жон).

**Назириддин, Naziriddin** (*ар.*) — дин йўлига бағишланган, динга садақа қилинган.

**Назирой, Naziroy** (◊., *ар.-ўз.*) — садақа қилинган ойдек сулув қиз.

**Назиртош, Nazirtosh** (*ар.-уз.*) — авлиёларга садақа (назир) қилинган ва тошдек маҳкам бола.

**Назирхўжа, Nazirxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Назир* ва *Хўжа.*

**Назиршо, Nazirsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Назир* ва *Шоҳ.*

**Назирқул, Nazirqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг садақа (назир) қилинган бандаси ёки *қар. Назир* (Назир+қул).

**Назиф, Nazif** (*ар.*) — покиза, озода; беғубор, бегуноҳ.

**Назифа, Nazifa** (*ар.*) — покиза, озода; бегуноҳ, маъсума.

**Назифулла, Nazifulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг покиза, бегуноҳ бандаси.

**Назиҳ, Nazih** (*ар.*) — покиза, тоза; назокатли.

**Назиҳа, Naziha** (◇., *ар.*) — покиза, озода, маъсума қиз.

**Назиҳулла, Nazihulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг покиза, бегуноҳ бандаси.

**Назми, Nazmi** (◇., *ар.*) — *қар. Нажми, Нажминисо.*

**Назмиддин, Nazmiddin** (*ар.*) — *қар. Нажмиддин.*

**Назминисо, Nazminiso** (◇., *ар.*) — *қар. Нажминисо.*

**Назокат, Nazokat** (◇., *ар.*) — латофатлилик, нозиклик, латифлик.

**Назорат, Nazorat** (◇., *ар.*) — кузатиш, қараш; пишиқ, пухта қиз.

**Назоҳат, Nazohat** (◇., *ар.*) — покизалик, тозалик, бегуноҳлик.

**Назрали, Nazrali** (*ар.*) — *қар. Назирали.*

**Назрат, Nazrat** (*ар*) — латофатли, чиройи очилган, яшнаган.

**Назри, Nazri** (◇., *ар.*) — худо ёки авлиёларга, дин йўлига ваъда, садақа қилинган. Асли: *Назриддин.*

**Назригул, Nazrigul** (◇., *ар.*) — Назир қилинган зебо қиз.

**Назриддин // Назириддин, Nazriddin** (*ар.*) — дин йўлига бағишланган, динга садақа қилинган.

**Назрихон, Nazrixon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Назри* (Назри+хон).

**Назриқул, Nazriqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Назирқул.*

**Назрулла, Nazrulla** (*ар.*) — Аллоҳга бағишланган, назир (садақа) қилинган бола.

**Назҳад // Назҳат, Nazhad** (◇., *ар.*) — покиза; маъсума, бокира.

**Наим, Naim** (*ар.*) — бахтли, омадли, саодатманд.

**Наима, Naima** (*ар.*) — бахтли, иқболи баланд қиз.

**Наимжон, Naimjon** (*ар.-фт.*) — бахтли ҳамда суюкли, азиз қиз ёки *қар. Наим* (Наим+жон).

**Наимиддин, Naimiddin** (*ар.*) — диннинг бахтли, иқболли кишиси ёки дин бахш этувчи бахт, саодат.

**Наимхон, Naimxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Наим* (Наим+хон).

**Наира // Наййира, Naira** (◇., *ар.*) — нурли, равшан, порлоқ; саодатманд.

**Найза, Nayza** (*фт.*) — найзадек ўткир, мустаҳкам бўлсин.

**Найман, Nayman** (*муғ.*) — найман қабиласи (уруғи)га мансуб бола.

**Найманқул, Naymanqul** (*муғ.-ўз.*) — найман қабиласининг фарзанди.

**Найсан, Naysan** (◊ ., *фт.*) – сероб, фаровон ёки сурёний (румий) йил ҳисобининг 5 ойи (апрель)да туғилган қиз.

**Наки // Неку, Naki** (*фт.*) – озода, покиза ёки гўзал, зебо.

**Налбой // Наълбой, Nalboy** (*ар.*) – тақадек (нағал) маҳкам, чидамли.

**Намат, Namat** (*фт.*) – кигиз, наматдек эътиборсиз ёки чидамли. Эҳт. *Неъмат* (*қар.*).

**Номдор, Nomdor** (*ар.-фт.*) – атоқли, машҳур, шуҳратли.

**Намида, Namida** (◊ ., *фт.*) – исм берилган, от қўйилган.

**Намиқа, Namiqa** (◊ ., *ар.*) – безанган, оролланган; гўзал, зебо.

**Намоён, Namoyon** (◊ ., *ар.*) – танилган, машҳур, атоқли.

**Намоз, Namoz** (*фт.*) – намоз, ибодат пайти туғилган бола. Шакллари: *Намозбой*, *Намозбек*, *Намозқул*.

**Намозали, Namozali** (*фт.-ар.*) – намоз пайти туғилган ўғилни Али ўз паноҳига олсин.

**Намозбуви, Namozbuvi** (◊ ., *фт.-ўз.*) – намоз пайти туғилган қиз.

**Намозгул, Namozgul** (◊ ., *фт.-ўз.*) – намоз пайти тугилган гулдек кўркам қиз.

**Намозхон, Namozxon** (◊ ., *фт.*) – намоз ўқийдиган, ибодатни канда қилмайдиган қиз; намоз пайти туғилган мартабали қиз.

**Намозхўжа, Namozxo'ja** (*фт.*) – намоз пайтида туғилган хўжалар наслидаги ўғил.

**Намозқул, Namozqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Намоз* (Намоз+қул).

**Нанай, Nanay** (*муғ.*) – нанай қабиласига мансуб бола (Нанай зардуштийларда ҳосилдорлик, унумдорлик илоҳийси бўлган).

**Наргиз, Nargiz** (◊ ., *фт.-юн.*) – наргис (бўтагул)дек нозик, зебо қиз.

**Наргиза, Nargiza** (◊ ., *фт.-юн.*) – *қар. Наргиз* (Наргиз+а).

**Нарзи, Narzi** (*ар.*) – Нарзулла, Нарзиддин исмларининг эқ. шакли.

**Нарзиали, Narziali** (*ар.*) – Алига бағишланган, ато қилинган бола.

**Нарзибек, Narzibek** (*ар.-ўз.*) – *қар. Нарзи* (Нарзи+бек).

**Нарзигул, Narzigul** (◊ ., *ар.-фт.*) – *қар. Нарзигул.*

**Нарзиддин, Narziddin** (*ар.*) – *қар. Назириддин.*

**Нарзинисо, Narziniso** (◊ ., *ар.*) – бағишланган, назир қилинган бола пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Нарзипўлат, Narzipo'lat** (*ар.-фт.*) – назир қилинган бола пўлатдек маҳкам бўлсин.

**Нарзитош, Narzitosh** (*ар.-ўз.*) – назир қилинган ва тошдек мустаҳкам бола.

**Нарзихол, Narzixol** (◊., *ар.-фт.*) — назир қилинган, хол б-н туғилган қиз.

**Нарзия, Narzija** (◊., *ар.*) — бағишланган, ваъда қилинган қиз.

**Нарзиқул, Narziqul** (*ар.-ўз.*) -- Аллоҳ йўлига бағишланган бола ёки *қар. Нарзи* (Нарзи+қул).

**Нарзулла, Narzulla** (*ар.*) — *қар., Нарзулла, Назирулла.*

**Наримон, Narimon** (*ар.-фт.*) — қўрқмас, довюрак, жасур, букилмас иродали.

**Нармин, Narmin** (*фт.*) — мулойим, юмшоқ табиатли; меҳрли, шафқатли.

**Нармина, Narmina** (◊., *фт.*) — мулойим, юмшоқ табиатли, хушмуомала, меҳрибон.

**Насабхон, Nasabxon** (◊., *ар.-ўз.*) — авлодимизнинг (наслимизнинг) давомчиси.

**Насиб, Nasib** (*ар.*) — Насибулла, Насибали исмларининг эқ. шакли ёки қариндош, куёв. Бу ном Алининг сифати бўлган. Шакллари: *Насиббой, Насибжон, Насибхон.*

**Насиба, Nasiba** (◊., *ар.*) — ризқу рўзли, насибали.

**Насибали, Nasibali** (*ар.*) — Али муяссар қилган, Али ато қилган бола ёки ризқу рўзли болани Али ўз паноҳига олсин.

**Насибгул, Nasibgul** (◊., *ар.-фт.*) — муяссар бўлинган, эришилган, эҳсон қилинган гулдек кўркам қиз.

**Насибмирза, Nasibmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Насиб* ва *Мирза.*

**Насибтўра, Nasibto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Насиб* ва *Тўра.*

**Насибулла, Nasibulla** (*ар.*) — Аллоҳ лозим топиб эриштирган, насиб қилган бола ёки Аллоҳнинг яқини, қадрдони.

**Насибхон, Nasibxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Насиб* (Насиб+хон).

**Насибхўжа, Nasibxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар, аслзодалар наслидан бўлган, Аллоҳ лозим топиб берган бола.

**Насибқул, Nasibqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг ризқи насибали бандаси ёки *қар. Насиб* (Насиб+қул).

**Насила, Nasila** (◊., *ар.*) — наслу насабнинг давомчиси бўлувчи қиз.

**Насим, Nasim** (*ар.*) — енгил шабада, тонг шамоли; мулойим, ёқимтой, юмшоқ кўнгилли. Шакллари: *Насимбек, Насимбой, Насимхон, Насимжон.*

**Насима, Nasima** (◊., *ар.*) — тонг шамолидек мулойим, ёқимтой қиз.

**Насир, Nasir** (*ар.*) — *қар. Носир.*

**Насиф, Nasif** (*ар.*) — ёрдамчи, хизматкор.

**Насиҳ, Nasih** (*ар.*) — маслаҳат берувчи, насиҳатгўй; кўмакдош.

**Насиҳа, Nasiha** (◊., *ар.*) — *қар. Насиҳ* (Насиҳ+а).

**Насли, Nasli** (◊., *ар.*) — наслу насабнинг давомчиси бўлган қиз. Шакллари: *Наслибиби, Наслихон.*

**Насон, Nason** (*фт.*) — эҳт. *Найсон* ёки *Насриддин* исмининг эқ. шакли.

**Насри, Nasri** (*ар.*) — *қар. Насриддин.*

**Насриддин, Nasriddin** (*ар.*) — диннинг ғолиблиги, диннинг зафари ёки диннинг кўмаги, ёрдами туфайли эришилган бола.

**Насрин, Nasrin** (◇., *ар.*) — оқгул; оқгулдек гўзал қиз.

**Насрулла, Nasrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ёрдами, кўмаги бўлган бола.

**Натижа, Natija** (◇., *ар.*) — Аллоҳга илтижонинг самараси, ҳосиласи бўлган бола.

**Натижахон, Natijaxon** (◇., *ар.*) — *қар. Натижа* (Натижа+хон).

**Нафар, Nafar** (◇., *фт.*) — эҳт. *Нафармон* (*қар.*).

**Нафас, Nafas** (*ар.*) — Аллоҳнинг (сиғинилган авлиёларнинг) нафаси туфайли эришилган бола.

**Нафасали, Nafasali** (*ар.*) — Алининг нафаси, қудрати туфайли эришилган бола.

**Нафаскелди, Nafaskeldi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг нафаси, қудрати туфайли туғилган бола.

**Нафасмамат, Nafasmamat** (*ар.*) — Аллоҳнинг, муқаддас авлиёларнинг нафаси, кўмаги б-н эришилган орзу.

**Нафасмирза, Nafasmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Нафас* ва *Мирза.*

**Нафасмуҳаммад, Nafasmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг ёрдами, нафаси туфайли туғилган бола.

**Нафасой, Nafasoy** (◇., *ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг хоҳиши, иродаси б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Нафасқул, Nafasqul** (*ар.-ўз.*) — Нафас, яъни Аллоҳнинг содиқ бандаси, қули.

**Нафиса, Nafisa** (◇., *ар.*) — фойда келтирувчи, яхшиликлар қилувчи, саховатли.

**Нафиқа, Nafiqa** (*ар.*) — яхшилик қилувчи, меҳрли, саховатли қиз.

**Нафиғулла, Nafiq'ulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг яхшиликлар қилувчи, саховатпеша кишиси.

**Нафосат, Nafosat** (◇., *ар.*) — нафислик, гўзаллик, кўркам, зебо қиз.

**Наълбой, Na'lboy** (*ар.*) — тақа (нағал)дек мустаҳкам, жони қаттиқ бола.

**Нашидахон, Nashidaxon** (◇., *ар.*) — ҳузур-ҳаловатли, бахтиёр, шодон.

**Нақиб, Naqib** (*ар.*) — оқсоқол, бошлиқ, йўлбошчи; уруғ (қабила) раҳбари эътиборли, улуғ. Бу сўз ўтмишда Бухоро хонлигида юқори мансаблардан бирининг номи бўлган.

**Нақибжон, Naqibjon** (*ар.-фт.*) — баланд мартабали ва қадрли бола ёки *қар. Нақиб* (Нақиб+жон).

**Нақия, Naqiya** (◇., *ар.*) — озода, покиза, бегуноҳ. Шакллари: *Нақияой, Нақияжон.*

**Нақийулла, Naqiyulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг покдомон, озода, халол; бегуноҳ бандаси.

**Нақшбой, Naqshboy** (*ар.*) — безанган, зийнатланган кўркам. Нақш сўзи Хожа Баҳовуддиннинг лақаби бўлган.

**Нақшбек, Naqshbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган чиройли бола ёки қар. *Нақшбой* (Нақш+бек).

**Нағзигул, Nag'zigul** (◇., *фт.*) — яхшилик, эзгулик қилувчи, саховатли.

**Нағизбой, Nag'izboy** (*фт.-ўз.*) — кўркам, чиройли, ёқимтой.

**Наҳал, Nahal** (*фт.*) — тақа (нағал) дек мустаҳкам, узоқ умрли ёки қар. Ниҳол.

**Наҳан, Наҳанбой, Nahan** (*ар.*) — улкан, улуғ; ботир, ғолиб, баҳодир.

**Наҳангбой, Nahangboy** (*ар.*) — наҳангдек улкан, қудратли; баҳодир.

**Наҳор, Nahor** (*муғ.*) — субҳидамда, тонг пайти туғилган бола.

**Наҳоят, Nahoyat** (◇., *ар.*) — сўнгги; қизларнинг сўнггиси, кенжа қиз ёки кутавериб ниҳоят эришилган фарзанд.

**Наҳриддин, Nahriddin** (*ар.*) — диннинг булоғи.

**Невара, Nevara** (◇., *фт.*) — невара бола.

**Некбахт, Nekbaxt** (*фт.*) — хушбахт, саодатманд, толеи баланд.

**Некбиби, Nekbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — хушбахт; яхши, ёқимтой, суюкли қиз.

**Некбой, Nekboy** (*фт.-ўз.*) — қутли, омадли; яхши, муносиб, ёқимли бола.

**Некбуви, Nekbyvi** (◇., *фт.-ўз.*) — бахтли, саодатманд қиз ёки *қар. Нек* ва *Буви.*

**Негина, Negina** (◇., *фт.*) — *қар. Нигина.*

**Некдил, Nekdil** (*фт.*) — меҳрибон, кўнгилчан, раҳмдил.

**Некжон, Nekjon** (*фт.*) — қадрли ва хушбахт бола ёки (Нек+жон).

**Некмирза, Nekmirza** (*фт.*) — *қар. Нек* ва *Мирза.*

**Некнафас, Neknafas** (*фт.-ар.*) — яхши ниятли, эзгу орзулар соҳиби ёки яхшилик, бахт келтирувчи.

**Некнисо, Nekniso** (◇., *фт.-ар.*) — аёлларнинг энг яхшиси, аълоси, бахтлиси.

**Нектой, Nektoy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Нек* (Нек+той).

**Некчеҳра, Nekchehra** (*фт.*) — яхши, жозибали, соҳибжамол, зебо.

**Некқадам, Nekqadam** (*фт.-ар.*) — бахту омад келтирувчи, хосиятли бола.

**Некliқо, Nekliqo** (◇., *фт.*) — жозибали, гўзал, соҳибжамол.

**Некном, Neknom** (*фт.-ар.*) — яхши ном чиқарган, машҳур; хосиятли ном эгаси.

**Некобрў, Nekobro'** (◇., *фт.*) — чиройли, ёқимтой юзли, соҳибжамол.

**Некрӯз, Nekro'z** (*фт.*) — омадли, тинч, роҳат-фароғатда яшовчи.

**Некрӯй, Nekro'y** (*фт.*) — чиройли, гӯзал, зебо.

**Нетай, Netay** (*ӯз.*) — чорасиз, иложсиз.

**Нетайхон, Netayxon** (◊., *ӯз.*) — *қар. Нетай* (Нетай+хон).

**Неъмат, Ne'mat** (*ар.*) — насибали, ризқу-рӯзли ёки бахт-саодатли бӯлсин.

**Неъматбиби, Ne'matbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — баланд мартабали ва насибали, ризқ-рӯзли қиз.

**Неъматой, Ne'matoy** (◊., *ар.-ӯз.*) — ризқ-рӯзли, насибали ва ойдек сулув қиз.

**Неъматулла, Ne'matulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг марҳамати, ҳимматн, неъмати; Аллоҳ бахш этган бахт.

**Неъматшо, Ne'matsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Неъмат* ва *Шо(ҳ).*

**Нигина, Nigina** (◊., *фт.*) — узук, қимматбаҳо тош билан зийнатланган узук; қимматли, қадрли; гӯзал, зебо.

**Нигор, Нигора, Nigor** (◊., *фт.*) — гӯзал чеҳрали, соҳибжамол.

**Нигорбу, Nigorbu** (◊., *фт.-ӯз.*) — *қар. Нигор* ва *Буви.*

**Нигормо, Нигормоҳ, Nigormo** (◊., *фт.*) — ойдек сулув қиз; ой-монанд гӯзал.

**Нидо, Nido** (*ар.*) — илтижомиз етиб бориб берилган ӯғил.

**Нидохон,** Nidoxon (◊., *ар.-ӯз.*) — ӯтинчимиз қабул қилиниб ато қилинган қиз.

**Ниёз, Niyoz** (*фт.*) — 1) Аллоҳдан сӯраб, илтижо қилиб олинган бола; 2) муҳтож бӯлиб, армон ва орзу б-н эришилган бола; 3) Аллоҳнинг марҳамати, эҳсони, туҳфаси.

**Ниёзбек, Niyozbek** (*ар.-ӯз.*) — *қар. Ниёз* (Ниёз+бек).

**Ниёзбека, Niyozbeka** (◊., *фт.-ӯз.*) — *қар. Ниёз* ва *Бека.*

**Ниёзали, Niyozali** (*фт.-ар.*) — *қар. Ниёз* ва *Али.*

**Ниёзберди, Niyozberdi** (*фт.-ӯз.*) — Аллоҳга ёлвориб, илтижо қилиб эришилган бола.

**Ниёзбиби, Niyozbibi** (*фт.-ҳинд.*) — Аллоҳдан ёлвориб, сӯраб олинган баланд мартабали қиз.

**Ниёзбоқи, Niyozboqi** (*фт.-ар.*) — ёлвориб, ӯтиниб олинган боланинг умри узоқ (боқий) бӯлсин.

**Ниёзбуви, Niyozbuvi** (◊., *фт.-ӯз.*) — *қар. Ниёз* ва *Буви.*

**Ниёзвали, Niyozvali** (*фт.-ар.*) — ӯтиниб, илтижо қилиб олинган ӯғил ақлли, доно бӯлсин.

**Ниёзгул, Niyozgul** (◊., *фт.*) — илтижо қилиб, сӯраб олинган гулдек кӯркам қиз.

**Ниёзгӯзал, Niyozgo'zal** (*фт.-ӯз.*) — Аллоҳдан илтижолар қилиб олинган зебо қиз.

**Ниёздавлат, Niyozdavlat** (*фт.-ар.*) — Аллоҳдан ёлвориб, сӯраб олинган бой, бадавлат бола.

**Ниёзжон, Niyozjon** (*фт.*) — Аллоҳдан илтижо б-н сӯраб олинган қадрли, жондек азиз бола.

**Ниёзиддин, Niyoziddin** (*фт.-ар.*) – диннинг марҳамати, эҳсони ёки дин йўлига бағишланган (ниёз қилинган) бола.

**Ниёзкелди, Niyozkeldi** (*фт.-ўз.*) – орзу-умидимиз, армонимиз бўлган бола туғилди (келди).

**Ниёзмад, Niyozmad** (*фт.-ар.*) – *қар. Ниёзмуҳаммад.*

**Ниёзмамад, Niyozmamad** (*фт.-ар.*) – *қар. Ниёзмуҳаммад.*

**Ниёзмамат, Niyozmamat** (*фт.-ар.*) – *қар. Ниёзмуҳаммад.*

**Ниёзмат, Niyozmat** (*фт.-ар.*) – *қар. Ниёзмуҳаммад.*

**Ниёзмоҳ, Niyozmoh** (◇., *фт.*) – Аллоҳдан сўраб, илтижолар қилиб олинган ойдек чиройли қиз.

**Ниёзмурод, Niyozmurod** (*фт.-ар.*) – тилаб, ёлвориб олинган бола муродига етсин.

**Ниёзмуҳаммад, Niyozmuhammad** (*фт.-ар.*) – Муҳаммад (сав)-нинг муруввати, эҳсони ёки Аллоҳдан сўраб, илтижолар қилиб олинган болани Муҳаммад ўз паноҳида асрасин.

**Ниёзой, Niyozoy** (◇., *фт.-ўз.*) – Аллоҳдан ёлвориб сўраб олинган ойдек чиройли қиз.

**Ниёзохун, Niyozoxun** (*фт.*) – *қар. Ниёз* ва *Охун.*

**Ниёзпўлат, Niyozpo'lat** (*фт.*) – Аллоҳдан ўтиниб, сўраб олинган боланинг жони пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Ниёзтурди, Niyozturdi** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳдан ёлвориб, сўраб олинган бола турсин, умри узоқ бўлсин.

**Ниёзтурсун, Niyoztursin** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳдан ёлвориб олинган бола яшасин, турсин.

**Ниёзхол, Niyozxol** (*фт.*) – Аллоҳдан илтижо қилиб, сўраб олинган ва хол б-н туғилган бола.

**Ниёзхўжа, Niyozxo'ja** (*фт.*) – Аллоҳдан ёлвориб олинган (хўжалар) наслига мансуб бола.

**Ниёзқул, Niyozqul** (*фт.-ўз.*) – илтижомизни қабул қилганнинг, яъни Аллоҳнинг қули ёки яхшиликнинг, эзгуликнинг қули.

**Ниёзқурбон, Niyozqurbon** (*фт.-ар.*) – қурбон ойида берилган туҳфа, эҳсон ёки қурбон ойида рўёбга чиққан орзу, армон.

**Нижода, Nijoda** (◇., *фт.*) – оқсуяк, аслзода, нажиб.

**Низом, Nizom** (*ар.*) – тартибли, интизомли, одобли ўғил бўлсин ёки марварид шодасидек қимматли, нодир. Асли *Низомиддин* (*қар.*).

**Низомиддин, Nizomiddin** (*ар.*) – айнан: диннинг тартиб-қоидалари; диннинг бебаҳо ва муқаддаслиги ёки динни тартибга солувчи.

**Низомулмулк, Nizomulmulk** (*ар.*) – давлатнинг, подшоҳликнинг тузими, тартиб-қоидалари.

**Низомхўжа, Nizomxo'ja** (*ар.-фт.*) – *қар. Низом* ва *Хўжа.*

**Низора, Nizora** (◇., *ар.*) – гўзалликнинг, нафосатнинг нури, шуъласи.

**Низормоҳ, Nizormoh** (◇., *фт.*) – ой ёғдусидек кўркам ёки ой нур (ёғду) сочиб турганда туғилган қиз.

**Нилгул, Nilgul** (◇., *ҳинд.*) — кўк рангли гулдек гўзал қиз.

**Нилуфар, Nilufar** (◇., *ҳинд.*) — нилуфар (савсан) ўсимлигидек чиройли, зебо қиз.

**Нилфуза, Nilfuza** (◇., *фт.*) — эҳт. *Дилфуза.*

**Нисбатой, Nisbatoy** (◇., *ар.-ўз.*) — наслу насабли ва ойдек сулув қиз.

**Нисо, Niso** (◇., *ар.*) — аёл, хотин; қиз.

**Нисобека, Nisobeka** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Нисо* ва *Бека.*

**Нисобиби, Nisobibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Нисо* ва *Биби.*

**Нисобону, Nisobonu** (◇., *ар.-фт.*) — баланд мартабали, аслзода қиз.

**Нисол, Nisol** (*ар.*) — ўткир, кескир.

**Нисоой, Nisooy** (◇., *ар.-ўз.*) — ойдек кўркам аёл (қиз).

**Нисохон, Nisoxon** (◇., *ар.-ўз.*) — обрўли, эъзозли аёл ёки *қар. Нисо* (Нисо+хон).

**Нишон, Nishon** (*фт.*) — баданида қандайдир белги (аломат) б-н туғилган бола ёки отасидан ёдгорлик (нишон) бўлган ўғил. Шакллари: *Нишоншбой, Нишонхон.*

**Нишонали, Nishonali** (*фт.-ар.*) — бирор белги (аломат) б-н туғилган ўғилни Али ўз паноҳига олсин.

**Нишонбиби, Nishonbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — *қар. Нишон* ва *Биби.*

**Нишонбуви, Nishonbuvi** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Нишон* ва *Буви.*

**Нишонгул, Nishongul** (◇., *фт.*) — баданида бирор белги, аломат б-н туғилган гулдек кўркам қиз.

**Нишоной, Nishonoy** (◇., *фт.-ўз.)* — баданида бирор аломат (белгиси) бўлган ойдек сулув қиз.

**Нишонхон, Nishonxon** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Нишон* (Нишон+хон).

**Нишот, Nishot** (◇., *ар.*) — қувонч, севинч, шодлик.

**Ният, Niyat** (*ар.*) — *қар. Ниятулла.* Шакллари: *Ниятбой, Ниятжон.*

**Ниятали, Niyatali** (*ар.*) — орзу, ният қилиб кутилган болани Али ўз паноҳига олсин.

**Ниятулла, Niyatulla** (*ар.*) — Аллоҳдан сўраб, орзу, ният қилиб олинган бола.

**Ниятхон, Niyatxon** (◇., *ар.-ўз.*) — орзу, ният қилиб кутилган қиз.

**Ниятқобил, Niyatqobil** (*ар.*) — орзуимиз, ниятимиз қабул бўлиб берилган бола.

**Ниятқул, Niyatqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ният* (Ният+қул).

**Ниҳол, Nihol** (◇., *фт.*) — ўсувчи, яшовчи ёки ниҳолдек униб ўссин.

**Ниҳола, Nihola** (◇., *фт.*) — *қар. Ниҳол* (Ниҳол+а.).

**Ниҳолбой, Niholboy** (*фт.-ўз.*) — ўсиб-унувчи, яшовчи бола.

**Ниҳолбиби, Niholbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — *қар. Ниҳол* ва *Биби.*

**Ниҳолбу, Niholbu** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Ниҳол* ва *Буви.*

**Ниҳолгул, Niholgul** (◊., *фт.)* — ниҳолдек нозик, гулдек чиройли қиз.

**Ниҳолжон, Niholjon** (◊., *фт.*) — *қар. Ниҳол* (Ниҳол+жон).

**Ниҳолой, Niholoy** (◊., *фт.-ўз.*) — ниҳолдек нозик, яшовчан ва ойдек сулув қиз.

**Ниҳон, Nihon** (*фт.*) — пинҳон, яширин, ҳимояланган.

**Ниҳонжон, Nihonjon** (*фт.*) — яширинган, пинҳон тутилган. Чақалоқни кўз тегиш ва ёвуз кучлардан асраш учун бериладиган исм.

**Ниҳонхўжа, Nihonxo'ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган яширинган, муҳофаза қилинган бола.

**Ниҳоят, Ниҳоятхон, Nihoyat** (◊., *фт.*) — ахир, оқибатда эришилган фарзанд ёки охирги сўнгги қиз.

**Нобиға, Nobig'a** (*ар.*) — юксак истеъдод эгаси, даҳо, гений.

**Новбаҳор, Novbahor** (◊., *фт.*) — баҳорнинг бошида туғилган қиз ёки умри навбаҳордек яшнаган, кўркам бўлсин. *Қар. Навбаҳор.*

**Новвот, Novvot** (◊., *фт.*) — ширин, ёқимтой қиз.

**Новвотбиби, Novvotbibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) — *қар. Новвот* ва *Биби.*

**Новвотой, Novvotoy** (◊., *фт.-ўз.*) — ширин, ёқимтой ва ойдек сулув қиз.

**Новвотхон, Novvotxon** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Новвот* (Новвот+–хон).

**Новгул, Novgul** (◊., *фт.*) — янги очилган гул, мусаффо гулдек кўркам қиз.

**Новжувон, Novjuon** *(фт.)* — ёш йигит, ўсмир, новқирон.

**Новқат, Novgat** (*сўғ.*) — Новқат (муқаддас қадамжой)ни зиёрат қилгач туғилган бола ёки навхат — ёш йигит, навжувон, навқирон, ўсмир.

**Нодим, Nodim** (*ар.*) — ҳамдам, ҳамсуҳбат, дўст.

**Нодир, Nodir** (*ар.*) — сийрак, кам учрайдиган, тенгсиз ёки бебаҳо, қимматли.

**Нодира, Nodira** (◊., *ар.*) — тенги йўқ, ягона, тенгсиз гўзал.

**Нодирабегим, Nodirabegim** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Нодира* ва *Бегим.* Буюк ўзбек шоираси Нодирабегим номига нисбат берилган исм.

**Нодирабека, Nodirabeka** (◊., *ар.-ўз.*) — беклар наслига мансуб, тенгсиз, ноёб қиз.

**Нодирабиби, Nodirabibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Нодира* ва *Биби.*

**Нодирбону, Nodirbonu** (◊., *ар.-фт.*) — тенгсиз, бебаҳо ва олий насаб қиз ёки *қар. Нодира* ва *Бону.*

**Нодиргул, Nodurgul** (◊., *ар.-фт.*) — тенги йўқ, танҳо ва гулдек зебо қиз.

**Нодириддин, Nodiriddin** (*ар.*) — диннинг ягоналиги, ноёблиги, диннинг муқаддас ва бебаҳолиги.

**Нодирмамат, Nodirmamat** (*ар.*) — *қар. Нодирмуҳаммад.*

**Нодирмат, Nodirmat** (*ар.*) — *қар. Нодирмуҳаммад.*

**Нодирмирза, Nodirmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Нодир* ва *Мирза.*

**Нодирмуҳаммад, Nodirmuhammad** (*ар.*) — қимматли, тенгсиз ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад ўз ҳимоясига олган бола.

**Нодирниёз, Nodirniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган ўта қадрли бола.

**Нодиртож, Nodirtoj** (◇., *ар.-фт.*) — қизил белги (хол) б-н туғилган қимматли, қадрли қиз.

**Нодирхон, Nodirxon** (*ар.*) — *қар. Нодир* (Нодир+хон).

**Нодирхўжа, Nodirxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган тенгсиз, ноёб ўғил.

**Нодиршоҳ, Nodirshoh** (*ар.-фт.*) — тенгсиз, бебаҳо ўғил қиличдек ўткир, кескир ва мустаҳкам бўлсин.

**Нодирқилич, Nodirqilich** (*ар.-ўз*) — тенгсиз, бебаҳо ўғил қиличдек кескир, мустаҳкам бўлсин.

**Нодирқул, Nodirqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нодир* (Нодир+қул).

**Ноёб, Noyob** (*фт.*) — кам учрайдиган, кам топилувчи, тенгсиз ёки яширин, беркитилган, муҳофаза қилинган.

**Ноёбжон, Noyobjon** (*фт.*) — *қар. Ноёб* (Ноёб+жон).

**Ноёбиддин, Noyobiddin** (*фт.*) — диннинг муқаддас ва ноёблиги.

**Ножия // Нажия, Nojiya** (◇., *ар.*) — бахтли, хушбахт, саодатли ёки ножуя-хушқомат, санобардек гўзал қоматли.

**Ноз, Noz** (◇., *фт.*) — нозли, ишвали; нафосатли ёки *Ниёз* (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Ноза, Noza** (◇., *фт.*) — нозли, ишвали; гўзал, нафосатли ёки эрка қиз.

**Нозанда, Nozanda** (◇., *фт.*) — нозли, ишвали; кўркам ҳаракатлар қилувчи.

**Нозанин, Nozanin** (◇., *фт.*) — нозли, нафосатли, гўзал қиз.

**Нозбаҳор, Nozbahor** (◇., *фт.*) — баҳор пайти туғилган нозли, эрка қиз ёки баҳордек кўркам, нафосатли қиз.

**Нозбегим, Nozbegim** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Ноз* ва *Бегим.*

**Нозбиби, Nozbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — нозли, мулойим, хушқад, латиф қиз ёки нозли, эрка қиз.

**Нозбека, Nozbeka** (◇., *фт.-ўз.*) — нозли, ишвали, латофатли қиз ёки *Ниёзбека* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Нозбой, Nozboy** (*фт.*) — нозбўй-райҳон ёки *Ниёзбой* (*қар.*).

**Нозбуви, Nozbuvi** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Ноз* ва *Буви. Эҳт.: Ниёзбуви (қар.).*

**Нозбувиш, Nozbuvish** (◇., *фт.-ўз.*) — нозли, назокатли қиз ёки *қар. Ноз* ва *Бувиш.*

**Нозгул, Nozgul** (◇., *фт.*) — нозик гул, ниҳол, тегма нозик (мимоза) гулидек чиройли қиз ёки нозли, ишвали, мулойим қиз. *Эҳт.: Ниёзгул* (*қар.*)

**Наздавлат, Nozdavlat** (◇., *фт.-ар.*) — нозли, латофатли ва бой, давлатли. *Эҳт.: Ниёздавлат* (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Нозжамол, Nozjamol** (◊., *фт.-ар.*) — соҳибжамол, чиройли чеҳрали, латиф ҳуснли.

**Нози, Нозигул, Nozi** (◊., *фт.*) — хушқад, хушандом; гўзал, зебо қиз. *Эҳт.: Нозикгул (қар.).*

**Нозик, Nozik** (◊., *фт.*) — мулойим, латиф, нафис; хушхулқ.

**Нозикбека, Nozikbeka** (◊., *фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган латиф, мулойим, одобли қиз.

**Нозикбиби, Nozikbibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) — *қар. Нозик* (Нозик+биби).

**Нозикгул, Nozikgul** (◊., *фт.*) — мулойим, латиф ва гулдек гўзал қиз; хушхулқ, одобли қиз.

**Нозикгўзал, Nozikgo'zal** (◊., *фт.-ўз.*) — мулойим, одобли ҳамда кўркам, сулув қиз.

**Нозикжамол, Nozikjamol** (◊., *фт.-ар.*) — мулойим, нафис ҳуснли қиз.

**Нозила, Nozila** (◊., *ар.*) — юқоридан тушган, яъни Аллоҳ илтифот қилиб берган қиз; самодан келган меҳмон.

**Нозим, Nozim** (*ар.*) — тартибга келтирувчи, тартибга солувчи ёки тартибли, интизомли. Шакллари: *Нозимбек, Нозимбой, Нозимхон.*

**Нозима, Nozima** (◊., *ар.*) — тартибга, маълум низомга солинган, яъни тартибли, интизомли, саришта.

**Нозимгул, Nozimgul** (◊., *ар.-фт.*) — тартибли, интизомли ва гулдек кўркам қиз.

**Нозина, Nozina** (◊., *фт.*) — нозли, карашмали; жозибали қиз.

**Нозир, Nozir** (*ар.*) — назорат қилувчи, кузатиб турувчи, ҳимоя қилувчи, қўриқловчи. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир. Шакллари: *Нозирбек, Нозирбой, Нозирхўжа.*

**Нозира, Nozira** (*ар.*) — *қар. Нозир* (Нозир+а) ва *Назира.*

**Нозирмуҳаммад, Nozirmuhammad** (ар.) — Муҳаммад (сав) назорат қилиб, кузатиб турувчидир; Муҳаммад — огоҳлантирувчи, ҳимоя қилувчидир.

**Нозихон, Nozixon** (◊., *фт.-ўз.*) — фахрли, ғурурли, шонли.

**Нозия, Noziya** (◊., *фт.*) — нозли, карашмали, мулойим ёки фахрли, ғурурли.

**Нозли, Nozli** (◊., *фт.-ўз.*) — нозли, карашмали, гўзал, латиф, жозибали. Шакллари: *Нозлибека, Нозлигул, Нозлихон.*

**Нозпари, Nozpari** (◊., *фт.*) — латиф, мулойим, гўзал, кўркам қиз.

**Нозлисулув, Nozlisuluv** (◊., *фт.-ўз.*) — ноз этувчи, ёқимли, дилбар қиз.

**Нозменгли, Nozmengli** (◊., *фт.-ўз.*) — латиф, мулойим ва хол б-н туғилган қиз ёки. *Ниёзменгли* (қар.).

**Нозмеҳр, Nozmehr** (◊., *фт.*) — қуёш жилвасидек жозибали қиз. Сол.: *Меҳрноз.*

**Нознoз, Noznoz** (◇., *фт.*) — ўта нозли, ўта ишвали, ўта ёқимтой қиз.

**Нозсултон, Nozsulton** (◇., *фт.-ар.*) — нозлиларнинг сардори, яъни тенгсиз нозлар қилувчи.

**Нозхоним, Nozhonim** (◇., *фт.-ўз.*) — улуғ мартабали аёлларнинг энг назокатлиси.

**Ноиб, Noib** (*ар.*) — ўринбосар, кўмакчи, ёрдамчи.

**Ноиба, Noiba** (◇., *ар.*) — кўмакчи, ёрдамчи қиз.

**Ноиз // Ноиза, Noiz** (◇., *ар.*) — охирги, сўнгги, кенжа қиз.

**Ноил, Noil** (*ар.*) — мақсадга мувофиқ бола, орзу қилинган бола ёки совға, туҳфа.

**Ноила, Noila** (◇., *ар.*) — орзу қилинган қиз; (Аллоҳ берган) совға, туҳфа.

**Ноира//Нойира, Noira** (◇., *ар.*) — ёғду, шуъла, нурли, яъни гўзал, чиройли.

**Нокгул, Nokgul** (◇., *фт.*) — ёмон, хунук. Чақалоқни ёмон кўздан асраш учун шундай аталади ёки нокнинг гулидек чиройли ёҳуд нок гуллаганда туғилган қиз.

**Нокижон, Nokijon** (◇., *фт.*) — *қар. Нокгул.*

**Нокинисо, Nokiniso** (◇., *фт.-ар.*) — ёмон, хунук аёл ёки нок гуллаганда туғилган қиз; *қар. Нокгул* (Нок+нисо).

**Нокия, Nokiya** (◇., *фт.*) — *қар. Нокгул.* (Нок+ия).

**Номдор, Nomdor** (*ар.-фт.*) — шонли, шавкатли, атоқли ёки жасур, қаҳрамон.

**Номинисо, Nominiso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг энг обрўлиси, мартабали ва шуҳратлиси.

**Нопар, Nopar** (◇., *фт.*) — *қар. Нофармон.*

**Нопармон, Noparmon** (◇., *фт.*) — нопармон гулдек гўзал қиз.

**Нор, Nor** (*фт.*) — баданида қизил холи ёки қизиллик белгиси билан туғилган бола ёхуд (бир ўркачли туя)дек кучли, қудратли. Шакллари: *Норбек, Норбой, Норжон, Норхон.*

**Норали, Norali** (*фт.-ар.*) — қизил холли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Нораччиқ, Norachchiq** (◇., *фт.-ўз.*) — қизил холи бор, аччиқ, ёмон қиз. Болани кўз тегишдан асраш учун берилган исм.

**Нораҳмад, Norahmad** (*фт.-ар.*) — қизил холли болани *Аҳмад* (*қар.*) ўз паноҳида асрасин.

**Норбадал, Norbadal** (*фт.-ар.*) — олдинги турмаган болалар эвазига берилган (келган) қизил холли (баданида қизиллик белгиси бор) бола.

**Норбадан, Norbadan** (*фт.-ар.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор қиз.

**Норбардор, Norbardor** (*фт.*) — қизил холли, ризқу-насибали қиз ёки тилаб, сўраб олинган холли бола.

**Норбегим, Norbegim** (*фт.-ўз.*) — беклар (аслзодалар) наслига мансуб қизил холли бола.

**Норбека, Norbeka** (◊., *фт.-ўз.*) — беклар наслига мансуб қизил холли қиз.

**Норберди, Norberdi** (*фт.-ўз.*) — (Аллоҳ) берган қизил холли ўғил.

**Норбиби, Norbibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор баланд мартабали қиз.

**Норбибиш, Norbibish** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Норбиби.*

**Норбобо, Norbobo** (*фт.*) — бобосининг исми берилган холли бола.

**Норбодом, Norbodom** (◊., *фт.*) — *қар. Нор* ва *Бодом.*

**Норбону, Norbonu** (◊., *фт.*) — аслзодалар наслига мансуб бўлган қизил холли (тамғали) қиз.

**Норбош, Norbosh** (*фт.-ўз.*) — бошида қизил холи (тамғаси) мавжуд бола.

**Норбу, Норбуви, Norbu** (◊., *фт.-ўз.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор қиз.

**Норбўта, Norbo'ta** (*фт.-ўз.*) — нор (бир ўркачли) туянинг бўталоғидек чиройли ва кучли бола.

**Норвон, Norvon** (◊., *фт.*) — норвондек (хушбўй, сербарг ҳамда чиройли дарахт) кўркам, зебо қиз.

**Норгул, Norgul** (◊., *фт.*) — анор гулидек чиройли қиз ёки анор гуллаган пайтда туғилган қиз.

**Норбўри, Norbo'ri** (*фт.-ўз.*) — *қар. Нор* ва *Бўри.*

**Норбўта, Norbo'ta** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Нор* ва *Бўта.*

**Норгўзал, Norgo'zal** (◊., *фт.-ўз.*) — баданида чиройли қизил холи бор қиз ёки қизил холли (тамғали) зебо қиз.

**Нордавлат, Nordavlat** (◊., *фт.-ар.*) — баданида қизил холи бор қиз бой-бадавлат бўлсин.

**Нордон, Nordon** (◊., *фт.*) — *қар. Нордона.*

**Нордона, Nordona** (◊., *фт.*) — анорнинг донасидек қизил холли қиз ёки хол б-н туғилган ақлли қиз.

**Нoржамол, Norjamol** (◊., *фт.-ар.*) — баданида қизил холи бўлган гўзал, кўркам қиз.

**Норжигит, Norjigit** (*фт.-ўз.*) — қизил холли (тамғали) ўғил улғайиб йигит бўлсин.

**Норжиға, Norjig'a** (*фт.*) — бошида қизил хол (тамға) б-н туғилган бола.

**Норжон, Norjon** (*фт.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор қадрли, суюкли бола.

**Нори, Nori** (◊., *фт.*) — "Нори" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Норигул, Norigul** (◊., *фт.*) — гулдек чиройли ва нор б-н туғилган қиз.

**Норижон, Norijon** (◊., *фт.*) — қизил хол б-н туғилган азиз қиз.

**Норим, Norim** (*фт.*) — "нор" сўзи б-н бошланган (*Нормурод, Нормуҳаммад*) қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Норимгул, Norimgul** (◊., *фт.*) — *қар. Норгул.*

**Норин, Norin** (*муғ.*) — норин уруғига мансуб бола ёки қутли, бахтли бола.

**Норингул, Noringul** (◇., *муғ.-фт.*) — нозли, зариф гул.

**Норинисо, Noriniso** (◇., *фт.-ар.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор қиз.

**Норинхўжа, Norinxo'ja** (*фт.*) — *қар. Норин* (Норин+хўжа).

**Нористон, Noriston** (◇., *фт.*) — қизил холлари кўп бўлган қиз. *Сол.: Гулистон, Бўстон.*

**Нория, Noriya** (◇., *фт.*) — баданида қизил хол (тамғаси) б-н туғилган қиз.

**Норйигит, Noryigit** (*фт.*) — қизил холи бор бола улғайиб йигит бўлсин.

**Норкамол, Norkamol** (*фт.-ар.*) — холи бор баркамол, етук бола ёки *қар. Нор* ва *Камол.*

**Норкел, Norkel** (*фт.-ўз.*) — *қар. Норкелди.*

**Норкумуш, Norkumush** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Нор* ва *Кумуш.*

**Норкуч, Norkuch** (*фт.*) — баданида қизил холи бор ўғил кучли қудратли бўлиб ўссин.

**Норли, Norli** (*фт.-ўз.*) — қизил холли (тамғали) бола.

**Нормад, Normad** (*фт.-ар.*) — *қар. Нормуҳаммад.*

**Нормамат, Normamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Нормуҳаммад.*

**Нормат, Normat** (*фт.-ар.*) — *қар. Нормуҳаммад.*

**Нормаҳмуд, Normahmud** (*фт.-ар.*) — баданида қизил холи (тамғаси) б-н туғилган болани *Маҳмуд* (*қар.*) ўз паноҳида асрасин.

**Нормели, Normeli** (*фт.-ўз.*) — *қар. Норменгли.*

**Норменг, Normeng** (*фт.-ўз.*) — *қар. Норменгли.*

**Норменгли, Normengli** (*фт.-ўз.*) — қизил холли бола.

**Нормирза, Normirza** (*фт.*) — *қар. Нор* (Нор+мирза).

**Нормомо, Normomo** (◇., *фт.-ўз.*) — қизил холли қиз ёки бувиси исми берилган қизил холли қиз.

**Нормурод, Normurod** (*фт.-ар.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор ўғил улғайиб муроду мақсадга етсин ёки орзуимиз бўлган қизил холли бола.

**Нормуҳаммад, Normuhammad** (*фт.-ар.*) — баданида қизил холи (тамға) б-н туғилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳига олсин.

**Нормўмин, Normo'min** (*фт.-ар.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор мусулмон, мўмин-қобил бола.

**Норнисо, Norniso** (◇., *фт.-ар.*) — қизил холли (тамғали) аёл.

**Норой, Noroy** (◇., *фт.-ўз.*) — қизил холли ойдек сулув қиз.

**Норочил, Norochil** (*фт.-ўз.*) — *қар. Нор* ва *Очил.*

**Норпой, Norpoy** (*фт.*) — Норпойда (туман) туғилган бола; Норпой фарзанди.

**Норполвон, Norpolvon** (*фт.*) — қизил холли паҳлавон, кучли, қудратли бола.

**Норпошша, Norposhsha** (*фт.*) — қизил холли ва баланд мартабали қиз.

**Норпўлат, Norpo'lat** (*фт.*) — қизил холли бола пўлатдек мустаҳкам бўлиб ўссин.

**Норсаид, Norsaid** (*фт.-ар.*) — қизил холли бола бахтли, омадли бўлсин.

**Норсанам, Norsanam** (◇., *фт.-ар.*) — баданида қизил холи бор гўзал қиз.

**Норсафар, Norsafar** (*фт.-ар.*) — сафар ойида ёки сафарга чиққанида туғилган қизил холли бола.

**Норсифат, Norsifat** (◇., *фт.-ар.*) — яхши, хосиятли хол б-н туғилган қиз.

**Норсоат, Norsoat** (*фт.-ар.*) — *қар. Нор* ва *Соат.*

**Норсоли, Norsoli** (*фт.-ар.*) — *қар. Нор* ва *Соли.*

**Норсубҳон, Norsubhon** (*фт.-ар.*) — *қар. Нор* ва *Субҳонулла.*

**Норсултон, Norsulton** (*фт.-ар.*) — бадани қизил холи бор баланд мартабали бола.

**Норсулув, Norsuluv** (◇., *фт.-ўз.*) — чиройли холли қиз ёки баданида қизил холи бор зебо қиз.

**Нортилла, Nortilla** (*фт.*)— қизил холли азиз, қимматли бола.

**Нортожи, Nortoji** (*фт.*) — баданида қизил хол б-н туғилган бола.

**Нортой, Nortoy** (*фт.-ўз.*) — қизил холли азиз, эркатой (тойлоқ) бола ёки Нор туянинг бўталоғидек қувнаб ўссин. *Сол.: Нортойлоқ.*

**Нортойлоқ, Nortoyloq** (*фт.-ўз.*) — нор туянинг бўталоғидек яйраб ўссин.

**Нортош, Nortosh** (*фт.-ўз.*) — баданида қизил холи (тамғаси) бор тошдек мустаҳкам бола.

**Нортур, Nortur** (*фт.-ўз.*) — *қар. Нортурсун.*

**Нортурди, Norturdi** (*фт.-ўз.*) — қизил холли боланинг умри узоқ бўлсин.

**Нортурсун, Nortursun** (*фт.-ўз.*) — қизил холли ва умри тўла (бутун) қилиб берилган бола ёки олдинги турмаган болалар ўрнига берилган қизил холли бола.

**Нортўла, Norto'la** (*фт.-ўз.*) — қизил холли ва умри тўла (бутун) қилиб берилган бола ёки олдинги турмаган болалар ўрнига берилган қизил холли бола.

**Нортўра, Norto'ra** (*фт.-ўз.*) — олий насабга мансуб қизил холли бола.

**Нортўхта, Norto'xta** (*фт.-ўз.*) — қизил холли ўғил яшаб кетсин, ўлмасин.

**Норхол, Norxol** (*фт.*) — баданида қизил холи бўлган бола.

**Норхон, Norxon** (*фт.-ўз.*) — қизил холли мартабали бола.

**Норхонбу, Norxonbu** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Норхон* (Норхон+бу).

**Норхоним, Norxonim** (◇., *фт.-ўз.*) — қизил холли ва юксак мартабали аёл.

**Норхуррам, Norhurram** (◇., *фт.*) — қизил холли қизнинг ҳаёти бахтга, шодликка тўла бўлсин

**Норхўжа, Norxo'ja** (*фт.*) — хўжалар наслидан бўлган қизил холли бола.

**Норхўроз, Norxo'roz** (*фт.*) — хўрознинг тожига ўхшаш қизил холи бор бола.

**Норча, Norcha** (*фт.*) — кичкина қизил хол б-н туғилган бола ёки нор туянинг бўталоғи, эҳт.: суюкли ўғил.

**Норчечак, Norchechak** (◇., *фт.-ўз.*) — қизил холли гул каби кўркам қиз.

**Норчи, Norchi** (*фт.-ўз.*) — эҳт. *Норжиға* (*қар.*).

**Норчучук, Norchuchuk** (◇., *фт.-ўз.*) — чиройли, ширин (ёқимли) холли қиз.

**Норшоди, Norshodi** (*фт.*) — *қар. Нор* ва *Шоди.*

**Норқиз, Norqiz** (*фт.-ўз.*) — қизил холли қиз.

**Норқизил, Norqizil** (*фт.-ўз.*) — қизил холли бола.

**Норқилич, Norqilich** (*фт.-ўз.*) — қизил холли бола қиличдек мустаҳкам бўлсин.

**Норқобил, Norqobil** (*фт.-ар.*) — қизил холли бола одобли, мўмин қобил бўлиб ўссин.

**Норқозоқ, Norqozoq** (*фт.-ўз.*) — қозоққа ўхшаган ва холли бола, ёки нор туядек чидамли, бақувват бўлсин.

**Норқосим, Norqosim** (*фт.-ар.*) — *қар. Нор* ва *Қосим.*

**Норқочди, Norqochdi** (*фт.-ўз.*) — қизил холли боладан касаллик, бало-офат қочсин.

**Норқувват, Norquvvat** (*фт.-ар.*) — қизил холли ўғил кучли-қудратли бўлсин.

**Норқувон, Norquvon** (*фт.-ўз.*) — қизил холли ва ота-онасига қувонч, шодлик келтирган бола ёки қизил холли ўғилнинг ҳаёти қувончли, шодон ўтсин.

**Норқудрат, Norqudrat** (*фт.-ар.*) — қизил холли бола кучли-қудратли бўлиб ўссин ёки Аллоҳнинг қудрати, мўъжизаси бўлмиш бола.

**Норқул, Norqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Нор* (Нор+қул).

**Норқурбон, Norqurbon** (*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган баданида қизил холи (тамғаси) бор бола.

**Норқўзи, Norqo'zi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Нор* ва *Қўзи.*

**Норқўчқор, Norqo'chqor** (*фт.-ўз.*) — қизил холли, пешонаси, дўнг бола ёки баданида ортиқчалик мавжуд бола.

**Норқўшоқ, Norqo'shoq** (*фт.-ўз.*) — қўшалоқ хол б-н туғилган бола ёки қизил холли ва баданида ортиқча белгиси (ортиқча бармоқ ва б.) бор бола.

**Норғул, Norg'ul** (*фт.*) — соғлом, бақувват бола, *эҳт.: Норқул.*

**Норғуч, Norg'uch** (*фт.*) — *қар. Норғуччи.*

**Норғуччи, Norg'uchchi** (*фт.*) — *қар. Нор* ва *Ғуччи // Ғўччи.*

**Норҳаёт, Norhayot** (*фт.-ар.*) — қизил холли боланинг умри узоқ бўлсин.

**Носир, Nosir** (*ар.*) — ёрдамчи, кўмакчи ёки ғолиб, музаффар. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир. Шакллари: *Носирбой, Носиржон, Носирхон.*

**Носира, Nosira** (◊., *ар.*) — онасига кўмакчи, ёрдамчи бўлсин ёки кучли, ғолиб қиз.

**Носирали, Nosirali** (*ар.*) — *қар. Носир* ва *Али* ёки Али енгувчи, ғолибдир.

**Носирқул, Nosirqul** (*ар.-ўз.*) — Носир (Муҳаммад сав)нинг қули ва *қар. Носир* (Носир+қул).

**Носиҳ, Nosih** (*ар.*) — насиҳатчи, маслаҳатгўй, ақлли, доно.

**Носиҳа, Nosiha** (◊., *ар.*) — насиҳатчи, ақлли, дўст, суҳбатдош.

**Нотиқ, Notiq** (*ар.*) — гапга чечан, сўз устаси; фасоҳат соҳиби.

**Нотиқа, Notiqa** (◊., *ар.*) — гапга уста, сўзга чечан бурро тилли қиз.

**Ношира, Noshira** (◊., *ар.*) — нашрчи, нашр қилувчи, маърифатли, ўқимишли, билимдон.

**Ноширбой, Noshirboy** (*ар.-ўз.*) — айнан: нашрчи, китоб чиқарувчи, ўқимишли, маърифатли.

**Ношпўти, Noshpo'ti** (◊., *фт.*) — нашвати; ширин қиз.

**Ноқижон, Noqijon** (◊., *ар.*) — ноқа-урғочи туя ёки *қар. Ноки.*

**Ноқия, Ноқиябу, Noqiya** (◊., *ар.*) — *қар. Ноҳия.*

**Ноҳид, Nohid** (*ар.*) — ёруғ юлдуз, Зуҳро (Венера) планетаси. Қадимда бу сайёра пишиқчилик, тўқчилик маъбудаси ҳисобланган.

**Ноҳида, Nohida** (◊., *ар.*) — равшан, ёруғ; мусаффо.

**Ноҳиджон, Nohidjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Ноҳид* (Ноҳид+жон).

**Ноҳия, Nohiya** (◊., *фт.*) — ер, мамлакат, тупроқ ёки ман қилинган, яширинган.

**Ноҳиябу, Nohiyabu** (◊.,*ар.-ўз.*) — *қар. Ноҳия.*

**Нубувват, Nubuvvat** (◊., *ар.*) — ақлли, доно, башоратчи, пайғамбарона фикрловчи.

**Нузҳад//Нузҳат, Nuzhad** (◊., *ар.*) — покиза, хушҳол, бахтли, фароғатли.

**Нур, Nur** (*ар.*) — ёғду, зиё, равшанлик; бахтли, омадли, толеи баланд. Бу сўз Аллоҳи Таллонинг ва Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир. Шакллари: *Нурбек, Нурбой, Нуржон, Нурхон.*

**Нураддин, Nuraddin** (*ар.*) — *қар. Нуриддин.*

**Нуразиз, Nuraziz** (*ар.*) — Азиз, яъни Алоҳнинг муруввати, зиёси.

**Нуразим, Nurazim** (*ар.*) — Азим, яъни Аллоҳнинг муруввати бўлган бола.

**Нурали, Nurali** (*ар.*) — келажаги нурли, равшан бўлиб Али ўз паноҳида асрасин ёки Али бахш этган бахт, омад.

**Нурангиз, Nurangiz** (◊., *ар.*) — ёғду, нур сочувчи, ўзига мафтун этувчи, гўзал, зебо.

**Нурафшон, Nurafshon** (◊., *фт.*) — ёруғлик манбаи, нур сочувчи, гўзал, барно.

**Нураҳад, Nurahad** (*ар.*) — яккаю ёлғизнинг (Аллоҳ) нури, муруввати бўлган бола.

**Нураҳмад, Nurahmad** (*ар.*) — Аллоҳни доимо мадҳ қилувчи Муҳаммад (сав)нинг шафқати, муруввати бўлган бола.

**Нурбадан, Nurbadan** (◇., *ар.*) — гўзал, зебо, покиза қиз.

**Нурбанот, Nurbanot** (◇., *ар.*) — келажаги нурли, толеи баланд қиз.

**Нурбахт, Nurbaxt** (◇., *ар.*) — келажаги равшан, толеи порлоқ қиз.

**Нурбаҳор, Nurbahor** (◇., *ар.-фт.*) — келажаги равшан, нурли ва ҳаёти кўкламдек яшнаб турсин ёки баҳор пайти туғилган саодатли қиз.

**Нурбек, Nurbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган толеи баланд бола.

**Нурбека, Nurbeka** (◇.,*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган толеи баланд, бахтли қиз.

**Нурберди, Nurberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ нурли, бахту омадли ўғил берди.

**Нурбиби, Nurbibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — умри нурли, шодон ва мартабаси баланд бўлган бола.

**Нурбодом, Nurbodom** (◇., *ар.-фт.*) — *қар. Нур* ва *Бодом.*

**Нурбой, Nurboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нур.* (Нур+бой). Асли нур сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Нурбону, Nurbonu** (◇., *ар.-фт.*) — аслзодалар наслидан бўлган келажаги нурли, равшан қиз.

**Нурбадал, Nurbadal** (*ар.*) — аввалги нобуд бўлган фарзандлар эвазига берилган саодатманд бола.

**Нурбоқи, Nurboqi** (*ар.*) — *қар. Нур* ва *Боқи.*

**Нурбува, Nurbuva** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нур* (Нур+бува).

**Нурбўта, Nurbo'ta** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нур* ва *Бўта.*

**Нурвафо, Nurvafo** (*ар.*) — *қар. Нур* ва *Вафо.*

**Нурвали, Nurvali** (*ар.*) — *қар. Нур* ва *Вали.*

**Нургул, Nurgul** (◇., *ар.-фт.*) — нурли, толеи баланд ва гулдек гўзал қиз.

**Нургулшан, Nurgulshan** (◇., *ар.-фт.*) — келажаги порлоқ ва ҳаёти гулшандек яшнаган бўлсин.

**Нургўзал, Nurgo'zal** (◇., *ар.-ўз.*) — нурли ҳаёт соҳибаси бўлган зебо қиз.

**Нурдавлат, Nurdavlat** (◇., *ар.*) — келажаги нурли, равшан ва бой, бадавлат қиз.

**Нурдада, Nurdada** (*ар.-ўз.*) — дадаси (отаси)нинг исми қўйилган келажаги нурли бола.

**Нурдоно, Nurdono** (◇., *ар.-фт.*) — нурли, бахтли ва билимдон, доно қиз.

**Нурёғди, Nuryog'di** (*ар.-ўз.*) — хонадонга қувонч ва бахтиёрлик келтирган бола.

**Нуржамол, Nurjamol** (◇., *ар.*) — юзидан нур ёғиб турувчи қиз

**Нуржаннат, Nurjannat** (◊., *ар.*) — жаннатнинг нури, ёғдуси.

**Нуржаҳон, Nurjahon** (*ар.-фт.*) — оламдаги энг бахтли, нурли ҳаёт соҳиби, жаҳондаги энг гўзал, зебо бола.

**Нуржигит, Nurjigit** (*ар.-ўз.*) — чеҳрасидан нур ёғиб турувчи (гўзал) йигит бўлсин.

**Нуржов, Nurjov** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нуржовул.*

**Нуржовул, Nurjovul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нурёғди.*

**Нуржовғон, Nurjovg'on** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нурёғди.*

**Нуржон, Nurjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Нур* (Нур+жон).

**Нурзода, Nurzoda** (◊., *ар.-фт.*) — бахту иқбол фарзанди ёки нурга бурканган (бахтли) қиз.

**Нури, Nuri** (*ар.*) — *Нуриддин, Нурулла, Нуринисо* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Нурибек, Nuribek** (*ар.*) — *қар. Нури.*

**Нурибой, Nuriboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нури* (Нури+бой).

**Нуригул, Nuriqul** (◊., *ар.-фт.*) — *қар. Нури* (Нури+гул).

**Нуриддин, Nuriddin** (*ар.*) — диннинг ёғдуси, дин машъали.

**Нуризамон, Nurizamon** (*ар.*) — замон ёғдуси, машъали, ўта бахтли, омадли.

**Нурзиё, Nurziyo** (◊., *ар.*) — беҳад нурли, ўта равшан, шодон, бахтиёр.

**Нурзиёда, Nurziyoda** (◊., *ар.*) — ўта равшан, беҳад нурли; бахту иқболга тўлиқ.

**Нурзийрак, Nurziyrak** (*ар.-фт.*) — бахтли, омадли ҳамда хушёр, зийрак бола.

**Нурииелом, Nuriislom** (*ар.*) — диннинг, исломнинг зиёси, ёғдуси, ислом бахш этган бахт, омад. *Сол.: Нурислом.*

**Нурим, Nurim** (*ар.*) — "нур" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Нуримардон, Nurimardon** (*ар.-фт.*) — довюракларнинг, жасурларнинг омадлиси, бахтлиси.

**Нуриммат, Nurimmat** (*ар.*) — *қар. Нурмуҳаммад.*

**Нуринисо, Nuriniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг нурлиси; гўзали зебоси ёки аёлларнинг бахтлиси, омадлиси.

**Нурислом, Nurislom** (*ар.*) — диннинг зиёси, ёғдуси; ислом ато қилган бахт, омад. *Сол.: Нурииелом.*

**Нурихон, Nurixon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Нури* (Нури+хон).

**Нуришон, Nurishon** (*ар.-фт.*) — шон-шуҳрат нури; шуҳратга бурканган бола.

**Нурия, Nuriya** (◊., *ар.*) — бахтли, шодон қиз, ҳаёти нурли, равшан қиз.

**Нурияздон, Nuriyazdon** (*ар.-муғ.*) — Аллоҳнинг зиёси; муруввати, эҳсони.

**Нуркамол, Nurkamol** (*ар.*) — мукаммаллик, камолат нури, улуғ бахт соҳиби.

**Нуркарим, Nurkarim** (*ар.*) — шафқатли, мурувватлининг, карам-эҳсони чексизнинг (Аллоҳнинг) нури, илтифоти, бўлган бола.

**Нуркелди, Nurkeldi** (*ар.-ўз.*) — зиёга бурканган, яъни бахтли, омадли ўғил туғилди.

**Нуркомил, Nurkomil** (*ар.*) — комиллик, етуклик зиёси, мукаммал бахту иқбол соҳиби.

**Нурлан // Нурлон, Nurlan** (*ар.*) — нурга, бахт-иқболга тўла.

**Нурли, Nurli** (*ар.*) — бахтли, омадли, ёрқин келажак эгаси.

**Нурлибой, Nurliboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нурли* (Нурли+бой).

**Нурлибека, Nurlibeka** (*ар.-ўз.*) — беклар наслига мансуб бўлган бахтиёр қиз.

**Нурлижон, Nurlijon** (◇., *ар.-фт.*) — *қар. Нурли* (Нурли+жон).

**Нурлиман // Нурлимон, Nurliman** (*ар.*) — Нур сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Нурлимуҳаммад, Nurlimuhammad** (*ар.*) — бахтли, иқболли бўлсин ва Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Нурлинисо, Nurliniso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг зиёси; бахтлиси, кўрками.

**Нурлиой, Nurlioy** (◇., *ар.-ўз.*)— *қар. Нурли* (Нурли+ой).

**Нурлирўй, Nurliro'y** (◇., *ар.-фт.*) — чеҳрасидан нур ёғилиб турувчи соҳибжамол қиз.

**Нурлихон, Nurlixon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Нурли* (Нурли+хон).

**Нурлиқо, Nurliqo** (◇., *ар.-фт.*) — чеҳрасидан нур ёғилиб турувчи, жозибали, зебо қиз.

**Нурлиғоят, Nurlig'oyat** (◇., *ар.*) — порлоқ толели, ғоят бахтли; ниҳоят гўзал қиз.

**Нурлиҳаёт, Nurlihayot** (◇., *ар.*) — бахтли, фаровон ҳаёт эгаси.

**Нурмажид, Nurmajid** (*ар.*) — жўмард, мурувватли ёки шону шавкатли, яъни Аллоҳ берган бахт.

**Нурмамат, Nurmamat** (*ар.*) — *қар. Нурмуҳаммад.*

**Нурман // Нурмон, Nurman** (*ар.*) — *Нурмуҳаммад* (*қар.*), *Нурмурод* (*қар.*) каби исмларнинг эқ. шакли.

**Нурмат, Nurmat** (*ар.*) — *қар. Нурмуҳаммад.*

**Нурмирза, Nurmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Нур* ва *Мирза.*

**Нурмомо, Nurmomo** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Нур* ва *Момо.*

**Нурмурод, Nurmurod** (ар.) — *қар. Нур* ва *Мурод.*

**Нурмуҳаммад, Nurmuhammad** (*ар.*) — Пайғамбар бахш этган зиё, яъни бахт.

**Нурмўмин, Nurmo'min** (*ар.*) — *қар. Нур* ва *Мумин.*

**Нурназар, Nurnazar** (*ар.*) — Нур (Аллоҳнинг)нинг илтифоти, муруввати бўлган бола ёки Муҳаммад (сав.)нинг назари тушган бола.

**Нурнафас, Nurnafas** (*ар.*) — Нурнинг (Аллоҳнинг) нафаси, кўмаги б-н эришилган бола.

**Нурниёз, Nurniyoz** (*ар.-фт.*) – ўтиниб, сўраб олинган келажаги порлоқ бола ёки яъни Аллоҳ берган туҳфа, эҳсон.

**Нурноз, Nurnoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Нурнозик.*

**Нурнозик, Nurnozik** (◊., *ар.-фт.*) — бахтли, толели ҳамда мулойим, нозик қиз.

**Нурой, Nuroy** (◊., *ар.-ўз.*) — нурли, зиёли; ёруғлик, равшанликка мансуб, чиройли, зебо.

**Нуролим, Nurolim** (*фт.*) — *қар. Нур* ва *Олим.*

**Нурон, Nuron** (*ар.*) — Нурназар, Нурнафас каби исмларнинг эқ. шакли.

**Нурония, Nuroniya** (◊.,*ар.*) — нурли, зиёли; ёруғликка мансуб, чиройли, зебо.

**Нурохун, Nuroxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Нур* ва *Охун.*

**Нурпош // Нурпоч, Nurposh** (◊., *ар.-фт.*) — нур, ёғду сочувчи ёки Нурпошша исмининг эқ. шакли.

**Нурпошша, Nurposhsha** (◊., *ар.-фт.*) — *қар. Нур* ва *Пошша.*

**Нурпўлат, Nurpo'lat** (*ар.-фт.*) — бахтли, омадли бола пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Нурсадаф, Nursadaf** (◊., *ар.*) — ҳаёти нурли, омадли ва садафдек қимматли, иродали қиз.

**Нурсаид, Nursaid** (*ар.*) — бахт, иқбол нурига чулғанган бола.

**Нурсайид, Nursayid** (*ар.*) — сайидлар, яъни аслзодалар, пайғамбар наслига мансуб бахтли бола.

**Нурсалим, Nursalim** (*ар.*) — бахт-иқболли ва соғлом бола.

**Нурсафо, Nursafo** (*ар.*) — бахтли ва осойишта ҳаёт эгаси.

**Нурсоат, Nursoat** (*ар.*) — нурли, яъни бахтли, қутлуғ соатда туғилган бола.

**Нурсултон, Nursulton** (*ар.*) — бахтлиларнинг сардори, қутли, бахтли бола ёки *қар. Нур* ва *Султон.*

**Нурсулув, Nursuluv** (◊., *ар.-ўз.*) — нурдек ёруғ, жозибали, кўркам.

**Нуртилла, Nurtilla** (*ар.-фт.*) — нурдек азиз ва тилладек қимматли бола ёки *қар. Нур* ва *Тилла.*

**Нуртожи, Nurtoji** (◊., *ар.-фт.*) — баданида тож (хол) б-н туғилган бахтиёр қиз.

**Нуртоза, Nurtoza** (◊., *ар.-фт.*) — нурдек покиза қиз; гўзал, зебо қиз.

**Нуртой, Nurtoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Нур* (Нур+той) ёки ҳаёти нурли ва суюкли эрка бола.

**Нурулла, Nurulla** (ар.) — Аллоҳнинг нури, ёғдуси, меҳри, Аллоҳ берган бахт.

**Нурфайз // Нурфайзи, Nurfayz** (*ар.*) — Нур (Аллоҳ) берган бахт, эҳсон.

**Нурфайёз // Нурфаёз, Nurfayyoz** (*ар*) — бахтли, омадли ва ўта сахий, меҳрибон.

**Нурхон, Nurxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Нур* (Нур+хон).

**Нурхўжа, Nurxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар, аслзодалар наслига мансуб бахтли, иқболли бола.

**Нурча, Нурчахон, Nurcha** (*ар.-ўз.*) – *қар. Нур* (Нур+ча) ёки бахтли, порлоқ толе эгаси бўлган бола.

**Нурчечак, Nurchechak** (◊., *ар.-ўз.*) – бахту иқболли ва гулдек кўркам қиз.

**Нурчи, Nurchi** (*ар.-ўз.*) – нур, бахт, омад соҳиби.

**Нурчин, Nurchin** (*ар.-ўз.*) – бахт, иқбол соҳиби; келажаги порлоқ бола.

**Нуршод, Nurshod** (*ар.-фт.*) – шодлик, бахтиёрлик нури ёки бахтли ва шодон умр соҳиби.

**Нурюз, Nuryuz** (*ар.-ўз.*) – юзидан нур ёғувчи, жозибали, покиза, гўзал қиз.

**Нуряхши, Nuryaxshi** (*ар.-ўз.*) – бахтли, иқболли; маъқул, ёқимтой бола.

**Нурўроз, Nuro'roz** (*ар.-ўз.*) – равшан, нурли бахт эгаси.

**Нурқиз, Nurqiz** (◊., *ар.-ўз.*) – бахтли, бахтиёр қиз.

**Нурқилич, Nurqilich** (*ар.-ўз.*) – бахтли, омадли ва қиличдек мустаҳкам.

**Нурқобил, Nurqobil** (*ар.*) – бахтли, омадли ва мўмин-қобил, тарбияли ёки қобилиятли бола.

**Нурқосим, Nurqosim** (*ар.*) – ризқу рўзни тақсимловчи, бандаларини боқувчи берган, яъни Аллоҳ берган бахт, эҳсон.

**Нурқувват, Nurquvvat** (*ар.*)– бахтли, омадли ва кучли, қудратли бола.

**Нурқул, Nurqul** (*ар.-ўз.*) – Нур (Аллоҳ)нинг қули, бандаси қар. Нур (Нур+қул).

**Нурқурбон, Nurqurbon** (*ар.*) – қурбон ойида ёки ҳайит кунида туғилган толеи нурли, бахтли бола.

**Нурқўзи, Nurqo'zi** (*ар.-ўз.*) – *қар. Нур* ва *Қўзи.*

**Нурғиёс, Nurg'iyos** (*ар.*) – ота-онасининг кўмакчиси, уларга ёрдамчи бўлиб юрсин ва бахту иқболли бўлсин.

**Нурғози, Nurg'ozi** (*ар.*) – дин йўлида курашувчи ва ғолиб келувчиларнинг энг аълоси, бахтлиси.

**Нурҳабиба, Nurhabiba** (◊., *ар.*) – суюкли дўст, дўстнинг энг аълоси, бахту омадлиси.

**Нурҳаё, Nurhayo** (◊., *ар.*) – одоблилик зиёси, одобли, номуслиларнинг энг яхшиси, аълоси.

**Нурҳаёт, Nurhayot** (◊.,*ар.*) – тириклик зиёси, бахтли ҳаёт соҳибаси.

**Нурҳақ, Nurhaq** (*ар.*) – ҳақиқатда мавжуднинг (Аллоҳнинг) назари, зиёси, меҳру мурувввати.

**Нурҳожи, Nurho'ji** (*ар.*) – ҳожилар наслига мансуб бўлган бахтли бола.

**Нусрат, Nusrat** (*ар.*) – ғолиб, музаффар ёки кўмакчи, ёрдамчи.

**Нусратдин // Нусраддин, Nusratdin** (*ар.*) – диннинг ғолиблиги, диннинг тантанаси.

**Нусратулла, Nusratulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ёрдами, кўмаги; Аллоҳнинг ҳиммати, мурувввати ёки Аллоҳ берган бахт, омад.

**Нусқа//Нусха, Nusqa** ( ◊ ., *ар.*) — онасидан қолган намуна, ёдгор.

**Нусқаой, Nusqaoy** ( ◊ ., *ар.-ўз.*) — онасидан ёдгор бўлган ойдек сулув қиз.

**Нуфуза, Nufuza** ( ◊ ., *ар.*) — эътиборга лойиқ, обрўли, тенгсиз, беназир.

**Нуъмон, Nu'mon** ( ◊ ., *яҳ.*) — илтифот, мурувват, лутф, меҳр, эҳсон. Шакллари: *Нуъмонжон, Нуъмонхон.*

**Нуъмонхон, Nu'monxon** ( ◊ ., *яҳ.-ўз.*) — лутф, эҳсон, мурувват; меҳрли, меҳрибон.

**Нуъмонча, Nu'moncha** ( ◊ ., *яҳ.-ўз.*) — *қар. Нуъмон* (Нуъмон+ча).

**Нуқра, Nuqra** ( ◊ ., *ар.*) — айнан: кумуш, кумушнинг, кукуни; яхши, қимматли.

**Нуқрабой, Nuqraboy** (*ар.-ўз.*) — кумушдек қадрли; ноёб, топилмас.

**Нуқраой, Nuqraoy** ( ◊ ., *ар.-ўз.*) — кумушдек қадрли, кўркам ва ойдек сулув қиз.

**Нуҳ//Нух, Nuh** (*яҳ.*) — бу исм узоқ умр кечирган Нуҳ пайғамбар номи бўлган. Нуҳо — ақл, зеҳн ёки овунч, тасалли, таскин, юпанч; Сокинлик, ором, роҳат. Нуҳ — пайғамбарнинг лақабидир. Унинг исми асли Сакиб >< Сокиб (*ар.*) — қуймоқ, тўлмоқдир.

**Нўхат, No'xat** (*фт.*) — нўхатдек маҳкам ва ойдек сулув қиз ёки баданида нўхатдек бирор белгиси бор қиз.

**Нўхатой, No'xatoy** ( ◊ .,*фт.*) — нўхатдек маҳкам ва ойдек сулув қиз ёки баданида нўхатдек бирор белгиси бор қиз.

**Нўхта, No'xta** (*ўз.*) — нўхталанган, маҳкамланган, турадиган, яшайдиган бола.

**Нўшар, Нўшарбой, No'shar** (*ўз.*) — нўшар (дўл) ёққанда туғилган бола.

**Нўкар, No'kar** (*муғ.*) — дўст, ўртоқ ёки хизматчи, жангчи, аскар.

**Нўшоба, No'shoba** ( ◊ ., *фт.*) — тириклик, ҳаёт суви.

**Нўғай, No'g'ay** (*муғ.*) — нўғай халқи номидан; ҳайвонлар тизимига асосланувчи эскича ой ҳисобининг ўн биринчи ойи номи. Ўша ойда туғилган бола.

**Нўғайбек, No'g'aybek** (*муғ.-ўз.*) — *қар. Нўғай* (Нўғай+бек).

# О

**Обгина, Obgina** ( ◊ ., *фт.*) — шиша, биллур; соф, покиза; равшан, тиниқ.

**Обид, Обиджон, Obid** (*ар.*) — тоат-ибодат қилувчи, тақводор.

**Обида, Obida** ( ◊ ., *ар.*) — тақводор аёл, диндор аёл.

**Обидали, Obidali** (ар.) — *қар. Обид* ва *Али.*

**Обидабу, Obidabu** ( ◊ ., *ар.-ўз.*) — *қар. Обида* (Обида+бу).

**Обиддин, Obiddin** (*ар.*) — тақводорнинг, авлиёнинг назари, мурувват туфайли эришилган бола.

**Обидназар, Obidnazar** (*ар.*) — тақводорнинг, авлиёнинг назари туфайли эришилган бола.

**Обидой, Obidoy** (◊., *ар.-ўз.*) — художўй, тақводор ҳамда ойдек сулув қиз.

**Обидохун, Obidoxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Обид* ва *Охун.*

**Обидулла, Obidulla** (*ар.*) — Аллоҳга сиғинувчи, ибодат қилувчи бола:, Аллоҳнинг тақводор бандаси.

**Обидхол, Obidxol** (◊., *ар.-фт.*) — баданида холи бўлган, тақводор, художўй қиз.

**Обидхон, Obidxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Обид* (Обид+хон).

**Обидшо, Obidsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Обид* ва *Шоҳ.*

**Обираҳмат, Obirahmat** (*фт.-ар.*) — шифобахш сув, муқаддас (хосиятли) сув (авлиё)га сиғиниб топилган бола.

**Облоёр, Obloyor** (*ар.-фт.*) — *қар. Оллоёр.*

**Облоқул, Obloqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Оллоқул.*

**Обод, Obod** (*фт.*) — ҳаёти камкўст, обод, фаровон бўлсин.

**Ободон, Obodon** (◊., *фт.*) — яхши, фаровон ҳаёт эгаси.

**Ободонгул, Obodongul** (◊., *фт.*) — турмуши фаровон, бахтли ҳамда гулдек кўркам қиз.

**Ободонтож, Obodontoj** (◊., *фт.*) — баданида тожи (холи) бўлган бахтли ҳаёт соҳиби.

**Обрўй, Obro'y** (*фт.*) — иззат, ҳурматга, эътиборга лойиқ қиз.

**Овоз, Овозбой, Ovoz** (*ўз.*) — *қар. Аваз.*

**Овулбой, Ovulboy** (*ўз.*) — овулда туғилган бола, овул фарзанди.

**Овулмирза, Ovulmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Овул* ва *Мирза.*

**Овун, Овунбой, Ovun** (*ўз.*) — юпанч, овунчоқ бўлувчи бола.

**Овунчи, Ovunchi** (*ўз.*) — юпанч (овунч), тасалли бўлувчи бола.

**Овчибой, Ovchiboy** (*ўз.*) — овчи йигит бўлсин ёки овчи қабиласига мансуб бола.

**Овшарбой, Ovsharboy** (*фт.*) — авшар // афшар (ўғуз) уруғига мансуб бола.

**Огоҳ, Огоҳжон, Ogoh** (*фт.*) — билағон, ақлли, зийрак.

**Огаҳий, Ogahiy** (*фт.*) — барча нарсадан хабардор, билимдон, доно.

**Одам, Odam** (*ар* < *қад. яҳ.*) — киши, инсон, ҳақиқий инсон; асли: ер, қизил тупроқ, яъни буғдой ранг, қорачадан келган одам. Шакллари: Одамбек, Одамбой.

**Одамтой, Odamtoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Одам* (Одам+той).

**Одамқул, Odamqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Одам* (Одам+қул.).

**Оддий, Oddiy** (*ар.*) — содда, жўн; камтарин.

**Одил, Odil** (*ар.*) — ҳақгўй, адолатли, инсофли, тўғри, ҳалол. Шакллари: *Одилбек, Одилхон.*

**Одила, Odila** (◊., *ар.*) — адолатли, инсофли, ҳақгўй, ҳалол қиз.

**Одилхон, Odilxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Одил* (Одил+хон).

**Одилхўжа, Odilxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган адолатли, ҳақгўй бола.

**Одилшер, Odilsher** (*ар.-фт.*) — адолатли, инсофли ҳамда шердек жасур, довюрак бўлсин.

**Одилшо, Odilsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Одил* ва *Шоҳ*.

**Одилқора, Odilqora** (*ар.-ўз.*) — адолатли ҳамда қудратли бола ёки *қар. Одил ва Қора*.

**Одилқул, Odilqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг инсофли, ҳалол бандаси ёки *қар. Одил* (Одил+қул).

**Одилқўзи, Odilqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Одил+Қўзи*.

**Одим, Одимбой, Odim** (*ўз.*) — соғ бўлиб одимлаб кетсин.

**Одина, Odina** (*фт.*) — жума куни, яъни хосиятли, қутли кунда туғилган бола. Шакллари: *Одинажон, Одинахон*.

**Одинабиби, Odinabibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — жума куни, яъни хосиятли, қутли кунда туғилган улуғ мартабали қиз.

**Одинагул, Odinagul** (◇., *фт.*) — жума куни таваллуд топган гулдек кўркам қиз.

**Одинамамат, Odinamamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Одинамуҳаммад*.

**Одинамуҳаммад, Odinamuhammad** (*фт.-ар.*) — хосиятли кун (жума)да туғилган ўғилни Муҳаммад (*сав*) қўллаб юрсин.

**Одинаниёз, Odinaniyoz** (*фт.*) — жума куни таваллуд топган ва (Аллоҳдан) ўтиниб, сўраб олинган бола.

**Одинасулув, Odinasuluv** (◇., *фт.-ўз.*) — хосиятли кун (жума)да туғилган чиройли, зебо қиз.

**Одинахўжа, Odinaxo'ja** (*фт.*) — хосиятли жума куни туғилган хўжалар наслига мансуб бола.

**Одинақул, Odinaqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг хосиятли куни-жумада туғилган бандаси ёки *қар. Одина* (Одина+қул).

**Ожиза, Ojiza** (◇., *фт.*) — аёл, қиз бола, нозик, мулойим.

**Ожир, Ojir** (*ар.*) — хушёр, бедор; омадли ёки ожир // ожурғиштдек мустаҳкам бола.

**Озар, Ozar** (*фт.*) — олов, ўт; оловдек жўшқин бўлсин.

**Озара, Ozara** (◇., *фт.*) — олов қизи, оташ фарзанди.

**Озарафрўз, Ozarafro'z** (◇., *фт.*) — нур, шуъла, сочувчи; оловнинг қўриқчиси, олов ҳомийси.

**Озаргул, Ozargul** (◇., *фт.*) — ўт, оловдек меҳрли, жўшқин ва гулдек кўркам қиз.

**Озардод, Ozardod** (*фт.*) — эронча шамсия йилининг 9 ойи, қавс ойида (22 ноябрь—21 декабрь) туғилган бола.

**Озарёр, Ozaryor** (*фт.*) — оловнинг (оташнинг) дўсти, оташ фарзанди.

**Озари, Ozari** (◇., *фт.*) — уятли, ҳаёли; уятчан қиз.

**Озариш, Ozarish** (◇., *фт.*) — нур, ёғду; чақмоқ пайтида туғилган қиз.

**Озармеҳр, Ozarmehr** (◇., *фт.*) — меҳри оловдек жўшқин, ўткир, беҳисоб, меҳр-муҳаббат соҳиби.

**Озармин, Ozarmin** (◇., *фт.*) — уятли, ҳаёли; номусчан, иболи, уятчан.

**Озармомо, Ozarmomo** (◇., *фт.*) — *қар. Озор* ва *Момо.*

**Озод, Ozod** (*фт.*) — эркин, ҳур; хурсанд; бахтиёр ёки улуғ, салобатли; касалликлардан холи.

**Озода, Ozoda** (◇., *фт.*) — эркин, ҳур; бахтли, бахтиёр ёки тоза, покиза, бегуноҳ. Баъзи манбаларда сахий, оқ кўнгил деб изоҳланади.

**Озодали, Ozodali** (*фт.-ар.*) — эркин, ҳур бўлиб ўссин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Озодагул, Ozodagul** (◇., *фт.*) — эркин, ҳур ва гулдек гўзал қиз.

**Озодбахт, Ozodbaxt** (*фт.-ар.*) — нур, бахтли, шодон, бахтиёр бола.

**Озодбахш, Ozodbaxsh** (*фт.*) — улуғ толе эгаси, улкан бахт соҳиби.

**Озодбек, Ozodbek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган ҳур, бахтиёр бола.

**Озодбу, Озодбуви, Ozodbu** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Озод* ва *Буви.*

**Озодгул, Ozodgul** (◇., *фт.*) — эркин, ҳур ва гулдек чиройли қиз.

**Озодкелди, Ozodkeldi** (*фт.-ўз.*) — бало-офатлардан холи, озод, яъни яшайдиган, ўлмайдиган бола туғилди.

**Озодмурод, Ozodmurod** (*фт.-ар.*) — озод, фаровон яшаб, мурод-мақсадига етсин.

**Озодқул, Ozodqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Озод* (Озод+қул.).

**Ой, Oy** (*ўз.*) — аёллар исмида чиройли, гўзал маъноларини, эркаклар исмида эса, бахтли, омадли маъноларини англатади.

**Ойазим, Oyazim** (*ўз.-ар.*) — улуғ ва ойдек кўркам бола.

**Ойали, Oyali** (*ўз.-ар.*) — ойдек буюк, юксак ва улуғвор бола ёки ойдек сулув болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Ойбадан, Oybadan** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув, соҳибжамол, зебо қиз.

**Ойбаланд, Oybaland** (*ўз.-фт.*) — ойдек юксак, улуғвор бола.

**Ойбалдоқ, Oybaldoq** (◇., *ўз.*) — ярим ой шаклидаги катта сирға; ойболдоқдек қимматли, азиз; чиройли.

**Ойбали, Oybali** (◇., *ўз.*) — *эҳт. Ойбаланд* (қар.).

**Ойбанот, Oybanot** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек гўзал ва мулойим, қимматли қиз.

**Ойбарно, Oybarno** (◇., *ўз.-фт.*) — ойдек кўркам, зебо қиз.

**Ойбас, Oybas** (◇., *ўз.-фт.*) — энди қиз туғилмасин, қиз туғилиши тўхтасин.

**Ойбахти, Oybaxti** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек зебо ва бахтли, саодатманд қиз.

**Ойбаҳор, Oybahor** (◇., *ўз.-фт.*) — баҳор пайти туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойбегим, Oybegim** (◇., *ўз.*) -- аслзодалар, ҳукмдорлар наслига мансуб бўлган ойдек сулув қиз.

**Ойбек, Oybek** (*ўз.*) — беклар наслидан бўлган омадли, бахтли бола ёки ойбек уруғи (ўзбек уруғларидан бири)га мансуб бола.

**Ойбека//Ойбика Oybeka** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув, юксак мартабали, аслзодалар наслига мансуб қиз ёки ой фарзанди.

**Ойбиби, Oybibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — ойдек сулув ва баланд мартабали қиз.

**Ойбодоқ, Oybodoq** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойболдоқ.*

**Ойбозор, Oybozor** (◇., *ўз.-фт.*) — бозор куни туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойбола, Oybola** (*ўз.*) — ой фарзанди; толе баланд бола.

**Ойболқи, Oybolqi** (◇., *ўз.*) — ойдек балқиган; кўркам, зебо қиз.

**Ойбон, Oybon** (◇., *ўз.-фт.*) — *Ойбону* ёки *Ойбаланд* исмларининг эқ. шакли.

**Ойбону, Oybonu** (◇., *ўз.-фт.*) — аслзодалар наслидан бўлган ойдек сулув қиз.

**Ойбос, Oybos** (◇., ўз.) — *қар. Ойбас.*

**Ойбош, Oybosh** (ўз.) — янги ойнинг бошланишида туғилган бола.

**Ойбоқар Oyboqar** (◇., *ўз.*) — ойнинг назари тушган бола, бахтли, саодатманд бола.

**Ойбоқди, Oyboqdi** (◇., *ўз.*) — ойнинг назари, мурувватн туфайли эришилган бола ёки қар. *Ойбахти.*

**Ойбоқсин, Oyboqsin** (◇., *ўз.*) — ой қулиб боқсин, яъни толеи баланд, бахтли бўлсин.

**Ойбоғда, Oybo'gda** (*ўз.*) — боғда ўсган гул ва ойдек сулув қиз. *Сол.: Боғдагул.*

**Ойбуви, Ойбувиш, Oybuvi** (◇., *ўз.*) — бувисининг исми берилган ойдек сулув, кўркам қиз.

**Ойбўбак, Oybo'bak** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув, чиройли бола.

**Ойбўл, Oybo'l** (*ўз.*) — ҳаёти ойдек ёруғ, равшан бўлсин; ойдек кўркам, сулув бола. *Сол.: Ойбўлсин.*

**Ойбўлак, Oybo'lak** (◇., *ўз.*) — ойнинг парчаси, бўлаги; ой фарзанди.

**Ойбўлсин, Oybo'lsin** (*ўз.*) — қутли, бахтли бўлсин; ҳаёти ойдек ёруғ, равшан бўлсин.

**Ойбўлар, Oybo'lar** (◇., *ўз.*) ойдек сулув қиз бўлсин ёки ойлар (қизлар) етарли бўлди, эндигиси ўғил бўлсин.

**Ойбўри, Oybo'ri** (◇., *ўз.*) — *қар. Ой* ва *Бўри.*

**Ойбўстон, Oybo'ston** (◇., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув ва ҳаёти бўстондек яшнаган бўлсин ёки ойдек гўзал ва бўстондек яшнаган қиз.

**Ойгилос, Oygilos** (◇., *ўз.-фт.*) — гилос пишган пайтда туғилган ойдек кўркам қиз.

**Ойгул, Oygul** (◇., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув, гулдек зебо қиз.

**Ойгулбону, Oygulbonu** (◇., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув, гулдек чиройли ва баланд мартабали қиз.

**Ойгули, Oyguli** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойгул;*

**Ойдагул, Oydagul** (◇., *ўз.-фт.*) — юксак толели, бахтли қиз.

**Ойгўзал, Oygo'zal** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув, зебо қиз.

**Ойдавлат, Oydavlat** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув қиз бой, бадавлат бўлсин.

**Ойдай, Ойдак, Oyday** (◇., *ўз.*) — ойдек кўркам, ойманонд; чиройли.

**Ойдан // Ойдон, Oydan** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойдона.*

**Ойдин, Oydin** (*ўз.*) — ойдин кечада туғилган бола ёки ҳаёти ойдин, равшан, нурли бўлсин. Шакллари: *Ойдиной, Ойдинхон, Ойдинжон.*

**Ойдоно, Oydono** (◇., *ўз.-фт.*) — ойдек кўркам ва ақлли, доно қиз.

**Ойдон, Oydon** (◇., *ўз.*) — ойнинг улфати, дўсти ёки ойдек зебо қиз.

**Ойдўст, Oydo'st** (*ўз.-фт.*) — ойнинг йўлдоши, дўсти; бахтли, омадли бола.

**Ойёруғ, Oyyorug'** (◇., *ўз.*) — ойдин кечада, ой ёруғида туғилган қиз. Сол. Ойдин.

**Ойёрқин, Oyyorqin** (◇., *ўз.*) — ойдек нурли, шуълаҳор, бахтли, омадли.

**Ойжамол, Oyjamol** (◇., *ўз.-ар.*) — чеҳраси ойдек сулув қиз, ойюзли, ойсиймо.

**Ойжариқ, Oyjariq** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойёруғ.*

**Ойжаҳон, Oyjahon** (◇., *ўз.-фт.*) — айнан: жаҳоннинг ойи; оламдаги энг кўркам чиройли қиз.

**Ойжиға, Oyjiga** (◇., *ўз.*) — ойдек ва жиға (бошга кийилувчи чиройли темир безак) дек кўркам қиз. Қизларнинг энг кўрками, зебоси.

**Ойжон, Oyjon** (◇., *ўз.-фт.*)— ойдек сулув ва жондек азиз, қадрли қиз.

**Ойжума, Oyjuma** (◇., *ўз.-ар.*) — жума (хосиятли кун)да туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойжўра, Oyjo'ra** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойдўст.*

**Ойзамон, Oyzamon** (◇., *ўз.-ар.*) — замонасининг энг чиройли, сулув қизи.

**Ойзебо, Oyzebo** (◇., *ўз.-фт.*) — ойдек гўзал қиз.

**Ойзиёд, Oyziyod** (◇., *ўз.-фт.*) — қизлар туғилиши етарли бўлди ёки ойдек гўзал қизнинг умри узоқ, зиёда бўлсин.

**Ойзилол, Oyzilol** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек покиза, тоза қиз.

**Ойзира, Oyzira** (◇., *ўз.-фт.*) — эҳтимол: Ойзирак.

**Ойзирак // Ойзийрак, Oyzirak** (◇., *ўз.-фт.*) — сезгир, зийрак ва ойдек гўзал қиз.

**Ойзифа, Oyzifa** (◇., *ўз.-фт.*) — *Эҳт.: Ойзебо.*

**Ойзод//Ойзот, Oyzod** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойзода.*

**Ойзода, Oyzoda** (◇., *ўз.-фт.*) — ой фарзанди, яъни ойдек сулув, зебо қиз.

**Ойзуҳра, Oyzuhra** (◇., *ўз.-ар.*) — ой ва Зуҳро юлдузидек гўзал қиз ёки ойдек кўркам ва ҳаёти Зуҳро юлдузидек ёрқин бўлсин.

**Ойижон, Oyijon** (◇., *ўз.-фт.*) — онасининг ёки бувисининг исмини олган азиз, суюкли қиз.

**Ойим, Oyim** (◇., *ўз.*) — хоним, бека; мўътабар оила фарзанди; ойдек гўзал, зебо; безанган ёки имонли, эътиқодли, тақводор.

**Ойимбасар, Oyimbasar** (◇., *ўз.*) — мўътабар оиладан бўлган зийрак, ўткир зеҳнли қиз.

**Ойимбека, Oyimbeka** (◇., ўз.) — мўътабар оиладан бўлган, мартабали қиз.

**Ойимбиби, Oyimbibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Ойим* ва *Биби.*

**Ойимбону, Oyimbonu** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойим* ва *Бону.*

**Ойимбу, Ойимбуви, Oyimbu** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойим* ва *Буви.*

**Ойимгул, Oyimgul** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар оиланинг гулдек фарзанди.

**Ойимдоно, Oyimdono** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар ва жондек азиз қиз.

**Ойимжон, Oyimjon** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар ва жондек азиз қиз.

**Ойимнисо, Oyimniso** (◇., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг энг мўътабари, обрўлиси.

**Ойимпошша, Oyimposhsha** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар, бадавлат оила фарзанди; қадрли, обрўли аёл.

**Ойимсоат, Oyimsoat** (◇., *ўз.-ар.*) — бахтли дақиқаларда (соатда) туғилган юксак мартабали қиз.

**Ойимсора, Oyimsora** (◇., *ўз.-яҳ.*) — *қар. Ойим* ва *Сора.*

**Ойимсулув, Oyimsuluv** (◇., *ўз.*)— мўътабар оиланинг гўзал қизи.

**Ойимтилла, Oyimtilla** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар оиланинг қимматли, азиз фарзанди.

**Ойимтожи, Oyimtoji** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар оиланинг холли, холдор фарзанди.

**Ойимхол, Oyimxol** (◇., *ўз.-фт.*) — мўътабар оиланинг хол б-н туғилган қизи.

**Ойимхон, Oyimxon** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойим* (Ойим+хон).

**Ойимча, Ойимчахон, Oyimcha** (◇., *ўз.*) — баланд мартабали қизча; мўътабар оиладан бўлган қизалоқ.

**Ойимқиз, Oyimqiz** (◇., *ўз.*) — мўътабар, тақводор оила фарзанди.

**Оййигит, Oyyigit** (*ўз.*) — ойдек сулув, гўзал йигит.

**Ойкарам, Oykaram** (◇., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув ва қўли очиқ, сахий, олиҳиммат қиз.

**Ойкулча, Oykulcha** (*ўз.*) — тўлин (кулча) ойдек сулув қиз, тўлиной кечаси туғилган қиз. *Сол.: Оймомо* (тўлин ой).

**Ойкумуш, Oykumush** (◊., *ўз.*) — ой ва кумушдек чиройли, гўзал қиз ёки ой каби сулув, кумушдек қимматли.

**Ойкун, Oykun** (◊., *ўз.*) — ой ва қуёшдек гўзал, бахтли, юксак толели.

**Ойкўрган, Oyko'rgan** (*ўз.*) — тўлин ой кўринганда туғилган бола.

**Ойлар, Oylar** (◊., *ўз.*) — ойларнинг, яъни қизларнинг гўзали ёки ойлар (шафтоли) гуллаганда туғилган қиз.

**Ойларгул, Oylargul** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойлар* (Ойлар+гул).

**Ойлархон, Oylarxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Ойлар* (Ойлар+хон).

**Ойларбас, Oylarbas** (◊., *ўз.-фт.*) — қиз туғилиши етар, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Ойларбуви, Oylarbuvi** (◊., *ўз.*) — *қар. Ойлар* ва *Буви.*

**Ойларбувиш, Oylarbuvish** (◊., *ўз.*) — *қар. Ойлар* ва *Бувиш.*

**Ойли, Oyli** (◊., *ўз.*) — ойли кеча, ойдинда туғилган қиз ёки Ойлисора, Ойлинисо каби исмларнинг эқ. шакли.

**Ойлинисо, Oyliniso** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдинда туғилган қиз (аёл) ёки аёлларнинг омадлиси, бахтлиси.

**Ойлисора, Oylisora** (◊., *ўз.-яҳ.*) — *қар. Ойли* ва *Сора.*

**Ойлола, Oylola** (◊., *ўз.-фт.*) — ойдек равшан, нурли ва лоладек гўзал қиз.

**Ойлўнда, Oylo'nda** (◊., *ўз.*) — тўлин ой чиққан кечаси туғилган қиз.

**Оймалак, Oymalak** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек гўзал фаришта, пари, соҳибжамол.

**Оймамат, Oymamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оймуҳаммад.*

**Ойман, Oyman** (*ўз.-ар.*) — *Оймурод, Оймуҳаммад* исмларининг эқ. шакли.

**Ойманглай, Oymanglay** (◊., *ўз.*) — пешонаси ярқираб турган бахтли, толеи баланд қиз.

**Оймарал, Oymaral** (◊., *ўз.*) — Ойдек зебо ва марал (Сибирь буғисидек) чиройли, келишган қиз.

**Оймардон, Oymardon** (*ўз.-фт.*) — ойдек сулув ва мардларнинг марди, довюрак.

**Оймат, Oymat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оймуҳаммад.*

**Оймахол, Oymaxol** (◊., *ўз.-ар.*) — эхт.: Оймаҳал — ой чиққанда, ойдинда туғилган қиз. *Сол.: Оймаҳал.*

**Оймача, Oymacha** (◊., *ўз.*) — сулув қизча, гўзал қизалоқ.

**Оймаҳал, Oymahal** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдинда туғилган қиз.

**Оймаҳкам, Oymahkam** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув ва мустаҳкам, умри узоқ қиз.

**Оймели, Oymeli** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув, холдор қиз. *Сол.: Ойменгли.*

**Ойменгиз, Oymengiz** (◊., *ўз.*) — ойюзли, ойчеҳра, ойдек сулув, холли қиз.

**Ойменгли, Oymengli** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув, холдор қиз; хол б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Оймирза, Oymirza** (*ўз.-фт.*) — ойдек сулув ва ўқимишли, сипойи йигит бўлсин.

**Оймомо, Oymomo** (◊., *ўз.*) — тўлин ой кечаси туғилган қиз ёки тўлин ойдек зебо қиз.

**Оймон, Оймонжон, Oymon** (*ўз.*) — "ой" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Оймос, Oymos** (◊., *ўз.*) — ой каби, оймонанд қиз, яъни соҳибжамол қиз. *Эҳт.: Олмос* (*қар.*).

**Оймулла, Oymulla** (◊., *ўз.-ар.*) — ўқимишли, билимдон ва ойдек сулув қиз.

**Оймурод, Oymurod** (*ўз.-ар.*) — умри ойдек равшан ўғил улғайиб мурод-масадига етсин.

**Оймуҳаммад, Oymuhammad** (*ўз.-ар.*) — ойдек сулув ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Ойна, Oyna** (◊., *фт.*) — ойнадек мусаффо, покиза ёки бирор белги, нишона б-н туғилган қиз. *Эҳт.: Ойнабот, Ойнагул,* (*қар.*) каби исмларнинг эқ. шакли.

**Ойнабанд, Oynaband** (◊., *фт.*) — ойнадек покиза, зебо қиз.

**Ойнабек, Oynabek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган покиза, чиройли бола.

**Ойнабод, Ойнабот, Oynabod** (*фт.*) — эҳт. *Ойноввот.*

**Ойнабой, Oynaboy** (*фт.-ўз.*) — ойнадек покиза, чиройли бола.

**Ойнагул, Oynagul** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Ойна* ва *Гул.*

**Ойнагўзал, Oynago'zal** (◊., *фт.-ўз.*) — ойнадек покиза, ораста қиз.

**Ойнажамол, Oynajamol** (◊., *фт.-ар.*) -- ойнадек тиниқ, покиза ва ораста қиз.

**Ойназар, Oynazar** (*ўз.-ар*) — ой нур сочиб турганда туғилган бола.

**Ойнамоз, Oynamoz** (◊., *ўз.-ар.*) — намоз пайти туғилган ой каби чиройли қиз.

**Ойнатож, Oynatoj** (◊., *фт.*) — ойнадек покиза, ораста ва тож (хол) б-н туғилган қиз.

**Ойнахол, Oynaxol** (◊., *фт.*) — ойна каби покиза, ораста ва баданида хол б-н туғилган қиз.

**Ойнахон, Oynaxon** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Ойна* (Ойна+хон).

**Ойнақул, Oynaqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Ойна* (Ойна+қул).

**Ойниёз, Oyniyoz** (◊., *ар.-фт.*) — Аллоҳдан илтижо қилиб сўраб олинган ойдек сулув қиз.

**Ойнисо, Oyniso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг ой каби энг гўзали.

**Ойнишон, Oynishon** (◊., *ўз.-фт.*) — баданида бирор нишон (белги) б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойноввот, Oynovvot** (◊., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув ва новвотдек ширин қиз.

**Ойноз, Oynoz** (◊., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув ва нозли, мулойим қиз.

**Ойнор, Oynor** (*ўз.-фт.*) – ойдек кўркам ва баданида қизил хол (белги) б-н туғилган бола.

**Ойнур, Oynur** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ой ёғдусидек гўзал, покиза; нурафшон қиз.

**Ойнура, Oynura** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ойнур* (Ойнур+а).

**Ойнуқра, Oynuqra** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойдек сулув ва кумуш (нуқра)дек қимматли қиз.

**Ойпарда, Oyparda** (◊ ., *ўз.-фт.*) – пардали бўлиб туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойпари, Oypari** (◊ ., *ўз.-фт.*) – ой ва паридек кўркам, соҳибжамол, зебо қиз.

**Ойпарча, Oyparcha** (◊ ., *ўз.-фт.*) – ойнинг бўлаги (парча)сидек гўзал қиз ёки ойпарча (мато тури)дек чиройли, мулойим қиз.

**Ойпахта, Oypaxta** (◊ ., *ўз.-фт.*) – пахта терими пайти тугилган ойдек гўзал қиз.

**Ойпора, Oypora** (◊ ., *ўз.-фт.*) – айнан: аёллар кўйлагининг ёқа қисми ёки йиртиқ увада, яъни арзимас, кўзга илинмас қиз. Ҳимоя қилувчи исм.

**Ойпошша, Oyposhsha** (◊ ., *ўз.-фт.*) – ойдек сулув ва мўътабар, суюкли қиз.

**Ойпўлат, Oypo'lat** (◊ ., *ўз.-фт.*) – ойдек кўркам ва пўлатдек мустаҳкам қиз.

**Ойравшан, Oyravshan** (*ўз.-фт.*) – ойдек нурли, чиройли бола.

**Ойражаб, Oyrajab** (*ўз.-ар.*) – ражаб ойи (мусулмонча йил ҳисобининг 7 ойи)да туғилган ойдек сулув бола.

**Ойроба, Oyroba** (◊ ., *ўз.-ар.*) – оиладаги тўртинчи фарзанд ёки қоядек юксак, мустаҳкам қиз. *Сол.: Робия, Робиа.*

**Ойроҳат, Oyrohat** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойдек кўркам қизнинг ҳаёти фаровон, лаззатли бўлсин. *Сол.: Роҳат.*

**Ойруста, Oyrusta** (◊ ., *ўз.-фт.*) – қишлоқнинг (овулнинг) ойдек кўркам қизи. *Сол.: Руста.*

**Ойрухсор, Oyruxsor** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойдек кўркам юзли қиз, ойжамол.

**Ойрўзи, Oyro'zi** (◊ ., *ўз.-фт.*) – роҳат-фароғатда, осойишталикда яшовчи ойдек кўркам қиз.

**Ойсабоҳ, Oysaboh** (◊ ., *ўз.-ар.*) – тонг елидек мусаффо, ёқимтой ва ойдек сулув қиз.

**Ойсабо, Oysabo** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ой* ва *Сабо.*

**Ойсада, Oysada** (◊ ., *ўз.-фт.*) – қайрағоч, сададей гуркираб ўссин, яшасин, мустаҳкам бўлсин ёки сада (садарайҳон)дек ёқимтой, чиройли бўлсин.

**Ойсадаф, Oysadaf** (◊ ., *ўз.-ар.*) – садафдек қимматли, бебаҳо ва ойдек сулув қиз.

**Ойсалом, Oysalom** (◊ ., *ўз.-ар.*) – қутқарувчи, халос қилувчи, яъни Аллоҳ берган ойдек кўркам қиз.

**Ойсан, Oysan** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ойсанам.*

**Ойсанам, Oysanam** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойдек гўзал, зебо қиз.

**Ойсар, Oysar** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ойсора.*

**Ойсара, Oysara** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойлар (қизлар)нинг энг сараси, аълоси ёки *қар. Ой* ва *Сора.*

**Ойсарви, Oysarvi** (◊ ., *ўз.-фт.*) – Сарвидек чиройли, хушқомат қиз.

**Ойсиймо, Oysiymo** (◊ ., *ўз.-фт.*) – оймонанд, ойсифат, ойюзли қиз.

**Ойсийна, Oysiyna** (*ўз.-ар.*) – кўкраги (сийнаси)да ой балқиган қиз.

**Ойсимон, Oysimon** (◊ ., *ўз.-ар.*) – оймонанд, ойга ўхшаш сулув қиз.

**Ойсифат, Oysifat** (◊ ., *ўз.-ар.*) – оймонанд, ой каби гўзал қиз.

**Ойсиҳат, Oysihat** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойдек чиройли қиз соғлом, бақувват бўлиб ўссин.

**Ойсоат, Oysoat** (◊ ., *ўз.-ар.*) – бахтли, хосиятли пайтда туғилган ойдек кўркам қиз.

**Ойсари, Oysari** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Ой* ва *Сора. Сол.: Ойсара.*

**Ойсоҳат, Oysohat** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Ойсоат.*

**Ойсулгун, Oysulgun** (◊ ., *ўз.*) – ойдек чиройли, сулув қиз. Ой каби нурли, равшан.

**Ойсултон, Oysulton** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойлар (қизлар)нинг султони; ойдек сулув қизларнинг аълоси.

**Ойсулув, Oysuluv** (◊ ., *ўз.*) – ойдек чиройли, сулув қиз.

**Ойсурат, Oysurat** (◊ ., *ўз.-ар.*) – кўриниши ойдек сулув, оймонанд қиз.

**Ойсўна, Oyso'na** (◊ ., *ўз.*) – ёввойи ўрдак, сўнадек чиройли қиз.

**Ойтан, Oytan** (◊ ., *ўз.-ар.*) – оқ бадан, ойдек оқ танли, зебо қиз.

**Ойтегин, Oytegin** (◊ ., *ўз.*) – ойдек кўркам подшоҳ; ойнинг (қизларнинг) султони. *Сол.: Ойсултон.*

**Ойтемир, Oytemir** (◊ ., *ўз.*) – ойдек кўркам ва темирдек мустаҳкам.

**Ойтилла, Oytilla** (*ўз.-фт.*) – ойдек кўркам ва тилладек қадрли, азиз бола.

**Ойтовус, Oytovus** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ой ва товусдек чиройли қиз.

**Ойтож, Oytoj** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Ойтожи.*

**Ойтожи, Oytoji** (◊ ., *ўз.-фт.*) – тож (хол) б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойтоза, Oytoza** (◊ ., *ўз.*) – хосиятли ва гўзал ойда туғилган ёки ойдек сулув, покиза, озода қиз.

**Ойтош, Oytosh** (◊ ., *ўз.*) – ойдек сулув ва тошдек мустаҳкам бола.

**Ойтув, Oytuv** (*ўз.*) – *қар. Ойтуғди.*

**Ойтувар, Oytuvar** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Ойтуғар.*

**Ойтувоқ, Oytuvoq** (◊ ., *ўз.*) – пардали, парда б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойтувғон, Oytuvg'on** (◊ ., *ўз.*) – ойдинда, ой туққанда туғилган бола.

**Ойтуйма, Oytuyma** (◇., *ўз.*) — *қар. Туйма.*

**Ойтуман, Oytuman** (◇., *ўз.*) — кучли туман пайтида туғилган ойдек кўркам қиз ёки ойдек сулув, бадавлат қиз.

**Ойтурди, Oyturdi** (*ўз.*) — ойдек сулув ва турувчи, яъни яшайдиган бола.

**Ойтурсин, Oytursin** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув қиз турсин, ўлмасин.

**Ойтуққан, Oytuqqan** (◇., *ўз.*) — ой чиққан (туққан) пайтда (ойдинда) туғилган қиз.

**Ойтуған, Oytug'an** (◇., *ўз.*) — турадиган, яшайдиган ва ойдек чиройли қиз.

**Ойтуғ, Oytug'** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойтуғди.*

**Ойтуған, Ойтуғон, Oytug'an** (*ўз.*) — *қар. Ойтуққан ёки Ойтуғон.*

**Ойтуғар, Oytug'ar** (*ўз.*) — ой туққан (чиққан) пайтида, ойдинда туғилган бола.

**Ойтуғди, Oytug'di** (*ўз.*) — янги ой чиққанда туғилган бола.

**Ойтўл, Oyto'l** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойтўлди.*

**Ойтўла, Oyto'la** (◇., *ўз.*) — тўлин ой чиққан оқшомда туғилган бола ёки уйимиз ойга (қизларга) тўлди, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Ойтўлди, Oyto'ldi** (◇., *ўз.*) — ой тўлишган оқшомда туғилган бола ёки уйимиз ой (қиз) ларга тўлди, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Ойтўли, Oyto'li** (◇., *ўз.*) — *қар. Ойтўлиқ.*

**Ойтўлин, Oyto'lin** (◇., *ўз.*) — тўлин ойли кечада туғилган қиз.

**Ойтўлиқ, Oyto'liq** (◇., *ўз.*) — тўлин (тўлишган) ойли кечада туғилган бола.

**Ойтўлқин, Oyto'lqin** (◇., *ўз.*) — *қар. Ой* ва *Тўлқин.*

**Ойтўлғон, Oyto'lg'on** (◇., *ўз.*) — тўлин ойли оқшомда туғилган қиз ёки хонадонимизга ой (қизларга) тўлди, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Ойтўра, Oyto'ra** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув қиз баланд мартабали бўлсин ёки тўралар авлодининг ойдек сулув фарзанди.

**Ойтўти, Oyto'ti** (◇., *ўз.*) — марҳум опасининг исмини олган қиз.

**Ойтўхта, Oyto'xta** (*ўз.*) — ойдек сулув бола тўхтасин, яъни яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Ойтўқа, Oyto'qa** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув қиз тўқадек (камарнинг темир илгичи) мустаҳкам бўлсин.

**Ойтўғон, Oyto'g'on** (*ўз.*) — *қар. Ой* ва *Тўғон.*

**Ойулуғ, Oyulug'** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув ва баланд мартабали бўлсин ёки оиладаги биринчи (бош) фарзанд.

**Ойхол, Ойхолжон, Oyxol** (◇., *ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойхон, Oyxon** (◇., *ўз.*) — ойдек гўзал ёки ойларнинг (қизларнинг) энг мўътабари, сараси ёҳуд ойли кечада туғилган қиз.

**Ойхоним, Oyxonim** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув ва баланд мартабали, аслзода қиз.

**Ойхонча, Oyxoncha** (◊., *ўз.*) — *қар. Ойхон* (Ойхон+ча).

**Ойхумор, Oyxumor** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Хумор* (Ой+Хумор).

**Ойхўжа, Oyxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган ойдек кўркам қиз.

**Ойча, Oycha** (◊., *ўз.*) — ойдек, ой каби гўзал қиз.

**Ойчаман, Oychaman** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув қизнинг умри чамандек обод бўлсин.

**Ойчевар, Oychevar** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув ва ҳунарманд, моҳир қиз.

**Ойчечак, Oychechak** (◊., *ўз.*) — ойдек ва чечак (гул)дек чиройли қиз.

**Ойчеҳра, Oychehra** (◊., *ўз.-фт.*) — ойюзли, ойдек зебо қиз.

**Ойчилла, Oychilla** (◊., *ўз.-фт.*) — чиллада (энг иссиқ ёки энг совуқ пайтда) туғилган ойдек сулув қиз. *Сол.: Чилла, Чиллахон.*

**Ойчин, Oychin** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув, зебо қиз.

**Ойчироқ, Oychiroq** (◊., *ўз.-фт.*) — ой ёғдуси, ой нур сочиб турган кечада туғилган қиз ёки ҳаёти ой ва чироқдек нурли бўлсин.

**Ойчўлпон, Oycho'lpon** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув ва тонг юлдузи Чўлпондек (Венера) равшан, юксак қиз.

**Ойша, Oysha** (◊., *ар.*) — яшовчи, барҳаёт, жони тошдек мустаҳкам қиз. Бу исм Муҳаммад(сав)нинг хотинларидан бирининг номи бўлган.

**Ойшабека, Ойшабика, Oyshabeka** (◊., *ар. ўз.*) — беклар наслидан бўлган умри узоқ қиз ёки *қар. Ойша* ва *Бека.*

**Ойшабиби, Oyshabibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Ойша* ва *Биби.*

**Ойшабодом, Oyshabodom** (◊., *ар.-фт.*) — бодом гуллаганда туғилган яшовчи, умри узоқ ёки бодомдек қаттиқ, яъни яшовчан қиз.

**Ойшагул, Oyshagul** (◊., *ар.-фт.*) — узоқ яшовчи, гулдек гўзал қиз.

**Ойшакар, Oyshakar** (◊., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув, шакардек ширин, ёқимли, суюкли қиз.

**Ойшан, Oyshan** (◊., *ўз.-фт.*) — ойдек гўзал ва безанган ороланган қиз.

**Ойшараф, Oysharaf** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек сулув ва обрўли, эътиборли қиз.

**Ойшаҳар, Oyshahar** (◊., *ўз.-фт.*) — асли: Ойшакар бўлса керак ёки шаҳарга келганда туғилган ойдек сулув қиз.

**Ойширин, Oyshirin** (◊., *ўз.-фт.*) — ойдек сулув ҳамда ёқимтой, суюкли қиз.

**Ойшоҳ, Oyshoh** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Ой* ва *Шоҳ.*

**Ойшуъла, Oyshu'la** (◊., *ўз.-ар.*) — ойдек нурли, равшан; бахтли, толели қиз ёки ой нур сочиб турганда туғилган қиз.

**Ойшуҳрат, Oyshuhrat** (*ўз.-ар.*) — ойдек сулув ва шавкатли.

**Ойюлдуз, Oyyulduz** (◊., *ўз.*) – ой ва юлдуздек чиройли; толеи баланд, бахтли қиз.

**Ойяхши, Oyyaxshi** (◊ ., *ўз.*) – ойдек сулув, ёқимтой, мақбул қиз.

**Ойқамар, Oyqamar** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ой* ва *Қамар.*

**Ойқан, Oyqan** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ойхон* ёки *Ойқанд.*

**Ойқанд, Oyqand** (◊ ., *ўз..-ар.*) – ойдек сулув ва ширин, ёқимтой қиз.

**Ойқиз, Oyqiz** (◊ ., *ўз.-ар.*) – ойдек сулув, ёрқин ҳамда толеи баланд қиз ёки ой фарзанди.

**Ойқин, Oyqin** (*ўз.*) – равшан, нурли, аниқ.

**Ойқор, Oyqor** (*ўз.-суғд.*) – Ойқор тоғидек юксак ва улуғ мартабали.

**Ойқора, Oyqora** (◊ ., *ўз.*) – ойдек сулув ва қудратли, жасур қиз.

**Ойқош, Oyqosh** (◊ ., *ўз.*) – қошлари ойдек (камондек), қийғоч қошли қиз ёки аввалги болаларга чирмашиб (ойқашиб) кетсин. *Сол.: Чирмаш* (*қар.*).

**Ойқўзи, Oyqo'zi** (◊ ., *ўз.*) – ой каби гўзал ва эрка, суюкли қиз ёки *қар. Ой* ва *Қўзи.*

**Ойқўшоқ, Oyqo'shoq** (*ўз.*) – баданида қандайдир қўшалоқ белги б-н туғилган бола ёки олдинги болаларга қўшилсин, қўшалоқ бўлсин.

**Ойўғил, Oyo'g'il** (*ўз.*) – ойдек чиройли бола ёки ой фарзанди.

**Ойҳалима, Oyhalima** (◊ ., *ўз.-ар.*) – *қар. Ой* ва *Ҳалима.*

**Олакўз, Olako'z** (◊ ., *ўз.*) – кўзлари катта қиз; чиройли, чарос кўзли қиз.

**Оламгир, Olamgir** *(ар.-фт.)* – жаҳонни эгалловчи, забт этувчи.; тенгсиз, ягона. *Сол.: Жаҳонгир.*

**Оламиддин, Olamiddin** (*ар.*) – дин олами; диннинг таянчи, суянчи.

**Оламназар, Olamnazar** *(ар.)* – *қар. Оллоназар.*

**Оламой, Olamoy** (◊ ., *ар.-ўз.*) – оламга татирлик қиз; жаҳондаги энг гўзал қиз.

**Олийнисо, Oliyniso** (◊ ., *ар.*) – юксак, улуғ мартабали аёл; аёлларнинг энг машҳури, шону шавкатлиси.

**Олим, Olim** (*ар.*) – билимли, билимдон, донишманд. Шакллари: *Олимбек, Олимжон, Олимхон.*

**Олима, Olima** (◊ ., *ар.*) – билимдон, донишманд қиз.

**Олимбўл, Olimbo'l** (*ар.-ўз.*) – билимли, донишманд бўлсин.

**Олимиддин, Olimiddin** (*ар.*) – дин илмининг, диний илмларнинг билимдони.

**Олимназар, Olimnazar** (*ўз.*) – Аллоҳнинг муруввати, назари туфайли эришилган билимдон бола.

**Олимсаид, Olimsaid** (*ар.*) – билимдон, донишманд ва бахтли саодатманд бола.

**Олимтилла, Olimtilla** (◊., *ар.-фт.*) — билимли, донишманд ҳамда тилладек қимматли, азиз қиз ёки билимдонларнинг тилласи, олимларнинг олими.

**Олимтой, Olimtoy** (*ар.-ўз.*) — суюкли ўғил улғайиб олим бўлсин; *қар. Олим* (*Олим+той*).

**Олимхол, Olimxol** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган билимдон, донишманд бола.

**Олимхўжа, Olimxo'ja** (◊., *ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган билимдон, донишманд бола.

**Олимқул, Olimqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг билимли, доно бандаси, *қар. Олим* (Олим+қул).

**Олимҳожи, Olimhoji** (*ар.*) — *қар. Олим* ва *Ҳожи.*

**Олича, Оличахон Olicha** (◊., *фт.*) — олча гуллаганда (ёки пишганда) туғилган қиз.

**Олия, Oliya** (◊., *ар.*) — юксак, улуғ; тенгсиз, беназир; эъзозли; улуғ мартабали.

**Оллоберган, Ollobergan** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ берган, ато қилган бола.

**Оллоберди, Olloberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган бола.

**Оллодот, Ollodot** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ берган, ато қилган бола.

**Оллодўст, Ollodo'st** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг яқини, йўлдоши ёки Аллоҳ ўзига яқин дўст тутган, Аллоҳ эъзозловчи бола.

**Оллоёр, Olloyor** (*ар.-фт.*) — Аллоҳ қўллаб ёр бўлиб юрсин. *Сол.: Оллодўст.*

**Оллом, Ollom** (*ар.*) — *Олломурод, Олломирза* исларининг эқ. шакли.

**Олломберган, Ollomberganl** (*ар.-ўз.*) — *қар. Оллоберган.*

**Олломиёр, Ollomiyor** (*ар.-фт.*) — *қар. Оллоёр.*

**Олломирза, Ollomirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Оллом* (Олло ва Мирза).

**Олломурод, Ollomurod** (*ар.*) — Аллоҳ етказган орзу; Аллоҳнинг муруввати, эҳсони.

**Оллон, Ollon** (*ар.*) — Оллоназар, Оллониёз каби исмларнинг эқ. шакли.

**Оллоназар, Ollonazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг эътибори, назари туфайли эришилган бола ёки Аллоҳнинг меҳри (назари) тушган бола.

**Оллонафас, Ollonafas** (*ар.*) — Аллоҳнинг қудрати, нафаси туфайли туғилган бола.

**Оллониёз, Olloniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бола.

**Оллонур, Ollonur** (*ар.*) — Аллоҳнинг меҳри, муруввати туфайли дунёга келган бола.

**Оллотурди, Olloturdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган (берган) бола турсин, яшасин.

**Оллош, Аллаш, Ollosh, Allash** (*ар.*) — *қар. Оллошукур.*

**Оллошукур, Olloshukur** (*ар.*) — ўғил бергани (туғилгани) учун Аллоҳга шукурона қиламиз.

**Оллоҳ // Аллоҳ, Olloh** (*ар.*) — *Оллоқул, Оллоқурбон* каби қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Оллоқувват, Olloquvvat** (*ар.*) — Аллоҳнинг қудрати туфайли эришилган ўғил ёки баданида бирор ортиқча белги б-н туғилган бола. *Сол.: Қудратилла.*

**Оллоқул, Olloqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Оллоҳберди, Ollohberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган фарзанд.

**Оллоҳёр, Ollohyor** (*ар.-фт.*) — Аллоҳ ўзи қўлласин, ёр бўлсин.

**Олма, Olma** (◇., *ўз.*) — олма гуллаганда ёки пишганда туғилган қиз ёки "олмагин", яъни ўлмасин, яшасин маъносида. *Шакллари: Олмажон, Олмахон, Олмабека, Олмабону.*

**Олмабой, Olmaboy** (*ўз.*) — *қар. Олма* (Олма+бой).

**Олмагул, Olmagul** (◇., *ўз.-фт.*) — олма гулидек гўзал, чиройли қиз ёки олма гуллаганда туғилган қиз.

**Олмагўзал, Olmago'zal** (◇., *ўз.*) — чиройли олмадек кўркам, нафис қиз.

**Олманиёз, Olmaniyoz** (*ар.-фт.*) — "олмагин", яъни ўлмасин деб ўтинамиз ёки олма гуллаган пайтда туғилган, сўраб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Олмас // Олмос, Olmas** (*ўз.*) — "олмайди, олмаса керак" деб, яъни ўлмайди деб умид қиламиз ёки олмосдек мустаҳкам ва қимматли бола. *Эҳт.: Итолмас* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Олмасхон, Olmasxon** (◇., *ўз.*) — *қар. Олмас* (Олмас+хон).

**Олмахон, Olmaxon** (◇., *ўз.*) — *қар. Олма* (Олма+хон) ёки Олмахондек чиройли қиз.

**Олмача, Olmacha** (◇., *ўз.*) — *қар. Олма* (Олма+ча).

**Олмонқўзи, Olmonqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Алимуҳаммад* ва *Қўзи.*

**Олмос, Olmos** (*фт.*) — олмосдек мустаҳкам ва қимматли бола.

**Олмош, Olmosh** (*ўз.*) — олдинги турмаган болаларга ўхшамасин, алмашсин, яъни ўлмасин ёки алмаштириб (алмашиб) олинган бола. Чақалоқнинг душмани — ёвуз кучларни чалғитиш учун бериладиган исм. Шакллари: *Олмошбек, Олмошбой, Олмошхон.*

**Олмошмурод, Olmoshmurod** (*ўз.-ар.*) — алмашиб олинган ўғил ўлмасин, улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Олмурт // Алмурт, Olmurt** (*ўз.*) — алмурт дарахтидек мустаҳкам бола.

**Олов, Olov** (*ар.*) — *қар. Оловиддин.*

**Оловиддин, Oloviddin** (*ар.*) — диннинг жозибаси, қудрати; улуғворлиги, юксаклиги.

**Оловхон, Olovxon** (*ар.+ўз.*) — *қар. Оловиддин.*

**Олтибой, Oltiboy** (*ўз.*) — олти бармоқли бола ёки оиладаги олтинчи фарзанд. *Шакллари: Олтибек.*

**Олтиёр, Oltiyor** (*ўз.-фт.*) — олдинги фарзандларга эш, ҳамдам бўлиб туғилган бола

**Олтимуҳаммад, Oltimuhammad** (*ўз.-ар.*) — олти бармоқли бола ёки оиладаги олтинчи фарзандни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Олтимурод, Oltimurod** (*ўз.-ар.*) — олти бармоқли ёки оиладаги олтинчи фарзанд улғайиб муродига етсин.

**Олтин, Oltin** (*ўз.*) — тилладек қимматли, азиз.

**Олтинбек, Oltinbek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб бўлган олтиндек қимматли, азиз бола.

**Олтинбиби, Oltinbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — тилла (зар)дек қимматли, аслзода қиз.

**Олтинбувиш, Oltinbuvish** (◊., *ўз.*) — *қар. Олтин* ва *Бувиш.*

**Олтингул, Oltingul** (◊., *ўз.-фт.*) — олтиндек қимматли ва гулдек сулув қиз.

**Олтинжамол, Oltinjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — олтиндек қимматли ва зебо қиз.

**Олтинмурод, Oltinmurod** (*ўз.-ар.*) — тилладек қимматли, азиз бола улғайиб муродига етсин.

**Олтиннисо, Oltinniso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг энг қимматлиси, азизаси, мўътабари.

**Олтинновот, Oltinnovvot** (◊., *ўз.-фт.*) — олтиндек қимматли ва новвотдек ширин, суюкли қиз.

**Олтиннур, Oltinnur** (◊., *ўз.-ар.*) — тилланинг ярқираши (жилваси)дек гўзал қиз.

**Олтиной, Oltinoy** (◊., *ўз.*) — тилла, зардек қимматли ва ойдек сулув қиз.

**Олтинпўлат, Oltinpo'lat** (*ўз.-фт.*) — олтиндек қимматли ва пўлатдек мустаҳкам бола.

**Олтинсоч, Oltinsoch** (◊., *ўз.*) — сариқ сочли қиз.

**Олтинтож, Oltintoj** (◊., *ўз.-фт.*) — баданида хол (белги) б-н туғилган олтиндек қимматли, азиз бола.

**Олтинтош, Oltintosh** (*ўз.*) — олтиндек қимматли, мўътабар ва тошдек мустаҳкам бола.

**Олтинхол, Oltinxol** (◊., *ўз.-фт.*) — баданида хол б-н туғилган олтиндек қимматли азиз қиз.

**Олтинхўжа, Oltinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган тилладек мўътабар, қимматли бола.

**Олтинча, Oltincha** (*ўз.*) — тилладек қимматли, жажжи, кенжа ўғил.

**Олтинқул, Oltinqul** (*ўз.*) — *қар. Олтин* (Олтин+қул).

**Олтинқўзи, Oltinqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Олтин* ва *Қўзи.*

**Олтияшар, Oltiyashar** (*ўз.*) — олти бармоқли ва яшайдиган, умри узоқ бола.

**Олтиқул, Oltiqul** (*ўз.*) — *қар. Олти* (Олти+қул)

**Олтмиш, Oltmish** (*ўз.*) — отаси ёки онаси олтмиш ёшлигида туғилган бола.

**Олтмишбек, Oltmishbek** (*ўз.*) — отаси (ёки онаси) олтмиш ёшида туғилган беклар авлодига мансуб бола.

**Олтмишбой, Oltmishboy** (*ўз.*) — *қар. Олтмиш.*

**Олтой, Oltoy** (*ўз.-муғ.*) — улуғ, юксак, баланд; Шакллари: *Олтойбой, Олтойжон, Олтойхон.*

**Олча, Olcha** (◊., *фт.*) — олча гуллаганда ёки пишганда туғилган қиз.

**Олчи, Olchi** (*ўз.*) — омадли, толеи баланд, саодатманд бола. *Эҳт.: Олчин* (*қар.*).

**Олчибек, Olchibek** (*ўз.*) — беклар наслидан бўлган, омадли, бахтли бола. *Эҳт.: Олчинбек* (*қар.*).

**Олчимуҳаммад, Olchimuhammad** (*ўз.-ар.*) — омадли, толеи баланд бўлсин ва Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Олчин, Olchin** (*ўз.-муғ.*) — олчин уруғига мансуб бола ёки лочиндек жасур бола.

**Олчинбек, Olchinbek** (*ўз.*) — олчин уруғидан бўлган ва беклар авлодига мансуб бола.

**Олчинбой, Olchinboy** (*ўз.*) — *қар. Олчин* (Олчин+бой).

**Олқа, Olqa** (*ўз.*) — маржон шодаси, тақинчоқлар ёки Аллоҳ ўзи алқасин, асрасин.

**Олқар, Olqar** (*ўз.*) — *қар. Алқар.*

**Олқинбой, Olqinboy** (*ўз.*) — ўткир, жасур, довюрак.

**Олқиной, Olqinoy** (◊., *ўз.*) — ўткир, чаққон, қўрқмас қиз.

**Олқишбой, Olqishboy** (*ўз.*) — яхши дуо олувчи, мақтовга сазовор бола.

**Олғирбой, Olg'irboy** (*ўз.*) — чаққон, эпчил, тиришқоқ бола.

**Омад, Omad** (*ар.*) — омадли, бахтли; толеи баланд бола.

**Омадулла, Omadulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган омад, бахт, яъни Аллоҳ ато қилган бола ёки Аллоҳнинг омадли, толеи баланд бандаси.

**Омадхон, Omadxon** (*ар.-фт.*) — омадли, толеи баланд бола.

**Омилбой, Омилжон, Omilboy** (*ар.*) — амал қилувчи, хизматчи, меҳнаткаш ёки уста, моҳир, билимдон.

**Омила, Омилахон, Omila** (◊., *ар.*) — уста, моҳир; меҳнаткаш.

**Омилтўра, Omilto'ra** (◊., *ўз.*) — *қар. Омил* ва *Тўра.*

**Омина, Omina** (◊., *ар.*) — ҳимоя қилинган, хавф-хатардан холи. Бу ном Муҳаммад(сав) онасининг исми бўлган. *Сол.: Амина.*

**Омон, Omon** (*ар.*) — соғ, омон бўлувчи; нажот топувчи, умри узоқ.

**Омонали, Omonali** (*ар.*) — омонлик топиб умри узоқ бўлсин ва Али қўллаб юрсин.

**Омонат, Omonat** (◊., *ар.*) — омонатга берилган, мўътабар, азиз бола.

**Омонбахт, Omonbaxt** (*ар.*) — соғу саломат бўлиб, бахтли умр сурсин.

**Омонбек, Omonbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган бола соғу саломат улғайсин.

**Омонбека, Omonbeka** (◇., *ар.-ўз.*) — беклар наслига мансуб қиз соғу омон бўлсин.

**Омонберди, Omonberdi** (*ар.-ўз.*) — умрини узоқ қилиб берилган бола.

**Омонбиби, Omonbibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — омонлик топиб соғу саломат бўлсин ва баланд мартабаларга эришсин.

**Омонбой, Omonboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Омон* (Омон+бой).

**Омонбону, Omonbonu** (◇., *ар.-фт.*) — *қар. Омон* ва *Бону.*

**Омонбу, Омонбуви, Omonbu** (◇., *ар.ўз.*) — *қар. Омон* ва *Буви.*

**Омонгелди, Omongeldi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Омонкелди.*

**Омонгул, Omongul** (◇., *ар.-фт.*) — гулдек кўркам қиз соғу саломат бўлсин.

**Омондавлат, Omondavlat** (*ар.*) — омонлик топиб умри узоқ ва бадавлат бўлсин.

**Омонёр, Omonyor** (*ар.-фт.*) — соғу омон бўлиб, олдинги фарзандлар ва отасига эш, дўст бўлиб юрсин.

**Омонжамол, Omonjamol** (◇., *ар.*) — соҳибжамол, зебо қиз омон-эсон улғайсин.

**Омонжон, Omonjon** (*ар.-фт.*) — жондан азиз бола, омонлик топсин, соғу саломат бўлсин.

**Омонжўра, Omonjo'ra** (*ар.-фт.*) — *қар. Омондўст.*

**Омониддин, Omoniddin** (*ар.*) — диннинг тинчлиги; омонлиги, барҳаётлиги.

**Омонйўл, Омонжўл, Omonyo'l** (*ар.-ўз.*) — соғу саломат бўлиб Аллоҳ умрини, йўлини берсин ёки уйдагилардан бирортаси сафарга чиққан пайтда туғилган бола.

**Омонкелди, Omonkeldi** (*ар.-ўз.*) — умрини узоқ қилиб берилган бола ёки уйдагилардан бирортаси сафардан соғу саломат қайтиши муносабати б-н қўйилган исм.

**Омонли, Омонлик, Омонлиқ, Omonli** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ омонлик, соғу саломатлик ато қилсин.

**Омонмамат, Omonmamat** (*ар.*) — соғу саломат бўлиб, Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин. *Қар. Омонмуҳаммад.*

**Омонмат, Omonmat** (*ар.*) — *қар. Омонмуҳаммад.*

**Омонменг, Омонменгли, Omonmeng** (*ар.-ўз.*) — баданида хол билан туғилган бола соғу саломат бўлсин.

**Омонмурод, Omonmurod** (*ар.*) — омонлик топиб, соғ улғайиб, мурод-мақсадига етсин.

**Омоннафас, Omonnafas** (*ар.*) — Аллоҳнинг ёки азиз авлиёларнинг қудрати, нафаси билан туғилган бола соғу омон бўлсин.

**Омонниёз, Omonniyoz** (*ар.-фт.*) — ўтиниб, сўраб олинган бола соғу саломат бўлсин.

**Омонот, Omonot** (*ар.*) — *қар. Омонат.*

**Омоной, Omonoy** (◇., *ар.-ўз.*) — ойдек сулув қиз саломат бўлсин, омонлик топсин.

**Омонсаид, Omonsaid** (*ар.*) — соғу саломат улғайиб, бахту иқболли бўлсин.

**Омонсафар, Omonsafar** (*ар.*) — сафар ойида туғилган боланинг умри узоқ бўлсин.

**Омонсоат, Omonsoat** (*ар.*) — қутлуғ соатда туғилган бола саломат бўлсин.

**Омонтилла, Omontilla** (*ар.-фт.*) — тилладек қимматли, азиз болага Аллоҳ омонлик, соғлик берсин.

**Омонтож, Omontoj** (*ар.-фт.*) — баданида холи билан туғилган бола соғу омон бўлсин.

**Омонтой, Omontoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Омон* (Омон+той).

**Омонтош, Omontosh** (*ар.-ўз.*) — тошдек мустаҳкам ўғилнинг умри узоқ бўлсин.

**Омонтурди, Omonturdi** (*ар.-ўз.*) — соғу саломат бўладиган, яшайдиган бола.

**Омонтурсин, Omontursin** (*ар.-ўз.*) — соғу саломат бўлсин ва умри узоқ бўлсин.

**Омонтўра, Omonto'ra** (*ўз.*) — *қар. Омон* ва *Тўра.*

**Омонулла, Omonulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ўзи асрайдиган, сақлайдиган бола.

**Омонхол, Omonxol** (◇., *ар.-фт.*) — баданида хол б-н туғилган қиз соғу омон бўлсин.

**Омонхон, Omonxon** (◇., *ар.-ўз.*) — умри узоқ бўлиб, баланд мартабаларга эришсин.

**Омонхўжа, Omonxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган бола соғ-омон яшасин.

**Омонча, Omoncha** (*ар.*) — *қар. Омон* (Омон+ча).

**Омонширин, Omonshirin** (◇., *ар.-фт.*) — ширин, ёқимтой қиз омон бўлсин.

**Омоншон, Omonshon** (◇., *ар.-фт.*) — соғу саломат ва обрў-эътиборли, шону шавкатли бўлсин.

**Омоншукур, Omonshukur** (*ар.*) — *қар. Омон* ва *Шукур.*

**Омонэсон, Omoneson** (*ар.-ўз.*) — омон-эсон улғайсин.

**Омонўроз, Omono'roz** (*ар.-ўз.*) — соғу омон улғайиб, бахту саодатли бўлсин.

**Омонқилич, Omonqilich** (*ар.-ўз.*) — қиличдек ўткир ва мустаҳкам ўғилнинг умри узоқ бўлсин.

**Омонқул, Omonqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Омон* (Омон+қул).

**Она, Ona** (◇., *ўз.*) — "она" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Онабахт, Onabaxt** (◇., *ўз.ар.*) — марҳума онасининг шодлиги, бахти бўлган қиз ёки онасининг исмини олган саодатли қиз.

**Онабиби, Onabibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — онасининг исмини олган баланд мартабали қиз.

**Онабу, Онабуви, Onabu** (◊., *ўз.-фт.*) — онасининг исми берилган қиз.

**Онагул, Onagul** (◊., *ўз.-фт.*) — онасининг исми берилган гулдек кўркам қиз.

**Онажаҳон, Onajahon** (◊., *ўз.-фт.*) — онасининг исми берилган жаҳонга татирлик қиз.

**Онажон, Onajon** (◊., *ўз.-фт.*) — марҳум бувиси ёки онасининг исми берилган жондек азиз қиз.

**Оназар, Onazar** (*ўз.-ар.*) — оиладаги тўнғич бола ёки онаси исми б-н аталган қиз.

**Онаман, Onaman** (◊., *ўз.*) — марҳум онасининг номи берилган; онаси ўрнини босувчи қиз.

**Онамой, Onamoy** (◊., *ўз.*) — онаси исмини олган ойдек сулув қиз.

**Онахон, Onaxon** (◊., *ўз.*) — онасининг исми берилган қиз улғайиб баланд мартаба соҳиби бўлсин.

**Онақиз, Onaqiz** (◊., *ўз.*) — оиладаги тўнғич бола ёки онаси исми б-н аталган қиз.

**Оппоқ, Oppoq** (*ўз.*) — оқ, покиза; гўзал қиз. Шакллари: *Оппоқжон, Оппоқхон, Оппоқой.*

**Оппоқхўжа, Oppoqxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб мўътабар, муқаддас бола.

**Ораз, Oraz** (*ўз.*) — *қар. Ўроз.*

**Оразали, Orazali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозали.*

**Оразбек, Orazbek** (*ўз.*) — *қар. Ўрозбек.*

**Оразбиби, Orazbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Ўрозбиби.*

**Оразгул, Orazgul** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Ўрозгул.*

**Оразжаҳон, Orazjahon** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Ўрозжаҳон.*

**Оразмамат, Orazmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозмамат.*

**Оразмат, Orazmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозмуҳаммад.*

**Оразмирза, Orazmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ўрозмирза.*

**Оразмурод, Orazmurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозмурод.*

**Оразмуҳаммад, Orazmuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозмуҳаммад.*

**Оразназар, Oraznazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозназар.*

**Оразсаид, Orazsaid** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозсаид.*

**Оразсултон, Orazsulton** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозсултон.*

**Оразтож, Oraztoj** (*ар.-фт.*) — *қар. Ўрозтож.*

**Оразхўжа, Orazxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ўрозхўжа.*

**Оразқилич, Orazqilich** (*ўз.*) — *қар. Ўрозқилич.*

**Ораста, Orasta** (◊., *фт.*) — безанган, ўзига оро берган; озода, покиза, саранжон-саришта.

**Орбек, Orbek** (*ўз.*) — *қар. Оразбек.*

**Орзи, Orzi** (*фт.*) — орзу, умид қилиб юриб эришилган бола.

**Орзибек, Orzibek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган; армон қилиб юриб топилган бола.

**Орзибиби, Orzibibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) – *қар. Орзи* ва *Биби.*

**Орзибону, Orzibonu** (◊., *фт.*) – *қар. Орзи* ва *Бону.*

**Орзибуви, Orzibuvi** (◊., *фт.-ўз.*) – *қар. Орзи* ва *Буви.*

**Орзигул, Orzigul** (◊., *фт.*) – орзу (умид) қилиб юриб топилган гулдек кўркам қиз.

**Орзижон, Orzijon** (*фт.*) – армонимиз, умидимиз бўлган жондек азиз бола.

**Орзилик, Orzilik** (*фт.-ўз.*) – армонимиз, умидимиз бўлган бола.

**Орзимамат, Orzimamat** (*фт.-ар.*) – *қар. Орзимуҳаммад.*

**Орзимбой, Orzimboy** (*фт.-ўз.*) – Орзимуҳаммад, Орзимурод исмларининг эқ. шакли.

**Орзимуҳаммад, Orzimuhammad** (*фт.-ар.*) – умид қилиб юриб топилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад эриштирилган орзу.

**Орзинисо, Orziniso** (◊., *фт.-ар.*) – умид, армон қилиб эришилган қиз.

**Орзиой, Orzioy** (◊., *фт.-ўз.*) – *Орзинисо* исмининг қисқарган шакли.

**Орзипошша, Orziposhsha** (*фт.*) – орзу-армон қилиб эришилган баланд мартабали қиз.

**Орзихол, Orzixol** (◊., *фт.*) – орзу-армон қилиб юриб эришилган холли қиз.

**Орзия, Orziya** (◊., *фт.*) – умид-армон қилиб эришилган қиз.

**Орзиқиз, Orziqiz** (◊., *ўз.-фт.*) – орзу-армонимиз бўлган қиз.

**Орзиқул, Orziqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Орзи* (Орзи+қул).

**Орзу, Orzu** (◊., *фт.*) – умид, армон қилиб юриб топилган қиз.

**Орзуманд, Orzumand** (*фт.*) – зориқиб, армон қилиб юриб топилган ўғил.

**Орий, Oriy** (*фт.*) – тўғри, рост ёки халос бўлган, кутилган.

**Орзунисо, Orzuniso** (◊., *фт.-ар.*) – армонимиз, ниятимиз бўлган қиз.

**Ориф, Orif** (*ар.*) – билимдон, ақлли, доно ёки художўй. Шакллари: *Орифбек, Орифбой, Орифжон, Орифхон.*

**Орифа, Orifa** (◊., *ар.*) – ақлли, оқила, билимдон ёки художўй аёл ёхуд ҳадя, эҳсон.

**Орифиддин, Orifiddin** (*ар.*) – дин қоидаларининг билимдони, диншунос; динчи, художўй.

**Орифулла, Orifulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг билимдони, ақлли бандаси ёки Аллоҳнинг мўмин-мусулмон бандаси ёхуд Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Орият, Oriyat** (*ар.*) – ор-номусли; қадр-қимматни билувчи бола.

**Орол, Оролбой, Orol** (*ўз.*) – *қар. Урол, Уролбой.*

**Ором, Orom** (*фт.*) – умри тинч, осойишта, хотиржам бўлсин. Шакллари: *Оромбой, Оромгул, Оромой, Оромхон.*

**Оромижон, Oromijon** (*фт.*) – *қар. Ором.*

**Оромхол, Oromxol** (◊., *фт.*) — баданида хол б-н туғилган қизнинг умри тинч, осойишта бўлсин.

**Ортиқ, Ortiq** (*ўз.*) — баданида бирор ортиқча белги б-н туғилган бола ёки қизлар етарли (зиёда) бўлди. Шакллари: *Ортиқбой, Ортиқжон, Ортиқгул, Ортиқой.*

**Ортиқали, Ortiqali** (*ўз.-ар.*) — баданида бирор ортиқ белги б-н туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Ортиқбека, Ortiqbeka** (◊., *ўз.*) — баданида бирор ортиқча белги (нишон) б-н туғилган беклар наслига мансуб қиз.

**Ортиқбиби, Ortiqbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — баданида бирор ортиқча белги б-н туғилган қиз.

**Ортиқбувиш, Ortiqbuvish** (◊., *ўз.*) — баданида бирор ортиқ белги (нишон) б-н туғилган қадрли қиз.

**Ортиқвали, Ortiqvali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ортиқ* ва *Вали.*

**Ортиқмат, Ortiqmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ортиқмуҳаммад.*

**Ортиқгул, Ortiqgul** (◊., *ўз.-фт.*) — баданида ортиқлик белгиси бўлган гулдек кўркам қиз.

**Ортиқгўзал, Ortiqgo'zal** (◊., *ўз.*) — баданида ортиқлик белгиси бўлган зебо, кўркам қиз.

**Ортиқжамол, Ortiqjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — баданида ортиқлик белгиси бўлган чиройли, соҳибжамол қиз.

**Ортиқмамат, Ortiqmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ортиқмуҳаммад.*

**Ортиқмирза, Ortiqmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ортиқ* ва *Мирза.*

**Ортиқмурод, Ortiqmurod** (*ўз.-ар.*) — баданида ортиқлиқ белгиси бўлган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Ортиқназар, Ortiqnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг мурувввати (назари) б-н дунёга келган баданида ортиқча белгиси бор бола.

**Ортиқниёз, Ortiqniyoz** (*ўз.-фт.*) — баданида ортиқ белгиси бўлган, тилаб олинган бола.

**Ортиқнур, Ortiqnur** (*ўз.-ар.*) — Нур (Аллоҳ) ато қилган ва бирор ортиқча белги б-н туғилган бола.

**Ортиқтан, Ortiqtan** (◊., *ўз.*) — танасида бирор ортиқ белги б-н туғилган қиз.

**Ортиқтож, Ortiqtoj** (*ўз.-фт.*) — баданида ортиқ белги — тожи бор бола.

**Ортиқтош, Ortiqtosh** (*ўз.*) — баданида ортиқ белги б-н туғилган тошдек мустаҳкам бола.

**Ортиқхол, Ortiqxol** (*ўз.-фт.*) — баданида ортиқ белги — хол б-н туғилган бола.

**Ортиқхўжа, Ortiqxo'ja** (*ўз.-фт.*) — баданида ортиқ белгиси бор хўжалар авлодига мансуб бола.

**Ортиқўроз, Ortiqo'roz** (*ўз.*) — баданида ортиқ белгиси мавжуд бола бахтли, омадли бўлсин.

**Ортиққилич, Ortiqqilich** (*ўз.*) — баданида ортиқ белгиси мавжуд бола қиличдек маҳкам ва ўткир йигит бўлсин.

**Ортиққул, Ortiqqul** (*ўз.*) — *қар. Ортиқ* (Ортиқ+қул).

**Ортиққурбон, Ortiqqurbon** (*ўз.-ар.*) — қурбон ойи ёки қурбон ҳайити куни туғилган баданида ортиқ белгиси бор бола.

**Осаф, Osaf** (◊., *фт.*) — доно, зукко, тадбиркор.

**Осиё, Осиёхон Osiyo** (◊.,*фт.*) — айнан: тегирмон ёки Осиё қизи, Осиё фарзанди. Шакллари: *Осиёбиби, Осиёбону, Осиёхон.*

**Осим, Osim** (*ар.*) — қўриқланган, муҳофаза қилинган; хавфсиз асраладиган.

**Осима, Osima** (◊., *ар.*) — қўриқланган, ҳимояга олинган ёки иффатли. Шакллари: *Осимабуви, Осимахон.*

**Осиф, Osif** (*ар.*) — шиддатли бўрон (тўпон) пайтида туғилган бола.

**Осмон, Осмонжон, Osmon** (*фт.*) — осмондек баланд мартабали бўлсин ёки *эҳт. Ўсмон~Усмон* (*қар.*).

**Остон, Oston** (*фт.*) — айнан: бўсаға, остона, муқаддас жой, табаррук авлиёдан тилаб олинган ёки киндиги остонага қўйиб кесилган бола. Шакллари: *Остонбек, Остонбой.*

**Остона, Остонахон, Ostona** (◊., *фт.*) — *қар. Остон* (Остон+а).

**Остонақул, Ostonaqul** (*фт.-ўз.*) — авлиёнинг, муқаддас қадамжойнинг хизматкори, қули; муқаддас жойга назир қилинган бола.

**Остонберди, Ostonberdi** (*фт.-ўз.*) — муқаддас авлиё (жой)дан сўраб олинган бола; авлиёлар ато қилган бола.

**Осуда, Осудахон, Osuda** (◊., *фт.*) — тинч, осойишта, хотиржам.

**Ота, Ota** (*ўз.*) — марҳум отаси ёки бобосининг номи берилган бола ёки Отаназар, Отақул каби исмларнинг қисқарган шакли.

**Отабек, Otabek** (*ўз.*) — шаҳзода, хонзода; беклар бошлиғи.

**Отаберган, Otabergan** (*ўз.*) — авлиёлар, муқаддас руҳлар ато қилган бола.

**Отаберди, Otaberdi** (*ўз.*) — авлиёлар, муқаддас руҳлар ато қилган бола.

**Отабой, Otaboy** (*ўз.*) — *қар. Ота* (Ота+бой).

**Отавали, Otavali** (*ўз.-ар.*) — отасининг исми берилган болага вали (авлиёлар) ёр бўлсин, қўллаб юрсин.

**Отавакил, Otavakil** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ота* ва *Вакил.*

**Отажон, Otajon** (*ўз.-фт.*) — отасининг исми берилган азиз бола.

**Отаёр, Otayor** (*ўз.-фт.*) — авлиёлар, муқаддас руҳлар ёр бўлсин, қўлласин ёки отасига дўст, ҳамдам бўлиб ўссин.

**Отакелди, Otakeldi** (*ўз.*) — марҳум отаси ёки бобоси ўрнига келган бола.

**Оталик, Otalik** (*ўз.*) — оталик қилувчи, шоҳзодалар тарбиячиси ёки бекларбеги (амал); йўлбошчи, раҳбар.

**Отам, Отамбой Otamboy** (*ўз.-ар.*) — "ота" сўзи б-н бошланган исмлар (*Отамурод, Отамирза, Отамуҳаммад*) нинг эқ. шакли.

**Отамамат, Otamamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Отамуҳаммад.*

**Отамурод, Otamurod** (*ўз.-ар.*) — отасининг исми берилган ва орзуимиз, армонимиз бўлган бола.

**Отамирза, Otamirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ота* ва *Мирза.*

**Отамуҳаммад, Otamuhammad** (*ўз.-ар.*) — отасининг исми берилган болага Муҳаммад(сав) мададкор бўлсин.

**Отан, Otan** (*ўз.-ар.*) — *Отаназар, Отаниёз* исмларининг эқ. шакли ёки туя(отан)дек бақувват, кучли.

**Отаназар, Otanazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ота* ва *Назар.*

**Отаниёз, Otaniyoz** (*ўз.-фт.*) — азиз авлиёлардан ўтиниб, сўраб олинган бола.

**Отасаид, Otasaid** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ота* ва *Саид* ёки отасининг исми берилган бола бахтли, саодатманд бўлсин.

**Отантой, Otantoy** (*ўз.*) — қадрли; машҳур, тенгсиз. *Отан* (Отан+той).

**Отарбой, Otarboy** (*ўз.*) — отарда туғилган бола; отарлар эгаси, бой, бадавлат бўлсин.

**Отасиддиқ, Otasiddiq** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ота* ва *Сиддиқ.*

**Отатурди, Otaturdi** (*ўз.*) — ота ёки бобосининг исми берилган бола туради, яшайди.

**Отаулла, Атоулла, Otaulla** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилган, Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси.

**Отахон, Otaxon** (*ўз.*) — отаси ёки бобосининг исми берилган азиз бола; *қар. Ота* (Ота+хон).

**Отахўжа, Otaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бўлган, отаси ёки бобосининг исми берилган бола.

**Оташ, Otash** (*фт.*) — "ота" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли ёки оташ — ўт, олов, аланга. Шакллари: *Оташбек, Оташбой, Оташхон.*

**Оташали, Otashali** (*фт.-ар.*) — оловдек ёлқинли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Оташбиби, Otashbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — оловдек ёлқинли, равшан ва улуғ мартабали, мўътабар қиз.

**Оташбуви, Otashbuvi** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Оташ* ва *Буви.*

**Оташмирза, Otashmirza** (*фт.*) — *қар. Оташ* ва *Мирза.*

**Оташқора, Otashqora** (*фт.-ўз.*) — отаси (бобоси) нинг исми берилган кучли, қудратли бола.

**Отаяхши, Otayaxshi** (*ўз.*) — отаси (бобоси) исми берилган мақбул, суюкли бола.

**Отақ, Otaq** (*ўз.*) — Отақул, Отақурбон каби исмларнинг эқ. шакли.

**Отақул, Otaqul** (*ўз.*) — *қар. Ота* (Ота+қул).

**Отақурбон, Otaqurbon** (*ўз.-ар.*) — отаси (бобоси) нинг исми берилган ва қурбон ойи (байрами) да туғилган бола.

**Отақўзи, Otaqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Ота* ва *Қўзи.*

**Отаҳожи, Otahoji** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ота* ва *Ҳожи.*

**Отбосар, Otbosar** (*ўз.*) — *қар. Ўтбосар.*

**Отбоқар, Otboqar** (*ўз.*) — отбоқар бўлсин; йилқилари кўп, бойбадавлат бўлсин.

**Отигўзал, Otigo'zal** (◊., *ўз.-ар.*) — чиройли исм эгаси бўлган қиз.

**Отика, Отикахон, Otika** (◊., *ар.*) — *қар. Атиқа.*

**Отимахон, Otimaxon** (◊., *ар.*) — эҳт. Фотимахон ёки Хотимахон.

**Отин, Otin** (◊., *ўз.*) — саводхон, муаллима; диний таълим ўқитувчиси, художўй хотин. Шакллари: *Отинбиби, Отинбека, Отиной, Отинахон, Отинбу.*

**Отинча, Отинчахон, Otincha** (◊., *ўз.*) — ўқимишли, саводхон қиз.

**Отир // Атир, Otir** (◊., *ар.*) — атир сотувчи, атир сепувчи; хушбўй, муаттар.

**Отира // Атира, Otira** (◊., *ар.*) — илтифотли; меҳрибон, оққўнгил.

**Отиширин, Otishirin** (◊., *ўз.-фт.*) — чиройли, ёқимли исм эгаси.

**Отли, Otli** (*ўз.*) — от эгаси, бой-бадавлат бўлсин ёки номи (исми) бор, машҳур, атоқли.

**Отлимирза, Otlimirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Отли* ва *Мирза.*

**Отсиз, Otsiz** (*ўз.*) — исмсиз, номсиз, оти йўқ. Чақалоқни яшириш, ёвуз кучлардан асраш учун шундай исм берилади.

**Отчахон, Otchaxon** (◊., *ар.*) — эҳт.: *Поччахон* ёки *Ҳадичахон* исмларининг ўзгарган шакли.

**Отчопар, Otchopar** (*ўз.*) — улғайиб отда чопиб юрсин, чавандоз бўлсин.

**Офарин, Ofarin** (*фт.*) — ботирларча, мардонавор ёки яратувчи, пайдо қилувчининг ҳадъяси, туҳфаси.

**Офатхон, Ofatxon** (◊., *фт.-ўз.*) — жон офати, тенгсиз гўзал ёки қиз туғилавериши жонга тегди, эндигиси ўғил бўлсин.

**Офият, Офиятхон, Ofiyat** (◊., *ар.*) — соғ, омон, осуда, хотиржам.

**Офиятбиби, Ofiyatbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Офият* (Офият+биби).

**Офиятулла, Ofiyatulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган соғлом бола.

**Офоқ, Офоқбиби, Ofoq** (◊., *ар.-ҳинд.*) — уфқ; дунё, олам.

**Офтоб, Офтобхон, Oftob** (◊., *фт.*) — қуёш, нурли; чақнаган, нурафшон.

**Офтобқул, Oftobqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Офтоб* (Офтоб+қул).

**Охун, Охунд, Oxun** (*фт.*) — мулла, муаллим, устоз; художўй ёки туркманча оға, ака.

**Охунберди, Oxunberdi** (*фт.-ўз.*) — эшон (авлиёлар) ато қилган бола ёки (Аллоҳ) билимдон, доно бола берди.

**Охундада, Oxundada** (*фт.-ўз.*) — дадаси (отаси) нинг исми берилган бола ўқимишли, муаллим, доно бўлсин.

**Охунмирза, Oxunmirza** (*фт.*) — *қар. Охун* ва *Мирза.*

**Охунтой, Oxuntoy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Охун* (Охун+той).

**Очил, Ochil** (*ўз.*) — очилсин, яъни касалдан (кўрлик, эшитмаслик, соқовлик ва б.) холос бўлсин.

**Очила, Ochila** (◊., *ўз.*) — *қар. Очил* (Очил+а).

**Очилгул, Ochilgul** (◊., *ўз.-фт.*) — гулдек кўркам қиз касалдан форир бўлсин.

**Очилди, Ochildi** (*ўз.*) — очилади (кўзи, қулоғи, тили) деб умид қиламиз, касалдан холос бўлади деб орзу қиламиз.

**Очилиддин, Ochiliddin** (*ўз.-ар.*) — диннинг кўмаги туфайли соғайиб кетувчи бола.

**Очилмурод, Ochilmurod** (*ўз.-ар.*) — касалдан форир бўлувчи ва бизнинг орзуимиз, армонимиз бўлган бола.

**Очилниёз, Ochilniyoz** (*ўз.-фт.*) — илтижолар қилиб сўраб олинган бола касалдан фориғ бўлсин.

**Очилой, Ochiloy** (◊., *ўз.*) — ойдек кўркам қиз касалдан фориғ бўлсин.

**Очилтош, Ochiltosh** (*ўз.*) – тошдек мустаҳкам бола касалдан фориғ бўлсин.

**Очилтурди, Ochilturdi** (*ўз.*) — касалдан қутилиб, турсин, яшаб кетсин.

**Очилхон, Ochilxon** (*ўз.*) — *қар. Очил* (Очил+хон).

**Очилқул, Ochilqul** (*ўз.*) — *қар. Очил* (Очил+қул).

**Ошиқ, Oshiq** (*ар.*) — ҳаётни севувчи; вафодор, содиқ. Эҳт.: созанда, куйчи, шоир.

**Ошиқали, Oshiqali** (*ар.*) — халиф Алини қадрловчи, эъзозлайдиган ёки Али қадрловчи, ўз паноҳида асрайдиган бола.

**Ошиқмирза, Oshiqmirza** (*ар.-фт.*) — ҳаёт ошиғи бўлган ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Ошиқмурод, Oshiqmurod** (*ар.*) — *Ошиқ* ва *Мурод.*

**Ошиқмуҳаммад, Oshiqmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)ни қадрловчи, эъзозловчи бола.

**Ошиқулла, Oshiqulla** (*ар.*) — Аллоҳни эъзозловчи, қадрлайдиган бола ёки Аллоҳга сиғинувчи.

**Ошиққул, Oshiqqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ошиқ* (Ошиқ+қул).

**Ошна, Ошно, Oshna** (*фт.*) — дўст, ўртоқ, эш.

**Ошуб, Ошуба, Oshub** (◊., *фт.*) — қалбни туғёнга солувчи, ҳаяжонлантирувчи; мафтункор.

**Ошуфта, Oshufta** (◊., *фт.*) — мафтун бўлган; художўй, девона.

**Оятхон, Oyatxon** (◊., *ар.-ўз.*) — баданида бирор белгилари, нишон б-н туғилган қиз.

**Оқберган, Oqbergan** (*ўз.*) -- Ҳақберган исмининг ўзгарган шакли.

**Оқберди, Oqberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ покиза, озода, бахтли ўғил берди; яшайдиган, турадиган қилиб берди. Эҳт.: *Ҳақберди* (*қар.*).

**Оқбиби, Оқбибиш, Oqbibi** (◊., *ўз.*) — покиза, озода қиз; бахтли, омадли қиз.

**Оқбилак, Oqbilak** (◊., *ўз.*) — оқ билакли қиз, гўзал, дилбар қиз.

**Оқбой, Oqboy** (*ўз.*) — покиза бола ёки оиладаги иккинчи бўлиб туғилган бахтли, омадли бола ёхуд кўриниши қорача болага берилган лақабдан ясалган исм.

**Оқбола, Oqbola** (*ўз.*) — иккинчи бўлиб туғилган бахтли, омадли ўғил ёхуд ранги қорача бўлган болага берилган лақабдан ясалган исм.

**Оқбош, Oqbosh** (*ўз.*) — толеи баланд, бахтли бола.

**Оқбуви, Оқбувиш, Oqbuvi** (◊., *ўз.*) — покиза, маъсума қиз, толеи баланд, бахтиёр қиз.

**Оқбубак, Oqbubak** (◊., *ўз.*) — иккинчи фарзанднинг толеи баланд, бахтли бўлсин.

**Оқбўлди, Oqbo'ldi** (*ўз.*) — касалдан фориғ бўлсин, қутилсин.

**Оқбўта, Oqbo'ta** (*ўз.*) — бахтли ва азиз, эркатой бола.

**Оқгул, Oqgul** (◊., *ўз.-фт.*) — оқгулдек чиройли, ёқимтой қиз.

**Оқгўзал, Oqgo'zal** (◊., *ўз.*) — покиза, озода ҳамда дилбар қиз.

**Оқдавлат, Oqdavlat** (*ўз.-ар.*) — оиладаги иккинчи бола бахтли ва бой-бадавлат бўлсин.

**Оқдил, Oqdil** (*ўз.-ар.*) — бахтли ҳамда ҳақгўй, адолатли.

**Оқёр, Оқёрбек, Oqyor** (*ўз.-фт.*) — оқ кўнгилли дўст, ўртоқ ёки *қар. Оқёрқин.*

**Оқёрқин, Oqyorqin** (*ўз.*) — бахтли, толеи баланд бола; оиладаги иккинчи фарзанднинг толеи баланд бўлсин.

**Оқжамол, Oqjamol** (◊., *ўз.-ар.*) — бахтли, бахтиёр ҳамда чиройли, соҳибжамол қиз.

**Оқжаҳон, Oqjahon** (◊., *ўз.-фт.*) — дунёдаги энг бахтиёр; покиза, покдомон қиз.

**Оқжигит, Оқйигит, Oqjigit** (*ўз.*) — *қар.* қорачадан келган болага берилган лақаб — исм ёки бахтли, омадли йигит бўлсин.

**Оқжон, Oqjon** (*ўз.*) — жондан азиз, покиза бола ёки оиладаги иккинчи азиз, қадрли фарзанд.

**Оқжума, Oqjuma** (*ўз.-ар.*) — жума куни туғилган иккинчи бола ёки жума куни туғилган бахтли бола.

**Оқжўл, Оқйўл, Oqjo'l** (*ўз.*) — ҳаёти равшан, нурли бўлсин ёки оиладаги бирортаси сафарга кетиши олдидан туғилган бола.

**Оқжўра, Oqjo'ra** (*ўз.-фт.*) — оқ кўнгил, софдил, самимий дўст.

**Оқзиё, Oqziyo** (*ўз.-фт.*) — ҳаёти нурли, бахтга тўла бўлсин.

**Оқзода, Oqzoda** (*ўз.-фт.*) — аслзода, оқсуяк; муқаддас оила (авлод) фарзанди.

**Оқи, Oqi** (*ўз.*) — мард, жасур, баҳодир ёки оқ сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Оқибат, Oqibat** (◊., *ар.*) — сўзида турувчи, вафодор, меҳр-оқибатли қиз.

**Оқибой, Oqiboy** (*ўз.*) — *қар. Оқи.*

**Оқигул, Oqigul** (*ўз.*) — мард, жасур ва гулдек кўркам қиз.

**Оқил, Oqil** (*ар.*) — ақлли, фаҳм-фаросатли, доно бола. Шакллари: *Оқилжон, Оқилхон.*

**Оқила, Oqila** (*ар.*) — ақлли, фаросатли, доно қиз.

**Оқилбек, Oqilbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган ақлли, доно бола.

**Оқилжон, Oqiljon** (◊., *ар.-фт.*) — ақлли, доно ҳамда жондан азиз бебаҳо қиз.

**Оқилой, Oqiloy** (◊., *ар.-ўз.*) — ойдек гўзал, доно қиз.

**Оқилхўжа, Oqilxoja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ақлли бола.

**Оқилқора, Oqilqora** (*ар.-ўз.*) — ақлли, мард, жасур бола.

**Оқин, Oqin** (*ўз.*) — қўшиқчи, ашулачи, шоир. Шакллари: *Оқинбой, Оқинжон.*

**Оқипак, Oqipak** (◊., *ўз.*) — *қар. Оқжипак.*

**Оқйигит, Oqyigit** (*ўз.*) — бахтли, омадли йигит ёки қора рангли болага берилган лақаб — исм.

**Оқкелди, Oqkeldi** (*ўз.*) — бахтли, омадли бола келди, туғилди.

**Оқкенжа, Oqkenja** (*ўз.-фт.*) — кенжатой ўғил бахтли, омадли бўлсин.

**Оқкумуш, Oqkumush** (*ўз.*) — бахтли ва оқ юзли кўркам қиз.

**Оқкўнгил, Oqko'ngil** (◊., *ўз.*) — соф кўнгилли, меҳр-оқибатли, сахий қиз.

**Оқлимирза, Oqlimirza** (*ўз.-фт.*) — бахтли, омадли ва ўқимишли, келишган (мирза) йигит бўлсин.

**Оқмалик, Oqmalik** (*ўз.-ар.*) — бахтли, омадли шоҳ, подшоҳ.

**Оқмамат, Oqmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оқмуҳаммад.*

**Оқмарал, Oqmaral** (◊., *ўз.*) — оқ кийик (марал) дек гўзал қиз ёки бахтли ва маралдек чиройли қиз.

**Оқмард, Oqmard** (*ўз.-фт.*) — бахтли, омадли ва довюрак йигит бўлсин.

**Оқменгли, Oqmengli** (*ўз.*) — юзида хол б-н туғилган бахтли, омадли бола.

**Оқмирза, Oqmirza** (*ўз.-фт.*) — бахтли ҳамда саводхон, ўқимишли (мирза) йигит бўлсин.

**Оқмомиқ, Oqmomiq** (◊., *ўз.*) — юмшоқ кўнгил, мулойим қиз бахтли бўлсин.

**Оқмон, Oqmon** (*ўз.-ар.*) — Оқмуҳаммад исмининг қисқарган шакли.

**Оқмоя, Oqmoya** (◊., *ўз.*) — бахтли ва моядек (туя) ёввош, мулойим қиз ёки май ойида туғилган бахтли қиз.

**Оқмулла, Oqmulla** (*ўз.-фт.*) — бахтли ҳамда ўқимишли (мулла) йигит бўлсин.

**Оқмурод, Oqmurod** (*ўз.-ар.*) — соғ улғайиб мақсадига етсин.

**Оқмуҳаммад, Oqmuhammad** (*ўз.-ар.*) — бахтли ва омадли ўғилни Муҳаммад(сав) қўллаб юрсин ёки Муҳаммаднинг исми берилган бола бахтли бўлсин.

**Оқназар, Oqnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ илтифот (назар) қилиб берган бахтли бола.

**Оқниёз, Oqniyoz** (*ўз.-фт.*) — тилаб, илтижолар қилиб олинган бола бахтли, омадли бўлсин.

**Оқният, Oqniyat** (◊., *ўз.*) — яхши, эзгу мақсадли қиз ёки орзуимиз (ниятимиз) бўлган қиз бахтли бўлсин.

**Оқноввот, Oqnovvot** (◊., *ўз.*) — ширин тилли ёки новвотдек ширин, ёқимтой қиз бахтли, омадли бўлсин.

**Оқнозик, Oqnozik** (◊., *ўз.-фт.*) — нозик, дилбар қиз бахтли бўлсин.

**Оқнор, Oqnor** (*ўз.-фт.*) — қизил хол б-н туғилган бола бахтли бўлсин ёки оқ рангли нортуядек кучли, қудратли.

**Оқойим, Oqoyim** (◊., *ўз.*) — баланд мартабали оиланинг бахтли қизи.

**Оқолтин, Oqoltin** (◊., *ўз.*) — бахтли ва олтиндек қимматли, тенгсиз қиз.

**Оқорбой, Оқарбой, Oqorboy** (*ўз.*) — Оқар (ўзбек уруғларидан бири) уруғига мансуб бола, оқар фарзанди.

**Оқпон, Oqpon** (*ўз.*) — қишда (оқпон — январь ойида) туғилган бола.

**Оқпўлат, Oqpo'lat** (*ўз.-фт.*) — бахтли, омадли ва пўлатдек мустаҳкам ёки оқпўлат уруғига мансуб бўлган бола.

**Оқсоқол, Oqsoqol** (*ўз.*) — улғайиб ҳурмат-эътиборли, оқсоқол (бошлиқ) дек улуғ киши бўлсин.

**Оқсултон, Oqsulton** (*ўз.-ар.*) — бахтли ва султондек улуғ мартабали бўлсин.

**Оқсулув, Oqsuluv** (◊., *ўз.*) — оппоқ, сулув қиз бўлсин ёки бахтли, омадли, дилбар.

**Оқтой, Oqtoy** (*ўз.*) — бахтли ва эрка ўғил ёки оқтой (от) деб йайраб ўссин.

**Оқтойлоқ, Oqtoyloq** (*ўз.*) — оқтойлоқ уруғига мансуб бола, оқтойлоқ фарзанди.

**Оқтомоқ, Oqtomoq** (◊., *ўз.*) — оқтомоқли гўзал, дилбар қиз.

**Оқтош, Oqtosh** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам, бахтли, омадли йигит бўлсин.

**Оқтуйғун, Oqtuyg'un** (*ўз.*) — ов қуши оқтуйғундек зийрак, чаққон бола.

**Оқтурғон, Oqturg'on** (◊., *ўз.*) — турсин, яшасин ва бахтли, омадли бўлсин.

**Оқтўра, Oqto'ra** (*ўз.*) — тўралар наслидан (қар. Тўра) бўлган бахтли йигит.

**Оқтўқли, Oqto'qli** (*ўз.*) — оқ тўқли каби йайраб ўссин.

**Оқтўғон, Oqto'g'on** (*ўз.*) — *қар. Тўғон* (Оқ+тўғон).

**Оқхол, Oqxol** (◊., *ўз.-фт.*) — баданида оқ хол б-н туғилган қиз ёки оқ холли қиз бахтли бўлсин ёхуд оққол — орзуимиз, армонимиз бўлган қиз.

**Оқхўжа, Oqxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган бахтли бола.

**Оқча, Oqcha** (*ўз.*) — оққина жажжи бола ёки ақча, танга. Шакллари: *Оқчабек, Оқчабой, Оқчабу, Оқчагул, Оқчаой, Оқчамирза.*

**Оқчақиз, Oqchaqiz** (◊., *ўз.*) — оппоқина, оққина, дилбар қиз.

**Оқшунқор, Oqshunqor** (*ўз.*) — оқшунқор (лочин) дек сергак, довюрак бола.

**Оқюрак, Oqjurak** (◊., *ўз.*) — покиза, тоза қалбли; одобли, оқила қиз.

**Оққиз, Oqqiz** (◊., *ўз.*) — бахтиёр, бахтли қиз.

**Оққол, Oqqol** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Оқхол.*

**Оққўзи, Oqqo'zi** (*ўз.*) — оқ қўзичоқдек чиройли ёки оқ қўзичоқдек яйраб ўссин.

**Оға, Og'a** (*ўз.*) — акаси (оғаси) нинг номи берилган бола ёки улғайиб баланд мартабали бошлиқ бўлсин.

**Оғаали, Og'aali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оға* ва *Али.*

**Оғабеги, Og'abegi** (◊., *ўз.*) — *қар. Оғабегим.*

**Оғабегим, Og'abegim** (◊., *ўз.*) — беклар, аслзодалар наслидан бўлган мартабали қиз; оқсуяк аёл.

**Оғабек, Og'abek** (*ўз.*) — беклар бошлиғи, раҳбари ёки оғасининг номи берилган беклар наслига мансуб бола.

**Оғабека, Og'abeka** (◊., *ўз.*) — *қар. Оғабегим.*

**Оғабиби, Og'abibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Оға* ва *Биби.*

**Оғабика, Og'abika** (◊., *ўз.*) — *қар. Оғабека.*

**Оғабий, Og'abiy** (◊., *ўз.*) — улғайиб даврани, базмни бошқарувчи; раҳбар, сардор бўлсин.

**Оғабону, Og'abonu** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Оға* ва *Бону.*

**Оғагул, Og'agul** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Оға* (Оға+гул).

**Оғаёр, Og'ayor** (*ўз.-фт.*) — жаноб, яъни Аллоҳ дўст, мададкор бўлсин.

**Оғажамол, Og'ajamol** (◊., *ўз.-ар.*) — *қар. Оға* ва *Жамол.*

**Оғажон, Og'ajon** (*ўз.-фт.*) — оғасининг исми берилган азиз, суюкли бола.

**Оғакелди, Og'akeldi** (*ўз.*) — акаси келганда туғилган бола.

**Оғали, Og'ali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оға* ва *Али.*

**Оғамамат, Og'amamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оғамуҳаммад.*

**Оғамат, Og'amat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оғамуҳаммад.*

**Оғаменгли, Og'amengli** (*ўз.*) — оғаси (акаси) нинг исмини олган холли, холдор бола.

**Оғамирза, Og'amirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Оға* ва *Мирза.*

**Оғамурод, Og'amurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Оға* ва *Мурод.*

**Оғамуҳаммад, Og'amuhammad** (*ўз.-ар.*) — оғаси исми берилган болани пайғамбар қўлласин.

**Оғаназар, Og'anazar** (*ўз.-ар.*) — жанобнинг муруввати, илтифоти, туҳфаси.

**Оғанисо, Og'aniso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг бошлиғи, сардори.

**Оғасанам, Og'asanam** (◊., *ўз.-ар.*) — гўзалларнинг сардори, сарвари.

**Оғахон, Og'axon** (*ўз.*) — *қар. Оға* (Оға+хон).

**Оғахоним, Og'axonim** (◊., *ўз.*) — малика, шоҳзода ёки *қар. Оға* ва *Хоним.*

**Оғахотин, Og'axotin** (◊., *ўз.*) — шоҳнинг хотини ёки хотинларнинг сардори, султони.

**Оғача, Og'acha** (◊., *ўз.*) — хон қизи аслзодалар ёки хон хизматкори бўлган аёл.

**Оғаўғлон, Og'ao'g'lon** (◊., *ўз.*) — ўғлонларнинг, йигитларнинг саркори ёки *қар. Оға* ва *Ўғлон.*

**Оҳанг, Ohang** (*фт.*) — асли: оҳан — темир; мустаҳкам, маҳкам ёки ният, орзу қилинган бола.

**Оҳиста, Ohista** (◊., *фт.*) — осойишта, оромли; тинч, сокин.

**Оҳу, Ohu** (◊., *фт.*) — кийик; оҳудек гўзал, назокатли қиз.

**Оҳунисо, Ohuniso** (◊., *фт.-ар.*) — аёлларнинг энг чиройлиси, назокатлиси.

# П

**Падар, Падарбой, Padar** (*фт.*) — отаси исмини олган бола.

**Паём, Payom** (*фт.*) — хабардор; хабар берувчи. Сол: *Пайғом.*

**Пазира, Pazira** (◊., *фт.*) — мақбул; толеи баланд, келажаги порлоқ.

**Пайваста, Payvasta** (◊., *фт.*) — боғланган, уланган, мустаҳкам ёки чиройли, кўркам.

**Пайдо, Paydo** (*фт.*) — мавжуд бўлувчи, турадиган; яшайдиган.

**Паймон, Paymon** (*фт.*) — хафа, қайғули; қумсовчи, соғинувчи. Одатда онаси ўлиб, етим қолган болага берилади.

**Пайд, Payd** (*фт.*) — хабардор, билувчи.

**Пайк, Payk** (*фт.*) — хабар берувчи, даракчи, чопар.

**Пайкалой, Paykaloy** (◊., *фт.*) — *қар. Пайкар.*

**Пайкар, Paykar** (*фт.*) — айнан: бадан, гавда, сумбат, қомат: гўзал келишган. Шакллари: *Пайкаргул, Пайкарой.*

**Паймо, Paymo** (*фт.*) — чидамли, иродали, бардошли, енгувчи.

**Паймона, Paymona** (◊., *фт.*) — аҳд, ваъда қилинган қиз, эҳт.: паймана-тарозу, яъни тарози палласига қўйиб сотиб олинган қиз.

**Паймонқул, Paymonqul** (*фт.*) — аҳд, ваъда қилинган бола. Эҳт. *Фармонқул.*

**Пайровқул, Payrovqul** (*фт.-ўз.*) — эргашувчи, издош. Сол.: *Эргаш. Избосар.*

**Пайса, Paysa** (◊., *фт.-ҳинд.*) — жажжи, кичик, кенжатой ёки ҳиндча: оғирлик ўлчови, пайса, мис танга.

**Пайшам, Пайшан, Paysham** (*фт.*) — *қар. Пайшанба.*

**Пайшанба, Payshanba** (*фт.*) — пайшанба куни туғилган бола. Бу кун хосиятли ҳисобланади.

**Пайғамбарқул, Payg'ambarqul** (*фт.*) — хабар берувчининг, огоҳ қилувчининг қули, кишиларни дин йўлига солувчининг қули.

**Пайғом, Payg'om** (*фт.*) — хабар, хушхабар, башорат.

**Пайғомқул, Payg'omqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Пайғом* ёки *Пайғамбарқул.*

**Пакана, Pakana** (*фт.*) — лақабдан ясалган исм, асосий исм ўрнини босиб кетган лақаб.

**Паланг, Palang** (*фт.*) — қоплон, йўлбарсдек кучли, қудратли.

**Памир, Pamir** (*фт.*) — Помир тоғи номига нисбатан берилган исм.

**Панжи, Panji** (*фт.*) — оиладаги бешинчи бола. Шакллари: *Панжибиби, Панжигул, Панжихон.*

**Панирой, Paniroy** (◇., *фт.*) — аччиқ, ёқимсиз. Болани ёвуз кучлардан асраш учун бериладиган исм.

**Паноҳ, Panoh** (*фт.*) — *қар. Паноҳулла, Паноҳиддин.*

**Паноқул, Panoqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Паноҳ.*

**Паноҳиддин, Panohiddin** (*фт.*) — диннинг паноҳида бўлган бола, дин нажот берувчи, асрайдиган бола.

**Паноҳулла, Panohulla** (*фт.*) — Аллоҳнинг паноҳида бўлган бола. Аллоҳ асрайдиган, нажот берувчи бола.

**Парварда, Parvarda** (◇., *фт.*) — парвариш, тарбия топган бола, ақлли-одобли бола ёки парвардадек ширин, ёқимтой бола.

**Парвез, Parvez** (*фт.*) — ғолиб, музаффар, енгилмас.

**Парвеза, Parveza** (◇., *фт.*) — ғолиб, енгилмас, жасур қиз.

**Парвин, Parvin** (◇., *фт.*) — Ҳулкар юлдузидек олий мартабали, толеи баланд бўлсин.

**Парвона, Parvona** (*фт.*) — муштоқ, парвона бўлиб топилган бола.

**Парда, Parda** (*фт.*) — пардали (кўйлакли) бўлиб туғилган бола. Шакллари: *Пардабек, Пардабой.*

**Пардаали, Pardaali** (*фт.-ар.*) — пардали бўлиб туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Пардагул, Pardagul** (◇., *фт.-ар.*) — пардали бўлиб туғилган гулдек чиройли қиз.

**Пардабувиш, Pardabuvish** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Парда* ва *Буви, Бувиш.*

**Пардамурод, Pardamurod** (*фт.-ар.*) — пардали бўлиб туғилган ўғил; *қар. Парда* ва *Мурод.*

**Парданисо, Pardaniso** (◇., *фт.-ар.*) — пардали (кўйлакли) бўлиб туғилган ойдек сулув қиз.

**Пардаой, Pardaoy** (◇., *фт.-ўз.*) — пардали (кўйлакли) бўлиб туғилган ойдек сулув қиз.

**Пардатурсун, Pardatursun** (◇., *фт.-ўз.*) — пардали бўлиб туғилган бола ўлмасин, яшасин.

**Пардахол, Pardaxol** (*фт.-ўз.*) — пардали (кўйлакли) ва холли бўлиб туғилган бола.

**Пардақул, Pardaqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Парда* (Парда+қул).

**Пардош, Pardosh** (◇., *фт.*) — парда исмининг эркалаш шакли.

**Пари, Pari** (◇., *фт.*) — парилардек гўзал, кўркам қиз.

**Париваш, Parivash** (◊ ., *фт.*) – парига ўхшаш, паримонанд гўзал: тенгсиз гўзал қиз.

**Паригул, Parigul** (◊ ., *фт.*) – парилар (гўзаллар)нинг гули; тенгсиз гўзал.

**Парижаҳон, Parijahon** (◊ ., *фт.*) – дунёдаги барча парилар (зеболар)дан кўркам қиз; оламнинг тенгсиз гўзали.

**Париза, Pariza** (◊ ., *фт.*) – пардали бўлиб туғилган қиз.

**Паризод, Parizod** (◊ ., *фт.*) – парилардан туғилган, яъни гўзаллар авлодига мансуб, тенгсиз гўзал қиз.

**Паризода, Parizoda** (◊ ., *фт.*) – *қар. Паризод.*

**Паринисо, Pariniso** (◊ ., *фт.*) – аёлларнинг париси, энг чиройлиси; парилардек нозик, назокатли аёл.

**Париruҳ, Pariruh** (◊ ., *фт.*) – парилардек гўзал юзли, парирўй, хушруй қиз.

**Паричеҳра, Parichehra** (◊ ., *фт.*) – парилардек кўркам юзли, зебо қиз.

**Парниён, Parniyon** (◊ ., *фт.*) – айнан: юпқа, майин мато; парниёндек нозик, мулойим қиз.

**Парниёна, Parniyona** (◊ ., *фт.*) – нозик, мулойим, юмшоқ табиатли қиз.

**Парикуш, Pariqush** (◊ ., *фт.-ўз.*) – жаннат қушидек гўзал қиз.

**Парпи, Parpi** (*фт.*) – фарфи – нафис, мулойим, юмшоқ табиатли ёки парпи – доривор ўсимлик номидан. Шакллари: *Парпигул, Парпижон, Парпихон.*

**Парпиддин, Parpiddin** (*фт.*) – диннинг юмшоқ табиатли, хушхулқ кишиси. *Сол.: Фарфи.*

**Парпимомо, Parpimomo** (*фт.-ўз.*) – *қар. Парпи* ва *Момо.*

**Парпиназар, Parpinazar** (*фт.-ар.*) – *қар. Парпи* ва *Назар.*

**Парпинисо, Parpiniso** (◊ ., *фт.-ар.*) – юмшоқ табиатли, нозик, назокатли аёл. *Сол.: Фарфи.*

**Парпитўра, Parpito'ra** (*фт.-ўз.*) – *қар. Парпи* ва *Тўра.*

**Парпихўжа, Parpixo'ja** (*фт.*) – *қар. Парпи* (Парпи+хўжа).

**Партоб, Partob** (*фт.*) – ташландиқ, ифлос, ахлатга ўхшаш бола ёки ўқ, найзадек ўткир, кескир, мустаҳкам. Чақалоқни кўз тегишдан асраш учун бериладиган исм.

**Партов, Partov** (*фт.*) – нурли, нур сочувчи, гўзал, кўркам. Шакллари: *Партовгул, Партовбиби, Партовой.*

**Парча, Parcha** (*фт.*) – парчақора (парчачавдир, парчаюз, парчабургут, лоқайпарча) сингари уруғлардан бирига мансуб бола. Шакллари: *Парчабиби, Парчабека, Парчабика, Парчагул, Парчамомо.*

**Парчаой, Parchaoy** (◊ ., *фт.-ўз.*) – парча (мато) каби мулойим ва ойдек сулув қиз.

**Парчахол, Parchaxol** (◊ ., *фт.*) – парча(мато)дек мулойим ва хол б-н туғилган қиз.

**Парчин, Parchin** (◊ ., *фт.*) – парчин(барчин-ипак мато)дек мулойим қимматли қиз.

**Парчиной, Parchinoy** (◇., *ўз.*) — *эҳт.:* Барчиной ёки янги туғилган ойдек кўркам қиз.

**Патида, Падида, Patida** (◇., *фт.*) — очиқ, ошкор, хувайдо.

**Патила, Patila** (◇., *фт.*) — паҳмоқ, бароқ сочли қиз ёки патила — қиём қайнатиладиган мис қозондек мустаҳкам, маҳкам бола.

**Паттигул, Pattigul** (◇., *фт.*) — *қар. Патта.*

**Паттиёр, Pattiyor** (◇., *фт.*) — *қар. Патта* (Патти+ёр).

**Паттинисо, Pattiniso** (◇., *фт.-ар.*) — лайлак қор ёққанда туғилган қиз ёки *қар. Патта.*

**Паттихон, Pattixon** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Патта.*

**Патто, Patto** (◇., *фт.*) — бутасимон ўсимликдек (новда, шохчадек) яшовчан ёки лайлак қор ёққанда туғилган қиз. Шакллари: *Паттабуви, Паттабу, Паттагул.*

**Пахол, Paxol** (*фт.*) — сомон, чўп, хашак. Чақалоққа кўз тегмасин деб бериладиган исм.

**Пахтабой, Paxtaboy** (*фт.-ўз.*) — пахта очилганда ёки пахта терими бошланганда туғилган бола.

**Пахтагул, Paxtagul** (◇., *фт.*) — пахта гуллаганда туғилган қиз ёки пахта гулидек гўзал қиз.

**Пахтаой, Paxtaoy** (◇., *фт.-ўз.*) — пахта очилганда туғилган қиз ёки пахтадек мулойим юмшоқ табиатли қиз.

**Паҳлов, Pahlov** (*фт.*) — кучли, қудратли, зўровон, шижоатли.

**Паҳлавон, Pahlavon** (*фт.*) — ботир, баҳодир, кучли, қудратли.

**Паҳлавонмирза, Pahlavonmirza** (*фт.*) — кучли, қудратли ва келишган, ўқимишли ўғил бўлсин.

**Паҳлавонмурод, Pahlavonmurod** (*фт.-ар.*) — кучли, қудратли ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Паҳлавонқул, Pahlavonqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Паҳлавон* (Паҳлавон+қул).

**Пероста, Perosta** (◇., *фт.*) — ораста, озода, зебо.

**Печак, Pechak** (◇., *фт.*) — *қар. Печакгул.*

**Печакгул, Pechakgul** (◇., *фт.*) — печакгулдек гўзал қиз ёки печакгулдек чирмашиб, ёпишиб олсин, яъни яшасин, ўлмасин.

**Пешабой, Peshaboy** (*фт.*) — ҳунарманд, меҳнаткаш бола.

**Пешавор, Peshavor** (*фт.*) — ҳунарманд, меҳнаткаш бола, косиб; санъаткор; меҳнатсевар.

**Пешво, Peshvo** (*фт.*) — йўлбошчи, раҳбар, доно, билимдон, мутафаккир.

**Пешдод, Peshdod** (*фт.*) — одил, ўтмишдан даракчи, хабарчи, олдиндан билувчи, кўрувчи ёки аломат, нишон.

**Пидром, Pidrom** (◇., *фт.*) — ораста, хушдил, хуррам.

**Пиёзбек, Piyozbek** (*фт.-ўз.*) — пиёздек аччиқ бола. Чақалоқнинг душманларини ҳайдаш, болани кўз тегишдан асраш учун бериладиган исм.

**Пиёзгул, Piyozgul** (◊., *фт.*) — пиёздек аччиқ, ёмон қиз. Чақалоқни ёвуз кучлардан, кўз тегишдан асраш учун бериладиган исм ёки пиёз гулидек (лоласимон ўсимлик) гўзал, чиройли қиз.

**Пиласта, Pilasta** (◊., *фт.*) — оппоқ юзли, оқбадан, назарни тортувчи, жозибали, мафтункор.

**Пилла, Pilla** (◊., *фт.*) — пилладек мулойим ва қимматли қиз. Шакли: *Пиллахон.*

**Пилтан, Филтон, Piltan** (*фт.*) — филдек гавдали, кучли, қудратли, паҳлавон.

**Пир, Pir** (*фт.*) — айнан: қари, чол, кекса, оқсоқол, диний устоз; суянчиқ, авлиё, муқаддас шахс; кўнгил қўйилган, сиғинилган шахс ёки пир сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Пирак, Pirak** (*фт.*) — "Пир" сўзи мавжуд исмларнинг эқ. шакли.

**Пирали, Pirali** (*фт.-ар.*) — Али суянчиқ бўлсин; Али қўлловчи бола ёки Али ато қилган бола.

**Пиран, Piran** (*фт.*) — Пирназар исмнинг эқ. шакли ёки пирлар, авлиёлар ато қилган бола.

**Пираста, Pirasta** (◊., *фт.*) — безанган, ороланган, зебо.

**Пираҳмад, Pirahmad** (*фт.-ар.*) — Аҳмад — Муҳаммад(сав) қўллайдиган ёки Аҳмад ўз паноҳида асрайдиган бола.

**Пирберди, Pirberdi** (*фт.-ўз.*) — пирга сиғиниб топилган, пир авлиё ато қилган бола.

**Пирбобо, Pirbobo** (*фт.*) — авлиё (пирбобо) ато қилган бола; муқаддас жойга сиғиниб топилган бола.

**Пирбой, Pirboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Пир* (Пир+бой).

**Пирбудак, Pirbudak** (*фт.*) — авлиё(пир)нинг эҳсони, совғаси.

**Пирвайс, Pirvays** (*фт.-ар.*) — *қар. Пир* ва *Вайс.*

**Пирвали, Pirvali** (*фт.-ар.*) — *қар. Пир* ва *Вали.*

**Пиргули, Pirguli** (◊., *фт.*) — пир (сиғинилган авлиё) ато қилган қиз.

**Пиржон, Pirjon** (◊., *фт.*) — *қар. Пир* (Пир+жон).

**Пирзода, Pirzoda** (◊., *фт.*) — муқаддас авлиёлар наслига мансуб қиз, пирлар фарзанди ёки пир(авлиёлар) ато қилган қиз.

**Пирим, Pirim** (*фт.*) — "пир", "пирим" сўзларидан бири б-н бошланган қўшма исмларнинг қисқарган шакли. Шакллари: *Пиримбой, Пиримжон, Пиримқул.*

**Пиримбек, Pirimbek** (*фт.-ўз.*) — биринчи (бош) қисмида пир сўзи мавжуд исмларнинг қисқарган шакли ёки беклар авлоди, наслининг раҳнамоси.

**Пиримназар, Pirimnazar** (*фт.-ар.*) — пир илтифот, назар қилиб берган бола.

**Пиримниёз, Pirimniyoz** (*фт.*) — пирдан сўраб, тилаб олинган бола; пир берган эҳсон, совға.

**Пиримшод, Pirimshod** (*фт.*) — пир эриштирган қувонч, шодлик, бахт.

**Пиримқул, Pirimqul** (*фт.-ўз.*) — пирнинг (сиғинган авлиёнинг) хизматкори, қули.

**Пирли, Pirli** (*фт.-ўз.*) — асровчиси(пири) бор, суянчи бор бола.

**Пирмамат, Pirmamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Пирмуҳаммад.*

**Пирман, Pirman** (*фт.*) — Пирназар, Пирниёз каби исмларнинг эқ. шакли.

**Пирмат, Pirmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Пирмуҳаммад.*

**Пирмуҳаммад, Pirmuhammad** (*фт.-ар.*) — Муҳаммад(сав) раҳнамо, диний устоздир.

**Пирмурод, Pirmurod** (*фт.-ар.*) — муқаддас устоз эриштирган орзу, мақсад.

**Пирназар, Pirnazar** (*фт.-ар.*) — пирнинг (авлиёнинг) илтифоти, марҳамати.

**Пирнафас, Pirnafas** (*фт. ар.*) — пирнинг муқаддас нафаси, қудрати туфайли эришилган бола.

**Пирниёз, Pirniyoz** (*фт.*) — пирдан сўраб олинган бола ёки пирнинг эҳсони, совғаси.

**Пирохун, Piroxun** (*фт.*) — *қар. Пир* ва *Охун.*

**Пиртоға, Pirtog'a** (*фт.-ўз.*) — тоғасининг исмини олган, пир (авлиёлар) қўлловчи бола.

**Пирхол, Pirxol** (*фт.*) — пир эҳсон қилган холли бола.

**Пирхон, Pirxon** (*фт.-ўз.*) — пир ато қилган баланд мартабали бола.

**Пиршо, Pirsho** (*фт.*) — улуғ, муқаддас пир ёки *қар. Пир* ва *Шоҳ.*

**Пиршод, Pirshod** (*фт.*) — Пир ато қилган шодлик, бахт.

**Пиршоҳ, Pirshox** (*фт.*) — пирларнинг улуғи, шоҳи.

**Пирқилич, Pirqilich** (*фт.-ўз.*) — пир ато қилган бола қиличдек ўткир ва маҳкам бўлсин.

**Пирқул, Пирқули, Pirqul** (*фт.-ўз.*) — пирнинг, муқаддас авлиёнинг хизматкори, қули. Диний пирлар: Муҳаммад, Али, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавийлардир.

**Пирқулон, Pirqulon** (*фт.-ўз.*) — пирнинг, муқаддас авлиёларнинг қуллари.

**Пирғайиб, Pirg'ayib** (*фт.-ар.*) — кўнглида яширинганларни билувчи, кўнгил сирларидан хабардор.

**Пирҳайдар, Pirhaydar** (*фт.-ар.*) — *қар. Пир* ва *Ҳайдар.*

**Писта, Pista** (◇., *фт.*) — *қар. Пистагул.*

**Пистабодом, Pistabodom** (◇., *фт.*) — пистабодом гуллаганда туғилган ёки маҳкам, мустаҳкам қиз.

**Пистагул, Pistagul** (◇., *фт.*) — писта гулидек гўзал, зебо қиз.

**Пиғом, Pig'om** (*фт.*) — *қар. Пайғом.*

**Пиғомқул, Pig'omqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Пайғомқул.*

**Подабой, Podaboy** (*фт.-ўз.*) — подалари мўл, бой-бадавлат бўлсин.

**Подабон, Podabon** (*фт.*) — подачи, моли мўл бой-бадавлат бўлсин.

**Подшо, Podsho** (*фт.*) — шоҳ, ҳукмрон, баланд мартабали.

**Подшоқул, Podshoqul** (*фт.-ўз.*) — подшоҳнинг, яъни осмон, тангрининг (Аллоҳнинг) хизматкори, қули.

**Поён, Poyon** (*фт.*) — ҳадеб қиз туғилавериб кейин биринчи бўлиб туғилган ўғилга бериладиган исм, яъни қизларнинг охиргиси, интихоси ёки фойда, манфаат. Шакллари: *Поёнбек, Поёнбой, Поёнжон.*

**Поёнда, Poyonda** (*фт.*) — турғун, маҳкам, яшовчи, боқий, абадий.

**Поёнқул, Poyonqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Поён* (Поён+қул).

**Пойтўра, Poyto'ra** (*фт.-ўз.*) — *эҳт. Бойтўра.*

**Покиза, Pokiza** (◇., *фт.*) — тоза, озода, бегуноҳ, маъсума. Шакллари: *Покизахон, Покизаой.*

**Покдод, Pokdod** (*фт.*) — таг-тугли, аслзода.

**Полапон, Polapon** (*ўз.*) — чақалоқ, маъсум гўдак, қарчиғайнинг чағаси.

**Полвон, Polvon** (*фт.*) — кучли, қудратли, баҳодир.

**Полвонали, Polvonali** (*фт.-ар.*) — кучли, паҳлавон ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Полвонкелди, Polvonkeldi** (*фт.-ўз.*) — паҳлавон ўғил туғилди, Аллоҳ қудратли ўғил ато қилди.

**Полвонназар, Polvonnazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳ илтифот, назар қилиб берган паҳлавон бола.

**Полвонниёз, Polvonniyoz** (*фт.*) — сўраб, ёлвориб олинган паҳлавон ўғил.

**Полвонтур, Polvontur** (*фт.-ўз.*) — қудратли, паҳлавон ўғил турсин, яшасин.

**Полвонқул, Polvonqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Полвон* (Полвон+қул).

**Полиёр, Poliyor** (*фт.*) — поли, полуд — покиза, тоза, бегуноҳ, покизалик, озодалик ҳамроҳи, улфати бўлган бола.

**Полижон, Polijon** (*фт.*) — озода, покиза ва жондек азиз, суюкли бола.

**Полиниёз, Poliniyoz** (*фт.*) — ёлвориб, илтижолар қилиб юриб эришилган покиза, озода бола.

**Полуда, Poluda** (◇., *фт.*) — покиза, озода, маъсума ёки полуда (ҳалвонинг бир тури) каби ширин, ёқимтой бола.

**Попук, Popuk** (◇., *фт.*) — попукдек (ширинликнинг тури) ширин, ёқимтой қиз.

**Порлоқ, Porloq** (*ўз.*) — толеи баланд, бахтиёр умр соҳиби,

**Порсо, Porso** (*фт.*) — ёмон ишлардан сақланувчи, ўзини тиювчи, тақводор, художўй. Шакли: *Порсохон.*

**Почча, Pochcha** (*фт.*) — ака, оға, акаси ёки отасининг исми берилган бола.

**Поччахўжа, Pochchaxo'ja** (*фт.*) — *қар.* (Почча+хўжа).

**Пошша, Poshsha** (*фт.*) – соғ улғайиб баланд мартабаларга эришсин ёки ҳурматли, мўътабар.

**Пошшаали, Poshshaali** (*фт.-ар.*) – улғайиб улуғ мартабаларга эга бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Пошшабуви, Poshshabuvi** (◊., *фт.-ўз.*) – улуғ мартабали, обрўли қиз.

**Пошшагул, Poshshagul** (◊., *фт.*) – улуғ мартабали ва гулдек чиройли қиз.

**Пошшанур, Poshshanur** (*фт.-ар.*) – подшо (Аллоҳ)нинг мурувват, илтифоти бўлган ўғил.

**Пошшаой, Poshshaoy** (◊., *фт.-ўз.*) – улғайиб улуғ мартабали ва ойдек сулув қиз бўлсин.

**Пошшахон, Poshshaxon** (◊., *фт.*) – улуғ мартабали, обрўли қиз бўлсин.

**Пошшахўжа, Poshshaxo'ja** (*фт.*) – хўжалар наслидан бўлган ўғил улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Пошшақул, Poshshaqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Пошша* (Пошша+қул) ёки подшонинг (Аллоҳнинг) қули, бандаси.

**Пошшақўзи, Poshshaqo'zi** (*фт.-ўз.*) – *қар. Пошша* ва *Қўзи.*

**Пудина, Pudina** (◊., *фт.*) – ялпиздек ёқимтой қиз.

**Пурдил, Purdil** (*фт.*) – мард, ботир, довюрак, ғолиб, енгилмас.

**Пурли, Purli** (*фт.*) – кўпайсин, ўссин.

**Пурхол, Purxol** (◊., *фт.*) – шод, хурсанд, бахтиёр ёки хосиятли хол б-н туғилган бола.

**Пуршабс, Purshabs** (*фт.*) – отлари (йилқилари) кўп, бой-бадавлат бўлсин.

**Пухта, Puxta** (*фт.*) – пухта-пишиқ, маҳкам, жони қаттиқ бола.

**Пухтапўлат, Puxtapo'lat** (*фт.*) – пўлатдек мустаҳкам, умри узоқ бола.

**Пўлат, Po'lat** (*фт.*) – пўлатдек мустаҳкам, яшайдиган, умри узоқ бола. Шакллари: *Пўлатбой, Пўлатжон, Пўлатхон, Пўлатгул.*

**Пўлатгул, Po'latgul** (◊., *фт.*) – пўлатдек мустаҳкам ва гулдек гўзал қиз.

**Пўлатой, Po'latoy** (◊., *фт.-ўз.*) – пўлатдек мустаҳкам ва ойдек сулув қиз.

**Пўлаттурди, Po'latturdi** (*фт.-ўз.*) – пўлатдек мустаҳкам ва турадиган, яшайдиган бола.

**Пўлатхон, Po'latxon** (◊., *фт.-ўз.*) – пўлатдек мустаҳкам ва обрў-эътиборли қиз.

**Пўлатхўжа, Po'latxo'ja** (*фт.*) – хўжалар наслига мансуб бўлган пўлатдек мустаҳкам бола.

**Пўлатшер, Po'latsher** (*фт.*) – пўлатдек мустаҳкам ва шердек жасур, қудратли бола.

**Пўпакхон, Po'pakxon** (◊., *фт.*) – *қар. Попук.*

**Пўтахон, Po'taxon** (◊., *фт.*) – пўта (катта рўмол)дек қимматли, гўзал қиз.

# Р

**Раб, Rab** (*ар.*) – худо, худованда. Айнан: «эй, хўжайин, оға». Аллоҳнинг сифати.

**Рабби, Раббий, Rabbi** (*ар.*) – «эй худоё, худовандо, ё худо».

**Раббим, Rabbim** (*ар.*) – айнан: «менинг хўжайиним», яъни Аллоҳ, эгам.

**Раббимқул, Rabbimqul** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Раббинисо, Rabbiniso** (◊ ., *ар.*) – Аллоҳ берган, ато қилган қиз.

**Раббонақул, Rabbonaqul** (*ар.-ўз*) – Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Раббони, Раббоний, Rabboni** (*ар.*) – художўй, худога мансуб, Аллоҳнинг бандаси.

**Раббония, Rabboniya** (◊ ., *ар.*) – художўй қиз, Аллоҳнинг бандаси.

**Раби, Rabi** (*ар.*) – эскича тўртинчи ой, баҳорда туғилган бола. *Сол.: Роби.*

**Рабиа, Робиа, Rabia** (◊ ., *ар.*) – эскича тўртинчи ойда туғилган қиз ёки оиладаги тўртинчи фарзанд.

**Рабиб, Rabib** (*ар.*) – бировнинг қўлида тарбия топган; ўгай, ёт бола. Чақалоқ душманларини чалғитиш, адаштириш учун шундай исм берилади. Эҳт: ҳимоячи, посбон. *Қар. Рабибиддин.*

**Рабибиддин, Rabibiddin** (*ар.*) – дин учун курашувчи, диннинг ҳимоячиси, посбони.

**Рабия, Rabiya** (◊ ., *ар.*) – *қар. Робия.*

**Равза, Ravza** (◊ ., *ар.*) – боғ, кўкаламзор; жаннат боғи ёки яшнаган, фаровон ҳаёт соҳиби.

**Равзагул, Ravzagul** (◊., *ар.-фт.*) – жаннат боғида битган гул; яшнаган гўзал гул.

**Равзиддин, Ravziddin** (*ар.*) – диннинг боғи, гулшани, бўстони; диннинг фаровон ҳаёт кечирувчи кишиси.

**Рави, Ravi** (*ар.*) – ҳикоя қилувчи; ҳикоячи; қироатхон.

**Равия, Raviya** (◊ ., *ар.*) – ҳикоя сўзловчи қиз; қироатхон қиз.

**Равнақ, Ravnaq** (*ар.*) – жилоланган, тароватли; ривожланган, гуллаб-яшнаган.

**Равон, Ravon** (*ар.*) – айнан: жон, руҳ, ҳаёт, тириклик ёки азиз, арзийдиган, муносиб ёхуд ҳаёти равон, толеи баланд бўлсин.

**Равшан, Ravshan** (*фт.*) – ёруғ, шуълали; тиниқ, беғубор; ғамсиз, ғам-ғуссасиз.

**Равшанак, Ravshanak** (◊ ., *фт.*) – ёруғ, нурли, соф, тоза, яъни олий насаф қиз.

**Равшанали, Ravshanali** (*фт.-ар.*) – ҳаёти нурли, беғубор бўлиб, Али ўз паноҳида асрасин.

**Равшанбек, Ravshanbek** (*фт.-ўз.*) – беклар авлодига мансуб ўғилнинг ҳаёти беғубор, нурли бўлсин.

**Равшаной, Ravshanoy** (◊., *фт.-ўз.*) – ойдек сулув қизнинг ҳаёти нурли, беғубор бўлсин.

**Равшания, Ravshaniya** (◊., *фт.*) – нурга, ёғдуга монанд қиз.

**Ради, Radi** (*ар.*) – сайланган, танлаб олинган; бахтли, омадли.

**Радиддин, Радиуддин, Radiddin** (*ар.*) – диннинг танланган мақбул фарзанди.

**Радифа, Radifa** (*ар.*) – ҳамроҳ, йўлдош, эш.

**Радия, Radiya** (◊., *ар.*) – танланган, сайлаб олинган; қадрли, мумтоз. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг қизи – Фотиманинг сифати, васфи бўлган.

**Ража, Режа, Raja** (◊., *ар.*) – тартибли, интизомли, одобли; мурод-мақсадли.

**Ражаб, Rajab** (*ар.*) – ҳижрий йил ҳисобининг еттинчи ойи – ражаб ойида туғилган бола. Шакллари: *Ражаббой, Ражаббек.*

**Ражабали, Rajabali** (*ар.*) – ражаб ойида туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Ражабберди, Rajabberdi** (*ар.-ўз.*) – ражаб ойида ато қилинган бола.

**Ражаббиби, Rajabbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) – ражаб ойида туғилган қиз баланд мартабали бўлсин.

**Ражаббека, Rajabbeka** (◊., *ар.-ўз.*) – ражаб ойида туғилган қиз, баланд мартабали, иззат-обрўли бўлсин.

**Ражабгул, Rajabgul** (◊., *ар.-фт.*) – ражаб ойида туғилган гулдек гўзал қиз.

**Ражабкелди, Rajabkeldi** (*ар.-ўз.*) – ражаб ойида туғилган (келган) ўғил.

**Ражабмамат, Rajabmamat** (*ар.*) – *қар. Ражабмуҳаммад.*

**Ражамат, Rajamat** (*ар.*) – *қар. Ражабмуҳаммад.*

**Ражабмурод, Rajabmurod** (*ар.*) – ражаб ойида эришилган орзу, мурод.

**Ражабмуҳаммад, Rajabmuhammad** (*ар.*) – ражаб ойида туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Ражабназар, Rajabnazar** (*ар.-фт.*) – ражаб ойида илтифот(назар) қилиб берилган бола ёки Аллоҳ ражаб ойида ато қилган бола.

**Ражабниёз, Rajabniyoz** (*ар.-фт.*) – ражаб ойида тилаб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Ражабнур, Rajabnur** (*ар.*) – ражаб ойида туғилган толеи баланд, ҳаёти нурли бола ёки ражаб ойида таваллуд топган ўғилни нур (Аллоҳ, пайғамбар) ўз паноҳида асрасин.

**Ражабтурсин, Rajabtursin** (*ар.-ўз.*) – ражаб ойида дунёга келган бола яшасин, ўлмасин.

**Ражабқул, Rajabqul** (*ар.-ўз.*) – *қар. Ражаб* (Ражаб+қул).

**Ражи, Raji** (*ар.*) – умидимиз, тилагимиз бўлган бола.

**Раз, Raz** (*ар.*) – новда, новниҳол; ўспирин; ток, узум.

**Разбон, Razbon** (*фт.*) – боғбон, соҳибкор, узумчи боғбон.

**Раззоқ, Razzoq** (*ар.*) – ризқ берувчи, насиба улашувчи. Бу ном Аллоҳнинг сифати, васфларидан биридир.

**Раззоқберган, Razzoqbergan** (*ар.-ўз.*) – ризқ-насиба улашувчи, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Раззоқберди, Razzoqberdi** (*ар.-ўз.*) – ризқ-насиба улашувчи, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Раззоқмирза, Razzoqmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Раззоқ* ва *Мирза.*

**Раззоқхўжа, Razzoqxo'ja** (*ар.-фт.*) – Аллоҳ берган ва хўжалар наслидан бўлган бола.

**Раззоққул, Razzoqqul** (*ар.-ўз.*) – ризқу-насиба улашувчининг, яъни Аллоҳнинг бандаси, қули. *Сол.: Абдураззоқ.*

**Разин, Razin** (*ар.*) – маҳкам, мустаҳкам, қадрли, азиз, мўътабар.

**Размин, Razmin** (*ар.*) – мард, жасур, қўрқмас, довюрак.

**Раис, Rais** (*ар.*) – бошлиқ, раҳбар, етакчи, сардор ёки ўтмишда шариат қонунларининг бажарилишини назорат қилувчи диний амалдорнинг номи.

**Раиса, Raisa** (◊., *ар.*) – бошлиқ, сардор, раҳбар, сарвар қиз ёки юн.: мулойим, меҳрибон, итоаткор.

**Раисали, Raisali** (*ар.*) – *қар. Раис* ва *Али.*

**Раисулла, Raisulla** (*ар.*) – Аллоҳ бошқарувчи, йўлбошчидир ёки Аллоҳ бахш этган сардор ёхуд Аллоҳнинг иродасини бажо келтирувчи.

**Раиф, Raif** (*ар.*) – меҳрибон, шафқатли, раҳмдил.

**Раифа, Raifa** (*ар.*) – меҳрибон, раҳмдил қиз.

**Райҳон, Rayhon** (*ар.*) – нозбўй, райҳон ёки мажозий маънода: фарзандлар, болалар.

**Райҳона, Rayhona** (◊., *ар.*) – нозбўй, райҳондек ёқимтой қиз.

**Райҳонгул, Rayhongul** (◊., *ар.-фт.*) – райҳондек сулув, зебо қиз.

**Рамазон, Ramazon** (*ар.*) – қамарий йил ҳисобининг 9 ойи (рамазонда) туғилган бола. Бу ой хосиятли, қутлуғ ой ҳисобланади.

**Рамазонали, Ramazonali** (*ар.*) – рамазон ойида туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Рамал, Ramal** (*ар.*) – кўпайсин, ўссин, умри узоқ бўлсин.

**Рамз, Ramz** (*ар.*) – белги, ишора; тимсол.

**Рамзиддин, Ramziddin** (*ар.*) – диннинг тимсоли, нишони; динга итоаткор, динни ўзида гавдалантирувчи.

**Рамзия, Ramziya** (◊., *ар.*) – тимсол, ўрнак, намуна.

**Рамзулла, Ramzulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг иродаси, қудратининг белгиси, тимсоли бўлган бола, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Рами, Rami** (*ар.*) – ўқчи, мерган, ёй отувчи.

**Рамида, Ramida** (*ар.*) – ҳуркак, яъни нозик, мулойим.

**Рамиза, Ramiza** (◊., *ар.*) – баданидаги бирор белгиси, нишонидан билиниб, танилиб турган қиз.

**Рамил, Ramil** (*ар.*) – тилсим эгаси, сир-асрорларни очувчи, фолчи; башоратчи, доно ўғил.

**Рамила, Ramila** (◊., *ар.*) – билувчи, тилсимлар сирини очувчи, доно қиз.

**Рамия, Ramiya** (◊ ., *ар.*) – мерган қиз.

**Расида, Rasida** (◊ ., *фт.*) – орзуимиз бўлган бола ёки камолатга етган, пишиқ, пухта қиз.

**Расим, Расм, Rasim** (*ар.*) – йўл-йўриққа, қоидаларга амал қилувчи ёки рассом бола.

**Расима, Rasima** (◊ ., *ар.*) – интизомга бўйсинувчи, итоаткор, одобли қиз ёки рассом қиз.

**Расиф, Rasif** (*ар.*) – чидамли, маҳкам, мустаҳкам ёки озода, покиза.

**Расифа, Rasifa** (◊ ., *ар.*) – чидамли, маҳкам, иродали қиз ёки покиза, озода қиз.

**Расих, Rasix** (*ар.*) – мустаҳкам, маҳкам, пишиқ, чидамли, кучли, қудратли.

**Расиха, Rasixa** (◊ ., *ар.*) – чидамли, иродали қиз.

**Расмия, Rasmiya** (◊ ., *ар.*) – расм-русмларни сақловчи, қонун-қоидаларга амал қилувчи; итоаткор, ўзини тутган қиз.

**Расо, Расобой, Raso** (*ар.-ўз.*) – мукаммал, нуқсонсиз, камолга эришган.

**Расоқул, Rasoqul** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳнинг бенуқсон, гуноҳсиз бандаси.

**Рассом, Rassom** (*ар.*) – сураткаш, санъаткор.

**Расул, Rasul** (*ар.*) – Аллоҳ томонидан юборилган; Аллоҳнинг элчиси; пайгамбар. *Қар. Расулуллоҳ.* Шакллари: *Расулбой, Расултой, Расулхон.*

**Расула, Rasula** (◊ ., *ар.*) – *қар. Расул* (Расул+а).

**Расулберди, Rasulberdi** (*ар.-ўз.*) – пайғамбар ато қилган фарзанд.

**Расулзода, Rasulzoda** (*ар.-фт.*) – пайғамбар авлодидан бўлган бола; аслзода, оксуяк.

**Расулмат, Rasulmat** (*ўз.*) – *қар. Расулмуҳаммад.*

**Расулмурод, Rasulmurod** (*ар.*) – пайғамбар эриштирган орзу, мурод-мақсад.

**Расулмуҳаммад, Rasulmuhammad** (*ар.*) – Муҳаммад (сав) Аллоҳнинг элчиси, пайғамбар ёки Муҳаммад пайғамбар қулласин.

**Расулназар, Rasulnazar** (*ар.*) – пайғамбарнинг илтифоти, назари туфайли эришилган бола ёки пайгамбарнинг назари тушган, у қўллайдиган, асрайдиган бола.

**Расулуллоҳ, Rasululloh** (*ар.*) – Аллоҳнинг элчиси, пайғамбар, яъни Муҳаммад (сав).

**Расулқул, Rasulqul** (*ар.-ўз.*) – пайғамбарга итоат қилувчи, унинг хизматкори, қули.

**Ратиб, Ratib** (*ар.*) – беғубор, тоза, тароватли.

**Рауф, Rauf** (*ар.*) – раҳмдил, юмшоқ кўнгилли; олийҳиммат, сахий. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. *Сол.: Абдурауф.*

**Рауфа, Raufa** (*ар.*) – раҳмдил, меҳрибон қиз.

**Рафаэль, Rafael** (◊ ., *яҳ.*) – айнан: худо даволаган, худо соғайтирган ёки шифобахш, касалликлардан халос қилувчи.

**Рафи, Rafi** (*ар.*) – юксак, олий, улуғ, таниқли, машҳур.

**Рафиуддин, Рафиддин, Rafiuddin** (*ар.*) – динни улуғловчи, динни юксалтирувчи.

**Рафия, Rafiya** (*ар.*) – динни қадрловчи, художўй, диндор қиз.

**Рафид, Rafid** (*ар.*) – ёрдамчи, кўмакдош.

**Рафида, Rafida** (*ар.*) – ёрдамчи, кўмакдош, суянчиқ.

**Рафииддин, Rafiiddin** (*ар.*) – динни қўлловчи, динга кўмак берувчи; уни улуғловчи.

**Рафиқ, Rafiq** (*ар.*) – дўст, ҳамдам, сахий ёки қимматли, хотамтой, очиққўл.

**Рафиқа, Rafiqa** (◊., *ар.*) – дўст, ҳамдам, эш, йўлдош.

**Рафиқали, Rafiqali** (*ар.*) – Алининг ҳамдами, дўсти ёки Али қўлловчи, мададкор бўлувчи бола.

**Рафиқшер, Rafiqsher** *(ар.-фт.) – қар. Рафиқ* ва *Шер.*

**Рафиғулла, Rafig'ulla** (*ар.*) – Аллоҳ қўллайдиган, улуғлайдиган бола.

**Рафоат, Rafoat** (◊., *ар.*) – юксак мартабали, олийнасаб, олий мансабли.

**Рафъат, Raf'at** (*ар.*) – улуғ, юксак, буюк; баланд мартабали ёки ғамхўр, меҳрибон, хайрихоҳ.

**Рафқат, Rafqat** (*ар.*) – ёрдам берувчи, кўмакдош, раҳмдил, меҳрибон, олийҳиммат.

**Рахшон, Raxshon** (*ар.*) – порлоқ, нурли, бахтли.

**Рахшона, Raxshona** (◊., *ар.*) – порлоқ, нурли; саодатманд қиз.

**Раъно, Ra'no** (◊., *ар.*) – қизил гулдек гўзал, чиройли, латофатли.

**Раъноғул, Ra'nogul** (◊., *ар.-фт.*) – қизил гулдек гўзал қиз.

**Раъноқад, Ra'noqad** (◊., *ар.*) – гўзал, зебо, қоматли.

**Рашид, Rashid** (◊., *ар.*) – тўғри йўлдан юрувчи, тўғри йўл топган, камолга етган, ақлли, доно ёки қўрқмас, мард; бошлиқ, сардор. *Сол.: Абдурашид.*

**Рашида, Rashida** (◊., *ар.*) – тўғри йўлдан юрувчи, тўғри ишлар қилувчи, ақлли, одобли қиз.

**Рашидиддин, Rashididdin** (*ар.*) – дин йўлидан, диннинг тўғри йўлидан юрувчи, диндор, художўй ёки дин (шариат) сардори.

**Рашидулла, Rashidulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг тўғри йўл (дин йўли)дан юрувчи бандаси.

**Рашодат, Rashodat** (*ар.*) – мардлик, жасурлик, жасорат.

**Рашшод, Rashshod** (*ар.*) – тўғри йўлдан юрувчи, ақлли, зийрак бола.

**Рақиб, Raqib** (*ар.*) – қарши турувчи, рақобат қилувчи; қўриқчи.

**Рақиба, Raqiba** *(ар.) – қар. Рақиб* (Рақиб+а).

**Рақия, Raqiya** (◊., *ар.*) – олға интилувчи, ўсувчи, юксалувчи.

**Рақоқул, Raqoqul** (*ар.*) – озодликка (ҳурликка) чиққан, озод қул.

**Раққоса, Raqqosa** (◊., *ар.*) – ўйинчи қиз, санъаткор қиз.

**Рағиб, Рағийб, Rag'ib** (*ар.*) – тилаб, сўраб олинган бола.

**Рағиба, Rag'iba** (◊., *ар.*) – тилаб, сўраб олинган қиз.

**Раҳбар, Rahbar** (*ар.*) — раҳнамо, устоз, бошлиқ.

**Раҳбарали, Rahbarali** (*ар.*) — Али раҳнамолик, ғамхўрлик қилувчи бола.

**Раҳбарнисо, Rahbarniso** (◊., *ар.*) — раҳбар, раҳнамо аёл; аёлларнинг сардори.

**Раҳиб, Rahib** (*ар.*) — мурувватли, олижаноб, марҳаматли; танти, валламат.

**Раҳим, Rahim** (*ар.*) — раҳм қилувчи, меҳрибон, марҳаматли. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Сол.: *Абдураҳмон.* Шакллари: *Раҳимбой, Раҳимжон, Раҳимбек, Раҳимхон.*

**Раҳима, Rahima** (◊., *ар.*) — меҳрибон, раҳмдил, мурувватли.

**Раҳимали, Rahimali** (*ар.*) — Али ғамхўрлик қилувчи, Алининг марҳаматига сазовор ёки *қар. Раҳим* ва *Али.*

**Раҳимбадал, Rahimbadal** (*ар.*) — олдинги турмаган болалар эвазига Раҳим (Аллоҳ) ато қилган бола.

**Раҳимберган, Rahimbergan** (*ар.-ўз.*) — раҳмли, раҳмдил, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Раҳимберди, Rahimberdi** (◊., *ар.-ўз.*) — раҳмдил, шафқатли, яъни Аллоҳ ато қилди.

**Раҳимдод, Rahimdod** (*ар.-фт.*) — раҳмдилнинг, яъни Аллоҳнинг эҳсони, совғаси.

**Раҳимёр, Rahimyor** (*ар.-фт.*) — раҳмдил қўллайдиган, яъни Аллоҳнинг эҳсони, совғаси, туҳфаси.

**Раҳимиддин, Rahimiddin** (*ар.*) — диннинг шавкати, муруввати бўлган бола ёки диннинг меҳрибон, раҳмдил кишиси.

**Раҳиммамат, Rahimmamat** (*ар.*) — *қар. Раҳиммуҳаммад.*

**Раҳиммирза, Rahimmirza** (*ар.-фт.*) — шавкатли, мурувватли ва ўқимишли, келишган ўғил бўлсин.

**Раҳиммурод, Rahimmurod** (*ар.*) — Раҳим, яъни Аллоҳ берган, эриштирган орзу, армон.

**Раҳимназар, Rahimnazar** (*ар.*) — раҳмдилнинг, яъни Аллоҳнинг мурувватн, шавкати туфайли эришилган бола.

**Раҳимниёз, Rahimniyoz** (*ар.-фт.*) — раҳим, яъни Аллоҳдан тилаб, сўраб олинган бола ёки Аллоҳнинг совғаси, эҳсони.

**Раҳимнур, Rahimnur** (*ар.*) — раҳим, Аллоҳнинг илтифоти, назари туфайли эришилган бола.

**Раҳимтой, Rahimtoy** (*ар.-ўз.*) — раҳмдил ҳамда эркатой бола ёки Раҳим (Аллоҳ) берган эрка бола.

**Раҳимтўра, Rahimto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Раҳим* ва *Тўра.*

**Раҳимхон, Rahimxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Раҳим* (Раҳим+хон).

**Раҳимшо, Rahimsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Раҳим* ва *Шо.*

**Раҳимқул, Rahimqul** (*ар.-ўз.*) — меҳр-шафқатга бойнинг раҳмдилнинг, яъни Аллоҳнинг бандаси.

**Раҳиқа, Rahiqa** (*ар.*) — покиза, беғубор, озода; равшан, нурли.

**Раҳмат, Rahmat** (*ар.*) — шавкатли, раҳмдил, меҳрибон. Шакллари: *Раҳматбой, Раҳматжон.*

**Раҳматали, Rahmatali** (*ар.*) — Алининг шавкати, муруввати бўлган бола.

**Раҳматназар, Rahmatnazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, назари туфайли туғилган бола.

**Раҳматниёз, Rahmatniyoz** (*ар.-фт.*) — раҳмдил, меҳрибон, яъни Аллоҳ берган бола ёки *қар. Раҳмат* ва *Ниёз.*

**Раҳматулла, Rahmatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, шавкати туфайли эришилган бола.

**Раҳмдил, Rahmdil** (*ар.-фт.*) — шавкатли, меҳрибон.

**Раҳмиддин, Rahmiddin** (*ар.*) — диннинг меҳрибон, муруввaтли кишиси, дин ҳомийси ёки диннинг ёрдами, кўмаги туфайли эришилган бола.

**Раҳмнисо, Rahmniso** (◊., *ар.*) — шавкатли, меҳрибон аёл ёки раҳмдил, шавкатли, яъни Аллоҳ ато қилган қиз.

**Раҳмон, Rahmon** (*ар.*) — раҳмдил, ўта меҳрибон, шавкатли. *Асли: Абдураҳмон* (*қар.*). Шакллари: *Раҳмонбой, Раҳмонжон, Раҳмонбек.*

**Раҳмонали, Rahmonali** (*ар.*) — *Раҳмон* ва *Али* ёки Алининг шавкати, муруввати бўлган бола.

**Раҳмонберган, Rahmonbergan** (*ар.-ўз.*) — ўта раҳмдил, яъни Аллоҳ берган бола. Сол.: *Худойберган, Тангриберган.*

**Раҳмонбек, Rahmonbek** (*ар.-ўз.*) — *қар. Раҳмон* ва *Бек.*

**Раҳмонберди, Rahmonberdi** (*ар.-ўз.*) — ўта раҳмдил, шавкатли ато қилган бола. Сол.: *Худойберди, Тангриберди, Уғонберди.*

**Раҳмонназар, Rahmonnazar** (*ар.*) — Раҳмон (Аллоҳ)нинг эътибори, муруввати туфайли эришилган бола.

**Раҳмонниёз, Rahmonniyoz** (*ар.-фт.*) — Раҳмон (Аллоҳ)дан сўраб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Раҳмоннур, Rahmonnur** (*ар.*) — Раҳмон (Аллоҳ)нинг эътибори, меҳри тушган бола.

**Раҳмонтой, Rahmontoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Раҳмон* (Раҳмон+той).

**Раҳмонулла, Rahmonulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ўта меҳрибонлиги, чексиз муруввати туфайли эришилган бола.

**Раҳмоншер, Rahmonsher** (*ар.-фт.*) — Раҳмон (Аллоҳ) ато қилган довюрак бола ёки *қар. Раҳмон* ва *Шер.*

**Раҳмонқул, Rahmonqul** (*ар.-ўз.*) — ўта меҳрибон, шавкатлининг, яъни Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Раҳнамо, Rahnamo** (*фт.*) — йўлбошчи, раҳбар; бошлиқ, сардор.

**Раҳоқул, Рақоқул, Rahoqul** (*фт.-ўз.*) — ҳур, озод, халос бўлган қул.

**Раҳшанда, Rahshanda** (◊., *фт.*) — нурли, равшан; толеи баланд.

**Раҳшия, Rahshiya** (◊., *фт.*) — равшан нурли, толеи баланд.

**Режа, Reja** (◊., *фт.*) — тартибли, саранжом; интизомли.

**Режабу, Rejabu** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Режа* (Режа+бу).

**Режанисо, Rejaniso** (◊., *фт.-ар.*) — ботартиб, саранжом аёл.

**Резавор, Rezavor** (◊., *фт.*) — айнан: кўкат; ўсувчи, яшовчи, яшновчи.

**Реза, Reza** (◊., *фт.*) — айнан: жажжи, кичик, кенжа қиз.

**Резагул, Rezagul** (◊., *фт.*) — жажжи, кичик, кенжатой ва гулдек гўзал қиз ёки жажжи гўзал қиз.

**Ривож, Rivoj** (*ар.*) — *қар. Ривожиддин.*

**Ривожиддин, Rivojiddin** (*ар.*) — диннинг ривожи, равнақи ёки динни ривожлантирувчи, динга равнақ берувчи.

**Ривоят, Rivoyat** (◊., *ар.*) — айнан: ҳикоя, афсона, анъана, амал, қоида.

**Риёз, Riyoz** (*ар.*) — ёввош, мўмин-қобил ёки риёз — боғ, жаннат боғи.

**Риёзиддин, Riyoziddin** (*ар.*) — динга итоат қилувчи, бўйсинувчи, мўмин-қобил ёки жаннат боғи.

**Ризвон, Рузвон, Rizvon** (*ар.*) — жаннат, беҳишт; жаннат эшигини қўриқловчи париштанинг номи ёки Аллоҳнинг танлаган, ёқтирган бандаси.

**Ризвонқул, Rizvonqul** (*ар.-ўз.*) — жаннатнинг хизматкори, жаннатга мансуб бола ёки Аллоҳ танлаган, сайлаган бола.

**Ризо, Rizo** (*ар.*) — рози, қаноатли; маъқул ёки розилик, тобелик. Ушбу ном 12 имомдан 8-сининг исми бўлган.

**Ризоали, Rizoali** (*ар.*) — Али рози, мамнун бўлган, Алига бўйсинувчи ёки *қар. Ризо* ва *Али.*

**Ризогул, Rizogul** (◊., *ар.-фт.*) — сайлаб, танлаб олинган гулдек гўзал қиз.

**Ризомамат, Rizomamat** (*ар.*) — *қар. Ризо* ва *Муҳаммад.*

**Ризомат, Rizomat** (*ар.*) — *қар. Ризо* ва *Муҳаммад.*

**Ризомиддин, Rizomiddin** (*ар.*) — дин рози бўлувчи, диндор.

**Ризомуҳаммад, Rizomuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) рози, мамнун бўлган, Муҳаммадга бўйсинувчи бола.

**Ризоқул, Rizoqul** (*ар.ўз.*) — танланган, маъқул тушган қул, банда.

**Ризқ, Rizq** (*ар.*) — қут, барака, насиба, улуш; тўқ, насибали.

**Ризқали, Rizqali** (*ар.*) — ризқу насибали ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Ризқи, Rizqi** (*ар.*) — *Ризқиддин, Ризқинисо* каби исмларнинг қисқарган шакли.

**Ризқиддин, Rizqiddin** (*ар.*) — диннинг ризқу насибали боласи, дин қўллайдиган бола.

**Ризқинисо, Rizqiniso** (◊., *ар.*) — ризқу насибали, аёл.

**Ризқия, Rizqiya** (◊., *ар.*) — насибалик, ўзига тўқ қиз.

**Ризқлик, Rizqlik** (◊., *ар.ўз.*) — насибали, ризқ-рўзли қиз.

**Ризқул, Rizqul** (*ар.ўз.*) — Аллоҳнинг ризқ-рўзли, тўқ, фаровон яшовчи бандаси.

**Рис, Рисбой, Ris** (*ар.*) — *қар. Ризқ, Ирис.*

**Рислиқ, Risliq** (◊., *ар.*) — тўқ, хуррам, бахтли, бахтиёр.

**Рисликбу, Risliqbu** (◊ ., *ap.-ўз.*) – бахтли, фаровон ҳаёт кечирувчи қиз.

**Рисолат, Risolat** (◊ ., *ap.*) – элчилик; пайғамбар авлодига мансуб қиз.

**Рисхўжа, Risxo'ja** (*ap.-фт.*) – хўжалар наслига мансуб, тўқ, бахтли бола.

**Ризқин, Rizqin** (◊ ., *ap.*) – *қар. Ризқинисо.*

**Ризқинисо, Rizqiniso** (◊ ., *ap.*) – ризқли, насибаси бутун қиз.

**Ризқул, Risqul** (*ap.-ўз.*) – Аллоҳнинг бахтли, хуррам бандаси.

**Рифъат, Rif'at** (*ap.*) – улуғлик, юксаклик; баланд мартабали.

**Рихси, Rixsi** (◊ ., *ap.*) – *қар. Риқси, Ризқи.*

**Рихсида, Rixsida** (◊ ., *ap.*) – ризқ-насибали қиз.

**Рихситилла, Rixsitilla** (*ap.-фт.*) – ризқу насибали, тилладек қимматли, қадрли.

**Рихсия, Rixsiya** (◊ ., *ap.*) – *қар. Ризқия.*

**Ришод, Rishod** (*ap.*) – тўғри йўл, ҳаққоният йўлидан юрувчи; дин йўлидан борувчи. Сол.: *Рашшод.*

**Роба, Робеъ, Роби, Робиъ, Roba** (*ap.*) – оиладаги тўртинчи фарзанд; эскича йил билан тўртинчи ойда туғилган бола.

**Робиабу, Robiabu** (◊ ., *ap.-ўз.*) – оиладаги тўртинчи бола; қамарий йил ҳисобининг тўртинчи ойида туғилган қиз.

**Робиддин, Robiddin** (*ap.*) – диннинг тўртинчи ойда туғилган фарзанди. *Эҳт. Рафиддин.*

**Робинисо, Robiniso** (◊ ., *ap.*) – оиладаги тўртинчи бола ёки эскича йил ҳисобининг тўртинчи ойида туғилган қиз.

**Робит, Robit** (*ap.*) – боғланган, занжирланган, мустаҳкам.

**Робиулла, Robiulla** (*ap.*) – Аллоҳнинг эски йил ҳисобининг 4-ойда туғилган бандаси.

**Робия, Robiya** (◊ ., *ap.*) – оиладаги тўртинчи бола ёки эскича ой ҳисобининг 4 ойида туғилган қиз. Шакллари: *Робиягул, Робиямо, Робияхон, Робиябу.*

**Род, Rod** (*фт.*) – саҳий, қўли очиқ, ҳотамтой.

**Родина, Rodina** (◊ ., *фт.*) – саховатли, саҳий; меҳрибон.

**Рожахон, Rojaxon** (◊ ., *ap.*) – ражеъ – тегишли, мансуб, алоқадор ёки *қар. Рожи.*

**Рожи, Рожибой, Roji** (*ap.*) – рожиҳ – ортиқ, зиёда, устун турувчи, мақбул.

**Рози, Rozi** (*ap.*) – қониққан, мамнун, мақбул тушган.

**Розиддин, Roziddin** (*ap.*) – дин рози бўлган, динни рози қилувчи.

**Розий, Roziy** (*ap.*) – қониққан, мамнун, хушнуд, ризо бўлган.

**Розифа, Rozifa** (◊ ., *ap.*) – ризо бўлувчи, мақбул, яхши.

**Розия, Roziya** (◊ ., *ap.*) – қониққан, мамнун ёки мақбул тушувчи, ёқимли, суюкли. Сол.: *Розий.* Шакллари: *Розиябу, Розиягул, Розияхон.*

**Розиқ, Roziq** (*ap.*) – бандаларига ризқ берувчи, тўйдирувчи. Аллоҳнинг сифатларидан бири ёки хушнуд, тўқ, фаровон. Сол.: *Абдурозиқ.*

**Розиқа, Roziqa** (◇., *ар.*) — ризқ, насиба берувчининг, яъни Аллоҳнинг бандаси.

**Розиқберди, Roziqberdi** (*ар.-ўз.*) — ризқ-насиба улашуви, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Розиқмирза, Roziqmirza** (*ар.-фт.*) — Розиқ ва Мирза.

**Розиқул, Roziqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Розиққул.*

**Розиққул, Roziqqul** (*ар.-ўз.*) — ризқу рўз тарқатувчининг (Аллоҳнинг) бандаси.

**Роиз, Roiz** (*ар.*) — тарбия қилувчи, ўргатувчи, риёзатга солувчи; устоз.

**Роила, Roila** (◇., *ар.*) — яхши кўрувчи ёки *қар. Роҳила.*

**Роия, Roiya** (◇., *ар.*) — ҳис қилувчи, сезувчан.

**Ройиқ, Royiq** (*ар.*) — латиф, жуда гўзал, зебо.

**Ройиқа, Royiqa** (◇., *ар.*) — хушбўй, ёқимли, келишган, гўзал.

**Рокиб, Rokib** (*ар.*) — отлиқ, сувори, чавандоз.

**Рокия, Rokiya** (◇., *ар.*) — Роқия.

**Рокча, Rokcha** (◇., *ар.*) — мулойим, хушфеъл ёки қўзичоқ.

**Ромиш, Romish** (◇., *-фт.*) — роҳат, фароғат, сурур.

**Роса, Расо, Rosa** (◇., *ар.*) — кам-кўстсиз, етук, баркамол.

**Россагул, Rossagul** (◇., *ар.-фт.*) — *қар. Расо* (Расо+гул).

**Ростберди, Росберди, Rostberdi** (*фт.-ўз.*) — чинакамига берилган, яшайдиган, умри узоқ бола.

**Ростибой, Rostiboy** (*фт.-ўз.*) — тўғри, ростгўй, покиза, халол.

**Ростак, Rostak** (*фт.*) — куртак, ниҳол, ўсувчи, улғаювчи.

**Ростгар, Rostgar** (*фт.*) — кутилган, халос бўлган.

**Рости, Rosti** (*фт.*) — тўғри, ҳақиқий, ҳалол.

**Ростон, Roston** (◇., *фт.*) — тўғри, ҳалол, сахий.

**Ростқул, Rostqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг тўғри, ростгўй, ҳалол бандаси, хизматкори.

**Ротиб, Rotib** (*ар.*) — мустаҳкам, барқарор, турғун, яшовчи, умри узоқ.

**Ротиба, Rotiba** (◇., *ар.*) — маҳкам, собит, яшовчи, умри узоқ қиз.

**Рофи, Rofi** (*ар.*) — юксалувчи, машҳур қилувчи, Аллоҳнинг сифатларидан бири. Аслида *Абдурафиъ*(*қар.*).

**Роқий, Roqiy** (*ар.*) — дуохон, фусунгар, сеҳргар ёки ўсувчи, юксалувчи.

**Роқим, Roqim** (*ар.*) — ёзувчи, хат битувчи, саводхон, билимдон.

**Роқия, Roqiya** (◇., *ар.*) — олға интилувчи, ўсувчи, юксалувчи; илғор, пешво ёки сиғинувчи.

**Роқиб, Roqib** (*ар.*) — посбон, ҳимоячи.

**Роҳат, Rohat** (*ар.*) — ҳузур-ҳаловат, лаззатланувчи; тинч, осуда, фаровон яшовчи.

**Роҳатали, Rohatali** (*ар.*) — ҳузур-ҳаловатда, тинч-фаровон яшасин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Роҳатгул, Rohatqul** (◊., *ар.-фт.*) — тинч-осуда яшасин ва гулдек гўзал қиз бўлсин.

**Роҳатой, Rohatoy** (◊., *ар.-ўз.*) — тинч-осуда яшасин ва ойдек сулув қиз бўлсин.

**Роҳатулла, Rohatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирувчи бандаси ёки Аллоҳ берган осудалик, омад, бахт.

**Роҳатқул, Rohatqul** (◊., *ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг тинч, фаровон яшовчи бандаси.

**Роҳиб, Rohib** (*ар.*) — айнан: тақводор, художўй ёки мурувватли, ҳимматли, кенг феъл.

**Роҳиба, Rohiba** (◊., *ар.*) — меҳрибон, мурувватли, кенг феъл ёки художўй, тақводор аёл.

**Роҳила, Rohila** (◊., *қад.-яҳ.*) — жажжи, сариқ қиз. Исмнинг маъноси тамоман аниқланган эмас.

**Роҳинисо, Rohiniso** (◊., *фт.-ар.*) — йўли очиқ, келажаги порлоқ ёки тартибли, саранжом, одобли қиз.

**Роҳия, Rohiya** (◊., *фт.*) — йўли очиқ, келажаги порлоқ, саранжом.

**Рубиддин, Rubiddin** (*ар.*) — айнан: диннинг қуроли, дин хизматкори, динчи ёки оиладаги тўртинчи бола.

**Рубия, Rubiya** (◊., *ар.*) — динчи, художўй аёл ёки оиладаги тўртинчи фарзанд.

**Рубоба, Ruboba** (◊., *ар.*) — рубоб (уд) асбобини чалувчи қиз; мусиқачи, санъаткор.

**Рудина, Rudina** (◊., *фт.*) — рудга (музика асбобига) ўхшаш, мусиқачи, ширинтил.

**Рудоба, Rudoba** (◊., *ар.*) — шафақ, қизғиш нур, кўркам, нозанин, зебо. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достони қаҳрамони Рустам онасининг исми.

**Рузафзун, Ruzafzun** (*фт.*) — ҳар куни улғайиб, юксалиб борувчи.

**Рузвон, Ruzvon** (◊., *фт.*) — *қар. Ризвон.*

**Рузвонбиби, Ruzvonbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — *қар. Ризвонбиби.*

**Рукнойиддин, Рукниддин, Ruknoyiddin** (*ар.*) — диннинг таянчи, суянчиғи ёки олий нав тиллодек қимматли, бебаҳо.

**Румия, Rumiya** (◊., *ар.-юн.*) — рум элининг қизи. Рум фарзанди.

**Рупия, Rupiya** (◊., *фт.*) — *қар. Руфия.*

**Руслан, Ruslan** (*фт.*) — арслон, довюрак, жасур.

**Руста, Rusta** (◊., *фт.*) — маҳкам, мустаҳкам, турғун ёки яширинган, махфий тутилувчи ёҳуд қишлоқлик, қишлоқ фарзанди.

**Рустам, Rustam** (*паҳл.*) — "Авесто"даги Раодастан сўзидан ясалган бўлиб, улкан гавдали, қудратли довюрак, баҳодир. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достонидаги Зол ўғлининг исми. Шакллари: *Рустамбек, Рустамбой, Рустамхон.*

**Рустамали, Rustamali** (*паҳл.-ар.*) — рустамдек кучли, қудратли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Рустамзод, Rustamzod** (*фт.*) — Рустамнинг наслидан, яъни баҳодирлар, довюраклар наслига мансуб.

**Рустаммирза, Rustammirza** (*фт.*) — *қар. Рустам* (Рустам+Мирза).

**Рустамтой, Rustamtoy** (*фт.-ўз.*) — Рустамдай қудратли ва эркатой, суюкли бола.

**Рустамтўра, Rustamto'ra** (*фт.-ўз.*) — *қар. Рустам* ва *Тўра.*

**Рустамшо, Rustamsho** (*фт.*) — *қар. Рустам* ва *Шоҳ.*

**Рустамқул, Rustamqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Рустам* (Рустам+қул).

**Руфия, Rufiya** (◊., *фт.*) — олтин танга, қимматли, бебаҳо.

**Рухсат, Ruxsat** (*ар.*) — Аллоҳнинг розилиги, рухсати билан дунёга келган бола.

**Рухсатой, Ruxsatoy** (◊., *ар.-ўз.*) — Аллоҳ рози бўлиб берган, Аллоҳнинг илтифоти, муруввати бўлган қиз.

**Рухсор, Ruxsor** (◊., *фт.*) — айнан: ёноқ, юз, чеҳра; зебо, соҳибжамол, гўзал чеҳрали қиз.

**Рухсора, Ruxsora** (◊., *фт.*) — *қар. Рухсор* (Рухсор+а).

**Рухшона, Ruxshona** (◊., *фт.*) — хушрўй, кўркам чеҳрали қиз.

**Рушди, Rushdi** (*ар.*) — ўсувчи, улғаювчи, камолатга етувчи; зийрак, доно.

**Рушти, Rushti** (*ар.*) — англаб, билиб туриб иш тутувчи; хушёр, доно ёки *қар. Рушди.*

**Руқия, Ruqiya** (◊., *ар.*) — сеҳр, тумор ёки ёлвориб, илтижо қилиб олинган қиз.

**Руҳафзо, Ruhafzo** (◊., *ар.-фт.*) — руҳиафзо — руҳ берувчи, жонбахш, жонлантирувчи; шодлик бахш этувчи.

**Руҳдам, Ruhdam** (◊., *ар.-фт.*) — руҳ берувчи, жон киргизувчи, ҳаётбахш.

**Руҳиафзо, Ruhiafzo** (◊., *ар.+фт.*) — *қар. Руҳафзо.*

**Руҳия, Ruhiya** (◊., *ар.*) — жонли, яшовчи, ҳаётбахш.

**Руҳиддин, Ruhiddin** (*ар.*) — диннинг руҳи, ҳаёти; диннинг кучи, қудрати.

**Руҳинисо, Ruhiniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг руҳлангани; шодон, хуррам аёл.

**Руҳитобон, Ruhitobon** (◊., *ар.-фт.*) — равшан, ёрқин; жозибали, ёқимтой.

**Руҳия, Ruhiya** (◊., *ар.*) — руҳ, руҳий ҳолат; ҳуррам, шодон.

**Руҳлиқо, Ruhliqo** (◊., *ар.-фт.*) — завқланган қиёфали, шодон чеҳрали.

**Руҳнавоз, Ruhnavoz** (◊., *ар.-фт.*) — руҳ берувчи, завқ бағишлайдиган, руҳлантирувчи; шодлик ато этувчи.

**Руҳпарвар, Ruhparvar** (◊., *ар.-фт.*) — ҳаётбахш, жонбахш; шодон, бахтиёр.

**Руҳулла, Ruhulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг руҳи. Бу ном Исо(ас)нинг сифатларидан бири бўлган.

**Руҳфазо, Ruhfazo** (◊., *ар.-фт.*) — жонга ором берувчи, жонга оро кирувчи.

**Руҳшод, Ruhshod** (◊., *ар.-фт.*) — шодон чеҳрали, ҳуррам.

**Руҳшона, Ruhshona** (◊., *ар.-фт.*) — нурли, равшан, порловчи; хушрўй зебо.

**Рўёб, Ro'yob** (◊., *фт.*) — *қар. Рўёбнисо.*

**Рўёбнисо, Ro'yobniso** (◊., *фт.*) — орзу ва армонимиз рўёбга, амалга ошиб берилган бола.

**Рўза, Ro'za** (◊., *фт.*) — рўза (рамазон) ойида туғилган бола.

**Рўзаафзун, Ro'zaafzun** (*фт.*) — кундан-кунга юксалувчи умри зиёда бўладиган бола.

**Рўзат, Ro'zat** (*фт.*) — *қар. Рўзатилла.*

**Рўзатилла, Ro'zatilla** (*фт.*) — рўза ойида туғилган тилладек қимматли, азиз бола.

**Рўзаой, Ro'zaoy** (◊., *фт.-ўз.*) — рўза ойида туғилган, ойдек сулув қиз.

**Рўзбеҳ, Ro'zbeh** (*фт.*) — бахтли, хушвақт, бахтиёр.

**Рўзбон, Ro'zbon** (*фт.*) — подшоҳни қўриқловчи посбон, лашкарбоши, саркарда.

**Рўзи, Ro'zi** (*фт.*) — ризқу-насибали, бахтли. Шакллари: *Рўзибек, Рўзибой.*

**Рўзиали, Ro'ziali** (*фт.-ар.*) — Али берган насиба, омад ёки ризқу рўзли бўлиб Али ўз паноҳида асрасин.

**Рўзиаҳмад, Ro'ziahmad** (*фт.-ар.*) — ризқу насибали бўлиб, Аҳмад — Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Рўзибадал, Ro'zibadal** (*фт.-ар.*) — олдинги турмаган фарзандлар эвазига берилган бола, ризқу насибали бўлсин.

**Рўзибегим, Ro'zibeqim** (*фт.-ўз.*) — ризқу насибали, саодатманд қиз.

**Рўзибека, Ro'zibeka** (◊., *фт.-ўз.*) — *Рўзи* ва *Бека.*

**Рўзибуви, Ro'zibuvi** (◊., *фт.-ўз.*) — ризқу насибали, саодатманд қиз.

**Рўзигул, Ro'zigul** (◊., *-фт.*) — ризқу насибали, гулдек кўркам қиз.

**Рўзим, Ro'zim** (*фт.-ар.*) — Рўзи сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Рўзимамат, Ro'zimamat** (*фт.-ўз.*) — *қар. Рўзимуҳаммад.*

**Рўзимат, Ro'zimat** (*фт.-ар.*) — *қар. Рўзимуҳаммад.*

**Рўзименгли, Ro'zimengli** (*фт.-ўз.*) — ризқу насибали ва холдор қиз.

**Рўзимирза, Ro'zimirza** (*фт.*) — *қар. Рўзи* ва *Мирза.*

**Рўзимомо, Ro'zimomo** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Рўзи* ва *Момо.*

**Рўзимоҳ, Ro'zimoh** (◊., *фт.*) — ризқу насибали ва ойдек сулув қиз.

**Рўзимурод, Ro'zimurod** (*фт.-ар.*) — ризқу насибали ва ўз муродига етувчи бола.

**Рўзимуҳаммад, Ro'zimuhammad** (*фт.-ар.*) — ризқу насибали, саодатманд болани Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Рўзин, Ro'zin** (*фт.*) — Рўзиназар, Рўзинисо каби исмларнинг эқ. шакли.

**Рўзиназар, Ro'zinazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг марҳамати(назари) туфайли эришилган ризқ-рўзли бола.

**Рўзиниёз, Ro'ziniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бола ризқу насибали бўлсин.

**Рўзинисо, Ro'ziniso** (◇., *фт.-ар.*) — ризқ-рўзли ва бахтиёр ҳаёт кечирувчи қиз.

**Рўзитурди, Ro'ziturdi** (*фт.-ўз.*) — ризқ-рўзли ўғил турсин, яшасин.

**Рўзитурсин, Ro'ziturs in** (*фт.-ўз.*) — ризқ-рўзли бола яшасин, турсин.

**Рўзитой, Ro'zitoy** (*фт.-ўз.*) — ризқ-рўзли, бахтли ҳамда эркатой, суюкли ўғил.

**Рўзитош, Ro'zitosh** (*фт.-ўз.*) — ризқ-рўзли ва тошдек маҳкам қиз.

**Рўзихол, Ro'zixol** (◇., *фт.*) — хол билан туғилган, ризқ-рўзли бола.

**Рўзиқул, Ro'ziqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг ризқу насибали бандаси.

**Рўшно, Рўшной, Ro'shno** (◇., *фт.*) — ёруғлик, нур; эркин, ҳур, озод.

**Рўя, Рўъё, Ro'ya** (◇., *фт.*) — ўсувчи, улғаювчи, юксак ёки пардали (кўйлакли) бўлиб туғилган қиз.

**Рўябза, Ro'yabza** (◇., *фт.-ар.*) — *қар. Руҳабзо, Руҳиафзо.*

# С

**Сабза, Sabza** (◇., *фт.*) — майса, кўкаламзор, яъни эрта баҳорда туғилган қиз.

**Сабзаали, Sabzaali** (*фт.-ар.*) — илк баҳорда туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Сабзабаҳор, Sabzabahor** (◇., *фт.*) — айнан баҳор кўкати, кўклам майсаси, илк кўкламда туғилган қиз.

**Сабзагул, Sabzagul** (◇., *фт.*) — эрта баҳорда туғилган гулдек гўзал қиз ёки Али ҳаёт бахш этган гул.

**Сабзан, Sabzan** (◇., *фт.*) — яшнаган, барқ урган; ўсувчи, улғаювчи.

**Сабзи, Sabzi** (◇., *фт.*) — сабзи сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Сабзигул, Sabzigul** (◇., *фт.*) — барқ урган яшил гулдек кўркам қиз.

**Сабзина, Sabzina** (◇., *фт.*) — барқ урган, яшнаган кўкатдек кўркам қиз.

**Сабила, Sabila** (◇., *ар.*) — сабил қолгур. Оилада қиз кўп туғилаверса, ўғил туғилсин деб шундай исм берилади.

**Сабина, Sabina** (◇., *ар.*) — қадрли, қимматли, суюкли.

**Сабия, Sabiya** (◇., *ар.*) — кичик, кенжа қиз.

**Сабиқа, Sabiqa** (◇., *ар.*) — тилла, олтин; қимматли, қадрли, азиз ёки *қар. Сабиҳа.*

**Сабиҳа, Sabiha** (◇., *ар.*) — чиройли, гўзал; латиф; хушрўй, малоҳатли.

**Сабо, Sabo** (◇., *ар.*) — тонг ели, шабадаси; ёқимли, мулойим ёки саҳар пайтида туғилган бола. Шакллари: *Сабожон, Сабохон.*

**Сабогул, Sabogul** (◇., *ар.*) — тонгда, саҳарда очилган гул, субҳ гули.

**Саботхон, Sabotxon** (◇., *ар.*) — мустаҳкам, саботли, матонатли.

**Сабоҳ, Saboh** (*ар.*) — *қар. Сабоҳиддин.*

**Сабоҳат, Sabohat** (◇., *ар.*) — кўркамлик, гўзаллик, малоҳат; оқ юзли гўзал.

**Сабоҳиддин, Sabohiddin** (*ар.*) — айнан: дин тонгги; диннинг нури, ёғдуси, зиёси.

**Сабри, Sabri** (◇., *ар.*) — чидамли, тўзимли, сабр-тоқатли. *қар. Сабриддин.*

**Сабриддин, Sabriddin** (*ар.*) — диннинг сабр-тоқатли, чидамли кишиси.

**Сабрия, Sabriya** (◇., *ар.*) — сабр-тоқатли, матонатли қиз.

**Сабрли, Sabrli** (◇., *ар.-ўз.*) — чидамли, тўзимли бола.

**Сабрулла, Sabrulla** (*ар.*) — *қар. Собирулла.*

**Сабура, Sabura** (◇., *ар.*) — ўта чидамли, сабр-тоқатли.

**Савда, Savda** (◇.,*ар.*) — қорачадан келган қиз.

**Савия, Saviya** (◇., *ар.*) — даража, поғона; тенглик; юксаклик.

**Савлатбек, Savlatbek** (*ар.-ўз.*) — савлатли, келишган йигит бўлсин.

**Савлатбиби, Savlatbibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — келишган гавдали ва баланд мартабали қиз.

**Савлатхон, Savlatxon** (◇., *ар.-ўз.*) — савлатли, улуғвор; гўзал кўринишли.

**Савр, Savr** (*ар.*) — Шамсия (қуёш) йил ҳисобининг 2-ойи (апрель)— савр ойида туғилган бола.

**Саври, Savri** (◇., *ар.*) — *қар. Сарви.*

**Савриддин, Savriddin** (*ар.*) — *қар. Сарвиддин.*

**Саврим, Savrim** (*ар.*) — Савриддин исмининг эқ. шакли.

**Саврин, Савринжон, Savrin** (*ар.*) — Савриддин исмининг эқ. шакли.

**Саврон, Savron** (*ар.*) — Шамсия йил ҳисобининг 2-ойи (апрель)— савр ойида туғилган бола. Шакллари: *Савронбой, Савронжон.*

**Савсан, Savsan** (◇., *фт.*) — савсан (лилия) гулидек зебо қиз.

**Савсаной, Savsanoy** (◇., *фт.-ўз.*) — савсан гулидек гўзал ва ойдек сулув қиз.

**Савсар, Savsar** (◊., *ўз.*) — сувсардек (сувсар мўйнасидек) чиройли, қимматли қиз.

**Савур, Savur** (*ар.*) — эронча қуёш йили ҳисобининг 2-ойи — савр (апрель) ойида туғилган бола.

**Савура, Savura** (*ар.*) — савр ойи (апрель)да туғилган қиз.

**Сада, Sada** (*ўз.*) — сада (қайрағоч) дек мустаҳкам, чидамли. Шакллари: *Садабой, Садагул, Садахон.*

**Сададдин, Садиддин, Sadaddin** (*ар.*) — диннинг тўғрилиги; диний адолат, диннинг ютуғи, устунлиги ёки диннинг ҳақгўй, адолатли кишиси.

**Садан, Sadan** (*ар.*) — Садриддин исмининг эқ. шакли.

**Садар, Sadar** (*ар.*) — тўғрилик, адолат; муносабат, мақсад.

**Садат, Sadat** (*ар.*) — Саидлар, аслзодалар авлодига мансуб бола. *Қар. Сайид.*

**Садатқул, Sadatqul** (*ар.-ўз.*) — авлиёларнинг, аслзодаларнинг, Али авлодларининг қули.

**Садаф, Sadaf** (◊., *ар.*) — тишли туғилган бола; садафдек тиш б-н туғилган ёки садафдек бебаҳо, қимматли қиз.

**Садафгул, Sadafgul** (◊., *ар.-фт.*) — садаф тишли гулдек гўзал қиз.

**Садафой, Sadaf** (◊., *ар.-ўз.*) — тиш билан туғилган ойдек сулув қиз.

**Садафхон, Sadafxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Садаф* (Садаф+хон).

**Садахон, Sadaxon** (◊., *ўз.*) — сада қайрағочдек маҳкам, умри узоқ қиз.

**Садбар, Sadbar** (◊., *фт.*) — айнан: юз барг, юз япроқ; қизил гулдек зебо қиз.

**Садбаргнисо, Sadbargniso** (◊., *фт.-ар.*) — қизил гулдек чиройли аёл.

**Садбарнисо, Sadbarniso** (◊., *фт.-ар.*) — *қар. Садбаргнисо.*

**Садбархон, Sadbarxon** (◊., *фт.-ўз.*) — *қар. Садбар* (Садбар+хон).

**Садибой, Sadiboy** (*ар.-ўз.*) — содда, покиза.

**Садид, Sadid** (*ар.*) — маҳкам, мустаҳкам, иродали.

**Садида, Sadida** (◊., *ар.*) — маҳкам, мустаҳкам иродали қиз; лаёқатли, мақбул.

**Садиддин, Sadiddin** (*ар.*) — динни қўриқловчи, динни муҳофаза, ҳимоя қилувчи.

**Садина, Sadina** (◊., *ар.*) — *қар. Саъдинисо.*

**Садиса, Sadisa** (◊., *ар.*) — оиладаги олтинчи фарзанд.

**Садо, Sado** (*ар.*) — товуш, сас, овоз. *Эҳт.: Сада* (*қар.*) ёки *Садорат* (*қар.*).

**Садод, Sadod** (*ар.*) — адолатли, ҳақгўй, тўғри фикрли; ақлли эзгулик тарафдори.

**Садомат, Sadomat** (*ар.*) — зарбали, савлатли; қудратли, баҳодир.

**Садорат, Sadorat** (◊., *ар.*) — юқорида, тўрда ўтирувчи, фахрли ўрин эгаси, раис.

**Садоқат, Sadoqat** (◊., *ар.*) — вафодор, содиқ; чин, самимий дўст.

**Садр, Sadr** (*ар.*) — баланд мартабали, мансабдор; бошлиқ; диний раҳнамо.

**Садрали, Sadrali** (*ар.*) — Али улуғ раҳнамодир.

**Садржон, Sadrjon** (*ар.-фт.*) — улуғ мартабали ва жондек азиз, суюкли бола.

**Садри, Sadri** (*ар.*) — *қар. Садриддин, Садринисо.*

**Садриддин, Sadriddin** (*ар.*) — диннинг баланд мартабали, мансабдор кишиси диний бошлиқ, раҳнамо.

**Садрижаҳон, Sadrijahon** (*ар.-фт.*) — дунёни бошқарувчи. Бу ном XII — XIV асрларда Самарқанд ва Бухорода диний мансабдорлар ва фуқарони бошқарувчиларнинг фахрий унвони бўлган.

**Садриислом, Садрислом, Sadriislom** (*ар.*) — ислом динининг пешқадами, раҳнамоси, бошлиғи.

**Садрия, Sadriya** (◊., *ар.*) — баланд мартабалар эгаси.

**Садрулла, Sadrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, эҳсони ёки Аллоҳнинг хизматчиси, Аллоҳ йўлига бошловчи.

**Садрхон, Sadrxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Садр.* (Садр+хон).

**Саёҳат, Sayohat** (◊., *ар.*) — саёҳат пайтида ёки қариндошлардан бирортаси саёҳатда бўлган пайтда туғилган бола.

**Сажарахон, Sajaraxon** (◊., *ар.-ўз.*) — насл-насаб, авлодининг давоми (давомчиси) бўлган қиз.

**Сажия, Sajiya** (◊., *ар.*) — туғма хусусият, туғма сийратли, яхши хулқли, одобли қиз.

**Сазовор, Sazovor** (◊., *ар.*) — муносиб, лойиқ, арзийдиган.

**Сазоқ, Sazoq** (*ўз.*) — чўл ўсимлиги, саксовул; чўл ўсимлигидек чидамли, тўзимли бўлсин.

**Саид, Said** (*ар.*) — бахтли, саодатли, омадли ёки толеи баланд, ўсувчи, юксалувчи. Шакллари: *Саидбой, Саиджон, Саидхон.*

**Саида, Saida** (◊., *ар.*) — бахтли, саодатманд қиз. Шакллари: *Саидабиби, Саидахон, Саидабону.*

**Саидаббос, Saidabbos** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Аббос.*

**Саидаброр, Saidabror** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Аброр.*

**Саидазим, Saidazim** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Азим* ёки улуғ, улкан бахт ёҳуд Азим (Аллоҳ) берган бахт, саодат.

**Саидакбар, Saidakbar** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Акбар.*

**Саидакрам, Saidakram** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Акрам.*

**Саидали, Saidali** (*ар.*) — Али туҳфа қилган бахт, Алининг муруввати, эҳсони ёки улкан, улуғ бахт соҳиби.

**Саидамин, Saidamin** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Амин.*

**Саидамир, Saidamir** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Амир.*

**Саиданвар, Saidanvar** (*ар.*) — бахт, саодат нури ёки *қар. Саид* ва *Анвар.*

**Саидато, Saidato** (*ар.*) — *қар. Сайидато.*

**Саидафзал, Saidafzal** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Афзал.*

**Саидаъло, Saida'lo** (*ар.*) — улкан, тенгсиз бахт ёки *қар. Саид* ва *Аъло.*

**Саидаҳмад, Saidahmad** (*ар.*) — Аҳмад — Муҳаммад(сав) берган бахт, саодат ёки Муҳаммаднинг ҳурматига сазовор бола.

**Саидаҳрор, Saidahror** (*ар.*) — *Саид* ва *Аҳрор* (Хўжа Аҳрор) берган бахт, саодат, Аҳрорнинг муруввати, эҳсони.

**Саидбадр, Saidbadr** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Бадр.*

**Саидбаттол, Saidbattol** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Баттол.*

**Саидбаҳром, Saidbahrom** (*ар.-фт.<паҳл.*) — *қар. Саид* ва *Баҳром.*

**Саидберган, Saidbergan** (*ар.-ўз.*) — (Аллоҳ) берган бахт, саодат ёки бахтли толеи баланд қилиб берилган бола.

**Саидберди, Saidberdi** (*ар.-ўз.*) — (Аллоҳ) бахт, саодат, яъни фарзанд (ўғил) берди.

**Саидбиби, Saidbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — бахтли ҳамда баланд мартабали қиз.

**Саидбилол, Saidbilol** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Билол* ёки толеи янги ойдек ёрқин, порлоқ бола.

**Саидбоқи, Saidboqi** (*ар.*) — абадий, мангу бахт соҳиби ёки *қар. Саид* ва *Боқи.*

**Саидбурҳон, Saidburhon** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Бурҳон.*

**Саидвали, Saidvali** (*ар.*) — Валий (Аллоҳ) берган бахт, саодат ёки *қар. Саид* ва *Вали.*

**Саидваққос, Saidvaqqos** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Ваққос.*

**Саиддоно, Saiddono** (*ар.-фт.*) — бахтли ҳамда ақлли, зукко бола.

**Саидёр, Saidyor** (*ар.-фт.*) — бахту омад ёр бўлган бола.

**Саидёқуб, Saidyoqub** (*ар.<қад.яҳ.*) — Ёқуб (Яъқуб) пайғамбар берган бахт, саодат ёки *қар. Саид* ва *Ёқуб.*

**Саиджаббор, Saidjabbor** (*ар.*) — *Жаббор* (*қар.*), яъни (Аллоҳ) бахш этган саодат, бахт.

**Саиджалол, Saidjalol** (*ар.*) — улкан, улуғ бахт соҳиби; толеи баланд бола.

**Саиджамил, Saidjamil** (*ар.*) — бахт-саодатли, келишган, чиройли ўғил.

**Саиджамол, Saidjamol** (*ар.*) — бахт-саодатли ва зебо, соҳибжамол ўғил.

**Саиджаҳон, Saidjahon** (*ар.-фт.*) — бир олам бахт, саодат соҳиби.

**Саидиброҳим, Saidibrohim** (*ар.+қад.яҳ*) — Иброҳим(ас) ато қилган бахт, саодат ёки бахтли болани Иброҳим(ас) ўз паноҳида асрасин.

**Саидиддин, Saididdin** (*ар.*) — дин ато қилган бахт ёки диннинг раҳнамоси, дин йўлига бошловчи.

**Саидислом, Saidislom** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Ислом.*

**Саидкамол, Saidkamol** (*ар.*) — мукаммал бахт соҳиби ёки *қар. Саид* ва *Камол.*

**Саидкарим, Saidkarim** (*ар.*) — Карим (Аллоҳ) берган бахт, саодат ёки бахтли-саодатли ҳамда сахий, саховатли бола.

**Саидкомил, Saidkomil** (*ар.*) — мукаммал, бахту саодат соҳиби ёки Комил — Муҳаммад(сав) ато қилган бахт, омад.

**Саидмалик, Saidmalik** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Малик.*

**Саидмамат, Saidmamat** (*ар.*) — *қар. Саидмуҳаммад.*

**Саидмат, Saidmat** (*ар.*) — *қар. Саидмуҳаммад.*

**Саидмақсад, Saidmaqsad** (*ар.*) — бахтли ҳамда мурод-мақсадли бола.

**Саидмақсуд, Saidmaqsud** (*ар.*) — орзиқиб кутилган, исталган бола бахтли, саодатли бўлсин.

**Саидмаҳмуд, Saidmahmud** (*ар.*) — бахтли ҳамда мақтовга сазовор бола ёки Муҳаммад(сав) ато қилган саодат, бахт.

**Саидмирза, Saidmirza** (*ар.+фт.*) — бахтли ҳамда ўқимишли, келишган, мирзо йигит бўлсин.

**Саидмурод, Saidmurod** (*ар.*) — муродимиз, орзуимиз бўлган бола бахтли бўлсин ёки бахтли бўлиб мурод-мақсадига етсин, ёҳуд саодатга эришувчи бола.

**Саидмусо, Saidmuso** (*ар.<қад.яҳ.*) — Мусо(ас) ато қилган бахт ёки *қар. Саид* ва *Мусо.*

**Саидмухтор, Saidmuxtor** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Мухтор.*

**Саидмуҳаммад, Saidmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) ато қилган бахт-саодат ёки *қар. Сайидмуҳаммад.*

**Саиднаби, Saidnabi** (*ар.*) — Наби — Муҳаммад(сав) ато қилган бахт-саодат ёки *қар. Сайиднаби.*

**Саиднисо, Saidniso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг энг омадлиси, бахтлиси.

**Саиднур, Saidnur** (*ар.*) — Нур — Муҳаммад(сав) берган бахт-саодат.

**Саиднуъмон, Saidnu'mon** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Нуъмон.*

**Саидолим, Saidolim** (*ар.*) — бахтли, доно бола ва билимдон ёки *қар. Саид* ва *Олим.*

**Саидомон, Saidomon** (*ар.*) — бахтли, саодатманд йигит омон-эсон бўлсин.

**Саидориф, Saidorif** (*ар.*) — бахтли, саодатманд ва билимдон, олим.

**Саидохун, Saidoxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Саид* ва *Охун.*

**Саидпошша, Saidposhsha** (*ар.-фт.*) — бахтли, саодатли ва улуғ мартаба эгаси.

**Саидрасул, Saidrasul** (*ар.*) — расул (пайғамбар) берган бахт, саодат ёки бахтли бўлиб, пайғамбар — Муҳаммад(сав) қуллаб юрсин.

**Саидраҳим, Saidrahim** (*ар.*) — Раҳим, яъни Аллоҳ берган бахт, саодат ёки бахтли ҳамда мурувватли бола.

**Саидраҳмон, Saidrahmon** (*ар.*) — Раҳмон, яъни Аллоҳ берган бахт-саодат.

**Саидризо, Saidrizo** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Ризо* ёки Аллоҳ сийлаган бахтли, саодатманд бола.

**Саидтилла, Saidtilla** (*ар.-фт.*) — тилладек қимматли, қадрли бола бахтли бўлсин.

**Саидтожи, Saidtoji** (*ар.-фт.*) — тож (хол ёки нишон) б-н туғилган бахтли бола ёки хосиятли хол б-н туғилган бола.

**Саидтой, Saidtoy** (*ар.-ўз.*) — азиз, суюкли ва саодатли бола.

**Саидтўра, Saidto'ra** (*ар.-ўз.*) — тўралар наслидан бўлган бахтли бола.

**Саидфозил, Saidfozil** (*ар.*) — бахтли ҳамда эъзозга сазовор бола.

**Саидхол, Saidxol** (*ар.-фт.*) — хол б-н туғилган бахтли, толеи баланд бола.

**Саидхон, Saidxon** (*ар.-ўз.*) — бахтли ҳамда баланд мартаба эгаси.

**Саидшо, Saidsho** (*ар.-фт.*) — бахтлиларнинг подшоси, бошлиғи, энг юксак саодат соҳиби.

**Саидэшон, Saideshon** (*ар.*) — эшон ато қилган бахт ёки *қар. Саид* ва *Эшон.*

**Саидэҳсон, Saidehson** (*ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси бўлган саодатманд бола.

**Саидўлмас, Saido'lmas** (*ар.-ўз.*) — ўлмасин ва бахтли бўлсин; *Саид* ва *Ўлмас.*

**Саидқаюм, Saidqayum** (*ар.*) — *Қайюм* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган бахт-саодат.

**Саидқори, Saidqori** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Қори.*

**Саидқосим, Saidqosim** (*ар.*) — Қосим, яъни Аллоҳ берган бахт-саодат.

**Саидқул, Saidqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бахтли, толеи баланд бандаси ёки *қар. Саййидқул.*

**Саидғани, Saidg'ani** (*ар.*) — Ғани, яъни Аллоҳ берган саодат ёки бахтли-саодатли ва бой-бадавлат бўлсин.

**Саидғози, Saidg'ozi** (*ар.*) — диннинг бахтиёр жангчиси, ҳимоячиси.

**Саидҳосил, Saidhosil** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Ҳосил.*

**Саидҳусайн, Saidhusayn** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Ҳусайн.*

**Саил //Сайил, Sail** (*ар.*) — муҳтож, қашшоқ ёки кўчага чиқариб ташланган, керакмас, ёҳуд Аллоҳдан сўраб, ёлвориб олинган бола.

**Саила, Saila** (◇., *ар.*) — *қар. Саил* (*Сайил*).

**Саима, Saima** (◇., *ар.*) — рўза тутувчи ёки *қар. Сайима.*

**Саин, Sain** (*муғ.*) — яхши, тузук, энг аъло, шонли, шуҳратли. Бу сўз ўтмишда подшоҳларнинг сифати бўлган.

**Саир //Сайр, Sair** (*ар.*) — оташ, олов, ўт, ловуллаган олов ёки сайр қилувчи, саёҳатчи.

**Саира, Saira** (◇., *ар.*) — *қар. Саир. Эҳт. Саида* (*қар.*).

**Сайди, Saydi** (*ар.*) — Сайди сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг (Сайдимомо, Сайдинисо, Сайдирасул) эқ. шакли.

**Сайдиёр, Saydiyor** (*ар.-фт.*) — *қар. Сайидёр.*

**Сайдимамат, Saydimamat** (*ар.*) — *қар. Сайидмамат.*

**Сайдимуҳаммад, Saydimuhammad** (*ар.*) — *қар. Сайидмуҳаммад.*

**Сайдин, Saydin** (*ар.*) — *Сайдулла, Сайдиддин* (*қар*) исмларининг эқ. шакли.

**Сайдинисо, Saydiniso** (◊., *ар.*) — аёлларни Аллоҳ йўлига бошловчи.

**Сайдирасул, Saydirasul** (*ар.*) — *қар. Сайидрасул.*

**Сайдихон, Saydixon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Сайидхон, Сайдинисо.*

**Сайдиқул, Saydiqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Сайидқул.*

**Сайдиғани, Saydig'ani** (*ар.*) — *қар. Сайидғани.*

**Сайдулла, Saydulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг йўлига бошловчи, Аллоҳнинг содиқ хизматкори ёки Аллоҳнинг олий насаб кишиси; авлиёзода.

**Сайёд, Sayyod** (*ар.*) — овчи.

**Сайёда, Sayyoda** (◊., *ар.*) — овчи қиз.

**Сайёдахон, Sayyodaxon** (◊., *ар.-ўз.*) — баланд мартабали овчи, овчиларнинг аълоси.

**Сайёр, Sayyor** (*ар.*) — сайр қилувчи, кезувчи, саёҳатчи; тезкор ёки истиқболи ёрқин.

**Сайёра, Sayyora** (◊., *ар.*) — тез ҳаракат қилувчи юлдуз; Сайёра планетаси ёки толеи баланд.

**Сайёрали, Sayyorali** (*ар.*) — Алининг юлдузи; Алининг толеи баланд кишиси.

**Сайёҳ, Sayyoh** (*ар.*) — сайр қилувчи, оламни кезувчи.

**Сайёҳиддин, Sayyohiddin** (*ар.*) — дин йўлидан юрувчи.

**Сайид, Sayid** (*ар.*) — айнан: хўжа, эга; бошлиқ, раҳбар. Бу сўз Муҳамад(сав) авлодларининг фахрий унвонидир; аслзода; задагон. Шакллари: *Сайидбой, Сайидбек, Сайиджон.*

**Сайида, Sayida** (◊., *ар.*) — сайидлар, аслзодалар наслидан бўлган қиз.

**Сайидазим, Sayidazim** (*ар.*) — *қар. Саид* ва *Азим.*

**Сайидали, Sayidali** (*ар.*) — Али саркор, бошлиқдир ёки *қар. Сайид* ва *Али.*

**Сайидамин, Sayidamin** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Амин.*

**Сайидамир, Sayidamir** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Амир.*

**Сайидасқар, Sayidasqar** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Асқар.*

**Сайидато, Sayidato** (*ар.*) — *Сайид* ато (авлиё) берган бола.

**Сайидафзал, Sayidafzal** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Афзал.*

**Сайидаҳмад, Sayidahmad** (*ар.*) — Муҳаммад йўлбошчидир, саркордир ёки қар. *Сайид* ва *Аҳмад.*

**Сайидбаттол, Sayidbattol** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Баттол.*

**Сайидбек, Sayidbek** (*ар.-ўз.*) — аслзода, беклар наслига мансуб бола.

**Сайидбека, Sayidbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — аслзодалар, авлиёлар наслига мансуб қиз.

**Сайидберди, Sayidberdi** (◊., *ар.-ўз.*) — авлиё, сиғинилган муқаддас қадамжойдан сўраб, тилаб олинган бола; авлиё ато қилган бола.

**Сайидбиби, Sayidbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — аслзодалар наслига мансуб бўлган баланд мартабали қиз.

**Сайидбилол, Sayidbilol** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Билол.*

**Сайидбурҳон, Sayidburhon** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Бурҳон.*

**Сайидвали, Sayidvali** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Вали.*

**Сайидгул, Sayidgul** (◊., *ар.-фт.*) — аслзодалар, хўжалар наслидан бўлган гулдек гўзал қиз.

**Сайиддин, Sayiddin** (◊., *ар.*) — дин йўлига бошловчи бошлиқ.

**Сайидёр, Sayidyor** (*ар.-фт.*) — азиз авлиёлар ёр бўлсин.

**Сайиджаббор, Sayidjabbor** (*ар.*) — Жаббор, яъни Аллоҳнинг хизматчиси, диний раҳнамоси ёки *қар. Сайид* ва *Жаббор.*

**Сайиджалол, Sayidjalol** (*ар.*) — муқаддас авлиё, диний пешво ёки *қар. Сайид* ва *Жалол.*

**Сайиджамол, Sayidjamol** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб гўзал бола.

**Сайиджон, Sayidjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Сайид* (Сайид+жон).

**Сайиджўра, Sayidjo'ra** (*ар.-фт.*) — *қар. Сайид* ва *Жўра.*

**Сайидзода, Sayidzoda** (*ар.-фт.*) — аслзодалар, хўжалар фарзанди, пайғамбар авлодига мансуб бола.

**Сайидикром, Sayidikrom** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Икром.*

**Сайидислом, Sayidislom** (*ар.*) — шариатнинг (исломнинг) раҳнамоси, пешвоси; ислом йўлига бошловчи.

**Сайидкамол, Sayidkamol** (*ар.*) — етук, билимдон эшон, хўжа ёки *қар. Сайид* ва *Камол.*

**Сайидкарим, Sayidkarim** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Карим* ёки *Карим* (*қар.*), яъни Аллоҳнинг аслзода бандаси.

**Сайидкелди, Sayidkeldi** (*ар.-ўз.*) — аслзода ўғил дунёга келди.

**Сайидкомил, Sayidkomil** (*ар.*) — етук, билимдон, эшон, авлиё, диний пешво.

**Сайидлатиф, Sayidlatif** (*ар.*) — аслзодалар наслининг кўркам, мулойим фарзанди.

**Сайидмамат, Sayidmamat** (*ар.*) — *қар. Сайидмуҳаммад.*

**Сайидмат, Sayidmat** (*ар.*) — *қар. Сайидмуҳаммад.*

**Сайидмаҳмуд, Sayidmahmud** (*ар.*) — авлиё, аслзодаларнинг мақталган, мақтовга сазовор фарзанди.

**Сайидмирза, Sayidmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Сайид* ва *Мирза.*

**Сайидмурод, Sayidmurod** (*ар.*) — аслзодалар наслининг фарзанди улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Сайидмуҳаммад, Sayidmuhammad** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Муҳаммад.*

**Сайиднаби, Sayidnabi** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Наби.*

**Сайидназар, Sayidnazar** (*ар.*) — азиз авлиёлар мурувватi, эътибори (назари)туфайли эришилган бола.

**Сайидназир, Sayidnazir** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Назир.*

**Сайиднасим, Sayidnasim** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Насим.*

**Сайиднафас, Sayidnafas** (*ар.*) — азиз авлиёлар қудрати, (нафаси) туфайли эришилган бола.

**Сайидниёз, Sayidniyoz** (*ар.-фт.*) — азиз авлиё (эшон)дан сўраб, илтижо қилиб олинган бола ёки азиз авлиёларнинг туҳфаси, эҳсони ва сўраб, тилаб олинган аслзодалар авлодига мансуб бола.

**Сайиднисо, Sayidniso** (◇., *ар.*) — аслзодалар (хўжалар) наслига мансуб бўлган қиз.

**Сайиднур, Sayidnur** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Нур.*

**Сайиднуъмон, Sayidnu'mon** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Нуъмон.*

**Сайидой, Sayidoy** (◇., *ар.-ўз.*) — аслзодалар (хўжалар) авлодига мансуб қиз.

**Сайидолим, Sayidolim** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб бола донишманд, олим бўлсин.

**Сайидомон, Sayidomon** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб ўғил соғ-омон улғайсин.

**Сайидориф, Sayidorif** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб бола билимдон, мутаффаккир бўлсин.

**Сайидота, Sayidota** (*ар.-ўз.*) — авлиё (Сайидота)дан сўраб, ўтиниб олинган бола ёки азиз авлиё (сайид)нинг туҳфаси, эҳсони.

**Сайидохун, Sayidoxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Сайид* ва *Охун.*

**Сайидпўлат, Sayidpo'lat** (*ар.-фт.*) — аслзодалар наслига мансуб бола пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Сайидражаб, Sayidrajab** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб ва ражаб ойида туғилган бола.

**Сайидрасул, Sayidrasul** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Расул* ёки расул (Муҳаммад(сав) муқаддасдир.

**Сайидраҳим, Sayidrahim** (◇., *ар.*) — аслзодалар наслига мансуб бола меҳрибон, мурувватли бўлсин ёки *қар. Сайид* ва *Раҳим.*

**Сайидраҳмон, Sayidrahmon** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Раҳмон.*

**Сайидризо, Sayidrizo** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб танланган, сайлаб олинган бола.

**Сайидсултон, Sayidsulton** (*ар.*) — диний пешволарнинг сардори, султони.

**Сайидтемир, Sayidtemir** (*ар.-ўз.*) — аслзодалар наслига мансуб темирдек мустаҳкам, яъни умри узоқ бола.

**Сайидтўғон, Sayidto'g'on** (*ар.-ўз.*) — *қар. Сайид* ва *Тўғон.*

**Сайидумар, Sayidumar** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Умар.*

**Сайидусмон, Sayidusmon** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Усмон.*

**Сайидфозил, Sayidfozil** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб, муносиб, эътиборга лойиқ бола ёки *қар. Сайид* ва *Фозил.*

**Сайидхалил, Sayidxalil** (*ар.*) — *Сайид* ва *Халил.*

**Сайидхол, Sayidxol** (*ар.-фт.*) — аслзодалар наслига мансуб холи б-н туғилган бола.

**Сайидхон, Sayidxon** (*ар.-ўз.*) — аслзодалар (хўжалар) наслига мансуб қиз.

**Сайидхўжа, Sayidxo'ja** (*ар.-фт.*) — аслзода; пайғамбар авлодига мансуб бола ёки хўжаларнинг раҳбари, сардори.

**Сайидча, Sayidcha** (*ар.-фт.*) — аслзодалар наслининг кичик, кенжа фарзанди.

**Сайидшариф, Sayidsharif** (*ар.*) — аслзодаларнинг улуғ, саховатли фарзанди ёки *қар. Сайид* ва *Шариф.*

**Сайидшо, Sayidsho** (*ар.-фт.*) — сайидлар (диний пешволар)-нинг раҳбари, сардори.

**Сайидэсон, Sayideson** (*ар.-ўз.*) — аслзодалар наслига мансуб ўғил эсон-омон бўлсин.

**Сайидюнус, Sayidyunus** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Сайид* ва *Юнус.*

**Сайидяхъё, Sayidyax'yo** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Сайид* ва *Яхъё.*

**Сайидяъқуб, Sayidya'qub** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Сайид* ва *Яъқуб.*

**Сайидўроз, Sayido'roz** (*ар.-ўз.*) — аслзодалар наслидан бўлган бахтли бола.

**Сайидқайюм, Sayidqayyum** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Қайюм.*

**Сайидқилич, Sayidqilich** (*ар.-ўз.*) — улуғлар, аслзодалар наслига мансуб қиличдек ўткир, мустаҳкам бола.

**Сайидқосим, Sayidqosim** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Қосим.*

**Сайидқул, Sayidqul** (*ар.-ўз.*) — аслзодаларнинг, диний пешволарнинг хизматкори, қули.

**Сайидқурбон, Sayidqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган аслзода ёки азиз авлиёларга назр қилинган бола.

**Сайидғани, Sayidg'ani** (*ар.*) — аслзодалар наслига мансуб ўғил бой бадавлат бўлсин ёки *қар. Сайид* ва *Ғани.*

**Сайидғафур, Sayidg'afur** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ғафур.*

**Сайидғаффор, Sayidg'affor** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ғаффор.*

**Сайидғози, Sayidg'ozi** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ғози.*

**Сайидҳабиб, Sayidhabib** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ҳабиб.*

**Сайидҳасан, Sayidhasan** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ҳасан.*

**Сайидҳожи, Sayidhoji** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ҳожи.*

**Сайидҳусайн, Sayidhusayn** (*ар.*) — *қар. Сайид* ва *Ҳусайн.*

**Сайил, Sayil** (*ўз.*) — сайлу томоша, байрам куни туғилган қиз ёки *Саил* (*ар.*) — тиламчи, гадо, яъни тиланиб, илтижо қилиб олинган бола. Шакллари: *Сайилбой, Сайилжон, Сайилхон.*

**Сайим, Sayim** (*ар.*) — рўза тутувчи, рўзадор.

**Сайима, Sayima** (◊., *ар.*) — рўза тутувчи қиз, художўй қиз.

**Сайимназар, Sayimnazar** (*ар.*) — рўза ойида қилинган мурувват, яъни рўза ойида берилган бола.

**Сайимқул, Sayimqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг рўза тутувчи, художўй бандаси; *қар. Сайим* (Сайим+қул).

**Сайина, Sayina** (◊., *ар.*) — маҳкам, мустаҳкам, яъни узоқ умрли.

**Сайир, Sayir** (*ар.*) — *қар. Сайил.*

**Сайис, Sayis** (*ар.*) — отбоқар, отбоқарлар бошлиғи.

**Сайл, Сайил, Sayl** (*ўз.*) — сайлу томоша (байрам) куни туғилган бола.

**Сайлан, Saylan** (◊., *ар.*) — танланган, сайлаб олинган; мақбул, лойиқ бола.

**Сайли, Sayli** (*ар.*) — сайлу томоша (байрам) куни туғилган бола. Шакллари: *Сайлибой, Сайлимирза, Сайлихон.*

**Сайлигул, Sayligul** (◊., *ар.-фт.*) — сайлу томоша (байрам) куни туғилган гулдек чиройли қиз.

**Сайлов, Saylov** (*ўз.*) — сайлов куни туғилган бола.

**Сайловберди, Saylovberdi** (*ўз.*) — сайлов куни ато қилинган бола.

**Сайлонбой, Saylonboy** (*ар.-ўз.*) — сайлу томоша куни (байрам)да туғилган бола. Сол.: *Сайрон.*

**Саймиддин, Saymiddin** (*ар.*) — диннинг моҳир, чаққон фарзанди.

**Сайрам, Sayram** (*ўз.*) — сийрак, тенгсиз, бебаҳо ёки сайру томоша, байрам ёҳуд Сайрам жой номига нисбат берилган исм. Шакллари: *Сайрамбой, Сайрамой, Сайрамхон, Сайрамбиби.*

**Сайрамали, Sayramali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Сайрам* ва *Али.*

**Сайран, Сайрон, Sayran** (*ар.*) — сайр этувчи, кезувчи, саёҳатчи ёки роҳат, ҳузур қилувчи. Шакллари: *Сайронбой, Сайронбиби, Сайронхон.*

**Сайри, Sayri** (◊., *ар.*) — сайр қилиш, ҳузур-ҳаловат қилиш, роҳатланиш. Шакллари: *Сайрибиби, Сайрихон.*

**Сайриддин, Sayriddin** (*ар.*) — диннинг ҳузури, сайру томошаси ёки диннинг ҳузур-ҳаловатда яшовчи кишиси.

**Сайринисо, Sayriniso** (◊., *ар.*) — сайр этувчи, ҳузур-ҳаловатда яшайдиган аёл

**Сайрона, Sayrona** (◊., *ар.*) — *қар. Сайрон.*

**Сайронбиби, Sayronbibi** (◊., *ар.*) — *қар. Сайрон.*

**Сайфан, Sayfan** (*ар.*) — *қар. Сайфулла.*

**Сайфи, Sayfi** (*ар.*) — танланган, сайлаб олинган; омадли ёки қилич, шамшир. Асли: *Сайфиддин, Сайфулла.*

**Сайфиали, Sayfiali** (*ар.*) — Алининг қиличидек маҳкам, мустаҳкам бола.

**Сайфиддин, Sayfiddin** (*ар.*) — дин қиличи; диннинг кучи, қудрати.

**Сайфий, Sayfiy** (*ар.*) — ёз мавсумига оид, ёзда туғилган бола ёки қиличдек мустаҳкам, қиличмонанд бола.

**Сайфинисо, Sayfiniso** (*ар.*) — аёлларнинг жасури, мустаҳками.

**Сайфихўжа, Sayfixo'ja** (*ар.*) — хўжалар наслига мансуб қиличдек маҳкам, ўткир бола ёки хўжаларнинг посбони, халоскори.

**Сайфия, Sayfiya** (◊., *ар.*) — боғ ҳовлида туғилган қиз ёки *қар. Сайфи.*

**Сайфияздон, Sayfiyazdon** (*ар.-фт.*) — Тангрининг қиличи, шамшири ёки Аллоҳнинг қиличдек ўткир, маҳкам бандаси.

**Сайфиқора, Sayfiqora** (*ар.-ўз.*) — қиличдек мустаҳкам, қудратли бола.

**Сайфулла, Sayfulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг қиличи. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифати бўлган.

**Сайфулислом, Sayfulislom** (*ар.*) — ислом қиличи; исломнинг кучи, қудрати.

**Сайфулмалик, Sayfulmaliq** (*ар.*) — шоҳнинг, подшоҳнинг қиличи; қудрати.

**Сайфулмулк, Sayfulmulk** (*ар.*) — подшоҳнинг, ҳукмроннинг қиличи, қудрати.

**Сайфур, Sayfur** (◇., *ар.*) — нафис шойи матодек (сайфур) мулойим, ёқимли; қимматли.

**Сайхон, Sayxon** (*ар.-ўз.*) — яхши, мақбул, арзийдиган. Эҳт. *Сайидхон.*

**Сайхуна, Sayxuna** (◇., *ар.*) — умри Сайхун дарёсидек тўлиқ ва тинимсиз бўлсин.

**Сайқал, Sayqal** (*ар.*) — кўркам, чиройли, келишган.

**Сайғақ, Saygʻaq** (*ўз.*) — сайғоқдек эпчил, мустаҳкам, узоқ умрли бўлсин.

**Сакбой, Sakboy** (*фт.*) — хушёр, зийрак бола.

**Сакина, Сокина, Sakina** (◇., *ар.*) — *қар. Сокина.*

**Сакит, Сокит, Sakit** (*ар.*) — босиқ, осойишта; мўмин-қобил бола.

**Сакия, Sakiya** (◇., *фт.*) — хушёр, зийрак қиз ёки сакларга мансуб қиз, саклар фарзанди.

**Сакиз, Саккизбой, Sakkiz** (*ўз.*) — оиладаги саккизинчи ўғил, саккизинчи фарзанд.

**Саккизхон, Sakkizxon** (◇., *ўз.*) — оиладаги саккизинчи фарзанд.

**Саксон, Sakson** (*ўз.*) — отаси саксон ёшлигида туғилган ўғил ёки соғ улғайиб саксонга кирсин. Шакллари: *Саксонбой, Саксонмирза.*

**Саксонмурод, Saksonmurod** (*ўз.-ар.*) — отаси саксон ёшлигида туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин ёки отаси саксон ёшлигида эришилган орзу, умид.

**Саксонтўра, Saksontoʻra** (*ўз.*) — *қар. Саксон* ва *Тўра.*

**Сактош, Saktosh** (*фт.-ўз.*) — жасур, зийрак бола тошдек мустаҳкам бўлсин, ёки *Сак — Саг* (ит) йилида туғилган тошдек мустаҳкам бола.

**Салавот, Salavot** (*ар.*) — мақтов, олқиш, шукрона; Аллоҳнинг мурувавати, яхшилиги.

**Салаватулла, Salavatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мурувавати, яхшилиги; эҳсони ёки Аллоҳга шукроналар бўлсин.

**Салим, Salim** (*ар.*) — соғлом, эсон-омон яшовчи, умри узоқ ёки соддадил, самимий, дилкаш. Шакллари: *Салимбой, Салимбек, Салимжон, Салимхон.*

**Салима, Salima** (◊., *ар.*) — соғлом, умри узоқ қиз ёки самимий, дилкаш, вафодор қиз; яхши наслга мансуб қиз.

**Салимбек, Salimbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслига мансуб соғлом бола ёки беклар наслидан бўлган соддадил, дилкаш бола.

**Салимберди, Salimberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ соғлом, бақувват ўғил ато қилди.

**Салимиддин, Salimiddin** (*ар.*) — диннинг соғлом боласи ёки диннинг соддадил самимий кишиси.

**Салиммирза, Salimmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Салим* ва *Мирза.*

**Салимназар, Salimnazar** (*ар.*) — *қар. Салим* ва *Назар.*

**Салимтурди, Salimturdi** (*ар.-ўз.*) — соғу саломат туради, умри узоқ бўлади.

**Салимтўра, Salimto'ra** (*ар.-ўз.*) — соғу саломат бўлиб, келишган, ўқимишли йигит бўлсин ёки *қар. Салим* ва *Тўра.*

**Салимулла, Salimulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг соғлом бандаси ёки Аллоҳнинг паноҳида бўлган бола.

**Салимхон, Salimxon** (*ар.-ўз.*) — соғ-саломат бўлиб, баланд мартабаларга эришсин.

**Салимхўжа, Salimxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб соғлом, бақувват бола.

**Салимшо, Salimsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Салим* ва *Шо(ҳ).*

**Салимқул, Salimqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг соғлом, мўмин-қобил бандаси.

**Салиқа, Saliqa** (◊., *ар.*) — табиат, завқ, истак ёки маълум мақсад йўлидан борувчи, мақсад томон интилувчи.

**Салмон, Salmon** (*ар.*) — беозор, ювош, мулойим; тинч, осойишта ёки соғу саломат, беҳбуд. Шакллари: *Салмонбой, Салмонмирза, Салмонқул.*

**Салмонқул, Salmonqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг ювош, мўмин-қобил бандаси.

**Салобат, Salobat** (◊., *ар.*) — улуғлик, маҳобатли; кўркам; мустаҳкам.

**Салобатхон, Salobatxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Салобат* (Саломатхон).

**Саловат, Salovat** (*ар.*) — *қар. Салават, Салаватулла.*

**Салом, Salom** (*ар.*) — тинчлик, соғлиқ, омонлик. Асли: *Абдусалом* ёки Салом сўзи б-н бошланадиган қўшма исмларнинг эқ. шакли: *Саломулла* ва б.

**Саломат, Salomat** (*ар.*) — тинчлик, осойишталик, эсон-омонлик.

**Саломатали, Salomatali** (*ар.*) — тинч-омон бўлиб, Али ўз паноҳида асрасин.

**Саломатулла, Salomatulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган тинчлик, хотиржамлик ёки Аллоҳнинг тинч, хотиржам бандаси.

**Саломбек, Salombek** (*ар.*) — беклар наслидан бўлган бола тинч, осойишта ўссин.

**Саломберган, Salombergan** (*ар.-ўз.*) — Салом, яъни тинч, осойишталик ато этувчи, бало-қазолардан асровчи, яъни (Аллоҳ) берган бола.

**Саломберди, Salomberdi** (*ар.-ўз.*) — тинчлик, осойишталик ато этувчи, бало-қазолардан сақловчи, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Саломиддин, Salomiddin** (*ар.*) — айнан: Аллоҳ Таоло дини; Аллоҳ динини мадҳ этувчи бола.

**Саломмирза, Salommirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Салом* ва *Мирза.*

**Саломулла, Salomulla** (*ар.*) — Аллоҳ тинчлик, осойишталик сақловчидир ёки Аллоҳ нажоткор, халоскор, бўлган бола.

**Саломхон, Salomxon** (◊., *ар.-ўз.*) — соғу саломат улғайиб баланд мартаба ва ҳурматларга сазовор бўлсин.

**Саломхўжа, Salomxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бўлган ўғил, тинч ва осойишта ўссин.

**Саломқул, Salomqul** (*ар.-ўз.*) — *Салом* (*қар.*), яъни Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Салор, Salor** (*ар.*) — бошчи, йўлбошчи, саркарда.

**Салоҳ, Saloh** (*ар.*) — рост, тўғри, ҳалол; ҳақгўй. Асли: *Салоҳиддин.*

**Салоҳиддин, Salohiddin** (*ар.*) — диннинг яхшилиги, эзгулиги; дин бахш этувчи иқбол, саодат ёки диннинг саодатли фарзанди.

**Салоҳият, Salohiyat** (*ар.*) — иқтидорли, қобилиятли бола.

**Салсабил, Salsabil** (◊., *ар.*) — тоза, тиниқ, ширин. Жаннатда оқиб турувчи булоқнинг номи.

**Салтанат, Saltanat** (◊., *ар.*) — айнан: ҳокимият, ҳукмронлик; улуғлик, улуғворлик.

**Самад, Samad** (*ар.*) — абадий, боқий, мангу турувчи. Бу ном Аллоҳ Таоланинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдусамад* (*қар.*). Шакллари: *Самадбой, Самаджон.*

**Самадали, Samadali** (*ар.*) — *қар. Самад* ва *Али.*

**Самаддин, Samaddin** (*ар.*) — диннинг абадийлиги, боқийлиги ёки диннинг узоқ умрли фарзанди.

**Самадмирза, Samadmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Самад* ва *Мирза.*

**Самадой, Samadoy** (◊., *ар.-ўз.*) — умри боқий, узоқ яшовчи, ойдек сулув қиз.

**Самадтурди, Samadturdi** (*ар.-ўз.*) — умри узоқ бола ёки Аллоҳ берган боланинг умри узоқ бўлсин.

**Самадулла, Samadulla** (*ар.*) — Аллоҳи таоло абадий, мангудир ёки Аллоҳнинг умри боқий, умри узоқ бандаси.

**Самадхўжа, Samadxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган умри узоқ бола.

**Самадқул, Samadqul** (*ар.-ўз.*) — абадий мавжуд бўлувчи, боқий турувчининг Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Самадқўзи, Samadqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Самад* ва *Қўзи.*

**Саман, Саманбой, Saman** (*ар.*) — *қар. Саманд, Самандар* исмларининг эқ. шакли ёки ранги сариқ, ёли ва қуйруғи қора рангли от — саман (д) от (арғумоқ).

**Самангул, Samangul** (◇., *ар.-фт.*) — оқ ёки сариқ рангли хушҳидли гул (ёсмин, суман), яъни самандек чиройли, гўзал қиз.

**Самандар, Samandar** (*ар.<юн.*) — саламандра — ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшовчи, каламушсимон, афсонавий ҳайвон (қуш) номи. Самандар ўша номнинг арабча шакли. Исм сифатида чидамли, иродали, мустаҳкам, яъни ўлмас, яшайдиган маъноларини беради.

**Самар, Samar** (*ар.*) — айнан: ҳосил, натижа мева. *Қар. Самариддин.*

**Самара, Samara** (◇., *ар.*) — умр меваси, ҳаёт меваси ёки умри самарали, узоқ бўлсин.

**Самариддин, Samariddin** (*ар.*) — диннинг меваси, дин бахш этган бола; диннинг совғаси, эҳсони ёки динга фойда, наф келтираётган бола.

**Самария, Samariya** (◇., *ар.*) — самарали, ризқ-насибали қиз.

**Самархон, Samarxon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Самар* (Самар+хон).

**Самбит, Sambit** (◇., *фт.*) — самбитгул ёки самбит толдек зебо, хушбичим, нозик қиз.

**Сами, Sami** (*ар.*) — эшитувчи, тингловчи. Аллоҳнинг сифатларидан бири. Асли: *Абдусами — Абдусомеъ* (*қар.*).

**Самиа — Сомия — Самия, Samia** (◇., *ар.*) — зийрак, сезгир, доно қиз.

**Самим, Samim** (*ар.*) — самимий, оққўнгил, софдил.

**Самин, Samin** (*ар.*) — қадрли, азиз, қимматли. Шакллари: *Саминбой, Саминжон.*

**Самина, Samina** (◇., *ар.*) — қадрли, иззат-обрўли қиз ёки Самин (гул)дек чиройли, зариф қиз.

**Самингул, Samingul** (◇., *ар.-фт.*) — самингулдек зебо қиз.

**Самир, Samir** (*ар.*) — суҳбатдош, ҳамсуҳбат ёки сувсардек қимматли.

**Самира, Samira** (◇., *ар.*) — суҳбатдош, дилкаш қиз.

**Самит, Samit** (*ар.*) — сокин, осойишта, осуда.

**Самиулла //Самиъулла — Самиғулла, Samiulla** (*ар.*) — Аллоҳ ҳамма нарсани эшитувчи, билувчидир ёки Аллоҳнинг сўзини тингловчи, унга қулоқ солувчи бола.

**Самия, Samiya** (◇., *ар.*) — *Сами-Самиъ* исмининг (*қар.*) аёллар номи шакли ёки отдош (исмдош, адаш) қиз.

**Самиқ, Самиғ, Самиғжон, Samiq** (*ар.*) — *Сомий* (*қар.*) исмининг маҳаллий (шевавий) талаффуз шакли.

**Самохон, Samoxon** (◇., *ар.*) — кўк, само қизи, яъни тангрининг фарзанди ёки *қар. Самоъ-Самиъ* эшитувчи, тингловчи.

**Санавбар, Санобар, Sanavbar** (◊ ., *ар.*) — хушқомат, чирой дарахтининг номи, санавбардек гўзал, келишган, хушбичим қиз.

**Санам, Sanam** (◊ ., *ар.*) — айнан: бут; мажусийлар топинадиган маъбуда; кўчма маънода гўзал, зебо; суюкли, қадрли қиз. Шакллари: *Санамбиби, Санамбу, Санамгул, Санамжон, Санамой, Санамхон.*

**Санамгул, Sanamgul** (◊ ., *ар.-фт.*) — келишган, хушқомат ва гулдек зебо, дилбар қиз.

**Санамой, Sanamoy** (◊ ., *ар.-ўз.*) — келишган, хушқомат ва ойдек сулув, гўзал қиз.

**Сангали, Sangali** *(фт.-ар.)* — тошдек мустаҳкам ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Сангарбой, Sangarboy** (*фт.*) — йўлдош, ота-онасига йўлдош бўлиб юрсин.

**Сангбас, Sangbas** (*фт.*) — тошдек мустаҳкам, яъни яшовчи умри узоқ бола.

**Сангбой, Sangboy** (*фт.-ўз.*) — тошдек мустаҳкам бола, яъни яшайдиган умри узоқ бола.

**Сангзор, Sangzor** (*фт.*) — тошлоқ, қаттиқ, маҳкам ер, тошлоқдек мустаҳкам, яъни яшайдиган бола.

**Санги, Sangi** (◊ ., *фт.*) — айнан: тошга оид, тош каби маҳкам, яъни яшайдиган қиз. Шакллари: *Сангил, Сангилбой,* (фт.) — *қар. Сангин, Сангинбой.*

**Сангилтош, Sangiltosh** (◊ ., *фт.-ўз.*) — асли: *Сангинтош.* Сангин — тошдек мустаҳкам. Бу ерда тожикча ва ўзбекча тош маъноли сўзлар қўшилган: «Тошдек мустаҳкам тош» маъноси келиб чиққан.

**Сангин, Sangin** (*фт.*) — тошдек мустаҳкам, яъни яшайдиган, умри узоқ бола. Шакллари: *Сангинбой, Сангинжон.*

**Сангина, Sangina** (◊ ., *фт.*) — тошдек маҳкам, мустаҳкам, яъни яшаб кетадиган қиз.

**Сангинмирза, Sanginmirza** (*фт.*) — *қар. Сангин* ва *Мирза.*

**Сангинмурод, Sanginmurod** (*фт.-ар.*) — тошдек мустаҳкам бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Сангиной, Sanginoy** (◊ ., *фт.-ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва ойдек сулув қиз.

**Сангир, Сангирбой, Sangir** (*фт.*) — айнан: тусиқ, ғов, қўрғон, яъни ҳимояланган; маҳкам, мустаҳкам бола ёки баланд, юксак, улуғ мартабали.

**Сангиртош, Sangirtosh** (*фт.-ўз.*) — улкан тошдек, тошқўрғондек, мустаҳкам, яъни яшайдиган, умри узоқ бола. Сол.: *Сангилтош.*

**Сангмуҳаммад, Sangmuhammad** (*фт.-ар.*) — тошдек маҳкам, умри узоқ бўлиб, Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Сангча, Sangcha** (◊ ., *фт.*) — айнан: кичик тош, тошдек мустаҳкам қиз.

**Сандал, Sandal** (◊., *ҳинд.*) — хушбўй, чиройли дарахт (сандал) дек зебо қиз ёки кўчма маънода: олижаноб, виждонли; пок, мард.

**Санжар, Sanjar** (*ар.*) — айнан: санчмоқ, пичоқ б-н урмоқ; шиддатли, ўткир, кучли ёки қалъа, қўрғон, ёҳуд ғолиб музаффар.

**Санжара, Sanjara** (◊., *ар.*) — шиддаткор, жасур қиз; мустаҳкам, чидамли қиз.

**Санжармирза, Sanjarmirza** (*ар.-фт.*) — зукко, ўткир, билимдон ёки *қар. Санжар* ва *Мирза.*

**Санжартилла, Sanjartilla** (*ар.-фт.*) — шиддаткор, ўткир ва тилладек қимматли бола.

**Санжарқул, Sanjarqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Санжар* (Санжар+қул).

**Санзор, Sanzor** (*фт.*) — *қар. Сангзор.*

**Сано, Sano** (*ар.*) — мадҳ, мақтов, таҳсин, шукроналар айтиш асли: *Саноулла.*

**Саноат, Sanoat** (*ар.*) — санъаткор, нафосат ижодкори ёки ризқу насибали, бадавлат. Саноат исми мамлакатни саноатлаштириш даври б-н боғлиқ ҳолда пайдо бўлган бўлиши ҳам эҳт.

**Саноатулла, Sanoatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг кўркам, гўзал бандаси, Аллоҳнинг кўркам, ҳунарлар соҳиби бўлган бандаси.

**Санобар, Sanobar** (◊., *ар.*) — *қар. Санавбар.*

**Санор, Санорбой, Sanor** (*фт.*) — лой, балчиқ; ёмон, ифлос. Болани ёмон кўздан асраш учун берилувчи исм.

**Саноулла, Sanoulla** (*ар.*) — Аллоҳга миннатдорчилик билдирувчи шукроналар айтувчи бола.

**Санохон, Sanoxon** (◊., *ар.*) — Аллоҳни мадҳ қилувчи, Аллоҳга шукроналар айтувчи қиз ёки мақтовга, таҳсинга лойиқ қиз.

**Санохўжа, Sanoxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Сано, Саноулла. Асли: Саноулхўжа* ёки хўжалар наслидан бўлган мақтовга лойиқ бола.

**Саноқул, Sanoqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳни мадҳ этувчи, олқишловчи, унга шукроналар қилувчи.

**Санталат, Santalat** (◊., *ар.*) — асли: *Салтанат* — улуғворлик, буюклик, маҳоватлилик.

**Санъат, San'at** (*ар.*) — чиройли касб эгаси, чиройли ҳунарлар соҳиби; моҳир, уддабурон бола.

**Санъатгул, San'atgul** (◊., *ар.-фт.*) — чиройли ҳунарлар соҳибаси бўлган гулдек сулув қиз.

**Санъатилла, Санъатулла, San'atilla** (*ар.*) — Аллоҳнинг гўзал ҳунарлар соҳиби бўлган бандаси.

**Саодат, Saodat** (*ар.*) — бахтли, иқболли, бахтиёр.

**Саодатали, Saodatali** (*ар.*) — Али бахш этган бахт, толе; Алининг эҳсони туҳфаси.

**Саодатбек, Saodatbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган бахтиёр, саодатманд бола.

**Саодатбека, Saodatbeka** (*ар.-ўз.*) — бахтли ва баланд мартабали қиз.

**Саодатвали, Saodatvali** (*ар.*) — *қар. Саодат* ва *Вали.*

**Саодатгул, Saodatgul** (◇., *ар.-фт.*) — бахтли ва гулдек гўзал қиз.

**Саодатнур, Saodatnur** (*ар.*) — бахт, иқбол нури; толеи баланд бола ёки Нур, яъни Аллоҳи таоло бахшида этган бахт.

**Саодатулла, Saodatulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган бахт, саодат.

**Саодатхон, Saodatxon** (◇., *ар.*) — бахтли ҳамда баланд мартабали, иззат-обрўли қиз.

**Саодатқул, Saodatqul** (*ар.-ўз.*) — бахтли, иқболли қул, банда ёки Муҳаммад(сав) авлодларининг хизматкори, қули.

**Сапида, Sapida** (◇., *фт.*) — айнан: тонг пайти, тонг ёришган пайтда туғилган қиз ёки оппоқ, покиза; оқлик (упа) б-н ороланган.

**Сапсар, Sapsar** (◇., *фт.*) — сапсаргулдек чиройли, ёқимтой қиз.

**Сарабек, Sarabek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган, танланган, энг яхши, мумтоз қиз.

**Сарабой, Saraboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Сарабек.*

**Сарагул, Saragul** (◇., *фт.*) — танланган, сараланган, энг аъло гул.

**Саранжом, Saranjom** (◇., *фт.*) — тартибли, интизомли, сарафроз, саришта.

**Сарафроз, Sarafroz** (◇., *фт.*) — мағрур, хурсанд, бахтиёр, бахтли.

**Сарбаланд, Sarbaland** (*фт.*) — бахтиёр, боши осмонга етган, омадли, мағрур ёки тўсиқ, тўғон, ҳимояланган, мустаҳкам.

**Сарбоз, Sarboz** (*фт.*) — аскар, солдат, ҳарбий хизматкор.

**Сарбой, Sarboy** (*ўз.*) — *қар. Сарибой* ёки оиладаги биринчи фарзанд ёҳуд пишиқ, мустаҳкам бош бола.

**Сарбола, Sarbola** (*фт.*) — оиладаги бош бола ёки маҳкам, чидамли бола.

**Сарвар, Sarvar** (*фт.*) — йўлбошчи, бошлиқ, раҳнамо.

**Сарварбиби, Sarvarbibi** (◇., *фт.-ҳинд.*) — *қар. Сарвар* ва *Биби.*

**Сарваргул, Sarvargul** (◇., *фт.*) — гулдек сулув қиз, қизларнинг раҳнамоси, сарвари бўлсин ёки гулдек сулув қиз баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Сарвариддин, Sarvariddin** (*ар.*) — дин йўлига етакловчи, раҳнамо ёки динчилар, мусулмонларнинг раҳбари, сарвари.

**Сарварнисо, Sarvarniso** (◇., *ар.-фт.*) — аёлларнинг сардори, йўлбошчиси; аёлларнинг энг доноси, ақллиси.

**Сарварой, Sarvaroy** (◇., *фт.-ўз.*) — қизларнинг энг аълоси, раҳбари бўлган ойдек сулув қиз.

**Сарвархон, Sarvarxon** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Сарвар* (Сарвар+ – хон).

**Сарват, Sarvat** (*ар.*) — бой, бадавлат, рисқу рўзли, мол-дунёси кўп ёки Сарвад — қўшиқ, достон, яъни шодон, бахтиёр.

**Сарви, Sarvi** (◊., *фт.*) — асли: тикка ўсадиган, хушқомат дарахт (кипарис); келишган, хушқомад қиз, сарвиқомад. *Сарвинисо* (*қар.*).

**Сарвигул, Sarvigul** (◊., *фт.-ар*) — сарвдек хушқомат, бўйи-басти кўркам, зебо қиз.

**Сарвиддин, Sarviddin** (◊., *фт.-ар.*) — айнан: диннинг сарвдек гўзаллиги ёки диннинг хушқомат, сарвдек кўркам фарзанди.

**Сарвижамол, Sarvijamol** (◊., *фт.-ар.*) — сарв ҳуснли, сарвқомат, сарвдек зебо қиз.

**Сарвижаҳон, Sarvijahon** (◊., *фт.*) — оламдаги энг соҳибжамол, ҳушқомат қиз.

**Сарвикамол, Sarvikamol** (◊., *фт.-ар.*) — етуклик, камолат соҳиби бўлган сарвдек хушқомад, сулув қиз.

**Сарвин, Сарбин, Sarvin** (◊., *фт.-ар.*) — хушқомад, бўйи-басти чиройли қиз, ёки *Сарвинисо* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Сарвиниёз, Sarviniyoz** (◊., *фт.*) — ўтиниб, сўраб олинган сарвдек зебо қиз.

**Сарвинисо, Sarviniso** (◊., *фт.-ар.*) — сарвдек хушқомад аёл ёки аёлларнинг энг чиройлиси.

**Сарвиноз, Sarvinoz** (◊., *фт.*) — тик қоматли, бўйи-басти келишган қиз.

**Сарвиравон, Sarviravon** (◊., *фт.*) — келишган сарвдек тик қоматли гўзал; пок қалбли қиз.

**Сарвия, Sarviya** (◊., *фт.-ар.*) — сарвмонанд, хушқоматли қиз.

**Сарвқад, Sarvqad** (◊., *фт.-ар.*) — хушқомат, бўйи-басти келишган, гўзал қиз.

**Сардор, Sardor** (*фт.*) — етакчи, бошлиқ; уруғ ёки қабила бошлиғи, лашкар бошлиғи, қўмондон. Шакллари: *Сардорбой, Сардоржон.*

**Сардорбу, Сардорбуви, Sardorbu** (◊., *фт.-ўз.*) — раҳнамо, раҳбар бўлувчи қиз.

**Сардорхон, Sardorxon** (*фт.-ўз.*) — айнан: хонларнинг бошлиғи, пешвоси, раҳнамоси ёки *қар. Сардор* (Сардор+хон).

**Сардорқул, Sardorqul** (*фт.-ўз.*) — лашкарбоши, йўлбошчининг хизматчиси, қули.

**Саржиға, Sarjig'a** (◊., *фт.*) — тўй ва тантаналарда бола бошига кийдириладиган махсус безакли буюм. Сол.: *Жиға.*

**Сари, Sari** (*ўз.*) — айнан: сариқ рангли бола, сариқ сочли бола ёки таниқли, машҳур; оксуяклар, аслзодалар авлодига мансуб.

**Сариали, Sariali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Сари* ва *Али.*

**Сарибек, Saribek** (*ўз.*) — беклар наслидан бўлган сариқ сочли бола ёки беклар наслига мансуб баланд мартабали бола.

**Сарибиби, Saribibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — сариқ сочли ва баланд мартабали қиз.

**Сарибой, Sariboy** (*ўз.*) — сариқ сочли бола ёки сарибой уруғига мансуб бола.

**Сарибола, Saribola** (*ўз.*) — сариқ сочли бола.

**Сариботир, Saribotir** (*ўз.*) — баҳодирларнинг сардори ёки ботирларнинг энг кучли, қудратлиси.

**Сарибош, Saribosh** (*ўз.*) — сариқ сочли бўлиб туғилган бола ёки сарибош (қипчоқ ўзбекларидан) уруғига мансуб бола.

**Саригул, Sarigul** (◊., *ўз.-фт.*) — сариқ сочли гулдек кўркам қиз.

**Сарижон, Sarijon** (*ўз.-фт.*) — сариқ сочли ва жондан азиз, суюкли бола.

**Сарим, Sarim** (*ўз.-ар.*) — сари сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли: *Саримуҳаммад, Саримирза* каби.

**Саримамат, Sarimamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Саримуҳаммад.*

**Саримирза, Sarimirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Сари* ва *Мирза* ёки мирзолар авлодига мансуб бўлган таниқли бола.

**Саримсоқ, Sarimsoq** (*ўз.*) — аччиқ, бадбўй, яъни ёмон бола. Саримсоқ чақалоқни кўз тегишдан, ёвуз кучлардан асрайди деб ишонилади.

**Саримсоқали, Самсоқали, Sarimsoqali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Саримсоқ* ва *Али* ёки эътиборга арзимас, "ёмон" болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Саримурод, Sarimurod** (*ўз.-ар.*) — сариқ сочли бола улғайиб мурод мақсадига етсин.

**Саримуҳаммад, Sarimuhammad** (*ўз.-ар.*) — сариқ сочли болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Сариназар, Sarinazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, назари туфайли эришилган сариқ сочли бола.

**Сарииёз, Sariniyoz** (*ўз.-фт.*) — тилаб, ўтиниб, илтижо қилиб олинган сариқ сочли (рангли) бола.

**Сарипўлат, Saripo'lat** (*ўз.-фт.*) — сариқ сочли (рангли) пўлатдек мустаҳкам, яъни умри узоқ бола.

**Сарисоч, Sarisoch** (*ўз.*) — сариқ соч б-н туғилган бола.

**Саритой, Saritoy** (*ўз.*) — сариқ соч (ранг)ли қадрли, эркатой ўғил.

**Сарихон, Sarixon** (*ўз.*) — сариқ соч (ранг)ли бола баланд мартабаларнинг соҳиби бўлсин.

**Сарихўжа, Sarixo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб сариқ соч (ранг)ли бола.

**Сариштa, Сариштахон, Sarishta** (◊., *фт.*) — пухта, озода, тартибли қиз.

**Сария, Сорияхон, Sariya** (◊., *ўз.*) — сариқ соч (ранг)ли қиз ёки машҳур, таниқли, аслзода қиз. *Саррия* — чўри, чўри қиз.

**Сариқ, Sariq** (*ўз.*) — сариқ сочли (ранг)ли бола; ёки танлаб олинган аъло бола ёхуд сариҳ — очиқ, равшан, нурли.

**Сарикул, Sariqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг сариқ соч (ранг)ли бандаси.

**Сариғбош, Sarig'bosh** (*ўз.*) — сариқ соч (ранг)ли бола.

**Сариҳа, Sariha** (◇., *ар.*) — аниқ, равшан, нурли, яъни толеи баланд бола.

**Саркабой, Sarkaboy** (*ўз.*) — саркадек кучли, бақувват бўлсин ёки сарка уруғига мансуб бола.

**Саркарда, Sarkarda** (*фт.*) — йўлбошчи, раҳбар; ҳарбий бошлиқ, қўмондон.

**Саркаш, Sarkash** (*фт.*) — ўжар, итоат қилмовчи, бебош, мустақил равишда олдинга интилувчи, ўзига ишонган.

**Саркор, Sarkor** (*фт.*) — йўлбошчи, раҳбар; кузатувчи, назорат этувчи. Шакллари: *Саркорбек, Саркоржон.*

**Саркормирза, Sarkormirza** (*фт.*) — мирзалар бошлиғи, раҳбари, мирзабоши.

**Сармад, Sarmad** (*фт.*) — абадий, боқий, ҳамиша барҳаёт, яъни яшовчи бола.

**Сарман, Сармон, Sarman** (*муғ.//фт.*) — ойсимон, оймонанд, ойдинда туғилган бола ёки туя боқувчи, туякаш ёҳуд бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи.

**Сармаст, Sarmast** (*фт.*) — қувноқ, бахтиёр; омадли, омад кулиб боққан.

**Сармонқул, Sarmonqul** (*фт.*) — *қар. Сармон* (Сармон+қул).

**Сарнасил, Sarnasil** (*фт.-ар.*) — авлодга (оилага, наслга) асос солувчи, яъни оиладаги тўнғич бола.

**Сарниёз, Sarniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бош (тўнғич) бола.

**Сарой, Saroy** (*фт.*) — қаср, қўрғон, карвонлар манзили; умри саройдек тўлиқ, обод бўлсин ёки сарой уруғига мансуб бола.

**Саройбон, Saroybon** (*фт.*) — саройнинг, карвонсаройнинг эгаси, бошлиғи ёки бой, бадавлат.

**Саромад, Саромадхон, Saromad** (◇., *фт.*) — олдинда юрувчи, пешво; билимдон, уста, моҳир.

**Сариҳат, Сариҳатхон, Sarihat** (◇., *ар.*) — оқкўнгил, самимий, жозибали, ёқимтой.

**Сарробой, Sarrojboy** (*ар.-ўз.*) — эгар ясовчи, эгар-жабдуқ сотувчи.

**Сарроф //Саррофбой, Sarrof** (*ар.*) — айнан: пул алмаштирувчи, пулларни майдаловчи; қиммат тангалар, тошларни аниқлаб, фарқлаб берувчи; заршунос.

**Сарсон, Сарсонбой, Sarson** (*фт.*) — оламни кезувчи, саёҳатчи ёки ахтариб оворалар бўлиб юриб топилган бола.

**Сарсонқул, Sarsonqul** (◇., *фт.-ўз.*) — *қар. Сарсон.* (Сарсон+қул).

**Сартбой, Sartboy** (*санс.-ўз.*) — шаҳарлик, ўзбекларнинг аввалги номи; оддий, содда бола ёки сарт уруғига мансуб бола.

**Сартой, Sartoy** (*ўз.*) — Саритой исмининг қисқарган шакли ёки оиладаги тўнғич, эркатой бола.

**Сархон, Sarxon** (*фт.-ўз.*) — хонларнинг хони, буюкхон.

**Сарқанот, Sarqanot** (*фт.-ўз.*) — юксалувчи, юксакларга парвоз қилувчи; толеи баланд, саодатманд.

**Сарқит, Сарқут, Sarqit** (*ўз.*) — оиладаги охирги бола; кенжатой фарзанд.

**Сарқут, Sarqut** (◊.,-*ўз.*) — *қар. Сарқит.*

**Сарҳад, Sarhad** (*фт.*) — айнан: чегара, ноҳия ёки *қар. Сарҳат.*

**Сарҳат, Sarhat** (*фт.*) — кенглик, чексизлик, кенг майдон, яъни бағри кенглик, сахий, чексиз мурувватли.

**Сарҳанг, Sarhang** (*фт.*) — лашкарбоши, қўмондон; офицер.

**Сатирахон, Satiraxon** (◊., *ар.-ўз.*) — кечирувчи, гуноҳлардан ўтувчи; сахий, бағри кенг ёки юнонларда Сатир (Saturs) — ўрмон, далалар маъбудасининг номи бўлган. Бу исм ўзбек тилида шўро даврида пайдо бўлган.

**Саттор, Sattor** (*ар.*) — кечирувчи, афв этувчи. Бу ном Аллоҳи Таолонинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдусаттор* (*қар.*).

**Сатторали, Sattorali** (*ар.*) — *қар. Саттор* ва *Али.*

**Сатторберган, Sattorbergan** (*ар.-ўз.*) — *Саттор* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган бола, Аллоҳнинг туҳфаси.

**Сатторберди, Sattorberdi** (*ар.-ўз.*) — *Саттор* (*қар.*), яъни Аллоҳ берди, ато қилди; Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Сатторкелди, Sattorkeldi** (*ар.-ўз.*) — *Саттор* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган бола туғилди, дунёга келди.

**Саттормурод, Sattormurod** (*ар.*) — Аллоҳ етиштирган орзу, армон ёки Саттор (Аллоҳ) берган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Саттортурди, Sattorturdi** (*ар.-ўз.*) — Саттор (Аллоҳ) берган бола ўлмайди, туради деб умид қиламиз.

**Сатторқул, Sattorqul** (*ар.-ўз.*) — бандаларининг гуноҳларини кечирувчи, афв этувчининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Сафар, Safar** (*ар.*) — сафар ойи (мусулмон йил ҳисобининг иккинчи ойи) туғилган бола ёки сафар чоғи, йўлда туғилган бола, ёҳуд отаси ёки қариндошларидан бири сафарда бўлган пайтда туғилган бола. Шакллари: *Сафарбой, Сафарбек, Сафаржон.*

**Сафарали, Safarali** (*ар.*) — сафар ойида ёки сафар чоғида туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Сафарбека, Сафарбика, Safarbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — сафар ойида туғилган баланд мартабали қиз.

**Сафарберди, Safarberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ сафар ойида ато қилган бола. Аллоҳнинг сафар ойида берган туҳфаси, эҳсони.

**Сафарбиби, Safarbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — сафар ойи ёки сафар чоғида туғилган баланд мартабали, аслзода қиз.

**Сафарбош, Safarbosh** (*ар.-ўз.*) — сафар ойида таваллуд топган тўнғич, бош бола.

**Сафарбуви, Safarbuvi** (◇., *ар.-ўз.*) — сафар ойи ёки сафар чоғида туғилган қиз ёки бувисининг исми қўйилган қиз.

**Сафарвали, Safarvali** (*ар.*) — сафар ойида туғилган хосиятли бола ёки *қар. Сафар* ва *Вали.*

**Сафаргул, Safargul** (*ар.-фт.*) — сафар ойи ёки сафар чоғида туғилган гулдек чиройли қиз.

**Сафаргўзал, Safargo'zal** (◇., *ар.-ўз.*) — сафар ойида таваллуд топган зебо, дилбар қиз.

**Сафаржамол, Safarjamol** (◇., *ар.*) — сафар ойида ёки сафар чоғида туғилган чиройли, соҳибжамол қиз.

**Сафаржума, Safarjuma** (*ар.*) — сафар ойининг жума кунларидан бирида туғилган бола.

**Сафаркелди, Safarkeldi** (*ар.-ўз.*) — сафар ойида дунёга келган бола.

**Сафармат, Safarmat** (*ар.*) — *қар. Сафармуҳаммад.*

**Сафармамат, Safarmamat** (*ар.*) — *қар. Сафармуҳаммад.*

**Сафармирза, Safarmirza** (*ар.-ўз.*) — сафар ойида туғилган ўғил баланд мартабали ҳамда ўқимишли бўлсин.

**Сафармомо, Safarmomo** (*ар.-ўз.*) — сафар ойида туғилган қиз ёки сафар ойида туғилган ва бувасининг исми берилган қиз.

**Сафармурод, Safarmurod** (*ар.*) — сафар ойида эришилган орзу, ният ёки сафар ойида туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Сафармуҳаммад, Safarmuhammad** (*ар.*) — сафар ойи ёки сафар чоғида туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Сафарназар, Safarnazar** (*ар.*) — сафар ойида қилинган мурувват, эҳсон; Аллоҳ мурувват қилиб сафар ойида берган бола.

**Сафарниёз, Safarniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳдан сафар ойида сўраб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Сафарой, Safaroy** (◇., *ар.-ўз.*) — сафар ойи ёки сафар чоғида туғилган ойдек сулув қиз.

**Сафаромон, Safaromon** (*ар.*) — сафар ойида ёки сафар чоғида туғилган бола омон-эсон бўлсин.

**Сафартож, Safartoj** (◇., *ар.-фт.*) — сафар ойида туғилган холли қиз.

**Сафартош, Safartosh** (◇., *ар.-ўз.*) — сафар ойида туғилган қиз тошдек маҳкам, яъни умри узоқ бўлсин.

**Сафартурди, Safarturdi** (*ар.-ўз.*) — сафар ойи ёки сафар чоғида туғилган бола турсин, яшасин.

**Сафартурсин, Safartursin** (*ар.-ўз.*) — сафар ойи ёки чоғида туғилган ўғилнинг умри узоқ бўлсин.

**Сафархол, Safarxol** (◇., *ар.-ўз.*) — сафар ойида туғилган холли қиз.

**Сафархон, Safarxon** (*ар.-ўз.*) — сафар ойи ёки чоғида туғилган баланд мартабали бола.

**Сафархўжа, Safarxo'ja** (*ар.-фт.*) — сафар ойида таваллуд топган, хўжалар, оқсуяклар наслига мансуб бола.

**Сафарўроз, Safaro'roz** (*ар.-ўз.*) — сафар ойида таваллуд топган бахтли, толеи баланд бола.

**Сафарқилич, Safarqilich** (*ар.-ўз.*) — сафар ойида таваллуд топган ўғил қиличдек ўткир ва мустаҳкам бўлсин.

**Сафарқул, Safarqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг сафар ойида туғилган бандаси, қули.

**Сафдор, Safdor** (*фт.*) — жасур, ботир, довюрак; душман сафларини ёриб кирувчи.

**Сафид, Safid** (*фт.*) — айнан: оқ, оқ тусли; озода покдомон; ёруғ, равшан, нурли.

**Сафида, Safida** (◊., *фт.*) — оқ юзли қиз, покиза, озода қиз ёки тонг оқарган пайтда туғилган қиз.

**Сафий, Софий, Safiy** (*ар.*) — тоза, покиза ёки сара, танланган, ёҳуд самимий дўст, оқкўнгил.

**Сафина, Safina** (◊., *ар.*) — айнан: кема, Нуҳ пайғамбарнинг кемаси, у нажот рамзи деб тасаввур қилинади ёки ширинсўз, ширинкалом қиз ёҳуд яқин самимий дўст.

**Сафир, Safir** (*ар.*) — элчи, вакил ёки кўкиш рангли ёқут; қимматли, бебаҳо ёҳуд ёқимли, мақбул.

**Сафира, Safira** (◊., *ар.*) — элчи қиз ёки ёқимли, ёқимтой, мақбул қиз; азиз, қимматбаҳо қиз.

**Сафиулла, Safiulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг танлагани, сайлагани; Аллоҳнинг кўнглига яқин одам. Бу ном Одам Ато ва Муҳаммад пайғамбарларнинг сифати бўлган.

**Сафия, София, Safiya** (◊., *ар.<қад.юн.*) — ақл, донишмандлик ёки ар. София — соф, покиза, покдомон; маъсума; иффатли.

**Сафо, Safo** (*ар.*) — тиниқ, покиза, озода ёки беғам, осойишта; бахтиёр, роҳат-фароғатли.

**Сафоали, Safoali** (*ар.*) — покиза, софдил ўғилни Али ўз паноҳида асрасин ёки *қар. Сафо* ва *Али*.

**Сафоат, Safoat** (*ар.*) — тоза, покиза, покдомон; бегуноҳ, маъсума.

**Сафогул, Safogul** (◊., *ар.-фт.*) — соф, покиза, покдомон ва гулдек гўзал қиз ёки роҳат-фароғатда яшовчи гулдек гўзал қиз.

**Сафониёз, Safoniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳдан тилаб, илтижолар қилиб олинган ўғил роҳат-фароғатда яшасин.

**Сафоуддин, Сафиуддин, Safouddin** (*ар.*) — диннинг содиқ, самимий ихлосманди; ҳақиқий тақводор.

**Сафоулла, Safoulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг содиқ, софдил дўсти, бандаси; Аллоҳнинг эътиборига сазовор, лойиқ бўлган кишиси. Бу

ном Одам Ато ва Муҳаммад пайғамбарнинг сифатларидан бири бўлган.

**Сафохон, Safoxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Сафо* (Сафо+хон).

**Сафохўжа, Safoxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган софдил, оққўнгил ҳамда бахтиёр бола.

**Сафоқул, Safoqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Сафо* (Сафо+қул).

**Сафсар, Safsar** (◊., *фт.*) — сафсар гулдек зебо қиз; оқ юзли, гўзал.

**Сафсаргул, Safsargul** (◊., *фт.*) — сафсаргулдек зебо қиз; оқ юзли дилбар.

**Сафсаржон, Safsarjon** (◊., *фт.*) — сафсаргулдек зебо ва жондек азиз қиз.

**Сафура, Safura** (◊., *ар.*) — юлдуз, ёруғ юлдуз; ёрқин, порлоқ; шукуҳли, ҳашаматли, мағрур ёки сочлари сариқ қиз.

**Саффор, Саффорбой, Saffor** (*ар.*) — мисгар, мис идишлар устаси, моҳир.

**Саховат, Saxovat** (◊., *ар.*) — қўли очиқ, кўнгилчан, меҳрибон, мурувватли.

**Сахи (й), Сахибой, Saxi** (*ар.*) — қўли очиқ, жўмард; мард; меҳрибон, ғамхўр. Сол.: *Саховат.*

**Саъди, Sa'di** (*ар.*) — бахтли, саодатли, омадли; иқболи порлоқ ёки *Саъдинисо* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Саъдибой, Sa'diboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Саъди* (Саъди+бой).

**Саъдиваққос, Sa'divaqqos** (*ар.*) — *қар. Саъди* ва *Вақос.*

**Саъдимурод, Sa'dimurod** (*ар.*) — бахтли, омадли бўлиб муродмақсадига етсин.

**Саъдиниёз, Sa'diniyoz** (*ар.-фт.*) — тилаб, илтижолар қилиб олинган ўғил бахтли, саодатманд бўлсин.

**Саъдинисо, Sa'diniso** (*ар.*) — бахтли, саодатли ёки аёлларнинг энг бахтлиси.

**Саъдипошша, Sa'diposhsha** (◊., *ар.-фт.*) — бахтли, саодатли ҳамда улуғ мартаба, обрў соҳиби.

**Саъдулла, Sa'dulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган бахт, саодат. Аллоҳнинг бахтли, толеи баланд бандаси. Бу ном Муҳаммад пайғамбарнинг сифати бўлган.

**Сақлағон, Saqlag'on** (*ўз.*) — сақлаган, асраган, яъни ўлмайдиган бола. Асли: "Худо сақлаган" иборасининг қисқарган шакли.

**Сақман, Сақмонбой, Saqman** (*ўз.*) — ҳимоячи, муҳофазакор, посбон ёки қўйчибон.

**Сағир, Сағирбой, Sag'ir** (*ар.*) — етим қолган бола ёки кичик (кенжа) бола.

**Сағира, Sag'ira** (◊., *ар.*) — етим қизча; итоаткор, қобил қиз ёки ўт, ёлқин.

**Сағиртой, Sag'irtoy** (*ар.-ўз.*) — етим қолган тойлоқ, яъни етим қолган эркатой, суюкли бола.

**Сағия, Sag'iya** (◊., *ар.*) — қизча, жажжи қиз, қизалоқ.
**Саҳад, Sahad** (*ар.*) — *эҳ.*: *Соат* (*қар.*) ёки *Сиҳат* (*қар.*).
**Саҳадберди, Sahadberdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Соатберди.*
**Саҳадбиби, Sahadbibi** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Соатбиби.*
**Саҳадгул, Sahadgul** (◊., *ар.-фт.*) — *қар. Соатгул.*
**Саҳаджамол, Sahadjamol** (◊., *ар.*) — *қар. Соатжамол.*
**Саҳадкелди, Sahadkeldi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Соаткелди.*
**Саҳадмамат, Sahadmamat** (*ар.*) — *қар. Соатмуҳаммад.*
**Саҳадмурод, Sahadmurod** (*ар.*) — *қар. Соатмурод.*
**Саҳадмуҳаммад, Sahadmuhammad** (*ар.*) — *қар. Соатмуҳаммад.*
**Саҳадназар, Sahadnazar** (*ар.*) — *қар. Соатназар.*
**Саҳадниёз, Sahadniyoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Соатниёз.*
**Саҳадтурди, Sahadturdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Соаттурди.*
**Саҳадқул, Sahadqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Соатқул.*
**Саҳар, Саҳарбой, Sahar** (*ар.*) — эрта тонг, субҳидамда туғилган бола.
**Саҳарбека, Saharbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — саҳар чоғи, эрта тонгда туғилган баланд мартабали қиз.
**Саҳаргул, Sahargul** (◊., *ар.-фт.*) — тонгда, саҳар чоғи туғилган гулдек гўзал қиз.
**Саҳарноз, Saharnoz** (◊., *ар.-ўз.*) — тонг чоғи, субҳидамда туғилган латофатли қиз.
**Саҳида, Саҳидахон, Sahida** (◊., *ар.*) — тўғри, барваста қадли, гўзал қоматли.
**Саҳила, Sahila** (◊., *ар.*) — енгил, осон; омадли; мулойим, хушмуомала.
**Саҳимжон, Sahimjon** (◊., *ар.+фт.*) — шерик, дўст ёки насибали, омадли бола.
**Саҳин, Sahin** (*ар.*) — оловли; ёқимли қиз.
**Саҳина, Sahina** (◊., *ар.*) — олов, ёлқинли қиз.
**Саҳифа, Саҳифахон, Sahifa** (◊., *ар.*) — айнан: варақ, китобнинг бети ёки олам, дунё ер юзи. Эҳт.: *Соҳиба* (*қар.*).
**Саҳиқа, Sahiqa** (◊., *ар.*) — тўғри, хатосиз, бенуқсон; беғубор, покиза.
**Саҳмон, Sahmon** (*ар.*) — ризқ-рўзли, насибали; бахтли, бахтиёр ёки *қар. Сақмон.*
**Саҳоб, Sahob** (*ар.*) — айнан: булут, тўсиқ ёки маслакдошлар, сафдошлар, ҳамкорлар, кўмакдошлар. Эҳт.: *Шаҳоб* (*қар.*).
**Саҳоба, Sahoba** (◊., *ар.*) — маслакдош дўстлар, сафдошлар. Муҳаммад пайғамбарнинг тарафдорлари, сафдошлари, маслакдошлари саҳоба деб аталган.
**Саҳобат, Sahobat** (◊., *ар.*) — эҳт.: *Саҳоват* (*қар.*) ёки Муҳаммад(сав) маслакдошлари, кўмакчилари.
**Саҳобахон, Саҳобхон, Sahobaxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Саҳоба* (Саҳоб+хон).

**Саҳобиддин, Sahobiddin** (*ар.*) — ҳамфикр диндошлар; дин йўлида якдил бўлиб курашувчилар.

**Саҳобқул, Sahobqul** (*ар.-ўз.*) — якдил, маслакдош дўстларнинг, саҳобаларнинг хизматкори ёки Аллоҳнинг якдил бандаси.

**Саҳодулла, Sahodulla** (*ар.*) — эҳт.: *Соатулла.*

**Саҳрбой, Sahrboy** (*ар.*) — умри қоя, чўққидек юксак бўлсин.

**Саҳробой, Sahroboy** (*ар.*) — саҳрода туғилган бола.

**Саҳрогул, Sahrogul** (*ар.+фт.*) — саҳрода туғилган ёки саҳро гулидек чиройли қиз;саҳро гулидек чидамли қиз.

**Саҳтбой, Sahtboy** (*фт.*) — маҳкам, мустаҳкам.

**Себарга, Sebarga** (◊., *фт.*) — уч баргли кўкат; себаргадек чиройли қиз.

**Севар, Sevar** (*ўз.*) — суюкли, ёқимтой; қадрли бола. Шакллари: *Севарбой, Севаржон, Севартой.*

**Севара, Sevara** (◊., *ўз.*) — суюкли, ёқимтой, қадрли, азиза қиз. Шакллари: *Севаржон, Северой, Севархон.*

**Севарқул, Sevarqul** (*ўз.*) — *қар. Севар* (Севар+қул).

**Севги, Sevgi** (◊., *ўз.*) — меҳр, муҳаббат; суюкли, азиз.

**Севгили, Sevgili** (◊., *ўз.*) — суюкли; қадрли, қимматли, азиз.

**Севгул, Sevgul** (◊., *ўз.*) — *қар. Севгили.*

**Севдик, Sevdik** (*ўз.*) — суюкли, қадрли; ҳурматга сазовор; биз кутган, интизор бўлган ўғил.

**Севил, Sevil** (*ўз.*) — суюкли, севилган, меҳр-муҳаббатга сазовор.

**Севин, Sevin** (*ўз.*) — доимо севиниб, қувноқ, бахтиёр бўлиб юрсин ёки *Севиндик* (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Севиндик, Sevindik** (*ўз.*) — фарзандли бўлишдан севинчга тўлдик ёки севинч ато қилган бола.

**Севинч, Sevinch** (*ўз.*) — шодлик, бахтиёрлик ҳамроҳи бўлсин ёки севинчимизга боис бўлган бола.

**Сезгирбой, Sezgirboy** (*ўз.*) — зийрак, хушёр бола.

**Селбиби, Selbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — қаттиқ сел (тошқин) келганда туғилган бола ёки селдек шиддатли, қудратли бола.

**Селли, Selli** (*ўз.*) — қаттиқ сел келган пайтда туғилган бола.

**Селоб, Selob** (*ўз.-фт.*) — қаттиқ сел келганда, тошқин пайтида туғилган бола.

**Серкабой, Саркабой, Serkaboy** (*ўз.*) — серкадек кучли, бақувват бўлсин ёки серка уруғига мансуб бола ёҳуд йўлбошчи, етакчи, оиладаги бош фарзанд.

**Серкатой, Serkatoy** (*ўз.*) — *қар. Серка* (Серка+той).

**Серноз, Sernoz** (◊., *фт.*) — ўта нозли, карашмали; мафтункор, диловар, дилкаш.

**Сероб, Serob** (*фт.*) — умри узоқ, бой-бадавлат бўлсин ёки ялтироқ нодир тошдек қимматли.

**Сешанба, Seshanba** (*фт.*) — сешанба куни туғилган бола.

**Сеҳрли, Sehrli** (*ар.-ўз.*) — баданида қандайдир ортиқча белги (нишон) б-н туғилган бола.

**Сибъатулла (Сибғатулла), Sib'atulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг ҳоҳиши-иродаси, амри б-н дунёга келган бола.

**Сиддиқ, Сиддиқжон, Siddiq** (*ар.*) — тўғри сўзли, ростгўй, софдил. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сафдошларидан бири — Абубакрнинг лақаби бўлган.

**Сиддиқа, Siddiqa** (◇., *ар.*) — рост сўзловчи қиз, тўғри сўзли қиз; софдил, самимий.

**Сиддиқали, Siddiqali** (*ар.*) — ростгўй, софдил ўғилни Али ўз паноҳига олсин.

**Сиддиқмуҳаммад, Siddiqmuhammad** (*ар.*) — ростгўй ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Сиддиқназар, Siddiqnazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг илтифот (назар) қилиб берган ростгўй, тўғри сўзли бола.

**Сиддиқхўжа, Siddiqxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб тўғрисўз, ростгўй бола.

**Сидқи, Sidqi** (*ар.*) — холис, самимий, ҳаққоний.

**Сидқия, Sidqiya** (◇., *ар.*) — самимий, ҳақгўй, холис қиз.

**Сиёбой, Siyoboy** (*фт.-ўз.*) — қора, қорачадан келган бола. Асли: *Сиёвуддин.*

**Сиёдат, Сиёдатхон, Siyodat** (◇., *ар.*) — улуғлик, аслзодалик, сайид; пайғамбар авлодига мансуб.

**Сиёсат, Сиёсатхон, Siyosat** (◇., *ар.-ўз.*) — интизомли, саришта, пишиқ-пухта; тадбиркор қиз.

**Сиёуддин, Siyouddin** (*фт.-ар.*) — айнан: диннинг қорача боласи ёки диннинг кучли, қудратли боласи; диннинг ашаддий тарафдори.

**Сиёҳа, Siyoha** (◇., *фт.*) — қора қиз, қора сочли қиз; гўзал, зебо қиз.

**Сижоат, Сижоатхон, Sijoat** (◇., *ар.*) — мард, жасур, довюрак сижоатли. *Қар. Шижоат.*

**Сийлабберган, Siylabbergan** (*ўз.*) — Аллоҳ мурувват, раҳм қилиб берган бола. Аллоҳнинг эҳсони.

**Сийлабберди, Siylabberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ мурувват, раҳм қилиб берди; Аллоҳ берган туҳфа.

**Сийлибека, Siylibeka** (◇., *ўз.*) — қадрли, ҳурматга сазовор, баланд мартабали қиз.

**Сила, Силахон, Sila** (◇., *ар.*) — инъом, эҳсон; яхшилик, мурувват.

**Силон, Силонхон, Silon** (◇., *фт.*) — келишган, хушбичим, улуғ, юксак.

**Симина, Simina** (◇., *ар.*) — кумуш сим, кумушдек, кумушмонанд; покиза, озода; чиройли.

**Симузар, Simuzar** (◇., *фт.*) — кумуш ва тиллодек қимматли, қадрли, тенгсиз, бебаҳо.

**Сингил, Singil** (◇., *ўз.*) — укача, қиз ука. Эҳт; *Сингирхон* (*қар.*) Шакллари: *Сингилой, Сингилхон, Сингилжон.*

**Сингирхон, Singirxon** (*ўз.*) — қалъа; тоғдаги қаср; маҳкам, мустаҳкам, ҳимояланган.

**Синдор, Sindor** (*фт.*) — ёш, навқирон, бўз бола ёки топиб олинган, ташландиқ бола.

**Синдормирза, Sindormirza** (*фт.*) — *қар. Синдор* ва *Мирза.*

**Синдорхўжа, Sindorxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ва топиб олинган бола.

**Сино, Sino** (*паҳл.*) — донишманд, ҳаким, олим ёки кекса, мўйсафид, яъни узоқ умр кўрсин.

**Сипоҳбой, Sipohboy** (*ўз.-фт.*) — жангчи, аскар.

**Сипоҳиддин, Sipohiddin** (*фт.-ар.*) — дин жангчиси, дин учун курашувчи, дин лашкари.

**Сипоҳмансур, Sipohmansur** (*фт.-ар.*) — қўшин бошлиғи, бош қўмондон, саркарда.

**Сирали, Sirali** (*ар.*) — равшан, кўркам, чиройли болани Али ўз паноҳида асрасин ёки махфий тутилувчи (яширин) болани Али ўз паноҳига олсин. Сир сўзининг саримсоқ маъноси ҳам бор.

**Сирбой, Sirboy** (*ар.*) — махфий, яширин тутилувчи бола ёки кўркам, чиройли бола.

**Сирдош, Sirdosh** (*ар.-ўз.*) — яқин дўст, ҳамдам, ҳамфикр.

**Сирли, Sirli** (*ар.-ўз.*) — махфий, яширин бола ёки сеҳр эгаси бўлган бола ёҳуд гўзал, чиройли бола.

**Сирмирза, Sirmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Сир* ва *Мирза.*

**Сироббой, Sirobboy** (*ар.*) — чиройли, гўзал, ёш, навжувон ёки *Суроб* (*қар.*) исмининг ўзгарган шакли.

**Сирож, Siroj** (*ар.*) — ёруғлик, нур; машъал. Асли: *Сирожиддин* (*қар.*)

**Сирожали, Sirojali** (*ар.*) — Алининг нури, Али ёққан машъал; Али берган бахт, омад.

**Сирожаҳмад, Sirojahmad** (*ар.*) — Аҳмад — Муҳаммал (сав)нинг нури, машъали ёки Аҳмад берган бахт.

**Сирожвали, Sirojvali** (*ар.*) — Вали, яъни Аллоҳнинг нури, машъали ёки Аллоҳ берган бахт, омад.

**Сирожиддин, Sirojiddin** (*ар.*) — нурли, равшан, чиройли, зебо.

**Сирожия, Sirojya** (◇., *ар.*) — нурли, равшан қиз; чиройли, зебо қиз.

**Сирожмирза, Sirojmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Сирож* ва *Мирза.*

**Сирожтой, Sirojtoy** (*ар.-ўз.*) — нурли; толеи баланд ҳамда эркатой суюкли ўғил.

**Сирожтўра, Sirojto'ra** (*ар.-ўз.*) — тўралар авлодига мансуб нурли; толеи баланд бола.

**Сирожулҳақ, Sirojulhaq** (*ар.*) — Ҳақ (Аллоҳнинг) нури, машъали ёки тўғрилик, адолат машъали ёҳуд Аллоҳнинг нурли, толеи баланд бандаси.

**Сирожхўжа, Sirojxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб бўлган нурли, толеи баланд бола.

**Сиротбой, Sirotboy** (*ар.-ўз.*) — мижоз; хулқ-автор ёки кўприк, йўл, охират кўприги.

**Сиртлон, Sirtlon** (*ўз.*) — ёлдор бўри, сиртлондек кучли, қудратли, жасур.

**Сиртлонбек, Sirtlonbek** (*ўз.*) — беклар наслидан бўлган сиртлондек қудратли бола.

**Сирға, Sirg'a** (◇., *ўз.*) — баданида сирғага ўхшаш осилган ортиқча белги (нишон) б-н туғилган бола ёки сирғали уруғига мансуб бола.

**Сирғабой, Sirg'aboy** (*ўз.*) — *қар. Сирға* (*Сирға+бой*).

**Сирғаш, Sirg'ash** (*ўз.*) — *қар. Сирға.*

**Сирғашбой, Sirg'ashboy** (*ўз.*) — *қар. Сирға.*

**Сирғашқул, Sirg'ashqul** (*ўз.*) — *қар. Сирға.*

**Ситора, Sitora** (◇., *ар.*) — айнан: юлдуз; бахтли, толеи баланд қиз.

**Сифат, Sifat** (◇., *ар.*) — яхши хислат, фазилатлар эгаси; яхшилик, тариқат тарафдори.

**Сифатбиби, Sifatbibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — яхши хислатлар эгаси бўлган баланд мартабали қиз.

**Сифатгул, Sifatgul** (◇., *ар.-фт.*) — яхши хислатлар ва фазилатлар эгаси бўлган гулдек гўзал қиз.

**Сифатмомо, Sifatmomo** (◇., *ар.-ўз.*) — момо (буви)сининг исми берилган қиз ёки яхши хислатлар соҳибаси бўлган қиз.

**Сифатой, Sifatoy** (◇., *фт.-ўз.*) — яхши фазилатлар эгаси бўлган ойдек сулув қиз.

**Сифатулла, Sifatulla** (*ар.*) — айнан: Аллоҳнинг фазилатлари, сифатлари ёки Аллоҳ сифатларининг намоён бўлиши ёҳуд Аллоҳ йўли (тариқати)га кирган, Аллоҳнинг хизматкор бандаси.

**Сиявуш, Siyavush** (*фт.-пахл.*) — қар. Сиёвуш.

**Сиярхон, Siyarxon** (◇., *ар.*) — айнан: ҳаёт, ҳаёт йўли ёки рамазон ойида диний китобларни ўқиб берувчи аёл ёки билимдон нотиқа қиз.

**Сиярқул, Siyarqul** (*ар.-ўз.*) — яхши хислатлар, фазилатлар эгаси; билимдон, ақлли бола ёки келажаги порлоқ, толеи баланд бола. Эҳт.: *Суярқул* (*қар.*).

**Сиҳат, Sihat** (*ар.*) — соғлом, хавф-хатардан холи бола ёки сиҳҳат — тўғри, рост, ҳақгўй бола.

**Сиҳатмирза, Sihatmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Сиҳат* ва *Мирза.*

**Сиҳатниёз, Sihatniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб, ёлвориб олинган бола соғ-омон бўлсин.

**Соат, Soat** (*ар.*) — бахтли соатда туғилган, толеи баланд бола; ёки маҳкам, мустаҳкам, яъни яшовчи бола.

**Соатали, Soatali** (*ар.*) —толеи баланд ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Соатберди, Soatberdi** (*ар.-ўз.*) — қутли соатда берилган бола.

**Соатбиби, Soatbibi** (◇., *ар.-ҳинд.*) — бахтли соатда туғилган баланд мартабали қиз.

**Соатбу, Соатбуви, Soatbu** (◇., *ар.-ўз.*) — толеи баланд, саодатманд қиз.

**Соатгул, Soatgul** (◇., *ар.-фт.*) — бахтли соатда туғилган гулдек гўзал қиз.

**Соатдин, Soatdin** (*ар.*) — диннинг бахтли соатда туғилган толеи баланд фарзанди.

**Соатжамол, Soatjamol** (◇., *ар.*) — қутли соатда туғилган зебо, соҳибжамол қиз.

**Соаткелди, Soatkeldi** (*ар.-ўз.*) — қутли, омадли бола туғилди; *қар. Соат* ва *Келди.*

**Соатмамат, Soatmamat** (*ар..*) — *қар. Соатмуҳаммад.*

**Соатмирза, Soatmirza** (*ар.-фт.*) — айнан: бахтли соатда туғилган ўқимишли мирза бола ёки *қар. Соат* ва *Мирза.*

**Соатмурод, Soatmurod** (*ар.*) — бахтли соатда туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Соатмуҳаммад, Soatmuhammad** (*ар.*) — бахтли фурсатда туғилган ўғилни пайғамбар қўллаб юрсин. *Қар. Соат* ва *Муҳаммад.*

**Соатмўмин, Soatmo'min** (*ар.*) — Аллоҳнинг бахтли соатда туғилган бандаси.

**Соатназар, Soatnazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг қутли соатда берган туҳфаси.

**Соатниёз, Soatniyoz** (*ар.-фт.*) — қутли соатда туғилган, ўтиниб сўраб олинган бола.

**Соатой, Soatoy** (◇., *ар.-ўз.*) — бахтли онда, фурсатда туғилган ойдек сулув қиз.

**Соаттурди, Soatturdi** (*ар.-ўз.*) — бахтли соатда туғилган ўғилнинг умри узоқ бўлсин.

**Соатхўжа, Soatxo'ja** (*ар.-фт.*) — бахтли фурсатда туғилган хўжалар, оқсуяклар авлодига мансуб бола.

**Соатқул, Soatqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бахтли фурсатда туғилган бандаси. *Қар. Соат* (Соат+қул).

**Соатқурбон, Soatqurbon** (*ар.*) — қурбон ойининг бахтли фурсатларида туғилган бола ёки Аллоҳга бахшида қилинган.

**Собидин, Sobiddin** (*ар.*) — динда собитқадам, диний эътиқодда мустаҳкам турувчи фарзанд

**Собида, Sobida** (◇., *ар.*) — келишган, кўркам қиз ёки маҳкам, мустаҳкам қиз.

**Собир, Sobir** (*ар.*) — сабрли, тоқатли бола. Бу ном Айб пайғамбарнинг лақаби бўлган. Шакллари: *Собирбой, Собиржон, Собирхон, Собира.*

**Собира, Собирахон, Sobira** (◇., *ар.*) — сабр-тоқатли, тўзимли қиз.

**Собирабу, Собирабуви, Sobirabu** (◇., *ар.-ўз.*) — сабр-тоқатли, тўзимли қиз ёки бувисининг исми б-н аталган қиз.

**Собирали, Sobirali** (*ар.*) — сабрли, тўзимли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Собирмат, Sobirmat** (*ар.*) — *қар. Собирмуҳаммад.*

**Собирниёз, Sobirniyoz** (*ар.-фт.*) — ўтиниб, сўраб олинган сабр-тоқатли, тўзимли бола.

**Собиртой, Sobirtoy** (*ар.-ўз.*) — сабрли, тўзимли ва эркатой, суюкли бола.

**Собирулла, Sobirulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг тўзимли, сабр-тоқатли бандаси. Бу ном Айюб пайғамбарнинг лақаби бўлган.

**Собирхолиқ, Sobirxoliq** (*ар.*) — *қар. Собир* ва *Холиқ.*

**Собирхон, Sobirxon** (*ар.-ўз.*) — сабрли, тўзимли ўғил баланд мартабага эришсин.

**Собирхўжа, Sobirxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган тўзимли, сабрли бола.

**Собирқул, Sobirqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг сабрли, тўзимли бандаси.

**Собит, Sobit** (*ар.*) — мустаҳкам, маҳкам ёки келишган, хушбичим, чиройли. Шакллари: *Собитбой, Собитжон, Собитбек, Собитбой.*

**Собита, Sobita** (◇., *ар.*) — мустаҳкам, маҳкам ёки турғун, мустаҳкам юлдуз.

**Собитмирза, Sobitmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Собит* ва *Мирза.*

**Собитохун, Sobitoxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Собит* ва *Охун.*

**Собиттўра, Sobitto'ra** (*ар.-ўз.*) — тўралар авлодидан бўлган мустаҳкам, маҳкам бола.

**Собитхон, Sobitxon** (*ар.-ўз.*) — мустаҳкам, турғун бола улғайиб баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Собитхўжа, Sobitxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб мустаҳкам, тўзимли бола.

**Совур, Sovur** (*ар.*) — мусулмонча йил ҳисобининг савр ойи (22 апрель — 21 май) да туғилган бола ёки Савр юлдузидек толеи баланд бўлсин. Шакллари: *Совурбек, Совурбой, Совуржон.*

**Совурқул, Sovurqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг савр ойида туғилган бандаси (қули).

**Совут, Sovut** (*ўз.*) — совут (уруш қуроли, зирҳ)дек маҳкам: ҳимоя қилинган бола.

**Совғабой, Sovg'aboy** (*ўз.*) – ҳадя, туҳфа қилинган бола; Аллоҳнинг туҳфаси, марҳамати.

**Содир, Sodir** (*ар.*) – бошлиқ, йўлбошчи, раҳбар. Асли: *Садр, Садриддин.*

**Содира, Sodira** (◊ ., *ар.*) – бошлиқ, йўлбошчи, раҳнамо қиз.

**Содирали, Sodirali** (*ар.*) – йўлбошчи, сардор ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Содирхон, Sodirxon** (*ар.-ўз.*) – иззат-ҳурматли раҳбар, сардор.

**Содирқул, Sodirqul** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳнинг баланд мартабали бандаси (қули).

**Содиқ, Содиқжон, Sodiq** (*ар.*) – садоқатли, ростгўй, чин дўст. Асли: *Абдусодиқ (қар.).*

**Содиқа, Sodiqa** (◊ ., *ар.*) – вафодор, садоқатли, ростгўй қиз.

**Содиқмирза, Sodiqmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Содиқ* ва *Мирза.*

**Содиқтой, Sodiqtoy** (*ар.-ўз.*) – садоқатли, ростгўй ва эркатой, суюкли ўғил.

**Содиқхўжа, Sodiqxo'ja** (*ар.-фт.*) – хўжалар авлодидан бўлган вафодор, садоқатли бола.

**Содиқшо, Sodiqsho** (*ар.-фт.*) – садоқатли ва баланд мартабали бола ёки садоқатлиларнинг шоҳи.

**Сожиба, Sojiba** (◊ ., *фт.*) – сож дарахтидек келишган, қимматли, зебо қиз. *Эҳт: Сожида.*

**Сожид, Sojid** (*ар.*) – сажда қилувчи, сиғинувчи; художўй, тақводор.

**Сожида, Сожидахон, Sojida** (◊ ., *ар.*) – сажда қилувчи, тақводор, художўй қиз.

**Сожидабу, Сожидабуви, Sojidabu** (◊ ., *ар.-ўз.*) – сажда қилувчи, тақводор қиз ёки бувисининг исми берилган тақводор қиз.

**Сожия, Sojiya** (◊ ., *ар.*) – айн. табиат, хислат, хулқ ёки яхши хулқ соҳибаси.

**Соиб, Soib** (*ар.*) – тўғри йўлга бошловчи; тўғри йўл кўрсатувчи ёки сахий, очиққўл, одамохун. Шакллари: *Соибжон, Соибхон.*

**Соиба, Soiba** (◊ ., *ар.*) – сахий, очиқкўнгил, меҳрибон қиз.

**Соибназар, Soibnazar** (*ар.*) – Аллоҳнинг муруввати (назари) туфайли туғилган сахий, очиққўл бола ёки Аллоҳнинг муруввати, саховати бўлган бола.

**Соибғани, Soibg'ani** (*ар.*) – сахий, очиққўл, бой ёки саховатли сахий ҳамда бой-бадавлат бўлсин.

**Соим, Соимбой, Soim** (*ар.*) – рўза тутувчи, рўзадор; тақводор, художўй.

**Соима, Soima** (◊ ., *ар.*) – рўзадор қиз; тақводор, художўй қиз.

**Соир, Соирбой, Soir** (*ар.*) – *қар. Сойир.*

**Сойберди, Soyberdi** (*ар.-ўз.*) – *эҳт: Соҳибберди (қар.).*

**Сойбиби, Soybibi** (*ар.-ҳинд.*) – *қар. Соҳиббиби.*

**Сойбу, Сойбуви, Soybu** (◊ ., *ар.-ўз.*) – *қар. Соҳиббуви.*

**Сойгул, Soygul** (◊ ., *ар.-фт.*) – *қар. Соҳибгул.*

**Сойжалил, Soyjalil** (*ар.*) – *қар. Соҳибжалил.*

**Сойжаҳон, Soyjahon** (*ар.-фт.*) – *қар. Соҳибжаҳон.*

**Сойиб, Soyib** (◇.,*ар.*) — озода, покиза; тўғри, рост, бегуноҳ; *қар. Соиб.*

**Сойиба, Соиба, Soyiba** (◇.,*ар.*) — пок, покиза, бегуноҳ.

**Сойим, Soyim** (*ар.*) — рўзадор, рўза тутувчи, художуй, тақводор.

**Сойимберди, Soyimberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ диндор (мусулмон) ўғил ато қилди.

**Сойир, Сойирбой, Soyir** (*ар.*) — ўзга, бошқа, ёт бола ёки сайр, саёҳат қилувчи, жаҳонни кезувчи. Чақалоқнинг душманлари жин-ажиналарни чалғитиш учун биринчи маънодаги исм берилади.

**Сойиқ, Сойиқа, Soyiq** (◇., *ар.*) — чақмоқ, яшин ёки нурли, порлоқ, равшан, толеи баланд.

**Соймурод, Soymurod** (*ўз.-ар.*) — сой каби оқиб турсин, умри узоқ бўлсин ва мурод-мақсадига етсин ёки эҳт: *Соибмурод, Соҳибмурод* (*қар.*).

**Сойназар, Soynazar** (*ар.*) — *қар. Сойибназар* ёки *Соҳибназар.*

**Сойпўлат, Soypo'lat** (*ар.-фт.*) — *қар. Соҳибпўлат.*

**Сойтўл, Soyto'l** (*ўз.*) — сойдек тўлиб тошсин, яъни умри узоқ бўлсин ёки *қар. Сойтўлди.*

**Сойтўлди, Soyto'ldi** (*ўз.*) — сой сувидек тўлиб-тошсин, яъни умри узоқ ва жўшқин бўлсин.

**Сойхол, Soyxol** (*ар.-фт.*) — эҳт. *Сойитхол,* қар. *Сойиб.*

**Сокин, Sokin** (*ар.*) — тинч, осойишта, хотиржам ёки турғун, собит, маҳкам турувчи. Шакллари: *Сокинбой, Сокинжон.*

**Сокина, Sokina** (◇., *ар.*) — тинч, осойишта, осуда; турғун, собит, маҳкам турувчи.

**Сокит, Сокитбой, Sokit** (*ар.*) — тинч, осойишта, хотиржам.

**Соли, Soli** (*ар.*) — *қар. Солиҳ.* Шакллари: *Солибек, Солижон, Солихон.*

**Солиддин, Soliddin** (*ар.*) — *Солиҳиддин, Салоҳиддин.*

**Солим, Solim** (*ар.*) — соғлом, тани соғ; омадли.

**Солимирза, Solimirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Солиҳмирза.*

**Солимуҳаммад, Solimuhammad** (*ар.*) — *қар. Солиҳмуҳаммад.*

**Солиохун, Solioxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Солиҳ* ва *Охун.*

**Солиса, Solisa** (◇., *ар.*) — тингловчи, қулоқ солувчи; юмшоқ кўнгилли, одобли.

**Солихўжа, Solixo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Солиҳхўжа.*

**Солия, Солияхон, Soliya** (◇., *ар.*) — *қар. Солиҳа.*

**Солиябу, Soliyabu** (◇., *ар.*) — *қар. Солиҳа.*

**Солиқ, Soliq** (*ар.*) — асли *Солиҳ* (*қар.*) ёки *Солик* (*ар.*) саёҳатчи, жаҳонгашта.

**Солиқа, Soliqa** (◇., *ар.*) — *қар. Солиҳа.*

**Солиқул, Soliqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Солиҳқул.*

**Солиҳ, Solih** (*ар.*) — яхши; мақбул; адолатли, инсофли; пок, ҳалол; покиза; яхши ишлар қилувчи. Шакллари: *Солиҳбой, Солиҳжон, Солиҳбек, Солиҳхон.*

**Солиҳа, Soliha** (◇., *ар.*) — покиза, озода ёки диёнатли, тақводор, художўй қиз.

**Солиҳали, Solihali** (*ар.*) — яхши, инсофли, адолатли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Солиҳберди, Solihberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ яхши, диёнатли; эзгу ишлар қилувчи ўғил ато қилди ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Солиҳиддин, Solihiddin** (*ар.*) — диннинг яхшилиги, эзгулиги ёки эзгу, савобли ишлар қилувчи диндор.

**Солиҳмирза, Solihmirza** (*ар.-фт.*) — эзгу ишлар қилувчи ва ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Солиҳмуҳаммад, Solihmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав) яхши, эзгу ишлар қилувчидир ёки яхши диёнатли ўғилни Муҳаммад қўллаб юрсин.

**Солиҳтўра, Solihto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Солиҳ* ва *Тўра.*

**Солиҳхўжа, Solihxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган яхши, диёнатли ва эзгу ишлар қилувчи бола.

**Солиҳқул, Solihqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Солиҳ* (*Солиҳ+қул*).

**Солор, Солорбой, Solor** (*ўз.*) — йўлбошчи, сардор; қўшин бошлиғи, қўмондон. *Қар. Салор.*

**Сомиа, Сомеъа, Somia** (◇., *ар.*) — айнан: тингловчи, қулоқ солувчи, яъни итоаткор, мўмин-қобил; тарбияли, одобли қиз.

**Сомид, Somid** (*ар.*) — берк, маҳкам турувчи, собит ёки сукут сақловчи, тарбияли, одобли.

**Сомиддин, Somiddin** (*ар.*) — диннинг маҳкам, собитқадам, одобли, тарбияли боласи.

**Сомий, Somiy** (*ар.*) — баланд мартабали, обрўли бола.

**Сомира, Somira** (◇.,*ар.*) — суҳбатдош, маслаҳатдош, маслакдош.

**Сомит, Somit** (*ар.*) — *қар. Сомид.*

**Сомон, Сомонбой, Somon** (*фт.*) — тартибли, саранжом ёки бойбадавлат бола.

**Сомонмирза, Somonmirza** (*фт.*) — *қар. Сомон* ва *Мирза.*

**Сомончи, Somonchi** (*фт.-ўз.*) — бойлик, давлат эгаси, куч-қудрат соҳиби.

**Сомонқул, Somonqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг бадавлат, қудратли бандаси; *қар. Сомон* (*Сомон+қул.*).

**Сония, Soniya** (◇., *ар.*) — оиладаги иккинчи фарзанд, иккинчи қиз ёки *Сониъ* (*қар.*), яъни Аллоҳ яратган, худо бахшида этган қиз.

**Сониябиби, Soniyabibi** (◇., *ар.*) — иккинчи фарзандимиз бўлган қиз баланд мартабали бўлсин ёки Аллоҳнинг эҳсони бўлган қиз улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Сонулла, Сониъулла, Sonulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган иккинчи фарзанд.

**Сора, Sora** (◇., *қад. яҳ.*) — танланган, сараланган; энг аъло; ёки тоза, покиза, холис.

**Сорабегим, Sorabegim** (◊ ., *қад. яҳ.-ўз.*) – аслзода (бекзода) қизларнинг энг сараси, аълоси.

**Сорабек, Sorabek** (*ўз.*) – беклар наслидан бўлган танланган, аъло бола.

**Сорабиби, Sorabibi** (◊ ., *яҳ.-ҳинд*) – баланд мартабали, суюкли қизларнинг энг аълоси.

**Сорабуви, Sorabuvi** (◊ ., *қад. яҳ.-ўз.*) – *қар. Сора* ва *Буви.*

**Сорагул, Soragul** (◊ ., *қад. яҳ.-фт.*) – гуллар (қизлар)нинг энг сараси, аълоси; қизларнинг энг гўзали, зебоси.

**Сораой, Soraoy** (◊ ., *ўз.*) – танланган, энг аъло ҳамда ойдек сулув қиз.

**Сорахол, Soraxol** (◊ ., *ўз.-фт.*) – қизларнинг энг аълоси, сараси бўлган холдор қиз.

**Сорбон, Сорбонбой, Sorbon** (*фт.*) – туя боқувчи; етакчи, йўлбошчи, сардор.

**Сория, Soriya** (◊ ., *ар.*) – сария сариқ сочли қиз ёки *Сария* (*қар.*) – чўри қиз.

**Сормон, Sormon** (*фт.*) – *қар. Сарбон.* Шакллари: *Сорбон, Сорбонбой, Сорбонжон, Сорбонқул.*

**Сормонқул, Sormonqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Сорбон* (*Сорбон+қул*).

**Сотбой, Sotboy** (*ўз.*) – сотгин. Болани сотиб олиш одати б-н боғлиқ исм. Асли: *Сотиболди+бой* (*қар.*).

**Сотган, Sotgan** (*ўз.*) – сотилган, сотиб олинган бола.

**Сотгул, Sotgul** (◊ ., *ўз.*) – сотиб олинган гулдек гўзал қиз.

**Сотиболди, Sotiboldi** (*ўз.*) – сотиб олинган бола, яъни яшовчи, ўлмайдиган бола.

**Сотил, Сотилбой, Sotil** (*ўз.*) – сотилган, сотиб олинган бола; яшайдиган бола.

**Сотилмирза, Sotilmirza** (*ўз.-фт.*) – *қар. Сотил* ва *Мирза.*

**Сотим, Sotim** (*ўз.*) – сотиб олинган бола. Шакли: *Сотимбой, Сотимхон.*

**Сотима, Sotima** (◊ ., *ўз.*) – сотиб олинган қиз ёки Сотеъма (*ар.*), нурли, равшан, иқболли.

**Сотимбика, Сотимбека, Sotimbika** (◊ ., *ўз.*) – сотиб олинган, яшайдиган бекзода қиз.

**Сотимхон, Sotimxon** (*ўз.*) – сотиб олинган баланд мартабали ўғил.

**Сотинбой, Sotinboy** (*ўз.*) – *Сотил, Сотилбой.*

**Сотинқул, Sotinqul** (*ўз.*) – *қар. Сотил* (*Сотин+қул.*).

**Сотир, Сотирбой, Sotir** (*ар.<қад. яҳ.*) – халоскор, ҳимоя қилувчи ёки халос қилинган, ҳимоя остига олинган.

**Сотлиқ, Sotliq** (*ўз.*) – сотиб олинган бола, яшайдиган бола. Шакллари: *Сотлиқжон, Сотлиқбой, Сотлиқхон.*

**Соттимирза, Sottimirza** (*ўз.-фт.*) – *қар. Сотти* ва *Мирза.*

**Соттимат, Sottimat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Соттимуҳаммад.*

**Сотиш, Sotish** (*ўз.*) — *қар. Сотилмиш* ёки *Сотиболди, Сотиболган* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Соттихон, Sottixon** (*ўз.*) — *қар. Сотти* (*Сотти+хон*).

**Соттиқул, Sottiqul** (*ўз.*) — *қар. Сотти* (*Сотти+қул*).

**Сотхон, Sotxon** (*ўз.*) — *қар. Сот* (*Сот+хон*) ёки *қар. Сотилган.*

**Сотхонча, Sotxoncha** (◊., *ўз.*) — сотиб олинган жажи қиз.

**Сотқил, Sotqil** (*ўз.*) — *қар. Сотгин.*

**Сотқин, Sotqin** (*ўз.*) — *қар. Сотгин.* Шакллари: *Сотқинбой, Сотқинжон.*

**Сотқинали, Sotqinali** (*ўз.-ар.*) — сотиб олинган, умри узоқ бўладиган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Сотқинбиби, Sotqinbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Сотгин* (*Сотқинбиби*).

**Сотқиной, Sotqinoy** (◊., *ўз.*) — сотиб олинган ойдек сулув қиз.

**Сотқинтош, Sotqintosh** (◊., *ўз.*) — сотиб олинган тошдек мустаҳкам, яъни яшайдиган қиз.

**Сотқинча, Sotqincha** (◊., *ўз.*) — сотиб олинган жажжи қиз.

**Сотқул, Sotqul** (*ўз.*) — сотиб олинган мўмин-қобил бола.

**Софдил, Sofdil** (◊., *фт.*) — пок кўнгилли, покиза, ҳақгўй қиз.

**София, Sofiya** (◊.,*ар.*) — покиза, озода, саришта, покдомон.

**Софура, Sofura** (◊., *ар.<юн.*) — пок, озода, покиза, беғубор; покдомон ёки ақлли, доно, донишманд ёҳуд кишининг хулқини тузатадиган фаришта.

**Сочбиби, Sochbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — майна, сайроқи қуш ёки соч, қораялоқ; қизил рангли чуғурчиқ, эҳт.: *Сожидабиби.*

**Сочинисо, Sochiniso** (◊., *ўз.-ар.*) — *эҳт*: *Сожида+нисо.*

**Сочой, Sochoy** (◊., *ўз.*) — майна, сайроқи қушдек мулойим қиз ёки *Сожида+ой* (*қар.*).

**Сочхон, Sochxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Сочой.*

**Сояқул, Soyaqul** (*ар.*) — шодлик, роҳат, фароғатда яшасин.

**Соқи, Soqi** (*ар.*) — соғ, соғлом; сезгир, зийрак. Шакллари: *Соқибек, Соқижон.*

**Соқимат, Soqimat** (*ар.*) — *қар. Соқимуҳаммад.*

**Соқимирза, Soqimirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Соқи* ва *Мирза.*

**Соқитўра, Soqito'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Соқи* ва *Тўра.*

**Соқихўжа, Soqixo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган соғлом бола.

**Соғин, Sog'in** (*ўз.*) — *қар. Соғиндиқ.* Шакллари: *Соғинбек, Соғинбой, Соғинтой.*

**Соғиндиқ, Sog'indiq** (*ўз.*) — соғиниб, интизор бўлиб, юриб топилган бола.

**Соғинтой, Sog'intoy** (*ўз.*) — соғиниб, интизор бўлиб юриб эришилган эркатой бола.

**Соғинч, Sog'inch** (*ўз.*) — умид, орзу бўлган бола; интизор бўлиб кутилган бола.

**Соҳаби, Sohabi** (◊ ., *ар.<ҳинд.*) – *қар. Соҳиба+биби.*

**Соҳаддин, Sohaddin** (*ар.*) – *эҳт.: Соатдин (қар.).*

**Соҳадулла, Sohadulla** (*ар.*) – *эҳт.: Соатулла (қар.).*

**Соҳиб, Sohib** (*ар.*) – эга, хўжайин; дўст, йўлдош. Асли: *Соҳиббиддин.* Шакллари: *Соҳиббек, Соҳиббой, Соҳибжон, Соҳибхон.*

**Соҳиба, Sohiba** (◊ ., *ар.*) – уйнинг эгаси, бекаси ёки дўст, йўлдош, рафиқа.

**Соҳибали, Sohibali** (*ар.*) – Алининг ҳамдаму, дўсти ёки Али дўст, ҳамдам бўлсин.

**Соҳиббека, Sohibbeka** (◊ ., *ар.-ўз.*) – *қар. Соҳиб* ва *Бека.*

**Соҳибберди, Sohibberdi** (*ар.-ўз.*) – Аллоҳ (эга, соҳиб) берган бола.

**Соҳиббиби, Sohibbibi** (◊ ., *ар.-ҳинд.*) – *қар. Соҳиб* (*Соҳиб+биби*).

**Соҳибгул, Sohibgul** (◊ ., *ар.-фт.*) – *қар. Соҳиб* (*Соҳиб+гул*).

**Соҳибдил, Sohibdil** (*ар.-фт.*) – меҳрибон, софкўнгил, бағри кенг бола.

**Соҳибжалил, Sohibjalil** (*ар.*) – улуғлик, буюклик соҳиби; улуғвор.

**Соҳибжамол, Sohibjamol** (◊ ., *ар.*) – чиройли, зебо қиз; тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Соҳибиддин, Sohibiddin** (*ар.*) – дин йўлига бахшида, яъни художўй, диндор.

**Соҳибкамол, Sohibkamol** (*ар.*) – етук, баркамол, мукаммал бола; ақлли, донишманд.

**Соҳибмирза, Sohibmirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Соҳиб* ва *Мирза.*

**Соҳибназар, Sohibnazar** (*ар.*) – ўткир зеҳнли, фаросатли бола; донишманд ёки соҳиб (Аллоҳ)нинг муруввати, ҳиммати.

**Соҳибнафас, Sohibnafas** (*ар.*) – Аллоҳнинг муруввати, қудрати (нафаси) б-н туғилган бола.

**Соҳибниёз, Sohibniyoz** (*ар.*) – соҳиб (Аллоҳ)нинг туҳфаси, совғаси.

**Соҳибпўлат, Sohibpo'lat** (*ар.-фт.*) – пўлатдек мустаҳкам бола.

**Соҳибулла, Sohibulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг дўсти, ҳамдами ёки Аллоҳнинг ҳиммати, марҳаматига муяссар бола.

**Соҳибхон, Sohibxon** (*ар.-ўз.*) – *қар. Соҳиб* (*Соҳиб+хон*).

**Соҳибқадам, Sohibqadam** (*ар.*) – хосиятли, қутлуғ қадамли бола.

**Соҳибқирон, Sohibqiron** (*ар.-фт.*) – айнан: сайёралар тўғри, хосиятли жойлашган, рўпара келган пайтда туғилган бола ёки бахтли, омадли.

**Соҳибқул, Sohibqul** (*ар.-ўз.*) – айнан: эгасининг хизматкори, қули; Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Соҳид, Sohid** (*ар.*) – бахтли, омадли бола.

**Соҳида, Sohida** (◊ ., *ар.*) – бахтли, омадли қиз.

**Соҳидулла, Sohidulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг саодатли бандаси.

**Соҳил, Sohil** (*ар.*) – қирғоқ, чегара; мақсад, орзу, армон. Эҳт: *Соҳиб* (*қар.*).

**Соҳир, Sohir** (*ар.*) – моҳир ҳунарманд, ўз касбининг устаси ёки сеҳрли.

**Соҳира, Sohira** (◇., *ар.*) — сеҳрли ёки моҳир, уддабурон қиз.

**Спитамин, Spitamin** (*фт.*) — олижаноб фикрлар эгаси; олижаноб, яхши ниятли ёки ҳурфикр, озод.

**Субай, Subay** (*ўз.<муғ.*) — сулув, гўзал, чиройли ёки отлиқ, сувари.

**Субутой, Subutoy** (*ар.*) — субутли, мустаҳкам, турғун, барқарор.

**Субҳи, Subhi** (*ар.*) — эрта тонгда туғилган, субҳидамда туғилган ёки тонгдек равшан, осуда.

**Субҳида, Subhida** (◇., *ар.*) — асли: субҳидам (тонг), туғилган ёки тонг каби мусаффо, равшан.

**Субҳинисор, Subhinisor** (◇., *ар.*) — тонгда, субҳидамда ато қилинган қиз.

**Субҳия, Subhiya** (◇., *ар.*) — тонг (субҳидам) қизи; субҳидамда туғилган қиз.

**Субҳон, Subhon** (*ар.*) — мадҳ, мақташ, улуғлаш; салобат, маҳобат. Одатда бу сифатлар Аллоҳи Таолога тегишлидир. Асли *Субҳонулла* (*қар.*).

**Субҳонали, Subhonali** (*ар.*) — Алининг мадҳи, улуғлиги ёки мақтовга сазовор ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Субҳонберди, Subhonberdi** (*ар.-ўз.*) — мадҳи санога муносиб бўлган, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Субҳонназар, Subhonnazar** (*ар.*) — мадҳу санолар эгаси (Аллоҳ)нинг муруввати (назари) туфайли эришилган бола.

**Субҳонулла, Subhonulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мадҳу саноси шарофати ёки Аллоҳга мақтовлар айтувчи бола ёҳуд Аллоҳнинг мақтовга муносиб бандаси.

**Субҳонқул, Subhonqul** (*ар.-ўз.*) — мадҳу сано, шон-шарафлар эгасининг, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Сувадо, Suvado** (◇., *ар.*) — бахтли, толеи баланд, бахтиёр ёки қар. *Сувайдо.*

**Сувайдо, Suvaydo** (◇., *ар.*) — юрак, бағир; азиз, суюкли қиз.

**Сувон, Suvon** (*ар.*) — *қар. Субҳон* ёки сувон (*фт.*) — эгов; эговдек маҳкам бола.

**Сувонали, Suvonali** (*ар.*) — *қар. Субҳонали.*

**Сувонберди, Suvonberdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Субҳонберди.*

**Сувонқул, Suvonqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Субҳонқул.*

**Сувор, Suvor** (*фт.*) — отлиқ, суворий ёки ёрқин, равшан; келишган.

**Суврат, Савратбой, Suvrat** (*ар.*) — кўриниш, жозиба; ҳусн, малоҳат.

**Сувсар, Сувсархон, Suvsar** (◇., *ўз.*) — қимматли мўйна берувчи ҳайвон; сувсар, яъни сувсардек гўзал, кўркам, чиройли.

**Сувчи, Suvchi** (*ўз.*) — соғ улғайиб сувчи, деҳқон йигит бўлсин.

**Судоба, Sudoba** (◊., *фт.*) — судобадек (райҳонга ўхшаш ўсимлик) гўзал, кўркам қиз.

**Сузук, Сузукхон, Suzuk** (◊., *ўз.*) — тоза, тиниқ, соф; нозли, сузилган.

**Суйгун, Суйгин, Suygun** (*ўз.*) — тузук, тўғри ёки кийик (суйқун)дек гўзал. Шакллари: *Суйгунбой, Суйгунжон.*

**Суйди, Suydi** (*ўз.*) — суюкли, қадрли, эъзозли қиз.

**Суйдибиби, Suydibibi** (◊., *ўз.*) — суюкли, эъзозга сазовор, баланд мартабали қиз.

**Суйдибону, Suydibonu** (◊., *ўз.-фт.*) — суюкли, ҳурматга сазовор қиз.

**Суйдибу, Суйдибуви, Suydibibuvi** (◊., *ўз.*) — суюкли, қадрли қиз ёки бувисининг исми берилган эъзозга сазовор қиз.

**Суйдинисо, Suydiniso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг энг суюклиси, эъзозлиси.

**Суйдихон, Suydixon** (◊., *ўз.*) — суюкли, қадрли қиз.

**Суйжи, Суйжихон, Suyji** (◊., *ўз.*) — суюкли, ширин, дилкаш қиз.

**Суйима, Суюма, Suyima** (◊., *ўз.*) — суюкли, эъзозли, азиза қиз.

**Суйимхон, Suyimxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Суйима* (*Суйим+хон*).

**Суймали, Suymali** (◊.,*ўз.*) — суюкли, қадрлашга, эъзозга лойиқ қиз.

**Суймахол, Suymaxol** (◊., *ўз.*) — суюкли (хосиятли) хол б-н туғилган қиз.

**Суймахон, Suymaxon** (◊., *ўз.*) — *қар., Суюмахон.*

**Суйсин, Suysin** (*ўз.*) — суюнтирган, қувонтирган бола; хосиятли, қутли бола.

**Суйғун, Суйғуной, Suyg'un** (◊., *ўз.*) — суйқундек (кийикнинг бир тури) чиройли, зийрак қиз.

**Сулаймон, Sulaymon** (◊.,*қад.яҳ.*) — ҳимояланган, берк, муҳофазага олинган, шикаст топмайдиган ёки тинч, осойишта. Баъзилар "Тинчликсевар" деб изоҳлашади. Бу исм қад. яҳ. тилида — Шелома, ар. Сулаймон, "Таврот" тилида — Соломон. Бу ном Сулаймон пайғамбарнинг исмидир.

**Сулаймонқул, Sulaymonqul** (*қад.яҳ+ўз.*) — Сулаймон пайғамбарнинг хизматкори, қули ёки Сулаймон пайғамбар номи берилган мўмин-қобил бола.

**Сулгун, Сулгуной, Sulgun** (◊., *ўз.*) — сулгундек (қирғовул, тустовуқ)дек гўзал, кўркам қиз.

**Султон, Sulton** (*ар.*) — шоҳ, ҳукумдор, подшоҳ, яъни умри узоқ бўлиб, баланд мартабалар эгаси бўлсин. Шакли: *Султоной, Султонжон, Султонхон.*

**Султона, Sultona** (◊., *ар.*) — ҳукумдор аёл; подшоҳ авлодига мансуб қиз ёки улғайиб баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Султонали, Sultonali** (*ар.*) — улғайиб олий мартабалар соҳиби бўлсин ёки баланд мартабали йигитни Али ўз паноҳида асрасин.

**Султонаҳмад, Sultonahmad** (*ар.*) — *қар. Султон* ва *Аҳмад.*

**Султонбахт, Sultonbaxt** (*ар.*) — толеи баланд, саодатли ҳукумдор.

**Султонбегим, Sultonbegim** (*ар.-ўз.*) — подшоҳнинг хотини ёки қизи; султон наслига мансуб фарзанд.

**Султонбек, Sultonbek** (*ар.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган баланд мартабали бола ёки бекларнинг сардори, бекларнинг беги.

**Султонбека, Sultonbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — бекларнинг баланд мартабали фарзанди.

**Султонберди, Sultonberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ баланд мартабалар эгаси бўладиган ўғил берди.

**Султонбиби, Sultonbibi** (*ар.-ҳинд.*) — улуғ мартабали қиз, шоҳ қиз.

**Султонбўл, Sultonbo'l** (*ар.-ўз.*) — улғайиб баланд мартабалар, амаллар эгаси бўлсин.

**Султонгул, Sultongul** (◊., *ар.-фт.*) — баланд мартабали гулдек гўзал қиз ёки гўзалларнинг султони, энг аълоси.

**Султонгўзал, Sultongo'zal** (◊., *ар.-ўз.*) — гўзал, чиройли қизларнинг сардори, энг аълоси ёки соҳибжамол., зебо подшоҳ.

**Султонёз, Sultonyoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Султонниёз.*

**Султонзода, Sultonzoda** (*ар.-фт.*) — султон, шоҳнинг фарзанди; султон наслига мансуб бола.

**Султония, Sultoniya** (◊., *ар.*) — султонлар наслига мансуб қиз ёки султонлар мулкининг эгаси, бой-бадавлат қиз.

**Султонкелди, Sultonkeldi** (*ар.-ўз.*) — баланд мартабалар эгаси бўлмиш ўғил туғилди.

**Султонмамат, Sultonmamat** (*ар.*) — *қар. Султонмуҳаммад.*

**Султонмаҳмуд, Sultonmahmud** (*ар.*) — *қар. Султон* ва *Маҳмуд.*

**Султонмирза, Sultonmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Султон* ва *Мирза.*

**Султонмурод, Sultonmurod** (*ар.*) — баланд мартабалар эгаси бўлиб, мурод-мақсадига етсин.

**Султонмуҳаммад, Sultonmuhammad** (*ар.*) — улғайиб баланд мартабалар эгаси бўлсин ва *Муҳаммад* (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Султонназар, Sultonnazar** (*ар.*) — оилага қўшилган (назар қилинган) баланд мартабали ўғил ёки Аллоҳнинг мурувввати бўлмиш баланд мартабали ўғил.

**Султоннасаб, Sultonnasab** (*ар.*) — султон, ҳукумронлар наслига мансуб бола.

**Султонниёз, Sultonniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган ўғлимиз улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Султоннур, Sultonnur** (*ар.*) — баланд мартабали, иқболи нурли, толеи баланд бола.

**Султоной, Sultonoy** (◊., *ар.-ўз.*) — баланд мартабалар эгаси бўлган ойдек сулув қиз.

**Султонпошша, Sultonposhsha** (◊., *ар.-фт.*) — баланд мартабалар соҳиби ва эъзозларга сазовор қиз.

**Султонсаид, Sultonsaid** (*ар.*) — бахтиёр, бахтли, толеи баландларнинг сардори, яъни энг бахтли бола.

**Султонтемир, Sultontemir** (*ар.-ўз.*) — баланд мартабалар эгаси ва темирдек мустаҳкам.

**Султонхон, Sultonxon** (*ар.-ўз.*) — хонларнинг хони ёки қар. *Султон* (Султон+хон).

**Султонхўжа, Sultonxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб, баланд мартабали бола.

**Султончори, Sultonchori** (*ар.-фт.*) — оиладаги тўртинчи бола улғайиб улуғ мартаба соҳиби бўлсин ёки *қар. Султон* ва *Чори*.

**Султоншо, Sultonsho** (*ар.-фт.*) — улғайиб ҳам султон, ҳам шоҳлардек улуғ мартаба эгаси бўлсин.

**Султонқора, Sultonqora** (*ар.-ўз.*) — *қар. Султон* ва *Қора*.

**Султонқул, Sultonqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Султон* (*Султон+қул*) ёки Султоннинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Султонғози, Sultongo'zi** (*ар.*) — дин учун курашувчи ҳукумдор ёки ғолиб, музаффар шоҳ.

**Сулув, Suluv** (◇., *ўз.*) — чиройли, гўзал, кўҳлик.

**Сулувбека, Сулувбика, Suluvbeka** (◇., *ўз.*) — беклар наслига мансуб чиройли қиз.

**Сулувбиби, Suluvbibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — олийнасаб авлодга мансуб гўзал қиз.

**Сулувгул, Suluvgul** (◇., *ўз.-фт.*) — чиройли, кўркам гул, яъни гул каби зебо қиз.

**Сулувжон, Suluvjon** (◇., *ўз.-фт.*) — жондан азиз, гўзал қиз.

**Сулувнисо, Suluvniso** (◇., *ўз.-ар.*) — гўзал аёл ёки аёлларнинг энг гўзали, дилбари.

**Сулувноз, Suluvnoz** (◇., *ўз.-фт.*) — чиройли ишвалар қилувчи, нозли, назокатли қиз.

**Сулувхон, Suluvxon** (◇., *ўз.*) — *қар. Сулув* (*Сулув+хон*).

**Сулувюз, Suluvyuz** (◇., *ўз.*) — гўзал чеҳрали, соҳибжамол қиз.

**Сулҳия, Sulhiya** (◇., *ар.*) — тинч, осойишти яшовчи.

**Суман, Суманой, Suman** (◇., *фт.*) — хушбўй оқ гул; ёсмин (жасмин)дек қиз ёки қимматли, бебаҳо қиз. *Суманбар* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Суманбар, Sumanbar** (◇., *фт.*) — суман (ёсуман) гулдек чиройли қиз ёки кумуш танли оқбадан гўзал.

**Суманбўй, Sumanbo'y** (◇.,*фт.*) — ёсмин (жазмин) ҳидли, ёқимтой қиз.

**Сумансо, Sumanso** (◇.,*фт.*) — ёсмин (жазмин) монанд оқ юзли қиз.

**Сумбул, Сумбулой, Sumbul** (◇., *фт.*) — *қар. Сунбул, Сунбулой.*

**Сунбул, Сунбулой, Sunbul** (◇., *фт.*) — сумбул (ўсимлик) каби гўзал қиз; жозибали, ёқимтой. *Сунбула* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Сунбула, Sunbula** (◊., *фт.*) — хушбўй, сунбул, гулдек гўзал қиз ёки шамсия (қуёш) йили ҳисобининг саккизинчи ойи сунбула ойида (22 август — 21 сентябрь) туғилган қиз.

**Сундузхон, Sunduzxon** (◊., *ар.*) — сундус — зардўзли шоҳи мато ёки сундуз уруғига (ўзбек уруғларидан бири) мансуб қиз.

**Суннат, Sunnat** (*ар.*) — айнан: йўл, одат, удум, таомил ёки суннат қилинганга ўхшаб туғилган бола. Асли: *Суннатулла.*

**Суннатулла, Sunnatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг йўли, маслаги, тариқатига амал қилувчи бола ёки Аллоҳнинг қудрати, мўъжизаси б-н суннат қилингандек бўлиб туғилган бола.

**Сунқур, Сунқурбой, Sunqur** (*ўз.*) — шунқор, лочин; довюрак, қўрқмас; сезгир, зийрак.

**Супургибек, Supurgibek** (*ўз.*) — супургидек эътиборсиз, хоксор бола. Ёмон кўзлардан асраш, кўз тегишдан ҳимоя қилиш мақсадида берилган исм.

**Сурай, Suray** (◊., *ар.*) — *қар. Сурайё.*

**Сурайё, Surayyo** (◊., *ар.*) — иқболи *Сурайё* юлдузидек юксак ёки *Сурайё* юлдуздек гўзал қиз.

**Сурахон, Suraxon** (◊., *ар.*) — Қуръон суралари, фасллари.

**Сурат, Surat** (◊., *ар.*) — кўриниш, шакл-шамоил, яъни соҳибжамол, кўркам қиз. Эҳт.: *Суръат* (*қар.*).

**Сурма, Сурмахон, Surma** (◊., *фт.*) — сурмаланган, ароланган, яъни қора кўз, шаҳло кўз қиз; гўзал, кўркам қиз.

**Сурманисо, Surmaniso** (◊., *фт.*) — сурма қўйган аёл; чиройли, зебо аёл.

**Суроб, Сурробой, Surob** (*ўз.*) — кўриниш, чирой, кўрк; гўзал қиёфали, талъат, чеҳра ёки *қар. Суҳроб.*

**Сурон, Суронбой, Suron** (*ўз.*) — ҳашаматли, баланг, дабдабали.

**Суррия, Суррият, Surriya** (◊., *фт.*) — канизак, чўри қизлар; итоаткор, хизматкор.

**Сурур, Сурурбой, Surur** (*ар.*) — шодлик, хурсандлик; хушчақчақ, қувноқ, масрур.

**Суруш, Сурушхон, Surush** (◊., *фт.*) — фаришта; покиза, бегуноҳ, маъсума.

**Сурқай, Surqay** (*фт.*) — тугунларни ечувчи; чигал муаммоларни ҳал эта олувчи; чидамли, иродали; ақлли, доно.

**Сурхак, Surxak** (*фт.*) — диндор, тақводор, художўй ёки қизил тусли (сочли) бола.

**Сурхоб, Surxob** (*фт.*) — лаъл; қимматли, тенгсиз бола.

**Сурхон, Surxon** (*фт.*) — сур-тўй, базм, шодлик ёки сур — қўрғон, қалъа, яъни мустаҳкам, маҳкам бола.

**Сурхонмирза, Surxonmirza** (*фт.*) — *қар. Сурхон* ва *Мирза.*

**Суръат, Sur'at** (*ар.*) — чаққон, тезкор, жадал; эпчил, уддабурон, меҳнаткаш. Шакллари: *Суръатбой, Суръатжон, Суръатбек.*

**Суръатой, Sur'atoy** (◇., *ар.-ўз.*) — чаққон, эпчил ва ойдек сулув қиз.

**Суръатхон, Sur'atxon** (◇., *ар.-ўз.*) — чаққон, эпчил ва юксак мартабали қиз.

**Сусан, Susan** (◇., *фт.<қад. яҳ.*) — лола гуллилар турига мансуб гул хили; сув гули (лилия).

**Сусанбар, Susanbar** (◇., *фт.*) — сусан гули каби муаттар ҳидли, жозибали ёқимли.

**Сутура, Sutura** (◇., *фт.*) — мақталган, мақтовга лойиқ.

**Сухан, Suxan** (*ар.*) — *қар. Субҳон.*

**Суханберди, Suxanberdi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Субҳонберди.*

**Суханмурод, Suxanmurod** (*ар.*) — *қар. Субҳонмурод.*

**Суханназар, Suxannazar** (*ар.*) — *қар. Субҳонназар.*

**Суханоро, Suxanoro** (◇., *фт.*) — ширинсухан, ширинсўзли, ширинкалом қиз.

**Суханқул, Suxanqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Субҳонқул.*

**Сухсур, Suhsur** (◇., *ўз.*) — сухсурдек чиройли, зебо қиз. Сухсур — гўзаллик ва соғломлик рамзи ҳисобланади.

**Суюк, Suyuk** (*ўз.*) — суюкли, эрка ўғил ёки *қар. Суюкли.* Шакллари: *Суюкбой, Суюкжон, Суюкмирза, Суюктой.*

**Суюкли, Suyukli** (*ўз.*) — қадрли, азиз, мўътабар бола.

**Суюма, Suyuma** (◇., *ўз.*) — қувонч, шодлик боиси бўлган қиз.

**Суюмбека, Суюмбика, Suyumbeka** (◇., *ўз.*) — қувонч, шодлик боиси бўлмиш, қадрли, мартабали қиз.

**Суюмбой, Suyumboy** (*ўз.*) — *қар. Суюнбой.*

**Суюмхон, Suyumxon** (◇., *ўз.*) — суюкли, қадрли; эъзозли.

**Суюн, Suyun** (*ўз.*) — қувонч, шодлигимизнинг боиси бўлган ўғил ёки қувониб, доим суюниб юрсин. Асли: *Суюндик, Суюнч* (*қар.*). Шакллари: *Суюнбек, Суюнжон.*

**Суюна, Suyuna** (◇., *ўз.*) — ҳаётида доимо қувноқ, бахтиёр бўлиб юрсин. *Сол: Суюма.*

**Суюнбека, Suyunbeka** (◇., *ўз.*) — қувноқ, бахтиёр ва баланд мартабали қиз.

**Суюндик, Suyundik** (*ўз.*) — фарзандли бўлганимизга қувондик ёки шодлик, севинч боиси бўлган бола.

**Суюнмирза, Suyunmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Суюн* ва *Мирза.*

**Суюнтой, Suyuntoy** (*ўз.*) — шодлик, бахтиёрлик боиси бўлган азиз, эрка бола.

**Суюнхон, Suyunxon** (◇., *ўз.*) — ҳаётида қувониб, севиниб юрсин.

**Суюнхўжа, Suyunxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб қувноқ, бахтиёр бола.

**Суюнч, Suyunch** (*ўз.*) — севинч, бахтиёрлик боиси бўлган бола ёки ота-онасининг суянчи, таянчи.

**Суюнчакхон, Suyunchakxon** (*ўз.*) — ҳаётида севиниб, қувониб юрсин ёки шодлик, суюнч (шодлик) боиси бўлган бола.

**Суюнчали, Suyunchali** (*ўз.-ар.*) — шодлик ва севинчлар боиси бўлган болани Али ўз паноҳида асрасин ёки Али ато қилган қувонч, бахт.

**Суюнқул, Suyunqul** (*ўз.*) — *қар. Суюн* (*Суюн+қул.*)

**Суюрғаб, Suyurg'ab** (*ўз.*) — Аллоҳнинг ярлақаб, мурувват қилиб берган бола.

**Суян, Suyan** (*ўз.*) — *қар. Суянч* ёки *Суянчиқ.*

**Суянч, Suyanch** (*ўз.*) — ота-онасига таянч, кўмакдош, ёрдамчи бўлсин.

**Суянчиқ, Suyanchiq** (*ўз.*) — ота-онасининг суянчиғи, мададкори таянчи бўлсин.

**Суяр, Suyar** (*ўз.*) — суюкли, эъзозга сазовор бола ёки Аллоҳ қуллайдиган мадад берадиган бола. Шакллари: *Суярбой, Суярбек, Суяртой.*

**Суярали, Suyarali** (*ўз.-ар.*) — суюкли, азиз болани Али ўз паноҳида асрасин ёки Али суювчи, қўллаб-қўлтиқлайдиган бола.

**Суярбек, Suyarbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб суюкли; эъзозли бола.

**Суярхўжа, Suyarxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган суюкли, азиз бола.

**Суяршо, Suyarsho** (*ўз.-фт.*) — *қар. Суяр* (*Суяр+шо*).

**Суярқул, Suyarqul** (*ўз.*) — *қар. Суяр* (*Суяр+қул.*).

**Суқсур, Suqsur** (*ўз.*) — *қар. Сухсур.*

**Суқсурой, Suqsuroy** (◇., *ўз.*) — сухсурдек гўзал ва ойдек сулув қиз.

**Суқсурхон, Suqsurxon** (◇., *ўз.*) — сухсурдек чиройли, мўътабар қиз.

**Суғра, Суғро, Sug'ra** (*ар.*) — энг кичик, кенжа, кенжатой бола.

**Суқур, Suqur** (*ўз.*) — *қар. Суғур.*

**Суҳайл, Суҳайли, Suhayl** (*ар.*) — Суҳайл юлдузи, порлоқ юлдуз, яъни бахтли, иқболли бола ёки доно, донишманд.

**Суҳбат, Suhbat** (*ар.*) — *қар. Суҳбатулла.*

**Суҳбатулла, Suhbatulla** (*ар.*) — Аллоҳ б-н мулоқатда, суҳбатда бўлувчи; Аллоҳнинг сирдоши.

**Суҳоб, Suhob** (*ар.*) — Суҳо юлдузи — ҳулкар туркумидаги юлдузларнинг энг кичиги; толеи баланд, хушбахт бола.

**Суҳроб, Суҳробжон, Suhrob** (*паҳл.*) — қизил ёғду; ёқут, лаъл. Бу ном "Шоҳнома" достони қаҳрамони Рустамнинг исмидир.

**Сўзан, So'zan** (*фт.*) — чўл ўсимлиги; ўша ўсимликдек чидамли, бардошли бўлсин, умри узоқ бўлсин

**Сўлим, So'lim** (◇., *ўз.*) — беғубор, покиза; чиройли дилбар қиз.

**Сўлимбиби, So'limbibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — пок, озода ҳамда баланд мартабали қиз.

**Сўлимой, So'limoy** (◇., *ўз.*) — пок, мусаффо, ойдек сулув қиз.

**Сўлмас, So'lmas** (*ўз.*) — сўлмайдиган, яъни ўлмайдиган яшайдиган бола.

**Сўлмасжон, So'lmasjon** (*ўз.-фт.*) — сўлмайдиган, яъни ўлмайдиган умри узоқ, жондан азиз бола.

**Сўлмасой, So'lmasoy** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув қизнинг умри узоқ бўлсин.

**Сўлмасхон, So'lmasxon** (◊., *ўз.*) — сўлмайдиган (ўлмайдиган) эъзозли қиз.

**Сўлғин, So'lgin** (◊., *ўз.*) — *қар. Сўлим.*

**Сўм, Сўмбой, So'm** (*ўз.*) — кумуш қуймасидек бебаҳо, қадрли ёки саломатли, келишган, соҳибжамол бола.

**Сўна, So'na** (◊., *ўз.*) — ёввойи ўрдак (сўна)дек чиройли қиз. Шакллари; *Сўнагул, Сўнажон, Сўнабека, Сўнабиби.*

**Сўнма, Сўнмасжон, So'nma** (*ўз.*) — сўнмайдиган, яъни ўлмайдиган, умри узоқ бола.

**Сўфи, So'fi** (*фт.*) — одамларни номозга чорловчи; художўй, тақводор. Шакллари: *Сўфибек, Сўфижон.*

**Сўфиосон, So'fioson** (◊., *фт.*) — мушкулимизни, яъни фарзандга зорлигимизни осон қилиб сўфи ато қилган бола.

**Сўфихон, So'fixon** (*фт.-ўз.*) — художўй, тақводор бола.

**Сўфихўжа, So'fixo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб тақводор, художўй бола.

**Сўфия, So'fiya** (◊., *фт.*) — сўфизм тариқатига бўйсинувчи тасаввуф (сўфийлик) йўлини тутувчи қиз ёки *Сўфи (қар.)* нинг фарзанди.

**Сўфиқиз, So'fiqiz** (*фт.-ўз.*) — тақводор, диндор қиз.

**Сўфиқул, So'fiqul** (*фт.-ўз.*) — художўй, тақводорнинг ёки мачит сўфисининг хизматкори, қули.

# Т

**Табар, Tabar** (*фт.*) — болта; болтадек мустаҳкам, бақувват бўлсин.

**Табарали, Tabarali** (*фт.-ар.*) — болтадек мустаҳкам, бақувват бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин ёки Алининг авлодига мансуб бола.

**Табассум, Tabassum** (◊., *ар.*) — ҳаётидан шод, хурсанд бўлиб юрсин ёки табассумли, очиқ чеҳрали, кулиб турувчи қиз.

**Табдил, Tabdil** (*ар.*) — алмаштирилган, алмашиб олинган бола.

**Табдила, Tabdila** (◊., *ар.*) — алмашиб олинган қиз.

**Табиба, Tabiba** (*ар.*) — эмловчи, шифокор, даволовчи. Шакллари: *Табиббой, Табибжон.*

**Табибулла, Tabibulla** (*ар.*) — Аллоҳ шифо берувчи, нажоткор ёки Аллоҳ ато қилган соғлом бола.

**Табила, Tabila** (◊., *ар.*) — умри узоқ, узоқ яшовчи қиз.

**Табия, Tabiya** (◊., *ар.*) — қалъа; ҳимоя қилинган, маҳкам, мустаҳкам.

**Таброка, Tabrika** (а.,*ар.*) — қутловга, олқиш, табрикка сазовор қиз.

**Таваккал, Tavakkal** (*ар.*) — ҳаёти таваккал қилинган, тақдири Аллоҳнинг ихтиёрига топширилган бола, Аллоҳдан умид қилган бола.

**Таваккала, Tavakkala** (◊., *ар.*) — ҳаёти таваккал қилинган, тақдири Аллоҳ ихтиёрига топширилган қиз.

**Таваккалхон, Tavakkalxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Таваккал* (*Таваккал+хон*).

**Тавалло, Tavallo** (*ар.*) — Аллоҳдан сўраб, илтижолар қилиб, олинган бола ёки суюкли, қадрли, дўст тутилган бола.

**Тавар, Таварбой, Tavar** (*ўз.*) — мол, бойлик; бой-бадавлат бўлсин.

**Таварик, Tavarik** (*ар.*) — интизор бўлиб кутилган, азиз, табаррук бола.

**Тавбахон, Tavbaxon** (◊., *ар.*) — тавба қилувчи, итоаткор, Аллоҳ йўлига буйсинувчи қиз.

**Тавзиҳа, Tavziha** (◊., *ар.*) — равшан, аниқ, ошкор.

**Тавила, Tavila** (◊., *ар.*) — узун бўйли қиз ёки узоқ умрли қиз.

**Тавияхон, Taviyaxon** (◊., *ар.*) — *қар. Табия.*

**Тавон, Тавонбой, Tavon** (*фт.*) — кучли, бақувват, чидамли, бардам, соғлом бола.

**Тавона, Tavona** (◊., *фт.*) — кучли, бақувват; бардам, соғлом қиз.

**Тавонгар, Тавонгир, Tavongar** (*фт.*) — кучли, қудратли, бойбадавлат.

**Тавсан, Tavsan** (*фт.*) — шўх, ўйноқи, асов от; арғумоқ, тўпичоқ.

**Тавсаной, Tavsanoy** (◊., *фт.-ўз.*) — шўх, қувноқ, шаддод қиз.

**Тавур, Tavur** (*ўз.*) — яхши, дуруст, кўнгилга яқин, ёқимтой.

**Тавурмирза, Tavurmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тавур* ва *Мирза.*

**Тавурхўжа, Tavurxo‘ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб дуруст, маъқул бола.

**Тавурқул, Tavurqul** (*ўз.*) — яхши хулқли ва мўмин-қобил бола ёки Аллоҳнинг муносиб, яхши хулқли бандаси.

**Тавфиқ, Tavfiq , Тавфиқжон,** (*ар.*) — бахтли, омадли, иқболли ёки ёмон одатлардан ўзини сақлайдиган, покиза, авлиё бола.

**Тавқора, Tavqora** (*ўз.*) — эҳт: *Давқора* (*қар.*).

**Тавҳид, Tavhid** (*ар.*) — бирлик, ягоналик; суфиликда худонинг ягоналигига эътиқод қилиш даражаси; ягона Аллоҳга сиғинувчи.

**Тавҳидахон, Tavhidaxon** (◊., *ар.-ўз.*) — якка, ягона; тенгсиз қиз. ёки ягона Аллоҳга сиғинувчи, эътиқод қилувчи қиз.

**Тавҳиддин, Tavhiddin** (*ар.*) — ягона дин (исломга) амал қилувчи, сиғинувчи, мусулмон.

**Тавҳир, Tavhir** (*ар.*) — эҳтиром, ҳурматга муносиб, сазовор бола.

**Тадбир, Tadbir** (*ар.*) — чорасини Аллоҳнинг ўзи топсин, умри узоқ бўлсин ёки тадбирли, моҳир, устамон бола.

**Тажалло, Tajallo** (*ар.*) — жонланиш, намоён бўлиш; мавжуд бўлиш, яшаш.

**Тазаррув, Tazarruv** (*ар.*) — ялиниб, ёлвориб юриб топилган бола.

**Тазкира, Tazkira** (◇., *ар.*) — ёдгор бўлиб қолган қиз ёки ўгит-насиҳат.

**Тазкия, Tazkiya** (◇., *ар.*) — садақа, қурбонлик қилинган қиз ёки соф, покиза, маъсума ёҳуд мақтовга, мадҳ қилишга сазовор.

**Тай, Тайжон, Tay** (*ўз.*) — юриш, кезиш, йўл босиш ёки тай// той — она томонидан қариндош бўлганларнинг уйида туғилган бола. Эҳт. *Тойжон* (қар.).

**Тайёр, Tayyor** (*ар.*) — чаққон, эпчил, тез, жадал.

**Тайфура, Tayfura** (◇.,*ар.*) — ўйновчи, сакровчи; қувноқ, шодон.

**Такабой, Такажон, Takaboy** (*ўз.*) — устун тагига қўйиладиган мармар тошдек мустаҳкам ёки такадек кучли, бақувват бола ёҳуд бой, бадавлат бўлсин. Эҳт: така уруғига мансуб бола.

**Такатой, Takatoy** (*ўз.*) — қар. Така (Така+той).

**Такаш, Takash** (*ўз.*) — така сўзи билан бошланган исмларнинг эқ. шакли ёки катта шокоса, яъни ризқ-рўзли, насибали бўлсин.

**Такмил, Takmil** (*ар.*) — мукаммал, бенуқсон; етук.

**Такмила, Takmila** (◇., *ар.*) — вафот этган фарзандлар ўрнини тўлдириш учун берилган бола ёки мукаммал, етук.

**Тал//Толи, Tal** (*ар.*) — айнан: бахт, тақдир, яъни юксак, баланд; толеи баланд, иқболли.

**Талаббой, Talabboy** (*ар.-ўз.*) — талаб, илтимос қилиб олинган бола ёки афсонавий Талаб водийси номидан.

**Талабой, Talaboy** (◇., *ар.-ўз.*) — талаб, илтимос қилиб олинган ойдек сулув қиз.

**Талабмирза, Talabmirza** (*ар.-фт.*) — қар. *Талаб* ва *Мирза*.

**Талбак, Talbak** (*фт.*) — сўраб, талаб қилиб олинган бола.

**Талъат, Tal'at** (*ар.*) — айнан: кўриниш, қиёфа, юз, яъни чиройли, соҳибжамол.

**Талъатой, Tal'atoy** (◇., *ар.-ўз.*) — гўзал чеҳрали, ойдек сулув қиз.

**Талъаттўра, Tal'atto'ra** (*ар.-ўз.*) — қар. *Талъат* ва *Тўра*.

**Талғат, Talg'at** (*ар.*) — қар. *Талъат*.

**Талҳак, Talhak** (*ар.*) — какра, аччиқ; ёмон бола. Гўдакни ёмон кўзлардан асраш учун бериладиган исм.

**Тамал, Tamal** (◇., *ар.*) — асос, тўнғич бола ёки тамаллуқ ялиниб, ёлвориб юриб эришилган бола.

**Таманно, Tamanno** (◇., *ар.*) — илтимос; илтижо қилиб топилган қиз; орзу, армон қилинган қиз ёки нозли, карашмали, дилкаш қиз.

**Тамиза, Tamiza** (◊., *фт.*) — тоза, пок, покиза ёки зийрак, фаҳм-фаросатли ёҳуд шамсия йили ҳисобининг бешинчи ойи (саратон-июль) да туғилган қиз.

**Танабой, Tanaboy** (*ўз.*) — тана (икки ёшли бузоқ) дек кучли, бақувват бўлсин ёки моллари кўп, бой, бадавлат бўлсин.

**Танга, Tanga** (◊., *ўз.*) — ўтмишда 15 тийин (Бухорода), 20 тийин (Тошкентда ва Фарғонада)га тўғри келувчи кумуш пул. Кумуш танга поклик рамзи ҳам ҳисобланади.

**Тангир, Tangir** (*ўз.*) — фаросатли, қобилиятли; хотираси ўткир, ақлли, зийрак.

**Тангри, Tangri** (*ўз.*< *хит.*) — Аллоҳ, Худо; кўк, осмон. Асли: *Тангриберди, Тангриқул*. Шакллари: *Тангрибой, Тангрибек*.

**Тангриберган, Tangribergan** (*ўз.*) — Аллоҳ берган, ато қилган бола Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси.

**Тангриберди, Tangriberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилди, берди. Аллоҳнинг ҳадяси, совғаси.

**Тангримуҳаммад, Tangrimuhammad** (*ўз.-ар.*) — қар. *Тангри* ва Муҳаммад ёки Аллоҳ ато қилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тангрихўжа, Tangrixo'ja** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ ато қилган ва хўжалар авлодига мансуб бола.

**Тангриқул, Tangriqul** (*фт.*) — Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Тандор, Tandor** (*фт.*) — тетик, бардам; зийрак бола.

**Танзил, Tanzil** (◊., *ар.*) — *қар. Танзила, Танзилат.*

**Танзила, Tanzila** (◊., *ар.*) — Аллоҳнинг йўл-йўриғи, кўрсатмалари, Аллоҳнинг иродаси ёки суюкли, мулойим қиз.

**Танзилат, Tanzilat** (◊., *ар.*) — Аллоҳнинг пайғамбарга юборилувчи кўрсатмалари, хабарлари; Аллоҳнинг хоҳиш, иродаси.

**Танзим, Tanzim** (◊., *ар.*) — тартибланган, безанган, ороста.

**Танзия, Tanziya** (◊., *ар.*) — покиза, ораста.

**Тани, Танибой, Tani** (*фт.*) — маҳкам, мустаҳкам ёки ўғил, ўғил бола.

**Танибек, Tanibek** (*фт.-ўз.*) — тани соғ, соғлом танли; маҳкам чиниққан.

**Таниқул, Taniqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Тани* ёки *Тангриқул.*

**Танноз, Таннозхон, Tannoz** (◊., *ар.*) — нозли, карашмали қиз, яъни ёқимтой, дилбар.

**Тановар, Tanovar** (◊., *фт.*) — тановар куйидек ёқимтой қиз, раққоса қиз ёки тановар (тери)дек тўзимли, маҳкам, мустаҳкам бўлсин.

**Тансиқ, Tansiq** (*ар.*) — нодир, ноёб, камёб ёки тансуқ — туҳфа, ҳадья, инъом. Шакллари: *Тансиқбой, Тансиқжон.*

**Тансиқа, Tansiqa** (◊., *ар.*) — нодир, камёб, тенгсиз, орзу қилинган қиз ёки Аллоҳнинг туҳфаси, инъоми. Шакллари: *Тансиқой, Тансиқжон.*

**Тансиқбиби, Tansiqbibi** (◊., *ар.-ҳинд.*) — нодир ва баланд мартабали қиз.

**Тансиқой, Tansiqoy** (◊., *ар.-ўз.*) — нодир, тансиқ, тенгсиз; орзу қилинган ойдек сулув қиз.

**Тансиққул, Tansiqqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг нодир, бебаҳо бандаси, қули.

**Танти, Тантибой, Tanti** (*ар.*) — сахий, саховатли, қўли очиқ.

**Тантиқ, Tantiq** (*ўз.*) — тилаб, армон қилиб юриб топилган бола ёки азиз, эркатой ўғил.

**Танҳо, Tanho** (*ар.*) — якка, ягона; тенгсиз, бебаҳо

**Тарбия, Tarbiya** (◊., *ар.*) — одобли, хушхулқ, тарбияли қиз ёки қар. *Тарфия.*

**Тарзабон, Tarzabon** (*фт.*) — гапдон, сўзамол, нотиқ ёки покиза; тароватли.

**Таржиҳа, Tarjiha** (◊., *ар.*) — устун турувчи, афзал.

**Тариф, Tarif** (*ар.*) — аслзода, зодагон; оқсуяк; олийнасаб авлодга мансуб.

**Тарифа, Tarifa** (◊., *ар.*) — олийнасаб қиз; аслзода қиз.

**Тариқ, Tariq** (*ар.*) — йўсин, йўл-йўриқ ёки тунда, оқшомда туғилган бола.

**Тариқбой, Tariqboy** (*ар.*) — тариқ — озиқ, экин; деҳқон бола.

**Тарлон, Tarlon** (*ўз.*) — тарлон (лочин, қарчиғайга ўхшаш қуш) каби жасур, чаққон, эпчил бўлсин.

**Тарноз, Tarnoz** (◊., *фт.*) — тозалик, софлик; соғлом, покиза, жозибали.

**Тароват, Tarovat** (◊., *ар.*) — поклик, сўлимлик; малоҳат; гўзал, соҳибжамол.

**Тарона, Tarona** (◊., *фт.*) — айнан; қўшиқ, куй; ҳаёти қувноқ, бахтиёр бўлсин.

**Тархон, Tarxon** (*муғ.*) — айнан: озод, ҳур; турли мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлар авлодига мансуб бола.

**Тарфия, Tarfiya** (◊., *ар.*) — шодлик, хурсандлик.

**Тасалли, Tasalli** (*ар.*) — кўнглимизни хушнуд, хотиржам қилган бола, тасалли топдирган бола.

**Таскин, Taskin** (*ар.*) — кўнглимизни тинчлантирган, кўнгилга хотиржамлик берган; шукронамиз боиси бўлган бола.

**Таскина, Taskina** (◊., *ар.*) — кўнглимиз осойишталиги, таскини бўлган бола.

**Таслим, Taslim** (*ар.*) — ўлим (хавф) таслим, бўлсин, чекинсин ёки ёввош, мулойим бола ёхуд иззат-икромга лойиқ, муносиб бола. Шакллари: *Таслимбой, Таслимжон.*

**Таслима, Taslima** (◊., *ар.*) — *қар. Таслим* (*Таслим+а*).

**Таслимой, Taslimoy** (◊., *ар.-ўз.*) — умри узоқ, иззат-икромли, ойдек сулув қиз ёки *қар. Таслим.*

**Таслимқул, Taslimqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Таслим* (*Таслим+қул*).

**Таслия, Tasliya** (◊ .,*ар.*) — кўнгилга далда, тасалли берувчи қиз ёки ғам-ғуссадан йироқ, бахтиёр, қувноқ қиз.

**Тасмила, Tasmila** (◊ ., *ар.*) — тинч, осойишта; ёввош, беозор бола.

**Тасмия, Tasmiya** (◊ ., *ар.*) — қўшилган, қаватланган; кўпайган. Оилада туғилган иккинчи қиз шундай номланган.

**Тасфия, Tasfiya** (◊ ., *ар.*) — покланган, бегуноҳ; озода, покиза қиз.

**Тасқара, Tasqara** (*ар.*) — тасқарадек хунук, хўримсиз, ёқимсиз бола. Чақалоқни офатлардан, кўз тегишдан асраш учун шундай исм берилади.

**Таъзима, Ta'zima** (◊ ., *ар.*) — ҳурмат, эъзозни билувчи, таъзимкор, ақлли, одобли қиз.

**Таълим, Ta'lim** (*ар.*) — таълим берувчи, ўргатувчи, билимдон.

**Таълима, Ta'lima** (◊ ., *ар.*) — ўргатувчи, таълим берувчи; ўқимишли, билимдон.

**Таърифа, Ta'rifa** (◊ ., *ар.*) — таърифлашга лойиқ, мақтовга сазовор.

**Ташриф, Ташрифжон, Tashrif** (*ар.*) — улуғланган, юксак кўтарилган; оиланинг янги меҳмони.

**Ташрифа, Tashrifa** (◊ ., *ар.*) — улуғланган, эъзозланган, ҳурматга муносиб қиз ёки оиланинг янги меҳмони. Шакллари: *Ташриф, Ташрифхон.*

**Таштан, Tashtan** (*ўз.*) — *Тоштемир* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Таянч, Таянчбой, Tayanch** (*ўз.*) — ота-онасининг суянчиғи, кўмакчиси.

**Тақабой, Taqaboy** (*ўз.*) — тақа (нағал)дек тўзимли, чидамли ва маҳкам.

**Тақдим, Taqdim** (*ар.*) — Аллоҳ ато қилган бола. Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Тақдима, Taqdima** (*ар.*) — Аллоҳ ато қилган қиз, Аллоҳнинг туҳфаси.

**Тақдир, Тақдирбой, Taqdir** (*ар.*) — насиб қилган, тақдир қилган бола.

**Тақдирали, Taqdirali** (*ар.*) — Алининг туҳфаси, эҳсони ёки Аллоҳ ато қилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Тақдирқул, Taqdirqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Тақдир* (*Тақдир+қул*).

**Тақдиса, Taqdisa** (◊ ., *ар.*) — покиза, бегуноҳ, маъсума; муқаддас қиз.

**Таҳамтан, Tahamtan** (*фт.*) — гавдали, жуссадор; бақувват, паҳлавон.

**Таҳмина, Tahmina** (◊ .,*ар.*) — кучли, қудратли; жасур. "Шоҳнома" қаҳрамони Суҳроб онасининг исми.

**Таҳсин, Tahsin** (◊ ., *ар.*) – маъқуллашга, мақташга лойиқ; ҳурмат ва эъзозга муносиб қиз.

**Тегин//Тагин, Tegin** (*ўз.*) – шоҳзода, аслзода ёки тегин//текин – текинга берилган, туҳфа қилинган. Бу исм маъноси унчалик аниқ эмас.

**Тегина, Tegina** (◊ ., *ўз.*) – малика, шоҳ авлодига мансуб, аслзода қиз.

**Текпўлат, Tekpo'lat** (*ўз.-фт.*) – тинч, осойишта, осуда ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Тектур, Tektur** (*ўз.*) – тинч, осойишта тургин, яъни ўлмасин, умри узоқ бўлсин.

**Телли, Telli** (◊ ., *ўз.*) – безанган, ороланган; чиройли, соҳибжамол.

**Темир, Temir** (*ўз.*) – темирдек мустаҳкам, маҳкам, яъни бало-қазоларга бардошли, умри узоқ бола. Шакллари: *Темиртой, Темиржон, Темирхон.*

**Темира, Temira** (◊ ., *ўз.*) – темирдек маҳкам, мустаҳкам қиз, яъни яшайдиган, умри узоқ қиз.

**Темирали, Temirali** (*ўз.-ар.*) – темирдек маҳкам, мустаҳкам бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Темирбек, Temirbek** (*ўз.*) – беклар авлодига мансуб бўлган темирдек махкам бола.

**Темирберди, Temirberdi** (*ўз.*) – Аллоҳ темирдек мустаҳкам ўғил берди.

**Темиргул, Temirgul** (◊ ., *ўз.-фт.*) – темирдек мустаҳкам ва гулдек чиройли қиз.

**Темирмалик, Temirmalik** (*ўз.-ар.*) – *қар. Темир* ва *Малик.*

**Темирмирза, Temirmirza** (*ўз.-фт.*) – темирдек маҳкам, мустаҳкам ва ўқимишли, келишган йигит бўлсин.

**Темирниёз, Temirniyoz** (*ўз.-фт.*) – Аллоҳдан ўтиниб, сўраб олинган ўғил темирдек маҳкам бўлсин.

**Темирпўлат, Temirpo'lat** (*ўз.-фт.*) – темирдек ва пўлатдек маҳкам, мустаҳкам, яъни узоқ яшайдиган бола.

**Темирсайид, Temirsayid** (*ўз.-ар.*) – сайидлар наслидан бўлган темирдек мустаҳкам бола.

**Темирсултон, Temirsulton** (*ўз.-ар.*) – темирдек мустаҳкам ва баланд мартабали бола.

**Темиртой, Temirtoy** (*ўз.*) – темирдек маҳкам ва суюкли, эркатой бола. Сол.: *Иристой* (ирисли, насибали), *Анортой* (анорли, анори бор).

**Темиртош, Temirtosh** (*ўз.*) – темирдек ва тошдек мустаҳкам, яъни ўлим ва офатларга бардошли.

**Темиртурди, Temirturdi** (*ўз.*) – темирдек мустаҳкам ва турадиган ўлмайдиган.

**Темирфайёз, Temirfayyoz** (*ўз.-ар.*) – темирдек мустаҳкам ва ўта сахий, саховатли.

**Темирхон, Temirxon** (*ўз.*) — темирдек мустаҳкам ва номдор, улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Темирхўжа, Temirxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган темирдек мустаҳкам, яъни бало-қазоларга чидамли, яшовчан бола.

**Темиршо, Temirsho** (*ўз.-фт.*) — *қар. Темир* ва *Шо* (ҳ).

**Темирқул, Temirqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг темирдек мустаҳкам, яъни умри узоқ бандаси.

**Темирқутлуғ, Temirqutlug'** (*ўз.*) — темирдек мустаҳкам ва бахтли, толеи баланд бола.

**Темирқўзи, Temirgo'zi** (*ўз.*) — темирдек мустаҳкам, иродали ва суюкли, эркатой бола.

**Темирғози, Temirgo'zi** (*ўз.-ар.*) — диннинг темирдек мустаҳкам ва ғолиб курашчиси.

**Тенгдош, Tengdosh** (*ўз.*) — оиладаги фарзандлар ёки қариндошларнинг болаларига йўлдош, тенгдош бўлиб юрсин.

**Тенгиз, Тенгизбой, Tengiz** (*ўз.*) — *қар. Денгиз, Денгизбой.*

**Тенгли, Tengli** (*ўз.*) — бошқа болаларга бараварлашиб, тенг келиб юрсин. Бу исм иккинчи бўлиб туғилган болага қўйилади.

**Тенглаш, Tenglash** (*ўз.*) — бошқа болаларга бараварлашиб, тенг келиб юрсин, яъни соғ бўлсин.

**Тенгри, Tengri** (*ўз.<хит.*) — *қар. Тангри, Тангриқул.*

**Теша, Тешабой, Tesha** (*ўз.*) — теша каби мустаҳкам ва ўткир бўлиб ўссин, бало-қазоларга чидамли бўлсин.

**Тешаали, Teshaali** (*ўз.-ар.*) — тешадек мустаҳкам бўлиб, Али ўз паноҳида асрасин.

**Тешагул, Teshagul** (◊., *ўз.-фт.*) — тешадек мустаҳкам, яъни яшайдиган, ўлмайдиган қиз.

**Тешахўжа, Teshaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган тешадек мустаҳкам бола.

**Тешақул, Teshaqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг тешадек мустаҳкам, яъни умри узоқ бандаси, қули.

**Тешақўзи, Teshaqozi** (*ўз.*) — тешадек мустаҳкам ва қўзидек суйкимли, эркатой ўғил.

**Теҳрон, Tehron** (*фт.*) — Эрон мамлакатининг пойтахти Теҳрон шаҳри номига нисбат берилган исм.

**Тилаб, Tilab** (*ўз.*) — *қар. Тилаболди.* Шакллари: *Тилаббек, Тилабжон, Тилаббой.*

**Тилабберди, Tilabberdi** (*ўз.*) — Аллоҳдан сўраганимиз (тилаганимиз) учун берилган бола. Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Тилаболди, Tilaboldi** (*ўз.*) — Аллоҳдан сўраб, тилаб олинган бола. Аллоҳнинг совғаси.

**Тилабхўжа, Tilabxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган Аллоҳдан тилаб, илтижо қилиб олинган бола.

**Тилабқул, Tilabqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг сўраб, илтимослар қилиб олинган бандаси.

**Тилаган, Tilagan** (*ўз.*) — тилаб, илтимослар қилиб олинган бола.

**Тилак, Tilak** (*ўз.*) — истагимиз, орзуимиз бўлган бола. Шакллари: *Тилакбой, Тилакжон.*

**Тилакберди, Tilakberdi** (*ўз.*) — Аллоҳдан тилаганимиз, сўраганимиз учун берилган бола.

**Тилакмирза, Tilakmirza** (*ўз.-фт.*) — умидимиз, орзуимиз бўлган бола улғайиб ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Тилакмурод, Tilakmurod** (*ўз.-ар.*) — тилагимиз, орзуимиз ва муродимиз бўлган бола.

**Тилан, Тиланбой, Tilan** (*ўз.*) — тиланиб, сўраб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Тилаш, Тилашбой, Tilash** (*ўз.*) — *Тилак, Тилаб* сўзлари б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Тилашали, Tilashali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тилаш* ва *Али.*

**Тилашқул, Tilashqul** (*ўз.*) — *қар. Тилаш* (*Тилаш+қул*).

**Тилла, Tilla** (*фт.*) — олтиндек қимматли, қадрли бола ёки бой-бадавлат бўлсин. Шакллари: *Тиллабой, Тиллажон, Тиллахон.*

**Тиллаазиз, Tillaaziz** (*фт.-ар.*) — тилла, олтиндек қадрли, азиз бола ёки *қар. Тилла* ва *Азиз.*

**Тиллабек, Tillabek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган тилладек қадрли бола.

**Тиллабека, Tillabeka** (◊., *ўз.*) — тилладек қадрли ва беклар авлодига мансуб қиз ёки олтиндек қимматли ва эъзозли қиз.

**Тиллаберди, Tillaberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ олтиндек азиз, қимматли ўғил берди.

**Тиллабиби, Tillabibi** (◊., *фт.-ҳинд.*) — олтиндек қимматли, баланд мартабали, мўътабар қиз.

**Тиллабуви, Tillabuvi** (◊., *фт.-ўз.*) — олтиндек азиз, қимматли қиз ёки бувисининг исми берилган тилладек эъзозли қиз.

**Тиллабувиш, Tillabuvish** (◊., *фт.-ўз.*) — оиланинг олтиндек қимматли, эъзозли қизи.

**Тиллагул, Tillagul** (◊., *фт.*) — олтиндек қимматли ва гулдек гўзал қиз.

**Тиллагўзал, Tillag'ozal** (◊., *фт.-ўз.*) — олтиндек жилоли ёки олтиндек бебаҳо ҳамда соҳибжамол қиз.

**Тиллажамол, Tillajamol** (◊., *фт.-ар.*) — олтиндек жилоланувчи, чиройли ҳусн эгаси ёки олтиндек қимматли ва гўзал дилбар қиз.

**Тилламирза, Tillamirza** (*фт.*) — олтиндек қадрли ҳамда ўқимишли, билимдон йигит бўлсин.

**Тилламурод, Tillamurod** (*фт.-ар.*) — мурод-мақсадимиз бўлган олтиндек қимматли йигит ёки бебаҳо ўғил улғайиб орзулари ушалсин.

**Тилламуҳаммад, Tillamuhammad** (*фт.-ар.*) — азиз, эъзозли ўғилни пайғамбар ўз паноҳига олсин.

**Тилланазар, Tillanazar** (*фт.-ар.*) – Аллоҳнинг мурувватли, илтифоти туфайли эришилган олтиндек қимматли бола.

**Тилланисо, Tillaniso** (◊ ., *ўз.*) – аёлларнинг энг сараси, ноёб, беназир қиз.

**Тиллапўлат, Tillapo'lat** (*фт.*) – олтиндек азиз, бебаҳо бола пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Тиллараҳим, Tillarahim** (*фт.-ар.*) – олтиндек қимматли ва раҳмдил, меҳрибон бола ёки Раҳим (Аллоҳ) берган олтиндек қимматли бола.

**Тиллахўжа, Tillaxo'ja** (*фт.*) – хўжалар авлодига мансуб бўлган тилладек қимматли бола ёки хўжаларнинг энг аълоси.

**Тиллашайх, Tillashayx** (*фт.-ар.*) – шайхлар авлодига мансуб бўлган тилладек қимматли бола; авлиёзода.

**Тиллақул, Tillaqul** (*фт.-ўз.*) – Аллоҳнинг олтиндек қимматли, аъло бандаси.

**Тиллақўзи, Tillaqo'zi** (*фт.-ўз.*) – тилладек қимматли ва қўзичоқдек суюкли, эркатой бола.

**Тилов, Тиловбой, Tilov** (*ўз.*) – *Тиловберди, Тиловберган* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Тиловат, Tilovat** (*ар.*) – кўркам, гўзал, нафосатли ёки Қуръонни ёддан ўқувчи (тиловат қилувчи), диндор, художўй.

**Тиловбек, Tilovbek** (*ўз.*) – тилаб, орзу қилиб етишилган бола.

**Тиловбека, Tilovbeka** (◊ ., *ўз.*) – тилаб, орзу қилиб етишилган қиз.

**Тиловберган, Tilovbergan** (*ўз.*) – тилаб, орзу қилиб етишилган бола.

**Тиловберди, Tilovberdi** (*ўз.*) – орзу, армон қилиб топилган бола.

**Тиловмирза, Tilovmirza** (*ўз.-фт.*) – орзу, армон қилиб олинган ўғил улғайиб, ўқимишли, мирзалардек йигит бўлсин.

**Тиловмурод, Tilovmurod** (*ўз.-ар.*) – тилаб, орзу қилиб эришилган мақсад ёки тилаб олинган ўғил улғайиб муроду мақсадига етсин.

**Тиловмуҳаммад, Tilovmuhammad** (*ўз.-ар.*) – тилаб, орзулар қилиб эришилган ўғилни *Муҳаммад* (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тиловниёз, Tilovniyoz** (*ўз.-фт.*) – орзу, армон б-н илтижолар қилиб юриб эришилган бола.

**Тиловолди, Tilovoldi** (*ўз.*) – тилаб, орзу қилиб олинган, эришилган бола. Сол. *Тилаболди.*

**Тиловхон, Tilovxon** (*ўз.*) – тилаб олинган қадрли, эъзозли қиз.

**Тиловхўжа, Tilovxo'ja** (*ўз.-фт.*) – хўжалар авлодига мансуб бўлган тилаб, орзулар қилиб эришилган бола.

**Тиловқобул, Tilovqobul** (*ўз.-ар.*) – тилаганимиз, орзуимиз қабул бўлиб берилган бола ёки тилаб олинган мўмин-қобил, мусулмон бола.

**Тиловқул, Tilovqul** (*ўз.*) – *қар. Тилов* (*Тилов+қул*).

**Тимбек, Timbek** (*фт.-ўз.*) – тим – дўст, ўртоқ, эш; кўнгилга яқин ёки беклар наслидан бўлган қора, қорача бола.

**Тиндихон, Tindixon** (◊ ., *ўз.*) – тинчиган, осуда, яъни яшайдиган қиз. Сол: *Тинчар, Тинчир.*

**Тинч, Тиничбой, Tinich** (*ўз.*) — тинч, осойишта, осуда ёки хоҳланган, орзу қилинган.

**Тиниш, Тинишбек, Tinish** (*ўз.*) — *қар. Тинич.*

**Тиниқ, Tiniq** (◇., *ўз.*) — покиза, мусаффо ёки тинч, осойишта, хавфсиз.

**Тиниқгул, Tiniqgul** (◇., *ўз.-фт.*) — покиза, мусаффо ва гулдек гўзал қиз ёки тоза, мусаффо гул, яъни дилбар, зебо қиз.

**Тинчар, Tinchar** (*ўз.*) — энди болаларимиз ўлмас, деб умид қиламиз; энди, бало-қазолар тинчар, тўхтар.

**Тинчи, Тинчибой, Tinchi** (◇., *ўз.*) — *қар. Тинчар.*

**Тинчир, Tinchir** (*ўз.*) — энди бу бола тўхтар; соғу-саломат улғаяр деб умид қиламиз.

**Тинчит, Tinchit** (◇., *ўз.*) — тинч, осойишта бўлсин, умри узоқ бўлсин.

**Тинчлик, Tinchlik** (*ўз.*) — тинч, бехатар улғайсин, ўссин.

**Тинчлинисо, Tinchliniso** (◇., *ўз.-ар.*) — осойишта, тинч, хотиржам қиз.

**Тир, Тирбой, Tir** (*фт.*) — тенгдош, эш, ўртоқ ёки Меркурий сайёраси номидан.

**Тирак, Тиракбой, Tirak** (*ўз.*) — улғайиб ота-онасига суянчиқ, тирак бўлиб юрсин.

**Тирдод, Tirdod** (*фт.*) — *Тир* (*Сириус*) сайёрасининг туҳфаси, эҳсони.

**Тирик, Тирикжон, Tirik** (*ўз.*) — яшайдиган, умри узоқ бола.

**Тирикмирза, Tirikmirza** (*ўз.-фт.*) — соғ бўлиб, ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Тирикмуҳаммад, Tirikmuhammad** (*ўз.-ар.*) — ўлмасин, барҳаёт бўлсин ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тиришбек, Tirishbek** (*ўз.*) — тиришқоқ, ҳаракатчан, меҳнаткаш.

**Тиришқул, Tirishqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг тиришқоқ, ҳаракатчан бандаси; қар. *Тириш.*

**Тириқул, Tiriqul** (*ўз.*) — *қар. Тирик* (*Тирик+қул*).

**Тирка, Тиркабой, Tirka** (*ўз.*) — олдинги фарзандларга улансин, қўшилсин, тиркалсин; ўлмасин, яшасин.

**Тиркач, Tirkach** (*ўз.*) — *қар. Тиркаш.*

**Тиркаш, Tirkash** (*ўз.*) — олдинги фарзандларга улансин, яъни ўлмасин, яшасин. Шакллари: *Тиркашбой, Тиркашжон, Тиркашхон.*

**Тиркашали, Tirkashali** (*ўз.-ар.*) — аввалги болаларга улансин, эргашсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Тиркашхўжа, Tirkashxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола олдинги фарзандларга уланиб, қўшилиб кетсин.

**Тирков, Tirkov** (*ўз.*) — *қар. Тиркаш.*

**Тирмаш, Tirmash** (*ўз.*) — тиришқоқ, тирмашувчан, иродали бўлсин, яъни яшовчан, ўлмайдиган бўлсин.

**Тирсак, Тирсакбой, Tirsak** (*ўз.*) – ота-онасига таянч, суянчиқ, яъни тирсак бўлсин.

**Тиши, Tishi** (◊ ., *ўз.*) – қиз, аёл, заифа.

**Тобон, Tobon** (◊ ., *фт.*) – нурли, ёрқин, яъни толеи баланд ёки тобонини босиб юриб кетсин, яъни ўлмасин ёхуд олдинги вафот этган фарзанд (лар) ўрнига товонига берилган бола.

**Тов, Товбой, Tov** (*ўз.*) – тоғдек буюк, улуғ мартабали бўлсин; тоғдек салобатли, бақувват бўлсин ёки тоғда туғилган бола.

**Товлибой, Tovliboy** (*ўз.*) – тоғлик, тоғда туғилган бола.

**Товмурод, Tovmurod** (*ўз.-ар.*) – тоғдек буюк, салобатли бўлиб, мурод-мақсадига эришсин ёки орзуимиз, армонимиз бўлган ўғил тоғдек салобатли бўлсин.

**Товон, Товонбой, Tovon** (*фт.*) – олдинги турмаган, вафот этган болалар эвазига берилган ўғил.

**Товонтурди, Tovonturdi** (*фт.-ўз.*) – аввалги турмаган фарзандлар ўрнига келган бола туради, яшайди деб умид қиламиз.

**Товонқул, Tovonqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Товон* (*Товон+қул*).

**Товус, Товусхон, Tovus** (◊ ., *ар.*) – товусдек гўзал, мағрур қиз.

**Товшан, Tovshan** (*ўз.*) – қуёндек зийрак, чаққон бола.

**Товқор, Tovqor** (*ўз.*) – *қар. Товқора.*

**Товқора, Tovqora** (*ўз.*) – тоғдек юксак, қудратли бола.

**Тожбахш, Tojbaxsh** (*фт.*) – тожи, холи б-н туғилган бола.

**Тожвор, Tojvor** (*фт.*) – тожли, холли бола.

**Тожи, Toji** (*фт.*) – тожи сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг (*Тожинисо, Тожиддин* каби) эқ. шакли. Шакллари: *Тожибой, Тожихон.*

**Тожиали, Tojiali** (*фт.-ар.*) – тож, хол б-н туғилган ўғилни Али қўллаб юрсин.

**Тожианор, Tojianor** (◊ ., *фт.*) – қизил холли, қизил хол (белги) б-н туғилган қиз.

**Тожиаъло, Tojia'lo** (*фт.-ар.*) – чиройли холли қиз ёки хол б-н туғилган яхши, тенгсиз бола.

**Тожиаҳмад, Tojiahmad** (*фт.-ар.*) – хол б-н туғилган мақтовга сазовор бола ёки холли болани Аҳмад – Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Тожибанот, Tojibanot** (◊ ., *фт.-ар.*) – айнан: қизларнинг холли, тожлиси, яъни хол б-н туғилган қиз.

**Тожибасар, Tojibasar** (◊ ., *фт.-ўз.*) – хол б-н туғилган, зийрак, шаҳло кўзли қиз.

**Тожибиби, Tojibibi** (◊ ., *фт.-ҳинд.*) – хол (тож) б-н туғилган баланд мартабали қиз.

**Тожибор, Tojibor** (◊ ., *фт.*) – холли қиз, тож б-н туғилган қиз.

**Тожибуви, Tojibuvi** (◊ ., *фт.-ўз.*) – холли (тожли) қиз ёки бувисининг исми берилган қиз.

**Тожигул, Tojigul** (◊., *фт.*) — гулдек чиройли холли қиз ёки хол б-н туғилган гулдек гўзал қиз.

**Тожигўзал, Tojigo'zal** (◊., *фт.-ўз.*) — чиройли холли қиз ёки хол б-н туғилган сулув қиз.

**Тожиддин, Tojiddin** (*фт.-ар.*) — айнан: диннинг тожи, саркори ёки диннинг холли ихлосманди.

**Тожиёр, Tojiyor** (*фт.*) — хол (тож) б-н туғилган бола.

**Тожиёқуб, Tojiyoqub** (*фт.* < *қад. яҳ.*) — *қар. Тожи* ва *Ёқуб.*

**Тожизода, Tojizoda** (*фт.*) — тожлилар, аслзодалар наслига мансуб бола.

**Тожик, Тожикбой, Tojik** (*фт.*) — тожиклар орасида туғилган бола ёки савдогар, тижоратчи.

**Тожим, Tojim** (*фт.-ўз.*) — "Тож" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Тожимамат, Tojimamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожимуҳаммад.*

**Тожиман, Tojiman** (*фт.*) — холли, тожли бола ёки *Тожимуҳаммад* исмиининг эқ. шакли.

**Тожимат, Tojimat** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожимуҳаммад.*

**Тожимирза, Tojimirza** (*фт.*) — хол (тож) б-н туғилган ўғил улғайиб ўқимишли, мирза йигит бўлсин.

**Тожимурод, Tojimurod** (*фт.-ар.*) — хол (тож) ли бола улғайиб мурод-мақсадига етсин ёки истагимиз, орзуимиз бўлган холли бола.

**Тожимуҳаммад, Tojimuhammad** (*фт.-ар.*) — хол (тожи) б-н туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тожинийз, Tojiniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб, сўраб олинган холдор бола.

**Тожинисо, Tojiniso** (*фт.-ар.*) — холли, холдор қиз ёки аёлларнинг энг мўътабари, улуғи.

**Тожинор, Tojinor** (*фт.*) — қизил хол (белги) б-н туғилган бола ёки баданида ҳам холи (қора холи), ҳам нори (қизил холи) бор бўлган бола.

**Тожинур, Tojinur** (*фт.-ар.*) — хол б-н туғилган ҳаёти нурли, толеи баланд бола.

**Тожиохун, Tojioxun** (*фт.*) — *қар. Тожи* ва *Охун.*

**Тожипошша, Tojiposhsha** (◊., *фт.*) — тож б-н туғилган ҳурматли, эъзозли қиз.

**Тожира, Tojira** (◊., *ар.*) — савдогар, тижоратчи қиз ёки отаси тижорат қилиб кетганда туғилган қиз.

**Тожираҳим, Tojirahim** (*фт.-ар.*) — тож (хол) б-н туғилган меҳрибон, шафқатли бола ёки Раҳим (Аллоҳ) берган холдор бола.

**Тожитилла, Tojitilla** (◊., *фт.*) — хол б-н туғилган олтиндек қимматли, азиз қиз ёки хосиятли, қимматли холли қиз.

**Тожиумар, Tojiumar** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожи* ва *Умар.*

**Тожихалил, Tojixalil** (*фт.-ар.*) — қар. *Тожи* ва *Халил.*

**Тожихол, Tojixol** (◊., *фт.*) — баданида ҳам тожи (қизил хол, доғ), ҳам холи бўлган қиз.

**Тожихуррам, Tojixurram** (*фт.*) — холли бола улғайиб бахтиёр яшасин.

**Тожихўжа, Tojixo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб холдор бола.

**Тожияъқуб, Tojiya'qub** (*фт.-қад. яҳ.*) — *Яъқуб* пайғамбар исми берилган холли бола ёки *қар. Тожи* ва *Яъқуб.*

**Тожиқиз, Tojiqiz** (◊., *фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган қиз.

**Тожиқул, Tojiqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг хол б-н туғилган бандаси.

**Тожиқўзи, Tojiqo'zi** (*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган суюкли, азиз эркатой бола.

**Тожкелди, Tojkeldi** (*фт.-ўз.*) — холли ўғил туғилди, келди.

**Тожли, Tojli** (*фт.-ўз.*) — холдор, холи билан туғилган бола.

**Тожлиддин, Tojliddin** (*фт.-ар.*) — айнан: дин тожи; диннинг холли (тожли) ихлосманди.

**Тожмамат, Tojmamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожимуҳаммад.*

**Тожмат, Tojmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожимат, Тожимуҳаммад.*

**Тожмурод, Tojmurod** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожимурод.*

**Тожнабот, Tojnabot** (◊., *фт.*) — хол б-н туғилган ширин, ёқимтой қиз.

**Тожназар, Tojnazar** (*фт.-ар.*) — *қар. Тожиназар.*

**Тожниёз, Tojniyoz** (*фт.*) — *қар. Тожиниёз.*

**Тожтурсун, Tojtursun** (*фт.-ўз.*) — *қар. Тожитурсун.*

**Тожхол, Tojxol** (◊., *фт.*) — *қар. Тожихол.*

**Тожқул, Tojqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Тожиқул.*

**Тоза, Тозахон, Toza** (◊., *фт.*) — покиза, тоза, бегуноҳ, маъсума.

**Тозабек, Tozabek** (*фт.-ўз.*) — беклар наслидан бўлган покиза, беғубор; оққўнгил, виждонли бола.

**Тозабой, Tozaboy** (*фт.-ўз.*) — покиза, беғубор; оққўнгил, соф виждонли.

**Тозагул, Tozaqul** (◊., *фт.*) — мусаффо, беғубор гулдек кўркам қиз.

**Тоиб // Тойиб, Toib** (*ар.*) — тавба қилувчи, сиғинувчи; диндор, художўй.

**Тоиба // Тойиба, Toiba** (◊., *ар.*) — тавба қилувчи, сиғинувчи; художўй, мусулмон қиз.

**Тоимбек, Toimbek** (*ар.*) — таъмин этилган, насибаси бут, умри узоқ бола.

**Тоир, Toir** (*ар.*) — парвоз қилувчи, юксакка кўтарилувчи; озод, ҳур; иқболи баланд бола.

**Тоира, Toira** (◊., *ар.*) — юксакларга учувчи қуш ёки битта динга бўйсинувчи, мусулмончиликда собит қиз.

**Тоифа, Тоифахон, Toifa** (◊., *фт.+ўз.*) — насл, авлод, аймоқ қизи ёки битта динга бўйсинувчи, мусулмончиликда собит қиз.

**Той, Toy** (*ўз.*) — той, тойчоқ ёки бобоси (онасининг отаси) исмини олган бола ёхуд оиладаги иккинчи фарзанд.

**Тойбек, Toybek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бола той, тойчоқдек яйраб ўссин. Яна *қар. Тойбола.*

**Тойбека, Toybeka** (◊., *ўз.*) — бувисининг исми қўйилган обрўли, эъзозли қиз.

**Тойбола, Toybola** (*ўз.*) — той, тойчоқдек яйраб ўссин ёки бобосининг исмини олган бола ёхуд оиладаги иккинчи фарзанд.

**Тойбоқар, Toyboqar** (*ўз.*) — йилқилари мўл, бадавлат бўлсин.

**Тойгул, Toyqul** (◊., *ўз.-фт.*) — бувиси (онасининг онаси) исмини олган, гулдек гўзал қиз.

**Тойжон, Toyjon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Той+жон.*

**Тойиб, Тойиббой, Toyib** (*ар.*) — покиза, озода; яхши, меҳрибон, мурувватли.

**Тойиба, Toyiba** (◊., *ар.*) — покиза, озода, маъсума қиз; раҳмдил, меҳрибон қиз.

**Тойибча, Toyibcha** (*ар.-ўз.*) — *қар. Тойиб* (Тойиб+ча).

**Тойим, Toyim** (*ўз.*) — "той" сўзи билан бошланадиган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Тойир, Toyir** (*ар.*) — *қар. Тоҳир.*

**Тойира, Toyira** (◊., *ар.*) — *қар. Тоҳира.*

**Тойли, Toyli** (*ўз.*) — йилқилари, тойлари мўл, бадавлат бўлсин ёки оиладаги иккинчи ўғил.

**Тойлоқ, Toyloq** (*ўз.*) — тойлоқ, бўталоқдек яйраб ўссин ёки қадрли эркатой ўғил ёхуд тойлоқ уруғига мансуб бола, тойлоқ фарзанди.

**Тоймамат, Toymamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоймуҳаммад.*

**Тоймас, Toymas** (*ўз.*) — қайтмас, қўрқмас, жасур бола ёки умр йўлидан тоймайдиган (яшайдиган, ўлмайдиган) бола.

**Тоймат, Toymat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоймуҳаммад.*

**Тоймирза, Toymirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Той* ва *Мирза.*

**Тоймон, Toymon** (*ўз.-ар.*) — *Тоймуҳаммад* (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Тоймулла, Toymulla** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Тоймурод, Toymurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Той* ва *Мурод.*

**Тоймуҳаммад, Toymuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Той* ва *Муҳаммад.*

**Тойназар, Toynazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Той* ва *Назар.*

**Тойхон, Toyxon** (*ўз.*) — *қар. Той* (*Той+хон*).

**Тойхўжа, Toyxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Той* ва *Хўжа.*

**Тойча, Toycha** (*ўз.*) — тойча, тойлоқдек яйраб ўссин.

**Тойчам, Toycham** (*ўз.*) — эъзозлим, эркатойим, қимматлим.

**Тойчиқ, Toychiq** (*ўз.*) — *қар. Тойлоқ, Тойчоқ.*

**Тойчопар, Toychopar** (*ўз.*) — соғ-саломат улғайиб тойларга миниб, чопиб юрсин.

**Тойчоқ, Toychoq** (*ўз.*) — эъзозли, эркатой; кенжатой бола.

**Тойўроз, Toyo'roz** (*ўз.*) — ёқимли ўғил бахтли, толеи баланд бўлсин, *қар. Той* ва *Ўроз.*

**Тойқора, Toyqora** (*ўз.*) — *қар. Той* ва *Қора.*

**Тойқул, Toyqul** (*ўз.*) — *қар. Той* (*Той+қул*).

**Тойқўзи, Toyqo'zi** (*ўз.*) — суюкли, эркатой ўғил тойдек яйраб юрсин.

**Токай, Tokay** (*ар.*) — болалари турмасдан ўлаверган оилаларда удум бўлган исм.

**Толгул, Tolqul** (◊., *ўз.-фт.*) — самбит гулдек гўзал қиз.

**Толе // Толеъ, Tole** (*ар.*) — бахтли, омадли; тақдир юлдузи порлаган.

**Толехон, Tolexon** (◊., *ар.-ўз.*) — бахтли, омадли, саодатли қиз.

**Толжон, Toljon** (◊., *ўз.*) — чиройли сочли, толим сочли қиз.

**Толи, Toli** (*ар.*) — *қар. Толе* ёки *Толли.*

**Толиб, Tolib** (*ар.*) — билим истовчи, қўмсовчи; билим ихлосманди; ўқувчи, шогирд ёки талаб, илтимос қилиб олинган бола. Шакллари: *Толиббек, Толибжон.*

**Толиба, Toliba** (◊., *ар.*) — билим истовчи қиз, ўқувчи қиз.

**Толибберди, Tolibberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳдан сўраб, қўмсаб юриб олинган бола.

**Толибиддин, Tolibiddin** (*ар.*) — диннинг қўмсовчи, динга ташна, дин мухлиси.

**Толибхўжа, Tolibxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган билимга ташна, маърифатли бола.

**Толим, Tolim** (◊., *ўз.*) — серкокил, сулув сочли қиз.

**Толиъ, Toli'** (*ар.*) — *қар. Толе, Толеъ.*

**Толиҳа, Toliha** (◊., *ар.*) — чўл (саҳро) ўсимлиги толиҳдек аччиқ, ёмон, ярамас қиз ёки *Толи // Толе // Толия // Толиҳ* — бахтли, иқболи баланд қиз.

**Толли, Tolli** (*ўз.*) — тотли, яъни ёқимтой, ширин, суйкимли, қадрли бола. Шакллари: *Толлибой, Толлиой.*

**Толлитош, Tollitosh** (◊., *ўз.*) — ёқимтой, суюкли қиз тошдек мустаҳкам бўлсин, яъни яшасин, ўлмасин.

**Толма, Tolma** (◊., *ўз.*) — толмасин, иродаси мустаҳкам бўлсин, яъни умри узоқ бўлсин.

**Толмас, Tolmas** (*ўз.*) — бақувват, мустаҳкам, соғлом ёки ғайратли, тиришқоқ, меҳнаткаш.

**Толмат, Tolmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тол* ва *Муҳаммад.*

**Толноз, Tolnoz** (◊., *ўз.-фт.*) — соч ўримлари (кокиллари) товланувчи, кўзни қамаштирувчи қиз.

**Толқўзи, Tolqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Тол* ва *Қўзи.*

**Толғат, Tolg'at** (*ар.*) — *эҳт.: Талъат.*

**Толҳа, Tolha** (◊., *ар.*) — *қар. Толиҳа.*

**Толҳак, Tolhar** (*фт.*) — аччиқ, заҳар; ёмон бола. Чақалоқнинг душмани — ёвуз кучларни чалғитиш учун шундай исм берилади.

**Тонг, Тонгбой, Tong** (*ўз.*) — тонг, саҳар пайтида туғилган бола.

**Тонггул, Tonggul** (◇., *ўз.-фт.*) — тонг саҳарда туғилган гулдек сулув қиз ёки тонг гули, тонг қизи.

**Тонгкелди, Tongkeldi** (*ўз.*) — саҳар пайти туғилган бола ёки толеи баланд бола.

**Тонгмас, Tongmas** (*ўз.*) — ўз сўзида турувчи; иродали, мард.

**Тонгмат, Tongmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тонгмуҳаммад.*

**Тонгмуҳаммад, Tongmuhammad** (*ўз.-ар.*) — тонг пайти туғилган ўғилни пайғамбар ўз паноҳига олсин.

**Тонгнур, Tongnur** (*ўз.-ар.*) — тонг ёришган пайтда туғилган бола; иқболи баланд бола.

**Тонгой, Tongoy** (◇., *ўз.*) — саҳар пайти туғилган ойдек сулув қиз.

**Тонготар, Tongotar** (*ўз.*) — саҳарда, тонг отаётганда туғилган бола.

**Тонготмиш, Tongotmish** (*ўз.*) — *қар. Тонготар.*

**Тонгпўлат, Tongpo'lat** (*ўз.-фт.*) — тонг, саҳар пайти туғилган, пўлатдек мустаҳкам бола.

**Тонгсулув, Tongsuluv** (*ўз.*) — тонг пайти туғилган гўзал қиз ёки тонгдек мусаффо, ёқимли қиз.

**Тонгтож, Tongtoj** (◇., *ўз.-фт.*) — саҳар пайти туғилган хол (тож)ли қиз.

**Тонгчи, Tongchi** (*ўз.*) — саҳарда туғилган, тонг эгаси бўлган бола.

**Тонгчироқ, Tongchiroq** (*ўз.-фт.*) — тонг ёруғида туғилган бола ёки тонг пайти берилган нур, бахт.

**Тонгчўлпон, Tongcho'lpon** (◇., *ўз.*) — тонг юлдузи Чўлпондек кўркам қиз.

**Тонгюлдуз, Tongyulduz** (◇., *ўз.*) — тонгда туғилган юлдуз (қиз) ёки тонг юлдузидек гўзал қиз.

**Топган, Topgan** (*ўз.*) — топиб олган, топилган, ўзга бола. Чақалоқнинг "душман"ларни чалғитувчи исм.

**Топди, Топдибой, Topdi** (*ўз.*) — топиб олинган, турмаган фарзандлар ўрнига келган бола.

**Топдиқ, Topdiq** (*ўз.*) — топиб олинган бола, яъни бу бизнинг боламиз эмас, бошқа бола. Чақалоқни ўлимдан асраш учун шундай исм берилади.

**Топиболди, Topiboldi** (*ўз.*) — топиб олинган, ўзга бола. Чақалоқнинг "душман"ларни чалғитувчи исм.

**Топил, Топилбой, Topil** (*ўз.*) — *қар. Топилган, Топилди.*

**Топила, Topila** (◇., *ўз.*) — *қар. Топилган.*

**Топилган, Топилғон, Topilgan** (*ўз.*) — топиб олинган ўзга бола ёки олдин вафот этган, турмаган фарзандлар ўрнига берилган бола.

**Топилди, Topildi** (*ўз.*) — *қар. Топилган.*

**Топилдиқ, Topildiq** (*ўз.*) — *қар. Топилган.*

**Топишнор, Topishnor** (◊., *ўз.-фт.*) — топиб олинган хол (нор) ли қиз.

**Топқир, Topqir** (*ўз.*) — тадбирли, тадбиркор, эпчил, ҳозиржавоб.

**Торим, Торимбой, Torim** (*ўз.*) — бўталоқ, олти ойдек бўталоқдек гўзал бола.

**Тортиқ, Тортиқжон, Tortiq** (*ўз.*) — (Аллоҳ берган) туҳфа, совға, инъом.

**Тортиқхўжа, Tortiqxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тортиқ.*

**Торхон, Torxon** (*ўз.*) — *қар. Тархон, Дархон.*

**Тотли, Totli** (*ўз.*) — ширин, ёқимтой, суюкли бола.

**Тотлибой, Totliboy** (*ўз.*) — *қар. Тотли* (*Тотли+бой*).

**Тотлибу, Totlibu** (*ўз.*) — ширин, ёқимтой, суюкли қиз.

**Тотлимурод, Totlimurod** (*ўз.-ар.*) — ширин, ёқимтой бола улғайиб муродига етсин.

**Тотлинисо, Totliniso** (◊., *ўз.-ар.*) — аёлларнинг энг ширини, ёқимтой, суюклиси.

**Тотлисулув, Totlisuluv** (◊., *ўз.*) — чиройли қизларнинг ширини, ёқимтой ва суюклиси.

**Тотлихўжа, Totlixo'ja** (*ўз.+фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ширин, ёқимтой бола.

**Тотлиқ, Totliq** (*ўз.*) — ёқимтой, ширин, суюкли бола.

**Тотлиқош, Totliqosh** (◊., *ўз.*) — чиройли қошли, ёқимтой қиз.

**Тотув, Totuv** (*ўз.*) — ҳаёти тинч, осойишта, тотувли бўлсин, яъни ўлмасин. Шакллари: *Тотувбек, Тотувбой, Тотувхон.*

**Тош, Tosh** (*ўз.*) — жони тошдек мустаҳкам бўлсин, яъни яшасин, турсин. Шакллари: *Тошбой, Тошбек, Тошхон, Тоштой, Тошқул.*

**Тошали, Toshali** (*ўз.-ар.*) — жони тошдек мустаҳкам, маҳкам бўлиб, Али ўз паноҳида асрасин.

**Тошбадал, Toshbadal** (*ўз.-ар.*) — олдинги болалар ўрнига берилган тошдек маҳкам бола.

**Тошбек, Toshbek** (*ўз.*) — беклар наслидан бўлган тошдек мустаҳкам бола.

**Тошбека, Toshbeka** (◊., *ўз.*) — беклар авлодига мансуб тошдек маҳкам қиз.

**Тошберди, Toshberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ тошдек мустаҳкам, умри узоқ бола берди.

**Тошби // Тошбиби, Toshbi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — тошдек маҳкам ва баланд мартабали қиз.

**Тошбой, Toshboy** (*ўз.*) — *қар. Тош* (Тош+бой).

**Тошбоб, Toshbob** (*ўз.-фт.*) — тошга ўхшаш, тошмонанд, яъни мустаҳкам бола.

**Тошбодом, Toshbodom** (◊., *ўз.-фт.*) — тошдек ва бодомдек мустаҳкам қиз ёки бодом гуллаганда туғилган тошдек маҳкам қиз.

**Тошболта, Toshbolta** (*ўз.*) — тошдек ва болтадек маҳкам бола.

**Тошбон, Toshbon** (*ўз.-фт.*) — тошдек маҳкам, тошни ўювчи бола.

**Тошботир, Toshbotir** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва довюрак йигит бўлсин.

**Тошбош, Toshbosh** (*ўз.*) — боши тошдан бўлсин, яъни ўлмасин, яшасин.

**Тошбу, Тошбуви, Toshbu** (◊ .,*ўз.*) — жони тошдек қаттиқ, яшовчи қиз; *қар. Тош.*

**Тошбўл, Toshbo'l** (*ўз.*) — тошдек маҳкам бўл, яъни умринг узоқ бўлсин.

**Тошбўри, Toshbo'ri** (*ўз.*) — *қар. Тош* ва *Бўри.*

**Тошгул, Toshgul** (◊ .,*ўз.-фт.*) — тошдек маҳкам, гўзал қиз.

**Тошдавлат, Toshdavlat** (*ўз.-ар.*) — жони маҳкам, мустаҳкам, умри узоқ ва бадавлат бўлсин.

**Тошжамол, Toshjamol** (◊ .,*ўз.-ар.*) — тошдек мустаҳкам ва кўркам, зебо қиз.

**Тошжигит, Toshjigit** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам, умри узоқ йигит бўлсин.

**Тошжон, Toshjon** (*ўз.-фт.*) — тошдек мустаҳкам жондай азиз, қадрли бола ёки тошдек қаттиқ, яъни яшовчи бола.

**Тошим, Toshim** (*ўз.*) — "тош" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг қисқарган шакли.

**Тошкан, Тошканбой, Toshkan** (*ўз.+суғд.*) — Тошкентда туғилган ёки отаси (бирор қариндоши) Тошкентга кетганда ёки келганда туғилган бола.

**Тошканой, Toshkanoy** (◊ .,*ўз.*) — *қар. Тошкан.* (Тошкан+ой).

**Тошкарим, Toshkarim** (*ўз.-ар.*) — Карим (Аллоҳ) берган тошдек мустаҳкам бола ёки тошдек мустаҳкам, умри узоқ ҳамда сахий, саховатли бола.

**Тошкумуш, Toshkumush** (◊ .,*ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва кумушдек қимматли, зебо қиз.

**Тошли, Toshli** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам бола.

**Тошлиқ, Toshliq** (*ўз.*) — *қар. Тошли.*

**Тошлон, Toshlon** (*ўз.*) — тошсимон, тошдек маҳкам. Шакллари: *Тошлонбой, Тошлоной, Тошлонхон.*

**Тошлонқул, Toshlonqul** (*ўз.*) — *қар. Тошлон* (Тошлон+қул).

**Тошлоқ, Toshloq** (*ўз.*) — тошлоқдек маҳкам, яъни яшовчи бола.

**Тошмарқа, Toshmarqa** (*ўз.*) — *қар. Тош* ва *Марқа.*

**Тошмат, Toshmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тошмуҳаммад.*

**Тошматилла // Тошматулла, Toshmatilla** (*ўз.+фт.*) — Аллоҳнинг мустаҳкам, яшовчи бандаси;

**Тошметин, Toshmetin** (*ўз.*) — тош ва метиндек мустаҳкам, яъни умри узоқ бола.

**Тошмир, Toshmir** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тошмирза.*

**Тошмирза, Toshmirza** (*ўз.-фт.*) — тошдек маҳкам, яшовчи ва ўқимишли, йигит бўлсин.

**Тошмия, Toshmiya** (*ўз.*) — боши тошдан бўлиб, ўлмасин, узоқ яшасин.

**Тошмомо, Toshmomo** (◊ *.,ўз.*) — тошдек мустаҳкам қиз ёки бувисининг исми берилган қиз.

**Тошмон, Toshmon** (*ўз.*) — "тош" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг (*Тошмуҳаммад, Тошмурод*) эқ. шакли.

**Тошмурод, Toshmurod** (*ўз.-ар.*) — тошдек мустаҳкам (умри узоқ) бўлиб, муродига етсин.

**Тошмуқим, Toshmuqim** (*ўз.-ар.*) — тошдек мустаҳкам, собит, турғун бола.

**Тошмуҳаммад, Toshmuhammad** (*ўз.-ар.*) — жони тошдек маҳкам бўлсин ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тошназар, Toshnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати туфайли туғилган тошдек мустаҳкам бола.

**Тошниёз, Toshniyoz** (*ўз.-фт.*) — ўтиниб, сўраб олинган бола тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Тошноввот, Toshnovvot** (◊ *., ўз.-фт.*) — тошдек мустаҳкам ва новвотдек ширин, суюкли қиз.

**Тошой, Toshoy** (◊ *., ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва ойдек сулув қиз.

**Тошон, Toshon** (*ўз.*) — *Тошназар, Тошниёз* (*қар.*) каби исмларнинг эқ. шакли.

**Тошохун, Toshoxun** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тош* ва *Охун.*

**Тошпарда, Toshparda** (*ўз.-фт.*) — пардали бўлиб туғилган, тошдек мустаҳкам бола.

**Тошпўлат, Toshpo'lat** (*ўз.-фт.*) — тош ва пўлатдек мустаҳкам, яшайдиган бола.

**Тоштан, Тоштанбой, Toshtan** (*ўз.*) — "тош" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг (Тоштемир, Тошназар) эқ. шакли.

**Тоштемир, Toshtemir** (*ўз.*) — тошдек ва темирдек мустаҳкам бола.

**Тоштилла, Toshtilla** (*ўз.-фт.*) — тошдек мустаҳкам ва тилладек қимматли, яхши бола.

**Тоштобон, Toshtobon** (*ўз.-фт.*) — тобони тошдек мустаҳкам бўлиб, соғ юриб кетсин.

**Тоштой, Toshtoy** (*ўз.*) -- тошдек мустаҳкам, эркатой, суюкли бола.

**Тоштурди, Toshturdi** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва турувчи, умри узоқ бола.

**Тоштурсун, Toshtursun** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам бўлиб турсин, яшасин.

**Тоштурғон, Toshturg'on** (◊ *.,ўз.*) — тошдек бўлиб турувчи, яшовчи қиз.

**Тоштурғун, Toshturg'un** (*ўз.*) — тошдек бўлиб тургин, яшагин.

**Тоштўл, Toshto'l** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам бўлсин, яшасин ва олдин турмаган болалар ўрнини тўлдирсин.

**Тоштўхта, Toshto'xta** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам бўлсин ва тўхтасин, ўлмасин.

**Тоштўғон, Toshto'g'on** (*ўз.*) — тошдек ва тўғондек мустаҳкам бола ёки тошдек маҳкам ва тўғон қушдек зийрак, жасур бола.

**Тошхол, Toshxol** (*ўз.-фт.*) — тошдек мустаҳкам ва хол б-н туғилган бола.

**Тошхон, Toshxon** (◇ .,*ўз.*) — тошдек маҳкам ҳамда қадрли, эъзозли қиз.

**Тошхўжа, Toshxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб тошдек маҳкам, умри узоқ бола.

**Тошқаср, Toshqasr** (*ўз.-ар.*) — тош қасрдек мустаҳкам, яшовчи бола

**Тошқиз, Toshqiz** (◇ .,*ўз.*) — тошдек маҳкам, чидамли қиз.

**Тошқин, Toshqin** (*ўз.*) — сув босқини, тошқин пайтида туғилган қиз ёки жўшқин, шаддод қиз.

**Тошқобил, Toshqobil** (*ўз.-ар.*) — тошдек маҳкам ва одобли бола; *қар. Тош* ва *Қобил.*

**Тошқол, Toshqol** (*ўз.*) — тошдек маҳкам бўлиб қолсин, яшасин. *қар. Тошхол.*

**Тошқора, Toshqora** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва жасур, қудратли бола.

**Тошқори, Toshqori** (*ўз.-ар.*) — тошдек мустаҳкам бўлиб, улғайсин ва ўқимишли, қори бўлсин.

**Тошқуввват, Toshquvvat** (*ўз.-ар.*) — тошдек мустаҳкам ва кучли, қудратли.

**Тошқул, Toshqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг тошдек мустаҳкам бандаси (қули).

**Тошқули, Toshquli** (*ўз.*) — *қар. Тошқул.*

**Тошқўзи, Toshqo'zi** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам ва суюкли, эркатой бола.

**Тошғулом, Toshg'ulom** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тош* ва *Ғулом.*

**Тоқжон, Toqjon** (*ар.*) — якка, ягона ёки уйнинг тоқидек баланд, мартабали бўлсин. Яна *қар. Тоқи.*

**Тоқи, Toqi** (*ар.*) — тақводор, авлиё, одил, адолатли бола. Асли: *Тоқиддин* (*қар.*).

**Тоқиддин // Тоқиуддин, Toqiddin** (*ар.*) — диннинг таянчи, динни мустаҳкамловчи.

**Тоқчибой, Toqchiboy** (*ўз.*) — тоғли, тоғ фарзанди ёки тоқчи (ўзбек қабилаларидан бири) фарзанди.

**Тоға, Тоғабек, Tog'a** (*ўз.*) — тоғасининг уйида туғилган бола ёки тоғасининг номи берилган бола.

**Тоғай, Tog'ay** (*ўз.*) — тоғасининг уйида туғилган бола ёки тоғайдек мустаҳкам бўлсин.

**Тоғайали, Tog'ayali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғай* ва *Али.*

**Тоғайгул, Tog'aygul** (◊ ..*ўз.-фт.*) — тоғасининг уйида туғилган гулдек гўзал қиз.

**Тоғаймамат, Tog'aymamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғаймуҳаммад.*

**Тоғаймат, Tog'aymat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғаймуҳаммад.*

**Тоғаймирза, Tog'aymirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тоғай* ва *Мирза.*

**Тоғаймурод, Tog'aymurod** (*ўз.-ар.*) — тоғаси уйида туғилган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Тоғаймуҳаммад, Tog'aymuhammad** (*ўз.-ар.*) — тоғаси уйида туғилган ёки тоғасининг исми берилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тоғайназар, Tog'aynazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғай* ва *Назар.*

**Тоғайниёз, Tog'ayniyoz** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тоғай* ва *Ниёз.*

**Тоғайтемир, Tog'aytemir** (*ўз.*) — тоғаси уйида туғилган ёки тоғасининг исми берилган темирдек мустаҳкам бола.

**Тоғайқиз, Tog'ayqiz** (◊ .,*ўз.*) — тоғасининг уйида туғилган қиз.

**Тоғайқўзи, Tog'ayqozi** (*ўз.*) — тоғаси уйида туғилган азиз, суюкли бола.

**Тоғали, Tog'ali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғайали.*

**Тоғамат, Tog'amat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғаймуҳаммад.*

**Тоғамурод, Tog'amurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғаймурод.*

**Тоғамуҳаммад, Tog'amuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғаймуҳаммад.*

**Тоған, Tog'an** (*фт.*) — тоған // таган (уч оёқли ўчоқ)дек маҳкам, собит турсин, яъни умри узоқ бўлсин ёки *Тоғайназар* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Тоғбой, Tog'boy** (*ўз.*) — улғайиб тоғдек юксак, яъни мартабаси баланд бўлсин ёки тоғда туғилган бола.

**Тоғмат, Tog'mat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тоғмуҳаммад.*

**Тоғмуҳаммад, Tog'muhammad** (*ўз.-ар.*) — умри, мартабаси тоғдек юксак бўлиб, Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тоғонмурод, Tog'onmurod** (*ўз.*) — *қар. Тоған* ва *Мурод.*

**Тоҳир, Tohir** (*ар.*) — покиза, доғсиз, нуқсонсиз; бегуноҳ. Бу ном Муҳаммад (сав) ўғлининг номи бўлган.

**Тоҳира, Tohira** (◊ .,*ар.*) — покиза, озода, маъсума қиз.

**Тоҳирқул, Tohirqul** (*ар.-ўз.*) — айнан: Тоҳирнинг қули ёки Аллоҳнинг покиза, бегуноҳ бандаси.

**Туби, Tubi** (◊ .,*ар.*) — *қар. Тубинисо.*

**Тубинисо, Tibiniso** (◊ ., *ар.*) — жаннат дарахти туби (тубо, тўби) дек келишган, гўзал қоматли қиз.

**Тувадоқ, Tuvadoq** (*ўз.*) — кенжа бола, оиладаги энг кичик фарзанд.

**Тувак // Тувоқ, Tuvoq** (*ўз.*) — пардали бўлиб туғилган бола. *Сол.: Парда, Пардабой.*

**Тувалбой, Tuvalboy** (*ўз.*) — тугал, тўлиқ қилиб берилган бола ёки гавдали, кучли, бақувват.

**Тувон, Tuvon** (*фт.*) — тубон — чарм; иштон, шим.

**Тувоқ, Tuvoq** (*ўз.*) — *қар. Тувак.* Шакллари: *Тувоқбой, Тувоқбиби, Тувоқгул, Тувоққул.*

**Тувоқберди, Tuvoqberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ берган ва пардали бўлиб туғилган бола.

**Тувоқгул, Tuvoqgul** (◇.,*ўз.-фт.*) — пардали бўлиб туғилган гулдек кўркам қиз.

**Тувоқмамат, Tuvoqmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тувоқмуҳаммад.*

**Тувоқмат, Tuvoqmat** — *қар. Тувоқмуҳаммад.*

**Тувоқмурод, Tuvoqmurod** (*ўз.-ар.*) — пардали бўлиб туғилган ўғил улғайиб муродига етсин.

**Тувоқмуҳаммад, Tyvoqmuhammad** (*ўз.-ар.*) — пардали бўлиб туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Товоқниёз, Tuvoqniyoz** (*ўз.-фт.*) — пардали бўлиб туғилган ва Аллоҳдан ўтиниб, сўраб олган бола.

**Тувоқтож, Tuvoqtoj** (*ўз.-фт.*) — пардали ва хол (тож) б-н туғилган бола.

**Тувоқтурди, Tuvoqturdi** (*ўз.*) — пардали бўлиб туғилган бола яшасин.

**Тувоққул, Tuvoqqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг пардали бўлиб туғилган бандаси (қули).

**Тугал, Tugal** (*ўз.*) — тўлиқ, мукаммал қилиб берилган, яъни умри узоқ яшайдиган бола ёки туғилиш тугасин, болага қониқдик маъносида.

**Тугалмача, Tugalmacha** (◇.,*ўз.*) — қиз туғилиши тугасин ёки фарзанд етарли бўлди, қониқдик маъносида.

**Тугалмирза, Tugalmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тугал* ва *Мирза.*

**Тугалмурод, Tugalmurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тугал* ва *Мурод.*

**Тугма, Тугмабой, Tugma** (*ўз.*) — баданида ортиқча белгиси (тугмадек белги) б-н туғилган бола ёки оилага тугмадек илиниб, қадалиб қолсин, яъни умри узоқ бўлсин.

**Тугмаой, Tugmaoy** (◇.,*ўз.*) — *қар. Тугма* (Тугма+ой).

**Туёқ, Туёқбой, Tuyoq** (*ўз.*) — туёғи, яъни моли (чарваси) кўп, бадавлат бўлсин.

**Тузал, Tuzal** (*ўз.*) — бирор бир касалликдан соғайиб, тузалиб кетсин, деган маънода берилган ном.

**Тузалмирза, Tuzalmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тузал* ва *Мирза.*

**Тузалхўжа, Tuzalxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола тузалиб, соғайиб кетсин.

**Тузан, Tuzan** (*ўз.*) — тинч, хотиржам, осойишта бўлсин.

**Тузбек, Тузбой, Tuzbek** (*ўз.*) — тўғри, рост; турғун, собитқадам; ишончли, сўзида турувчи.

**Тузмуҳаммад, Tuzmuhammad** (*ўз.-ар.*) — турғун, собитқадам ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Туйма, Tuyma** (*ўз.*) — *қар. Тугма.* Шакллари: *Туймабой, Туймажон, Туймагул, Туймахон.*

**Туймабой, Tuymaboy** (*ўз.*) — *қар. Тугмабой.*

**Туймагул, Tuymagul** (*ар.-фт.*) — *қар. Тугмагул.*

**Туймахол, Tuymaxol** (◊.,*ўз.-фт.*) — тугмадек хол б-н туғилган қиз. *Қар.: Тугмахол.*

**Туймақул, Tuymagul** (*ўз.*) — *қар. Тугмақул.*

**Туйғун, Tuyg'un** (*ўз.*) — қирғий, қарчиғайдек сезгир, зийрак, хушёр бўлсин.

**Туйғуна, Tuyguna** (◊.,*ўз.*) — сезгир, хушёр, зийрак, тезфаҳм қиз.

**Туйғунбиби, Tuyg'unbibi** (◊.,*ўз.-фт.*) — *қар. Туйғун.*

**Туйғунжон, Tuyg'unjon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Туйғун* (Туйғун+жон).

**Туйғуной, Tuyg'unoy** (◊.,*ўз.*) — зийрак, хушёр ҳамда ойдек сулув қиз.

**Туйғунхўжа, Tuyg'unxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган сезгир, зийрак бола.

**Тукал, Tukal** (*ар.*) — *қар. Тугал.*

**Тулак, Тулакбой, Tulak** (*ўз.*) — тинч, осойишта, хотиржам.

**Тулкибой, Tulkiboy** (*ўз.*) — тулки (тулкичи) уруғига (қўнғирот қабиласининг кичик уруғи, қатағон қабиласининг шаҳобчаси) мансуб бола.

**Тулу, Tulu, Тулуй** (*муғ.*) — ойна, кўзгу; гўзал, зебо.

**Тулум, Тулумбой, Tulum** (*ўз.*) — сочлари узун (толим) бўлиб туғилган бола.

**Тума, Тумабой, Tuma** (*ўз.*) — тума уруғи (оқ тума, қора тума — лақайлар қабиласининг уруғлари) га мансуб бола.

**Туман, Tuman** (*муғ.*) — айнан: ўн минг, яъни кўпайсин, унсин, ўссин ёки туман пайтида туғилган бола. Шакллари: *Туманбой, Туманмирза, Туманой.*

**Туманой, Tumanoy** (*ўз.*) — туман пайти туғилган ойдек сулув қиз.

**Тумор, Tumor** (*фт.*) — дуохат. Болага бало-қазолар яқинлашмасин деган ниятда қўйиладиган исм. Шакллари: *Туморбой, Туморгул, Туморжон, Туморой, Туморхон.*

**Тунг, Тунгбой, Tung** (*фт.*) — мис идиш, мис сувдондек мустаҳкам бўлсин.

**Тунгигул, Tungigul** (◊.,*ўз.-фт.*) — оқшом гулидек сулув қиз.

**Тунли, Tunli** (*ўз.*) — тунли // тунлик — ростгўй; адолатли, инсофли.

**Тунуқ, Тунуқбиби, Tunuq** (◊.,*фт.*) — тунук — нозик, мулойим, мунис ёки тиниқ (*ўз.*) — соф, покиза, тоза, озода.

**Тупроқбиби, Tuproqbibi** (◊.,*ўз.<ҳинд.*) — тупроқдек, арзимас, ёмон бола. Чақалоқни бевақт ўлим ва кўз тегишдан асраш учун шундай исм берилади.

**Тупчикбой, Tupchikboy** (*ўз.*) — тупчик — кенжа бола, оиланинг кичкинтойи.

**Турач // Тураш, Turach** (*ўз.*) — "турди", "турсун" сўзлари б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли ёки тураш — булдуруқ (қуш).

**Турақ, Turaq** (*ўз.*) — мустаҳкам, собит турувчи, турғун, яъни яшайдиган, умри узоқ бола.

**Турақол, Turaqol** (◊.,*ўз.*) — тура қолгин, яъни яшагин, ўлмагин, умринг узоқ бўлсин.

**Турбат, Turbat** (*ар.*) — хок, тупроқ; мозор, қабр (авлиё)нинг хоки ёки турбат — савлатли, келишган, бақувват.

**Турбек, Turbek** (*ўз.*) — Арабистондаги Тур тоғи номига нисбат берилган ёки тургин, яшагин.

**Турган, Турғон, Turgan** (*ўз.*) — эпчил, чаққон, тезкор; уқувли, моҳир.

**Турди, Turdi** (*ўз.*) — тўхтайди, яшайди, соғ бўлади. Шакллари: *Турдибой, Турдибек, Турдигул, Турдихон, Турдиой.*

**Турдигул, Turdigul** (◊.,*ўз.-фт.*) — гулдек гўзал қиз соғ, омон бўлсин, яшасин.

**Турдиали, Turdiali** (*ўз.-ар.*) — яшайдиган, ўлмайдиган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Турдиаҳмад, Turdiahmad** (*ўз.-ар.*) — яшайдиган, турадиган болани Аҳмад (Муҳамма (сав)) ўз паноҳида асрасин.

**Турдибек, Turdibek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бола яшайди, ўлмайди.

**Турдибека, Turdibeka** (◊.,*ўз.*) — соғ, омон бўладиган юксак мартабали, эъзозли қиз.

**Турдибиби, Turdibibi** (◊.,*ўз.-ҳинд.*) — турадиган, ўлмас ва баланд мартабали қиз.

**Турдивали, Turdivali** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳга яқин бўлган, авлиё бола туради, ўлмайди.

**Турдиёр, Turdiyor** (◊.,*ўз.-фт.*) — ота-онасига (оиладаги болаларга) эш, ўртоқ бўлиб турсин, яшасин.

**Турдик, Турдиқ, Turdik** (*ўз.*) — "турди" сўзи б-н бошланадиган баъзи номлар (*Турдиқурбон, Турдиқул*)нинг эқ. шакли.

**Турдикарим, Turdikarim** (*ўз.-ар.*) — *қар. Турди* ва *Карим.*

**Турдима, Турдимо, Turdima** (◊.,*ўз.*) — *қар. Турдимомо.*

**Турдимамат, Turdimamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Турдимуҳаммад.*

**Турдимомо, Turdimomo** (◊.,*ўз.*) — *қар. Турди* ва *Момо.*

**Турдимурод, Turdimurod** (*ўз.-ар.*) — турсин, ўлмасин, умри узоқ бўлиб мақсадига етсин.

**Турдимуҳаммад, Turdimuhammad** (*ўз.-ар.*) — турсин, яшасин ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Турдиназар, Turdinazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, назари туфайли эришилган бола, турсин, яшасин.

**Турдиниёз, Turdiniyoz** (*ўз.-фт.*) — ёлвориб, сўраб олинган бола туради, яшайди.

**Турдинисо, Turdiniso** (◇.,*ўз.-ар.*) — айнан: турадиган, яшайдиган аёл (қиз).

**Турдиноз, Turdinoz** (◇.,*ўз.-фт.*) — нозли, назокатли қиз турсин, яшасин ёки *қар. Турдинозик.*

**Турдинозик, Turdinozik** (◇.,*ўз.-фт.*) — мулойим, нозик, хуштаъб қиз.

**Турдиой, Turdioy** (◇.,*ўз.*) — ойдек сулув қиз турсин, яшасин.

**Турдипошша, Turdiposhsha** (◇.,*ўз.-фт.*) — турувчи, яшовчи, улуғ мартабали қиз.

**Турдипўлат, Turdipo'lat** (*ўз.-фт.*) — яшасин, турсин ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Турдиражаб, Turdirajab** (*ўз.-ар.*) — ражаб ойида туғилган бола, туради, яшайди деб умид қиламиз.

**Турдисаид, Turdisaid** (*ўз.-ар.*) — турсин, яшасин ва бахтли бўлсин.

**Турдитож, Turditoj** (◇.,*ўз.-фт.*) — хол (тож) б-н туғилган қиз яшасин, турсин.

**Турдитош, Turditosh** (◇.,*ўз.*) — турсин, яшасин ва тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Турдихол, Turdixol** (◇.,*ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган қиз яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Турдихон, Turdixon** (◇.,*ўз.*) — *қар. Турди* (Турди+хон).

**Турдиш, Turdish** (◇.,*ўз.-ар.*) — "турди" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (*Турдинисо*)нинг эқ. шакли.

**Турдишо, Turdisho** (*ўз.-фт.*) — *қар. Турди* (Турди+Шоҳ).

**Турдиқул, Turdiqul** (*ўз.*) — *қар. Турди* (Турди+қул).

**Турдиқурбон, Turdiqurbon** (*ўз.-ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғил туради, яшайди.

**Туржон, Туржонбек, Turjon** (*ўз.-фт.*) — суюкли бола турсин, яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Туришбой, Turishboy** (*ўз.*) — нордон; аччиқ, дағал, яъни ёмон бола. Болани ёмон кўзлардан асраш, ёвуз кучларни чалғитиш учун бериладиган исм.

**Турйигит, Turyigit** (*ўз.*) — соғ, омон бўлиб улкан йигит бўлсин.

**Туркбой, Turkboy** (*ўз.*) — кучли, қудратли ёки чиройли, гўзал ёҳуд турк қабиласинга мансуб бола, турк фарзанди.

**Туркистон, Turkiston** (*ўз.*) — Туркистон шаҳри номига нисбат берилган, Туркистон шаҳрида туғилган бола ёки Туркистонни зиёрат қилгач, туғилган бола.

**Туркман, Turkman** (*ўз.*) — ўзбекларнинг туркман қабиласига мансуб бола, туркман фарзанди.

**Туркмирза, Turkmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Турк* ва *Мирза.*

**Турккиз, Turkqiz** (*ўз.*) — турк қабиласига мансуб қиз ёки чиройли гўзал қиз.

**Турмат, Турматбой, Turmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Турдимуҳаммад.*

**Турмахон, Turmaxon** (*ўз.-ар.*) — *эҳт.: Турмуҳаммадхон.*

**Турмиш // Турмуш, Turmish** (*ўз.*) — турувчи, яшаб кетадиган, ўлмайдиган бола.

**Турмурод, Turmurod** (*ўз.-ар.*) — соғ улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Турмуҳаммад, Turmuhammad** (*ўз.-ар.*) — турсин, яшасин ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Турна, Turna** (◊ .,*ўз.*) — турналар келганда туғилган қиз. Шакллари: *Турнаой, Турнахон.*

**Турнаой, Turnaoy** (◊ .,*ўз.*) — турналар келганда туғилган ойдек, сулув қиз.

**Турнахол, Turnaxol** (◊ .,*ўз.-фт.*) — турналар келганда туғилган холли қиз.

**Турниёз, Turniyoz** (*ўз.-фт.*) — ўтиниб, ёлвориб сўраб олинган бола турсин, яшасин.

**Туроб, Turob** (*ар.*) — тупроқ, хок, муқаддас тупроқ; мозор, авлиё. Асли: *Абутуроб.*

**Туробиддин, Turobiddin** (*ар.*) — хоксор, диннинг оддий, содда фарзанди.

**Туробқул, Turobqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг оддий, хоксор бандаси, қули.

**Турой, Turoy** (◊ .,*ўз.*) — ойдек сулув қиз турсин, яшасин, ўлмасин.

**Турон, Туронбой, Turon** (*ўз.*) — Турон заминининг фарзанди, Турон фарзанди.

**Туронбиби, Туронгул, Turonbibi** (◊ .,*ўз.*) — Турон қизи, Турон замини фарзанди.

**Туромон, Turomon** (*ўз.-ар.*) — осойишта, тинч ва соғ-саломат бўлсин.

**Турор, Turor** (*ўз.*) — турадиган, яшайдиган, умри узоқ бола.

**Турош, Turosh** (*ўз.*) — "турди", "турсун" сўзлари б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Турошбой, Турошхон.*

**Туроқ, Turoq** (*ўз.*) — турғун, собит, яъни яшайдиган, умри узоқ бола. Шакллари: *Туроқбой, Туроқжон, Туроққул, Туроқмирза.*

**Туроғол, Turog'ol** (*ўз.*) — тура қолгин, яъни яшагин, соғ бўлгин.

**Туроғон, Turog'on** (*ўз.*) — турувчи, яшайдиган бола.

**Турсоат, Tursoat** (*ўз.-ар.*) — қутли, саодатли пайтда туғилган ўғил турсин, яшасин.

**Турсоли, Tursoli** (*ўз.-ар.*) — *қар. Турбой* ва *Соли, Солиҳ.*

**Турсун, Tursun** (*ўз.*) — яшасин, омон, соғ бўлсин. Шакллари: *Турсунбек, Турсуной, Турсунжон, Турсунқул, Турсунхон.*

**Турсунали, Tursunali** (*ўз.-ар.*) — соғ-омон турсун, улғайсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Турсунаҳмад, Tursunahmad** (*ўз.-ар.*) – соғ-омон турсин, яшасин ва Аҳмад – Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Турсунбек, Tursunbek** (*ўз.*) – беклар авлодидан бўлган ўғил яшасин, соғ турсин.

**Турсунбиби, Tursunbibi** (◊ ., *ўз.-ҳинд.*) – соғ турсин, яшасин ва баланд мартабали қиз бўлсин.

**Турсунгул, Tursungul** (◊ ., *ўз.-фт.*) – гулдек чиройли қиз соғ турсин, яшасин.

**Турсунмамат, Tursunmamat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Турсунмуҳаммад.*

**Турсунмат, Tursunmat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Турсунмуҳаммад.*

**Турсунмирза, Tursunmirza** (*ўз.-фт.*) – соғ-омон бўлиб, мирзалардек келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Турсунмомо, Tursunmomo** (◊ ., *ўз.*) – соғ турсин; яшасин ёки бувисининг исми берилган қиз соғ омон яшаб кетсин.

**Турсунмурод, Tursunmurod** (*ўз.-ар.*) – соғ-омон туриб, мурод-мақсадига етсин ёки мақсадимиз, орзуимиз бўлган бола соғ турсин, ўлмасин.

**Турсунмуҳаммад, Tursunmuhammad** (*ўз.-ар.*) – соғ турсин, яшасин ва Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Турсунназар, Tursunnazar** (*ўз.-ар.*) – Аллоҳнинг назари тушиб берилган бола соғ турсин, яшасин.

**Турсунниёз, Tursunniyoz** (*ўз.-фт.*) – Аллоҳдан ялиниб-ёлвориб олинган бола турсин, яшасин ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони бўлган бола соғ турсин, умри узоқ бўлсин.

**Турсуной, Tursunoy** (◊ ., *ўз.*) – соғ турсин, яшасин ва ойдек сулув қиз бўлсин.

**Турсунпўлат, Tursuno'lat** (*ўз.-фр.*) – пўлатдек маҳкам бола туриб қолсин, яшаб кетсин.

**Турсунтилла, Tursuntilla** (◊ ., *ўз.-фт.*) – тилладек қадрли, қимматли қиз соғ турсин, яшасин.

**Турсунтож, Tursuntoj** (◊ ., *ўз.-фт.*) – хол (тож) б-н туғилган қиз соғ бўлиб яшаб кетсин.

**Турсунтожи, Tursuntoji** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Турсунтож.*

**Турсунтой, Tursuntoy** (*ўз.*) – азиз, суюкли (тойчоқ) ўғил турсин, умри узоқ бўлсин.

**Турсунтош, Tursuntosh** (*ўз.*) – соғ-омон турсин, яшасин ва жони тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Турсунхол, Tursunxol** (◊ ., *ўз.-фт.*) – хол б-н туғилган қиз соғ турсин, умри узоқ бўлсин.

**Турсунхўжа, Tursunxo'ja** (*ўз.-фт.*) – хўжалар авлодидан бўлган бола соғ турсин, яшасин.

**Турсунча, Tursuncha** (◊ ., *ўз.*) – жажжи қизча соғ бўлсин, омон бўлсин.

**Турсунқул, Tursunqul** (*ўз.*) – Аллоҳнинг соғ-омон турадиган, умри узоқ бандаси (қули).

**Турсунғози, Tursung'ozi** (*ўз.-ар.*) – соғ турсин, яшасин ва дин учун курашувчи ва музаффар йигит бўлсин.

**Турумтой, Turumtoy** (*ўз.*) — қирғий, қарчиғайдек зийрак, жа сур бўлиб ўссин ёки сочлари сийрак бола.

**Турумтош, Turumtosh** (*ўз.*) — зийрак, хушёр ва жони тошдек мустаҳкам қиз.

**Турхон, Turxon** (*ўз.*) — турадиган, яшайдиган, умри узоқ бола.

**Турхонали, Turxonali** (*ўз.-ар.*) — турадиган, яшайдиган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Турқора, Turqora** (*ўз.*) — соғ омон турсин, яшасин кучли, қудратли йигит бўлсин.

**Турғон, Turg'on** (*ўз.*) — туриб қолган, яшаб кетадиган, умри узоқ бола. Шакллари: *Турғонбой, Турғонбиби, Турғоной, Турғонқул.*

**Турғонали, Turg'onali** (*ўз.-ар.*) — туриб қолган, ўлимдан қолган болани Али ўз паноҳига олсин.

**Турғонқул, Turg'onqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг умри узоқ бандаси (қули).

**Турғун, Turg'un** (*ўз.*) — собит турувчи, ўлмайдиган, умри узоқ бола. Шакллари: *Турғунбой, Турғунжон, Турғунбиби, Турғуной, Турғунбуви.*

**Турғуна, Turg'una** (◊ .,*ўз.*) — собит турувчи, яшайдиган қиз.

**Турғунали, Turg'unali** (*ўз.-ар.*) — собит турадиган, яшаб кетадиган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Турғунбиби, Turg'unbibi** (◊ .,*ўз.-ҳинд.*) — баланд мартабали қизнинг умри узоқ бўлсин.

**Турғунбуви, Турғунбу, Turg'unbuvi** (◊ .,*ўз.*) — собит турувчи (яшайдиган) ёки бувисининг исми берилган қиз собит турсин, яшаб кетсин.

**Турғунбувиш, Turg'unbuvish** (◊ .,*ўз.*) — *қар. Турғунбуви.*

**Турғунмирза, Turg'unmirza** (*ўз.-фт.*) — собит туриб яшаб кетсин ва мирзалардек келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Турғуннисо, Turg'unniso** (◊ .,*ўз.-ар.*) — собит турувчи, яшайдиган аёл (қиз).

**Турғунпўлат, Turg'unpolat** (*ўз.-фт.*) — пўлатдек мустаҳкам бўлиб турсин.

**Турғунтожи, Turg'untoji** (◊ .,*ўз.-фт.*) — хол (тож, қизил хол) б-н туғилган собит турадиган, яшайдиган қиз.

**Турғунтош, Turg'untosh** (◊ .,*ўз.*) — тошдек мустаҳкам бўлиб турсин, ўлмасин.

**Турғунча, Turg'uncha** (◊ .,*ўз.*) — собит турадиган жажжи, кенжа қиз.

**Турғуншо, Turg'unsho** (*ўз.-фт.*) — собит, маҳкам турсин ва улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Тусмат, Tusmat** (*ар.*) — тус — асл, аслзода ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки *эҳт.: Турсунмат* (қар.).

**Тусназар, Tusnazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг назари, мурувввати туфайли эришилган, асл, аслзода бола.

**Туташ, Tutash** (◇.,*ўз.*) — олдинги фарзандларга ёки онасига улансин (туташсин), яъни яшаб кетсин.

**Туябой, Tuyaboy** (*ўз.*) — туядек бақувват, кучли, чидамли бўлсин ёки туяси, мол-дунёси кўп бўлсин.

**Туяли, Tuyali** (*ўз.*) — туялари кўп, бой-бадавлат бўлсин; *қар. Туябой.*

**Туғбой, Tug'boy** (*ўз.*) — *қар. Туғмуҳаммад, Туғмурод.*

**Туғмат, Tug'mat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Туғмуҳаммад.*

**Туғмурод, Tug'murod** (*ўз.-ар.*) — белгили, байроқли бола улғайиб муродига етсин.

**Туғмуҳаммад, Tug'muhammad** (*ўз.-ар.*) — Муҳаммад тарафдори.

**Туҳват, Tuhvat** (*ар.*) — *қар. Туҳфатулла.*

**Туҳфа, Tuhfa** (*ар.*) — совға, эҳсон, тортиқ; марҳамат. *Асли: Туҳфатулла, Туҳфанисо.* Шакллари: *Туҳфажон, Туҳфахон, Туҳфаой, Туҳфабуви.*

**Туҳфанисо, Tuhfaniso** (◇.,*ар.*) — Аллоҳ ато қилган туҳфа. *Қар. Туҳфатулла.*

**Туҳфатулла, Tuhfatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони, муруввати.

**Тўйбегим, To'ybegim** (◇.,*ўз.*) — тўй, шодлик куни туғилган, баланд мартабали қиз.

**Тўйбек, To'ybek** (*ўз.*) — тўй куни туғилган ва беклар авлодига мансуб бола.

**Тўйбека, Тўйбика, To'ybeka** (◇.,*ўз.*) — тўй куни туғилган, аслзода, баланд мартабали қиз.

**Тўйберди, To'yberdi** (*ўз.*) — тўй куни берилган, ато қилинган бола.

**Тўйбиби, To'ybibi** (◇.,*ўз.-ҳинд.*) — тўй куни туғилган қиз.

**Тўйбобо, To'ybobo** (*ўз.-фт.*) — тўй куни туғилган ва бобоси исми б-н аталган бола. *қар. Тўй* ва *Бобо.*

**Тўйбозор, To'ybozor** (*ўз.-фт.*) — бозор куни туғилган ўғилнинг ҳаёти шодлик, қувончларга тўла бўлсин.

**Тўйой, To'yoy** (◇.,*ўз.*) — тўй куни туғилган ойдек кўркам қиз.

**Тўйбуви, To'ybuvi** (◇.,*ўз.*) — тўй куни туғилган қиз ёки бувисининг исми берилган қиз.

**Тўйбўлди, To'ybo'ldi** (*ўз.*) — тўй бўлган куни туғилган қиз.

**Тўйгул, To'ygul** (◇.,*ўз.-фт.*) — тўй куни туғилган гулдек гўзал қиз.

**Тўйди, To'ydi** (*ўз.*) — фарзандлар етарли бўлди, қаноатландик ёки *қар. Тўйли.* Шакллари: *Тўйдиой, Тўйдихон, Тўйдигул.*

**Тўйдик, Тўйдиқ, To'ydik** (*ўз.*) — фарзандлар етарли бўлди, қониқдик, қаноатландик.

**Тўйжон, To'yjon** (*ўз.-фт.*) — тўй куни туғилган, жондек азиз, суюкли бола.

**Тўйзода, To'yzoda** (◇.,*ўз.-фт.*) — тўй қизи, тўй куни туғилган қиз.

**Тўйим, To‘yim** (*ўз.*) — "тўй" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Тўймурод, Тўймуҳаммад)нинг эқ. шакли.

**Тўйинбиби, To‘yinbibi** (◇.,*ўз.-ҳинд.*) — *қар. Тўйиндиқ.*

**Тўйинбой, To‘yinboy** (*ўз.*) — *қар. Тўйиндиқ.*

**Тўйинбуви, To‘yinbuvi** (◇.,*ўз.*) — *қар. Тўйиндиқ.*

**Тўйиндиқ, To‘yindiq** (◇.,*ўз.*) — фарзандлар етарли бўлди, қондик, қаноатландик.

**Тўйкелди, To‘ykeldi** (*ўз.*) — тўй куни дунёга келган бола.

**Тўйкўрар, To‘yko‘rar** (*ўз.*) — улғайиб, тўйлар кўрсин ёки тўй куни туғилган бола.

**Тўйли, Тўйлибой, To‘yli** (*ўз.*) — тўй куни туғилган бола ёки соғ улғайиб кўп тўйлар кўрсин.

**Тўйлон, To‘ylon** (*ўз.*) — тўй сўзи б-н бошланган баъзи исмларнинг эқ. шакли.

**Тўймамат, To‘ymamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўймуҳаммад.*

**Тўйман, To‘yman** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўймуҳаммад.*

**Тўймат, To‘ymat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўймуҳаммад.*

**Тўймақсад, To‘ymaqsad** (*ўз.-ар.*) — тўй куни эришилган, орзу, мақсад.

**Тўймирза, To‘ymirza** (*ўз.-фт.*) — тўй куни туғилган ўғил мирзалардек келишимли, ўқимишли йигит бўлсин.

**Тўймурод, To‘ymurod** (*ўз.-ар.*) — тўй кунлари эришилган орзу, мақсад ёки тўй куни туғилган ўғил улғайиб муроду мақсадига етсин.

**Тўймуҳаммад, To‘ymuhammad** (*ўз.-ар.*) — тўй куни туғилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тўйназар, To‘ynazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг назари тушиб, тўй кунлари ато қилинган ўғил ёки оилага тўй кунлари келган (назар солган) бола.

**Тўйниёз, To‘yniyoz** (*ўз.-фт.*) — тўй кунлари туғилган ва Аллоҳга ёлвориб, илтижолар қилиб топилган бола ёки Аллоҳнинг тўй кунлари берган туҳфаси.

**Тўйпўлат, To‘ypo‘lat** (*ўз.-фт.*) — тўй кунлари туғилган ўғил пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Тўйсулув, To‘ysuluv** (◇.,*ўз.*) — тўй-томоша кунлари туғилган гўзал, зебо қиз.

**Тўйтемир, To‘ytemir** (*ўз.*) — тўй кунлари туғилган темирдек мустаҳкам бола.

**Тўйтирак, To‘ytirak** (*ўз.*) — тўй-томоша кунлари туғилган ўғил соғ бўлиб ота-онасига суянчиқ, мадаткор бўлсин.

**Тўйтурди, To‘yturdi** (*ўз.*) — тўй-томоша кунлари туғилган бола турсин, яшасин.

**Тўйхон, To‘yxon** (*ўз.*) — тўй-томоша кунлари туғилган бола улғайиб баланд мартабалар эгаси бўлсин.

**Тўйхўжа, To‘yxo‘ja** (*ўз.-фт.*) — тўй-томоша кунлари туғилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Туйчи, To'ychi** (*уз.*) — туй-томоша кунлари туғилган бола ёки соғ омон улғайиб куп туйлар эгаси булсин. Шакллари: *Туйчибек, Туйчибой, Туйчиқул.*

**Туйчинисо, To'ychiniso** (◊.,*уз.-ар.*) — туй кунлари туғилган аёл (қиз) ёки соғ улғайиб туй-томошалар эгаси булсин.

**Туйчиқул, To'ychiqul** (*уз.*) — Аллоҳнинг туй-томошалар куни туғилган бандаси.

**Туйқиз, To'yqiz** (◊.,*уз.*) — туй-томошалар куни туғилган қиз.

**Туйқул, To'yqul** (*уз.*) — Аллоҳнинг туй-томошалар куни туғилган бандаси (қули).

**Туйғон, To'yg'on** (◊.,*уз.*) — қиз туғилиши етар, қиздан туйдик, эндигиси уғил булсин.

**Тукин, To'kin** (*уз.*) — турмуши тукин-сочин булиб, бой-бадавлат уссин. Шакллари: *Тукиной, Тукинхон, Тукинбой.*

**Тукина, To'kina** (◊.,*уз.*) — ҳаёти фаровон, тукин-сочин булсин.

**Тула, To'la** (*уз.*) — умри тулиқ қилиб берилган, яшайдиган бола. Эҳт.: *Тулаган* ёки *Тулабберган* (қар.) исмларининг эқ. шакли. Шакллари: *Тулабек, Тулабой, Тулажон, Тулагул, Тулахон.*

**Тулаб, To'lab** (*уз.*) — *қар. Тулабберган.*

**Тулабберган, To'labbergan** (*уз.*) — олдинги турмаган фарзандлар эвазига, урнига берилган бола.

**Тулабиби, To'labibi** (◊.,*уз.-ҳинд.*) — умрини тула қилиб берилган, барҳаёт қиз.

**Тулаган, To'lagan** (*уз.*) — олдинги фарзандлар урнига, эвазига берилган бола.

**Тулаганой, To'laganoy** (◊.,*уз.*) — олдин вафот этган фарзандлар эвазига (тулаб) берилган ойдек сулув қиз.

**Тулак, To'lak** (*уз.*) — олдин улган болалар урнига қайтариб олинган уғил ёки баҳоси туланган, сотиб олинган бола.

**Туламат, To'lamat** (*уз.-ар.*) — *қар. Туламуҳаммад.*

**Туламирза, To'lamirza** (*уз.-фт.*) — умри тула қилиб берилган уғил улғайиб мирза йигит булсин.

**Туламиш, To'lamish** (*уз.*) — олдинги турмаган фарзандлар эвазига тулаб берилган бола.

**Туламурод, To'lamurod** (*уз.-ар.*) — умри тулиқ қилиб берилган булсин ва мурод-мақсадига етсин.

**Тулан, To'lan** (*уз.*) — тулан-беш яшар от ёки тулангин, яъни турмаган фарзандлар эвазига, урнига келган бола. Эҳт.: *Туланди* (*қар.*).

**Туланди, To'landi** (*уз.*) — олдинги турмаган фарзандлар эвазига, урнига берилган бола.

**Туланмирза, To'lanmirza** (*уз.-фт.*) — *қар. Тулаганмирза.*

**Туланисо, To'laniso** (◊.,*уз.-ар.*) — умрини тула тукис қилиб берилган қиз.

**Тўлантой, To'lantoy** (*ўз.*) — аввалги турмаган фарзандлар эвазига берилган суюкли (тойчоқ) бола.

**Тўланхон, To'lanxon** (*ўз.*) — аввалги турмаган фарзандлар ўрнига берилган суюкли, қадрли қиз.

**Тўлахўжа, To'laxo'ja** (*ўз.-фт.*) — умри тўла, тўкис қилиб берилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Тўлачучук, To'lachuchuk** (◇.,*ўз.*) — умрини тўла, тўкис қилиб берилган ширин, ёқимтой қиз.

**Тўлаш, To'lash** (*ўз.*) — тўла, тўлаган сўзлари б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Тўлашбек, Тўлашхон, Тўлашбой.*

**Тўлбой, To'lboy** (*ўз.*) — қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган бола.

**Тўлган, Тўлганой, To'lgan** (◇.,*ўз.*) — *қар. Тўлғон, Тўлғоной.*

**Тўлди, To'ldi** (*ўз.*) — аввалги турмаган болалар ўрнини тўлдирсин. Шакллари: *Тўлдибой, Тўлдихўжа, Тўлдихон.*

**Тўли, To'li** (*ўз.*) — тўлиқ, кам-кўстсиз қилиб берилган бола, яъни яшайдиган, умри узоқ бола. Шакллари: *Тўлибек, Тўлижон.*

**Тўлин, To'lin** (*ўз.*) — тўлиқ, мукаммал қилиб берилган, яъни яшовчи бола ёки тўлин ойли кечада туғилган бола. Шакллари: *Тўлинбек, Тўлинбой, Тўлиной.*

**Тўлиной, To'linoy** (◇.,*ўз.*) — ой тўлишганда туғилган қиз ёки тўлин ойдек кўркам қиз ёхуд умрини тўлиқ, мукаммал қилиб берилган қиз.

**Тўлиш, To'lish** (◇.,*ўз.*) — фарзандлар сафига қўшилгин, болаларимиз сафи тўлишсин. Шакллари: *Тўлишой, Тўлишхон.*

**Тўлиқ, To'liq** (◇.,*ўз.*) — умрини тўлиқ, мукаммал қилиб берилган қиз.

**Тўлиқой, To'liqoy** (◇.,*ўз.*) — умри тўла тўкис, мукаммал қилиб берилган қиз ёки ой тўлишган кечада туғилган қиз.

**Тўлмурод, To'lmurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўл, Тўлбой* ва *Мурод.*

**Тўлов, To'lov** (*ўз.*) — турмаган фарзандлар ўрнига тўлаб берилган бола.

**Тўлтой, To'ltoy** (*ўз.*) — қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган суюкли, эрка бола. *қар. Тўл, Тўлбой.*

**Тўлхон, To'lxon** (◇.,*ўз.*) — қўйлар қўзилаган пайтда туғилган эъзозли қиз.

**Тўлчибой, To'lchiboy** (*ўз.*) — қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган бола.

**Тўлқин, To'lqin** (*ўз.*) — ҳаётда яйраб, жўшиб юрсин.

**Тўлқина, To'lqina** (◇.,*ўз.*) — ҳаётда яшнаб, жўшиб (тўлқинланиб) юрсин.

**Тўлқинбу, To'lqinbu** (◇.,*ўз.*) — *қар. Тўлқин* (Тўлқин+Буви).

**Тўлқиннисо, To'lqinniso** (◇.,*ўз.-ар.*) — тўлқинли, тошқинли кунда туғилган қиз ёки жўшқинли, жуда бахтиёр қиз (аёл).

**Тўлқиной, To'lqinoy** (◇.,*ўз.*) — тўлқинли кунда туғилган ойдек сулув қиз ёки шодон, бахтиёр ҳамда ойдек сулув қиз.

**Тўлқинхўжа, To'lqinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тўлқин* ва *Хўжа.*

**Тўлғаш, To'lg'ash** (*ўз.*) — аввалги болаларга чирмашсин, боғлансин, яъни умри узоқ бўлсин.

**Тўлғон, To'lg'on** (*ўз.*) — ой тўлишганда туғилган бола. Шакллари: *Тўлғонбой, Тўлғоной.*

**Тўлғоной, To'lg'onoy** (◇.,*ўз.*) — ой тўлишган кечада туғилган қиз ёки тўлишган ойдек кўркам қиз.

**Тўнчи, To'nchi** (*ўз.*) — соғ улғайиб моҳир тикувчи бўлсин. Эҳт.: тўнчи уруғига мансуб бола.

**Тўнғич, Тўнғичбой, To'ng'ich** (*ўз.*) — оиладаги биринчи, бош бола.

**Тўпа, To'pa** (◇.,*ар.*) — *қар. Туҳфа.*

**Тўпагул, To'pagul** (◇.,*ар.-фт.*) — *қар. Туҳфагул.*

**Тўпанисо, To'paniso** (◇.,*ар.*) — *қар. Туҳфанисо.*

**Тўпахон, To'paxon** (◇.,*ар.-ўз.*) — *қар. Туҳфахон.*

**Тўпор, To'por, Тўпори** (*ўз*) — оддий, содда, дилкаш.

**Тўпчи, To'pchi** (*ўз.*) — тўп отувчи ёки тўпчи уруғига мансуб бола. Шакллари: *Тўпчибек, Тўпчибой.*

**Тўпчигул, To'pchigul** (*ўз.*) — *қар. Тўпчи* (Тўпчи+гул).

**Тўр, To'r** (*ўз.*) — жасур, паҳлавон.

**Тўра, To'ra** (*ўз.*) — аслзода, хонзода; улуғ мартабалар соҳиби ёки катталиги одам бўйидек келадиган қалқондек мустаҳкам бола. Тўра сўзи ўтмишда Бухоро хонлигида чиғатой аёнлари ва сайидларнинг фахрий унвони бўлган. Шакллари: *Тўрабой, Тўрабек, Тўражон, Тўрахон.*

**Тўраали, To'raali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўра* ва *Али.*

**Тўрабека, To'rabeka** (◇.,*ўз.*) — тўралар, аслзодалар наслига мансуб қиз.

**Тўраберди, To'raberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ аслзода, баланд мартабали бола берди.

**Тўрабиби, To'rabibi** (◇.,*ўз.-ҳинд.*) — баланд мартабали, аслзода қиз.

**Тўрабува, To'rabuva** (*ўз.*) — *қар. Тўра* (Тўра+Бува).

**Тўрабуви, To'rabuvi** (◇.,*ўз.*) — баланд мартабали қиз.

**Тўрабўл, To'rabo'l** (*ўз.*) — соғ улғайиб тўралардек келишган, саводхон йигит бўлсин.

**Тўрагул, To'ragul** (◇.,*ўз.-фт.*) — олий мартабали, аслзода ҳамда гулдек кўркам қиз.

**Тўрам, To'ram** (*ўз.*) — "тўра" сўзи б-н бошланган баъзи исмларнинг (*Тўрамуҳаммад, Тўрамурод*) эқ. шакли.

**Тўрамамат, To'ramamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўрамуҳаммад.*

**Тўрамат, To'ramat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўрамуҳаммад.*

**Тўрамирза, To'ramirza** (*ўз.-фт.*) — аслзодалар, мирзаларнинг саркори.

**Тўрамурод, To'ramurod** (*ўз.-ар.*) — баланд мартабали ўғил улғайиб орзуига етсин; *қар. Тўра* ва *Мурод.*

**Ўрамуҳаммад, To'ramuhammad** (*ўз.*) — аслзода, баланд мартабали ўғилни пайғамбар қўллаб юрсин. *қар. Тўра* ва *Муҳаммад.*

**Тўран, Тўрон, To'ran** (*ўз.*) — "тўра" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма номларнинг (Тўраназар, Тўраниёз) эқ. шакли.

**Тўраназар, To'ranazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўра* ва *Назар* ёки Аллоҳ мурувват (назар) қилиб берган мартабали бола.

**Тўраниёз, To'raniyoz** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тўра* ва *Ниёз* ёки Аллоҳдан сўраб, ёлвориб олинган бола, Аллоҳнинг туҳфаси.

**Тўраой, To'raoy** (◊.,*ўз.*) — баланд мартабали ва ойдек сулув қиз.

**Тўрапошша, To'raposhsha** (◊.,*ўз.-фт.*) — мартабали, эъзозли қиз; *қар. Тўра* ва *Пошша.*

**Тўратош, To'ratosh** (◊.,*ўз.*) — улуғ мартабали ва тошдек мустаҳкам қиз.

**Тўратурди, To'raturdi** (*ўз.*) — аслзода, эъзозли ўғил турсин, яшасин.

**Тўрахол, To'raxol** (*ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган ўғил баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Тўрахон, To'raxon** (*ўз.*) — *қар. Тўра* (Тўра+хон).

**Тўрахўжа, To'raxo'ja** (*ўз.*) — хўжалар авлодидан бўлган баланд мартабали бола.

**Тўраш, Тўрашхон, To'rash** (*ўз.*) — "тўра" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Тўрақобил, To'raqobil** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўра* ва *Қобил.*

**Тўрақул, To'raqul** (*ўз.*) — *қар. Тўра* (Тўра+қул).

**Тўрақўзи, To'raqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Тўра* ва *Қўзи.*

**Тўркин, Тўркиной, To'rkin** (◊.,*ўз.*) — тўркиндек (шоҳи матонинг тури) мулойим, гўзал, қимматли қиз.

**Тўрғай, To'rg'ay** (*ўз.*) — тўрғайдек эркин, ҳур ўссин ёки тўрғай уруғига мансуб бола. Шакллари: *Тўрғайбек, Тўрғайбой, Тўрғайжон.*

**Тўти, To'ti** (◊.,*ўз.*) — ширинсухан, нотиқа бўлиб ўссин; тили чиқиб гапириб кетсин ёки онасининг исми берилган қиз. Шакллари: *Тўтибуви, Тўтибу, Тўтибиби, Тўтижон, Тўтиой, Тўтихон.*

**Тўтибиби, To'tibibi** (◊.,*ўз.+ҳинд.*) — ширинсухан, бийрон тилли ҳамда баланд мартабали, эъзозли қиз ёки онаси ёҳуд онасининг исми берилган қиз.

**Тўтигул, To'tigul** (◊.,*ўз.-фт.*) — ширинсухан, бийрон тилли ва гулдек чиройли қиз ёки онаси ёҳуд онасининг исмини олган қиз.

**Тўтиё, To'tiyo** (◊.,*фт.*) — тўтиёдек нодир, ноёб қиз.

**Тўтимомо, Totimomo** (◊.,*ўз.*) — *қар. Тўти* ва *Момо* ёки Момо (буви) си исми б-н номланган қиз.

**Тўтинисо, To'tiniso** (◊.,*ўз.-ар.*) — аёлларнинг ширин, бийрон тиллиси; нотиқа.

**Тўтихол, To'tixol** (◊.,*ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган қиз, бийрон, ширинтил бўлсин ёки онасининг исми берилган холли қиз.

**Тутиқиз, To‘tiqiz** (◊.,*ўз.*) — тутидек зийрак, бийрон тилли қиз ёки онасининг исми берилган қиз.

**Туфа, To‘fa** (◊.,*ар.*) — *қар. Туҳфанисо.*

**Туфанисо, To‘faniso** (◊.,*ар.*) — *қар. Туҳфанисо.*

**Туфахон, To‘faxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — *қар. Туҳфахон.*

**Туфон, To‘fon** (*ар.*) — кучли сув тошқини пайтида туғилган бола.

**Тухта, To‘xta** (*ўз.*) — айнан: тухтагин, яшагин, яъни ўлмасин, умри узоқ бўлсин. Шакллари: *Тухтабой, Тухтақул, Тухтаой.*

**Тухтаали, To‘xtaali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тухта* ва *Али.*

**Тухтабиби, To‘xtabibi** (◊.,*ўз.+ҳинд.*) — *қар. Тухта* ва *Биби.*

**Тухтагул, To‘xtagul** (◊.,*ўз.-фт.*) — гулдек гўзал қиз тухтасин, яшасин.

**Тухталар, To‘xtalar** (*ўз.*) — тухтар, яшаб кетар деб умид қиламиз.

**Тухтам, To‘xtam** (*ўз.*) — "тухта" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Тухтамамат, To‘xtamamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тухтамуҳаммад.*

**Тухтамат, To‘xtamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тухтамуҳаммад.*

**Тухтамирза, To‘xtamirza** (*ўз.-фт.*) — тухтасин, яшасин ва улғайиб келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Тухтамиш, To‘xtamish** (*ўз.*) — тухтаган, ўлмайдиган, умри узоқ бола.

**Тухтамомо, To‘xtamomo** (◊.,*ўз.*) — *қар. Тухта* ва *Момо.*

**Тухтамурод, To‘xtamurod** (*ўз.-ар.*) — тухтасин, умри узоқ бўлсин ва улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Тухтан, To‘xtan** (*ўз.*) — "тухта" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (*Тухтаназар, Тухтаниёз*) нинг эқ. шакли.

**Тухтаназар, To‘xtanazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати, илтифоти туфайли эришилган бола тухтасин, яшасин.

**Тухтаниёз, To‘xtaniyoz** (*ўз.-фт.*) — ёлвориб, илтижолар қилиб олинган бола тухтасин, яшасин.

**Тухтанисо, To‘xtaniso** (◊.,*ўз.-ар.*) — тухтовчи, яшовчи умри узоқ қиз.

**Тухтаойим, Toxtaoyim** (◊.,*ўз.*) — тухтайдиган, яшайдиган ва эъзозли, мўътабар қиз, тақводор оилага мансуб қиз.

**Тухтаохун, Toxtaoxun** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тухта* ва *Охун.*

**Тухтапошша, Toxtaposhsha** (◊.,*ўз.-фт.*) — *қар. Тухта* ва *Пошша.*

**Тухтапулат, To‘xtapo‘lat** (*ўз.-фт.*) — тухтасин, яшасин ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Тухтар, To‘xtar** (*ўз.*) — тухтар, яшаб кетар деб умид қиламиз. Шакллари: *Тухтарбой, Тухтаржон.*

**Тухтарали, To‘xtarali** (*ўз.-ар.*) — тухтасин, яшаб кетсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Тўхтархўжа, To'xtarxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бола тўхтар, яшаб кетар деб умид қиламиз.

**Тўхтасин, To'xtasin** (*ўз.*) — тўхтасин, яшаб кетсин, умри узоқ бўлсин.

**Тўхтатош, To'xtatosh** (*ўз.*) — тўхтасин, яшасин, жони тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Тўхтатурсун, To'xtatursun** (◊.,*ўз.*) — тўхтасин, яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Тўхтахол, Toxtaxol** (◊.,*ўз.-фт.*) — холли бўлиб туғилган қиз тўхтасин, яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Тўхташ, To'xtash** (*ўз.*) — "тўхта" сўзи б-н бошланган баъзи исмларнинг эқ. шакли.

**Тўхташали, To'xtashali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўхташ* ва *Али.*

**Тўхташхон, To'xtashxon** (◊.,*ўз.*) — *қар. Тўхташ* (Тўхташ+-хон).

**Тўхташқул, To'xtashqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг умри узоқ бандаси, қули.

**Тўхтақилич, To'xtaqilich** (*ўз.*) — тўхтасин, яшасин ва қиличдек мустаҳкам ва ўткир йигит бўлсин.

**Тўхтақўзи, To'xtaqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Тўхта* ва *Қўзи.*

**Тўқ, Тўқбой, To'q** (*ўз.*) — тўқ, фаровон ҳаёт кечирсин ёки тўқбой уруғига (манғит, қабиласи уруғи) мансуб бола.

**Тўқабой, To'qaboy** (*ўз.*) — тўқа (темир халқа — от анжомларидан бири) дек мустаҳкам бўлсин.

**Тўқач // Тўқоч, To'qoch** (*ўз.*) — айнан: кулча, нон, катта бўғирсоқ, яъни насибаси бутун, ризқ-рўзли бўлсин.

**Тўқберди, To'qberdi** (*ўз.*) — ризқу рўзли, насибаси бутун қилиб берилган бола.

**Тўқжон, To'qjon** (*ўз.+фт.*) — ризқ-рўзли, насибаси бутун ва суюкли, жондек азиз бола.

**Тўқли, To'qli** (*ўз.*) — айнан: 7-8 ойдан ошган қўзи; чорваси кўп, бадавлат бўлсин. Шакллари: *Тўқлибек, Тўқлибой.*

**Тўқлиали, To'qliali** (*ўз.-ар.*) — моллари кўп, бой-бадавлат бўлсин ва Али қўллаб юрсин.

**Тўқлимирза, To'qlimirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тўқли* ва *Мирза.*

**Тўқлимурод, To'qlimurod** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тўқли* ва *Мурод.*

**Тўқлитой, To'qlitoy** (*ўз.*) — бой-бадавлат ҳамда суюкли, эркатой (тойчоқ) бола ёки тўқли ва тойлари мўл, бадавлат бўлсин.

**Тўқмон, To'qmon** (*ўз.-ар.*) — "тўқ" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Тўқмуҳаммад, Тўқмурод)нинг эқ. шакли.

**Тўқмоқ, To'qmoq** (*ўз.*) — тўқмоқдек мустаҳкам ва забардаст бўлсин.

**Тўқмулла, Toqmulla** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўқ* ва *Мулла.*

**Тўқмуҳаммад, To'qmuhammad** (*ўз.-ар.*) — тўқ, фаровон яшасин, Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Тўқойим, To‘qoyim** (◊.,*ўз.*) — *қар. Тўқ* ва *Ойим.*

**Тўқсаид, To‘qsaid** (*ўз.-ар.*) — тўқ, фаровон ҳаёт кечириб бахтли бўлсин.

**Тўқсари, To‘qsari** (*ўз.*) — сариқ сочли бола тўқ, фаровон яшасин.

**Тўқсон, Тўқсонбой, To‘qson** (*ўз.*) — қишнинг учта ойи (январь, февраль, декабрь) дан бирида туғилган бола ёки отаси тўқсонга кирганда туғилган бола ёхуд соғ улғайиб тўқсонга кирсин.

**Тўқсонмурод, To‘qsonmurod** (*ўз.-ар.*) — отаси тўқсон ёшлигида туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Тўқсоной, To‘qsonoy** (◊.,*ўз.*) — отаси тўқсон ёшлигида туғилган ойдек сулув қиз.

**Тўқсонсулув, To‘qsonsuluv** (◊.,*ўз.*) — тўқсонда (қиш ойларидан бирида) ёки отаси тўқсон ёшлигида туғилган гўзал қиз.

**Тўқсонхўжа, To‘qsonxo‘ja** (*ўз.*) — *қар. Тўқсон* (Тўқсон+хўжа).

**Тўқсоншариф, To‘qsonsharif** (*ўз.-ар.*) — *қар. Тўқсон* ва *Шариф.*

**Тўқсонқул, To‘qsonqul** (*ўз.*) — *қар. Тўқсон* (Тўқсон+қул).

**Тўқтамиш, To‘qtamish** (*ўз.*) — *қар. Тўхтамиш.*

**Тўқташ, To‘qtash** (*ўз.*) — "тўхта" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Тўқтемир, To‘qtemir** (*ўз.*) — тўқ-фаровон умр кечирсин ва темирдек мустаҳкам бўлсин.

**Тўқтибой, To‘qtiboy** (*ўз.*) — *қар. Тўқлибой.*

**Тўқтон, Тўқтан, To‘qton** (*ўз.*) — "тўхта" сўзи б-н бошланган исмлар (*Тўхтаназар, Тўхтаниёз*) эқ. шакли.

**Тўқхўжа, To‘qxo‘ja** (*ўз.*) — *қар. Тўқ, Тўқбой* (Тўқ+хўжа).

**Тўққиз, To‘qqiz** (*ўз.*) — оиладаги тўққизинчи ўғил.

**Тўққизхон, To‘qqizxon** (◊.,*ўз.*) — оиладаги тўққизинчи (қиз) бола.

**Тўққизназар, To‘qqiznazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти (назари) б-н берилган тўққизинчи бола.

**Тўққул, To‘qqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг тўқ, фаровон яшовчи бандаси, қули.

**Тўғон, To‘g‘on** (*ўз.*) — лочиндек зийрак, жасур бўлсин ёки тўғон (тўсиқ) дек маҳкам, мустаҳкам бўлсин. Шакллари: *Тўғонбек, Тўғонбой, Тўғоной.*

**Тўғонмирза, To‘g‘onmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Тўғон ва Мирза.*

**Тўғонтуғди, To‘g‘ontug‘di** (*ўз.*) — лочиндек мард, жасур ўғил туғилди.

**Тўғонча, To‘g‘oncha** (◊.,*ўз.*) — *қар. Тўғон* ёки жажжи, кичкина лочин, лочин боласи.

**Тўғри, To‘g‘ri** (*ўз.*) — маъқул, яхши, солиҳ бола. Шакллари: *Тўғрибой, Тўғрихон, Тўғриқул.*

**Тўғрул, To‘g‘rul** (*ўз.*) — лочин, лочиндек зийрак, жасур бола.

# У

**Убай, Ubay** (*ар.*) — асли: Убайд — қул, қулча. *Қар. Убайдулла.* Шакллари: *Убайжон, Убайхон.*

**Убайда, Ubayda** (◊.,*ар.*) — қул, қул қизча ёки бўйсунмовчи, ўжар, саркаш.

**Убайдулла, Ubaydulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг кичик қули, бандаси.

**Убаймирза, Ubaymirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Убай* ва *Мирза.*

**Убайхўжа, Ubayxo'ja** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг хўжалар авлодига мансуб хизматкори, қули.

**Увайс, Uvays** (*ар.*) — кучли, қудратли ёки бўри, бўри боласи ёхуд ғойибона устоз.

**Увайсиддин, Uvaysiddin** (*ар.*) — диннинг қудратли, содиқ ихлосманди.

**Увайсий, Uvaysiy** (◊.,*ар.*) — тасаввуфда Увайсий ал-Қараний тариқатига мансуб.

**Угур, Угурбой, Ugur** (*ўз.<қад. т.*) — бахтли, саодатманд, иқболи баланд.

**Угурли, Ugurli** (*ўз.<қад.т.*) — бахтли, саодатманд, бахтиёр.

**Удайжон, Udayjon** (*фт.*) — *қар. Удайчи.*

**Удайчи, Udaychi** (*фт.-ўз.*) — ўтмишда хон саройида бўладиган маросимларни бошқарувчи. *Сол: Худойчи.*

**Узайр, Uzayr** (*ар.*) — кучли, қудратли, "Кўмакчи". Қадимда Исроилда ўтган пайғамбарлардан бирининг исми.

**Узаро, Uzaro** (◊.,*ар.*) — гулюз, гулчеҳра; чиройли, зебо.

**Узбой, Ўзбой, Uzboy** (*ўз.*) — яхши, дуруст, мақбул ёки отасига эргашиб юрсин, ёхуд моҳир, устакор. Эҳт.: *Юзбой* (*қар.*)

**Уззо, Узоё, Uzzo** (◊.,*ар*) — кучли, қудратли.

**Узма, Узмо, Uzma** (*ар.*) — улуғ, буюк, кучли, қудратли. Аъзам сўзининг муаннас (женский род) шакли.

**Узоқ, Узоқжон, Uzoq** (*ўз.*) — умри узоқ, давомли бўлсин. Асли: *Умрзоқ, Ёшузоқ* исмларининг эқ. шакли.

**Узоқбу, Узоқбуви, Uzoqbu** (◊.,*ўз.*) — умри узоқ қиз.

**Узоқмамат, Uzoqmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Узоқмуҳаммад.*

**Узоқмурод, Uzoqmurod** (*ўз.+ар.*) — умри узоқ, бўлиб улғайиб, мурод-мақсадига етсин.

**Узоқмуҳаммад, Uzoqmuhammad** (*ўз.+ар.*) — умри узоқ болани пайғамбар қўллаб юрсин.

**Узоқой, Uzoqoy** (◊.,*ўз.*) — ойдек сулув қизнинг умри узоқ бўлсин.

**Узро, Uzro** (◊.,*ар.*) — бегуноҳ, маъсума, бокира, қадрли қиз. *Қар. Азро.* Шакллари: *Узробиби, Узробуви, Узробу.*

**Узук, Узукхон, Uzuk** (◊.,*ўз.*) — айнан: узук, муҳр ёки келишган, зебо.

**Узум, Узумхон, Uzum** (◊ ., *ўз.*) – узум пишганда туғилган қиз ёки ширин тилли, ёқимтой қиз.

**Узун, Узунбой, Uzun** (*ўз.*) – баланд мартабали ёки узун уруғига (қўнғирот уруғи таркибида) мансуб бола, узун фарзанди.

**Узуной, Uzunoy** (◊ ., *ўз.*) – умри узоқ бўлсин ёки узун уруғига мансуб ойдек сулув қиз.

**Узурбой, Uzurboy** (*ўз.*) – *қар. Ҳузурбой.*

**Уйсун, Uysun** (◊ ., *ўз.*) – эҳт.: *Унсун.* Шакллари: *Уйсунбиби, Уйсуной, Уйсунхон.*

**Уйтўл, Uyto'l** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Уйтўлди.*

**Уйтўла, Uyto'la** (◊ ., *ўз.*) – уйимиз фарзандларга тўлсин.

**Уйтўлди, Uyto'ldi** (*ўз.*) – уйимиз болаларга, шодликка тўлди.

**Уйчучук, Uychuchuk** (◊ ., *ўз.*) – уйимизнинг ширин, суюкли қизи.

**Уйғун, Uyg'un** (*ўз.*) – келишган, келишимли; кутилган, орзу қилинган.

**Уйғур, Uyg'ur** (*ўз.*) – уйғурлар орасида туғилган бола, уйғур қабиласи (ўзбек қабилаларидан бири)га мансуб бола.

**Уккибой, Ukkiboy** (*ўз.*) – кўзлари катта, чақчайган кўзли бола.

**Улабой, Ulaboy** (*ўз.*) – соғ бўлиб оиладагиларга улансин, қўшилиб кетсин.

**Улан, Ulan** (*ўз.*) – *қар. Улансин.* Шакллари: *Уланой, Уланжон, Уланхон, Улангул.*

**Улансин, Ulansin** (*ўз.*) – соғ бўлиб оиладагиларга уланиб, қўшилиб кетсин.

**Улаш, Ulash** (*ўз.*) – ўзидан олдинги болаларга уланиб, қўшилиб кетсин. Шакллари: *Уланбиби, Уланой, Уланхон.*

**Улашбўри, Ulashbo'ri** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Улаш* ва *Бўри.*

**Улашмирза, Ulashmirza** (*ўз.-фт.*) – оиладагиларга улашиб кетсин ва келишган ўқимишли йигит бўлсин.

**Улбас, Улбаст, Ulbas** (◊ ., *ўз.-фт.*) – бас, етар, кейингиси ўғил бўлсин.

**Улбегим, Ulbegim** (◊ ., *ўз.*) – *Ўғилбегим*, яъни навбатдаги бола ўғил бўлсин.

**Улбека, Ulbeka** (◊ ., *ўз.*) – улуғ мартабали, эъзозли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улбиби, Улжон, Улхон, Ulbibi** (◊ ., *ўз.*) – навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Улбия, Ulbiya** (◊ ., *ар.*) – *қар. Улвия.*

**Улбоз, Ulboz** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *эҳт.: Улбозор* (*қар.*).

**Улбозор, Ulbozor** (◊ ., *ўз.-фт.*) – бозор куни туғилган ушбу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улбола, Ulbola** (◊ ., *ўз.*) – ушбу қиздан кейингиси ўғил бола бўлсин.

**Улбуви, Улбувиш, Ulbuvi** (◊.,*ўз.*) — Ўғилбуви, Ўғилбувиш — бундан кейинги ўғил бўлсин.

**Улбўл, Ulbo'l** (◊.,*ўз.*) — Ўғилбўл, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Улбўлсин, Ulbo'lsin** (◊.,*ўз.*) — бу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улбўлғон, Ulbo'lg'on** (◊.,*ўз.*) — бу қиздан кейингиси ўғил бўлади, деб умид қиламиз.

**Улвия, Ulviya** (◊.,*ар.*) — олий мартабали; муқаддас, илоҳийликка мансуб.

**Улгибой, Ulgiboy** (*ўз.*) — барча ҳавас қиладиган, намунали йигит ёки улгу — улуғ, буюк, эъзозли.

**Улдон, Uldon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Улдоно.* Шакллари: *Улдоной, Улдонхон.*

**Улдоно, Uldono** (◊.,*ўз.-фт.*) — ушбу ақлли, доно қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улдошой, Uldoshoy** (◊.,*ўз.*) — "ул" сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Улдуза, Ulduza** (◊.,*ўз.*) — *қар. Юлдуз* (Юлдуз+а).

**Улжамол, Uljamol** (◊.,*ўз.-ар.*) — Ўғилжамол. Бу чиройли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улжаҳон, Uljahon** (◊.,*ўз.-фт.*) — оламга татувчи бу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улжон, Uljon** (◊.,*ўз.-фт.*) — суюкли, жондан азиз бўлмиш бу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улзамон, Ulzamon** (◊.,*ўз.-ар.*) — ушбу давр (замон) қизидан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ули, Uli** (*ўз.*) — улуғ, буюк, мўътабар.

**Улиқ, Улуқ, Uliq** (*ўз.*) — *қар. Улуғ.*

**Улкан, Ulkan** (*ўз.*) — катта, улуғ, эъзозли, обрўли. Ёш оиладаги бош бола. Шакллари: *Улканбой, Улканбиби, Улканой.*

**Улканназар, Ulkannazar** (*ўз.-ар.*) — улғайсин, улуғ, буюк бўлсин, Аллоҳнинг муруввати бўлган бош бола.

**Улкаш, Ulkash** (*ўз.*) — "ул" (ўғил) сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Улкашбой, Улкашжон.*

**Улли, Ulli** (*ўз.*) — улуғ, улкан, эъзозли, ҳурматли ёки ўғилли, яъни кейинги бола ўғил бўлади. Шакллари: *Уллибиби, Уллижон.*

**Уллинисо, Ulliniso** (◊.,*ўз.*) — улуғ, ҳурматли, эъзозли аёл бўлсин ёки аёлларнинг улуғи, эъзозлиси.

**Улнисо, Ulniso** (◊.,*ўз.-ар.*) — Ўғилнисо, кейингиси ўғил бўлсин ёки *Улуғнисо* (*қар.*)

**Улният, Ulniyat** (◊.,*ўз.-ар.*) — навбатдаги боламиз ўғил бўлади деб орзу қиламиз.

**Улой, Uloy** (◊.,*ўз.*) — *Ўғилой* — ушбу ойдек сулув қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улоқбой, Uloqboy** (*ўз.*) — уланган, боғланган, занжирланган, яъни яшайдиган бола ёки улоқгин, адашгин, яъни бало-қазодан нари бўлсин ёхуд кенжатой, кенжа бола.

**Улсин, Ulsin** (◊ .,*ўз.*) — эҳт.: *Ўғилсин*, яъни ўғил истаймиз, кейингиси ўғил бўлишини орзу қиламиз ёки *Турсун, Унсун* (*қар.*)

**Улсулув, Ulsuluv** (◊ .,*ўз.*) — бу чиройли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ултой, Ultoy** (*ўз.*) — Ўғилтой, бу суюкли, эркатой қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ултойхон, Ultoyxon** (◊ .,*ўз.*) — бу суюкли, эъзозли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ултув, Ултувой, Ultuv** (◊ .,*ўз.*) — ушбу қиздан кейингиси ўғил бўлсин деб орзу қиламиз.

**Ултувхон, Ultuvxon** (◊ .,*ўз.*) — *қар. Ултув* (Ултув+хон).

**Ултуғар, Ultug'ar** (◊ .,*ўз.*) — ушбу қиздан кейин ўғил туғилар деб умид қиламиз.

**Улус, Ulus** (*ўз.*) — *қар. Улусбек.*

**Улусбек, Ulusbek** (*ўз.*) — улғайиб элнинг йўлбошчиси, беги бўлсин.

**Улуғ, Ulug'** (*ўз.*) — улкан, буюк мўътабар, эъзозли; Шакллари: *Улуғбек, Улуғжон, Улуғхон; Улуғбиби, Улуғбуви.*

**Улуғбек, Ulug'bek** (*ўз.*) — буюк ҳукмрон, буюк султон ёки бекларнинг энг улуғи, сардори.

**Улуғбека, Ulug'beka** (◊ .,*ўз.*) — аслзодалар авлодининг мўътабар аёли, бекаси.

**Улуғберди, Ulug'berdi** (*ўз.*) — улуғ, яъни Аллоҳ буюк фарзанд ато қилди.

**Улуғбиби, Ulug'bibi** (◊ .,*ўз.-ҳинд.*) — буюк, мўътабар аёл.

**Улуғбуви, Улуғбу, Ulug'buvi** (◊ .,*ўз.*) — мўътабар, эъзозли қиз ёки бувисининг исми берилган мўътабар, азиз қиз.

**Улуғзода, Ulug'zoda** (*ўз.-фт.*) — улуғлар, аслзодалар авлодининг фарзанди.

**Улуғмамат, Ulug'mamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Улуғмуҳаммад.*

**Улуғмирза, Ulug'mirza** (*ўз.-фт.*) — буюк ҳукмрон (шаҳзода, амирзодалар) ёки ўқимишли йигитларнинг улуғи, сардори, эъзозлиси.

**Улуғмурод, Ulug'murod** (*ўз.-ар.*) — эъзозли, мўътабар ўғил улғайиб, мурод-мақсадига етсин ёки улкан орзуимиз бўлган бола.

**Улуғмуҳаммад, Ulug'muhammad** (*ўз.-ар.*) — улғайиб юксак марталалар соҳиби бўлсин ва Муҳаммад (сав) қуллаб юрсин ёки Муҳаммад — буюкдир, муқаддасдир.

**Улуғназар, Ulug'nazar** (*ўз.-ар.*) — улуғнинг, яъни Аллоҳнинг мурувват, эътибори туфайли эришилган бола.

**Улуғпошша, Ulug'poshsha** (◊ .,*ўз.-фт.*) — энг ҳурматли, эъзозли қиз.

**Улуғсора, Ulug'sora** (◊.,*ўз.-қад.яҳ.*) — *қар. Улуғ* ва *Сора.*

**Улуғтурди, Ulug'turdi** (*ўз.*) — соғ омон туриб яшаб кетсин ва эъзозли, муътабар киши бўлсин.

**Улуғхон, Ulug'xon** (*ўз.*) — буюк ҳукмрон, подшоҳ ёки *қар. Улуғ* (Улуғ+хон).

**Улуғхўжа, Ulug'xo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган буюк, муътабар бола ёки хўжаларнинг энг улуғи, эъзозлиси, муътабари.

**Улуғча, Ulug'cha** (*ўз.*) — *қар. Улуғ* (Улуғ+ча).

**Улуғшоҳ, Ulug'shoh** (*ўз.-фт.*) — буюк шоҳ, ҳукмрон, шоҳларнинг улуғи, муътабари.

**Улуғқўзи, Ulug'qo'zi** (*ўз.*) — *қар. Улуғ* ва *Қўзи.*

**Улфан, Ulfan** (◊.,.) — эҳт. *Урфон* (*қар.*)

**Улфат, Ulfat** (*ар.*) — олдинги болаларга, ота-онасига дўст ҳамдам бўлиб ўссин. Шакллари: *Улфатбек, Улфатжон, Улфатбиби, Улфатой, Улфатхон.*

**Улхон, Улхоной, Ulxon** (◊.,*ўз.*) — Ўғилхон, ушбу ойдек сулув қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улхўжа, Ulxo'ja** (*ўз.-фт.*) — Ўғилхўжа — хўжалар авлодига мансуб ўғил ёки *эҳт.: Улуғхўжа* (*қар.*)

**Улча, Улчахон, Ulcha** (◊.,*ўз.*) — Ўғилча, Ўғилчахон — ушбу кенжа қизчадан кейингиси ўғил бўлсин.

**Улқиз, Ulqiz** (◊.,*ўз.*) — айнан: бу ўғил бўлувчи қиздир, яъни бу қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Улқон, Ulqon** (◊.,*ўз.*) — *қар. Улхон.*

**Улқўзи, Ulqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Ўғил* ва *Қўзи* ёки *Улуғқўзи* (*қар.*)

**Улғай, Ulg'ay** (*ўз.*) — *қар. Улғайсин.*

**Улғайсин, Ulg'aysin** (*ўз.*) — соғ-омон камолга етсин, умри узоқ бўлсин.

**Умай, Умайхон, Umay** (◊.,*ўз.*) — Умай (туғувчи аёл ва чақалоқнинг пири) қўлласин, мададкор бўлсин.

**Умайбек, Umaybek** (*ўз.*) — *қар. Умай* (Умай+бек).

**Умайя, Umayya** (◊.,*ар.*) — кенжа, кичик қул, чўри.

**Умар, Umar** (*ар.*) — барҳаёт, яшайдиган. Бу ном Умар ибн Ҳаттобнинг (644 йилда ўлдирилган) исми бўлиб, "чорёрлар" деб аталувчи 4 ҳалифанинг 2-сидир. Бу исм баъзи манбаларда "зиёратчи, ҳожи" деб ҳам талқин этилади.

**Умарали, Umarali** (*ар.*) — *қар. Умар* ва *Али.*

**Умарбек, Umarbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодидан бўлган узоқ умрли, барҳаёт бола.

**Умарберди, Umarberdi** (*ар.-ўз.*) — Умар туҳфа қилган ўғил ёки Аллоҳ барҳаёт; умрини узоқ қилиб берган бола.

**Умарбўлди, Umarbo'ldi** (*ар.-ўз.*) — барҳаёт, турувчи, яшовчи бола ёки Умар исми берилган бола яшайди, туради деб умид қиламиз.

**Умармирза, Umarmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Умар* ва *Мирза.*

**Умаро, Umaro** (*ар.*) — айнан: амирлар, мансабдорлар.

**Умаррасул, Umarrasul** (*ар.*) — *қар. Умар* ва *Расул.*

**Умартой, Umartoy** (*ар.-ўз.*) — умри узоқ, барҳаёт бўлувчи суюкли, эркатой (тойчоқ) бола ва Умар исми берилган суюкли бола.

**Умаршо, Umarsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Умар* ва *Шо*(ҳ) ёки барҳаёт, Умри боқий шоҳ.

**Умарқори, Umarqori** (*ар.*) — *қар. Умар* ва *Қори.*

**Умарқул, Umarqul** (*ар.-ўз.*) — халифа Умарнинг хизматкори, ихлосманди, қули.

**Умарқўзи, Umarqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Умар* ва *Қўзи.*

**Умарҳожи, Umarhoji** (*ар.*) — *қар. Умар* ва *Ҳожи.*

**Умид, Umid** (*ар.*) — орзу, умид қилинган, кутилган бола. Шакллари: *Умиджон, Умидхон.*

**Умида, Umida** (◊.,*ар.*) — орзу қилинган, кутилган қиз.

**Умидали, Umidali** (*ар.*) — орзу, умид қилиб кутилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Умидулла, Umidulla** (*ар.*) — Аллоҳ эриштирган орзу, армон.

**Умидхўжа, Umidxo'ja** (*ар.-фт.*) — орзу қилинган, кутилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Умиёхон, Умияхон, Умайяхон, Umiyoxon** (◊.,*ар.*) — жажжи, кичик қул, яъни Аллоҳнинг кичик, кенжа бандаси.

**Умир, Умиржон, Umir** (*ар.*) — яшовчи, умри б-н берилган бола.

**Умира, Umira** (◊.,*ар.*) — яшовчи умри узоқ қиз.

**Умирбоқи, Umirboqi** (*ар.*) — боқий умрли, умри узоқ бола.

**Умирбой, Umirboy** (*ар.-ўз.*) — яшовчи, умри узоқ ва суюкли (тойчоқ) бола.

**Умиртой, Umirtoy** (*ар.-ўз.*) — жони тошдек мустаҳкам, яъни яшаб кетадиган бола.

**Умирхол, Umirxol** (◊.,*ар.-фт.*) — хол б-н туғилган узоқ умрли қиз.

**Умирчахон, Umirchaxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — узоқ умрли қизалоқ.

**Умия, Умиябиби, Umiya** (◊.,*ар.+ҳинд.*) — *қар. Умиёхон.*

**Уммагулсун, Ummagulsun** (◊.,*ар.*) — айнан: Гулсумнинг онаси ёки лўппигина, дўндиқгина қизалоқ ёки хоҳланган, қўмсалган, орзу қилинган қиз.

**Умманисо, Ummaniso** (◊.,*ар.*) — айнан: аёлларнинг онаси ёки она қиз ёхуд лўппигина, дўндиқгина қиз (аёл).

**Уммат, Ummat** (*ар.*) — айнан: халқ, жамоа, тоифа. Пайғамбар йўлидан борувчилар, пайғамбарга бўйсинганлар.

**Умматали, Ummatali** (*ар.*) — халиф Алига эргашувчилар. *Қар. Уммат* ва *Али.*

**Умматой, Ummatoy** (◊.,*ар.+ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси, уммати бўлган ойдек сулув қиз.

**Умматулла, Ummatulla** (*ар.*) — Аллоҳ кўрсатган йўлдан борувчилар. Аллоҳнинг бандалари, умматлари.

**Умматхон, Ummatxon** (◇.,*ар.+ўз.*) — Аллоҳ кўрсатган йўлдан борувчи; художўй қиз.

**Умматқул, Ummatqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг йўлидан борувчи банда, художўй, тақводар.

**Уммихон, Ummixon** (◇.,*ар.*) — *қар. Уммигулсун.*

**Умния, Umniya** (◇.,*ар.*) — орзу, армон қилинган, кутиб юрилган қиз.

**Умрбоқи, Umrboqi** (*ар.*) — узоқ умрли, барҳаёт бола. *Қар. Умрибоқи.*

**Умргулсун, Umrgulsun** (◇.,*ар.*) — *қар. Умар* ва *Гулсун.*

**Умаржон, Umarjon** (*ар.-фт.*) — узоқ умрли ва жондан азиз бола.

**Умрзоқ, Umrzoq** (*ар.+ўз.*) — узоқ умрли бола. *қар. Умурзоқ.*

**Умри, Umri** (◇.,*ар.*) — *қар. Умринисо* ёки ўлмайдиган, яшовчи, барҳаёт. Шакллари: *Умрибиби, Умрибу, Умрихон.*

**Умрибоқи, Umriboqi** (*ар.*) — узоқ умрли, барҳаёт бола.

**Умриддин, Umriddin** (*ар.*) — диннинг узоқ умрли боласи ёки умрини дин йўлига бағишлайдиган бола.

**Умрим, Umrim** (◇.,*ар.*) — "умр" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Умринисо, Umriniso** (◇.,*ар.*) — узоқ умрли аёл (қиз).

**Умрихол, Umrixol** (◇.,*ар.-фт.*) — умри б-н берилган, узоқ умрли холдор қиз.

**Умрия, Umriya** (◇.,*ар.*) — узоқ умрли, умри б-н берилган қиз.

**Умрой, Umroy** (◇.,*ар.-ўз.*) — умри б-н берилган ойдек сулув қиз.

**Умрон, Umron** (*ар.*) — обод, маъмур, фаровон ёки яхши, келишган, мақбул, солиҳ.

**Умронхўжа, Umronxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган мақбул, яхши бола.

**Умронқўзи, Umronqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Умрон* ва *Қўзи.*

**Умрсултон, Umrsulton** (◇.,*ар.*) — умри б-н берилган қиз улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Умрсуюн, Umrsuyun** (*ар.ўз.*) — қувончимиз бўлган бола узоқ умрли бўлсин ёки *қар. Умр* ва *Суюн.*

**Умртой, Umrtoy** (*ар.-ўз.*) — умри б-н берилган, суюкли эркатой (тойчоқ) бола.

**Умртож, Umrtoj** (*ар.-фт.*) — хол б-н туғилган умри узоқ бола.

**Умрхол, Umrxol** (*ар.-фт.*) — хол б-н туғилган узоқ умрли бола.

**Умрхон, Umrxon** (*ар.-ўз.*) — умри узоқ бўлиб, улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Умрхўжа, Umrxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган узоқ умрли бола.

**Умрэна, Umrena** (◇.,*ар.-ўз.*) — онаси ёки бувисининг исми берилган умри узоқ қиз.

**Умрқул, Umrqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг умри б-н берилган бандаси, қули.

**Умрқўзи, Umrqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Умр* ва *Қўзи.*

**Умрғози, Umrg'ozi** (*ар.*) — дин учун курашувчининг, дин лашкарининг умри узоқ бўлсин.

**Умсун, Umsun** (◇ *.,ар.*) — хоҳланган, орзу қилиниб, умидланиб юриб топилган қиз. Шакллари: *Умсуной, Умсунхон.*

**Умур, Umur** (*ар.*) — *қар. Умр.*

**Умурзоқ, Umurzoq** (*ар.-ўз.*) — узоқ умрли бола.

**Умурсуюн, Umursuyun** (*ар.-ўз.*) — қувончимиз бўлган бола, узоқ умрли бўлсин ёки умри узоқ бўлиб доимо шодланиб юрсин.

**Умъё // Умё, Um'yo** (а.,*ар.*) — *қар. Умиёхон.* Эҳт.: *Умё* (а) кўзи ожиз қиз ёки эҳт.: Умайя, Умния (*қар.*).

**Унаб, Унаббой, Унабжон, Unab** (*ўз.*) — *қар. Унабберган.*

**Унабберган, Unabbergan** (*ўз.*) — Аллоҳ рози бўлиб, мурувват қилиб берган бола.

**Унар, Unar** (*ўз.*) — униб-ўсар деб умид қиламиз. Шакллари: *Унарбой, Унаржон.*

**Унармирза, Unarmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Унар* ва *Мирза.*

**Унвон, Unvon** (*ар.*) — яхши ном чиқазувчи, машҳур, таниқли ёки баданида бирор белги, нишон б-н туғилган бола.

**Унганой, Unganoy** (◇ *.,ўз.*) — ўсиб-унувчи ойдек сулув қиз.

**Ундурбой, Undurboy** (*ўз.<қад.т.*) — баланд, юксак; мўътабар, эъзозли.

**Унимбой, Unimboy** (*ўз.*) — унувчи, ўсувчи, яшовчи бола.

**Унсия, Unsiya** (◇ *.,ар.*) — дўст, ўртоқ, улфат; садоқатли, меҳрибон дўст.

**Унсун, Unsun** (*ўз.*) — умид, орзу қилинган, қўмсалган бола ёки унсин, кўпайсин, яшасин. Шакллари: *Унсунбиби, Унсуной, Унсунхон.*

**Урганчбой, Urganchboy** (*ўз.*) — Урганчда туғилган бола ёки Урганч фарзанди.

**Ургут, Urgut** (*ўз.*) — Ургутда туғилган бола ёки Ургут фарзанди.

**Урфон // Урфан, Urfon** (*ар.*) — билимли, маърифатли.

**Урфия, Urfiya** (◇ *.,ар.*) — мос, мақбул, мулойим.

**Усмон, Usmon** (*ар.*) — синиқчи, синганларни даволовчи, шикастбанд ёки оғир, босиқ, мард, жасур. Бу ном Усмон ибн Аффон (614—656 йиллар) чорёрлар деб юритилувчи халифаларнинг учинчисининг исмидир. Шакллари: *Усмонбой, Усмонжон, Усмонали.*

**Усмонали, Usmonali** (*ар.*) — *қар. Усмон* ва *Али.*

**Усмонтой, Usmontoy** (*ар.-ўз.*) — халифа *Усмон* (*қар.*) исмли суюкли, эрка бола. Усмон (Усмон+той).

**Усмонтурди, Usmonturdi** (*ар.-ўз.*) — халифа *Усмон* (*қар.*) исми берилган боланинг умри узоқ бўлсин.

**Усмонтўра, Usmonto'ra** (*ар.-фт.*) — *қар. Усмон* ва *Тўра.*

**Усмонхўжа, Usmonxo'ja** (*ар.-фт.*) — халифа *Усмон* (*қар.*) исми қўйилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Усмонча, Usmoncha** (*ар.-ўз.*) — *Усмон* (*қар.*) исмли жажжи, кенжа бола ёки *Усмон* (Усмон+ча).

**Усмонқул, Usmonqul** (*ар.-ўз.*) — халифа *Усмоннинг* (*қар.*) содиқ хизматкори (қули).

**Уста, Usta** (*фт.*) — ҳунарманд, ўз ишига моҳир, меҳнаткаш. Шакллари: *Устабой, Устахон.*

**Устаазиз, Ustaaziz** (*фт.-ар.*) — *қар. Уста* ва *Азиз.*

**Устабек, Ustabek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодидан бўлган моҳир, ҳунарманд бола.

**Устабола, Ustabola** (*фт.-ўз.*) — соғ улғайиб, ҳунарманд, устакор бола бўлсин.

**Устамамат, Ustamamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Устамуҳаммад.*

**Устамат, Ustamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Устамуҳаммад.*

**Устамуҳаммад, Ustamuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Уста* ва *Муҳаммад.*

**Устаниёз, Ustaniyoz** (*фт.*) — ўтиниб сўраб олинган ҳунарманд, устакор бола.

**Устапўлат, Ustapo'lat** (*фт.*) — пўлатдек мустаҳкам бола улғайиб ҳунарманд, моҳир бўлсин ёки *қар. Уста* ва *Пўлат.*

**Устатурди, Ustaturdi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Уста* ва *Турди.*

**Устахол, Ustaxol** (*фт.*) — хол б-н туғилган бола улғайиб ҳунарманд, ўз ишининг моҳири бўлсин.

**Усташирин, Ustashirin** (*фт.*) — *қар. Уста* ва *Ширин.*

**Устақурбон, Ustaqurbon** (*фт.-ар.*) — *қар. Уста* ва *Қурбон.*

**Устод, Ustod** (*фт.*) — муаллим, устоз, раҳнамо ёки омилкор, билимдон, моҳир.

**Усулбой, Usulboy** (*ўз.*) — айнан: асл, тенгсиз, беназир ёки куй, қувонч, шодлик.

**Утба, Utba** (◊.,*ар.*) — маҳкам, мустаҳкам, яшовчан.

**Уфора, Ufora** (◊.,*фт.*) — айнан: мушк, мушку анбар, яъни ёқимли, суюкли.

**Уфорхон, Uforxon** (◊.,*фт.*) — мушку анбардек ёқимли қиз.

**Учам, Ucham** (*ўз.қад.-т.*) — севинч, шодлик; бахтиёрлик.

**Учарбой, Ucharboy** (*ўз.*) — тезюрар, чаққон, парвоз қилувчи, яъни истиқболи порлоқ бола.

**Учбой, Uchboy** (*ўз.*) — *қар. Учарбой* ёки оиладаги учинчи фарзанд.

**Учим, Uchim** (*ўз.*) — оиладаги учинчи бола ёки "уч" сўзи б-н бошланган исмнинг (Учтемир, Учқун) эқ. шакли.

**Учтемир, Uchtemir** (*ўз.*) — оиладаги учинчи бола темирдек мустаҳкам бўлсин, яшасин.

**Учқун, Uchqun** (*ўз.*) — ҳаёти нурли, иқболи баланд, бахтиёр ва омадли.

**Учқур, Uchqur** (*ўз.*) — тезкор, чаққон; парвоз этувчи, яъни иқболи баланд ва омадли.

**Ушоқ, Ushoq** (*ўз.*) — кичик, кенжатой бола ёки хизматкор, дастёр, ёрдамчи. Шакллари: *Ушоқбой, Ушоқжон.*

**Ушоқмирза, Ushoqmirza** (*ўз.*) — *қар. Ушоқ* ва *Мирза.*

**Уқоб, Uqob** (*ар.*) — айнан: бургут, жасур, зийрак.

**Уғур, Ug'ur** (*ўз.<қад.т.*) — иши тез юришувчи, бахтли, омадли.

# Ф

**Фавзи, Favzi** (*ар.*) — ғолиб, музаффар; енгилмас.

**Фавзия, Favziya** (◇.,*ар.*) — енгилмас, ғолиб ёки нажот, кўмак.

**Фавқия, Favqiya** (.,*ар.*) — устун, афзал, устун турувчи, муносиб, кўркам.

**Фадл, Fadl** (*ар.*) — олижаноб, олиҳиммат, улуғворлик, мардлик.

**Фаёз, Fayoz** (*ар.*) — *қар. Файёз.*

**Фазил, Фазл, Fazil** (*ар.*) — муносиб, лойиқ; ҳурматли афзал турувчи, яхши, мақбул. Эҳт.: *Фозил* (*қар.*).

**Фазилат, Fazilat** (◇.,*ар.*) — яхши хислатлар эгаси; афзал, устун турувчи.

**Фазия, Faziya** (◇.,*ар.*) — эҳт.: *Фавзия* (*қар.*).

**Фазла, Fazla** (◇.,*ар.*) — ортиқча, зиёда, кераксиз. Ҳадеб қиз туғилаверса шундай исм берилади ёки сарқит, охирги кенжатой бола.

**Фазли, Fazli** (*ар.*) — марҳамат, инобат, ҳиммат ёки ортиқлик, устунлик, етуклик. Асли: *Фазлиддин* (*қар.*).

**Фазлиддин, Fazliddin** (*ар.*) — диннинг юксаклиги, камолати; афзаллиги ёки диннинг марҳамати, инъоми.

**Фазлинисо, Fazliniso** (◇.,*ар.*) — аёлларнинг энг юксаги, улуғвори; энг ҳурматли ва мўътабари, эъзозлиси.

**Фазлирасул, Fazlirasul** (*ар.*) — пайғамбарнинг ҳиммати, инобати, марҳамати.

**Фазлираҳмон, Fazlirahmon** (*ар.*) — Раҳмон (Аллоҳ)нинг марҳамати, муруввати, ҳиммати.

**Фазлихон, Fazlixon** (◇.,*ар.-ўз.*) — юксак, улуғвор қиз ёки меҳрибон, ҳимматли, олиҳиммат қиз.

**Фазлиҳақ, Fazlihaq** (*ар.*) — Ҳақ, яъни Аллоҳнинг ҳиммати, муруввати, эҳсони.

**Фазолат, Fazolat** (◇.,*ар.*) — ўта ҳурмат ва эъзозга сазовар қиз.

**Фаиз, Faiz** (*ар.*) — енгилмас, ғолиб, музаффар ёки олиҳиммат, сахий. *Сол. Файз.*

**Файз, Fayz** (*ар.*) — ёқимли, мулойим; жозибали; чиройли, кўркам ёки неъмат, фаровонлик; сахийлик, саховат.

**Файзали, Fayzali** (*ар.*) — Алининг муруввати, ҳиммати, шафқати, эҳсони.

**Файзаҳмад, Fayzahmad** (*ар.*) — *Аҳмад* (*қар.*)нинг муруввати, ҳиммати, раҳмдиллиги.

**Файёз, Fayyoz** (*ар.*) — ўта сахий, олиҳиммат, меҳрибон.

**Файёза, Fayyoza** (◊.,*ар.*) — меҳрибон, сахий, ҳимматли.

**Файзи, Fayzi** (*ар.*) — *қар. Файзиддин, Файзинисо* исмларининг эқ. шакли. Шакллари: *Файзибой, Файзигул, Файзихон.*

**Файзибиби, Fayzibibi** (◊.,*ар.-ҳинд.*) — *қар. Файзи* ва *Биби.*

**Файзигул, Fayzigul** (◊.,*ар.-фт.*) — ёқимтой, суюкли ёки сахий, меҳрибон ҳамда гулдек гўзал қиз.

**Файзиддин, Fayziddin** (*ар.*) — динга фойда, яхшилик, файз келтирувчи бола ёки диннинг муруввати, шафқати.

**Файзиислом, Fayziislom** (*ар.*) — ислом (дин)нинг марҳамати, ҳиммати, кўмаги.

**Файзикарим, Fayzikarim** (*ар.*) — карамли, саховатлининг, яъни Аллоҳнинг муруввати, эҳсони.

**Файзимамат, Fayzimamat** (*ар.*) — *қар. Файзимуҳаммад.*

**Файзимат, Fayzimat** (*ар.*) — *қар. Файзимуҳаммад.*

**Файзимурод, Fayzimurod** (*ар.*) — *қар. Файзи* ва *Мурод.*

**Файзимуҳаммад, Fayzimuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг ҳиммати, муруввати, эҳсони.

**Файзинаби, Fayzinabi** (*ар.*) — пайғамбарнинг муруввати, эҳсони.

**Файзинисо, Fayziniso** (◊.,*ар.*) — сахий, саховатли аёл, аёлларнинг энг лутфу карамлиси.

**Файзираҳмон, Fayzirahmon** (*ар.*) — *Раҳмон* (*қар.*)нинг, яъни Аллоҳнинг ҳиммати, муруввати, эҳсони.

**Файзичевар, Fayzichevar** (◊.,*ар.-ўз.*) — меҳрибон, муруввватли ҳамда моҳир устамон қиз.

**Файзияздон, Fayziyazdon** (*ар.-фт.*) — яздон, яъни Аллоҳнинг муруввати, ҳиммати, туҳфаси.

**Файзиқул, Fayziqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг яхши хислатли бандаси, қули.

**Файзулла, Fayzulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг марҳамати, ҳиммати, шафқати ёки Аллоҳнинг рисқу-насибали бандаси.

**Файзулҳақ, Fayzulhaq** (*ар.*) — ҳақгўй, барҳақнинг, яъни Аллоҳнинг марҳамати, лутфу карами, эҳсони.

**Файзхон, Fayzxon** (*ар.-ўз.*) — раҳмдил, шафқатли, меҳрибон бола.

**Файзқул, Fayzqul** (*ар.-ўз.*) — муруввватли, марҳаматлининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Фано, Фанобой, Fano** (*фт.*) — *қар. Фаноҳиддин, Фаноулла, Фаноали.*

**Фаноали, Fanoali** (*ар.*) — Алининг паноҳида, ҳимоясида бўлган бола.

**Фаноулла, Fanoulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг паноҳида бўлган, Аллоҳдан паноҳ, ҳимоя сўровчи бола.

**Фаноҳиддин, Паноҳиддин, Fanohiddin** (*ар.*) — диндан паноҳ истовчи, диндан нажот кутувчи бола.

**Фараж, Faraj** (*ар.*) — нажот топган, енгиллик топган бола ёки қувноқ, шодон бола. Асли: *Фаражулла* (*қар.*).

**Фаражулла, Farajulla** (*ар.*) — Аллоҳ бахш этган шодлик, қувонч, бахт.

**Фараз, Faraz** (*ар.*) — улуғворлик, юксаклик; қадрли, эъзозли.

**Фарангиз, Фарангис, Farangiz** (◊.,*фт.*) — нур сочувчи, зиёкор ёки гўзал, зебо; суюкли.

**Фараҳ, Farah** (◊.,*ар.*) — шодон, хурсанд, бахтиёр.

**Фараҳманд, Farahmand** (*ар.-фт.*) — шод, бахтиёр, ҳурсанд.

**Фараҳноз, Farahnoz** (◊.,*ар.-фт.*) — бахтиёрлик, шодлик гаштини сурувчи, қувноқлик нозларини қилувчи.

**Фарбуд, Farbud** (*фт.*) — тақводорлик; софлик, одиллик, ҳақгўйлик.

**Фарвардин, Farvardin** (*фт.*) — айнан: баҳор, қуёш (шамсия) йил ҳисобининг (21 март — 20 апрелга тўғри келади) биринчи ойида туғилган бола.

**Фарвиз, Фарваз, Фарвез, Farviz** (*фт.*) — ҳошия, шойи ҳошиядек чиройли қиз.

**Фарда, Farda** (*фт.*) — келажак, истиқбол, толе ёки *қар. Фарида.*

**Фардинисо, Fardiniso** (◊.,*фт.*) — аёлларнинг ёлғизи, танҳоси, яъни тенгсиз, беназир, аълоси.

**Фардод, Fardod** (◊.,*фт.*) — бахтли, бахтиёр, шодон қиз.

**Фардис, Fardis** (*фт.*) — нурли, равшан; нурсимон, нурмонанд.

**Фардона, Fardona** (◊.,*ар.*) — ёлғиз, якка; тенгсиз, бебаҳо.

**Фарёб, Faryob** (*фт.*) — бахтли, иқболи баланд.

**Фарёд, Faryod** (*фт.*) — фарёд, илтижолар қилиб эришилган бола.

**Фаржад, Farjad** (◊.,*фт.*) — жуда яхши, тенгсиз, аъло қиз.

**Фарзали, Farzali** (*фт.-ар.*) — Алининг иродаси, хоҳиши бўлган бола ёки муносиб, лойиқ; ҳурмат ва иззатга арзийдиган.

**Фарзан, Farzan** (◊.,*фт.*) — ақлли, доно, донишманд.

**Фарзиддин, Farziddin** (*ар.*) — диннинг зарур ва мажбурийлиги ёки динга бўйсинувчи, художўй, тақводор.

**Фарзи, Farzi** (*ар.*) — *қар. Фарзиддин.*

**Фарзинхон, Farzinxon** (*фт.*) — қўли узун, ҳар ишга қодир, омадли, толеи баланд.

**Фарзихон, Farzixon** (◊.,*ар.-ўз.*) — расм-русмларга амал қилувчи, итоаткор, тартибли, интизомли, одобли.

**Фарзия, Farziya** (◊.,*ар.*) — итоатли, тартибли, одобли қиз.

**Фарзод, Farzod** (◊.,*фт.*) — ажойиб, муносиб, лойиқ; серҳашам.

**Фарзона, Farzona** (◊.,*фт.*) — ақлли, доно, олима, оқила ёки ягона, тенгсиз ёҳуд меҳрибон, саховатли, сахий.

**Фарзулла, Фарзиулла, Farzulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг амри, иродаси. Аллоҳнинг мурувватн, Аллоҳ лозим кўрган бола.

**Фариба, Fariba** (◊.,*фт.*) — чиройли, гўзал, дилбар; жозибали.

**Фарид, Farid** (*ар.*) — якка, ёлғиз, ягона; тенгсиз, бебаҳо ёки пардали бўлиб туғилган бола.

**Фарида, Farida** (◊.,*ар.*) — якка, ягона, тенгсиз, беназир, бебаҳо; нодир: ноёб; марварид ёки пардали бўлиб туғилган қиз.

**Фаридиддин, Фариддин, Farididdin** (*ар.*) — тақводорликда ягона; тенгсиз; диннинг ягона, мўтабар кишиси.

**Фаридулла, Faridulla** (*ар.*) — Аллоҳ якка, ягонадир ёки Аллоҳнинг ягона, тенгсиз бандаси.

**Фаридун, Faridun** (◊.,*фт.*) — ягона, машҳур, Аллоҳ олқишлаган ёки уч бор қудратли.

**Фаридхўжа, Faridxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Фарид* ва *Хўжа.*

**Фариза, Fariza** (*ар.*) — ўз бурчини адо этувчи, интизомли, саришта ёки фариса — чиройли, парилардек гўзал ёхуд ўлжа, ғанимат. Бу сўз гўшти кўк йўталга қарши дори бўлувчи қуш номи ҳамдир.

**Фарина, Farina** (◊.,*фт.*) — чиройли, гўзал, соҳибжамол; нафис, мулойим.

**Фариса, Farisa** (◊.,*ар.*) — отли, сувори, мард, жасур ёки фориса қушдек чиройли, гўзал ёхуд ўлжа, ғанимат.

**Фариха, Farixa** (◊.,*ар.*) — шодон, бахтиёр, фарахли ёки *қар. Фариҳа.*

**Фаришта, Farishta** (◊.,*ар.*) — покиза табиатли, пок хулқли; озода, бегуноҳ.

**Фариға, Farig'a** (◊.,*ар.*) — *қар. Фариҳа.*

**Фариҳа, Fariha** (◊.,*ар.*) — келишган, гўзал қадли.

**Фармад, Фарманд, Farmad** (*фт.*) — бахт кулиб боққан, бахтли, толеи кулиб боққан.

**Фармон, Farmon** (*фт.*) — буйруқ, амр; Аллоҳнинг амри бўлган бола.

**Фармонхўжа, Farmonxo'ja** (*фт.*) — *қар. Фармон* ва *Хўжа.*

**Фармонқул, Farmonqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг амри, иродаси, ҳукми б-н туғилган бола.

**Фармуда, Farmuda** (◊.,*фт.*) — Аллоҳнинг иродаси, хоҳиши бўлган қиз.

**Фарнус, Farnus** (◊.,*фт.*) — бахт, иқбол камалаги; саодатли, иқболи баланд қиз.

**Фаробий, Farobiy** (*фт.*) — улуғ олим Фаробий номига нисбат берилган.

**Фародис, Farodis** (*фт.*) — жаннат боғлари, жаннат фарзанди.

**Фародиса Farodisa** (◊.,*фт.*) — жаннат қизи; бегуноҳ, покиза.

**Фаромарз, Faromarz** (*фт.*) — ўлка, ватан нури.

**Фарона, Farona** (◇.,*ар.*) — нонвой, нон пиширувчи, нонвой қиз.

**Фаросат, Farosat** (◇.,*ар.*) — фаҳм-фаросатли, одобли, оқила.

**Фароғат, Farog'at** (◇.,*ар.*) — тинч, осойишта, осуда; роҳат, фароғатда яшовчи.

**Фароҳиддин, Farohiddin** (*ар.*) — диннинг ривожи, иқболи ёки маъмурлиги.

**Фарроҳ, Фарраҳ, Farroh** (*фт.*) — шукуҳли, шону-шавкатли, донгдор.

**Фаррух, Farrux** (*фт.*) — бахтли, бахтиёр ёки чиройли, зебо; очиқ чеҳрали, жозибали.

**Фаррухбахт, Farruxbaxt** (*фт.-ар.*) — қутлуғ, иқболи баланд, келажаги порлоқ.

**Фаррухжамол, Farruxjamol** (◇.,*фт.-ар.*) — гўзал ҳуснли, соҳибжамол, чеҳрасидан нур ёғилувчи.

**Фаррухзод, Farruxzod** (*фт.*) — пок виждонли, олийжаноб, олийҳиммат; иқболи баланд.

**Фаррухфол, Farruxfol** (*фт.*) — бахтли, иқболи баланд, келажаги порлоқ.

**Фаруқ, Faruq** (*фт.*) — зийрак, фаросатли, яхши-ёмонни фарқловчи ёки *қар. Фаррух.*

**Фарфи, Farfi** (*ар.*) — мулойим, нафис, ёқимли.

**Фархи, Farxi** (◇.,*ар.*) — шодон, қувноқ, бахтиёр ёки мулойим, ёқимли.

**Фархиддин, Фархуддин, Farxiddin** (*ар.*) — диннинг шодон, бахтиёр фарзанди ёки дин ато қилган шодлик, бахтиёрлик.

**Фархунда, Farxunda** (◇.,*фт.*) — қутлуғ, бахтли, саодатли.

**Фархундафол, Farxundafol** (*фт.*) — бахтли, бахтиёр; толеи баланд.

**Фарқимомо, Farqimomo** (◇.,*ар.*) — *қар. Фархи* ва *Момо.*

**Фарқинисо, Farqiniso** (◇.,*ар.*) — *қар. Фархи,* яъни мулойим ёқимли аёл (қиз) ёки келишган, гўзал қиз.

**Фарқия, Farqiya** (◇.,*ар.*) — *қар. Фархи* (Фархи+я) ёки келишган, чиройли қоматли.

**Фарҳид, Farhid** (*фт.*) — зийрак, зукко, фаросатли, ўткир зеҳнли ёки ғолиб, музаффар.

**Фасиҳ, Fasih** (*ар.*) — чиройли, равшан нутқ соҳиби; хушсухан, сўз устаси, нотиқ.

**Фасиҳа, Fasiha** (◇.,*ар.*) — хушсухан, нотиқа қиз.

**Фасиҳат, Fasihat** (◇.,*ар.*) — *қар. Фасоҳат.*

**Фасиҳиддин, Fasihiddin** (*ар.*) — динни нозик даражада тушунувчи ва тушинтирувчи; шариатнинг нозиктаъб шарҳловчиси.

**Фасл, Fasl** (*ар.*) — *қар. Фаслиддин, Фасилиддин.*

**Фаслиддин, Fasliddin** (*ар.*) — айнан: диннинг мавсуми, фасли ёки дин ато қилган қисмат, тақдир.

**Фасохон, Fasoxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — *қар. Фасоҳат* (Фасоҳат+хон).

**Фасоҳат, Fasohat** (◊.,*ар.*) — айнан; сўз (нутқ)нинг равшанлиги; чиройли сўз (нутқ) услуби, яъни сўзамол, нотиқа қиз.

**Фасҳия, Fashiya** (◊.,*ар.*) — сўзга чечан, нотиқ, сўзамол; ақлли, зукко фикрли.

**Фатила, Fatila** (◊.,*ар.*) — жингалак, қўнғироқ сочли қиз ёки ёниб турувчи, чироқ, равшанлик.

**Фатонат, Fatonat** (◊.,*ар.*) — зийраклик, идрокли, ўткир зеҳнли, фаҳм-фаросатли.

**Фаттона, Fattona** (◊.,*ар.*) — сеҳрловчи, мафтун этувчи, зебо, дилрабо.

**Фаттоҳ, Fattoh** (*ар.*) — раҳмат хазиналарини осувчи, мушкул ишларни ҳал этувчи. Аллоҳнинг сифатларидан бири. Асли: *Абдуфаттоҳ* (*қар.*) ёки енгувчи, ғолиб, музаффар.

**Фаттоҳқўзи, Fattohqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Фаттоҳ* ва *Қўзи.*

**Фатулла, Патулла, Fatulla** (*ар.*) — *қар. Фатҳулла.*

**Фатҳ, Fath** (*ар.*) — *қар. Фатҳулла, Фатҳиддин.*

**Фатҳали, Fathali** (*ар.*) — Алининг ғолиблиги, ғалабаси ёки ғолиб, музаффар болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Фатҳи, Патҳи, Fathi** (*ар.*) — *қар. Фатҳиддин.*

**Фатҳиддин, Fathiddin** (*ар.*) — диннинг ғолиб, енгилмас курашчиси ёки диннинг ғолиблиги, устунлиги.

**Фатҳия, Fathiya** (◊.,*ар.*) — енгувчи, ғолиб; жасур қиз.

**Фатҳмуҳаммад, Fathmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг ғолиблиги, ғалабаси, зафари.

**Фатҳулла, Fathulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг музаффар ва ғолиблиги Тангрининг зафари ёки Аллоҳ берган ғолиблик, ғалаба.

**Фатҳхон, Fathxon** (*ар.*) — ғолиб, музаффар, енгилмас бола.

**Фахир, Фахри, Faxir** (*ар.*) — фахр қилувчи, ғурурли; ифтихор ва обрўга сазовор, жуда яхши, аъло. Асли: *Фахриддин.*

**Фахира, Faxira** (◊.,*ар.*) — ифтихорли, ғурурли, мақтовга сазовор.

**Фахри, Faxri** (*ар.*) — *қар. Фахриддин.*

**Фахридавла, Faxridavla** (*ар.*) — давлатнинг фахри, ғурури, шонушавкати.

**Фахриддин, Faxriddin** (*ар.*) — диннинг фахри, ғурури; шавкати, шони.

**Фахрижон, Faxrijon** (◊.,*ар.-фт.*) — фахрли, ифтихорли, мағрур қиз.

**Фахриислом, Faxriislom** (*ар.*) — исломнинг (диннинг) фахри, ғурури, шуҳрати.

**Фахримомо, Faxrimomo** (*ар.-ўз.*) — *қар. Фахри* ва *Момо.*

**Фахринисо, Faxriniso** (◊.,*ар.*) — аёлларнинг фахрлиси, ғурури; мағрур аёл.

**Фахринур, Faxrinur** (◇.,*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг эътибори, илтифоти; пайғамбар берган туҳфа ёки мағрурлик, ифтихорлик зиёси.

**Фахриой, Faxrioy** (◇.,*ар.-ўз.*) — ифтихорли, ғурурли ва ойдек сулув қиз.

**Фахрихон, Faxrixon** (◇.,*ар.-ўз.*) — *қар. Фахри* (Фахри-хон).

**Фахрия, Faxriya** (◇.,*ар.*) — фахрли, ифтихорли ёки мақталган олқишларга сазовор қиз.

**Фахриноз, Faxrinoz** (◇.,*ар.-фт.*) — ифтихорли ва нозли, ёқимтой қиз.

**Фаяз, Fayaz** (*ар.*) — *қар. Файёз.*

**Фақир, Faqir** (*ар.*) — фарзандга муҳтож, зор бўлиб юриб топилган бола. Асли: *Фақирулла* (*қар.*)

**Фақирали, Faqirali** (*ар.*) — *қар. Фақир* ва *Али* ёки Алига тобе, унинг кўмагига муҳтож.

**Фақириддин, Faqiriddin** (*ар.*) — диннинг сидқидил ихлосманди; художўй, тақводор.

**Фақирмуҳаммад, Faqirmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)га тобе, унинг ёрдамига муҳтож.

**Фақирулла, Faqirulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг хоксор, фақир бандаси ёки Аллоҳнинг фарзандга муҳтож эканлигимизни билиб берган туҳфаси.

**Фаҳима, Fahima** (◇.,*ар.*) — зийрак, ақлли, фаросатли қиз.

**Фаҳмиддин, Fahmiddin** (*ар.*) — диннинг зийрак, нозик фаҳмли ихлосманди; ақлли, фаросатли, тақводор.

**Феруз, Feruz** (◇.,*фт.*) — ғолиб, музаффар, енгилмас.

**Феруза, Feruza** (◇.,*фт.*) — ғолиб, шавкатли қиз ёки *қар. Фируза.*

**Ферузшо, Feruzsho** (*фт.*) — енгилмас, музаффар шоҳ, ҳукмрон.

**Фидо, Fido** (*ар.*) — *қар. Фидоали, Фидомуҳаммад.*

**Фидоали, Fidoali** (*ар.*) — халиф Алига бахшида қилинган бола ёки Алининг фидойи, сидқидил ихлосманди.

**Фидойи, Fidoyi** (*ар.*) — сидқидил, самимий; жасур, қўрқмас, қайтмас.

**Фидомуҳаммад, Fidomuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав) нинг сидқидил, самимий ихлосманди, ўзни Муҳаммаднинг йўлига бахшида этган.

**Фидоят, Fidoyat** (◇.,*ар.*) — мақсад йўлида ўзини тамоман бахшида этган.

**Фикрат, Fikrat** (*ар.*) — идрокли, ақлли, ўткир, зукко фикрли.

**Фикрия, Fikriya** (◇.,*ар.*) — идрокли, ўткир фикрли қиз.

**Фирдавс, Firdavs** (*фт.*) — айнан: боғ, кўкаламзор; жаннат боғи, жаннат, саккизинчи жаннатнинг номи.

**Фирдавсий, Firdavsiy** (*фт.*) — жаннат фарзанди.

**Фируз, Феруз, Firuz** (*фт.*) — бахтли, толеи баланд; нурли ёки енгилмас, ғолиб, музаффар. Шакллари: *Фирузбек, Фирузбой.*

**Фируза, Феруза, Firuza** (◊.,*фт.*) — бахтли, иқболи баланд қиз; ёки фируза (кўк тусли қимматбаҳо тош)дек азиз, қимматли; чиройли, зебо; нурли, нур сочувчи. Шакллари: *Фирузабека, Фирузабону.*

**Фирузан, Firuzan** (◊.,*фт.*) — нурли, нур сочувчи; равшан, порловчи.

**Фирузанда, Firuzanda** (◊.,*фт.*) — нурли, ёруғ; ёндирувчи, ўртовчи; жўшқин.

**Фирузиддин, Firuziddin** (*ар.*) — диннинг ғолибона ҳимоячиси, диннинг жасур ва ғолиб курашчиси.

**Фирузшо, Firuzsho** (*фт.*) — ғолиб, енгилмас шоҳ, ҳукмрон.

**Фирузхўжа, Firuzxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган ғолиб, музаффар бола.

**Фитрат, Fitrat** (*ар.*) — айнан: туғма табиат; ақлу фаросатли, ақлли, доно.

**Фозил, Fozil** (*ар.*) — билимдон, доно, донишманд. Шакллари: *Фозилбек, Фозилжон, Фозилхон.*

**Фозила, Fozila** (◊.,*ар.*) — билимдон, ақлли, доно қиз, олима.

**Фозилакбар, Fozilakbar** (*ар.*) — *қар. Фозил* ва *Акбар.*

**Фозилаҳмад, Fozilahmad** (*ар.*) — *қар. Фозил* ва *Аҳмад.*

**Фозилкарам, Fozilkaram** (*ар.*) — *қар. Фозил* ва *Карам* ёки билимли, доно ва саҳий, саховатли бола.

**Фозилкарим, Fozilkarim** (*ар.*) — *Карим* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган доно ўғил.

**Фозилхўжа, Fozilxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган билимдон, доно бола.

**Фозилҳақ, Fozilhaq** (*ар.*) — Ҳақ, яъни Аллоҳнинг билимли, фазлу карам эгаси бўлган бандаси ёки Ҳақ (Аллоҳ)нинг муруввати, туҳфаси бўлган бола.

**Фоила, Foila** (◊.,*ар.*) — меҳнаткаш, меҳнатсевар қиз. Шакллари: *Фоилабиби, Фоилахон.*

**Фоиқ, Foiq** (*ар.*) — ўзгалардан устун турувчи; улуғвор, юксак.

**Фоиқа, Foiqa** (◊.,*ар.*) — бошқалардан устун турувчи, афзал, аъло қиз.

**Фокия, Фоқия, Fokiya** (◊.,*ар.*) — болага муҳтож, зор бўлиб юриб топилган қиз.

**Фокиҳа, Fokiha** (◊.,*ар.*) — айнан: мева, самара, яъни қўмсалган, кутилган фарзанд.

**Фония, Foniya** (◊.,*ар.*) — яширин ёки билимли, доно.

**Фориҳа, Foriha** (◊.,*ар.*) — асли: Форуқ, Форуқа — яхши-ёмонни фарқлайдиган, зийрак. Бу ном халифа Умарнинг лақаби бўлган ёки Фориғ, Форик — халос бўлган, ҳур, озод.

**Форуҳ, Foruh** (*ар.*) — ҳақ ва ботинни фарқлайдиган, уни тезда ажрата олувчи; адолатли, ҳақгўй. Бу ном халифа Умарнинг лақаби бўлган.

**Фотима, Fotima** (◊.,*ар.*) — айнан: фатиат — кўкракдан ажратилган. Бу ном Муҳаммад (сав) кенжа қизининг исми бўлган. Шакллари: *Фотимабиби, Фотимабону, Фотимаой, Фотимахон.*

**Фотиқ, Fotiq** (*ар.*) — шифо топувчи, соғайиб кетувчи ёки *қар. Фотиҳ.*

**Фотиҳ, Фотиҳбой, Fotih** (*ар.*) — енгилмас, ғолиб, музаффар; жасур, мард.

**Фотиҳа, Fotiha** (◊.,*ар.*) — ғолиб, музаффар; жасур қиз; бошланиш, очқич — Қуръоннинг биринчи сураси номи ёки дуо, розилик бериш.

**Фотиҳали, Fotihali** (*ар.*) — Али ғолиб, енгилмасдир ёки Алининг ғалабаси, зафари.

**Фотиҳкамол, Fotihkamol** (*ар.*) — *қар. Фотиҳ* ва *Камол.*

**Фохира, Foxira** (◊.,*ар.*) — фахрланишга лойиқ, олқишга, ғурурга муносиб, шукуҳли.

**Фуад, Фуод, Fuad** (*ар.*) — дил, қалб, ақл, фаросат.

**Фузаил, Фузайл, Fuzail** (*ар.*) — одобли, яхши хислатли; инсофли, адолатли; юксак, устун турувчи.

**Фузайлиддин, Fuzayliddin** (*ар.*) — диннинг одобли, инсофли ихлосманди ёки диннинг ҳалоллиги, тўғрилиги, ҳақлиги.

**Фузул, Фузулбой, Fuzul** (*фт.*) — кибрли, ўзбошимча, ўжар; қайтмас; исёнкор ёки фазилатли, билимли, доно.

**Фузулий, Fuzuliy** (*фт.*) — ўзбошимча, ўжар, ўзига тегишли бўлмаган ишларга аралашаверувчи, беҳуда сўзлар айтувчи.

**Фурқат, Furqat** (*ар.*) — айрилиқ, жудолик, ажралиш. Бу исм шоир Фурқатнинг (Зокиржон Холмуҳаммад ўғли) тахаллуси бўлиб, Фурқат исми ўшанга нисбат берилган.

# Х

**Хабир, Xabir** (*ар.*) — айнан; хабар берувчи, билувчи; билимли, доно, донишманд.

**Хабира, Xabira** (◊.,*ар.*) — билимдон, доно қиз.

**Хаври, Xavri** (◊.,*ар.*) — *қар. Хавринисо.*

**Хавринисо, Xavriniso** (◊.,*ар.*) — эҳт.: *Хайринисо* (*қар.*).

**Хаддинисо, Xaddiniso** (◊.,*ар.*) — қизил юзли, ол ёноқли; гўзал, зебо қиз.

**Хаддод, Xaddod** (*ар.*) — темирчи, чилангар.

**Хазин, Xazin** (*ар.*) — хазинадор, қўриқчи; бой, бадавлат ёки мулойим, босиқ.

**Хазина, Xazina** (◊.,*ар.*) — бойлик, давлат; қимматли, азиз.

**Хазона, Xazona** (◊.,*ар.*) — бойликлар, давлат эгаси.

**Хазорбой, Xazorboy** (*ар.-ўз.*) — олижаноб, аслзода; жасур, довюрак.

**Хазри, Xazri** (*ар.*) — шаҳарлик, шаҳарда туғилган.

**Хайём, Xayyom** (*ар.*) — чодир тўқувчи, чодир ясовчи уста.

**Хайри, Xayri** (*ар.*) — яхшилик қилувчи, хайр-саховатли; меҳрибон, раҳмдил. Асли: *Хайриддин, Хайринисо*. Эҳт.: Гулхайри номининг қисқарган шакли.

**Хайригул, Xayrigul** (◊.,*ар.-фт.*) — яхшилик қилувчи, саховатли; меҳрибон ҳамда гулдек гўзал қиз.

**Хайриддин, Xayriddin** (*ар.*) — диннинг саховати, ҳиммати ёки саховатли, ҳимматли диндор.

**Хайрижамол, Xayrijamol** (◊.,*ар.*) — саховатли, меҳрибон ҳамда гўзал, зебо қиз.

**Хайрижаҳон, Xayrijahon** (◊.,*ар.-фт.*) — дунёдаги энг саховатли, ҳимматли, раҳмдил қиз.

**Хайрижон, Xayrijon** (◊.,*ар.-фт.*) — *қар. Хайри* (Хайри+жон).

**Хайриислом, Xayriislom** (*ар.*) — исломнинг муруввати, ҳиммати, туҳфаси.

**Хайрикамол, Xayrikamol** (*ар.*) — *қар. Хайри* ва *Камол.*

**Хайрикелди, Xayrikeldi** (*ар.-ўз.*) — саховатли, ҳимматли бола туғилди.

**Хайримамат, Xayrimamat** (*ар.*) — *қар. Хайримуҳаммад.*

**Хайримуҳаммад, Xayrimuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав)нинг ҳиммати, саховати, яъни туҳфаси.

**Хайринисо, Xayriniso** (◊.,*ар.*) — аёлларнинг энг ҳимматлиси, саховатлиси; меҳрибони.

**Хайринур, Xayrinur** (◊.,*ар.*) — Нур, яъни Аллоҳнинг саховати, ҳиммати; Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Хайрипўлат, Xayripo'lat** (*ар.-фт.*) — хайрли, саховатли ҳамда пўлатдек мустаҳкам.

**Хайрия, Xayriya** (◊.,*ар.*) — ҳимматли, саховатли; меҳрибон, олижаноб қиз.

**Хайрият, Xayriyat** (◊.,*ар.*) — яхшилик, эзгулик соҳибаси ёки хайриятки (шукурки) фарзандлик бўлдик.

**Хайрулбанот, Xayrulbanot** (◊.,*ар.*) — ғамхўр, меҳрибон, яхшилик, эзгуликлар эгаси.

**Хайрулла, Xayrulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг яхшилиги, муруввати, саховати; Аллоҳ берган туҳфа, инъом.

**Халаж, Халажбой, Xalaj** (*ўз.*) — халаж қабиласи фарзанди. Бу қабила одамлари чиройли бўлишар экан. Демак, гўзал, чиройли бола.

**Халаф, Xalaf** (*ар.*) — ўринбосар, меросхўр, ворис, авлоднинг давомчиси.

**Халво, Xalvo** (◊.,*ар.*) — қиз бола, чақалоқ қиз; *қар. Ҳалво.*

**Халил, Xalil** (*ар.*) — суюкли, қадрдон, самимий, содиқ дўст; вафодор, сирдош. Шакллари: *Халилбек, Халилбой, Халилжон.*

**Халила, Xalila** (◊.,*ар.*) — вафодор, содиқ дўст, меҳрибон ўртоқ.

**Халиддин, Xaliddin** (*ар.*) — *қар. Халилиддин.*

**Халилиддин, Xaliliddin** (*ар.*) — диннинг ҳақиқий ихлосманди; чинакам диндор, тақводор.

**Халилмирза, Xalilmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Халил* ва *Мирза.*

**Халилохун, Xaliloxun** (*ар.-фт.*) — *қар. Халил* ва *Охун.*

**Халилсултон, Xalilsulton** (*ар.*) — *қар. Халил* ва *Султон.*

**Халилтой, Xaliltoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Халил* (Халил+той).

**Халилулла, Xalilulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг содиқ дўсти; вафодор хизматкори ёки Аллоҳ севган дўст. Бу ном Иброҳим пайғамбарнинг лақаби бўлган.

**Халилулраҳмон, Xalilulrahmon** (*ар.*) — *Раҳмон* (*қар.*), яъни Аллоҳнинг вафодор, содиқ дўсти ёки Аллоҳнинг азиз, суюкли бандаси.

**Халилхўжа, Xalilxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Халил* ва *Хўжа.*

**Халилшер, Xalilsher** (*ар.-фт.*) — *қар. Халил* ва *Шер.*

**Халилқул, Xalilqul** (*ар.-ўз*) — Аллоҳнинг садоқатли, вафодор бандаси, қули.

**Халиф, Xalif** (*ар.*) — ўринбосар, меросхўр; орқадан борувчи, эргашувчи.

**Халифа, Халфа, Xalifa** (*ар.*) — ўринбосар, ёрдамчи.

**Халифиддин, Xalifiddin** (*ар.*) — динга эргашувчи, динга амал қилувчи; тақводор.

**Халиқ, Xaliq** (*ар.*) — тарбияли, интизомли; хушхулқ, ахлоқли ёки келишган, хушбичим. Эҳт.: *Холиқ* (*қар.*)

**Халиқа, Xaliqa** (◊ .,*ар.*) — одобли, хушхулқ, ақлу фаросатли қиз.

**Халлонбой, Xallonboy** (*ар.*) — халлон-ҳаракатчан, қизиқувчи, тиришқоқ.

**Халолхон, Xalolxon** (◊ .,*ар.-фт.*) — ростгўй; покиза, бегуноҳ.

**Халфа, Xalfa** (*ар.*) — диний мактаб ўқитувчиси (отин); шариат билимдони; синфбоши.

**Хандон, Xandon** (◊ .,*фт.*) — қувноқ, шодон, бахтиёр; кулиб турган. Шакли: *Хандоной.*

**Хандоной, Xandonoy** (◊ .,*фт.-ўз.*) — кулиб турган, шодон ва ойдек гўзал қиз.

**Ханжара, Xanjara** (◊ .,*фт.*) — ханжар каби ўткир, кескир мустаҳкам қиз.

**Ханжарбек, Xanjarbek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодидан бўлган ханжардек ўткир бола.

**Ханжарбой, Xanjarboy** (*фт.*) — ханжардек ўткир, кескир ҳамда мустаҳкам бўлсин.

**Ханжарқул, Xanjarqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг ханжардек ўткир бандаси.

**Ханида, Ханита, Xanida** (◊ .,*фт.*) — маъқул, муносиб машҳур.

**Ханидахон, Xanidaxon** (◊ .,*фт.-ўз.*) — ҳурматга, эъзозга муносиб қиз; шуҳратли, донгдор.

**Ханифа, Xanifa** (◊ .,*ар.*) — ростгўй, покиза; бегуноҳ; содиқ мусулмон ёки меҳрибон, ғамхўр.

**Ханнон, Xannon** (*ар.*) — шафқатли, мурувватли, ғамхўр. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир.

**Харрос, Xarros** (*ар.*) — ҳақгўй, адолатли; қўриқловчи, сақловчи.

**Харросиддин, Xarrosiddin** (*ар.*) — динни муҳофаза, ҳимоя қилувчи, қўриқловчи.

**Харрот, Xarrot** (*ар.*) — ўймакор уста, дурадгор; тароқсоз.

**Хасмижамол, Xasmijamol** (◇.,*ар.*) — қадрли, зебо қиз.

**Хаспўлат, Хоспўлат, Xaspo'lat** (*ар.-фт.*) — аъло навли пўлат; ўта мустаҳкам, чинакам, маҳкам.

**Хатиб, Xatib** (*ар.*) — жума ва ҳайит номози пайтида хутба ўқувчи; воиз, ваъзгўй, ваъзхон ёки бирор нишон, белги б-н туғилган бола.

**Хатиба, Xatiba** (◇.,*ар.*) — *қар. Хатиб* (Хатиб+а) ёки сўзга чечан, нотиқа қиз.

**Хатима, Xatima** (◇.,*ар.*) — адолат қилувчи, ҳақгўй ёки ўта сахий, қўли очиқ.

**Хатира, Xatira** (◇.,*ар.*) — хатир — кўнгил, юрак, қалб ёки ҳурматли, эъзозли.

**Хатирабиби, Xatirabibi** (◇.,*ар.-ҳинд.*) — *қар. Хатира* (Хатира+биби.)

**Хатиф, Хатифжон, Xatib** (*ар.*) — *қар. Хатиб.*

**Хатифа, Xatifa** (◇.,*ар.*) — *қар. Хатиба.*

**Хатифмирза, Xatifmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Хатиб* ва *Мирза.*

**Хатифулла, Xatifulla** (*ар.*) — Аллоҳни зикр қилувчи, худо йўлига чорловчи бола, ваъзхон.

**Хатминисо, Xatminiso** (◇.,*ар.*) — охирги қиз, кенжа қиз.

**Хафс, Xafs** (*ар.*) — арслон, йўлбарс ёки хафз — паст, тубан, ёмон, ёҳуд ҳафс (а) — сават.

**Хафифа, Xafifa** (◇.,*ар.*) — кичик, кенжа, кенжатой қиз ёки чаққон, эпчил, моҳир.

**Хивахон, Xivaxon** (◇.,*ўз.*) — Хива шаҳри номига нисбат берилган исм.

**Хидир, Хизр, Xidir** (*ар.*) — айнан: "Яшил" рангли, Хизр — абадий тириклик, барҳаётлик, омадлилик тимсоли. Ривоятга кўра, ҳаёт суви булоғини топиб ичган афсонавий пайғамбарнинг номи. Шу учун доимо барҳаёт деб ҳисобланади. У йўлдан адашганларга, ошиқларга йўл кўрсатувчи, раҳнамо деб ҳисобланади. Хидирнинг пок, покиза, пардали (ниқобли) маънолари ҳам бор.

**Хидирали, Xidirali** (*ар.*) — *қар. Хидир* ва *Али.*

**Хидирберди, Xidirberdi** (*ар.-ўз.*) — Хидир (Хизр) ато қилган бола.

**Хидирёр, Xidiryor** (*ар.-фт.*) — Хидир (Хизр) қўллайдиган кўмаклашувчи, ёр бўлувчи бола.

**Хидирмамат, Xidirmamat** (*ар.*) — *қар. Хидир* ва *Муҳаммад.*

**Хидирмурод, Xidirmurod** (*ар.*) — Хидир (Хизр) етказган, эриштирган, орзу, армон.

**Хидирмуҳаммад, Xidirmuhammad** (*ар.*) — Хидир (Хизр) ва Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Хидирназар, Xidirnazar** (*ар.*) — Хизр илтифот қилиб, назари тушиб эришилган бола. Хизр назар қилган умри узоқ ва бадавлат бола.

**Хидирниёз, Xidirniyoz** (*ар.-фт.*) — Хизрдан ўтиниб сўриб олинган бола ёки Хизрнинг туҳфаси, эҳсони.

**Хидирнур, Xidirnur** (*ар.*) — Хизрнинг меҳру шафқатига сазовор бола, Хизрнинг қудрати, нури б-н туғилган бола.

**Хидирқул, Xidirqul** (*ар.-ўз.*) — Хизр пайғамбарнинг кўмагига муҳтож, унинг хизматкори, қули бўлган бола.

**Хиёлиддин, Xiyoliddin** (*ар.*) — диннинг хаёли, ўйи б-н яшовчи, динни мақсад қилиб олган.

**Хиёлхон, Xiyolxon** (*ар.-ўз.*) — ўйли, фикрли, мақсадли қиз.

**Хижрат, Xijrat** (◇.,*ар.*) — кўчиш, кўчиб ўтиш; Муҳаммад (сав)-нинг қочиб, кўчиб ўтиш тарихи.

**Хизир, Хизирбой, Xizir** (*ар.*) — Хизр пайғамбар. *Қар. Хидир.*

**Хизирали, Xizirali** (*ар.*) — *қар. Хидир* ва *Али.*

**Хилват, Хилватжон, Xilvat** (*ар.*) — ёлғиз, ягона; кимсасиз, ибодат жойи.

**Хилватали, Xilvatali** (*ар.*) — Алига тавоф қилиш жойи, Алига сиғинувчи.

**Хилол, Xilol** (◇.,*ар.*) — нозик, озғин; келишган ёки *қар. Ҳилола.*

**Хина, Xina** (◇.,*ар.*) — безанган, ёқимли, чиройли, ораста.

**Хиноят, Xinoyat** (◇.,*ар.*) — эҳт. *Киноят* (*қар.*)

**Хирмон, Xirmon** (*фт.*) — ғалла хирмонланган пайти туғилган ёки насибаси мўл, бой-бадавлат. Шакллари: *Хирмонбой, Хирмоной.*

**Хирмоной, Xirmonoy** (◇.,*фт.-ўз.*) — ғалла хирмон қилинган пайти туғилган ва ойдек сулув қиз.

**Хирожиддин, Xirojiddin** (*ар.*) — дин олдидаги қарз, бурч; дин ҳақи.

**Хирожхон, Xirojxon** (◇.,*ар.*) — қарзга, хирожга берилган қиз.

**Хиром, Xirom** (◇.,*фт.*) — гўзал ва нозик қадам ташловчи; чиройли юрувчи.

**Хиромой, Xiromoy** (◇.,*фт.-ўз.*) — гўзал одимловчи ойдек сулув қиз.

**Хиромон, Xiromon** (◇.,*фт.-ўз.*) — чиройли бўйли, бўйи-басти келишган, хушқад; нозик, латиф.

**Хирот, Xirot** (◇.,*ар.*) — Хирот шаҳри номига нисбат берилган исм.

**Хислат, Хислатжон, Xislat** (*ар.*) — фазилатли, яхши хислатли; қадрли, қимматли.

**Хислатой, Xislatoy** (◇.,*ар.-ўз.*) — яхши фазилат, хислатлар эгаси бўлган ойдек чиройли қиз.

**Хисрав, Хусрав, Xisrav** (*фт.*) — машҳур, донгдор; номдор; ҳукмрон, подшоҳ.

**Хитой, Xitoy** (*ўз.*) — ўзбек қабилаларидан бири. Хитой қабиласига мансуб бола, хитой қабиласи фарзанди.

**Хитойюз, Xitoyyuz** (*ўз.*) — ўзбек уруғларидан бирининг номи. Хитойюз фарзанд, хитойюз уруғига мансуб бола.

**Хованд, Xovand** (*фт.*) — ҳукмрон, хўжайин, эга. Сол: *Худованд.*

**Ховар, Xovar** (*фт.*) — кунчиқиш, шарқ; қуёш, офтоб.

**Ховаргул, Xovargul** (◇.,*фт.*) — Шарқнинг гулдек зебо қизи.

**Ховарий, Xovariy** (*фт.*) — Шарқ фарзанди.

**Ходиқ, Xodiq** (*ар.*) — *қар. Ҳоди, Ҳодиқурбон.*

**Ходима, Xodima** (◇.,*ар.*) — хизматчи аёл, дастурхон гузатувчи аёл; ризқу рўзли, насибали бўлсин.

**Ходимали, Xodimali** (*ар.*) — халиф Алининг хизматкори.

**Хожа, Xoja** (*ар.*) — ҳурматли, эътиборли ёки хўжайин, бошлиқ, ёҳуд билимдон, доно, олим. Бу ном катта савдогар маъносини ҳам англатади.

**Хожал, Xojal** (◇.,*ар.*) — қаноатли, қаноат ҳосил қилган; сабрли, чидамли. Эҳт.: *Ҳожиали* (*қар.*)

**Хожар, Xojar** (◇.,*ар.*<*қар.яҳ.*) — муносиб, лойиқ; қадрли, эъзозга лойиқ.

**Хоксор, Xoksor** (*фт.*) — оддий, содда, камтарин ёки қадрсиз, тубан, паст.

**Хол, Xol** (*фт.*) — баданида хол б-н туғилган бола. Шакллари: *Холбек, Холбой, Холжон, Холбиби, Холой, Холхон.*

**Холамбиби, Xolambibi** (◇.,*фт.-ўз.*<*ҳинд.*) — холасининг исми берилган қиз.

**Холаҳмад, Xolahmad** (*фт.ар.*) — хол б-н туғилган болани Аҳмад (қар.), яъни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Холбадал, Xolbadal** (*фт.ар.*) — турмаган болалар эвазига берилган ва хол б-н туғилган бола.

**Холбаҳодир, Xolbahodir** (*фт.-ўз.*) — баданида хол б-н туғилган довюрак бола.

**Холбегим, Xolbegim** (◇.,*фт.-ўз.*) — баданида хол б-н туғилган баланд мартабали қиз.

**Холбек, Xolbek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб холдор, холли бола.

**Холбека, Xolbeka** (◇.,*фт.-ўз.*) — баданида хол б-н туғилган беклар авлодига мансуб қиз.

**Холберди, Xolberdi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Холиқберди.*

**Холбиби, Xolbibi** (◇.,*фт.ҳинд.*) — баданида хол б-н туғилган, баланд мартабали қиз.

**Холбобо, Xolbobo** (*фт.*) — бобосининг исми берилган холдор бола.

**Холбодом, Xolbodom** (◇.,*фт.*) — хол б-н туғилган ва бодомдек маҳкам қиз ёки хол б-н туғилган бодомқовоқли, яъни гўзал қиз.

**Холбозор, Xolbozor** (*фт.*) — бозор куни туғилган холли бола.

**Холбой, Xolboy** (*фт.-ўз.*) — холли бола улғайиб бой, бадавлат бўлсин.

**Холботир, Xolbotir** (*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган жасур бола.

**Холбуви, Xolbuvi** (◇ .,*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган қиз.

**Холбувиш, Xolbuvish** (◇ .,*фт.-ўз.*) — *қар. Хол* ва *Бувиш.*

**Холбунисо, Xolbuniso** (◇ .,*фт.-ўз.-ар.*) — *қар. Холбуви.* (Холбуви-нисо).

**Холбўри, Xolbo'ri** (◇ .,*фт.-ўз.*) — *қар. Хол* ва *Бўри.*

**Холбўта, Xolbo'ta** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хол* ва *Бўта.*

**Холгул, Xolqul** (◇ .,*фт.*) — баданида холи бор гулдек гўзал қиз.

**Холгўзал, Xolgo'zal** (◇ .,*фт.-ўз.*) — баданида холи б-н туғилган кўркам, зебо қиз.

**Холдавлат, Xoldavlat** (*фт.-ар.*) — баданида холи бор бола, бой бадавлат бўлсин ёки бизнинг давлатимиз, бахтимиз бўлган холдор бола.

**Холдон, Xoldon** (*фт.*) — хол б-н туғилган қиз, холдор қиз ёки *қар. Холдоно.*

**Холдоно, Xoldono** (◇ .,*фт.*) — доно холли қиз ёки хол б-н туғилган ақлли, доно қиз.

**Холдоной, Xoldonoy** (◇ .,*фт.*) — *қар. Холдон* (Холдон+ой).

**Холдор, Xoldor** (*фт.*) — баданида хол б-н туғилган бола, холли бола.

**Холдорали, Xoldorali** (*фт.-ар.*) — баданида холи бор ўғилни Али ўз паноҳида асрасин ёки Алининг исми берилган холли бола.

**Холдорбек, Xoldorbek** (*фт.-ўз.*) — беклар (аслзодалар) авлодидан бўлган холли бола.

**Холёр, Xolyor** (*фт.*) — *қар. Холиёр.*

**Холжамол, Xoljamol** (◇ .,*фт.-ар.*) — чиройли хол б-н туғилган қиз.

**Холдормирза, Xoldormirza** (*фт.*) — холли ўғил улғайиб мирзалардек келишган, ўқимишли бўлсин.

**Холдорой, Xoldoroy** (◇ .,*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган ойдек гўзал қиз.

**Холдорхон, Xoldorxon** (◇ .,*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Холжигит, Xoljiqit** (*фт.-ўз.*) — холли бола улғайиб йигитлар сафига қўшилсин.

**Холжон, Xoljon** (*фт.*) — баданида хол б-н туғилган суюкли бола.

**Холжўра, Xoljo'ra** (*фт.*) — хол б-н туғилган ўғил улғайиб отасига эш, ҳамдам бўлиб юрсин.

**Холи, Холибой, Xoli** (*фт.*) — *қар. Холбой, Холмурод.*

**Холид, Xolid, Холида** (*ар.*) — абадий, мангу турадиган, яшаб кетадиган, умри узоқ бола.

**Холиддин, Xoliddin** (*ар.*) — диннинг абадийлиги, мангулиги.

**Холидмирза, Xolidmirza** (*ар.-фт.*) — умри узоқ бўлиб мирзалардек келишган, ўқимишли бўлсин.

**Холидтўра, Xolidto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Холид* ва *Тўра.*

**Холим, Xolim** (◊.,*фт.*) — мулойим, гулюзли; жўмард, сахий қиз ёки "хол" сўзи б-н бошланадиган қўшма исмларнинг (*Холнисо, Холмурод*) эқ. шакли.

**Холинисо, Xoliniso** (◊.,*фт.-ар.*) — *қар. Холнисо.*

**Холис, Xolis** (*ар.*) — самимий, беғараз; софкўнгил, покиза; адолатли, халол.

**Холиса, Холисабу, Xolisa** (◊.,*ар.*) — покиза, халол, софкўнгил қиз.

**Холисберди, Xolisberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ самимий, покиза адолатпеша ўғил ато қилди.

**Холисмат, Xolismat** (*ар.*) — *қар. Холисмуҳаммад.*

**Холисмуҳаммад, Xolismuhammad** (*ар.*) — самимий, покиза болани пайғамбар қўлласин.

**Холихўжа, Xolixo'ja** (*фт.*) — *қар. Холхўжа* ёки *Холиқхўжа.*

**Холия, Xoliya** (◊.,*фт.*) — ёқимтой, дилбар қиз ёки холли, зебо қиз.

**Холиқ, Xoliq** (*ар.*) — яратувчи, бунёд этувчи, ижод қилувчи, ҳал қилувчи. Бу ном Аллоҳи таолонинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдухолиқ.*

**Холиқберди, Xoliqberdi** (*ар.-ўз.*) — *Холиқ* (*қар*), яъни Аллоҳнинг марҳамати, туҳфаси. Аллоҳ ато қилган бола.

**Холиқмирза, Xoliqmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Холиқ* ва *Мирза.*

**Холиқназар, Xoliqnazar** (*ар.*) — *Холиқ* (*қар.*), яъни Аллоҳ эътибор, мурувват қилиб берган бола.

**Холиқниёз, Xoliqniyoz** (*ар.-фт.*) — *Холиқ* (*қар.*), яъни Аллоҳнинг эҳсони, туҳфаси ёки Аллоҳдан ялиниб, ёлвориб олинган бола.

**Холиқнур, Xoliqnur** (*ар.*) — Холиқнинг, яъни Аллоҳ меҳри, нури б-н яралган бола ёки Холиқ (Аллоҳ) берган ёруғлик, бахт, саодат.

**Холиқтурди, Xoliqturdi** (*ар.-ўз.*) — *Холиқ* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган бола туради, яшайди.

**Холиқул, Xoliqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Холқул* ва *Холиққул.*

**Холиқча, Xoliqcha** (*ар.-ўз.*) — Абдухолиқ исмли кенжатой, эркатой ўғил.

**Холиқшо, Xoliqsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Холиқ* ва *Шо* (ҳ).

**Холиққул, Xoliqqul** (*ар.-ўз.*) — яратганнинг, яъни Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Холиққўзи, Xoliqqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Холиқ* ва *Қўзи.*

**Холйигит, Xolyigit** (*фт.-ўз.*) — баданида хол б-н туғилган ўғил улғайиб йигитлар қаторига қўшилсин.

**Холкарим, Xolkarim** (*фт.-ар.*) — *Карим* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган холдор бола ёки баданида холи бор карамли, саховатли бола.

**Холкелди, Xolkeldi** (*фт.-ўз.*) — баданида холи бор бола дунёга келди.

**Холлан, Xollan** (*фт.-ар.*) — "хол" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (*Холназар, Холниёз*)нинг эқ. шакли.

**Холли, Xolli** (*фт.*) — хол б-н туғилган бола.

**Холлибахт, Xollibaxt** (*фт.-ар.*) — хол б-н туғилган бола улғайиб саодатли бўлсин ёки қутлуғ, хосиятли хол б-н туғилган бола.

**Холлибека, Xollibeka** (◊.,*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган мартабаси улуғ қиз.

**Холлибиби, Xollibibi** (◊.,*фт.-ҳинд.*) — хол б-н туғилган қиз.

**Холлигул, Xolliqul** (◊.,*фт.*) — хол билан туғилган гулдек гўзал қиз.

**Холлигўзал, Xolligo'zal** (◊.,*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган зебо, кўркам қиз.

**Холлижамол, Xollijamol** (◊.,*фт.-ар.*) — хол б-н туғилган чиройли, зебо қиз.

**Холмамат, Xolmamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Холмуҳаммад.*

**Холмат, Xolmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Холмуҳаммад.*

**Холматтўра, Xolmatto'ra** (*фт.-ар.-ўз.*) — *қар. Холмат* ва *Тўра.*

**Холмели, Xolmeli** (*фт.-ўз.*) — *қар. Холменгли.*

**Холменгли, Xolmengli** (*фт.-ўз.*) — хосиятли хол б-н туғилган бола, бахтли бола.

**Холмирза, Xolmirza** (*фт.*) — хол б-н туғилган ўғил улғайиб мирзолардек келишган, ўқимишли бўлсин.

**Холмисир, Xolmisir** (*фт.*) — хол б-н туғилган бой-бадавлат бола.

**Холмомо, Xolmomo** (◊.,*фт.-ўз.*) — бувисининг исми берилган холли қиз.

**Холмон, Xolmon** (*фт.*) — "хол" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Холмуҳаммад, Холмурод) эқ. шакли.

**Холмоной, Xolmonoy** (◊.,*фт.-ўз.*) — холи б-н туғилган ойдек сулув қиз.

**Холмурод, Xolmurod** (*фт.-ар.*) — баданида холи б-н туғилган ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Холмуҳаммад, Xolmuhammad** (*фт.-ар.*) — баданида хол б-н туғилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин ёки хосиятли хол б-н туғилган бола.

**Холмўмин, Xolmo'min** (*фт.-ар.*) — хол б-н туғилган мўминқобил, мусулмон бола.

**Холназар, Xolnazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти (назари) тушган холли бола.

**Холнафас, Xolnafas** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг (Муқаддас авлиёларнинг) қудрати (нафаси) б-н туғилган бола.

**Холниёз, Xolniyoz** (*фт.*) — ўтиниб, сўраб олинган холли бола ёки Аллоҳнинг холли туҳфаси, эҳсони. Эҳт.: *Холиқниёз* (*қар.*).

**Холнисо, Xolniso** (◊.,*фт.-ар.*) — баданида хол б-н туғилган қиз, холли аёл.

**Холнор, Xolnor** (*фт.*) — баданида қизил холи (нори) б-н туғилган бола.

**Холос, Xolos** (*ар.*) — қутилган, халос бўлган бола.

**Холпошша, Xolposhsha** (◊.,*фт.*) — хол б-н туғилган ҳурматли, эъзозли қиз.

**Холпўлат, Xolpo'lat** (*фт.*) — баданида холи бор пўлатдек мустаҳкам бола.

**Холпўш, Xolpo'sh** (◊.,*фт.*) — *қар. Холпошша.*

**Холражаб, Xolrajab** (*фт.-ар.*) — ражаб ойида туғилган холли бола.

**Холраҳмон, Xolrahmon** (*фт.-ар.*) — *Раҳмон* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган холли бола.

**Холсаид, Xolsaid** (*фт.-ар.*) — хосиятли, бахтли хол б-н туғилган бола.

**Холсафар, Xolsafar** (*фт.-ар.*) — сафар ойиди ёки сафарда бўлганда туғилган холли бола.

**Холсоат, Xolsoat** (◊.,*фт.-ар.*) — яхши кунларда, бахтли соатда туғилган қиз.

**Холсора, Xolsora** (◊.,*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Хол* ва *Сора.*

**Холсултон, Xolsulton** (*фт.-ар.*) — баданида хол б-н туғилган ўғил улғайиб йигитларнинг сардори, султони бўлсин.

**Холтемир, Xoltemir** (*фт.-ўз.*) — баданида хол б-н туғилган темирдек мустаҳкам бола.

**Холтилла, Xoltilla** (*фт.*) — баданида холи бор тилладек қимматли, эъзозли.

**Холтожи, Xoltoji** (*фт.*) — баданида холи ва тожи (катта хол ёки қизил хол) бўлган бола.

**Холтой, Xoltoy** (*фт.-ўз.*) — холли, холдор бола ёки холи б-н туғилган суюкли (тойчоқ) бола.

**Холтош, Xoltosh** (*фт.-ўз.*) — холи б-н туғилган тошдек мустаҳкам бола.

**Холтурди, Xolturdi** (*фт.-ўз.*) — холли бола турсин, яшасин.

**Холтурсун, Xoltursun** (*фт.-ўз.*) — холи б-н туғилган бола турсин, яшасин.

**Холтўра, Xolto'ra** (*фт.-ўз.*) — холи б-н туғилган, аслзодалар наслига мансуб бола.

**Холфайёз, Xolfayyoz** (*фт.-ар.*) — *қар. Хол* ва *Файёз.*

**Холхўжа, Xolxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган холли бола.

**Холчори, Xolchori** (*фт.*) — хол б-н туғилган ва оиладаги тўртинчи фарзанд.

**Холчучук, Xolchuchuk** (◊.,*фт.-ўз.*) — чиройли, ширин холли қиз.

**Холшайх, Xolshayx** (*фт.-ар.*) — *қар. Хол* ва *Шайх.*

**Холшакар, Xolshakar** (◊.,*фт.*) — чиройли, ширин холли қиз.

**Холшер, Xolsher** (*фт.*) — холли бўлиб туғилган бола шердек довюрак йигит бўлсин.

**Холўроз, Xolo'roz** (*фт.-ўз.*) — хол б-н туғилган бахтли бола.

**Холқазна, Xolqazna** (*фт.-ар.*) — холли б-н туғилган бола улғайиб бой-бадавлат, хазиналар эгаси бўлсин ёки хол б-н туғилган ва қазна (дағал ипак, паст нав ипакдек) эътиборсиз ёмон қиз. Бу маънода болани ёмон кўзлардан асраш учун берилади.

**Холқиз, Xolqiz** (*фт.-ўз.*) — холли бўлиб туғилган қиз.

**Холқора, Xolqora** (*фт.-ўз.*) — қора холли ўғил ёки холли бўлиб туғилган кучли, қудратли бола.

**Холқосим, Xolqosim** (*фт.-ар.*) — *қар. Хол* ва *Қосим.*

**Холқул, Xolqul** (*ар.-ўз.*) — Холиққул, яъни Аллоҳнинг холли бўлиб туғилган бандаси, қули.

**Холқурбон, Xolqurbon** (*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган холли бола ёки *қар. Холиққул.*

**Холқўзи, Xolqo'zi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хол* ва *Қўзи.*

**Холғози, Xolg'ozi** (*фт.-ар.*) — дин йўлида курашувчи холли бола; диннинг холли аскари.

**Холҳасан, Xolhasan** (*фт.-ар.*) — *қар. Хол* ва *Ҳасан.*

**Холҳожи, Xolhoji** (*фт.-ар.*) — *қар. Хол* ва *Ҳожи.*

**Хон, Xon** (*ўз.*) — подшоҳ, ҳукмдор, ҳоким, яъни улғайиб улуғ мартабалар соҳиби, элбоши бўлсин. Шакллари: *Хонбек, Хонбой, Хонжон.*

**Хоназим, Xonazim** (*ўз.-ар.*) — буюк хон, элбоши бўлсин ёки *Азим* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган бола улғайиб буюк мартабалар эгаси бўлсин.

**Хонали, Xonali** (*ўз.-ар.*) — соғ улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин ва Али қўллаб юрсин ёки энг юксак ҳукмдор, хонларнинг хони.

**Хонбек, Xonbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бола улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Хонбека, Xonbeka** (◊.,*ўз.*) — юксак мартабалар эгаси аслзода қиз, хон қизи.

**Хонберди, Xonberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ улуғ мартабали ўғил берди.

**Хонбиби, Xonbibi** (◊.,*ўз.-ҳинд.*) — юксак ҳурмат ва эъзозга муносиб қиз.

**Хонбобо, Xonbobo** (*ўз.*) — бобосининг номини олган бола ёки *қар. Хон* ва *Бобо.*

**Хонбуви, Хонбувиш, Xonbuvi** (◊.,*ўз.*) — бувисининг исми берилган эъзозли қиз.

**Хонбўта, Xonbo'ta** (*ўз.*) — *қар. Хон* ва *Бўта.*

**Хонвали, Xonvali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Хон* ва *Вали.*

**Хонгул, Xongul** (◊.,*ўз.-фт.*) — юксак мартабалар эгаси бўлган гулдек гўзал қиз.

**Хондамир, Xondamir** (*ўз.-фт.*) — Асли Ховандамир, яъни Аллоҳ (Худованд, Ованд) ҳукмрондир, йўлбошчидир ёки Аллоҳ олқишлаган ҳукмрон (амир).

**Хондон, Хондоной, Xondon** (◊.,*фт.*) — хушчақчақ, қувноқ, бахтиёр.

**Хонжамол, Xonjamol** (◊.,*ўз.-ар.*) — юксак мартабали зебо қиз ёки гўзалларнинг гўзали, зеболарнинг зебоси.

**Хонжаҳон, Xonjahon** (*ўз.-фт.*) — олам подшоҳи, дунё ҳукмдори.

**Хонжон, Xonjon** (*ўз.-фт.*) — юксак мартабали ҳамда суюкли, жондек азиз бола.

**Хонзафар, Xonzafar** (*ўз.-ар.*) — енгилмас, ғолиб ҳукмдор, ғолиблик хони.

**Хонзода, Xonzoda** (◊.,*ўз.-фт.*) — айнан: хоннинг, ҳукмдорнинг қизи; олий насаб, аслзодалар авлодига мансуб қиз.

**Хонигул, Xoniqul** (◊.,*ўз.-фт.*) — олий насаб, аслзода, гулдек гўзал қиз.

**Хоним, Xonim** (◊.,*ўз.*) — бека, ойим, малика; ҳукмдор аёл; хонлар авлодига мансуб қиз.

**Хонима, Xonima** (◊.,*ўз.-ар.*) — *қар. Хоним* (Хоним+а).

**Хонимгул, Xonimqul** (◊.,*ўз.-фт.*) — юксак мартабали ва гулдек гўзал қиз.

**Хонимжон, Xonimjon** (◊.,*ўз.-фт.*) — юксак мартабали ҳамда суюкли, жондек азиз қиз.

**Хонимзар, Xonimzar** (◊.,*ўз.-фт.*) — юксак мартабали ва олтиндек қимматли қиз.

**Хонимноз, Xonimnoz** (◊.,*ўз.-фт.*) — юксак мартабали нозли, нозик қиз.

**Хонимой, Xonimoy** (◊.,*ўз.*) — юксак мартабали ва ойдек гўзал қиз.

**Хонимхўжа, Xonimxo'ja** (*ўз.-фт.*) — Хоним — *Хонмуҳаммад, Хонмирза* исмларининг эқ. шакли.

**Хонимқиз, Xonimqiz** (*ўз.*) — юксак мартабали ва аслзодалар наслидан бўлган қиз.

**Хонимқул, Xonimqul** (*ўз.*) — *қар. Хоним* (Хоним+қул.) ёки "хон" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Хониш, Xonish** (◊.,*фт.*) — "хон" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (*Хонзода, Хоннисо*) нинг эқ. шакли ёки ёддан ўқувчи, қироат қилувчи; куйловчи, қувноқ қиз.

**Хонкел, Xonkel** (*ўз.*) — *қар. Хонкелди.*

**Хонкелди, Xonkeldi** (*ўз.*) — Аллоҳ берган юксак мартабали ўғил.

**Хонлар, Xonlar** (*ўз.*) — хонларнинг хони, энг юксак хон.

**Хонмамат, Xonmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Хонмуҳаммад.*

**Хонмат, Xonmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Хонмуҳаммад.*

**Хонменгли, Xonmengli** (*ўз.*) -- холи б-н туғилган юксак мартабали бола.

**Хонмирза, Xonmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Хон* ва *Мирза.*

**Хонмурод, Xonmurod** (*ўз.-ар.*) — юксак мартабали ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Хонмуҳаммад, Xonmuhammad** (*ўз.-ар.*) — юксак мартабали ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Хонназар, Xonnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг муруввати (назари) туфайли эришилган юксак мартабали бола.

**Хонниёз, Xonniyoz** (*ўз.-фт.*) — ўтиниб, сўраб олинган бола улғайиб юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Хоннон, Xonnon** (*ар.*) — *қар. Ханнон.*

**Хонойим, Xonoyim** (*ўз.*) — юксак мартабали ва эъзозга муносиб қиз ёки хонлар, аслзодалар наслига мансуб қиз.

**Хонпошша, Xonposhsha** ( ◊ .,*ўз.-фт.*) — юксак мартабали ва ҳурматли, эъзозли қиз.

**Хонпўлат, Xonpo'lat** (*ўз.-фт.*) — пўлатдек мустаҳкам бола улғайиб юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Хонсаид, Xonsaid** (*ўз.-ар.*) — юксак мартаба ва эъзозга муносиб ҳамда бахтли, саодатли бола.

**Хонсафар, Xonsafar** (*ўз.-ар.*) — сафар ойида ёки сафар чоғида туғилган бола.

**Хонсевар, Xonsevar** (*ўз.*) — юксак мартабага муносиб ҳамда суюкли азиз бола.

**Хонсоат, Xonsoat** (*ўз.-ар.*) — бахтли соатда туғилган ўғил юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Хонсоибхон, Xonsoibxon** ( ◊ .,*ўз.-ар.*) — *қар. Хон* ва *Соиб, Соҳиб.*

**Хонсора, Xonsora** ( ◊ .,*ўз.-қад.яҳ.*) — *қар. Хон* ва *Сора.*

**Хонсувар, Xonsuvar** (*ўз.-ар.*) — хонга ўхшаш, хонсифат бола.

**Хонсултон, Xonsulton** (*ўз.-ар.*) — ҳам хон, ҳам султонлардек юксак мартабаларга муносиб бола ёки *қар. Хон* ва *Султон.*

**Хонсулув, Xonsuluv** ( ◊ .,*ўз.*) — баланд мартабали ва гўзал қиз ёки гўзалларнинг сардори, гўзалларнинг гўзали.

**Хонталъат, Xontal'at** ( ◊ .,*ўз.-ар.*) — хонлардек салобатли, келишган бола ёки *қар. Хон* ва *Талъат.*

**Хонтемир, Xontemir** (*ўз.*) — баланд мартабали ўғил темирдек мустаҳкам бўлсин.

**Хонтилла, Xontilla** ( ◊ .,*ўз.-фт.*) — олтиндек қимматли қиз улғайиб улуғ мартаба, эъзозлар соҳиби бўлсин.

**Хонтой, Xontoy** (*ўз.*) — суюкли, эркатой (тойлоқ) ўғил улғайиб юксак мартабалар эгаси бўлсин.

**Хонтурди, Xonturdi** (*ўз.*) — улуғ мартабаларга лойиқ ўғил турсин, яшасин.

**Хонтурсин, Xontursin** (*ўз.*) — юксак мартабаларга муносиб ўғил омон турсин, умри узоқ бўлсин.

**Хонтўра, Xonto'ra** (*ўз.*) — *қар. Хон* ва *Тўра.*

**Хонхўжа, Xonxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола улғайиб юксак мартаба ва эъзозларга эришсин.

**Хонча, Xoncha** (*ўз.*) — кичик, кенжа хон, ҳукмрон.

**Хончаққон, Xonchaqqon** (*ўз.*) — эпчил, чаққон бола улғайиб юксак мартабаларга эришсин.

**Хончучук, Xonchuchuk** (◊ *.,ўз.*) — ёқимли, ширин қиз улғайиб юксак мартаба соҳиби бўлсин.

**Хонқул, Xonqul** (*ўз.*) — хоннинг, ҳукмдорнинг қули ёки Аллоҳнинг юксак мартаба ва эъзозга сазовор бандаси (қули).

**Хоркаш, Xorkash** (*фт.*) — ёнтоқ, ўтин терувчи, чақалоқни ёмон кўзлардан асраш учун шундай ном берилади.

**Хос, Xos** (◊ *.,ар.*) — ўзига хос, такрорланмас; тенгсиз ёки юқори табақа авлодга мансуб қиз.

**Хосия, Xosiya** (◊ *.,ар.*) — тенгсиз, беназир, бебаҳо қиз.

**Хосият, Xosiyat** (◊ *.,ар.*) — яхши сифатлар, фазилатлар эгаси.

**Хоспўлат, Xospo'lat** (*ар.-фт.*) — юқори навли пўлатдек маҳкам, мустаҳкам. Сол.: *Хаспўлат.*

**Хотима, Xotima** (◊ *.,ар.*) — қиз туғилишининг охири, хотимаси, яъни навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Хотира, Xotira** (◊ *.,ар.*) — онасидан ёдгор, эсдалик бўлиб қолган қиз ёки хатир — улкан, улуғ қиз.

**Хотиф, Xotif** (◊ *.,ар.*) — кўзни қамаштирувчи, ҳушни кеткарувчи, яъни жуда гўзал қиз.

**Хофият, Xofiyat** (◊ *.,ар.*) — сирли, пинҳон, яширин.

**Хоқон, Xoqon** (*ўз.*) — ҳукмрон, шоҳлар шоҳи; буюк подшоҳ, шаҳаншоҳ.

**Хоҳлаб, Xohlab** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хоҳлабберди.*

**Хоҳлабберди, Xohlabberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ рози бўлиб ато қилган бола.

**Хуббим, Xubbim** (*фт.*) — ёқимтой, яхши, чиройли.

**Хуббимжамол, Xubbimjamol** (◊ *.,фт.-ар.*) — соҳибжамол, чиройли қиз.

**Хуббимқул, Xubbimqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг мақбул, эъзозли бандаси, қули.

**Хубжамол, Xubjamol** (◊ *.,фт.-ар.*) — ниҳоятда гўзал қиз; гўзалларнинг гўзали, соҳибжамол.

**Хублар, Xublar** (◊ *.,фт.*) — энг чиройли қиз.

**Хубнигор, Xubnigor** (◊ *.,фт.*) — гўзал, очиқ чеҳрали, ёқимли қиз.

**Хубрўй, Xubro'y** (◊ *.,фт.*) — чиройли, жозибали, зебо қиз.

**Хубулла, Xubulla** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг яхши фазилатли, гўзал бандаси ёки Аллоҳ берган чиройли ўғил.

**Хубчеҳра, Xubchehra** (◊ *.,фт.*) — чиройли юзли, гўзал ҳусн соҳиби.

**Худиста, Xudista** (◇.,*фт.*) — омадли, бахтли, саодатманд. *Қар. Хужаста.*

**Худобахш, Xudobaxsh** (*фт.*) — Аллоҳ бахшида этган, Аллоҳнинг ҳиммати, эҳсони бўлган бола.

**Худоберди, Xudoberdi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Худойберди.*

**Худованд, Худованда, Xudovand** (*фт.*) — Аллоҳ, Тангри, ҳоким, эга; улуғ, муқаддас.

**Худодод, Xudodod** (*фт.*) — *қар. Худойдод.*

**Худоёр, Xudoyor** (*фт.*) — Аллоҳ ёр бўладиган, қўллайдиган бола.

**Худойбахш, Xudoybaxsh** (*фт.*) — Аллоҳ ато қилган, яратган бола. Аллоҳнинг марҳамати, туҳфаси.

**Худойберган, Xudoybergan** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган, туҳфа қилган бола.

**Худойберди, Xudoyberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилди; Аллоҳнинг марҳамати, туҳфаси.

**Худойбоқ, Xudoyboq** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг назари тушган ёки Эҳт.: Худойбахт — Аллоҳ берган бахт, омад.

**Худойдод, Xudoydod** (*фт.*) — Аллоҳ берган бола, Аллоҳнинг туҳфаси.

**Худойёр, Xudoyyor** (*фт.*) — *қар. Худоёр.*

**Худоймурод, Xudoymurod** (*фт.-ар.*) — Аллоҳ етказган орзу, армон.

**Худойназар, Xudoynazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти (назари) тушиб эришилган бола.

**Худойниёз, Xudoyniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан илтижолар қилиб сўраб олинган бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Худойнур, Xudoynur** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг назари (нури), қудратидан пайдо бўлган бола ёки Аллоҳ берган қут, бахт.

**Худойшукур, Xudoyshukur** (*фт.-ар.*) — фарзанд учун Аллоҳдан миннатдормиз, унга шукуроналар айтамиз.

**Худойқул, Xudoyqul** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Худон, Xudon** (*фт.*) — Аллоҳга сиғинувчи, бўйсинувчи ёки *Худойназар* (*қар.*).

**Худоназар, Xudonazar** (*фт.-ар.*) — *қар. Худойназар.*

**Худоқули, Xudoquli** (*фт.-ўз.*) — *қар. Худойқул.*

**Хужаста, Xujasta** (◇.,*фт.*) — бахтли, хушбахт; қутлуғ, муборак, эъзозли.

**Хулоса, Хулосахон, Xulosa** (◇.,*ар.*) — оиладаги сўнгги фарзанд ёки бу бола ҳадеб қиз туғилишининг охири (хулосаси) бўлсин.

**Хумайра, Xumayra** (◇.,*ар.*) — *қар. Ҳумайра.*

**Хумор, Хумора, Xumor** (◇.,*ар.*) — орзу, армон қилиб, муштоқ бўлиб юриб эришилган қиз. Шакллари: *Хуморжон, Хуморбиби, Хуморой, Хуморгул, Хуморхон.*

**Хуморгул, Xumorgul** (◇.,*ар.-фт.*) — орзу-армон қилиб қўмсаб юриб эришилган гулдек гўзал қиз.

**Хуморой, Xumoroy** (◊.,*ар.-ўз.*) — орзу, армон қилиб, зор бўлиб юриб эришилган ойдек сулув қиз.

**Хурдак, Xurdak** (*фт.*) — жажжи, кичик, кенжа бола.

**Хурдод, Xurdod** (*фт.*) — қуёш (офтоб) бахш этган бола қуёш фарзанди.

**Хуриш, Хуришбой, Xurish** (*фт.*) — "хур" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Хуррам, Хуррамтош) эқ. шакли.

**Хурмо, Xurmo** (◊.,*фт.*) — хурмодек ширин ва яшнаган қиз бўлсин. Хурмо хосиятли дарахт ҳисобланади.

**Хуромон, Хиромон Xuromon** (◊.,*фт.*) — чиройли, нозли қадам ташлайдиган, солланиб юрувчи қиз. *қар. Хиромон.*

**Хуррам, Xurram** (*фт.*) — шод, хурсанд, қувноқ; бахтли, бахтиёр. Шакллари: *Хуррамбек, Хуррамбой, Хуррамгул, Хуррамжон, Хуррамой, Хуррамхон.*

**Хуррамбек, Xurrambek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб шодон, бахтиёр бола.

**Хуррамгул, Xurramqul** (◊.,*фт.*) — шодон, бахтиёр ва гулдек гўзал қиз.

**Хурраммирза, Xurrammirza** (*фт.*) — шодон, бахтли бола улғайиб ўқимишли, келишган йигит бўлсин.

**Хуррамтош, Xurramtosh** (*фт.-ўз.*) — шодон, бахтиёр ҳамда тошдек мустаҳкам бола.

**Хуррамхўжа, Xurramxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола қувноқ, бахтли бўлиб юрсин.

**Хуррамшо, Xurramsho** (*фт.*) — *қар. Хуррам* ва *Шо* (ҳ).

**Хуррамқул, Xurramqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг қувноқ, бахтиёр бандаси, қули.

**Хурсанд, Xursand** (*фт.*) — шод, қувноқ, бахтиёр. Шакллари: *Хурсандбек, Хурсандбиби, Хурсандгул, Хурсандой, Хурсандхон.*

**Хурсандали, Xursandali** (*фт.-ар.*) — шодон, бахтиёр бўлиб ўссин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Хурсандбиби, Xursandbibi** (◊.,*фт.-ҳинд.*) — қувноқ, шодон қиз.

**Хурсандгул, Xursandqul** (◊.,*фт.*) — шодон, бахтиёр ва гулдек гўзал қиз.

**Хурсандтош, Xursandtosh** (*фт.-ўз.*) — қувноқ, шодон ҳамда тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Хурсандхўжа, Xursandxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган қувноқ, бахтиёр бола.

**Хурсандқул, Xursandqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг ўз тақдиридан мамнун, шодон, бахтиёр бандаси.

**Хуршид, Xurshid** (*фт.*) — қуёш (офтоб); ғоят гўзал ёҳуд жозибали, иқболи баланд бола.

**Хуршида, Xurshida** (◊.,*фт.*) — қуёшдек зебо, офтобмонанд қиз, қуёш фарзанди.

**Хуршидмомо, Xurshidmomo** (◇.,*фт.-ўз.*) — бувисининг исми берилган қиз.

**Хуршидхон, Xurshidxon** (◇.,*фт.-ўз.*) — қуёшмонанд, баланд мартабали қиз.

**Хусров, Xusrov** (*фт.*) — шонли, шавкатли: номдор; подшоҳ, ҳукумдор ёки таскин берувчи; шод, хурсанд.

**Хушали, Xushali** (*фт.-ар.*) — чиройли, гўзал ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Хушандом, Xushandom** (◇.,*фт.*) — келишган гавдали, чиройли хушқомад бола.

**Хушбарно, Xushbarno** (◇.,*фт.*) — ўта гўзал, тенгсиз чирой соҳиби.

**Хушбархон, Xushbarxon** (◇.,*фт.*) — ёқимли, мулойим, назокатли қиз.

**Хушбахт, Xushbaxt** (*ар.-фт.*) — бахтли, бахтиёр, саодатманд.

**Хушбек, Xushbek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб, муносиб бола.

**Хушбека, Xushbeka** (◇.,*фт.-ўз.*) — мақбул, суюкли ҳамда юксак мартаба соҳиби.

**Хушбин, Xushbin** (◇.,*фт.*) — яхшиликка, эзгуликка умид қилувчи, умидвор, руҳи баланд қиз.

**Хушбоқ, Xushboq** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хушвақт.*

**Хушвақт, Xushvaqt** (*фт.-ар.*) — шодон, бахтиёр, қувноқ бола ёки яхши пайт, қутлуғ кунда туғилган бола.

**Хушгул, Xushqul** (◇.,*фт.*) — гулдек гўзал, ёқимли, чиройли қиз.

**Хушдавр, Xushdavr** (◇.,*фт.-ар.*) — қутлуғ давр, бахтли замон фарзанди.

**Хушдил, Xushdil** (*фт.*) — шодон, қувноқ қиз ёки очиқ кўнгил, дилкаш қиз.

**Хушёрқул, Xushyorqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг зийрак, аҳлли, зукко бандаси.

**Хушжамол, Xushjamol** (◇.,*фт.-ар.*) — чиройли ҳусн соҳиби.

**Хушим, Xushim** (*фт.-ар.*) — "хуш" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Хушкелди, Хушмурод, Хушмуҳаммад) эқ. шакли.

**Хушимбек, Xushimbek** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хушим* (Хушим+бек).

**Хушкелди, Xushkeldi** (*фт.-ўз.*) — бахтли, омадли ўғил туғилди (келди.)

**Хушкет, Xushket** (*фт.-ўз.*) — касаллик яхшилик б-н арисин (кетсин), узоқ умрли бўлсин.

**Хушмамат, Xushmamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушмуҳаммад.*

**Хушман, Xushman** (*фт.*) — "хуш" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Хушназар, Хушниёз)нинг эқ. шакли.

**Хушмат, Xushmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушмуҳаммад.*

**Хушменгиз, Xushmengiz** (◊.,*фт.-ўз.*) — ёқимли, хосиятли хол эгаси бўлган қиз.

**Хушминаз, Xushminaz** (*фт.*) — яхши, хулқ, фазилат эгаси.

**Хушмир, Xushmir** (*фт.*) — *қар. Хушмирза.*

**Хушмирза, Xushmirza** (*фт.*) — *қар. Хуш* ва *Мирза.*

**Хушмурод, Xushmurod** (*фт.-ар.*) — яхши, мақбул бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Хушмуҳаммад, Xushmuhammad** (*фт.-ар.*) — мақбул, ёқимтой ўғилни Муҳаммад (сав.) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад (сав). хуш кўрган бола.

**Хушнаво, Xushnavo** (◊.,*фт.*) — ёқимли сўз, гўзал нутқ соҳиби ёки ёқимли оҳанглар чалувчи, уста созанда.

**Хушнавоз, Xushnavoz** (◊.,*фт.*) — ёқимли наволар соҳиби, моҳир чолғувчи, созанда.

**Хушназар, Xushnazar** (*фт.-ар.*) — яхшилик, эзгулик истовчи, ёки Аллоҳнинг илтифоти (назари) туфайли туғилган ёқимли, мақбул бола.

**Хушни, Хушнибой, Xushni** (*фт.*) — Эҳт.: *Хушназар* исмининг эқ. шакли.

**Хушнид, Хушнуд, Xushnid** (*фт.*) — мамнун, хурсанд, шод, фараҳли.

**Хушнида, Xushnida** (◊.,*фт.*) — хурсанд, мамнун, бахтиёр қиз.

**Хушниддин, Xushniddin** (*фт.-ар.*) — диннинг шавқи, завқи ёки диннинг мамнун, бахтиёр ихлосманди.

**Хушниёз, Xushniyoz** (*фт.*) — илтижолар қилиб сўраб олинган бола шодон, бахтиёр бўлсин.

**Хушном, Xushnom** (*фт.*) — номдор, шонли, шуҳратли.

**Хушнор, Xushnor** (*фт.*) — хол (қизил хол) б-н туғилган шодон, бахтиёр бола ёки хосиятли холи бор бола.

**Хушнора, Xushnora** (◊.,*фт.*) — *қар. Хушнор* (Хушнор+а).

**Хушнуд, Xushnud** (*фт.*) — *қар. Хушнид.*

**Хушовоз, Xushovoz** (◊.,*фт.*) — ёқимли, мулойим овозли; одобли, маданиятли. Эҳт.: Хушавоз аввалги турмаган болалар ўрнига келган ёқимтой бола ёки *қар. Хуш* ва *Аваз.*

**Хушомон, Xushomon** (*фт.-ар.*) — шодон, бахтиёр ўғил соғу саломат улғайсин.

**Хушриддин, Xushriddin** (*фт.-ар.*) — эҳт.: *Хушниддин, Хуршиддин* (*қар.*).

**Хушрўй, Xushro'y** (◊.,*фт.*) — чиройли юзли, гўзал чеҳрали қиз; дилкаш, жозибадор қиз.

**Хушсоат, Xushsoat** (*фт.-ар.*) — бахтли, қутлуғ пайтда туғилган бола.

**Хушхабар, Xushxabar** (*фт.-ар.*) — яхши, қутлуғ хабарлар келтирувчи, хосиятли бола.

**Хушхон, Xushxon** (◇.,*фт.*) — ширин тилли, хушшева, хушхушсухан қиз.

**Хушхўжа, Xushxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб шодон, бахтиёр бола.

**Хушқадам, Xushqadam** (*фт.-ар.*) — қадами қутлуғ, бахт омад келтирувчи бола.

**Хушҳол, Xushhol** (*фт.*) — қувноқ, мамнун, шодон, бахтиёр.

**Хўжа, Xo'ja** (*фт.*) — айнан: хўжайин, соҳиб, жаноб; муаллим, устоз. Сол: *Хожа*. Шакллари: *Хўжабой, Хўжабек, Хўжақул, Хўжахон.*

**Хўжааброр, Xo'jaabror** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Аброр.*

**Хўжаавлод, Xo'jaavlod** (*фт.-ар.*) — хўжалар авлодига мансуб бола, хўжазода.

**Хўжаакбар, Xo'jaakbar** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Акбар.*

**Хўжаали, Xo'jaali** (*фт.-ар.*) — хўжалар авлодидан бўлган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Хўжаамин, Xo'jaamin** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Амин.*

**Хўжааҳмад, Xo'jaahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Аҳмад.*

**Хўжааҳрор, Xo'jaahror** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Аҳрор.*

**Хўжабек, Xo'jabek** (*фт.-уз.*) — хўжалар авлодига мансуб баланд мартабали бола.

**Хўжаберган, Xo'jabergan** (*фт.-ўз.*) — хўжа (эшон)нинг туҳфаси.

**Хўжаберди, Xo'jaberdi** (*фт.-уз.*) — хўжа (авлиё, эшон) ато қилган, туҳфа қилган бола.

**Хўжабиби, Xo'jabibi** (◇.,*фт.-ўз.ҳинд.*) — хўжалар авлодига мансуб қиз, хўжазода.

**Хўжабиддин, Xo'jabiddin** (*фт.-ар.*) — Эҳт.: *Хўжамиддин* (*қар.*).

**Хўжаги, Xo'jagi** (*фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бола; аслзода.

**Хўжаёр, Xo'jayor** (*фт.*) — хўжа (эшон) ёр бўлиб, унинг кўмаги б-н эришилган бола.

**Хўжазода, Xo'jazoda** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола, хўжалар фарзанди.

**Хўжак, Xo'jak** (*фт.*) — "хўжа" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Хўжақурбон, Хўжакамол) нинг эқ. шакли.

**Хўжакамол, Xo'jakamol** (*фт.-ар.*) — хўжалар авлодидан бўлган етук, мукаммал бола.

**Хўжакарим, Xo'jakarim** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Карим.*

**Хўжакелди, Xo'jakeldi** (*фт.-уз.*) — хўжалар наслига мансуб аслзода ўғил туғилди.

**Хўжакалон, Xo'jakalon** (*фт.*) — улкан, улуғ хўжаларнинг обрўли, эъзозлиси.

**Хўжам, Хўжамбой, Xo'jam** (*фт.-ар.*) — "хўжа" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Хўжамурод, Хўжамуҳаммад*) эқ. шакли.

**Хўжамамат, Xo'jamamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжамуҳаммад.*

**Хўжамат, Xo'jamat** (*фт.-ар.*) — *Хўжамуҳаммад.*

**Хўжамбек, Xo'jambek** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хўжам* ва *Бек.*

**Хўжамберди, Xo'jamberdi** (*фт.-ўз.*) — хўжа, эшоним ато қилган бола ёки Аллоҳ берган бола.

**Хўжамардон, Xo'jamardon** (*фт.*) — *қар. Хўжа* ва *Мардон.*

**Хўжамёр, Хўжамиёр, Xo'jamyor** (*фт.*) — Аллоҳ ёр бўлувчи, қўллайдиган бола.

**Хўжамирза, Xo'jamirza** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ўғил улғайиб мирзалардек келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Хўжамкелди, Xo'jamkeldi** (*фт.-ўз.*) — хўжалар, аслзодалар авлодидан бўлган бола дунёга келди ёки Аллоҳ (Хўжам) ато қилган бола.

**Хўжамназар, Xo'jamnazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳимнинг муруввати (назари) туфайли эришилган бола ёки хўжам (эшон, пир, авлиё) нинг нафаси (назари) туфайли эришилган бола.

**Хўжамнафас, Xo'jamnafas** (*фт.-ар.*) — хўжам, эшоним (авлиё, пир)нинг қудрати (нафаси) туфайли эришилган бола.

**Хўжамниёз, Xo'jamniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан сўраб, илтижолар қилиб олинган бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Хўжамсаид, Xo'jamsaid** (*фт.-ар.*) — Аллоҳ (хўжам) берган бахт, саодат.

**Хўжаммуҳаммад, Xo'jammuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Муҳаммад.*

**Хўжамурод, Xo'jamurod** (*фт.-ар.*) — хўжа, эшон (авлиёлар) етказган, мақсад.

**Хўжамшукур, Xo'jamshukur** (*фт.-ар.*) — фарзанд учун хўжам (Аллоҳ) га шукроналар қиламиз.

**Хўжамқувват, Xo'jamquvvat** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг кучи, қудрати туфайли эришилган бола.

**Хўжамқул, Xo'jamgul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг, парвардигорнинг бандаси, қули.

**Хўжаназар, Xo'janazar** (*фт.-ар.*) — хўжа (эшон)нинг илтифоти (назари) туфайли эришилган бола.

**Хўжанафас, Xo'janafas** (*фт.-ар.*) — хўжа (эшон) нинг ёрдами илоҳий нафаси туфайли эришилган бола.

**Хўжаниёз, Xo'janiyoz** (*фт.*) — хўжа (эшон, авлиё) лар туҳфаси, эҳсони ёки хўжа (эшон) дан сўраб олинган бола.

**Хўжанур, Xo'janur** (*фт.-ар.*) — хўжа (эшон, авлиё) нинг қувватi, муруввати туфайли эришилган бола ёки *қар. Хўжа* ва *Нур.*

**Хўжараҳмон, Xo'jarahmon** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Раҳмон.*

**Хўжасаид, Xo'jasaid** (*фт.-ар.*) — хўжаларнинг бахтли, толеи баланд фарзанди ёки эшонзодаларнинг бахтли, омадлиси.

**Хўжасоат, Xo'jasoat** (*фт.-ар.*) — хўжаларнинг бахтли, қутлуғ пайтда туғилган фарзанди.

**Хўжасобир, Xo'jasobir** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Собир.*

**Хўжасултон, Xo'jasulton** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Султон.*

**Хўжат, Xo'jat** (*фт.*) — "хўжа" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Хўжатилла, Xo'jatilla** (*фт.*) — азиз, эъзозли хўжа; хўжаларнинг улуғи, мўътабари.

**Хўжатой, Xo'jatoy** (*фт.-ўз.*) — хўжалар авлодидан бўлган суюкли эркатой бола.

**Хўжатурди, Xo'jaturdi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хўжа* ва *Турди* ёки *Турдихўжа.*

**Хўжатурсун, Xo'jatursun** (*фт.-ўз.*) — *қар. Хўжа* ва *Турсун* ёки *Турсунхўжа.*

**Хўжахон, Xo'jaxon** (*фт.-ўз.*) — хўжалар, сайидларнинг саркори ёки *қар. Хўжа* (Хўжа+хон).

**Хўжақул, Xo'jaqul** (*фт.-ўз.*) — хўжанинг, ҳукмдорнинг қули ёки Аллоҳнинг, парвардигорнинг қули.

**Хўжақурбон, Xo'jaqurbon** (*фт.-ар.*) — хўжалар авлодига мансуб ва қурбон ойида туғилган бола.

**Хўжаҳасан, Xo'jahasan** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Ҳасан.*

**Хўжаҳофиз, Xo'jahofiz** (*фт.-ар.*) — *қар. Хўжа* ва *Ҳофиз.*

**Хўроз, Хўрозбой, Xo'roz** (*фт.*) — баданида қизил хол б-н туғилган бола.

**Хўрозхол, Xo'rosxol** (◊.,*фт.*) — қизил холли қиз.

**Хўшан, Xo'shan** (*фт.*) — "хуш" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Хушназар, Хушниёз*) эқ. шакли.

# Ч

**Чавандоз, Chavandoz** (*фт.*) — отда яхши чопувчи, эпчил, чавандоз йигит бўлсин.

**Чавкар, Chavkar** (*ўз.*) — чавкар отдек чаққон, бақувват йигит бўлсин ёки йилқилари мўл, бой-бадавлат бўлсин.

**Чайир, Чайирбой, Chayir** (*ўз.*) — мустаҳкам, маҳкам, тўзимли (чайир)

**Чакан, Chakan** (*ўз.*) — кўк, мовий кўзли бола ёки чакан-чўкич (болтадек) мустаҳкам.

**Чалаби, Чалабий, Chalabi** (*ўз.*) — Аллоҳ, тангри ато қилган бола ёки шаҳзода, ҳукмрон, хўжа.

**Чалабой, Chalaboy** (*ўз.*) — муддатига етмасдан чала туғилган бола.

**Чаламурод, Chalamurod** (*ўз.+ар.*) — муддатидан аввал туғилган бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Чаман, Chaman** (◊.,*фт.*) — ҳаёти гулзор, ўтлоқдек яшноқ бўлсин ёки кўркам, зебо қиз ёхуд чаманд – ўжар, қайсар бола. Шакллари: *Чаманбиби, Чамангул, Чаманой, Чаманхон.*

**Чаманбек, Чаманбой, Chamanbek** (*фт.-ўз.*) — ҳаёти гулзордек яшнаган, бахтиёр бўлсин ёки илк баҳорда туғилган бола.

**Чаманбиби, Chamanbibi** (◊.,*фт.-ўз.<ҳинд*) — ҳаёти чамандек яшнаган, бахтиёр бола.

**Чаманбуви, Chamanbuvi** (◊.,*фт.-ўз.*) — гўзал, соҳибжамол қиз.

**Чамангул, Chamanqul** (◊.,*фт.*) — гуллар чаманидек зебо қиз, чаманзордек яшноқ, гўзал қиз.

**Чаманмурод, Chamanmurod** (*фт.-ар.*) — *қар. Чаман* ва *Мурод.*

**Чарос, Чаросхон, Charos** (◊.,*ўз.*) — катта қора кўзли қиз, кўзлари чаросдек чиройли қиз.

**Чархибой, Charxiboy** (*фт.*) — чархдек мустаҳкам ва ҳаракатда бўлсин ёки жаҳон, олам фарзанди.

**Чархимурод, Charximurod** (*фт.-ар.*) — *қар. Чархи* ва *Мурод.*

**Чарқин // Чархин, Charqin** (*ўз.*) — Чархин (туман номи) фарзанди, Чархинда туғилган.

**Чашма, Chashma** (◊.,*фт.*) — ҳаёти булоқ сувидек мустафо ҳамда давомли бўлсин. Шакллари: *Чашмагул, Чашмахон.*

**Чақабой, Chaqaboy** (*ўз.*) — кичик, кенжа бола ёки чақа (танга пул) дек қимматли ҳамда мустаҳкам.

**Чақирбой, Chaqirboy** (*ўз.*) — ўткир, кескир, мустаҳкам. Туркманларда чақир (уруғ) фарзанди.

**Чақмоқ, Chaqmoq** (*ўз.*) — қаттиқ яшин (чақмоқ) пайтида туғилган бола. Шакллари: *Чақмоқдек, Чақмоқбой.*

**Чаққон, Чаққонбой, Chaqqon** (*ўз.*) — илдам, ҳаракатчан, тезкор, ғайратли.

**Чаққонбўл, Chaqqonbo'l** (*ўз.*) — илдам, ҳаракатчан, меҳнаткаш, толмас.

**Чаққонмурод, Chaqqonmurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Чаққон* ва *Мурод.*

**Чағабой, Chag'aboy** (*ўз.*) — бола, болача, норасида (?)

**Чағатой, Chag'atoy** (*ўз.*) — *қар. Чиғатой.*

**Чағир, Чағирбой, Chag'ir** (*ўз.*) — шағал, майда тошдек мустаҳкам бўлсин ёки чағир уруғи (қўнғирот қабиласи таркибида) га мансуб бола, ёхуд чағир кўзли, кулранг кўзли бола.

**Чағона, Chag'ona** (◊.,*фт.*) — хушовоз, ширинтил, хушкалом; ёқимтой дилкаш қиз.

**Чағри, Chag'ri** (*ўз.*) — лочиндек зийрак, бақувват бўлсин. Шакллари: *Чағрибек, Чағрибой.*

**Чевар, Чеварxон, Chevar** (◊.,*ўз.*) — моҳир тўқувчи ёки тикувчи; қўли гул қиз.

**Чегабой, Chegaboy** (*ўз.*) — михдек мустаҳкам, маҳкам бўлсин, ўлмасин.

**Чекабой, Chekaboy** (*ўз.*) — *қар. Чегабой.*

**Чекбой, Chekboy** (*ўз.*) — боғланган, уланган; туташган, яъни маҳкам, мустаҳкам.

**Чекмирза, Chekmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Чекбой.*

**Червон, Червоной, Chervon** (◊.,*рус.*) — қимматли, азиз, топилмас, ноёб.

**Черикбой, Cherikboy** (*ўз.<қад.т.*) — қўшин, лашкар, аскар. Ҳарбий юришлар пайтида туғилган бола ёки кучли, қудратли, чидамли.

**Черикбош, Cherikbosh** (*ўз.*) — қўшин, лашкар бошлиғи; қўмондон, лашкарбоши.

**Чечак, Chechak** (◊.,*ўз.*) — гул, майса; гўзал, зебо, соҳибжамол Шакллари: *Чечакгул, Чечакой.*

**Чечакой, Chechakoy** (◊.,*ўз.*) — гулдек зебо ва ойдек сулув қиз.

**Чечан, Chechan** (*ўз.*) — сўзамол, чаққон, уддабурон ёки нотиқ, ширинтил.

**Чеҳра, Chehra** (◊.,*фт.*) — юз, жамол, кўрк; асли *Гулчеҳра* (*қар.*)

**Чеҳрагул, Chehragul** (◊.,*фт.*) — гулюзли; чиройли, гўзал қиз.

**Чеҳразод, Chehrazod** (*фт.*) — тоза насл фарзанди, аслзода ёки гўзал, зебо.

**Чеҳрашод, Chehrashod** (◊.,*фт.*) — юзлари кулиб турган қиз; шодон, бахтиёр.

**Чил, Чилбой, Chil** (*ўз.*) — кулранг каклик ёки булдуруқ.

**Чилан, Чиланбой, Chilan** (*фт.*) — эҳт.: *Чиланган* (*қар.*) ёки *қар. Чилон.*

**Чилангар, Chilangar** (*фт.*) — темирчи, уста.

**Чилла, Chilla** (◊.,*фт.*) — чилла пайти (40 кунлик иччиқ ёки совуқ) да туғилган бола ёки чилла — камон ипидек маҳкам, мустаҳкам бола. Шакллари: *Чиллахон.*

**Чилмамат, Chilmamat** (*ўз.-ар.*) — "чил" сўзи б-н бошланган баъзи исмларнинг эқ. шакли.

**Чилмат, Chilmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Чилмуҳаммад.*

**Чилон, Chilon** (*фт.*) — чилон (челон) дарахти, чилонжийдадек мустаҳкам. *Эҳт.: Чилангар* (*қар.*)

**Чилтон, Chilton** (*фт.*) — қирқта ажралмас руҳ, арвоҳ ёки мустаҳкам чидамли, иродали.

**Чимбой, Chimboy** (*ўз.*) — чим (соз, ажриқзор) дек маҳкам, мустаҳкам бола ёки тўсилган, ҳимояланган ёҳуд чимбой уруғига мансуб бола. Эҳт.: *Чинбой* (*қар.*)

**Чимбуви, Chimbuvi** (◊.,*ўз.*) — чим (ажриқзор) дек маҳкам; тўсилган, ҳимояга олинган қиз.

**Чимил, Чимилхон, Chimil** (◊.,*ўз.*) — эҳт.: чимил // чимир — пишиқ, пухта; босиқ, вазмин.

**Чимирбой, Chimirboy** (*ўз.*) — дадил, эпчил, ўткир, топағон ёки пишиқ, пухта.

**Чимкент, Чимканбой, Chimkent** (*ўз.<суғ.*) — Чимкент шаҳри номига нисбатан берилган исм.

**Чиммат, Chimmat** (*фт.*) — тўсилган, яширилган, ҳимоя қилинган. Эҳт.: *Чинмат* < *Чинмуҳаммад* (*қар.*)

**Чимматой, Chimmatoy** (◊.,*фт.-ўз.*) — беркилган, яширилган, ҳимояланган, дахлсиз қиз.

**Чинакой, Chinakoy** (◊.,*фт.*) — пахта териш мавсумида туғилган ойдек сулув қиз.

**Чинали, Chinali** (*ўз.-ар.*) — тўғри, ҳалол, адолатли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин ёки жингалак сочли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Чинберди, Chinberdi** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ — рост, чин қилиб берган, умри узоқ бола.

**Чинбой, Chinboy** (*ўз.*) — тўғри, ростгўй, адолатли бола ёки *қар. Чимбой.*

**Чингиз, Chingiz** (*мўғ.*) — буюк, қудратли. Машҳур жаҳонгир Чингизхон (1227 йили вафот этган) номига нисбат берилган исм.

**Чингизхон, Chingizxon** (*мўғ.*) — буюк, қудратли хон. *қар. Чингиз.*

**Чиндавлат, Chindavlat** (*ўз.*) — умрини ростакам узоқ қилиб берилган бойлик, яъни бола.

**Чиндахол, Chindaxol** (◊.,*фт.*) — боғланган, турмакланган, маҳкамланган ва холдор қиз.

**Чинди, Chindi** (◊.,*фт.*) — жингалак, турмакланган сочли қиз.

**Чиндиёр, Chindiyor** (*ўз.-фт.*) — ўлканинг рост, ҳақиқий, яъни умрини узоқ қилиб берилган фарзанди.

**Чинжамол, Chinjamol** (◊.,*фт.-ар.*) — чиройли, соҳибжамол қиз.

**Чинжигит, Chinjigit** (*ўз.*) — рост, ҳақиқий, умри б-н берилган ўғил улғайиб ростгўй йигит бўлсин ёки жингалак сочли.

**Чинитош, Chinitosh** (*фт.-ўз.*) — пок, покиза ва тошдек маҳкам бола.

**Чиниқул, Chiniqul** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг покиза, озода, бегуноҳ бандаси.

**Чинйигит, Chinyigit** (*ўз.*) — умрини тўлиқ, рост қилиб берилган бола ёки улғайиб ҳақиқий йигит бўлсин.

**Чинмирза, Chinmirza** (*ўз.-фт.*) — умри ҳаққоний, тўлиқ қилиб берилган бола улғайиб мирзалардек йигит бўлсин.

**Чинмурод, Chinmurod** (*ўз.-ар.*) — ростдан исталган, орзу қилинган, қўмсаб кутилган бола.

**Чинмуҳаммад, Chinmuhammad** (*ўз.-ар.*) — умрини тўлиқ, рост қилиб берилган ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Чинни, Chinni** (*фт.*) — покиза, озода ёки қулоқлари кичкина бўлиб туғилган бола ёҳуд умрини рост, узоқ қилиб берилган бола. Эҳт.: *Чиннигул* (*қар.*) Шакллари: *Чиннибек, Чиннибой, Чиннихон.*

**Чиннибаҳор, Chinnibahor** (◊.,*фт.,ўз.*) — *қар. Чинни* ва *Баҳор.*

**Чиннигул, Chinnigul** (◊.,*фт.-ўз.*) — чиннигулдек гўзал, ёқимтой қиз.

**Чиннипошша, Chinniposhsha** (◊.,*фт.*) — чиннигулдек зебо ва баланд мартабали қиз.

**Чиннихол, Chinnixol** (◊.,*фт.*) — қулоқлари кичкина бўлиб ёки жингалак сочли бўлиб туғилган бола.

**Чинниқул, Chinnigul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Чинни* (Чинни+қул).

**Чиноз, Chinoz** (*фт.-ўз.*) — Чинозда ёки Чинозни зиёрат қилгач туғилган бола ёхуд чиноз уруғига мансуб бола.

**Чинор, Chinor** (*фт.*) — чинордек басавлат ва умри узоқ бўлсин ёки суянчиқ, кўмакчи бола. Шакллари: *Чинорбой, Чинoржон.*

**Чинора, Chinora** (◊.,*фт.*) — чинордек умри узоқ қиз.

**Чинорберди, Chinorberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ чинордек узоқ умрли бола ато қилди ёки Аллоҳ берган ва чинор каби умри узоқ бола.

**Чинорбиби, Chinorbibi** (◊.,*фт.-ўз.*< *ҳинд.*) — умри чинордек узоқ бўлсин.

**Чиноргул, Chinorgul** (◊.,*фт.*) — чинор каби узоқ умрли ва гулдек гўзал қиз.

**Чиноқ, Chinoq** (*ўз.*) — қулоғи кемтик ёки буришиқ бўлиб ёхуд қулоғи кичкина бўлиб туғилган бола.

**Чинпўлат, Chinpo'lat** (*ўз.-фт.*) — ҳақиқий, соф пўлатдек мустаҳкам бола ёки умри тўлиқ қилиб берилган пўлатдек мустаҳкам бола.

**Чинсулув, Chinsuluv** (◊.,*ўз.*) — жингалак сочли ёки умрини тўлиқ, рост қилиб берилган гўзал қиз.

**Чинтемир, Chintemir** (*ўз.*) — умри тўлиқ қилиб берилган темирдек мустаҳкам бола.

**Чинтерак, Chinterak** (*ўз.*) — тўғри ўсган терак.

**Чинтой, Chintoy** (*ўз.*) — умри тўлиқ, рост қилиб берилган суюкли, эркатой бола.

**Чинтурди, Chinturdi** (*ўз.*) — умри тўлиқ қилиб берилган ўғил яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Чинтурсун, Chintursin** (*ўз.*) — умри тўлиқ қилиб берилган бола турсин, яшасин.

**Чинхўжа, Chinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — умри рост, тўлиқ қилиб берилган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Чинча, Chincha** (*ўз.*) — умри узоқ кенжа, жажжи бола.

**Чинқора, Chinqora** (*ўз.*) — умрини тўлиқ қилиб берилган кучли, қудратли бола.

**Чинқул, Chinqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг умри узоқ бандаси.

**Чирбону, Chirbonu** (◊.,*фт.*) — ғолиб, музаффар, баҳодир, паҳлавон.

**Чирвон, Chirvon** (◊.,*фт.*) — *қар. Чирбону.*

**Чирмал, Chirmal** (◊.,*ўз.*) — оиладагиларга чирмашиб, боғланиб қолсин, ўлмасин. Сол.: *Чирмаш.*

**Чирмаш, Chirmash** (*ўз.*) — оиладагиларга яқинлашгин, боғланиб, чирмашиб олгин, яъни соғ бўлгин. Шакллари: *Чирмашбой, Чирмашхон.*

**Чирой, Chiroy** (◊.,*фт.*) — гўзаллик, кўркамлик, ғўзал чеҳрали, соҳибжамол.

**Чиройгул, Chiroygul** (◊.,*фт.*) — гўзал чеҳрали қиз, соҳибжамол, гулюз қиз.

**Чиройхол, Chiroyxol** (◊.,*фт.*) — хол б-н туғилган гўзал, соҳибжамол қиз.

**Чироқ, Chiroq** (*фт.*) — ҳаёти ёруғ, нурли бўлсин ёки орзу қилинган бола.

**Чироғали, Chirog'ali** (*фт.-ар.*) — Алининг илтифоти, нури туфайли топилган бола.

**Читбой, Chitboy** (*ўз.*) — нозик табиат, нозик табиатли бола.

**Чиғатой, Chigatoy** (*ўз.<муғ.*) — айнан: бола ёки жасур, ботир, номусчан. Бу ном Чингизхоннинг иккинчи ўғли исми бўлган.

**Човдир, Човдур, Chovdir** (*ўз.*) — айнан: овоза, яъни машҳур, таниқли ёки човдир (туркман уруғи)лар орасида туғилган.

**Чодир, Chodir** (*фт.*) — капада туғилган бола ёки пардали бўлиб туғилган бола. *Сол: Пардабой.*

**Чойгул, Choygul** (◊.,*ҳинд.-фт.*) — чойнинг гулидек гўзал, ёқимли қиз. Эҳт. *Чиройгул* (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Чокар, Chokar** (*фт.*) — хизматкор; навкар ёки ёввош, одобли, мўмин-қобил.

**Чолбой, Cholboy** (*ўз.*) — бувасининг номи берилган бола ёки бурул от (кўкиш, холдор от) дек бақувват бўлсин ёхуд тукли бўлиб туғилган бола.

**Чопарбой, Choparboy** (*ўз.*) — улғайиб чопқиллаб юрсин ёки яхши дараклар келтирувчи, қутли бола бўлсин.

**Чор, Чорбой, Chor** (*фт.*) — оиладаги тўртинчи ўғил (фарзанд) ёки кирли, ифлос, ёмон бола. Кейинги маънода исм болани ёмон кўзлардан асраш ниятида қўйилади. Шакллари: *Чорбой, Чортой.*

**Чоргул, Chorgul** (◊.,*фт.*) — оиладаги тўртинчи қиз ёки нопок, ёмон қиз. Кейинги маъно чақалоқни ёмон кўздан асраш ниятини ифодалайди.

**Чори, Chori** (*фт.*) — оиладаги тўртинчи фарзанд ёки Чориёр исмининг эқ. шакли.

**Чориёр, Choriyor** (*фт.*) — айнан: тўрт дўст, маслакдош. Булар халифаи барҳақлар (чориёрлар) Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Алилардир.

**Чорикелди, Chorikeldi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган тўртинчи ўғил.

**Чоримирза, Chorimirza** (*фт.*) — тўртинчи ўғил улғайиб мирзалардек билимдон йигит бўлсин.

**Чорихўжа, Chorixo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган тўртинчи ўғил.

**Чориқул, Choriqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Чори* (Чори+қул).

**Чорикурбон, Choriqurbon** (*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган тўртинчи бола.

**Чормуҳаммад, Chormuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Чор* ва *Муҳаммад.*

**Чортоқ, Чортоқбой, Chortoq** (*фт.*) — Чортоқда туғилган бола.

**Чоршанба, Chorshanba** (*фт.*) — чоршанба куни туғилган бола.

**Чоршанбой, Chorshanboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Чоршанба.*

**Чоршанбу, Чоршанбуви, Chorshanbu** (◊ .,*фт.*) — чоршанба куни туғилган бола.

**Чунон, Chunon** (*фт.*) — интиқ бўлиб кутилган бола. Шакллари: *Чунонбек, Чунонбой, Чунонтой, Чунонқул.*

**Чунонмирза, Chunonmirza** (*фт.*) — интиқ бўлиб кутилган ўғил улғайиб мирзолардек йигит бўлсин.

**Чуст, Chust** (*фт.*) — айнан: чаққон, шай, моҳир, зебо ёки маҳкам, мустаҳкам ёҳуд муносиб, сазовор. Эҳт.: Чустда туғилган бола, Чуст фарзанди.

**Чучук, Chuchuk** (*ўз.*) — ширин, ёқимтой; азиз, эъзозли.

**Чучукгул, Chuchukgul** (*ўз.-фт.*) — ширин, ёқимтой ва гулдек гўзал қиз.

**Чучукой, Chuchukoy** (◊ .,*ўз.*) — ширин, ёқимтой ва ойдек сулув қиз.

**Чучукхон, Chuchukxon** (◊ .,*ўз.*) — *қар. Чучук* (Чучук+хон).

**Чўён, Cho'yon** (*ўз.*<*рус.*) — *қар. Чўян.*

**Чўкиш, Cho'kish** (*ўз.*) — чўкич (чўкиш)дек мустаҳкам бола.

**Чўлбиби, Cho'lbibi** (◊ .,*ўз.*<*ҳинд.*) — даштда (чўлда) туғилган баланд мартабали қиз ёки муштоқ бўлиб юриб эришилган қиз.

**Чўлбош, Cho'lbosh** (*ўз.*) — чўлда таваллуд топган тўнғич бола.

**Чўлимурод, Cho'limurod** (*ўз.-ар.*) — чўлда туғилган бола улғайиб муродига етсин ёки чўлда эришилган орзу, тилак.

**Чўлиқ, Cho'liq** (*ўз.*) — чўпоннинг ёрдамчиси, кичик чўпон.

**Чўлли, Чўллибой, Cho'lli** (*ўз.*) — чўлда туғилган бола.

**Чўлмурод, Cholmurod** (*ўз.-ар.*) — чўлда туғилган ўғил соғ улғайиб мурод-мақсадига етсин ёки чўлда эришилган орзу, тилак.

**Чўлпон, Cholpon** (*ўз.*) — тонг юлдузи, ёруғ юлдуз (Венера), яъни толеи баланд, саодатли бола.

**Чўлпонбу, Cho'lponbu** (◊ .,*ўз.*) — иқболи баланд ёки тонг юлдузи Чўлпондек нурли, гўзал қиз.

**Чўлпоной, Cho'lponoy** (◊ .,*ўз.*) — тонг юлдузи Чўлпон ва ойдек гўзал қиз ёки ойдек сулув, иқболи баланд қиз.

**Чўлпонхон, Cho'lponxon** (◊ .,*ўз.*) — Чўлпон юлдузидек гўзал ва баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Чўлпонқул, Cho'lponqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг толеи баланд, саодатли бандаси, қули.

**Чўпонқул, Cho'ponqul** (*фт.-ўз.*) — соғ улғайиб қўйчи, қўйчивон бўлсин; моллари кўп, бой-бадавлат бўлсин ёки бечора, хок-

сор бола. Кейинги маънода исм болани ёмон кўзлардан асрашга қаратилган.

**Чўри, Cho'ri** (◊.,*ўз.*) — қул, хизматкор қиз.

**Чўрибиби, Cho'ribibi** (◊.,*ўз.-ҳинд.*) — *қар. Чўри* (Чўри+биби).

**Чўртанбой, Cho'rtanboy** (*ўз.*) — чўртан балиқдек эркин, яшовчан бўлсин.

**Чўтбой, Cho'tboy** (*ўз.*) — теша, чўтдек мустаҳкам бола ёки киндиги чўт (теша) б-н кесилган бола.

**Чўтир, Cho'tir** (*ўз.*) — чўтир, яъни хунук бола. Болани ёмон кўзлардан асраш учун қўйиладиган исм.

**Чўтмамат, Cho'tmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Чўтмуҳаммад.*

**Чўтмат, Cho'tmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Чўтмуҳаммад.*

**Чўтмуҳаммад, Cho'tmuhammad** (*ўз.-ар.*) — чўт (теша) дек мустаҳкам ўғилни Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Чўтпўлат, Cho'tpo'lat** (*ўз.-фт.*) — чўт (теша) ва пўлатдек мустаҳкам бола.

**Чўян, Чўянбой, Cho'yan** (*ўз.<рус*) — чўяндек мустаҳкам бўлсин.

**Чўянбек, Cho'yanbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган чўяндек мустаҳкам бола.

**Чўянтурди, Cho'yanturdi** (*ўз.*) — чўяндек мустаҳкам бўлиб турадиган, яъни яшаб кетадиган бола.

**Чўянқул, Cho'yanqul** (*рус.-ўз.*) — Аллоҳнинг чўяндек мустаҳкам бандаси, қули.

**Чўқмор, Cho'qmor** (*ўз.*) — тўқмоқ (чўқмор) дек мустаҳкам ва забардаст бўлсин.

**Чўққи, Cho'qqi** (*ўз.*) — ҳаёти қоя (чўққи) дек юксак бўлсин.

**Чўғолбой, Cho'g'olboy** (*ўз.*) — бақувват, кучли, маҳкам, мустаҳкам бола.

# Ш

**Шабада, Shabada** (◊.,*фт.*) — енгил, майин шамол, тонг шамоли, яъни мулойим, юмшоқ табиатли қиз.

**Шаббу, Шаббўй, Shabbu** (◊.,*фт.*) — хушҳид (хушбўй) ўсимликдек ёқимтой.

**Шабнам, Shabnam** (◊.,*фт.*) — шудринг, тунги шудрингдек покиза, мусаффо қиз.

**Шабон, Shabon** (*ар.*) — хижрий йил ҳисобининг саккизинчи ойида, яъни шаъбон ойида туғилган қиз ёки шабон — тўқ, тўйган; бой-бадавлат. *қар. Шаъбон.*

**Шабонали, Shabonali** (*ар.*) — шаъбон ойида туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Шабоной, Shabonoy** (◊.,*ар.-ўз.*) — шабон ойи (хижрий йили ҳисобининг 8 ойи) да туғилган ойдек сулув қиз.

**Шабоҳат, Shabohat** (◊.,*ар.*) — ўхшаш, мос тушувчи, келишган. Эҳт.: *Сабоҳат* (*қар.*)

**Шаввоз, Shavvoz** (*фт.*) — азамат, жасур, довюрак. Сол.: *Шоввоз, Шоҳбоз.*

**Шаввол, Shavvol** (*ар.*) — шаввол ойи (ҳижрий йил ҳисобининг 10 ойи) да туғилган бола.

**Шавкат, Shavkat** (*ар.*) — шон-шараф, шуҳрат; кучли, қудратли.

**Шавкатали, Shavkatali** (*ар.*) — шуҳратли, қудратли ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Шавкатмирза, Shavkatmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Шавкат* ва *Мирза.*

**Шавкатназар, Shavkatnazar** (*ар.*) — Аллоҳ илтифот қилиб, назари тушиб берган кучли, қудратли бола.

**Шавқи, Shavqi** (*ар.*) — жуда қўмсалган, армон қилинган, исталган бола. Асли: *Шавқиддин.*

**Шавқиддин, Shavqiddin** (*ар.*) — диннинг завқи; дин бахш этадиган завқ; роҳат ёки динни ўта қўмсовчи.

**Шавқия, Shavqiya** (◊.,*ар.*) — орзу қилинган, исталган, қўмсалган қиз ёки завққа тўлган, қувноқ, шодон қиз.

**Шаддода, Shaddoda** (◊.,*ар.*) — шўх, ўжар, қайтмас.

**Шайдо, Shaydo** (◊.,*фт.*) — айнан: ошиқ, мафтун бўлган ёки мафтункор, ўзига ром этувчи, гўзал, дилбар қиз.

**Шайзода, Shayzoda** (◊.,*фт.*) — *қар. Шоҳзода.*

**Шаймон, Шаймонбой, Shaymon** (*ар.*) — *Шаймуҳаммад* исмининг эқ. шакли. Эҳт.: *Шайхмуҳаммад.*

**Шаймонқул, Shaymonqul** (*ар.*) — *қар. Шаймон* (Шаймон+қул).

**Шаймуҳаммад, Shaymuhammad** (*ар.*) — Эҳт.: *Шайхмуҳаммад.*

**Шайх, Shayx** (*ар.*) — диний бошлиқ, диний устоз.

**Шайхзода, Shayxzoda** (*ар.-фт.*) — шайхнинг ўғли, шайхлар авлодига мансуб бола.

**Шайхзамон, Shayxzamon** (*ар.*) — диннинг машҳур бошлиғи, таниқли тақводор.

**Шайхи, Shayxi** (*ар.*) — *қар. Шайхиддин.*

**Шайхиддин, Shayxiddin** (*ар.*) — дин бошлиғи, тақводор, художўй; дин ҳомийси.

**Шайхим, Shayxim** (*ар.*) — "шайх" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Шайхмуҳаммад) эқ. шакли.

**Шайхислом, Shayxislom** (*ар.*) — ислом дини ҳомийси, ислом дини бошлиғи, пешвоси.

**Шайхмуҳаммад, Shayxmuhammad** (*ар.*) — айнан: Муҳаммад (сав) диний раҳбар, бошлиқ, дин сардоридир ёки *қар. Шайх* ва *Муҳаммад.*

**Шайхназар, Shayxnazar** (*ар.*) — шайх (авлиё) мурувват қилиб эришилган бола ёки *қар. Шайх* ва *Назар.*

**Шайхрози, Shayxrozi** (*ар.*) — *қар. Шайх* ва *Рози* (Розиқ).

**Шайхулла, Shayxulla** (*ар.*) — Аллоҳ берган дин сардори, пешвоси.

**Шайхулмардон, Shayxulmardon** (*ар.-фт.*) — эрларнинг (мардларнинг), жасурларнинг сардори.

**Шакар, Shakar** (*фт.*) — ширин, ёқимтой, суюкли бола. Шакллари: *Шакарбой, Шакарбек, Шакаргул, Шакаржон, Шакархон.*

**Шакарали, Shakarali** (*фт.-ар.*) — ширин, ёқимтой, суюкли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Шакаргул, Shakarqul** (◊.,*фт.*) — ёқимтой, суюкли ва гулдек сулув қиз.

**Шакаржон, Shakarjon** (◊.,*фт.*) — ёқимтой ва азиз, эъзозли қиз.

**Шакарнабот, Shakarnabot** (◊.,*фт.*) — шакар ва наввотдек ширин ва ёқимтой қиз.

**Шакарноз, Shakarnoz** (◊.,*фт.*) — ёқимли, ширин нозлар қилувчи қиз.

**Шакарой, Shakaroy** (◊.,*фт.-ўз.*) — ёқимтой, ширин ва ойдек сулув қиз.

**Шакархўжа, Shakarxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ширин, ёқимтой бола.

**Шакарча, Shakarcha** (◊.,*фт.*) — ширин, тотли қизча.

**Шалола, Shalola** (◊.,*фт.*) — ҳаёти шаршара, шаloладек жўшқин, баракали бўлсин.

**Шаман, Shaman** (*фт.*) — *қар. Шоймардон* ёки шу каби қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Шамдон, Shamdon** (◊.,*ар.-фт.*) — бевақт ўлмасин, умри узоқ бўлсин.

**Шамжаҳон, Shamjahon** (◊.,*ар.-фт.*) — олам чироғи, дунё машъали; нурли, равшан.

**Шами, Shami** (*ар.*) — шамим, шамин — ёқимли, хушбўй ёки Шамсиддин, Шамсулла каби исмларнинг эқ. шакли.

**Шамида, Шамидахон, Shamida** (◊.,*ар.*) — хушбўй, ёқимтой.

**Шамим, Шамима, Shamim** (◊.,*ар.*) — хушбўй, ёқимли, дилрабо.

**Шамолбой, Shamalboy** (*ар.-ўз.*) — кучли шамол, бўрон пайтида туғилган бола.

**Шамолиддин, Shamoliddin** (*ар.*) — дин шамоли, диннинг кучли нафаси, Эҳт.: *Жамолиддин* (*қар.*).

**Шамома, Shamoma** (◊.,*ар.*) — муаттар, хушбўй ҳид, ёқимли, суюкли қиз.

**Шамси, Shamsi** (*ар.*) — қуёш, ёруғ, равшан, нурли. Асли: *Шамсиддин, Шамсулла.*

**Шамсибону, Shamsibonu** (◊.,*ар.-фт.*) — қуёшдек нурли, аслзода қиз.

**Шамсибу, Шамсибуви, Shamsibu** (◊.,*ар.-ўз.*) — қуёшдек нурли, равшан; толеи баланд қиз.

**Шамсигул, Shamsiqul** (◊.,*ар.-фт.*) — қуёшдек нурли, иқболи баланд ва гулдек гўзал қиз.

**Шамсиддин, Shamsiddin** (*ар.*) — диннинг қуёши, нури, ёғдуси.

**Шамсижамол, Shamsijamol** (◊.,*ар.*) — қуёшдек нурли, қуёшмонанд қиз.

**Шамсижаҳон, Shamsijahon** (◊.,*ар.-фт.*) — олам қуёши, дунёда энг гўзал, иқболи баланд қиз.

**Шамсий, Shamsiy** (*ар.*) — офтобмонанд, қуёшдек меҳрли, оташқалб.

**Шамсикамол, Shamsikamol** (*ар.*) — етуклик, камол қуёши.

**Шамсимирза, Shamsimirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Шамси* ва *Мирза* ёки аслзодалар, шоҳзодаларнинг энг юксаги, нурлиси.

**Шамсимуҳаммад, Shamsimuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав) пайғамбарнинг нури, қуёши ёки меҳри, муруввати, туҳфаси.

**Шамсиназар, Shamsinazar** (*ар.*) — *қар. Шамси* ва *Назар.*

**Шамсинаҳор, Shamsinahor** (*ар.*) — тонг қуёши.

**Шамсинисо, Shamsiniso** (◊.,*ар.*) — айнан: аёлларнинг офтоби, қуёши, қуёшмонанд қиз ёки аёлларнинг меҳрлиси, меҳрибони.

**Шамсинур, Shamsinur** (*ар.*) — қуёшнинг нури ёки *Нур* (*қар.*), яъни Аллоҳнинг меҳри, муруввати.

**Шамсиой, Shamsioy** (◊.,*ар.-ўз.*) — қуёшдек гўзал, иқболи баланд қиз.

**Шамсирўй, Shamsiro'u** (◊.,*ар.-фт.*) — юзидан нур балқиб турган қиз; соҳибжамол, гўзал қиз.

**Шамсихон, Shamsixon** (*ар.-ўз.*) — қуёшдек нурли, азиз, эъзозли қиз.

**Шамсихўжа, Shamsixo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган қуёшдек юксак, иқболи баланд бола.

**Шамсия, Shamsiya** (◊.,*ар.*) — қуёшли, нурли, қуёш фарзанди; меҳрли, меҳрибон.

**Шамсиқамар, Shamsiqamar** (◊.,*ар.*) — қуёшдек нурли ва ойдек сулув қиз.

**Шамсиқора, Shamsiqora** (*ар.-ўз.*) — қуёшдек нурли, кучли, қадрли бола.

**Шамсиқул, Shamsiqul** (*ар.-ўз.*) — қуёшни олқишловчи, қуёш фарзанди ёки *қар. Шамси* (Шамси+қул).

**Шамсуддин, Shamsuddin** (*ар.*) — *қар. Шамсиддин.*

**Шамсуддина, Shamsuddina** (◊.,*ар.*) — диннинг қуёши, диннинг машъали.

**Шамсулла, Shamsulla** (*ар.*) — Аллоҳ нури, ёғдуси, яъни Аллоҳнинг меҳри, муруввати. Бу ном Муҳаммад (сав.)нинг сифатларидан биридир.

**Шамсулмулк, Shamsulmulk** (*ар.*) — подшоҳлар қуёши; давлат қуёши, машъали.

**Шамсулҳақ, Shamsulhaq** (*ар.*) — ҳалоллик, тўғрилик, ҳақиқат қуёши.

**Шамхол, Shamxol** (*фт.*) — эски, қадимий пилта милтиқ, мушкет ёки вали, доно.

**Шамшар, Шамшаржон, Shamshar** (*фт.*) — *қар. Шамшир.*

**Шамшир, Шамширбой, Shamshir** (*фт.<юн.*) — тиғ (шамшир) дек мустаҳкам ва ўткир йигит бўлсин.

**Шамшира, Shamshira** (◇.,*фт.*) — қилич (шамшир) дек маҳкам, ўткир қиз; қимматли қиз.

**Шамширой, Shamshiroy** (◇.,*фт.-ўз.*) — қиличдек мустаҳкам, ойдек сулув қиз.

**Шамшод, Shamshod** (◇.,*фт.*) — мангу, доимо ям-яшил бўлиб турувчи шамшод дарахтидек ёки шамшод райҳондек чиройли қиз; хушқомат, зебо қиз.

**Шамшодой, Shamshadoy** (◇.,*фт.-ўз.*) — шамшоддек хушқомат ва ойдек гўзал қиз.

**Шанба, Shanba** (◇.,*фт.*) — шанба куни туғилган қиз.

**Шанбагул, Shanbaqul** (◇.,*фт.*) — шанба куни туғилган гулдек зебо қиз.

**Шанг, Шан, Shanq** (◇.,*фт.*) — шўх, ўйноқи, шодон; хушрўй, зариф, зебо қиз.

**Шанноз, Shannoz** (◇.,*фт.*) — шодликдан нозланган, шодланиб нозлар қилувчи. Эҳт.: *Шаҳноз.*

**Шараф, Шарафжон, Sharaf** (*ар.*) — ор, номус, обрўй, фахр, ифтихор, улуғлик; азиз, қадр-қимматли. Асли: *Шарафиддин. Шарофулла.*

**Шарафиддин, Sharafiddin** (*ар.*) — диннинг салобати, улуғворлиги, буюклиги.

**Шарафулла, Sharafulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мадҳи, шарафи; шону-шуҳрати ёки Аллоҳнинг шонли фарзанди.

**Шарбат, Sharbat** (◇.,*ар.*) — ширин, ёқимтой, дилрабо қиз.

**Шарбон, Sharbon** (◇.,*фт.*) — *қар. Шаҳрибону.*

**Шариат, Shariat** (*ар.*) — тўғри йўл, илоҳий йўл; ислом дини қоидалари.

**Шариатулла, Shariatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг диний талаб ва қоидалари ёки Аллоҳнинг тақводор бандаси.

**Шариф, Sharif** (*ар.*) — илоҳий, муқаддас, азиз, эъзозли ёки тоза, покиза, виждонли.

**Шарифа, Sharifa** (◇.,*ар.*) — қадрли, эъзозга муносиб қиз.

**Шарифжон, Sharifjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Шариф* (Шариф+жон).

**Шарифмирза, Sharifmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Шариф* ва *Мирза.*

**Шарифназар, Sharifnazar** (*ар.*) — муқаддас авлиёлар, эътибори (назари) тушган бола.

**Шарифнафас, Sharifnafas** (*ар.*) — муқаддас, авлиёларнинг қудрати (нафаси) туфайли эришилган бола.

**Шарифниёз, Sharifniyoz** (*ар.-фт.*) — муқаддас авлиёлар улуғлардан ўтиниб, сўраб олинган бола ёки муқаддас авлиёларнинг туҳфаси, эҳсони.

**Шарифтурсун, Shariftursun** (*ар.-ўз.*) — азиз, қадрли бола туриб қолсин, яъни яшасин, ўлмасин.

**Шарифхўжа, Sharifxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган қадрли, эъзозли бола.

**Шарифқори, Sharifqori** (*ар.*) — *қар. Шариф* ва *Қори.*

**Шарифқул, Sharifqul** (*ар.-ўз.*) — муқаддас авлиёларнинг хизматкори, қули ёки Аллоҳнинг ҳурматга, эъзозга сазовор бандаси.

**Шарора, Sharora** (◊.,*ар.*) — учқун, аланга, нурли, равшан; гўзал, зебо қиз.

**Шароф, Sharof** (*ар.*) — *қар. Шарофиддин.* Шакллари: *Шарофжон, Шарофхон.*

**Шарофат, Sharofat** (*ар.*) — олийжаноб, олийҳиммат — тоза, покиза.

**Шарофиддин, Sharofiddin** (*ар.*) — *қар. Шарафиддин.*

**Шарофой, Sharofoy** (◊.,*ар.*) — қадрли, қимматли ва ойдек сулув қиз.

**Шарофхон, Sharofxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — қадрли ва баланд мартабали қиз.

**Шарофхўжа, Sharofxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган қадрли, эъзозли бола.

**Шарқия, Sharqiya** (◊.,*ар.*) — шарқ қизи; нурли, бахтли қиз.

**Шафақ, Shafaq** (*ар.*) — кун ботиш (шафақ) пайтида ёки тонгда туғилган бола.

**Шафиъ, Shafi'** (*ар.*) — қаноат қилувчи ёки шафқат қилувчи, меҳрибон; тоза, покиза.

**Шафиқ, Shafiq** (*ар.*) — меҳрибон, шафқатли, марҳаматли.

**Шафиқа, Shafiqa** (◊.,*ар.*) — шафқатли, меҳрибон қиз.

**Шафоат, Shafoat** (*ар.*) — ўртада туриб воситачилик қилувчи, ҳимоя қилувчи.

**Шафқат, Shafqat** (*ар.*) — раҳмдил, меҳрибон; кечирувчи.

**Шафқатулла, Shafqatulla** (*ар.*) — Аллоҳ раҳм қилиб берган бола ёки Аллоҳнинг раҳмдил, меҳрибон бандаси.

**Шаъбон, Sha'bon** (*ар.*) — хижрий йил ҳисоби билан 8 ой номи, яъни шаъбон ойида туғилган бола.

**Шағал, Shag'al** (*ўз.*) — шағал (тош) дек мустаҳкам бўлсин ёки шағал уруғига (қўнғирот қабиласининг тармоғи) мансуб бола.

**Шаҳаддин, Shahaddin** (*ар.*) — эҳт.: *Шаҳобиддин.*

**Шаҳар, Shahar** (*фт.*) — шаҳарда, шаҳарга келганда туғилган бола. Шакллари: *Шаҳарбой, Шаҳаргул, Шаҳаржон, Шаҳарой.*

**Шаҳаргул, Shaharqul** (◊.,*фт.*) — шаҳарда туғилган гулдек гўзал қиз.

**Шаҳармурод, Shaharmurod** (*фт.-ар.*) — шаҳарда эришилган орзу, армон.

**Шаҳарнасиб, Shaharnasib** (*фт.-ар.*) — шаҳарда туғилган, шаҳарда насиб қилинган бола.

**Шаҳбоз, Shahboz** (*фт.*) — айнан: шунқор, лочин, яъни довюрак, мард; чаққон, сезгир.

**Шаҳвор, Shahvor** (*фт.*) — шоҳона, шоҳларча; йирик, юксак, аъло.

**Шаҳд, Shahd** (*ар.*) — бол, асал; ширин, ёқимтой. Эҳт.: *Шаҳид, Шоҳид.*

**Шаҳдам, Shahdam** (*фт.*) — дадил, қатъий, маҳкам; жасурона.

**Шаҳзода, Shahzoda** (◇.,*фт.*) — *қар. Шоҳзода.*

**Шаҳид, Shahid** (*ар.*) — дин йўлида қурбон (ҳалок) бўлувчи ёки чиройли, дилбар.

**Шаҳин, Шоҳин, Shahin** (*фт.*) — айнан: лочин, яъни довюрак, жасур; чаққон, эпчил, сезгир.

**Шаҳина, Shahina** (◇.,*фт.*) — мард, жасур, зийрак қиз.

**Шаҳир, Shahir** (*ар.*) — маълум, таниқли; машҳур, атоқли.

**Шаҳло, Shahlo** (◇.,*ар.*) — катта қора кўзли қиз; қора кўзли гўзал қиз.

**Шаҳноз, Shahnoz** (◇.,*фт.*) — шоҳона, бекларча ёки нозли, карашмали, латофатли.

**Шаҳоб, Shahob** (*ар.*) — нурли, нурли юлдуз; тўқ қизил, қирмизи ёғду сочувчи.

**Шаҳобберди, Shahobberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ нурли, толеи баланд фарзанд ато қилди.

**Шаҳобиддин, Shahobiddin** (*ар.*) — диннинг нури, ёғдуси ёки диннинг нурли фарзанди.

**Шаҳобмирза, Shahobmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Шаҳоб* ва *Мирза.*

**Шаҳодат, Shahodat** (◇.,*ар.*) — гувоҳлик берувчи ёки тўғри, ҳақ йўл (дин йўли) да ҳалок бўлувчи.

**Шаҳрбону, Shahrbonu** (◇.,*фт.*) — мамлакат ҳукмдори, малика.

**Шаҳрзод, Shahrzod** (*фт.*) — очиқ чеҳрали, жилмайиб, хайрихоҳлик б-н боқувчи.

**Шаҳри, Shahri** (*фт.*) — *қар. Шаҳриддин, Шаҳриёр.* Шакллари: *Шаҳрибой, Шаҳрибиби, Шаҳригул, Шаҳрихон.*

**Шаҳрибону, Shahribonu** (◇.,*фт.*) — шоҳ авлодига, аслзодаларга мансуб қиз; аёлларнинг энг яхшиси, мўътабари.

**Шаҳрибу, Шаҳрибуви, Shahribu** (◇.,*фт.-ўз.*) — аслзода, мўътабар қиз.

**Шаҳриддин, Shahriddin** (*фт.-ар.*) — айнан: дин шоҳи ёки динни асровчи, диннинг таянчи бўлган ҳукмрон, шоҳ.

**Шаҳриёр, Shahriyor** (*фт.*) — буюк, подшоҳ; шоҳлар шоҳи, шоҳаншоҳ.

**Шаҳризод, Shahrizod** (◇.,*фт.*) — *қар. Шаҳрзод.*

**Шаҳризода, Shahrizoda** (*фт.*) — шоҳлар, аслзодалар наслига мансуб бола; подшоҳзода, шоҳзода.

**Шаҳринасиб, Shahrinasib** (*фт.-ар.*) — *қар. Шаҳарнасиб.*

**Шаҳринисо, Shahriniso** (◊.,*фт.-ар.*) — аёлларнинг энг улуғи, мўътабари, аълоси.

**Шаҳриноз, Shahrinoz** (◊.,*фт.*) — назокатли, латофатли ёки хушқад; латиф, зебо.

**Шаҳритош, Shahritosh** (◊.,*фт.-ўз.*) — *қар. Шаҳри* ва *Тош.*

**Шаҳрия, Shahriya** (◊.,*фт.*) — шаҳарда туғилган, шаҳар қизи.

**Шаҳруза, Shahruza** (◊.,*фт.*) — эҳт.: *Шаҳрўза* — рўза пайти (ойида) туғилган аслзода, мўътабар қиз.

**Шаҳсувор, Shahsuvor** (*фт.*) — отга минган чиройли бола, моҳир чавандоз, сувори; от устидаги гўзал.

**Шер, Sher** (*фт.*) — айнан: арслон, арслондек далир, жасур, қаҳрамон ёки санскритча: шер-тош, яъни мустаҳкам, маҳкам.

**Шерабек, Sherabek** (*фт.+ўз.*) — эҳт.: *Шералибек.*

**Шеразим, Sherazim** (*фт.-ар.*) — *қар. Шер* ва *Азим.*

**Шерали, Sherali** (*фт.-ар.*) — шиит мусулмонлар халиф Алини жасурлиги учун "Аллоҳ шери" деб юритишган ёки шердек жасур, довюрак ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Шеран, Sheran** (*фт.-ар.*) — "шер" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Шерарслон, Sherarslon** (*фт.ўз.*) — шер ва арслондек довюрак, жасур бола.

**Шерафғон, Sherafg'on** (*фт.*) — шерни қайтарувчи, шерни енгувчи, йиқитувчи.

**Шераҳмад, Sherahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шер* ва *Аҳмад.*

**Шербадал, Sherbadal** (*фт.-ар.*) — аввалги турмаган болалар эвазига (ўрнига) берилган довюрак бола.

**Шербек, Sherbek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган довюрак бола.

**Шерберди, Sherberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган бола шердек довюрак бўлсин.

**Шербой, Sherboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шер* (Шер+бой).

**Шербола, Sherbola** (*фт.-ўз.*) — шердек довюрак, кудратли бола.

**Шербўта, Sherbo'ta** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шер* ва *Бўта.*

**Шервали, Shervali** (*фт.-ар.*) — *қар. Шер* ва *Вали.*

**Шергул, Sherqul** (◊.,*фт.*) — жасур, довюрак ва гулдек гўзал қиз.

**Шердил, Sherdil** (*фт.*) — шерюрак; жасур, қўрқмас, довюрак.

**Шердон, Шердонбой, Sherdon** (*фт.*) — *қар. Шердоно* ёки шердон уруғи (қипчоқ қабиласи таркибида)га мансуб бола.

**Шердоно, Sherdono** (*фт.*) — шердек довюрак, қудратли ва ақлли, доно бола.

**Шердоноқул, Sherdonoqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шердоно* (Шердоно-қул).

**Шержаҳон, Sherjahon** (*фт.*) — айнан: оламнинг шери, яъни дунёдаги энг довюрак, қудратли бола.

**Шержон, Sherjon** (*фт.*) — азиз, суюкли бола шердек довюрак бўлсин.

**Шерзод, Sherzod** (*фт.*) — айнан: шер боласи, яъни довюраклар, жасурлар авлодидан бўлган бола.

**Шерикбой, Sherikboy** (*ар.-ўз.*) — ўзидан олинган болаларга ёки отасига дўст, эш бўлиб юрсин ёки шерик-черик, жангчи, курашчи.

**Шерикбўл, Sherikbo'l** (*ар.-ўз.*) — ўзидан олдинги болаларга ёки отасига дўст, эш бўлиб юрсин.

**Шерим, Sherim** (*фт.*) — "шер" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Шермуҳаммад ва б.) нинг эқ. шакли.

**Шерйигит, Sheryigit** (*фт.-ўз.*) — довюрак, қудратли йигит бўлсин.

**Шеркелди, Sherkeldi** (*фт.-ўз.*) — шер каби довюрак ўғил туғилди.

**Шермалик, Shermalik** (*фт.-ар.*) — басавлат, виқорли, шоҳона ёки шердек қудратли, жасур ўғил улуғ мартабали бўлсин.

**Шермамат, Shermamat** (*фт.ар.*) — *қар. Шермуҳаммад.*

**Шерман, Шермон, Sherman** (*фт.-ар.*) — Шерназар, Шерниёз, Шермуҳаммад каби исмларнинг эқ. шакли.

**Шермард, Shermard** (*фт.*) — шерсифат, шерга ўхшаш; жасур, довюрак бола.

**Шермат, Shermat** (*фт.-ар.*) — *қар. Шермуҳаммад.*

**Шерматали, Shermatali** (*фт.-ар.*) — *қар. Шермуҳаммад* ва *Али.*

**Шерменгли, Shermengli** (*фт.-ўз.*) — баданида хол б-н туғилган шердек жасур, қудратли бола.

**Шермирза, Shermirza** (*фт.*) — шердек қудратли, жасур ва мирзолардек саводхон, келишган йигит бўлсин.

**Шермурод, Shermurod** (*фт.-ар.*) — шердек довюрак ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Шермуҳаммад, Shermuhammad** (*фт.-ар.*) — шердек довюрак, жасур ўғилни Муҳаммад ўз паноҳида асрасин.

**Шермўмин, Shermo'min** (*фт.-ар.*) — *қар. Шер* ва *Мўмин.*

**Шерназар, Shernazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳ мурувват (назар) қилиб берган шердек жасур бола.

**Шернафас, Shernafas** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг қудрати (нафаси) б-н дунёга келган шердек довюрак бола.

**Шерниёз, Sherniyoz** (*фт.-ар.*) — Аллоҳдан ўтиниб, илтижолар қилиб олинган шердек қудратли бола.

**Шерноз, Shernoz** (*фт.*) — *қар. Шер* ва *Ноз.*

**Шеробод, Sherobod** (*фт.*) — шердек қудратли ўғилнинг ҳаёти фаровон, обод бўлсин.

**Шеродил, Sherodil** (*фт.-ар.*) — шердек қудратли ва ҳақгўй, адолатли бола.

**Шерози, Sherozi** (*фт.*) – шерозлик (Эрондаги шаҳар) ёки шерозидек (кўкиш тусдаги қоракўл тери) қимматли, нодир бола.

**Шерозод, Sherozod** (*фт.*) — шердек қудратли, жасур ва ҳур, бахтиёр бўлиб ўссин.

**Шеромон, Sheromon** (*фт.-ар.*) — шердек жасур бола соғ-саломат бўлсин.

**Шерпўлат, Sherpo'lat** (*фт.*) — шердек жасур, қудратли ва пўлатдек мустаҳкам бола.

**Шертемир, Shertemir** (*фт.-ар.*) — шердек жасур, қудратли ва темирдек мустаҳкам бола.

**Шертой, Shertoy** (*фт.-ар.*) — шердек, шерсифат, қудратли бола ёки шердек жасур ҳамда суюкли (эркатой) бола.

**Шертойлоқ, Shertoyloq** (*фт.-ўз.*) — шердек жасур, довюрак ҳамда суюкли (ёқимтой) бола.

**Шеруд, Sherud** (*фт.*) — шер боласи; шербачча, яъни мард, жасур, қудратли

**Шерхол, Sherxol** (*фт.*) — баданида холи бор бола шердек довюрак бўлсин.

**Шерхон, Sherxon** (*фт.*) — жасур, довюрак бола.

**Шерхўжа, Sherxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб довюрак, жасур бола.

**Шершод, Shershod** (*фт.*) — шердек довюрак ва шодон, бахтиёр бола.

**Шеряздон, Sheryazdon** (*фт.*) — Аллоҳ (яздон) берган шердек, қўрқмас, довюрак бола.

**Шерқобил, Sherqobil** (*фт.-ар.*) — шердек довюрак, жасур ва одобли, мусулмон-қобил бола.

**Шерқози, Sherqozi** (*фт.-ар.*) — *қар. Шер* ва *Қози.*

**Шерқул, Sherqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг шердек бақувват, жасур бандаси, қули.

**Шерқурбон, Sherqurbon** (*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган жасур, довюрак бола.

**Шерқўзи, Sherqo'zi** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шер* ва *Қўзи.*

**Шерғози, Sherg'ozi** (*фт.-ар.*) — дин учун курашувчи довюрак бола ёки диннинг жасур аскари.

**Шерҳад, Sherhad** (*фт.*) — Эҳт.: *Шераҳад* (*қар.*).

**Шеърия, She'riya** (◇.,*ар.*) — шеър каби гўзал, ёқимли; дилнавоз хушоҳанг.

**Шиддат, Shiddat** (*ар.*) — кучли, қудратли, шиддатли.

**Шижоат, Шужоат, Shijoat** (*ар.*) — қўрқмас, довюрак, ғайратли, шиддатли.

**Шижоатали, Shijoatali** (*ар.*) — кучли, жасур болани Али ўз паноҳида асрасин ёки Алининг жасурлиги, мардлиги.

**Шижоатдин, Shijoatdin** (*ар.*) — диннинг довюрак, жасур қўриқчиси ёки диннинг қудрати, кучи; мўъжизаси.

**Шижоатхон, Shijoatxon** (◇.,*ар.-ўз.*) — жасур, довюрак, қўрқмас қиз.

**Шиор, Shior** (*ар.*) — ҳаёт йўли; мақсад, орзу; ғоя; Асли: *Шиорулла.*

**Шиорулла, Shiorulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг йўли, йўл-йўриғи ёки баданида Аллоҳ берган бирор белги, нишона б-н туғилган бола.

**Шира, Ширагул, Ширахон, Shira** (*фт.*) — ширин, тотли, ёқимтой қиз.

**Ширин, Shirin** (*фт.*) — тотли, чучук, лаззатли; азиз, ёқимли, суюкли. Шакллари: *Ширинбой, Ширинжон, Ширинбиби, Ширингул, Ширинхон, Ширинқул.*

**Ширингул, Shiringul** (◇.,*фт.*) — ёқимли, азиз, суюкли ҳамда гулдек гўзал қиз.

**Ширинжамол, Shirinjamol** (◇.,*фт.-ар.*) — чиройли, дилрабо, соҳибжамол қиз.

**Ширинoй, Shirinoy** (◇.,*фт.-ўз.*) — ёқимли, суюкли ва ойдек сулув қиз.

**Ширинқул, Shirinqul** (*фт-ўз.*) — Аллоҳнинг ёқимли, суюкли бандаси, қули.

**Ширмойи, Shirmoyi** (◇.,*фт.*) — ширмой нондек лўппи юзли қиз ёки қимматли, эъзозли қиз.

**Ширмон, Shirmon** (◇.,*фт.*) — тўлиқ, лўппи юзли; юзлари ширмон нондек чиройли. Шакллари: *Ширмонбу, Ширмоной, Ширмонхон.*

**Ширмоной, Shirmonoy** (◇.,*фт.-ўз.*) — юзлари ширмондек лўппи ва ой каби сулув қиз.

**Широқ, Shiroq** (*ар.*) — шамчироқ, қора чироқ ёки широқ ковуш ипи, банди.

**Шиғай, Shig'ay** (*ўз.<қад.т.*) — қашшоқ, фарзандга муҳтож бўлиб юриб топилган бола.

**Шиҳоб, Shihob** (*ар.*) — ёруғ юлдуз; ўт, олов, ёлқин ёки ёруғ, нурли; сол: *Шаҳобиддин.*

**Шиҳобиддин, Shihobiddin** (*ар.*) — диннинг нури, ёғдуси; диннинг порлоқ юлдузи ёки диннинг нурли, толеи баланд фарзанди. Сол.: *Шаҳобиддин.*

**Шо, Sho** (*фт.*) — шоҳ, ҳукмдор, подшоҳ ёки улуғ мартабали.

**Шоабди, Shoabdi** (*фт.-ар.*) — шоҳнинг хизматкори, қули, асири.

**Шоаббос, Shoabbos** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳ* ва *Аббос.*

**Шоабдукарим, Shoabdukarim** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Абдукарим.*

**Шоабдулла, Shoabdulla** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳ* ва *Абдулла.*

**Шоабдураҳим, Shoabdurahim** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Абдураҳим.*

**Шоабдураҳмон, Shoabdurahmon** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Абдураҳмон.*

**Шоабдуқодир, Shoabduqodir** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Абдуқодир.*

**Шоадҳам, Shoadham** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Адҳам.*

**Шоазиз, Shoaziz** (*фт.-ар.*) — қадрли, азиз ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Азиз.*

**Шоакбар, Shoakbar** (*фт.-ар.*) — улуғ, мўътабар шоҳ ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Акбар.*

**Шоакрам, Shoakram** (*фт.-ар.*) — сахий, олижаноб, меҳрибон шоҳ ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Акрам.*

**Шоалим, Shoalim** (*фт.-ар.*) — билувчи, билимдон, доно шоҳ ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Алим.*

**Шоамир, Shoamir** (*фт.-ар.*) — билимдон, улуғ ҳукмрон ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Амир.*

**Шоанвар, Shoanvar** (*фт.-ар.*) — нурли, нур сочувчи, ёрқин, равшан шоҳ ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Анвар.*

**Шоасил, Shoasil** (*фт.-ар.*) — асилзода, муқаддас, мўътабар шо (ҳ) ёки *қар.Шо* (ҳ) ва *Асил.*

**Шоасқар, Shoasqar** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Асқар.*

**Шоафзал, Shoafzal** (*фт.-ар.*) — мақбул, ортиқ, юқори турувчи, аъло шо (ҳ) ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Афзал.*

**Шоаҳмад, Shoahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Аҳмад.*

**Шоаҳрор, Shoahror** (*фт.-ар.*) — меҳрибон, раҳмдил, жўмард шо (ҳ) ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Аҳрор.*

**Шобарот, Shobarot** (*фт.-ар.*) — оппоқ кечада, мусулмонлар байрами кечасида туғилган ёки ҳур, эркин.

**Шобаҳром, Shobahrom** (*фт.*) — ғолиб, музаффар, шо (ҳ) аниқроғи "ёвуз куч Вритани қувловчи, ҳайдовчи" ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Баҳром.*

**Шобегим, Shobegim** (◇.,*фт.-ўз.*) — шоҳлар наслига мансуб, аслзода қиз ёки шо (ҳ), подшоҳ қизи, улуғ, мўътабар қиз.

**Шобек, Shobek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб улуғ мартабали бола.

**Шобека, Shobeka** (◇.,*фт.-ўз.*) — подшоҳлар наслига мансуб қиз, аслзода қиз.

**Шоберди, Shoberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган улуғ мартабали бола.

**Шобиби, Shobibi** (*фт.-ўз.*<*ҳинд.*) — улуғ мартабали, мўътабар қиз.

**Шобон, Шаъбон, Shobon** (*фт.*) — шаъбон ойида туғилган баланд мартабали бола.

**Шобуви, Shobuvi** (◇.,*фт.-ўз.*) — улуғ мартабали қиз.

**Шобурҳон, Shoburhon** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Бурҳон.*

**Шобўри, Shobo'ri** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Бўри.*

**Шобўта, Shobo'ta** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Бўта.*

**Шовалад, Shovalad** (*фт.ар.*) — шоҳ ўғли, шоҳ наслининг давомчиси, меросхўри.

**Шовали, Shovali** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг яқини бўлган шоҳ, муқаддас шоҳ.

**Шоваҳҳоб, Shovahhob** (*фт.-ар.*) — *Шо* (ҳ) ва *Ваҳҳоб.*

**Шоввоз, Shovvoz** (*фт.*) — азамат, зийрак, эпчил бола.

**Шогул, Shoqul** (◊ .,*фт.*) — баланд мартабали, гулдек гўзал қиз.

**Шогўзал, Shogo'zal** (◊ .,*фт.-ўз.*) — гўзалларнинг шоҳи, энг гўзал, гўзалларнинг гўзали.

**Шод, Shod** (*фт.*) — шодон, қувноқ, бахтиёр бола. Шакллари: *Шодбой, Шодбек, Шодой.*

**Шодали, Shodali** (*фт.-ар.*) — қувноқ бахтиёр болани Али ўз паноҳида асрасин ёки Али ато қилган шодлик, бахтиёрлик.

**Шодгуна, Shodguna** (*фт.*) — қувноқ, хушчақчақ, хуррам ёки куйчи, мусиқаси.

**Шоддил, Shoddil** (*фт.*) — қувноқ қалбли, хушчақчақ, очиқ кўнгил ёки дилни шодлатувчи, кўнгилни яратувчи.

**Шоди, Shodi** (*фт.*) — қувноқлик, бахтиёрлик. Шакллари: *Шодибек, Шодигул, Шодихон.*

**Шодиаҳмад, Shodiahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоди* ва *Аҳмад* ёки *Аҳмад* (*қар.*), яъни пайғамбар берган шодлик, бахт.

**Шодибек, Shodibek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб қувноқ, бахтиёр бола.

**Шодигул, Shodiqul** (◊ .,*фт.*) — қувноқ, шодон ва гулдек гўзал қиз.

**Шодиёр, Shodiyor** (*фт.*) — қувноқлик, шодликнинг ҳамроғи, дўсти ёки доимо шодлик, бахтиёрлик ҳамроҳи бўлсин.

**Шодил // Шоддил, Shodil** (*фт.*) — қувноқ, шодон қалбли, хушчақчақ бола.

**Шодилбек // Шоддилбек, Shodilbek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган хушчақчақ бола.

**Шодимат, Shodimat** (*фт.-ар.*) — *қар. Шодимуҳаммад.*

**Шодимирза, Shodimirza** (*фт.*) — қувноқ, бахтиёр ҳамда мирзолардек келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Шодимурод, Shodimurod** (*фт.-ар.*) — шодлигимиз, мақсадимиз, орзуимиз бўлган бола.

**Шодимуҳаммад, Shodimuhammad** (*фт.-ар.*) — Муҳаммад (сав) ато қилган шодлик, бахтиёрлик ёки ҳаёти қувноқ, шодон бўлсин ва Муҳаммад (сав) қўллаб юрсин.

**Шодинисо, Shodiniso** (◊ .,*фт.-ар.*) — аёлларнинг қувноғи, бахтиёр ва шодмони.

**Шодитўра, Shodito'ra** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шоди* ва *Тўра.*

**Шодихол, Shodixol** (*фт.*) — баданида хол б-н туғилган қувноқ, бахтиёр қиз.

**Шодихўжа, Shodixo‘ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган қувноқ, бахтиёр бола.

**Шодия, Shodiya** (◇.,*фт.*) — шодон, қувноқ, бахтиёр қиз.

**Шодиқул, Shodiqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг бахтиёр бандаси.

**Шодком, Shodkom** (*фт.*) — доимо шодон, хурсанд бола.

**Шодлик, Shodlik** (*фт.-ўз.*) — бахтиёрлик, қувончнинг боиси бўлган бола ёки шодлик, бахтиёрлик ҳамроҳи бўлсин.

**Шодмат, Shodmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шодимуҳаммад.*

**Шодмон, Shodmon** (*фт.*) — хурсанд, мамнун, бахтиёр бола ёки умри доимо шодликда ўтсин.

**Шодмона, Shodmona** (◇.,*фт.*) — хурсанд, мамнун, бахтиёр, масрур қиз.

**Шодмонали, Shodmonali** (*фт.-ар.*) — умри хурсандлик, бахтиёрликда ўтсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Шодмонхўжа, Shodmonxo‘ja** (*фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бахтиёр бола.

**Шодмонқул, Shodmonqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг қувноқ, бахтиёр бандаси, қули.

**Шодон, Shodon** (*фт.*) — хурсанд, бахтиёр, мамнун.

**Шоёнбек, Shoyonbek** (*фт.-ўз.*) — эъзоз, эътиборга лойиқ, орзу қилинган бола.

**Шоёқуб, Shoyoqub** (*фт.қад.яҳ*) — *қар Шо* (ҳ) ва *Ёқуб* (Яъқуб)

**Шожалил, Shojalil** (*фт.-ар.*) — улуғвор, буюк шоҳ ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Жалил.*

**Шожамол, Shojamol** (*фт.-ар.*) — гўзал, келишган шоҳ; етук, комил, камолотга етган шоҳ ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Жамол.*

**Шожаҳон, Shojahon** (*фт.*) — бутун оламнинг шоҳи, жаҳон ҳукмдори.

**Шожон, Shojon** (*фт.*) — жондек азиз, суюкли ўғил улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шозамон, Shozamon** (*фт.-ар.*) — давр, замон шоҳи.

**Шозафар, Shozafar** (*фт.-ар.*) — ғолиблик шоҳи; музаффар, енгилмас шоҳ.

**Шозиёд, Shoziyod** (*фт.*) — шоҳларнинг энг афзали, устуни; шоҳлар шоҳи ёки камолга етувчи шоҳ ёхуд Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони бўлган ўғил улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шозод, Shozod** (*фт.*) — шоҳлар, ҳукмронлар авлодига мансуб бола. Сол: *Шоҳзод.*

**Шозот, Shozot** (*фт.*) — шоҳлар авлодига мансуб бола, аслзода. *Қар. Шозод.*

**Шоикром, Shoikrom** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Икром.*

**Шоилёс, Shoilyos** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Илёс.*

**Шоимом, Shoimom** (*фт.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Имом* ёки имом (диний раҳбар, пешво) ларнинг улуғи, етуги, камолга етгани; ёхуд *қар. Шо* (ҳ) ва *Имом.*

**Шоиноят, Shoinoyat** (*фт.-ар.*) — Аллоҳ илтифот раҳм қилиб берган ўғил улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шоиноғом, Shoinog'om** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Иноғом.*

**Шоинъом, Shoin'om** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси бўлган бола улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Шоир, Shoir** (*ар.*) — шоир, гўзал нутқ соҳиби, нотиқ бўлсин.

**Шоира, Shoira** (◇.,*ар.*) — соғ улғайиб шеърлар ижод қилувчи бўлсин.

**Шоиргул, Shoirgul** (◇.,*ар.-фт.*) — гулдек гўзал шоира қиз, адиба.

**Шоислом, Shoislom** (*фт.-ар.*) — ислом ҳукмдори, исломнинг таянчи ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Ислом.*

**Шоисмат, Shoismat** (*фт.-ар.*) — покиза, озода ўғил улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шоисмоил, Shoismoil** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Исмоил.*

**Шоисроил, Shoisroil** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Исроил.*

**Шоиста, Шойиста, Shoista** (◇.,*фт.*) — муносиб, лойиқ, эъзозга арзийдиган.

**Шоисҳоқ, Shois'hoq** (*фт.қад.яҳ.*) — *қар. Шо* (ҳ) *ва Исҳоқ.*

**Шоиф, Shoif** (*ар.*) — кўрувчи, танувчи; зийрак, сезгир.

**Шоиқ, Shoiq** (*ар.*) — жуда яхши, аъло; ҳавас қилишга арзийдиган ёки муштоқ бўлиб кутилган бола.

**Шоиқа, Shoiqa** (◇.,*ар.*) — ҳавас қилса арзийдиган, жуда яхши, ёқимтой қиз ёки орзиқиб кутилган қиз.

**Шойбек, Shoybek** (*фт.*) — кучли, қудратли. Сол.: *Шойибек.*

**Шойаҳмад, Shoyahmad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳ* ва *Аҳмад.*

**Шойвали, Shoyvali** (*фт.-ар.*) — *қар. Шовали, Шоҳвали.*

**Шойгул, Shoyqul** (◇.,*фт.*) — *қар. Шогул, Шоҳгул.*

**Шойжон, Shoyjon** (*фт.*) — *қар. Шоҳжон.*

**Шойзода, Shoyzoda** (◇.,*фт.*) — *қар. Шоҳзода.*

**Шойи, Shoyi** (*ўз.*) — кучли, қудратли ёки *Шоҳимардон, Шоймардон* (*қар.*) исмларнинг эқ. шакли.

**Шойибек, Shoyibek** (*ўз.*) — кучли, қудратли.

**Шойим, Shoyim** (*фт.*) — Шоҳимардон, Шоймармон исмларнинг эқ. шакли.

**Шойимхўжа, Shoyimxo'ja** (*фт.*) — *қар. Шойим* (Шойим+хўжа).

**Шойимқул, Shoyimqul** (*фт.+ўз.*) — *қар. Шойим* (Шойим+қул).

**Шойиста, Shoyista** (◇.,*фт.*) — *қар. Шоҳиста.*

**Шоймардон, Shoymardon** (*фт.*) — мардлар, жасурларнинг бошлиғи, сардори, шоҳи.

**Шоймат, Shoymat** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоймуҳаммад.*

**Шоймаҳмуд, Shoymahmud** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳ* ва *Маҳмуд.*

**Шоймир, Shoymir** (*фт.*) — *қар. Шомирза, Шоҳмирза.*

**Шоймирза, Shoymirza** (*фт.*) — *қар. Шомирза, Шоҳмирза.*

**Шоймуҳаммад, Shoymuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳмуҳаммад.*

**Шойузоқ, Shoyuzoq** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шойзоқ, Шоҳузоқ.*

**Шойхол, Shoyxol** (◊.,*фт.*) — яхши, хосиятли хол б-н туғилган қиз.

**Шойўлдош, Shoyo'ldosh** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Йўлдош.*

**Шойқул, Shoyqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шоқул.*

**Шокамол, Shokamol** (*фт.-ар.*) — етуклик, камолот шоҳи ёки *қар. Шо* (ҳ) ва *Камол.*

**Шокарим, Shokarim** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Карим* ёки *Карим* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган ўғил улғайиб баланд мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шокелди, Shokeldi** (*фт.-ўз.*) — улуғ мартабали, муътабар ўғил туғилди ва *қар. Шо* (ҳ) ва *Келди.*

**Шокир, Shokir** (*ар.*) — Аллоҳга шукрлар қилувчи, тангри (яратган) дан миннатдор бола ёки фарзанд берганига Аллоҳга шукрлар қиламиз, миннатдормиз.

**Шокира, Shokira** (◊.,*ар.*) — Аллоҳга шукр қилувчи, яратгандан миннатдор қиз.

**Шокирали, Shokirali** (*ар.*) — *қар. Шокир* ва *Али.*

**Шоколон, Shokolon** (*фт.*) — улуғ шоҳ, буюк ҳукмрон ёки оиламизнинг тўнғич фарзанди улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шокуҳ, Shokuh** (*ар.*) — савлатли, кўркам, ҳашаматли.

**Шоликор, Sholikor** (*фт.*) — соғ улғайиб деҳқон бўлсин ёки шоли ўрими пайтида туғилиган бола.

**Шолхон, Sholxon** (◊.,*фт.-ўз.*) — *эҳт.: Шолихон,* яъни шоли ўрими пайтида туғилган қиз.

**Шомамат, Shomamat** (*фт.-ар.*) — *қар. Шомуҳаммад.*

**Шоматмирза, Shomatmirza** (*фт.-ар.*) — улғайиб улуғ мансабдор, мирзолардек ўқимишли, келишган йигит бўлсин.

**Шомансур, Shomansur** (*фт.-ар.*) — енгувчи, ғолиб, музаффар шоҳ.

**Шомат, Shomat** (*ар.*) — *қар. Шомуҳаммад.*

**Шомақсуд, Shomaqsud** (*фт.-ар.*) — кутилган, орзу қилинган бола улуғ мартабали бўлсин.

**Шомаҳмуд, Shomahmud** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Маҳмуд.*

**Шомели, Shomeli** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шо* (ҳ) ва *Мели, Мелибой.*

**Шоми, Шамъи, Shomi** (*фт.*) — айнан: чироқ, шам; ибодат пайти (шомда) туғилган бола ёки *Шомуҳиддин, Шомансур* каби қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Шомиддин, Shomiddin** (*фт.-ар.*) — диннинг чироғи, машъали.

**Шомил, Shomil** (*ар.қад.яҳ.*) — кенг ёйилган, қамрови кенг; етарли, етук, комил ёки *Шамуэл* (*қад.яҳ.*)— "худо эшитган", "Аллоҳ қулоқ солган, инобатга олган".

**Шомила, Shomila** (◊.,*ар.*) — етарли, етук, ҳар томонлама камолга етган.

**Шоминисо, Shominiso** (◊.,*фт.-ар.*) — айнан: аёллар чироғи, машъали, яъни аёлларнинг аълоси, энг афзали ёхуд дилбар, дилкушо аёл.

**Шомирза, Shomirza** (*фт.*) – уқимишли, билимдонлар сардори, илғори.

**Шомирпўлат, Shomirpo'lat** (*фт.*) – *қар. Шомирза* ва *Пўлат.*

**Шомми, Shommi** (*фт.*) – *қар. Шоми* ва *Шомурод.*

**Шомирраҳмат, Shomirrahmat** (*фт.-ар.*) – *қар. Шомир* ва *Раҳмат.*

**Шомузаффар, Shomuzaffar** (*фт.-ар.*) – енгилмас, ғолиб шоҳ ёки ғолибларнинг сардори.

**Шомукаррам, Shomukarram** (*фт.-ар.*) – эъзозли, мўътабар шоҳ ёки соғ улғайиб улуғ мартаба ва ҳурматга сазовор бўлсин.

**Шомуллажон, Shomullajon** (*фт.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Муллажон.*

**Шомурод, Shomurod** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Мурод; Шоҳмурод.*

**Шомустақим, Shomustaqim** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Мустақим.*

**Шомутал, Shomutal** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Мутал.*

**Шомухтор, Shomuxtor** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Мухтор.*

**Шомуҳаммад, Shomuhammad** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Муҳаммад.*

**Шомуҳиддин, Shomuhiddin** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Муҳиддин.*

**Шонагул, Shonagul** (♀., *фт.*) – гул бутоғидек гўзал, кўкарадиган, яъни яшайдиган қиз.

**Шоназар, Shonazar** (*фт.-ар.*) – Аллоҳнинг муруввати (назари) бўлган бола улғайиб улуғ мартабаларга эришсин.

**Шонасим, Shonasim** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Насим.*

**Шонафас, Shonafas** (*фт.-ар.*) – Аллоҳнинг ёки азиз авлиё (эшон)нинг қудрати (нафаси) бўлган ўғил улғайиб улуғ мансаблар соҳиби бўлсин.

**Шонахон, Shonaxon** (♀., *фт.-ўз.*) – *қар. Шонагул* ёки эҳт.: *Нишона+гул.*

**Шонгул, Shongul** (♀., *фт.*) – қувноқ, шодон, бахтиёр.

**Шонеъмат, Shone'mat** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Неъмат.*

**Шониёз, Shoniyoz** (*фт.*) – Аллоҳдан тилаб олинган ўғил соғ улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин ёки Аллоҳ ато қилган туҳфа, совға.

**Шонисо, Shoniso** (♀., *фт.-ар.*) – айнан: аёллар шоҳи, сардори ёки аёлларнинг энг улуғи, мўътабари.

**Шонур, Shonur** (*фт.-ар.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Нур* ёки Аллоҳнинг нури, зиёси.

**Шообод, Shoobod** (*фт.*) – тўқ, фаровон ҳаёт кечириб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Шоортиқ, Shoortiq** (*фт.-ар.*) – баданида ортиқ белгиси (нишони) б-н туғилган бола соғ улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шопари, Shopari** (♀., *фт.*) – гўзал, зебо қизларнинг сардори, энг аълоси; тенгсиз гўзал.

**Шопошша, Shoposhsha** (♀., *фт.*) – улуғларнинг улуғи, ўта мўътабар қиз.

**Шопур, Shopur** (*фт.<паҳл.*) – шоҳзода, шоҳ фарзанди, подшоҳ ўғли.

**Шопўлат, Shopo'lat** (*фт.*) — пўлатдек мустаҳкам, ўғил улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шоражаб, Shorajab** (*фт.-ар.*) — ражаб ойида туғилган ўғил улғайиб улуғ мартабага эришсин.

**Шорасул, Shorasul** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Расул.*

**Шораҳбар, Shorahbar** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо* ва *Раҳбар* ёки улуғ бошлиқ, сардорлар шоҳи.

**Шораҳим, Shorahim** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Раҳим.*

**Шораҳмат, Shorahmat** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Раҳмат.*

**Шоризқи, Shorizqi** (*фт.-ар.*) — соғ улғайиб ризқу насибали ва баланд мартабали бўлсин.

**Шорустам, Shorustam** (*фт.<паҳл.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Рустам.*

**Шосаид, Shosaid** (*фт.-ар.*) — улуғ мартабали ва бахтли, саодаманд бола.

**Шосалим, Shosalim** (*фт.-ар.*) — соғлом, бақувват бўлиб ўссин ва улуғ мансаблар эгаси бўлсин.

**Шосалмон, Shosalmon** (*фт.-ар.*) — соғ-саломат, эсон-омон улғайиб, улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шосанам, Shosanam** (◇., *фт.-ар.*) — *қар. Шоҳсанам.*

**Шосафар, Shosafar** (*фт.-ар.*) — сафар ойида ёки сафар чоғида туғилган улуғ мартабали ўғил.

**Шособир, Shosobir** (*фт.-ар.*) — сабр-тоқатли, чидамли, иродали бола.

**Шосолиҳ, Shosolih** (*фт.-ар.*) — озода, покиза, бегуноҳларнинг энг аълоси, энг юксак турувчиси.

**Шосувор, Shosuvor** (*фт.*) — суворийларнинг сардори; улуғ чавандоз.

**Шосултон, Shosulton** (*фт.-ар.*) — султонларнинг энг улуғи — шоҳлар шоҳи; буюк ҳукмрон, бошлиқ.

**Шотемир, Shotemir** (*фт.-ўз.*) — темирдек мустаҳкам ўғил улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шотирбой, Shotirboy** (*ар.*) — ўтмиш мансабларидан бири бўлиб, подшоҳ минган от жиловининг ушлаб борувчи амалдор, жиловбардор; чаққон, далир, паҳлавон ёки махсус кийимда юриб додхоҳлар аризасини йиғиб олувчи амалдор. Эҳт.: *Шотир<Шотур-<Шотурсун* (*қар.*).

**Шотур, Shotur** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шотурсун, Шотурди* ёки *қар. Шотирбой.*

**Шотурди, Shoturdi** (*фт.-ўз.*) — яшаб туриб қолсин ва улғайиб мартабаларга эришсин.

**Шотурсун, Shotursun** (*фт.-ўз.*) — яшаб туриб қолсин ва улуғ мартабаларга эришсин.

**Шотўлаган, Shoto'lagan** (*фт.-ўз.*) — турмаган болалар ўрнига, эвазига берилган ўғил улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Шотўра, Shoto'ra** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Тўра.*

**Шоумар, Shoumar** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Умар.*

**Шоумрзоқ, Shoumrzoq** (*фт.-ар.-ўз.*) — *Шо(ҳ)* ва *Умрзоқ.*

**Шоусмон, Shousmon** (*ўз.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Усмон.*

**Шофайзи, Shofaizi** (*фт.-ар.*) — насибаси мўл, файз-баракали ҳамда улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шофаттоҳ, Shofattoh** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Фаттоҳ.*

**Шофий, Shofiy** (*ар.*) — қаноат қилувчи, қаноатбахш; дуруст, мақбул. Бу ном Исломда тўрт мазҳабдан бирини тузган имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Идриснинг лақаби бўлган.

**Шофия, Shofiya** (◇., *ар.*) — шифобахш, соғлом ёки *қар. Шофий.*

**Шохалил, Shoxalil** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Халил.*

**Шохдор, Shoxdor** (*фт.*) — бошида қандайдир ортиқча бел(дўнгча) билан туғилган бола.

**Шохли, Шохлибой, Shoxli** (*фт.*) — бошида қандайдир ортиқча белги (дўнг, шиш) билан туғилган бола.

**Шахоб, Shaxob** (*ар.*) — *қар. Шаҳоб* ёки шахоб — дарё ирмоғи, дарёча.

**Шохол, Shoxol** (*фт.*) — хол билан туғилган ўғил улғайиб улуғ мартабаларга эришсин, обрўли, иззатли бўлсин.

**Шохўжа, Shoxo'ja** (*фт.*) — хўжаларнинг сардори, раҳбари ёки хўжалар авлодидан бўлган бола улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шочучук, Shochuchuk** (◇., *фт.-ўз.*) — ширин, ёқимтой, суюкли ва баланд мартабали, мўътабар қиз.

**Шошия, Shoshiya** (◇.,*суғ.*) — топиб олинган қиз ёки озод, ҳур қиз ёҳуд Шош (шаҳар) фарзанди, ёҳуд ёмон, ифлос қиз. Кейинги маъно болага кўз тегмасин деган мақсадни ифодалайди.

**Шоюнус, Shoyunus** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Юнус.*

**Шоюсуф, Shoyusuf** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Юсуф.*

**Шояд, Шоядбек, Shoyad** (*фт.*) — ўлмасдан, яшаб кетса ажаб эмас, яшайди деб умид қиламиз. Ҳадеб фарзандлари нобуд бўлаверган оилаларда навбатдаги болага бериладиган ном.

**Шоядхон, Shoyadxon** (◇., *фт.-ўз.*) — яшаб кетса ажаб эмас; яшаб кетар деб умид қиламиз.

**Шояъқуб, Shoya'qub** (*фт.-қад.яҳ.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Яъқуб.*

**Шоқилич, Shoqilich** (*фт.-ўз.*) — қиличдек мустаҳкам ва ўткир ва улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Шоқодир, Shoqodir** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Қодир.*

**Шоқосим, Shoqosim** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Қосим.*

**Шоқул, Shoqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг эъзозли, мўътабар бандаси, қули.

**Шоқурбон, Shoqurbon** (*фт.-ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғил соғ улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Шоқўчқор, Shoqo'chqor** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Қўчқор.*

**Шоғайрат, Shog'ayrat** (*фт.-ар.*) — ғайратли, чаққон, меҳнаткаш йигит бўлсин ва улғайиб улуғ мартабаларга эришсин.

**Шоғани, Shog'ani** (*фт.-ар.*) — улуғ мартабали бой-бадавлат бола.

**Шоғафур, Shog'afur** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Ғафур.*

**Шоғаффор, Shog'affor** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Ғаффор.*

**Шоғдор, Shog'dor** (*фт.*) — *қар. Шоҳдор.*

**Шоғиёс, Shog'iyos** (*фт.-ар.*) — ота-онасига кўмакчи, суянчиқ бўлиб ўссин ва улуғ мартабаларга эришсин.

**Шоғойиб, Shog'oyib** (*фт.-ар.*) — *қар. Шо(ҳ)* ва *Ғойиб.*

**Шоғулом, Shog'ulom** (*фт.-ар.*) — шоҳнинг қули, хизматкори ёки Аллоҳнинг бандаси, қули. Сол.: *Шоқул.*

**Шоҳ, Shoh** (*фт.*) — подшоҳ, султон ёки Тангри, Аллоҳ ёки энг юксак, энг мўътабар.

**Шоҳабиб, Shohabib** (*фт.-ар.*) — энг юксак, мўътабар дўст, ҳамдам ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Ҳабиб.*

**Шоҳайдар, Shohaydar** (*фт.-ар.*) — подшоҳларнинг энг жасури, баҳодир ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Ҳайдар.*

**Шоҳаким, Shohakim** (*фт.-ар.*) — билимдон, донишмандларнинг энг улуғи, мўътабари ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Али.*

**Шоҳалим, Shohalim** (*фт.-ар.*) — сахий, саховатли, раҳмдилларнинг энг улуғи ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Ҳалим.*

**Шоҳамдам, Shohamdam** (*фт.*) — ота-онаси ёки ўзидан олдинги ака-опаларига дўст, эш бўлиб улғайсин ёки энг мўътабар, эъзозли дўст.

**Шоҳан, Shohan** (*фт.*) — юксак эъзозга лойиқ бола ёки энг яхши фазилат ва хислатлар соҳиби.

**Шоҳанбу, Shohanbu** (◊., *фт.-ўз.*) — энг яхши хислатлар эгаси бўлган қиз.

**Шоҳанда, Shohanda** (◊., *фт.*) — энг яхши фазилат, хислатлар эгаси; саховатли, ҳимматли қиз.

**Шоҳасан, Shohasan** (*фт.-ар.*) — гўзал, чиройлиларнинг энг аълоси, устуни, тенгсиз гўзал ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Ҳасан.*

**Шоҳафиз, Shohafiz** (*фт.-ар.*) — улуғ ғамхўр, меҳрибон ва асровчи ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Ҳафиз.*

**Шоҳбек, Shohbek** (*фт.-ар.*) — аслзодалар, бекларнинг сардори ёки беклар авлодига мансуб улуғ мартабали бола.

**Шоҳберган, Shohbergan** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган бола. Аллоҳнинг эҳсони.

**Шоҳберди, Shohberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ ато қилган бола.

**Шоҳбоз, Shohboz** (*фт.*) — шунқор (лочин) дек чаққон, жасур бўлсин ёки умри лочин парвозидек юксак бўлсин.

**Шоҳбой, Shohboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шоҳ* (Шоҳ+бой) ёки "шоҳ" сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли.

**Шоҳбону, Shohbonu** (◊., *фт.*) — малика, шоҳлар наслига мансуб қиз; улуғ мартабали: мўътабар қиз.

**Шоҳвалад, Shohvalad** (*фт.-ар.*) – шоҳзода: шоҳлар, ҳукмдорлар наслига мансуб бола.

**Шоҳвали, Shohvali** (*фт.-ар.*) – авлиёлар сардори; муқаддас шоҳ.

**Шоҳгадо, Shohgado** (*фт.*) – *қар. Шо*(*ҳ*) ва *Гадо* ёки фарзандга муҳтож (гадо) бўлиб юриб топилган ўғил улғайиб улуғ мартабаларга эришсин.

**Шоҳдод, Shohdod** (*фт.*) – шоҳнинг, яъни Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Шоҳёра, Shohyora** (*фт.*) – Аллоҳ ёр бўлувчи, қўлловчи бола.

**Шоҳзамон, Shohzamon** (*фт.-ар.*) – давр ҳукмдори, давр подшоҳи.

**Шоҳзод, Shohzod** (*фт.*) – шоҳлар наслига мансуб бола, подшоҳ ўғли.

**Шоҳзода, Shohzoda** (*фт.*) – шоҳ фарзанди, шоҳлар наслига мансуб бола.

**Шоҳзодабегим, Shohzodabegim** (◊ ., *фт.-ўз.*) – *қар. Шоҳзода* ва *Бегим.*

**Шоҳибек, Shohibek** (*фт.-ўз.*) – беклар шоҳи ёки *Шойибек* (*қар*).

**Шоҳибу, Shohibu** (◊ ., *фт.-ўз.*) – *қар. Шоҳбуви.*

**Шоҳид, Shohid** (*ар.*) – гўзал, келишган, суюкли. Асли: *Шоҳиддин, Шоҳидулла* (*қар.*).

**Шоҳида, Shohida** (◊ ., *ар.*) – чиройли, келишган, суюкли қиз.

**Шоҳиддин, Shohiddin** (*ар.*) – дин учун жонини фидо қилувчи, художўй, тақводор ёки чиройли, суюкли.

**Шоҳидил, Shohidil** (◊ ., *фт.*) – пок кўнгил, мафтункор, жозибали.

**Шоҳидой, Shohidoy** (◊ ., *ар.-ўз.*) – гўзал, зебо, суюкли қиз.

**Шоҳидқул, Shohidqul** (*фт.-ўз.*) – *қар. Шоҳид* (Шоҳид+қул).

**Шоҳизинда, Shohizinda** (*фт.*) – Шоҳизинда (қадамжой)ни зиёрат қилгач туғилган бола.

**Шоҳим, Shohim** (*фт.-ар.*) – «шоҳ» сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Шоҳмуҳаммад каби)нинг эқ. шакли.

**Шоҳимардон, Shohimardon** (*фт.*) – мардлар, жасурлар шоҳи, сардори. Бу ном халифа Алининг сифати бўлиб, у жасурлиги учун ана шундай номланган.

**Шоҳиммат, Shohimmat** (*фт.-ар.*) – олижаноб, марҳаматли, сахий ўғил улғайиб улуғ мартабага эришсин.

**Шоҳин, Shohin** (*фт.*) – лочин; қарчиғайдек сезгир,жасур бўлсин.

**Шоҳина, Shohina** (◊ ., *фт.*) – жасур, мард қиз ёки малика, аслзода.

**Шоҳир, Shohir** (*ар.*) – шуҳратли, шавкатли ёки эҳтимол: *Шокир* (*қар.*).

**Шоҳисалом, Shohisalom** (*фт.-ар.*) – *қар. Шоҳ* ва *Салом.*

**Шоҳисмоил, Shohismoil** (*ар.-қад.яҳ.*) – *қар. Шоҳ* ва *Исмоил.*

**Шоҳиста, Shohista** (◇., *фт.*) — муносиб, лойиқ, эъзозга сазовор. Сол.: *Шойиста.*

**Шоҳистагул, Shohistagul** (*фт.*) — ҳурматга, эъзозга муносиб бўлган гулдек гўзал қиз.

**Шоҳисултон, Shohisulton** (*фт.-ар.*) — султонлар шоҳи, шоҳаншоҳ.

**Шоҳкелди, Shohkeldi** (*фт.-ўз.*) — улуғ мартабали ўғил туғилди.

**Шоҳмалик, Shohmalik** (*фт.-ар.*) — енгилмас, ғолиб, музаффар шоҳ ёки *қар. Шоҳ* ва *Малик.*

**Шоҳмансур, Shohmansur** (*фт.-ар.*) — ғолиб, енгилмас шоҳ. Сол.: Шомансур.

**Шоҳмардон, Shohmardon** (*фт.*) — *қар. Шоҳимардон.*

**Шоҳмир, Shohmir** (*фт.*) — *қар. Шомирза.*

**Шоҳмирза, Shohmirza** (*фт.*) — улуғ мартабалар соҳиби ва мирзалардек билимли, келишган йигит бўлсин.

**Шоҳмурод, Shohmurod** (*фт.-ар.*) — улғайиб баланд мартабаларга эришсин ва муроду мақсадга етсин ёки шоҳ (Аллоҳ) эриштирган орзу, мақсад.

**Шоҳмуҳаммад, Shohmuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳ* ва *Муҳаммад.*

**Шоҳнавоз, Shohnavoz** (*фт.*) — меҳру-шафқат, саховат шоҳи ёки лазокатли, латофатли ҳукмрон ёҳуд назокат шоҳи.

**Шоҳназар, Shohnazar** (*фт.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти (назари) туфайли эришилган бола.

**Шоҳниёз, Shohniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Шоҳноз, Шоҳноза, Shohnoz** (*фт.*) — тенгсиз нозлар қилувчи; ёқимтой жозибали қиз.

**Шоҳолам, Шоҳиолам, Shoholam** (*фт.-ар.*) — дунё подшоҳи, жаҳон ҳукмдори.

**Шоҳотам, Shohotam** (*фт.-ар.*) — сахийлар, жўмардларнинг сардори, шоҳи ёки *қар. Шоҳ* ва *Ҳотам.*

**Шоҳпари, Shohpari** (*фт.*) — басавлат, келишган, виқорли гўзал; парилар подшоҳи, сардори, гўзалларнинг гўзали.

**Шоҳрбону, Шаҳрбону, Shohrbonu** (◇., *фт.*) — мамлакат ҳукмдори; малика. Сол.: *Шарбон, Шаҳрбону.*

**Шоҳруҳ, Shohruh** (*фт.*) — виқорли, келишган; чиройли, зебо ёки шахматдаги шоҳ руҳи (ладья, тўра). Ривоятга кўра, Темур шахмат ўйнаб ўтирганида ўғил туғилганини эшитади ва унга Шоҳруҳ деб ном беради.

**Шоҳсанам, Shohsanam** (*фт.-ар.*) — гўзалларнинг сардори, шоҳи, виқорли, тенгсиз гўзал.

**Шоҳсаодат, Shohsaodat** (*фт.-ар.*) — бахтли, омадли; улуғ мартаба соҳиби.

**Шоҳсифат, Shohsifat** (*фт.-ар.*) — энг яхши фазилатлар соҳиби.

**Шоҳсувор, Shohsuvor** (*фт.*) — от минишнинг моҳири, моҳир чавандоз; отлиқ.

**Шоҳтой, Shohtoy** (*фт.-ўз.*) — суюкли, эркатой ўғил улғайиб улуғ мартаба соҳиби бўлсин.

**Шоҳузоқ, Shohuzoq** (*фт.-ўз.*) — *қар. Шоҳ* ва *Узоқ.*

**Шоҳусайн, Shohusayn** (*фт.-ар.*) – ўта марҳаматли, раҳмдил, меҳрибонлар сардори ёки *қар. Шо(ҳ)* ва *Ҳусайн.*

**Шоҳусмон, Shohusmon** (*фт.-ар.*) — *қар. Шоҳ* ва *Усмон.*

**Шоҳхўжа, Shohxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола улғайиб улуғ мартабалар эгаси бўлсин.

**Шоҳқули, Shohquli** (*фт.-ўз.*) — улуғ подшоҳнинг қули, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Шуайб, Shuayb** (*ар.*) — шоҳ, бутоқ ёки тўғри йўлга йўлловчи, кўмакчи.

**Шужо, Шижо, Shujo** (*ар.*) — мард, қўрқмас, жасур, далир.

**Шукри, Shukri** (◊., *ар.*) — шукур қилувчи, миннатдор. Асли: *Шукринисо.*

**Шукринисо, Shukriniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг шарафлиси, эъзозлиси ёки фахри шукр қилувчи, қаноатли аёл.

**Шукрия, Shukriya** (◊., *ар.*) — шукур қилувчи, қаноатли аёл.

**Шукур, Shukur** (*ар.*) — қаноат қилган, миннатдор. Асли: *Шукурулла, Шукуриддин* (*қар.*). Шакллари: *Шукурбой, Шукуржон, Шукурхон.*

**Шукура, Shukura** (◊., *ар.*) — шукр этувчи, қаноат қилувчи қиз.

**Шукурали, Shukurali** (*ар.*) — халиф Алидан миннатдормиз ёки болали бўлганимиз учун шукрлар қиламиз ва Али уни ўз паноҳида асрасин.

**Шукурберди, Shukurberdi** (*ар.-ўз.*) — фарзандли бўлганимиз учун (Аллоҳдан) миннатдормиз, шукур қиламиз.

**Шукуриддин, Shukuriddin** (*ар.*) — диннинг шукуҳи, шуҳрати ёки динга сиғинувчи бола, художўй.

**Шукурия, Shukuriya** (◊., *ар.*) — шукур қилувчи, қаноатли қиз.

**Шукурулла, Shukurulla** (*ар.*) — фарзандли бўлганимиз учун шукрона айтамиз.

**Шукурхон, Shukurxon** (*ар.*) — *қар. Шукур* (Шукур+хон).

**Шукурхўжа, Shukurxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган инсофли, қаноатли бола.

**Шукуфа, Shukufa** (◊., *фт.*) — гул гулғунчаси, яъни гулғунчасидек чиройли, зебо қиз.

**Шукуҳ, Shukuh** (*фт.*) — улуғвор, шону шавкатли; кўркам, келишган.

**Шумбол, Shumbol** (*ўз.*) — улкан, улуғ, буюк; паҳлавон.

**Шунқор, Шунқорбой, Shunqor** (*ўз.*) — лочин; довюрак, жасур, чаққон.

**Шуъла, Shu'la** (◇., *ар.*) — айнан: оловнинг тили, нур, ёғду, машъал.

**Шуҳрат, Shuhrat** (*ар.*) — довруғ, машҳурлик; шону-шавкат.

**Шуҳратой, Shuhratoy** (◇., *ар.-ўз.*) — машҳур, шавкатли қиз.

**Шуҳратхон, Shuhratxon** (◇., *ар.-ўз.*) — улуғ мартабали, машҳур, шонли қиз.

**Шуҳратқул, Shuhratqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг машҳур, шавкатли бандаси, қули.

**Шўра, Sho'ra** (*ўз.<қад.т.*) — жаноб, бошлиқ, сардор ёки келишиш, битим, иттифоқ.

**Шўхберди, Sho'xberdi** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳ берган боланинг умри шўхлик, қувноқликда ўтсин.

**Шўхбой, Sho'xboy** (*фт.*) — қувноқ, бахтиёр.

**Шўхия, Sho'xiya** (◇., *фт.*) — қувноқ, бахтиёр қиз.

**Шўхлиддин, Sho'xliddin** (*фт.-ар.*) — диннинг қувноқ, бахтиёр ихлосманди.

**Шўхқиз, Sho'xqiz** (◇., *фт.-ўз.*) — қувноқ, бахтиёр қиз.

# Э

**Эвара, Evara** (◇., *ўз.*) — чеваранинг боласи.

**Эваз, Иваз, Evaz** (*ар.*) — олдинги турмаган болалар ўрнига, эвазига берилган бола.

**Эгам, Egam** (*ўз.*) — айнан: жаноб, хўжайин, яъни Аллоҳ, худо. Асли: *Эгамберди, Эгамберган.*

**Эгамберган, Egambergan** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилган бола.

**Эгамберди, Egamberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилган (берган) бола.

**Эгамёр, Egamyor** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ ўзи ёр бўлсин, қўллаб юрсин.

**Эгаммирза, Egammirza** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ берган бола улғайиб, мирзалардек ўқимишли, келишган йигит бўлсин.

**Эгаммурод, Egammurod** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ етиштирган орзу, мақсад.

**Эгамназар, Egamnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ илтифот қилиб, назарга илиб берган бола.

**Эгамниёз, Egamniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Эгамой, Egamoy** (◇., *ўз.*) — Аллоҳ берган ойдек сулув қиз.

**Эгамтой, Egamtoy** (*ўз.*) — Аллоҳ ато қилган суюкли, эрка бола.

**Эгамхўжа, Egamxo'ja** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эгам* ва *Хўжа.*

**Эгамшукур, Egamshukur** (*ўз.-ар.*) — ўғил бергани учун Аллоҳдан миннатдормиз, шукур қиламиз.

**Эгамқул, Egamqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Эгат, Эгатбой, Egat** (*ўз.*) — "эгам" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Эгача, Egacha** (◇., *ўз.*) — эҳт.: *Эгачи* (опа).

**Эгаш, Эгашхон Egash** (◇., *ўз.*) — "эгам" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли. Эҳт. *Эргашхон.*

**Эгизбек, Эгизбой, Egizbek** (*ўз.*) — эгизак бўлиб туғилган бола ёки отасига эгизак, эш бўлиб юрсин.

**Эгилик, Egilik** (*ўз.*) — эзгулик, яхшилик, ҳимматлилик; хосиятли.

**Эдил, Эдилбой, Edil** (*ар.*) — умри улуғ, улкан дарёдек тўлиқ, тошқин бўлсин. Эҳт.: *Одил* (*қар.*) исмининг ўзгарган шакли ёхуд ўз вақтида туғилган, кутилган бола.

**Эзгулик, Ezgulik** (*ўз.*) — яхшилик, савоб иш ёки ҳимматли, марҳаматли, раҳмдил.

**Эзид, Язид, Ezid** (*фт.*) — Аллоҳ, Тангри, Ҳақ таоло, худо. Асли: *Эзидбахш, Эзиддиёр.*

**Эзидбахш, Ezidbaxsh** (*фт.*) — Аллоҳ ато қилган, туҳфа қилган бола.

**Эзиддод, Eziddod** (*фт.*) — Аллоҳ берган, туҳфа қилган бола.

**Эзидёр, Ezidyor** (*фт.*) — Аллоҳнинг ўзи ёр бўлсин, ўз паноҳида асрасин.

**Эзиддин, Eziddin** (*фт.-ар.*) — динни яратувчи, кашф этувчи, яъни худо ёки диннинг қудрати, кучи, хосияти.

**Экинбой, Ekinboy** (*ўз.*) — экин экиш фаслида туғилган бола.

**Эл, El** (*ўз.*) — "эл" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Элмурод каби) эқ. шакли.

**Элали, Elali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эл* ва *Али.*

**Элама, Elama** (*ўз.*) — эламасин, кўзга илмасин. Чақалоқ душманлари — ёвуз кучларни чалғитиш учун бериладиган исм.

**Эларслон, Elarslon** (*ўз.*) — элнинг, юртнинг довюрак фарзанди.

**Элатбой, Elatboy** (*ўз.*) — эл, элатнинг фарзанди.

**Элбеги, Elbegi** (*ўз.*) — элнинг сардори, бошлиғи, йўлбошчиси.

**Элбезар, Elbezar** (*ўз.*) — ўз эли, юртининг ифтихори, ғурури бўлсин, элнинг кўрки бўлсин.

**Элбек, Elbek** (*ўз.*) — элнинг бошлиғи, сардори, йўлбошчиси.

**Элбека, Elbeka** (*ўз.*) — эли, халқининг ардоқли, суюкли қизи, эл қизи.

**Элберди, Elberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ элга, юртга суюкли фарзанд берди.

**Элбиби, Elbibi** (*ўз.-ҳинд.*) — элнинг, юртнинг баланд мартабали, суюкли қизи.

**Элбобо, Elbobo** (*ўз.*) — *қар. Эл* (Эл-бобо).

**Элбой, Elboy** (*ўз.*) — элнинг бадавлат ўғли. *Эҳт.: Албой–Алибой* (*қар.*) исмларининг ўзгарган шакли.

**Элбон, Elbon** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Элбону* ёки элнинг, халқнинг қўриқчиси, посбони, ғамхўри.

**Элботир, Elbotir** (*ўз.*) – элнинг, юртнинг жасур, ботир фарзанди.

**Элбоқ, Elboq** (*ўз.*) – *қар. Элбахт, Элбахти.*

**Элбувиш, Elbuvish** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Эл* ва *Бувиш.*

**Элбўлсин, Elbo'lsin** (*ўз.*) – элга дўст, эш бўлиб юрсин.

**Элгиз, Элкез, Elgiz** (*ўз.*) – дунёни кезувчи, саёҳатчи, жаҳонгашта.

**Элғиза, Elgiza** (◊ ., *ўз.*) – *қар. Элгиз* (Элгиз+а).

**Элгўзал, Elgo'zal** (◊ ., *ўз.*) – элнинг, юртнинг гўзал, кўркам фарзанди.

**Элденгиз, Eldengiz** (*ўз.*) – *қар. Эл* ва *Денгиз.*

**Элдоно, Eldono** (◊ ., *ўз.*) – элининг, юртининг билимдон қизи.

**Элдор, Eldor** (*ўз.-фт.*) – қабила, элат бошлиғи, сардори; ҳукмрон, подшоҳ.

**Элдора, Eldora** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Элдор* (Элдор+а) ёки ўз элига, юртига мансуб қиз.

**Элдорхон, Eldorxon** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Элдор* (Элдор+хон).

**Элдўст, Элдўс, Eldo'st** (*ўз.-фт.*) – ўз элининг дўсти, ғамхўри, элнинг содиқ фарзанди.

**Элёр, Elyor** (*ўз.-фт.*) – ўз элининг дўсти, ҳамдами, ўз элини севувчи, ватанпарвар.

**Элжон, Eljon** (*ўз.-фт.*) – элнинг суюкли, азиз фарзанди.

**Элжўра, Eljo'ra** (*ўз.-фт.*) – *қар. Элдўст, Элёр.*

**Элзод, Elzod** (*ўз.-фт.*) – *қар. Элзода.*

**Элзода, Elzoda** (*ўз.-фт.*) – эл, юрт фарзанди.

**Элибой, Eliboy** (*ўз.*) – элнинг бой-бадавлат фарзанди бўлсин.

**Элиқул, Eliqul** (*ўз.*) – *қар. Элқул.*

**Элкезар, Elkezar** (*ўз.*) – улгайиб элни кезувчи, жаҳонгашта бўлсин.

**Элкелди, Elkeldi** (*ўз.*) – элга суюкли ўғил туғилди.

**Элкўмак, Elko'mak** (*ўз.*) – элга, юртга кўмак берувчи, халқпарвар ўғил туғилди.

**Элли, Elli** (*ўз.*) – «эл» сўзи б-н бошланадиган баъзи исмлар (Элмурод, Элмирза)нинг эқ. шакли ёки *Элликбой* (*қар.*).

**Элликбой, Ellikboy** (*ўз.*) – отаси ёки онаси эллик ёшлигида туғилган бола.

**Элмамат, Elmamat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Элмуҳаммад.*

**Элмат, Elmat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Элмуҳаммад.*

**Элмирза, Elmirza** (*ўз.-фт.*) – элнинг ўқимишли, билимли фарзанди ёки элнинг сардори, бошлиғи бўлсин.

**Элмон, Элман, Elmon** (*ўз.-ар.*) – *қар. Элмуҳаммад.*

**Элмурод, Elmurod** (*ўз.-ар.*) – ўз элининг орзуси, умиди бўлган бола.

**Элмуҳаммад, Elmuhammad** (*ўз.-ар.*) – эл фарзандини Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Элмўмин, Elmo'min** (*ўз.-ар.*) – элнинг, юртнинг одобли, мўмин-қобил фарзанди.

**Элназар, Elnazar** (*ўз.-ар.*) – улғайиб элнинг назарига тушсин, обрўли, машҳур йигит бўлсин ёки элига ғамхўрлик қилувчи.

**Элниёз, Elniyoz** (*ўз.-фт.*) – Аллоҳ элга туҳфа қилган бола.

**Элноз, Elnoz** (◊., *ўз.-фт.*) – элнинг нозли, эрка фарзанди.

**Элнор, Elnor** (*ўз.-фт.*) – элнинг (халқнинг) қизил холли (норли) ўғли ёки эл ўғли нордек (нортуя) кучли, бақувват, чидамли бўлсин.

**Элнора, Elnora** (◊., *ўз.-фт.*) – элнинг холли (норли) қизи.

**Элнур, Elnur** (*ўз.-ар.*) – элга нур сочувчи, фойда келтирувчи, элни севувчи, эл чироғи, машъали.

**Элнури, Elnuri** (◊ ., *ўз.-ар.*) – элнинг нурли, ҳаёти порлоқ қизи.

**Эломон, Elomon** (*ўз.-ар.*) – эл бахтига омон бўлсин ёки эл посбони, тунги қоровул.

**Элпок, Elpok** (*ўз.-фт.*) – элнинг покиза, ҳалол фарзанди.

**Элсари, Elsari** (*ўз.*) – элнинг сариқ сочли (тусли) фарзанди ёки элсари уруғига мансуб бола.

**Элсевар, Elsevar** (*ўз.*) – элнинг суюкли, эъзозли фарзанди ёки ўз элини севувчи, ватанпарвар.

**Элсоат, Elsoat** (*ўз.-ар.*) – элнинг хосиятли, қутлуғ соатда (пайтда) туғилган фарзанди.

**Элсулув, Elsuluv** (◊., *ўз.*) – элнинг гўзал, дилбар фарзанди.

**Элсуяр, Elsuyar** (◊., *ўз.*) – ўз элини севувчи, халқпарвар, ватанпарвар бола ёки элга, халқига суюкли, эъзозли бола бўлсин.

**Элтемир, Eltemir** (*ўз.*) – эл фарзанди темирдек мустаҳкам бўлсин ёки элнинг мустаҳкам яшайдиган фарзанди.

**Элтирак, Eltirak** (*ўз.*) – улғайиб, эли, халқига суянч, мададкор бўлсин.

**Элтож, Eltoj** (*ўз.*-фт.) – элнинг баданида тож (хол) б-н туғилган фарзанди ёки улғайиб элнинг ҳукмдори, тождори бўлсин.

**Элтожли, Eltojli** (◊., *ўз.-фт.*) – элнинг ёқимтой, суюкли фарзанди.

**Элтой, Eltoy** (*ўз.*) – эли, халқининг суюкли, эркатой ўғли.

**Элтонг, Eltong** (*ўз.*) – элнинг саҳар, тонг пайти туғилган фарзанди ёки элнинг хосиятли, равшан, нурли фарзанди.

**Элтурди, Elturdi** (*ўз.*) – эл, халқ фарзанди туриб қолади (ўлмайди) деб умид қиламиз.

**Элтутмиш, Eltutmish** (*ўз.*) – элни тутиб турувчи, ҳукмдор, бошлиқ.

**Элтўйди, Elto'ydi** (*ўз.*) – эл тўйган, маъмурлик, пишиқчилик йили туғилган бола.

**Элтўра, Elto'ra** (*ўз.*) – соғ улғайиб элнинг бошлиғи, сардори, тўраси бўлсин.

**Элфан, Elfan** (*ўз.-ар.*) — элнинг билимдон, доно, зукко фарзанди.

**Элфируз, Elfiruz** (*ўз.-фт.*) — элнинг бахтли, омадли, ғолиб, музаффар фарзанди.

**Элхон, Elxon** (*ўз.*) — соғ улғайиб элнинг ҳукмдори, хони бўлсин. Бу ном ўтмишда мўғул подшоҳларининг лақаби бўлган.

**Элхўжа, Elxo'ja** (*ўз.-фт.*) — улғайиб элнинг сардори, оқсоқоли, хўжаси бўлсин.

**Элчечак, Elchechak** (◇., *ўз.*) — элининг гулдек чиройли қизи ёки умри чечакдек яшнаган бўлсин.

**Элчи, Элчибой, Elchi** (*ўз.*) — вакил, элнинг ишончли, нуфузли кишиси; хушхабар келтирувчи, хосиятли.

**Элчибек, Elchibek** (*ўз.*) — *қар. Элчи* (Элчи+бек).

**Элчин, Elchin** (*ўз.*) — эл, юртининг жасур фарзанди; эл қаҳрамони.

**Элчихон, Elchixon** (*ўз.*) — *қар. Элчи* (Элчи+хон).

**Элчиқул, Elchiqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг қутли, хосиятли хабарлар келтирувчи бандаси, қули.

**Элшод, Elshod** (*ўз.-фт.*) — эли, халқига шодлик, қувонч келтирувчи бола ёки элнинг шодон, бахтиёр фарзанди ёхуд элнинг раҳбари, сардори.

**Элшон, Elshon** (*ўз. фт.*) — улғайиб элнинг шони, шуҳрати бўлсин ёки элнинг шонли, шавкатли фарзанди.

**Элўғли, Elo'g'li** (*ўз.*) — эл фарзанди.

**Элқул, Elqul** (*ўз.*) — элнинг хизматкори, қули.

**Элқурбон, Elqurbon** (*ўз.-ар.*) — элга ўзини бахш этувчи, элсевар ёки элнинг қурбон ойида туғилган фарзанд.

**Элқўзи, Elqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Эл* ва *Қўзи.*

**Эман, Eman** (*ўз.*) — ҳаёти эман дарахти каби яшанаб турсин. Эҳт.: *Имон* (*қар.*).

**Эмин, Emin** (*ар.*) — тинч, осойишта, осуда ёки *қар. Амин.* Шакллари: *Эминбой, Эминжон.*

**Эмина, Emina** (◇., *ар.*) — тинч, осойишта, осуда ва эркин умр кечирсин. Эҳт.: *Амина* (*қар.*).

**Эмран, Имран, Emran** (*ўз.*) — юз ўгириш, эътибор қилиш, яъни бола ота-онасига юз ўгирсин ёки эмраниб-интизор бўлиб юриб эришилган бола.

**Эна, Ena** (◇., *ўз.*) — она ёки бувисининг номи берилган қиз. Шакллари: *Энабиби, Энабуви, Энабувиш, Энабу, Энажон, Энагул.*

**Энагул, Enagul** (◇., *ўз.*) — онаси исми берилган гулдек чиройли қиз.

**Энажон, Enajon** (◇., *ўз.-фт.*) — онасининг ёки бувисининг исмини олган жондек азиз қиз.

**Энамгул, Enamgul** (◇., *ўз.-фт.*) — онаси ёки бувиси исмини олган гулдек гўзал қиз.

**Энасултон, Enasulton** (◇., *ўз.-ар.*) — онасининг исми берилган қиз улғайиб улуғ мартабалар соҳиби бўлсин.

**Энахол, Энамхол, Enaxol** (◇., *ўз.-фт.*) — онасининг исми берилган холли, холдор қиз.

**Энахон, Enaxon** (◇., *ўз.*) — *қар. Эна* (Эна+хон).

**Энаш, Энашхон, Enash** (◇., *ўз.*) — "эна" сўзи б-н бошланадиган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Энақиз, Enaqiz** (◇., *ўз.*) — энасининг исмини олган қиз ёки она қиз.

**Эпкинбой, Epkinboy** (*ўз.*) — эпкиндек (қора тусли қимматбаҳо ипак мато) қимматли, бебаҳо бола.

**Эрали, Erali** (◇., *ўз.-ар.*) — довюрак, жасур ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Эрам, Eram** (*ар.*) — афсонавий боғ, жаннат боғи. Ривоятга кўра, худоликни даъво қилган Шаддод исмли подшо барпо қилган гўзал боғ. Қадимги Яман давлатларидаги афсонавий, гўзал бир боғнинг номи.

**Эран, Eran** (*ўз.<қад.т.*) — эркак, ўғлон; мард, жасур.

**Эрантой, Erantoy** (*ўз.<қад.т.*) — мард, жасур ҳамда суюкли эркатой ўғил.

**Эрасил, Erasil** (*ўз.-ар.*) — ҳақиқий, чин ўғлон; ҳақиқий қаҳрамон.

**Эраҳмад, Erahmad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эр* ва *Аҳмад.*

**Эрбачча, Erbachcha** (*ўз.-фт.*) — довюрак, жасур бола ёки довюрак қаҳрамон фарзанди.

**Эрбек, Erbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб жасур бола.

**Эрбой, Erboy** (*ўз.*) — жасур, мард бола.

**Эрбола, Erbola** (*ўз.*) — жасоратли, довюрак бола.

**Эрбуға, Erbug‘a** (*ўз.*) — довюрак, баҳодир.

**Эрбўл, Erbo‘l** (*ўз.*) — мард, жасоратли ўғил бўлсин ёки *қар. Эрбўлсин.*

**Эрбўлсин, Erbo‘lsin** (*ўз.*) — жасоратли, жасур ўғил бўлиб улғайсин.

**Эрбўта, Erbo‘ta** (*ўз.*) — суюкли, эрка (бўталоқ) ўғил мард, довюрак йигит бўлсин.

**Эрвали, Ervali** (*ўз.-ар.*) — мард, жасур ўғил донишманд, авлиё, яъни Аллоҳ суйган инсон бўлсин.

**Эргаш, Ergash** (*ўз.*) — ота-онасига ёки ака-опаларига эргашиб, эш бўлиб юрсин ёхуд кокилли бола.

**Эргашали, Ergashali** (*ўз.-ар.*) — отасига эргашиб юрсин ва Али ўз паноҳида асрасин ёки Алининг йўлдоши, ҳамдами.

**Эргашгул, Ergashgul** (◇., *ўз.-фт.*) — онасига ёки опаларига эргашиб ўссин ва гулдек гўзал қиз бўлсин.

**Эргашмирза, Ergashmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эргаш* ва *Мирза.*

**Эргашой, Ergashoy** (◇., *ўз.*) — онаси, опаларига эргашиб юрсин ва ойдек сулув қиз бўлсин.

**Эргашхўжа, Ergashxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб ўғил отасига ёки ака-опаларига эргашиб юрсин.

**Эргашқўзи, Ergashqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Эргаш* ва *Қўзи.*

**Эрдавлат, Erdavlat** (*ўз.-ар.*) — жасур, мард ва бой, давлатманд бола.

**Эрдам, Erdam** (*ўз.*) — билимдонлар, фозилларга ўхшасин, кучли, қудратли бўлсин. Сол.: *Эрдон.*

**Эрдон, Erdon** (*ўз.*) — қаҳрамон; баҳодир.

**Эрдоно, Erdono** (*ўз.-фт.*) — довюрак, мард ва билимдон йигит бўлсин.

**Эрдош, Erdosh** (*ўз.*) — довюраклар, мардларнинг дўсти, ҳамдами.

**Эржигит, Erjigit** (*ўз.*) — ботир, довюрак йигит.

**Эржон, Эржонбек, Erjon** (*ўз.-фт.*) — мард, довюрак ҳамда суюкли, азиз бола.

**Эржума, Erjuma** (*ўз.-ар.*) — жума куни туғилган жасур довюрак бола.

**Эрзиё, Erziyo** (*ўз.-ар.*) — жасур ва нурли, яъни гўзал қиз.

**Эрйигит, Eryigit** (*ўз.*) — ботир, довюрак йигит бўлиб улғайсин.

**Эрк, Erk** (*ўз.*) — эркин, ҳур, озод ёки кучли, қудратли.

**Эрка, Erka** (*ўз.*) — эркатой, суюкли, азиз бола ёки кенжатой бола. Шакллари: *Эркатой, Эркажон, Эркабой, Эркабека, Эркабиби, Эркабуви, Эркаой, Эркахон.*

**Эркагул, Erkagul** (◇., *ўз.-фт.*) — эркин, бахтиёр, озод қиз.

**Эркаой, Erkaoy** (◇., *ўз.*) — ойдек сулув, суюкли, арзанда қиз.

**Эркаойим, Erkaoyim** (◇., *ўз.*) — баланд мартабали ҳамда суюкли эъзозли қиз.

**Эркасари, Erkasari** (*ўз.*) — сариқ сочли эрка, суюкли қиз ёки эркасари уруғига мансуб қиз.

**Эркасулув, Erkasuluv** (◇., *ўз.*) — суюкли, эркатой ҳамда зебо қиз ёки сулувларнинг эркатойи; энг азизаси.

**Эркатой, Erkatoy** (*ўз.*) — суюкли, эркатой ўғил ёки кенжа бола.

**Эркатош, Erkatosh** (*ўз.*) — суюкли, азиз ёки кенжатой ўғил тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Эркахўжа, Erkaxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган суюкли, эркатой бола.

**Эркаш, Erkash** (*ўз.*) — эрка ўғил ёки баъзи қўшма номларнинг (*Эрмуҳаммад, Эркамурод*) эқ. шакли.

**Эркақўзи, Erkaqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Эрка* ва *Қўзи.*

**Эркиёр, Erkiyor** (*ўз.-фт.*) — озод; ҳур, эрки ўзига ёр бўлган шодон, бахтиёр бола.

**Эркин, Erkin** (*ўз.*) — ҳур, озод бола. Шакллари: *Эркинбой, Эркинбек, Эркинжон.*

**Эркина, Erkina** (◇., *ўз.*) — озод, ҳур; бахтиёр қиз.

**Эркиной, Erkinoy** (◇., *ўз.*) — озод, бахтиёр ҳамда ойдек сулув қиз.

**Эркли, Erkli** (◇., *ўз.*) — эрки ўзи б-н бўлган, ҳур, озод қиз.

**Эрлон, Эрлан, Erlan** (*ўз.*) — жасур, мард, ботир ўғил бўлсин.

**Эрмак, Ermak** (*ўз.*) — ота-онасига овунчоқ, эрмак, суянчиқ бўлсин.

**Эрмакчи, Ermakchi** (*ўз.*) — ота-онасининг эрмаги, суянчиғи бўлган бола.

**Эрмамат, Ermamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эрмуҳаммад.*

**Эрмат, Ermat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эрмуҳаммад.*

**Эрматали, Ermatali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эрмат* ва *Али.*

**Эрмирза, Ermirza** (*ўз.-фт.*) — мард, жасур ва мирзалардек келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Эрмонжон, Ermonjon** (*ўз.-ар.*) — *Эрмуҳаммад* (*қар.*) исмининг эқ. шакли (Эрмуҳаммад+жон).

**Эрмурод, Ermurod** (*ўз.-ар.*) — жасур, довюрак ўғил улғайиб, мурод-мақсадига етсин.

**Эрмуҳаммад, Ermuhammad** (*ўз.-ар.*) — жасур, довюрак ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Эрмўмин, Ermo'min** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг мард, жасур ва одобли, мўмин-қобил бандаси.

**Эрназар, Ernazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг мурувват, илтифоти бўлган довюрак бола.

**Эрнафас, Ernafas** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг қудрати (нафаси) туфайли туғилган бола.

**Эрни, Erni** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эрниёз.*

**Эрниёз, Erniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб, сўраб олинган довюрак ўғил ва Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони бўлган мард бола.

**Эрноз, Ernoz** (*ўз.-фт.*) — асли: *Эрназ, Эрназар* (*қар.*).

**Эрнор, Ernor** (*ўз.-фт.*) — нор (қизил хол) билан туғилган жасур бола ёки нор (нор туя) дек қудратли бола.

**Эромон, Eromon** (*ўз.-ар.*) — жасур, довюрак бола соғу саломат бўлсин.

**Эрон, Eron** (*ўз.*) — *қар. Эран.*

**Эрпўлат, Erpo'lat** (*ўз.-фт.*) — довюрак, жасур ўғил пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Эрражаб, Errajab** (*ўз.-ар.*) — ражаб ойида туғилган мард, жасур бола.

**Эррайим, Errayim** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эрраҳим* ёки мағрур, кибрли, мустақил.

**Эрраҳим, Errahim** (*ўз.-ар.*) — *Раҳим* (*қар.*), яъни Аллоҳ ато қилган довюрак жасур бола.

**Эрризо, Errizo** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг танланган, сайланган; суюкли ҳамда довюрак бандаси.

**Эрсари, Ersari** (*ўз.*) — сариқ сочли (тусли) мард, довюрак бола ёки эрсари қабиласи (уруғи) ға мансуб бола.

**Эрсоат, Ersoat** (*ўз.-ар.*) — қутлуғ, бахтли, соатда туғилган бола.

**Эрсоли, Ersoli** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эр* ва *Солиҳ.*

**Эртабой, Ertaboy** (*ўз.*) — тонгда, саҳар пайтда туғилган бола.

**Эртожи, Ertoji** (*ўз.-фт.*) — тож (қизил хол), улкан хол б-н туғилган, жасоратли бола.

**Эртой, Ertoy** (*ўз.*) — жасоратли, ҳамда суюкли, эркатой бола.

**Эртош, Ertosh** (*ўз.*) — мард, ботир бола тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Эртуған, Ertug'an** (*ўз.*) — *қар. Эртўғон.*

**Эртуғди, Ertug'di** (*ўз.*) — жасур, мард ўғил туғилди.

**Эртўра, Erto'ra** (*ўз.*) — довюрак ва баланд мартабали бола.

**Эртўғон, Erto'g'on** (*ўз.*) — лочиндек довюрак, қудратли бола.

**Эртўғрул, Erto'g'rul** (*ўз.*) — шунқор, лочиндек жасоратли, кучли ўғил бўлсин.

**Эрхон, Erxon** (*ўз.*) — довюрак, мард ва баланд мартабали ўғил.

**Эрхўжа, Erxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган жасур, ботир бола.

**Эршод, Ershod** (*ўз.-фт.*) — жасур ҳамда қувноқ, шодон ўғил; жасур, довюрак бошлиқ, йўлбошчи. Эҳт.: *Иршод* (*қар.*).

**Эрўғли, Ero'g'li** (*ўз.*) — жасоратли, мардлар фарзандига муносиб ўғил бўлсин.

**Эрқобил, Erqobil** (*ўз.-ар.*) — жасоратли ҳамда устомон, қобилиятли, моҳир ўғил.

**Эрқул, Erqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг довюрак бандаси, қули.

**Эрқўзи, Erqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Эр* ва *Қўзи.*

**Эрғози, Erg'ozi** (*ўз.-ар.*) — диннинг мард, ғолиб аскари, диннинг довюрак, енгилмас посбони.

**Эсабой, Esaboy** (*ар.*) — *қар. Исабой.*

**Эсай, Эсайбой, Esay** (*ўз.*) — соғ ўссин, улғайсин, балоғатга етсин.

**Эсат, Esat** (*ўз.*) — лойиқ, муносиб, мақбул ёки эсат уруғига (найман саройлар таркибидаги) мансуб бола. Эҳт.: *Асад* (*қар.*).

**Эсбўл, Esbo'l** (*ўз.*) — *қар. Эсбўлсин* ёки *Эшбўл.*

**Эсбўлсин, Esbo'lsin** (*ўз.*) — ақлли, эсли-хушли йигит бўлсин. Эҳт.: *Эшбўлсин.*

**Эсбўта, Esbo'ta** (*ўз.*) — *қар. Эшбўта.*

**Эсжон, Esjon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эшжон.*

**Эсиргади, Esirgadi** (*ўз.*) — Аллоҳ меҳр-шафқат, мурувват қилиб берган бола.

**Эсиргал, Esirgal** (*ўз.*) — *қар. Эсиргади.*

**Эсирган, Esirgan** (*ўз.*) — *қар. Эсирган, Эсиргали.*

**Эсиргап, Esirgap** (*ўз.*) — Аллоҳ шафқат қилиб, эсга олиб, илтифот кўрсатиб берган бола.

**Эсламас, Eslamas** (*ўз.*) — чақалоқни душман (ёвуз кучлар) кўзга илмайди, эътибор қилмайди, яъни бола ўлмайди, яшайди.

**Эслиёр, Esliyor** (*ўз.-фт.*) — ақлли, доноларнинг ҳамдами, йўлдоши.

**Эсман, Эсмон, Esman** (*ўз.-ар.*) — *қар. Исман, Исмон* ёки *Исматулла, Эшмуҳаммад* исмларининг эқ. шакли.

**Эсон, Eson** (*ўз.*) — соғ, омон, саломат бўлсин. Шакллари: *Эсонжон, Эсонгул, Эсоной, Эсонхон, Эсонтой, Эсонқул, Эсонбиби, Эсонбу.*

**Эсонали, Esonali** (*ўз.-ар.*) — соғ, омон бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Эсонбека, Esonbeka** (◊., *ар.*) — улуғ мартабали, аслзода қиз, омон-эсон улғайсин.

**Эсонберди, Esonberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ берган ўғил соғ-омон бўлсин, яшасин.

**Эсонбой, Esonboy** (*ўз.*) — суюкли, эрка ўғил омон-эсон бўлсин.

**Эсонбу, Эсонбуви, Esonbu** (◊., *ўз.*) — *қар. Эсон* (Эсон+буви).

**Эсонбўлди, Esonbo'ldi** (*ўз.*) — соғу саломат улғаяди деб умид қиламиз.

**Эсонгул, Esongul** (◊., *ўз.-фт.*) — гулдек гўзал қиз омон-эсон улғайсин.

**Эсондавлат, Esondavlat** (*ўз.-ар.*) — соғ-омон ва бой-бадавлат бўлсин ёки бахтимиз, давлатимиз бўлган бола омон-эсон улғайсин.

**Эсонёз, Esonyoz** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эсонниёз.*

**Эсонкелди, Esonkeldi** (*ўз.*) — соғу омон бўладиган, умри узоқ бола туғилди деб умид қиламиз.

**Эсонмамат, Esonmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эсонмуҳаммад.*

**Эсонмат, Esonmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эсонмуҳаммад.*

**Эсонмомо, Esonmomo** (◊., *ўз.*) — *қар. Эсон* ва *Момо.*

**Эсонмурод, Esonmurod** (*ўз.-ар.*) — соғу саломат бўлиб улғайсин ва мурод-мақсадига етсин ёки бизнинг орзуимиз бўлган бола омон бўлсин.

**Эсонмуҳаммад, Esonmuhammad** (*ўз.-ар.*) — омон-эсон улғайсин ва Муҳаммад(сав) паноҳида асрасин.

**Эсонназар, Esonnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг илтифоти (назари) бўлган ўғил соғу омон улғайсин.

**Эсонниёз, Esonniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бола соғу саломат бўлсин ёки Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони бўлмиш ўғил эсон-омон улғайсин.

**Эсономон, Esonomon** (*ўз.-ар.*) — соғу саломат улғайсин.

**Эсонпўлат, Esonpo'lat** (*ўз.-фт.*) — пўлатдек мустаҳкам ва омон-эсон бўлсин.

**Эсонтемир, Esontemir** (*ўз.*) — темирдек мустаҳкам бола омон-эсон улғайсин.

**Эсонтош, Esontosh** (*ўз.*) — тошдек мустаҳкам ўғил саломат бўлсин.

**Эсонтур, Esontur** (*ўз.*) — соғу саломат турсин, яшасин. Сол.: *Эсонтурди.*

**Эсонтурди, Esonturdi** (*ўз.*) — омон-эсон бўлади, яшайди деб умид қиламиз.

**Эсонхўжа, Esonxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола эсон-омон бўлсин.

**Эсонқилич, Esonqilich** (*ўз.*) — қиличдек мустаҳкам ўғил соғу саломат улғайсин.

**Эсонқул, Esonqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси бўлган бола соғ-саломат бўлсин.

**Эстой, Estoy** (*ўз.*) — Эҳт.: *Эсонтой, Эштой* (*қар.*).

**Эсфан, Исфан, Esfan** (*фт.-паҳл.*) — *қар. Исфан, Исфандиёр.*

**Эсхон, Esxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Эшхон.*

**Эсхўжа, Esxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эшхўжа.*

**Эътибор, Эътиборхон, E'tibor** (◊., *ар.*) — ҳурматли, диққатга лойиқ ёки Аллоҳнинг муруввати, назари, туҳфаси.

**Эш, Esh** (*ўз.*) — дўст, йўлдош, ҳамроҳ. Шакллари: *Эшбек, Эшбой, Эштой, Эшжон, Эшчон.*

**Эшали, Eshali** (*ўз.-ар.*) — Али қуллайдиган бола.

**Эшбадал, Eshbadal** (*ўз.-ар.*) — аввалги турмаган фарзандлар ўрнига, эвазига берилган дўст, ҳамдам бола.

**Эшбек, Eshbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бола отаси (ака-укалари)га ҳамдам бўлиб улғайсин.

**Эшбека, Eshbeka** (*ўз.*) — олий мартабали қиз онаси ва опаларига ҳамдам, ўртоқ бўлиб юрсин.

**Эшберди, Eshberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ отасига ёки ака-опаларига ҳамдам, кўмакчи бўлиб юрадиган ўғил берди.

**Эшбобо, Eshbobo** (*ўз.*) — бобосига йўлдош, ҳамдам, ёндош бўлиб улғайсин.

**Эшбой, Eshboy** (*ўз.*) — дўст, ҳамдам, йўлдош.

**Эшбола, Eshbola** (*ўз.*) — оиладагиларга йўлдош, ҳамдам бўлиб ўссин.

**Эшболта, Eshbolta** (*ўз.*) — оиладагиларга йўлдош, ҳамдам бўлган болтадек мустаҳкам бола.

**Эшботир, Eshbotir** (*ўз.*) — жасур ва довюракларнинг дўсти, ўртоғи.

**Эшбўл, Eshbo'l** (*ўз.*) -- оиладагиларга йўлдош, ҳамдам бўлсин, уларга эргашиб юрсин.

**Эшбўлди, Eshbo'ldi** (*ўз.*) — ота-онаси (ака-укаларига) ҳамдам ҳамроҳ туғилди.

**Эшбўлсин, Eshbo'lsin** (*ўз.*) — ота-онаси (ака-опаларига) ҳамроҳ, йўлдош бўлиб улғайсин.

**Эшбўри, Eshbo'ri** (*ўз.*) — *қар. Эш* ва *Бўри* ёки бўри ҳамроҳи бўлсин ва унга ёвуз кучлар яқинлашмасин.

**Эшбўта, Eshbo'ta** (*ўз.*) — айнан: бўта, бўталоқнинг ҳамроҳи ёки ота-онасининг суюкли, эрка ҳамроҳи.

**Эшвой, Eshvoy** (*ўз.*) — *қар. Эшбой.*

**Эшгул, Eshgul** (◊., *ўз.-фт.*) — ота-онаси (ака-опалари) нинг ҳамроҳи, йўлдоши бўлган гулдек гўзал қиз.

**Эшдавлат, Eshdavlat** (*ўз.-ар.*) — бойлик, давлатнинг ҳамроҳи бўлсин, яъни бахтли, фаровон яшасин.

**Эшёз, Eshyoz** (*ўз.*) — *қар. Эшниёз.*

**Эшёр, Eshyor** (*ўз.-фт.*) — дўстларнинг дўсти, ҳамроҳи; содиқ дўст, йўлдош.

**Эшжон, Eshjon** (*ўз.-фт.*) — суюкли, қадрдон, азиз дўст, ҳамроҳ.

**Эшжўра, Eshjo'ra** (*ўз.-фт.*) — дўстларнинг дўсти, содиқ дўст, ҳамроҳ.

**Эшим, Eshim** (*ўз.-ар.*) — *Эшмуҳаммад, Эшмирза* каби исмларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Эшимбой, Эшимжон.*

**Эшиммирза, Eshimmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эшим* ва *Мирза.*

**Эшимхўжа, Eshimxo'ja** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эшим* ва *Хўжа.*

**Эшимқул, Eshimqul** (*ўз.*) — *қар. Эшмуҳаммадқул.*

**Эшйигит, Eshyigit** (*ўз.*) — *қар. Эш* ва йигит ёки улғайиб йигитларга йўлдош, ўртоқ бўлиб юрсин.

**Эшкел, Eshkel** (*ўз.*) — *қар. Эшкелди.*

**Эшкелди, Eshkeldi** (*ўз.*) — ота-онаси, ака-опаларига ҳамдам, ҳамроҳ бўладиган бола туғилди.

**Эшмамат, Eshmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эшмуҳаммад.*

**Эшман, Eshman** (*ўз.-ар.*) — "эш" сўзи б-н бошланадиган баъзи қўшма исмлар (*Эшмуҳаммад, Эшназар*)нинг эқ. шакли.

**Эшмат, Eshmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эшмуҳаммад.*

**Эшмақсад, Eshmaqsad** (*ўз.-ар.*) — орзуимиз, мақсадимиз бўлган ўғил улғайиб ота-онасига ҳамроҳ, ҳамдам бўлсин.

**Эшмаҳаммад, Eshmahammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эшмуҳаммад.*

**Эшмирза, Eshmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Эш* ва *Мирза.*

**Эшмурод, Eshmurod** (*ўз.-ар.*) — орзу қилинган, кутилган дўст, ҳамроҳ.

**Эшмухтор, Eshmuxtor** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эш* ва *Мухтор.*

**Эшмуҳаммад, Eshmuhammad** (*ўз.-ар.*) — Муҳаммаднинг дўсти, тарафдори ёки Муҳаммад(сав) йўлдош бўладиган, қўллайдиган бола, ёхуд ота-онаси (ака-опалари) га ҳамроҳ, ҳамдам бўлувчи болани Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Эшмўмин, Eshmo'min** (*ўз.-ар.*) — мўмин, яъни Аллоҳнинг йўлдоши, Аллоҳга тобе, бўйсунган бола ёки отаси, ака-опаларининг ҳамроҳи бўлган тақводор, мўмин-қобил бола.

**Эшназар, Eshnazar** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эш* ва *Назар.*

**Эшназир, Eshnazir** (*ўз.-ар.*) — *Назир* (*қар.*), яъни Аллоҳга дўст, ҳамдам бўладиган, Аллоҳ қўллайдиган бола.

**Эшниёз, Eshniyoz** (*ўз.-фт.*) — отасига ҳамроҳ, эш бўлиб юрувчи, Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган бола ёки Аллоҳ ато қилган эҳсон, туҳфа.

**Эшноз, Eshnoz** (*ўз.-фт.*) — эҳт.: *Эшниёз.*

**Эшнор, Eshnor** (*ўз.-фт.*) — хол (нор) б-н туғилган бола ёки отасига дўст, ҳамроҳ бўлиб юрсин ва нор (нор туя)дек бақувват бўлсин.

**Эшнур, Eshnur** (*ўз.-ар.*) — равшан, бахт, омад, ҳамроҳи бўлган бола ёки *Нур* (*қар.*), яъни Муҳаммад(сав) ҳамроҳи бўлган, пайғамбар қуллайдиган бола.

**Эшомон, Eshomon** (*ўз.-ар.*) — отасига ҳамроҳ, ҳамдам бўладиган бола соғу саломат бўлсин.

**Эшон, Eshon** (*фт.*) — айнан: авлиё, муқаддас шахс; Эшон бобосининг исми берилган бола ёки Эшонни (авлиёни) зиёрат қилгач туғилган бола ёхуд эшонлар наслига мансуб бола. Баъзи қўшма исмларнинг (Эшонали, Эшонназар, Эшонниёз) эқ. шакли. Шакллари: *Эшонбой, Эшонжон, Эшонбек, Эшонхон.*

**Эшонали, Eshonali** (*фт.-ар.*) — *қар. Эшон* ва *Али.*

**Эшонбек, Eshonbek** (*фт.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб авлиё, дин пешвоси.

**Эшонберди, Eshonberdi** (*фт.-ўз.*) — авлиё (муқаддас қадамжой), эшонни зиёрат қилингач, туғилган бола, яъни эшоннинг қудрати (нафаси) б-н туғилган бола.

**Эшонбой, Eshonboy** (*фт.-ўз.*) — *қар. Эшон* (Эшон+бой).

**Эшонбува, Eshonbuva** (*фт.-ўз.*) — Эшонни (авлиё, муқаддас қадамжойни) зиёрат қилингач туғилган бола ёки эшон бувасининг исми берилган бола.

**Эшондада, Eshondada** ( ◊ ., *фт.-ўз.*) — эшон бўлган дадасининг исми берилган бола.

**Эшонжон, Eshonjon** (*фт.*) — эшон ўтган бувасининг исми берилган, суюкли бола.

**Эшонкелди, Eshonkeldi** (*фт.-ўз.*) — авлиё, донишманд ўғил туғилди ёки эшоннинг дуоси, қудрати б-н туғилган бола.

**Эшонмирза, Eshonmirza** (*фт.*) — *қар. Эшон* ва *Мирза.*

**Эшонмурод, Eshonmurod** (*фт.-ар.*) — эшоннинг дуоси (қудрати) эриштирган орзу ёки эшоннинг туҳфаси, эҳсони.

**Эшонмуҳаммад, Eshonmuhammad** (*фт.-ар.*) — эшондан тилаб олинган болани Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад муқаддасдир, улуғдир.

**Эшонназар, Eshonnazar** (*фт.-ар.*) — эшоннинг қудрати, дуоси (нафаси) туфайли эришилган бола.

**Эшонниёз, Eshonniyoz** (*фт.*) — эшондан сўраб, тилаб олинган бола ёки эшоннинг туҳфаси, эҳсони.

**Эшоннафас, Eshonnafas** (*фт.-ар.*) — эшоннинг дуоси, қудрати туфайли топилган бола.

**Эшономон, Eshonomon** (*фт.-ар.*) — эшон ато қилган ёки эшон бобоси исми берилган бола соғу саломат бўлсин.

**Эшонпўлат, Eshonpo'lat** (*фт.*) — эшондан сўраб, тилаб олинган ёки эшон бўлиб ўтган бобосининг исми берилган пўлатдек мустаҳкам бола.

**Эшонтой, Eshontoy** (*фт.-ўз.*) — эшоннинг дуоси б-н туғилган ёки эшон бўлиб ўтган қариндошининг исми берилган бола яшаб кетади деб умид қиламиз.

**Эшонтўра, Eshonto'ra** (*фт.-ўз.*) — *қар. Эшон* ва *Тўра.*

**Эшонтўғон, Eshonto'g'on** (*фт.-ўз.*) — отаси ва ака-опаларига дўст, ҳамроҳ бўлиб юрадиган кучли, жасур бола.

**Эшонхон, Eshonxon** (*фт.-ўз.*) — *қар. Эшон* (Эшон+хон).

**Эшонхўжа, Eshonxo'ja** (*фт.*) — хўжалар авлодига мансуб авлиё, диний пешво ёки *қар. Эшон* ва *Хўжа.*

**Эшонча, Eshoncha** (*фт.*) — эшоннинг дуоси, қудрати б-н туғилган кенжа ўғил ёки эшон ўтган қариндошининг исми берилган кенжа, эркатой ўғил.

**Эшонқул, Eshonqul** (*фт.-ўз.*) — авлиё, диний пирнинг хизматкори, қули.

**Эшпарда, Esparda** (*ўз.-фт.*) — пардали бўлиб туғилган бола.

**Эшполвон, Eshpolvon** (*ўз.-фт.*) — паҳлавонларнинг дўсти, ҳамдами, яъни соғ улғайиб кучли, қудратли йигит бўлсин.

**Эшпўлат, Eshpo'lat** (*ўз.-фт.*) — отасига ва қариндошларига ҳамдам, йўлдош бўлиб юрсин ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Эшсавлат, Eshsavlat** (*ўз.-ар.*) — ота-онаси ва қариндошларига ҳамдам, йўлдош бўлиб юрсин ва келишган, савлатли йигит бўлсин.

**Эшсултон, Eshsulton** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эш* ва *Султон.*

**Эшталаб, Eshtalab** (*ўз.*) — Аллоҳдан сўраб олинган ўғил онаси (қариндошлари) га йўлдош, ҳамдам бўлиб юрсин.

**Эштемир, Eshtemir** (*ўз.*) — отаси ва қариндошларига ҳамдам, елкадош бўлиб юрсин ва темирдек мустаҳкам бўлсин.

**Эштирак, Eshtirak** (*ўз.*) — ота-онасига ҳамдам, ҳамроҳ бўлиб, уларнинг суянчиғи, мададкори бўлсин.

**Эштой, Eshtoy** (*ўз.*) — отасига дўст, ҳамдам бўлган суюкли, эрка ўғил.

**Эштош, Eshtosh** (*ўз.*) — отаси, қариндошларига ҳамдам бўлиб юрсин ва тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Эштур, Eshtur** (*ўз.*) — отасига, қариндошларига дўст, йўлдош бўлиб яшасин, соғ турсин: Сол.: *Эштурсин, Эштурди.*

**Эштурди, Eshturdi** (*ўз.*) — отаси ва қариндошларига ҳамдам, дўст бўлиб яшайди, ўлмайди деб умид қиламиз.

**Эштурсун, Eshtursun** (*ўз.*) — отаси ва қариндошларига ҳамда ўзидан олдинги фарзандларга ўртоқ бўлиб яшасин, ўлмасин.

**Эштуққан, Eshtuqqan** (*ўз.*) — отаси ва қариндошларига ҳамдам бўлиб юрадиган бола.

**Эштўра, Eshto'ra** (*ўз.*) — *қар. Эш* ва *Тўра.*

**Эштўхта, Eshto'xta** (*ўз.*) — соғу омон бўлсин ва отасига ҳамдам, ўртоқ бўлиб юрсин.

**Эштўхтар, Eshto'xtar** (*ўз.*) — соғу омон бўлади ва отасига ҳамдам, эш бўлиб юради деб умид қиламиз.

**Эштўғон, Eshto'g'on** (*ўз.*) — лочиндек жасур ва зийрак бўлсин, отасига ҳамдам бўлиб юрсин ёки олдинги ака (опаларига) дўст, ҳамдам бўлиб юрсин.

**Эшхон, Eshxon** (*ўз.*) — *қар. Эш* (Эш+хон) ёки *Эшонхон* (*қар.*).

**Эшхўжа, Eshxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бўлган дўст, ҳамдам бола.

**Эшчон, Eshchon** (◇., *ўз.-фт.*) — *қар. Эшжон.*

**Эшқобил, Eshqobil** (*ўз.-ар.*) — ақлли-одобли, мусулмон-қобил бола бўлсин ва отасига (ака-опаларига) ҳамдам, ўртоқ бўлиб юрсин.

**Эшқозоқ, Eshqozoq** (*ўз.*) — *қар. Эш* ва *Қозоқ.*

**Эшқора, Eshqora** (*ўз.*) — кучли, қудратли йигит бўлсин ва отасига (одинги фарзандларга) ҳамдам, ўртоқ бўлиб ўссин.

**Эшқул, Eshqul** (*ўз.*) — *қар. Эш* (Эш+қул).

**Эшқувват, Eshquvvat** (*ўз.-ар.*) — кучли, қудратли йигит бўлсин ва отасига (олдинги болаларга) ҳамдам, ўртоқ бўлиб ўссин.

**Эшқурбон, Eshqurbon** (*ўз.-ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғил отасига (ака-опаларига) дўст, ҳамдам бўлиб ўссин.

**Эшқўзи, Eshqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Эш* ва *Қўзи.*

**Эшҳамид, Eshhamid** (*ўз.-ар.*) — *қар. Эш* ва *Ҳамид.*

**Эъзоз, Эъзозхон, E'zoz** (◇., *ар.*) — ҳурматга, иззат-икромга сазовор қиз.

**Эъзоза, E'zoza** (◇., *ар.*) — *қар. Эъзоз* (Эъзоз+а).

**Эътибор, E'tibor** (◇., *ар.*) — мўътабар, диққат-эътиборга муносиб, обрўли қиз.

**Эҳсон, Ehson** (*ар.*) — лутф, илтифот; эзгулик; туҳфа, совға. Асли: *Эҳсонали, Эҳсонулла.*

**Эҳсонали, Ehsonali** (*ар.*) — Алининг лутфи, илтифоти; туҳфаси.

**Эҳсоной, Ehsonoy** (◇., *ар.-ўз.*) — туҳфа, совға қилинган қиз.

**Эҳсонтой, Ehsontoy** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг лутфу карами, туҳфаси бўлган эрка, суюкли ўғил.

**Эҳсонулла, Ehsonulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг лутфу карами, туҳфаси, совғаси.

**Эҳсонхўжа, Ehsonxo'ja** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг лутфу эҳсони бўлган хўжалар авлодига мансуб бола.

**Эҳсонқул, Ehsonqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Эҳсон* (Эҳсон+қул).

**Эҳтиётхон, Ehtiyotxon** (◇., *ар.-ўз.*) — зийрак, хушёр қиз ёки Аллоҳ ўз паноҳида асрасин, эҳтиёт қилсин.

**Эҳтиром, Ehtirom** (◇., *ар.*) — ардоқли, иззат-ҳурматли қиз.

# Ю

**Ювошбой, Yuvoshboy** (*ўз.*) — беозор, мўмин-қобил, одобли бола.

**Югурбой, Yugurboy** (*ўз.*) — эсон-омон бўлиб, югуриб кетсин, яъни ўлмасин, яшасин.

**Югурик, Yugurik** (*ўз.*) — чаққон, илдам, тез, чопағон бола.

**Юзбек, Yuzbek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб бола соғ бўлиб юзга кирсин ёки беклар наслидан бўлган юз қабиласига мансуб бола.

**Юзбека, Yuzbeka** (◇., *ўз.*) — соғ улғайиб юзга кирсин ва улуғ мартабали бўлсин.

**Юзбош, Yuzbosh** (*ўз.*) — улғайиб юзбоши (маҳалланинг ёки юзта сарбознинг бошлиғи) бўлсин.

**Юзжон, Yuzjon** (*ўз.-фт.*) — қадрли, азиз ўғил улғайиб юзга кирсин.

**Юзли, Юзлик, Yuzli** (*ўз.*) — пардали бўлиб туғилган бола. Сол.: *Парда, Пардабой.*

**Юзлибека, Yuzlibeka** (◇., *ўз.*) — пардали бўлиб туғилган қиз. Сол.: *Парда, Пардагул.*

**Юзлиқо, Yuzliqo** (◇., *ўз.-фт.*) — юзи беркилган ҳолда, пардали бўлиб туғилган қиз.

**Юзтой, Yuztoy** (*ўз.*) — суюкли, эрка ўғил улғайиб юзга кирсин ёки юз уруғига мансуб бўлган суюкли, эрка бола.

**Юзяшар, Yuzyashar** (*ўз.*) — улғайиб юзга кирсин, юз йил яшасин.

**Юзўғли, Yuzo'g'li** (*ўз.*) — юз қабиласининг фарзанди.

**Юзқул, Yuzqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси, қули бўлган бола юзга кирсин ёки *қар. Юз* (Юз+қул).

**Юксал, Yuksal** (*ўз.*) -- улғайсин, ўссин; толеи баланд бўлсин.

**Юлдуз, Yulduz** (◇., *ўз.*) — толеи юлдуздек юксак ва порлоқ бўлсин. Шакллари: *Юлдузхон, Юлдузой.*

**Юлдузхон, Yulduzxon** (◇., *ўз.*) — *қар. Юлдуз* (Юлдуз+хон).

**Юлдузхўжа, Yulduzxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган толеи порлоқ бола.

**Юмуқ, Yumuq** (*ўз.*) — ёпиқ, яширин; мустаҳкам бола.

**Юнус, Yunus** (*қад.яҳ.*) — Иона, Ионис — каптар, кабутар. Юнус пайғамбарнинг номи. Шакллари: *Юнусжон, Юнусхон.*

**Юнусали, Yunusali** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Юнус* ва *Али.*

**Юнусмирза, Yunusmirza** (*қад.яҳ.-фт.*) — *қар. Юнус* ва *Мирза.*

**Юнусмуҳаммад, Yunusmuhammad** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Юнус* ва *Муҳаммад.*

**Юнусой, Yunusoy** (◇., *қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Юнус* (Юнус+ой).

**Юнуспари, Yunuspari** (◇., *қад.яҳ.-фт.*) -- Юнус пайғамбарнинг хизматкори, қули.

**Юрсин, Yursin** (◇., *ўз.*) — соғу саломат юрсин, улғайсин; Шакллари: *Юрсинбек, Юрсинбой Юрсиной, Юрсинхон.*

**Юрсинали, Yursinali** (*ўз.-ар.*) — соғу омон юрсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Юрсинхўжа, Yursinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола соғу омон юрсин.

**Юсуф, Yusuf** (*қад.-яҳ.*) — қад. яҳудийча ном Иосифнинг (Яъқуб пайғамбар ўғли) арабча шакли. Маъноси: ўсган, кўпайган. Юсуф номи Шарқда гўзаллик, хушрўйлик тимсолидир. Шакллари: *Юсуфбек, Юсуфбой, Юсуфжон, Юсуфхон.*

**Юсуфали, Yusufali** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Юсуф* ва *Али.*

**Юсуфаҳмад, Yusufahmad** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Юсуф* ва *Аҳмад.*

**Юсуфбек, Yusufbek** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Юсуф* (Юсуф+бек).

**Юсуфберди, Yusufberdi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — *қар. Юсуф* ва *Берди.*

**Юсуфвали, Yusufvali** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Юсуф* ва *Вали.*

**Юсуфкелди, Yusufkeldi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Юсуфдек гўзал ўғил туғилди.

**Юсуфкабир, Yusufkabir** (*ар.*) — *қар. Юсуф* ва *Кабир.*

**Юсуфмирза, Yusufmirza** (*қад.яҳ.-фт.*) — Юсуфдек гўзал ва билимдон, доно йигит бўлсин.

**Юсуфмурод, Yusufmurod** (*қад.яҳ.-ар.*) — Юсуфдек чиройли ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Юсуфтурди, Yusufturdi** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Юсуфдек чиройли йигит соғу саломат турсин, яшасин.

**Юсуфхон, Yusufxon** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Юсуфдек чиройли, кўркам ўғил улғайиб баланд мартабаларга эришсин.

**Юсуфхўжа, Yusufxo'ja** (*қад.яҳ.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб бола Юсуфдек гўзал йигит бўлсин.

**Юсуфқори, Yusufqori** (*қад.яҳ.-ар.*) — *қар. Юсуф* ва *Қори.*

**Юсуфқул, Yusufqul** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Аллоҳнинг Юсуфдек чиройли бандаси, қули.

# Я

**Явшон, Явшонбой, Yavshon** (*ўз.*) — ёвшандек мустаҳкам, чидамли бўлсин ёки ёвшандек сероб, эътиборсиз бўлсин.

**Ягона, Yagona** (*фт.*) — ёлғиз, танҳо; тенгсиз.

**Яздон, Yazdon** (*фт.*) — Аллоҳ, Тангри. Асли: *Яздонқул, Яздондод.*

**Яздонбахш, Yazdonbaxsh** (*фт.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Яздонёр, Yazdonyor** (*фт.*) — Аллоҳнинг дўсти, яқини ёки Аллоҳнинг ўзи ёр бўладиган, қўллайдиган бола.

**Яздонқул, Yazdonqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг, Тангрининг бандаси, қули.

**Язид, Yazid** (*фт.*) — туҳфа, тортиқ қилинган бола ёки истеъдодли, қобилиятли бола.

**Язнан, Yaznan** (*фт.*) — эҳт.: *Яздон* (*қар.*).

**Язнанқул, Yaznanqul** (*фт.-ўз.*) — эҳт.: *Яздонқул* (*қар.*).

**Яйлабой, Yaylaboy** (*ўз.*) — кўпайгин, ёйилиб, тўлиб-тошиб кетгин ёки яйрагин.

**Яйлов, Яйловбой, Yaylov** (*ўз.*) — ўтлоқда, яйловда туғилган ўғил ёки эркин, яйраб ўссин.

**Яйловқул, Yaylovqul** (*ўз.*) — *қар. Яйлов* (Яйлов+қул).

**Яйлоқ, Yayloq** (*ўз.*) — яйлов (ўтлоқ)да туғилган бола ёки яйлоқдек яйраб ўссин.

**Яйра, Yayra** (◊., *ўз.*) — ҳур, озод, яйраб ўссин.

**Яйрасин, Yayrasin** (◊., *ўз.*) — яйраб, қувнаб ўссин.

**Якшанба, Yakshanba** (*фт.*) — якшанба куни туғилган бола.

**Ял, Яла, Yal** (*ўз.*) — кучли, қудратли; қаҳрамон, жасур, паҳлавон.

**Ялдо, Ялдобой, Yaldo** (*фт.*) — қишнинг энг узун кечаси (22 декабр)да туғилган ёки қорабола.

**Яллабой, Yallaboy** (*ўз.*) — яла-очиқ, эркин, озод, ошкора.

**Ялқабой, Yalqaboy** (*ўз.*) — эҳт.: *Ярлиқоб+бой.*

**Ялғош, Ялғошбой, Yalg'osh** (*ўз.*) — олдинги болаларга уланиб, боғланиб кетсин. Сол.: *Ёлғош, Ёлғошбой.*

**Ялғошқул, Yalg'oshqul** (*ўз.*) — *қар. Ялғош* (Ялғош+қул).

**Ямин, Yamin** (*ар.*) — ўнг қўл, ўнг томон (тараф) ёки кучли, қудратли.

**Яминиддин, Yaminiddin** (*ар.*) — диннинг кучи, қудрати ёки диннинг таянчи.

**Яминулла, Yaminulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг кучи, қудрати.

**Яминхўжа, Yaminxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ямин* (Ямин+хўжа).

**Яна, Янабой, Yana** (*ўз.*) — янашгин, яъни ёндошгин, яқинлашгин, ҳамдам бўлгин.

**Янгибек, Yangibek** (*ўз.*) — бу бошқа, янги бола; яшайдиган, умри узоқ бола.

**Янгиберди, Yangiberdi** (*ўз.*) — янгидан, бошқатдан берилган, яъни нобуд бўлган фарзандлардан фарқли бола.

**Янгибой, Yangiboy** (*ўз.*) — аввалгилардан фарқли, бошқа бола.

**Янгигул, Yangigul** (◊., *ўз.-фт.*) — тоза, покиза, яшнаган гул.

**Янгил, Yangil** (◊., *ўз.*) — янглишсин, адашсин, яъни навбатдаги фарзанд ўғил бўлсин. Шакллари: *Янгилжон, Янгилбой.*

**Янгилой, Yangiloy** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув қиздан кейингиси ўғил бўлсин; янглишсин, алмашсин.

**Янгисулув, Yangisuluv** (◊., *ўз.*) — тоза, покиза ҳамда зебо қиз.

**Янгиўроз, Yangio'roz** (*ўз.*) — янгидан, бошқатдан берилган бахт, саодат ёки *қар. Янги* ва *Ўроз.*

**Янглиш, Yanglish** (*ўз.*) — чақалоқнинг ўлимига сабабчи бўлувчи ёвуз кучлар янглишсин, адашсин.

**Яраш, Ярашжон, Yarashjon** (*ўз.*) — ярашган, келишган бола ёки чақалоқнинг ўлимига сабабчи бўладиган ёвуз кучлар б-н келишиш, ярашиш.

**Ярашгул, Yarashgul** (◊ ., *ўз.-фт.*) – *қар. Яраш* (Яраш+гул).

**Ярашиқ, Yarashiq** (◊ ., *ўз.*) – арзийдиган, лойиқ; ярашиқли, келишган.

**Ятим, Ятимгул, Yatim** (◊ ., *ар.)* – якка, танҳо, ягона: тенгсиз ёки етим, сағир бола.

**Ятима, Yatima** (◊ ., *ар.*) – якка, танҳо қиз ёки етим қиз.

**Яхши, Yaxshi** (*ўз.*) – мақбул, тузук, муносиб; хушахлоқ, одобли; кўнгилга яқин. Шакллари: *Яхшибой, Яхшибек, Яхшигул, Яхшихон, Яхшитой.*

**Яхшибек, Yaxshibek** (*ўз.*) – беклар авлодига мансуб мақбул, одобли бола.

**Яхшиберди, Yaxshiberdi** (*ўз.*) – Аллоҳ муносиб, мақбул фарзанд берди.

**Яхшигул, Yaxshigul** (◊ ., *ўз.-фт.*) – қизларнинг яхшиси, аълоси.

**Яхшикелди, Yaxshikeldi** (*ўз.*) – муносиб, мақбул; орзу қилинган бола туғилди.

**Яхшилиқ, Yaxshiliq** (*ўз.*) – қутли, саодатманд бола.

**Яхшим, Yaxshim** (*ўз.*) – *Яхшимурод, Яхшимуҳаммад (қар.)* каби исмларининг эқ. шакли.

**Яхшимамат, Yaxshimamat** *(ўз.-ар.)* – *қар. Яхшимуҳаммад.*

**Яхшимат, Yaxshimat** (*ўз.-ар.*) – *қар. Яхшимуҳаммад.*

**Яхшимирза, Yaxshimirza** *(ўз.-фт.)* – *қар. Яхши* ва *Мирза.*

**Яхшимурод, Yaxshimurod** (*ўз.-ар.*) – мақбул, муносиб бола улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Яхшимуҳаммад, Yaxshimuhammad** (*ўз.-ар.*) – *Муҳаммад* – яхши, аълодир ёки муносиб, мақбул болани Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Яхшиназар, Yaxshinazar** (*ўз.-ар.*) – Аллоҳнинг лутфи, илтифоти туфайли эришилган мақбул, орзу қилинган бола.

**Яхшиниёз, Yaxshiniyoz** (*ўз.-фт.*) – Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган мақбул, муносиб бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси.

**Яхшинор, Yaxshinor** (ўз.-*фт.*) – баданида хосиятли, муносиб хол б-н туғилган бола.

**Яхшисоат, Yaxshisoat** (*ўз.-ар.*) – хосиятли, қутлуғ соатда туғилган бола.

**Яхшитой, Yaxshitoy** (*ўз.*) – муносиб, мақбул ҳамда эрка, суюкли ўғил.

**Яхшиулла, Yaxshiulla** (*ўз.-ар.*) – Аллоҳнинг мақбул, муносиб бандаси.

**Яхшиқиз, Yaxshiqiz** (◊ ., *ўз.*) – дуруст, муносиб қиз.

**Яхшиқул, Yaxshiqul** (*ўз.*) – Аллоҳнинг муносиб, мақбул бандаси, қули.

**Яшар, Yashar** (*ўз.*) – яшайдиган, барҳаёт бўладиган умри узоқ бола. Шакллари: *Яшарбек, Яшарбой, Яшарқул.*

**Яшил, Yashil** (◊ ., *ўз.*) – ярашиқли, гўзал, зебо.

**Яшин, Yashin** (*ўз.*) – чақмоқли тунда туғилган бола.

**Яшна, Yashna** (◊., *ўз.*) — умри яшнасин, барқ урсин, фаровон яшасин.

**Яшнар, Yashnar** (*ўз.*) — гуллаб яшнайдиган, умри барқ урувчи, барҳаёт бўлувчи.

**Яшнаргул, Yashnargul** (◊., *ўз.-фт.*) — ҳаёти гул каби яшноқ, гўзал ва фаровон бўлсин.

**Яшнарой, Yashnaroy** (◊., *ўз.*) — гулдай гўзал қизнинг ҳаёти яшнаган ва фаровон бўлсин.

**Яшнасин, Yashnasin** (◊., *ўз.*) — гулласин, ҳаёти фаровон ва қутли бўлсин.

**Яшнахон, Yashnaxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Яшна* (Яшна+хон).

**Яъқуб, Ya'qub** (◊., *яҳ.*) — ўкча, товон, изидан борувчи, эргашувчи. Библиядаги афсонага кўра, эгизак бола туғилган бўлиб, иккинчиси биринчи туғилган акасидан қолиб кетмаслик учун унинг товонидан ушлаб юрган эмиш. Бу ном пайғамбарлардан бири исми (Яков)нинг арабча шаклидир. У *Юсуф* (*қар.*) нинг отаси ҳисобланган.

**Яқин, Яқинжон, Yaqin** (*ўз.*) — ҳақиқий, муқаррар, аниқ.

**Яҳё, Яҳьё, Yahyo** (*яҳ.*) — ўта сахий, мурувватли, очиқ қўл; яшовчи, барҳаёт, ҳаётий ёки хушхулқ, инсонга дўст. Пайғамбарлардан бирининг номи.

**Яҳёпўлат, Yahyopo'lat** (*яҳ.-фт.*) — *қар. Яҳё* ва *Пўлат.*

**Яҳёхон, Yahyoxon** (*яҳ.-ўз.*) — *қар. Яҳё* (Яхё+хон).

**Яҳёқул, Yahyoqul** (*қад.яҳ.-ўз.*) — Яҳё пайғамбарга тобе, унинг содиқ хизматкори.

# Ў

**Ўдай, O'day** (*фт.*) — *қар. Ўдайчи.*

**Ўдайчи, O'daychi** (*фт.*) — *қар. Удайчи.*

**Ўгтой, O'gtoy** (*ўз.-қад.т.*) — ҳоким, ҳукмдор.

**Ўгшук, O'gshuk** (*ўз.<қад.т.*) — туянинг бир хили, 2 ёшли туя.

**Ўжарбой, O'jarboy** (*ўз.*) — қайтмас, иродали, мард ёки саҳро, чўл жойларнинг ўсимлиги, кўкатидек (саксовулдек) чидамли, гўзимли бўлсин.

**Ўжарберди, O'jarberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ чидамли, тўзимли, яъни умри узоқ ўғил ато қилди.

**Ўжартурди, O'jarturdi** (*ўз.*) — гўзимли, чидамли ўғил туриб қолади, яшайди.

**Ўжарқул, O'jarqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг иродали, чидамли, бардошли бандаси.

**Ўзанбой, O'zanboy** (*ўз.*) — умри дарё ўзанидек узун, давомли бўлсин ёки куйчи, қўшиқчи; шодон, бахтиёр.

**Ўзбек, O‘zbek** (*ўз.*) — ўзбек фарзанди ёки улғайиб ўзига ўзи эркин, хуррам бўлиб юрсин. Шакллари: *Ўзбекхон, Ўзбекхўжа.*

**Ўзбекбиби, O‘zbekbibi** (◇., *ўз.+ҳинд.*) — ўзбек қиз, ўзбек фарзанди.

**Ўзбекой, O‘zbekoy** (◇., *ўз.*) — ўзбекнинг ойдек кўркам фарзанди ёки эркли, ҳур ва ойдек гўзал қиз.

**Ўзбекойим, O‘zbekoyim** (◇., *ўз.*) — ўзбекларнинг баланд мартабали фарзанди.

**Ўзбекберди, O‘zbekberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ гўзал ҳамда ҳур, эркли ўғил ато қилди.

**Ўзганмирза, O‘zganmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ўзган* ва *Мирза.*

**Ўзгар, O‘zgar** (*ўз.*) — аввалги турмаган болалардан фарқлан, ўзгаргин, умринг уларникига ўхшамасин.

**Ўзгариш, O‘zgarmish** (*ўз.*) — янги даврда пайдо бўлган ва замонавий ўзгаришлар б-н боғлиқ исм.

**Ўзжон, O‘zjon** (*ўз.*) — жондек азиз, қадрли, суюкли ҳамда ҳур, эркли бола.

**Ўзибой, O‘ziboy** (*ўз.*) — чиройли, кўркам ўғил улғайиб бой-бадавлат бўлсин.

**Ўзил, O‘zil** (*ўз.*) — соғ улғайсин, бўйлари чўзилиб катта йигит бўлсин.

**Ўзтемир, O‘ztemir** (*ўз.*) — чиройли, гўзал ва темирдек мустаҳкам бола.

**Ўктам, O‘ktam** (*ўз.*) — меҳр-мурувватли, ғамхўр ёки мағрур, виқорли, мустақил.

**Ўктамали, O‘qtamali** (*ўз.-ар.*) — Алининг илтифоти, мурувати бўлган бола ёки улғайиб ғурурли йигит бўлсин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Ўктамбу, Ўктамхон, O‘ktambu** (◇., *ўз.*) — меҳрли, меҳрибон, ғамхўр қиз.

**Ўктой, O‘ktoy** (*муғ.*) — олийлик, юксаклик даражасига етган; кучли, қудратли.

**Ўлжай, O‘ljay** (*ўз.*) — излаб топишга моҳир; ақлли, ўта фаросатли.

**Ўлжаой, O‘ljaoy** (◇., *ўз.*) — топиб олинган бойлик, давлатимиз бўлган қиз, Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси.

**Ўлжахон, O‘ljaxon** (◇., *ўз.*) — топилган бойлик, давлат ва баланд мартабали, суюкли қиз.

**Ўлжас, O‘ljas** (*ўз.*) — туҳфа, совға; топилган бойлик, давлат.

**Ўлжақўзи, O‘ljaqo‘zi** (*ўз.*) — топиб олинган давлатимиз, бойлигимиз бўлган суюкли, эрка ўғил.

**Ўлмас, O‘lmas** (*ўз.*) — ўлмайди, умри узоқ бўлади деб умид қилинган бола.

**Ўлмасой, O‘lmasoy** (◇., *ўз.*) — яшайдиган, узоқ умрли ойдек сулув қиз.

**Ўлпон, O‘lpon** (*ўз.*) —ўтмишда ер солиғи. Исмлик маъноси номаълум. Эҳт.: турмаган фарзандлар эвазига тўлаб берилган бола.

**Ўлпоной, O‘lponoy** (◇., *ўз.*) — *қар. Ўлпон* (Ўлпон+ой).

**Ўмар, O‘mar** (*ар.*) — *қар. Умар.*

**Ўмирбек, O‘mirbek** (*ар.-ўз.*) — *қар. Умрбек, Умарбек.*

**Ўмирали, O‘mirali** (*ар.*) — *қар. Умрали, Умарали.*

**Ўнарбой, O‘narboy** (*ўз.-фт.*) — *қар. Унарбой* ёки *Ҳунарбой.*

**Ўнбек, Ўнбой, Ўнжон, O‘nbek** (*ўз.*) — оиладаги ўнинчи фарзанд.

**Ўнбеги, O‘nbegi** (*ўз.*) — ўтмишдаги ҳарбий унвон номидан: ўнта лашкар бошлиғи.

**Ўнгал, O‘ngal** (*ўз.*) — ўнғаргин, яъни ўнглагин, тузалгин, соғайиб кетсин ёки Аллоҳ ишимизни ўнгласин, боланинг умри узоқ бўлсин.

**Ўнгласин, O‘nglasin** (*ўз.*) — Аллоҳ ишимизни ўнгласин, яъни боланинг умри узоқ бўлсин.

**Ўнгмирза, O‘ngmirza** (*ўз.-фт.*) — ўнглангин, яъни умринг узоқ бўлсин ёки тўғри, ростгўй бола.

**Ўндир, O‘ndir** (*ўз.*) — қўлга киритилган, ўндириб олинган бола *қар. Ундир.*

**Ўним, O‘nim** (*ўз.*) — айнан: "ўнинчи фарзандим", ўнинчи ўғлимиз ёки унувчи, ўсувчи бола. *Қар. Унум.*

**Ўной, O‘noy** (◇., *ўз.*) — оиладаги ўнинчи фарзанд бўлган ойдек сулув қиз.

**Ўнтой, O‘ntoy** (*ўз.*) — оиладаги ўнинчи фарзанд бўлган суюкли, эркатой ўғил.

**Ўнғал, O‘ng‘al** (*ўз.*) -- ўнглансин, яъни тузалиб, соғайиб яшаб кетсин.

**Ўнғалой, O‘ng‘aloy** (◇., *ўз.*) — *қар. Ўнғал* (Ўнғал+ой).

**Ўнғар, O‘ng‘ar** (*ўз.*) — *қар. Ўнғарсин.* Шакллари: *Ўнғарбой, Ўнғарой.*

**Ўнғарсин, O‘ng‘arsin** (*ўз.*) — Аллоҳ тилагимизни ўнгидан келтирсин, бола соғ яшаб кетсин.

**Ўнғўр, O‘ng‘ur** (*ўз.*) — ўнғувчи, ўнгидан келадиган, яъни яшаб кетадиган бола.

**Ўра, O‘ra** (*ўз.*) — ўрласин, юксалсин ёки оиладаги тўртинчи фарзанд. Шакллари: *Ўрабой, Ўрагул, Ўрахон.*

**Ўрам, O‘ram** (*ўз.*) — эҳт. Ўрозмуҳаммаднинг эқ. шакли ёки эл, элат фарзанди ёҳуд туғилганда ўралиб тушган бола.

**Ўрамурод, O‘ramurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўра* ва *Мурод.*

**Ўран, O‘ran** (◇., *ўз.*) — намунали, муносиб ёки ўрлаб, юқорилаб юриб кетсин ёки "ўран" сўзи б-н бошланган қўшма исмларнинг эқ. шакли. Шакллари: *Ўранбой, Ўранбу.*

**Ўрда, Ўрдабой, O‘rda** (*ўз.*<*қад.т.*) — уя, паножой ёки лашкаргоҳ ёки кўпчилик, тўп, тўда, яъни болалар кўпайиб, бир тўда бўлсин.

**Ўрин, O'rin** (*ўз.*) — турмаган болалар ўрнига, эвазига берилган бола ёки *Ўринбосар* (*қар.*). Шакллари: *Ўринбой, Ўринжон, Ўринтой, Ўринбиби, Ўринбу, Ўрингул.*

**Ўринбадал, O'rinbadal** (*ўз.-ар.*) — аввалги турмаган болалар эвазига берилган бола.

**Ўринбиби, O'rinbibi** (◊., *ўз.*) — олдинги вафот этган болалар эвазига, ўрнига келган бола.

**Ўринбосар, O'rinbosar** (*ўз.*) — олдинлар вафот этган болалар ёки марҳум отаси ўрнини босувчи бола.

**Ўринбуви, O'rinbuvi** (◊., *ўз.*) — олдинги турмаган болалар ўрнига, эвазига берилган қиз.

**Ўринбу, O'rinbu** (◊., *ўз.*) — *қар. Ўринбуви.*

**Ўрингул, O'ringul** (◊., *ўз.-фт.*) — аввал вафот этган бола(лар) эвазига келган гулдек гўзал қиз.

**Ўринжон, O'rinjon** (*ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) ўрнига берилган жондек азиз эрка бола.

**Ўринмурод, O'rinmurod** (*ўз.-ар.*) — турмаган бола(лар) эвазига берилган ўғил мурод-мақсадига етсин.

**Ўринниёз, O'rinniyoz** (*ўз.-фт.*) — аввалги турмаган болалар ўрнига ўтиниб сўраб олинган бола ёки аввалги вафот этган фарзандлар ўрнига берилган туҳфа, совға.

**Ўриной, O'rinoy** (◊., *ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) ўрнига берилган ойдек сулув қиз.

**Ўринпошша, O'rinposhsha** (◊., *ўз.-фт.*) — аввалги турмаган бола(лар) эвазига берилган баланд мартабали қиз.

**Ўринтош, O'rintosh** (◊., *ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) эвазига берилган, жони тошдек мустаҳкам бола.

**Ўринхол, O'rinxol** (◊., *ўз.-фт.*) — аввалги турмаган фарзандлар ўрнига берилган холли қиз.

**Ўринхон, O'rinxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Ўрин* (Ўрин+хон).

**Ўринхўжа, O'rinxo'ja** (*ўз.-фт.*) — аввалги турмаган фарзанд ўрнини босувчи хўжалар наслига мансуб бола.

**Ўринча, O'rincha** (◊., *ўз.*) — *қар. Ўрин* (Ўрин+ча).

**Ўринқул, O'rinqul** (*ўз.*) — *қар. Ўрин* (Ўрин+қул).

**Ўринқўзи, O'rinqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Ўрин* ва *Қўзи.*

**Ўрис, O'ris** (*ўз.*) — кўриниши ўрисга ўхшаш, малла сочли бола ёки ўрис уруғига (кенагас, қўнғирот қабиласининг, қанжиғали уруғининг тармоғи) мансуб бола. Шакллари: *Ўрисбой, Ўристой.*

**Ўркинбой, O'rkinboy** (*ўз.*) — ўсувчи, улғаювчи, юксалувчи.

**Ўрмон, O'rmon** (*ўз.*) — ҳаёти ўрмондек яшнаган, бепоён бўлсин. Шакллари: *Ўрмонжон, Ўрмонбой, Ўрмонбек, Ўрмоной.*

**Ўрмонали, O'rmonali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрмон* ва *Али.*

**Ўрмоной, O'rmonoy** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув қизнинг ҳаёти ўрмондек гуллаган, бепоён бўлсин.

**Ўрмончи, O‘rmonchi** (*ўз.*) — улғайиб ўрмонлар эгаси, бой-бадавлат бўлсин.

**Ўрмоншо, O‘rmonsho** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ўрмон* ва *Шо(ҳ)* ёки ўрмонлар шоҳи, ўрмон эгаси.

**Ўрмонқул, O‘rmonqul** (*ўз.*) — *қар. Ўрмон* (Ўрмон+қул).

**Ўроз, O‘roz** (*ўз.<қад.т.*) — бахтли, саодатли, толеи баланд ёки рўза (ўроза) ойида туғилган бола.

**Ўрозали, O‘rozali** (*ўз.-ар.*) — Али тухфа этган, бахт, саодат ёки рўза (ўроза) ойида туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Ўрозбадал, O‘rozbadal** (*ўз.-ар.*) — аввалги турмаган фарзандлар эвазига берилган бахтли бола.

**Ўрозбек, O‘rozbek** (*ўз.*) — беклар наслига мансуб бола улғайиб бахтли, омадли бўлсин.

**Ўрозбека, Ўрозбика, O‘rozbeka** (*ўз.*) — баланд мартабали, олий насаб; бахтли, саодатли қиз.

**Ўрозберди, O‘rozberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ бахтли, саодатли ўғил берди ёки рўза (ўроза) ойида туҳфа қилинган бахт, давлат.

**Ўрозбиби, O‘rozbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — бахтли ва баланд мартабали қиз.

**Ўрозбой, O‘rozboy** (*ўз.*) — *қар. Ўроз* (Ўроз+бой).

**Ўрозбону, O‘rozbonu** (*ўз.-фт.*) — олий насабга мансуб бахтли қиз ёки рўза (ўроза) ойида туғилган олий насаб қиз.

**Ўрозбоқ, O‘rozboq** (*ўз.*) — *қар. Ўрозбоқди.*

**Ўрозбоқди, O‘rozboqdi** (*ўз.*) — оилага келган бахт, омад.

**Ўрозбув, Ўрозбувиш, O‘rozbuv** (◊., *ўз.*) — бахт-саодат соҳибаси, қутлуғ қиз.

**Ўрозгул, O‘rozgul** (*ўз.-фт.*) — гўзал ва саодатли қиз.

**Ўрозгўзал, O‘rozgo‘zal** (*ўз.*) — рўза ойида туғилган чиройли кўркам қиз ёки бахтли ва соҳибжамол, дилбар қиз.

**Ўрозжаҳон, O‘rozjahon** (◊., *ўз.-фт.*) — дунёдаги энг бахтли қиз.

**Ўрозжон, O‘rozjon** (*ўз.-фт.*) — рўза (ўроза) ойида туғилган жондек азиз, қадрли бола ёки жондек азиз, бахтиёр бола.

**Ўрозиддин, O‘roziddin** (*ўз.-ар.*) — дин берган бахт, саодат ёки диннинг бахтли боласи.

**Ўрозкелди, O‘rozkeldi** (*ўз.*) — рўза ойида туғилган бола ёки оилага бахт-саодат келди.

**Ўрозмамат, O‘rozmamat** (*ўз.+ар.*) — *қар. Ўрозмуҳаммад.*

**Ўрозмат, O‘rozmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўрозмуҳаммад.*

**Ўрозмирза, O‘rozmirza** (*ўз.-фт.*) — мирзолардек келишган, бахтли бола бўлсин.

**Ўрозмурод, O‘rozmurod** (*ўз.-ар.*) — бахтли бола улғайиб мурод мақсадига етсин ёки рўза ойида эришилган орзу, армон.

**Ўрозмуҳаммад, O‘rozmuhammad** (*ўз.-ар.*) — Муҳаммад(сав) ато қилган бахт, саодат ёки рўза ойида туғилган болани Муҳаммад (сав) ўз паноҳида асрасин.

**Ўрозназар, O‘roznazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ илтифот қилиб берган бахтли бола.

**Ўрознафас, O‘roznafas** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўроз* ва *Нафас.*

**Ўрозниёз, O‘rozniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан ялиниб, ёлвориб олинган бахт, саодат ёки рўза ойида берилган туҳфа, совга.

**Ўрозоқ, O‘rozoq** (*ар.*) — *қар. Раззоқ.*

**Ўрозсаид, O‘rozsaid** (*ўз.-ар.*) — аслзодалар наслига мансуб саодатли бола.

**Ўрозсултон, O‘rozsulton** (*ўз.-ар.*) — бахтли ҳукмдор, сардор ёки улуғ мартабали бахтли бола.

**Ўрозтемир, O‘roztemir** (*ўз.*) — бахтли, саодатли ва темирдек мустаҳкам бола ёки рўза (ўроза) ойида туғилган темирдек маҳкам, жони қаттиқ бола.

**Ўрозтож, O‘roztoj** (*ўз.-фт.*) — холли бўлиб туғилган қутли бола ёки хосиятли холли бола.

**Ўрозтой, O‘roztoy** (*ўз.*) — рўза ойида туғилган қадрли, эркатой бола ёки азиз ва бахтли бола.

**Ўрозхол, O‘rozxol** (*ўз.-фт.*) — хол б-н тугилган бахтли, саолатли бола ёки рўза ойида туғилган саодатли бола.

**Ўрозхон, O‘rozxon** (*ўз.*) — *қар. Ўроз* (Ўроз+хон).

**Ўрозхўжа, O‘rozxo‘ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бахтли бола ёки рўза ойида туғилган хўжалар наслиға мансуб бола.

**Ўрозқилич, O‘rozqilich** (*ўз.*) — бахтли, саодатли ва қиличдек ўткир, мустаҳкам бола ёки рўза ойида туғилган қиличдек ўткир бола.

**Ўрозқул, O‘rozqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бахтли бандаси(қули) ёки Аллоҳнинг рўза ойида туғилган бандаси (қули).

**Ўрол, O‘rol** (*ўз.*) — туғилганда ўралиб тушган бола; жингалак сочли бола ёки тўнғич, биринчи бола ёхуд бахтиёр шодон бола. Шакллари: *Ўролбой, Ўролбек, Ўролбуви, Ўролгул, Ўролой, Ўролтой, Ўролхон.*

**Ўролтош, O‘roltosh** (*ўз.*) — *қар. Ўрол* ва *Тош.*

**Ўроқ, O‘roq** (*ўз.*) — экин ўроғи пайтида туғилган бола ёки ўроқдек ўткир, кескин, узоқ умрли бўлсин, ёхуд киндиги ўроқ б-н кесилған бола. Шакллари: *Ўроқбой, Ўроқжон.*

**Ўроқчи, O‘roqchi** (*ўз.*) — ғалла ўрими пайтида туғилган бола.

**Ўроқали, O‘roqali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўроқ* ва *Али.*

**Ўрбой, O‘rboy** (*ўз.*) — ўрли, яъни харакатчан, ғайратли; ўсувчи, юксалувчи.

**Ўртоқ, O‘rtoq** (*ўз.*) — отасига ёки ўзидан олдинги болаларга ҳамдам, эш бўлиб юрсин.

**Ўрус, O‘rus** (*ўз.*) — *қар. Ўрис.*

**Ўрхон, O‘rxon** (*ўз.*) — қалъадек мустаҳкам ва ўсувчи, юксалувчи, улғаювчи бола.

**Ўсан, Ўсанжон, O‘san** (*ар.*) — Ўсан<Усан<Ҳусан.

**Ўсар, O‘sar** (◊., *ар.*) — яшовчи, улғаювчи, умри узоқ бола.
**Ўсарали, O‘sarali** (*ўз.-ар.*) — ўссин, улғайсин ва Али ўз паноҳида асрасин.
**Ўсартой, O‘sartoy** (*ўз.*) — суюкли ўғил ўссин, улғайсин.
**Ўсарқул, O‘sarqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг ўсувчи, улғаювчи, умри узоқ бандаси.
**Ўскан, O‘skan** (*ўз.*) — ўсувчи, улғаювчи бола. Шакллари: *Ўсканбой, Ўсканжон, Ўсканмирза, Ўскантой.*
**Ўскин, O‘skin** (*ўз.*) — ўссин, улғайсин, умри узоқ бўлсин ёки ўссин, юксалсин. Шакллари: *Ўскинбой, Ўскинжон, Ўскинтой.*
**Ўскинали, O‘skinali** (*ўз.-ар.*) — ўссин, улғайсин ва Али ўз паноҳида асрасин.
**Ўсма, Ўсмахон, O‘sma** (◊., *ар.*) — умри ўсмадек яшнаб турсин ёки чиройли, зебо қиз.
**Ўсмон, O‘smon** (*ар.*) — *қар. Усмон.*
**Ўсмонали, O‘smonali** (*ар.*) — *қар. Усмон* ва *Али.*
**Ўссин, Ўссинбой, O‘ssin** (*ўз.*) — улғайсин, умри узоқ бўлсин.
**Ўстемир, O‘stemir** (*ўз.*) — ўссин, улғайсин ва темирдек мустаҳкам бўлсин.
**Ўта, O‘ta** (*ўз.*) — "ўта", "ўтаб" сўзлари б-н бошланган қўшма исмлар (Ўтамурод, Ўтабберган)нинг эқ. шакли.
**Ўтаб, O‘tab** (◊., *ўз.*) — *қар. Ўтабберган.* Шакллари: *Ўтабек, Ўтаббой.*
**Ўтабали, O‘tabali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўтабберган* ва *Али.*
**Ўтабберган, O‘tabbergan** (*ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) ўрнига, эвазига берилган бола.
**Ўтаббека, O‘tabbeka** (*ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) эвазига берилган қиз.
**Ўтаған, O‘tagan** (*ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) бадалига берилган бола.
**Ўтагул, O‘tagul** (*ўз.-фт.*) — аввалги турмаган бола(лар) эвазига келган гулдек сулув қиз.
**Ўтаёр, O‘tayor** (*ўз.-фт.*) — аввалги турмаган бола(лар) эвазига берилган дўст, ҳамдам.
**Ўтажон, O‘tajon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Ўтаған.*
**Ўтал, O‘tal** (*ўз.*) — *қар. Ўталсин.*
**Ўталсин, O‘talsin** (*ўз.*) — аввалги вафот этган бола(лар) ўрнини боссин.
**Ўтамат, O‘tamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўтамуҳаммад.*
**Ўтамиш, O‘tamish** (*ўз.*) — аввалги турмаган фарзандлар ўрнини тўлдирувчи бола.
**Ўтамурод, O‘tamurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўта* ва *Мурод.*
**Ўтамуҳаммад, O‘tamuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўта* ва *Муҳаммад.*
**Ўтан, O‘tan** (*ўз.-ар.*) — *қар. Ўтаназар, Ўтаниёз.* Шакллари: *Ўтанбой, Ўтанжон.*

**Ўтанали, O‘tanali** (*ўз.-ар.*) — *қар.* *Утан* ва *Али*.

**Ўтаниёз, O‘taniyoz** (*ўз.-фт.*) — аввали турмаган бола(лар) эвазига берилган туҳфа, эҳсон.

**Ўтанпўлат, O‘tanpo‘lat** (*ўз.-фт.*) — аввалги турмаган болалар эвазига берилган ўғилнинг жони пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Ўтарбой, O‘tarboy** (*ўз.*) — яйловга, ўтлоққа кўчиб чиқилганда туғилган бола ёки ўтовчи, аввалги турмаган ўрнини босувчи бола.

**Ўтатилов, O‘tatilov** (*ўз.*) — Аллоҳдан ўтиниб, илтижолар қилиб олинган бола.

**Ўтахол, O‘taxol** (◊., *ўз.-фт.*) — турмаган болалар эвазига берилган холли қиз.

**Ўтахон, O‘taxon** (◊., *ўз.*) — аввалги турмаган бола(лар) эвазига келган мўътабар, эъзозли қиз.

**Ўташ, O‘tash** (*ўз.*) — "ўта" сўзи б-н бошланган қўшма исмлар (*Ўтамурод, Ўтабберган*)нинг эқ. шакли.

**Ўтаға, O‘tag‘a** (*ўз.*) — улғайиб ҳурматли, эъзозли, баланд мартабали бўлсин ёки йўлбошчи, раҳбар, сардор бўлсин.

**Ўтбос, O‘tbos** (*ўз.*) — *қар.* *Ўтбосар*.

**Ўтбосар, O‘tbosar** (*ўз.*) — ўтларни, ерларни босиб юриб кетсин, умри узоқ бўлсин.

**Ўткир, O‘tkir** (*ўз.*) — кескир; моҳир, ақлли, заковатли.

**Ўткира, O‘tkira** (*ўз.*) — ақлли, заковатли; эпчил, шиддатли қиз.

**Ўткирой, O‘tkiroy** (◊., *ўз.*) — ақлли, заковатли ҳамда ойдек сулув қиз.

**Ўткирхон, O‘tkirxon** (◊., *ўз.*) — ақлли, заковатли ҳамда эъзозли қиз.

**Ўтчопар, O‘tchopar** (*ўз.*) — эҳт. *Отчопар* (*қар.*).

**Ўчоқ, O‘choq** (*ўз.-қад.т.*) — обрўли, эъзозли; ўчоғи доимо чўғли, бой-бадавлат бўлсин.

**Ўқчи, O‘qchi** (*ўз.*) — ўқ отувчи, мерган; овчи бола.

**Ўғилбой, Ўғилжон, O‘g‘ilboy** (*ўз.*) — эр бола, довюрак, мард йигит бўлсин.

**Ўғил, O‘g‘il** (◊., *ўз.*) — шу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилбахт, O‘g‘ilbaxt** (◊., *ўз.-ар.*) — бу қутли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилбеги, O‘g‘ilbegi** (◊., *ўз.*) — *қар.* *Ўғил* (Ўғил+беги).

**Ўғилбека, O‘g‘ilbeka** (◊., *ўз.*) — олий насабли бу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилберсин, O‘g‘ilbersin** (◊., *ўз.*) — бу қиздан кейин ўғил берсин, Аллоҳ ўғил ато қилсин.

**Ўғилбиби, O‘g‘ilbibi** (◊., *ўз.-ҳинд.*) — ушбу эъзозли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилбодом, O‘g‘ilbodom** (◊., *ўз.-фт.*) — бодом гуллаганда туғилган ёки бодомдек қаттиқ қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилбозор, O‘g‘ilbozor** (◊., *ўз.-фт.*) — бозор куни туғилган бу қиздан кейинги фарзанд ўғил бўлсин.

**Ўғилбувиш, O‘g‘ilbuvish** (◊., *ўз.*) — бу эъзозли қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилбўлди, O‘g‘ilbo‘ldi** (◊., *ўз.*) — бу қиздан кейингиси ўғил бўлади, деб умид қиламиз.

**Ўғилбўлсин, O‘g‘ilbo‘lsin** (◊., *ўз.*) — бу қиздан кейингилари ўғил бўлсин.

**Ўғилгул, O‘g‘ilgul** (◊., *ўз.-фт.*) — ушбу гулдек сулув қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилгўзал, O‘g‘ilgo‘zal** (◊., *ўз.*) — ушбу зебо, кўҳлик қиздан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилдавлат, O‘g‘ildavlat** (◊., *ўз.-ар.*) — биз учун давлат, қут ҳисобланган ушбу қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилдоно, O‘g‘ildono** (◊., *ўз.-фт.*) — ушбу ақлли, билимдон қиздан кейин ўғил бўлишини орзу қиламиз.

**Ўғилдурди, O‘g‘ildurdi** (◊., *ўз.*) — ушбу қиз турсин, яшасин ва бундан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилжамол, O‘g‘iljamol** (◊., *ўз.-ар.*) — ушбу чиройли қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилжон, O‘g‘iljon** (◊., *ўз.-фт.*) — ушбу суюкли қиздан кейин ўғил бўлсин.

**Ўғилжума, O‘g‘iljuma** (◊., *ўз.-ар.*) — жума куни туғилган ушбу қиздан кейинги фарзандимиз ўғил бўлсин.

**Ўғилзайнаб, O‘g‘ilzaynab** (◊., *ўз.-ар.*) — ушбу чиройли қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилзебо, O‘g‘ilzebo** (◊., *ўз.-ар.*) — бу гўзал қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилкелди, O‘g‘ilkeldi** (◊., *ўз.-фт.*) — ўғил ўрнига келган қиз ёки кейинғиси ўғил бўлади, деб умид қиламиз.

**Ўғилкерак, O‘g‘ilkerak** (◊., *ўз.*) — ўғилга муштоқмиз, бу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилмурод, O‘g‘ilmurod** (◊., *ўз.-ар.*) — мақсадимиз, орзуимиз ўғил кўриш, бу қиздан кейинғиси ўғил бўлсин.

**Ўғилнабот, O‘g‘ilnabot** (◊., *ўз.-фт.*) — новвотдек ширин қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилниёз, O‘g‘ilniyoz** (◊., *ўз.-фт.*) — бу қиздан кейингиси, ўғил бўлсин деб илтижо қиламиз ёки ўғил ўрнига берилган туҳфа, совға.

**Ўғилнисо, O‘g‘ilniso** (*ўз.-ар.*) — ўғил ўрнига келган қиз ёки ушбу қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилнозик, O‘g‘ilnozik** (◊., *ўз.-фт.*) — ушбу мулойим, дилбар қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилнор, O‘g‘ilnor** (◊., *ўз.-фт.*) — қизил холли бу қиздан кейинги бола ўғил бўлишини истаймиз.

**Ўғилнур, O‘g‘ilnur** (◊., *ўз.-ар.*) — ушбу равшан, толеи баланд қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилобод, O‘g‘ilobod** (◊., *ўз.-фт.*) — ушбу бахтиёр, толеи баланд қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилой, O‘g‘iloy** (◊., *ўз.*) — бу ойдек сулув қиздан кейинги фарзандимиз ўғил бўлсин.

**Ўғиломон, O‘g‘ilomon** (◊., *ўз.-ар.*) — бу қиз омон-эсон улғайсин ва навбатдаги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилпочча, O‘g‘ilpochcha** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Ўғилпошша.*

**Ўғилпошша, O‘g‘ilposhsha** (◊., *ўз.-фт.*) — бу улуғ мартабали, эъзозли қиздан кейин ўғил бўлсин.

**Ўғилсафар, O‘g‘ilsafar** (◊., *ўз.-ар.*) — сафар ойида туғилган ушбу қиздан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилсора, O‘g‘ilsora** (◊., *ўз.-фт.*) — қизларнинг яхшиси, сараси бўлган бу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилтож, O‘g‘iltoj** (◊., *ўз.-фт.*) — тож (хол) б-н туғилган бу қиздан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилтой, O‘g‘iltoy** (◊., *ўз.*) — бу суюкли, эрка қиздан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилтош, O‘g‘iltosh** (◊., *ўз.*) — жони тошдек мустаҳкам бўлган ушбу қиздан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилтурди, O‘g‘ilturdi** (◊., *ўз.*) — бу бола омон-эсон улғайсин, турсин ва ундан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилтурсин, O‘g‘iltursin** (◊., *ўз.*) — бу қиз соғ-саломат улғайсин, турсин ва ундан кейин бола ўғил бўлсин.

**Ўғилтуғар, O‘g‘iltug‘ar** (◊., *ўз.*) — бу қиздан кейин ўғил туғилар деб умид қиламиз.

**Ўғилхол, O‘g‘ilxol** (◊., *ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган ушбу қиздан кейингиси ўғил бўлсин.

**Ўғилхон, O‘g‘ilxon** (◊., *ўз.*) — *қар. Ўғил* (Ўғил+хон).

**Ўғилча, Ўғилчахон, O‘g‘ilcha** (◊., *ўз.*) — ўғил ўрнига берилган ва кутилган, орзу қилинган қиз.

**Ўғилчевар, O‘g‘ilchevar** (◊., *ўз.*) — улғайиб моҳир, уддабурон қиз бўлсин ва ундан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилшакар, O‘g‘ilshakar** (◊., *ўз.-фт.*) — ширин, ёқимтой бу қиздан кейинги фарзандимиз ўғил бўлсин.

**Ўғилширин, O‘g‘ilshirin** (◊., *ўз.-фт.*) — ширин, ёқимтой бу қиздан кейин ўғил туғилсин.

**Ўғилшод, O‘g‘ilshod** (◊., *ўз.-фт.*) — бу қувноқ, шодон қиздан кейинги бола ўғил бўлсин.

**Ўғилюр, O‘g‘ilyur** (◊., *ўз.*) — соғу саломат юрсин, улғайсин ва навбатдаги бола ўғил бўлсин.

**Ўғлон, O‘g‘lon** (*ўз.*) — ёш бола, ўғил бола, ботир, мард ёки подшоҳзода. Шакллари: *Ўғлонбой, Ўғлоной, Ўғлонхон.*

**Ўғон, O‘g‘on** (*ўз.-қад.т.*) — *Ўғонберди* (*қар.*) исмининг эқ. шакли.

**Уғонберди, O‘g‘onberdi** (*ўз.-қад.т.*) — тангри, Аллоҳ ато қилган, бахш этган бола, Аллоҳнинг туҳфаси.

# Қ

**Қавомиддин, Qavomiddin** (*ар.*) — диннинг ростгўй, ҳақиқатгўй кишиси.

**Қавий, Qaviy** (*ар.*) — қувватли, қудратли.

**Қавсбой, Qavsboy** (*ар.-ўз.*) — қавс ойида (шамсия йил ҳисобининг тўққизинчи ойи — 22 ноябрь — 21 декабрга тўғри келади) туғилган бола.

**Қадам, Qadam** (*ар.*) — соғ бўлиб юриб, қадам босиб кетсин, қадами қутлуғ бўлсин. Шакллари: *Қадамбек, Қадамбой, Қадамбу.*

**Қадамбу, Qadambu** (◊., *ар.*) — қадами қутлуғ қиз.

**Қадаммурод, Qadammurod** (*ар.*) — қадами қутлуғ бўлиб, улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Қадамшо, Qadamsho** (*ар.-фт.*) — қадами қутлуғ, улуғ мартабали бола.

**Қадим, Qadim** (*ар.*) — умри узоқ бўлсин. Шакллари: *Қадимбой, Қадимхон.*

**Қадр, Қадир, Qadr** (*ар.*) — қадрли, обрўли, иззат-эътиборга сазовор. Шакллари: *Қадрбой, Қадрхон.*

**Қадрбека, Qadrbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — иззат-эътиборга лойиқ, олий насаб қиз.

**Қадриддин, Qadriddin** (*ар.*) — диннинг қиммати, обрўси, юксаклиги ёки диннинг қадрли, эътиборга сазовор кишиси.

**Қадрия, Qadriya** (◊., *ар.*) — эъзозли, мўътабар қиз.

**Қазнабой, Qaznaboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғазнабой.* Асли: *Хазина.*

**Қайим, Qayim** (*ар.*) — *қар. Қайюм.*

**Қайирбой, Qayirboy** (*ўз.*) — бўз бола; теран, чидамли, мустаҳкам.

**Қаймоқ, Qaymoq** (◊., *ўз.*) — ширин, суюкли ёки баданида ортиқ белги (хол, ортиқча бармоқ, бирор нишон) б-н туғилган бола.

**Қайнар, Қайнаржон, Qaynar** (*ўз.*) — шўх, жўшқин, ғайратли бола.

**Қайнарой, Qaynaroy** (◊., *ўз.*) — шўх, жўшқин, ғайратли қиз.

**Қайрил, Qayril** (◊., *ўз.*) — бурилган, яхшилик томонга қайрилсин. Бу исм боланинг соғайиб кетишини ёки навбатдаги бола ўғил бўлишини орзу қилишни ифода қилади.

**Қайроқ, Qayroq** (*ўз.*) — қайроқ тошдек мустаҳкам бўлсин ёки қайроқ — лалми (баҳоркор) кўкарган пайтда туғилган бола.

**Қайс, Qays** (*ар.*) — Мажнуннинг асл номи. Маъноси номаълум. Эҳт.: қайс — ўлчов, миқдор.

**Қайсар, Qaysar** (*ар.*) — ўжар; маҳкам, мустаҳкам ёки ҳукмдор, подшоҳ, ҳоким. Бу исмни қадимги император Цезарь (Кесарь, Кайзерь) номи б-н ҳам боғлашади.

**Қайтарбой, Qaytarboy** (*ўз.*) – қайтади, яъни яшайди ёки оиладагилардан бирортаси узоққа кетганда туғилган бола.

**Қайтган, Qaytgan** (*ўз.*) — аввалги турмаган фарзандлар ўрнига, эвазига қайтариб берилган бола.

**Қайтим, Qaytim** (◊., *ўз.*) – аввалги турмаган болалар ўрнига қайтган (қайтариб берилган) қиз.

**Қайтмас, Qaytmas** (*ўз.*) — ўжар, чекинмайдиган, бир сўзли; мард, довюрак.

**Қайюм, Qayyum** (*ар.*) — абадий мавжуд бўлувчи. Бу ном Аллоҳи Таолонинг сифатларидан бири. Асли *Абдуқайюм.* Шакллари: *Қайюмбой, Қайюмжон, Қайюмхўжа.*

**Қалабек, Қалъабек, Qalabek** (*ар.*) — қалъадек маҳкам, мустаҳкам бола.

**Қалам, Qalam** (◊., *ар.*) — *қар. Қаламқош* ёки чиройли қошли қиз.

**Қаламгул, Qalamqul** (◊., *ар.*) — *қар. Қаламқош*; қошлари чиройли ва гулдек зебо қиз.

**Қаламой, Qalamoy** (◊., *ар.*) – ингичка қора қошли ва ойдек сулув қиз.

**Қаламқош, Qalamqosh** (◊., *ар.-ўз.*) — нозик қора қошли; чиройли қошли қиз.

**Қаландар, Qalandar** (*фт.*) — дарвеш, таркидунёчи, дарбадар кезувчи.

**Қалб, Qalb** (*ар.*) — ит, кучук.

**Қалбали, Qalbali** (*ар.*) — Алига содиқ, вафодор киши.

**Қалбия, Qalbiya** (*ар.*) — қалбга ҳамоҳанг, нозик таъб, зебо.

**Қалбмуҳаммад, Qalbmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)га содиқ, сидқидилдан хизмат қилувчи.

**Қалдирғоч, Qaldirg'och** (◊., *ўз.*) — қалдиргочлар учиб келганда туғилган қиз ёки қошлари қалдирғоч қанотидек ингичка, нозик қиз.

**Қалмоқ, Қалмоқбой, Qalmoq** (*муғ.*) – ўзбекларнинг қалмоқ қабиласига мансуб бола (мўғулча: халимаг — "аралаш", "қурама").

**Қалпоқ, Қалпоқбой, Qalpoq** (*ўз.*) – пақмоқ сочли, серсочли, яъни қалпоқли бўлиб туғилган бола.

**Қалқон, Qalqon** (*ўз.*) – тўсиқ, зирҳ; ҳимояланган, қалқонли, маҳкам, мустаҳкам бола. Шакллари: *Қалқонбой, Қалқоной, Қалқонхон.*

**Қамал, Qamal** (*ўз.*) — эҳт.: *Қамар.*

**Қамар, Qamar** (◊., *ар.*) – ойдек сулув, ой юзли, хушрўй. Шакллари: *Қамаргул, Қамарбиби, Қамархон, Қамарой, Қамарбека.*

**Қамара, Qamara** (◊., *ар.*) – оймонанд, ой юзли, ойдек сулув қиз.

**Қамарали, Qamarali** (*ар.*) – ойдек чиройли болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Қамарберди, Qamarberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ойдек чиройли ўғил ато қилди.

**Қамарбой, Qamarboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Қамариддин.*

**Қамаржамол, Qamarjamol** (*ар.*) — ойюзли, ойрухсор, ойдек сулув қиз.

**Қамариддин, Qamariddin** (*ар.*) — айнан: диннинг ойи; диннинг кўркам, зебо фарзанди.

**Қамария, Qamariya** (◊., *ар.*) — оймонанд, ой фарзанди, ойдек зебо қиз.

**Қамарнисо, Qamarniso** (◊., *ар.*) — айнан: хотинлар ойи; аёлларнинг энг кўркими, гўзали.

**Қамарой, Qamaroy** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Қамар* (Қамар+ой).

**Қамбар, Qambar** (*ар.*) — турғай. Бу ном халиф Алига содиқ қулнинг исми бўлган. У озод қилингач ҳам Қамбарали, яъни Алига содиқ киши деб юритилган.

**Қамбарнисо, Qambarniso** (◊., *ар.*) — *қар. Қамбар* ва *Нисо.* Эҳт.: *Қамарнисо.*

**Қамбархон, Qambarxon** (◊., *ар.-ўз.*) — турғай, *қар. Қамбар* (Қамбар-хон). Эҳт. *Қанбархон.*

**Қамбаршо, Qambarsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Қамбар* ва *Шо(ҳ).*

**Қамбарқул, Qambarqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Қамбар* (Қамбар+қул).

**Қамиш, Qamish** (◊., *ўз.*) — қамиш<қамаш — мато, кўйлак ёки қамишдек сипо, тўғри, келишган қоматли қиз.

**Қамчи, Qamchi** (*ўз.*) — қамчидек забардаст, мустаҳкам ёки қамчи, қамчили уруғига мансуб бола. Шакллари: *Қамчибек, Қамчибой.*

**Қамчин, Qamchin** (*ўз.*) — *қар. Қамчи.*

**Қамқа, Қамқахон, Qamqa** (◊., *ўз.*) — шойи мато (хитой шойи)дек мулойим, нозик таъб қиз.

**Қанглибой, Qangliboy** (*ўз.*) — айнан: дарё бўйида яшовчи ёки қангли қабиласига мансуб бола.

**Қангтарбой, Qangtarboy** (*ўз.*) — боғланган, маҳкамланган, яъни яшайдиган, умри узоқ бола.

**Қанд, Qand** (◊., *ар.*) — қанддек ширин, ёқимтой қиз.

**Қандаҳор, Qandahor** (*фт.*) — Қандаҳор шаҳари номига нисбат берилган исм.

**Қандгул, Qandgul** (◊., *ар.-фт.*) — қанддек ширин, ёқимтой ва гулдек сулув қиз.

**Қанди, Qandi** (*ўз.*) — *қар. Қонди.*

**Қандил, Qandil** (◊., *ар.*) — қандилдек қимматли, гўзал қиз. Шакллари: *Қандилой, Қандилхон.*

**Қандила, Qandila** (◊., *ар.*) — *қар. Қандил (Қандил+а).*

**Қандинисо, Qandiniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг ёқимлиси, аълоси ёки *қар. Қондинисо.*

**Қандия, Qandiya** (◊., *ар.*) — қанддек ширин, ёқимтой қиз.

**Қандисо, Qandniso** (◊., *ар.*) — *қар. Қандинисо.*

**Қандой, Qandoy** (◊., *ар.-ўз.*) — қанддек ширин, ёқимтой ва ойдек сулув қиз.

**Қандолат, Qandolat** (◊., *фт.*) — ширинлик (қандолат)дек ёқимли қиз; ширинтил қиз.

**Қандхон, Qandxon** (◊., *ар.-ўз.*) — ширин, ёқимтой ва баланд мартабали қиз.

**Қаноат, Qanoat** (*ар.*) — Аллоҳ берган фарзандлар б-н қаноатландик, болалар етарли бўлди ёки сабрли, тоқатли бола. Асли: *Қаноатулла* (*қар.*). Шакллари: *Қаноатжон, Қаноатхон, Қаноатшо.*

**Қаноатулла, Qanoatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг сабр-қаноатли бандаси.

**Қанот, Qanot** (*ўз.*) — соғ улғайиб ота-онасига суянч, таянч, қанот бўлсин ёки соғ улғайиб юксак мартабаларга эришсин, толеи баланд бўлсин. Шакллари: *Қанотбой, Қанотхон.*

**Қантар, Қантарбой, Qantar** (*ўз.*) — *қар. Қангтарбой.*

**Қарамон, Qaramon** (*ўз.*) — қорачадан келган, қора бола ёки муҳофазага олинган ёҳуд қарамон уруғига мансуб бола.

**Қарбуға, Qarbug'a** (*ўз.<қад.т.*) — жасур, енгилмас, қаҳрамон.

**Қари, Қарри, Qari** (*ўз.*) — марҳум бобосининг исми б-н аталган бола.

**Қаришқул, Qarishqul** (*ўз.*) — бўри, қашқир. Сол. *Бўри, Бўрибой.*

**Қарлиғоч, Qarlig'och** (◊., *ўз.*) — *қар. Қалдирғоч.*

**Қарчиғай, Qarchig'ay** (◊., *ўз.*) — қарчиғайдек зийрак, жасур бўлиб ўссин.

**Қарши, Qarshi** (*ўз.*) — аввалги турмаган болаларнинг акси, соғ улғаювчи бола ёки туғилиши қийин кечган бола. Шакллари: *Қаршибой, Қаршигул, Қаршижон, Қаршиой.*

**Қаршимат, Qarshimat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қаршимуҳаммад.*

**Қаршимурод, Qarshimurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қарши* ва *Мурод.*

**Қаршимуҳаммад, Qarshimuhammad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қаршимуҳаммад.*

**Қаршитой, Qarshitoy** (*ўз.*) — эрка, суюкли бола эсон-омон улғайсин.

**Қарқара, Qarqara** (*ўз.*) — турнага ўхшаш ва бўйнидан юқориси қора рангли қуш ёки қарқара уруғига мансуб бола.

**Қашқар, Qashqar** (◊., *ўз.*) — *қар. Қашқаргул.*

**Қашқаргул, Qashqarqul** (◊., *ўз.-фт.*) — қашқаргулдек зебо, гўзал қиз.

**Қашқартой, Qashqartoy** (*ўз.*) — эҳт.: *Қўчқортой* ёки Қашқар (шаҳар) номидан олинган исм.

**Қашқир, Қашқирбой, Qashqir** (*ўз.*) — бўри. Сол.: *Бўри, Бўрибой*

**Қаюм, Qayum** (*ар.*) — *қар. Қайюм.*

**Қаҳрамон, Qahramon** (*фт.*) — кучли, қудратли, баҳодир, довюрак. Эҳт.: қаҳрамон-қайрағоч, яъни қайрагочдек мустаҳкам, чидамли бўлсин ёҳуд қарамон уруғи фарзанди.

**Қаҳратон, Qahraton** (*ар.*) — қаттиқ совуқли қишда туғилган бола.

**Қаҳҳор, Qahhor** (*ар.*) — қаҳр қилувчи, барчани бўйсиндирувчи, ғолиб. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Асли *Абдуқаҳҳор* (*қар.*).

**Қаҳҳорали, Qahhorali** (*ар.*) — *қар. Қаҳҳор* ва *Али*.

**Қаҳҳоргул, Qahhorgul** (*ар.*) — Қаҳҳорнинг (*қар.*), яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Қивомиддин, Qivomiddin** (*ар.*) — диннинг адолатли, ҳақгуй ихлосманди.

**Қиём, Qiyom** (*ар.*) — *қар. Қиёмиддин.* Шакллари: *Қиёмбой, Қиёмжон.*

**Қиёмиддин, Qiyomiddin** (*ар.*) — ибодат пайти, қуёш тик келганда туғилган бола ёки тикловчи, динни оёққа турғазувчи, динни юксалтирувчи бола.

**Қиёсбой, Qiyosboy** (*ар.-ўз.*) — ўрнак, намуна бўлувчи бола.

**Қиёт, Қиётбой, Qiyot** (*ўз.*) — қиёт қабиласига мансуб бола, қиёт фарзанди.

**Қиёфат, Qiyofat** (*ар.*) — кўриниш, сиймо; юз, чеҳра.

**Қизбека, Qizbeka** (*ўз.*) — баланд мартаба, олий насаб қиз.

**Қизбиби, Qizbibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — муътабар, эъзозли қиз ёки бувисининг исми берилган қиз.

**Қизбуви, Qizbuvi** (◇., *ўз.*) — *қар. Қизбиби.*

**Қизетар, Qizyetar** (◇., *ўз.*) — қиз туғилиши етар, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Қизжон, Qizjon** (◇., *ўз.-фт.*) — қадрли, суюкли қиз.

**Қизилгул, Qizilgul** (◇., *ўз.-фт.*) — қизил гулдек зебо, ёқимтой қиз.

**Қизилой, Qiziloy** (◇., *ўз.*) — қизил, яъни олтиндек қимматли ва ойдек сулув қиз.

**Қизлар, Qizlar** (◇., *ўз.*) — қизлар сўзи б-н бошланадиган исмлар — *Қизларгул, Қизларбаснинг* эқ. шакли.

**Қизларбас, Qizlarbas** (◇., *ўз.*) — ҳадеб қиз туғилиши етар, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Қизларбеги, Qizlarbegi** (◇., *ўз.*) — қизларнинг сараси, аълоси ёки қизларнинг сардори.

**Қизларбек, Qizlarbek** (◇., *ўз.*) — қизларнинг сардори, бека бўлсин маъносида.

**Қизларбиби, Qizlarbibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — *қар. Қизлар* (Қизлар+биби).

**Қизларбувиш, Qizlarbuvish** (◇., *ўз.*) — *қар. Қизлар* (Қизлар+бувиш).

**Қизларгул, Qizlargul** (◇., *ўз.-фт.*) — қизларнинг гулдек чиройлиси.

**Қизлардоно, Qizlardono** (◇., *ўз.-фт.*) — қизларнинг ақллиси, билимдони, доноси.

**Қизларжон, Qizlarjon** (◊., *ўз.-фт.*) — *қар. Қизлар*.

**Қизлармомо, Qizlarmomo** (◊., *ўз.*) — *қар. Қизлар* (Қизлар+момо).

**Қизларой, Qizlaroy** (◊., *ўз.*) — қизларнинг ойдек гўзали бўлсин.

**Қизларрасо, Qizlarraso** (◊., *ўз.-фт.*) — қизларнинг ақллиси, фаросатлиси.

**Қизларсари, Qizlarsari** (◊., *ўз.*) — сариқ, малла сочли қиз.

**Қизларсоат, Qizlarsoat** (◊., *ўз.-ар.*) — бахтли, қутли пайтида туғилган қиз.

**Қизларсулув, Qizlarsuluv** (◊., *ўз.*) — қизларнинг энг гўзали, чиройлиси.

**Қизлартамом, Qizlartamom** (◊., *ўз.*) — қизлар туғилиши тўхтасин, кейингиси ўғил бўлсин.

**Қизлартўра, Qizlarto'ra** (◊., *ўз.*) — баланд мартабали, олий насаб қиз ёки қизларнинг етакчиси, сардори.

**Қизлархон, Qizlarxon** (◊., *ўз.*) — қизларнинг раҳбари, сардори ёки қизларнинг энг мўътабари, эъзозлиси.

**Қизларшо, Qizlarsho** (◊., *ўз.-фт.*) — қизларнинг султони, шоҳи.

**Қизларэсон, Qizlareson** (◊., *ўз.*) — қизларнинг яхшиси соғу омон улғайсин.

**Қизой, Qizoy** (◊., *ўз.*) — ойдек сулув қиз, қизларнинг кўрками, зебоси.

**Қизойим, Qizoyim** (◊., *ўз.*) — олий насаб, аслзода қиз ёки нозик, нозанин, зебо қиз.

**Қизтумас, Qiztumas** (◊., *ўз.*) — энди қиз туғилмасин, навбатдагиси ўғил бўлсин.

**Қийбосар, Qiybosar** (*ўз.*) — қийларни босиб юриб кетсин, соғ улғайсин.

**Қилич, Qilich** (*ўз.*) — қиличдек кескир ва мустаҳкам ёки киндиги қилич б-н кесилган бола ёхуд ғолиб, музаффар бола. Шакллари: *Қиличбой, Қиличхон, Қиличбек, Қиличжон.*

**Қиличберди, Qilichberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ қиличдек кескир, мустаҳкам ўғил берди.

**Қиличёз, Qilichyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан тиланиб, сўраб олинган қиличдек мустаҳкам бола. *Қар. Қиличниёз.*

**Қиличмамат, Qilichmamat** (*ўз.-фт.*) — *қар. Қиличмуҳаммад.*

**Қиличмирза, Qilichmirza** (*ўз.-фт.*) — қиличдек ўткир, мустаҳкам ва мирзалардек ўқимишли, келишган йигит бўлсин.

**Қиличмуҳаммад, Qilichmuhammad** (*ўз.-ар.*) — қиличдек ўткир, мустаҳкам йигит бўлсин ва Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Қиличниёз, Qilichniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан илтижолар қилиб сўраб олинган қиличдек ўткир бола.

**Қиличтурди, Qilichturdi** (*ўз.*) — қиличдек мустаҳкам бўлиб турсин, яъни яшасин, умри узоқ бўлсин.

**Қиличтурсин, Qilichtursin** (*ўз.*) — қиличдек мустаҳкам бола тур син, яшасин.

**Қиличхон, Qilichxon** (*ўз.*) — *қар. Қилич* (Қилич+хон).

**Қимизхон, Qimizxon** (◊., *ўз.*) — сулув, ёқимли қиз.

**Қиммат, Qimmat** (*ар.*) — қадр-қимматли, эъзозли қиз. Шакллари: *Қимматбой, Қимматқул, Қимматой.*

**Қимматали, Qimmatali** (*ар.*) — қимматли, азиз ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Қимматбу, Qimmatbu** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Қиммат* ва *Буви.*

**Қимматой, Qimmatoy** (◊., *ар.-ўз.*) — қимматли, эъзозли ва ойдек сулув қиз.

**Қимматқул, Qimmatqul** (*ар.-ўз.*) -- Аллоҳнинг қадрли, эъзозга сазовор бандаси, қули.

**Қимсан, Қимсаной, Qimsan** (◊., *ўз.*) — ортиқ даражада қумсаб кутилган, орзу қилинган қиз ёки *қар. Кимсан, Кимсаной.*

**Қипчоқ, Qipchoq** (*ўз.<қад.т.*) — қипчоқ қабиласига мансуб бола, қипчоқ (қадимий туркий қабила) фарзанди.

**Қипчоққул, Qipchoqqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг қипчоқ уруғига мансуб бандаси (қули) ёки қипчоқ уруғининг содиқ фарзанди.

**Қиржигит, Qirjigit** (*ўз.*) — соғ улғайиб, балоғатга етган, қирчин йигит бўлсин ёки қир, дала фарзанди.

**Қирмирза, Qirmirza** (◊., *ўз.-фт.*) -- гўзал, чиройли қиз, ҳуснижамол қиз.

**Қирмизгул, Qirmizgul** (◊., *ўз.-фт.*) — қизил гулдек гўзал, зебо қиз.

**Қирмизой, Қирмизхон, Qirmizoy** (◊., *ўз.*) -- *қар. Қирмиза* (Қирмиз+ой).

**Қирноқ, Qirnoq** (◊., *ўз.<қад т.*) — улғайиб ота-онасининг хизматкори бўлсин.

**Қиров, Qirov** (*ўз.*) — биринчи қиров (шабнам) тушган пайтда туғилган бола ёки қиров — ўткир, кескир бола.

**Қиронбой, Qironboy** (*ўз.*) — зўр, забардаст, саодатли ёки икки сайёра бир буржда тўқнашган пайтда туғилган бола.

**Қирғиз, Қирғизбой, Qirg'iz** (*ўз.<қад.т.*) — боланинг кўриниши қирғизга ўхшагани учун берилган исм ёки қирғизлар орасида туғилган бола.

**Қирғизали, Qirg'izali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қирғиз* ва *Али.*

**Қирғизой, Qirg'izoy** (◊., *ўз.*) -- қирғизмонанд ойдек сулув қиз ёки қирғизлар орасида туғилган ойдек сулув қиз.

**Қирғий, Qirg'iy** (*ўз.*) -- қирғийдек эпчил, чаққон, жасур бўлсин.

**Қисмат, Qismat** (◊., *ар.*) — толеимизга берилган туҳфа, насиба бўлган қиз.

**Қобил, Qobil** (*ар.*) — истеъдодли, қобилиятли; кучли қудратли ёки ёввош, тарбия кўрган ёҳуд орзу ва тилакларимиз бажо бўлиб берилган бола. Шакллари: *Қобилбой, Қобилжон, Қобилбу, Қобилхон.*

**Қобила, Qobila** (◊., *ар.*) — *қар.* *Қобил* (Қобил+а).

**Қобилбиби, Қобилбу, Qobilbibi** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар.* *Қобил* (Қобил+биби).

**Қобилхон, Qobilxon** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар.* *Қобил* (Қобил+хон).

**Қобилча, Qobilcha** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар.* *Қобил* (Қобил+ча).

**Қобилқора, Qobilgora** (*ар.-ўз.*) — *қар.* *Қобил* ва *Қора.*

**Қобул, Qobul** (*ар.*) — *қар.* *Қобил.*

**Қовунбой, Qovunboy** (*ўз.*) — қовун пишиғида ёки қовун, яъни полиз тепасига кўчиб чиққанда туғилган бола.

**Қовус, Qovus** (*ар.*) — қавс ойи (шамсия йил ҳисобининг 9-ойи — 22 ноябрь — 21 декабрга тўғри келади) да туғилган бола.

**Қодир, Qodir** (*ар.*) — кучли, қудратли, барча нарсага лаёқатли. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдуқодир* (*қар.*). Шакллари: *Қодирбек, Қодиржон, Қодирхон.*

**Қодирали, Qodirali** (*ар.*) — *қар.* *Қодир* ва *Али.*

**Қодирбек, Qodirbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб кучли, қудратли бола.

**Қодирберган, Qodirbergan** (*ар.-ўз.*) — *Қодир* (*қар.*), яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Қодирберди, Qodirberdi** (*ар.-ўз.*) — *Қодир* (*қар.*), яъни Аллоҳ берган туҳфа.

**Қодириддин, Qodiriddin** (*ар.*) — диннинг кучи, қудрати ёки диннинг содиқ мухлиси.

**Қодирмамат, Qodirmamat** (*ар.*) — *қар.* *Қодирмуҳаммад.*

**Қодирмат, Qodirmat** (*ар.*) — *қар.* *Қодирмуҳаммад.*

**Қодирмурод, Qodirmurod** (*ар.*) — Аллоҳ етказган орзу, мақсад.

**Қодирназар, Qodirnazar** (*ар.*) — қодир, яъни Аллоҳнинг илтифоти, эътибор (назари) туфайли эришилган бола.

**Қодирниёз, Qodirniyoz** (*ар.-фт.*) — қодир, яъни Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси ёки Аллоҳдан тиланиб олинган бола.

**Қодирнисо, Qodirniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг кучлиси, қудратлиси; қобилиятлиси ёки Аллоҳнинг хизматкори, бандаси бўлган қиз.

**Қодирхон, Qodirxon** (*ар.-ўз.*) — *қар.* *Қодир* (Қодир+хон) ёки ҳоким, бошлиқ, саркор.

**Қодирхўжа, Qodirxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар.* *Қодир* ва *Хўжа.*

**Қодирқул, Qodirqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бандаси (қули). Сол.: *Абдуқодир.*

**Қодирғиёз, Qodirg'iyoz** (*ар.-фт.*) — *қар.* *Қодирниёз.* Эҳт.: *Қодир* ва *Ғиёс.*

**Қози, Qozi** (*ар.*) — улғайиб адолатпеша, диний ҳакам бўлсин ёки қози бўлиб ўтган бобосининг исми берилган бола. Шакллари: *Қозибой, Қозихон, Қозибек.*

**Қозимурод, Qozirmurod** (*ар.*) — *қар.* *Қози* ва *Мурод.*

**Қозиқул, Qoziqul** (*ар.-ўз.*) — ўзини диний адолат йўлига бағишлаган бола.

**Қозоқ, Qozoq** (*ўз.<қад.т.*) — кўриниши қозоққа ўхшагани учун шундай аталган ёки эркин, ҳур, озод ёҳуд уйга қозоқ меҳмон келганда ёки қозоқлар орасида туғилган бола ҳам шундай номланади. Шакллари: *Қозоқбой, Қозоқхон.*

**Қоим, Қойим, Qoim** (*ар.*) — турғун, собит, мустаҳкам; устувор, пойдор; яшайдиган ёки нишона ёҳуд ўринбосар, ноиб. Эҳт.: *Қайюм* (*қар.*).

**Қойима, Qoyima** (◊., *ар.*) — *қар. Қоим* (Қоим+а).

**Қолди, Qoldi** (*ўз.*) — оғир касалликдан сўнг соғ қолган бола ёки Қолли — Холли — хол б-н туғилган бола. Шакллари: *Қолдибой, Қолдигул. Қолдиқул.*

**Қолдигул, Qoldigul** (◊., *ўз.-фт.*) — соғ қолган гулдек гўзал қиз ёки хол б-н туғилган гулдек гўзал қиз.

**Қолдиқиз, Qoldiqiz** (◊., *ўз.*) — соғ қолган қиз ёки хол б-н туғилган, холдор қиз.

**Қолдиқул, Qoldiqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг соғ қолган қули ёки Аллоҳнинг холли бандаси, қули.

**Қолдоим, Qoldoim** (*ўз.-ар.*) — доимо соғ турсин, умри узоқ бўлсин.

**Қолжон, Qoljon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Холжон.*

**Қолқон, Qolqon** (*ўз.*) — *қар. Қалқон.*

**Қондим, Qondim** (*ўз.*) — фарзандларим етарли бўлди, қаноат ҳосил қилдим, бошқа туғмайман маъносида ёки чўл ўсимлиги — қондим каби чидамли, мустаҳкам бўлсин.

**Қондимой, Қондимхон, Qondimoy** (◊., *ўз.*) — *қар. Қондим.*

**Қондиқ, Qondiq** (*ўз.*) — фарзандга қаноат хосил қилдик, бошқа туғмасам ҳам майли.

**Қондиқ, Qondiq** (*ўз.*) — фарзандларга қониқдик бошқа тугилмаса ҳам майли.

**Қониқ, Qoniq** (*ўз.*) — фарзандларга қониқдик, болаларимиз етарли.

**Қонқора, Qonqora** (*ўз.*) — *қар. Хонқора.*

**Қоплон, Qoplon** (*ўз.*) — қоплондек довюрак, жасур бўлиб ўссин ёки асад ойи (июль)да туғилган бола.

**Қоплонбек, Qoplonbek** (*ўз.*) — беклар авлодига мансуб бўлган довюрак, жасур бола.

**Қоплонмирза, Qoplonmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Қоплон* ва *Мирза.*

**Қора, Qora** (*ўз.*) — кучли, қудратли бола ёки қорача бўлиб туғилган бола ёҳуд қорача уруғига (қирқ қабиласи тармоғи) мансуб бола. Шакллари: *Қорабек, Қорабой, Қоражон, Қоратой, Қорахон, Қорақул.*

**Қорабой, Qoraboy** (*ўз.*) — *қар. Қора* (Қора+бой).

**Қорабарлос, Qorabarlos** (*ўз.*) — қора барлос уруғига мансуб бола

**Қоραберди, Qoraberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ кучли, қудратли ўғил ато қилди ёки Аллоҳнинг туҳфаси.

**Қорабола, Qorabola** (*ўз.*) — кучли, қудратли бола ёки қора тусли (қорачадан келган) бола, кейинги ҳолда лақаб исмга айланиб кетган.

**Қоработир, Qorabotir** (*ўз.*) — кучли, қудратли, баҳодир; жасур бола.

**Қорабош, Qorabosh** (*ўз.*) — қул, чўри ёки бургут ёхуд тимқора сочли бола.

**Қоракўз, Qorako'z** (*ўз.*) — кўзлари қора бола; гўзал, кўркам бола.

**Қорамирза, Qoramirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Қора* ва *Мирза.*

**Қорамамат, Qoramamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қорамуҳаммад.*

**Қорамуҳаммад, Qoramuhammad** (*ўз.-ар.*) — кучли, довюрак ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Қорамон, Qoramon** ( ◊ ., *ўз.-фт.*) — қорамон уруғига мансуб бола ёки *қар. Қаҳрамон.*

**Қорамулла, Qoramulla** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қора* ва *Мулла.*

**Қорамурод, Qoramurod** (*ўз.-ар.*) — кучли, қудратли йигит бўлсин ва улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Қораниёз, Qoraniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан илтижолар б-н тилаб олинган бола улғайиб кучли, қудратли йигит бўлсин.

**Қорапўлат, Qorapo'lat** (*ўз.-фт.*) — кучли, қудратли ва пўлатдек мустаҳкам бола.

**Қорасоч, Qorasoch** ( ◊ ., *ўз.*) — сочлари тимқора, қўнғироқ сочли қиз.

**Қорасулув, Qorasuluv** ( ◊ ., *ўз.*) — қорачадан келган гўзал қиз. Бу ўринда лақаб исмга айланган.

**Қорасунқур, Qorasunqur** (*ўз.<қад.т.*) — бургут, шунқордек кучли, жасур йигит бўлсин.

**Қоратегин, Qorategin** (*ўз.<қад.т.*) — кучли, қудратли шоҳзода, ҳукмрон.

**Қоратой, Qoratoy** (*ўз.*) — қулун (1 ёшли той)дек бола, яъни қулундек ўйноқлаб, яйраб ўссин ёки қора+той кучли, қудратли ва суюкли, эркатой бола.

**Қоратош, Qoratosh** (*ўз.*) — забардаст қора тошдек маҳкам, мустаҳкам бўлсин.

**Қорахол, Qoraxol** ( ◊ ., *ўз.-фт.*) — чиройли хол б-н туғилган қиз.

**Қорахон, Qoraxon** (*ўз.*) — улуғ, қудратли хон.

**Қорахўжа, Qoraxo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар наслига мансуб қудратли, жасур бола.

**Қорача, Qoracha** (*ўз.*) — қорамағиз бола ёки қорача уруғига (лақай қабиласи таркибида) мансуб бола.

**Қорачори, Qorachori** (*ўз.-фт.*) — тўртинчи ўғил (фарзанд) кучли, довюрак йигит бўлсин.

**Қорачоч, Qorachoch** ( ◊ ., *ўз.*) — *қар. Қорасоч.*

**Қорауғлон, Qorao'g'lon** (*ўз.*) — қудратли, баҳодир ўғил.

**Қорақиз, Qoraqiz** (◊ ., *ўз.*) — қорачадан келган, қорамағиз қиз. Асли лақаб бўлиб, исмга кўчган.

**Қорақош, Qoraqosh** (◊ ., *ўз.*) — қора қошли, қошлари чиройли қиз; гўзал, зебо қиз.

**Қорақул, Qoraqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг кучли, қудратли бандаси ёки соқчи, посбон, қоровул.

**Қорақурсоқ, Qoraqursoq** (*ўз.*) — ушбу номдаги уруғ фарзанди.

**Қорақўзи, Qoraqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Қора* ва *Қўзи.*

**Қорағач, Qorag'ach** (*ўз.*) — қорағочдек чидамли, мустаҳкам бўлсин.

**Қораахмад, Qoraahmad** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қора* ва *Аҳмад.* Сол.: *Аҳмадқора.*

**Қораҳасан, Qorahasan** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қора* ва *Ҳасан.* Сол.: *Ҳасанқора.*

**Қораҳусан, Qorahusan** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қора* ва *Ҳусан.* Сол.: *Ҳусанқора.*

**Қорбека, Қорбика, Qorbeka** (◊ ., *ўз.*) — қор ёққанда туғилган аслзода қиз.

**Қорбиби, Qorbibi** (◊ ., *ўз.-ҳинд.*) — биринчи қор ёққанда туғилган қиз.

**Қорбўта, Qorbo'ta** (*ўз.*) — биринчи қор ёққанда туғилган бўталоқдек, чиройли, суюкли бола.

**Қорёғ, Qoryog'** (*ўз.*) — *қар. Қорёғди.*

**Қорёғди, Qoryog'di** (*ўз.*) — биринчи қор ёққанда туғилган бола.

**Қоржигит, Qorjigit** (*ўз.*) — биринчи қор ёғаётганда туғилган ўғил улғайиб катта йигит бўлсин ёки биринчи қорни бошлаб келган бола.

**Қоржов, Қоржовбой, Qorjovboy** (*ўз.*) — *қар. Қоржовул.*

**Қоржовул, Qorjovul** (*ўз.*) — *қар. Қорёғди.*

**Қоржон, Qorjon** (*ўз.-фт.*) — биринчи қор ёғаётганда туғилган суюкли бола.

**Қори, Qori** (*ар.*) — соғ улғайиб Қуръонни ёддан қироат қилувчи (қори) бўлсин ёки марҳум қори бобосининг исми б-н номланган бола.

**Қорибурҳон, Qoriburhon** (*ар.*) — *қар. Қори* ва *Бурҳон.*

**Қориёқуб, Qoriyoqub** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Қори* ва *Ёқуб.*

**Қорижон, Qorijon** (*ар.-фт.*) — *қар. Қори* (Қори+жон) ёки Қоржон.

**Қоризокир, Qorizokir** (*ар.*) — *қар. Қори* ва *Зокир.*

**Қорийўлдош, Qoriyo'ldosh** (*ар.-ўз.*) — *қар. Қори* ва *Йўлдош.*

**Қориниёз, Qoriniyoz** (*ар.-фт.*) — *Қори* ва *Ниёз.*

**Қорихон, Qorixon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Қори* (Қори+хон).

**Қория, Qoriya** (◊ ., *ар.*) — улғайиб Қуръоннинг моҳир қироатчиси, художўй аёл бўлсин. Шакллари: *Қориябиби, Қориябону, Қориябуви.*

**Қорикул, Qoriqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг художўй, тоат-ибодат қилувчи бандаси (қули).

**Қоркелди, Qorkeldi** (*ўз.*) — биринчи қорни олиб келган, биринчи қор ёғаётганда туғилган бола.

**Қорли, Қорлибой, Qorli** (*ўз.*) — биринчи қор ёққанда туғилган, қорни олиб келган бола.

**Қормурод, Qormurod** (*ўз.-ар.*) — биринчи қор ёққанда туғилган ўғил улғайиб муроду мақсадига етсин ёки биринчи қор ёққанда эришилган орзуимиз.

**Қорун, Qorun** (*ар.*) — бойлик, давлат; Хорун (Қорундек) бой-бадавлат бўлсин.

**Қорхол, Qorxol** (◊., *ўз.-фт.*) — биринчи қор ёққанда туғилган холли қиз. Эҳт.: *Қорахол.*

**Қорхон, Qorxon** (◊., *ўз.*) — биринчи қор ёққанда туғилган баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Қосид, Qosid** (*ар.*) — *қар. Қосидулла.*

**Қосидулла, Qosidulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг хабарларини етказувчи, Аллоҳнинг элчиси.

**Қосим, Qosim** (*ар.*) — тақсимловчи, инсон қисматини белгиловчи. Бу ном Муҳаммад(сав) ўғлининг исми бўлган. Шакллари: *Қосимбой, Қосимжон, Қосимбек, Қосимтой.*

**Қосима, Qosima** (◊., *ар.*) — *қар. Қосим* (Қосим+а).

**Қосимали, Qosimali** (*ар.*) — *қар. Қосим* ва *Али.*

**Қосимберди, Qosimberdi** (*ар.-ўз.*) — ризқ-рўзни тарқатувчи, инсон қисматини белгиловчи, яъни Аллоҳ берган бола.

**Қосимёр, Qosimyor** (*ар.-фт.*) — ризқ-рўз, насиба тақсимловчи, яъни Аллоҳ қўллаб юрсин.

**Қосимтой, Qosimtoy** (*ар.-ўз.*) — *Қосим*, яъни Аллоҳ берган суюкли, эрка бола.

**Қосимхўжа, Qosimxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Қосим* ва *Хўжа.*

**Қосимшо, Qosimsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Қосим* ва *Шо(ҳ).*

**Қосимқул, Qosimqul** (*ар.-ўз.*) — *Қосим,* яъни Аллоҳнинг бандаси, қули.

**Қофия, Qofiya** (◊., *ар.*) — энг узоқ ва энг афсонавий тоғ Қоф фарзанди ёки келишган, тартибли, чиройли, зебо.

**Қоҳир, Qohir** (*ар.*) — забардаст, қудратли; фахр қилса арзийдиган; ғолиб, музаффар.

**Қоҳира, Qohira** (◊., *ар.*) – *қар. Қоҳир* (Қоҳир+а) ёки Қоҳира (Мисрдаги шаҳар) номидан.

**Қубод, Qubod** (◊.,*фт*) — ҳукмрон, подшоҳ.

**Қувабек, Quvabek** (*ўз.*) — қува уруғига мансуб бола ёки қувва — кучли, қудратли бола.

**Қувамурод, Quvamurod** (*ўз.-ар.*) – Қува шаҳрида эришилган орзу, армон, яъни Қувада туғилган бола ёки қува уруғининг мурод-мақсадли фарзанди.

**Қувват, Quvvat** (*ар.*) — кучли, қудратли; чидамли, маҳкам. Шакллари: *Қувватбек, Қувватбой.*

**Қувватали, Quvvatali** (*ар.*) — Алининг илтифоти, кўмаги б-н топилган бола ёки Алидек кучли, қудратли бўлсин.

**Қувватхўжа, Quvvatxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодига мансуб кучли, қудратли бола.

**Қувноқ, Quvnoq** (*ўз.*) — қувноқ, шодон, бахтиёр бўлиб ўссин.

**Қувомиддин, Quvomiddin** (*ар.*) — диннинг ҳақиқатпарвар, адолатпеша кишиси.

**Қувон, Quvon** (*ўз.*) — *қар. Қувондиқ.* Шакллари: *Қувонбой, Қувонжон, Қувонтой.*

**Қувондиқ, Quvondiq** (*ўз.*) — ўғиллик бўлганимиз учун шодликка тўлдик ёки қувонч, бахтиёрлик боиси бўлган ўғил ёхуд қувондиқ уруғига (арғин, лақай қабилалари таркибида) мансуб бола.

**Қувонсин, Quvonsin** (*ўз.*) — шодланиб, бахтиёр бўлиб ўссин.

**Қувонтой, Quvontoy** (*ўз.*) — эрка, суюкли ўғил қувнаб, яйраб ўссин.

**Қувонтур, Quvontur** (*ўз.*) — соғ омон турсин ва шодон бўлиб ўссин.

**Қувонч, Quvonch** (*ўз.*) — ота-онасига қувонч, шодлик келтирган бола. Шакли: *Қувончхон.*

**Қуддус, Quddus** (*ар.*) — пок, покиза, бегуноҳ, муқаддас; азиз; илоҳий. Фаластиндаги Довуд пайғамбар барпо қилган шаҳар номи. Шунингдек бу ном Аллоҳи Таолонинг сифатларидан бири бўлиб, "нуқсонлардан холи" маъносини англатади. *Қар. Абдуқуддус.*

**Қуддусия, Quddusiya** (◊., *ар.*) — покиза, гуноҳсиз; фаришта қиз.

**Қудрат, Qudrat** (*ар.*) — қувватли, кучли, қодир. Асли: *Қудратулла.*

**Қудратали, Qudratali** (*ар.*) — Алининг қудрати, илтифоти туфайли туғилган бола; Алининг туҳфаси.

**Қудратой, Qudratoy** (◊., *ар.-ўз.*) — кучли, лаёқатли қиз ёки баданида қандайдир ортиқча, ғайритабиий белги б-н туғилган бола.

**Қудратулла, Qudratulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг қудрати, иродаси б-н туғилган бола ёки баданида қандайдир ғайритабиий белги, нуқсон б-н туғилган бола.

**Қуёнбой, Quyonboy** (*ўз*) — сезгир, зийрак ёки қуён йилида туғилган бола.

**Қуёш, Quyosh** (*ўз.*) — толеи қуёшдек порлоқ бўлсин; қуёш фарзанди ёки гўзал, зебо. Шакллари: *Қуёшбек, Қуёшбой, Қуёшжон.*

**Қуёшой, Quyoshoy** (◊., *ўз.*) — қуёш ва ойдек гўзал қиз ёки қуёшдек порлоқ, ойдек сулув қиз.

**Қуёшхон, Quyoshxon** (◊., *ўз.*) — толеи қуёшдек порлоқ, баланд мартабали қиз.

**Қул, Qul** (*ўз.*) — "қул" сўзи б-н бошланган ва охирида "қул" сўзи қўшилган қўшма исмларнинг (Қулмуҳаммад, Муҳаммадқул) эқ. шакли. Қул — хизматчи, тобе, банда; эрксиз.

**Қулай, Qulay** (*ўз.*) — "қул" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (Қулаҳмад, Қулмурод) шакли ёки мулойим, ёқимли, одобли.

**Қулали, Qulali** (*ўз.-ар.*) — Алининг хизматкори, Алига содиқ. Сол.: *Алиқул.*

**Қулаҳмад, Qulahmad** (*ўз.-ар.*) — Аҳмаднинг (Муҳаммад пайғамбар) хизматкори, Аҳмадга содиқ киши. Сол.: *Аҳмадқул.*

**Қулбашар, Qulbashar** (*ўз.-ар.*) — халқ, инсоният хизматкори.

**Қулбек, Qulbek** (*ўз.*) — қулларнинг бошлиғи, сардори ёки Аллоҳнинг беклар авлодидан бўлган хизматкори (қули).

**Қулберди, Qulberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ берган хизматкор, ёрдамчи ёки берганнинг, яратганнинг қули. Сол.: *Бердиқул.*

**Қулбобо, Qulbobo** (*ўз.*) — марҳум бобосининг исми берилган бола. Сол.: *Бобоқул.*

**Қулбозор, Qulbozor** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳнинг бозор куни туғилган бандаси. Сол.: *Бозорқул.*

**Қулбой, Qulboy** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бой-бадавлат бандаси. Сол.: *Бойқул.*

**Қулботир, Qulbotir** (*ўз.*) — Аллоҳнинг жасур, довюрак бандаси. Сол.: *Ботирқул.*

**Қулбош, Qulbosh** (*ўз.*) — қулларнинг бошлиғи, сардори.

**Қулбоқ, Qulboq** (*ўз.*) — эҳт.: *Қулбахт, Қулбоқи.*

**Қулбўта, Qulbo'ta** (*ўз.*) — Аллоҳнинг эркатой, суюкли бандаси. Сол.: *Бўтақул.*

**Қулгина, Qulgina** (◊., *ўз.*) — кенжатой қул, асира, чўри ёки муғ. холғона — сичқон, яъни сичқон йили туғилган бола.

**Қулдавлат, Quldavlat** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг бой-бадавлат бандаси. Сол.: *Давлатқул.*

**Қулдор, Quldor** (*ўз.-фт.*) — қуллар эгаси, бой-бадавлат ҳукмдор ёки ўғиллари кўп бўлган киши.

**Қулжамила, Quljamila** (◊., *ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг гўзал, зебо бандаси ёки гўзал чўри, хизматкор.

**Қулжон, Quljon** (*ўз.-фт.*) — суюкли, эрка қул, яъни ўғил.

**Қулжума, Quljuma** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг жума куни туғилган бандаси, содиқ хизматкори. Сол.: *Жумақул.*

**Қулзайнаб, Qulzaynab** (◊., *ўз.-ар.*) — тўлиқ, мукаммал, бақувват чўри. Сол.: *Зайнабқул.*

**Қулзода, Qulzoda** (◊., *ўз.-фт.*) — қуллар наслига мансуб қиз.

**Қули, Quli** (*ўз.*) — охирида "қул", "қули" сўзлари б-н келган қўшма исмларнинг (Оллоҳқул, Оллоқули каби) эқ. шакли. Шакллари: *Қулибой, Қулижон, Қулибек.*

**Қулин, Қулинбой, Qulin** (*ўз.*) — *қар. Қулунбой..*

**Қулкелди, Qulkeldi** (*ўз.*) — Аллоҳнинг содиқ, бандаси дунёга келди, туғилди. *Қар. Келдиқул.*

**Қулли, Қуллибой, Qulli** (*ўз.*) — "қул" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмлар (Қулмурод, Қулмуҳаммад)нинг эқ. шакли.

**Қуллуқ, Qulluq** (*ўз.*) — ўғил бергани учун Аллоҳга қуллуқ қиламиз.

**Қулмамат, Qulmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қулмуҳаммад.*

**Қулман, Қулмон, Qulman** (*ўз.*) — "қул" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмлар (Қулмуҳаммад, Қулниёз, Қулназар)нинг эқ. шакли.

**Қулмат, Qulmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қулмуҳаммад.*

**Қулмиддин, Qulmiddin** (*ўз.-ар.*) — диннинг содиқ хизматкори, ҳаққоний динчи, художўй.

**Қулмирза, Qulmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Мирзақул.*

**Қулмурод, Qulmurod** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг содиқ бандаси улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Қулмуҳаммад, Qulmuhammad** (*ўз.-ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг содиқ хизматкори (қули) бўлсин.

**Қулмўмин, Qulmo'min** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг ёввош, мўминқобил бандаси (қули). Сол.: *Мўминқул.*

**Қулназар, Qulnazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг эътибори (назари) тушган бола, Аллоҳнинг илтифоти, муруввати туфайли туғилган бола. Сол.: *Назарқул.*

**Қулниёз, Qulniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳдан ёлвориб, сўраб олинган бола ёки Аллоҳнинг туҳфаси, совғаси. Сол.: *Ниёзқул.*

**Қуломон, Qulomon** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг содиқ бандаси бўлган бола соғ-омон улғайсин.

**Қулонтой, Қулонжон, Qulontoy** (*ўз.*) — қулондек зийрак, соғлом бўлсин ёки қулон (қулончи) уруғига мансуб бола.

**Қулота, Qulota** (*ўз.*) — *қар. Отақул.*

**Қулпиной, Qulpinoy** (◊., *ўз.<рус.*) — яйровчи, яшновчи (қулф урувчи) қиз ёки қулупной пишганда туғилган қиз ёҳуд қулфланган, маҳкамланган, ҳимояланган қиз, берк.

**Қулпия, Qulpiya** (◊., *ар.*) — ҳаёти қулф уриб яшнасин, толеи баланд, бахтли бўлсин.

**Қулсаид, Qulsaid** (*ўз.-ар.*) — *қар. Саидқул.*

**Қулсари, Qulsari** (*ўз.*) — *қар. Сариқул.*

**Қулсоат, Qulsoat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Соатқул.*

**Қулсум, Qulsum** (◊., *ар.*) — Қулсум<Гулсум — лўппи юзли, кулча юзли қиз.

**Қултой, Qultoy** (*ўз.*) — Аллоҳнинг эрка, суюкли бандаси ёки эрка қул. Эҳт. *Қултой<Култой<Гул-той* (*қар.*).

**Қултош, Qultosh** (*ўз.*) — Аллоҳнинг тошдек мустаҳкам бандаси (қули); эҳт. ёки *Қултош<Култош<Гултош.*

**Қултурди, Qulturdi** (*ўз.*) — *қар. Турдиқул.*

**Қултўра, Qulto'ra** (*ўз.*) — *қар. Тўрақул.*

**Қулунбой, Qulunboy** (*ўз.*) — қулун (1 йиллик той, эмувчи тойчоқ)дек гўзал бола ёки қулундек ўйноқлаб, яйраб ўссин.

**Қулунтой, Quluntoy** (*ўз.*) — тойчоқдек яйраб, шодланиб ўссин.

**Қулфиддин, Qulfiddin** (*ар.*) — диннинг мустаҳкамлиги, диннинг иродали, собитқадам фарзанди ёки диннинг гуллаб-яшнаши, диннинг ривожи, гўзаллиги.

**Қулфинисо, Qulfiniso** (◊., *ар.*) — аёлларнинг энг маҳками, мустаҳками ёки аёлларнинг гўзали, зебоси.

**Қулфия, Qulfiya** (◊., *ар.*) — мустаҳкам, маҳкам қиз ёки қувнабяшнаб, яйраб ўссин.

**Қулхўжа, Qulxo'ja** (◊., *ўз.-фт.*) — Аллоҳнинг хўжалар наслидан бўлган бандаси (қули).

**Қулча, Qulcha** (*ўз.*) — жажжи, кичик, кенжа қул.

**Қулқора, Qulqora** (*ўз.*) — *қар. Қорақул.*

**Қулқўзи, Qulqo'zi** (*ўз.*) — *қар. Қўзиқул.*

**Қумри, Qumri** (◊., *ар.*) — қумри (қуш)дек ёввош, беозор бола. Шакллари: *Қумрибиби, Қумригул, Қумрижон, Қумрихон. Қумрибой.*

**Қумриддин, Qumriddin** (*ар.*) — диннинг беозор, ёввош боласи.

**Қумринисо, Qumriniso** (◊., *ар.*) — беозор, ёввош, одобли, мулойим аёл.

**Қумрия, Qumriya** (◊., *ар.*) — *қар. Қумри* (Қумри+я).

**Қумриқиз, Qumriqiz** (◊., *ар.-ўз.*) — қумридек ёввош, беозор, мулойим қиз.

**Қундуз, Qunduz** (◊., *ўз.*) — қундуздек, гўзал, зебо бола. Шакллари: *Қундузбека, Қундузой, Қундузхон.*

**Қундузали, Qunduzali** (*ўз.-ар.*) — қундуздек, чиройли, гўзал йигитни Али ўз паноҳида асрасин.

**Қундузбека, Qunduzbeka** (◊., *ўз.*) — қундуздек гўзал ва баланд мартабали, аслзода қиз.

**Қундузбой, Qunduzboy** (*ўз.*) — қундуздек чиройли йигит.

**Қунон, Qunon** (*ўз.*) — қунондек (уч яшар эркак от) шўхчан ва қудратли йигит бўлсин.

**Қуралай, Quralay** (◊., *ўз.*) — кийик ёки буғу болачасининг қора кўзлари; гўзал, зебо қиз.

**Қуранбой, Quranboy** (*ар.*) — *Қурбонназар, Қурбонниёз* исмларининг эқ. шакли ёки *қар. Қурбон, Қурбонбой.*

**Қурақ, Quraq** (*ўз.*) — *қар. Қуроқбой.*

**Қурбат, Qurbat** (*ар.*) — яқинлашиш, етишиш, орзуга эришиш; қариндошлик, самимият; Аллоҳга яқинлашиш.

**Қурбек, Qurbek** (*ўз.*) — жасур, мард, баҳодир ёки қобилиятли, қурбли, муносиб, қимматли.

**Қурбон, Qurbon** (*ар.*) — қурбон ойида (қамария йил ҳисобининг 12-зулхижжа ойи), қурбон ҳайити кунларида туғилган бола. Шакллари: *Қурбонбой, Қурбонбек, Қурбонбека, Қурбонбу, Қурбоной, Қурбонбиби.*

**Қурбонали, Qurbonali** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғилни Али ўз паноҳида асрасин ёки Алига ҳадя қилинган, қурбон қилинган бола.

**Қурбонбек, Qurbonbek** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган беклар авлодига мансуб бола.

**Қурбонбека, Qurbonbeka** (◊., *ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган баланд мартабали, аслзода қиз.

**Қурбонберди, Qurbonberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ қурбон ойида ато қилган бола; Аллоҳнинг қурбон ойида берган тухфаси.

**Қурбонбоқи, Qurbonboqi** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғилнинг умри узоқ, боқий бўлсин.

**Қурбонвали, Qurbonvali** (*ар.*) — *қар. Қурбон* ва *Вали.*

**Қурбонгул, Qurbonqul** (◊., *ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган гулдек сулув қиз.

**Қурбонжон, Qurbonjon** (◊., *ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган суюкли, азиз қиз.

**Қурбонёз, Qurbonyoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Қурбонниёз.*

**Қурбонкелди, Qurbonkeldi** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган бола.

**Қурбонмамат, Qurbonmamat** (*ар.*) — *қар. Қурбонмуҳаммад.*

**Қурбонмат, Qurbonmat** (*ар.*) — *қар. Қурбонмуҳаммад.*

**Қурбонмурод, Qurbonmurod** (*ар.*) — қурбон ойида эришилган орзу, армон ёки қурбон ойида туғилган ўғил улғайиб муроду мақсадига етсин.

**Қурбонмуҳаммад, Qurbonmuhammad** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммадга бағишланган, бахшида қилинган бола.

**Қурбоннаби, Qurbonnabi** (*ар.*) — *қар. Қурбон* ва *Наби.*

**Қурбонназар, Qurbonnazar** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ва Аллоҳнинг назари тушган бола.

**Қурбонниёз, Qurbonniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳ қурбон ойида юборган совға, эҳсон ёки Аллоҳдан ўтиниб тилаб олинган ва қурбон ойида туғилган бола.

**Қурбоной, Qurbonoy** (◊, *ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган ойдек сулув қиз.

**Қурбонпошша, Qurbonposhsha** (◊, *ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган баланд мартабали, эъзозли қиз.

**Қурбонпўлат, Qurbonpo'lat** (*ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган пўлатдек мустаҳкам бола.

**Қурбонсаид, Qurbonsaid** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган, толеи баланд, бахтли бола.

**Қурбонсиҳат, Qurbonsihat** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ўғил сиҳат-саломат бўлсин.

**Қурбонсоат, Qurbonsoat** (*ар.*) — қурбон ойининг бахтли, қутли соатида туғилган бола.

**Қурбонсулув, Qurbonsuluv** (◊., *ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган гўзал қиз.

**Қурбонсуюн, Qurbonsuyun** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида эришилган шодлик, бахтиёрлик.

**Қурбонтой, Qurbontoy** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган суюкли, эрка бола.

**Қурбонтош, Qurbontosh** (◇., *ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган тошдек маҳкам, яъни яшайдиган бола.

**Қурбонтурди, Qurbonturdi** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган бола туриб қолади, яшайди деб умид қиламиз.

**Қурбонтурсун, Qurbontursun** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган бола туриб қолсин, умри узоқ бўлсин.

**Қурбонхол, Qurbonxol** (◇., *ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган холли, холдор қиз.

**Қурбонхўжа, Qurbonxo'ja** (*ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган хўжалар, оқсуяклар наслига мансуб бола.

**Қурбонча, Qurboncha** (◇., *ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган жажжи, кенжа қиз.

**Қурбоншакар, Qurbonshakar** (◇., *ар.-фт.*) — қурбон ойида туғилган, ширин, ёқимтой, чучук тилли қиз.

**Қурбоншо, Qurbonsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Қурбон* ва *Шо(ҳ).*

**Қурбонқилич, Qurbonqilich** (*ар.-ўз.*) — қурбон ойида туғилган ўғил қиличдек ўткир ва мустаҳкам бўлсин.

**Қурбонқул, Qurbonqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг қурбон ойида таваллуд топган бандаси.

**Қурбонғози, Qurbong'ozi** (*ар.*) — диннинг қурбон ойида туғилган ғолиб курашчиси, ҳимоячиси.

**Қурбуға, Qurbug'a** (*ўз.<қад.т.*) — кучли, қудратли, жасур; енгилмас, баҳодир.

**Қурдош, Qurdosh** (*ўз.<қад.т.*) — бошқа болаларга тенгқур, тенгдош бўлиб ўссин.

**Қуришжон, Qurishjon** (*ўз.<қад.т.*) — қуруш — маҳкам, мустаҳкам ёки қурч//қуруч — истак, тилак, орзу, яъни исталган, орзу қилинган бола. Яна сол.: *Қурч//Қуруч.*

**Қурниёз, Qurniyoz** (*ар.-фт.*) — *қар. Қурбонниёз.*

**Қурол, Qurol** (*ўз.*) — қуралгин, ямалгин, улангин, яъни соғ бўлиб бошқа болалар, ота-онага қўшилсин. Шакллари: *Қуролбек, Қуролбой, Қуролой.* Сол.: *Қуроқбой.*

**Қуролой, Quroloy** (◇., *ўз.*) — *қар. Қурол* (Қурол+ой).

**Қурон, Қуронбой, Quron** (*ўз.<қад.т.*) — кўпайсин, унсин (ўссин) ёки қуран (олтой-*мўғ.*) — гуран// хуран — "уч", "учинчи", яъни оиладаги учинчи бола.

**Қуроқбой, Quroqboy** (*ўз.*) — ямалувчи, боғланувчи, бирлашувчи бола, яъни ота-онасига, бошқа болаларга уланиб кетсин, яшасин, ўлмасин.

**Қурсия, Qursiya** (◇., *фт.*) — ширин, ёқимтой, эъзозли қиз.

**Қутби, Қутбихон, Qutbi** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Қутбинисо.*

**Қутбиддин, Qutbiddin** (*ар.*) — диннинг қутби, маркази; диннинг асоси, таянчи.

**Қутбиназар, Qutbinazar** (*ар.*) — Аллоҳнинг назари, меҳри қаратилган бола, Аллоҳнинг меҳри тушган бола.

**Қутбинисо, Qutbiniso** (◇., *ар.*) — аёлларни ўзига жалб қилувчи, ўзига тортувчи, бирлаштирадиган қиз.

**Қутбихон, Qutbixon** (◇., *ар.-ўз.*) — *қар. Қутби* (Қутби+хон).

**Қутбия, Qutbiya** (◇., *ар.*) — эътиборли, эъзозли; улуғ даҳо, олима.

**Қутбой, Qutboy** (*ўз.*) — бахтли, саодатманд ёки рисқу насибаси бутун бола.

**Қутбулла, Qutbulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг назарига сазовор; азиз, эъзозли бола.

**Қутвали, Qutvali** (*ар.*) — Аллоҳнинг бахтли ва саодатманд хизматкори; художўй.

**Қутжон, Qutjon** (*ўз.-фт.*) — бахтли, қутли ва азиз, суюкли бола.

**Қутим, Qutim** (*ўз.*) — "қут" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг (*Қутлимурод*) эқ. шакли.

**Қутли, Qutli** (*ўз.*) — бахтли, саодатли, ҳосиятли бола. Шакллари: *Қутлибек, Қутлибой.*

**Қутлиали, Qutliali** (*ўз.-ар.*) — бахтли, саодатманд ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Қутлибека, Qutlibeka** (◇., *ўз.*) — бахтли, саодатли қиз.

**Қутлиберди, Qutliberdi** (*ўз.*) — Аллоҳ бахтли, толеи баланд ўғил берди.

**Қутлибиби, Qutlibibi** (◇., *ўз.-ҳинд.*) — бахтли, саодатли ва баланд мартабали қиз.

**Қутлибой, Qutliboy** (*ўз.*) — *қар. Қутли* (Қутли+бой.).

**Қутлибўлар, Qutlibo'lar** (*ўз.*) — бахтли, саодатманд одам бўлади, деб умид қиламиз.

**Қутлиёр, Qutliyor** (*ўз.-фт.*) — бахт-саодат, истиқбол ёр бўладиган бола ёки бахтли дўст.

**Қутлижамол, Qutlijamol** (◇.,*ўз.-ар.*) — бахтли, соҳибжамол, гўзал қиз.

**Қутлижон, Qutlijon** (*ўз.-фт.*) — бахтли-саодатли ҳамда суюкли бола.

**Қутлизамон, Qutlizamon** (*ўз.-ар.*) — замонасининг бахтли боласи.

**Қутлийўл, Qutliyol** (*ўз.*) — толеи баланд, келажаги порлоқ бола.

**Қутликелди, Qutlikeldi** (*ўз.*) — бахтли, хосиятли бола туғилди, дунёга келди.

**Қутлимамат, Qutlimamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қутлимуҳаммад.*

**Қутлимардон, Qutlimardon** (*ўз.-фт.*) — эркакларнинг, мардларнинг энг бахтли, саодатлиси.

**Қутлимат, Qutlimat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қутлимуҳаммад.*

**Қутлимирза, Qutlimirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Қутли* ва *Мирза.*

**Қутлимурод, Qutlimurod** (*ўз.-ар.*) — бахтли, саодатли ўғил улғайиб мурод-мақсадига етсин.

**Қутлимуҳаммад, Qutlimuhammad** (*ўз.-ар.*) — бахтли ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин ёки Муҳаммад (сав) бахш этган бахт, саодат.

**Қутлиназар, Qutlinazar** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳнинг назари, меҳри тушган бахтли бола ёки Аллоҳнинг меҳри, муруввати (назари) б-н туғилган бахтли бола.

**Қутлиниёз, Qutliniyoz** (*ўз.-фт.*) — Аллоҳ берган қутлуғ, бахтли бола ёки Аллоҳдан тиланиб, сўраб олинган бахтли бола.

**Қутлинисо, Qutliniso** (◊ ., *ўз.-ар.*) — бахтли, саодатманд аёл ёки аёлларнинг бахтлиси.

**Қутлипошша, Qutliposhsha** (*ўз.-фт.*) — бахтли ва улуғ мартабали бола ёки бахтли, саодатманд ҳукмрон, шоҳ.

**Қутлипўлат, Qutlipo'lat** (*ўз.-фт.*) — бахтли ва пўлатдек мустаҳкам бола.

**Қутлираҳмон, Qutlirahmon** (*ўз.-ар.*) — Аллоҳ (Раҳмон)нинг саодатли бандаси; *қар. Қутли* ва *Раҳмон.*

**Қутлитемир, Qutlitemir** (*ўз.*) — бахтли ва темирдек мустаҳкам бола.

**Қутлихон, Qutlixon** (*ўз.*) — саодатманд, толеи баланд ҳукмрон, шоҳ.

**Қутлихўжа, Qutlixo'ja** (*ўз.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бахтли, омадли бола.

**Қутлишо, Qutlisho** (*ўз.-фт.*) — *қар. Қутли* ва *Шо(ҳ).*

**Қутлиқ, Qutliq** (*ўз.*) — бахтли, омадли бола ёки шодлигимиз боиси бўлган бола.

**Қутлиқжон, Qutliqjon** (*ўз.-фт.*) — *қар. Қутлиқ* (Қутлиқ+жон).

**Қутлиқадам, Qutliqadam** (*ўз.-ар.*) — қадами хосиятли, қутлуғ; бахт омад соҳиби бўлган бола.

**Қутлиқул, Qutliqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бахтли, саодатманд бандаси.

**Қутлиэш, Qutliesh** (*ўз.*) — бахтли, омадли дўст ёки бахтли бўлсин ва отасига (ўзидан олдинги) болаларга ҳамдам, эш бўлиб ўссин.

**Қутлуғ, Qutlug'** (*ўз.*) — бахтли, омадли ва қадами қутлуғ бўлсин.

**Қутлуғмурод, Qutlug'murod** (*ўз.-ар.*) — муроду мақсадимиз, орзуимиз бўлган ўғил улғайиб, бахтли, саодатли бўлсин.

**Қутмамат, Qutmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қутлимуҳаммад.*

**Қутмат, Qutmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қутлимуҳаммад.*

**Қутмон, Қутман, Qutmon** (*ўз.*) — "қут" сўзи билан бошланган баъзи қўшма исмлар (Қутмуҳаммад, Қутлимурод)нинг эқ. шакли.

**Қутфи, Qutfi** (◊ ., *ар.*) — *қар Қутби, Қутбинисо.*

**Қутфиддин, Qutfiddin** (*ар.*) — *қар. Қутбиддин.*

**Қутчи, Qutchi** (*ўз.*) — бахт, саодат соҳиби, бахтиёр бола.

**Қушбеги, Qushbegi** (*ўз.*) — Бу ном ўтмишда Бухоро ва Хива хонлигида хоннинг овчилик (шикор) б-н боғлиқ ишларини ташкил қилувчи амалдорларнинг унвони бўлган.

**Қушбек, Qushbek** — *қар. Хушбек.*

**Қушбой, Qushboy** — *қар. Хушбой.*

**Қуюнбой, Quyunboy** (*ўз.*) — қаттиқ қуюн пайтида туғилган бола.

**Қўзи, Qo'zi** (*ўз.*) — суюкли, эркатой бола ёки молли-давлатли бўлсин ёҳуд қўйлар қўзилаган мавсумда туғилган бола. Шакллари: *Қўзибой, Қўзибек, Қўзихон.*

**Қўзибола, Qo'zibola** (*ўз.*) — эркатой, суюкли бола.

**Қўзибоқар, Qo'ziboqar** (*ўз.*) — соғ улғайиб қўзиларни боқувчи; бой-бадавлат бўлсин.

**Қўзибу, Қўзибуви, Qo'zibu** (◇., *ўз.*) — *қар. Қўзи* (Қўзи+буви).

**Қўзибувиш, Qo'zibuvish** (◇., *ўз.*) — *қар. Қўзи* (Қўзи+бувиш).

**Қўзивон, Qo'zivon** (*ўз.*) — қўзиларни боқувчи; қўйчибон ёки соғ улғайиб қўйлари кўп, бадавлат бўлсин.

**Қўзигул, Qo'zigul** (◇., *ўз.-фт.*) — қўзигул (эрта баҳорда очиладиган сариқ гулли ўсимлик) очилган пайтида туғилган қиз ёки қўзигулдек нозик, чиройли қиз.

**Қўзиёр, Qo'ziyor** (*ўз.-фт.*) — суюкли, эрка ўғилга Аллоҳ ўзи ёр бўлсин ёки бойлик, давлат соҳиби.

**Қўзим, Qo'zim** (*ўз.*) — эркатойим, суюклим ёки "қўзи" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Қўзимурод, Qo'zimurod** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қўзи* ва *Мурод.*

**Қўзиой, Qo'zioy** (◇., *ўз.*) — суюкли, эрка ва ойдек сулув қиз ёки қўйлар қўзилайдиган мавсумда туғилган ойдек гўзал қиз.

**Қўзитурди, Qo'ziturdi** (*ўз.*) — эрка, суюкли ўғил турсин, яшасин.

**Қўзихол, Qo'zixol** (◇., *ўз.-фт.*) — хол б-н туғилган эрка, суюкли қиз.

**Қўзихон, Qo'zixon** (*ўз.*) — *қар. Қўзи* (Қўзи+хон).

**Қўзиқул, Qo'ziqul** (*ўз.*) — *қар. Қўзи* (Қўзи+қул).

**Қўзиҳайдар, Qo'zihaydar** (*ўз.*) — *қар. Қўзи* ва *Ҳайдар.*

**Қўйбоқ, Qo'yboq** (*ўз.*) — *қар. Қўйбоқар.*

**Қўйбоқар, Qo'yboqar** (*ўз.*) — улғайиб қўзиларни боқсин, яъни қўйлари, мол-дунёси кўп, бадавлат бўлсин.

**Қўйдиқул, Qo'ydiqul** (*ўз.*) — *қар. Қўйлиқул.*

**Қўйли, Қўйлибой, Qo'yli** (*ўз.*) — соғ улғайиб қўйлари кўп, бадавлат бўлсин.

**Қўйлиқул, Qo'yliqul** (*ўз.*) — Аллоҳнинг бой-бадавлат бандаси (қули).

**Қўймурод, Qo'ymurod** (*ўз.-ар.*) — муроду мақсадимиз, орзуимиз бўлган бола улғайиб муродига етсин.

**Қўйсин, Qo'ysin** (*ўз.*) — тинч, осойишта бўлсин, яшасин, умри узоқ бўлсин. Шакллари: *Қўйсинбой, Қўйсиной, Қўйсинхон.*

**Қўйсинтош, Qo'ysintosh** (◇., *ўз.*) — соғ, осойишта ва тошдек мустаҳкам бола.

**Қўйсулув, Qo'ysuluv** (◇., *ўз.*) — гўзал, зебо қиз, тинч, осойишта бўлсин.

**Қўйчи, Qo'ychi** (*ўз.*) — олдида қўйлари, моллари кўп, бой-бадавлат бўлсин. Шакллари: *Қўйчибек, Қўйчибой.*

**Қўйчиқул, Qo'ychiqul** (*ўз.*) — *қар. Қўйчи* (Қўйчи+қул).

**Қўлдош, Qo'ldosh** (*ўз.*) — дўст, ўртоқ; ёрдамчи, кўмакдош.

**Қўлдошали, Qo'ldoshali** (*ўз.-ар.*) — Алининг ҳамдами, йўлдоши ёки Али қўллайдиган бола.

**Қўлдошмат, Qo'ldoshmat** (*ўз.-ар.*) — Муҳаммад(сав) қўллайдиган бола ёки Муҳаммаднинг ҳамдами, унга сиғинувчи бола.

**Қўнон, Qo'non** (*ўз.<қад.т.*) — тинч, хотиржам, роҳатда яшовчи ёки *қар. Қунон.*

**Қўноқбой, Qo'noqboy** (*ўз.*) — меҳмонга борганда туғилган бола ёки қўноқ (тариқнинг тури) пишганда туғилган бола. Шакллари: *Қўноқхўжа, Қўноққул.*

**Қўнғирбой, Қўнғур, Qo'ng'irboy** (*ўз.*) — қўнғир сочли ёки қўнғир кўзли бола ёки *Қўнғирот* (*қар.*) исмининг қисқарган шакли.

**Қўнғирой, Qo'ng'iroy** (◇., *ўз.*) — қўнғир сочли ёки қўнғир кўзли қиз, ёҳуд эҳт.: қўнғин, ўрнашгин, яшагин.

**Қўнғирот, Qo'ng'irot** (*ўз.*) — қўнғирот қабиласига мансуб бола, қўнғирот фарзанди.

**Қўриқбой, Qo'riqboy** (*ўз.*) — қўриқланган, ҳимояланган бола ёки бўз бола.

**Қўрчибой, Qo'rchiboy** (*ўз.*) — Аллоҳ сақласин, асрасин, яъни қўрчиласин ёки соғ улғайиб аскар, қўриқчи бўлсин.

**Қўрқмас, Qo'rqmas** (*ўз.*) — мард, жасур, довюрак.

**Қўрғон, Қўрғонбой, Qo'rg'on** (*ўз.*) — қўрғондек маҳкам, мустаҳкам бўлсин ёки ҳимояланган, муҳофазаланган бола.

**Қўччи, Qo'chchi** (*ўз.*) — *қар. Қўшчи* ёки *Ғўччи.*

**Қўчқор, Qo'chqor** (*ўз.*) — пешонаси дўнг ёки мояги каттароқ бўлиб туғилган бола ёҳуд соғ улғайиб қўчқордек кучли йигит бўлсин. Шакллари: *Қўчқорбек, Қўчқорбой.*

**Қўчқорали, Qo'chqorali** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қўчқор* ва *Али.*

**Қўчқорқул, Qo'chqorqul** (*ўз.*) — *қар. Қўчқор* (Қўчқор+қул).

**Қўша, Qo'sha** (*ўз.*) — баданида қўшалоқ белгилар б-н туғилган бола ёки Қўшали типли исмларнинг эқ. шакли.

**Қўшали, Qo'shali** (*ўз.*) — отасига ёки олдинги фарзандларга қўшилсин ва Али ўз паноҳида асрасин, ёҳуд *қар. Хушали.*

**Қўшамбар, Qo'shambar** (◇., *фт.*) — *қар. Хушамбар.*

**Қўшан, Qo'shan** (*ўз.-фт.*) — Қўшназар, Қўшниёз (Хушназар, Хушниёз) каби исмларнинг эқ. шакли.

**Қўшар, Қўшарбой, Qo'shar** (*ўз.*) — Аллоҳ ота-онасига ёки олдинги болаларга қўшар, соғу омон улғаяр деб умид қиламиз.

**Қўшбахт, Qo'shbaxt** (*ўз.-ар.*) — қўшалоқ, улкан бахт соҳиби ёки *қар. Хушбахт.*

**Қўшбек, Қўшбой, Qo'shbek** (*фт.ўз.*) — болалар сафига қўшилсин, яшасин ёки *қар. Хушбек, Хушбой.*

**Қўшбош, Qo'shbosh** (*ўз.*) — боши қўш бўлсин, ўлмасин, яшаб кетсин.

**Қўшбоқ, Qo'shboq** (*фт.*) — *қар. Хушвақт.*

**Қўшбоқбуви, Qo'shboqbuvi** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушвақт.*

**Қўшбўта, Qo'shbo'ta** (*ўз.*) — бўтадек суюкли (бўталоқ) ўғил улғайиб катталар сафига қўшилсин.

**Қўшвақт, Qo'shvaqt** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушвақт.*

**Қўшвоқ, Qo'shvoq** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушвақт.*

**Қўшдавлат, Qo'shdavlat** (*ўз.-ар.*) — қўш бойлик, қўшалоқ бахт бўлган бола ёки *қар.* Хушдавлат.

**Қўшжон, Qo'shjon** (*ўз.-фт.*) — "қўш" сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли ёки олдинги болалар сафига қўшилсин.

**Қўшим, Qo'shim** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қўшмуҳаммад.*

**Қўшинбой, Qo'shinboy** (*ўз.*) — отаси ёки акаси армияда бўлган да туғилган бола ёки кучли, қудратли, жасур.

**Қўшмамат, Qo'shmamat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қўшмуҳаммад.*

**Қўшмат, Qo'shmat** (*ўз.-ар.*) — *қар. Қўшмуҳаммад.*

**Қўшмирза, Qo'shmirza** (*ўз.-фт.*) — *қар. Хушмирза* ёки бу бола соғ бўлиб олдинги болалар, ўз тенғдошларига қўшилсин.

**Қўшмон, Qo'shmon** (*ўз.-ар.*) — "қўш" ("хуш") сўзи б-н бошланган баъзи қўшма исмларнинг эқ. шакли.

**Қўшмоқ, Қўшмоқбой, Qo'shmoq** (*ўз.*) — ота-онаси турли миллатдан бўлган оила фарзанди; метис бола.

**Қўшмурод, Qo'shmurod** (*ўз.-ар.*) — *қар.* Хушмурод ёки бола улғайиб ўзидан аввалги болаларга ёки ўз тенғдошларига қўшилсин.

**Қўшмуҳаммад, Qo'shmuhammad** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушмуҳаммад* ёки бола соғ улғайиб ўзгалар сафига қўшилсин ва Муҳаммад(сав) уни ўз паноҳида асрасин.

**Қўшназар, Qo'shnazar** (*фт.-ар.*) — *қар. Хушназар.*

**Қўшниёз, Qo'shniyoz** (*фт.*) — Аллоҳдан илтижолар қилиб олинган бола улғайиб катталар сафига қўшилсин ёки *қар. Хушниёз.*

**Қўшоқ, Qo'shoq** (*ўз.*) — баданида қандайдир ортиқча, белги б-н (қўл ёки оёғида қўшимча бармоқча ёки бошқа хил хусусиятлар) туғилган бола.

**Қўшпўлат, Qo'shpo'lat** (*ўз.-фт.*) — пўлатдек мустаҳкам бўлсин ва соғ улғайиб ўзгалар сафига қўшилсин ёки *қар. Хушпўлат.*

**Қўштан, Qo'shtan** (*ўз.-фт.*) — баданида бирор бир ортиқча, ғайритабиий белги б-н туғилган бола.

**Қўштирак, Qo'shtirak** (*ўз.*) — бола соғ улғайиб ота-онасига суянч, кўмакчи бўлсин.

**Қўштой, Qo'shtoy** (*ўз.*) — эркатой, суюкли ўғил улғайиб ўзгалар сафига қўшилсин.

**Қўшчи, Қўшчибой, Qo'shchi** (*ўз.*) — далага қўш чиққанда туғилган бола ёки соғ улғайиб бошқа тенгдошлари сафига қўшилсин.

**Қўшша, Qo'shsha** (*ўз.*) — икки бармоғи қўшилиб, бир-бирига ёпишиб турган ҳолда туғилган бола.

**Қўшюрак, Qo'shyuraq** (*ўз.*) — қўш юракли, жасур, ботир, довюрак.

**Қўшқин, Қўшқинбой, Qo'shqin** (*ўз.*) — соғ улғайиб ўзгалар сафига қўшилсин.

**Қўшқул, Qo'shqul** (*ўз.*) — соғ улғайиб ўзгалар сафига қўшилсин ёки *қар. Хушқул.*

**Қўқон, Қўқонбой, Qo'qon** (*ўз.*) — Қўқон шаҳрида ёки отаси Қўқонга кетганда (ёки келганда) туғилган бола.

# Ғ

**Ғаввос, Ғаввосбой, G'avvos** (*ар.*) — ёрдамчи, кўмакчи, қутқарувчи.

**Ғазал, Ғазалой, G'azal** ( ◇ ., *ар.*) — кийик, оҳу каби гўзал, зебо қиз.

**Ғазалхон, G'azalxon** ( ◇ ., *ар.-фт.*) — *қар. Ғазалой* ёки ғазал ўқувчи нотиқа, сўз моҳири.

**Ғазанфар, G'azanfar** (*ар.*) — шер, арслон; қудратли, довюрак.

**Ғаззол, G'azzol** (*ар.*) — ўта кучли, қудратли.

**Ғазила, G'azila** (*ар.*) — тўғри, инсофли, адолатли.

**Ғазна, Ғазнахон, G'azna** ( ◇ ., *ар.*) — *қар.* хазина, яъни бойлик, беҳисоб бойлик, давлат.

**Ғазнабиби, G'aznabibi** ( ◇ ., *ар. -ҳинд.*) — бой, бадавлат ва обрўли, эъзозли қиз.

**Ғазнабой, G'aznaboy** (*ар.-ўз.*) — бойлик, хазина, беҳисоб бойлик эгаси.

**Ғазола, G'azola** ( ◇ ., *ар.*) — кийик, оҳу каби гўзал, сулув қиз.

**Ғазот, G'azot** (*ар.*) — дин учун курашувчи ёки ғазот пайтида туғилган бола.

**Ғайбиддин, G'aybiddin** (*ар.*) — айнан: диннинг пинҳонийлиги, яширин сири; диннинг ғойибдан келувчи хабарлари, диннинг сиру асрорлари.

**Ғайбулла, G'aybulla** (*ар.*) — сирли, кўзга кўринмайдиган, яъни Аллоҳ берган туҳфа, эҳсон ёки Аллоҳнинг сиру асрорлари, Аллоҳнинг мўъжизаси. Бу ном Муҳаммад(сав) сифатларидан бири бўлган.

**Ғайниддин, G'ayniddin** (*ар.*) — диннинг минг хил мазмуни; диннинг чексизлиги; улуғлиги, бойлиги.

**Ғайнижамол, G'aynijamol** (◊., *ар.*) — гўзаллик, нафосат чашмаси, булоғи; ўта чиройли, зебо қиз.

**Ғайнижаҳон, G'aynijahon** (◊., *ар.-фт.*) — қизларнинг энг яхшиси, оламдаги энг гўзали.

**Ғайнинисо, G'ayniniso** (◊., *ар.*) — қизларнинг энг гўзали, соҳибжамоли.

**Ғайния, G'ayniya** (◊., *ар.*) — кўркам, гўзал, соҳибжамол қиз.

**Ғайрат, G'ayrat** (*ар.*) — ғайратли, шижоатли, меҳнаткаш бола.

**Ғайратой, G'ayratoy** (◊., *ар.-ўз.*) — ғайратли, шижоатли қиз.

**Ғалаба, G'alaba** (◊., *ар.*) — ғолиблик, зафар. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба муносабати б-н қўйилган исм.

**Ғалил, G'alil** (*ар.*) — ташналик б-н, орзиқиб кутилган бола.

**Ғалила, G'alila** (◊., *ар.*) — орзиқиб, армон қилиб кутилган қиз.

**Ғамзахон, G'amzaxon** (◊., *ар.*) — нозли, қарашмали; ёқимли қиз.

**Ғани, G'ani** (*ар.*) — бой, бадавлат; таниқли. Шакллари: *Ғанибой, Ғанижон, Ғанихон.* Асли *Абдуғани* (*қар.*)

**Ғаниакбар, G'aniakbar** (*ар.*) — Аллоҳнинг бой, бадавлат бандаси.

**Ғанигул, G'anigul** (◊., *ар.-фт.*) — бой, бадавлат ва гулдек кўркам қиз.

**Ғанизода, G'anizoda** (*ар.-фт.*) — бойвачча, бойнинг фарзанди.

**Ғаниисҳоқ, G'aniishoq** (*ар.-қад.яҳ.*) — *қар. Ғани* ва *Исҳоқ.*

**Ғанимат, G'animat** (◊., *ар.*) — орзу қилинган, кутилган ўлжа, бойлик, давлат.

**Ғанимирза, G'animirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғани* ва *Мирза.*

**Ғанитой, G'anitoy** (*ар.-ўз.*) — бой, давлатманд ҳамда суюкли, эрка ўғил.

**Ғанишер, G'anisher** (*ар.-фт.*) — бой, давлатманд ҳамда шердек довюрак, қудратли.

**Ғанишо, G'anisho** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғани* ва *Шо(ҳ).*

**Ғанихўжа, G'anixo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган бой, бадавлат бола.

**Ғаниқул, G'aniqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг бой, давлат бандаси.

**Ғариб, G'arib** (*ар.*) — ғариб бўлиб, орзиқиб, армон қилиб кутилган бола ёки афзал.

**Ғариба, G'ariba** (◊., *ар.*) — *қар. Ғариб* (Ғариб+а).

**Ғарибшо, G'aribsho** (*ар.-фт.*) — улуғ, нодир шоҳ.

**Ғарифулла, G'arifulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг маъсум, бегуноҳ бандаси ёки Аллоҳнинг нодир, тенгсиз бандаси.

**Ғафил, G'afil** (*ар.*) — беғам, ғамсиз, бахтиёр.

**Ғафила, G'afila** (◊., *ар.*) — беғам, шодон қиз ёки саломат, бардам.

**Ғафият, G'afiyat** (◊., *ар.*) — соғлик, саломатлик, бардамлик.

**Ғафур, G'afur** (*ар.*) — гуноҳларни кечирувчи, раҳмдил, марҳаматли, мағфиратли. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдуғафур* (*қар.*).

**Ғафура, G'afura** (◊., *ар.*) — *қар. Ғафур* (Ғафур+а).

**Ғафурали, G'afurali** (*ар.*) — *қар. Ғафур* ва *Али.*

**Ғаффор, G'affor** (*ар.*) — кечирувчи, афв этувчи; раҳмдил, меҳрибон, шафқатли. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдуғаффор* (*қар.*).

**Ғаффорберган, G'afforbergan** (*ар.-ўз.*) — кечирувчи, афв этувчи, яъни Аллоҳ берган бола.

**Ғаффорберди, G'afforberdi** (*ар.-ўз.*) — кечирувчи, раҳмдил, яъни Аллоҳ ато қилди.

**Ғаффортой, G'affartoy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғаффор* (Ғаффор+той).

**Ғаффорхўжа, G'afforxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғаффор* ва *Хўжа.*

**Ғаффорча, G'afforcha** (*ар.-ўз.*) — Ғаффор исмли жажжи, кенжатой бола.

**Ғаффорқул, G'afforqul** (*ар.-ўз.*) — кечирувчининг, раҳмдилнинг, яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Ғиёс, G'iyos** (*ар.*) — ёрдам, кўмак; суянч; ёрдамчи, суянчиқ. Шакллари: *Ғиёсбой, Ғиёсжон, Ғиёсхон.*

**Ғиёсберди, G'iyosberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ота-онасига кўмакчи, ёрдамчи, суянчли, бўладиган ўғил ато қилди.

**Ғиёсиддин, G'iyosiddin** (*ар.*) — диннинг ёрдами, кўмаги ёки диннинг таянчи, дин ғамхўри.

**Ғиёскелди, G'iyoskeldi** (*ар. ўз.*) — ота-онасига ёрдамчи, мададкор бола дунёга келди.

**Ғиёсмамат, G'iyosmamat** (*ар.*) — *қар. Ғиёсмуҳаммад.*

**Ғиёсмуҳаммад, G'iyosmuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав)нинг ёрдами, кўмаги б-н топилган бола.

**Ғиёстурди, G'iyosturdi** (*ар.-ўз.*) — ота-онасига ёрдамчи, кўмакчи, суянчиқ бўладиган бола турсин, яшасин.

**Ғиёсхон, G'iyosxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғиёс* (Ғиёс+хон).

**Ғиёсхўжа, G'iyosxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғиёс* ва *Хўжа.*

**Ғиёсқул, G'iyosqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг ота-онага кўмакчи, ёрдамчи, суянчиқ бўлувчи бандаси ёки ёрдам берувчи, кўмаклашувчи (Аллоҳ)нинг қули.

**Ғизола, G'izola** (*ар.*) — оҳу каби гўзал, нозик юзли қиз.

**Ғилмон, G'ilmon** (*ар.*) — ғуломлар, хизматкорлар; жаннат хизматкорлари.

**Ғозбек, G'ozbek** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғозибек.*

**Ғози, G'ozi** (*ар.*) — дин учун жангда ғолиб чиқувчи; диннинг музаффар, енгилмас жангчиси. Шакллари: *Ғозибой, Ғозибек, Ғозихон.*

**Ғозиали, G'oziali** (*ар.*) — Али дин йўлида курашувчилар ёки Али енгилмас, музаффардир.

**Ғозибек, G'ozibek** (*ар.-ўз.*) — диннинг беклар авлодига мансуб жангчиси ёки ғолиб, енгилмас аслзода.

**Ғозибола, G'ozibola** (*ар.-ўз.*) — дин йўлида курашувчи енгилмас, музаффар бола.

**Ғозиддин, G'oziddin** (*ар.*) — диннинг енгилмас, музаффар жангчиси; диннинг содиқ курашчиси.

**Ғозиислом, G'oziislom** (*ар.*) — исломнинг енгилмас, музаффар, жангчиси.

**Ғозимуҳаммад, G'ozimuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад(сав) диннинг енгилмас, музаффар жангчисидир.

**Ғозиназар, G'ozinazar** (*ар.*) — *қар. Ғози* ва *Назар* ёки диннинг Аллоҳ назари тушган жангчиси.

**Ғозинисо, G'oziniso** (*ар.*) — дин йўлида курашувчи, енгилмас қиз.

**Ғозиолим, G'oziolim** (*ар.*) — *қар. Ғози* ва *Олим*.

**Ғозитўра, G'ozito'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғози* ва *Тўра*.

**Ғозиулла, G'oziulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг дин йўлида жангга кирувчи ва ғолиб чиқувчи лашкари, жангчиси.

**Ғозихон, G'ozixon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғози* (Ғози+хон).

**Ғозихўжа, G'ozixo'ja** (*ар.-фт.*) — диннинг хўжалар авлодига мансуб жангчиси.

**Ғозия, G'oziya** (◇., *ар.*) — дин йўлида курашувчи енгилмас, голиб қиз ёки ғозилар авлодига мансуб қиз.

**Ғозиқул, G'oziqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг дин учун курашувчи музаффар бандаси.

**Ғойиб, G'oyib** (*ар.*) — кўринмайдиган, яширинган, махфий.

**Ғойибали, G'oyibali** (*ар.*) — *қар. Ғойиб* ва *Али*.

**Ғойибберди, G'oyibberdi** (*ар.-ўз.*) — кўзга кўринмайдиган, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Ғойибкелди, G'oyibkeldi** (*ар.-ўз.*) — ғойиб, яъни Аллоҳ ато қилган бола дунёга келди, туғилди.

**Ғойибназар, G'oyibnazar** (*ар.*) — кўзга кўринмайдиганнинг, яъни Аллоҳнинг назари тушган бола.

**Ғойибниёз, G'oyibniyoz** (*ар.-фт.*) — кўзга кўринмовчининг, яъни Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Ғойибхўжа, G'oyibxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғойиб* ва *Хўжа*.

**Ғойибча, G'oyibcha** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ғойиб* (Ғойиб+ча).

**Ғойибқул, G'oyibqul** (*ар.-ўз.*) — кўзга кўринмовчининг, яъни Аллоҳнинг бандаси (қули).

**Ғолиб, Ғолибжон, G'olib** (*ар.*) — енгилмас, музаффар, енгувчи.

**Ғолиба, G'oliba** (◇., *ар.*) — енгилмас, музаффар қиз.

**Ғолибшо, G'olibsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғолиб* ва *Шо(ҳ)*.

**Ғолия, G'oliya** (◇., *ар.*) — мушк, анбар, хушбўй; ёқимли.

**Ғофил, G'ofil** (*ар.*) — бехабар; бегуноҳ.

**Ғофир, Ғофиржон, G'ofir** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғафур, Ғафуржон*.

**Ғофурхўжа, G'ofurxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ғафур* ва *Хўжа*.

**Ғоят, G'oyat** (◇., *ар.*) — эҳт.: *Ниҳоят* (*қар.*).

**Ғужумбой, G'ujumboy** (*ўз.*) — ғужум (қайрағоч)дек мустаҳкам, чидамли бўлсин.

**Ғузорбой, G'uzorboy** (*фт.*) – Ғузор тумани номига нисбат берилган исм.

**Ғулмон, Ғулмонбой, G'ulmon** (*ар.*) – *қар. Ғилмон.*

**Ғулом, G'ulom** (*ар.*) – ўтмишда ҳукмронлар саройидаги ёш хизматкор, қул. "Ғулом" сўзи б-н бошланган бир қатор қўшма исмларнинг (Ғуломали, Ғуломиддин) эқ. шакли.

**Ғуломали, G'ulomali** (*ар.*) – Халиф Алининг қули, содиқ хизматкори.

**Ғуломбой, G'ulomboy** (*ар.-ўз.*) – суюкли, эрка қул, хизматкор.

**Ғуломиддин, G'ulomiddin** (*ар.*) – диннинг хизматкори, диннинг қули, диннинг содиқ кишиси.

**Ғуломмамат, G'ulommamat** (*ар.*) – *қар. Ғуломмуҳаммад.*

**Ғуломмаҳбуб, G'ulommahbub** (*ар.*) – суюклининг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Ғуломмаҳмуд, G'ulommahmud** (*ар.*) – *Маҳмуднинг* (*қар.*), яъни Муҳаммад(сав)нинг қули.

**Ғуломмирза, G'ulommirza** (*ар.-фт.*) – *қар. Ғулом* ва *Мирза.* Сол.: *Мирзағулом.*

**Ғуломулла, G'ulomulla** (*ар.*) – Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Ғуломмуҳаммад,, G'ulommuhammad** (*ар.*) – Муҳаммад(сав)нинг қули.

**Ғуломнаби, G'ulomnabi** (*ар.*) – Набининг (Аллоҳ элчисининг), яъни Муҳаммад(сав)нинг қули. *Қар. Наби.*

**Ғуломназар, G'ulomnazar** (*ар.*) – Аллоҳнинг эътибори (назари) тушган банда ёки *Назар* (*қар.*)нинг, яъни Аллоҳнинг қули.

**Ғуломназир, G'ulomnazir** (*ар.*) – Назирнинг (азоблардан огоҳлантирувчининг), яъни Муҳаммад(сав)нинг қули. *Қар. Назир.*

**Ғуломниёз, G'ulomniyoz** (*ар.-фт.*) – Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони бўлган қул ёки Аллоҳдан ўтиниб сўраб олинган қул, банда.

**Ғуломрасул, G'ulomrasul** (*ар.*) – Расул (Аллоҳ элчиси)нинг, яъни Муҳаммад(сав)нинг қули.

**Ғуломризо, G'ulomrizo** (*ар.*) – *қар. Ғулом* ва *Ризо* ёки имом *Ризонинг* (*қар.*) қули.

**Ғуломфарид, G'ulomfarid** (*ар.*) – фарид (яккаю ягонанинг), яъни Аллоҳнинг қули. *Қар. Фарид.*

**Ғуломхўжа, G'ulomxo'ja** (*ар.-фт.*) – *қар. Ғулом* ва *Хўжа.*

**Ғуломқодир, G'ulomqodir** (*ар.*) – Қодирнинг (қудратлининг, барча нарсага лаёқатлининг), яъни Аллоҳнинг қули. *Қар. Абдуқодир*

**Ғуломқори, G'ulomqori** (*ар.*) – *қар. Ғулом* ва *Қори.*

**Ғуломҳайдар, G'ulomhaydar** (*ар.*) – ҳайдар (арслон)нинг, яъни халиф Алининг қули. *Қар. Ҳайдар.*

**Ғуломҳасан, G'ulomhasan** (*ар.*) – *қар. Ғулом* ва *Ҳасан.*

**Ғуломҳожи, G'ulomhoji** (*ар.*) – *Ҳожининг* (*қар.*) қули, содиқ хизматкори.

**Ғуломҳусан, G'ulomhusan** (*ар.*) – *қар. Ғулом* ва *Ҳусайн*

**Ғунонбой, G'unonboy** (*муғ.*) — 2—3 ёшли той ёки 3—4 яшар мол.

**Ғунча, G'uncha** (◇., *фт.*) — оғизлари ғунчадек чиройли қиз; зебо, соҳибжамол қиз.

**Ғунчагул, G'unchagul** (◇., *фт.*) — гул ғунчаси; пок, покиза, маъсума; гўзал, соҳибжамол қиз.

**Ғуфрон, G'ufron** (*ар.*) — кечирилган, бегуноҳ, покиза бола.

**Ғўнон, G'o'non** (*муғ.*) — *қар. Ғунон.*

**Ғўччи, G'o'chchi** (*ўз.*) — бақувват, наслдор қўчқор ёки мард, жасур, довюрак.

# Ҳ

**Ҳаби, Habi** (*ар.*) — совға, туҳфа, эҳсон. Эҳт. *Ҳабибулла* исмининг эқ. шакли.

**Ҳабиб, Habib** (*ар.*) — суюкли, қадрдон дўст. Асли: *Ҳабибулла, Хабибиддин* (*қар.*)

**Ҳабиба, Habiba** (◇., *ар.*) — суюкли, севимли, эътиборли, эъзозли қиз.

**Ҳабибали, Habibali** (◇., *ар.*) — Алининг суюкли, қадрдон дўсти ёки Али қадрлайдиган, севувчи бола.

**Ҳабибиддин, Habibiddin** (*ар.*) — диннинг қадрли дўсти; диннинг содиқ ихлосманди.

**Ҳабибмирза, Habibmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳабиб* ва *Мирза.*

**Ҳабибназар, Habibnazar** (*ар.*) — Ҳабибнинг, яъни Аллоҳнинг яқини, сиғинувчи ёки *қар. Ҳабиб* ва *Назар.*

**Ҳабибраҳмон, Habibrahmon** (*ар.*) — Раҳмоннинг (ўта меҳрибон ва раҳмдилнинг), яъни Аллоҳнинг дўсти, суюкли бандаси.

**Ҳабибулла, Habibulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг суюклиси, Аллоҳнинг суюкли дўсти. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан биридир.

**Ҳабибхўжа, Habibxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган қадрдон дўст.

**Ҳабибқул, Habibqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг суюкли қули, бандаси.

**Ҳабил, Habil** (*ар.*) — Ҳабибулла исмнинг эқ. шакли ёки Ҳабил "Библия"да одам ўғлининг исми бўлиб "шамол, ел" маъносини англатади.

**Ҳабиса, Habisa** (◇., *ар.*) — дарвеш, қаландар, таркидунёчи.

**Ҳавасгул, Havasgul** (◇., *ар.-фт.*) — хоҳланган, исталган, ҳавас қилинган гулдек гўзал қиз.

**Ҳавасхон, Havasxon** (◇., *ар.-фт.*) — хоҳланган, орзу қилинган улуғ мартабали қиз.

**Ҳаво, Хавво, Havo** (◇., *қад.яҳ.*) — ҳаёт булоғи, ҳаёт бахш этувчи, ҳаётбахш. "Библия"даги Ева исмининг арабча шакли.

**Ҳавогул, Havogul** (◊., *яҳ.-ўз.*) — орзу қилинган, армон қилинган исталган ва гулдек гўзал қиз ёки *қар. Ҳаво, Ҳавво.*

**Ҳавожон, Havojon** (◊., *қад.яҳ.-фт.*) — *қар. Ҳаво* ёки *Ҳавогул.*

**Ҳавонисо, Havoniso** (◊., *қад.яҳ.*) — орзу қилинган, орзиқиб кутилган қиз ёки ҳаётбахш аёл (қиз). *Қар. Ҳаво, Ҳавво.*

**Ҳавоной, Havonoy** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Ҳавонисо+ой*

**Ҳавохон, Havoxon** (◊., *ар.-фт.*) — *қар. Ҳаво* (Ҳаво+хон).

**Ҳадида, Hadida** (◊.,*ар.*) — темир, темирдек мустаҳкам, яъни умри узоқ қиз.

**Ҳади, Ҳадий Hadi** (*ар.*) — *қар. Ҳоди.*

**Ҳадис, Hadis** (*ар.*) — ҳикоя, ривоят; суҳбат пайғамбарнинг сўзлари.

**Ҳадича, Hadicha** (◊., *ар.*) — чала туғилган. Муҳаммад(сав)нинг биринчи хотини Ҳадича (тахм. 555//556—620//621) нинг исми, Фотиманинг онаси.

**Ҳадия, Hadiya** (◊., *ар.*) — *қар. Ҳадъя* ёки *Ҳоди* (Ҳоди+я).

**Ҳадиқа, Hadiqa** (◊., *ар.*) — боғ, гулзор; хиёбон; яшнаган, гуллаган, фаровон. Эҳт.: ҳадақа — кўз қорачиғи, азиз, нодир.

**Ҳадья, Ҳадия Had'ya** (*ар.*) — туҳфа, совға, эҳсон; тортиқ, инъом.

**Ҳадъябой, Ҳадиябой, Had'yaboy** (*ар.-ўз.*) — совға, туҳфа, қилинган бола. Асли *Ҳадъятулла (қар.).*

**Ҳадъятулла, Ҳадиятулла, Had'yatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Ҳаё, Ҳаёхон, Hayo** (◊., *ар.*) — ҳаёли, орли, номусли, одобли қиз.

**Ҳаёт, Hayot** (*ар.*) — тириклик, умр, барҳаётлик; соғлик-омонлик.

**Ҳаётбек, Hayotbek** (*ар.-ўз.*) — беклар авлодига мансуб бола яшасин, барҳаёт бўлсин.

**Ҳаётгул, Hayotgul** (◊., *ар.-фт.*) — гулдек гўзал қизнинг умри узун, барҳаёт бўлсин.

**Ҳаётулла, Hayotulla** (*ар.*) — Аллоҳ ҳаёт бахш этган бола ёки Аллоҳнинг барҳаёт бандаси.

**Ҳаётхон, Hayotxon** (◊., *ар.-ўз.*) — яшасин, барҳаёт бўлсин ва баланд мартабага эришсин.

**Ҳаётча, Hayotcha** (◊., *ар.-ўз.*) — жажжи, кенжа қизнинг умри узоқ, барҳаёт бўлсин.

**Ҳаёхон, Hayoxon** (◊., *ар.-ўз.*) — ор-номусли, одобли қиз.

**Ҳажар, Hajar** (◊., *ар.*) — тош, тошдек мустаҳкам бўлсин, яшасин, ўлмасин. *Қар. Ҳожар.*

**Ҳажбуви, Hajbuvi** (◊., *ар.-ўз.*) — оиладан биротаси ҳажга (Макка ва Мадинага зиёратга) кетганда ёки ундан келган пайтда туғилган қиз ёхуд ҳожи бувисининг исми берилган қиз.

**Ҳажибека, Hajibeka** (◊., *ар.-ўз.*) — *қар. Ҳожибека.*

**Ҳазора, Hazora** (*ар.*) — турғун, собит; ўлмайдиган, яшайдиган ёки ҳазар қабиласи фарзанди, ҳазор гўзали.

**Ҳазрат, Hazrat** (*ар.*) — юқори даражали ҳурматга ва эҳтиромга сазовор, мўътабар, улуғ.

**Ҳазратали, Hazratali** (*ар.*) — Али муқаддас ва мўътабардир.

**Ҳазратхон, Hazratxon** (◊., *ар.-ўз.*) — ўта ҳурматли, мўътабар ва баланд мартабали қиз.

**Ҳазратхўжа, Hazratxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган эъзозли, мўътабар бола.

**Ҳазратқул, Hazratqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг ҳурматли, мўътабар бандаси, қули.

**Ҳайбат, Ҳайбатхон, Haybat** (◊., *ар.-ўз.*) — буюклик; шукуҳли, виқорли.

**Ҳайбатулла, Haybatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг салобати, шукуҳи, буюклиги ёки Аллоҳнинг салобатли, шукуҳли бандаси.

**Ҳайдар, Haydar** (*ар.*) — арслон; жасур, довюрак, қудратли. Бу ном халиф Алининг лақаби бўлган. Шунингдек Ҳайдар — эркак болаларда орқага ўриб қўйиладиган бир тутам соч, у соғлик, осойишталик рамзи деб ҳисобланади ва бола улгайгач, маълум маросимдан кейин қирқилади.

**Ҳайдарали, Haydarali** (*ар.*) — Али — арслондир, яъни Али жасур, довюракдир.

**Ҳайдарбуви, Haydarbuvi** (◊., *ар.-ўз.*) — жасур, жасоратли, довюрак қиз.

**Ҳайдарқул, Haydarqul** (*ар.-ўз.*) — *Ҳайдарнинг* (*қар.*), яъни Халиф Алининг қули, содиқ кишиси.

**Ҳайит, Hayit** (*ар.*) — ҳайит, диний байрам кунларида туғилган бола.

**Ҳайитали, Hayitali** (*ар.*) — ҳайит кунлари туғилган болани Али ўз паноҳида асрасин.

**Ҳайитбек, Hayitbek** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳайит* (Ҳайит+бек).

**Ҳайитбека, Hayitbeka** (*ар.-ўз.*) — ҳайит куни туғилган баланд мартабали қиз.

**Ҳайитберди, Hayitberdi** (*ар.-ўз.*) — ҳайит куни берилган, туҳфа қилинган бола.

**Ҳайитбиби, Hayitbibi** (*ар.-ҳинд.*) — ҳайит куни туғилган аслзода қиз.

**Ҳайитбой, Hayitboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳайит* (Ҳайит+бой).

**Ҳайитбу, Ҳайитбуви, Hayitbu** (◊., *ар.-ўз.*) — ҳайит куни туғилган ва бувисининг исми берилган қиз.

**Ҳайитгул, Hayitgul** (◊., *ар.-фт.*) — ҳайит куни туғилган гулдек гўзал қиз.

**Ҳайитжон, Hayitjon** (◊., *ар.-фт.*) — ҳайит куни туғилган суюкли, азиз бола.

**Ҳайиткелди, Hayitkeldi** (*ар.-ўз.*) — ҳайит кунлари туғилган, дунёга келган бола.

**Ҳайитмамат, Hayitmamat** (*ар.*) — *қар. Ҳайитмуҳаммад.*

**Ҳайитмат, Hayitmat** (*ар.*) — *қар. Ҳайитмуҳаммад.*

**Ҳайитмирза, Hayitmirza** (*ар.-фт.*) — ҳайит куни туғилган ўғил келишган, ўқимишли йигит бўлсин.

**Ҳайитмурод, Hayitmurod** (*ар.*) — ҳайит куни эришилган орзу, мақсад ёки ҳайит куни туғилган бола улғайиб муроду мақсадга етсин.

**Ҳайитмуҳаммад, Hayitmuhammad** (*ар.*) — ҳайит куни туғилган ўғилни Муҳаммад(сав) ўз паноҳида асрасин.

**Ҳайитназар, Hayitnazar** (*ар.*) — ҳайит куни туғилган ва Аллоҳнинг эътибори (назари) тушган бола.

**Ҳайитниёз, Hayitniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳнинг ҳайит куни берган туҳфаси, эҳсони.

**Ҳайитноз, Hayitnoz** (◇., *ар.-фт.*) — ҳайит куни туғилган нозли, мулойим, сўлим қиз.

**Ҳайитой, Hayitoy** (◇., *ар.-ўз.*) — ҳайит куни туғилган ойдек сулув қиз.

**Ҳайитраҳмон, Hayitrahmon** (*ар.*) — *қар. Ҳайит* ва *Раҳмон.*

**Ҳайиттош, Hayittosh** (*ар.-ўз.*) — ҳайит куни туғилган бола тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳайиттурди, Hayitturdi** (*ар.-ўз.*) — ҳайит куни туғилган ўғил турсин, яшасин.

**Ҳайитхол, Hayitxol** (*ар.-фт.*) — ҳайит, байрам куни туғилган холли бола.

**Ҳайитхон, Hayitxon** (*ар.-ўз.*) — ҳайит (байрам) куни туғилган улуғ мартабали бола.

**Ҳайитхўжа, Hayitxo'ja** (*ар.-фт.*) — ҳайит (байрам) куни туғилган оқсуяк бола.

**Ҳайитқиз, Hayitqiz** (◇., *ар.-ўз.*) — ҳайит (байрам) қизи, фарзанди, ҳайит куни туғилган қиз.

**Ҳайитқул, Hayitqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг ҳайитда, байрамда туғилган бандаси (қули).

**Ҳайитқурбон, Hayitqurbon** (*ар.*) — қурбон ойининг ҳайит кунида туғилган бола.

**Ҳайитқўзи, Hayitqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳайит* ва *Қўзи.*

**Ҳайитғози, Hayitg'ozi** (*ар.*) — диннинг ҳайит куни туғилган енгилмас жангчиси.

**Ҳайрат, Hayrat** (*ар.*) — айнан: ҳайратланиш, таажубланиш. Баданида бирор бир ғайритабиий белги, нишон б-н туғилган болага қўйиладиган исм. Сол.: *Қудрат, Қудратулла.*

**Ҳайсият, Haysiyat** (◇., *ар.*) — бирор нишон, белги б-н туғилган бола ёки *эҳт.: Хосият* (*қар.*)

**Ҳаким, Hakim** (*ар.*) — билимдон, ақлли, доно, донишманд. Бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. *Қар. Абдуҳаким.*

**Ҳакима, Hakima** (◇., *ар.*) — билимдон, ақлли қиз.

**Ҳакимали, Hakimali** (*ар.*) — ақлли, доно ўғилни Али ўз паноҳида асрасин.

**Ҳакимберди, Hakimberdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ ақлли, доно, ўғил ато қилди ёки *Ҳакимнинг* (*қар.*), яъни Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони.

**Ҳакимбой, Hakimboy** (*ар.-ўз.*) — ақлли, доно ва эркатой, суюкли бола.

**Ҳакимжон, Hakimjon** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳаким* (Ҳаким+жон).

**Ҳакимзода, Hakimzoda** (*ар.-фт.*) — доно, донишмандлар фарзанди ёки табиблар оиласига мансуб бола.

**Ҳакимиддин, Hakimiddin** (*ар.*) — дин илми билимдони, шариат донишманди.

**Ҳакиммирза, Hakimmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳаким* ва *Мирза.*

**Ҳакимназар, Hakimnazar** (*ар.*) — Ҳакимнинг, яъни Аллоҳнинг эътибори туфайли эришилган бола, Аллоҳнинг назари, меҳри тушган бола.

**Ҳакимниёз, Hakimniyoz** (*ар.-фт.*) — Ҳаким, яъни Аллоҳнинг туҳфаси эҳсони ёки Ҳаким (Аллоҳ) дан ёлвориб сўраб олинган бола.

**Ҳакимхон, Hakimxon** (*ар.-ўз.*) — ақлли, доно баланд мартабали бола.

**Ҳакимхўжа, Hakimxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар авлодидан бўлган ақлли, доно, билимдон бола ёки хўжалардан чиққан табиб бола.

**Ҳакимча, Hakimcha** (*ар.-ўз.*) — кенжа билимдон ёки жажжи, кенжа табиб.

**Ҳакимқул, Hakimqul** (◇., *ар.-ўз.*) — Ҳаким яъни Аллоҳнинг қули, бандаси.

**Ҳалво, Ҳалвохон, Halvo** (◇., *ар.*) — ширинлик, яъни қиз бола.

**Ҳалим, Halim** (*ар.*) — мулойим, меҳрибон, мулойимлик б-н иш тутувчи. Бу ном Аллоҳи таолонинг сифатларидан биридир. Асли *Абдуҳалим.* Шакллари: *Ҳалимбой, Ҳалимжон.*

**Ҳалима, Halima** (*ар.*) — мулойим, меҳрибон, раҳимдил, меҳрли, шафқатли қиз.

**Ҳалимберди, Halimberdi** (*ар.-ўз.*) — *Ҳалим* (*қар.*), яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Ҳалимшер, Halimsher** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳалим* ва *Шер.*

**Ҳалича, Halicha** (*ар.*) — Эҳт.: *Ҳадича.*

**Ҳаловат, Halovat** (*ар.*) — завқ, лаззат; осойишта, тинч.

**Ҳалол, Halol** (*ар.*) — тоза, покиза; қонуний.

**Ҳалқа, Halqa** (*ар.*) — ҳалқаланган, боғланган; маҳкам, мустаҳкам, берк. Чақалоқни ўлимдан асраш мақсадида берилувчи исм.

**Ҳамал, Ҳамалбуви, Hamal** (◇., *ар.-ўз.*) — ҳамал ойида (шамсия йили ҳисобида 1 ой номи — 21 март ва 21 апрелга тўғри келади), туғилган бола ёки ҳамал — қўй, ёш бузоқ, барра.

**Ҳамдам, Hamdam** (*фт.*) — дўст, ўртоқ, содиқ, вафодор дўст. Отасига, бошқа болаларга дўст, эш бўлиб юрсин.

**Ҳамдамбўл, Hamdambo'l** (*фт.-ўз.*) — отасига ва ўзини олдинги ака-опаларига йўлдош, эш бўлиб юрсин.

**Ҳамдамхўжа, Hamdamxo'ja** (*фт.*) — *қар. Ҳамдам* ва *Хўжа.*

**Ҳамдамқул, Hamdamqul** (*фт.-ўз.*) — *қар. Ҳамдам* (Ҳамдам+қул).

**Ҳамдинисо, Hamdiniso** (◇., *ар.*) — аёлларнинг энг мақтовга сазовори, эъзозли қиз.

**Ҳамдия, Hamdiya** (◇., *ар.*) — мадҳ қилинган, эъзозланган.

**Ҳамдуна, Hamduna** (◇., *ар.*) — маймун, маймун йили туғилган қиз.

**Ҳамдўст, Hamdo'st** (*фт.*) — ҳамдам, дўст, ҳамкор, мустаҳкам, содиқ дўст.

**Ҳамза, Hamza** (*ар.*) — ўткир, аччиқ, куйдирувчи, ёндирувчи, чироғ ёки доривор ўсимлик номи. Бу ном Муҳаммад(сав) тоғасининг исми бўлган. Шакллари: Ҳамзахон, Ҳамзақул, Ҳамзахўжа.

**Ҳамзаали, Hamzaali** (*ар.*) — *қар. Ҳамза* ва *Али.*

**Ҳамзамурод, Hamzamurod** (*ар.*) — *қар. Ҳамза* ва *Мурод.*

**Ҳамзақул, Hamzaqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳамза* (Ҳамза+қул).

**Ҳамид, Hamid** (*ар.*) — мақтовчи, мадҳ қилувчи, Аллоҳга ҳамду сано айтувчи, шукур қилувчи ёки ҳамид — иссиқ, қайноқ. Бу ном Муҳаммад(сав)нинг сифатларидан биридир. Асли: *Ҳамидулла* (*қар.*) Шакллари: *Ҳамидбек, Ҳамиджон, Ҳамидхон.*

**Ҳамида, Hamida** (◇., *ар.*) — мақтовга лойиқ, мақтовли, яхши аъло қиз ёки Аллоҳга шукур қилувчи.

**Ҳамидабу, Ҳамидабуви, Hamidabu** (◇., *ар.-ўз.*) — мақтовга сазовор қиз ёки Аллоҳга шукуроналар қилувчи қиз.

**Ҳамидали, Hamidali** (*ар.*) — *қар. Ҳамид* ва *Али.*

**Ҳамиддин, Hamiddin** (*ар.*) — динни мадҳ қилувчи.

**Ҳамидулла, Hamidulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг мадҳу саноси; мақтови; шону шавкати ёки Аллоҳнинг мақтовга лойиқ бандаси.

**Ҳамидхўжа, Hamidxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар наслидан бўлган мақтовга, олқишга лойиқ бола.

**Ҳамидқул, Hamidqul** (*ар.-ўз.*) — мақтовга сазоворнинг, яъни Муҳаммаднинг қули.

**Ҳамият, Ҳамиятхон, Hamiyat** (◇., *ар.*) — қадрини, обрўйини биладиган бола.

**Ҳаммод, Hammod** (*ар.*) — улуғловчи мадҳ этувчи ёки эъзозга лойиқ.

**Ҳамро, Hamro** (*фт.*) — йўлдош, эш, ҳамдам ёки қирмизи, қизил рангли. Шакллари: Ҳамробой, Ҳамрожон, Ҳамрохон.

**Ҳамробиби, Hamrobibi** (*фт.-ўз. ҳинд.*) — ўзгаларга эш, йўлдош бўлиб юрадиган қиз.

**Ҳамрободом, Hamrobodom** (◇., *фт.*) — эш, йўлдош бўлиб юрсин ва бодомдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳамровали, Hamrovali** (◇., *ар.*) — художўйлар, муқаддас авлиёлар қуллайдиган бола ёки авлиёларнинг, муқаддас руҳларнинг дўсти, йўлдоши.

**Ҳамрогул, Hamrogul** (◊., *фт.-ар.*) — йўлдош, эш, ҳамдам бўладиган гулдек гўзал қиз.

**Ҳамрожон, Hamrojon** (◊., *ар.-фт.*) — ўзгаларга эш бўлувчи азиз, суюкли қиз.

**Ҳамротош, Hamrotosh** (*ар.-ўз.*) — тошдек мустаҳкам бўлсин ва ўзгаларга эш, ҳамдам бўлиб юрсин.

**Ҳамрохол, Hamroxol** (◊., *ар.-фт.*) — баданида хол б-н туғилган қиз ўзгаларга ҳамдам, дўст, бўлиб юрсин.

**Ҳамрохўжа, Hamroxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳамро* ва *Хўжа.*

**Ҳамрошо, Hamrosho** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳамро* ва *Шо(ҳ).*

**Ҳамроқиз, Hamroqiz** (◊., *ар.-ўз.*) — ўзгаларга эш, ҳамдам бўлиб юрувчи қиз.

**Ҳамроқул, Hamroqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳамро* (Ҳамро+қул).

**Ҳамроқўзи, Hamroqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳамро* ва *Қўзи.*

**Ҳанафий, Hanafiy** (*ар.*) — пайғамбар авлодига мансуб ёки бўйсинувчи, итоаткор.

**Ҳанафия, Hanafiya** (*ар.*) — пайғамбарлар наслига мансуб бола.

**Ҳанжар, Hanjar** (*ар.*) — йўл, қоида, расм-русм. Эҳт.: *Ханжар.*

**Ҳанифа, Hanifa** (◊., *ар.*) — мустаҳкам, устувор, пойдор; чин: ҳақиқий мусулмон аёл, содиқ художўй ёки меҳрибон, раҳмдил қиз.

**Ҳания, Haniya** (*ар.*) — ҳақиқий, пойдор; асл; соф; покиза.

**Ҳанқа, Hanqa** (*ўз.*) — Ҳонқада туғилган бола, Ҳонқа фарзанди.

**Ҳаракат, Harakat** (◊., *ар.*) — тараддудли, саъй-ҳаракатли қиз.

**Ҳаргиза, Hargiza** (◊., *ар.*) — доимо бор, мавжуд, яъни яшовчи, барҳаёт, умри узоқ қиз.

**Ҳардам, Hardam** (◊., *фт.*) — доимо бор бўладиган, яъни умри узоқ қиз.

**Ҳарир, Harir** (◊., *ар.*) — нозик, мулойим; нафосатли қиз.

**Ҳарира, Harira** (◊., *ар.*) — *қар. Ҳарир* (Ҳарир-а).

**Ҳарис, Haris** (*фт.*) — ўта берилган, мафтун бўлган ёки сидқидил, мафтункор ёки моҳир, уқувли.

**Ҳариса, Harisa** (◊., *фт.*) — *қар. Ҳарис.*

**Ҳариф, Harif** (*ар.*) — ўртоқ, дўст, улфат ёки хушёр, нозик табъ.

**Ҳасан, Hasan** (*ар.*) — яхши, тузук; чиройли, соҳибжамол. Баъзи манбаларда эзгулик, яхшилик; фасоҳатли деб изоҳланади. Бу ном Али ибн Толибнинг Фотимадан туғилган ўғли — Ҳасан ибн Али (595—669)нинг исми бўлган. Ҳасан — Муҳаммад(сав)нинг набирасидир. Шакллари: *Ҳасанбой, Ҳасанжон, Ҳасанхон.*

**Ҳасана, Hasana** (◊., *ар.*) — чиройли, соҳибжамол қиз ёки яхшиликлар, савоб ишлар қилувчи.

**Ҳасанали, Hasanali** (*ар.*) — *қар. Ҳасан ва Али.*

**Ҳасанмирза, Hasanmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳасан* ва *Мирза.*

**Ҳасанниёз, Hasanniyoz** (*ар.-фт.*) — Аллоҳ туҳфа қилган чиройли бола ёки Аллоҳдан ёлвориб сўраб олинган.

**Ҳасанот, Hasanot** (◇ .,*ар.*) — яхши, муносиб, хайрли, ҳосиятли.

**Ҳасанпўлат, Hasanpo'lat** (*ар.-фт.*) — гўзал, чиройли ва пўлатдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳасантош, Hasantosh** (*ар.-ўз.*) — чиройли, гўзал ҳуснли бола тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳасантўра, Hasanto'ra** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳасан* ва *Тўра.*

**Ҳасанхўжа, Hasanxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар, авлиёзодалар наслидан бўлган чиройли бола.

**Ҳасанқул, Hasannqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳасан* (Ҳасан+қул).

**Ҳасина, Hasina** (◇ ., *ар.*) — мустаҳкам, ўтиб бўлмайдиган, ўта берк, маҳкам ёки мақбул, арзийдиган.

**Ҳасрат, Hasrat** (*ар.*) — қайғуриб юриб, армон б-н эришилган бола ёки онаси ёш ўлиб қолган бола.

**Ҳасратқул, Hasratqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳасрат* (Ҳасрат+қул).

**Ҳафиз, Hafiz** (*ар.*) — ҳимоя қилувчи, қўриқловчи, ўз паноҳида асровчи. Бу ном Аллоҳи таолонинг сифатларидан биридир. Асли: *Абдуҳафиз* (*қар.*)

**Ҳафиза, Hafiza** (*ар.*) — *қар. Ҳафиза* (Ҳафиз+а).

**Ҳафизиддин, Hafiziddin** (*ар.*) — динни авайловчи, асровчи, дин поспони.

**Ҳафизулла, Hafizulla** (*ар.*) — Аллоҳ қўриқлайдиган, асрайдиган бола; Аллоҳнинг паноҳида, муҳофазасида бўлган бола.

**Ҳафифа, Hafifa** (◇ .,*ар.*) — кичик, мулойим қиз.

**Ҳафса, Hafsa** (◇ .,*ар.*) — айнан: шер, арслон; жасур, довюрак қиз.

**Ҳашамхон, Hashamxon** (◇ ., *ар.-ўз.*) — чиройли, тоза, покиза, безанган, ороланган.

**Ҳашмат, Ҳашамат, Hashmat** (*ар.*) — иззат-ҳурматли, шону шавкатли.

**Ҳақ, Haq** (*ар.*) — ҳақиқат, рост, ҳақиқатда мавжуд, одил, адолатли. Бу ном Аллоҳи таолонинг сифатларидан биридир. Асли.: *Ҳақназар, Ҳақберди* (*қар.*)

**Ҳақберди, Haqberdi** (*ар.-ўз.*) — одил, адолатли, яъни Аллоҳ ато қилган бола.

**Ҳақбой, Haqboy** (*ар.-ўз.*) — *қар.* Ҳақберди исмининг эқ.шакли.

**Ҳақдод, Haqdod** (*ар.-фт.*) — одил, адолатли, яъни Аллоҳ берган бола.

**Ҳақёр, Haqyor** (*ар.-фт.*) — Аллоҳ қўллаб-қўлтиқлайдиган, мададкор бўладиган бола.

**Ҳақида, Haqida** (*ар.*) — *қар. Ақида.*

**Ҳақиқ, Haqiq** (◇ ., *ар.*) — қизил рангли, йирик, қимматбаҳо тош, мунчоқ ёки лойиқ, муносиб бебаҳо.

**Ҳақиқат, Haqiqat** (◇ ., *ар.*) — адолатли, ҳаққоний, тўғри, одил қиз.

**Ҳақмирза, Haqmirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳақмирза* ёки одил, адолатли; котиб, ҳукмдор.

**Ҳақмурод, Haqmurod** (*ар.*) — одил, адолатли, яъни Аллоҳ эриштирган орзу, мақсад.

**Ҳақназар, Haqnazar** (*ар.*) — одил, адолатлининг илтифоти, эътибори бўлган бола ёки Аллоҳнинг эътибори (назари) тушган бола.

**Ҳақниёз, Haqniyoz** (*ар.-фт.*) — одил, адолатли, яъни Аллоҳ берган туҳфа, эҳсон.

**Ҳақпўлат, Haqpo'lat** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳақ* ва *Пўлат.*

**Ҳақтурди, Haqturdi** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳ берган бола туради, яшайди, деб умидвормиз.

**Ҳаққул, Haqqul** (*ар.-ўз.*) — одил, адолатлининг, барҳақнинг бандаси (қули).

**Ҳиббатулла, Hibbatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсони: Аллоҳ ато қилган бола.

**Ҳидой, Hidot** (*ар.*) — *қар. Ҳидоят.*

**Ҳидойхўжа, Hidoyxo'ja** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳидоятхўжа.*

**Ҳидоят, Hidoyat** (*ар.*) — тўғри йўлга бошловчи, тўғри йўл топувчи. Шакллари: *Ҳидоятбу, Ҳидоятхон.*

**Ҳидоятулла, Hidoyatulla** (*ар.*) — Аллоҳ тўғри йўлга бошловчи тўғри йўл кўрсатувчидир ёки Аллоҳ йўлига (тўғри йўлга) бошлайдиган бола.

**Ҳикмат, Hikmat** (*ар.*) — донолик, донишмандлик: мўъжиза. Баданида қандайдир ғайритабиий, ортиқ белги б-н туғилган бола. Шакллари: *Ҳикматбиби, Ҳикматой, Ҳикматхон, Ҳикматқул.*

**Ҳикматулла, Hikmatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг донолиги, донишманлиги ёки Аллоҳнинг мўъжизаси, Кейинги маънода исм баданида ғайритабиий нуқсон ёки ортиқча белги б-н туғилган болаларга қўйилади.

**Ҳикоят, Hikoyat** (◇., *ар.*) — ҳикоя, қисса, ривоят.

**Ҳикоятой, Hikoyatoy** (◇., *ар.*) — қисса, ривоят.

**Ҳилват, Hilvat** (*ар.*) — ўзини панага олувчи, яширинган, махфий.

**Ҳилла, Hilla** (*ар.*) — раво кўрилган, кутилган, исталган бола.

**Ҳилол, Hilol** (◇.,*ар.*) — янги ой, бир-икки кунлик ой чиққан кечада туғилган қиз.

**Ҳилола, Hilola** (◇.,*ар.*) — янги ойдек кўркам қиз ёки янги ой туққанда туғилган қиз. Шакллари: *Ҳилолбу, Ҳилолбуви, Ҳилолбиби.*

**Ҳилолиддин, Hiloliddin** (*ар.*) — диннинг янги, кўркам ойи; диннинг гўзаллиги, кўрки.

**Ҳилолий, Hiloliy** (*ар.*) — янги ойдек, янги ой монанд гўзал ёки янги ой туққанда туғилган бола.

**Ҳиммат, Himmat** (*ар.*) — олийжаноб, саховатли бола.

**Ҳимматали, Himmatali** (*ар.*) — Алининг мурувватн, саховати бўлган бола; Алининг туҳфаси, эҳсони.

**Ҳимматқул, Himmatqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг олижаноб, саховатли бандаси.

**Ҳимобу, Himobu** (◊.,*фт.-ўз.*) — *қар. Ҳумобу.*

**Ҳимойиддин, Himoyiddin** (*ар.*) — *қар. Ҳумойиддин.*

**Ҳимоят, Ҳимоятхон, Himoyat** (◊.,*ар.*) — муҳофазага, ҳимояга олинган қиз.

**Ҳиндбой, Ҳиндибой, Hindboy** (*ҳинд.ўз.*) — ёввош, беозор, мулойим, мўмин-қобил бола ёки қора бола.

**Ҳиндубой, Hinduboy** (*ҳинд.ўз.*) — *қар. Ҳиндбой.*

**Ҳиндухон, Hinduxon** (*ҳинд.ўз.*) — ёввош, мулойим, одобли қиз.

**Ҳисом, Hisom** (*ар.*) — қилич, шамшир, тиғ. Асли *Ҳисомиддин* (*қар.*). Шакллари: *Ҳисомбой, Ҳисомхўжа.*

**Ҳисомиддин, Hisomiddin** (*ар.*) — диннинг қиличи, шамшири ёки диннинг қиличдек ўткир боласи.

**Ҳисор, Ҳисорбой, Hisor** (*ар.*) — қўрғон, қалъа, истеҳкомдек мустаҳкам бола.

**Ҳифзиддин, Hifziddin** (*ар.*) — динни асровчи; дин муҳофазакори.

**Ҳовва, Hovva** (◊.,*ар.*) — тирик, жонли, ҳаётбахш, ҳаётий.

**Ҳоди, Ҳодий, Hodi** (*ар.*) — тўғри йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга бошловчи; етакчи, йўлбошчи; пир, раҳнамо, муршид. Бу ном Аллоҳи таоллонинг ва Муҳаммад (сав)нинг сифатларидан биридир. Шакллари: *Ҳодибой, Ҳодихон, Ҳодихўжа, Ҳодиқул.*

**Ҳодимат, Hodimat** (*ар.*) — *қар. Ҳодимуҳаммад.*

**Ҳодимирза, Hodimirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳоди* ва *Мирза.*

**Ҳодимуҳаммад, Hodimuhammad** (*ар.*) — Муҳаммад (сав) тўғри йўлга, ислом йўлига бошловчидир.

**Ҳодиса, Ҳодисахон, Hodisa** (◊.,*ар.*) — янгидан туғилган, ўзга, бошқа қиз.

**Ҳодихон, Hodixon** (*ар.-ўз*) — *қар. Ҳоди* (Ҳоди+хон).

**Ҳодихўжа, Hodixo'ja** (*ар.-фт.*) — тўғри йўл, ҳидоят йўлини кўрсатувчи авлиёзода, аслзода.

**Ҳодия, Hodiya** (◊.,*ар.*) — *қар. Ҳоди* (Ҳоди+я).

**Ҳодиқул, Hodiqul** (*ар.-ўз.*) — тўғри йўлга бошловчининг, яъни Аллоҳнинг бандаси.

**Ҳодиқурбон, Hodiqurbon** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган тўғри йўлдан, дин йўлидан борадиган бола ёки Аллоҳнинг қурбони ойида туғилган бандаси.

**Ҳожал, Hojal** (◊.,*қад.яҳ.*) — *қар. Ҳожар.*

**Ҳожалбиби, Hojalbibi** (◊.,*қад.яҳ.*<*ҳинд.*) — *қар. Ҳожарбиби.*

**Ҳожалбу, Hojalbu** (◊.,*қад.яҳ.ўз.*) — *қар. Ҳожарбу.*

**Ҳожалбуви, Hojalbuvi** (◊.,*қад.яҳ.ўз.*) — *қар. Ҳожарбуви.*

**Ҳожалой, Hojaloy** (◊.,*қад.яҳ.ўз.*) — *қар. Ҳожарой.*

**Ҳожар, Hojar** (◊.,*қад.яҳ.*) — тошдек мустаҳкам қиз ёки кўчиб юрувчи, саёҳатчи. Бу ном Иброҳим пайғамбар хотинининг исми бўлган. Шакллари: *Ҳожарбу, Ҳожарбуви, Ҳожарой, Ҳожархон.*

**Ҳожара, Hojara** (◊ .,*қад.яҳ.ўз.*) — *қар. Ҳожар* (Ҳожар+а).

**Ҳожатхон, Hojatxon** (◊ .,*ар.-ўз.*) — зарур бўлган, муҳтож бўлиб кутилган, исталган қиз.

**Ҳожи, Hoji** (*ар.*) — зиёратчи, сиғинувчи, Каъбани (Маккада) зиёрат қилган шахс. Шакллари: *Ҳожибек, Ҳожибиби, Ҳожибека, Ҳожибой, Ҳожихон.*

**Ҳожиакбар, Hojiakbar** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Акбар.*

**Ҳожиали, Hojiali** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Али.*

**Ҳожиаҳмад. Hojiahmad** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Аҳмад.*

**Ҳожиб, Hojib** (*ар.*) — дарвозабон, эшик қоравули ёки тўсилган, пардали.

**Ҳожибола, Hojibola** (*ар.-ўз*) — ҳожилар авлодига мансуб бола, ҳожи фарзанди.

**Ҳожиботир, Hojibotir** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳожи* ва *Ботир*

**Ҳожибоқи, Hojiboqi** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Боқи.*

**Ҳожибуви, Hojibuvi** (◊ .,*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳожи* (Ҳожи+Буви).

**Ҳожибулла, Hojibulla** (*ар.*) — Аллоҳ йўлига бошловчи, исломга бўйсинувчи, художўй.

**Ҳожибурҳон, Hojiburhon** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Бурҳон.*

**Ҳоживали, Hojivali** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Вали.*

**Ҳожигул, Hojiqul** (◊ .,*ар.-фт*) — гулдек гўзал, зиёратчи қиз, ҳожилар оиласига мансуб гулдек гўзал қиз.

**Ҳожидада, Xojidada** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳожи* ва *Дада* ёки ҳожи дадасининг исмини олган бола.

**Ҳожиддин, Hojiddin** (*ар.*) — дин йўлида зиёрат қилувчи, ҳожи.

**Ҳожиислом, Hojiislom** (*ар.*) — ислом дини зиёратчиси ёки *қар. Ҳожи* ва *Ислом.*

**Ҳожикамол, Hojikamol** (*ар.*) — *Ҳожи* ва *Камол.*

**Ҳожикарим, Hojikarim** (*ар.*) — *Ҳожи* ва *Карим.*

**Ҳожикелди, Hojikeldi** (*ар.-ўз.*) — уйга ҳожи меҳмон бўлиб келганда туғилган бола.

**Ҳожим, Hojim** (*ар.*) — *Ҳожимурод, Ҳожимуҳаммад* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Ҳожимамат, Hojimamat** (*ар.*) — *қар. Ҳожимуҳаммад.*

**Ҳожимат, Hojimat** (*ар.*) — *қар. Ҳожимуҳаммад.*

**Ҳожимирза, Hojimirza** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳожи* ва *Мирза.*

**Ҳожимурод, Hojimurod** (*ар.*) — ҳожи етказган орзу, мақсад; ҳожи ато қилган бола.

**Ҳожимуҳаммад, Hojimuhammad** (*ар.*) — *қар.* Ҳожи ва Муҳаммад.

**Ҳожимуҳиддин, Hojimuhiddin** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Муҳиддин.*

**Ҳожин, Hojin** (*ар.*) — *Ҳожиназар, Ҳожиниёз* каби исмларнинг эқ. шакли.

**Ҳожинаби, Hojinabi** (*ар.*) — *қар Ҳожи* ва *Наби.*

**Ҳожиназар, Hojinazar** (*ар.*) — ҳожининг нафаси, илтифоти (назар-эътибори) туфайли туғилган бола.

**Ҳожинафас, Hojinafas** (*ар.*) — ҳожининг мўъжизаси, нафаси туфайли туғилган бола.

**Ҳожиниёз, Hojiniyoz** (*ар.-фт.*) — ҳожидан ўтиниб сўраб олинган бола ёки ҳожининг туҳфаси эҳсони.

**Ҳожинисо, Hojiniso** (*ар.*) — зиёратчи, художўй аёл ёки ҳожилар оиласига мансуб қиз.

**Ҳожиомон, Hojiomon** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Омон* ёки ҳожилар оиласига мансуб ўғил, соғ-омон улғайсин.

**Ҳожипўлат, Hojipo'lat** (*ар.-фт.*) — ҳожилар оиласига мансуб, пўлатдек мустаҳкам бола.

**Ҳожира, Hojira** (◇.,*ар.*) — айнан: тош, яъни тошлоқдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳожираҳим, Hojirahim** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Раҳим.*

**Ҳожираҳмат, Hojirahmat** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Раҳмат.*

**Ҳожираҳмон, Hojirahmon** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Раҳмон.*

**Ҳожисалим, Hojisalim** (*ар.*) — *Ҳожи* ва *Салим.*

**Ҳожисафар, Hojisafar** (*ар.*) — ҳожилар оиласига мансуб ва сафар ойида туғилган бола.

**Ҳожисафо, Hojisafo** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Сафо.*

**Ҳожисиддиқ, Hojisiddiq** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Сиддиқ.*

**Ҳожисоли, Hojisoli** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Соли* (ҳ).

**Ҳожитурди, Hojiturdi** (*ар.-ўз.*) — ҳожилар оиласига мансуб бола туради, яшайди.

**Ҳожиумар, Hojiumar** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Умар.*

**Ҳожиусмон, Hojiusmon** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Усмон.*

**Ҳожихол, Hojixol** (*ар.-фт.*) — ҳожилар оиласига мансуб ва баданида хол билан туғилган бола.

**Ҳожихон, Hojixon** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* (Ҳожи+хон).

**Ҳожихўжа, Hojixo'ja** (*ар.-ўз.*) — хўжалар, аслзодалар оиласига мансуб бўлган бола.

**Ҳожия, Ҳожияхон, Hojiya** (◇.,*ар.-ўз.*) — ҳожилар оиласига мансуб қиз, ҳожилар фарзанди.

**Ҳожиўроз, Hojio'roz** (*ар.-ўз.*) — ҳожилар, оқсуяклар оиласига мансуб бахтли бола.

**Ҳожиқобил, Hojiqobil** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Қобил.*

**Ҳожиқори, Hojiqori** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Қори.*

**Ҳожиқосим, Hojiqosim** (*ар.*) — *қар. Ҳожи* ва *Қосим.*

**Ҳожиқул, Hojiqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳожи* (Ҳожи+қул).

**Ҳожиқурбон, Hojigurbon** (*ар.*) — қурбон ойида туғилган ва ҳожилар оиласига мансуб бола.

**Ҳожиқўзи, Hojiqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳожи* ва *Қўзи.*

**Ҳозир, Hozir** (*фт.*) — ҳимояланган, муҳофазаланган, хавфдан холи. Шакллари: *Ҳозирбек, Ҳозирбой, Ҳозирқул.*

**Ҳозира, Hozira** (◇.,*фт.*) — ҳимояланган, муҳофаза қилинган, асраладиган, хавфдан холи қиз.

**Ҳозиқ, Hoziq** (*ар.*) — моҳир, билмдон, ўз ҳунарининг устаси ёки итоаткор, ёввош.

**Ҳоким, Hokim** (*ар.*) — бошлиқ, ҳукмдор, йўлбошчи. Эҳт.: *Ҳаким* (*қар.*).

**Ҳомид, Homid** (*ар.*) — шукур қилувчи, қаноат қилувчи, сабр-тоқатли. Шакллари: *Ҳомиджон, Ҳомидбой, Ҳомидхон.*

**Ҳомидали, Homidali** (*ар.*) — *қар. Ҳомид* ва *Али.*

**Ҳомиддин, Homiddin** (*ар.*) — динга шукроналар айтувчи, диндан миннат бўлувчи, динга сигинувчи бола.

**Ҳомидхон, Homidxon** (*ар.-фт.*) — шукуроналар айтувчи, сабр-қаноатли ҳамда мартабали бола.

**Ҳомил, Homil** (*ар.*) — айнан: кўтариб юрувчи, элтувчи ёки ҳомул-тахтиравон; тахтиравонни кўтариб юрадиган.

**Ҳомия, Homiya** (◊.,*ар.*) — қўриқланадиган, асраладиган, асраладиган, ҳимоя остига олинган, хавф-хатардан холи.

**Ҳорун, Horun** (*ар.*<*қад.яҳ.*) — айнан: Аарон — тоғлик, ўжар, қайтмас, ёҳуд бой, бадавлат ёки посбон, қоровул, қўриқчи. "Библия" даги Аарон исмининг арабча шакли. Бу ном Мусо пайғамбарнинг катта акаси исми ҳам бўлган.

**Ҳосил, Hosil** (*ар.*) — мева, самара, натижа; фарзанд ёки аниқ, равшан.Шакллари: *Ҳосилжон, Ҳосилой.*

**Ҳосила, Hosila** (◊.,*ар.*) — *қар. Ҳосил* (Ҳосил+а).

**Ҳосилмурод, Hosilmurod** (*ар.*) — эришилган, ушалган орзу, мақсад.

**Ҳосилой, Hosiloy** (◊.,*ар.-ўз.*) — орзуимиз, армонимиз натижаси бўлган ойдек сулув қиз.

**Ҳосилот, Hosilot** (*ар.*) — унум, ҳосил, самара ёки улғайиб ҳосилот (амал) раиси бўлсин, амалдор бўлсин.

**Ҳосилтош, Hosiltosh** (*ар.-ўз.*) — орзуимиз меваси бўлган бола тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳотам, Hotam** (*ар.*) — сахий, қўли очиқ, олийҳиммат. Асли бу исм сахийлиги б-н жуда машҳур бўлган Ҳотами Той арабнинг номидандир ёки ҳотам — йўлбошчи, бошлиқ. Шакллари: *Ҳотамхўжа, Ҳотамшо, Ҳотамқул.*

**Ҳотамтой, Hotamtoy** (*ар.*) — ўта сахий, қўли очиқ. Ҳотам Той номли ўта сахийлиги б-н машҳур бўлган арабнинг исми.

**Ҳотамхон, Hotamxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳотам* (Ҳотам+хон).

**Ҳотамхўжа, Hotamxo'ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар, аслзодалар наслидан бўлган сахий, жўмард бола.

**Ҳотамшо, Hotamsho** (*ар.-фт.*) — *қар. Ҳотам* ва *Шо* (ҳ).

**Ҳотамқул, Hotamqul** (*ар.-ўз.*) — Аллоҳнинг сахий, жўмард бандаси.

**Ҳотиф, Hotif** (*ар.*) — ғойибдан овоз берувчи, чақирувчи. Сол: *Хотиф.*

**Ҳофиз, Hofiz** (*ар.*) — ўз паноҳида сақловчи, асровчи, мана шу маънода бу ном Аллоҳнинг сифатларидан биридир. *Қар. Абдуҳофиз,* шунингдек ҳофиз Қуръонни ёддан ўқувчи, қироатчи ёки ашуласи, куйчи.

**Ҳофиза, Hofiza** (◊.,*ар.*) — хотираси кучли, ёдда сақлашга уста қиз.

**Ҳофизхон. Hofizxon** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳофиз* (Ҳофиз+хон).

**Ҳошим, Hoshim** (*ар.*) — майдаловчи, ушатувчи; нонни ушатувчи, тақсимловчи ёки ҳурматли, ҳурматга сазовор. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг катта ўғли исми бўлган. Шакллари: *Ҳошимбек, Ҳошимжон, Ҳошимхон.*

**Ҳошимали, Hoshimali** (*ар.*) — *қар. Ҳошим* ва *Али.*

**Ҳошимхўжа, Hoshimxo'ja** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳошим* ва *Хўжа.*

**Ҳоширбой, Hoshirboy** (*ар.-ўз.*) — Ҳошир — тўпловчи, жамловчи; уюштирувчи. Эҳт.: *Ҳоширбой, Аширбой, Ашурбой* (*қар.*).

**Ҳошия, Hoshiya** (◊.,*ар.*) — охирги, сўнги, кенжа қиз. Шакллари: *Ҳошиябиби, Ҳошимбу, Ҳошияхон.*

**Ҳуббим, Hubbim** (*фт.*) — "ҳуб" сўзи б-н бошланган исмларнинг эқ. шакли (Ҳуббинисо, Ҳуббимтош) ёки суюклим, азизим.

**Ҳуббимжон, Hubbimjon** (*фт.*) — *қар. Ҳуббим* (Ҳуббим+жон).

**Ҳуббимтош, Hubbimtosh** (*фт.-ўз.*) — суюкли, азиз бола тошдек мустаҳкам бўлсин.

**Ҳуббинисо, Hubbiniso** (◊.,*фт.-ар.*) — аёлларнинг энг суюклиси, мўътабари.

**Ҳуббихон, Hubbixon** (◊.,*фт.-ўз.*) — яхши, суюкли ҳамда баланд мартабали қиз.

**Ҳуббону, Hubbonu** (◊.,*фт.*) — бахтли, қутли, саодатманд ҳамда аслзода қиз. Асли: *Хуббону* (*қар.*).

**Ҳубнигор, Hubnigor** (◊.,*фт.*) — энг суюкли, энг яхши, энг мўътабар дилбар қиз. Асли: *Ҳубнигор* (*қар.*).

**Ҳубчеҳра, Hubchehra** (◊.,*фт.*) — чиройли юзли, соҳибжамол, зебо қиз.

**Ҳувайдо, Huvaydo** (*ар.*) — белгили, ошкора; равшан, аниқ.

**Ҳужжат, Hujjat** (*ар.*) — *қар. Ҳужжатали.*

**Ҳужжатали, Hujjatali** (*ар.*) — Алининг далили, вакили (диний масалаларда).

**Ҳужжатулла, Hujjatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг далили, вакили (диний масалаларда).

**Ҳужума, Hujuma** (◊.,*ар.*) — Шўролар даврида — 20–30-йилларда паранжига қарши кураш (ҳужум) пайтида пайдо бўлган исмлардан.

**Ҳузур, Huzur** (*ар.*) — осойишталик, осудалик; роҳат, фароғат. Шакллари: *Ҳузурбой, Ҳузуржон, Ҳузурхон.*

**Ҳузурхон, Huzurxon** (◊.,*ар.-ўз.*) — осойишта, осуда, фароғатда яшовчи қиз.

**Ҳукминисо, Hukminiso** (◊.,*ар.*) — иродали, фармонбардар, ҳукумдор аёл.

**Ҳукумат, Ҳукумхон, Hukumat** (◊.,*ар.*) — бошқарувчи, бошлиқ, сардор қиз.

**Ҳукумнисо, Hukumniso** (◊.,*ар.*) — *қар. Ҳукминисо.*

**Ҳукумхон, Hukumxon** (◊.,*ар.*) — *қар. Ҳукминисо.*

**Ҳулкар, Hulkar** (◊.,*ўз.*) — толеи Сурайё юлдузидек (Етти қароқчи туркумида) порлоқ бўлсин. Шакллари: *Ҳулкарбой, Ҳулкарой.*

**Ҳулкара, Hulkara** (◊.,*ўз.*) — *қар. Ҳулкар* (Ҳулкар+а).

**Ҳулкарбой, Hulkarboy** (*ўз.*) — толеи Ҳулкар юлдузи каби юксак бўлсин.

**Ҳулкарой, Hulkaroy** (◊.,*ўз.*) — ойдек сулув қизнинг иқболи Ҳулкар юлдузидек порлоқ ва юксак бўлсин.

**Ҳумайра, Ҳумайро, Humayra** (◊.,*ар.*) — Ҳамро, Ҳумро — "қизил" маносидаги исмнинг эқ. шакли. Бу ном Муҳаммад (сав)нинг хотини Ойшанинг лақаби бўлган.

**Ҳумо, Ҳумой, Humo** (◊.,*фт.<паҳл.*) — ҳумо афсонавий қуш бўлиб, унинг сояси тушган одам бахтли ва давлатли бўлади, дейилган ривоят бор ёки жаннат қуши, бахт ва давлат келтирувчи қуш.

**Ҳумогул, Humogul** (◊.,*фт.<паҳл.*) — бахтли, давлатманд ҳамда гулдек сулув қиз.

**Ҳумойиддин, Humoyiddin** (*ар.*) — дин ато қилган бахт, саодат, давлат.

**Ҳумом, Humom** (*ар.*) — қавм (уруғ)нинг бошлиғи, довюрак, жасур одам ёки *қар. Ҳумомиддин.*

**Ҳумомиддин, Humomiddin** (*ар.*) — дин йўлбошчиси, пешвоси, раҳнамоси.

**Ҳумоюн, Humoyun** (*фт.*) — қутлуғ, муборак, ноёб, тенгсиз.

**Ҳумоқул, Humoqul** (*фт.-ўз.*) — Аллоҳнинг бахтли, давлатманд бандаси.

**Ҳунар, Hunar** (*фт.*) — касб, меҳнат, маҳорат, моҳирлик. Эҳт.: *Унар* (*қар.*). Шакллари: *Ҳунарбой, Ҳунаржон, Ҳунарбу, Ҳунархон.*

**Ҳунарбу, Hunarbu** (◊.,*фт.-ўз.*) — ҳунарли, ўз ишига моҳир, меҳнатсевар қиз. Эҳт.: *Унарбу* (*қар.*).

**Ҳур, Hur** (◊.,*ар.*) — жаннат қизи; кўзининг оқи ва қораси ажралиб турадиган чиройли қиз ёки озод, эркин; бахтли, бахтиёр.

**Ҳурали, Hurali** (*ар.*) — бахтли, эркин, озод бўлиб ўссин ва Али ўз паноҳида асрасин.

**Ҳурбатулла, Hurbatulla** (*ар.*) — Ҳурматулла исмининг ўзгарган шакли бўлиши мумкин.

**Ҳурбека, Ҳурбика, Hurbeka** (◊.,*ар.-ўз.*) — беклар, аслзодалар наслига мансуб гўзал, дилбар қиз ёки озод бахтиёр қиз.

**Ҳурбиби, Hurbibi** (◊.,*ар.-ўз.*) — гўзал, соҳибжамол қиз ёки озод, эркин, бахтиёр қиз.

**Ҳурбибиш, Hurbibish** (◊.,*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳурбиби.*

**Ҳурбия, Hurbiya** (◊.,*ар.*) — озод, эркин, бахтиёр қиз.

**Ҳурбой, Hurboy** (*ар.-ўз.*) — эркин, озод, хуррам бола.

**Ҳурбуви, Hurbuvi** (*ар.-ўз.*) — эркин, озод, бахтиёр қиз.

**Ҳурвали, Hurvali** (*ар.*) — Аллоҳга яқин турувчи, бахтли бола.

**Ҳургул, Hurqul** (◊.,*ар.*) — гулдек гўзал пари қиз.

**Ҳуржамол, Hurjamol** (◊.,*ар.*) — парилардек чиройли, соҳибжамол қиз.

**Ҳуржаҳон, Hurjahon** (◊.,*ар.фт*) — дунёдаги энг сулув соҳибжамол қиз ёки оламдаги энг бахтиёр, шодон қиз.

**Ҳуржон, Hurjon** (◊.,*ар.-фт.*) — парилардек гўзал ва азиз, суюкли қиз.

**Ҳурзамон, Hurzamon** (*ар.*) — даврининг озод, бахтиёр ўғли.

**Ҳурзиё, Hurziyo** (◊.,*ар.*) — гўзаллик, кўркамлик нурига йўғрилган қиз, нафосат нурини сочувчи қиз.

**Ҳурзод, Hurzod** (◊.,*ар.-фт.*) — парилар, гўзаллар, бахтлилар наслига мансуб бола.

**Ҳурзода, Hurzoda** (◊.,*ар.-фт.*) — айнан: ҳурлардан туғилган қиз; гўзаллар, бахтлилар наслига мансуб қиз ёки соҳибжамол, дилбар қиз.

**Ҳури, Huri** (◊.,*ар.*) — шодон, хушбахт; гўзал, шаҳло кўзли қиз. Асли: *Ҳуриниса* (*қар.*).

**Ҳуригул, Huriqul** (◊.,*ар.-фт.*) — бахтли, шодон ва гулдек гўзал қиз.

**Ҳурижамол, Hurijamol** (◊.,*ар.*) — жаннат қизлари (парилар) каби гўзал, зебо қиз.

**Ҳуризод, Hurizod** (◊.,*ар.-фт.*) — парилар, гўзаллар насли фарзанди.

**Ҳуринисо, Huriniso** (◊.,*ар.*) — аёлларнинг энг чиройлиси, зебоси, аёлларнинг париси.

**Ҳурихон, Hurixon** (◊.,*ар.-ўз.*) — ҳурлар каби гўзал, баланд мартабали қиз.

**Ҳурия, Huriya** (◊.,*ар.*) — айнан: жаннат қизи; гўзал соҳибжамол қиз.

**Ҳурли, Hurli** (*ар.*) — озод, эркин ёки гўзал, чиройли.

**Ҳурлибой, Hurliboy** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳурли.*

**Ҳурлиқо, Hurliqo** (◊., *ар.-фт.*) — сулув юзли қиз; хушрўй, соҳибжамол қиз, пари қиз.

**Ҳурмамат, Hurmamat** (*ар.*) — *қар. Ҳурмуҳаммад.*

**Ҳурмат, Hurmat** (*ар.*) — қадрли, иззатли, эъзоз эҳтиромга сазовор бола ёки *қар. Ҳурмуҳаммад.*

**Ҳурматбу, Ҳурматбуви, Hurmatbu** (◊.,*ар.-ўз.*) — қадрлашга, иззат-эҳтиромга муносиб қиз.

**Ҳурматой, Hurmatoy** (◊.,*ар.-ўз.*) — қадрли, азиз ва ойдек сулув қиз.

**Ҳурматулла, Hurmatulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг эъзози, ҳурмати, қадри ёки Аллоҳнинг ҳурматига сазовор бола.

**Ҳурматхон, Hurmatxon** (◇.,*ар.-ўз.*) — қадрли, азиз ҳамда мартабаси улуғ қиз.

**Ҳурматхўжа, Hurmatxo‘ja** (*ар.-фт.*) — хўжалар, аслзодалар наслидан бўлган эъзозли бола.

**Ҳурмуз, Hurmuz** (◇.,*фт.<қ.эр.*) — айнан: яхшилик, эзгулик тангриси, Муштарий юлдузи номи ёки Шамсия ойнинг биринчи кунида туғилган қиз.

**Ҳурнабот, Hurnabot** (◇.,*ар.-фт.*) — чиройли ва набот каби ширин, ёқимтой қиз.

**Ҳурпари, Hurpari** (◇.,*ар.-фт.*) — париларнинг энг гўзали, соҳибжамоли, гўзалларнинг гўзали.

**Ҳурпошша, Hurposhsha** (◇.,*ар.-фт.*) — ҳурлар, парилар каби гўзал ҳамда юксак мартабали бола, мўътабар қиз.

**Ҳуррият, Hurriyat** (◇.,*ар.*) — айнан: озодлик, эркинлик; озод, бахтиёр замон фарзанди.

**Ҳурсадаф, Hursadaf** (◇.,*ар.*) — тиш б-н туғилган гўзал қиз ёки садаф каби қимматли, азиз ва эркин, бахтиёр қиз.

**Ҳурсанам, Hursanam** (◇.,*ар.*) — гўзалларнинг гўзали ёки озод, бахтиёр ва кўркам қиз.

**Ҳурсултон, Hursulton** (◇.,*ар.*) — гўзалликда тенгсиз қиз; гўзалларнинг энг аълоси, сардори.

**Ҳуртожи, Hurtoji** (◇.,*ар.-фт.*) — баданида хол (тож) б-н туғилган сулув қиз.

**Ҳурулла, Hurulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг гўзал, эркин, бахтиёр боласи.

**Ҳурхон, Hurxon** (◇.,*ар.*) — баланд мартабали сулув қиз ёки азиз, мўътабар бўлган озод, бахтиёр бола.

**Ҳурчеҳра, Hurchehra** (◇.,*ар.-фт.*) — кўзни қамаштирадиган даражада сулув юзли қиз.

**Ҳурқиз, Hurquz** (◇.,*ар.-ўз.*) — чиройли, зебо қиз ёки озод бахтиёр қиз.

**Ҳурқўзи, Hurqo‘zi** (*ар.-ўз.*) — қўзи каби ўйноқлаб, эркин, қувноқ бўлиб ўссин.

**Ҳусайн, Husayn** (*ар.*) — *Ҳасан* (*қар*) исмнинг эқ. шакли бўлиб, яхши, меҳрибон, сахий; чиройли, гўзал маъноларини англатади. Ҳусайн ибн Али (626–680) исми бўлиб, у Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган ўғли, Муҳаммад (сав)нинг набирасидир. Ҳусайн учинчи шиа имомидир.

**Ҳусайнали, Husaynali** (*ар.*) — *қар. Ҳусайн* ва *Али.*

**Ҳусайнмурод, Husaynmurod** (*ар.*) — Ҳусайн эриштирган орзу ёки Ҳусайннинг туҳфаси, эҳсони.

**Ҳусайнниёз, Husaynniyoz** (*ар.-фт.*) — имом Ҳусайннинг туҳфаси, эҳсони ёки Ҳусайндан ўтиниб сўраб олинган бола.

**Ҳусайнқул, Husaynqul** (*ар.-ўз.*) — имом Ҳусайнга хизмат қилувчи, Ҳусайнга содиқ бола.

**Ҳусан, Husan** (*ар.*) — *қар. Ҳусайн*. Шакллари: *Ҳусанбой, Ҳусанжон, Ҳусанхон.*

**Ҳусанали, Husanali** (*ар.*) — *қар. Ҳусайнали.*

**Ҳусанча, Husancha** (*ар.-ўз.*) — жажжи, кенжатой Ҳусайн.

**Ҳусанқул, Husanqul** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳусайнқул.*

**Ҳусанқўзи. Husanqo'zi** (*ар.-ўз.*) — *қар. Ҳусайнқўзи.* .

**Ҳусн, Ҳусни, Husn** (*ар.*) — *қар. Ҳусниддин, Ҳуснулла.*

**Ҳусни, Husni** (◇.,*ар.*) — чирой, гўзаллик, яхшилик, ёқимтойлик.

**Ҳуснибону, Husnibonu** (◇.,*ар.-фт.*) — гўзал чеҳрали, олийнасаб, аслзода қиз.

**Ҳуснигул, Husniqul** (◇.,*ар.-фт.*) — гулдек гўзал чеҳрали қиз.

**Ҳуснида, Husnida** (◇.,*ар.*) — Ҳусниддин исмига қиёсан ясалган исм.

**Ҳусниддин, Husniddin** (*ар.*) — диннинг чиройи, кўрки ёки диннинг гўзал фарзанди.

**Ҳуснийёр, Husniyor** (*ар.-фт.*) — гўзалликнинг, нафосатнинг йўлдоши, маноси; кўркамлик ёр бўлган бола.

**Ҳуснижамол, Husnijamol** (◇.,*ар.*) — кўркам ҳуснли, соҳибжамол қиз.

**Ҳусникамол, Husnikamol** (◇.,*ар.*) — тенгсиз ҳусн соҳиби.

**Ҳуснимардон, Husnimardon** (*ар.-фт.*) — мардларнинг, эр йигитларнинг чиройлиси, гўзали ёки мардларнинг тимсоли, намунаси.

**Ҳусниобод, Husniobod** (◇.,*ар.-фт.*) — чиройга бой бўлган, чеҳраси очиқ, дилкаш, истараси иссиқ қиз.

**Ҳусния, Husniya** (◇.,*ар.*) — гўзал чеҳрали, зебо қиз.

**Ҳуснора, Husnnora** (◇.,*ар.-фт.*) — баданида нор (қизил хол, белги) б-н туғилган гўзал қиз.

**Ҳуснобод, Husnobod** (◇.,*ар.-фт.*) — *қар. Ҳусниобод.*

**Ҳуснора, Husnora** (◇.,*ар.+фт.*) — ороланган, безанган, зебо қиз; ўзига муносиб бўлган, мос тушган гўзал ҳусн соҳиби.

**Ҳуснулла, Husnulla** (*ар.*) — Аллоҳнинг гўзаллиги, нафосати ёки Аллоҳнинг чиройли бандаси.

**Ҳусом, Husom** (*ар.*) — *қар. Ҳисом, Ҳисомиддин.*

## ИСМЛАР ТАРКИБИДА ДОИМО ТАКРОР ҲОЛДА КЕЛУВЧИ БАЪЗИ СЎЗЛАР МАЪНОСИ

**абди, абду** — қул, ғулом; банда; сиғинувчи, итоат қилувчи.

**бегим** — 1) бек фарзанди, беклар авлодига мансуб, бекзода, шоҳзода; ҳоким, ҳукумдор.

**бегим** — 2) подшоҳнинг хотини ёки қизи; малика, бекзода; хоним, бека, ойим; юксак мартабали, аслзода. Исм таркибида ҳурмат маъносини англатади.

**бек, бег** — 1) ҳукумдор, ҳоким, бошлиқ; ўтмишда махсус мансаблардан бирининг номи.

**бек** — 2) -бек // берк маъносида; мустаҳкам, ҳимоя қилинган; кучли, қудратли.

**бека, бика** — бекнинг хотини ёки қизи; беклар авлодига мансуб аёл.

**биби, би** — юқори синф, аслзодалар авлодига мансуб қиз (аёл); муътабар, баланд мартабали аёл; *бека* (*қар.*), *хоним; ойим* (*қар.*); ўзбек шеваларида она, опа, буви, қайнона, хотин, уй соҳибаси маъноларида ҳам қўлланилади; биби сўзи ўтмишда машҳур туркий аёлларнинг фахрий унвони бўлган. Исм таркибида ҳурмат, эъзозлаш маъноларини англатади.

**бибиш** — Бибиойша, Бибинисо, Бибигул каби исмларнинг қисқарган шакли. *Қар.* ***биби***.

**бобо** — бува, ота ёки онанинг отаси. Баъзан азиз, муқаддас авлиё, пир маъносида ҳам келади. Бобосининг исми берилган, бобосининг исми билан аталган бола ёки бобосидек кўп умр кўрсин маъносини англатади.

**бой, вой** — асли бойлар, бадавлатлар авлодига мансублик; бой-бадавлат, ҳукумрон, жаноб. Исм таркибида болага тўқлик, фаровонлик тилаш, ҳурмат, эҳтиром маъноларида келади. Баъзан фарзандимиз кўпайсин, серфарзанд бўлайлик маъносини ҳам ифодалайди.

**бону** — шоҳлар, султонлар авлодига мансуб аёл; аслзода аёл; ***бека*** (*қар.*), ***хоним*** (*қар.*), ***ойим*** (*қар.*), ***бегим*** (*қар.*); бой-бадавлат аёл. Исмлар таркибида уй бекаси, хонадон эгаси, ҳурмат, эҳтиром маъноларини англатади.

**бува** — ота ёки онанинг отаси (*қар.* **бобо**).

**буви, був, бу** — ота ёки онанинг волидаси, катта эна. Исмлар таркибида бувисининг исми билан аталган қиз ёки бувисидек узоқ умр кўрсин маъноларида келади. Баъзан исмларга анъанага кўра қўшиб айтилади ва ҳурматли қиз, аёл маъноларини англатади.

**бувиш** — қар. ***биби, бибиш.***

**гул** — гулдек кўркам, гўзал; зебо; ҳаёти гулдек яшнаган, обод бўлсин маъноларини англатади. Гул — нафосат, нозиклик, маъсумлик, соҳибжамоллик рамзидир.

**дада** — ота, падар. Исм таркибида дадасининг исми билан аталган бола ёки дадасининг орзуси, армони бўлган бола; дадасига йўлдош, ҳамроҳ бўлиб ўссин маъноларини англатади.

**ёр** — дўст, ўртоқ, ҳамдам, йўлдош. Исмлар таркибида бола отаси онасига ёки ўзидан олинган фарзандларга йўлдош, дўст бўлиб улғайсин ёки Аллоҳ, пайғамбарлар, авлиёлар болани қўлласин, асрасин, унга ҳамдам, ёр бўлсин маъноларини англатади. Баъзи номларда чақалоқнинг қандайдир нарсага, эътиқодга мансублигини, унга бахшида этилганлигини англатади.

**жон** // - **чон** — руҳ, тириклик, ҳаёт. Исмлар таркибида азиз, қадрли; эъзозли, муътабар; ёқимли, ёқимтой маъноларини анг-

латади. Ҳурмат, эҳтиром, эркалаш, суйиш муносабатини ифодалайди.

**зода, -зод** — шундан тарқалган, туғилган; боласи, ўғли, насли.

**зот** — бир бобокалон, бир авлод-аждоддан тарқалган насл; бола.

**мирза** — зиёлилар, қалам аҳиллари; котиб, саркотиб, мунший маъносини англатган. Халқ тилида ўқимишли, саводхон маъноларини англатади.

**мирзо** — амирнинг ўғли, амир авлодига мансуб бола; амирзода, шоҳзода; Амир Темурнинг ўғиллари ва ундан кейинги амирлар ана шундай аталган.

**момо** — буви, бувининг онаси, катта буви; кампир, кекса аёл; доя хотин. Исмлар таркибида бувисининг исми билан аталган қиз, бувисидек, қари кампирдек узоқ умр кўрсин маъноларини англатади. Кўп ҳолда исмларга анъанага биноан қўшилиб айтилади.

**моҳ** — ой; ойдек гўзал, чиройли, ойюзли. Ойдинда, янги ой чиққанда ёки ой тўлишган кунда туғилган қиз.

**мулла** — арабча; мавло (мавла) сўзининг бузилган шакли бўлиб, мадрасада таҳсил кўрган саводхон киши, дин билимдони, уламо. Исмлар таркибида билимли, ўқимишли, саводхон бўлсин; келишган, ёқимтой йигит бўлсин маъноларида келади.

**мурод** — тилак, орзу, мақсад. Исмлар таркибида тилаб олинган, армон қилиб юриб топилган, исталган, хоҳланган бола, мурод-мақсадли бола; туҳфа, совға, илтифот, инъом маъноларини ифодалайди.

**мўмин** — Аллоҳи таолонинг номи (сифати) бўлиб келганда бандалари хавфсизлигини таъминловчи, ҳимоячи, муҳофазакор маъноларини англатади. Исмлар таркибида кўпроқ ишонган, имон келтирган, мусулмон; диндор, итоаткор. Аллоҳнинг қули, содиқ хизматкори маъносида келади.

**назар** — 1) кўз қараш, нигоҳ. Исмлар таркибида эътироф, илтифот, мурувват, шафқат маъноларини англатади. Баъзи исмларда совға, эҳсон, туҳфа тушунчаларини ҳам ифодалайди. Бу ҳолларда Аллоҳнинг, пайғамбарнинг, азиз авлиёларнинг ғамхўрлиги кўзда тутилади.

**назар** — 2) қадимий яҳудийча ўзини худога бағишлаган, художўй, тақводор; ўзини тутиб олган, вазмин, камтарин маъноларини англатади.

**ниёз** — тўрт хил фарқли маъноларга эга: а) ёлвориб, илтимос, илтижолар қилиб юриб эришилган; б) хоҳланган, кутилган, орзу-армон қилинган; в) марҳамат, шафқат қилиб берилган; туҳфа, инъом эҳсон; г) назар қилинган, бахшида қилинган.

**ниса, нисо** — аёл, хотин, хоним, олий мартабали. Бу сўз ўтмишда аслзода ҳукмрон оилага мансуб аёллар исмига қўшиб айтилган.

**нор** — 1) хол, қизил хол; баданидаги туғма қизғиш доғ; хушрўй, чиройли; бахтли, хосиятли хол билан туғилган бола.

**нор** — 2) бир ўркачли эркак туя; қудратли, бақувват.

**нор** — 3) ўт, олов, аланга.

**нор** — 4) анор; баданида анор рангли қизғиш доғ, белги билан туғилган.

**нур** — ёғду, зиё, ёруғлик, равшанлик; бахт, иқбол. Нур сўзи исмлар таркибида Аллоҳи таолонинг, пайғамбарнинг номи (сифат) вазифасида ҳам келади. Бунда борлиги, мавжудлиги ўз-ўзидан аён ва борлиқни ҳам равшан, аён қилиб турувчи (Аллоҳ); нурли, ёруғ, равшан (Муҳаммад) маъноларини англатади. Баъзи қўшма исмларда туҳфа, совға; мурувват, шафқат маъноларини ҳам ифода қилади.

**ой** — аёллар исми таркибида гўзал, чиройли, эркаклар исмида бахтли, толеи баланд маъноларини англатади. Баъзи исмлар таркибида янги ой туққанда ёки ой тўлишган кунда туғилган бола маъноларини ҳам ифодалайди.

**ойим** — олий насиб авлодга мансуб қиз, аёл; ***хоним*** (*қар.*), ***бека*** (*қар.*); ҳурматли, эъзозли; тақводор хонадонга мансуб қиз, аёл.

**охун** — туркийча; оға, жаноб; форсча; худованд, жаноб, художўй. Исмлар таркибида ўқимишли, илмли киши; муаллим маъноларида келади. *Охун* сўзи халқ тилида уйғурларнинг умумий лақабини ҳам англатади.

**почча** — исмлар таркибида ака, оға; қайноға, ота; акасининг исми билан аталган бола маъноларини англатади.

**пошша, почча** — ҳукмрон, шоҳ, подшоҳ. Исмлар таркибида баланд мартабали, қадрли, эъзозли маъносида юксак ҳурмат, эҳтиром маъноларини билдиради.

**саййид** — Муҳаммад (сав) авлодлари, ўша авлодга мансуб пайғамбар авлодининг фахрий унвони. Бу сўз исмлар таркибида аслзода, зодагон, бузург, пешво, бошлиқ, хўжа, муҳтарам, ҳурматли зот маъноларида ҳам келади.

**саид** — бахтли, саодатли, толеи порлоқ; ўсувчи, улғайувчи, юксалувчи; ҳурматли, эъзозга сазовор.

**султон** — шоҳ, ҳукмдор, подшоҳ. Исмлар таркибида юксак мартабали, улуғвор, юксак, толеи порлоқ маъноларини ифода қилади. Баъзи исмларда *султон* сўзи ҳазрати Султон (Аҳмад Яссавий) қабрини ёки бошқа муқаддас қадамжойларни зиёрат қилгач туғилган бола, яъни султонинг туҳфаси, эҳсони маънолари ифода қилади.

**той** — 1) от боласи, тойчоқ. Исмлар таркибида эркалаш, суйиш (тойим, тойчоғим, тойчоққинам) тушунчаларини ифодалайди ва қадрли азиз, қимматли маъноларини англатади.

**той** — 2) ўзбек тилидаги – ли қўшимчасига тўғри келади: Холтой – холли бола; *Анортой* — қизил хол (тамға)ли бола. Баъзи туркий тилларда *той ота, той она* бирикмалари бобо, буви (она томонидан) ўртоқ, ҳамдам маъноларига ҳам эга.

**тош** — исмлар таркибида маҳкам, мустаҳкам, жони қаттиқ бўлсин, яъни яшасин маъноларини англатади.

**тўра** — 1) олий тоифага мансуб, хон, подшоҳ фарзанди; шоҳзода, подшоҳ ўғли; йўлбошчи.

**тўра** — 2) ўтмишда хонлар даврида катта мансабнинг, яъни ҳокимнинг унвони; мансабдор, улуғ мартабали.

**тўра** — 3) Бухоро хонлигида *саййид* (*қар.*)ларнинг унвони бўлган; раҳнамо, сардор маъноларини англатади.

**тўра** —4) одам бўйича келадиган ҳарбий аслаҳа (қалқон)нинг номи. Бу вазифада тўра сўзи муҳофаза қилинган, ҳимояланган маъноларини англатади.

**тўра** — 5) оиладаги учинчи ўғилдан кейинги тўртинчи ўғил. Халқ тилида "тўра бола", "тўралардек йигит бўлсин", "тўрам", "тўра ўғил" каби эркалаш, суйиш иборалари ҳам мавжуд.

**хол, қол** — баданида, тери устида бўладиган қора туғма доғ ёки бўртма; *менг* (*қар.*). Исмлар таркибида холли, холдор бола маъносини англатади. Шунингдек хол гўзаллик, латофат, бахт, омад белгиси (рамзи) сифатида ҳам тушинилади. Баъзи шеваларда хол тоға маъносига эга. Қипчоқ шевалари *қол* шаклида (*Қолбуви, Қолтой — Холбуви, Холтой*) шаклига эга.

**хон, қон** — ҳукмдор, бошлиқ, подшоҳ. Исмлар таркибида улуғ мартабали, эъзозли, обрўли; улғайиб элга бош бўлсин маъноларини англатади. Кўп ҳолда исмга анъанага кўра қўшилади ва ҳурмат, эъзозлаш, суйиш маъноларини билдиради. Хон сўзининг хона, даргоҳ; дастурхон, таом, насиба маънолари ҳам бор.

**хоним, хонум** — юксак мартабали, эъзозли, қадрли; аёллар исми таркибида ҳурмат, эҳтиром муносабатини ифодалайди.

**шайх** — мусулмон руҳонийларнинг олий вакили; тасаввуф йўлининг бошлиғи, йўлбошчиси; устоз, муаллим; билимдон киши, художўй, сўфий, пир, эшон, кекса, қари, мўйсафид. Исмлар таркибида шайхлар оиласига, авлодига мансуб маъносида келади.

**шой** — арабча шойи-шойеъ — ёйилган, тарқалган; машҳур, намоён бўлган; кучли, қудратли. Баъзи шеваларда шой шоҳ сўзининг ўзгарган шаклидир.

**қул** — хизматчи, ғулом, қул; итоатгўй, тобе; сиғинувчи. Бу сўз исмларнинг бош ва охирги қисмига анъанага кўра қўшилади ва асосан, Аллоҳнинг бандаси, қули, мўмин, мусулмон маъноларида келади.

**қўзи** — ёш, жажжи, кичкинтой; азиз, қадрли маъноларида болани суйиш, эркалаш маъноларини англатади. Баъзи номлар таркибида қўйлар қўзилаётган пайтда туғилган бола, соғ улгайиб қўюқўзилари кўп, бой-бадавлат бўлсин маъноларида ҳам келади.

**ҳожи** — Каъбани зиёрат қилган, ҳаж қилган шахс ва мана шундай шахснинг фахрий унвони, лақаби. Исмлар таркиби ҳожилар оиласига, авлодига мансуб бола, ҳожининг фарзанди маъноларини ҳам англатади.

# ЎЗБЕК ИСМЛАРИ ЭТНОГРАФИЯСИ

Исмларнинг изоҳли луғатида киши исмларининг этнографик маънолари холи-қудрат ёритилди. Исмларнинг этнографик маъноси муайян исмнинг пайдо бўлиши, танланиши ва чақалоққа берилишига асос, сабаб бўлган тушунчаларнинг ифодаланишидан иборатдир. Этнографик маъно аслида бирор бир исмнинг юзага келиши учун асос бўлган эҳтиёжни англатадиган сабаб — воқеа ва расм-русмлар, удумлар, кишиларнинг ном орқали изҳор қиладиган истак ва орзулари, тилак ва хоҳишлари ҳақидаги этнографик маълумотлар мазмунидан иборатдир.

Исмларнинг юзага келиши ва берилиши фақатгина маънавий эмас, балки бир қатор моддий, амалий тадбирларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Улар чақалоққа исм бериш пайтида амалга оширилади. Масалан, ўзбекларда *Сотиболди, Соттибой, Сотимбека, Сотқиной, Сотилғон* исмлари бор. Бу исмларнинг пайдо бўлиши чақалоқни "сотиб олиш" удумини адо этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтмишда фарзандлари турмасдан нобуд бўлаверган ўзбек оилаларида "сотиб олиш" одатига катта умид боғлашган. Бу одатга кўра, бола туғилгач хоҳ ўғил, хоҳ у қиз бўлсин, тарозининг бир палласига гўдак, иккинчи палласига озуқа солинарди (бадавлат оилаларда озуқа ўрнига қимматбаҳо нарсалар ҳам қўйилган). Улар оғирлиги тенглаштирилган. Доя хотин билан уй эгаси (боланинг онаси) ўртасида ўша удум билан алоқадор диалогик характердаги гап-сўзлар айтилгач, бола "сотиб олинган" ҳисобланган. Озуқани доя хотин олган, унга яна қўшимча совғалар ҳам берилган.

Ўтмиш аждодларимиз боланинг турли касалликларга чалиниши, ногирон бўлиб қолиши, носоғлом туғилиши, чақалоқларнинг турмасдан бевақт ўлавериши ёки келажакда бахтсиз, омадсиз бўлиши маълум ёвуз кучларнинг, чақалоқ душманларининг иши деб ҳисоблашган. Гўдакнинг душмани деб ҳисобланган бундай ёвуз кучлар хаёлий, афсонавий, баъзи ҳолларда эса моддий (реал) тушунчалар, нарса ва объектлардан иборат бўлиб, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ҳар хил тасаввур қилинган ва номланган. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар: шайтон, дев, алвасти, аждаҳо, пари, азроил, ялмоғиз кампир, жин, инсу жинс, ажина, аяз, чил-

тон, мастон, тулпор, арвоҳлар, ўтган аждодлар руҳи, шайтонлаш, ел қоқиши, хосиятсиз шабада тегиши, жин уриши, пари қоқиши, ёнғоқ тагида ётиб қолиш, хосиятсиз ерда бемаҳалда ухлаб қолиш, фарзандсиз аёлнинг назари (суқи), ёмон хулқли кишиларнинг назари (суқи), кўзи тегиши, кинна кириши, кўзикиш, ичикиш, шайтонлаш, хосиятсиз кийимлар, ота ёки онанинг қандайдир ноўрин ҳаракатлари (гуноҳи), чақалоқ туғилган уй (жой)нинг, қолаверса болага қўйилган исмнинг хосиятсизлиги ёки оғирлик қилиши ва бошқалар.

Кишилар қадим-қадимлардан чақалоқни бундай ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш чораларини ахтаришган. Шу сабабли ота-оналар чақалоқни унинг душманларидан яшириш, ёвуз кучларни алдаш, адаштириш, чалғитиш, иложи бўлса уларни тамоман бартараф қилишнинг турли усул ва чоралари ўйлаб топишган. Булар қисман қуйидагилар:

— Ҳомиладор онани бегона, ёмон кўзлардан яшириш ва сақлаш.

— Чақалоқни чилласи чиқмагунча бегона одамларга кўрсатмаслик.

— Серфарзанд ва кекса аёлларни доя қилиш.

— Ёвуз кучлар чўчийдиган ва яқинлашмайдиган нарсаларни, Қуръон, дуолар, туморлар, нон, пичоқ, саримсоқ, қалампир, хурмонинг дони, кўзмунчоқ, илоннинг калла суяги ёки пўсти, балиқнинг умуртқаси ва бошини чақалоқнинг бешигига ва кийимларига қўйиш ёки осиб қўйиш.

— Чақалоқни бепушт кишиларга кўрсатмаслик ва кўтартирмаслик.

— Болани ёмон хулқли одамлардан эҳтиёт қилиш.

— Боланинг туғилиш ўрнини ўзгартириш — ўзга уйга бориб туғиш.

— Болани бир ой ёки бир йил муддатга бошқа одамга тарбияга бериш.

— Болани бошқа бир аёл эмизиб тарбиялаши.

— Етти оқшом, катта чилла, бўри чилла, сулаймон чироқ, этакка солиш, телпакка солиш, изини кесиш, томдан юмалатиш, қасноқдан ўтказиш, бўри оғзидан ўтказиб олиш, ит кўйлак кийгизиш каби удумларни адо этиш.

— "Кокил қўйиш", "Ҳайдар кокил", "Эргаш кокил қўйиш", "кокил тўйи" каби удум ва маросимларни бажариш.

— "Сотиб олди", "топиб олди" каби расму русумларга амал қилиш.

— Чақалоқни тегишли дуолар, орзу ва олқишлар айтган ҳолда бешикка солиб белаш, бешикдан олиш, исм бериш каби жараёнларни адо этиш.

— Ўқитиб юбориш, дам солдириш, ис чиқариб юбориш, исириқ солиш, кўчириб юбориш.

— Садақа бериш, қурбонлик қилиш, қон чиқариш, азиз жойларни зиёрат қилиш.

— Чақалоқнинг кийимларини, исмини алмаштириш, ётиш жойини ўзгартириш, кечалари чироқ ёқиб қўйиш, кекса ёшли қариндошларнинг эски кийимлари парчасидан чақалоққа кийимлар тикиб кийдириш.

— Аллоҳи таолодан мадад, нажот сўраш.

— Чақалоқ тақдирини пайғамбарлар, халифалар, азиз-авлиёлар, муқаддас қадамжойларга боғлаш ва уларнинг кўмагидан умидланиш.

— Чақалоқни азиз-авлиёлар, шайхлар, эшонлар, пирларга бағишлаш, назир қилиш ва бу орқали уларнинг мурувватига, кўмагига таяниш.

— Муқаддас деб ҳисобланувчи қадамжойлар, қабрлар, тош, булоқ, қудуқ, ғор, дарахтлар ва б.ларга сиғиниб улардан нажот ахтариш.

— "Хосиятли", "хосиятсиз" исмлар мавжуд деб билиш ва чақалоққа муносиб ном танлашга ҳаракат қилиш

— Чақалоққа вақтинча исм қўймаслик.

— Чақалоққа ёмон хулқли, касалманд кишиларнинг исмига ўхшаш исмларни бермаслик.

— Чақалоққа берилган исмни бегоналардан яшириш, сир тутиш.

— Ўтмиш аждодлар (боболар, бобокалонлар, бувилар, момолар) руҳига сиғиниш, улардан мадад сўраш ва б.

Ўзбек тилидаги кўпгина исмларнинг юзага келиши юқорида келтирилган расм-русмлар, удумлар, эътиқод ва тасаввурлар билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, жуда қадим-қадимлардан боланинг соғ бўлиши, яшаб кетиши, келгуси бахти унга қўйиладиган исм билан боғлиқ бўлади деб ҳисоблашган. Бинобарин, чақалоққа муваффақиятли танланган ва берилган ном унинг тақдири, ҳаётига катта таъсир кўрсатади, исм одамнинг руҳияти, тақдирини ўзида мужассам қилади, киши ўз исмига ўхшайди, деб ишонишган. Натижада одамлар "ҳосиятли" ("қутли") ва "ҳосиятсиз", яхши ва ёмон исмлар бор деб ҳисоблашган. Шу сабабли чақалоқнинг турли касалларга чалинавериши ёки оилада болаларнинг турмасдан нобуд бўлавериши, бола баданида турли нуқсонларнинг мавжуд бўлиши, қолаверса фарзанднинг келгувси бахти унинг исмига боғлиқ деб билганлар. Мана шундай тасаввурлар туфайли замонлар ўтиши билан чақалоққа берилувчи исм одамни ўзаро фарқлаш, аташгина эмас, балки уни турли бало-қазолардан асрайдиган, муҳофаза қиладиган, қутқарадиган, инсонга бахтли тақдир, нурли иқбол бахш этадиган воситага айлана

борган. Шу туфайли кишилар қадим даврлардан болага исм бериш ишига ниҳоятда масъулият билан ёндошишган. Шунга кўра ҳам тилдаги барча исмларнинг маълум сабаби, асоси ҳамда ўзига хос этнографик маъноси мавжуддир.

Ота-она ўз фарзандига исм беришда чақалоққа узоқ умр тилаш, боланинг етук, комил инсон бўлиб етишиши ва унинг келгувсида бахтли бўлишини орзу қилади. Мана шу истак ва орзулар болага исм танлаш ва қўйишнинг, бунга оид удумларни адо этишнинг негизини ташкил қилади.

Чақалоққа қўйиладиган исм унинг тақдирига таъсир қилади, исмлар ҳосиятли ва ҳосиятсиз бўлади дейилган тасаввурлар даврлар ўтиши билан исмларни боланинг ҳимоячисига, унга қандайдир боғланган, унга доимо ва бир умр эш, ҳамдам бўлиб юрадиган воситага айлантира борган. Шу тарзда "асровчи исмлар" ёки "ҳимоя номлари" деб юритилувчи номлар гуруҳи юзага келган.

"Асровчи исмлар" мазмунан ижобий, чиройли номлардан ва кўп ҳолда қўпол, хунук маъноли номлардан ташкил топган. Болага хунук маъноли сўзлардан ясалган исмларнинг берилиши чақалоқни ёмон кўзлардан, кўз тегишдан асраш, гўдакнинг душмани бўлмиш ёвуз кучларни чалғитиш, алдаш мақсади билан боғлиқдир. Ўзбек исмлари орасида анчагина "асровчи исмлар" мавжуд бўлиб, уларнинг асосий гуруҳлари қуйидагилардир:

1. Ота-оналарнинг ўз фарзандига соғлик, узоқ умр тилашини ифода этувчи исмлар: *Турсун, Турди, Тўхтасин, Ўлмас, Юрсин, Омонтурди, Турғун, Турғуной, Эргаш, Йўлдош* каби.

2. Ота-онанинг ўз фарзандининг турли касалликларни енгиши, чидамли, иродали, мустаҳкам бўлиб ўсишини орзу қилиб қўйилган исмлар. Бундай исмлар, одатда, мустаҳкамлик рамзи бўлган нарсалар, буюмлар, қурол-яроғлар номидан ясалган бўлади: *Тош, Тошбой, Тошхон, Темур, Темура, Метинбой, Пўлат, Чўянбой, Қиличбой, Ханжара, Қалқонбой, Тешабой, Болтабой.* Шунингдек баъзи исмлар бевосита мустаҳкамлик, иродалик тушунчаларининг номи бўлган сўзлардан ясалади: *Маҳкам, Маҳкамой, Берк, Беркиной* ва б.

3. Яшовчанлик, барҳаётлик, чидамлилик, узоқ умр рамзи бўлмиш дарахтлар, нарсалар номидан ясалган исмлар: *Чинор, Чинора, Садабой, Арчабой, Ёвшан* ва б.

4. Ёқимсизлик, нохушлик, аччиқлик рамзи ҳисобланувчи нарсалар, ўсимликлар номидан ясалган исмлар: *Саримсоқ, Суғонбой, Пиёзбек* ва б. Мана шундай исмлар қўйилса чақалоқнинг душмани, ёвуз кучлар болага яқинлашмайди, ундан нари кетади деб ҳисоблашган.

5. Баъзан атайлаб хунук маъноли номларни қўйишган: *Ёмонбола, Итолмас, Итемас, Касофат, Шағалбой, Сабила* каби. Ки-

шилар бола шундай номланса эътиборсиз бўлади, унга кўз тегмайди деб ҳисоблашган.

6. Исм қадимий диний эътиқодларга асосланиб кўкка (осмонга) — Ой, Кун (Қуёш) ва бошқа осмоний жисмлар қудратига сиғиниш асосида қўйилган: *Ойбуви, Ойхон, Ойқиз, Юлдуз, Ҳулкарой, Чўлпоной, Ойпарча, Ойманглай, Кунхон, Кунбой, Қуёшбек, Ойтўлди, Кунтуғди, Ойтуғди, Тангриберди, Тангриберган* ва б.

7. Кишилар қадимий даврлардан бери баъзи нодир металлар, маъдан, тошлар, масалан, дур, зумрад, олтин, лаъл, марварид, маржон, ложувард, ёқут ва б. чақалоқни касалликлардан, балоофатлардан асрайди деб билишган. Мана шу эътиқодга кўра болаларга (кўпроқ қиз фарзандларга) Дурдона, Дурбек, Зумрад, Гавҳар, Олтиной, Марвад (Марварид), Ёқутой, Маржонбиби, Лаълихон каби исмлар берилган. Кейинчалик бу номлар гўзаллик, нафосат, азизлик, қадр-қиммат маъноларини ҳам ифодалайдиган бўлган.

8. Муқаддас деб улуғланган ҳамда сиғинилган баъзи ҳайвонлар, жонивор, қушларнинг номларидан ясалган исмлар: *Бўрибой, Бўринисо, Бойбўри, Қашқирбой, Шағалбой, Арслон, Йўлбарс, Қарчиғай, Лочин, Бургут* ва б.

9. Баъзи чақалоқлар баданида қандайдир ортиқча белгилар, жисмоний камчиликлар (хол, тож, қизил тамға, ортиқча бармоқ ва б.) билан туғилган. Бу нуқсон ва белгилар болага исм беришда ҳисобга олинмаса улар боланинг соғлигига, ҳаётига, келажак турмушига хавф туғдиради деб тушунилган. Бундай норасидаларни ўз номи билан туғилган бола деб ҳисоблашган ва уларга ўша нуқсонлар, ортиқча белгилар номидан ясалган исмлар қўйилган. Чунончи: *Холбой, Холбиби, Анор, Анорбой, Анорхон, Менгли, Менглибой, Менглихон, Нишонбой, Тожи, Ортиқбой, Тожихон, Норбой, Нортожи, Қўшоқ, Чала, Чалабой, Очил, Очила* ва б.

10. Ота-оналар чақалоққа хавф туғдирадиган ёвуз кучларни чалғитиш, алдаш орқали болани турли касаллик ва хавфлардан сақлаб қолмоқчи бўлишган ва мана шу ниятга хос ҳамда мос исмларни ижод қилишган: *Алдан, Алданбой, Алданой, Алмаш, Алмашсин, Янглиш, Янглишой, Бегона* ва б.

11. Чақалоққа берилган исмни яшириш, уни бошқа қўшимча исм ёки лақаб билан юритиш, баъзан эса болага умуман исм қўймаслик удумлари ҳам болани ёмон кўзлардан, бевақт ўлимдан асрашга қаратилган ҳаракатдир. Чунончи, ўзбек исмлари орасида *Номсиз, Отсиз* каби исмлар учрайди.

12. Диний тушунча ва эътиқодлар билан боғлиқ номдир. Буларга қуйидагилар киради:

а) Аллоҳнинг номи, сифатларидан, уни мадҳ қилувчи тушунчалар номидан ясалган исмлар: *Абдулла, Абдураҳмон, Абдусалом, Абдусаттор, Ҳамидулла, Ҳайрулла, Шамсулла* ва б.

б) Пайғамбарларнинг номлари ва сифатларини билдирувчи сўзлардан ясалган исмлар: *Муҳаммад, Идрис, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Юнус, Исо; Аҳмад, Ҳамид, Маҳмуд, Расул, Наби (й), Комил, Ҳабибулла, Нажибулла, Башир, Мубожир* ва б.

в) Халифалар, баъзи саҳобалар, азиз-авлиёларнинг номларига нисбат берилган исмлар; *Абубакр, Сиддиқ, Умар, Усмон, Али* ва б.

г) Пайғамбарнинг фарзандлари, қариндошлари, яқинлари номидан олинган исмлар; *Фотима, Марям, Ҳадича, Ҳасан, Ҳусан, Зайнаб, Ойша, Сафия, Ҳабиба* ва б.

Баъзи исмларнинг яратилиши ёки танлаши кўп ҳолларда ўша номни танлаган ёки ижод қилган кишилар учунгина маълум бўлади. Бундай исмларнинг кенгроқ доирада, умуммиллий доирада маълум ва тушунарли бўлиши ушбу номнинг кенгроқ тарқалиши, умумудум даражасига кўтарилиши билан боғлиқдир. Лекин баъзи исмлар бир оила доирасида ва бир мартагина қўлланилиб кейинчалик қўлланилишдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Ўзбек тилидаги исмларни қайд қилинган хусусиятларга кўра қуйидаги учта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. **Умуммиллий, умумудум исмлар**. Бундай исмлар ўзбек халқи антропонимияси учун муштарак номлар бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва бу билан боғлиқ маънолар кўпчиликка тушунарли бўлади. Чунончи: *Турсун, Турди, Ўлмас, Ботир, Гўзал, Худойберди, Ҳайитбой* ва б.

2. **Маҳаллий, минтақавий исмлар**. Баъзи исмлар умуммиллий доирада эмас, балки минтақа, ҳудуд доирасида кенг тарқалган ва ўша ҳудуд аҳолиси учун тушунарли бўлиши мумкин. Чунончи, Қашқадарёда *Қўзигул* исми кўп учрайди. Бу исм эрта баҳорда сариқ рангли нозик гул очувчи ўсимлик номи билан боғлиқдир ва "қўзигул" кўкарганда, очилганда туғилган қиз маъносидадир. Баъзи ҳудудларда *Чўтбой* исми мавжуд ва у тешанинг маҳаллий-лаҳжавий номи **чўт** сўзи билан алоқадордир ҳамда Тешабой исмининг синонимидир ва б. Маҳаллий минтақавий исмларнинг баъзилари кейинчалик кенг тарқалиб умуммиллий исмлар доирасига ўтиши мумкин.

3. **Оилавий доирада маълум исмлар.** Бундай исмларнинг юзага келиши, маъноси ўша номни танлаган ёки ижод қилган кишилар доираси учунгина маълум бўлади. Одатда бундай номлар ота-оналарнинг маълум индивидуал ҳохиш-истакларини ифодалайди ёки фавқулодда яратилади. Бу каби исмлар кейинчалик кенг удум бўлиши, кенгроқ тарқалиши туфайли удуммиллий ёки минтақавий маълум номлар қаторига ўтиши мумкин.

Юқорида кўриб ўтилганидек, ўзбек тилидаги исмларнинг аксариятида дунёга келган гўдакни турли хавфлардан ҳимоя қилиш ғояси, нияти мужассамлашган. Шу сабабли бундай исмларнинг юзага келишида қадимий тотемистик, анимистик тасаввурлар,

кўҳна диний ақидалар, сиғинишларнинг бошқа хил кўринишлари, удумлар, кейинчалик эса ислом дини таълимоти билан алоқадор бўлган диний, фалсафий қарашлар, эътиқод ва ишончлар асосий роль ўйнаган.

Айни вақтда ўзбек тилидаги исмларнинг маълум қисми ўзбек халқининг юксак маданияти ва маънавияти, нозик диди, гўзаллик ва нафосатга оид майллар билан боғлиқдир.

Бизнинг кузатишимизча, бундай исмлар 200 ортиқдир. Уларни ясалишига қараб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) гуллар ва ўсимликларнинг номларидан: *Гул, Гули, Лола, Лолагул, Атиргул, Бойчечак, Чечак;*

2) баъзи ҳайвонлар ва қушларнинг номларидан: *Товус, Қалдирғоч, Олмахон, Қундузой;*

3) баъзи қимматбаҳо маъдан ва нарсаларнинг номларидан: *Марварид, Маржоной, Кумишбиби, Олтин, Олтиной, Тиллахон, Ёқутой, Гавҳар;*

4) самовий (космик) объектларнинг номларидан: *Юлдуз, Қуёшой, Офтобхон, Шамсия, Ҳилола, Чўлпоной;*

5) йил, вақт ва фаслларнинг номларидан: *Баҳор, Баҳора, Кўклам, Навбаҳор, Гулбаҳор;*

6) ёруғлик, равшанлик ва нур тушунчаларининг номларидан: *Анвара, Ёрқиной, Мунаввара, Нурия, Равшан, Равшана, Нурлиғоят;*

7) тозалик, софлик, озодалик тушунчаларини ифода қилувчи сўзлардан: *Беғубор, Тиниқой, Тозагул, Покиза, Озода;*

8) баъзи ширинликлар, лаззатли нарсалар номидан: *Лаззатой, Лазиза, Чучукой, Ширин, Шакархон, Қандолатхон;*

9) гўзаллик ва нафосат тушунчаларини англатадиган бир қатор исмлар мана шу тушунчаларни ифода қиладиган сўзларнинг қўшилиши асосида ҳосил қилинади: *Гулхумор, Кунсулув, Нурсулув, Ойкумуш, Заркумуш* ва б.

Шунингдек ҳозирги ўзбек тилидаги 300 дан ортиқ исмларнинг пайдо бўлиши ва болага қўйилиш асосларини исм берувчиларнинг ахлоқий-тарбиявий омиллар билан боғлиқ истак-ҳохишлари ташкил қилади. Булар қуйидаги майллардир:

1. Бола яхши ва муносиб инсон бўлиб улғайиши орзу қилинади: *Яхшибой, Яхшитой, Яхшимурод, Яхшигул, Яхшихон, Яхшиқиз, Муносиб, Муносиба, Аъло, Аълохон, Маъқул, Маъқулой, Мақбулой, Дурусхон.*

2. Бола улғайиб яхши хулқли, ахлоқли инсон бўлишини исташади: *Дилкаш, Мўмин, Мўминтой, Қобилжон, Инсоф, Инсофли, Ҳушминаз, Оқюрак.*

3. Ғамхўр, меҳрибон, олижаноб одам бўлишини ҳохлашади: *Аҳилжон, Меҳри, Меҳрибон, Меҳрихон, Меҳрия, Вафодор.*

4. Фарзанд босиқ, вазмин, камтарин инсон бўлишини орзу қилинади: *Босиқ, Ювош, Сокин, Сокина, Камтар.*

5. Гўдак кучли, бақувват, қудратли, иродали бўлиб ўсишини орзу қилишади: *Бардош, Иродахон, Азамат, Зўрбой, Миқлибой, Забардаст, Паҳлавон, Полвон.*

6. Хушёр, зийрак, тадбиркор, эпчил бўлиб улғайишини хоҳлашади: *Чаққонбой, Жўшқин, Жўшқиной, Илдам, Зийракхон. Моҳир, Моҳира, Чевар, Чевара, Зийрак, Шиддат.*

7. Жасур, мард, довюрак йигит бўлиб улғайишини орзу қилишади: *Ботир, Баҳодир, Жасур, Жасура, Тоймас, Қайтмас.*

8. Адолатли, ҳалол, одил инсон бўлиб улғайиши орзу қилинади: *Тўғри, Тўғрижон, Одил, Одила, Адолат, Чинқул, Чинйигит, Чинқора.*

9. Кенг кўнгил, сахий, саховатли бўлишлиги ифодаланилади: *Танти, Тантибой, Ҳотамтой, Жўмард, Жавод.*

10. Инсонсевар бўлишини исташади: *Анис, Аниса, Улфат, Улфатхон, Шафиқ, Мунисa, Дўст, Дўстбўл.*

11. Комил, мукаммал инсон бўлиши орзу қилинади: *Мукаммал, Муфассал, Мунтазам, Комил, Комила.*

12. Одамлар ҳурмат, эъзоз қиладиган, қадрлайдиган инсон бўлишини хоҳлашади: *Иззат, Иззатой, Икром, Икрома, Ҳурматой, Обрўй, Ардоқ, Эъзоз, Эъзоза, Эътибор.*

13. Таниқли, машҳур, шуҳратли одам бўлсин: *Буюк Буюкхон, Шавкат, Шуҳрат, Машҳура, Ғолиб, Ғолиба, Машъал, Достон.*

14. Ақлли, доно, донишманд инсон бўлиб улғайиши исталади: *Ақл, Ақлбек, Ақлой, Оқил, Оқила, Доно, Доногул, Донохон, Фаҳима, Фикрия.*

15. Билимли, ўқимишли, маърифатли инсон бўлиб улғайиши орзу қилинади. *Олима, Адиб, Адиба, Шоира, Илимдор, Фозил, Фозила, Ориф, Орифа, Мактаб, Маърифат.*

16. Ўз ватани, халқи ва замонасига муносиб инсон бўлиб етишсин деб ният қилинади: *Элсевар, Элўғли, Элёр, Элбек, Элдош, Улус, Улусбек, Ифтихор.*

## ИСМ ВА ФАМИЛИЯ ТАНЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Чақалоққа ном қўйиш, муносиб исм танлаш қадимги даврлардан ота-она, қариндош-уруғларнинг эркин ҳуқуқи бўлган.

Ҳар бир халқ исм танлашда ўз она тилининг сўз бойлиги, имкониятларига таянган. Исм тилда мавжуд бўлган сўзлардан ясалади. Лекин ҳеч бир тилнинг луғавий бойлиги фақат ўзиникидангина иборат бўлиб қолмайди. Муайян ҳудудда қадимдан қўшни бўлиб яшаган уруғ ва қабилалар, элатлар, халқлар турли усулларда ўзаро муносабатда бўлишган. Сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий, диний-этник алоқалар бу халқларнинг тилларига ҳам таъсир этган. Бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг, атоқли отларнинг кириб келиши ва ўзлашиши одатдаги ҳол бўлган. Шу боис ўзбек тилидаги бир қанча исмлар форс тилидан ўзлашган сўзлардан ясалганини кўрамиз: *Дилбар, Дилором, Дилрабо, Равшан, Худойқул, Озода, Баҳор* ва б.

Болага исм қўйишдаги эркинлик номларнинг миллий бойлигидан муайян исмни ихтиёрий танлашда намоён бўлади. Лекин ҳеч бир ота-она ўзи яшаётган муҳит, давр, ижтимоий-иқтисодий шароит, маданий-маънавий турмуш талабларидан тамоман четга чиқиб кета олмайди. Чунки бу омиллар киши исмларининг юзага келиши, ўзгариши ва ривожи учун доимо сезиларли таъсир ўтказиб туради. Чунончи, ибтидоий жамоа ва уруғчилик даврида ижод қилинган туркий исмларда кўпроқ ботирлик, жасурлик рамзи бўлган тушунчалар; чақалоқнинг ҳаёти, унинг соғлиғи, улғайишини орзу қилиш билан алоқадор тасаввурлар; гўзаллик, ўктамлик, чеварлик билан боғлиқ эстетик қарашлар; хўжаликнинг кўп қиррали томонларини ифода этувчи тушунчалар етакчи ўрин тутган. Мана шундай исмларнинг бир қисми ўзбек тилида ҳозирда ҳам сақланиб қолган: *Алпон, Ариғ* (гўзал маъносида), *Арслон, Бургутбой, Йўлбарс, Кумушой, Лочин, Ойариғ, Ойгул, Ойхон, Улгай, Унсун, Тиркаш, Турсун, Тўхта, Эргаш, Эркин, Ўлмас, Қувондоқ, Қоплон, Қанотбой, Юрсин, Юрсиной, Қиличбой* ва б.

Исм танлаш эркинлигининг нисбийлиги, яъни ном бериш одати мафкуравий ва диний ақидалар, анъаналар билан қанчалик боғлиқлиги араблар Туркистонни истило этганлардан кейинги даврларда қўйилиши удум бўлган исмларда ёрқин кўринади. Бу даврга келиб, исм исломнинг турли-туман ғоялари ва ақида-

ларини улуғловчи сўз ва атамалардан, иборалардан танланадиган бўлди. Булар орасида Аллоҳнинг номи, сифатлари ва унга итоаткорликни ифодаловчи иборалардан ясалган исмлар: *Абдулла, Абдували, Абдуваҳҳоб, Абдужаббор, Абдуқодир, Абдуғани, Абдуғаффор, Олломурод, Оллоқул;* пайғамбар ва халифаларнинг, шунингдек азиз-авлиё ва авлиёзодаларнинг исм ва лақаблари: *Муҳаммад, Муҳаммадали, Алиқул, Алишер, Усмон, Усмонали, Умар, Умарали, Муҳаммадумар, Исҳоқ, Сулаймон, Сулаймонқул, Аҳмад, Аҳмадали, Марям, Фотима, Муҳаммадёқуб, Ёқуб, Исмоил, Исо, Муҳаммадисо, Иброҳим, Идрис, Аҳрор, Султонмурод;* замирида диний тушунчалар, ғоя ва ақидаларни англатувчи сўзлар ётган номлар: *Ибодулла, Мўмин, Мўмина, Ибодатхон, Мазлума, Муслим, Муслима, Мусулмон, Мусулмонқул, Муртоз, Авлиё, Авлиёзода, Сайидқул, Шайхиддин, Шариатулла, Қурбон, Рамазон, Мавлуда, Барот, Ашур, Ашурой, Аълам, Маҳсумбой* ва б. асосий ўрин тутади.

Шундай қилиб, чақалоққа исм танлаш биринчи қарашда ҳар бир ота-она, оиланинг шахсий иши, эркин фаолиятига ўхшаб кўринса-да, аслида бу фаолият тарихий даврнинг ғоявий-мафкуравий қарашлари, жамият ва халқнинг умуморзу, интилишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ҳар бир даврнинг исм қўйилишига доир ўзига хос расм-русмлари, одатлари, таянган тушунча ва тасаввурлари мавжуд. Шунга кўра, ҳар бир даврда удум, ирим бўлган муайян исмлар пайдо бўлади. Бундай исмларнинг кўпчилиги  халқ тилида сақланади, кейинги авлодлар учун атоқли от сифатида хизмат қилади.

Исмлар бойлиги турли тилларда миқдоран турли даражададир. Ўзбек тили исмлар мажмуасининг ниҳоятда бойлиги билан ажралиб туради. Исмларнинг миқдоран кўплиги бу тилда шахсларнинг ўзаро фарқлаш, ажратиб аташ имкониятининг кучлилигидан далолат беради. Исмлар, лақаблар, тахаллуслар ва кишини номлашнинг бошқа шакллари она тилининг қимматли, бебаҳо бойлигидир.

Ўтмиш аждодларимиз исмлар бойлигига, болани номлаш, янги бетакрор исмлар ижод қилишга интилиш одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлган, уни асраш ва кўпайтиришга доимо интилган. Биз ҳозирда мана шу муқаддас анъаналарга содиқ бўлмоғимиз керак. Бунинг учун кишиларда исмларга ва умуман номларга тўғри муносабатда бўлиш маданиятини тарбиялашимиз лозим.

Исмларга тўғри муносабатда бўлиш маданияти ёки қисқача қилиб айтганда, номлаш маданияти нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, болага исм танлаш ишига жиддий ўйлаб, иложи борича анъаналарга боғлаб ёндошиш керак. Иккинчидан, кишининг исми шарифи ва ота исмини расмий ҳужжатлар (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ва б.) да тўғри ёздириш лозим. Учинчидан, кишининг исми шарифини аниқ ва тўлиқ айтиш,

тўғри талаффуз қилиш, ўринсиз равишда шаклан бузмасликка интилиш керак. Тўртинчидан, чақалоққа исм танлаганда тилдаги мавжуд, тайёр номлардан фойдаланиш билан бир қаторда янги, диққатни тортувчи, ўзига хос исмлар устида изланиш, яъни янги, бетакрор исмлар ижод қилишга интилиш лозим. Бешинчидан, исмларимизда миллий руҳнинг сақланиши, уларнинг она тилимиз қонуният ва талабларига мос бўлиши учун курашмоқ керак.

Келтирилган талаблар нуқтаи назаридан ёндошиладиган бўлса, кейинги пайтларда исм қўйишда маълум камчиликлар юз бераётганини қайд этиш мумкин.

Ота-она ўз фарзандига муносиб исм танлашга, исмнинг мазмунан гўзал, шаклан чиройли бўлишига интилиши табиий бир ҳол. Бундай исмларда, одатда, холисона орзу-умидлар, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамда эзгу орзулар ўз мужассамини топади. Қизларнинг ҳозирда *Адиба, Адолат, Барно, Баҳор, Бийронхон, Гулнора, Гулсанам, Гулчеҳра, Зебо, Кўркамой, Малоҳат, Муқаддас, Назокат, Чевархон, Ҳилола* каби номланаётгани бунинг ёрқин далилидир. Ҳозирда ўғил болаларга қўйилаётган номларнинг аксарияти ҳам мазмунан теран, шаклан латифдир. Мана улардан баъзи намуналар: *Азамат, Азиз, Анвар, Ақлжон, Бахтиёр, Борбўл, Боймурод, Ботир, Даврон, Далил, Дилмурод, Илҳом, Ислом, Мурోджон, Нурислом, Рустам, Собир, Хуршид, Шавкат, Шербек, Шуҳрат, Элбек, Ўзбек, Ўлмас, Ўринбой, Ўсар, Ўткир, Қутбой, Қутлуғжон, Ҳабиб* ва б.

Чақалоққа кўркам, намунали исмларни танлашга интилиш яхши, албатта. Лекин ўзбекларда исм танлашнинг кейинги пайтларда юзага келган баъзи хусусиятлари, бир ёқламаликка, фақатгина "чиройли", "кўркам" номлар орқасидан қувиб кетиш тилимиздаги исмлар бойлигининг миқдоран камайишига, болани номлаш расм-русмларининг сийқалашуви, тилда бир хил ўхшаш исмларнинг кенг тарқалишига, натижада жамиятда бир хил исм билан аталувчи шахслар сонининг кўпайиб кетишидек салбий ҳолга олиб келди. Масалан, кейинги йилларда *Алишер, Баҳодир, Бахтиёр, Дилбар, Дилором, Нилуфар, Саодат, Санобар, Улуғбек, Фурқат* каби исмларни қўйиш авж олди. Натижада бир маҳаллада, бир мактаб ва бир синфда бир нечта *Алишерлар, Фурқатлар* пайдо бўлди.

Умуман олганда, салбий бўлган бу анъананинг юзага келишида исмлар ва исм қўйиш одатларига шўролар давридаги ҳукмрон мафкуранинг, маълум даражада матбуотнинг аралашуви ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бундай аралашув дастлаб 30-йиллардаёқ юзага келди. Масалан, "Ёрқин ҳаёт" журналининг 1937 йил 9-сонида "Биз топган отлар" сарлавҳаси остида 107 исм рўйхати берилган ва бу номларни ўзбекларнинг ўғил ва қизларига қўйиш учун тавсия қилинган. Бу рўйхатга ўзбек халқи учун анъанавий бўлган

кўп исмлар киритилмагани ҳолда унда *Вансетти, Дарвин, Динамо, Клара, Ким, Лена, Майя, Марат, Марсель, Маузер, Маркс, Офелия, Пушкин, Ринат, Румен, Элеонора, Эльбрус* каби исмлар тавсия этилган. Бундай ҳаракат 1960—1970 йилларга келиб янада авж олди. Ўз тарихида бир неча минглаб исмларни ижод қилган ва улардан атоқли от сифатида фойдаланиб келган халққа бир гуруҳ исмларнигина "яхши ном" сифатида тақдим этиш, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбеклар исми доирасини торайиб кетишидек салбий натижалар ҳам берди. Бугина эмас, энг муҳими, болани номлашда зарурий расм-русмлар, миллий анъана ва талаблар унутилаёзди.

Мана оддий бир мисол. Туркий халқларнинг болага ном бериш одатларига кўра, чақалоққа у мансуб авлод ёки уруғда ҳаёт бўлган кишиларнинг исмлари қўйилмаслиги керак. Чунки ўхшаш исм ўша авлод кишиларини бир-биридан фарқлашга ҳалақит беради. Шу сабабли чақалоққа ном танланганда авлоддаги ҳаёт кишиларнинг номлари бирма-бир эслаб чиқилган ва болага улар исмига ўхшамайдиган ном танланган. Болани мана шу одатга хилоф равишда номлаш, бир авлод фарзандлари орасида (қандайдир эҳтиётсизлик туфайли) ўхшаш исмнинг юзага келиши қариндошлар орасида норозилик ва гинахонликка, ҳатто жанжалларга ҳам сабаб бўлган. Чунки бу ҳол исмнинг олдинги эгасига, унинг ота-онасига, оиласига ҳурматсизлик, ҳаёт кишининг номини "ўғирлаш" деб баҳоланган. Шу сабабли болага қўйилган исм бошқа ном билан алмаштирилган ва йўл қўйилган хатолик тузатилган. Бу одат маълум даражада ота-оналарни янги исмларни ахтаришга, янги номларни ижод қилишга ҳам ундаган. Ҳозирда мана шу ўта фойдали одатга амал қилиш сусайганини, айниқса, шаҳар аҳолиси орасида унутилаётганини кузатиш мумкин. Натижада бир авлод ёки уруғга мансуб болаларнинг ўхшаш, бир хил исмлар билан номланиши учраб турибди.

Замонавий номларни ахтариш, исмларни фақатгина "чиройлилик" мезони билан ўлчаш ўзбек тилида кўп даврлардан бери қўлланиб келган киши номларини "чиройли" ва "хунук", "замонавий" ва "эски" каби гуруҳларга ажратишга сабаб бўлди. Натижала, пайдо бўлишига кўра баъзи расм-русмлар, диний тасаввурлар ва ақидалар билан боғлиқ, шунингдек баъзи маҳаллий халқ шевалари хусусиятлари билан алоқадор исмлар "нозамонавий", "эскирган" номлар деб баҳоланадиган бўлиб қолди. Болаларга бундай номларни қўйиш Ўзбекистон истиқлолидан кейин яна қайта одат тусига кирди.

Баъзан "замонавий", "чиройли" исмлар ҳақида гап кетар экан, тилимизда қадимдан қўлланилиб келган *Тошбой, Болтабой, Темирбой, Ўроқбой, Турдиқул, Тиркаш, Улансин, Қўйсин* сингари номларни тасодифий отлар деб аташ ҳоллари учраб туради. Бу, асли-

да, мазкур исмларнинг берилиш сабабларини билмаслик, ота-оналарнинг бу номлар заминида ётган эзгу ниятлардан бехабарлик оқибатидир.

"Чиройли исм" ва "хунук исм", "замонавий исм" ва "эскирган исм" тушунчаларини илмий жиҳатдан танқидий баҳолаш қанчалик зарур бўлса, "адабий исмлар", "адабий шаклдаги исм", "исмнинг адабий шакли" каби тушунчалар устида ҳам жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади. Умуман тилда маҳаллий хусусиятга эга бўлган у ёки бу шевага мансуб номнинг мавжудлигини инкор этолмаймиз. Масалан, *Нуржов, Қоржов* исмларини *Нурёғ, Қорёғ* деб ўзгартириш ва ёзиш мумкин эмас, чунки бундай "адабий шакл"ни маҳаллий халқ исмлари тизими қабул қилмайди. Зотан, ўзбек исмларининг орасида баъзи маҳаллий тил, оилавий руҳият ва дид билан алоқадор исмларнинг бўлиши табиий ҳол. Буни инкор қилиш ўзбек исмларининг ўзига хос мураккаб миллий руҳини инкор қилишдир.

Юқоридаги мулоҳазалардан ўзбек тилида исмлар соҳасида нимаики бўлса тўғри экан, ҳар қандай номни маъқуллайвериш мумкин экан, деган бир томонлама фикр туғилмаслиги керак.

Ўзбек исмлари орасида баъзи бир танқидий баҳолашга муҳтож бўлган номлар, расм-русм ва одатлар бор. Номларимиз орасидаги баъзи исмлар мазмунан ноқулай, тушунарсиз ва сийқа. Масалан, ўғил болаларга берилган мана бу номларга бир назар солинг: *Ажинбой, Анжирман, Астарқул, Арзон, Асрқул, Афандихон, Банги, Бандабой, Белёзар, Беғам, Боймас, Бойқараш, Бўдиқ, Бўярбой, Девонақул, Дариғо, Жанжал, Жанжалбек, Жонхўроз, Зовурбой, Индамас, Ишқа, Калавот, Кана, Касабий, Кассир, Туркабой, Тўхтак* ва б. Бундай исмлар, афсуски, қизларимиз номлари орасида ҳам учрайди: *Арзон, Бадан, Кунжархон, Кўмачхон, Майхонча, Салқиной, Сансин, Тунтун, Чирмаш, Ҳилпин* ва б. Балки бу исмларнинг ҳам ўзига хос қўйилиш сабаблари бордир. Лекин барибир инсон ҳижолат чекадиган исмларни яхшиси қўймаган маъқул.

Исмлар талаффузига ҳам алоҳида эътибор бермоқ керак. Чақалоққа қўйилган исмни тўғри талаффуз қилмаслик, кўп ҳолда исмнинг бузилган ҳамда ноқулай шаклларга келиб қолиши учун замин ҳозирлайди. Болани унинг номини турли бузилган шаклларга солиш орқали эркалаш бола исмининг бузилган, ўзгарган, қисқарган шаклларини туғдиради. Ҳаттоки исмнинг ноаниқ, қандайдир маъносиз ҳолатга айланишига олиб келади. Ўзбек тилида мана шундай фаолият туфайли юзага келган шундай исмлар ҳам борки, эндиликда уларнинг шаклига қараб аслини тиклаш анча мушкул ва кўп ҳолда мумкин ҳам эмас. Масалан, эркаклар исмидан: *Авақ, Аки, Акир, Аптах, Ачи, Аши, Белибой, Басардик, Бави, Буга, Буда, Будал, Бузон, Бунон, Вадан, Гумир, Ҳарис;* қизларнинг исмларидан: *Бесул, Донжик, Дулган, Жангли, Жумбул, Икима,*

*Иқиба, Какия, Куйсан, Кўкло, Лўкки, Майхар, Шарман, Қиёз, Қизон, Қулзиби, Ҳумарак* ва б.

Исмлар ва уларнинг миллий шаклларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш баъзи ўзбекча номларнинг русча бузилган шаклини "ижод қилиш"да ҳам кўринади. Натижада баъзи ота-оналар ўз фарзандининг, ёшлар эса ўз дўстлари, ўртоқларининг, ака-укалар ёки опа-сингилларининг исмларини *Алик* (Алишер, Аҳмаджон), *Гуля* (Гулнора, Гуландом), *Диля* (Дилбар, Дилором), *Дина* (Динора), *Мая* (Муборак), *Миша* (Муҳаммад, Мажид), *Рая* (Роҳила, Рухсора), *Роза* (Рўзибека, Рўзинисо), *Саша* (Собир, Садриддин), *Эдик* (Эргаш, Эркин) шаклларида бузиб айтишади. Бундай "номбозлик", "номбузарлик" ҳаракати она тилига, қолаверса, рус тилига ҳам ҳурматсизликдир.

Туркий халқлар, жумладан ўзбек исмларига хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, асл туркий исмлардан бир қанчаси ҳар икки жинсга — ўғил ва қизларга баравар қўйилаверади. *Турсун* (ўғил), *Турсун, Турсуной* (қиз), *Юрсин* (ўғил), *Юрсин, Юрсиной* (қиз), *Ўктам* (ўғил), *Ўктам, Ўктамхон* (қиз) каби. Бунга сабаб барча туркий тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам граматик жинс тушунчасининг йўқлигидир. Лекин бу деган сўз ўзбек тилидаги барча исмлар ўғил ва қиз болаларга баб-баравар, фарқсиз равишда қўйилаверар экан, деган маънони билдирмайди. Ўғил болаларга берилувчи бир қанча исмларнинг қизларга, аксинча, бир қатор қизларга хос исмларнинг ўғил болаларга қўйилмаслиги маълум. Айниқса, ўзбек тилига араб, форс-тожик тилларидан кириб келган кўпчилик исмларда бу ҳол яққол кўринади. Тарихий-миллий анъанага кўра, эркаклар исми сифатида сингган номларни қиз болаларга қўйиш ёки бунинг аксини қилиш анча ноқулай бўлиб, кишига эриш туюлади. Лекин баъзи ҳолларда ота-оналарнинг бунга етарли эътибор қилмаётганлиги сезилиб қолмоқда. Натижада қизларнинг баъзи "ўғилбоп" исмлар билан номланганини кўрамиз: *Азамат, Маҳкам, Моҳмирза, Парда, Пўлат, Самадой, Сарақул, Сардорхон, Тулпор, Тўлаган, Тўрахон, Уммат, Шоди, Қудрат, Ҳикмат* ва б.

Қуйидаги "қизларбоп" исмларнинг ўғил болаларга қўйилгани ҳам қулоққа бир оз эриш туюлади: *Анзират, Бахмал, Бахтинур, Бўстон, Гулжон, Гулбой, Жамолхон, Жаннат, Жонон, Жононқул, Зебо, Зебохон, Зайнаб, Зилол, Зилолбой, Каромат, Луъбат, Мунаввар, Муаззам, Муборак, Мусаллам, Мушарраф, Муяссар, Нургулшан, Райҳон, Сабо, Саври, Сафсар, Чаман* ва бошқалар.

Ўзбек тилига ўзга тиллардан оддий сўзларгина эмас, балки атоқли отлар ҳам кириб келди. Ҳозирги ўзбек тилидаги бир қанча исмлар асли арабча ёки форс-тожикча, қисман мўғулча номлардир. Ўзга миллатлар исмига тақлид қилиш бизнинг давримизда ҳам юз берди. Натижала ўзбек исмлари орасида жаҳоннинг

турли тилларига мансуб номлар пайдо бўлди. Мана уларнинг баъзи намуналари: *Бернора, Берта, Венера, Виктория, Гагарин, Зоя, Идия (Идея), Клара, Майя, Марат, Маузер, Московбой, Тельман, Темза, Элеонора, Элмира, Эльбрус, Эрнст, Флора, Фидель* ва б.

Бу исмлар 30—40-йилларда, кейинчалик урушдан кейинги даврда анча удум бўлган эди. Ҳозирда бундай исмлардан чекиниш кузатилмоқда ва тўғри қилинмоқда. Бунга сабаб бу номлар ўзбек тили исмларининг миллий руҳига унчалик сингиб кета олмади ва улар замирида, асосан, маълум даврда ҳукмронлик қилган сиёсий-мафкуравий қарашлар ётар эди.

Болага исм танлаганда фақатгина хоҳиш-истак, орзу-умид, айниқса мафкуравий қарашларга таянишнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки танланаётган исмнинг айтилиши ва ёзилишининг, ундан фамилия ва ота исми ясашнинг қулайлигига ҳам эътибор бериш зарур.

Ўзбекларда ўтмишда кишини аташнинг қандай тарихий, лисоний анъаналари, муайян норматив шакл ва усуллари бўлганини билиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шунинг учун бу масалага қисқача тўхтаймиз.

Ўтмишда ўзбекларда фамилия ва ота исмлари оммавий удум бўлмаган, шу сабабли кишини унга қўйилган номи билан аташган ва чақиришган: *Турсун, Унсун, Турдибой, Эшқуввват* каби. Оддий халқ орасида кишини унинг исми ва лақаби билан ёки исми ва уруғи номи билан аташ ҳам кенг тарқалган эди: *Раҳим чўлоқ, Назар қовоқ, Карим полвон, Давлат қора, Тўхтасин барлос, Худоёр манғит, Қулмат қипчоқ, Эшдавлат кенагас* каби. Айниқса, киши исмига авлодий-анъанавий унвонлар ва нисбатлар номини,касб-кор, мансаб, машғулот номи сингариларни, шунингдек шахс мансуб уруғ, авлод ва сулола номини ифода қилувчи атамаларни қўшиб айтиш ва мурожаат қилиш кенг удум бўлгани маълум: *Бобур мирзо, Абдуллахўжа, Ёдгор эшон, Бекўғли додҳо, Султон тўқсоба, Қилич девон, Муроджон тўра, Абдулла юзбоши, Қўчқор ўнбеги, Тошмат уста, Эшқул темирчи, Муҳаммад мироб, Турди чилангар, Худойқул мешкоп, Худоёр манғит, Бекўғли бағрин, Турдибой сарой* ва бошқалар.

Тарихда кишини номлашнинг шахс қайси бир авлодга, сулолага тегишли эканини, кимнинг ўғли ёки қизи эканини кўрсатувчи арабча усул ва шакллари ҳам мавжуд бўлиб, бу усул асосан юқори табақа вакиллари, зиёлилар орасида удум эди: *Муҳаммад Шариф бинни Муҳаммад ибн Касир ал Фарғоний* каби. Лекин бундай шаклларда аташ усули кенг халқ оммасига сингмаган, оммавий-миллий удум даражасига кўтарила олмаган.

Шахсни номлашнинг ўзбекларда оммалашган усулларидан бири ота исмидан кейин **"ўғли", "қизи"** сўзларини келтиришдир: *Ботирқул Қорабой ўғли, Эшбўлсин Турдиқул ўғли, Манғитой Тошпўлат қизи* каби.

Кишини унинг отаси номига ишора қилиб аташ кўпгина туркий халқларда, жумладан ўзбеклар орасида жуда қадимдан тарқалган эди. Қадимий туркий ёзма ёдномалардан "Урхун-Енисей" ёзувлари тилида *Байна Сангнун ўғли Қулуғ, Учин Қулуғ Тириг ўғли Қулуғ* каби аталишлар учрайди. Бу усулда номлаш кейинги даврларда ҳам расм бўлди. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида *Ҳамза Султоннинг ўғли Мамақ Султон, Қул Боязиднинг ўғли Тезак кичик, Хожа Ҳусайнбекнинг қизи Улуғ оға, Муқимийнинг қизи Моҳчучук* сингари аташ кўплаб учрайди.

XX асрнинг бошида 20—30-йилларда ўзбекларнинг фамилиялари асосан, *Аҳмад Фозил ўғли, Ҳакима Фозил қизи* тарзида юритилган. Шунингдек бу даврда зиёлилар орасида қисман **зода** (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Турғун Шарифзода), **ий, вий, ия, вия** (Абдулла Қодирий, Абдулла Алавий, Мирзакалон Исмоилий, Музайяна Алавия) қўшимчалари орқали исм-фамилия, тахаллуслар ясаш ҳам одат бўлган; баъзида қўшимчаларсиз ҳам қуйидаги шаклда аталган: *Парда Турсун, Султон Жўра, Салим Карим, Мажид Усмон, Ҳотам Икром, Илёс Муслим.*

30-йилларнинг ўртаси ва 40-йилларга келиб, ўзбеклар ҳам расмий равишда русча шаклдаги фамилия ва ота исмларига ўтказилди. Натижада кейинги даврларда ота ёки бобо исмидан **-ов (-ова), -ев (-ева)** қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинган фамилиялар ўзбекларда муайян одат тусига кирди. Ўзбекларнинг ота исмига эга бўлиши урушдан кейинги даврда, айниқса, 50-йиллардан эътиборан доимий ва расмий тус олди. Ота исм ота номига *-ович, -евич, -овна, -евна* қўшимчалар қўшиш йўли билан ясалди. Мана шу кейинги усул ўзбекларнинг расмий номлари учун қоида қилиб олинди ва фамилия ёки ота исми ясашнинг бошқа барча миллий-маҳаллий шаклларини расмий равишда ёзиш ман қилинди. Бу қоидага ЗАГС, яъни Фуқаролик ҳолатларини қайдлов ҳужжатлари (ФҲҚҲ) идоралари, паспорт бўлимларида қатъий амал қилиб келинди. Натижада ҳозирги ёш авлоднинг расмий номлари уч қисм (исм, фамилия ва от исми)дан иборат бўлиб қолди.

Ўзбекларнинг фамилия ва ота исмларини миллий шаклларда ёздириш истаги истиқлолга қадар расмий жиҳатдан инкор қилиниб, тан олинмасдан келинди. Мустақиллик даври мана шу асоссиз ва адолатсиз тўсиқларни бартараф қилди ва кишиларга фамилия ва ота исмини, уларнинг шаклини эркин танлаш ҳуқуқини берди. Ҳозирда кўпгина кишилар ўзларининг ва фарзандларининг фамилия ва ота исмларини ўзгартириб ёзиб беришни илтимос қилиб ФҲҚҲ ва паспорт бўлимларига кўплаб мурожаат қилишмоқда. Бу масалада ҳар бир шахснинг, ҳар бир оиланинг ўз нуқтаи назари, унинг ўзигагина ёқадиган ва маъқул ном шакли бўлиши мумкин.

Ўзбеклар эндиликда ўз номларини шахсий ҳужжатларда хоҳлаган шаклда ёздиришлари мумкин. Чунончи, ҳужжатда кишининг фақат исмигина қайд этилиши мумкин: *Абдулла, Саъдулла, Турсун* каби. Ном исм ва фамилиядан иборат бўлиши мумкин: *Асомов Суннатулла, Ўринбосарова Муҳаббат* каби. Ном исм, фамилия ва ота исмидан иборат бўлади: *Холматов Эшмурод Давлатович, Бойбўриева Дилфуза Неъматовна* каби. Ном, агар киши шуни хоҳласа, исм у билан биргаликда келувчи лақаб (қабила ва уруғ номи, унвонлар)дан иборат бўлиши мумкин: *Абдулла найман, Хушбоқ қипчоқ, Давлат хўжа, Акбар мирза* каби. Исмнинг бундай қўшимча қисмлари баъзан номнинг олдида келади: *Мулла Баҳром, Мирза Тоштемир, Уста Ширин* ва б. Ном **"ўғил"**, **"қизи"** сўзлари, **"зода"** қўшимчаси ёрдамида шаклланади, бунда у тўлиқ маънодаги фамилия эмас, балки ота исмига тўғри келади. Демак, киши исм ва ота исми билан аталган бўлади. Шунингдек, баъзи ҳолларда *Сайфулла Абдулла ўғли Латифий, Неъматулла Турдиқул ўғли Жалоирий* сингари номланишларни қўллаш мумкин. Бунда номнинг охирги қисми фамилия вазифасини эслатади.

Ўзбеклар русча шаклдаги фамилияларга ўтиши ота-онанинг, бир оилага мансуб фарзандларнинг, невaралар ва эвараларнинг кейинги даврда битта фамилия атрофига бирлашишига олиб келди. Бунда фамилия учун асос бўлган ном бобонинг ёки бобосининг отаси (катта бобо) нинг исмидир. Боланинг ўз отаси исми эса ота исм ясаш учунгина асос бўлмоқда ва натижада ота исм фақатгина ўша фарзандларнинг ҳужжатларидагина қайд этилади, авлоддан-авлодга ўтмайди. Баъзи кишилар ўз отасининг исмидан ясалган фамилияга ўтишни хоҳлашади. Аммо шу вақтгача қалар қабул қилинган расмий қоидага кўра, бунга йўл қўйилмас эди. Эндиликда мустақиллик даври бу таъқиқни ҳам бузишга ҳуқуқ беради. Фамилия фуқароларнинг хоҳишига кўра ҳар сафар ота исмидан янгитдан ясалиши ҳам мумкин. Борди-ю, биз "ўғли", "қизи" деб номлаш усулига ўтсак, бола ҳар сафар ўз исми ва ўз отасининг номи билан юритилиши мумкин. Чунончи *Тошбой Эшмурод ўғли, Ўринбой Тожибой ўғли* каби. Бунда авлоддан-авлодга ўтиши шарт бўлган ўзгармас ном ҳисобланган фамилия барҳам топади.

Мусулмон одам 7 авлодини билиши керак деган гап бор. Шундай экан, фамилия сулолани ифодалаб, авлодни билишда анча қўл келади. Шунинг учун фарзанд дунёга келиб, ҳужжатни расмийлаштириш пайтида, бизнингча, фамилия ясашнинг русча анъанавий шакли сақлангани ҳолда ота исми ясашга миллий тус бериш маъқулдир. Яъни ота номидан ота исми (отчество) ясалади, фамилия эса турғун, авлоддан-авлодга ўтадиган ном бўлиб сақланиб қолади. Масалан, *Абдуллаев Илҳом Иброҳим ўғли*. Бу шакл билан эр-хотиннинг фамилияси тартиботини ҳам ҳозиргача жо-

рий бўлиб келинган тартибда сақлаб қолиш имконияти бўлади. Қардош туркий халқлардан баъзиларида, масалан, озарбайжонларда шундай шакл анча йиллардан бери қўлланиб келинади.

Фамилия ва ота исмлари соҳасида миллий шаклларга ўтишни ҳозиргача қўлланиб келинган русча шакллардан тамоман воз кечишдан иборат деб тушуниш бир ёқламалик бўлади. Кимки русча шаклда ясалувчи фамилия ёки ота исмида қолишни истаса, бу унинг ихтиёри ва фуқаролик ҳуқуқи. Буни ҳисобга олиш ФҲҚҲ ва паспорт бўлимлари ходимларининг бурчидир.

Туғилганлик гувоҳномаларида, паспортлар ва бошқа хил расмий ҳужжатларда анъанавий шаклларда расмийлашган ёки хато ёзилган исми шарифлар анчагина. Бундай ҳужжатларнинг эгалари ҳозирда бу нуқсонларни тузатиш ташвишига тушишган. Фуқароларнинг бу масаладаги хоҳишларини (агар уларнинг талаблари тўғри бўлса) бажо келтириш зарур. Лекин бизнинг назаримизда олдинлари анъанавий русча шаклларда ясалган ва ёзилиб қолган фамилия ва ота исмларининг ясалиш шаклини тамоман ўзгартириш ёки бошқа шаклларда қайтадан ясаш масаласи расмий ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлар ва ортиқча оворагарчиликлар билан боғлиқлигини ҳисобга олишга тўғри келади. Шу сабабли фуқароларнинг ҳозирга қадар русча шаклда ясалиб ва ёзилиб қолган фамилия ва ота исмлари ҳужжатларда ўз шаклида қолавергани маъқул. Фамилия ва ота исмларини янги шаклларда ёзиш ишини энди туғилаётган ёш авлоднинг номларидан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Исми шарифлар билан алоқадор муаммоларнинг ҳал бўлиши кўп жиҳатдан ФҲҚҲ идоралари, қишлоқ кенгашлари йиғинлари ва паспорт бўлимларида номларни расмий ҳужжатларда қайд қилувчи кишиларнинг мутахассислик малакаси ва имловий савиясига боғлиқ. Улар фуқароларнинг исми шарифларини қайд қилиш ва тўғри ёзишда оқилона иш тутишлари, ўз шахсий мулоҳазаларига ёки баъзи нотўғри маълумотларга ёпишиб олмасликлари лозим. Фуқароларнинг бу масаладаги истаклари, илтимос ва талабларига эътиборли бўлиш ва лисоний-ҳуқуқий жиҳатдан тўғри иш тутиш керак.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Атаниязов С., Атын нэме, Ашгабат, 1978.

Атаниёзов С., Туркмен адам атларынын душундиришли сөзлуги, Ашгабат, 1992.

Баскаков Н.А., Русские фамилии тюркского происхождения, Москва, 1979.

Гафуров А., Рассказы об именах, Душанбе, 1968.

Гафуров А., Лев и кипарис, Москва, 1971.

Гафуров А., Имя и история, Москва, 1987.

Жанузаков Т., Тайны имен, Алма-Ата, 1974.

Кусимова Т., Бошкорт исемдэре, Офе, 1976.

Менажиев Я., Азаматов Х., Абдураҳмонов Д., Бегматов Э., Исмингизнинг маъноси нима? Тошкент, 1968.

Петровский Н.А., Словарь русских личных имен, Москва 1966.

Саттаров Г.Ф., Татар исемнэре сузлеге, Казан, 1981.

Суперанская А.В., Происхождение и значение некоторых имен, В кн.: Справочник личных имен народов СССР, Москва, 1979.

Фотеҳ Абдулла, Номнома, Душанбе, 1972.

**«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»**

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида тузилиб «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида нашр этилаётган 5 ж. ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» аввалги, 2 ж.ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилгандан (1981) кейинги даврда, айниқса, республика мустақиллиги йилларида ўзбек тили луғат таркибида рўй берган ўзгаришларни акс эттирувчи, лексикографиянинг энг янги ютуқларига асосланиб яратилган луғатдир. Бир умумий луғавий маънога эга бўлган сўз шаклларидан асосийсини бериш, қолганларини эса, маънода муайян силжиш, ўзгариш бўлмаган ҳолларда бермаслик; аввалги луғатда «эскирган», «диний» каби белгилар остида берилган (ёки умуман берилмаган) тарихий, этнографик, диний терминларга янгича ёндашув; ўзбекча ёки умумтуркий лексикадан бошқа (арабча, форсча, байналмилал, русча ва б. тилларга мансуб) сўз ва терминларга мумкин қадар тўлиқ этимологик маълумот бериш кабилар ушбу луғатнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Луғат ҳоз. ўзбек адабий тилида нисбатан кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, жумладан, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни қамраб олади.

Изоҳли луғатнинг 1- ва 2-жилдлари 2006 йилда нашрдан чиқди. Қолган жилдлари 2007 йил мобайнида ўқувчилар қўлига тегади.

БЕГМАТОВ Эрнст Азим ўғли

**ЎЗБЕК ИСМЛАРИ МАЪНОСИ**

(изоҳли луғат)

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2007

| | |
|---|---|
| Махсус муҳаррир | **Раҳима Шомансурова** |
| Рассом | **Асомиддин Бурҳонов** |
| Бадиий муҳаррир | **Асқар Ёқубжонов** |
| Техник муҳаррир | **Мирзиёд Алимов** |
| Мусаҳҳиҳалар | **Феруза Шамсиева, Дурдона Худойберганова, Офтоб Умархўжаева** |

2007 й. 10.01 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x90 $^1/_{16}$
38.0 шартли босма табоқ. 35.8 нашриёт-ҳисоб табоғи.
Адади 5000. Баҳоси шартнома асосида. № 07-509-буюртма.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.